



«KAMOLOT»  
KUTUBXONASI

Александр  
Дюма

# Граф Монте-Кристо

*Уф қалъасининг  
махбуси*

*Биринчи китоб*

Александр  
Дюма



«KAMOLOT»  
KUTUBXONASI

# Граф Монте-Кристо

*Ифтихоринома  
шарҳи*

*Биринчи китоб*



*Иккинчи нашр*



ЯНГИ АСР АВЛОДИ  
ТОШКЕНТ  
2017

**УЎК: 821.512.133 – 3**

**КБК: 84(4Фр)**

**Д-95**

**Дюма Александр.** Граф Монте-Кристо. (Иф қалъасининг маҳбуси). Роман. Русчадан Т.Рустамов тарж. Биринчи китоб. –Т.: «Янги аср авлоди», 2017. – 752 б.

ISBN 978-9943-27-374-0

Бу китоб – кўшлар кутган дурдона. У жаҳон адабиётидаги энг сара асарлар рўйхатига киради. Гарчанд “Граф Монте-Кристо” яратилганига бир неча асрлар ўтган бўлса-да, ундаги улуғвор ғоялар, ўлмас туйғулар, орзулар ва армонлар талқини сира-сира ўз аҳамиятини йўқотмайди. Асардаги қаҳрамонлар, уларнинг ҳаёти, кечинма ва кечмишлари, воқеалар занжири ўқувчини китобга ипсиз боғлаб қўяди. Айниқса, бош қаҳрамон Эдмон Дантеснинг узоқ йиллик уқубатлари, ана шу йиллар самараси ўлароқ, ўзгача инсон бўлиб етишиши, бир вақтлардаги жабр-ситам учун интиқом курашига киришиши бугунги кун ўқувчиси учун ҳам бирдек мароқли.

“Граф Монте-Кристо”ни кўшлар интиқ кутаётганининг боиси шундаки, ушбу китоб ўзбек тилида чиқарилганига қирқ йилдан ошди. У дунё адабиёти хазинасидан ўрин олган бўлса-да, эҳтимол ҳажми катталиги боис, бизда бошқа чоп этилмаган. Нашриётимиз кўп сонли китобхонларнинг талаб-истакларини инобатга олиб, мазкур ишга қўл урганнинг боиси ана шунда.

Марҳамат, ўсмирлик ва улуғворлик, эзгулик ва жаҳолат, нафс йўлидаги талотўплар, кимсасиз оролдаги надоматлар, қасосга ундаган турфа саргузаштлар оламига ошно бўлинг, муҳтарам ўқувчи!

**УЎК:821.512.133–3**

**КБК 84 (4Фр)**

Рус тилидан  
Тўлқин РУСТАМОВ  
таржимаси

ISBN 978-9943-27-374-0

© Александр Дюма, «Граф Монте-Кристо» (Иф қалъасининг маҳбуси). Иккинчи нашр. «Янги аср авлоди», 2017 йил.



# Биринчи Қисм





## I. МАРСЕЛЬ. ТАШРИФ

1815 йилнинг йигирма еттинчи февралида Норт-Дам дела-Гард қалъасининг соқчиси уч мачтали «Фараон» номли кема яқинлашиб келаётганини хабар қилди. Бу кема Смирна, Триест ва Неаполдан келаётган эди.

Порт лоцмани ҳар галгидек дарҳол гавандан чиқди-да, Иф қалъасини ёнлаб ўтиб, Моржион буруни билан Рион ороли ўртасида келиб кемага чиқди.

Муқаддас Ионна қалъаси майдони бир зумда синчков томошабинларга лиқ тўлди. Бу одат бўлиб қолган, чунки Марселга бирор кема, хусусан қадимий Фокеяда қурилган, жиҳозланган ва юкланган, маҳаллий арматорлардан<sup>1</sup> бирига тобе бўлган «Фараон»га ўхшаш кема келиб қолгудек бўлса, бас, бу бир кутилмаган ҳодиса ҳисобланади-ю, оломнинг бутун диққат-эйтиборини жалб этади-қўяди.

Кема тобора яқинлашиб келяпти, у бир замонлар Каласарен ва Жарос ўртасида вулқон ларзаси оқибатида пайдо бўлган бўғоздан эсон-омон ўтди-да, Пометдан айланиб келаверди. У негадир елканларини ҳалпиллатганча жуда секин ва ғамгин сузар, бу ҳолдан эрмакталаб одамлар, нима бўлдийкин, кема бирор бахтсизликка учрадимикин, деб ўйлаб, ташвишланишарди. Бироқ билағонлар кеманинг ўзига зарар-заҳмат етмаганини, туппа-тузук сузиб келаётганини, лангар ташлашга тайёр эканини, «Фараон»ни тор йўлдан Марсель гаванига олиб киришга тайёрланаётган лоцман ёнидаги ёш йигит кема ҳаракатларидан кўзини узмай, лоцманнинг ҳар бир буйруғини такрорлаб, ғоз турганини аниқ кўриб туришарди.

Ҳаммадан ҳам кўпроқ ўринсиз ташвишга тушган бир томошабин кеманинг портга киришини кутиб ўтирмай, ир-

---

<sup>1</sup> Арматор – кема эгаси.

ғиб қайиққа тушди-да, «хайда, «Фараон» томонга», деб қичқирди ва Резерв кўрфази қаршисида кемага ёндашди.

Буни кўрган ҳалиги ёш денгизчи лоцман ёнидан жилиб, шапкасини бошидан олди-да, кема четига келиб тўхтади.

Бу ўн саккиз-йигирма ёшга кирган, қадди-қомати суқсурдай гўзал, қора кўз ва қора соч ўспириннинг бутун вужудида болалик чоғлариданоқ хавф-хатарларга қарши қурашга одатланган кишиларга хос хотиржамлик ва қатъият акс этиб турарди.

– Ия! Сиз экансиз-ку, Дантес! – қичқирди қайиқдаги киши. – Узи нима гап? Нечун кемадагиларнинг ҳамма хо-муш кўринади?

– Бахтсизлик юз берди, жан... Лоррель, жуда оғир бахтсизлик! – жавоб қилди ўспирин, – айниқса мен учун жуда катта бахтсизлик: Чивита-Векки олдида машхур ёқимтой капитанимиз Леклердан жудо бўлдик.

– Юк-чи! Юк нима бўлди? – сўради корчалон.

– Юклар бус-бутун келди, сиз бундан албатта мамнун бўлурсиз, деб ўйлайман... Бироқ бечора капитан Леклер...

– Қандай балога дуч бўлди у? – сўради корчалон анча хотиржамлик билан. – Нима бўлди шонли капитанимизга?

– Дунёдан ўтди у.

– Кемадан йиқилиб тушдимми?

– Йўқ, асаби бузилиб, ниҳоятда қийналиб ўлди, – деди Дантес.

Сўнг экипажга ўгирилди-да, қичқирди:

– Ҳой йигитлар! Ҳамма ўз жойида турсин! Лангар ташлансин!

Саккиз ёки ўн матросдан иборат экипаж итоат қилиб, бири елканбоққа, иккинчиси сим арқонга, учинчиси яна бошқа нарсага ёпиша кетди.

Ёш денгизчи уларни бир зум кўздан ўтказди-да, буйруқ бажарилаётганини кўриб, яна ҳамсуҳбатига ўгирилди.

– Қандай юз берди бу бахтсизлик? – сўради тўхтаб қолган суҳбатини давом эттириб арматор.

– Қуққисдан. Порт капитани билан узоқ гаплашиб, санманга борди-да, Неаполдан дарғазаб чиқиб кетди, бир кеч... ю бир кундуз ўтгач, безгаги хуруж қилиб, уч кундан сўнг дунёдан ўтди... Биз уни иззат-ҳурмат билан дафн эт-

дик: бўз кафанга ўрадик-да, оёғи ва боши томонга тўп ўқи боғлаб, Деб-Жильо оролига яқин ерда сувга чўктириб юбордик. Салб ва шамширини бевасига топшириш учун олиб келдик, роса ўн йил инглизлар билан жанг қилиб, келиб-келиб ҳамма қатори тушакда жон берса-я, бечора! – деди йигитча қайғули оҳангда.

– Чорамиз қанча, Эдмон! – деди тобора кўнгли юмшаб бораётган корчалон. – Бу ўлим ҳаммамизнинг қисматимиз, хуллас, кексалар ўрнини ёшларга бўшатиб бераверишлари лозим, бусиз бутун ҳаёт ўрнидан қимирламай қолган бўларди-да. Демак, гапингиздан маълум бўлдики, юк...

– Мен сизни яна ишонтириб айтаманки, ҳамма юк сақланиб, олиб келинди, жаноб Моррель. Агар йигирма беш минг франк фойда билан қаноатланиб қўя қоламан десангиз, ҳақингиз кетади.

Йигитча «Фараон»нинг юмалоқ минора ёнидан ўтганини кўриб, қичқирди:

– Марс-гитоваларга! Кливер-нирал! Бизань-шкотга! Лангар тайёрлансин!

Буйруқлар худди ҳарбий кемалардагидек, тез бажо келтирилди.

– Шкоталар берилсин! Елканлар штоваларга қўйилсин!

Сунгги буйруқ берилиши биланоқ ҳамма елканлар йиғиштирилди, кема эса энди секин-аста силжиб бормоқда.

– Жаноб Моррель, энди бу ёққа чиқаверсангиз бўларди, – деди Дантес, арматорнинг тоқатсизланаётганини кўриб. – Мана, бухгалтерингиз жаноб Данглар ҳам хонасидан чиқиб келяпти. Сиз истаган маълумотларнинг ҳаммасини шу киши айтиб беради. Мен энди кемани пристанга қўяй, мотам маросимини тайёрлай.

Арматор яна бир бор таклиф қилишларини кутиб турмади-да, Дантес улоқтирган арконни тутиб тажрибали денгизчига хос моҳирлик билан кемага чиқиб олди. Дантес эса эндиги суҳбатни Моррелга пешвоз чиқиб келаётган Дангларга қолдириб, илгариги жойига қайтди.

Данглар ёши йигирма бешларга бориб қолган, ҳамиша қовоғидан қор ёғиб турадиган, улуғларга хушомадгую, қарамдагиларга дағал, дарғазаб бир киши эди. У бухгалтер бўлгани учун эмас, кўпинча юқорида зикр этилган феъл-

атвори учун матрослар ундан нафратланишар, Дантесни эса яхши кўришарди.

– Жаноб Моррель, шундай қилиб, бахтсизликка учраганимизни сиз аллақачон билиб олибсиз-да? – деди Данглар.

– Ҳа, худди шундай! Бечора капитан Леклер! У жуда ёқимтой ва виждонли одам эди.

– Ажойиб маҳоратли денгизчи эканини айтмайсизми?! Бу унинг энг зўр хислати эди. У бутун умрини сочлари оқариб кексайгунга қадар сувда ўтказди. «Моррель ва ўғли» каби улкан фирманинг манфаатлари йўлида жонбозлик қиладиган одам мана шундай бўлмоғи керак-да, – деди Данглар.

– Чамамда, – деди арматор кемага жой танлаётган Дантесдан назарини узмай, – ўз ишининг устаси фаранги бўлмоқ учун, сиз айтгандек кекса денгизчи бўлиш шарт эмас. Ана қаранг, дўстимиз Эдмонни. Ўз вазифасини қандай моҳирлик билан бажо келтиряпти. Менимча, у бировнинг маслаҳатига муҳтож ҳам эмас.

– Тўғри, – жавоб қилди Данглар Дантесга хўмрайиб, унинг кўзлари нафратга тўла эди, – тўғри, ёшлик ва кибр бу йигитчани анча ҳовлиқтириб қўйди. Капитан оламдан ўтиши биланоқ, у ҳеч ким билан маслаҳатлашмай жамоани ўз қўлига олди-да, тўғри Марселга йўл олиш ўрнига Эльба оролида бир ярим кун вақтимизни беҳуда ўтказишга мажбур этди.

– Жамоани қўлига олиб, – деди арматор, – тўғри қилибди, капитан ёрдамчиси сифатида ўз бурчини бажарибди. Кемани таъмирлашга эҳтиёж туғилмаган ҳолда Эльбада бир ярим кунни бекорга ўтказиш хато, албатта.

– Кема бус-бутун, ҳеч шикастсиз эди, жаноб Моррель. Бу йигитчанинг қирғоққа чиқамиз, деб инжиқлик қилиши натижасида ана шу бир ярим кун бекор ўтиб кетди.

– Дантес! – деди арматор ўспиринга қараб. – Бу ёққа кел.

– Кечиринг, жаноб, – жавоб қилди Дантес, – бир дақиқада ҳузурингизда бўламан. Сўнг экипажга қараб буйруқ берди: – Лангар узатилсин!

Шу заҳоти лангар ташлашди, занжир эса жаранглаганича чўзилиб кетди.

Лоцман шу ерда ҳозир бўлишига қарамай, Дантес ана шу охирги буйруғи тўла бажарилмагунча ўрнидан қимирламади.

У яна қичқирди:

– Вимпель ярмигача туширилсин, байроқ тугунлансин, реялар тахлансин!

– Ана, қаранг, – деди Данглар, – у энди капитан ўзиман, деб гердайяпти, ҳа, жуда ўзига бино қўйиб боряпти.

– Тўғри, у чиндан ҳам капитан-да, – жавоб қилди арматор.

– Тўғри, жаноб Моррель, бироқ уни капитан қилиб ҳеч ким, сиз ҳам, шеригингиз ҳам тасдиқлагани йўқ-ку.

– Унинг ўзини капитан қилиб қолдирсак булмайдими? – деди арматор, – тўғри, у ҳали ёш, лекин чамаси, жуда жон куйдириб ишлайдиган ва тажрибага бой бўлса керак.

Дангларнинг ранги ўчди.

– Жаноб Моррель, узр, – деди Дантес яқин келиб, – лангар узатилди, энди хизматингизга тайёрман. Сиз мени чақирдингиз, чоғи?

Данглар бир қадам орқага тисарилди.

– Мен сиздан бир нарсани сўрамоқчи эдим: нечун Эльба оролига кирдингиз?

– Нимага кирганимни ўзим ҳам билмайман. Мен капитан Леклернинг сўнгги топшириғини бажардим, холос. У дунёдан кўз юмаётиб мендан бир пакетни маршал Бертранга етказиб беришни илтимос қилган эди.

– Демак, сиз уни кўзингиз билан кўрдингизми?

– Кимни?

– Маршални.

– Ҳа, кўрдим.

Моррель атрофга аланглаб олди-да, Дантесни четга тортди.

– Император-чи? Унинг аҳволи қалай экан? – сўради у қизиқсиниб.

– Менинг билишимча, соппа-соғ.

– Ҳали, императорнинг ўзини ҳам кўрдим денг?

– Мен маршалнинг уйидалигимда у ҳам кириб қолди.

– Сиз у билан гаплашиб ҳам олдингизми?

– Йўқ, у мен билан гаплашди, – жавоб берди Дантес жилмайиб.



– Нима деди у сизга?

– Кемани, Марселга қачон ва қайси томонда кетажағимизни, нима ортиб бораётганимизни сўради. Мабодо кема бўш ва меники бўлганда, у сотиб олишга ҳам тайёр эди шекилли; бироқ мен унга, кеманинг хўжайини «Моррель ва ўғли» савдо фирмаси эканини, мен эса фақатгина капитан вазифасини бажараётганимни айтиб, шаштини қайтардим. «Ҳа, биламан, биламан, – деди у. – Морреллар уруғ-аймоғи билан арматорлик қилишади, улардан бири ҳатто Валанс-далигимда, полкимизда хизмат қилган эди».

– Жуда тўғри! – деди қувониб арматор. – У ерда тоғам Поликар Моррель хизматда бўлган эди, то капитанлик ун-вонини олгунча хизмат қилди. Дантес мабодо тоғамга, «Сизни император эслади», дегудек бўлсангиз, вайсақи чол йиғлаб юборади. Сиз, Дантес, капитан Леклернинг буйруғини бажо келтириб, Эльбада тўхтаб жуда савоб иш қилибсиз. Лекин маршалга хат олиб борганингизни ва император билан гаплашганингизни билиб қолишса, сизга гап тегиб қолиши мумкин.

– Нега менга гап тегаркан? – деди Дантес. – Ахир мен пакетда нима борлигини билмайман-ку! Император менга берган саволларни истаган бошқа кишига ҳам бериши мумкин эди. Кечиринг, ана божхона вакиллари ва карантин ходимлари келишяпти.

– Боринг, азизим, боринг...

Йигитча кетиши билан Данглар яқинлашди.

– Хўш? – сўради у. – Ахир у сизга нима учун Порто-Феррайога кирганини айтгандир?

– Худди шундай, азизим Данглар.

– Аҳа! Жуда соз, – деди Данглар. – Дўст ўз бурчини бажармаганини кўрсам тутуним чиқиб кетади-да.

– Дантес ўз бурчини бажарибди, бу соҳада ундан гина қилишга ўрин йўқ, – деди арматор. – Капитан Леклер, Эльбада тўхтагин, деб буйруқ берган экан.

– Айтмоқчи, капитан Леклернинг хатини бердимиз у сизга?

– Ким?

– Дантес.

– Менга?.. Йўқ, унда хат бормиди?

– Чамамда, пакетдан бўлак, капитан унга бир хат ҳам берди шекилли.

– Қанақа пакет у, Данглар?

– Дантес Порто-Феррайога олиб борган пакет-да.

– Дантеснинг Порто-Феррайога пакет олиб борганини сиз қаёқдан биласиз?

Данглар қизариб кетди.

– Мен капитаннинг хонаси олдидан ўтиб бораётгандим, шунда у Дантесга пакет ва хат бераётганини кўриб қолдим.

– У менга бу ҳақда ҳеч нима дегани йўқ, мабодо хат бўлса, беради.

Данглар ўйланиб қолди.

– Ундай бўлса, жаноб Моррель, бу гапни Дантесга айтманг, илтимос қиламан. Мен чамаси янглишаётибман.

Шу пайт ёш денгизчи қайтиб келди. Данглар яна ўзини четга олди.

– Хўш, азизим Дантес, энди бўшадингизми? – деб сўради арматор.

– Ҳа, бўшадим, жаноб Моррель.

– Жуда тез тугатдингиз-а?

– Тўғри, божхона вакилларига молларимизнинг рўйхатини топширдим, портдан лоцман билан бирга одам юборишган экан, унга ҳужжатларимизни бериб юбордим.

– Бу ерда энди ишингиз йўқми?

Дантес атрофга бир назар ташлаб олди.

– Йўқ, ҳамма иш жойида, – деди у.

– Юринг, бизникида овқатланамиз.

– Узр сўрайман, жаноб Моррель, мен ҳаммадан олдин отам ҳузурида бўлишим лозим. Илтифотингиз учун раҳмат.

– Бу гапингиз тўғри, Дантес, жуда тўғри. Ибратли ўғил эканингизни биламан.

– Менинг отам қалай экан? – сўради Дантес паришон ҳолда, – сиз биласизми, соғ-саломатмикан?

– Мен, азизим, отангизни кўрганам йўқ, бироқ ўйлайманки, у соғ-саломат бўлса керак.

– Ҳа, у ўз кулбасидан ҳеч ёққа жилмай ўтиргандир.

– Демак, сиз бўлмасангиз ҳам у ҳеч нарсага муҳтож бўлмаган экан-да.

Дантес илжайиб қўйди.

– Отам жуда мағрур; бошидан қанчалик муҳтожлик кечирмасин, Худодан бошқа ҳеч кимдан ёрдам сўрамайди.

– Демак, отангиз ҳузурида бўлгач, бизникига ташриф буюрасиз, шундайми?

– Яна бир карра узр, жаноб Моррель, менинг яна бир бурчим борки, уни ҳам бажо келтириш мен учун қарзи Қиёматдир.

– Э, шундай денг! Каталанида ҳам сизни худди отангиз каби сабрсизлик билан кутаётганларини унутиб қўйибман – у тенги йўқ гўзал Мерседес-да!

Дантес жилмайди.

– Э, гап бу ёқда экан-ку! – давом этди арматор. – «Фараон» қачон келади, деб уч марта сўраб келган эди. Бунинг боисини мана энди англадим. Эдмон, маликангиз гўзалларнинг гўзали, жуда бахтли экансиз!

– У маликам эмас, менинг қайлиғим, – деди жиддий тусда денгизчи.

– Баъзан иккисининг фарқи бўлмайди, – деди кулиб арматор.

– Бунинг бизга дахли йўқ, – жавоб берди Дантес.

– Майли, Эдмон, сизга жавоб. Сиз менинг ишларимни жуда боплаб бажо келтирдингиз, энди мен ҳам сизга ишларингизни битириб олмоқ учун эркинлик бермоғим лозим. Пулдан қалайсиз? Керак бўлса берайин?

– Йўқ, эҳтиёж йўқ. Сафар вақтидаги маошларим шундай тахи бузилмай турибди. Бу деярли уч ойлик маош.

– Жуда батартиб одам экансиз, Эдмон.

– Жаноб Моррель, биласизки, отам камбагал одам.

– Биладан, биладан, сиз ибратли ўғилсиз. Боринг, отангиз олдига боринг. Меним ҳам ўғлим бор, уч ой айрилиқдан қайтган ўғлимнинг мен билан учрашувига бирор киши ҳаляқит бергудай бўлса, мен ҳам ўша кишидан жуда хафа бўлган бўлардим.

– Демак, менга рухсатми? – деди йнгитча таъзим қилиб.

– Менга бошқа гапингиз бўлмаса, боринг.

– Бошқа гапим йўқ.

– Капитан Леклер ўлиш олдидан менга сиздан хат йўлмаганмиди?

– У хат ёзишга ожиз эди... Саволингиз ёдимга бир нарсани келтирди. Сиздан икки ҳафталик таътил сўрайман.

– Тўй учунми?

– Ҳам тўй, ҳам Парижга бориб келиш учун.

– Бўпти, майли. Биз олти ҳафтача юк тушириш билан банд бўламиз, уч ойсиз денгизга чиқолмаймиз. Шундай бўлса-да, уч ой ўтди деганда шу ерда ҳозир бўлмоғингиз керак, – деди сўзини давом эттириб арматор денгизчининг елкасига қоқиб, – «Фараон» ўз капитанисиз сафарга чиқолмайди.

– Ўз капитанисиз?! – қичқириб юборди Дантес, унинг қувончдан кўзлари чақнаб турарди. – Астароқ гапнинг, жаноб Моррель, чунки ҳозир сиз дилимдаги сирли талагимни айтдингиз. Мени сиз «Фараон»нинг капитани қилиб тайинламоқчимисиз?

– Агар якка ўзим хўжайин бўлганимда шу заҳотиёқ қўлимни бериб, «Иш битди, тамом-вассалом!» деб қўя қолардим. Афсуски, шеригим бор. Сиз итальянларнинг мақолини билсангиз керак: «Шериги борнинг хўжайини ҳам бўлади». Бироқ ишнинг ярми битган, чунки икки овоздан бири сизники. Иккинчисини ҳам сизга тобе этишни менга қўйиб бераверинг.

– Оҳ, жаноб Моррель! – деди қичқириб йигитча кўзлари ёшга тўлиб, арматорнинг қўлини сиқаркан, – сизга отам ва Мерседес номидан миннатдорчилик билдираман.

– Бўпти, бўпти, Эдмон! Отангиз ҳузурида ҳам, Мерседес ҳузурида ҳам бўлиб, уларни хурсанд қилинг, сўнг қайтиб келинг.

– Истасангиз қирғоққа ўтказиб қўяй?

– Раҳмат. Мен бу ерда қолиб, Данглар билан ҳисоб-китобларни кўздан кечирай. Сафарда ундан мамнун бўлгандирсиз?

– Мамнун бўлдим ҳам, бўлмадим ҳам. Бир дўст сифатида ундан хурсанд эмасман. Бир гал у билан жанжаллашиб қолдим-да, қизиққонлик қилиб Монте-Кристо оролида ўн дақиқача тўхташни ва жанжални узил-кесил ҳал этишни таклиф қилдим. Бу тентаклик эди, албатта, бундай демаслигим керак эди. У таклифни рад этиб, ақлли иш қилди. Ана ўшандан бери у мени жуда ёмон кўриб қолди, чамамда.

Бухгалтер сифатида унга ҳеч қандай эътироз билдириш мумкин эмас. Сиз ҳам унинг хизматидан мамнун бўлурсиз, албатта.

– Бироқ Дантес, очиғини айтинг-чи, сиз «Фараон»га капитан бўлсангиз, Данглар билан бирга ишлармидингиз?

– Жаноб Моррель, капитан бўлиб ишлайманми, унинг ёрдамчиси бўлибми, барибир, мен хўжайинларим ихлос қўйган кишиларни ҳамisha ҳурмат қиламан.

– Жуда тўғри, Дантес, сиз жуда ажойиб йигитсиз, жуда ажойиб. Қани энди, жўнанг: кўриб турибманки, тоқатингиз тоқ бўлиб, типирчилаб турибсиз.

– Демак, мен таътилдаман-а?

– Бораверинг деяпман-ку, ахир.

– Қайиғингизни олсам майлими?

– Олинг.

– Хайр, жаноб Моррель. Минг-минг раҳмат сизга.

– Хайр, Эдмон. Омадингизни берсин!

Ёш денгизчи ирғиб қайиққа минди, рулга ўтирди-да, Каннебьер кўчаси томон ҳайдашни буюрди. Икки матрос эш-какни зўр бериб эша бошлади. Қайиқ зич-зич қайиқлар орасидан, икки ёнда саф тортган кемалар ўртасидаги тор жойдан ўтиб, Орлеан қирғоғига жадал йўл олди.

Арматор уни то қирғоққача жилмайиб кузатди ва ирғиб тош кўчага тушганини, саҳармардонда то кеч соат ўнгача машҳур Каннебьер кўчасини тўлдириб сайр қиладиган оломон орасига шўнғиб кетганини кўриб турди. Фокеяликлар бу кўчани жуда кўкларга кўтариб: «Парижда ҳам Каннебьер кўчаси бўлсайди, Париж ҳам кичкина Марсель бўлиб қоларди», деб мақташади.

Арматор аланглаб, орқасида турган Дангларни кўриб қолди. Данглар гўё унинг буйруғига мунтазирдай кўринса-да, икки кўзи ёш денгизчида эди. Лекин бир вақтнинг ўзида ёш денгизчини кузатиб турган бу икки қарашда тамоман бир-бирига қарши икки хил маъно бор эди.



## II. ОТА ВА ЎҒИЛ

Нафрат ўтида жизғанақ бўлаётган Данглар арматор олдида ўз ўртоғини балчиққа бўлғайверсин, биз Дантесни қузатиб борайлик. У Каннебьер кўчасини бошидан охиригача босиб ўтди-да, Ноайль кўчасини орқада қолдириб, Мельянски хиёбонининг чап томонидаги бир уйга кирди, қопқоронғи зинапоядан чопқиллаб бешинчи қаватга кўтарилди, бир қўли билан панжарани ушлаб, иккинчи қўли билан гупиллаб ураётган юрагини босиб, ярим очиқ эшик олдида тўхтади. Эшик тирқишидан кулбадаги ҳамма нарса кўришиб турарди.

Унинг отаси мана шу кулбада истиқомат қиларди.

«Фараон»нинг келганини ҳали чол эшитгани йўқ. У стулга чиқиб, титроқ қўллари билан дераза пардаларини тузатяпти. Шу пайт кимдир тўсатдан уни орқасидан қучоқлаб олди. Таниш овоз эшитилди:

– Ота!

Чол қичқириб орқасига ўгирилди-да, ўғлини кўриб, унинг қучоғига отилди. Чолнинг аъзойи баданини титроқ босган эди.

– Нима бўлди сизга, ота? – сўради ўғли ташвишга тушиб.  
– Тобингиз қочганми?

– Йўқ, йўқ, азизим Эдмон, қўзим, жигарбандим, соғман, соғ! Бироқ мен сенинг келишингни кутмаган эдим... Сен мени шошилтириб қўйдинг... бу хурсандчиликдан, ҳа, жуда қувониб кетдим-да. Э, Тангрим! Чамамда, ўлаётганга ўхшайман.

– Тинчланинг, отажон, тинчланинг, қаршингизда мен турибман, мен – ўғлингиз Эдмон! Қувонч соғлиққа зарар етказмайди, дейишади. Шунинг учун ҳам мен тўғри кириб келавердим. Намунча олайиб қарайсиз, отажон, қўйинг, ундай қилманг, эс-хушингизни йиғинг, табассум-ла қаранг менга. Мана мен уйга қайтиб келдим, энди бизга фақат яхшилик ёр бўлади, фақат яхшилик!

– Жуда соз, – деди чол. – аммо қандай қилиб яхшилик ёр бўлади? Бундан кейин биз ҳижрон азобини тортмаймизми?.. Қани, ўғлим, бахтингни ҳикоя қилиб бер менга...

– Аввало шуни айтайинки, мен бутун бошли бир оиланинг мусибатидан бахтиёр бўлиб қувонаётганим йўқ,

асло! Худо сақласин бундай бахтдан. Тангримга аёнки, менга бундай бахтнинг кераги йўқ. Бахт қуши ўзи келиб қўнди бошимга, шу сабабли қайғуришдан ожизман. Капитан Леклер вафот этди, эндиликда Моррелнинг ҳомийлиги остида унинг ўрнини олишим эҳтимолдан узоқ эмас. Тушундингизми, отажон! Йигирма ёшимда капитан бўламан, йигирма ёшимда-я! Бир юз луидор маош, бунинг устига яна фойдадан улуш! Ахир, мен камбағал бир матрос – шундай бўлишини хаёлимга келтира олармидим?

– Тўғри, ўғлим, – деди чол, – бу жуда катта бахт.

– Мен истардимки, дастлабки пулгаёқ сиз ломоносла-рингиз, настурцияларингиз ва дукчўпларингиз учун боғроғли уй сотиб олсангиз... Ҳой, отажон, нима бўлди сизга? Беҳуд бўляпсизми?

– Ҳечқиси йўқ, ўғлим... Ҳозир ўтиб кетади!

Чол ҳолдан тойди-да, орқага ташлади ўзини.

– Отажон, ҳозир! Бир стакан вино ичинг, қувват беради сизга. Винонгиз қаерда?

– Ҳожати йўқ, ахтарма, кераги йўқ, – деди чол ўғлини тўхтатиш учун.

– Нега кераги йўқ!.. Вино қаерда, айтсангиз-чи?

Эдмон шкафни тинтий бошлади.

– Овора бўлма... – деди чол. – Вино йўқ.

– Нега йўқ? – қичқириб юборди Дантес. У ҳаяжонланганча гоҳ чолнинг буришиб кетган юзларига, гоҳ бўм-бўш шкаф тоқчаларига қарарди. – Нечун вино йўқ? Пул етмади-ми, отажон?

– Сен қошимда экансан, ҳамма нарса муҳайё, ҳеч нарсага муҳтож эмасман энди, – жавоб қилди чол.

– Чамамда, – деди оҳиста Дантес юзидаги терни артиб, – бундан уч ой илгари кетаётиб мен сизга икки юз франк қолдириб кетгандим.

– Тўғри, Эдмон, бироқ сен қўшимиз Кадруссдан олган қарзни қайтаришни унутган экансан: у буни менинг эсимга солди-да, агар тўламасанг, жаноб Моррелга бораман, деди. Бу сенинг ишингга шикаст беради, деб қўрқдим...

– Сўнг нима бўлди?

– Туладим.

– Ахир мен Кадруссдан бир юз қирқ франк қарз эдим-ку! – деди қичқириб Дантес.

– Тўғри, – деди ғулдираб чол.

– Қарзни ўша мен қолдирган икки юз франкдан туладингизми?

Чол бошини ирғатди.

– Қолган олтмиш франк билан бир ой яшадингизми?

– Менга шу ҳам етиб-ортади, – жавоб қилди чол.

– Э, Тангрим! – оҳ тортди Эдмон отаси олдида тиз чуқиб.

– Сенга нима бўлди, ўғлим?

– Бу гуноҳимни ўзим асти кечирмайман.

– Қўй, бу номаъқул гапни, – деди чол илжайиб. – Мана, сен қайтиб келдинг, энди ҳаммаси эсдан чиқади-кетади. Ахир бундан кейин ҳамма ишимиз яхши бўлади-ку.

– Тўғри, мен қайтиб келдим, – деди йигитча, – яхши орзулар билан қайтдим, бир оз пул ҳам келтирдим... Мана отажон, олинг буларни, олинг ва дарров айтинг, бирор нарса сотиб олиб келишсин.

Дантес столга ўн иккита олтин танга, беш-олти беш франклик танга ва чақалар ташлади.

Қари Дантес қувониб, юзига қон югурди.

– Кимники бу? – сўради у.

– Ўзимники... меники... бизники, отажон! Олинг, емакликлар олдилинг, пулни аямай кўпроқ олдиравелинг, мен эртага яна келтираман.

– Тўхта, ўғлим, тўхта, – деди чол жилмайиб, – мен буларни оз-оздан сарф қилавераман, агар бирданига кўп-кўп олсам, одамлар ўғлини шунинг учун кутиб ўтирган экан, деб ўйлашлари мумкин.

– Хоҳлаганингизни қилинг, ота, бироқ даставвал хизматкор аёл топинг, якка туришингизга энди йўл қўймайман. Кемадаги хонамда бекитиқча олиб келган қаҳва ва ажойиб тамаки бор, эртагаёқ уларни ҳам олиб келиб бераман. Жим! Кимдир келяпти.

– Кадрусс бўлса керак. Келганингни эшитгандир-да, эсон-омон қайтиб келганингни сўраб, табрикламоқчидир.

– Бу одам тили бошқа-ю дили бошқа нусхалардан, – деди шивирлаб Эдмон, – ҳа майли, ҳар қалай қўшнимизку, бизга унча-мунча ёрдам ҳам берди. Уни, ота, навозиш-ла, кутиб олинг.

Эдмон сўзини тугатмасданоқ эшиқдан Кадрусснинг қоп-қора соқолли башараси кўринди. У йигирма беш-йигирма олти ёшларга кириб қолган. Касби тикувчилик бўлганидан кўлида бир парча мовут, кийим тикиш тараддудида бўлса керак.

– Ухў! Эдмон, келибсиз-да, – деди у марселликлар талаффузида, илжайиб, оппоқ тишларини кўз-кўз қилиб.

– Ҳа, кўшни, мана, қайтиб келдим, агар эҳтиёж бўлса хизматингизга ҳозирман, Кадрусс, – жавоб қилди Дантес, бу одамни дилида ёқтирмаслигини сездирмай.

– Қуллуқ-қуллуқ. Хайриятки, мен ҳеч нарсага муҳтож эмасман, ҳатто баъзан бошқалар менинг ёрдамимга муҳтож бўлиб қолишади. (Дантес сесканиб кетди.) Бу гапимнинг сенга дахли йўқ, Эдмон. Мен сенга қарз бергандим, уни қайтариб бердинг. Яхши кўшнилар шунақа бўлади. Орамиз очиқ энди.

– Сенга ёрдам берган киши билан оранг ҳеч вақт очиқ бўлмайди, – деди Дантес, – қарзга олинган пул қайтарилгани билан ҳали миннатдорлик қарзи қолади, тугамайди.

– Бу ҳақда гапириб ўтиришнинг нима ҳожати бор? Утган гапга саловот. Ке, яхшиси, сафардан бахтиёр қайтганинг тўғрисида гаплашайлик. Мен жигарранг мовут ахтариб портга борган эдим. У ерда жўрам Дангларни учратдим.

«Ия, Марселга кеп қолдингми?» – деб сўрадим ундан.

«Ҳа, кўриб турибсан-ку».

«Сен Смирнададирсан деб ўйлагандим».

«У ерда бўлишим ҳам мумкин эди, чунки тўғри ўша Смирнадан келаётирман».

«Бизнинг Эдмон қаерда?»

«Отасиникида бўлса керак» – деди у. Бунни эшитибоқ биродаримни табрик қилгани келдим, – сўзини давом эттирди Кадрусс.

– Кадрусс жуда яхши, бебаҳо одам-да, бизни жуда яхши кўради! – деди чол.

– Албатта, албатта яхши кўраман ва ҳурмат қиламан, чунки ҳалол кишилар кам бу дунёда... Биродар, жуда бойиб кетгандирсан энди? – деди машиначи етолга Дантес ташлаган олтин ва қумуш пуллар уюмини кўриб.



Қўшнисининг қора кўзларида очкўзлик аломатларини кўрган йигитча:

– Булар менинг пулим эмас, – деб жавоб қилди. – Отамга, сиз муҳтожлик кўргандирсиз деб хавотир олгандим, деган эдим, у мени хотиржам қилиш учун ҳамёнида бор пулини столга тўкиб солди. Пулларингизни олиб жойига қўйинг, ота. Бироқ қўшнимизнинг пулга эҳтиёжи бўлса, марҳамат.

– Йўқ, дўстим, – деди Кадрусс, – менга кераги йўқ, Худога шукр, ҳунарим бор экан, тўқ-тўкинман. Бу пулларни эҳтиёт қил, улар ҳеч маҳал ортиқчалик қилмайди. Таклифинг учун раҳмат, олмасам ҳам олгандай бўлдим.

– Мен буни чин юракдан айтдим, – деди Дантес.

– Ишончим комил. Демак, Моррель билан жуда иноқ экансан-да? Оббо, қув-э!

– Жаноб Моррель менга ҳамиша меҳрибонлик қилди, – деди Дантес.

– Шундай экан, меҳмонга чақирса бормай, бекор қилибсан-да.

– Нега бормадинг? – сўради чол Дантес. – У сени меҳмонга чақирганмиди?

– Ҳа, ота, овқатга чақирганди, – жавоб берди Дантес кулиб. Ўғлини арматор бунчалик ҳурмат қилганини эшитиб отаси ҳайратда қолганди.

– Нега бормадинг, ўғлим? – сўради чол.

– Тезроқ ҳузурингизда бўлай дедим-да, отажон, – деди йигитча, – жуда соғингандим, сабр-тоқат қилолмадим.

– Моррель хафа бўлгандир, – деди сўзини давом эттириб Кадрусс. – Капитан бўлиш орзусида экансан, арматорнинг сўзини қайтариш ярамайди.

– Мен боролмаслигимнинг сабабини айтдим, у англаган бўлса керак.

– Капитан бўлмоқ учун хўжайинларга бир оз хушомад қилиб турмоқ лозим.

– Мен бусиз ҳам капитан бўларман, деб умид қиламан, – жавоб қилди Дантес.

– Жуда соз, жуда соз! Бундан барча дўстларинг шод бўлади. Муқаддас Николай қалъаси орқасида бир зот борки, унинг бундан боши осмонга етади.



- Мерседесми? – сўради чол.
- Топдингиз, ота, – деди Дантес. – Мана, сизни кўрдим, Худога шукр, соғ-саломат экансиз, ҳеч нарсага муҳтож эмас экансиз, энди рухсат қилинг, Каталанига борай.
- Бора қол, болам, бор, – жавоб берди кекса Дантес, – Парвардигор, мен билан сенга қилгандек, сен билан хотинингга ҳам раҳм-шафқат қилсин, ўзи мададкор бўлсин.
- Хотинингга? – деди Кадрусс. – Нега шошяпсиз, менимча ҳали Дантес унга уйлангани йўқ-ку!
- Тўғри, ҳали уйланганим йўқ, бироқ яқинда уйланишим эҳтимолдан узоқ эмас.
- Ҳар қалай, тезроқ қайтиб келиб, яхши қилдинг, – деди Кадрусс.
- Нега энди?
- Чунки Мерседес жуда соҳибжамол қиз, бундай гўзалларнинг хуштори кўп бўлади. Айниқса, Мерседеснинг куйида гирдикапалак бўлиб юрганлар саноқсиз.
- Чинданми? – деди Дантес табассумла. Унинг кўзларида ташвиш сезилиб турарди.
- Чиндан, ҳа, чиндан, – давом эттирди сўзини Кадрусс.
- Бунинг устига югуриб юрганлар қизларнинг ҳаваси келадиган, ҳуснда ҳеч кимдан қолишмайдиган йигитлар. Бироқ сен тезда капитан бўлиб оласан, шунинг учун сени рад этмаслар, албатта. Бунга ўзингнинг ҳам фаҳминг етиб тургандир.
- Демак, – деди Дантес кулиб, – демак, мабодо капитан бўлолмай қолсам...
- Ҳм!.. Ҳм! – минғирлади Кадрусс.
- Аммо мен хотин-қизлар ҳақида, айниқса Мерседес ҳақида сизга қараганда яхшироқ фикрдаман, шу сабабли ҳам, капитан бўламанми, бўлмайманми, барибир Мерседес менга содиқлигича қолади.
- Ундай бўлса яна яхши, – деди Кадрусс, – яна яхши! Уйланар экансан, албатта содиқлигига ишонишинг керак. Бироқ шундай бўлса-да, вақтни ўтказма, бор, келганингни билсин, орзуларингни тўкиб сол.
- Кетдим, – деди Эдмон.
- У отасини ўпди, Кадруссга бош ирғатди-да, чиқиб кетди.

Кадрусс чолнинг олдида яна бир оз ўтириб, хайрлашиб чиқди-да, уни Сенак кўчаси бурчагида кутиб турган Данглар олдига борди.

– Хўш, нима бўлди? – сўради Данглар. – Кўрдингми уни?

– Кўрдим, – жавоб берди Кадрусс.

– Капитан бўлмоқчи эканини айтдимми сенга?

– У худди ҳозироқ капитан бўлиб қолгандек гаплашди.

– Ҳали шунақа дегин? – деди Данглар. – Жуда ҳовлиқиб қопти-да!

– Чамамда Моррель ваъда берган, шекилли...

– У жуда ўзида йўқ хурсанд дегин?

– Ҳовлиқишини айтмайсанми?! Ҳатто кеккайиб катта мансабдордек менга ёрдам бериш нияти борлигини айтди, гўё банкиру менга пул бермоқчи бўлди.

– Сен рад қилдингми?

– Рад қилдим. Қарзга олсам бўларди, чунки биринчи бўлиб мен унга умрида кўрмаган пулни қарз берганман. Мана энди жаноб Дантес ҳеч кимнинг ёрдамига муҳтож эмас: у яқинда капитан бўлади!

– Бироқ ҳали унинг капитан бўлишига анча бор!

– Очиғини айтсам, унинг капитан бўлмагани яхши, – деди сўзини давом эттириб Кадрусс, – капитан бўлиб қолса борми, биз билан гаплашмай кўя қолади.

– Агар биз истасак, – деди Данглар, – у ҳозирги ҳолича қолади, ҳатто ундан ҳам пасайиб кетади.

– Нима деяпсан ўзинг?

– Ҳеч нима, шундай ўзим. У ҳалиям гўзал каталанкага хушторми?

– Жуда шайдойи: у аллақачон гўзалининг ҳузурига югуриб кетди. Лекин янглишмасам, шу иши учун унинг дилини сиёҳ қилсалар керак.

– Очиқроқ гапир!

– Нега?

– Бу сен ўйлагандан ҳам муҳимроқ. Уни, ахир сен ёқтирмайсан-ку?

– Мен димоғдорларни ёқтирмайман.

– Ундай бўлса каталанка тўғрисида билганларингни айтиб бер менга.

– Мен ҳеч нима билмайман, бироқ бўлажак капитан Эски Касалхона кўчасида бирор касофатга учраши мумкин.

– Нимани кўрдинг у ерда? Гапир.

– Мерседес ҳар гал шаҳарга келганда уни каталанилик ширмон юз, қора кўз, қора соч, новча бир йигит кузатиб юради. Йигитнинг қовоғидан ҳамаша қор ёғиб туради. Мерседес уни амакиваччам деб таништиради. Буни ўз кўзим билан кўрдим.

– Ростдан-а!.. У ўша амакиваччам дегани унинг кетига тушган деб ўйлайсанми?

– Чамамда шундай, йўқса йигирма ёшлик барзанги йигит билан ўн етти ёшлик соҳибжамол қиз ўртасида бундан бошқа нима бўлиши мумкин?

– Дантес Каталанига кетдими?

– Менинг олдимда чиқиб кетди.

– Ҳозир ўша ёққа бориб «Резерв»га кириб бир стакандан вино ичиб ўтирсак, ҳўб ажойиб янгиликларни эшитишимиз мумкин экан-да.

– Бизга янгиликларни ким айтиб беради?

– Биз Дантес келадиган йўлда бўламиз ва унинг афт-ангоридан қандай воқеа юз берганини билиб оламиз.

– Кетдик, – деди Кадрусс, – фақат харажат сендан.

– Албатта, – деди Данглар.

Иккиси илдам-илдам қадам ташлаб белгиланган томонга йўл олишди. Майхонага кириб ўтиришди-да, бир шиша вино ва иккита стакан буюришди.

Ўн дақиқа олдин майхона ёнидан Дантес ўтиб кетган экан. Буни чол Памфилдан билиб олишди.

Икки оғайни Дантеснинг Каталанидалигига ишончи комил бўлгач, ёш чинорлар тагига ўтиришди. Чинорларнинг шохларидаги сон-саноксиз қушлар шўх чуғурлашиб навбахорнинг дастлабки очиқ кунларини қутламоқда эдилар.

### **III. КАТАЛАНИЛИКЛАР**

Икки оғайни чақнаб турадиган мальга виносини симириб, қулоқларини динг қилиб йўлга тикилганча ўтирган ердан юз метрча наридаги, қуёш куйдирган, изғирин ялаган тақир тепа орқасида Каталани қишлоғи жойлашган.

Кунлардан бир кун қандайдир сирли кўчманчилар Испаниядан келиб ана шу бир парча ерга қўнишди ва шу ерда муқим бўлиб қолишди. Уларнинг қаердан келганини ҳеч ким билмас, тилига ҳам ҳеч ким тушунмасди. Провансалъ тилини биладиган бошлиқлардан бири Марсель шаҳри ҳокимидан бўш ётган бурунни сўраб олди, сўнг улар қадимги денгизчилар сингари, кемаларини ўша ерга чиқариб қўйишди. Шундан уч ой ўтгач, ана шу дайдиларни олиб келган ўнга яқин кема атрофида кичкина қишлоқча барпо этилди. Бу кўркам, ярим мавритианча, ярим испанча қишлоқда ҳали-ҳозиргача ўша одамларнинг авлодлари яшайди. Улар ҳозир ҳам ота-бувалари тилида гапиришади. Уч-тўрт аср бўптики, улар гала-гала қушдек қўнганлари – шу бурундан ҳеч ёққа жилишмайди. Марсель аҳолиси билан қайинқудачилик ҳам қилишмайди. Бир-бирларига қиз бериб, бир-бирларидан қиз олишади. Ўз ватани тилини қандай сақлаб келаётган бўлсалар, урф-одатларини ва кийим-кечакларини ҳам сақлаб келяптилар.

Китобхонни биз билан бирга қишлоқнинг якка-ю ягона кўчасидан бориб, уйлардан бирига киришга таклиф этамиз. Уйнинг деворлари қуёш нуридан заррин тусга кирган; ичи эса Испан меҳмонхоналари каби оппоқ бўёқ-ла безалган. Қора соч ва хумор кўз сулув қиз парда деворга суянганча, бағоят нозик ва чиройли бармоқлари билан арчагул шохчасини ҳадеб эзғилаяпти. Оёғи остига тўкилган гуллар ва япроқларнинг сон-санови йўқ. Қуёшда қорайган қўллар тирсагигача очиқ. Венера Арпская қўлларининг нусхасига ўхшаш бу қўллар ҳаяжондан титраб турибди. Қиз, сабртоқати тугаб, енгил оёқлари билан ер тепаркан, гулдор қизил пайпоғи остидан хушбичим, бежирим болдирлари кўриниб турарди. Қиздан уч қадам нарида йигирма-йигирма икки қовун пишиғини кўрган, қадди-қомати келишган йигит курсида чайқалаб ўтирибди. Унинг ўкич ва хавотирга тўла кўзлари қизда. Унинг қарашларида сурбетлик сёзилиб турарди, аммо қизнинг ўқрайиб қарашлари йигитнинг попугини пасайтириб қўярди.

– Мерседес, бу ёққа қара, – дерди йигит, – пасха ҳам яқинлашиб қолди, тўй учун жуда соз пайт... Ахир, менинг саволимга жавоб бергин.

– Фернан, мен сенга юз карра жавоб қилдим. Ҳадеб сўрайверасанми? Ахир бу ўзингга жабр-ку.

– Яна қайтар, ўтиниб сўрайман сендан, қайтар яна, токи мен тўла ишонч ҳосил қилайин. Юзинчи марта қайтариб бўлса ҳам яна айт: яъни, сен ўз онанг фотиҳа бериб кетган менинг муҳаббатимни рад этасан, бахти қаро қиласан мени, мен ўликманми, тирикманми, бунинг сен учун ҳеч аҳамияти йўқ! Э, Парвардигор! Мана, ўн йилдирки, сенга умр йўлдоши бўлман деб умид қилиб келдим. Мерседес, эндиликда ҳаётимнинг ягона мақсади ана шу умиддан жудо бўлманми, а?

– Сенинг бу орзу-тилагингни бошданоқ мен қўллаб-қувватлаганим йўқ, – жавоб қилди Мерседес, – сени мафтун этишга жилла бўлса-да, уринганим ҳам йўқ, шу туфайли мендан ўпкалашга ҳаққинг йўқ. Мен ҳамиша сенга: сени бир акам сифатида яхши кўраман, ана шу қардошларча дўстликдан бўлак ҳеч нарса кутма мендан, чунки бошқага кўнгил қўйганман, деб келдим. Ахир шундай демаганмидим мен сенга, Фернан?

– Биламан, Мерседес, биламан, – деди йигит қизнинг сўзини бўлиб... – Ҳа, сен ҳамма вақт саволимга ана шунақа шартта-шартта жавоб бериб, дилимни пора-пора қилиб келяпсан, бироқ каталаниликлар фақат ўз элатига эрга чиқиши керак, бу муқаддас қонунни сен унутиб қўйяпсан.

– Фернан, бу гапинг хато, бизнинг элатда ўзининг кишисига уйланиш қонун эмас, шунчаки бир одат бўлиб қолган, сен бу одатни пеш қилиб юрма, фойдаси йўқ. Пешанангда бори шу экан, буни унутма, Фернан. Ҳозирча сени эркалатиб ўз эркингга ташлаб қўйишибди: бугун бўлмаса эртага ҳарбий хизматга чақиришлари турган гап. Ана ўшанда, солдат бўлиб қолганингда, мен бечора бахтсиз, бир чақасиз етимчани нима қиласан? Ахир менинг отамдан онамга, онамдан менга мерос қолдирилган бир вайрона кулба-ю, увада тўрдан бошқа ҳеч нарсам йўқ! Онамнинг қазо қилганига бир йил бўлди, роса бир йил! Мен эса бир гадой каби яшаб келяпман, Фернан, буни кўз олдингга бир келтириб кўр! Баъзан ўзингни менинг ёрдамимга муҳтождек қилиб кўрсатасан, бироқ тутилган балиққа шерик бўлиш учун шундай қилаётганинг билиниб туради. Мен бунга рози



бўлиб, индамайман, чунки иккимизнинг отамиз ака-ука эди, чунки иккимиз болалиқдан бирга ўсиб-ундик, шунинг учун ёрдамнингни рад этсам дилингни оғритган бўлардим. Лекин сен тутган балиқдан тушаётган пул (гарчи унга тўр учун ип сотиб олсам-да) садақадай гап.

– Барибир эмасми, Мерседес! Камбағал ва ёлғиз бечора қиз бўлсанг ҳам менга Марселдаги энг бой арматорнинг, энг бадавлат банкирнинг қизидан азизсан! Биз бечора га-доларга вафодор хотин ва эпчил бекадан бўлак нима ҳам керак? Сендан яхши хотинни мен қаердан топдим, энди?

– Фернан, – деди Мерседес бошини силкитиб, – унча эпчил бўлмаса-да, бека бўлиш мумкин, лекин эрини эмас, бошқани севадиган аёл вафодор бўлишига ҳеч ким кафил бўлолмайди-да. Самимий дўст бўлайлик, шунга рози бўл, чунки сенга шу дўстликдан бошқа ҳеч нарса ҳадя қилолмайман, тушундингми, бошқа ҳеч нарса!

– Тушуниб турибман, – деди Фернан, – сен ўз қашшоқлигинга чидаб келяпсан, аммо менинг қашшоқлигим сени ваҳимага солмоқда. Бироқ шуни унутмагинки, Мерседес, агар сен мени севсанг, бахт қушини елкамга қўндириб олишга қодирман. Сен менинг ишимни олчи қиласан, ана шундагина мен бойиб кетаман. Балиқчиликни ташлайман; идора ходими бўлиб ишлашим, савдогарлик қилишим мумкин.

– Буларнинг биронтасини сен эплай олмайсан, Фернан. Сен солдатсан, хайриятки уруш йўқ, агар уруш бошланса сен Каталанида бир дақиқа ҳам туролмайсан. Балиқчилигингдан қолма. Ҳақиқий ҳаёт мен учун янада оғирлашмасин десанг, афсонавий қасрлардан воз кеч; мен билан эса дўстона алоқада бўл, фақат дўстона. Мендан бошқа ҳеч нарса таъма қилма.

– Бу гапинг тўғри, Мерседес, мен денгизчи бўламан: бу-вамнинг кийимлари (сен улардан нафратланасан) ўрнига лакланган шляпа, ола-була фуфайка, тугмалари лангар суратли кўк камзул кийиб оламан. Сенга яхши кўринмоқчи бўлган одам ана шундай либосда бўлиши керак-да, Мерседес?

– Бу билан нима демоқчисан? – сўради Мерседес кўзларини Фернанга ўқдай тикиб, – нима демоқчисан?.. Тушунмадим гапингга.

– Мен шуни демоқчиманки, Мерседес, сен худди мен ҳозир айтган кийимдаги кишини кутяпсан, менга дағаллик ва шафқатсизлик қилаётганингнинг сабаби ҳам мана шунда. Бироқ сен кутаётган одам бетайин, субутсиз бўлиши ҳам мумкин, ёки денгиз унга вафо қилмас.

– Фернан! – қичқириб юборди Мерседес. – Сени олижаноб инсон деб юрардим, маълум бўлдики, хато қилган эканман. Рашк қилиб, бировга Худонинг ғазабини тилаётибсанми, демак, сен ёвуз экансан, ёвуз! Тўғри, яширмайман: мен ўша сен айтган одамни кутяпман, чунки уни севаман. Мабодо у қайтиб келмаса, субутсиз деб ундан гина ҳам қилмайман, балки, аксинча, умрининг охирги дақиқасигача у мени севиб дунёдан ўтди, дейман.

Каталанилик муштларини қисди.

– Мен сени севмаганим учун ундан қасос олмоқчисан Фернан, буни важоҳатингдан сезиб турибман. Каталанча пичоғингни унинг ханжарига рўбарў қилмоқчисан! Оқибатда нима бўлади? Мағлубиятга учрасанг, менинг дўстлигимдан ажраласан, ғолиб чиқсанг-чи, унда менинг сенга бўлган дўстлигим нафратга айланади. Шуни яхши тушуниб олгинки, қиз севган киши билан қиличбозлик қилиб қизнинг муҳаббатига муяссар бўлиш маҳол. Аммо мен аминманки, сен, Фернан, ёмон фикрларга берилиб кетмайсан. Хотининг бўлполмас эканман, демак, сен мени дўстим, синглим деб биласан-да, шунга кўникиб кетасан. Яна шуниси ҳам борки, – деди кўзлари жиққа ёшга тўлган Мерседес, – ҳозир ўзинг айтгандек, бу денгиз маккор, мана унинг кетганига роса тўрт ой бўлди, дараги йўқ, шу тўрт ой ичида нечадан-неча бўронлар-тўфонлар юз бердики, мен уларни санаб тинкам қуриди!

Фернан бепарво эди. У ҳатто Мерседеснинг юзларидан оқиб тушаётган ёшларни артиб қўйишга уринмади ҳам, аслида у бу маликанинг ҳар бир томчи кўз ёшига бир стакандан ўз қонини ҳадя қилишга тайёр эди. Бироқ бу кўз ёшлар бошқа киши йўлида тўкиляпти, ҳа бошқа киши йўлида.

Фернан ўрнидан турди-да, кулбанинг у ёқ-бу ёғига юрди, сўнг Мерседес қошида тўхтади.

– Менга қара, Мерседес, – деди у, – яна бир карра жавоб бер: қарор қатъийми?

– Мен Эдмон Дантесни севаман, – деди қиз оҳистагина,  
– Эдмондан бўлак ҳеч ким менинг эрим бўлолмайди.

– Ҳамиша фақат ўша йигитни севасанми?

– Ҳаётимнинг охирига нафасигача.

Орзу-умиди чилпарчин бўлиб, тарвузи қўлтиғидан тушган Фернан оҳ тортиб бошини қуйи ташлади. Сўнг бирдан бошини кўтарди-да, тишларини ғижирлатиб сўради:

– Мабодо у ўлган бўлса-чи?

– Унда мен ҳам ўламан.

– Сени унутиб юборган бўлса-чи?

– Мерседес! – ташқаридан шўх овоз эшитилди. – Мерседес!

– Оҳ!.. – деб қичқириб юборди қиз, қувонч ва севгидан маст бўлиб. – Мана, кўрдингми, у келди, мени унутмабди, ҳа, унутмабди!

Қиз эшикка отилди-да, уни очиб қичқирди:

– Эдмон, бу ёққа кел! Мен бу ердаман!

Фернан ранги қув ўчиб, дағ-дағ қалтираганча, худди тўсатдан илонга кўзи тушган йўловчидек орқасига тисарилди ва ўзи ўтирган стулга қоқилиб кетиб, беҳол унга чўкди.

Эдмон билан Мерседес кучоқлашиб кетишди. Мерседеснинг жазирама офтоби очик эшикдан ўтиб, икки ошиқ устига заррин нурларини сочди. Дастлабки онларда уларнинг кўзларига ҳеч нарса кўринмасди. Икки бениҳоя бахтиёр, қувонч-ла маст-аласт бўлди-ю бутун дунёни унутди-қўйди, шу онда сўзлари ҳам бир-бирига қовушмасди.

Шу пайт Фернаннинг қоронғиликда ғира-шира кўриниб турган бадқовоқ чеҳрасига Эдмоннинг кўзи тушиб қолди. Каталанилик йигит беихтиёр камарида осилиб турган пичоғини ушлаб олган эди.

– Узр, – деди Дантес қошларини чимириб, – бу ерда уч киши эканмизу, кўрмай қолибман.

Сўнг Мерседесга қараб деди:

– Бу жаноб ким бўладилар?

– Бу жаноб, Дантес, сизнинг энг яқин дўстингиз бўлади, чунки бу йигит менинг дўстим, акам Фернан, сиздан кейин менинг энг яхши кўрган кишим шу, наҳотки танимаётган бўлсангиз?

– Ээ... танидим, танидим – жавоб қилди Эдмон ва бир қўлида Мерседеснинг қўлини маҳкам тутган ҳолда, иккинчи қўлини назокат-ла Фернанга узатди.

Аммо Фернан дўстона узатилган қўлга қўлини бермади, чурқ этмади, ҳайкалдай қотиб тураверди.

Бундан ҳайрон бўлган Эдмон титраб турган Мерседесга ва қовоғидан қор ёғаётган Фернанга синовчан назар ташлади.

Ана шу бир қарашдаёқ ҳамма нарса унга аён бўлди. Эдмон ғазаб-ла ёнди.

– Мерседес, сенинг қошингга учиб келаётганимда, бу ерда душманни учратаман, деб ҳеч ўйламаган эдим.

– Душман! – қичқириб юборди Мерседес амакиваччасига ғазаб билан тикилиб. – Наҳотки менинг уйимда душманингни топган бўлсанг! Агар мен шундай бўлади, деб ўйлаганимда, бу уйдан бутунлай воз кечардим, сени қўлтиқлаб Марселга кетардим.

Фернанинг кўзлари чақнаб кетди.

– Агар сен бирор касофатга учрагудек бўлсанг, меним Эдмоним, мен Моржион бурунига чиқардим-да, ўзимни пастга, тош қояга отардим, – деди Мерседес ниҳоятда вазмин оҳангда. Бу ҳолдан Фернан мудҳиш фикрларини Мерседес энг чуқур жойигача англаб олганини фаҳмлади.

Фернан мурдадек оқариб кетди.

– Аммо, Эдмон, сен хато қиласан, – деб давом этди қиз, – бу ерда сенга душман йўқ, бу ерда акам Фернан бор, мана ҳозир у содиқ дўст каби қўлларингни қаттиқ қисиб омонлашади сен билан.

Шундай деди-ю, қиз каталанилик йигитга амирона тикилди, Фернан эса сеҳрланган кишидек, аста юриб Эдмон олдига келди-да, унга қўлини узатди.

Бутун иродаси қизнинг ҳукмида бўлиб қолган Фернанинг ёниб турган ғазаб-нафрати дами чиқиб кетган пуфак каби бўшашди-кетди шу дақиқада.

Бироқ қўли Эдмоннинг қўлига тегиши биланоқ, ундан ортиқ ҳеч нарсага қодир эмаслигини англади-да, уйдан ўқдай отилиб чиқиб кетди.

– Қандай балои азимга дучор қилдинг мени, э, зolim флак! – дерди Фернан бутун вужуди ғаму ғуссадан титраб. –

Бу одамдан мени ким халос этаркин, ким?.. Э... золим фалак!

– Ҳой, каталанилик йигит! Ҳой, Фернан! Қаёққа кетяпсан, қаёққа? – деган овоз чиқди шу яқиндан.

Фернан дарҳол тўхтади-да, атрофга қаради, дарахтлар остидаги столда Кадрусс билан Данглар ўтирарди.

– Нега бизнинг олдимизга келмаяпсан? – деди Кадрусс.  
– Ёки шошиб турибсану дўстларинг билан омонлашишга вақтинг йўқми?

– Айниқса, дўстларинг олдида лик тўла шиша турганда бундай қилишинг инсофдан эмас-ку! – деди гап қотиб Данглар.

Фернан уларга маъносиз қаради-да, ҳеч нима демади.

– У батамом ақлдан озибди, – деди Данглар оёғи билан Кадруссни туртиб. – Биз хато қилган бўлсагу Дантес ғалаба қозониб тантана қилиб ўтирган бўлса-я, унда нима бўлади?

– Ҳозир аниқлаб оламиз, – жавоб қилди Кадрусс ва йигитга ўгирилиб деди:

– Ҳўш, каталанилик йигит, бизнинг таклифимизни қабул қиласанми?

Фернан юзидаги терни артди-да, айвончага кирди; соясалқин айвон унинг ҳаяжонини бир оз босиб, ҳолдан тойган вужудига тетиклик бағишлади.

– Салом, – деди у, – мени чақирдингиз шекилли?

Сўнг стуллардан бирига шилқ этиб ўзини ташлади.

– Эс-ҳушини йўқотиб қўйган кишидек чунон чопиб кетаётганингни кўриб, тагин бу ўзини денгизга ташлаб юрмасин деб чақирдим-да, – деди кулиб Кадрусс. – Тавба! Дўстларни фақат вино билан зиёфат қилибгина қўя қолмай, яна тагин уларни сувга чўкишдан ҳам сақлаб қоладилар.

Фернан ух тортибми, ўксинибми, ҳар қалай, қандайдир бўғиқ бир товуш чиқарди-ю, боши шилқ этиб қўлига ташлади.

– Фернан, мен сенга айтсам, – давом этди сўзида Кадрусс ҳар нарсага қизиқаверадиган ва одоб-андишани унутиб қўядиган содда кишилар каби очикдан-очик мақсадга ўтиб, – сен ўлдим-куйдим деб, оҳ уриб юрадиган кишиларга ўхшаб қолибсан.

Кадрусс қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди.

– Ундай эмас, – деди Данглар, – шундай азамат йигит ишқ-муҳаббат борасида бахтсиз бўлиш учун дунёга келмаган. Сен ҳазиллашяпсан.

– Мен ҳазиллашаётганим йўқ, яхшиси, унинг оҳ чекишига назар ташлагин. Қани, Фернан, бошингни кўтариб саволимизга жавоб қил. Ахир дўстлар саломатлигингни сўраганда, жавоб бермай ерга қараб ўтиришинг одобдан эмас-ку!

– Соғман, – деди Фернан муштларини қисиб, бироқ бошини кўтармади.

– Э, энди англадим, – деди Кадрусс жўрасига кўзини қисиб, – гап шундаки, Данглар, Марселнинг энг моҳир балиқчиларидан бири, ҳалол ва хушфёъл бу каталанилик йигит Мерседес номли ажойиб гўзал маликага хуштор бўлиб қолган, гўзал малика эса бошқага – «Фараон» кемаси капитанининг ёрдамчисига кўнгил қўйган; «Фараон» эса бугун портга кириб келди... Мана гап қаерда, тушундингми энди?

– Йўқ, тушунолмаяман, – жавоб қилди Данглар.

– Бечора Фернаннинг таклифини қиз рад этибди, – деди сўзини давом эттириб Кадрусс.

– Хўш нима бўпти? – деди Фернан Кадруссга тикилиб, – Мерседес мустақил қиз, шундай эмасми? – давом этди у аламини кимдан олишни билмаётган кишидай. – Унинг эрки ўзида – кимни истаса ўшани севади.

– Сен бу масалада шундай фикрда бўлсанг, бошқа гап! – деди Кадрусс. – Мен эса, сени каталанилик деб юрардим; айтишларига қараганда, каталаниликлар ўз севгилисини биров илиб кетишига йўл қўядиганлардан эмас. Бунинг устига, айниқса Фернан қасос олишда жуда баттол дейишган эди.

Фернан заҳарҳанда қилиб, жилмайиб қўйди.

– Ошиқ ҳеч маҳал баттол бўлолмайди, – деди у.

– Оббо, бечора-э! – деди Данглар унга гўё раҳмдиллик қилаётгандай. – Иложи қанча? У, Дантес бунчалик тез айтади, деб ўйламаган эди, Дантес эҳтимол ўлгандир ёки бошқага кўнгил қўйгандир деб юрган эди. Бу бечора бехосдан зарбага учради. Бундай зарба айниқса оғир, беомон бўлади.

Ҳеч тўхтамай мальга виносини култ-култ ютаётган ва кайфи анчагина ошиб қолган Кадрусс сўз қотди:

– Ҳар ҳолда шуни эътироф қилмоқ керакки, Дантеснинг омон-эсон қайтиб келишидан фақат Фернаннинг бир ўзи хафа бўлаётгани йўқ, албатта, тўғрими Данглар?

– Тўғри бу гапинг, мен яна шунга аминманки, бу жоҳорлар уни кўп қулфатларга дучор этади.

Кадрусс Фернанга ва саккиз ёки тўққизинчи гал ўзига вино қуйиб, сўзини давом эттирди:

– Шунга ҳам қарамай, у гўзал Мерседесга уйланади. Ахир у бу ёққа қайтиб келишининг боиси ҳам шу-да.

Вино тўла стаканини лабига теккизиб турган Данглар синовчан кўзларини Фернандан узмас ва Кадрусснинг сўзлари унинг бағрини чўғ бўлиб ёндираётганини кўриб турарди.

– Тўй қачон? – сўради Данглар.

– Эҳ!.. – деди фиғон бўлиб Фернан, – ҳали тўй ҳақида гап бўлгани йўқ!

– Тўй бўлиши турган гап, – деди Кадрусс. – Дантеснинг «Фараон» кемасига капитан бўлишига ҳеч шубҳа бўлмаганидек, Мерседеснинг эри бўлиб олишига ҳам ҳеч қандай шак-шубҳа бўлиши мумкин эмас. Тўғрими, Данглар?

Унга теккизиб айтилган бу сўздан Данглар сесканиб тушди-да, ўгирилиб Кадруссга тикилди; Данглар бу сўзлар менга ғаразгўйлик билан айтиляптимикин, деб ўйлаганди. Бироқ Кадрусснинг кайфдан кўпчиган юзида ҳасаддан бошқа ҳеч нарса кўрмади.

– Қани, келинг, – деди у стаканларни тўлдираётиб, – гўзал каталанилик маликанинг эри капитан Эдмон Дантес учун ичайлик!

Кадрусс оғирлашиб қолган қўллари билан стаканни оғзига олиб борди-да, бир кўтаришда бўшатди. Фернан эса стаканини чилпарчин қилиб ташлади.

– Тўхтанг! – деди Кадрусс. – Каталани йўлида, тепаликда бир нарса кўриняптими? Фернан, сенинг кўзинг ўткир, қарагин. Кайфим ошди шекилли, кўзим хиралашиб кетяпти. Ўзинг биласан-ку, вино душман. Икки ошиқ қўлтиқлашиб бораётганга ўхшайдими? Ё Тангрим! Бизнинг кўз олдимизда қучоқлашиб, ўпишяпти-я!

Данглар кўзини лўқ қилиб, Фернаннинг бужмайган юз ҳаракатларини кузатиб турарди.

– Фернан, сиз уларни танийсизми? – сўради у.

– Ҳа, танийман, – жавоб берди бўғиқ овоз билан Фернан. – Эдмон билан Мерседес.

– Э! Уларми! – деди Кадрусс. – Мен танимабман. Ҳой, Дантес! Ҳой, гўзал малика! Бу ёққа келинлар! Тўй қачон, тўй! Фернан қайсарлик қилиб айтмаяпти.

– Бас энди, овозингни ўчир! – деди Данглар гўё кайфи ошиб қолган Кадруссни тартибга чақираётган бўлиб. – Оёғингда туролмайсан-ку, ошиқларга халақит бериб нима қиласан. Қўй, Мана, Фернандан ўрнак ол: у анча фаросатли йигит экан.

Дангларнинг ғаламислиги оқибатида қутурган йиртқич каби ғазабга минган Фернан отилиб бориб рақибини томоғидан хиппа бўғиш учун ўрнидан турган ҳам эди, аммо қувноқ ва эркин Мерседес бошини ғоз кўтариб ҳаммага бир-бир назар ташлаб чиқди. У қизнинг «Эдмон ўлса, мен ҳам ўламан» деган таҳдидини эслади-да, бўшашиб стулга чўкди.

Данглар ҳамроҳларига – вино ютавериб ақлдан озган Кадрусс ва муҳаббат ўқидан дилпора бўлиб, эс-хушидан ажралган Фернанга назар ташлади-да, пичирлади:

– Бу тентаклардан бирон иш чиқмайдиганга ўхшайди. Бири пияниста, иккинчиси қўрқоқ бир махлуқ. Буларга ишонининг ўзи хавфли ҳам. Анави ҳасадчи вино ичиб қорнини дўппайтиряпти, аслини олганда, у заҳар-заққум ютиши вожиб эди; манави каллаварамнинг ўлгудек севган жонажон қизини тумшуғининг тагидан олиб кетибдилар-у, у ҳеч чора тополмай, аммамнинг бузоғига ўхшаб ғиқ этмай кўз ёши қилиб ўтирибди. Бироқ унинг кўзлари рақибидан қасос олишга жуда моҳир испанлар, сицилияликлар, калабрицларнинг кўзига ўхшаб ёниб турибди, муштлари эса буқанинг калласини мажақлаб ташлашда тўқмоқдан қолишмайди. Демак, бахт қуши Эдмоннинг бошига қўнаркан-да, у гўзалга уйланади, капитан бўлиб олади-ю бизнинг масхарамизни чиқаради, – деди Данглар заҳарханда илжайиб.

– Ҳой Эдмон! – ҳамон қичқиради Кадрусс сал ўрнидан туриб, муштини столга тираб туриб. – Ҳой Эдмон! Дўстларингни кўрмаяпсанми? Ёки жуда кибрланиб, кўзингни ёғ босиб қолдимми?



– Азизим Кадрусс, асло ундай эмас, – жавоб қилди Дантес. – Мен заррача кибрланганим йўқ, фақат бахтиёрман, бахтиёр! Кибрга қараганда, бахт кишини кўпроқ маст-аласт қилса керак.

– Мана, гап бундай бўпти! – деди Кадрусс. – Жуда боплаб жавоб берди! Салом, Дантес хоним!

Мерседес одоб билан эгилиб салом берди.

– Мени ҳали бундай деб атаганларича йўқ, – деди у. – Куёв қизнинг эри бўлмагунча уни ким қаллиқнинг фамилияси билан атаб чақирса, унга мусибат тилаган бўлади, дейишади бизда. Шунинг учун, сиздан илтимос қиламан, мени Мерседес деб чақираверинг.

– Қўшним Кадрусс айбдор эмас, десак ҳам бўлади, – деди Дантес. – У озгина хато қилди, холос!

– Бундан чиқдики, яқинда тўй ҳам бўларкан-да? – сўради Данглар икки ёшга таъзим қилиб.

– Мумкин қадар тезроқ ўтказишга ҳаракат қиламиз. Маслаҳат бугун отамникида бўлади. Эртага, энг узоғи билан индинга унаштириш шарафига шу ерда – «Резерв»да зиёфат берамиз. Ҳамма дўстлар келишади деб умид қиламан: демак, сиз ҳам таклиф этилдингиз, жаноб Данглар; демак, Кадрусс, сени ҳам кутамиз.

– Фернан-чи? – сўради Кадрусс мастона кулиб. – Фернан ҳам бўладими?

– Хотинимнинг акаси – менинг ҳам акам, – деди Эдмон, – шундай қувончли дақиқаларда у биз билан бирга бўлмаса, мен ҳам, Мерседес ҳам жуда ранжиган бўламиз.

Фернан жавоб қилмоқчи бўлди-ю, бироқ томоғига бир нарса тикилиб, пом-мим деёлмади.

– Бугун унаштириш... Эртага ёки индин никоҳ... Оббо, жуда шошяпсиз-ку, капитан!

– Данглар, – деди жавобан Эдмон жилмайиб, – Мерседес Кадруссга айтганидек, мен ҳам сизга шуни айтиб қўяйинки, ҳали олмаган унвонни менга тақаманг, бу бошимга бир фалокатни келтириши мумкин.

– Узр, – деди жавобан Данглар. – Мен фақат шошиляпсиз, дедим. Вақтимиз ҳам кўп: «Фараон» камида уч ойдан кейин сафарга чиқади.

– Бахт кетидан қувганда, киши ҳамиша мана шунақа шошилади, жаноб Данглар, чунки кўп изтироб чеккан киши ўз бахтига ҳам зўрға ишонади. Бу худбинлик эмас, мен Парижга кетишим керак.

– Уҳў, шундай денг! Сиз Парижда илгари бўлганмисиз ёки у ерга биринчи марта боришингизми?

– Биринчи боришим.

– У ерда бирор ишингиз бордир-да?..

– Ҳазимнинг ишим эмас. Мен мархум капитанимиз Леклернинг охирги топшириғини бажо келтиришим лозим. Бу муқаддас иш, Данглар. Сиз хавотир олманг: бораману изимга қайтаман.

– Тушундим, тушундим, – деди Данглар. Сўнг ўз-ўзига деди:

«Маршал берган хатни эгасига етказиш учун Парижга боради. Ажабо! Бу хат масаласида менда бир фикр туғилди, ажойиб фикр! Э, менинг дўстим Дантес! Сен ҳали «Фараон» рўйхатидан биринчи ўринни эгаллаганингча йўқ, ҳа, билиб қўй, эгаллаганингча йўқ!»

Сўнг у Эдмоннинг кетидан қичқирди:

– Оқ йўл!

– Миннатдорман, – жавоб қилди Эдмон ўгирилиб ва бошини дўстона ирғатди.

Икки бахтли ошиқ осмонда сайланган икки юлдуз каби хотиржам йўлида давом этди.

#### IV. ФИТНА

Эдмон ва Мерседес то муқаддас Николай қўрғонидан ўтгунча Данглар улардан кўзини узмади. Сўнг у ичкиликбоз дўстлари ёнига қайтиб келди, ранги бўзариб титроқ босган Фернан қимир этмай ўтирибди, Кадрусс эса қандайдир ашулани минғиллаб айтяпти.

– Чамамда, – деди Фернанга Данглар, – бу тўй баъзилар учун азага айланса керак.

– У менинг дилимни сиёҳ қилиб, ғазаблантиряпти, – деди Фернан.

– Сиз Мерседесни севасизми?

– Жонимдан ҳам яхши кўраман уни.

– Кўпдан буёнми?

– Бир-биримизни таниган кундан буён севиб келдим Мерседесни.

– Шундай экан, бу дард-аламга даво топиш ўрнига бу ерда сувга тушган бўлкага ўхшаб ўтирибсиз! Оббо, шоввоз-э! Каталаниликлар бунақа бўлмас, деб ўйлагандим мен.

– Сизнингча, нима қилишим керак? – сўради Фернан.

– Мен қаёқдан билай? Бу менинг ишим эмас-ку? Гўзал Мерседеснинг мафтунни бўлиб юрган мен эмас, сиз. Шунинг учун бу мушкулингизни осон қилиш йўлини ўзингиз топишингиз керак.

– Топгандек бўлувдим.

– Хўш, нима экан у?

– Мен унга ханжар урмоқчидим, бироқ Мерседес, агар Дантес фалокатга учрагудек бўлса, мен ҳам ўзимни ўлдираман, деди.

– Қўйинг бу бемаъни гапни! Бунақа нарсалар фақат оғизда айтилади-ю, амалда бўлмайди.

– Сиз Мерседеснинг феълени билмайсиз-да. У бир нарсага аҳд қилдим, албатта бажо келтиради.

– Э, каллаварам! – деди аста Данглар. – Малика ўзини ўлдирса ўлдираверсин, менга нима, фақат Дантес капитан бўлмаса бас.

– Аввал Мерседес эмас, – деди қатъият билан Фернан, – мен ўламан!

– Ана ошиқлигу, мана ошиқлик! – қичқириб юборди маст-аласт Кадрусс. – Ошиқу беқарор деб шуни айтадиларда. Ёки мен калтабинлик қиляпманми-а?

– Менга қаранг, – деди Данглар, – азамат йигит, мен ҳам сизга бу мусибатдан қутулишга ёрдам берсаммикин, деб ўйляпман, бироқ...

– Хўш, – сўз қотди Кадрусс, – гапир. \*

– Ҳой, жўра, – деди унинг сўзини бўлиб Данглар. – Сен маст бўп қолдинг, шишада қолганини ҳам ич, таппа-тайёр бўласан. Бизга халақит берма, ичавер. Бизнинг ишимизни бажо келтириш учун ақл расо бўлмоғи керак.

– Мен мастманми? – деди қичқириб Кадрусс. – Бунинг гапини қаранг-а! Мен мана бунақанги шишалардан яна

тўрттасини бўшата оламан. Ахир бу атир солинган митти шишачалар-ку! Ҳой, Памфил ота, қани келтир винони! – деди-да, Кадрусс тақ этиб стаканни столга урди.

– Демак, гапингизга қараганда... – деди Фернан Дангларга, гапнинг хулосасини тоқатсиз кутиб.

– Нима деганимни ҳам унутиб қўйдим. Мана бу ароқхўр фикримни чувалаштириб юборди.

– Майли, мен ароқхўр бўлсам бўла қолай, бироқ бундан мен эмас, винодан кўрқадиганлар ютқазади, аслида уларнинг фикри бузуқ, вино ошкора қилиб қўймасин тағин, деб кўрқишади-да.

Сўнг Кадрусс ўша замонда жуда расм бўп кетган қўшиқни айта кетди.

– Демак, гапингизга қараганда, – давом этди Фернан, – мушкулимни осон қилишда ёрдам бермоқчи бўлаяпсиз, тўғрими? Бироқ қўшимча қилиб...

– Ҳа, шундай. Сизга ёрдам бериш учун Дантеснинг севгилингизга уйланишига йўл қўймаслик керак. Дантес тирик қолсаям, тўйни қолдиришнинг йўли осон.

– Фақат ўлим уларни жудо қилиши мумкин, – деди Фернан.

– Азизим, нуқул ёш боланинг гапини қиласиз, – деди суҳбатга аралашиб Кадрусс. – Данглар эса оқил: қув, устмон. Сиз адашаётганингизни у исботлаб беради, ҳа, сабр қилинг, боплаб исботлаб беради. Данглар, ке, исботлаб бера қол. Мен сенга кафил бўлдим. Ке, Дантеснинг ўлиши керак эмаслигини исботлаб бер, бунинг устига мабодо Дантес ўлса, ҳаммасиз ачинамиз, афсусланамиз. У яхши, хушфёъл йигит, мен уни яхши кўраман. Дантес, сенинг соғлигинг учун!

Фернан ўксиниб қўлини силтади-да, ўрнидан турди.

– Қўй уни, – деди Данглар каталанилик йигитни тўхта-тиб, – маст бўлса-да, ҳақиқатга яқин гапни айтяпти. Ҳижрон ҳам улар учун ўлимдан оғир бўлади. Дантес билан Мерседесни қамоқхона девори ажратиб қўйса-чи? Унда нима бўлади? Бу ҳам уларни худди қабр тоши каби бир-биридан ажратиб ташлайди.

Кадрусс эс-хушини йиғиб олишга уриниб суҳбатга қўшилди:

– Тўғри, бироқ қамоқдан озод бўлиш ҳам бор. Эдмон Дантес деган зот турмадан чиққач боплаб қасос олса керак.

– Майли, қасос олсин! – деди шивирлаб Фернан.

– Бунинг устига, – деди Кадрусс сўзини давом эттириб, – Дантес қанақа гуноҳ қилиб қўйибдики, турмага қамашади? У ўғрилиқ қилмаган, бировни ўлдирмаган, чавақламаган бўлса... Нега?

– Учир овозингни? – деди унинг сўзини кесиб Данглар.

– Овозимни ўчирмайман, билдингми, ўчирмайман! – деди Кадрусс. – Мен Дантесни нега қамашмоқчи эканларини айтиб беришларини истайман. Ҳа, мен Дантесни яхши кўраман. Дантеснинг саломатлиги учун. – У яна бир стаканни бўшатди.

Данглар кўзлари сузилиб, юмила бошлаган машиначига бир назар ташлади-да, Фернанга ўгирилиб деди:

– Уни ўлдирмаслик кераклигини энди тушундингизми?

– Айтганингиздек, Дантесни турмага тиқиш учун далил топилса, ўлдиришнинг ҳеч ҳожати йўқ. Бироқ бу далил қаерда?

– Агар яхшилаб қидирсак топилади, – деди Данглар. – Айтмоқчи, – давом этди у, – мен нега бу ишга тумшуғимни суқиб юрибман? Ахир унинг менга ҳеч дахли йўқ-ку!

– Сизга дахли борми, йўқми, билмадим, – деди қичқириб Фернан Дангларнинг кўлидан маҳкам тутиб, – аммо билишимча, қандайдир сабаб билан сиз Дантесни ёмон кўрасиз. Бир кишини ёмон кўрган одам, ўзига ўхшаш бошқа одамнинг ҳам кўнглида нима борлигини ҳеч хато қилмай англай олади.

– Дантесни ёмон кўриш учун меида қандай сабаб бўлиши мумкин? Худо ҳақи, ҳеч қандай сабаб йўқ. Мен бахтсизликка учраганингизни кўриб, раҳмим келди, холос. Мабо-до сиз: мени ўзи учун ҳаракат қиляпти, деб ўйлаётган бўлсангиз, азизим, хайр, биродари азиз, бу балодан қутулиш йўлини ўзингиз топинг.

Данглар ўзини ўрнидан тураётгандек қилиб кўрсатиб, қимирлаб қўйди.

– Йўғ-э, тўхтанг! – деди Фернан уни ушлаб. – Сиз Дантесни ёмон кўрдигиз нима-ю, ёмон кўрмадингиз нима, менга

барибир эмасми?! Мен уни ёмон кўраман, ундан нафратланаман. Сиз ўша далил-даъвони топинг, уни амалга оширишни эса менга кўйиб беринг. Ўлдиришдан бошқасига тайёрман, чунки уни ўлдирсалар мен ҳам ўламан, – деди у.

Кадрусс толдан бошини кўтарди-да, Фернанга ва Дангларга бемалол ва бемаъни назар ташлаб гўлдиради:

– Дантесни ўлдиришади денг? Ким уни ўлдираркан? Уни ўлдиришларини истамайман, ҳа, истамайман. У менинг дўстим, бугун эрталаб менга пул бермоқчи бўлди, мен ҳам унга қарз бергандим. Дантесни ўлдиришларини истамайман!

– Биров сенга, уни ўлдирмоқчилар, деяптими, аҳмоқ! – деди унинг сўзини кесиб Данглар. – Биз шунчаки ҳазиллашяпмиз. Ол, ич унинг соғлиғи учун, – давом этди у Кадруссининг стаканини тўлдириб. – Ҳадеб гапга аралашаверма.

– Ҳа, ҳа, Дантеснинг соғлиғи учун ичамиз! – деди Кадрусс винони симириб, – унинг соғлиғи учун!.. Унинг саломатлиғи учун!..

– Хўш... ҳалиги далил қандай, айтинг воситани? – сўради Фернан.

– Ўзингиз уни ҳалиям топганингиз йўқми?

– Йўқ, ахир сиз топаман деган эдингиз-ку!..

– Тўғри, – деди Данглар. – Французларнинг испанлардан ортиқлиги шундаки, испанлар ўйини ўйлаб бўлгунча французлар чораи-тадбирни бажо келтириб қўя қолади.

– Шундай экан, қани айтинг чораи-тадбирни! – деди сабртоқати тугаб бораётган Фернан.

– Ҳой, хизматчи! – қичқирди Данглар. – Қани, қалам, сиёҳ, қоғоз келтир!

– Қалам, сиёҳ, қоғоз? – деди ажабланиб Фернан.

– Худди шундай, ахир ҳунарим бухгалтерлик: қалам, сиёҳ ва қоғоз менинг қуролим, уларсиз ҳеч нарса қилолмайман.

– Қалам, сиёҳ, қоғоз! – деб қичқирди қўшимча қилиб Фернан.

– Нариги столда турибди, – деди майхона хизматчиси қўли билан столни кўрсатиб.

– Бу ёққа келтир-чи.

Хизматчи қалам, сиёҳ ва қоғозни айвончага келтириб берди.

– Уйлаб қарасам, – деди Кадрусс қоғоз устига уриб, – одамни бурчакда пусиб туриб ўлдиргандан кўра, мана бу билан уриб гумдон қилиш осон, шекилли. Қилич ва тўппончадан кўра қалам, сиёҳ ва қоғоздан кўпроқ кўрқишимнинг боиси ҳам шунда-да.

– Бу найрангбоз ҳали унча мастга ўхшамайди, – деди Данглар, – қуйинг унга яна.

Фернан шишани кўтариб Кадрусснинг стаканини лим-мо-лим тўлдирди, Кадрусс қоғозни қўйди-да, худди ҳақиқий ароқхўрга ўхшаб стаканга қўл узатди.

Фернан сўнгги винодан маст-аласт бўлган Кадрусс стаканни стол устига тушириб юборгунча ундан кўзини узмади.

– Хўш, бу ёғи нима бўлади? – деди каталанилик Кадрусс эс-хушининг охири зарралари ҳам сўнгги стаканга чўкиб кетганини кўриб.

– Бу ёғи шундай бўладики, масалан, бирор зот Дантеснинг Неаполь ва Эльбада тўхтаб, сафардан қайтганидан сўнг қироллик прокурорига унинг бонапартчилар агенти деб махфий маълумот берса...

– Маълумотни ўзим бераман! – деди қизишиб Фернан.

– Лекин шуни билиб қуйингки, маълумотга сиз қўл қўясиз, сўнг кимнинг устидан маълумот берсангиз, унга сизни юзма-юз қилиб сўроқ қиладилар. Айбномани тасдиқлаш учун зарур нарсалар билан сизни мен таъмин этаман, албатта. Бироқ Дантес турмада абадий қолиб кетмайди, қачон бўлмасин у чиқади; ана ўшанда уни қаматганининг ҳолига вой!

– У мен билан жанжал бошласа бас, менга шуниси керак.

– Мерседес-чи? Мабодо севгилисига қўл кўтаргудек бўлсангиз, Мерседес сизга нафрат ўтини ёғдиради-ку!

– Бу гапингиз тўғри, – деди Фернан.

– Йўқ, йўқ, – деди сўзини давом эттириб Данглар, – башарти гап бир ердан чиққан экан, энди ким ёзганини билмасинлар учун қаламни мана бундай қилиб чап қўлга олиб, қуйидаги қисқа маълумотни ёзиш керак.

Данглар панд-насиҳатларини мисол билан тасдиқлаб, қаламни чап қўлида тутиб қийшиқ-қинғир ҳарфлар билан

(бу унинг одатдаги хатларига асло ўхшамасди) куйидаги хужжатни ёзиб, Фернанга берди.

Фернан оҳиста овоз чиқариб ўқиди:

– «Жаноб қироллик прокурори, тахт ва дин мухлиси сизга шуни маълум қиладики, «Фараон» кемаси капитанининг ёрдамчиси Эдмон Дантес Смирнадан келаётиб Неаполь ва Порто-Феррайога кириб ўтди, Мюратдан узурпаторга<sup>2</sup> ва узурпатордан бонапартчиларнинг Париждаги комитетига хат олиб келди. Агар уни ҳибсга олишса фoш қилувчи хатни унинг чўнтагидан ёки отасиникидан, ё бўлмаса «Фараон» кемасининг каютасидан топиш мумкин».

– Мана, – деди Данглар, – буни амалий иш деса бўлади, бундай махфий маълумот сизга асло зарар етказмаслиги ва ҳамма иш ўз йўлида кетавериши мумкин. Энди хатни мана бундай қилиб буклаб устига: «Жаноби қироллик прокурорига» деб ёзилса – олам гулистон.

Данглар тиржайиб манзилни ёзди.

– Ҳа, олам гулистон, – деди қичқириб Кадрусс. У ўқилаётган хат мазмунини англаб олиш учун зўр бериб ҳушёр бўлишга уринар ва бу махфий маълумотнинг оқибати ниҳоятда даҳшатли бўлишини беихтиёр ҳис этиб турар эди. – Ҳа, олам гулистону, бироқ бу разиллик-да.

Шуни деб у қўлини узатиб хатни олмоқчи бўлди.

– Шундай бўлишини билиб, – деди Данглар хатни Кадруссдан четга тортиб, – мен ҳам бу гапларнинг ҳаммасини ҳазил қилиб айтяпман. Мабодо бизнинг шавкатли Дантесимизга бирор шикаст етгудек бўлса, энг биринчи бўлиб, мен қайғулардим. Мана қара бунга!

У хатни олди-да, ғижимлаб-ғижимлаб айвончанинг бурчагига ирғитди.

– Мана, иш бундай бўпти! – деди Кадрусс. – Дантес меннинг дўстим, унга зарар етказишларини асло истамайман.

– Биров унга зарар етказаман деяптими? Мен билан Фернаннинг унга ҳеч қандай хусуматимиз йўқ! – деди Данглар

---

<sup>2</sup> Узурпатор – ҳокимиятни ёки бировнинг ҳуқуқини қонунга хилоф равишда тортиб олган киши.



ўрнидан тураётиб. У бурчакка ирғитилган қоғозга кўз қирини ташлаб ўтирган Фернанга қараб-қараб кўярди.

– Ундай бўлса, – деди давом этиб Кадрусс, – яна вино келтиринг! Мен Эдмоннинг ва гўзал Мерседеснинг соғлиғи учун ичаман.

– Сен бунингсизам жуда кўп ичдинг, – деди Данглар, – яна ичгудек бўлсанг, оёғингда туролмайсан, у ҳолда шу ерда ётиб қолишингга тўғри келади.

– Мен-а? – деди Кадрусс ароқхўрлар каби мақтаниб ўрнидан турар экан. – Мен оёғимда туролмас эканманми? Мен-а? Гаров бойлаб Аккуль кўнғироқхонасига ҳеч гандиракламай чиқаман! Қани, гаров ўйнаимизми?

– Бўпти, – деди унинг сўзини бўлиб Данглар, – гаров ўйнаимиз, фақат бугун эмас, эртага. Энди вақт анча бўлиб қолди, қани, кетдик уйга. Қани, кўлингни бер менга, кетамиз.

– Кетдик, – жавоб қилди Кадрусс, – бироқ мени суяма, кераги йўқ, узим боравераман. Сен-чи, Фернан! Сен ҳам кетасанми? Биз билан бирга Марселга борасанми?

– Йўқ, – деди Фернан, – мен Каталанига, уйга бораман.

– Бекор қиласан-да. Юр биз билан Марселга, юр.

– Марселга борадиган ишим йўқ, боришни истамайман ҳам.

– Нима дединг? Боришни истамайман, дедингми?.. Майли, билганингни қил. Ихтиёр ўзингда. Қани, Данглар кетдик. Бу жаноб Каталанига бормоқчи экан, бораверсин.

Данглар Кадрусснинг бўшанглигидан фойдаланди-да, уни Марсель томонга етаклади. Бироқ у Фернаннинг йўлини қисқартириш ва қулайлаштириш мақсадида Рив-Нев дарёси бўйидан юрмай, Сен-Виктор дарвозасига қараб юрди. Унинг кўлига осилиб олган Кадрусс гандираклаб борарди.

Йигирма қадамча юргач, Данглар орқасига ўгирилиб, Фернаннинг югуриб бориб ёғимлаб ташланган қоғозни олганини, шийпондан югуриб чиқиб шаҳар томонга чоп-қиллаб кетганини кўрди.

– Нима қилипти у? – деди Кадрусс. – У ёлғон гапирган экан-да: Каталанига бораман деб, шаҳарга кетяпти-ку. Ҳой, Фернан! Адашиб кетдинг-ку, ошна!

– Кўзингга шунақа кўриняпти, – деди унинг сўзини бўлиб Данглар. – У тўғри Эски Касалхона кўчасига кетяпти.

– Шундайми? – деди Кадрусс. – Мен ўннга бурилди деб ўйлабман... Вино – душман, деб тўғри айтишади-да.

– Иш, чамаси, силлиқ кўчди, – шивирлади Данглар, – энди бу ёғи ўз-ўзидан кетаверади.

## V. НИКОҲ

Субҳидам. Ҳаво очиқ ва илиқ, қуёш ёрқин ва порлоқ эди; унинг қирмизи ранг нурлари кўпикли тўлқин қирралари устида ёқутдек ялтирарди. Зиёфат ҳали айвончаси билан танишганимиз «Резерв»нинг иккинчи қаватида тайёрланган эди. Бу олти деразали катта зал бўлиб, ҳар бир дераза тепасига (нечуқдир) Франциянинг йирик шаҳарларидан бирининг номи чизиб қўйилган эди.

Ана шу деразалар ёнида бошқа ҳамма бинолардагидек узала кетган йўлка бор.

Зиёфат тушга тайинланган бўлса-да, соат ўн бирдан ўтмасдан сабрсиз меҳмонлар йўлкани тўлдириб сайр қилиб юришибди. Булар «Фараон» кемасининг денгизчилари, бир неча солдат, Дантеснинг дўстлари эди, меҳмонлар куёв билан келинга ҳурмат юзасидан янги кийимларини кийиб ясаниб келишган.

Меҳмонлар орасида, тўйга «Фараон»нинг хўжайинлари ҳам ташриф буюрармиш, деган гап тарқалди. Дантес учун улуғ шараф бўлган бу миш-мишга ҳеч кимнинг ишонгиси келмасди.

Бироқ Кадрусс билан бирга келган Данглар бу гап тўғри деб тасдиқлади. Эрталаб у жаноб Моррелни кўрибди, жаноб Моррель «Резерв»га зиёфатга бораман, дебди.

Чиндан ҳам бир неча дақиқадан сўнг залга Моррель кириб келди. Уни матрослар бараварига қарсак чалиб кутиб олишди. Тўйга арматорнинг келишидан, Дантес капитан бўлади деган миш-мишлар тўғри экан-да, деган хулосага келишди матрослар. Уларнинг Дантесга ихлослари жуда баланд эди, шунинг учун матрослар капитанликка улар истаган кишини қўймоқчи бўлган хўжайинга миннатдорчилик билдиришди. Моррель жаноблари келиши билан ҳамманинг талабига мувофиқ тездан бориб арматорнинг кел-

ганини, бундан ҳамманинг боши осмонга етганини куёвга хабар қилишни ва ишни тезроқ тамомлаб келиш кераклигини уқтиришни Данглар ва Кадруссга топширдилар.

Данглар ва Кадрусс чопқиллаб кетишди, бироқ улар юз қадам босмасданоқ, куёв билан келинга рўбарў келишди.

Мерседесни каталанилик тўртта дугонаси кузатиб келяпти, Эдмон уни қўлтиқлаб олган. Келиннинг ёнида чол Дантес, орқасида Фернан. Заҳарханда табассум Фернаннинг лабларини қийшайтириб юборган. Мерседес ҳам, Эдмон ҳам буни сезмасди; уларнинг кўзига ўзлари-ю, тип-тиниқ осмондан бўлак ҳеч нарса кўринмасди, чунки иккиси бахт тахтига миниб олган; гўё мусаффо осмони-фалак ҳам уларга ёрқин истиқбол тилаётгандек туюларди.

Данглар ва Кадрусс топшириқни бажо келтирдилар, сўнг Эдмон билан қўл сиқишиб дўстона табрикладилар-да, ўз жойларига, яъни ҳамманинг назар-эътиборида бўладиган жойга ўтирдилар: Данглар Фернан ёнига, Кадрусс эса чол Дантес ёнига ўтирди.

Чол пўлат тугмали чакмонини кийиб келибди, ингичка, мушакдор оёғида инглизча чиройли пайпоқ, унинг контрабанда йўли билан келтирилганини киши бир кўришдаёқ дарров фаҳмлайди. Уч бурчакли шляпасига оқ ва ҳаво ранг тасмалар тақиб олган. Боши қайириб қўйилган ҳассага таяниб юради. Хуллас, чол Дантеснинг Люксембург ва Тюильрий саройларининг янгидан очилган боғларида сайр этиб юрган 1796 йил олифталаридан заррача қолишадиган жойи йўқ.

Кадрусс чолнинг ёнига ўтириб олганини юқорида айтган эдик. У дабдабали зиёфатга чақирилиши биланоқ, Дантеслар билан тамом ярашиб, апоқ-чапоқ бўлиб олди; кечаги воқеалар унга худди безовта уйқуда кўрган тушга ўхшарди.

Данглар Фернан ёнига келди-да, кўнгли озор чекиб ранжиган муҳибига синчков назар ташлади. Бўлажак Эр-хотин кетидан, ўз Эдмонидан бўлак ҳеч нарсани кўрмаётган Мерседес кетидан зўрға қадам ташлаётган Фернан гоҳ қизарар, гоҳ бўзарарди. Баъзан у Мерседес томонига қараб кўяр ва ҳар гал ихтиёрсиз сесканиб кетарди. Фернан афтидан қандайдир муҳим ҳодиса юз беришини кутаётгандай ёки олдиндан кўраётгандай эди...

Дантес соддагина кийинган. У савдо кемасида хизмат қилганидан уст-боши ҳарбий мундирга ҳам, оддий фуқаро кийимига ҳам ўхшарди. Қувончдан очилиб кетган чеҳраси ниҳоят хушрўй эди.

Мерседес кипр ёки хиос грек аёлига ўхшаб кетар, кўзлари қоп-қора, лаблари қирмизи, чиройда тенги йўқ зебо. У арлезианка ва андалузкалар каби эркин, бемалол қадам ташлаб келарди. Одатда шаҳар қизи ийманиб қувончини сездирмасликка уриниши мумкин эди, бироқ Мерседеснинг чеҳрасида табассуми ўйнаб, чақнаган кўзларини меҳмонлардан узмасди. Унинг бу табассуми, қарашлари худди: «Агар менга дўст бўлсангиз, мен билан бирга қувонинг, ахир мен чиндан ҳам бениҳоя бахтиёрман!» деяётгандек эди.

Қуёв, келин ва уларнинг йўлдошлари «Резерв»га яқинлашганда Моррель жаноблари матрослар ва солдатлар даврасида уларга пешвоз чиқди (Моррель матрос ва солдатларга марҳум Леклер ўрнига Дантес капитан бўлиши муқаррарлигини айтганди). Дантес арматорни кўрди-ю, Мерседеснинг қўлтиғидан қўлини олиб, ўрнини унга бўшатди. Моррель ва келин меҳмонларга намуна кўрсатиб зинапоядан кўтарилдилар-да, ошхонага йўл олдилар; тахтадан ясалган зина яна беш дақиқага яқин меҳмонларнинг вазмин қадамлари остида фижирлаб турди.

– Дадажон, – деди Мерседес стол ўртасида тўхтаб, – менинг ўнг ёнбошимга ўтиринг, илтимос қиламан, чап ёнимга акам ўрнига ака тутинган жигарбандимни ўтқазаман, – деди у меҳрибонлик билан. Мерседеснинг бу сўзлари Фернаннинг бағрига найза бўлиб санчилди. Унинг лаблари кўкариб кетди, юзидан қон қочди.

Дантес Моррель жанобларини ўнг ёнига ва Дангларни чап ёнига ўтқазди: сўнг қўли билан столни кўрсатиб ҳаммани ўтиришга таклиф этди.

Ажойиб чинни лаганларда хушбўй колбасалар, турли хил балиқлар, хуллас, денгиз тўлқинлари қумли қирғоқларга улоқтириб ташлайдиган ва бундан миннатдор балиқчилар «денгиз ноз-неъматлари» деб атайдиган лазиз таомлар кетма-кет келтирилмоқда.

– Қандай оғир сукунат чўкди бу ерга! – деди кекса Дантес хўжайиннинг ўзи келтириб Мерседес олдига қўйган

қирмизи ранг тиниқ винодан хўплаб. – Бу ерда чақ-чақлашмоқ учун келган ўттиз киши ўтирибди, деб ким айта олади?

– Қуён ҳамиша хушчақчақ бўлавермайди, – деди Кадрусс.

– Ҳақ гапни айтдингиз, – деди унинг сўзини илиб олиб Эдмон, – мени бахт шундай қамраб олдики, хушчақчақликни ҳам унутиб қўйдим. Қўшни, мабодо сиз шу маънода гапираётган бўлсангиз, бу мутлақо тўғри. Қувонч баъзан кишига жуда ғалати таъсир этади, қайғу сингари азоб беради.

Данглар Фернанга қаради, йигитнинг барча ички кечинмалари юзида акс этиб турарди.

– Қўйинг, беҳуда қайғураверманг! Ёки бирор нарсадан кўрқяпсизми? – сўради у. – Чамамда, аксинча, ҳамма тилак-орзуларингиз амалга ошяпти.

– Ана шу мени ваҳимага соляпти, – деди Дантес, – назаримда, инсон бахтга бунчалик осон эришмаслиги керак! Бахт – эшикларини аждаҳолар тўсиб турадиган афсонавий саройларга ўхшайди. Уни эгаллаб олмоқ учун курашмоқ керак, мен эса нима қилиб Мерседесга эр бўлишдек бахтни эгаллаб олганимни ўзим ҳам билмайман.

– Эр бўлишдек эмиш!.. – деди кулиб Кадрусс. – Йўқ, капитан, эр бўлганинг йўқ ҳали; аввало, эрлигингни кўрсат, қани, сени қандай қабул қилишаркан!

Мерседес қизариб кетди.

Фернан типирчилаб столда тинч ўтиролмасди, сал-пал шовқинга ҳам сесканиб тушар, момақалдироқдан кейинги ёмғир томчилари сингари пешонасидан мунчоқ-мунчоқ бўлиб оқаётган терларини тинмай артарди.

– Майда-чуйда нарсалар устида тортишиб-жанжаллашиб ўтиришдан не фойда, қўшни, – деди Кадрусснинг пичингига жавобан Эдмон, – тўғри, Мерседес ҳали менинг хотиним бўлганича йўқ...

У соатига қаради.

– Аммо бир ярим соатдан сўнг у менинг хотиним бўлиши муқаррар!

Ҳамма ҳайратдан қий-чув кўтарди. Фақат кекса Дантес ҳали маҳкам тишларини кўрсатиб тиржайиб қўя қолди. Мер-

седес энди уялмай, кулиб қўйди. Фернан эса титраб пичофининг сопини маҳкам ушлаб олди.

– Бир соат ўтгач-а! – деди Данглар ҳам бўзариб. – Бу қана қаси?

– Ҳа, дўстларим, – жавоб қилди Дантес, – Моррель жанобларининг меҳр-шафқати туфайли ҳамма ғовлар улоқтирилди. Отамдан сўнг ҳаммадан ҳам кўпроқ мен ана шу жаноб Моррелдан миннатдорман. Биз пул тўлаб қўйдик, соат икки яримда бизни Марсель шаҳрининг хоними ўз қароргоҳида кутиб олади. Мана ҳозир соат бирдан чорак ўтди, демак, бир соату ўттиз дақиқадан сўнг Мерседес ҳеч шубҳасиз Дантес хоним бўлиб қолади, десам хато қилмаган бўламан.

Фернан кўзларини юмди: у гандираклаб столга суяниб олди-да, чидолмай оҳ тортиб юборди. Аммо у чеккан фон меҳмонларнинг шовқин-суронига ғарқ бўлиб кетди.

– Мана иш бундай бўпти, тўғри эмасми-а? – деди кекса Дантес. – Вақтни мана шундай тежаш керак-да! Ўзи куни кеча келди. Бугун соат учда хотинлик бўлади! Бунақасига фақат денгизчилар қодир!

– Бироқ битим тузиш, турли расмий қоғозлар ёзиш-чи? – деди иккиланган оҳангда Данглар.

– Битим! – деди Дантес кулиб. – Шартнома тайёр: Мерседеснинг ҳам, менинг ҳам ҳеч нарсам йўқ! Нима бўлса ўртада... Бу арзимас нарсалар бирпасда рўйхатга олинади...

Бу ҳазил гаплардан ҳамма қаҳ-қаҳ уриб, чапак чалди.

– Демак, биз никоҳда эмас, – деди Данглар, – тўйда ўтирибмиз экан-да.

– Йўқ, – деди эътироз билдириб Эдмон, – хотиржам бўлинг, ҳаммаси ҳам бўлади. Эртага эрталаб мен Парижга кетаман. Тўрт кун бориш, тўрт кун қайтиш, бир кун топшириқни бажаришга кетади, демак, тўққизинчи мартда шу ерда бўламан, ўнинчида эса ҳақиқий тўй зиёфати бўлади.

Яна катта зиёфат бўлишини эшитгач, меҳмонларнинг қувончига қувонч қўшилди, зиёфат бошланишида оғир суқунатдан койинган кекса Дантес эндиликда ўзида йўқ хурсанд. У шовқин-сурон ичида, бўлажак эр-хотин учун қадаҳ кўтаришни таклиф қиламан, деб роса қичқирарди.

Дантес отасининг мақсадини пайқади-да, меҳр ва табас-сум билан унга тикилди. Мерседес деворга осифлиқ соатга қараб Дантесга имлади.

Оддий кишилар зиёфат охирида ҳамиша зални бошига кўтариб хушчақчақлик қилишади. Мана ҳозир ҳам шундай бўляпти. Утирган жойидан норозилар ўрнидан туриб, ёқим-той суҳбатчилар ёнига ўтиришди. Ҳамма бирданига гапирар, саволларга ҳеч ким жавоб бермас, ҳар ким ўзи билан ўзи овора эди.

Фернан каби Дангларнинг ранги ўчиб, қони қочган эди. Фернаннинг ўзи эса дошқозонга тушиб жизғанаги чиқаётгандек ҳансираб зўрға нафас оларди. У ҳаммадан олдин ўрнидан турди-да, залда у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Ғала-ғовур, жаранг-журунглар орасида қулони динг қилиб, қандайдир товушни эшитишга уринарди.

Кадрусс Фернан олдига келган эди, шу ондаёқ улар ёнида Данглар пайдо бўлди. Фернан ундан ўзини олиб қочиб юрган эди.

– Дантес азамат йигит, – деди Кадрусс. Эдмоннинг илтифоти ва кекса Памфилнинг мазали виноси Дантесга нисбатан ундаги ҳасад алангасини аллақачон ўчириб қўйган эди. – Бу ҳақ гап. Қаллиғининг ўтиришини қаранг: қандай гўзал, қандай олижаноб. Шундай ҳолда сиз кеча кечқурунги маслаҳатингизни амалга оширгудек бўлсангиз жуда разиллик бўларди-да.

– Ахир биз у ниятимиздан қайтганимизни ўзинг кўрдинг-ку, – деди Данглар. – Бечора Фернан кеча шу қадар ғамгин ва дилхаста эдики, дастлабки дақиқаларда унга жуда раҳим келди. Аммо у тақдирига тан бериб, ҳатто рақибига куёв жура бўлишга розилик бергандан сўнг, ҳеч қандай гапга ўрни қолмади.

Кадрусс Фернанга қаради. Унинг авзойи бузилиб, мурда бўлиб қолган эди.

– Бу жуда оғир дипломатик Фернанга, чунки қиз ҳақиқатан ҳам ниҳоятда гўзал экан, – деди сўзини давом эттириб Данглар. – Буни қаранг-а! Менинг бўлғуси капитан-ним – бахтиёр экан! Қани энди мен ҳам ҳеч бўлмаганда бир кун Дантеснинг ўрнида бўлсам.

– Кетайлик! – деди Мерседес ёқимли, майин овозда, – ана соат иккига бонг уряпти, бизни яна чорак соат ўтгач кутиб туришади.

– Ҳа, тўғри айтасан, кетдик, – деди Дантес тез ўрнидан туриб.

– Кетдик! – дейишди бир овоздан меҳмонлар. Шу пайт Фернаннинг кўзлари олайиб косасидан чиқай деб кетди: у ўрнидан бир кўтарилди-да, яна қайтиб дераза тоқчасига ўтирди. Ташқаридан ҳар хил товушлар эшитилди: гурс-гурс этган қадам товуши, ғала-ғовур ва қуролларнинг жаранги меҳмонларнинг қувончли чақчақини бир зумда босиб қўйди, ўртага ваҳимали сукунат чўкди.

Ташқаридаги ғала-ғовур яқинлашди; эшикка уч марта қарсиллатиб урилди, меҳмонлар ҳайрон бўлиб, бир-бирига қаради.

– Очинг, полиция! – деди кимдир баланд овоз билан ташқаридан; ҳеч ким жавоб бермади.

Шу заҳоти эшик очилди-да, қуролли тўрт солдат ва капитал кузатувида полиция комиссари залга кириб келди.

Ташвиш-хавотирга тушиб қолган меҳмонларни ваҳима босди.

– Нима гап ўзи? – сўради арматор комиссар ёнига бориб. (У илгаридан таниш эди.) – Англашилмовчилик юз берган бўлса керак.

– Мабодо англашилмовчилик юз берган бўлса, жаноб Моррель, тезда аниқланади. Ҳозирча менда қамоққа олиш ҳақида буйруқ бор, афсусланиб бўлса ҳам мен уни бажармоғим шарт. Жаноблар, орангизда Эдмон Дантес деган киши ким?

Ҳамма Эдмонга тикилди. У эса ҳаяжон-ла ўрнидан туриб ўртага чиқди ва деди:

– Мен. Хўш хизмат?

– Эдмон Дантес, – деди комиссар, – қонунга мувофиқ мен сизни қамоққа оламан!

– Қамоққа оламан? – сўради қайтадан Эдмон бир оз ранги ўчиб. – Нима учун мени қамоққа оласиз? Сабаб?

– Мен билмайман сабабини, сиз буни биринчи сўроқдаёқ билиб оласиз.

Моррель эътироз билдириб ўтиришнинг фойдасиз эканлигини англади: белига шарф боғлаб олган комис-



сар одам эмас, шунчаки ҳиссиз боқибегам, тошюрак бир махлуқ эди.

Аммо кекса Дантес бирдан ирғиб туриб комиссар қошига келди; чунки ота ва она бундай ҳолларда ҳеч нарсани англашни истамайди. Чол ўтинди, ялиниб-ёлворди. Кўз ёши ва илтижолар фойда бермади. Аммо чолнинг қайғу-алами шу қадар кучли эдики, ҳатто унга комиссарнинг ҳам раҳми келди.

– Қайғурманг, афандим! – деди у. – Эҳтимол ўғлингиз карантин ёки божхона қонун-қоидасини бузгандир; шундай бўлса у изоҳ бериб, тушунтирар-у қутулиб чиқар.

Ўзини ҳеч нарсани билмаганга солиб ўтирган Данглар ёнига борган Кадрусс хўмрайиб сўради:

– Ўзи нима гап?

– Мен қаёқдан билай! – жавоб қилди Данглар. – Мен ҳам худди сендек бўлаётган ишларни кўриб турибману, лекин тушунолмаи гарангман.

Кадрусс аланглаб Фернанни ахтарди.

Бироқ у аллақачон жуфтакни урган эди.

Ана шундан сўнг кечаги воқеа Кадрусснинг кўзи олдида даҳшатли манзара бўлиб гавдаланди. Ҳозирги фожиа кечаги ширакайф вақтида ниқобга ўралган разолатни яп-яланғоч қилиб, очиб ташлади.

– Бу кечаги гапларингизнинг оқибати эмасмикин? – деди у бўғиқ овозда. – Агар шундай бўлса, бу фитнани кўзгаганларнинг ҳолига вой деяверинг, чунки бу яхшиликка олиб бормади пировардида.

– Асло ундай эмас! – деди жавобан Данглар, – хатни йиртиб ташлаганимизни кўрдинг-ку ўзинг.

– Сен хатни йиртиб эмас, шунчаки ёғимлаб бурчакка ташлаб қўя қолдинг.

– Ўчир овозингни, сен ҳеч нима кўрганинг йўқ, маст эдинг.

– Фернан қаёққа гумдон бўлди? – сўради Кадрусс.

– Мен қаёқдан билай? – деди Данглар. – Бирор иши бордир-да. Бемаъни гаплардан кўра, бечора чолга далда берайлик.

Дантес барча дўстлари билан жилмайганча қўл бериб хайрлашди-да, ўзини солдатлар ихтиёрига топширди.

– Хотиржам бўлинг, дўстлар, хато аниқланади, мен ҳатто турмагача бормай қайтаман, – деди у.

– Бу ҳақ гап, ҳа, мен бунга кафилман! Ҳеч шубҳасиз қайтасиз! – деб гап қотди яқинлашиб келган Данглар.

Дантес зинапоядан пастга тушди. Олдида комиссар, икки ёнбошида солдатлар. Дантес кўчада кутиб турган эшиги очиқ файтунга тушди, унинг ёнига комиссар ва икки солдат ўтирди. Эшик ёпилиши биланоқ файтун Марсель томонга физиллаганча кетди.

– Хайр, Дантес! Хайр, Эдмон! – қичқирди Мерседес югуриб айвонга чиқиб.

Қаллиғининг минг пора юрагидан чиққан бу охирги фиғонни маҳбус эшитди-да, «кўришгунча хайр, Мерседес!» деб қичқирди. Файтун муқаддас Николай қалъаси муюлишидан ўтиб, кўздан ғойиб бўлди.

– Сизлар мени шу ерда кутиб турунг, – деди арматор, – мен дуч келган файтунга тушаман-да, Марселга бориб ҳамма гапни билиб келаман.

– Боринг! Боринг! – деди ҳамма бир овоздан, – тезроқ қайтиб келинг!

Икки киши кетгандан сўнг, қолганлар ўртасига мудҳиш маъюслик чўқди. Эдмоннинг отаси билан Мерседес ҳар иккиси ўз қайғу-аламини алоҳида-алоҳида тортганча анчагача тик туриб қолишди. Ниҳоят, уларнинг кўзлари тўқнашди. Бу зарба иккисини баб-баравар дилпора этганини кекса Дантес ҳам, Мерседес ҳам англади-да, иккови ўзини бир-бирининг қучоғига отди.

Шу пайт залга Фернан қайтиб келди, стаканга сув қуйиб ичди-да, стулга ўтирди.

Унинг ёнидаги стулга бехосдан Мерседес ўтирди.

Фернан беихтиёр стулни нари тортди.

– Бу фожианинг айбдори мана шу! – деди Дангларга Кадрусс кўзларини Фернандан узмай.

– Менимча бу эмас, – жавоб қилди Данглар. – Фернан ниҳоятда фаҳм-фаросатсиз одам, қандай бўлмасин, бу макрга қўл урган кишининг жазосини Тангрим беради.

– Сен унга маслаҳат берган кимлигини унутиб қўйяпсан-а, – деди Кадрусс.

– Оғзингга қараб гапир! – деди Данглар, – бу гаплар учун жавоб беришга тўғри келади-я!

– Бу гаплар бировнинг бошига кулфатлар солаётган экан, жавоб беришга мажбурсан!

Бу орада меҳмонлар орасида Дантеснинг қамоққа олиниши тўғрисида ҳар ким ҳар хил фикр юрита бошлади.

– Айтмоқчи, бу ҳақда Данглар нима деркин? – деб сўради кимдир.

– Чамамда, – деди Данглар, – у бирор тақиқланган мол ортиб келмадимикин?

– Сиз бухгалтерсиз, Данглар, бундан хабардор бўлишингиз керак-ку.

– Тўғри, албатта, аммо бухгалтер нимани кўрсатишса ўшани ҳисобга олади. Пахтадан бўлган қоғоз ортиб келганимиздан хабардорман, холос. Юкни Александрияда Пастрдан ва Смирнада Паскалдан олдик. Мен шуни биламан. Мендан бошқа ҳеч нарсани сўраманг.

– Э! Энди эсимга тушди, – деди шивирлаб бечора ота нажот излаб. – Кеча у менга, бир қути қаҳва ва бир қути тамаки олиб келдим сизга, деган эди.

– Мана, кўрдингизми, – деди Данглар, – айтмадимми! Биз кетгач, «Фараон»ни божхона ходимлари тинтиб, ўғринча ўтказилаётган молларни топиб олибди-да, афтидан.

Мерседес бунга ишонмади. Узоқ вақтгача ичида сақлаб турган ғам-алам ўти лов этиб ташқарига урди-да, қиз нола чекиб ҳўнграб йиғлаб юборди.

– Қўй, қизим, йиғлама, умид қиламизки, Эдмон тезда қайтиб келади, – деди чол ўзи ҳам нима деяётганини англамай.

– Умид қиламиз! – деди қайтариб Данглар.

Фернан ҳам «умид қиламиз!» демоқчи бўлди-ю, бироқ сўзлари томоғига тикилиб қолди, фақат лаблари товушсиз қимирлади.

– Жаноблар! – деб қичқирди айвонда йўлга кўз тикиб турган бир меҳмон, – жаноблар! Файтун келяпти! Моррель жаноблари! У бизга хушxabар келтираётган бўлса керак!

Мерседес ва кекса ота югуриб арматор йўлига пешвоз чиқишди. Улар остонада учрашишди. Моррелнинг ранги ўчган эди.

- Хўш, нима гап? – сўради иккиси бир йўла.
- Дўстларим! – жавоб қилди арматор бошини чайқаб. – Иш биз ўйлагандан ҳам жиддийроқ экан!
- Оҳ! Жаноб Моррель, – деди қичқириб Мерседес. – Айбдор эмас-ку, у!
- Бунга менинг имоним комил, – жавоб берди Моррель, – бироқ уни шунда айблайдиларки...
- Нимада айблашади? – сўради чол Дантес.
- Уни бонапартчилар жосуси деб айблашяпти.
- У даврда бундай айб жуда мудҳиш эди.
- Мерседес қичқириб юборди, чол стулга йиқилиб тушди.
- Демак, – шивирлади Кадрусс, – сиз мени бошлаб алдабсиз-да, Данглар, мана фожа юз берди, аммо мен бечора чол билан келиннинг ғам-ҳасратда қон ютиб адои тамом бўлишларини истамайман, ҳозирнинг ўзидаёқ ҳамма гапни уларга айтиб бераман.
- Овозингни ўчир, бадбахт, – қичқирди Данглар уни кўлидан тутиб. – Жонингдан тўймаган бўлсанг жим бўл. Сенга биров Дантес айбдор эмас, дедими? Кема Эльба оролига кириб тўхтади. Дантес қирғоққа чиқиб, кун бўйи Порто-Феррайода бўлди. Унинг ёнидан фош қиладиган бирор хат топиб олишса-чи? Унда нима бўлади? Унда Дантесни ҳимоя қилаётганларнинг ҳаммасини, буларнинг тили бир, деб айлайдилар.
- Кадрусс бу далил-исботларнинг ҳақ эканини дарҳол фаҳмлади-да, довдираб Дангларга қаради ва икки қадам орқага тисарилди.
- Ундай бўлса, сабр қилиб кутамиз, – деди ўгирилиб.
- Ҳа, кутганимиз маъқул, – деди Данглар. – Агар у айбдор бўлмаса бўшатиб юборишади; айбдор бўлиб чиқса, унда фитначиларни ҳимоя қиламан, деб ўзингни хавф-хатарга дучор қилишининг кераги йўқ.
- Шундай экан, кетайлик, мен бу ерда энди туролмайман.
- Тўғри айтасан, кетайлик, – деди Данглар йўлдош топилганидан қувониб. – Кетдик, энди булар билганини қилсин...
- Ҳамма тарқалиб кетди. Мерседеснинг яна ягона ҳимоячиси бўлиб қолган Фернан уни Каталанига олиб бориб

қўйди. Дантеснинг дўстлари эса ўз навбатида, батамом ҳолдан тойган чолни Мельян хиёбонидаги уйига олиб бориб қўйишди.

Дантеснинг бонапартчилар жосуси деб қамалганлиги ҳақидаги хабар бутун шаҳарда дув-дув гап бўлиб кетди.

– Ким шундай бўлади, деб ўйлаган эди, Данглар? – деди Моррель ўз бухгалтерни ва Кадрусснинг кетидан етиб олиб. Дантес ҳақида янги гапларни билиб келиш учун у яна шошилиб шаҳарга кетаётган эди. Қироллик прокурорининг ёрдамчиси Вильфор жаноблари билан таниш, ундан бирор нажот бўлармикин деган умидда эди арматор. – Шундай бўлиши кимнинг хаёлига кепти?

– Жаноб Моррель, бу ерда ҳамма нарса аён, – жавоб қилди Данглар. – Дантеснинг ҳеч эҳтиёж бўлмаса-да, Эльба оролида кемани тўхтатганини мен сизга айтган эдим-ку: мен ўша вақтдаёқ бунинг тагида бир гап бор, деб шубҳаланган эдим.

– Сиз ана шу шубҳангизни менадан бошқага ҳам айтган мидингиз?

– Буни айтиб бўладими, – деди аста Данглар ва қўшимча қилди. – Ўша даврда яшаган ва ўз фикрларини ҳеч кимдан яширмайдиган бувангиз Поликар Моррель туфайли Наполеонга хайрихоҳ деб сиздан ҳам шубҳаланиб юрганларини биласиз... Мен Эдмонга ва шунингдек, сизга зарар етишидан қўрқдим. Шундай нарсалар бўладими, уларни мутелар ўз хўжайинига айтишлари ва бошқалардан чуқур сир сақлашлари керак.

– Тўғри, Данглар, жуда тўғри, сиз ҳалол, виждонли, пок одамсиз! Мабодо бечора Дантес «Фараон»да капитанлик ўрнини эгаллагудек бўлса, сиз нима қилишингиз тўғрисида ғамхўрлик қилиб қўйганман.

– Қандай қилиб?

– Мен Дантесдан сизнинг тўғрингизда қандай фикрдалигини билмоқчи бўлиб, Дангларни ўз ўрнида қолдиришга розимисиз, деб сўрагандим. Бироқ чамамда иккингизнинг ўртангизга негадир совуқлик тушган.

– У сизга нима деди?

– Ораларингда бир гап ўтган экан, нима гаплигини айтмади, у чиндан ҳам бир вақт сизни ранжитган экан, аммо

арматор ишонч билдирган кишига ҳамма вақт ишонч билдиришга тайёрман, деди.

– Оббо, мунофиқ-э! – деди Данглар.

– Бечора Дантес! – деди Кадрусс. – Жуда азамат йигит эди-да.

– Бу гапингиз тўғри, бироқ «Фараон» ҳозирча капитансиз қолди, – деди Моррель.

– Биз денгиз сафарига уч ойдан сўнг чиқар эканмиз, – деди Данглар, – умид қиламизки, унгача Эдмонни бўшатадилар.

– Албатта, албатта, бироқ у чиққунча нима бўлади?

– Унгача, Моррель жаноблари, хизматингизга ўзим тайёрман, – деди Данглар, – сиз менинг кемани идора қилишда узоқ сафарга чиқадиган капитанлардан ҳеч қолишмаслигимни биласиз. Мени шу ишга қўйсангиз ўзингизга фойда, чунки Эдмон турмадан чиққунча одам ахтариб юрмайсиз, у келса ўз ўрнини олади; мен ҳам ўз ўрнимда ишлайвераман.

– Раҳмат, Данглар, – деди арматор, – чиндан ҳам бу тўғри фикр. Демак, қарор шу: капитанликни қабул қилиб олинг, мен сизга ваколат бераман; юкларни тушириш устидан назорат қилинг; айрим кишилар бошига тушган бахтсизлик ишга зарар етказмаслиги керак.

– Хотиржам бўлинг, Моррель жаноблари! Бироқ шўрлик Эдмонни ҳеч бўлмаганда, бир кўриб чиқишнинг иложи бормикин?

– Мен ҳозироқ бориб билиб келаман; ҳаракат қилиб де Вильфор жаноблари билан учрашаман ва ундан маҳбусга ёрдам беришини илтимос қиламан. Маълумки, у учига чиққан роялист, бироқ қироллик тарафдори ва қирол прокурори бўлгани билан одам-ку, бунинг устига қаҳр-ғазабли эмас, дейишади.

– Тўғри, қаҳрли эмас, аммо шуҳратпараст деб эшитгандим, бунинг қаҳр-ғазабдан фарқи йўқ.

– Хуллас, омон бўлсак кўрамиз бу ёғини, – деди хўрсиниб Моррель. – Кемага боринг сиз ҳозир, мен тез қайтаман.

Шундай деди-да, арматор суд идорасига йўл олди.

– Мана, кўрдингми, иш тамом бошқача бўлиб кетди, – деди Данглар Кадруссга. – Сен ҳамон Дантеснинг ишига аралашмоқчимисан?

– Йўқ, албатта, бироқ шунчаки ҳазил гап бунақанги оқибатга олиб боргани ёмон бўлди-да.

– Ким қилди бу ҳазилни? Сенми? Йўқ. Менми? Йўқ. Бу Фернаннинг иши. Мен ўша хатни улоқтириб ташлаганимни ўзинг кўрдинг, ҳатто уни йиртиб ҳам ташладим, шекилли?

– Йўқ! Йиртганинг йўқ! – деди қичқириб Кадрусс, – айвонча бурчагидағижимланиб ётган ўша хат ҳозиргача кўз олдидан кетмайди. Қани энди, у ҳозир ҳам ўша ердағижимланиб ётган бўлса!

– Нима қилиш керак? Тўғри, хатни Фернан олган эди, кўчирган ёки бировга кўчиртиргандир, эҳтимол, кўчиртириб овора бўлмагандир... Э, Парвардигор! Мен ёзган хатнинг ўзини шундайича юборган бўлса-чи? Унда нима бўлади? Хатимни ўзгартириб ёзиб яхши қилган эканман.

– Ие, ҳали сен Дантеснинг фитначи эканини билар экансан-да?

– Мен ҳеч нарсани билмасдим. Фақат ҳазил-мазах қилмоқчи бўлганимни айтдим-ку сенга. Энди бундай қарасам, ўшанда авлиёлик қилган эканман.

– Қандай бўлмасин, – деди Кадрусс, – бу воқеага барҳам берилса, ҳеч бўлмаганда, мени унга аралаштирмасалар яхши бўларди. Мана кўрасан, Данглар, бу фожиа бизни бахтсизликка дучор қилади.

– Бу фожиа бирор кишига бахтсизлик келтиргудек бўлса, бизга эмас, ҳақиқий айбдорга келтиради, ҳақиқий айбдор биз эмас, Фернан. Биз қанақа бахтсизликка учрашимиз мумкин? Биз тинчгина ўтиришимиз, оғзимизга маҳкам бўлишимиз керак, ана шунда бало-қазо бизни четлаб ўтиб кетади.

– Илоҳим шундай бўлсин, омин, – деди Кадрусс Дангларга бошини ирғитиб; сўнг оғир ташвишга тушган ҳолда, бошини сарак-сарак қилиб, минғирлаганча Мельян хиёбони томон йўл олди.

«Хулласи калом, – деди ичида Данглар, – иш мен ўйлагандек бўлиб чиқяпти; мен энди вақтинча капитан бўлдим, мабодо бу аҳмоқ Кадрусс оғзидан гуллаб қўймаса бу ўринда доим қоламан. Унда битта хавф қолади. Агар одил суд Дантесни ўз чангалидан чиқариб юборса, унда ҳолимга вой... Одил суд одил судлигини қилади, – деди илжайиб, – мен унга ишонаман».

У ирғиб қайиққа тушди-да, «Фараон» ёнига йўл олишни буюрди, бу ерда Данглар билан арматор учрашмоқчи экани бизга маълум.

## **VI. ҚИРОЛЛИК ПРОКУРОРИНИНГ ЁРДАМЧИСИ**

Худди ўша кун, ўша соатда Гран-Кур кўчасида Медузалар фаввораси рубарўсидаги эски оқсуякларнинг архитектор Пюже қурган уйларидан бирида ҳам никоҳ тўйи бўлаётган эди. Лекин фарқи шунда эдики, бу тантананинг қаҳрамонлари оддий кишилар эмас, матрос ва солдат ҳам эмас. Марселнинг энг олий табақаларига мансуб кишилар эди. Булар узурпатор давр-давронида хизматдан бўшаган эски тўралар, Француз армиясидан қочиб, Конде армиясига қўшилган ҳарбийлар ва ёшлардан иборат эди.

Гарчи бу ёшларнинг ота-оналари арзандаларининг ўрнига тўрт-беш солдат ёллаб армияга юборган бўлсалар ҳам, кўнгиллари жойига тушмай, арзандаларидан хавотир олишар ва уларнинг ёш қалбига одамларни беш йил қувғинда юрганда жабрдийда қилиб кўрсатишар, Реставрация давридаги ўн беш йиллик ҳаётида уни Худо даражасига кўтарган Наполеонга қарши адоват уруғини сочар эдилар.

Ҳамма стол қошига ўтириб олган, ўша кунларда ҳамма ни қизиқтирадиган даҳшатли ҳодисалар тўғрисида суҳбат, мунозара жуда қизиган эди, чунки Франциянинг жанубида сиёсий зиддият, беш юз йилдирки, қарама-қаршилик диний адоват билан қўшилиб, чуқурлашиб бормоқда эди.

Яқиндагина бутун бир қитъанинг ҳокими, ўн хил тилда бир юз йигирма миллион фуқаронинг «Яшасин, Наполеон!» деган олқишларига кўмилиб юрган император эндиликда беш-олти минг кишилик Эльба оролининг қироли, ҳокими, ҳозирги базми-жамшиднинг қатнашчилари кўзи олдида Франция ва тахт учун абадий кераксиз бир шахс бўлиб қолган эди. Тўралар унинг сиёсий хатопарини эсга олишар, ҳарбийлар Москва ва Лейпцигга юришлари ҳақида мулоҳаза юритишар, аёллар эса Жозефина билан ажраб кетганини тилга олишарди. Кишининг тубан кетиши эмас, принципнинг йўқ этилишидан қувонаётган бу роялистлар гуруҳи



назарида гүё улар даҳшатли туш азобидан чўчиб уйғонган-  
лару янги ҳаёт кучоғига отилган эдилар...

Кўкрагига муқаддас Людовик ордени тақиб олган ба-  
савлат чол ўрнидан турди-да, қирол Людовик XVIII нинг  
соғлиғи учун қадаҳ кўтаришни таклиф этди. Бу маркиз де  
Сен-Меран эди.

Гартвель қувғини ва Францияга тинчлик-осойишталик  
бағишлаган қирол хурмати учун қадаҳ кўтариш таклифи  
қийқириқлар билан кутиб олинди, инглизлар одатига му-  
вофиқ ҳамма қадаҳини баланд кўтарди, аёллар кўкракла-  
рига таққан гулдасталарини ечиб, дастурхон устини беа-  
дилар. Бу шодиёнада қандайдир поэзия борлиги сезилар-  
ди.

Совуқ назар, юпқа лаб, зодагонларга хос тантиқ, эллик-  
ни уриб қўйса-да, чиройини йўқотмаган маркиза де Сен-  
Меран сўз қотди:

– Биз қувғинга солган ва эндиликда Террор даврида  
ўзлари бир бурда нонга сотиб олган қадимги қасрлари-  
мизда бизга чоҳ қазийётган ўша инқилобчилар ҳозир шу  
ерда бўлсалар эди, асл фидокорлар биз эканимизни эъти-  
роф этишга мажбур бўлардилар, чунки барбод бўлаётган  
монархияга биз содиқ бўлиб қолдик, улар эса ўз Наполе-  
онларини қутлаб чиқдилар ва дунё орттиришга муккала-  
ридан кетдилар, айна вақтда биз хонавайрон бўла бош-  
ладик. Ушанда улар ҳақиқий қиролимиз севикли Людо-  
вик эканига, лаънати Наполеон эса ҳамиша узурпатор –  
зўравон бўлиб қолганига иқрор бўлардилар, тўғрими, де  
Вильфор?

– Буюрсинлар, маркиза, хизмат?.. Кечирасиз, мен эшит-  
май қолибман гапингизни.

– Маркиза, қўйинг, болаларга гап уқтириб бўлармиди, –  
деди қадаҳ таклиф этган чол. – Бугун уларнинг унашув куни,  
уларнинг қулоғига сиёсат кирармиди ҳозир.

– Ойижон, кечиринг, – деди малла сочли, қуралай кўз  
сулув қиз, – Вильфор жанобларини мен банд қилиб эдим.  
Вильфор жаноблари, ойим сиз билан гаплашмоқчи.

– Маркиза саволларини қайтарсалар, жавоб беришга тай-  
ёрман. Ҳали эшитмаган эдим у кишининг сўзларини, – деди  
Вильфор.

– Мен сени кечирдим, Рене, – деди маркиза меҳрибонана жилмайиб. Бу совуқ чехрада табассум ўхшовсиз туюларди кишига: бироқ хурофот, бидъатлар ва одоб-расмийят тартиб-қоидалари исканжасида қанчалик сиқиб қўйилган бўлмасин, аёл юрагида меҳр-шафқат учун ҳамиша жой топилади. – Мен, Вильфор, бонапартчиларда биздагидек эътиқод, бизникидек садоқат ва биздагидек фидокорлик йўқ, дедим.

– Бегойим, шуни унутмангизки, инқилобчиларнинг бир фазилати борки, у бизнинг сиз санаб чиққан ҳамма фазилатларимизнинг ўрнини босиб кетади. Бу мутаассиблик. Наполеон ғарбнинг Муҳаммади; ўзлари паст табақалардан чиққан бўлсалар-да, ўта шуҳратпараст бу одамлар учун Наполеон фақат қонун яратувчигина бўлиб қолмай, шу билан бирга тенглик, тенг ҳуқуқлик тимсоли ҳамдир.

– Тенглик эмиш! – қичқариб юборди маркиза, – Наполеон тенг ҳуқуқлик тимсоли? Унда де Робеспьер жаноблари ким бўладилар?.. Назаримда, сиз унинг ўрнини ўғирлаб олиб корсиканликка ҳадя қилаётганга ўхшайсиз; менимча, битта узурпациянинг ўзиёқ етиб ортар бизга.

– Йўқ, бегойим, ундай эмас, – деди эътироз билдириб Вильфор, – мен ҳар қайсисини ўз таг курсисидан жилдирмайман; Робеспьер Людовик XV майдонидаги кунда устида Наполеон Вандом майдонидаги колоннада тураверади. Аммо шуниси борки, буларнинг бириси одамни хўрлайдиган тенглик жорий қилди, иккинчиси инсоннинг қадрини кўтарадиган тенгликни яратди. Бириси қиролларни гильотин пичоғига рўпара қилди, бири эса халқни тож-тахтга кўтарди. Бироқ, – деди қўшимча қилиб кулги аралаш Вильфор, – бу ҳол икковининг ҳам разил инқилобчилигига ҳалақит бермайди, тўққизинчи термидор ҳам, бир минг саккиз юз ўн тўртинчи йилнинг тўртинчи апрели ҳам Франция учун бахтли кун бўлиб, буни тартиб мухлислари ҳам, монархия мухлислари ҳам бир хилда тантана билан шодиёна кутиб олишлари керак. Ҳатто ағдариб ташланган Наполеон содиқ мухлисларини ҳамон сақлаб келаётганининг боиси ҳам шунда. Чорангиз қанча, маркиза? Кромвель Наполеоннинг соясига арзийдиган шахс эди, ахир ўша ҳам шундай тарафдорларга эга эди!

– Шунн билиб кўйингизки, Вильфор, бу гапларингиздан инқилоб анқиб турибди. Бироқ мен сизни афв этаман, ахир жирондистнинг ўғлида инқилобнинг озгина сассиқ-алафи бўлмаслиги мумкин эмас-да.

Вильфорнинг юзига қон югурди.

– Отам чиндан ҳам жирондист эди; аммо у қиролни қатл этишга овоз бермаган. Террор кунларида сиз каби қувғинга учраган, отангизнинг калласи танидан жудо этилган жаллод кундасида у ҳам бошидан ажралишига сал қолган эди.

– Рост, – жавоб қилди маркиза. Қонли фожиалар ҳақидаги бу гаплар ойимбекага жипла бўлса ҳам таъсир этганини унинг важоҳатидан билиб бўлмасди, – аслида улар жаллод кундасига ҳам фақат пиринципларнинг бутунлай қарама-қарши бўлиши учунгина бошларини кўярдилар; мана сизга бир мисол: бизнинг оиламиз қувғин этилган Бурбонларга бутунлайин содиқ бўлиб қолган бир пайтда, сизнинг отангиз янги ҳукуматга кўшилди; Нуартъе жирондист эди, граф Нуартъе эса сенатор бўлиб олди.

– Ойижон, – деди Рене, – ўша мудҳиш воқеаларни асло эсга олмаймиз, деб аҳд қилган эдик-ку иккимиз, эсингизда бўлса керак.

– Бегойим, – деди Вильфор, – мен мадмуазель де Сен-Меран таклифига кўшиламан ва у билан бирга сиздан ўтмишдаги гапларни унутишни ўтиниб сўрайман. Тангримнинг ўзи ҳам қаҳрига олишдан ожиз бўлган нарсани қоралаб ўтиришдан на ҳожат? Келажакни ўзгартиб юбориш Парвардигорнинг иши; лекин ўтган ишни у ҳам ўзгартира олмайди. Биз ўтмишдан воз кеча олмас эканмиз, ҳеч бўлмаса уни хаспўшлаб кетишимиз лозим. Масалан, мен отам ғояларидан юз ўгирибгина қолмай, ҳатто унинг номидан ҳам воз кечдим. Отам бонапартчи эди, эҳтимол, ҳозир ҳам шундай бўлиб, номи Нуартъедир, мен – роялистман, номим ҳам Вильфор. Революция кекса эманининг танаси қуриб-қақшаши мумкин, аммо сиз ундан ўсиб четга чиққан шохга назар ташланг, бу шох танадан ўсиб четга чиққан бўлса-да, ундан батамом узилиб ажрала олмайди, ажралишни истамайди ҳам.

– Офарин, Вильфор, – деди маркиз, – офарин! Ажойиб гап бўлди-да! Мен ҳам маркизага ўтмишни унутиш керакли-

гини уқтира бериб тинкам қуриди, бироқ натижа чиқмади; сиз бунинг уддасидан чиқурсиз деб умид қиламан.

– Бўпти, – деди маркиза, – ўтмишни унутайлик, менинг ҳам истагим шу. Аммо келажақда Вильфор матонатли бўлмоғи керак. Олий ҳазратлари олдида сизга кафил бўлганимизни унутманг. Вильфор, олий ҳазратлари биз кафолат берганимиздан сўнг, ўтган гапларни унутишга розилик бердилар; мана мен ҳам (қўлини узатди), илтимосингизга мувофиқ ўтган ишга салавот, дедим. Лекин бирор фитначи қўлингизга тушиб қолгудек бўлса, шуни эсда тутингки, ўзи ҳам ўша фитначилар билан алоқада туриши мумкин бўлган оиладан, деб сизни жуда қаттиқ назорат остига оладилар.

– Ҳайҳот, бегойим, – жавоб қилди Вильфор. – Менинг амалим, хусусан, сиз билан яшаб турган ҳозирги замон, менадан қаттиққўл бўлишни талаб қилади. Мен, шубҳасиз, ишни қаттиққўллик билан олиб боришга ҳаракат қиламан, албатта. Бир неча сиёсий ишларни олиб бордим ва бу борада ўзимни кўрсатиб қўйдим. Афсуски, сиёсий ишлар бу билан тугамайди.

– Наҳотки ҳали ҳам хавф тугамаган бўлса? – сўради маркиза.

– Мен шундан хавотирдаман. Эльба ороли Франциянинг шундайгина биқинида. Наполеон яшаб турган жой қирғоғимиздан кўриниб турибди. Бу ҳол унинг тарафдорларида умид-ишончни мустаҳкамлаяпти. Марсель ярим ойлик маош олувчи ҳарбийлар билан лиқ тўла; улар роялистлар билан қандай бўлмасин бирор жанжал қўзғаш учун баҳона топишга уринишяпти. Оқсуяклар ўртасида бўлаётган дуэллар, оддий кишилар ўртасидаги пичоқвозликларнинг сабаби ҳам ана шунда.

– Тўғри, – деди маркиза де Сен-Мераннинг эски дўсти ва граф д'Артуанинг камергери граф де Сальвьё. – Аммо Муқаддас Иттифоқ уни кўчириб юбормоқчи бўлаётганидан сиз беҳабар экансиз чоғи?

– Париждан қайтаётганимда шундай гап бўлган эди, – деди маркиз. – Бироқ уни қаёққа жўнатишаркин?

– Муқаддас Еленага.

– Муқаддас Еленага! Бу қанақа жой ўзи? – сўради маркиза.

– Экваторнинг нарёғидаги, бу ердан икки минг мил наридаги орол, – жавоб қилди граф.

– Оқ йўл! Вильфор ҳақ, бундай шахсни ўзи туғилган Корсика ва куёви ҳукмронлик қилаётган Неаполь билан ўғлининг тож-тахтига айлантиромоқчи бўлган ана шу Италия ўртасида қолдириш тентаклик бўлур эди.

– Афсуски, – деди Вильфор, – бир минг саккиз юз ўн тўртинчи йилда тузилган бир нечта шартнома бор, ўша шартномаларни бузмай туриб Наполеонга тегиб бўлмайди.

– Уларни бузавериш керак! – деди граф де Сальвьё. – Ахир у бечора герцог Энгийенскийни отиб ташлаш ҳақида буйруқ берганда, ҳамма қонун-қоидаларни бир чеккага йиғиштириб қўйган эди-ку.

– Кўчириб юборишга қарор қилишган бўлса жуда тўғри қилишибди, – деди маркиза, – Муқаддас Иттифоқ Европани Наполеондан халос этади, Вольфор эса Марселни унинг тарафдорларидан қутқаради. Қирол тож-тахтида қоладими ёки йўқми – мана асосий муаммо. Мабодо у қоладиган бўлса, унинг ҳукумати кучли ва ижрочилари қаттиққўл, саботли бўлмоғи лозим. Шундай қилгандагина ёвузликка барҳам берилади.

– Бекам, афсуски, – деди Вильфор илжайиб, – қироллик прокурорининг ёрдамчиси ёвузликни фақат у содир бўлгандан кейин кўради.

– Шундай экан, буни тузатмоғи керак.

– Бунга жавобан мен, биз ёвузликни тузатмаймиз, унинг учун қасос оламиз, холос, дейишим мумкин.

– Оҳ, Вильфор жаноблари, – хитоб қилди мадемуазель де Сен-Мераннинг дугонаси, граф де Сальвьёнинг ёш, гўзал қизи, – бизлар Марселдан кетгунимизча бирор қизиқроқ суд ташкил қилинг, ўтиниб сўрайман. Мен судни ҳеч кўрмаганман, айтишларига қараганда, бу жуда қизиқ бўлармиш.

– Ҳа, чиндан ҳам қизиқ бўлади суд, – жавоб қилди кулиб қироллик прокурорининг ёрдамчиси. – Бу сунъий фожиа эмас, ҳақиқий драма, ҳийла-найранг эмас, аксинча, ҳақиқатан ҳам азоб-уқубат. Спектакль тамом бўлгач, кўз олдингиздаги одам ўз оиласи билан оқшомги таомни баҳам кўриш ва эртаси осойишта ишлаш учун, тинчгина ором олиш учун уйга бормай, турмага, уни кутиб турган жаллод

олдига йўл олади. Кучли ҳиссиётларга баҳона излаб юрган асаблари бузуқ зотларга бундан ҳам ажойиброқ томоша бўлмаса керак. Агарда бирор иш чиқиб қолса мен дарҳол ташкил этаман, хотиржам бўлинг...

– Унинг сўзларидан менинг аъзойи баданимни титроқ босиб кетяпти-ю... у эса кулади! – деди ранги ўчиб Рене.

– Сизнингча, нима қилиш керак? Ахир буни яккама-якка жанг дейдилар... Мен судларда беш-олти марта сиёсий ва бошқа ишларда айбдорларга ўлим жазоси талаб қилдим... Пастқам жойларда менга қарши, ким билсин, қанчадан-қанча ханжарлар чархланиб қўйилган экан.

– Э Худо! – деб қичқириб юборди Рене. – Наҳотки рост гапираётган бўлсангиз, Вильфор жаноблари?

– Худди шундай, – жавоб қилди Вильфор илжайиб. – Графиня ишқибоз бўлиб қолган ана шу судлардан кейин менинг учун хавф-хатар ошса ошади-ю, камаймайди. Наполеоннинг душманга кўр-кўрона ҳамла қилишга одатланиб қолган солдатлари қаерда ўқ узиш керагу, қаерда қилич уриш керак деб ўйлаб ўтиришармиди? Умрида ҳеч кўрмаган, билмаган русларни, австрияликларни ёки венгрларни ўйлаб-нетиб ўтирмасдан отиб ташлаётган бу солдатлар, ўз душманимиз деб юрган кишини ўлдиришдан наҳотки тортинсалар? Бунинг устига хавф зарур ҳамдир, чунки бу бўлмаса, ҳунаримизнинг қизиғи қолмасди. Ўзим ҳам айбдорнинг қаҳр-ғазаби ошиб, кўзлари чақнаётганини кўрганда ёниб кетаман: бу ҳол кучимга куч қўшади. Ахир бу баҳсбозлик эмас, ҳақиқий жанг. Мен у билан курашиб, ҳамла қиламан, у эса ҳимоя қилади ўзини, мен унга яна ва яна зарба бераман, сўнг жанг одатдагидек ё ғалаба, ёки мағлубият билан тугайди. Кўриб турибсизки, судда ваъзхонлик қилиш бўёқчининг нили эмас! Хавф, ваҳима кишини гапга жуда чечан қилиб қўяди. Мабодо менинг нутқимдан сўнг айбдор илжайиб ўтираверса, демак, гапни ўрнига қўёлмабман, сўзларим бўш, бетаъсир бўпти деган қарорга келаман. Далиллар ва алангали сўзлар айбдорни эзиб, мажақлаб ташлаганини, у финг дея олмай бўзариб ўтирганини кўриб жиноятнинг тўғрилигига имони комил бўлган прокурорнинг юраги ғолибона ғурурга тўлиб-тошганини кўрсангиз! Жиноятчининг қалласи эгилиб шилқ этиб тушади-қўяди!

– Бунинг сўзга чечанлигини қаранг-а! – деди меҳмонлардан бири.

– Бизнинг замонга мана шунақа одамлар керак, – деди яна бири.

– Сўнги судда, – деди учинчи бир меҳмон сўз қотиб. – Сиз жуда ўткир нутқ сўзладингиз, Вильфор, жуда қойил қилдингиз. Эсингиздами, ўз отасини чавақлаб ташлаган аблах? Жаллоднинг қўли тегмасдан буруноқ сиз уни тирик мурда қилиб қўйган эдингиз.

– Эҳ, отабезори қотиллар! Уларга шафқат йўқ менда! Бундайларга жазоларнинг ҳамма хиллари ҳам камлик қилади, – деди Рене. – Аммо сиёсий жиноятчи бечораларга қийин...

– Аммо шуни билиб қўйингки, Рене, сиёсий жиноятчилар баттар бўлади, чунки халқнинг отаси ҳисобланган қиролни ағдаришга ёки ўлдиришга журъат этиш ўттиз икки миллион кишининг отасини қатл қилиш демакдир.

– Майли, қандай бўлса-да, жаноб Вильфор, – деди Рене. – Бирор киши тўғрисида илтимос қилганимда, мурувват қиламан деб ваъда беринг менга...

– Хотиржам бўлинг, – жавоб берди назокат билан жилмайиб Вильфор, – айбномани бирга ёзамиз.

– Азизим, – деди маркиза, – қушларингиз, кучукларингиз ва латта-путталарингиздан қолманг. Сизга ўшалар энг яхши эрмак, қўйинг, халақит берманг, бўлажак эрингиз ўз ишлари билан ўзи шуғуллансин. Қуроллар энди йиғиштирилиб тахлаб қўйилган. Тоғаларнинг<sup>3</sup> эса қадрни ошган: бу ҳақда лотинча бир ҳикматли ибора бор: *Cedant arma togae!*<sup>4</sup> – деди Вильфор.

– Мен лотинча айтишга журъат этолмадим, – деди жавобан маркиза.

– Агар сиз доктор бўлсангиз, янада кўпроқ кўнгиб берган бўлармидим, – деди Рене сўзини давом эттириб, – жазоловчи фаришта фаришта бўлса-да, мени ҳаммиша ваҳимага солиб келади.

---

<sup>3</sup> Т о г а – қадимги римликларнинг устки кийим ўрнига елкага ташлаб ўраниб юрадиган ёпинчиғи.

<sup>4</sup> Қуролни тога енгади. (Лотин.)

– Менинг дилдор гўзалим, Рене! – деб шивирлади Вильфор ёш қизга хумор кўзларини тикиб.

– Вильфор жаноблари, – деди маркиз, – ўлкамизнинг ҳам маънавий, ҳам сиёсий доктори бўлади. Қизим, сени ишонтириб айтаманки, бу жуда фахрли вазифа.

– Бу отасининг қилмишларини унутишга ҳам ёрдам беради, – суқилди суҳбатга қитмир маркиза.

– Бегойим, – жавоб қилди заҳарханда илжайиб Вильфор. – Мен каби отам ҳам эски фикрларидан қайтган, бунга менинг имоним комил, у динга ва тартиб-қоидаларга қаттиқ берилиб кетди, мендан ҳам яхши роялист бўлиб қолди, чунки у қилмишларидан пушаймон еб роялист бўлди, мен ҳавас қилиб, ишқибоз бўлиб кирдим роялистлар сафига.

Вильфор шундай деди-да, ўтирганларга бир қараб чиқди. У судда тантанали нутқи йиғилганларга қандай таъсир қилди экан, деб яна шундай назар ташлаб кўярди.

– Ҳақ гапни айтдингиз, Вильфор, – деди граф де Сальвьё, – бундан уч кун бурун Тюильрида Конде армиясида хизмат қилган офицернинг қизи жирондистнинг ўғлига тегаётганини эшитиб таажжубланган сарой министрига мен ҳам худди сиз айтган сўзларни айтгандим. Министр менинг гапларимга қулоқ солди, масалани жуда тўғри англаб олди. Қиролимизнинг ўзлари бирлашишнинг мана шунақа усулини қўллаб-қувватлайди. Биз гапларимизни эшитиб турганини сезмаган эканмиз, у тўсатдан суҳбатимизга аралашиб деди: «Вильфор (кўрдингизми, қирол Нуартъе демади, аксинча, Вильфорнинг номини таъкидлади), – деди қирол, – истиқболи порлоқ йигит. Бу ёш йигит аллақачон пишиб етилган бўлиб, бизнинг жамиятимиз кишиси. Маркиз ва маркиза де Сен-Меран қизини унга бераётганини эшитиб жуда хурсанд бўлдим. Уларнинг ўзлари келиб бу ҳақда рухсат сўрамаганларида, ўзим уларга буни тавсия қилардим.

– Граф, қирол чиндан ҳам шундай дедими? – деди ҳаяжонланиб Вильфор.

– Мен унинг ўз оғзидан эшитган сўзларни айтиб беряпман сизга; агар маркиз очиқча гапиришни истаса эди, бундан ярим йил илгари сизга қизини бермоқчи бўлганини қиролга айтганида, қирол унга ҳам худди шу сўзларни изҳор қилганига иқрор бўларди.



– Тўғри, – тасдиқлади маркиз.

– Демак, буларнинг ҳаммаси менга қиролнинг олий ҳиммати экан-да? Энди унинг – бу олий жанобнинг меҳри-муҳаббатини, ишончини нима қилсам оқлай оларканман?

– Мана энди ўзингизга келдингиз, шундай қилсангиз менинг сизга меҳрим ошаверади, – деди маркиза. – Энди қандай фитначи тумшуғини суқиб келмасин, ҳеч шубҳасиз жазосини тортади!

– Ойижон, – деди Рене, – мен эса, илоҳим бу сўзларингиз Парвардигорнинг ўзига етиб бормасин ва у Вильфор жанобларига фақат майда ўғриларни, ишига путур етказган пандавурларни, қўрқоқ, юраксиз муттаҳамларни тутиб берсин деб дуо қиламан. Ана шундагина мен тинч ухлай оламан.

– Тўғри, – деди Вильфор кулиб, – бу докторга фақат асабий касаллар, сепкил тошганлар, ари чаққанлар ва ҳоказолар келсин деб дуо қилишдек гап. Бироқ сиз менинг қирол прокурори бўлиб қолишимни истасангиз, менга, аксинча, даҳшатли касалларнинг келишини тилангиз, чунки мана шундай оғир, мураккаб ишларгина докторнинг шуҳратини оширади.

Шу дақиқада, худди тақдир Вильфорнинг истагини кутиб тургандек, қарол кирди-да, унинг қулоғига бир неча сўз айтди.

Вильфор рухсат сўраб ташқарига чиқди, орадан бир оз вақт ўтгач, кулиб қайтиб кирди.

Рене қайлиғига тикилиб завқланиб кетди. Вильфорнинг кўк кўзлари заъфарон юзида чақнаб турарди. Шу дақиқада у ростдан ҳам жуда гўзал эди. Рене унинг тўсатдан чиқиб кетганининг сабабини билишга ошиқарди.

– Сиз ҳозир эрим доктор бўлишини истардим, деган эдингиз, – деди Вильфор, – менинг эскулап (бир минг саккиз юз ўн бешинчи йилда шундай дердилар)нинг шогирдлари билан ўхшашлигим бор: менинг ҳам улар сўнгари ўз вақтим ўз измимда эмас. Мени ҳатто шу ерда, сизнинг қошингизда никоҳ қуни ҳам топиб олишди.

– Сизни нега чақиришибди? – сўради ёш қиз бир оз ташвишланиб.

– Оғир беморни кўриш учун. Унинг ҳоли, айтишларига қараганда, танг эмиш. Иш жуда жиддий, касал жаллод кўлига тушиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

– Оҳ, Парвардигор! – қичқириб юборди Рене ранги оқариб.

– Чамамда, гап бонапартчиларнинг фитнаси тўғрисида бораётган бўлса керак.

– Наҳотки шундай бўлса! – деди қичқириб маркиза.

– Махфий маълумотда шундай дейилган.

Вильфор ўқиди.

– *«Жаноб қироллик прокурори, тахт ва дин мухлиси сизга шуни маълум қиладики, «Фараон» кемаси капитанининг ёрдамчиси Эдмон Дантес Смирнадан келаётиб Неаполь ва Порто-Феррайога кириб ўтди. Мюратдан узурпаторга ва узурпатордан бонапартчиларнинг Париждаги комитетига хат олиб келди. Агар уни ҳибсга олишса, фoш қилувчи хатни унинг чўнтагидан ёки отасиникидан, ё бўлмаса «Фараон» кемасининг каютасидан топиш мумкин».*

– Кечирасиз, – деди Рене, – бу хатга имзо қўйилмаган: бунинг устига, сизга эмас, қирол прокурорига ёзилган.

– Тўғри, қирол прокурори ҳозир бу ерда йўқ; хатни унинг котибига берганлар, унга хатларни қабул қилиб, очиб кўриш вазифаси юкланган. Котиби хатни очибди-да, менга одам юборибди, уйдан тополмагач, жиноятчини қамоққа олиш ҳақида ўзи буйруқ берибди...

– Айбдорни алпақачон қамоққа олибдилар денг? – деди маркиза.

– Айбдор эмас, айбланувчи ҳам, – деди Рене ойисининг хатосини тузатган бўлиб.

– Ҳа, қамоққа олинди, – жавоб қилди Вильфор, – ҳозиргина мадемуазель Ренега айтганимдек, мабодо унинг ёнидан хат топилгудек бўлса борми, бечора беморнинг ҳолига вой деяверинг.

– У бахти қаро қаерда ҳозир? – сўради Рене.

– Қабулхонамда кутиб ўтирибди мени.

– Боринг, азизим, – деди маркиз, – вазифангизга эътиборсизлик билан қараманг. Қироллик хизматидаги киши бу ишда шахсан иштирок этмоғи шарт. Боринг, азизим, бурчингизни адо этинг.

– Оҳ, жаноб Вильфор! – деди қичқириб Рене ялиниб-ёлвориб. – Раҳм-шафқатли бўлинг, ахир бугун бизнинг никоҳ кунимиз-ку!

Вильфор столни айланиб ўтиб, қаллиғи ўтирган стул сунчиғига тираниб эгилди-да, деди:

– Сиз осойишта, бамайлихотир ўтираверинг, илтимосингизни бажо келтириш учун қўлимдан нима келса, ҳаммасини қиламан. Бироқ жиноятнинг далиллари, шубҳасиз, бонапартчи деб қўйилган айб ҳаққоний бўлса, унда ўша ёввойи ўтни кесиб ташлаш керак.

«Кесиб ташлаш керак» деган сўзни эшитганда Рене сесканиб кетди, чунки Вильфор айтган ёввойи ўтнинг қалласи бор эди.

– Вильфор, сиз унинг гапларига эътибор бераверманг, – деди маркиза, – гўдаклик қиляпти у. Кейин кўникиб кетади.

Маркиза шундай деди-да, қоқсуяк қўлини узатди, Вильфор кўзини Ренедан узмай маркизанинг қўлини ўпди. Унинг кўзлари: «Фараз қилингики, маликам, мен сизнинг қўлингизни ўпяпман ёки ўпиш иштиёқидаман», деб турарди.

– Қайғу-ҳасрат аломати бу! – деди шивирлаб Рене.

– Бас энди, Рене, – деди маркиза. – Гўдакча қилиқларингдан тоқатим тоқ бўляпти. – Хўш, сенингча, давлатнинг тақдири муҳимми ёки сенинг ҳавойи туйғуларингми?

– Эҳ, ойижон, – деди хўрсиниб Рене.

– Маркиза, гўр роялист қизни афв этинг, – деди де Вильфор, – қироллик прокурори ёрдамчиси бурчини бутун ақли-идрокимни сарф этиб бажараман, яъни бешафқат бўламан.

Прокурор ёрдамчиси маркизага шу сўзларни айтаётган бир пайтда, куёв қаллиғига ер остидан кўз ташлаб, «Рене, хотиржам бўлинг, сизнинг ҳурматингиз ҳақи, раҳм-шафқатли бўламан», дерди.

Рене ҳам унга назокатли жилмайиб қўйди, шу зайлда Вильфор қувончга тўлиб чиқиб кетди.

## VII. СҮРОҚ

Вильфор ошхонадан чиқибоқ чехрасидаги қувноқлик ниқобини улоқтириб ташлади-да, гарданига муҳим вазифа – ўз яқинининг тақдирини ҳал этиш вазифаси юкланган кишига муносиб тусга кириб олди. Бироқ у моҳир актёр сингари тез-тез ўзини ойнага солиб мимика машқ қилиб юрган бўлса-да, бу гал қошларини чимира олмас ва пешонасини тириштиролмасди. Агар унинг мансаб-мартабасига шикаст етказиши мумкин бўлган отасининг ўтмишдаги сиёсий ишларини ҳисобга олмаганда, ундан қатъий юз ўгирмаганда эди, шу пайтда Жерар де Вильфордан бахтиёр киши йўқ эди бу дунёда: катта бойлик, мол-мулк эгаси бўлган бу йигит йигирма етти ёшида адлия оламида муҳим ўринни эгаллаб олган; қирол прокурори ёрдамчисига хос завқ-шавқ билан ва албатта ақл-идроқ билан севган ёш нозанин қизнинг қаллиғи, мадемуазель де Сен-Меран фақат гўзалгина бўлиб қолмай, шу билан бирга, қирол саройида меҳр-муҳаббат, иззат-хурматга сазовор оиладан. Бу оиланинг юқори табақалар билан алоқаси зўр, бу алоқалардан упар, бошқа болалари бўлмагач, куёв манфаати учун фойдаланишлари шубҳасиз; яна шунисини кўшиб кўяйликки, қайлиқ Вильфорга эллик минг экю пул ҳам олиб келади, бунга сўнгроқ ярим миллионлик мерос ҳам қўшилиши мумкин, деган умид ҳам бор. (Бу даҳшатли сўзни совчилар тўқиган). Буларнинг ҳаммаси тўпланиб Вильфор олдида шундай ажойиб, ҳузур-ҳаловатларга лиқ тўла ҳаёт кашф этардики, прокурор ёрдамчисининг кўзига ҳеч нарса кўринмай қоларди.

Эшик олдида уни полиция комиссари кутиб турарди. Бу шахснинг мудҳиш важоҳатини кўриб Вильфор етти қават осмондан бизлар юрган ерга тушишга мажбур бўлди. У ўзини сипо тутиб, полиция ходими олдига борди.

– Мен тайёрман! – деди у. – Хатни ўқидим, у одамни қамоққа олганингиз яхши бўпти. Энди унинг кимлигини ва фитнага оид қандай ҳужжатлар тўлаганингизни айтиб беринг.

– Фитна тўғрисида ҳозирча биз ҳали ҳеч нима билмаймиз. Унинг ёнидан толиб олинган ҳамма қоғозларни ўраб, столингиз устига қўйдик. Айбдорнинг ўзига келганда, махфий маълумотда ўзингиз ўқиган бўлсангиз керак, унинг

номи Эдмон Дантес бўлиб, «Фараон» кемасида капитаннинг ёрдамчиси бўлиб ишларкан, бу кема Александрия ва Смирнадан пахта таширкан, Марселдаги «Моррель ва ўғли» деган савдо уйига қарашли экан.

– Савдо кемасига ишга киришдан олдин ҳам у флотда хизмат қилганмикин?

– Йўқ, йўқ! У жуда ёш.

– Ёши нечада экан?

– Ўн тўққиз-йигирмадан ошмаган чамамда.

Вильфор Гранрю кўчасидан уйига яқинлашганида, афтидан, уни кутиб турган бир одам унга яқинлашиб келди. Бу Моррель жаноблари эди.

– Жаноб де Вильфор! – деди у қичқириб. – Жуда соз бўлди-да сизга рўбарў келганим! Даҳшатли бир хато юз берди: капитаннинг ёрдамчиси Эдмон Дантесни қамоққа олишди.

– Хабарим бор, – жавоб қилди Вильфор. – Мен ҳозир уни сўроқ қилгани боряпман.

– Жаноб де Вильфор, – давом эттирди сўзини Моррель қизишиб, – сиз айбланувчини билмайсиз. Мен биламан. Бу йигит қўйда ювош, мўмин-қобил, ниҳоятда ҳалол, бутун савдо флотида ўз ишининг энг моҳир устаси... Жаноб де Вильфор! Мен чин кўнгилдан сўрайман, унга шафқат қилинг.

Юқорида кўрганимиздек, Вильфор оқсуяклар тоифасидан, Моррель эса шаҳарнинг қуйи табақаларидан; биринчиси ўта роялист, иккинчисидан эса махфий бонапартчи бўлса керак, деб шубҳаланишарди. Вильфор гердаиб Моррелга қаради-да, совуқ жавоб берди:

– Афандим, шуни унутмангки, киши қавм-қариндошлар ўртасида ювош, савдо ишларида ҳалол ва ўз ишини билафон бўлиши мумкин, бироқ шунга қарамай сиёсат борасида жиноятчи бўлмоғи ҳам мумкин. Сизга бу маълум бўлса керак, афандим?

Вильфор сўнгги сўзларини таъкидлаброқ айтдики, бу Моррелнинг ўзига ишора эди. Прокурор ёрдамчиси ўзи ҳам шафқатга муҳтож бўла туриб, бошқани ҳимоясига олаётган бу кишининг ичидагини билишга уриниб синовчан назар ташлаб турди, анчагача.

Моррель қизариб кетди, чунки сиёсий маслак масаласида унинг ҳам виждони умчалик пок эмасди. Бунинг устига Дантеснинг маршал билан учрашгани ва императорнинг унга айтган сирли гаплари Моррелни хижолатга солиб қўйган эди. Шунга қарамай, у самимий раҳмдиллик билан деди:

– Жаноб де Вильфор, ўтиниб сўрайман, ҳамишагидек адолатли бўлинг, ҳамишагидек раҳм-шафқатли бўлинг ва тезроқ бизга Дантесни қайтариб беринг!

«Бизга... қайтариб беринг» сўзлари қирол прокурори ёрдамчисининг назарида инқилобий оҳанг кашф этгандай бўлди.

«Ҳа! – ўйлади у. – Бизга қайтиб беринг...» бу Дантес карбонар<sup>5</sup> ларнинг бирор сектасига тобе одам бўлмасин танин? Ҳомийсининг «бизга» деяётганининг боиси ҳам шунда эмасмикин? Полиция айбдорни қовоқхонада катта компания ичида ўтирган жойида тутиб келишди, деган эди шекилли, бу компания қандайдир махфий жамиятдир, эҳтимол».

Сўнг эшиттириб деди:

– Сиз мутлақо хотиржам бўлинг, афандим; мабодо айбланувчи бегуноҳ бўлса, илтимосингиз ерда қолмайди, албатта, аммо аксинча, у айбдор бўлиб чиқса, у ҳолда, сиз билан биз яшаб турган ҳозирги оғир кунларда уни жазосиз қолдириш ҳасокатга олиб бориш учун бир важ ролини ўйнаши мумкин. Унда мен ўз бурчимни бажаришга мажбур бўлман.

Шундай деб совуқ хайрлашди-да, гердаиб суд идорасига туташ уйига кириб кетди, бечора арматор кўчада сўппайиб қолди

Олдинги хона жандармлар ва полиция ходимлари билан лик тўлган, ўртада тинч, осойишта маҳбус қимир этмай турибди. Ҳамманинг нафратга тўла кўзи унда.

Вильфор олдинги хонадан ўтаётиб Дантесга кўз қирини ташлаб қўйди ва полиция ходими кўлидан бир тутам қоғоз

---

<sup>5</sup> Карбонар – XIX аср бошларида Италияда французлар ҳукмронлигига қарши курашган яширин революцион ташкилот аъзоси. (Тарж.)

ни олди-да «Маҳбусни олиб киринг» деб, ичкарига кириб кетди.

Вильфор бир қарашдаёқ сўроқ қиладиган маҳбусни қандай одам экани ҳақида ўзида маълум фикр ҳосил қилди. Дантеснинг кенг ва очиқ чехрасидан – ақлли, ўқдай тикилиб турган кўзлари ва чимирилган қошларидан – жасоратли, кетида икки қатор иши садафдай ялтираб турган қалин лабларидан – дили пок инсон экани баралла кўриниб турарди.

Прокурор ёрдамчисининг бу биринчи таассуроти Дантес учун нафли эди; аммо Вильфор, сиёсат борасида оқил бўлмоқни истаган киши биринчи таассуротга берилиб кетмаслиги керак, чунки бу ҳамиша фақат юрак нидоси, деган гапларни жуда кўп эшитган эди: шу сабабли бу қоидага риоя қилиб, биринчи таассуротни улоқтириб ташлади.

У юрагига жойлашиб олмоқчи бўлаётган меҳр туйғуларини юлиб ташлади-да тошойна қаршисида туриб тантанали тусга кирди ва қовоғидан қор ёғиб, дарғазаб қиёфада столи ёнига ўтирди.

Бир дақиқадан кейин Дантес кирди.

У ҳамон бўзарган, бироқ вазмин ва хушрўй эди, судьяга иззат-ҳурмат-ла, эгилиб салом берди-да, худди арматор Моррель меҳмонхонасида тургандек атрофга аланглаб стул ахтарди.

Шу пайт хўмрайганча тикилиб турган Вильфорга кўзи тушди. Адолатли қонун ҳимоячилари ичимдаги ўй-фикрларимни биров билиб қўймасин деб, ана шундай хўмрайиб олишади. Бу уларнинг одати. Дантес ҳам суд олдида турганини Вильфорнинг ана шу қарашидан ҳис этди.

– Кимсиз, исми фамилиянгиз? – сўради Вильфор олдинги хонада полиция ходимларидан олган қоғозларни титкилаб. Бир соат ўтар-ўтмас иш каттагина бир дафтар ҳажмига бориб қолган эди. Қаранг-а, айғоқчилик деб ном берилган мараз, айбдор деб аталмиш кишининг танасини нақадар тез чирита бошлар экан-а!

– Менинг исми шарифим Эдмон Дантес, – жавоб қилди равон, жаранглаган овоз билан йигит. – «Моррель ва ўғли» фирмасига қарашли «Фараон» кемасида капитан ёрдамчиси бўлиб ишлайман.

– Ёшингиз? – давом этди Вильфор.

– Ўн гўққизда, – жавоб қилди Дантес.

– Қамоққа олаётганларида нима қилаётган эдингиз?

– Никоҳ тўйим эди, дўстларим билан зиёфатда эдим, – деди Дантес бир оз сесканиб, чунки яқиндаги қувончларга тўла тўй билан шу дақиқада бўлаётган сўроқ-жавоб маросими ўртасида, Вильфорнинг бадбуруш юзи билан Мерседеснинг қувноқ, кўҳлик чеҳраси ўртасидаги фарқ ниҳоятда уқубатли, дилозор эди.

– Никоҳ тўйим эди? – қайтарди саволини прокурор ёрдамчиси ҳам беихтиёр сесканиб.

– Ҳа, шундай, уч йилдан буён севиб юрган қизга уйлана-япман.

Бундай вақтда ҳамма нарсага бефарқ бўлишга одатланган Вильфор ҳозир тўй билан қамоқ бу қадар тўғри келиб қолганидан таажжубланди. Йигитнинг ҳаяжонли овози унинг юрагининг бир чеккасида раҳм туйғусини уйғотди. Вильфор ҳам ўз қайлиғини севар ва бахтиёр эди. Мана энди Вильфор сингари роҳат ва фароғат бўсағасида турган кишининг бахтини барбод этиш учун уни қувончли дақиқалардан маҳрум қилиб, бу ёққа жўнатдилар.

«Бу каби фалсафий таққослаш, – деган гапни кўнглидан ўтказди Вильфор, – маркиза де Сен-Меран меҳмонхонасида зўр муваффақият қозониши мумкин». Вильфор Дантес кейинги саволларни кутиб турганида фикран антитезислар тўқий бошлади. Одатда, нотиқлар буларга асосланиб, олқиш олишга мўлжалланган дабдабали жумлалар ясайдилар. Кўпинча, бундай тумтароқли гапларни одамлар самимий деб қабул қиладилар.

Вильфор калласида чиройли, таъсирчан жумлаларни тўқиб бўлди-да, кулиб қўйди, сўнг Дантесга деди:

– Давом эттираверинг.

– Нимани давом эттираверайин?

– Одил судни хабардор қилинг.

– Одил суд нимадан у кишини хабардор қилишим кераклигини айтсинлар, мен билганларимнинг ҳаммасини айтиб бераман. Бироқ, – илжайиб қўшимча қилди Дантес, – огоҳлантириб қўяй, мен унча кўп нарса билмайман.

– Узурпаторнинг даврида хизматда бўлганмидингиз?



– У ағдарилганда мени ҳарбий флотга олмоқчи бўлишган эди.

– Сизни сиёсий маслақда ниҳоятда сўл киши дейишади, – деди Вильфор, унга ҳеч ким бу ҳақда ҳеч нима демаган бўлса-да, ҳар эҳтимолга қарши айбловчига шу саволни бериб.

– Менинг сиёсий маслагим эмиш!.. Э воҳ, айтишга уялман: маслақ деб аталадиган нарсанинг ўзи менда ҳеч маҳал бўлган эмас, эндигина ўн тўққиз ёшга кирдим, деб айтдим-ку мен сиз жанобларига. Менда маслақ нима қилсин! Мен ҳеч нима билмайман, бирор муҳим мавқега эга бўлолмайман ҳам: умидвор бўлганим – уринни берсалар ана ўшанда ҳозирги ва келажак мавқеим учун фақат жаноб Моррелдан миннатдор бўлардим. Шунинг учун менинг сиёсатга мутлақо алоқаси бўлмаган маслақларим уч туйғудан иборат: ўз отамни севаман, жаноб Моррелни ҳурмат қиламан ва гўзалим Мерседеснинг мафтуниман. Мана, жаноби олийлари, одил судга айтадиган ҳамма гапим шу: кўриб турибсизки, бу гапларнинг сиз учун унчалик аҳамияти йўқ.

Дантес гапираётганида Вильфор унинг пок ва очиқ чехрасига тикилиб турди-да, севгилисининг сўзини эслади: Рене айбланувчининг кимлигини билмаса-да, унга раҳм-шафқат қилишни сўраган эди. Жиноий ишларни ва жиноятларни кўравериб кўзи пишиб қолган прокурор ёрдамчиси Дантеснинг ҳар бир сўзи унинг гуноҳсиз эканини тасдиқлайдиган янгидан-янги далил эканини кўриб турарди. Чиндан ҳам, соддадил, очиқ кўнгил бу ўспирин йигитча ширин сўз эди. Бу истаганда топилмайди ва фақат юрак амри билан юзага чиқади. У ўз бахтига эришгани туфайли ҳамма нарсага меҳр-муҳаббат билан қарарди (бахт энг ёвузларни ҳам марҳаматли кишига айлантириб юборади), мана ҳозир ҳам уни айблаётган судга юрагида тўлиб-тошаётган назокат ва меҳр-муҳаббат туйғуларини тўкиб-соляпти. Вильфор уни жуда жиддий сўроқ қилар, Эдмоннинг қарашларида, овозида, ҳаракатларида эса уни сўроқ қилаётган кишига назокат ва яхши тилақдан бўлак ҳеч нарса кўринмасди.

«Ё тавба, – деди ичида Вильфор, – бу жуда азамат йигит экан-ку. Бу ҳолда Рененинг биринчи илтимосини адо этиш мен учун қийин бўлмас, бунга имоним комил: бу билан гўзал

маликамни ниҳоятда хурсанд қиламан, у ҳамманинг олдида қўлимни самимий қисибгина қўймай, бурчакка тортиб бўса ҳам беради».

Бу ширин орзу Вильфорнинг чеҳрасини очиб юборди, сўнг ҳамма ўй-хаёллардан қутулиб Дантесга қараган эди, унинг чеҳрасидаги ҳамма ўзгаришларни кўриб турган Дантес ҳам қулиб қўйди.

– Душманларингиз борми? – сўради Вильфор.

– Душманларим? – деди Дантес. – Шукрки, ҳали ҳаётдаги кўп нарсалардан беҳабарман, шунинг учун ҳали душман орттиришга улгурганим йўқ. Эҳтимол бир оз қизиққондирман, аммо ҳамиша итоатимдагилар билан хушмуомалада бўлишга ҳаракат қиламан. Ўн-ўн икки матрос менинг қўлимда жаноби олийлари, улардан сўранг, мени отасидек бўлмасам-да, бир укасидек севажакларини ўзлари ҳам айтиб беришади.

– Душманингиз бўлмасам-да, эҳтимол сизга ҳасад қилиб юрган бирор киши бордир? Эндигина ўн тўққизга кирганингизга қарамай сизни капитанликка тайинлашяпти, бу сиз учун жуда катта лавозим. Яна севганингиз – гўзал қизга уйланяпсиз, дунёда бундай бахтга жуда кам одам мушарраф бўлади. Сизга ҳасад қиладиганларнинг бўлиши учун шунинг ўзи ҳам етиб ортади.

– Тўғри, сиз ҳақсиз. Эҳтимол ҳасадчи бордир. Сиз кўпни кўргансиз, одамларни мендан кўпроқ биласиз. Агар ана шу ҳасадчи ўз дўстларим орасида бўлса, мен уни билмаганим яхши, токи унга нисбатан нафрат туғилмасин менда.

– Бу ҳам ҳақ гап. Мумкин қадар ҳамиша ён-верингдаги одамларни равшан кўра билмоқ керак. Ростини айтсам, сиз жуда ажойиб йигитга ўхшайсиз назаримда, сиз учун одил суднинг одатдаги тартиб-қоидаларидан чекинишга ва ҳақиқатни очиб ташлашда ёрдам беришга қарор қилдим... Мана сизни айблаётган махфий маълумот, хатни танийсизми?

Вильфор чўнтагидан хат олди-да, Дантесга узатди. Дантес хатни ўқиб, пешонасини тириштирди-да, деди:

– Йўқ, бу хатни танимаيمان, жуда бузиб ёзибди. Ҳар қалай, буни жуда уста одам ёзган. Ишим сиздек олижаноб кишининг қўлига тушган экан, мен ўзимни бахтиёр ҳисоблайман, чунки бу ҳасадчи чиндан ҳам ҳақиқий душман экан!

Шу сўзларни айтганда, Дантеснинг чақнаб кетган кўзларига тикилиб турган Вильфор сирдан содда кўринган бу ўсмирнинг юрагида самимий маънавий куч яшириниб ётганини англади.

– Энди, – деди Вильфор, – суд курсисида ўтирган айбдор сифатида эмас, бошига кулфат тушган киши сифатида, шу саволга жавоб беринг: бу эгаси номаълум хатда бирор ҳақиқат борми? – деб Вильфор Дантес қайтарган хатни стол устига жирканиб улоқтирди.

– Бу хатдаги гапларнинг ҳаммаси тўғри, бироқ айтилган вақтда унда бирорта ҳақ сўз йўқ; денгизчининг виждони ҳақи. Мерседесга бўлган муҳаббатим ҳақи, ўз отамнинг ҳаёти ҳақи, онт ичиб айтаманки, чин ҳақиқат мана бунда...

– Қани, гапиринг, – деди Вильфор ва ичида ўз-ўзига деди: «Қани энди шу пайт мени Рене кўрганда, жаллод деб атамасди, аксинча, мендан мамнун бўларди».

– Ҳақиқий гап шундаки, биз Неаполдан чиққанимизда капитан Леклер асаб касалига дучор бўлиб қолди; кемада доктор йўқ эди, уни қирғоқда тўхташга ҳеч кўндира олмадик, чунки у Эльба оролига тезроқ боришга ҳаракат қилди. Шундан кейин унинг касали оғирлашди, икки кун ўтгач ўлими яқинлашаётганини сизди, шекилли, мени ҳузурига чақирди.

«Дантес, менинг топшириғимни албатта бажараман деб онт ичинг, бу иш жуда жиддий», деди менга у.

«Капитан, онт ичаман», дедим.

«Мен ўлгач, капитан ёрдамчиси бўлганингиз сабабли сиз капитан бўлиб қоласиз, капитанликни қўлга олингиз-да, Эльба томонга йўл олинг ва Порто-Феррайода тўхтаб, маршал ҳузурига борасиз-да, мана бу хатни унга берасиз; эҳтимол у ерда сизга бошқа бир хат ёки топшириқ беришар, ўша топшириқни мен олишим керак эди; менинг ўрнимга буни сиз бажарасиз, бутун хизмат сизники бўлади».

«Капитан, топшириқни бажо келтираман, бироқ маршалнинг олдига кириш осон бўлмаса керак?»

«Мана бу узукни унга беришни илтимос қиласиз, шу билан ҳамма тўсиқлар бартараф бўлади», – деди капитан ва менга узукни берди. Икки соат ўтгач, у ҳушдан кетиб, тилдан қолди, эртаси куни қазо қилди.

– Ҳўш, сиз нима қилдингиз?

– Мен унинг топшириғини адо этдим. Менинг ўрнимда бошқа ким бўлмасин шундай қиларди, албатта. Бу дунёдан кўз юмаётган кишининг илтимоси ҳамиша муқаддасдир; аммо биз денгизчилар ўртасида бошлиқнинг илтимоси буйруқдир, уни бажармаслик мумкин эмас. Шундай қилиб, мен кемани Эльба томонга бурдим ва иккинчи куни етиб бордим; ҳаммани кемада қолдирдим-да, бир ўзим қирғоққа тушдим. Иш ўйлаганимдай бўлиб чиқди: мени маршал ҳузурига киритишмади. Шунда унга ҳалиги шартли белгини – узукни жўнатган эдим, сал вақт ўтмай қаршимдаги ҳамма эшиклар очилди-кетди. Маршал мени қабул қилди, шўрлик Леклернинг қандай қилиб вафот этганини сўраб-суриштирди, сўнг капитан айтганидек, бир хат берди-да, шахсан Парижга олиб бориб беришни буюрди. Бу ҳам капитаннинг топшириқларидан бири бўлгани сабабли, бажаришга ваъда бердим. Бу ерга етиб келгач, кемада барча ишларни бажо келтириб бўлгач, қайлиғим қошига югурдим. Маликам кўзимга илгаригидан ҳам гўзалроқ кўриниб кетди. Моррель жанобларининг ёрдами билан черков орқали бўладиган ҳамма расмиятларни жойига келтирдик. Сўнг, сизга маълум бўлганидек, зиёфатда ўтиргандим, бир соатдан сўнг никоҳ бўлиши керак эди, эртага Парижга жўнамоқчи бўлиб турган эдим, ана шу сизни ҳам, мени ҳам нафратлантириб турган махфий маълумотга биноан, мени қамоққа олишди.

– Тўғри, тўғри, – деди Вильфор, – чамамда, бу гапларингизнинг ҳаммаси тўғри, лекин бир нарсада хатога йўл қўйгансиз, яъни эҳтиётсизлик қилиб ҳушёрликни унутгансиз. Мана шу эҳтиётсизлик ҳам капитаннинг буйруғидан келиб чиққан. Эльба оролида олган хатни бизга беринг; чақирганда дарҳол шу ерда ҳозир бўлишга қатъий ваъда беринг-да, дўстларингиз ҳузурига қайтинг.

– Демак, мен озодманми? – деди қувониб кетган Дантес қичқираиб.

– Ҳа, озодсиз, фақат хатни берсангиз бас.

– У хат сизда бўлиши керак, уни бошқа қоғозларим билан бирга ходимларингиз олган эди, анави қоғозлар орасидадир.

– Тўхтанг, – деди Вильфор шляпаси ва қўлқопини олиб кетишга тайёрланаётган Дантесга, – тўхтанг! Хат кимга ёзилган эди?

– Парижда, Кок-Эрон кўчасида истиқомат қилувчи Нуартье жанобларига.

Момақалди роқ ҳам Вильфорга бу каби тез ва беҳосдан зарба бермаган бўларди: у гуп этиб курсига чўқди-да, сўнг яна ирғиб турди. Дантесдан олинган қоғозлар боғламини титиб, даҳшатли хатни топди ва кўзларини олайтириб ўқий бошлади:

– Нуартье жанобларига, Кок-Эрон кўчаси, ўн учинчи рақам, – деди шивирлаб, унинг ранги энди батамом бўзариб кетган.

– Худди шундай, – деди таажжубланиб Дантес. – Сиз у кишини танийсизми?

– Йўқ, – деди шоша-пиша Вильфор, – қиролнинг содиқ хизматкори фитначиларни танимайди.

– Демак, гап фитна устида бораётган экан-да? – сўради Дантес, у энди иш бошқача тус олаётганини сезди. – Қандай бўлмасин, мен бу хатнинг мазмунидан беҳабарман.

– Тўғри, – деди бўғиқ овозда Вильфор. – Бироқ сиз хат юборилган кишининг номини биларкансиз-ку!

– Хатни шахсан топшириш учун ўша кишининг номини билишим шарт эди.

– Хатни ҳеч кимга кўрсатганингиз йўқми? – деди Вильфор хатни ўқиган сари рангидан қони қочиб.

– Виждоним ҳақи, онг ичаманки, ҳеч кимга кўрсатганим йўқ!

– Эльба оролидан Нуартье жанобларига хат олиб келаётганингизни ҳеч ким билмайдими?

– Ўша хатни берган кишидан бошқа ҳеч ким билмайди.

– Буниси яна ортиқча бўлибди-да, ортиқча! – деди зўрға овоз чиқариб Вильфор.

Хатни ўқиган сари унинг ранги бўзариб, пешанаси тиришаверди, лаблари кўкариб, қўлларини қалтироқ босди, кўзлари ёнди. Бу ҳолни кўрган Дантес иш ёмон томонга айланадиганга ўхшайди, деб ваҳимага тушди.

Вильфор шу ҳолда хатни ўқиб бўлди-ю, икки қўли билан бошини маҳкам сиққанча турган жойида қотиб қолди.

– Жаноб, нима бўлди сизга? – сўради зўрға ботиниб Дантес.

Вильфор жавоб бермади, бошини аста кўтарди-да, хатни яна ўқиди.

– Чиндан ҳам сиз бу хатнинг мазмунидан буткул беҳабармисиз? – деди у.

– Худди шундай, онт ичаманки, ўлимдан хабарим бору бу хат мазмунидан хабарим йўқ! Бироқ сизга нима бўлди? Тобингиз қочдими? Телефон қилайми? Бирор кишини чақирайми?

– Кераги йўқ, – деди Вильфор ўрнидан ирғиб туриб, – ўрнингиздан қимирламанг, тек тулинг; бу ерда сиз эмас, мен буйруқ бераман.

– Кечиринг, – деди койиниб Дантес, – сизга ёрдам берай дегандим, холос.

– Менга ҳеч нарсанинг кераги йўқ. Бир дақиқа беҳушлик, вассалом. Менга ғамхўрлик қилишдан кўра, тақдирингизни ўйланг. Қани, жавоб беринг.

Дантес савол берилишини кутди, бироқ Вильфор анчагача савол бермай турди, сўнг яна курсига чўқди-да, хатни учинчи марта ўқиб чиқди.

– Бу ерда нималар ёзилганидан у мабодо хабардор бўлса, – деди оҳистагина овоз чиқариб Вильфор, – ва у қачондир Нуартье менинг отам эканини билиб қолса, унда мен хароб бўламан, батамом хароб бўламан!

Вильфор баъзи-баъзида Эдмонга тикилиб кўяр ва шу билан гўё юракдан чуқур жой олган ва асло тилга олинмайдиган сирларни билиб олмоқчи бўларди.

– Шубҳаланишга ҳожат йўқ! – деб қичқириб юборди тўсатдан Вильфор.

– Худо ҳақи, – деди шўрлик ўспирин, – мендан шубҳаланаётган бўлсангиз, мабодо мендан гумон қилаётган бўлсангиз, сўроқ қилаверинг. Мен жавоб беришга тайёрман.

Вильфор зўр-базўр ўзини босиб олди-да, овозини салмоқдор қилиб деди:

– Сўроқларга берган маълумотингиз оқибат-натижада гарданингизга жуда оғир гуноҳларни юкляпти. Шу сабабдан ҳали ўйлаганимдек, сизни ҳозироқ бўшатиб юбора олмайман. Бундай қилишдан олдин терговчи билан учрашмоғим даркор. Менинг сизга қандай муносабатда эканимни ўзингиз кўриб турибсиз.

– Тўғри, бунинг учун мен сиздан миннатдорман! – деди овозини баланд кўтариб Дантес, – сиз менга судья сифати-

да эмас, худди бир дўст-биродар сифатида марҳамат қилдингиз.

– Хуллас, мен сизни яна бир оз вақт бушатмай тураман, аминманки, бу узоққа бормас. Сизга қарши асосий айбно-ма шу қоғоз, мана қараб турунг...

Вильфор печка олдида борди-да, хатни ўтга ташлади ва ёниб тугамагунча қараб турди.

– Мана, кўрдингизми, – давом эттирди сўзини Вильфор, – мен бу ҳужжатни йўқ қилдим.

– Сиз одил судьяларнинг одили! – деб хитоб қилди Дантес, – сизнинг турган-битганингиз раҳм-шафқатнинг ўзи!

– Бироқ кулоқ солинг гапимга, – давом этди Вильфор. – Бу ишимни кўриб сиз менга ишонаверишингиз мумкин эканига аминдирсиз, албатта.

– Бюрсинлар, мен сизнинг буйруғингизни бажаришга тайёрман.

– Йўқ, – деди Дантес қошига келиб Вильфор, – йўқ, мен сизга буйруқ бермоқчи эмасман, фақат маслаҳат бермоқчиман, тушундингизми?

– Айтинг, маслаҳатингизни, бир буйруқ деб билиб, бажо келтираман.

– Мен сизни кеч кирганча шу ерда, суд биносида қолдириб кетаман. Эҳтимол бошқа биров сўроқ қилар. Менга нима деган бўлсангиз, унга ҳам ўша гапларнинг ҳаммасини айтиб беринг, аммо хат тўғрисида асло оғиз оча кўрманг!

– Жаноблари, хотиржам бўлинг, худди шундай қиламан.

Ҳозир гўё Вильфор ялиниб-ёлворар, айбдор эса уни тинчлантирарди.

– Биласизми, – деди Вильфор, ҳали ҳам хат шаклини йўқотган қулга тикилиб, – энди хат йўқ қилинди. Шундай хат бўлганини фақат сизу мен биламиз. Уни пеш қилиб сизни айблаётганлар энди, мабодо хат тўғрисида оғиз очгудек бўлишса, инкор этинг, дадил туриб инкор этаверинг, ана шунда, ҳамма хавф-хатардан қутуласиз.

– Хотиржам бўлинг, инкор этаман, – деди Дантес.<sup>4</sup>

– Жуда соз, – деди Вильфор ва қўнғироққа қўл узатди, сўнг бир оз тўхтади-да, сўради: – Сизда фақат биттагина шу хатмиди?

– Фақат шу хат.

– Онт ичинги

Дантес қўлини кўтарди.

– Онт ичаман! – деди у.

Вильфор қўнғироқ чалди.

Полиция комиссари кирди.

Вильфор унинг қулоғига бир неча сўз айтди: комиссар унга жавобан бошини бир неча карра ирғатди.

– Комиссар кетидан боринг, – деди Вильфор Дантесга.

Дантес эгилиб хўп деди-да, яна бир марта Вильфорга кўзи билан миннатдорчилик билдириб чиқиб кетди.

Эшик ёпилиши биланоқ Вильфор оёқ-қўли бўшашиб ҳушдан кетди-да, стулга йиқилди.

Бир оз вақт ўтиб, ўзига келди-ю шивирлаб, деди:

– Ё Парвардигор! Кишининг ҳаёти ва бахти баъзан арзимаган бир нарсага боғлиқ бўлиб, қил устида тураркан-а!.. Қироллик прокурори Марселда бўлганда-чи? Ёки мен эмас, терговчини чақирганларида-чи? Унда нима бўларди? Буткул ҳалок бўлардим, ҳалок!.. Мана бу хат, бу лаънати хат мени жаҳаннамга улоқтирарди, кўярди!.. Эҳ... ота! Ота! Наҳотки сен умр бўйи менинг бахтимга ғов бўлсанг! Наҳотки мен сенинг ўтмишинг билан ўла-ўлгунча курашсам?

Аммо, нима бўлди-ю, тўсатдан унинг чеҳраси очилиб кетди: қийшайиб бораётган лаблари жилмайди, аланглаб қолган кўзлари гўё бирор нарса устида ўйга чўмгандай бир нуқтага тикилиб қолди.

– Ҳа, ҳа, худди шундай! – деди қичқираб у. – Мени ҳалокат жарига улоқтириши керак бўлган бу хат мен учун бахт манбаи бўлиши ҳам мумкин... Қани, Вильфор, бошла ишни!

Қироллик прокурорининг ёрдамчиси айбдор даҳлиздан алпақачон чиқиб кетганини билиб олди-да, ташқарига чиқди ва тез одим ташлаб қайлиғининг уйи томонга йўл олди.

### **VIII. ИФ ҚАЛЪАСИ**

Полиция комиссари даҳлизга чиқди-да, икки жандармни импади. Улардан бири Дантеснинг ўнг томонига, иккинчиси эса чап томонига ўтди. Суд биносига кирадиган эшик очилди-ю, айбдорни ҳар қандай одамни ҳам ваҳимага соладиган узун ва қоронғи даҳлиздан олиб кетдилар.



Вильфорнинг квартираси суд биносига ёндош бўлганидек, суд биноси ҳам турмага ёндош эди. Бу файзсиз бир бино бўлиб, унинг олдида Аккуль кўнфироқхонаси қад кўтариб турибди.

Бир неча марта бурилгач, Дантес ойнасига темир панжара ўрнатилган эшикка рўбарў бўлди. Комиссар темир тўқмоқ билан эшикни уч марта урди; бу тўқмоқ худди унинг кўкрагига урилгандек туюлди Дантесга. Эшик очилди, жандармлар ҳайрон бўлиб турган маҳбусни аста итариб юборишди. Дантес остонадан ўтиши билан эшик қарсиллаб ёпилди. У эндиликда бошқа ҳаво билан – дим ва оғир ҳаво билан нафас оларди – у турмада эди. Уни тоза, лекин тамбалари вазмин, деразаларига темир панжара қоқилган хонага қўйишган эди. Дантеснинг бу янги кулбаси уни унча ваҳимага солмаган эди. Бунинг устига қироллик прокурори ёрдамчисининг ҳамдардлик билан айтган сўзлари ҳамон унинг қулоғида жаранглаб, умидворлик туйғуси билан тасалли бериб турарди.

Дантесни турманинг шу хонасига келтирганларида кундуз соат тўртга бориб қолди. Бу воқеа, бошда айтганимиздек, 28 февралда юз берди; маҳбус хонасини сал ўтмай зимистон босди.

Шу заҳоти унинг қулоқлари динг бўлди. Салгина товуш эшитилиши билан Дантес мени бўшатиб юборгани келяптилар, деб ўйлаб ирғиб ўрнидан туриб эшик томонга югурарди; бироқ товуш аста-секин бошқа томонга ўтиб кетарди. Дантес эса яна ўриндиқда ўтирганича қоларди.

Ниҳоят кеч соат ўнларда, Дантес умидини уза бошлаганда, яна ғала-ғовур эшитилди; бу ғал, шубҳасиз, товуш унинг хонаси томонга қараб келаётган эди. Сўнг даҳлизда қадам товушлари эшитилиб, унинг эшиги ёнида тўхтади; қулф калити буралди, тамбалар ғижирлади; сўнг қалин қайиндан ясалган оғир эшик очилди-да, икки машъала турманинг зимистон хонасига кўзни қамаштирадиған ёғду сочиб юборди. Ана шу ёғдуда жандармларнинг ялтираб турган қуролларига ва қиличларига Дантеснинг кўзи тушди.

У олдинга отилмоқчи эди, аммо обдан қуролланган соқчиларни кўрди-ю тарвузи қўлидан тушиб, жойидан қимирламай қолди.

– Менга келдингизми? – сўради Дантес.

– Ҳа, – деб жавоб қилди жандармлардан бири.

– Қироллик прокурори ёрдамчисининг буйруғи биланми?

– Албатта.

– Жуда соз, – деди Дантес, – қани бошланг, мен тайёрман.

Вильфорнинг буйруғи билан келди булар, деган ишонч шўрлик йигитчани ҳамма ваҳималардан озод этган эди. У хотиржам, эркин қадам ташлаб ташқари чиқди-да, ўзиёқ жандармлар ўртасидан ўрин олди.

Турма эшиги олдида ёпиқ файтун турарди. Олдинда файтунчи, унинг ёнида полиция бошлиғи ўтирибди.

– Бу файтун менга келганми? – сўради Дантес.

– Сизга, – деб жавоб қилди жандармлардан бири, – қани, утиринг.

Дантес эътироз билдирмоқчи бўлди, бироқ эшик очилиши билан уни итариб файтунга киритиб юборишди. У қаршилиқ кўрсатолмади ва кўрсатишни истамади ҳам; бир дам ўтмай извошнинг орқа курсисига, икки жандарм ўртасига чўкканини ўзи ҳам билмай қолди; яна икки жандарм рўпарага ўтирди, шу онда оғир файтун даҳшат билан тарақтуруқ қилиб ўрnidан қўзғалди.

Маҳбус деразага қаради; уларга темир панжара қоқилган. Демак, у биринчи турмадан чиқиб, иккинчисига тушибди, холос. Янги турманинг илгаригисидан фарқи шуки, у филдираклар устида бўлиб, номаълум жойга йўрғалаб кетяпти. Дантес зўрға қўл кирадиган панжаралар орасидан уни Кессари кўчасидан, сўнг Сен-Лоран ва Тарамис кўчаларидан олиб ўтиб, дарё қирғоғига тушганларини кўриб турди.

Сал ўтгач, ёдгорлик олдидан ўтаётганда Дантеснинг кўзи Порт бошқармасининг биносига тушди. Унда чироқлар чарақлаб ёниб турарди.

Файтун тўхтади, полиция бошлиғи тушди-да, қоровулхона олдига борди; у ердан ўнга яқин солдат чиқиб иккита-иккита бўлиб саф тортишди. Қирғоқдаги лампа чироқлар ёғдусида солдатларнинг қуроллари ялтираб турибди.

«Наҳотки буларнинг ҳаммаси мен учун қилинаётган бўлса!» – ўйлади Дантес.

Полиция бошлиғи калит билан эшикни очди ва гүе унинг унсиз саволига жавоб бергандек бўлди: Дантесга солдатлар ўртасида файтундан қирғоққача тор йулка очиб қўйилган эди.

Олдинги ўриндиқдаги икки солдат биринчи бўлиб файтундан тушди, уларнинг кетидан Дантес, сўнг унинг икки ёнбошида ўтирган солдатлар тушди. Ҳамма божхонанинг ходими кутиб турган қайиқ томонга юрди. Солдатлар ҳайрон бўлиб Дантесга тикилишарди. Ҳаш-паш дегунча уни руль олдига, тўрт жандарм ўртасига ўтқаздилар, полиция бошлиғи эса қайиқ бурнига ўтирди. Бир силтаб қайиқни қирғоқдан ажратдилар, сўнг тўрт эшкакчи қайиқни Пилон томонга жадал ҳайдаб кетди. Қайиқдагилар қичқирган эди, портни тўсиб турган занжир пастга туширилди-ю, Дантес портдан чиқиб кетганини англади.

Тоза ҳавога чиққанда маҳбуснинг биринчи туйғуси – қувонч туйғуси эди. Очиқ ҳаво – эркинлик тимсоли. У чуқур-чуқур нафас олиб, ўз қанотида тун ва денгизнинг сирли ҳидини кўтариб келаётган ҳаётбахш ҳавони ҳузур қилиб ютарди. Бироқ кўп ўтмай, у қайғули уҳ тортди; эрталаб, қамоққа олинмасидан сал олдин бахт нурларига кўмилиб ўтирган «Резерв» майхонаси ёнидан ўтиб бораётган эди. Ярқираб ёритилган деразалар орқасидан ўйин-кулгиларнинг қувноқ овози эшитиларди Дантесга.

Дантес қўлларини қовуштириб, осмонга кўз тикди-да, дуо ўқий бошлади.

Қайиқ йўлида давом этаверди; у Ўлик Калла ёнидан ўтди, Фаро кўрфазига ёндашди-да, батареяни айланиб ўта бошлади. Дантес ҳеч нарсага тушунмасди...

– Мени қаёққа олиб боришяпти? – сўради у жандармларнинг биридан.

– Ҳозир кўрасиз.

– Ҳар ҳолда...

– Сиз билан гаплашиш тақиқланган.

Дантес солдатмижоз одам эди, шу сабабли жавоб бериш тақиқ этилган жандармларга савол беришни ўзига эп кўрмади-да, жим бўлди.

Ана шу пайт унинг миясида ғалати фикрлар чувалаша бошлади: бу омонатгина ясалган қайиқда узоққа бориб

бўлмайди, атрофда бирорта кема йўқ; Дантес мени қирғоқнинг узоқ бир жойига олиб бориб, «сиз озодсиз» деб бўшатиб юборадилар, деб ўйлади. Унинг қўл-оёғини боғланлари йўқ, қўлига кишан солганлари ҳам йўқ. Булардан у, ишнинг охири бахайр бўлади, деган хулосага келган эди. Бунинг устига марҳаматли раҳмдил прокурор ёрдамчиси машъум Нуартъе номини тилга олмасангиз бас, бошқа ҳеч нарсадан хавотир бўлманг, деган эди-ку! Вильфор унинг кўзи олдида ягона айбловчи ҳужжат ҳисобланиши мумкин бўлган хатни ёндириб ташлади-ку ахир.

Дантес, зимистон вақтларда атрофда нималар борлигини билиб олиш ниятида бўшлиқни ўлчашга ўрганган денгизчининг кўзи билан ҳамма ёққа назар ташлаб, бу ёғи нима бўларкан, деб индамай кутиб тураверди.

Минорасида маёқ ёниб турган Ратонно ороли ўнг томонда қолди, қайиқ қирғоққа яқинроқ келди-да, Каталан кўрфазида тўхтади. Маҳбуснинг кўзлари янада чарақлаб кетди: Мерседес шу ерда эди, унинг кўзига қирғоқда ғирашира аёл гавдаси кўринаётгандек туюлди.

Мерседес, ўз ошиғи ундан уч юз қадамгина нарида турганини ҳис этаётганмикин-а?

Бутун Каталаниянинг фақат битта деразасида чироқ ёнарди, Дантес диққат билан тикилиб, бу қайлиғининг деразаси эканига ишонч ҳосил қилди. Қишлоқда фақат Мерседес ухламаган эди. Мабодо у қаттиқ қичқирса, овозини қайлиғи эшитарди, албатта... У эсини йўқотганга ўхшаб қичқирса, жандармлар нима дейиши мумкин? Шунинг учун у оғзини очмади ва деразадан кўзини узмай ўтиб кетаверди.

Қайиқ эса тўхтамай олға борарди. Аммо маҳбуснинг хаёли қайиқда эмас, Мерседесда эди. Ёруғ дераза бора-бора орқасига яширинди. Дантес орқасига қаради: қайиқ тобора қирғоқдан йироқлашиб борарди, у ўз ўй-хаёллари билан банд бўлиб, эшакларни елканларга алмаштиришганини сезмай қолган эди. Эндиликда қайиқни шамол юргазиб бораётибди.

Дантес жандармдан сўраб-суриштиришни энди истамаётган бўлса-да, бироқ унинг ёнига бориб қўлтиғидан тутиб деди:

– Ўртоқлар! Виждонингиз ва солдат деган унвонингиз ҳақи, ўтиниб сўрайман, менга раҳм-шафқат қилиб, жавоб

беринг. Мен бир соддадил, кўнгли бўш, хушфеъл капитанман, қандайдир хоинликда айблаётган бўлсалар да, мен виждони пок французман. Мени қаёққа олиб боряпсиз, айтинг ахир? Мен бир денгизчи сифатида ўз бурчимни бажараман ва тақдирга тан бераман.

Жандарм энсасини қашиб ўртоғига қаради. У: «Энди айтиш мумкин, чамамда», дегандек имо қилди. Шундан сўнг жандарм Дантес томонга ўгирилиб, деди:

– Ўзингиз марселлик ва денгизчи бўла туриб қаёққа бораётганимизни билмайсизми?

– Виждоним ҳақи, билмайман.

– Пайқамаяпсизми?

– Йўқ.

– Ростдан-а?

– Худо ҳақи, авлиё-анбиёлар ҳақи, билмайман!

– Буйруқни-чи?

– Мен, барибир, ўн дақиқадан кейин, ярим соатдан кейин, ёки эҳтимол, бир соатдан кейин билиб оладиган нарсани сиз айтиб берсангиз нима бўпти? Буни ахир буйруқ тақиқламаган-ку! Агар айтиб берсангиз, мени турли шакшубҳалардан қутқарардингиз, холос. Бир дўстим сифатида, илтимос қиламан сиздан. Кўриб турибсизки, мен қаршилик кўрсатаётганим йўқ, қочмоқчи бўлаётганим ҳам йўқ. Бундай қилишга имкониятнинг ўзи ҳам йўқ. Хўш, қаёққа боряпмиз!

– Сиз ё кўздан қолгансиз ёки ҳеч вақт Марсель портидан чиқмагансиз. Бўлмаса сизни қаёққа олиб бораётганларини билиб олардингиз.

– Билмаяпман-да.

– Ҳеч бўлмаса атрофга бир қаранг.

Дантес ўрнидан турди-да, қайиқ бораётган томонга қаради ва юз саржин нарида қоп-қора қояни кўрди. Унинг тепасида мудҳиш Иф қалъаси қад кўтариб турарди. Кишини ҳадсиз ваҳимага солувчи бесўнақай, ғалати бу турма, мана уч юз йилдирки, бир-биридан даҳшатли миш-мишлар билан марселликларни даҳшатга солиб келади. Бу қалъа Дантес қаршисида тўсатдан намоён бўлди-ю, ўлимга ҳукм қилинган шахсга жаллод кундаси қандай таъсир қилса, Дантесга ҳам худди шундай таъсир қилди.

– Ё Тангрим! – қичқириб юборди у. – Иф қалъасими бу? Нега биз бу қалъага боряпмиз?

Жандарм илжайди.

– Мени у ерга қамашлари мумкин эмас-ку, ахир! – сўзини давом эттирди Дантес. – Оғир сиёсий жинойтчиларгина давлат турмаси бўлган мана шу Иф қалъасига қамаладилар. Мен ҳеч қанақа жинойий иш қилганим йўқ. Ёки Иф қалъасидаям бирор терговчи, бирорта судья борми?

– Менинг билишимча, – деди жандарм, – у ерда фақат комендант, турма ходимлари, гарнизон ва мустаҳкам деворлардан бошқа ҳеч ким, ҳеч нарса йўқ. Бўлди, шуниси ҳам етар, жўра, муғамбирлик қилиб ўзингизни гўлликка солаверманг, мени масхара қиляпти бу деб ўйлашим мумкин.

Дантес жандармнинг қўлини синдиргудек қисди.

– Ҳали мени Иф қалъасига олиб бориб, ўша ерда қолдиришади, денг?

– Шундай бўлса керак, – деди жандарм, – лекин қўлимни бунчалик қаттиқ қисишнинг ҳожати йўқ эди.

– Ҳеч қандай терговсиз-а? Ҳеч қандай расмиятсиз-а?

– Ҳамма расмий тартиботлар бажо келтирилган, тергов ҳам тугаган.

– Вильфор жанобларининг ваъдаларига қарамай-а?

– Вильфор жаноблари сизга нима ваъда қилганидан беҳабарман, – деди жандарм, – фақат Иф қалъасига бораётганимизни биламан, холос. Уҳ-ў! Ҳой, нима қиляпсиз? Бу ёққа, ўртоқлар, бу ёққа! Маҳкам ушланг!

Дантес яшин тезлигида ҳаракат қилиб, ўзини денгизга отмоқчи эди, бироқ тажрибали жандарм буни пайқаб қолди. Йигитчанинг оёқлари қайиқ тагидан узилар-узилмас тўрт жандармнинг забардаст қўллари маҳкам тутиб олган эди.

У ғазаб билан қичқирди-да, қайиқ ичига йиқилиб тушди.

– Эҳ-э, оғайни, сени қара-я! – деди жандарм тиззаси билан унинг кўкрагини босиб. – Денгизчининг онтини бажариш шунақа бўларкан-да. Мўмин-қобил деб ишонсанг, бошинг балога қоларкан-ку! Энди сал қимирладингми, пешонангдан отиб ташлайман сен мўлтонини! Буйруқнинг би-

ринчи моддасига хилоф иш қилиб қўйдим: бироқ билиб қўйгинки, иккинчиси жуда жойига келтириб бажарилади.

Жандарм чиндан ҳам қуролининг оғзини Дантеснинг чаккасига тақаб туриб олди. Дастлабки дақиқаларда Дантес ҳалокатли бир ҳаракат қилиб, бу кутилмаган ҳолда бошига тушган ва ҳозир кекирдагидан сиқиб турган, фалокатдан қутулмоқчи ҳам бўлди. Бироқ бу фалокат тўсатдан келган экан, узоққа бормаслиги керак деб ўйлаб, Вильфорнинг ваъдасини эслади. Бунинг устига жандармлар қўлида мана шу қайиқда ўлиб кетиш пасткашлик ва разилликдир.

У тахтага ўтирди-да, аламига чидолмай қўлини қаттиқ тишлади.

Қайиқ қаттиқ зарбадан силкиниб кетди. Эшкакчилардан бири, ирғиб қайиқ тумшуғи билан урилган қояга тушди, арқоннинг ғийқиллаб ечилаётгани эшитилди. Шунда Дантес қирғоққа етиб келганларини англади.

Унинг қўллари-ю, ёқасидан тутиб турган жандармлар, уни зўрлаб турғизишди, қирғоққа чиқариб, қалъа дарвозаси томон судраб кетишди: уларнинг кетидан найза тақилган милтиқ кўтарган полиция бошлиғи бормоқда эди.

Дантес қаршилик кўрсатишнинг фойдаси йўқлигини биларди. Унинг секин судралиб бориши қаршилик кўрсатаётганидан эмас, лоқайдлигидан, ҳафсаласи пир бўлганидан эди. Унинг боши айланди, маст киши сингари гандираклади. У яна икки қатор солдатни кўрди, улар қияликда саф тортиб туришарди. Зинапоялар оёғини кўтариб боришга мажбур қилаётгандек туюларди унга, дарвозадан ичкарига кирганини, дарвоза кетидан тақатақ бекилганини сизди. Бироқ буларнинг ҳаммаси унинг кўзига гўё туман ичидагидек ғира-шира чалинарди, у бирор нарсанинг нималигини ажратишдан ожиз эди. Дантес ҳатто маҳбусларни қийноққа солувчи денгизчи ҳам кўрмади. Маҳбуслар поёнсиз бу денгизга кўз ташлаганларида ундан ўта олмасликларига ақллари етиб даҳшатга тушар эдилар.

Бир дақиқа тўхташганда, Дантес бир оз ўзига келди-да, атрофга қаради. У чор атрофи баланд девор билан ўралган тўрт бурчакли ҳовлида турарди. Соқчиларнинг бир текис босаётган қадамларини эшитди. Улар чироғи ёниб тур-

ган икки-уч дераза ёнидан ўтганда, қуроллари ялт-ялт этиб кетарди.

Дантес бир муддат жойидан қимир этмай турди. Унинг энди қочиб кетиши мумкин эмаслигини билган жандармлар Дантесни қўйиб юборишди. Афтидан буйруқ кутишаётган эди; охири кимнингдир овози эшитилди:

– Қани маҳбус?

– Шу ерда, – деб жавоб беришди жандармлар.

– Қани, менинг кетимдан юрсин, мен уни хонасига олиб бориб қўяман.

– Боринг, – дейишди жандармлар Дантесни итариб.

Дантес турма ходими кетидан борди. Ходим уни ертўлага ўхшаш хонага олиб кирди: қип-яланғоч, зах деворлардан кўз ёши каби сув томчилаб турарди. Пилиги қандайдир сассиқ ёғда қалқиб турган қорачироқ даҳшатли кулбанинг ялтироқ деворларига ва маҳбусни олиб келган кишига ғира-шира ёғду ташлаб турарди. Кийими ночор, юзи беўхшов бу шахс турманинг энг паст даражадаги ходимларидан бўлса керак.

– Бу кеча сиз мана шу ерда ётасиз, – деди у. – Кеч бўлиб қолди, комендант жаноблари ухлаб ётибдилар. Эртага сизга доир фармойишни ўқиганларидан сўнг, у киши сизга эҳтимол бошқа хона берар. Ҳозирча мана нон, сув; анави бурчақда похол. Маҳбусга тегадигани мана шулар, бундан бошқа нарсани у орзу қилолмайди бу ерда. Хайрли кеч...

Дантес унга жавоб беришга улгурмасдан, ходим сув ва нонни қаёққа қўйганини, кўрпа-ёстиғи ҳисобланган похол қаердалигини кўриб олишга улгурмасдан, қорачироқни олди-да, эшикни беркитиб кетди-қолди, зах деворларни салгина ёритиб турган чироқдан ҳам маҳбусни маҳрум этди.

У сукунат ва қоронғилик қаърида ёлғиз қолди. Зиндондек хунук ва файзсиз бу ерда ловиллаб турган вужуди музлаб қолаётганини сезди.

Эрталаб, қуёшнинг дастлабки нурлари бу ғурбатхонани ғира-шира ёрита бошлаганда, турма ходими келиб, маҳбусни шу ерда қолдириш ҳақида буйруқ берилганини айтди. Дантес қандайдир темир қўл уни кеча турган жойига қоқиб



қўйгандай, ҳамон ўша жойида тик турган эди. Фақат кўз ёши тўкмаса ҳам кўз-қовоқлари шишиб кетган эди. У қимир этмай, ерга тикилиб турарди.

Дантес бутун тунни тик туриб, кўз юммай ўтказди.

Турма ходими унга яқинлашиб атрофидан айланиб ўтди, аммо Дантес уни кўрмади, чоғи.

Ходим уни елкасидан туртди. Дантес сесканиб кетди ва бошини чайқади.

– Ухламадингизми? – сўради турма ходими.

– Билмадим, – жавоб қилди Дантес.

Турма ходими таажжуб билан тикилди унга.

– Қорнингиз очгани йўқми? – яна сўради у.

– Билмадим, – такрорлади Дантес.

– Ҳеч нима керак эмасми сизга?

– Комендантни кўрмоқчиман.

Турма ходими елкасини қисди-да, чиқиб кетди.

Дантес унинг кетидан қараб қолди, ярим очиқ эшик томонга қўлини узатди, аммо эшик тарақлаб бекилди.

Шунда у ўкраб йиғлаб юборди, тўлиб-тошиб ётган ёшлари кўзидан жилғадек оқа кетди. У тиз чўқди, Худога ялиниб-ёлвориб ибодат қилди, бутун ҳаётини, қилмишларини эслади ва шу ёшимда бундай жазога пойиқ қандай гуноҳ қилиб қўйдим экан, деб ўз-ўзига савол берди.

Шу ҳолда бир кун ўтди. Дантес бир неча ушоқ нонни зўр-базўр ютиб, бир неча қултум сув ичди, холос. У гоҳ халга чўмиб кетар, гоҳ қафасга тушган йиртқич ҳайвон каби девор бўйлаб гир айланарди.

Айниқса бир фикр уни қаттиқ жазавага соларди: қаёққа олиб бораётганларини билмай қайиқда жим, бепарво ўтирганидан аччиғи чиқарди унинг. Ахир у шунча вақт ичида ўн марта сувга сакраб тушиб кетиши мумкин эди-ку. Моҳирона сузиш ва сув тагига шўнғиб кетишда бутун Марселда тенги йўқ Дантес соқчиларга чап бериб сув тагида гумдон бўлиши, қирғоққа чиқиб олиб, қочиши, бирор дашт-биебон ёки бўғозда яшириниб ётиши, кейин Генуя ёки Каталани кемасига тушиб Италия ёки Испанияга бориши ва у ердан хат ёзиб Мерседесни чақириб олиши мумкин эди-ку! Оч-яланғоч қоламан деб ўйламасди у, чунки тақдир уни қайси мамлакатга улоқтириб ташламасин,

Жуда кам топиладиган моҳир денгизчини ҳамма ерда қўллашади; у италян тилида тосканликдек, испан тилида Кастилия фарзандидек гапирарди. У Мерседес ва отаси билан эркин ва бахтиёр яшаб юрарди. Мана энди эса бунинг акси бўлиб, у Иф қалъасида, мана шу турмада маҳбус бўлиб қамоқда ўтирибди; бу ердан қутулиб чиқиш амри маҳол: у отаси қай аҳволда, Мерседеснинг тақдири нима бўлди, беҳабар. Вильфорнинг сўзларига ишониб мана шу балоларга учради у. Бу аҳволда жинни бўп қолиш ҳам ҳеч гап эмасди, у дарғазаб бўлиб турма ходими келтирган янги похол устида думаларди.

Эртаси худди шу соатда турма ходими кириб келди.

– Хуш, аҳвол қалай? – деди у, – бир оз эс-ҳушингизни йиғиб олдингизми?

Дантес жавоб бермади.

– Э, бас эиди, ҳадеб диққат бўлаверманг! Истагингиз нима, айтинг. Айтинг ахир!

– Комендантни кўришни истайман.

– Бунинг иложи йўқ дедим-ку, сизга, – жавоб қилди турма ходими ўкинч билан.

– Нега иложи йўқ?

– Чунки турма уставида маҳбусларнинг у билан учрашуви тақиқ қилинган.

– Бўлмаса бу ерда нимага рухсат бор?

– Яхшилаб емак-ичмакка, ўз пулингизга албатта; сайр қилмоқ, баъзан китоб ўқимоқ мумкин.

– Китоб керак эмас менга, сайр қилишни истамайман, ҳозирги овқат етади менга. Мен фақат бир нарсани – комендантни кўришни истайман.

– Сиз ҳадеб шу талаб билан менга елимдай ёпишаверсангиз, овқатни келтирмай кўяман.

– Нима бўпти? Шу билан мени кўрқитмоқчимисан? Агар шундай қилсанг, – деди Дантес, – очдан ўламан-кўяман, та-мом-вассалом!

Бу сўзларни Дантес шундай оҳангда айтдики, турма ходими унинг маҳбуси ўлимига ҳам рози эканини англади. Ҳар қандай маҳбус турма ходимига ўн танга даромад келтирарди, шунинг учун турма ходими у ўлиб қолгудек бўлса, қанча зарар кўражагини ҳисоблаб кўрди-да, меҳрибонона деди:

– Ҳой, менга қаранг: сизнинг илтимосингизни бажаришнинг ҳеч иложи йўқ; шундай бўлгач, илтимос қилиш фойдасиз. Шу вақтга қадар комендант бирорта маҳбуснинг илтимосига биноан унинг хонасига киргани йўқ, яхшиси жимгина ўтираверинг, сайр қилишга рухсат беришади, ана шунда комендантни учратиб қолишингиз мумкин. Ушанда унга мурожаат қилсангиз бўлар, агарда у лозим топса, саволларингизга жавоб берар.

– Бундай учрашувни қанча вақт кутиш мумкин?

– Ким билсин? – деди турма ходими. – Бир ой, уч ой, ярим йил, эҳтимол бир йил ўтгач учрашарсиз.

– Жуда узоқ-да бу, – деди Дантес, – мен уни ҳозир, шу дақиқанинг ўзида кўрмоқчиман.

– Қайсарлик қилиб ҳадеб бир гапни айтаверманг, бу ҳолда икки ҳафта ўтар-ўтмай жинни бўлиб қоласиз.

– Наҳотки? – деди Дантес.

– Ҳа, жинни бўласиз; жиннилик ҳаминша мана шундан бошланади. Бизда шунақа бир ҳол юз берди. Сиздан олдин шу ерда бир аббат турган эди... У комендантга бўшатиб юборсанг миллион франк бераман деб ҳеч тўхтамай алжий берди, охири ақлдан озиб, жинни бўлиб қолди.

– У бу ердан қачон кетган эди?

– Бундан икки йил бурун.

– Уни озод қилиб юборишдими?

– Йўқ, карцерга тиқиб қўйишди.

– Ҳой, менга қара, – деди Дантес, – мен аббат эмасман, жинни ҳам эмасман. Эҳтимол, кейин ақлдан озарман, бироқ бахтга қарши ҳозирча ақл-ҳушим жойида. Мен сенга бошқа нарса ваъда қиламан.

– Нима экан у?

– Мен сенга миллионлар ваъда қилмайман, чунки менинг бунақа пулим йўқ. Лекин сен Марселга борганингда Каталанига бориб Мерседес деган қизга менинг хатимни, ҳатто хат эмас, икки сатр ёзувимни етказишга ваъда қилсанг юз экую бераман.

– Агарда мен бу икки сатр хатни олиб бориб берсаму, у ерда мени тутиб олишса, у тақдирда мен йилига минг ливр оладиган ўрнимдан ажраламан, яна қўшимча даромадим ва овқат ҳам бор бу ёқда. Кўриб турибсизки, уч юзни ола-

ман деб, ўзимни минг ливрдан маҳрум этадиган йўлга юрсам, аҳмоқлик қилган бўлур эдим.

– Майли, сенинг айтганинг бўлсин, – деди Дантес. – Лекин қулоқ сол ва эсингда тутгинки, сен Мерседесга хатни олиб бормасанг ёки жипга бўлмаса, менинг шу ердалигимни унга хабар қилмасанг, бир эмас, бир кун эшик орқасида пойлаб тураман-да, эшикдан киришинг ҳамон стулча билан қарсиллатиб соламан-да, каллангни мажақ-мажақ қилиб ташлайман.

– Ҳа-ҳа! Бу пўписа-ку! – деди турма ходими бир оз орқага тисарилиб ва ҳимояга тайёрланиб. – Дарҳақиқат, миянгиз айнигани ростга ўхшайди. Аббат ҳам шундан бошлаган эди, уч кундан сўнг сиз ҳам унга ўхшаб қутуриб тўполон кўтара-сиз. Хайриятки, Иф қалъасида карцерлар бор.

Дантес стулчани кўтариб боши устида айлантирди.

– Хўп-хўп, – деди турма ходими, – энди сиз комендантни албатта кўрмоқчи экансиз, мен унга айтаман.

– Бошда шундай десанг бўларди-ку! – деди Дантес, сўнг стулни ерга қўйди-да, чиндан ҳам ақлдан озаётган киши сингари кўзларини олайтириб, бошини қуйи солиб ўтирди.

Турма ходими чиқиб кетди; бир неча дақиқадан сўнг тўрт солдат ва бир капрал ҳамроҳлигида қайтиб келди.

– Комендантнинг буйруғига биноан, – деди у, – маҳбусни бундан бир қават пастга тушириб қўйинг.

– Яъни зиндонга-да, – деди капрал.

– Ҳа, зиндонга, жиннини жинни билан бир хонага қамаш керак.

Тўрт солдат маҳбусни маҳкам тутиб олди. Қандайдир бир паришон ҳолга тушиб қолган Дантес ҳеч қаршилиқ кўрсатмай улар кетидан юрди.

Улар ўн беш зина пастга тушишди; қоп-қоронғи камеранинг эшиги очилди. Дантес: «У ҳақ гапни айтди, жиннини жинни билан бирга қамаш керак», деб ғунғиллаб камерага кириб кетди.

Эшик ёпилди, Дантес деворга етгунча қўлларини узатиб борди-да, бурчакка чўкиб, узоқ вақтгача қимир этмай ўтирди. Шу орада қоронғиликка кўникиб, хонадаги буюмларни кўра бошлади.

Турма ходими янглишмаган эди: Дантес чиндан ҳам ақлдан озаётган эди.

## IX. НИКОҲ КУНИНИНГ ОҚШОМИ

Вильфор юқорида айтганимиздек, яна ўша Гран-Кур кўчасига бориб, жаноб Сен-Меран уйига кирди. Меҳмонлар емакхонада эмас, меҳмонхонада қаҳва ичиб ўтиришган эди.

Рене ва меҳмонлар уни сабрсизлик билан кутишаётган эди. Шу сабабдан уни қувонтириб-қичқириб кутиб олишди.

– Хўш, каллакесар, давлат посбони роялист Брут! – қичқирди меҳмонлардан бири. – Нима бўлди? Гапиринг!

– Яна янги террорга тайёрланаётган эканларми? – деди яна бири.

– Корсикалик одамхўр инидан чиқмадимикин? – сўради учинчиси.

– Маркиза, – деди Вильфор бўлғуси қайнанаси ёнига бориб. – Кечиринг мени, лекин менга жавоб бермасангиз бўлмайди... Маркиз, фақат ўзингизга айтадиган икки оғиз сўзим бор, рухсат қиласизми?

– Демак, ҳақиқатан ҳам жиддий иш экан-да? – деди маркиза, ҳақиқатан ҳам Вильфорнинг кайфи ноchoғ эканини кўриб.

– Жуда жиддий иш, мен бир неча кунга сизни ташлаб кетишга мажбурман. Ишнинг нақадар муҳимлигини шундан ҳам билиб олишингиз мумкин.

– Сиз кетяпсизми? – қичқириб юборди Рене дили сиёҳ бўлганини бекитолмай.

– Иложим йўқ! – жавоб қилди Вильфор. – Иш жуда зарур.

– Қаёққа кетяпсиз? – сўради маркиза.

– Суд сири бу. Бироқ бирортангизда Парижга топшириқ бўлса, бир жўрам кетяпти, у бажонидил бажаради.

Ҳамма бир-бирига қаради.

– Сиз мен билан гаплашмоқчимидингиз? – сўради маркиз.

– Ҳа, рухсат этсалар хонангизга кирайлик.

Маркиз Вильфорни қўлтиқлади-да, иккови чиқиб кетди.

– Нима гап ўзи? – деди маркиз хонага кира туриб. – Қани, гапиринг-чи.

– Масала жуда муҳим. Тезда мен Парижга жўнашим керак. Беадаблилик бўлса-да, кечиринг, бир савол бераман. Давлат заёми борми?

– Менинг бутун бойлигим шу заёмларда, олти ёки етти минг франк келади ўзиям.

– Сотинг уни, тезроқ сотиб юборинг, акс ҳолда хонавайрон бўласиз.

– Бу ерда туриб қандай қилиб сотаман?

– Парижда даллолингиз борми?

– Бор.

– Унга хат ёзинг, мен олиб бориб бераман, тезда сотиб юборсин, эҳтимол мен ҳам кечикиб қоларман.

– Оббо! – деди маркиз. – Келинг, вақт ўтмасин.

У столга ўтириб ҳамма облигацияларни тўғри келган нарҳда сотиб юбориш тўғрисида агентига фармойиш ёзди.

– Бир хат тайёр, – деди Вильфор хатни кармонига аста солиб, – менга яна бир хат керак.

– Кимга?

– Қиролга.

– Қиролга?

– Ҳа, қиролга.

– Мен у олижанобларига тўғридан-тўғри қандай хат ёза оламан ахир?

– Мен ўзингиз ёзинг деётганим йўқ, граф де Сальвьёдан илтимос қилинг, у киши ёзиб берсин. Қимматли вақтни бекорга ўтказмаслик учун, шундай хат керакки, у билан мен қабул қилишда бўладиган расмиятларсиз тўғри қирол ҳузурига кириб бора олайин.

– Адлия министри-чи? У Тюильерига кириш ҳуқуқига эга, истаган вақтда қирол ҳузурига кириш учун шу министр орқали рухсат олишингиз мумкин.

– Тўғри. Бироқ олиб бораётган муҳим янгиликка бировни шерик қилишининг нима кераги бор?.. Тушундингизми? Адлия министри мени иккинчи ўринга суриб қўйиб, мен қилган хизматни ўзиники қилиб кўрсатиши табиий. Сизга

шуни айтиб қўяйинки, маркиз, агарда Тюильрига ўзим биринчи бўлиб кирсам, ҳеч шубҳасиз, катта мансабга эга бўламан, чунки мен қиролга шундай ёрдам кўрсатаманки, буни ҳеч ким ҳеч маҳал унутмайди.

– Азизим, агар шундай бўлса, боринг, сафарга тайёрланг; мен Сальвьёни чақираман, у хат ёзиб беради, бу хат билан сиз тўғри қирол ҳузурига кириб кетаверасиз.

– Жуда соз, бироқ тез бўлинг, вақт ўтмасин; чорак соатда мен почта файтонида бўлишим керак.

– Бизнинг уйимиз олдида тўхташсин, айтинг файтончига.

– Минг-минг афсуски, шундай бахтли пайтда мадемуазель де Сен-Мерандан ажралаётирман, мен учун маркиздан ва мадемуазелдан узр сўрарсиз, деб умид қиламан.

– Сизни улар менинг хонамда кутишади, ўша ерда хайрлашасиз.

– Бениҳоя миннатдорман сиздан. Хатни тайёрланг.

Маркиз қўнғироқ чалди.

Хизматкор кирди.

– Граф де Сальвьёни чақиринг бу ёққа... Сиз кетаверинг, – деди маркиз Вильфорга.

– Мен ҳадемай қайтаман.

Вильфор шундай деди-да, шошилиб чиқиб кетди; аммо эшик олдида, қироллик прокурорининг ёрдамчиси қаёққадир жуда шошилиб бораётганини кўрсалар бутун шаҳар ваҳимага тушиб қолиши мумкин, деб ўйлади-да, одатдагича салобатли, вазмин, осойишта қадам ташлай кетди.

Уйига яқинлашганда, қоронғида уни кутиб турган оппоқ шарпага кўзи тушди.

Бу Мерседес эди. У Эдмондан ҳеч қандай дарак бўлмагач, унинг нечун қамалганини ўзи билмоқчи бўлиб желган эди.

У Вильфорни кўрди-да, йўлга чиқиб унинг олдини тўсди. Дантес қайлиғи тўғрисида Вильфорга айтиб берган эди, шунинг учун Мерседеснинг ўзини танитишга эҳтиёж йўқ эди, Вильфор шусиз ҳам уни таниди. Қизнинг беқиёс хусн-жамоли, келишган қадди-қомати уни мафтун этди ва қиз ундан қаллиғини сўраганида Вильфор ўзини айбдору, Мерседесни судья деб ҳис этгандай бўлди.

– Сиз сўраётган одам ниҳоятда оғир жиноятчи, – жабоб қилди Вильфор, – унинг учун бирор нарса қилишдан эҳтимол йўқ.

– Мерседес уввос солиб йиғлаб юборди; Вильфор ёнидан кетмоқчи бўлган эди, қиз уни тўхтатди.

– Ҳеч бўлмаса, унинг қаердалигини айтиб беринг, – деди юрға овоз чиқариб, – мен унинг тириги ёки ўлигидан хабар олиш имкониятига эга бўлай.

– Билмайман унинг қаердалигини. Энди у менинг ихтиёримда эмас, – жавоб қилди Вильфор.

Мерседеснинг сезгир, синовчан қараши ва ёлвориб туриши унга оғир туюлди. У Мерседесни итариб юборди-да, уйига кириб, қизнинг дард-аламидан ўзини халос қилмоқчи бўлгандек, дарров эшикни бекитиб олди.

Аммо киши дард-аламдан осонликча қутула олмайди. Дард-алам билан яраланган киши, Вергилий айтганидек, уни ҳалокатли найза каби ўзи билан бирга олиб кетади. Вильфор эшикни қулфлаб меҳмонхонага кўтарилди, аммо шу пайт оёқлари титраб, букилди: кўксидан йиғи сингари фиғон отилиб чиқди-да, курсига йиқилиб тушди.

Ана шунда хаста юракда бедаво дарднинг биринчи белгилари пайдо бўлди. Ўз мансабпарастлиги йўлида қурбон этган беғуноҳ ўсмир, отасининг гуноҳи учун азоб чекиб ётган инсон унинг кўз олдида гавдаланди: ранги оқариб-бўзарган Дантес севгилисини қўлтиқлаб даҳшат солиб келарди. Мерседеснинг ҳам ранги ўчиб, қони қочган. Бу Вильфорни оғир виждон азобига соларди; юрагини эзиб, кемирарди.

Вильфор яна бир карра иккиланди, аммо бунисини ҳам енгди. У бир марта эмас, бир неча марта кураш жараёнида ҳаяжондан бўлак ҳеч нима сезмай, айбдорларга ўлим жазоси талаб қилган эди. Унинг суд маслаҳатчилари ва судьяларни пол этувчи дабдабали нутқлари натижасида юз берган бу ўлим жазолари салгина бўлса-да прокурор ёрдамчисининг кўнглини ноҳуш этмаганди, чунки айбланувчилар Вильфорнинг фикрича, гуноҳкор эдилар.

Бу гал эса иш буткул бошқача эди: у гуноҳсиз кишини – бахт қуши бошига қўниб турган ёш йигитни бир умрлик қамоққа ҳукм қилди; унинг эркинлигини эмас, бахтини ҳам



тортиб олди; бинобарин, бу гал Вильфор судья эмас, жалпод ролини ўйнади.

Мана шуларни ўйлаганда юраги санчиб, гурс-гурс ураётганини сезди, шу дамгача ҳеч бундай бўлмаган эди. Қалбини ваҳима ҳислари бутунлай қамраб олди. Чидаб бўлмайдиган алам ярадорга мана шу каби азоб беради, то яранинг кўзи битиб, тузалиб кетмагунча унга асло бармоқ учини теккизолмайди ярадор.

Бироқ Вильфорнинг яраси тузалмайдиган ёки тузалганда ҳам илгаригидан қаттиқроқ азоб бериб яна очиладиган яралардан эди.

Мабодо шу пайт Рененинг раҳм-шафқат тилаган майин овози эшитилиб, гўзал Мерседес кирса-ю: «Тепамизда Парвардигор гувоҳ, дуобад қиламан сизни: қайтариб беринг қайлиғимни», деб юборса, Вильфор муқаррарлик олдида тиз чўкиб, унга буткул таслим бўлган ва ўзини хавф-хатарлар жари ёқасига олиб бориб бўлса-да, жонсиз қўли билан Дантесни озод қилиш тўғрисидаги буйруққа қўл қўярди. Аммо бу нохуш сукунат чўккан хонада ҳеч кимнинг овози эшитилмади, фақат эшикни очиб хизматкор кирди-да, почта отлари извошга қўшилиб, сафарга тайёр эканлигини хабар қилди.

Вильфор ўрнидан турди ёки тўғриси, ички зиддият курашидан ғолиб чиққан киши каби сапчиб турди-да, юғриб ёзув столи ёнига борди, тортмалардан бирида сақланиб ётган ҳамма олтинларни олиб чўнтагига солди. Паршон ҳолда қўли билан пешонасини артиб ва нималарнидир минғирлаб у ёқ-бу ёққа юрди; ахири хизматчи елкасига плашини ташлаганини сезиб, ташқарига чиқди, ирғиб фойтунга минди ва Гран-Кур кўчасига, маркиз де Сен-Меран уйига юриш ҳақида дона-дона қилиб буйруқ берди. Хуллас, бахти қаро этилган Дантес ҳеч чиқмайдиган қилиб қамоққа ҳукм этилди.

Маркиз де Сен-Мераннинг ваъдасига мувофиқ Вильфор кирганда хонада унинг хотини ва қизи ўтирган эди. Йигит Ренени кўриб сесканиб кетди: у яна Дантесга раҳм-шафқат қилишни илтимос қилармикан, деб қўрқди. Бироқ ёш қиз фақат бир нарса билан, қайлиғининг сафари билангина банд эди. Рене Вильфорни севарди; Вильфор уларнинг

тўйи арафасида жўнаб кетяпти; қачон қайтишини Вильфорнинг ўзи ҳам айтолмасди, шу сабабли, Рене Дантесга раҳмдиллик қилиш ўрнига, аксинча, жиноят қилиб уни қаллиғидан жудо қилаётган кишига лаънат ўқиди шу пайтда.

Мерседес шўрликнинг ҳоли на кечдийкин?

Мерседеснинг кетидан келган Фернан уни де-ла-Лож кўчаси бурчагида кутиб турган эди. Шўрлик қиз Каталанияга қайтиб келди-да, бағри қон бўлиб тушакка ўзини ташлади. Фернан тушак ёнида тиз чўкиб беҳуш қизнинг муздек қўлини ушлаб иссиқ лабларини босиб ўпа бошлади. Мерседес қўлини тортмас, ҳеч нарсани ҳис этмас эди.

Шу аҳволда биринчи тун ўтди. Жинчироқнинг мойи тугаб, ўчди; Мерседес чироқ ёғдусини ҳам, қоронғини ҳам сезмасди. У ҳатто тонг ёришганини ҳам сезмади.

Унинг қайғу-алам тўла кўзлари Эдмондан бошқа ҳеч нарсани кўрмасди.

– Шу ердамисан? – деди у ниҳоят Фернанга ўгирилиб.

– Кечадан буён олдиндан бир қарич нари кетганим йўқ, – жавоб қилди Фернан ғамгин овозда.

Моррель ҳамон ўзини мағлубиятга учраган ҳисобламасди... Сўроқдан сўнг Дантесни турмага ташлаганларини биларди. Шунда у ёрдам бериши мумкин бўлган ҳамма таниш-билишлари, дўст-оғайнилари ҳузурига кириб чиқди, барчасига мурожаат қилди, бироқ Дантес бонапартчилар агенти сифатида қамоққа олинди, деган овоза ҳар ёққа тарқаб кетган эди. Уша маҳалларда энг довюрак кишилар ҳам Наполеоннинг тахтига қайтиш йўлидаги ҳар қандай уринишини тентаклик деб ўйлардилар, шу сабабли Моррелни ҳеч ким қўлламади, ҳамма ерда унинг илтимосини рад этишди. У иш жуда оғирлашганини ва энди ҳеч ким ёрдам бера олмаслигини англаб, кўнгли ғаш бўлиб уйига қайтди.

Кадрусс ҳам зўр танишга тушиб қолган эди. Дантесга ёрдам бериш учун Моррель сингари елиб-югуриб бутун шаҳарни кезиб чиқмади, чунки бундан наф йўқ эди. Бунинг ўрнига у уйдан ташқарига чиқмай ўтириб олди-да, икки шиша винони олдига қўйиб, бутун аламини винодан олди. Бироқ унинг гангиб қолган калласини батамом айнитиб юбориш учун икки шиша вино камлик қиларди. Шу сабабли

Кадрусс оёқлари қийшайиб кетган столга икки бўш шиша ўртасига кўкрагини тираганча ўтириб қолди. Ташқарига чиқиб вино келтиришга ҳам, юз берган воқеани унутишга ҳам мадори етмай, пилиги тутаб ётган шамчироққа тикиларди, холос.

Биргина Данглар бу воқеалардан ташвишга тушмас ва азоб чекмасди, аксинча, у қувонарди: у душманидан қасос олди ва «Фараон» кемасидаги лавозимни эгаллади. Илгари, Дантес озод вақтда бу лавозимдан ажралиб қоламанмикин, деб кўрқиб юрарди. Данглар онасининг қорнидан қулоғига қалам қистириб, юрак ўрнига сиёҳдон билан туғиладиган ҳисоб-китобли одамлардан бўлиб, дунёдаги ҳамма нарса унинг кўз олдида олиш ёки кўпайтиришдан иборат эди. Борди-ю, бирон киши шу рақамларнинг камайишига сабабчи бўлгудек бўлса, Данглар ундай одамнинг баҳридан ўтиб қўя қоларди. Чунки рақамларни одамдан устун қўярди.

Шу боисдан Данглар одатдаги вақтда ётди ва хотиржам уйқуни ураверди.

Вильфор граф-де Сальвьёнинг тавсияномасини олиб, Ренени иккала юзидан ўпди, маркиза де Сен-Меран қўлига лабларини босди, маркизнинг қўлини сиқиб хайрлашди-да, почта аравасига чиқди. Арава Экс йўлидан елдек учиб кетди.

Оғир мусибат чекаётган кекса Дантес даҳшатли ташвиш-ваҳималар гирдобида қийналиб ётарди.

Энди Эдмонга келсак, унинг ҳоли нима кечаётгани бизга маълум.

## **Х. ТЮНЛЬРИДАГИ МУЪЖАЗ ОРОМГОҲ**

Уч ҳисса ортиқ йўл кира тўлаб Париж томон учиб бораётган Вильфорни шу ерда қолдирайлик-да, икки-уч меҳмонхонадан ўтиб бориб, доира шаклдаги деразали оромгоҳга назар ташлайлик. Бу оромгоҳнинг донғи кетганига сабаб шуки, у илгари Наполеон ва Людовик XVIII нинг, ҳозир эса, Луи-Филиппнинг энг севган жойи эди.

Людовик XVIII мана шу хонада Гартвелдан олиб келган ва машҳур кишиларга хос ажиб табиати билан жуда ёқти-

риб қолган ёнғоқ столда ўтириб олиб оқ соч, ялтироқ юзли, олифта кийинган эллик ёшли кишининг ҳикоясини парижон ҳолда тингларди. Шу билан бирга у Горацийнинг асарини четларига қандайдир белгилар ёзарди. Бу китоб Грифиус томонидан анча хатолар билан нашр этилган бўлса-да, ўқимишли эди ва олий жанобларнинг филология борасидаги кузатишларида ёрдам берарди.

– Гапингиздан маълум бўлдики... – деб гап бошлади қирол.

– Мен бениҳоя ташвишдаман, олий жаноблари.

– Ростдан-а? Тушингизда еттита семиз ва еттита ориқ сиз кўрган бўлманг тагин?

– Йўқ, олий жаноблари. Ундай бўлганда эди, халқ маталига мувофиқ, биз етти йил мўл-кўлликда, сўнг етти йил очликда яшаган бўлур эдик, бироқ сиз каби тадбиркор қирол паноҳида яшаганда, ҳеч нарсадан хавфсирашнинг ҳожати йўқ.

– Хўш, айтинг-чи, сизни нима ташвишга соляпти, жаноб Блакас?

– Жаноби олий, менинг фикримча, жанубда момақалдироқ тайёрланаяпти, деб ўйлашга асос бор.

– Шундай деб ўйласангиз, азизим герцог, – жавоб қилди Людовик XVIII, – демак, кўп нарсадан беҳабар экансиз. Менинг билишимча, у ерда ҳаво очиқ.

Людовик XVIII анча маърифатли одам бўлса-да, енгилелпи ҳазилни яхши кўрарди.

– Жаноби олий, – деди деб Блакас, – ҳеч бўлмаса содиқ хизматкорингизнинг кўнглига тасалли бериш учун Лангедок, Прованс ва Дофине ўлкаларидаги оқилларнинг кайфиятини, фикрини аниқ билиб келиш учун ишончли кишиларни юборишга рухсат этингиз.

– *Sanimus surdis*,<sup>6</sup> – жавоб қилди қирол Гораций китоби бетлари четига белгилар қўйишда давом этиб.

– Жаноби олийлари, – давом эттирди сўзини сарой аъёни ўзининг венузин шоирининг ярим байтини тушунганини кўрсатиш учун илжайиб, – жаноби олий, Франциянинг со-

---

<sup>6</sup> Биз гунгларча ашула айтамыз (лот.).

диқлигига ишониб, шундай деяётган бўлсангиз, ҳақ гапни айтяпсиз. Бироқ қандайдир ашаддий бир ҳужум бўлиши мумкин деб хавотир олаётганим асоссиз эмасдир.

– Ким хуруж қилиши мумкин?

– Бонапарт ёки унинг партияси.

– Азизим Блакас, – деди қирол, – сизнинг бу ваҳимангиз ишимга халақит беряпти.

– Сизнинг бепарволигингиздан менинг уйқум қочади тун бўйи.

– Тўхтанг, азизим, тўхтанг, менда бир фикр пайдо бўлди: *Pastor quum traheret*<sup>7</sup> тўғрисида, тўхтанг, гапингизни сўнг айтасиз.

Жимжитлик чўқди, қирол майда хат билан Гораций асарининг бетлари четига бир неча сатр ёзди.

– Мана энди давом эттираверинг, азизим герцог, – деди қирол бировнинг фикрини таҳлил этиб, ўзида ҳам фикр туғилган киши сингари бошини баланд кўтариб, – давом эттиринг сўзингизни, қулоғим сизда.

– Жаноби олийлари, – деб бошлади ҳикоясини Блакас, Вильфорнинг ахборотидан аввал ўз манфаати учун фойдаланмоқчи бўлиб, – сизга маълум бўлсинки, мени қуруқ мишмишлар ташвишга солаётгани йўқ. Менинг тўла ишончимга сазовор, Франция жанубидан хабардор бўлиб туриш тўғрисида мендан топшириқ олган (герцог шу сўнгги сўзларини айтганда бир оз тутилиб олди) фаросатли киши почта аравасида от чоптириб ҳузуримга келди-да, қиролга катта хавф таҳдид қилмоқда деди. Ҳузурингизга шошиб келишимнинг боиси ҳам шу!

– *Mala ducis avi domum*,<sup>8</sup> – давом эттирди қирол Гораций китобига белгилар қўйиб.

– Жаноби олийлари, эҳтимол бу борадаги гапларни бас қилишимни истарсиз?

– Йўқ, йўқ, азизим герцог, бироқ қўлингизни чўзинг...

---

<sup>7</sup> Подачи аравада олиб келаётгани... (лот.) (Гораций, Одалар. I, 15).

<sup>8</sup> Аччиқ қайғуга элтяпсан мени... (лот.) (Гораций, Одалар, I, 15).

– Қайсинисини?

– Хоҳлаганингизни. Ҳу ана, у ёқда, чапда...

– Мана бу ердами, жаноби олий?

– Мен чапда деяпман, сиз бўлса ўнгдан ахтаряпсиз; менадан чап томонда деяпман, ана шу ерда полиция министрининг кечаги ахбороти бўлиши керак... Дандренинг ўзи ҳам келган кўринади... Жаноб Дандре деб айтгандингиз шекилли? – деди қирол полиция министри келганини хабар бериш учун кирган маҳрамга қараб.

– Худди шундай, жаноби олийлари, барон Дандре келди, – жавоб қилди маҳрам.

– Ҳа, барон, – деди Людовик XVIII мийғида кулиб, – киринг, барон, герцогга жаноб Бонапарт ҳақидаги сўнги маълумотларни айтиб беринг. Аҳволнинг қанчалик оғир бўлишига қарамай, ҳамма гапни очиқ айтинг, ҳеч нимани яширманг. Эльба ороли вулқон ва у даҳшатли уруш оловини отмоқчи деяётганлари тўғрими?

Дандре икки қўли билан стул суйанчигига тиралиб туриб деди:

– Жаноби олийлари, менинг кечаги ахборотимга назар ташлаган бўлсалар керак?

– Ўқидим, ўқидим. Герцог уни тополмаяпти. Унда нималар ёзилганини ўзингиз ўқиб бера қолинг. Зўравон Бонапарт ўз оролида нималар билан шуғулланаётганини муфассал айтиб беринг.

– Олий жанобларига содиқ кишиларнинг ҳаммаси, – деди герцогга қараб барон. – Эльба оролидан олинган сўнги хабарлардан хурсанд бўлмоқлари керак. Бонапарт...

Дандре Людовик XVIII га қаради. Қирол нимагадир жуда берилиб кетиб бошини кўтармади ҳам.

– Бонапарт, – давом этди барон, – ўлгудек зерикиб ётибди. Ҳар куни эрталабдан кечгача Порто-Лангонда минерларнинг ишини томоша қилиш билан овора.

– Эрмак учун қашиниб ўтирармиш, – деди кўшимча қилиб қирол.

– Қашиниб? – деди герцог. – Бу нима деганингиз, жаноби олийлари?

– У улуг зот, ўша қаҳрамон кўтир касалига мубтало эканини унутиб қўйдингизми?

– Бу ҳам оз, герцог, – давом этди полиция министри, – яқин кунларда у зўравон ақлдан озади, деб умид қиламиз.

– Ақлдан озади?

– Ҳеч шубҳасиз, унинг мияси айнияти. У гоҳ аччиқ кўз ёзи тўкиб йиғлайди, гоҳ қаҳ-қаҳ уриб кулади. Баъзан соатлаб қирғоқда сувга тош отиб ўтиради, мабодо тош сув устида беш ёки олти марта сакраса, худди Маренго ёки Аустерлицда яна ғалаба қозонгандек қувонади. Ишончингиз комил бўлсинки, бу ақлдан озишнинг ёрқин белгисидир.

– Ёки ақли ошиб кетишининг денг, жаноб барон, – деди Людовик XVIII кулиб, – қадимги буюк лашкарбошилар ҳордиқ чиқариш дамларида сувга тош отиш билан шуғулланардилар. Плутархнинг китобини очинг-да, Сципион Африканскийнинг ҳаётига бир назар ташланг.

Министрнинг ва қиролнинг бу каби бепарволигини кўрган Блакас ўйлаб қолди. Вильфор, ўзимдан бўлак ҳеч ким фойдаланмасин деб, унга ҳамма сирни айтиб бермаган бўлса-да, бироқ герцогни ваҳимага соладиган даражада маълумот берган эди.

– Сўзингизни давом эттиринг, Дандре, – деди қирол, – Блакас ҳалиям ишонгани йўқ. Узурпатор қандай қилиб тўғри, ҳақ йўлга кирганини айтиб беринг.

Полиция министри таъзим қилди.

– Ҳақ йўлга, – деди оҳиста герцог Вергилий асаридаги подачиларга ўхшаб бири қўйиб, бири вайсаётган қиролга ва Дандрега қараб. – Узурпатор ҳақ йўлига кирибдими?

– Худди шундай, азиз герцог.

– Қанақа ҳақ йўлига?

– Яхшилик йўлига, тушунтириб беринг.

– Гап шундаки, герцог, – деб гап бошлади министр чиндан ҳам жиддий оҳангда, – яқинда Наполеон кўрик ўтказган. Унинг эски вайсақиларидан икки ёки учтаси Францияга қайтиш истагини билдирган. Наполеон уларга жавоб берган ва марҳаматли қиролга жон-дил билан хизмат қилинг, деб насиҳат қилган. Сизни ишонтириб айтаманки, бунининг ўз оғзидан эшитганлар.

– Хўш, энди нима дейсиз, Блакас? – сўради қирол олдида очиқ турган улкан китобдан бошини кўтариб.

– Нима дердим, жаноби олийлари, иккимиздан биримиз – полиция министри ёки мен хато қилипмиз. Аммо сиз жаноби олийларининг тинч-осойишта ҳаётингизни ва шон-шуҳратингизни сақлаб-қўриқлаб турган жаноб полиция министри хато қилиши мумкин эмас, бинобарин, мен хато қилган бўлиб чиқаман. Шундай бўлса-да, сизнинг ўрнингизда бўлганимда мен номини айтган кишидан сўраб-суриштирган бўлардим. Мен сиздан, лутф этиб, уни қабул қилиб, гапларини эшитишингизни ҳатто талаб этаман.

– Марҳамат этинг, герцог, сизнинг кўрсатмангизга мувофиқ кимни истасангиз қабул қиламан, бироқ мен уни қуролланган ҳолда қабул қилмоқчиман. Жаноб министр, сизда янги маълумотлар йўқми? Мана бунисига йигирманчи февраль деб ёзилган, бугун ахир учинчи март.

– Йўқ, жаноби олийлари, аммо янги маълумот яқин фурсатларда келиши керак. Уйдан эрталаб чиқиб кетгандим. Мендан кейин эҳтимол олгандирлар.

– Идорангизга боринг, мабодо ҳали келмаган бўлса, у вақтда... – Людовик кулиб юборди, – ўзингиз тўқиб қўя қолинг; ахир, аслида буни шундай қиладилар-ку?

– Худога шукрки, жаноби олийлари, ҳеч қандай уйдирма ясаб ўтиришимизнинг ҳожати йўқ, – жавоб қилди министр, – бизга ҳар кун қоп-қоп маълумот юборишади; бу маълумотларни турли шўрпешона одамлар ёрдам кўрсатиб, шунинг эвазига бирор ёрдам олиш ниятида ёзадилар. Улар, бахтимизга тўғри чиқиб қолар, қутилмаган бирон воқеа юз бериб, маълумотимизни тасдиқлар деб умид қиладилар.

– Жуда соз, бўпти, боринг, – деди қирол, – унутманг, мен сизни кутиб ўтираман.

– Жаноби олий, ўн дақиқа ичида ҳузурингизда бўламан...

– Мен эса жаноби олий, – деди де Блакас, – ахборотчимни етаклаб келаман.

– Тўхтанг, сабр қилинг, – деди қирол. – Биласизми, Блакас, гербингизни ўзгартишга мажбурман. Сизга қанотларини ёзиб, питирлаб ётган ўлжасини тирноқлари билан чангаллаб турган бургутни бераман ва тагига «тирноғи ўткир» деган сўз ёзиб қўяман.

– Қулоғим сизда, жаноби олийлари, – жавоб қилди герцог. У тоқатсизланиб тирноқларини тишларди.



– Мен мана бу шеър тўғрисида сиз билан маслаҳатлашмоқчи эдим: *Molli fugiens anhelitu*.<sup>9</sup> Эсингиздами, бу ерда сўз қашқир қувиб бораётган буғу ҳақида боряпти. Ахир, сиз овчи ва оберегермейстерсиз-ку; мана шу *Molli anhelitu* ёқадими сизга?

– Жуда соз, жаноби олийлари. Аммо менинг ахборотчим ана шу сиз айтган буғуга ўхшайди. Чунки у икки юз йигирма пье йўлни салкам уч кун ичида почта аравасида босиб келган.

– Бу беҳуда меҳнат ва ортиқча ташвиш. Бизда телеграф мавжуд, бу орқали ҳалиги ишни уч ёки тўрт соатда ҳеч қийналмай бажо келтириш мумкин эди.

– Жаноби олий, сизни фалокатдан сақлаш учун узоқ жойдан от чоптириб келган шўрлик ёш йигитнинг дилини сиёҳ қиласиз. Ҳеч бўлмаса менга ўша йигитни тавсия этган граф Сальвьё ҳурмати, ахборотчини қабул қилишингизни илтимос қиламан.

– Граф, Сальвьё? Акамнинг маҳраими?

– Худди ўша.

– Ҳа, айтгандай, у Марселда-ку.

– Ўша ердан хат ёзиб юборибди менга.

– Фитна тўғрисидаги хатни ўша граф ёзибдими?

– Йўқ, у жаноб де Вильфорни тавсия қилиб, уни сизнинг ҳузурингизга олиб киришни топширибди.

– Вильфор! – қичқириб юборди қирол. – Унинг номи Вильформи?

– Шундай, жаноби олий.

– Марселдан келган шу Вильформи?

– Ҳа.

– Бошдаёқ унинг номини айта қолмайсизми менга? – деди қирол ва унинг юзида ташвиш аломати пайдо бўлди.

– Жаноби олий, унинг номини сиз билмассиз деб ўйлагандим.

– Ундай эмас. Блакас, ундай эмас; бу киши ишбилармон, фикри ҳам яхши, энг муҳими мансабпараст, шуҳратпараст. Отасининг номини сиз биласиз, ҳа, биласиз...

---

<sup>9</sup> Сен ҳам ҳарсиллаб чопасан... (лот.) (Гораций, Одалар, I. 15).

– Отасини?..

– Ҳа, отасини, яъни Нуартъени.

– Жирондист? Сенатор-а, ўшами?

– Худди ўзи.

– Сиз олий жаноблари шундай кишининг ўғлига давлат лавозимини ишониб топшириб қўйдингизми?

– Азизим Блакас, сиз ҳеч нимани тушунмайсиз-да, мен сизга, Вильфор шуҳратпараст, дедим; у бизга яхши кўри-ниш учун ҳамма нарсадан, ҳатто отасидан ҳам воз кечади-ган киши.

– Ундай бўлса, мен ҳозир уни олиб келай ҳузурингизга?

– Дарҳол, қаерда у?

– Пастда, менинг файтунимда кутиб ўтирибди.

– Боринг, тез олиб келинг бу ёққа уни.

– Кетдим, – деди-да, герцог ёш йигитдай югуриб чиқиб кетди. Роялистик шижоати унга ёшлик ғайрати бағишлар эди.

Якка қолган Людовик XVIII яна Гораций китобига тикилди ва шивирлади: *justum et tenacem propositi virum...*<sup>10</sup>

Де Блакас қандай шошиб чиқиб кетган бўлса, худди шундай шошиб-пишиб қайтди, аммо қабулхонада у қиролни рўкач қилишга мажбур бўлди: Вильфорнинг чанг босиб кетган ва сарой одоб-қондаларига номуносиб жўн кийимидан маркиз де Брезе норози бўлди ва шундай ҳолда қирол ҳузурига кирмоқчи бўлган ёш йигитнинг беадаблигидан ғазабланди. Бироқ герцог удайчининг хўжакўрсинга ҳамон вайсашига қарамай «Олий жанобларининг ҳукм-фармойиши» деган сўз билан ҳамма ғовларни олиб ташлади, Вильфор хонага кирди.

Қирол герцог чиқиб кетганда қаерда ўтирган бўлса, ўша ерда ўтирган эди. Вильфор эшикни очганда қиролга рўбарў бўлди. Йигит беихтиёр тўхтади.

– Жаноб де Вильфор, кираверинг, – деди қирол. – Кираверинг!

---

<sup>10</sup> Арбоб одил, азму қарорида мустаҳкам... (лот.) (Гораций, Одалар, III, 3).

Вильфор таъзим қилди-да, олға бир неча қадам ташлаб, қиролнинг саволларини кутиб тўхтади.

– Жаноб де Вильфор, – деб гап бошлади Людовик XVIII, – герцогнинг гапига қараганда, бизга сиз қандайдир муҳим нарсани маълум қилмоқчи экансиз.

– Олий жаноблари, герцогнинг гапи тўғри, мен олий жаноблари, менинг гапларимни тинглашга рози бўлурсиз деган умиддаман.

– Аввало шуни айтинг-чи: у хавф-хатар чиндан ҳам жуда жиддийми?

– Олий жаноблари, бу маълумот менимча, жуда жиддий. Аммо менинг чаққонлигим туфайли, бу хавфнинг олдини олиш мумкин, деб умид қиламан.

– Ҳеч тортинмай муфассал гапириб беринг, – деди қирол. У ҳам ҳаяжонга туша бошлаган эди, – гапиринг, аммо бир бошдан, тартиб билан ҳикоя қилинг. Мен ҳамма ерда, ҳамма нарсада тартибот бўлишини ёқтираман.

– Мен сиз жаноби олийларига фақат ҳақиқатдан иборат маълумот бераман. Лекин ийманганим важдан фикрим бир оз чалғиб кетса афв этишингизни илтимос қиламан.

Вильфор бу сўзларни ниҳоятда эҳтиёткорона айтди-да, ер остидан қиролга назар ташлади ва у мурувват билан қараётганини кўриб, сўзини дадил давом эттирди:

– Мен бир сарой хизматкори сифатида бурчимни адо этиб сизнинг тахтингизга таҳлика солаётган ҳақиқий фитнани фош этганимдан олий жанобларини хабардор қилиш учун Парижга ниҳоятда шошилиб, ўқдай учиб келдим. Бу ҳар қуни пастки табақа ичида ва қўшинларда юз бериб турадиган шунчаки оддий бир тўданинг иғвоси эмас, аксинча, жиддий равишда уюштирилаётган ҳақиқий фитна. Олий ҳазратларига маълум бўлсинки, узурпатор Бонапарт уч кемани қуроолантиряпти; у қандайдир бир даҳшатли ишни режалаштиряпти, бу тентаклик бўлса-да, лекин ниҳоятда хавфлидир. Шу дақиқаларда у Эльба оролидан чиқиб кетган бўлиши керак; қаёққа йўл олди экан, бундан хабарим йўқ. Шубҳасизки, у ё Неаполга, ёки Тоскания қирғоғига, эҳтимол, ҳатто Франциянинг ўзига тушишга уринади. Эльба оролининг ҳокими Италия билан ҳам, Франция билан ҳам алоқани узгани йўқ, бу жаноби олийларига аён.

– Тўғри, – жавоб қилди қирол қаттиқ ҳаяжонланиб, – яқиндагина бонапартчилар Сен-Жак кўчасида йиғилишиб турганларини аниқлаган эдик. Давом эттираверинг сўзингизни, илтимос қиламан. Бу маълумотларни сиз қандай қилиб олдингиз?

– Мен, жаноби олийлари, бир марселлик денгизчини сўроқ қилиб, шу маълумотларни олишга муяссар бўлдим. Мен унинг юриш-туришини кўпдан буён назорат остига олиб юрардим, бу ёққа келаётган кунни уни қамоққа олиш тўғрисида буйруқ бердим. Бу шахс ҳеч шубҳасиз бонапартчи бўлиб, яширин ҳолда Эльба оролига борган, у ерда маршал билан учрашган, маршал эса у орқали Париждаги бонапартчилардан бирига оғзаки топшириқ берган: бироқ бу одамнинг номини у айтиб бермаяпти. Топшириқда казозоларни қайтишга тайёрлаш керак, дейилган (олий жаноблари, мен бу ерда айбдорнинг кўзларини такрорлаётганимни унутмасинлар), бу қайтиш яқинда, тез кунларда юз бериши керак, дейилган топшириқда.

– У одам қаерда? – сўради қирол.

– Турмада, олий ҳазратлари.

– Ишни сиз жиддий деб ўйлаяпсизми?

– Жуда жиддий деб билганим сабабли буни никоҳ тўйим кунни тантанали ўтиришда эшитдим, ҳамма нарсани ташлаб, бу ёққа жўнадим. Қайлигимни ҳам, дўстларимни ҳам қолдириб олий жанобларининг ҳузурига йўл олдим. Хавфга тушаётганим содиқлигимнинг бир тимсоли.

– Ҳа, – деди Людовик. – Сиз мадемуазель де Сен-Меранга уйланаётган эдингиз-ку.

– Сизга бутун жон-дили билан содиқ кишилардан бирининг қизига.

– Тўғри, тўғри, бироқ келинг, Вильфор жаноблари, ҳалиги бирлашма тўғрисидаги гапга ўтайлик.

– Жаноби олий, бу бирлашмадан каттароқ нарса, яъни фитна, деб кўрқаман.

– Бизнинг замонимизда, – жавоб қилди қирол кулиб, – фитна бошлаш мумкину, бироқ уни амалга ошириш оғир, шунинг учунки, яқиндагина ота-боболаримиз эгаллаб келган тахтга минганимизда бир йўла ўтмишни ҳам, ҳозирги замонни ҳам, келажакни ҳам назар-эътиборга олганмиз...

Мана ўн ойдирки, менинг министрларим Ўртаер денгизи қирғоқларини ҳушёрлик билан кўриқлаш устидан қаттиқ назорат қилиб туришибди. Агарда Бонапарт Неаполь қирғоғига тушгудек бўлса – Пьомбинога етиб келмасидан унга қарши бутун коалиция оёққа туради. Агарда Тосканга кўнса, душман ерига қадам босган бўлади: Франция тупроғига у кичкина бир тўда билан тушиши мумкин, у ҳолда биз уни осонгина бир ёқлик қиламиз-қўямиз, чунки аҳоли уни ёмон кўради. Шу сабабли хотиржам бўлинг, лекин амин бўлингки, қироллик сиздан миннатдор.

– Ана, жаноб Дандре ҳам келдилар, – деб хитоб қилди герцог Блакас.

Хона остонасида ранги ўчиб, қалтироқ босган полиция министри пайдо бўлди. Ақлдан озган кишига ўхшаб унинг кўзлари олайиб кетганди. Вильфор чиқиб кетмоқчи бўлган эди, бироқ Блакас уни қўлидан тутиб қолди.

## **XI. КОРСИКА ОДАМХҲРИ**

Полиция министрини ваҳима босганини кўриб Людовик XVIII олдидаги столни итариб юборди.

– Барон, нима бўлди сизга? – қичқирди у. – Нега бунчалик эсанкираб қолдингиз? Наҳотки герцог Блакасининг гумони ва уни тасдиқлаётган жаноб де Вильфорнинг ахбороти тўғри чиққан бўлса?

Герцог лип этиб бароннинг ёнига борди, аммо сарой аъёнининг ваҳимаси давлат арбобининг бадҳоҳлигини босиб кетди! Дарҳақиқат, аҳвол шу қадар жиддий эдики, шу онда полиция министрідан кўра кўпроқ герцог ўзининг шарманда бўлишини афзал кўрарди.

– Олий жанобни... – гўлдиради барон.

– Гапиринг! – деди қирол.

Шу пайт полиция министри кайфи учиб Людовик XVIII олдида тиз чўқди, қирол қошларини чимириб орқага тисариди.

– Гапирасизми ёки миқ этмай тураверасизми?

– Оҳ, жаноби олийлари! Қандай бахтсизликка учрадик биз! Энди нима қиламан? Балойи азимга дучор бўлдим мен!

– Муҳтарам жаноб, – деди Людовик XVIII, – буюраман: гапиринг, нима бўлди?

– Жаноби олийлари, зўравон Наполеон йигирма саккизинчи февралда Эльба оролини ташлаб кетибди ва биринчи мартда қирғоққа тушибди.

– Қаерда?

– Францияда, олий жаноб, Жуан кўрфазида, Антиб яқинидаги кичкина гаванда.

– Зўравон Париждан икки юз эллик лье масофадаги Жуан кўрфазидаги Антиб яқинига биринчи мартда тушибди-ю, сиз бундан фақат бугун – учинчи мартда хабардор бўлиб-сиз-да... Йўқ, муҳтарам жаноб, бундай бўлиши мумкин эмас, ё сизни алдабдилар ёки сиз ақлдан озибсиз.

– Жаноби олийлари, бахтимизга қарши, бу ҳақиқат! Чиндан ҳам у Франция қирғоғига тушибди!

Людовик XVIIIни қаҳр-ғазаб ва ваҳимадан титроқ босди, кўкси ва юзи тўсатдан тарсаки егандек сапчиб ўрнидан туриб кетди.

– Францияда! – бақириб юборди у. – Зўравон Францияда! Демак, шундан маълум бўлдики, унинг изидан назорат қилиб турилмаган экан-да? Ким билсин, эҳтимол назорат қиладиганлар у билан тил бириктиргандир?

– Олий ҳазратлари, – деди герцог Блакас товушини кўтариб, – барон Дандредай одамни сотқинликда айблаш мумкин эмас! Жаноби олийлари, ҳаммамиз беғам, бепарво бўлиб, бурнимиз олдидаги нарсани ҳам кўролмайдиган кўр бўлиб қолган эканмиз, полиция министри ҳам мана шу умумий бепарволик ботқоғига ботган, холос!

– Бироқ... – деди Вильфор сўз қотиб, аммо бирдан шаштидан қайтди, – марҳамат қилиб кечиринг мени, олий жаноблари, – таъзим қилди у, – мен ошириб юбордим, шекилли; узр сўрайман сиздан.

– Гапираверинг, жаноб Вильфор, дадил гапираверинг, – деди қирол. – Фақат сиз юз бераётган бахтсизликдан бизни ҳаммадан олдин хабардор этдингиз. Энди бу бахтсизликдан қутулиш воситасини топишда бизга ёрдам беринг.

– Олий ҳазратлари, жанубда зўравон Наполеонни жуда ёмон кўришади. У мабодо жануб томондан босиб келади-

ган бўлса, Прованс ва Лангедок аҳолисини унга қарши кўтариш қийин эмас, дейишади.

– Тўғри, – деди министр, – бироқ у Гап ва Систерон томондан келяпти.

– Келяпти! – деди министрнинг сўзини бўлиб қирол. – Демак, у Парижга келаётган экан-да?

Полиция министри индамади, бу эътироф этгани эди.

– Дофине-чи? – сўради қирол Вильфтордан, – Прованс каби бу ўлка аҳолисини ҳам зўравонга қарши кўтарса бўлармикин? Бу ҳақда нима дейсиз?

– Мен жаноби олийларига аччиқ ҳақиқатни айтишга мажбурман. Дофинедан аҳолининг кайфияти Прованс ва Лангедокка қараганда анча бузуқ. Тоғликлар – бонапартчилар, олий ҳазратлари.

– У яхши хабардор экан, – шивирлади қирол, – унинг қанча кўшини бор?

– Олий жаноблари, қанчалигини билмайман, – жавоб қилди полиция министри.

– Нега билмайсиз? Буни аниқлашни унутиб қўйибсиз-да? Дарвоқе, бунинг унчалик аҳамияти йўқ.

– Олий жаноблари, мен буни сўраб-суриштиролганим йўқ; шошилинч хабарда узурпаторнинг қирғоққа чиққани ва қайси томондан келаётгани айтилган, холос.

– Шошилинч хабарни қандай қилиб, қаердан олдингиз? – сўради қирол.

Министр бошини қуйи солди-да, қизариб кетди.

– Телеграф орқали, жаноби олийлари.

Людовик XVIII олдинга бир қадам ташлади-да, Наполеонга ўхшаб кўлларини қовуштириб кўксига қўйди.

– Хуллас, – деди ғазабдан бўзариб, – бу шахсни етти, иттифоқчи армия ағдариб ташлади, бир мўъжиза юз берди-ю, мен йигирма беш йил чўзилган қувғиндан сўнг қайтиб келиб, боболарим тахтига ўтирдим. Ўша йигирма беш йил мобайнида менга ваъда қилинган Францияни ўргандим, фикр юритдим, одамларни танидим, хўш, нима учун? Орзум ушалиб мақсадимга етган пайтимда ўз измимдаги куч-қувват момақалди роққа айлансин, ўзимни кунпаякун қилсин учунми?!

– Жаноби олийлари, тақдир экан, – деди ғунғиллаб оғир бу кулфат, одамни эзиб мажақлаб ташлаши мумкин эканини фаҳмлаган министр.

– Бинобарин, бизнинг ҳақимизда душманлар нима деган бўлса, ҳаммаси ҳақ гап экан-да: яъни биз ҳеч сабоқ олмабмиз, ҳеч нарсани унутмабмиз-да! Унга қилганларидек, менга ҳам хоинлик қилиб тутиб берганларида эди, ўзим ўзимга тасалли бериб қўя қолардим. Бироқ мени шуҳратга кўмиб юборган одамлар орасида, мени ўзларидан ҳам яхшироқ сақлаши керак бўлган одамлар орасида (чунки, мен тахтга мингунимга қадар улар ҳеч ким эдилар, мендан кейин ҳам ҳеч ким бўлиб қолишади; бундан хулоса шуки, мен бахтиёр бўлсам, улар ҳам бахтиёр) турсаму, ана шу одамларнинг нўноқлиги, аҳмоқлиги натижасида ҳалокатга юз тутсам! Ҳа, жаноб, сиз тўғри айтдингиз: бу – тақдир!

Министр бошини қуйи солган ҳолда бу даҳшатли раддияни ғиқ этмай тинглар, Блакас юзидаги терни артар, Вильфор эса, нуфузи ошаётганини сезиб ичидан қувонарди.

– Ағдарилсангу, – давом этди сўзида Людовик XVIII, монархияга қазилган чуқурнинг ниҳоятда чуқурлигини биринчи қарашдаёқ ўлчаб олгандек, – ағдарилсангу, таназзул жарига отилаётганингни телеграфдан билсанг! Бу шармандагарчиликдан кўра, заҳарханда кулгилар остида Тюильри зинасидан пастга тушиб боришдан кўра, акам Людовик XVI сингари дорга бўйнимни чўзиб бора қолганим яхши-ку! Францияда кулги бўлишнинг оқибати нима бўлишини билмайсиз-да, муҳтарам жаноб! Аслида сиз буни билиб олишингиз зарур.

– Жаноби олийлари, – деди минғирлаб министр, – шафқат қилинг!

– Жаноб Вильфор, яқинроқ келинг, – деди қирол бутун бир давлатнинг тақдирини зилзилага солаётган суҳбатни тек кузатиб турган йигитга қараб, – яқинроқ келинг-да, у шу кунгача билполмаган нарсаларнинг ҳаммасини олдиндан билиб олиш мумкин эканини айтиб беринг министрга.

– Узурпаторнинг ҳаммадан сир сақлаб келган режаларини олдиндан билиб олишнинг имконияти бўлмади.

– Имконият бўлмади эмиш! Бунинг топган важини қаранг-а! Афсуски, ҳар қандай асосли далил кишининг мав-



қеиға таққосдир, мен шундан уларнинг қадр-қимматини билиб оламан. Ўз ихтиёрида бутун бир бошқарма, департаментлар, агентлар, изқуварлар, айғоқчилар ва бир ярим миллион франк миқдорида махфий фонди бўлган министр Франция қирғоғидан атиги олтмиш миль нарида нима бўлаётганини билиш имкониятини тополмабди-да? Ана шу воқиталардан биронтасига эга бўлмаган мана шу йигит, қаршингизда турган мана шу оддий суд ходими бутун бошли полицияси бўлган сиздек одамдан кўпроқ сирларни билиб олибди, агар у сиз сингари телеграфга хўжайинлик қилиш ҳуқуқига эга бўлганда эди, менинг тож-тахтимни қутқариб қолган бўлур эди.

Полиция министрининг хўрлиги келиб Вильфорга қаради, прокурор ёрдамчиси эса ғолибона камтарлик билан бошини эгди.

– Блакас, сизнинг ҳақингизда ҳеч нарса дея олмайман, – давом этди қирол, – бирор нарсани фош этмаган бўлсангиз-да, бироқ оқиллик қилиб фитнадан гумоним бор, деб қаттиқ туриб олдингиз. Бошқа киши жаноб Вильфорнинг ахборотиға бўлмағур гап деб эътибор бермаган ёки ўз манфаатини кўзлаётган шуҳратпарастнинг уйдирмаси бу, деб ўйлаган бўлур эди.

Бу бир соат олдин полиция министрининг жуда гердаийб айтган сўзларига ишора эди.

Қиролнинг бу пичингини Вильфор тушунди. Прокурор ёрдамчисининг ўрнида бошқа одам бўлганда, мақтовларга маҳдиё бўлиб, эсанкираб қолган бўларди. Бироқ Вильфор полиция министрининг беомон ҳалокатга юз тутаётганини фаҳмлаган бўлса-да, ўзига қарши яна битта ашаддий душман орттиришни истамасди. Шуниси ҳам борки, шунча ҳокимият қўлида бўла туриб, Наполеоннинг разил режаларини билиб ололмаган министр жон талвасасида Вильфорнинг сирларини фош қилиб қўйиши мумкин, бунинг учун у Дантесни сўроқ қилса кифоя. Шу сабабдан Вильфор министрининг «ярасига туз сепиш» ўрнига, малҳам қўйди:

– Жаноби олий, – деди Вильфор, – воқеа шу қадар тез юз бердики, буни фақат Парвардигорнинг ўзи тўхтата олиши мумкин эди. Сиз жаноби олийлари, менинг матонатим натижасида узурпаторнинг режалари аён бўлганини айтяп-

сиз. Аслида буни мен ҳам тасодифан билиб қолдимۇ содиқ хизматкорингиз сифатида бу тасодифдан фойдаланиб, ҳузурингизга келишга шошилдим. Жаноби олийлари, сўнг ихлосингиз қайтиб қолмасин учун ҳозир, биринчи учрашувдаёқ бирдан мени ортиқча мақтаб юбормаслигингизни илтимос қиламан.

Полиция министри Вильфорга табассум-ла қараб, миннатдорчилик изҳор этди, Вильфор эса ниятига эришганини ва қиролнинг марҳаматидан маҳрум бўлмаган ҳолда, зарур пайтда таянч бўладиган дўст орттирганини англади.

– Майли, сиз айтгандек бўлсин, – деди қирол. – Жаноблар, энди... – давом эттирди сўзини қирол Блакасга ва полиция министрига, – энди иккингизга менинг бошқа айтадиган гапим йўқ, жавоб сизларга... Бундан кейин қилинадиган ишлар, ҳарбий министрнинг вазифаси.

– Бахтимизга, – деди герцог, – ишонса бўладиган армиямиз бор: жаноби олийларига аёнки, келиб турган барча маълумотлар армиянинг тож-тахтига содиқлигидан далолат беради.

– Менга ҳадеб маълумотлар тўғрисида гапираверманг; уларга қанчалик ишониш мумкин эканини энди билиб олдим. Дарвоқе, барон, Сен-Жак кўчаси тўғрисида қандай янги маълумотлар бор?

– Сен-Жак кўчаси тўғрисида! – қичқириб юборди бехосдан Вильфор, лекин дарров ўзини босиб олди: – Жаноби олий, кечиринг, баъзан сизга мафтун бўлиб кетаман-да, адаб қоидаларини (сизга бўлган иззат-ҳурматимни эмас, асло) унутиб қўяман.

– Марҳамат қилинг, – деди жавобан қирол, – бугун сиз сўраб-суриштириш ҳуқуқига эгасиз.

– Жаноби олий, – сўз қотди полиция министри. – Мен бугун сиз жаноби олийларига шу масалага оид янги маълумотлар тўғрисида доклад қилмоқчи эдим, аммо жаноби олийларининг диққат-эътибори Дуан кўрфазида юз берган воқеалар билан банд бўлиб қолди, эндиликда бу маълумотларнинг сиз учун ҳеч қандай аҳамияти йўқ.

– Аксинча, – жавоб қилди қирол, – менимча, бу иш ҳаммамизнинг диққатимизни жалб этган масала билан бево-

сита алоқадордир, генерал Кенелнинг ўлими мамлакат ичидаги фитнанинг изини бизга аён этиб берар.

Вильфор Кенелнинг номини эшитиб сесканиб кетди.

– Ҳамма фактларни ҳисобга олганда, – давом этди полиция министри, – бу аслида ўз-ўзини ўлдириш эмас (бошда шундай деб ўйлашган эди), қотилликдир. Генерал Кенель бонапартчилар клубидан чиққандан сўнг гумдон бўлди. Қандайдир бир нотаниш одам ўша тонгда унинг олдига бориб Сен-Жак кўчасида учрашишга ваъдалашган. Афсуски, генералнинг сочларини тараб турган маҳрам, номаълум кишини олиб киришганда Сен-Жак кўчасида учрашишлари тўғрисидаги гапни эшитгану, уй рақамини эслаб қолмаган.

Полиция министри қиролга бу маълумотларни айтиб бераётганда, қулоқларини динг қилиб турган Вильфор гоҳ қизарар, гоҳ бўзарарди.

Қирол унга ўгирилди-да, деди:

– Жаноб Вильфор, ҳозиргача узурпаторнинг мухлиси деб аталган генерал Кенель сизнингча, менга бутунлайин содиқ бўлгани учун бонапартчилар томонидан қатл этилмадимикин?

– Жаноби олий, шундай бўлиши мумкин. Наҳотки, бундан бошқа ҳеч нарса маълум бўлмаса?

– Учрашув тўғрисида ваъдалашган кишининг аллақачон изига тушганлар.

– Изига тушганларми? – такрорлади Вильфор.

– Ҳа, тушганлар, маҳрам унинг ташқи қиёфасидаги белгилари айтиб берибди: у эллик ёки эллик икки ёшларга бориб қолган, қора кўз, қора соч, қалин қош, мўйловли, томоғига тугма қадалган кўк камзул кийган, фахрий легион тасмасини таққан киши экан. Қуни кеча худди мана шу белгилари бор кишининг изига тушганлар, бироқ у Лажюсьен ва Кок-Эрон кўчалари муюлишида кўздан ғойиб бўлган.

Министрнинг дастлабки сўзларидаёқ Вильфор курси суянчиғига таяниб, ўзини зўрға тутиб олган, оёқлари чалишиб кетган эди, бироқ ўша номаълум киши полицияга чап бериб, қутулиб кетганини эшитгач, енгил нафас олди.

– Ўша одамни топинг, – деди қирол полиция министрига, – чунки шу пайтларда бизга жуда асқатадиган генерал

Кенель қотил құлида ҳалок бўлган экан, у бонапартчими ёки бошқами, бундан қатъи назар, мен у қотилнинг қаттиқ жазога дучор этилишини истайман.

Қиролнинг сўнги сўзлари Вильфорни ниҳоятда ваҳимага солган эди, бироқ у зўр-базўр ўзини босиб, бу ҳолатини сездирмади.

– Ажабо! – давом этди қирол афсусланиб. – Полиция қотиллик юз берган деганда, айтиладиган гапларнинг ҳаммаси айтилди дейди, яна қўшимча қилиб: айбдорнинг изига тушдик, деганда, ҳамма иш бажо этилди дейди.

– Бу гал, сиз жаноби олийлари, мамнун бўлурсиз, деб умид қиламан.

– Ҳа, майли, бу ёғини кўрармиз, барон, сизга рухсат. Жаноб де Вильфор, узоқ сафарда анча толиқиб қолган бўлсангиз керак, боринг, дам олинг. Отангизнинг уйига тушгандирсиз?

Вильфорнинг кайфи учди.

– Йўқ, мен, жаноби олий, Турнон кўчасидаги «Мадрид» меҳмонхонасига тушдим.

– Бироқ сиз уни кўргандирсиз?

– Жаноби олий, мен тўғри герцог Блакас ҳузурига бордим.

– Ҳар ҳолда сиз отангизни кўргани борарсиз?

– Хаёлимга келтирганим ҳам йўқ!

– Дарвоқе, – деди қирол, бу саволларни жўрттага бераётганлиги унинг сунъий илжайишидан сезилиб турарди. – Жаноб Нуартъе билан орангиз бузуқлигини унутибман, шуни ҳам мен тож-тахтим учун бир қурбон деб биламан ва бунинг учун сизни тақдирлашим лозим.

– Жаноби олий, менга кўрсатган марҳаматингизнинг ўзи ҳамма орзуларимни ортиғи билан ушалтирадиган мукофот, бундан бошқа тилагим йўқ.

– Шундай бўлса-да, биз сизни унутмаймиз, хотиржам бўлинг; ҳозирча (қирол кўк камзулига – муқаддас Людовик крести ёнига Кармиль Момоси ва муқаддас Лазарь юлдузи устига тақиб юрадиган Фахрий легион крестини олиб Вильфорга узатди) ҳозирча мана шу крестни олиб туринг.

– Жаноби олий, адашяпсиз, – деди Вильфор, – бу офицер крести.

– Ҳечқиси йўқ, олинг буни; бошқасини олдириб келишга вақтим йўқ. Блакас, жаноб де Вильфорга ёрлиқ олиб беришни сизга топшираман.

Вильфорнинг кўзларида ғурур, қувонч ёшлари пайдо бўлди. У крестни қабул қилди ва ўпди.

– Олий жанобларининг менга яна қандай фармойишлари бор? – сўради Вильфор.

– Дам олинг, сўнгра шуни унутмангки, мабодо Парижда менга хизмат қилишга қурбингиз етмай қолгудек бўлса, Марселда менга ёрдам беришингиз мумкин.

– Олий жаноблари, – жавоб қилди таъзим этиб Вильфор, – бир соатдан кейин Париждан чиқиб кетаман.

– Боринг, – деди қирол, – агарда мен сизни унутиб қўйгудек бўлсам, ҳеч тортинмай ўзингиз эсимга солиб туринг... (Қироллар паришонхотир бўладилар). Барон, буюринг, менга ҳарбий министрни чақириб берсинлар. Блакас, кетмай туринг.

– Бопладингиз, жаноб, – деди полиция министри Вильфорга Тюильридан чиқаётиб. – Қайси эшикка бош суқиш кераклигини биларкансиз, энди мансаб поғоналаридан юқорига чиқиб бораверасиз.

– Қачонгача? – деди оҳиста овоз билан Вильфор мансабига зил кетган министр билан хайрлашаётиб ва атрофга аланглаб фойтун ахтарди.

Қирғоқдан фойтун ўтиб бораётган эди. Вильфор уни чақирди, манзилни айтиб, фойтунга ирғиб минди-да, шуҳрат қозониш борасида ширин хаёлларга чўмди. Ун дақиқа ўтар ўтмас уйига келди, икки соатдан сўнг отлар қўшилсин, деди-да, нонушта келтиришни буюрди.

Столга ўтириши билан кимдир дадиллик билан эшик кўнғироғининг ипини тортди, хизматкор бориб эшикни очиши билан кимдир унинг номини айтди. «Парижга келганимни ким билди экан?» ўйлади қирол прокурорининг ёрдамчиси.

Хизматкор қайтиб кирди.

– Ким у? – сўради Вильфор. – Кўнғироқ чалган ким экан? Мени ким сўраяпти?

– Нотаниш жаноб, номини айтмаяпти.

– Нечун? Ўз номини айтишни истамаяптими? Менда унинг нима иши бор экан?

- У сиз билан гаплашмоқчи экан.
- Мен билан?
- Ҳа, сиз билан.
- Кўриниши қанақа?
- Эллиқ ёшларга бориб қолган.
- Паканами? Ёки новчами?
- Бўйи сиздек.
- Ранги қорами, маллами?
- Қорачадан келган, сочлари, мўйлови қоп-қора, қўлла-ри ҳам қора.
- Кийими-чи? – сўради қизиқиб Вильфор. – Устидаги кийими қанақа?
- Томоғигача тугмаси солинган кўк камзил кийиб, Фахрий легион тасмаси тақиб олган.
- Ўшанинг ўзи! – шивирлади бўзариб Вильфор.
- Тавба! – деди ташқи қиёфаси юқорида икки марта тасвир этилган одам бўсағада пайдо бўлиб. – Маросимнинг охири борми? Ёки Марселда яшовчи ўғиллар оталарини эшик олдида куттириб қўйишни одат қилиб олганларми?
- Ота! – қичқириб юборди Вильфор. – Ўзим ҳам сиз бўлсангиз керак деб ўйлаган эдим, тўғри чиқди.
- Шундай деб ўйлаган экансан, – давом этди меҳмон бурчакка ҳассасини ва стулга шляпасини қўйиб, – мени эшик олдида куттириб қўйишинг одобдан эмас-да, азизим Жерар.
- Жермен, сизга рухсат, – деди Вильфор. Хизматкор таажжубланиб чиқиб кетди.

## **ХII. ОТА ВА ЎГИЛ**

Жаноб Нуартъе (чиндан ҳам ҳалиги одам Нуартъе эди) хизматкор эшикни ёпиб чиқиб кетмагунча, ундан кўзини узмади; сўнг даҳлиздан қулоқ солмасин деб эшикни сал очиб қаради: эҳтиёткорлик беҳуда кетмади, Жерарнинг маккорлик билан туёғини шиқиллатишидан маълум бўлдики, у ҳам кўпларни ҳалок этган расво қилиқдан халос эмас экан. Нуартъе ўз қўли билан биринчи хонанинг эшигини ҳам маҳкам бекитди ва шундан кейингина анқайиб қолган Вильфорга қўлини узатди.

– Биласанми, Жерар, – деди у ўғлига илжайиб, бунинг тагида қандай маъно борлигини билиши қийин эди, – мен билан учрашувдан сени жуда хурсанд бўлди, дейиш мумкин эмас, албатта.

– Ота, нега бундай дейсиз, аксинча, мен ниҳоятда шодман: тўғри, сиз келасиз деб ўйламаган эдим, шунинг учун ҳайратда қолдим.

– Аммо, азизим, – давом этди жаноб Нуартъе курсига ўтириб, – мен ҳам сизга худди шундай дейишим мумкин эди. Нечун? Сиз менга ёзган хатингизда никоҳ тўйимиз йигирма саккизинчи февралда Марселда бўлади, деган эдингиз, аммо учинчи мартда Парижда юрибсиз.

– Тўғри, мен бу ердаман, – деди Жерар жаноб Нуартъега яқин бориб, – лекин бунинг учун мендан койинманг; бу ерга сизни деб келдим, эҳтимол, менинг бу ерга келишим сизни ҳалокатдан халос этар.

– Ўҳ-ҳў, ҳали шундай денг! – жавоб қилди жаноб Нуартъе курсида талтайиб. – Қани, жаноб прокурор, ўзи нима гап, айтинг-чи, эшитайлик; жуда қизиқ гап бўлса керак.

– Сен-Жак кўчасида бонапартчиларнинг қандайдир клуби бор дейишади, буни эшитганмисиз?

– Эллик учинчи уйдаими? Ҳа, бор, мен ўша клубнинг вице-президентиман.

– Ота, бепарволигингиз мени ваҳимага соляпти.

– Хўш, нима демоқчисан ўзинг, азизим? Шуни билиб қўйгинки, монтаньярлар ўлимга ҳукм қилган, похол ортилган аравада яшириниб Париждан қочган, Робеспьер исковучларидан бекиниб, Бордос далаларини кезган бу бошим кўп нарсаларга кўникиб қолган. Қани, айт-чи, ўша Сен-Жак кўчасидаги клубда қандай воқеа юз берибди?..

– Юз берган воқеа шундан иборатки, ўша клубга генерал Кенелни таклиф қилишибди, генерал соат тўққизда уйдан чиқиб кетган, икки кеча-ю, икки кундуздан сўнг Сендан унинг ўлигини топиб олишган.

– Бу қизиқ ҳодисани сизга ким айтди?

– Қиролнинг ўзи.

– Ўҳ-ҳў, – деди Нуартъе. – Мен эса бу ҳикоянгизга жавобан сизга бир янгиликни айтиб бераман.

– Чамамда, бу янгиликдан хабардор бўлсам керак.

– Ҳали сиз олий ҳазрат императорнинг қирғоққа тушганидан хабардормисиз?

– Ота, илтимос қиламан, ўчиринг овозингизни; аввало бу ўзингиз учун фойда, сўнг мен учун ҳам. Ҳа, бу воқеадан хабарим бор, ҳатто сиздан илгарироқ хабардор бўлиб от чоптирдим-да, уч кун деганда Марселдан Парижга етиб келдим, чунки ақлдан оздираёзган фикрни икки юз лъега етказиб боролмасман, деб сочларимни юлдим.

– Уч кун? Ақлингизни еб қўйдингизми? Уч кун илгари император ҳали қирғоққа тушгани йўқ эди-ку.

– Тўғри, аммо мен унинг бу ниятини билган эдим.

– Қандай қилиб?

– Эльба оролидан сизга ёзилган хатдан.

– Менга?

– Ҳа, сизга. Мен хатни чопардан тортиб олдим. Бу хат агар бошқа бировнинг қўлига тушиб қолганда, сизни аллақачон отиб ташлардилар.

Вильфорнинг отаси қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди.

– Афтидан, – деди у. – Бурбонлар симсиз иш юритишни императордан ўрганиб олганга ўхшайдилар... Отиб ташлардилар эмиш! Азизим, ниҳоятда шошиляпсиз! Қани хат? Мен сизни биламан, шунинг учун уни жуда маҳкам жойга яшириб қўйган бўлсангиз керак.

– Уни, бир парчасини ҳам қодирмай ёндириб юбордим, чунки бу хат сизни ўлимга маҳкум қиларди.

– Сизни мансабдан маҳрум этарди, – деди бепарволик билан Нуартье, – тўғри айтасиз, бироқ сиздек ҳимоячим бор экан, мен нимадан ҳам қўрқардим.

– Бугина эмас, мен сизни ўлим хавфидан халос этипман.

– Ўҳ-ҳў, ҳали шундайми? Буниси яна қизиқ-ку! Қани, тушунтириб беринг-чи?

– Сен-Жак кўчасидаги клуб масаласига ўтайлик.

– Бу клуб полициячи жанобларини роса ташвишга солиб қўйган, шекилли. Нечун улар бу клубни шу вақтгача тополмай юришибди? Агар яхшилаб ахтарганларида аллақачон топиб олишарди!

– Топмаган бўлсалар-да, изига тушганлар.

– Бу мавҳум бир гап; полиция ожизлик қилиб қолса, изига тушдик деб баҳона топишади, шундан сўнг полиция



бошлиғи мўлтайиб келиб, изни йўқотиб қўйдим, кечиринг бизни дегунча, ҳукумат кутиб ўтираверади.

– Тўғри-я, лекин жасад топилган, генерал Кенелнинг жа-сади. Барча мамлакатларда буни қотиллик деб аташади.

– Қотиллик? Бироқ генералнинг ўлдирилганлиги ҳақида ҳеч қандай далил йўқ. Жонидан тўйиб ўзини сувга ташла-ган ёки сузишни бўлмайдан чўкиб кетган кишиларнинг ўлиги-ни Сена дарёсидан ҳар кун топиб туришади.

– Генерал жонидан тўйиб ўзини дарёга отмаганини ва январь ойида Сенада чўмилиб бўлмаслигини сиз яхши би-ласиз. Қўйинг, бекорга далда берманг ўзингизга; уни ўлдир-ганлар, ҳа, буни қотиллик деб атайдилар.

– Ким шундай деб атайди?

– Қиролнинг ўзи.

– Қиролнинг ўзи? Мен уни файласуф ва сиёсатда қотил-лик деган нарсанинг ўзи йўқлигини билади, деб юрардим. Чироғим, менга ҳам, сизга ҳам аёнки, сиёсатда одамлар эмас, ғоялар назарда тутилади, ҳиссиётлар эмас, манфаат-лар тўқнашади. Сиёсатда одамларни ўлдирмайдилар. Бу қан-дай юз берганини билмоқчимисиз? Мен ҳикоя қилиб бери-шим мумкин. Биз генерал Кенелга ишонса бўлади, деб ўйла-ган эдик, уни бизга Эльба оролидан тавсия қилган эдилар. Ўртоқларимиздан бири унинг ҳузурига бориб, Сен-Жак кўча-сида бўладиган мажлисга таклиф қилади, у келади, унга Эльба оролидан жўнаш ва Франция қирғоғига тушиш тўғри-сидаги барча режаларни очиқ айтиб беришади. Бу гаплар-нинг ҳаммасини эшитиб, билиб олгандан кейин, у мен роя-листман, дейди. Ҳамма ҳайрон бўлиб, бир-бирига қараб қола-ди. Уни қасам ичишга мажбур этадилар, у бўйни ёр бер-май, зўр-базўр Худони тилга олиб қасамёд қилади. Шундай бўлса-да, генералга тегмайдилар, у мажлисдан осойишта чиқиб кетади. Аммо уйига қайтиб келмайди. Хўш, энди нима дейсиз? Биздан чиққач, у йўлдан адашибди, вассалом. Қотиллик эмиш! Сиз мени таажжубга соляпсиз, Вильфор, қироллик прокурорининг ёрдамчиси мана шунақанги асос-сиз далилларга асосланиб айбнома ёзмоқчи. Бундоқ ўйлаб кўринг-чи: мабодо сиз содиқ роялист сифатида қачон бўлмасин бизлардан биронтамизни нариги дунёга жўнат-сангиз, мен: «Ўғлим, сиз одам ўлдирдингиз!» дермидим; бун-

дай дейишни хаёлимга ҳам келтирмасдим, асло. Аксинча, «Марҳаматли жаноб, бопладингиз, қойил қилдингиз, ғалаба қозондингиз, энди навбат бизники», дердим.

– Ота, эҳтиёт бўлинг, навбат бизга келганда, раҳм-шафқат деган нарса бўлмайди.

– Гапингизга тушунмадим.

– Узурпатор қайтади, деб умид қиляпсизми?

– Ҳа, умид қиламан, буни сир сақламайман ҳам.

– Адашяпсиз, у Франция тупроғига бир қадам ҳам босиб киролмайди, пойлаб туриб, уни йиртқич ҳайвондек тутиб олишади.

– Азизим, император аллақачон Франция тупроғига тушиб олиб, Гренобль томон келяпти. Тўққизинчи ёки ўн иккинчида у Лионда бўлади, йигирманчи ёки йигирма бешинчида Парижга келиб киради. Тушунарлими?

– Аҳоли кўзғалади...

– Тўғри, уни табриклаб кутиб олиш учун...

– Унинг бармоқ билан санарли одамлари бор, холос, унга қарши бутун-бутун армияларни юборишади.

– Бу армиялар ҳам уни тантана билан пойтахтгача кузатиб келишади. Сиз ҳали гўдаксиз: император қирғоққа тушганидан уч кун ўтгач, телеграф сизга, «Узурпатор бир қисм одамлари билан Каннига кўнибди, уни тутиб олиш учун аскар юборилди», деб хабар қилса бас, ҳамма воқеадан хабардорман, деб ҳовлиқасиз. Бироқ у қаерда? Нима қиляпти? Бундан мутлақо беҳабарсиз. Тутиб олиш учун аскар юборилганинигина биласиз. Тутиб келиш учун юборилган кишилар Парижгача унинг кетидан битта ҳам ўқ узмай қувиб келаверишади, мана бўладиган гап шу.

– Гренобль ва Лион – роялистлар шаҳри, у шаҳарлардаги роялистлар зўравоннинг йўлини ўтиб бўлмайдиган ғовлар билан тўсадилар.

– Гренобль қулочини очиб, қувонч билан кутиб олади уни; бутун Лион аҳолиси пешвоз чиқади унинг истиқболига. Амин бўлинг, бу нарсалардан биз ҳам яхши хабардормиз, бизнинг полициямиз сизникидан қолишмайди. Мана сизга бир далил: сиз бу ерга келганингизни мендан сир сақламоқчи эдингиз, мен эса сиз заставадан ўтгандан ярим соат ўтар-ўтмас келганингизни билдим. Манзилингизни фа-

қат почта фәйтунчисига айтган экансиз, сиз столга ўтиришингиз билан мен келдим, бинобарин, бу манзил менга маълум эди. Шунинг учун ҳам яна бир овқат чақиринг, бирга овқатланамиз.

– Дарҳақиқат, – деди Вильфор, таажжуб-ла отасига тикилиб, – сиз жуда аниқ маълумот оларкансиз, тавба.

– Бунинг йўли жуда осон, сиз яъни ҳукумат тепасида турувчилар фақат пулга сотиб олиш мумкин бўлган воситаларга эгасизлар, биз эса, яъни ҳукумат тепасига интилаётганлар содиқлик ва фидокорлик натижасида вужудга келадиган ҳамма воситаларга эгамиз.

– Содиқлик? – такрорлади Вильфор илжайиб.

– Ҳа, содиқлик. Келажакка умид тутадиган шухратпарастликни одоб юзасидан шундай деб аташади.

Чол ўғли хизматкорини чақирмаётганини кўриб, қўнғироққа ўзи қўл узатди.

Вильфор уни тўхтатди.

– Сабр қилинг, ота, яна бир сўзим бор.

– Гапиринг.

– Бизнинг полициямиз қанчалик нўноқ бўлмасин, бир даҳшатли сирни билади.

– Қанақа сир экан?

– Генерал Кенель йўқолган қуни уни чақириб келган кишининг ташқи кўринишидаги белгиларни.

– Шундайми ҳали?! Полиция уни биларканми? Наҳотки? Қанақа белгилар экан у?

– Қорачадан келган, сочлари ва кўзлари қоп-қора, устида ёқасигача тугмаси солинган кўк камзул, петлицасида Фахрий легионнинг тасмаси, кенг шляпа ва қўлида қамиш ҳасса.

– А-ҳа!.. Полиция биларкан-да? – деди Нуартье. – Шундай экан, нега энди полиция у одамни тутиб олмабди?

– Чунки, кеча ёки ўтган қуни у Кок-Эрон кўчаси муюлишида полицияга чап бериб кетибди.

– Полициянгиз калтафаҳм деб бежиз айтмадим-да, мен сизга.

– Тўғри, аммо уни истаган пайтда полиция топиб олади.

– Албатта, – деди Нуартье парвойи палак атрофга аланглаб. – Мабодо у одамни огоҳлантирмаганларида, тутишла-

ри мумкин эди, бироқ уни огоҳлантириб қўйишган. Демак, – деди у илжайиб, – у юзини ва кийимини ўзгартиб олади.

Шу сўзларни айтиб у ўрнидан турди, камзулини ва галстугини ечди, Вильфорнинг сафар буюмлари турган стол олдига борди-да, устарани олди, юзларини совунлаб, ҳаммага таниш узун бакенбардларини қириб ташлади; бу бакенбардларнинг, полиция учун аҳамияти катта эди.

Буни кўрган Вильфорни ваҳима босди.

Нуартъе бакенбардларини олиб бўлгач, сочларини бошқача шаклга солиб таради; қора галстук ўрнига очиқ чамадондан рангдорини олиб тақди; устидаги кўк камзулини ечди-да, Вильфорнинг жигарранг камзулини кийди: унинг чети қайрилган шляпасини ойна олдига бориб кийиб кўрди, афтидан, ёқиб қолди шекилли, ечмади; ўзининг ҳассасини тош печканинг бурчагига қўйди-да, қироллик прокурори ёрдамчисининг юришига эрк ва назокат бағишловчи бамбукдан ясалган енгил таёқни олди.

– Хўш, қалай? – деди у анқайиб жойида қотиб қолган ўғлига ўгирилиб. – Хўш, энди сенингча, полиция мени таниб олармикин?

– Йўқ, ота, – деди минғирлаб Вильфор, – мен аминманки, таниб ололмас.

– Сенга ташлаб кетаётган мана бу буюмлар масаласига келганда, сендай ҳушёр одам уларни ҳеч ким тополмайдиган жойга бекитиб қўя олишига имоним комил.

– Хотиржам бўлинг! – деди Вильфор.

– Ростини айтганда, сен ҳақсан; эҳтимол чиндан ҳам мени ҳалокатдан қутқаргандирсан, бироқ ташвишланма, яқинда мен ҳам сени қутқараман балойи азимдан.

Вильфор бошини чайқади.

– Ишонмаяпсанми?

– Ҳар ҳолда хато қиляпсиз, деган умиддаман.

– Сен қиролни яна кўрасанми?

– Эҳтимол.

– Унинг кўз олдида ўзингни авлиё қилиб кўрсатмоқчимисан?

– Бахтсизликни каромат қиладиган авлиёларни саройда хуш кўрмайдилар.

– Түғри-я, бироқ бугун эмас, эрта ана шу авлиёларга сиғинишга мажбур бўлишади: иккинчи тикланиш даври бўлади деб фараз қилайлик, у вақтда сен улуғ зот деган шухрат қозонган бўлур эдинг.

– Мен қиролга нима дейишим керак?

– Унга шундай дегин: «Жаноби олийлари, Франциянинг аҳволи, шаҳарлардаги аҳолининг аҳволи-руҳияти, феъл-атвори, армиянинг руҳи туғрисида сизга ёлғон гапларни айтишиб, алдашяпти, сиз Парижда ўтириб олиб, Корсика одамхўри, Неверадаги узурпатор деган одамни эндиликда Лионда Бонапарт деб, Греноблда император деб атаяптилар. Сиз, уни таҳқир этиб қувяптилар, у қочиб юрибди деб ўйлайсизку, аслида у тоғ бургутти каби учиб, қайтиб келяпти биз томонга: сиз унинг армияси очликдан қирляпти, йўл боса-боса ҳолдан тойгач, тумтарақай бўлишга тайёр дейсизу ҳақиқатда эса унинг армияси лалақизғалдоқдек ҳамма ёқни босиб боряпти. Жаноби олий, Францияни унинг жанг қилиб олган эгасига топшириб, жўнанг бу ердан: сиз хавф-хатарга қолаётганингиз учун жўнанг деяётганим йўқ, рақибингиз сизга марҳамат қиларли куч-қудратга эга: Арколи, Маренго ва Аустерлиц қаҳрамони олдида муқаддас Людовик авлодининг қўл қовуштириб бош эгиб туриши уят». Жерар, мана шуларнинг ҳаммасини айт қиролга, ёки, қўй, яхшиси унга ҳеч нима дема. Парижда бўлганингни ҳаммадан сир тут, бу ерга нима учун келганингни ва нима қилганингни ҳеч кимга айтма: от кира қилгин-да, орқага уч. Марселга тунда қайтиб бор, уйингга орқа эшикдан киргин-да, ҳеч ёққа чиқмай, ҳеч кимга кўринмай, қимир этмай ўтир, энг муҳими жим ўтир, чунки бу гал биз душманларимизни билиб олган, куч-ғайратга тўлган ҳолда ҳужум қиламиз. Ўғлим, жўнанг бу ердан, шундай қилсангиз, ота насиҳатларига қупоқ солганингиз учун ёки дўстнинг маслаҳатларини ҳурмат қилганингиз учун, биз сизни ўз ўрнингизда қолдирамиз. Бу, – қўшимча қилди Нуартье кулиб, – вақти-соати келиб сиз сиёсат зинасининг тепасига чиқиб, мен пастга тушиб қолгундек бўлсам – мени хавф-хатарлардан ўшанда халос қилиш учун сизга имконият туғдириб беради. Хайр, Жерар, келаси гал меникига тушинг.

Нуартъе шундай деди-да, бутун офир суҳбат давомида ўзини қандай вазмин, хотиржам тутган бўлса, худди шундай ҳолда чиқиб кетди.

Ранги ўчиб, қони қочган Вильфор югуриб дераза олди-га бориб дарпардани икки томонга сурди-да, кўчага қаради: отаси ҳеч нарсани назар-писанд қилмай, икки-уч шубҳали киши олдидан ўтиб кетди, ҳалиги одамлар, афтидан, қора бакенбардли, кўк камзул ва кенг шляпа кийган кишини тутиб олиш учун пойлаб турган бўлсалар керак.

Вильфор титраб-қақшаб, отаси муюпишдан ўтиб кўздан ғойиб бўлгунча дераза олдидан кетмади. Сўнг отаси қолдирган буюмларни апил-тапил йиғиштириб олди, қора галстукни, кўк камзулни чамадоннинг тагига тикди, шляпани ёғимлаб шкафнинг энг пастки тортмасига солди, ҳассани майда-майда қилиб синдирди-да, печкага улоқтирди, йўл шапкасини кийиб, хизматкорни чақирди, бир нигоҳ ташлашнинг ўзидаёқ ҳамма саволларни бартараф этди, ижара ҳақини тўлади, уни кутиб турган файтунга минди. Бонапартнинг Греноблга кирганини Лионда билди ва бутун йўл бўйи ҳаяжонга тушган ҳолда, минг азоб-уқубатда Марселга етиб келди. Зеро, шуҳратпарастлик ва биринчи ютуқлар киши қалбига изтироб билан бирга кириб келади.

### XIII. ЮЗ КУН

Нуартъе чиндан ҳам ажойиб авлиё экан, у нима деган бўлса, ҳаммаси рўёбга чиқди. Бонапартнинг ҳеч кутилмаган ҳолда қойилмақом қилиб Эльба оролидан қайтиб келиши ҳаммага аён. Тож-тахтга бунақа қайтиш ўтмишда бўлмаган ва келажақда ҳам бўлмаса керак.

Людовик XVIII қақшатқич зарбани қайтариш учун оживона бир ҳаракат қилиб кўрди; қирол одамларга ишонмаганидек юз бераётган воқеаларга ҳам ишонмасди. У эндигина қайта тиклаган қироллик ҳокимиятининг, тўғрироғи, монархия ҳокимиятининг ҳали мустаҳкамланиб олишга улгурмаган тиргакларига зил кетди ва императорнинг биринчи зарби биланоқ эски анъаналар билан янги ғояларнинг бу омонат биноти кунпаякун бўлди. Шу сабабли Вильфорнинг ўз қиролидан олган мукофоти кераксиз бўлибгина қол-

май, хавфли ҳам эди; шунинг учун герцог Блacas қиролнинг буйруғини бажо келтириб унга ёрлиқ юборган бўлса-да, Вильфор Фахрли легион орденини ҳеч кимга кўрсатмади.

Людовик XVIII даврида сарсон-саргардонликда азоб чеккани ва фидокорона хизматлари учун император саройида катта мансабни эгаллаб олган Нуартье ҳимоя қилмаганда, Наполеон Вильфорни ишдан четлаштирган бўлур эди. 1793 йилги жирондист ва 1806 йилги сенатор сўзининг устидан чиқди ва куни кеча ёрдам қўлини чўзган кимсага ёрдам қилди.

Янада йиқилиши кўриниб турган Императорни тиклаш вақтида Вильфор бутун ҳақ-ҳуқуқидан фойдаланиб, нақ бўлмаса Дантес очиб юбораёзган сирни қаттиқ сақлади.

Қироллик прокурори эса етарли даражада бонапартчи эмас, деган шубҳа билан ишдан четлаштирилди.

Император ҳокимияти эндигина тикланган, яъни бундан бир неча дақиқа муқаддам Людовик XVIII ташлаб чиққан Тюильри саройига Наполеон кириб келган, Вильфор кетидан китобхонларимизни ҳам таништирганимиз хонадан – ёнғоқ дарахтидан ясалган стол устида ҳамон Людовик XVIIIнинг тамаки тўла тамакидони оғзи очилганича қолган хонадан император турли-туман буйруқлар, фармойишларини эндигина жўната бошлаган бир пайтда, Марселда, маҳаллий бошлиқларнинг қаршиликларига қарамай, жанубда ҳамиша бўлиб турадиган ўзаро жанг бошланди; иш хавфли тус олиб борар, уйида тухум босиб ўтирган роялистларга қарата дандонбозлик кўчага чиқишга журъат этганларни жамоат олдида ҳақорат қилиш билангина чекланиб қолмайдиганга ўхшарди.

Шароит ўзгариб кетди, оқибатда плебейлар лагерига мансуб ҳурматли арматор – савдо-сотик ишлари поғонасидан секин-аста қийналиб кўтарилган ҳамма корчалонлар сингари эҳтиёткор ва бир оз тортинчоқ жаноб Моррель ҳар нарсага қодир ҳукмдор бўлиб олмаса-да, ашаддий бонапартчилар уни орқада қолдириб кетган бўлсалар-да, ҳар ҳолда қаддини кўтариб, арз-додини далиллик билан айтиб, ўз сўзини ўтказа оладиган нуфузга эга бўлиб олди. Унинг арз-доди Дантесга тааллуқли экани бизга маълум.

Вильфор бошлиғи қия бўлиб кетганига қарамай ўрнида қолди. Тўй бузилиб кетмади, фақат кейинроққа, тинч вақтга сурилди. Император ҳокимиятни қўлида сақлаб қолганда эди, Жерар бошқа бир партияни топишга мажбур бўлар эди ва Нуартъе унга бошқа қаллиқ топиб берарди. Мабодо Людовик XVIII яна қайтиб тахтга мингудек бўлса, маркиз де Сен-Мераннинг ҳам, Вильфорнинг ҳам мавқеи икки баравар ортарди, бинобарин, мадемуазелга уйланиш, айниқса, Вильфорнинг ниятига жуда мос келиб тушарди.

Шундай қилиб, қироллик прокурорининг ёрдамчиси Марсель судьялари доирасида биринчи ўринни эгаллаб олганди. Ана шу кунларнинг бирида эрталаб унга жаноб Моррелнинг ташриф буюришини хабар қилдилар.

Бошқа одам бўлганда, шошиб арматорга пешвоз чиқиб, қўрқоқлигини, иродаси заифлигини кўрсатиб қўйган бўлур эди; Вильфор эса оқил ва зийрак одамлар хилидан эди. У иш билан банд бўлганидан эмас, шунчаки прокурор ёрдамчиси қабулхонада куттириши одат тусига кириб қолганидан, Моррелни кутиб ўтиришга мажбур этди. Турли оқимлардаги бир неча газеталарни кўриб чиққач, чорак соатдан сўнг у жаноб Моррелни чақиришни буюрди.

Моррель, Вильфор мени кўриб ўзини йўқотиб қўяр, деб ўйлаган эди, бироқ прокурор ёрдамчиси бундан бир ярим ой илгари қандай мағрур, хотиржам, қатъий ва ясама назокатли бўлган бўлса, ҳозир ҳам худди шундай эди, мана шу совуқ, ясама назокатли муомала мансабдор билан оддий киши ўртасидаги ҳамма ғовлардан кучли, ўтиб бўлмайдиган тўсиқ ҳисобланади. Моррель, мени кўриб Вильфорни қалтироқ босса керак, деб хонага қадам ташлаган эди, бунинг ўрнига ўзи саросимага тушди ва ёзув столи орқасида уни гердайиб кутиб ўтирган прокурор ёрдамчисини кўрганда ўзини титроқ босди.

Моррель бўсағада тўхтади. Вильфор танимаётган кишига ўхшаб унга қаради. Ахири, бир неча дақиқа ҳукм сурган сукунатдан сўнг (шу вақт ичида муҳтарам арматор шляпасини қўлида айлантирганча қимир этмай тураверди) прокурор ёрдамчисининг овози чиқди:

- Сиз, янглишмасам, жаноб Моррель бўлсангиз керак?
- Ҳа, жаноб, бу мен, – жавоб қилди арматор.



– Марҳамат, кираверинг, – деди Вильфор калондимоғлик билан, – хизмат, менга бирор ишингиз бор чоғи, ҳузуримга ташриф буюрибсиз.

– Наҳотки ташрифимнинг сабабини ўзингиз англаб олмаган бўлсангиз?

– Йўқ, англай олмаяпман, мутлақо; бироқ шунга қарамай, қўлимдан келса ёрдам беришга тайёрман.

– Бу фақат сизнинг қўлингиздан келади, – деди Моррель.

– Ҳўш, айтинг-чи, нима гап?

– Жаноб, – деб гап бошлади Моррель аста-секин ўзига келиб. Талаби адолатли экани ва мақсадининг аниқлиги унга далда берарди. – Эсингизда бўлса керак, император олий ҳазратларининг қайтиши маълум бўлишидан бир неча кун илгари мен ҳузурингизга келиб, менинг кемам капитанининг ёрдамчиси ёш денгизчига раҳм-шафқат қилишингизни илтимос қилган эдим. Сизга маълумки, уни Эльба ороли билан алоқада айблаган эдилар. Илгари бундай алоқада бўлган киши жиноятчи ҳисобланган бўлса, эндиликда у тақдирланишга ва мукофот олишга ҳақли. У вақтда сиз Людовик XVIIIга хизмат қилардингиз, шу сабабли бурчингизни адо этиб, айбдорга раҳм-шафқат қилмаган эдингиз. Эндиликда Наполеонга хизмат қилияпсиз, демак, яна бурчингизни адо этиб, у бегуноҳни ҳимоя қилишингиз шарт. Шуларни ҳисобга олиб, мен у бечоранинг ҳоли нима кечганини сиздан сўраб билмоқчи бўлиб келдим ҳузурингизга.

Вильфор зўрға ўзини тутиб олди.

– Унинг номи нима эди? – сўради у. – Марҳамат қилиб, унинг номини айтиб беринг.

– Эдмон Дантес.

Вильфорга рўйи-рост айтилган бу номни эшитгандан кўра, дуэлда йигирма беш қадам нарида туриб душман ўқиға пешонасини тутиб бериш яхшироқ эди, деб ўйлаши мумкин киши. Аммо Вильфор пинагини ҳам бузмай безрайиб тураверди.

«У йигитни ўзининг шахсий манфаатларини кўзда тутиб қамади, деб мени ҳеч ким айблай олмайди», кўнглидан ўтказди Вильфор.

– Дантес? – такрорлади у. – Эдмон Дантес дедингизми?

– Шундай, жаноб.

Вильфор конторкадаги катта рўйхат дафтарини очди, сўнг бошқа стол ёнига борди, ундан папкалар тахлаб қўйилган жавонлар олдига ўтди-да, арматорга қараб ниҳоятда табиий овоз билан сўради:

– Жаноб, адашмаяпсизми?

Моррелнинг зеҳни ўткирроқ бўлиб, бу ишнинг қандай вазиятда ҳал этилганидан яхшироқ хабардор бўлганда эди, прокурор ёрдамчиси гапни нега бошқа ёққа буришга уринаётганидан таажжубланиб, «Нега Вильфор мени маҳбуслар рўйхатига, турма бошлиғига, департамент бошлиғига юбормаяпти?» деб ўз-ўзига савол берган бўлур эди. Бироқ Вильфорнинг қиёфасида ҳамон ваҳима аломатларини ахтараётган Моррель прокурор ёрдамчисининг бу ҳаракатларини яхшилик белгиси, мурувват аломати деб фаҳмлади, Вильфор худди шундай бўлишини кутган эди.

– Йўқ, – жавоб қилди Моррель, – адашаётганим йўқ: шўрликни ўн йилдан буён биламан, менда эса тўрт йил хизмат қилди. Бундан бир ярим ой муқаддам мен сиздан шафқатли бўлишни илтимос қилган эдим, эсингиздами? Энди адолатли бўлишингизни илтимос қиламан. Мени анча нохуш, совуқ қабул қилиб, сўровларимга зарда билан жавоб берган эдингиз. Уша вақтларда роялистлар бонапартчиларга бераҳм эдилар.

– Ҳурматли жаноб, – деб эътироз билдирди Вильфор зарбани ўзига хос совуққонлик ва эпчиллик билан бартараф қилиб. – Мен Бурбонлар тахтининг қонуний ворисигина эмас, шунинг билан бирга, халқнинг ўзи сайлаган вакиллари деб ўйлаб юрганимда роялистлар сафига кирган эдим. Аммо императорнинг саройга ғолибона қайтиб келиши менинг адашганимни тасдиқлаб берди. Наполеоннинг генийси ғолиб чиқди: севимли монархгина – қонуний монарх бўла олади.

– Балли! – деди Моррель дағалроқ оҳангда, очик гапириб. – Сиздан биндай гапларни эшитиш биз учун қувончли албатта, мен бундан шўрлик Эдмоннинг иши ҳам яхши бўлади деган хулоса чиқардим.

– Сабр қилинг, – деди Вильфор янги рўйхатни варақлатиб, – эсимга тушяпти: денгизчи эди, шекилли? Каталаниялик қизга уйланмоқчи ҳам эди, чамамда? Ҳа, ҳа, эсга тушди; бу жуда жиддий иш эди.

– Ростдан-а?

– Сиз яхши биласизки, уни суд залидан тўғри турмага олиб кетишди.

– Биламан, хўш, кейин-чи?

– Кейин ахборот ёзиб, унинг ёнидан топилган хатларни қўшиб Парижга юбордим. Шундай қилишга мажбур эдим мен... Бир ҳафтадан сўнг маҳбусни олиб кетишди.

– Олиб кетишди? – кичқириб юборди Моррель. – Шўрлик йигитни нима қилишди экан?

– Хавотир олманг! Уни, афтидан, Фенестрелга, Пиньеролга ё бўлмаса Маргарита оролига сургун қилган бўлсалар керак. Гўзал тонгларнинг бирида у қайтиб ҳузурингизга келади-да, ўз кемасининг қўмондонлигини қабул қилади.

– Қачон келмасин, қўмондонлик унинг учун тайёр... Бироқ нега шу пайтгача қайтиб келмади? Ахир, Наполеон юстицияси биринчи галда роялистлар юстицияси қамаган кишиларни озод қилиши зарур эди-ку.

– Жаноб Моррель, кишини дарров гуноҳкор этиш ярамайди, – жавоб қилди Вильфор, – ҳар қандай ишни қонун асосида ҳал этиш керак. Қамоққа олиш тўғрисида энг юқори лавозимдаги бошлиқдан буйруқ олинган эди; озод қилиш тўғрисидаги буйруқни ҳам ана ўша бошлиқдан олиш керак. Наполеоннинг қайтиб келганига атиги икки ҳафта бўлди. Қамалганларни озод этиш тўғрисидаги фармойишларни эндигина ёзишяпти.

– Ахир, – деди Моррель, – бу расмиятчиликни тезлаштираман бўлмайми? Биз ғолиб чиқдик. Менинг дўстларим бор, юқори мартабалилар билан алоқам яхши; ҳукми бекор қилдиришим мумкин.

– Ҳукм бўлгани йўқ.

– Қамоққа олиш тўғрисида қарор бўлиши керак-ку, уни бекор қилдираман.

– Сиёсий ишларда маҳбусларнинг рўйхати бўлмайди; айрим ҳолларда одамнинг бедарак йўқолиб кетишидан ҳукумат манфаатдор бўлади. Рўйхат бўлганда, ахтариб топиш мумкин эди уни.

– Бурбонлар даврида шундай эди, бироқ эндиликда...

– Ҳамиша шундай бўлади, қадрли жаноб Моррель. Ҳукуматлар бир-бири билан ўрин алмашади ва бири иккинчи-

сига ўхшайди. Людовик XVI замонида жорий этилган жазо машиналари ҳозиргача ишлаб келяпти. Фақат Бастилия йўқ. Турма уставларига амал қилишда Людовик XVI га нисбатан император қаттиққўл эди, рўйхатга олинмаган маҳбуслар эса сон-саноксиз.

Вильфорнинг очик кўнгил билан айтган бу сўзлари ҳар қандай ишонч-умидни пучга чиқариб ташлаши мумкин эди. Моррелда эса заррача бўлсин шубҳа-гумон йўқ эди.

– Жаноб Вильфор, менга маслаҳат беринг: шўрлик Дантеснинг қайтишини тезлатиш учун нима қилсам экан?

– Биргина маслаҳат беришим мумкин: адлия министрига илтимоснома ёзинг.

– Эҳ, жаноб Вильфор! Илтимосноманинг тақдири нима бўлажагини биласиз-ку; министр булардан ҳар куни икки юзтасини олади ва шундан тўрттасини ўқиса ўқийди, ўқимаса йўқ.

– Бу гапингиз тўғри, – деди Вильфор, – бироқ менинг хатим билан бевосита юборилган илтимосномани министр албатта ўқийди.

– Менинг илтимосномамни ўзингиз хат ёзиб қўшиб юборишни гарданингизга опасизми?

– Жоним билан. Илгари Дантес айбдор бўлиши мумкин эди, энди у айбдор эмас. Мен уни илгари қамоққа олишга мажбур бўлганим каби, энди озод қилишга ҳам мажбурман.

Вильфор бу гаплари билан ўзи учун хавфли бўлган ва уни батамом ҳалокатга дучор этадиган терговнинг олдини олди.

– Илтимосномани министрга қанақа қилиб ёзиш керак?

– Қани жаноб Моррель мана бу ерга ўтиринг, – деди Вильфор ўз жойини унга бўшатиб. – Мен айтиб тураман, сиз ёзасиз.

– Марҳамат этиб, айтиб турасизми?..

– Худди шундай! Қани, беҳудага вақтни ўтказмайлик, анча вақт бекорга ўтиб кетди.

– Тўғри, жуда тўғри! Бечора Дантес минг азоб чекиб, эҳтимол жонидан тўйиб, сабр-тоқати тугаб кутяпти. Ахир уни унутмаслик керак, асло унутмаслик керак.

Зимистон турмада унга лаънатлар ўқиб ётган маҳбус ёдига тушди-да, Вильфор сесканиб кетди. У ишни жуда

чуқурлаштириб юборган эди, энди орқага қайтишнинг иложи йўқ, асло, унинг шуҳрат орттириш йўлида босаётган қадамлари остида Дантес мажақланиб кетмоғи шарт.

– Мен тайёрман, – деди Моррель Вильфорнинг курсисига чўкиб қўлига қалам оларкан.

– Вильфор илтимосноманинг матнини айтиб берди. Унда, шубҳасиз, энг яхши ниятлар билан Дантеснинг ватанпарварлиги ва бонапартчиларга қилган хизматларини жуда ошириб кўрсатди. Шу илтимосномада Дантес Наполеоннинг қайтишида жонбозлик кўрсатган кишилардан бири қилиб тасвирланди. Министр мабодо ҳалигача адолатни тиклаб Дантесни бўшатмаган бўлса, бу хатни ўқиб, дарҳол шундай қилиши, яъни адолатни тиклаб, Дантесни озод қилиши муқаррар эди.

Илтимоснома ёзилиб бўлгач, Вильфор уни баланд овоз билан ўқиди.

– Жуда соз, – деди у, – энди бу ёғини менга қўйиб бера-сиз.

– Буни қачон жўнатасиз?

– Шу бугуноқ.

– Ёнига ўз хатингизни ҳам қўшиб-а?

– Яхшиси, мен шу илтимосноманинг ўзига, бунда ёзилганларнинг ҳаммаси жуда тўғри, деб тасдиқлаб имзо қўйсам юзта хатдан кучлироқ бўлур.

Вильфор курсига ўтирди-да, хатнинг бурчагига ҳалиги сўзларни ёзиб қўйди.

– Энди мен нима қилмоғим керак?

– Кутинг, – жавоб қилди Вильфор, – қолган ишларнинг ҳаммасини мен ўз гарданимга оламан.

Комил ишонч билан айтилган бу сўзлар Моррелни янада умидвор этди. У қироллик прокурори ёрдамчисидан ниҳоятда мамнун бўлиб чиқди ва ўғлини тез кўражагини хабар қилиш учун кекса Дантеснинг уйи томонга жўнади.

Вильфор эса илтимосномани Парижга юбормай, ўзида эҳтиёт қилиб сақлади. Дантесни қутқазिश керак бўлган бу хат, мабодо Европадаги аҳволга ва воқеаларнинг ўзгариб бораётганига қараб кутилган ҳол юз бергудек бўлса, яъни қайта реставрация бошланса, бу илтимоснома пировард-натижада уни ҳалокатга маҳкум этиши мумкин эди.

Шундай қилиб, Дантес маҳбуслигича қолди. Зиндонда, бутун дунёдан бадарға бўлган Дантес Людовик XVIIIнинг ағдарилишидаги момақалди роқларни ва Империянинг қулашидаги даҳшатли гумбур-гумбурларини эшитмади.

Вильфор эса атрофда юз бераётган ҳамма воқеалар, ҳодисаларга кўз-қулоқ бўлиб турди. Наполеоннинг қайтганидан буён Юз кун деб аталадиган қисқа муддат мобайнида Моррель яна икки марта келиб, Дантесни бўшаттириб бер, деб ғалва кўтарди, бироқ икки сафар ҳам Вильфор ваъдалар ва умид-орзулар билан уни ортига қайтариб юборди. Пировардида Ватерлоо воқеаси юз берди. Шундан сўнг Моррель Вильфор кабинетига қадам босмай қўя қолди: у ёш дўстини халос этиш учун кўндан келган ҳамма чоратадбирларни ишлатиб кўрди, эндиликда, иккинчи реставрация даврида бу борада яна уриниши унинг мавқеига путур етказиши мумкин эди.

Людовик XVIII тахтга қайтди. Марселда турли хил қилмишлари кўз олдига келиб, виждон азобида қийналаётган Вильфор Тулуза шаҳрида қироллик прокурори лавозимини эгаллашга муваффақ бўлди. Бу шаҳарга кўчиб келганидан икки ҳафта ўтгач, у маркиза Рене де Сен-Меранга уйланди. Гўзал қаллиғининг отаси эса эндиликда саройнинг энг нуфузли зодагонларидан бўлиб олган эди.

Шу сабабли Дантес Юз кун мобайнида ҳам, Ватерлоо воқеасидан сўнг ҳам одамларнинг ёдидан кўтарилди-да, турмада қолаверди.

Наполеоннинг Францияга қайтганини эшитган Данглар Дантесга қандай қақшатқич зарба берганини англади: унинг яширин маълумоти мўлжалга бориб теккан эди; жиноий ишларда маълум даражада ҳунар орттирган ва оддий турмушда ўрта қобилиятга эга кишилар сингари Данглар ишнинг бунчалик ўнгидан келишини «тақдир тақозоси» деб атади.

Бироқ Наполеон Парижга кириб келганида ва унинг кучли, ҳукмрон овози яна жаранглаганда, Дангларни ваҳима босди. Ҳар дақиқа у Дантеснинг ҳамма нарсадан хабардор, ҳар қандай қасос олишга тайёр бўлиб, дарғазаб кириб келишини минг ҳадик-ла кутарди. Шу вақтда у жаноб Моррелга денгизда хизмат қилишдан воз кечмоқчи эканини

айтди ва ундан испаниялик бир катта савдогарга ўз лавозимини тавсия этишни илтимос қилди. Март ойининг охирида, яъни Наполеон Тюильрига қайтганидан ўн ёки ўн икки кун ўтганда, ана шу испанга идора хизматчиси бўлиб ишга кирди-да, Мадридга кетди, шундан кейин у дом-дараксиз йўқолди.

Фернан эса ҳеч нарсани тушунмади. Дантес ғойиб бўлгани унинг учун айтиш мумкин эди. Дантеснинг ҳоли нима кечаётганини билишни у истамасди ҳам. Фернан бутун кучини, ақл-идрокини Мерседесни алдашга, қайлигининг келмаётганига уйдирма сабаблар тўқишга ёки қизни олиб қочишга қаратди. Ахён-ахёнда у Марсель ва Каталания аниқ кўриниб турадиган Фаро чўққисига чиқиб ўтириб олар ва қасос олиш учун келаётган гузал денгизчининг қораси кўринмайдими, деб икки томондаги йўлга бургутдек кўз тикар эди. Фернан албатта Дантесни отиб ташлашга ва бу қотиллигини оқлаш учун ўзини ўлдиришга қарор қилди. Бироқ Фернан ўзини-ўзи алдарди: у ҳеч вақт ўз жонига ўзи қасд қилмас, чунки ҳали кўп нарсадан умидвор эди.

Ана шу ташвиш-ҳаяжонлар орасида император жар солиб, ҳамма рекрутларни битта қолмай қуроқланишга чақирди. Қўлида қуроқ ушлашга қодир кишиларнинг барчаси Франция чегарасидан ташқарида жангга отланди.

Фернан ҳам кулбасини ва Мерседесни ташлаб, бошқалар билан бирга жангга жўнади. Мен йўғимда, эҳтимол, рақибим келиб севгилимга уйланиб олар, деган хаёл унинг бағрини қонга тўлдирарди.

Агар Фернан ўз жонига ўзи қасд қилишга қодир бўлганда эди, Мерседесдан ажраган замоноқ ҳижрон ўтида ёниб, ўзини-ўзи отиб ташлаган бўлур эди.

Фернан ўзини Мерседесга ҳамдард қилиб кўрсатиб унинг қайғусига ҳамдам бўлгандек оқ тортиб кўяр, арзимаган талаб-тилагини бажо келтириш учун ўлиб-тирилиб ҳаракат қилар эди. Садоқат покиза, оқ кўнгиллиларга таъсир этмай қолмайди, шу боисдан Фернаннинг бу ҳаракатлари ҳам зое кетмади. Мерседес Фернанни бир дўсти сифатида севарди; бу дўстлик миннатдорчилик ҳиссиётлари қўшилиб янада мустаҳкамланди, теранлашди.

– Менинг қадрдон акам, – деди Мерседес каталаниялик йигитнинг елкасига сафар халтасини боғлаётиб, – сен менинг битта-ю битта дўстимсан; ўзингни эҳтиёт қил, мен шўрликни қон йиғлатиб якка қолдириб кетма, менинг сендан бўлак ҳеч кимим йўқ бу дунёда энди.

Ҳижрон дақиқаларида айтилган бу сўзлар Фернанга умид бағишлади. Мабодо Дантес қайтиб келмайдигандек бўлса, эҳтимол, кунлардан бир кун Мерседес унинг хотини бўлиб қолар.

Мерседес яп-яланғоч қоя устида якка ўзи сўппайиб қолди. Бу поёнсиз денгиз шу кунгача ҳозиргидек бефайз кўринмаган эди унга. Кўзлари жиққа ёшга тўла Мерседес тинмай Каталан атрофида гир айланар, баъзан жануб офтобининг жазирама тифлари остида худди ҳайкал каби узоқ тўхтаб Марсель томонга кўз тикарди, баъзан қирғоққа бориб, ўз дард-алами сингари абадий тўлқинларнинг овозига қимир этмай қулоқ солиб ўтирар ва ўз-ўзига савол берарди; бу фойдасиз интизорлик жабрини чеккандан кўра олға эгилиб, йиқилсаму мана шу денгиз гирдобида фарқ бўлиб кетганим яхшимасми? Мерседес ўлимдан кўрқмасди. У жонига қасд қилишга қодир эди, бироқ дин унинг йўлини тўсди, сақлаб қолди.

Кадруссни ҳам Фернан каби армияга олишди, бироқ у каталаниликдан саккиз ёш катта ва уйланган эди, шунинг учун уни учинчи гуруҳда қирғоқни кўриқловчилар қаторида қолдиришди.

Орзу-умид билан яшаб келаётган кекса Дантес император ағдарилгандан сўнг умидини батамом узиб қўя қолди.

Ўғлидан жудо бўлганидан беш ой ўтгач, худди Эдмон қамоққа олинган соатда Мерседеснинг қўлида жон берди.

Моррель чолни кўмиш ташвишларини ўз зиммасига олди ва касал вақтида олган майда қарзларини тўлади. Бу инсонпарварликкина бўлмай, мардлик ҳам эди. Бутун жанубда ўзаро урушлар қизигандан қизиб кетган бир пайтда, Дантесдек хавфли бонапартчининг отасига, у ҳатто ўлим тўшагида ётганида ҳам ёрдам бериш жиноят ҳисобланарди.



## XVI. ТЕЛБА МАҲБУС БИЛАН ДАРҒАЗАБ МАҲБУС

Людовик XVIII тахтга қайтганидан тахминан бир йил ўтгач, турманинг бош инспектори тафтиш ўтказди.

Дантес ертўладаги хонасида нимадир тақиллаганини, нимадир ғийқиллаганини эшитди; бу овоз юқорида қаттиқ эшитилса-да, пастда уни тунги жимжитликда тўр тўқиётган ўргимчакнинг шитир-шитирини-ю, бу зах зиндоннинг шифтида роппа-роса бир соатда йиғиладиган сувнинг чак-чак томишини эшитишга ўрганиб қолган маҳбусгина фарқ қила олади.

У тириклар орасида бирор ҳодиса юз бераётганини фаҳмлади: чунки бу қабристонда кўпдан-кўп яшагани учун ўзини мурда деб ҳисоблашга ҳақли эди.

Инспектор ҳамма хоналарни бирма-бир қараб чиқаётган эди. Айрим маҳбуслар соддадиллиги ва калтабинлиги сабабли бошлиқларнинг марҳаматига сазовор эдилар, бинобарин, инспектор улардан ҳол-аҳвол сўраб-суриштирди, овқат дурустми, бирорта илтимосларинг борми, деб сўради. Ҳалигидек маҳбусларнинг бариси бир овоздан овқатнинг ниҳоятда ёмонлигини айтишди ва озод этиб юборишни илтимос қилишди. Шунда инспектор, яна бошқа гапларинг бўлса айтинглар, деди. Маҳбуслар бошларини чайқадилар. Маҳбус озодликдан бўлак нимани ҳам сўраши мумкин?

Инспектор илжайиб комендантга қаради-да, деди:

– Ажабо, бу фойдасиз ревизиялар кимга керак экан? Бир турмани кўрган киши юзтасини кўрган, бир маҳбуснинг арзини эшитган киши мингтасининг арзини эшитган. Ҳамма ерда бир хил гап, маҳбусларга бериладиган овқат ёмон, маҳбуслар – гуноҳсиз. Бошқа хил маҳбусларингиз йўқми?

– Бор, хавфлилари ёки жиннилари бор, уларни биз ертўладаги хоналарга қамаб қўйганмиз.

– Бўпти, — деди инспектор жуда чарчаб ҳолдан тойган кишидек, – бурчимизни охиригача бажарайлик-да, пастга ҳам тушайлик.

– Рухсат қилинг, – деди комендант, – ҳеч бўлмаса икки солдат олайлик, баъзида маҳбуслар жонидан тўйиб, ўлим-

га ҳукм эта қолсинлар тезроқ мени деб, кирган кишига ҳужум қилишади. Сиз суиқасд қурбони бўлишингиз мумкин.

– Ундай бўлса эҳтиёт чораларини кўринг, – деди инспектор.

Икки солдат кириб келди-ю, ҳамма чидаб бўлмайдиган даражада сассиқ, ифлос ва нам зинадан пастга туша бошлади.

– Тавба! – деди инспектор тўхтаб, – бу ерда қандай одам яшайди?

– Жуда хавфли фитначи, бу одамнинг қўлидан ҳар бало келади, деб огоҳлантириб қўйишди бизни.

– Бир ўзимми?

– Албатта.

– Кўпдан буён шу ердами?

– Бир йилча бўлди.

– Буни бирданига ертўлага қамашдимми?

– Йўқ уни овқат олиб кирган соқчини ўлдирмоқчи бўлганидан сўнг шу ерга қамашди.

– Соқчини ўлдирмоқчи бўлдими у?

– Шундай, мана ҳозир ўша соқчи бизга чироқ тутиб турибди. – Тўғримми, Антуан? – сўради комендант.

– Худди шундай, у мени ўлдирмоқчи бўлди, – жавоб қилди соқчи.

– Бу жинни экан-да бўлмаса!

– Ундан ҳам баттарроқ, – деди соқчи, – бу худди иблисининг ўзи!

– Агар истасангиз, мен унинг устидан арзнома ёзаман, – деди инспектор комендантга.

– Кераги йўқ, бусиз ҳам у етарли даражада жазо олган; бунинг устига яқинда батамом ақлдан озади, узоғи билан бир йилда, буни тажрибада кўрганмиз.

– Бу ўзи учун ҳам яхши, – деди инспектор, – ақлдан озгач, руҳий азобдан қутулади-қўяди.

Мана кўриб турибсизки, инспектор инсонпарвар ва ўзининг филантропик лавозимига жуда мос келиб тушган одам.

– Сиз жуда ҳақ гапни айтдингиз, – деди комендант, – бу сўзларингиздан кўриниб турибдики, маҳбусларни жуда яхши биларкансиз. Бизда, бошқа зинадан тушадиган ертў-

лада бир кекса аббат ўтирибди. У Италияда қандайдир партиянинг бошлиғи бўлган экан, уни бу ерга бир минг саккиз юз ўн биринчи йили қамаганлар, бир минг саккиз юз ўн учинчи йилнинг охирига келиб жинни бўлиб қолган; ўшандан буён уни таниб бўлмайди. Илгарилари у йиғидан тўхтамасди, энди кулгани-кулган; илгари жуда ориқлаб кетган эди, энди семириб боряпти. Мана бунинг ўрнига ўшани кўриб қўя қоларсиз? У жинни бўлганда ҳам жуда хушчақчақ жинни, кўнглингизни бузмайди.

– Иккаласини ҳам кўраман, – деди инспектор, – вази-фамни ҳалоллик билан бажаришим керак.

Турмаларни инспектор биринчи марта кўздан кечираётган эди, шунинг учун бошлиқлар мамнун бўлсин, деб ҳаракат қиларди.

– Қани, юринг, аввал мана шуни кўрайлик, – деди инспектор.

– Марҳамат қилсинлар, – деди комендант ва соқчига имлаб қўйди.

Сим тўр тирқишидан хонага тушган тангадек офтоб нурига нечундир қувониб кўз тикиб ўтирган Дантес оғир лўкидонларнинг ва занг босган ошиқ-маъшуқларнинг ғижирлашини эшитиб, бошини кўтарди.

Дантес номаълум бир шахсни, машъал кўтарган икки соқчини, икки солдатни ва қўлида шляпа тутган комендантни кўриб, буларнинг нима учун ташриф этганини англади ва энг юқоридаги амалдорларга дардини айтиш пайти келганини фаҳмлаб югуриб борди-да, таъзим этиб қўлини кўксига қўйди.

Солдатлар маҳбуснинг авзойи бузуқ шекилли, тағин инспекторга ташланмасин, деб дарров милтиқ найзаларини унга ўқталишди.

Инспектор беихтиёр орқага бир қадам тисарилди.

Уни бу одамга жуда хавфли киши деб роса уқтирганларини Дантес англади-да, бутун вужуди билан чорасиз бир ғариб тусига кириб раҳм-шафқат тилади, унинг хонасига ташриф буюрган амалдорнинг юрагини юмшатишга интилди. Бундан ҳамма таажжубланди.

Инспектор Дантеснинг арз-додини охиригача тинглади, сўнг комендантга қаради:

– Бу – сабр-қаноат, тавфиқ билан тамом бўлади, – деди у оҳиста. – Ҳозирнинг ўзидаёқ мулойим бўлиб, фақат тинчликни истаб қолибди, қиличларни кўриб чекинди, аслида жинни ҳеч нарсадан кўрқмайди. Мен Шаронтонда бу борада жуда кўп қизиқ-қизиқ ҳолларни кўрганман.

Сўнг у маҳбусга қараб деди:

– Қисқаси, талабингиз нима?

– Мен айбимнинг нимадалигини айтиб беришларини илтимос қиламан, суддан ҳам, терговчидан ҳам илтимос қиламан: агар мен айбдор бўлсам отиб ташласинлар, агарда айбим бўлмаса озод этишсин.

– Бераётган овқатлари яхшими? – сўради инспектор.

– Яхшидир балки. Билмадим. Бироқ овқатнинг яхшими, ёмонми, аҳамияти йўқ. Фақат мен учун эмас, одил судни жорий этган ҳукумат учун ҳам, бизни бошқараётган қирол учун ҳам бегуноҳ киши қабиҳ ифвонинг қурбони бўлмаслиги ва қамоқда ўз қотилларига лаънатлар ўқиб ўлиб кетмаслиги лозим.

– Бугун сиз жуда ювош бўлиб қолибсиз, – деди комендант, – илгари бундай эмас эдингиз. Соқчини ўлдирмоқчи бўлганингизда гапларингиз бошқача эди.

– Тўғри, – деди Дантес, – менга жуда яхши қараётган бу кишидан ўтиниб узр сўрайман. Ахир ўзингиз бир ўйлаб кўринг, ўша пайтдаги аҳволимни? Унда ниҳоятда ёниб, ғазабнок бўлиб ақлимни йўқотган эдим.

– Ҳозир ундай эмасми?

– Йўқ, турма мени букиб, адои тамом этди. Ахир бу ерда қачонлардан бери ётибман!

– Жуда кўп вақт ўтдимми?.. Сизни қачон қамоққа олишганди? – сўради инспектор.

– Бир минг саккиз юз ўн бешинчи йилнинг йигирма саккизинчи февралида тушки соат иккида.

– Бугун бир минг саккиз юз ўн олтинчи йил ўттизинчи июль. Нега ваҳима қиласиз? Турмада ўтирганингизга атиги ўн етти ой бўпти.

– Атиги ўн етти ой! – такрорлади Дантес. – Ахир сиз турмада ўн етти ой ётиш нақадар мушкул эканини, бу ўн етти ой – ўн етти йил, ўн етти асрга баробар эканини наҳотки билмасангиз! Айниқса, бахт қуши эндигина бошига

қунаётган, севимли қизига уйланаётган ва фахрли лавозимни эгаллаётган мен учун бу турма дўзах билан тенг, чунки мен бу зиндонга тушдимۇ ҳамма нарсадан маҳрум бўлдим, мен учун қуёшнинг олтин нурларига тўла кун зим-зиё тунга айланди; истиқболим барбод бўлаётир, севгилим мендан юз ўгирдим, йўқми, кекса отажоним тирикми, йўқми, мен ғариб билолмай бағрим кабоб бўляпти. Денгиз ҳавосига ўрганган, бепоён, кенг денгизда эркин нафас олиб юрган киши учун ўн етти ой турмада ўтиришнинг ўлимдан ҳам оғир эканини нахотки англамасангиз! Ўн етти ой турмада ётиш инсон тилида энг қабиҳ ном билан айтиладиган оғир жиноят қилган киши учун ҳам кўплик қилади! Шундай экан, раҳмингиз келсин менга, мен учун кечирришни эмас, қатъий қонуниятни, афв эмас, суд қилишларини тиланг; мен судни, судьяларни талаб қиламан, ахир айбдорга судьяларни йўқ дейиш мумкин эмас-ку.

– Яхши, – деди инспектор, – ўйлаб кўрамыз.

Сўнг комендантга қараб деди:

– Ҳақиқатан ҳам бу шўрликнинг аҳволи оғир экан, раҳим келяпти унга. Телага чиққанда делосини кўрсатасиз менга.

– Яхши, – жавоб қилди комендант, – бироқ у ерда сиз бу маҳбус тўғрисида жуда кўнгилсиз маълумотларни кўрармикинсиз деб кўрқаман.

– Биламан, – деди Дантес, – сиз мени озод қила олмайсиз; бунга қурбингиз етмайди; бироқ менинг арз-додимни юқори мартабали бошлиқларга етказа оласиз, менинг ишимни тафтиш қила оласиз, пировардида ишимни судга ўтказа оласиз. Суд! Мен фақат мана шу, суд қилишларини илтимос қиламан. Ана шу суд айбим нима ва қандай жазога сазоворман айтиб беришсин. Нима учун, қанақа гуноҳларинг учун қамоқда ўтирганингни билмаслиқдан ҳам оғир жазо борми бу дунёда!

– Мен ишни текшириб, аниқлайман, – деди инспектор.

– Раҳмингиз келаётганини овозингиздан билиб турирман! – деди қувониб Дантес, – марҳамат қилиб айтинг, умид қилсам бўладими?

– Мен сизга умидвор бўлинг дея олмайман, – жавоб қилди инспектор, – ишингизни текшириб кўраман, деб ваъда беришим мумкин.

– У ҳолда мени озод бўлди, мени қутулди деяверинг!  
– Сизни қамоққа олишга ким буйруқ берганди?  
– Жаноб де Вильфор, – жавоб берди Дантес, – ундан сўранг.

– Жаноб де Вильфор аллақачон Марселдан кетиб қолган, у бир йилдан буён Тулузада ишляпти.

– Демак, таажжубланиб ўтиришимнинг ҳожати йўқ эканда! – деди оҳистагина Дантес, – якка-ю ягона ҳимоячим бу ердан кетиб қолибди-да!

– Жаноб де Вильфор бирор сабаб билан сизни ёмон кўриб қолмаганмиди? – сўради инспектор.

– Бунга ҳеч қандай сабаб бўлиши мумкин эмас, аксинча, у менга кўп меҳрибонлик кўрсатди.

– Демак, сизнинг ҳақингизда у берган ёки баён этган маълумотларга тўла ишонсам бўладими?

– Ҳеч шубҳа қилмай ишонсангиз бўлади.

– Бўпти. Қутинг.

Дантес тиз чўкиб қўлларини кўтарди-да, киши жонини олиб чиққани дўзахга тушган халоскордек унинг зиндонига келган инспектор ҳақиға кўпдан-кўп дуолар қилди.

Инспектор кетидан эшик беркилди, бироқ у келтирган умид Дантес хонасида қолди.

– Маҳбуслар рўйхатини ҳозир кўрасизми? – сўради комендант. – Ёки аббатнинг ертўласига кириб чиқасизми?

– Аввал ҳамма хоналарни кўздан кечириб чиқайлик, – жавоб қилди инспектор. – Ҳозир юқорига чиқсам яна қайтиб пастга тушишга қурбим етмай қолиши мумкин.

– Аббат бунга ўхшамайди мутлақо; у жинни бўлса-да, жуда хушчақчақ.

– У нимадан жинни бўлиб қолди?

– Ғалати бир фикр уни ақлдан оздирди: мен ҳеч ҳисоби йўқ бойликнинг эгасиман, деб вайсагани-вайсаган. Қамалган йили ҳукуматга бир миллион бераман мени озод қилсаларинг, деб ваъда берди, иккинчи йили икки миллион, учинчи йили уч миллион... Ҳар йили бир миллиондан қўшаверди. Мана энди унинг турмада ётганига беш йил бўлди; у албатта сиз билан яккама-якка гаплашишни илтимос этади ва шубҳасиз, сизга беш миллион таклиф этади.

– Ростдан ҳам бу жуда қизиқарли гаплар-ку, – деди инспектор, – бу миллионернинг оти нима?

– Аббат Фариа. Йигирма еттинчи рақам! – деди инспектор.

– Ҳа, у мана шу ерда. Антуан, очинг.

Соқчи итоат қилиб эшикни очди, инспектор қизиқсиниб ҳамма «жинни Аббат» деб атайдиган маҳбуснинг ертўласига қаради.

Ертўланинг ўртасида, уст-боши дабдала бўлиб кетган ярим яланғоч киши ётибди. У девордан кўчириб олинган оҳак парчаси билан доира чизиб, унга жуда аниқ геометрик чизиқлар чизяпти. Солдат Марцелла жонига қасд қилган пайтда Архимед ўз ишига қандай берилиб кетган бўлса, аббат ҳам шу дақиқада геометрик масалани ечишга бутун вужуди билан берилиб кетган эди. Шунинг учун ҳам у эшик гийқиллаб очилганда қимир этмади, фақат машъаллар ёғдуси у ётган зах полни одатдан ташқари ёритиб юборгандан сўнггина ҳушига келди-да, эшик томонга қаради; ертўласига бунчалик кўп меҳмон ташриф буюрганини кўриб, ҳанг-манг бўлиб қолди.

Сўнг ўрнидан ирғиб турди-да, кирган одамлар уят қилмасин деб оёқ томонида ётган кўрпани олиб устига ёпиб олди.

– Қандай талабингиз бор? – деди инспектор доимги расмий вазоҳатини ўзгартирмай.

– Менинг талабим? – такрорлади саволини аббат ажабланиб. – Ҳеч қандай талабим йўқ.

– Сиз менинг гапимга тушунмаяпсиз, шекилли, – сўзида давом этди инспектор, – мени ҳукумат турмани назардан ўтказиш ва маҳбусларнинг арз-додини эшитиш учун юборди.

– Э-э, гап бундай денг! – деди жонланиб аббат, – ундай бўлса, аминманки, иккимизнинг гапимиз бир ердан чиқади.

– Ана, кўрдингизми, – деди комендант, – гапни худди мен айтгандек бошлади.

– Марҳаматли жаноб, – давом этди маҳбус. – Мен аббат Фариа бўлман, туғилган жойим Рим, йигирма йил кардинал Роспильозининг котиби бўлиб ишладим; мени бир минг

саккиз юз ўн биринчи йилнинг бошларида номаълум сабаблар билан қамоққа олишди; ўшандан бери Италия ва Франция ҳукуматларидан озод қилишларини сўраб кўпдан-кўп талаб қилдим, натижа бўлмади.

– Нечун Франция ҳукуматидан? – деб сўради комендант.

– Чунки мени Пьомбинода тутиб олишди, менга аёнки, бу шаҳар ҳам Милан, Флоренция каби Франциянинг бирор департаментининг марказий шаҳри бўлиб қолган.

Инспектор ва комендант бир-бирига илжайиб қараб қўйди.

– Азизим, – деди инспектор, – Италия тўғрисидаги маълумотларингиз янги эмас.

– Бу маълумотлар ўша мен қамалган кунга тааллуқли, – жавоб қилди аббат Фариа, – ўша вақтда ҳазрати олийлари император Парвардигор ато қилган ўғлига Рим қироллигини барпо этиб берганида, у олий ҳазратлари ғалабаларга маҳлиё бўлиб Макиавелли ва Цезарь Борджианинг орзуларини рўёбга чиқариб бутун Италияни ягона, бўлинмас бир давлат қилиб бирлаштирди деб фараз қилган эдим.

– Бахтимизга, – деди эътироз билдириб инспектор, – тақдир тақозоси билан у улкан режалар ўзгариб кетди. Турган гапки, бу сизни таассуфга солгусидир.

– Италияни кучли мустақил ва бахтиёр давлатга айлантиришнинг ягона йўли шу, – деди аббат.

– Эҳтимол, – деди жавобан инспектор, – бироқ мен бу ерга Италия сиёсатини муҳокама қилгани келганим йўқ, фақат сиздан бу хона ва овқат сизни қаноатлантирадими ёки йўқми, шуни сўрагани келдим.

– Овқат бошқа ҳамма турмалардаги сингари бу ерда ҳам бемаза, – деди аббат, – хонани ўзингиз кўриб турибсиз, зах, соғлиққа кони зарар, бироқ умуман олганда, ер ости турмаси учун дуруст. Ҳозир гап бунда эмас, гап шундаки, мен ҳукуматга ниҳоятда муҳим бир сирни маълум қилмоқчиман.

– Ана, бошланди, – деди комендант инспекторнинг қулоғига шивирлаб.

– Сизни кўриб хурсанд бўлганимнинг боиси ҳам шунда, – деди сўзида давом этиб аббат, – мен жуда муҳим бир масалани ечаётган эдим, мабодо муваффақият билан ҳал этсам Ньютоннинг бутун системасини ўзгартириб юборишим



мумкин, сиз ана шундай муҳим ишимга халақит берсангиз ҳам, хафа бўлганим йўқ. Сиз билан якка гаплашишга рухсат қила оласизми?

– Мана, айтмадимми сизга, – шивирлади инспекторга комендант.

– Уз маҳбусларингизни яхши биларкансиз, – деди илжа-йиб инспектор, сўнг аббатга қараб деди: – Мен бу илтимосингизни бажара олмайман.

– Мабодо бу гапимиз ҳукуматнинг хазинасига беш миллиондан иборат улкан сумма тушиши устида кетса-чи?

– Ажабо, – деди инспектор комендантга қараб, – сиз ҳатто олдиндан оқ суммани ҳам айтиб берган эдингиз. Тавба.

– Майли, – деди аббат инспектор чиқиб кетмоқчи бўлаётганини кўриб, – яккама-якка бўлмаса ҳам гаплашаверайлик; суҳбатимизда жаноб комендант ҳам иштирок этиши мумкин.

– Азизим, – деди унинг сўзини бўлиб комендант, – афсуски, сиз айтмоқчи бўлган гапларнинг ҳаммасини биз алпақачон ипидан-игнасигача билиб олганмиз. Хазинангиз устида борса керак-да гап, шундайми?

Фариа уни мазах қилаётган комендантга шундай бир назар ташладики, четдан келган киши аббатнинг бу қарашидан у оқил ва дили пок одам эканини дарров пайқаб оларди.

– Ҳа, шундай албатта, – деди аббат, – бундан бошқа нима ҳақида гапиришим мумкин?

– Жаноб инспектор, – давом этди комендант, – бу воқеани сизга аббатдан қолишмай ҳикоя қилиб беришим мумкин: мана беш йил бўлдики, бу гапларни қайта-қайта айтавериб миямни қоқиб қўлимга берди бу маҳбус.

– Бу, жаноб комендант, шундан далолат берадики, – деди аббат, – сиз, ривоятларда ёзилганидек, кўзи бўлсаям кўрмайдиган, қулоғи бўлсаям эшитмайдиганлар тоифасидан экансиз.

– Муҳтарам жаноб, – деди инспектор, – ҳукумат бой, Худога шукрки, у сизнинг пулингизга муҳтож эмас, у пулларингизни турмадан чиққанга қадар эҳтиёт қилиб сақлаб қўйинг, кейин ўзингизга асқатади.

Аббатнинг кўзлари олайиб кетди; у инспекторни қўлидан маҳкам тутиб олди.

– Агар мен турмадан чиқолмай қолиб кетсам-чи, – деди у, – агар адолатга хилоф равишда мени шу ертўлада бутунлайин қолдирсалар-чи, агар мен сирларни ҳеч кимга васият қилолмай ўлиб кетсам-чи, унда нима бўлади? Унда ўша олтин хазина бекорга йўқ бўлиб кетаркан-да? Ахир улاردан давлат ва унинг билан бирга мен фойдаланганим яхши эмасми? Мен олти миллион беришга ҳам розиман, агар мени озод этиб турмадан чиқариб юборсалар, олти миллион бераман, қолгани менга етади.

– Чиндан ҳам, – деди инспектор оҳиста, – мен бу одамнинг жиннилигини олдиндан эшитмаганимда, бу гапларининг ҳаммаси тўғри деб ўйлаган бўлур эдим, чунки у жуда ишонадиган қилиб гапиряпти.

– Мен жинни эмасман, фақат ҳақ гапни айтяпман, – деди Фариа маҳбусларга хос зийраклик билан инспекторнинг ҳамма сўзларини эшитиб. – Мен ҳикоя қилаётган олтин хазина чиндан ҳам бор, мен билан шартнома тузинг, бу шартномага мувофиқ, сиз мени айтган жойимга олиб борасиз, бизнинг кўз олдимизда уни кавлаб олишади, башарти гапим ёлғон чиқса, ҳеч нарса топишмаса, агар мен сиз айтгандек жинни бўлиб чиқсам, у вақтда мени ана шу ерга – ертўлага олиб келиб ташлашади қўйишади, сўнг бу ерда абадий қоламан ва ҳеч кимнинг миясини ачитмай, ҳеч кимни хит қилмай ўламан-кетаман.

Комендант кулиб юборди.

– Олтинларингизни кўмган жой бу ердан узоқми? – сўради у.

– Бу ердан юз милча нарида, – деди Фариа.

– Бунинг топган гапини қаранг-а, – деди комендант, – агар барча маҳбуслар турма ходимларини мана шунақа юз миль-юз миль сайрга таклиф этса-ю, турма ходимлари хўп деб жўнайверишса, у вақтда маҳбуслар салгина имконият туғилиши билан жуфтакни уриб қочаверишади-да. Бунақанги узоқ сайр вақтида қочиш имконияти оз бўлмаса керак.

– Маҳбусларнинг бу усули бизга маълум, – деди инспектор, – буни жаноб аббат биринчи ўйлаб чиққан эмас.

Сўнг у аббатга қараб деди:

– Мен сиздан, овқатлар қалай, деб сўраяпман, хўш, га-  
пиринг?

– Муҳтарам жаноб, – деди Фариа, – Исо пайғамбар ҳақи,  
бўшатиб юбораман деб қасам ичсангиз, мен сизга олтин  
кўмилган жойни айтиб бераман.

– Овқат дурустми? – такрорлади инспектор.

– Бундай шароитда сиз асло хавфланмасангиз бўлади,  
ўзингиз кўриб турибсизки, мен қочиш йўлини ахтараётган-  
ним йўқ; олтинни топгунларига қадар мен турмада қола-  
ман.

– Менинг саволларимга жавоб бермаяпсиз, – аббатнинг  
сўзини кесди энсаси қотиб инспектор.

– Сиз ҳам менинг илтимосимга жавоб бермаяпсиз-ку! –  
деди қичқириб аббат. – Бошқа тентаклар сингари сиз ҳам  
менинг сўзларимга ишонмадингиз, лаънат-э сизга! Менинг  
олтинларимни олишни хоҳламаяпсиз, майли, ўзимга қола-  
ди; мени озод этишни хоҳламаяпсиз, майли, мени Яратган-  
нинг ўзи озод этади. Туёғингизни шиқиллатинг, менинг  
сизга бошқа сўзим йўқ.

Аббат шундай деди-да, елкасидан кўрпани улоқтириб  
ташлади, ердан бир парча оҳакни олиб чизмалари ва риё-  
зиёти билан шуғуллана кетди.

– У нима билан шуғулланяпти? – сўради инспектор ер-  
тўладан чиқаётиб.

– Олтинларини ҳисоблаяпти, – деди комендант.

Фариа комендантнинг мазах қилиб айтган бу сўзларини  
эшитиб қаттиқ нафрат билан қараб қўйди.

Улар чиқиб кетишди, соқчи эшикни қулфлади.

– Чиндан ҳам унинг яшириб қўйган олтини бормикан-а?  
– деди инспектор зинадан юқорига кўтарилаётиб.

– У олтинларни тушида кўргану, уйғониб ақлдан озган,  
– сўз қотди комендант.

– Ҳақиқатан ҳам шундай бўлса керак, – деди инспектор  
оддий порахўрнинг гапини қилиб, – у ростакамига бой  
бўлганда, турмага тушармиди?!

Аббат Фариа ҳақидаги машмаша шу билан тугади. У  
турмада қолди, бироқ бу ташрифдан сўнг унинг жуда  
қизиқ жиннилиги тўғрисидаги гаплар ҳамма ёққа тарқа-  
либ кетди.

Хорижи имкондаги беҳисоб бойликларни ахтарган буюк хазина қидирувчилар Калигула ва Нерон бу бахти қаро зотнинг гапларига қулоқ солган, унга ишонган, у ис- таган ҳавони, кенгликни ва озодликни берган бўлур эди- лар. Бироқ замонамизнинг бурнидан наридагини кўришга ноқобил зодагонларида жасорат деган нарса йўқ, улар буйруқ беришади-да, аммо шу буйруқни эшитган қулоқ- лардан ўлгудек кўрқишади, хатти-ҳаракатларини кўриб турган кўзларни кўрганда, ўтакалари ёрилади. Улар ўзла- рини Худонинг вакиллари эканига ҳам ишонмай қўйиш- ган, эндиликда улар бошига тож кийиб олган шахслар, холос. Бир замонлар ўзларини Юпитернинг фарзанди деб ҳисоблаган ёки ўзларига шундай деб ном берган бу зот- лар баъзида ўз оталарига ўхшаб қолишади ҳам; аммо бу- лутлар ортида нималар бўлаётганини текшириш мурак- каб иш; ҳозирги замонда ердаги ҳокимлар қўл узатса ета- диган жойда. Қамоқхоналар ва улардаги ниҳоясиз жазо- лар оқибатини ошкора қилишдан ҳамиша кўрқади, ҳар қандай зулм қурбонларининг мажақланган суякларини ва қони оқиб ётган яраларини жумлаи жаҳонга жуда кам- дан-кам аён этади, турмалардаги зиндонларда виждон азоби – руҳий қийноқлар оқибатида ақлдан озган киши- ларни ҳам ўша ернинг ўзида яширин сақлайди, борди-ю бундай кишилар у ердан чиқиб қолгудек бўлса, уни қан- дайдир мудҳиш касалхонага тикадилар, докторлар эса тур- мачи ходимлар ташлаб кетган мурдалардан инсон қиёфа- сига оид бирон белги тополмай гаранг бўладилар.

Аббат Фариа турмада эс-ҳушини йўқотиб қўйгач, умр бўйи қамоққа ҳукм қилинди.

Дантес масаласига келганда, инспектор унга берган сўзининг устидан чиқди. У комендант кабинетига қай- тиб келиб маҳбуслар рўйхатини кўрсатишни талаб этди. Маҳбуслар рўйхатида Дантес тўғрисида қуйидагилар ёзил- ган эди:

*Эдмон Дантес. Ашаддий бонапартчи: узурпаторнинг Эль- ба оролидан қайтишида фаол қатнашган. Қаттиқ сир сақ- лансин, доимий назорат остида тутилсин.*

Бу изоҳлар бошқалардагига ҳеч ўхшамайдиган кўл ва сиёҳ билан ёзилган эди. Демак, бу изоҳлар Дантес қамалганидан кейин ёзилган.

Айбнома ниҳоятда қатъий бўлганидан унга қарши бирор эътироз билдириш мумкин эмасди. Шу сабабдан инспектор унинг ёнига ёзиб қўйди: «*Ҳеч нима қилиш мумкин эмас*».

Инспекторнинг ташрифи Дантесга анча жон киргизди. У турмага тушган дақиқаданоқ кунлар ҳисобини унутган эди, бироқ инспектор айтган ой ва кунни у унутмади. Шифтдан ўзилиб тушган оҳақ парчаси билан у деворга ёзиб қўйди: 1816 йил 30 июл. Ўшандан бошлаб вақт ҳисобидан адашмаслик учун ҳар куни белги қўйиб борди.

Кунлар, ҳафталар, ойлар ўтди. Дантес ҳамон кутар эди: даставвал у икки ҳафта кутишга қарор қилди. Инспектор унинг ишига озгина аҳамият бериб қараганда эди, шу икки ҳафта ҳам етиб ортарди. Бу икки ҳафта ўтгандан сўнг Дантес, инспектор Парижга қайтиб бормагунча менинг ишим билан шуғулланади деб ўйлаш хомхаёл, деди ўз-ўзига. Парижга эса у топширилган тафтиш ишларини батамом тутатгач қайтади, бу ревизия эса бир ойга, ҳатто икки ойга чўзилиши мумкин. Шу сабабли у янги муддат белгилади: икки ҳафта ўрнига уч ой. Уч ой ҳам ўтгач, у яна бир мулоҳаза қилиб, ўзича ярим йил муддат берди. Бу ярим йил ўтгандан кейин кунларни ҳисоблаб чиқса, роса тўққиз ярим ой кутибди.

Бу ойлар мобайнида унинг аҳволида ҳеч қандай ўзгариш юз бермади. У кўнглига тасалли берадиган бирорта хабар олмади. Турма ходими илгаригидек гунг эди. Дантес ҳиссиётларига ишонмай қўйди, хаёлни чин деб ўйлаб юрган экан, турмада пайдо бўлган юпатувчи фаришта тушида келиб кетган экан...

Шундан бир йил ўтгач, комендантни ўзгартиришди; унга Гам қалъасини топширишди. У ўзи билан итоатидаги баъзи бир ходимларни, шу жумладан, Дантеснинг қоровулини ҳам олиб кетди.

Янги комендант келди: маҳбусларнинг фамилияларини эсда сақлаш қийин туюлди шекилли, у қамоқдагиларни рақамларини айтиб таништиришни талаб қилди. Бу даҳ-

шатли даргоҳнинг элликта хонаси бор эди; маҳбусни рақамлар билан атайдиган бўлишди. Шунда шўрпешона йигит Эдмон деган исмидан ва Дантес деган фамилиясидан ажралиб, ўттиз тўртинчи рақам бўлиб қолди.

## **XV. 34-РАҚАМ БИЛАН 27-РАҚАМ**

Турмада ҳамманинг ёдидан кўтарилиб, якка қолиб кетган маҳбус қандай оғир азоб-уқубат чекса, шуларнинг ҳаммасини Дантес ҳам бошидан кечирди.

Даставвал у бегуноҳ эканини англаб, яхши умидлар оғушида ғурурланиб юрди, сўнг гуноҳсиз эканлигига ўзи ҳам ишонмай қўйди, бу эса уни жиннига чиқариб қўйган комендантнинг назариясини маълум даражада тасдиқлади ҳам. Пировардида у ғуруридан бир поғона пастга тушиб, ҳали-ҳозирча Худога эмас, одамларга сиғиниб, ялиниб-ёлвора бошлади.

Инсон бошига мусибат тушса Худога илтижо қилиши керак, лекин у ҳеч кимдан, ҳеч қаердан нажот тополмагачгина Худога мурожаат қилади.

Дантес уни бундан қоронғироқ ва захроқ бўлса-да, бошқа ертўлага кўчиришларини илтимос қилди. Бу ўзгариш, нечоғли ёмон бўлса-да, муҳитни янгилаб, уни анча овунтириши мумкин. Ҳовлига чиқиб, ҳавода юришга, китоб ва асбоб-ускуналар олишга рухсат беришларини сўради. Унга ҳеч нарса беришмади, бироқ у ҳадеб сўрайверди. У ўзига бириктирилган турма ходими билан тил топди; янги соқчи илгаригисидан ҳам баттарроқ гунг эди. Аммо Дантес учун бирор киши билан, ҳатто у гунг-соқов бўлса-да, гаплашиш кўнглили иш эди. Дантес ўзининг овозини эшитиш учун гапирарди соқчига, у танҳо ўзи билан ўзи ҳам гаплашиб кўрди, бироқ бундай вақтларда уни ваҳима босарди.

Қамалишдан бурун озод кунларида Дантеснинг ўй-хаёлини баъзан беихтиёр даҳшатли турма хоналари, улардаги дайдилар, қароқчилар ва қотилларнинг разил ўйин-кулгилари, ваҳшиёна қийқириқлари чулғаб оларди-да, кўнглини нохуш этарди. Эндиликда эса у мана шундай базмлардан биронтасида бўлишни ва безбет, гунг соқчидан бошқа би-

рон-бир кишининг ҳеч бўлмаса афт-башарасини кўришни истарди. У оёғида занжир ва елкасида тавқи лаънат тамғаси билан шарманда-ю шармисор бўлиб юрадиган жуддурвоқи каторжник бўлмаганидан афсусланади. Каторжниклар ўзига ўхшашлар гуруҳида бўлади, очиқ ҳавода нафас олиб, мовий самони кўради. Улар бахтли кишилардан.

У турма ходимидан ким бўлмасин бирор одамни ёнига қўйишларини сўраб, таърифини эшитган ўша жинни аббат бўлса ҳам майли, деб ялиниб-ёлворди. Турма ходими қанчалик бағри тош кўринмасин, юрагининг чуқур бир жойида инсоний ҳис яшириниб ётарди. Дантеснинг соқчиси ўлим қафасида жуда оғир азоб чекаётган шўрлик йигитга ич-ичидан ачинаётган бўлса-да, буни билдирмасликка уринади. У 34-рақамнинг илтимосини комендантга етказди: бироқ комендант сиёсий арбобга хос эҳтиёткорлик кўрсатиб, бу Дантес маҳбусларни оёққа кўтармоқчи ёки ўртоғининг кўмаги билан қочиб кетмоқчи, деб ўйлаб, илтимосни рад этди.

Дантес инсон қўлидан келадиган ҳамма воситаларни ишга солиб кўрди. Нажот бўлмади. Шунинг учун у энди Худога мурожаат қилди. Шунда Дантеснинг барча тавфиқли фикри-хаёллари (тақдир эзиб-букиб ташлаган бахти қаролар ҳаммиша орзу-умид билан яшайдилар) унга далда берди: у онаси ўргатган дуоларни эслади ва улардан ўзига шу пайтгача маълум бўлмаган маъно топди. Чунки дуо бахтсиз киши ғам-ғуссада Худога илтижо қилиб, уларга чуқур маъно бағишламагунча, бахтлилар учун бир хилдаги қуруқ сўзлар йиғиндиси бўлиб қолаверади. У жон-жаҳди билан товушини барала чиқариб ибодат қилса-да, ўз овозидан энди кўрқмасди. Ҳар бир сўзини жазаваси қўзғаб, титроқ босиб изҳор этар, шунда унинг кўз олдида Худо намоён бўларди. Осойишта ўтган ва пиروвардида поймол этилган ҳаётида нимаики бўлган бўлса, буни Худодан кўрар, улардан ўзи учун хулоса чиқарар, аҳд қилар, ҳаммиша дуоларни киши Худога эмас, одамларга мурожаат қилганда айтадигандек: «Э Худо, ўзинг гуноҳимдан ўт, ахир биз ҳам қарздорларимизнинг гуноҳидан ўтамиз-ку», – деган таънали сўзлар билан тугатарди.

Худога зўр ихлос билан илтижо қилиб сифинса-да, нажот бўлмади. Дантес турмадан чиқолмади.

Шундан кейин у руҳий тушкунликка тушиб қолди. Дантес оддий илмсиз киши бўлиб, унинг учун ўтмишни сир сақлайдиган фаннинг эшиклари берк эди. У турмада ёлғиз ётиб, қуруқ хаёл билан ўтган асрларни қайта тиклай олмас, ёшини яшаб ўтган халқларни тирилтириб кўз ўнгида гавдалантиролмас, тасаввурларда улғувор ва гўзал бўлиб келган Мартиннинг<sup>11</sup> вавилон картиналари сингари дилларга завқ бағишлаган қадимий шаҳарларни жонлантира олмасди, албатта. Дантеснинг фақат қисқа ўтмиши, зимистон ҳозири ва номаълум келажаги бор эди. Атиги ўн тўққиз баҳорни кўрган бу йигит эндиликда эҳтимол охири йўқ тим қоронғи тунларда фақат ўтган кунларинигина ўйлай олиши мумкин эди. Мана шу сабабдан у ўзини ҳеч нарса билан овунтира олмас, унинг асрлар оша қанот қоқиб учиши мумкин бўлган ақл-идроки худди бургутдек тор қафасга тиқиб қўйилган эди. Шундан сўнг у бир фикрга – яъни хавфли фалокат оқибатида, сабабсиз сароб этилган бахт тўғрисидаги фикрга маҳкам ёпишиб олди, шу фикр устида роса бош қотирди, уни ҳар мақомга солиб кўрди ва таъбир жоиз бўлса, Дантеснинг дўзахида бераҳм, Уголино архиепископ Руджинерининг калла суягини ғажигани каби тишлари орасига олиб ғажиди. Дантеснинг Худога ишончи шунчаки ўткинчи, бир зумда унутиладиган, ҳамма нарсага қодирлик тўғрисидаги фикрга асосланган ишонч эди. Бошқалар муроди ҳосил бўлгач, динга ишончидан воз кечганидек, Дантес ҳам илоҳий кароматларга бўлган ишончини йўқотди. Аммо у муродига етолмади.

Оқибат шунга олиб келдики, Худонинг мўмин, итоатли бандаси шаккокка айланди-қўйди. У Худодан нолиб, уни ҳақорат қилар, буни эшитган турма ходимининг кайфи учар эди; Дантес бошини турма деворига уриб дод соларди. Ўз кўзи билан кўрган, Вильфор кўрсатган, ўзи қўли билан ушлаган ўша яширин маълумот хаёлидан ҳеч нари кетмасди. Унинг ҳар бир сатри Валтасарнинг «Мене, Текел, Фарес»<sup>12</sup> и каби деворда чўғдай ёниб турарди. «Мени ҳалоқат жарига

---

<sup>11</sup> Джон Мартин – инглиз рассоми (1789–1854).

<sup>12</sup> «Ҳисобланган, тортилган, бўлинган» (Таврот.)



итариб ташлаган Худонинг қаҳри эмас, одамларнинг ғазаби-нафрати» дерди у ўз-ўзига. Уша номаълум одамларни оғзига нима келса қайтармай ҳақорат қилар, қарғар, уларга жўшқин ёш тасавури бовар эта оладиган турли хил ўлимларни тиларди; лекин буларга кўнгли тўлмас, чунки бу қисқа муддатда ўтиб кетадиган азоб, чунки қатл этилгач, одам мурдага айланади, мурда эса ҳамма ҳиссиётлардан маҳрум бўлиб, ҳеч нарсани сезмайди, дерди.

Дантеснинг бутун фикр-хаёли душманларида, у, «ўлим – ҳаловат, шунинг учун душманни қаттиқ қийнаш учун ўлдириш шарт эмас», деган сўзларни ҳадеб ичида қайтараверди: натижада ўзини ўлдириш фикрига ўтди, бу эса Дантесни руҳий тушкунликка олиб келди. Ғам-ғуссага тўла ҳаёт йўлида ана шундай мудҳиш фикрга келиб тўхтаган кишининг ҳолига вой! Бу фикр тиниқ сувли, сокин денгизга ўхшар, лекин унда сузувчи оёғини чирмовиқлар ўраб пастга тортаётганини, дафн этаётганини ҳис этади. Агарда шу пайт унга осмону фалақдан мадад бўлмаса, бу дунё билан хайр-маъзур қилиш ҳеч гап эмас, у ўзини бу балодан халос этаман деб қанча уринса, бу денгиз уни шунча тез ажал гирдобига тортаверади.

Ҳар нечук бу руҳий васваса илгариги жабр-зулмларга ва бундан сўнг келадиган жазоларга қараганда унчалик даҳшатли эмас; бу руҳий васваса кишини анча овунтиради, у жаҳаннам сари ундайди, бироқ жаҳаннам – йўқлик деган гап. Эдмон бу фикр билан ўзини овунтирарди, унинг бутун дарди-алами, изтироблари, ваҳимага солган шарпалар, Азроил аста қадам қўймоқчи бўлаётган мана шу турма кулбасидан учиб чиқиб, гумдон бўларди. Гўё Дантес ўз ҳаётининг ўтмишига хотиржам назар ташлар, аммо келажагини кўз ўнгига келтирганда даҳшатга тушарди, хуллас, у ўз тасавурида бу турмуш ғавғоларидан қочиб қутулса бўладиган ҳалиги маконга йўл олишга қарор қилди.

– Узоқ сафар вақтларида, – деди у ўз-ўзига, – яъни мен ҳақиқий одам эканимда ва эркин, куч-ғайратга тўла одам сифатида бошқа одамларга буйруқлар берганимда ва буйруқларим дарҳол бажо этилган пайтларда, кўпинча осмонни булутлар қоплаб олаётганини, тўлқинлар жунбишга келганини, осмоннинг бир чеккасидан бўрон кўтарилиб улкан

бургут каби қанотларини қоқаётганини кўрардим. Ана шунда кемам заиф бир кулба эканини ҳис этардим, у худди девнинг кафтидаги пат каби пирпирар, титрарди. Тўлқинларнинг даҳшатли гумбурлари орасидан кўзимга ўлимдан дарак берувчи тик қоялар кўринарди: ўшанда мен ўлимдан кўрқардим ва қандай бўлмасин уни даф қилишга тиришардим, бутун инсоний куч-қудратни ва денгизчига хос маҳоратни ишга солиб Худо билан яккама-якка жанг қилардим!.. Аммо у вақтда мен бахтиёр эдим; чунки тирик қолиш бахтли ҳаётга қайтиш демак эди. У вақтда ўлимни асло истамасдим; жонимга қасд қилишни, сувдаги гиёҳлар ва тошлар устида бу дунёдан абадий кўз юмишни мутлақо хоҳламасдим; Парвардигорнинг шакли шамойилида яратилган бир зот бўла туриб, қирғийлар ва балиқчи қушларга ем бўлсам яхшими ахир, деб ғазабланардим. Ҳозир эса аҳвол тамомила бошқача; мен яшашга даъват этадиган ҳамма нарсалардан маҳрум бўлдим. Эндиликда, ўлим гўдагини алпалаётган она каби менга илжайиб тикилиб турибди, энди мен ўз ихтиёрим билан ўляпман, бу зиндонда кунига уч минг марта гир айланиб ўттиз минг қадам ташлаб, ақлдан озиб, ҳолдан тойгач, абадий кўз юмаяпман.

Мана шу фикр унинг дилидан чуқур жой олганидан кейин Дантес мўмин-қобил, анча хушчақчақ бўлиб қолди. Тўшакнинг қаттиқлигидан ва қора нондан унча нолимай қўйди. Овқатни ҳам кам ер, мутлақо ухламасди, шундай ҳаётни ҳар дақиқада эски кўйлакни улоқтириб ташлагандек бўйнидан соқит қилиши мумкин эканлигига тушунгач, ўз ҳаёти кўзига ҳаддан ташқари ёмон кўринмай қолди.

Ўлишнинг икки усули бор эди: бириси жуда жўн – дастрўмолчани дераза панжарасига боғлаб ўзини осиш; иккинчиси, овқат еяётган бўлиб кўриниш, лекин овқат емай очдан ўлиш; биринчи усулдан Дантес жирканарди, у кема дорига осиб ўлдириладиган қароқчиларга нафрат руҳида тарбияланган эди; шу сабабдан, сиртмоқда ўлишни шармандалик деб ўйларди у, бинобарин, бу усулни рад этиб, иккинчи усулни қабул қилди-да, уни шу куннинг ўзидан амалга ошира бошлади.

Дантес мана шу азоб-уқубатда тўрт йилни ўтказди. Иккинчи йилнинг охирида у деворга чизишни тўхтатди ва

инспектор келиб кетганидан олдинги пайтлардаги каби кунлар ҳисобидан яна адашди.

У ўз-ўзига: «Мен ўлишни истайман», – деди-да, ўлиш усулини ўзи танлади, сўнг ҳамма томонини муфассал ҳисобга олиб чиқди ва бу йўлдан қайтмаслик учун, албатта очликдан ўламан, деб қасам ичди. «Менга тушки ёки кечқурунги овқатни келтирганларида, – деди у, – овқатни деразадан ташқарига ташлаб юбораман; шундай қилсам, овқатнинг ҳаммасини ебди, деб ўйлашади».

У худди шундай қилди. Бир парча ёруғлик тушиб турадиган деразадан кунига икки марта келтирилган овқатни улоқтириб ташлайверди; авваллари хурсанд бўлиб, сўнг ўйланиб-ўйланиб, охири афсусланиб ташларди овқатни; қасами ёдига тушгандагина бу даҳшатли қарорини амалга оширишда куч-ғайрат пайдо бўларди. Дастлабки вақтларда кўрганда жирканадиган ана шу овқат энди очлик пайтларида унинг кўзига жозибали ва хушбўй бўлиб кўринарди. Баъзида у ликопчадаги сассиқ мол гўштини ёки бир парча балиқни ва моғорлаган бир бурда қопқора нонни кўлида тутган ҳолда соатлаб суқланиб тикилиб ўтирарди. Ана шундай пайтларда ундаги жон асари ўз-ўзидан қаршилик кўрсатар, аҳён-аҳёнда даҳшатли қароридан устун чиқар эди, шунда турма унинг кўзига анча дуруст жой бўлиб кўринарди, қисмати унчалик аччиқ туюлмас эди. У ҳали ёш, эндигина йигирма беш ё йигирма олтига борган, яна эллик йил яшаши мумкин, бу ўтган умридан икки баробар ортиқ. Ана шу узоқ муддатда ҳар қандай воқеа турма эшикларини парчалаб ташлаши, Иф қалъасининг деворларини тешиб, уни озод этиши мумкин эди. Мана шу ўй-хаёллар гирдобида у овқатни оғзига олиб келарди, аммо шу он қасами ёдига тушарди-да, субутсиз бўлишдан қўрқиб, бор кучини йиғиб нафсини тиярди; ўзидаги ҳаёт учқунларини ҳеч иккиланмай раҳмсизлик билан ўчириб ташларди. Охири ўрnidан туришга ҳам мадори келмай, кечки овқатни деразадан улоқтириб ташлай олмай қолди.

Эртаси кун у ҳеч нарса кўрмай, қулоғи ҳам оғирлашиб қолди. Турма назоратчиси уни касалга – оғир касалга йўйди. Эдмон ажали тезроқ етиб келишига умид боғларди.

Шу тахлит бир кун ўтди, Эдмон уни қандайдир нохуш мудроқ босаётганини сезди, бу унга ёқимли туюлди. Қорин оғриғи деярли тўхтади; чанқоғи босилди, у кўзини юмганда, қаршисида тунлари ботқоқликлар устида парпираб турган чйроқчаларга ўхшаган ёрқин нуқталар пайдо бўларди, бу ўлим деб ном берилган ўша номаълум дунёнинг тонги эди.

Кечқурун, соат тўққизларда, каравоти турган девор орақасидан ногаҳон тақ-туқ этган овоз эшитилди.

Бу турмада жирканчли қурт-қумурсқаларнинг сон-саногии йўқ бўлиб, Эдмон бундай арзимас ҳодисалардан таажжубланмай, бемалол уйқуни ураверишга аста-секин одатланиб қолган эди. Бу гал эса, очлик зехнини жуда ўткирлаштириб юборганиданми ёки у шовқин илгариларидан кучлироқ бўлганиданми, ҳаётнинг сўнгги дақиқаларида ҳамма нарса аҳамият касб этиб қолганиданми, Эдмон бошини кўтариб, қулоқ солди.

Кимдир ўсиқ тириоғи билан ёки туяникидек тишлари билан, ё бўлмаса, бирорта асбоб билан бир мақомда тошни синдирарди.

Маҳбуслар озодликка чиқиш тўғрисидаги фикр-хаёлини ҳеч ерда, ҳеч қачон унутмайди, шу дақиқада бу муқаддас фикр Дантеснинг туман босган миясига ҳам ёриб кирди.

Дантес ҳамма товушларни эшитишдан абадий маҳрум бўлаётган бир дамда бу овоз эшитилиб қолди-ю, у Худо, азоб-уқубатда қолган мен бандасига раҳм қилиб, қабр олдида тўхтатиб қолиш учун мана шу овозни юборди, деб ўйлади. Ким билсин, дўстларидан, кечаю кундуз кўз ўнгидан кетмаган қадрдон кишиларидан бирортаси уни қутқариш учун, ҳижрон муддатини қисқартиш учун тиришиб ҳаракат қилаётгандир.

Бундай бўлиши маҳол, шунчаки унга туюлган бу ўлим олдидаги туш, холос. Аммо Эдмон ҳамон қулоқ соларди. Тошни қиртиллатиш уч соат чўзилди. Эдмон, нимадир шув этиб тушганини эшитди, сўнг сукунат чўкди.

Бир неча соат ўтгач, товуш яна қаттиқроқ ва жуда яқиндан эшитилди. Эдмон бу ишга фикран қатнашиб турди ва энди ёлғизликни унчалик ҳис этмай кўйди. Шу пайт тўсатдан турма назоратчиси кириб келди.

Дантес ўзини ўлимга ҳукм қилганидан буён бир ҳафта ўтди, туз тотимаганига тўрт кун бўлди. Шу вақт ичида у турма назоратчиси билан бирон марта гаплашмади, у қаерингиз оғрияпти деб сўрагани, жавоб қайтармади, назоратчи узоқ тикилгудек бўлса девор томонга ўгирилиб оларди. Энди эса ҳаммаси ўзгариб кетди, назоратчи ҳалиги товушни эшитиб қолиши, уни тўхтатиб қўйиши, ўлиб бораётган Дантеснинг охириги умидини пучга чиқариши мумкин эди.

Турма назоратчиси нонушта келтирган эди.

Дантес тўшак устида бошини кўтарди-да, оғзига нима келса ҳаммасини гапираверди; овқатнинг расволиги, хонанинг ниҳоятда захлиги тўғрисида тинмай вайсаб, сўкиниб бақираверди; бемор маҳбус учун бир коса шўрва ва юмшоқ нон сўраб олиб келган назоратчи жуда афсусланди. Хайриятки у, Дантес васвасага тушиб қопти, деб ўйлаб, овқатни синиқ столга қўйди-да тезда чиқиб кетди. Дантес енгил нафас олиб, қувонч-ла яна қулоқ сола бошлади.

Товуш жуда аниқ эшитила бошлади.

– Шубҳасиз, – деди ўз-ўзига у, – бу тақиллатиш кундузи ҳам давом этаётганидан маълум бўладики, бахти қаро маҳбуслардан кимдир бу жабр-зулмдан қутулиш учун ўлиб-тирилиб меҳнат қиляпти. Агар мен ҳозир унинг ёнида бўлсам, жонимнинг борича ёрдам қилардим!

Сўнг тўсатдан келган бир фикр унинг умид тонгини қопқора булутлар билан қоплаб қўйди. Бахтсизликка кўникиб қолган киши қувончига зўрға ишонади. Дантес ҳам бояги тахминидан қайтиб, комендант қўшни хонада бирор нарсани таъмир қилишга юборган ишчилар тақиллатаётган бўлса керак, деган фикрга келди.

Буни аниқлаб олиш қийин эмас, албатта, бироқ қандай қилиб назоратчидан сўрайди? Турма назоратчисининг келишини кутиб унга тақиллаётган томонни кўрсатиш ва шу пайт унинг важоҳатидаги ўзгаришни кўриб, ҳалиги жумбоқни ечиш осон гап, аммо бир лаҳза қаноат ҳосил қиламан деб шу овоз келтираётган озодликдан маҳрум бўлиб қолиш ҳам ҳеч гап эмас-ку?.. Эдмоннинг боши қотди. У ниҳоятда тинкаси қуриб, фикрлари чувалашиб кетди, у энди фикри-

ни бир нуқтага қарата олмай қолди. Ўз фикр-хаёлини ойдинлаштиришга биттагина восита кўринарди унинг кўзига, у ҳам бўлса назоратчи столга қўйиб кетган овқат эди. Дантес кўзларини тикди-да, ўрнидан турди, гандираклаб стол олдига борди, косани қўлига олди, лабларига олиб бориб, завқ билан шўрвани ичди.

Дантес шунинг ўзи билан қаноат этишга ўзини мажбур этди, у кема ҳалокатидан кейин денгиздан қутқариб олинган денгизчилар очкўзлик қилиб овқатни кўп еб, бўкиб ўлганларини эшитган эди. Эдмон оғзига олиб бораётган нонни қайтариб стол устига қўйди-да, яна ётди. Энди у ўлишни истамасди.

Кўп ўтмай у эс-ҳуши жойига келиб, фикри равшанланаётганини сезди. У энди фикр юритишга ва фикрларни бири-бирига мантиқий боғлашга қодир эди.

Хуллас, у ўз-ўзига шундай деди:

– Ҳеч кимнинг сирини ошкора қилмасдан, бу овозни аниқлаш зарур. Тошни қириб-тешаётган оддий бир ишчи бўлса, деворни тақиллатсам бас, у дарҳол ишни тўхтатади-да, ким ва нега тақиллатаяпти, деб ўйлаб қолади. Мабодо бу маҳбус бўлса, менинг тақиллатганимни эшитиб қўрқиб кетади ва тағин тутиб олмасинлар, деб ишни тўхтатади; фақат кечқурун, ҳамма ухлагандан кейингина давом эттиради.

Эдмон шу заҳоти ўрнидан турди. Энди оёқлари қалтирамас, букилмасди. Бурчакка бориб, девордан тош олди-да, ҳалиги товуш жуда аниқ эшитилаётган жойни тақиллатди.

Биринчи тақиллатишдаёқ нарёқдан келаётган товуш тўхтади.

Эдмон бутун диққат-эътиборини бериб қулоқ соларди. Бир соат ўтди, икки соат ўтди. Битта ҳам товуш эшитилмади. Эдмон деворни бир тақиллатиши билан нарёқ жим бўлди-қўйди.

Эдмон орзулари ушалишига ишониб қувонди-да, бир оз нон еди, бир қултум сув ичди ва табиат ато этган бақувватлиги туфайли анча кучга кириб олди.

Бутун кун бўйи жимлик ҳукм сурди.

Кеч кирди, бироқ товушдан дарак йўқ.

«Бу маҳбуснинг иши», – ўйлади Эдмон ўзида йўқ қуво-  
ниб. Дунё энди кўзига қоронғи кўринмай қолди. У яшаш  
учун яна кураша бошлади.

Бутун тун бўйи тиқ этган товуш эшитилмади.

Бу кечани Эдмон бир дақиқа ҳам кўз юммай ўтказди.

Тонг отди, турма назоратчиси овқат келтирди. Дантес  
кечагидан қолган овқатни еб бўлган эди, ҳозир келтирил-  
ган овқатни ҳам зўр иштаҳа билан ея бошлади. У тақил-  
лаш яна қайтарилмасмикин, деб диққат билан қулоқ со-  
лар, бутунлай тўхтаб қолса-я, деб ташвишланар, зиндонда  
гир айланиб чиқар, соатлаб деразанинг панжарасини сил-  
таб-силкиб кўп вақтдан буён унутиб қўйган бадан тарбия  
билан шуғулланар ва шу билан яна куч тўплаб, майдонга  
баданига мой суртиб, қўлларини уқалаб чиқадиغان полвон  
сингари, бўлажак курашга тайёрланарди. У баъзан тўхтаб,  
яна қулоқ солар ва маҳбуснинг эҳтиёткорлик қилаётгани-  
дан хафа бўларди. Ахир унинг ишига озодликни жон-дили  
билан қўмсаб ётган ўзи каби бошқа маҳбус халал берди-ку.

Шу зайлда уч кеча-ю, уч кундуз – уқубатли етмиш икки  
соат ўтиб кетди!

Ахири бир кун оқшом пайтида, турма назоратчиси кет-  
гач, Дантес юзинчи марта қулоғини деворга тутганда, де-  
вор нарёғида нимадир парзага келиб, Дантеснинг миясига  
урилгандек бўлди.

Ҳаяжонга тушган Дантес эс-ҳушини йиғиб олиш учун ор-  
қасига қайтди, бир неча бор хонани гир айланиб чиқди,  
сўнг ҳалиги жойга яна қулоғини босди.

Шубҳасиз, девор орқасида бирор ҳодиса юз бераётиб-  
ди: афтидан, маҳбус илгариги усулини хавфли деб билиб,  
бошқасини ишлатяпти, бамайлихотир ишлаш учун у иска-  
нани ричагга алмаштирди, шекилли. \*

Эдмон ўзининг бу хулосасидан ўзи илҳомланиб, толмас  
маҳбусга ёрдам қилишга қарор қилди. У каравотини бир  
четга суриб қўйди, чунки чамасида, озодлик йўлидаги иш  
ана шу каравот орқасида олиб борилаётган эди; деворни  
кавлаш учун, нам оҳакни сидириб ташлаб, тошни суғуриб  
олиш учун бирорта асбоб ахтариб, атрофни қараб чиқди.

Бироқ унда бу ишга ярайдиган ҳеч нима – пичоқ ҳам,  
бошқа бирор ўткир асбоб ҳам йўқ эди. Фақат панжаранинг

йўгон темир симлари бор, ammo улар жуда пухта ўрнатилганини Дантеснинг ўзи бир неча бор синаб кўрган.

Унинг хонасидаги рўзгор битта каравот, битта стул, битта стол, челақ ва хумчадан иборат эди.

Каравотнинг темир тиргаклари бор, бироқ улар тахтага винт билан бураб ташланган. Винтларни бўшатиб, тиргакларни олиш учун бурагич керак.

Стол ва стулда бу ишга яроқли ҳеч нима йўқ, челақнинг дастасини ҳам суғуриб олиб қўйишган.

Дантес учун ягона бир йўл қолди, у ҳам бўлса хумчани синдириб, унинг ўткир қирралари билан кавлаш.

У хумчани кўтариб ерга урди, хумча чилпарчин бўлди.

Дантес икки-уч ўткир қирралаи сопол бўлагини олди-да; пахтали тўшак ичига яшириб қўйди, бошқа бўлақларини ерда қолдирди. Хумни синдириш турмада оддий воқеа, у ҳеч қандай шубҳага олиб бормади.

Эдмон бутун тун бўйи ишлаши мумкин, бироқ қоронғида иш унча юришмади; тимирскилаб ишлашга тўғри келди; нозик асбоби қаттиқ тошга тегиб, ўтмаслашиб бораётганини билиб қолди. У каравотини жойига қайтариб суриб қўйди-да, тонг ёришишини кутди. Умид кетидан сабртоқат, матонат пайдо бўлди унда яна.

Туни билан кўз юммай қазувчининг ишига қулоқ солиб чиқди. Қўшни ишни тонг отгунча бир зум ҳам тўхтатмади.

Тонг ёришди. Турма назоратчиси кирганда Дантес, оқшом пайтида сув ичмоқчи бўлган эдим, хумча қўлимдан тушиб кетди ва синиб қолди, деди. Соқчи алланима деб тўнғиллади-да, сопол синиқларни йиғиб олмай, бошқа хумча келтиргани чиқиб кетди.

Кўп ўтмай у қайтиб келди ва эҳтиёт бўлиш керак, деб танбеҳ бериб кетди.

Дантес қулфнинг шиқирлаганини эшитиб, ўзида йўқ қувониб кетди; илгарилари қулф-калит товушини эшитганда ҳар сафар юраги орқасига тортиб кетарди. Назоратчининг оёқ товуши тиниши билан у югуриб бориб, каравотни суриб ташлади-да, зиндондаги ғира-шира қуёш ёғдусида деворга қаради; у ярим кечада беҳудага меҳнат қилган экан; тошнинг атрофини қириб кавлаш ўрнига тошнинг ўзини ураверган экан.



Зах оҳакни ивитиб, юмшатиб қўйган эди.

Оқ шувоқ осонгина кўчаётганини кўриб Дантес яна қувонди, шувоқ жуда майда-майда кўчаётган бўлса-да, Дантес умидсизланмасди, чунки чорак соатда у бир қисм оҳакни кавлаб олди. Математик бўлганда, иш шу тариқа кетса, икки йил мобайнида, мабодо бирор харсанг тўғри келиб қолмаса, узунлиги йигирма фут келадиган икки квадрат футли туйнук қазиб чиқиш мумкинлигини ҳисоблаб бера оларди.

Орзу-умидлар, дуо-сиғинишлар, қайғу-ҳасратларга беҳуда сарф этилган илгариги сон-саноксиз соатларни шу ишга сарфламаганидан жуда афсусланди.

Шу ертўлада ўтказган олти йил мобайнида у ҳар қандай ишни ҳеч сўзсиз бажариб қўйган бўлур эди.

Бу сўзлар унинг ғайратига ғайрат қўшди.

Уч кун ичида жуда эҳтиёткорлик билан ишлаб, ҳамма шувоқни кўчириб ташлаб, тошни қип-яланғоч қилиб ташлади. Девор жуда қаттиқ тошдан тикланган ва баъзи жойларига маҳкам бўлсин учун тош тахталар қўйилганди. Дантес яланғочлаган тош ана шу тош тахталардан бири эди. Энди уни бўшатиб олиш керак.

Дантес тирноқларини ишга солиб кўрди, бироқ наф бўлмади.

У сопол бўлақларини тирқишга қўйиб, босиб кўрган эди, сопол синиб кетди.

Шу тарзда Дантес роса қийналди-да, ҳафсаласи пир бўлиб, ишни тўхтатди.

Наҳотки, қўшнисининг бир ўзи ишни тугатгунга қадар у икки қўлини қовуштириб бекор ўтираверса?

Унинг калласига тўсатдан бир фикр келди; пешона терини артди-да, илжайиб ўрнидан турди.

Турма назоратчиси ҳар куни унга тунука кастрюлда шўрва келтиради. Шу кастрюлда бошқа маҳбусга шўрва олиб борсалар керак. Назоратчи кимдан бошлаганига қараб, кастрюл баъзан тўла, баъзида ярим бўларди, буни Дантес кўрган эди.

Кастрюлнинг темир дастаси бор; ана шу темир даста керак Дантесга: унинг эвазига у ўн йиллик ҳаётини беришга тайёр!

Турма назоратчиси ҳар галгидек кастрюлдаги шўрвани Дантеснинг ликопчасига тўкар, ликопчани Дантеснинг ўзи ҳар куни ювиб қўярди.

Кечқурун Дантес ликопчани эшик билан стол ўртасига ерга ташлаб қўйди. Турма назоратчиси кириб келаётиб ликопчани босиб олди, ликопча чил-чил бўлиб кетди.

Бу гал Дантесга таъна қилиш учун ҳеч қандай асос йўқ эди; ликопчани ерга жўрттага ташлаб қўйгани тўғри, бироқ назоратчи оёғи остига қарамай сўппайиб келиб идишни синдирди; демак, айб назоратчининг ўзида.

Турма назоратчиси тўнғиллаб қўя қолди; сўнг шўрвани нимага қуйсам экан, деб у ёқ-бу ёққа аланглади, бироқ Дантеснинг хонасида бошқа ҳеч қанақа идиш йўқ эди.

– Кастрюлкани қолдираверинг, – деди Дантес, – эртага эрталаб овқат келтирганда олиб кетарсиз.

Бу маслаҳат назоратчига ёқиб тушди, у юқори чиқиб, пастга тушишдан ва яна юқорига чиқишдан халос бўлди.

У кастрюлкани қолдириб чиқиб кетди.

Дантес қувончдан терисига сифмай кетди.

Шўрвани апил-тапил ичиб, гўштини еди. Сўнг, турма назоратчиси кастрюлни олиб кетаман деб қайтиб келиб қолмасин тагин, деб роса бир соат кутди. Сўнг келмаслигига қаноат ҳосил қилгач, каравотни яна суриб ташлади; кастрюлни олиб, дастасини плита билан тош ўртасида ўзи кавлаб қўйган тирқишга тикди-да, ричаг каби боса бошлади. Девор сал қимирлагач, Дантес иш жойида бўляпти, деб ўйлади.

Чиндан ҳам бир соатдан сўнг тошни суғуриб олди: деворда бир ярим фут диаметр тешик пайдо бўлди.

Дантес оҳак парчаларини битта қўймай териб бурчакка олиб борди, сопол билан нам тупроқ кавлаб олиб оҳакнинг устини бекитиб қўйди.

Шу туннинг – кутилмаган бир ҳолда, ўз ақл-идроки билан энг қимматли асбобдан фойдалана бошлаган туннинг бир лаҳзасини ҳам беҳуда ўтказиб юбормаслик учун у жонжаҳди билан ишни давом эттирди.

Тонг ёриши билан тошни қайтариб тешикка қўйди, каравотни девор тагига сурди-да, ётиб ухлади.

Эрталабки овқат бир бурда нондан иборат эди. Назоратчи кириб нонни столга қўйди.

– Менга бошқа ликопча келтирмадингизми? – сўради Дантес.

– Йўқ, келтирмадим, – жавоб берди турма соқчиси, – сиз ҳаммасини синдирыпсиз; хумчани синдирдингиз, сизнинг айбингиз билан мен ликопчани босиб синдирдим. Агар ҳамма маҳбуслар шунчадан идиш синдирса, уларни таъмин этишга ҳукуматнинг қурби етмасди. Сизга кастрюлни қолдиришди, шўрвани шунга қуйиб беравераман, эҳтимол шунда идиш синдиришни бас қиларсиз.

Дантес кўзларини осмонга тикиб қўлларини кўрпа остида кўксига босди-да, Худога минг карра шукр қилди.

Унинг қўлида пайдо бўлиб қолган бу бир парча темир кўнглини шу қадар шод этдики, умрида ҳеч маҳал, ҳатто бахтнинг энг юқори чўққисига миниб олган пайтида ҳам бунчалик шодланмаган, қувончларга тўлмаган эди.

Фақат бир нарсадан кўнгли ғаш эди унинг. У ишлай бошлаган кундан буён қўшнисидан садо чиқмасди.

Бироқ бундан, ниятимдан қайтишим керак энди, деган хулоса чиқармади Дантес. Қўшниси уникига чиқмаётган экан, ўзи қўшнисиникига чиқади.

Қун бўйи у тинмай ишлади; кечқурунга келиб, ҳалиги асбоб билан девордан ўндан ортиқ майда тош ва оҳак бўлақларини кавлаб олди.

Тушки овқат пайти келганда анча букилиб кетган дастани тўғрилади-да, кастрюлни жойига қўйди. Турма назоратчиси унга мол гўшти, тўғрироғи, балиқ солинган шўрвани қўйди. (Маҳбусларга ҳафтада уч марта гўшт егизмасдилар; бугун шўрвага гўшт эмас, балиқ солинганининг боиси шунда, агар Дантес аллақачон кунларни санашни ташламаганида бу унга календар бўлиб хизмат қиларди.)

Назоратчи шўрвани қуйиб чиқиб кетди.

Бу гал Дантес қўшниси ростдан ҳам ишламай қўйганини аниқ билиб олишга қарор қилди.

У қулоқ сола бошлади.

Ўтган уч кундагидек жимжитлик ҳукм сурарди ҳамон.

Дантес хўрсиниб қўйди, қўшниси ундан ҳадиксираётганга ўхшайди.

Шундай бўлса-да, у хомуш бўлмади, ўзини дадил тутиб, ишни давом эттирди; бироқ уч соат ишлаб тўсиққа дуч келди.

Темир даста энди оҳакни кўчирилмай, силлиқ нарса устида сидирилаверди.

Дантес пайпасланиб деворни ушлаб кўрди ва синчга тўғри келиб қолганини фаҳмлади.

Синч у тешиқни тўсиб турарди.

Энди синчдан баландроқ ёки пастроқдан кавлаш керак.

Шўрлик йигит бундай тўсиққа учраши мумкинлигини ҳаёлига ҳам келтирмаган эди.

– Э-э, Парвардигори олам! – деди қичқириб у. – Оҳу фигонимни эшитарсан, деб кеча-кундуз илтижо қилдим, раҳм-шафқат қилиб, мадад берасан деб ишонгандим сенга! Сен мени эркин ҳаётимдан жудо этдинг, тинч ўлимдан ҳам маҳрум қилдинг, мени яшашга ҳам ўзинг даъват этдинг, эндиликда қарам қил; жондан тўйиб ўлиб кетишдан ҳалос эт мени, э Худоим!

– Жонидан тўйиб, Худога нола қилаётган ғариб ким ўзи? – деган товуш худди ер тагидан чиққандек бўлди. Қалин девор орасидан бўғилиб чиқаётган бу товуш маҳбус қулоғига гўё уни қабрдан чақираётгандек эшитилди.

Дантесга сочлари тик бўлиб кетаётгандек туюлди. Ўрнидан турмай, чўккалаганча девордан орқага тисарилди.

– Мен одам овозини эшитяпман, одам овозини! – деди шивирлаб.

Тўрт-беш йил мобайнида Эдмон фақат турма назоратчисининг овозинигина эшитган эди, маҳбус турма ходими одам қаторига қўшмайди; маҳбус учун у қалин эшикка қўшимча жонли бир эшик, у темир панжарага қўшимча жонли панжара, ҳолос.

– Худо ҳақи! – қичқирди Дантес, – илтимос қиламан, гапиринг, ўтинаман, гапиринг яна! Кимсиз?

– Ўзингиз кимсиз? – сўради ҳалиги овоз.

– Бахтсиз бир маҳбусман, – жавоб берди ўйлаб ўтирмай Дантес.

– Қайси миллатдансиз?

– Французман.

– Номингиз?

– Эдмон Дантес.

– Касб-корингиз?

– Денгизчи.

- Кўпдан бу ердамисиз?
- Бир минг саккиз юз ўн бешинчи йилнинг йигирма саккизинчи февралдан.
- Нима учун қамашди сизни?
- Бегуноҳман.
- Сизни нимада айблашяпти?
- Императорни қайтариб келиш мақсадидаги фитнада қатнашдинг деб.
- Нима? Императорнинг қайтиши? Ҳали император тахтда эмасми?
- Бир минг саккиз юз ўн тўртинчи йили Фонтенеблода тахтдан туширилиб, Эльба оролига юборилган эди. Сиз-чи? Ўзингиз бу ерда қачондан буён ётибсиз? Бу воқеадан хабардор бўлмасангиз, кўпдан бери ётибсиз экан-да?
- Бир минг саккиз юз ўн биринчи йилдан буён.
- Дантес сесканиб кетди. Бу одам унга қараганда тўрт йил илгари турмага тушган экан.
- Тўхтанг, кавламай туринг, – деди шошиб ҳалиги овоз.
- Сиз кавлаган тешик ердан қанча баландда?
- Ер билан бир текисда.
- Уни нима билан яширгансиз?
- Ўз каравотим билан.
- Турмага тушганингиздан бери каравотингизнинг жойини ўзгартишгани йўқми?
- Бир мартаям ўзгартиришмади.
- Хонангизнинг эшиги қаёққа қараган?
- Даҳлизга.
- Даҳлизники-чи?
- Ҳовлига.
- Қандай бахтсизлик бу? Бутун ишим чиппакка чиқибди-да! – деди овоз.
- Э, Худо! Тағин нима бало бўлди? – сўради Дантес.
- Мен янглишибман: режам мукаммал эмас экан, адашибман. Циркуль бўлмаганининг касофати бу; режадаги кичик бир хато амалда ўн беш фут бўлиб чиқибди; мен сизнинг деворингизни қалъанинг ташқи девори деб билибман!
- Ахир сиз денгиз томонга кавлаб чиқаётган эдингиз-ку!
- Худди шундай ниятда эдим.

– Ёшингизга етганингизда нима қилардингиз?

– Денгизда сузиб Иф қалъаси атрофидаги ороллардан бирига – Дом оролигами, ёки Тибуленга, ё бўлмаса қирғоққами – чиқиб олардим-да, қутулардим.

– Бундай узоқ масофага сузиб бора олармидингиз?

– Худо пошшо, ўзи мадад берарди менга. Энди эса ҳаммаси барбод бўлди.

– Ҳаммаси?

– Ҳа, ҳаммаси. Тешикни жуда эҳтиётлик билан бекитиб қўйинг, кавлашни бас қилинг, ҳеч нима қилманг, ўзим хабар бераман, кутинг.

– Ахир, айтсангиз-чи, кимсиз?

– Мен... мен – йигирма еттинчи рақам.

– Сиз менга ишонмаяпсизми? – сўради Дантес.

Заҳарханда кулги эшитилди Дантесга.

– Мен Худонинг бир мўмин бандасиман! – деди товушининг борича Дантес, номаълум суҳбатчи уни ташлаб кетаётганини ҳис этиб, – сизнинг ва ўзимнинг жаллодларимга бу сирни асло ошқора этмайман деб қасамёд қиламан. Худо ҳақи, мени ташлаб кетманг, овозингиздан маҳрум этманг. Мабодо шундай қилгудек бўлсангиз, бошимни деворга уриб мажақлаб ташлайман ёки тинкам қурийди-ю, сизни виждон азобига солиб дунёни тарк этаман.

– Ёшингиз нечада? Овозингиздан ёшга ўхшайсиз.

– Нечага кирганимни ҳам билмайман, чунки бу турмада вақт ҳисобидан адашиб кетдим. Бир минг саккиз юз ўн бешинчи йилнинг йигирма саккизинчи феввалида мени қамоққа олганларида ёшим эндигина ўн тўққизга тўлаётган эди.

– Демак, сиз ҳали йигирма олтига ҳам кирмабсиз-да, – деди овоз. – Бу ёшларда киши сотқинлик қилиши амри маҳол.

– Йўқ! Йўқ! – деди Дантес, – онт ичаман деб айтдим-ку сизга. Яна бир карра қайтариб айтаманки, мени қиймалаб ташлаганларида ҳам сизга хоинлик қилмайман. Асло!

– Мени чақириб гаплашганингиз жуда яхши бўлди. Акс ҳолда мен бошқа режа тузиб, ўзимни сиздан узоқроққа олмоқчи эдим. Ёшингизни эшитиб хотиржам бўлдим. Мен олдингизга кираман, кутинг.

– Қачон?

– Буни ҳисоблаб чиқиш керак, мен сизга сигнал бераман.

– Лекин сиз мени ёлғиз қолдириб ташлаб кетмайсизми? Ўзингиз чиқасизми меникига ёки менга рухсат этасизми чиқишга? Қочсак бирга қочамиз, мабодо қочишнинг иложи бўлмаса мен севган кишиларим ҳақида гапириб, сиз ҳам ўзингиз севган кишилар тўғрисида гапириб отамлашамиз. Сиз ҳам кимнидир севарсиз?

– Мен бу жаҳонда сўққабошман.

– Ундай бўлса мени сева қолинг. Ёш бўлсангиз мен сизнинг ўртоғингиз бўламан; кекса бўлсангиз ўғлингиз бўламан. Менинг отам бор, агар у тирик бўлса етмиш ёшга киради. Мен фақат ана шу отамни ва Мерседес деган қизни севардим, отам мени ҳеч ёдидан чиқармайди, бунга мен аминман; қиз бўлса... Билмадим, у мени эсига олармикин? Мен сизни худди отамни севгандай севаман.

– Яхши, – деди маҳбус, – эртагача хайр.

Бу сўзлар шундай айтилдики, Дантес уларга дарров ишонди. Унга энди бундан бошқа ҳеч нарсанинг кераги йўқ. Дантес ўрнидан туриб, ҳар галгидек девордан кавлаб олган шувоқни яширди-да, каравотни девор тагига суриб қўйди. Сўнгра ўз бахт-қувончи ҳақида ўйга чўмиб кетди. Энди у ёлғиз эмас, эҳтимол қочиб кета олишар. У ҳатто турмада қолиб кетса-да, энди ҳамроҳи бор. Ғам-ғусса баҳам кўрилса турма ҳам чидамли. Кўплашиб айтилган арздод – ибодат, икковлашиб айтилган илтижо – ҳаловат.

Дантес кун бўйи ертўлада юриб чиқди. Қувончи ичига сиғмасди унинг. Баъзан қўлларини кўкрагига босиб, каравотида ўтириб қоларди. Даҳлизда салгина товуш эшитилса, эшикка югурарди. Нотаниш, лекин азиз дўстидек севиб қолган ҳалиги кишидан мени ажратиб қўймасинлар тагин, деб тез-тез ваҳимага тушарди. Мабодо турма назоратчиси каравотни суриб, энгашгудек бўлса сув тўла хумча остидаги тош билан унинг калпасини мажақлаб ташлайман, деб аҳд қиларди.

Уни ўлимга ҳукм қилишларини Дантес биларди. Лекин у муъжизали товушни эшитгунга қадар бир карра ўлиб бўлган

эмасмиди ахир? Фақат ана шу тақиллаган товуш унга яна жон киритди-ку!

Кечқурун турма назоратчиси келди. Дантес каравотда ётган ҳолича кавлаб тамомланмаган тешикни жуда маҳкам муҳофаза қиламан ёт кўзлардан, деб фараз қиларди: Дантес ҳадеб келавериб меъдасига теккан кишига бу гал ғалати тикилди шекилли, назоратчи деди:

– Нима бўлди? Яна ақлдан озяпсизми?

Дантес индамади. Титроқ овозимни эшитиб шубҳаланмасин деб қўрқди. Назоратчи бошини чайқаб чиқиб кетди.

Қош қорайди. Дантес тунги зимистон ва сукунатдан фойдаланиб қўшним суҳбатни давом эттирар, деб умид қилганди. Бироқ у айтгандай бўлмади. Тун бўйи юраги ҳовлиқиб, мижжа қоқмай чиққан Дантесни тинчитиш учун бирорга овоз эшитилмади. Бироқ тонг пайтида, назоратчи келиб кетгач, каравотни суриб қўйиб қулоқ солди; учта бир хилдаги тақиллаш эшитилди. Дантес дарҳол чўкка тушди.

– Сизмисиз? – сўради у. – Бу мен.

– Турма назоратчиси кетдими? – сўради ҳалиги овоз.

– Кетди, – жавоб берди Дантес, – энди фақат оқшом пайтида келади. Ўн икки соат вақтимиз бор.

– Ишга киришаверайинми? – сўради овоз.

– Албатта, албатта, шу дақиқанинг ўзидаёқ, ўтиниб сўрайман.

Шу заҳотиёқ Дантес икки қўлини тираб турган тупроқ унинг томонига ағдарила бошлади, у чўчиб кетди, сал ўтмай бир уюм тупроқ ва тош Дантес кавлаб қўйган тешик тагидаги чуқурга тўкилиб тушди. Сўнг чуқурлиги номаълум қопқоронғи ўрадан аввал калла, сўнг елка, пировардида бусбутун одам пайдо бўлди-да, лип этиб тешиқдан ўтиб олди.

## **XVI. ИТАЛИЯ ОЛИМИ**

Дантес кўпдан буён зор-интизор бўлиб, сабрсиз кутиб ётган янги дўстини қучоғига маҳкам босди-да, ғира-шира ёруғда уни яхшилаб қўриб олайин деб, дераза ёнига етаклаб келди.



Бу ўрта бўйли, сочлари қарилиқдан эмас, ғам-ғуссадан оқариб кетган, ўткир кўзли, қалин қошларига оқ тушган, кўксигача тушган соқоли ҳали қоп-қора бир зот эди. Ориқ юзларидаги чуқур-чуқур ажинлар, чеҳрасидаги дадиллик ва жозиба бу одам жисмоний кучга эмас, кўпроқ руҳий кучга эътибор берадиган кишилар тоифасидан эканидан дарак берарди. Унинг пешонасидан тер оқиб турарди. Уст-бошининг бошда қанақа эканини аниқлаш қийин, дабдала бўлиб кетган.

У олтмиш беш ёшларга бориб қолганга ўхшарди, ҳаракатлари чаққон эди. Бинобарин, унинг бунчалик қилтиллаб қолиши қарилигидан эмас, у унча қарига ўхшамайди, фақат узоқ қамоқда жабрланиб шундай ҳолга келиб қолган.

У афтидан, ёш йигитнинг ҳаяжонга тушиб қувонганидан ниҳоятда мамнун эди. Унинг сўлиб, сўниб қолган кўнгли Дантеснинг ёш, жўшқин кўнглидан ҳарорат олиб, илиди. Аббат шунча меҳнат қилиб қутулиш ўрнига, иккинчи зиндонга тушиб қолганидан ғоят қайғурган бўлса-да, қулоч ёзиб қабул қилгани учун Дантесга миннатдорчилик билдирди.

– Даставвал, – деди у, – соқчилардан мен кавлаб ўтган тешикни бекитиш йўлини ахтарайлик. Бизнинг бундан кейинги хотиржам бўлиб иш юритишимиз кўп жиҳатдан шунга боғлиқ.

У тешикка эгилиб, тошни оғир бўлишига қарамай кўтариб олди-да, илгариги жойига қўйди.

– Сиз бу тошни жуда эҳтиётсизлик билан олибсиз, – деди бошини чайқаб у. – Асбоб йўқмиди сизда?

– Сизда борми? – сўради Дантес ажабланиб.

– Мен баъзи асбобларни ўзим ясаб олдим. Менда аррадан бўлак ҳамма нарса: искана, қисқич, ричаг бор.

– Сабр-тоқат, матонат ва маҳоратингиз билан яратилган ўша нарсапарни бир кўрсам, агар мумкин бўлса, – деди Дантес.

– Марҳамат, мана искана, – деб темирдан жуда маҳкам ва ўткир қилиб ясалган ёғоч дастали исканани кўрсатди аббат.

– Нимадан ясадингиз буни? – сўради Дантес.

– Каравотимнинг тиргагидан. Мана шу асбоб билан дярли эллик фут йўлни кавлаб шу ерга келдим.

– Эллик фут? – қичқириб юборди Дантес ҳаяжонланиб.

– Секинроқ гапиринг, йигитча, секинроқ; кўп вақт маҳбусларнинг эшиги олдида узунқулоқлар қўйилган бўлади.

– Ахир ёлғизлигимизни билишади-ку.

– Барибир.

– Эллик фут йўлни тешиб келдим дедингизми?

– Ҳа, менинг хонам билан сизнинг хонангиз ўртасидаги масофа тахминан эллик футга боради. Геометрик асбобларим бўлмаганидан масштабни аниқлай олмадим, натижада қийшиқ чизиқни тортишда адашдим. Эллипс бўйича қирқ ўрнига эллик фут чиқиб қолди. Боя сизга айтганимдек, ташқи деворга чиқиб, уни тешаман-да, денгизга сакрайман, деб ўйлаган эдим. Хонангизнинг эшиги чиқадиган даҳлизнинг тагидан кавлаб бориш ўрнига, ёнидан кавлаб ўтибман; шундай қилиб, бутун меҳнатим зое кетди, чунки даҳлиз тўғри ҳовлига чиқади, ҳовли соқчилар билан лик тўла.

– Бу гапингиз тўғри, – деди Дантес, – бироқ даҳлиз менинг хонамнинг фақат бир томонидан ўтади, хонамнинг яна уч томони бор.

– Шундай, албатта, бироқ деворнинг мана шу томонида қоя тош бор, барча керакли асбоб-ускуналар билан тўлатуқис қуролланган ўнта кон қазувчи ўн йилда ҳам бу қоя тошни охиригача кавлаб чиқа олмайди. Анави томони эса комендант хонасининг фундаментига тақалган; мабодо шу томондан кавлаб борсак, қулфлаб қўйиладиган ертўлага кириб қоламиз, у вақтда бизни осонгина тутиб олишади; энди, деворнинг бу томонига келсак... Тўхтанг-чи... Буниси қаёққа чиқади?

Деворнинг бу томонида шинак очилган бўлиб, ундан ёруғ тушиб турарди. Бу шинак қалин девордан торайтириб чиқарилган, ундан муштдек гўдак ҳам ўтолмайди. Шунга қарамай, уч қатор темир панжара билан тўсиб қўйилган, бинобарин, турманинг энг бадгумон назоратчиси ҳам маҳбус бу томондан қочади деб ҳадиксирамасди. Меҳмон ҳалиги саволини берди-да, столни дераза олдига сурди.

– Столга чиқинг, – деди у Дантесга.

Дантес хўп деб столга чиқди ва ҳамроҳининг мақсадини англаб, елкаси билан деворга суянди-да, икки кафтини тутди.

Ана шунда номи ўрнига хонасининг рақамини айтган ва Дантесга асл номи номаълум чол мушук каби ирғиб аввал столга, сўнг столдан Дантеснинг кафтларига ва сўнгра елкасига чиқиб олди; паст шифтдан сал эгилди-да, бошини панжаралар орасига суқиб пастга қаради.

У бир дақиқа ўтар-ўтмай бошини суғуриб олди.

– Оҳ-ҳо! – деди у, – ўйлаганимдек бўлиб чиқди.

Сўнг у Дантеснинг елкасидан столга, столдан ерга ирғиб тушди.

– Нима гап ўзи? – сўради Дантес ташвишланган ҳолда столдан тушиб.

Чол ўйланиб қолди.

– Тўғри, – деди у, – худди шундай: ертўлангизнинг тўртинчи девори гир айланган хиёбонга туташган экан; у ерда кечаю кундуз қоровуллар тинмай юриб чиқади ва соқчилар туради.

– Шунга имонингиз комилми?

– Мен солдатнинг шапкасини ва қуролининг учини кўрдим. Кўриб қолмасин деб бошимни дарҳол тортиб олдим.

– Хўш, энди нима қилдик? – деди Дантес.

– Ўзингиз кўриб турибсизки, сизнинг бу зиндонингиздан қочиб кетишнинг иложи йўқ.

– Бу ёғи нима бўлади? – давом этди Дантес.

– Бу ёғига, – деди чол, – Худо пошшо! – унинг чеҳрасида тўла итоаткорлик белгилари пайдо бўлди.

Шунча йиллардан буён қўмсаб-интилиб келган орзу-умидларидан шу қадар осонлик билан ниҳоятда бамайлихотир воз кечаётган аббатга Дантес завқ билан тикиларди.

– Энди айтинг, кимсиз? – сўради Дантес.

– Эндиликда, менинг сизга ҳеч нафим тегмайди, шундай бўлса-да, сиз менинг кимлигимни билмоқчи экансиз, айтиб берайин.

– Сиз мени юпатишингиз ва қўллаб туришингиз мумкин, чунки менинг назаримда дунёда сиздан кучли киши бўлмас керак.

Махбус илжайиб қўйди.

– Мен аббат Фариаман, – деди у. – Иф қалъасида бир минг саккиз юз ўн биринчи йилдан бери ўтирибман. Буни айтгандим сизга, бироқ бундан бурун Фенестрель қўрғонида уч йил ётдим. Бир минг саккиз юз ўн биринчи йили мени Пьемонтдан Францияга олиб келишди. Бу ерда, тақдир гўё Наполеонга бўйин эгиб, унга ўғил ато этганини ва ўғил бешиқда ётган чоғидаёқ Рим қироли қилиб тайинланганини билдим. Ушанда сиздан эшитган ҳодисалар юз беради деб ўйламаган эдим; тўрт йилдан сўнг жаҳонгир ағдариб ташланади деб тасаввур этолмагандим. Ҳозир Франция тахтида ким ўтирибди? Наполеон II ми?

– Йўқ, Людовик XVIII.

– Людовик XVIнинг укаси Людовик XVIII! Тақдирнинг тақозосини қаранг-а! Тож-тахтга ўзи кўтаргани у нима мақсад билан ерга урди-ю, ўзи ерга урган зотни қандай мақсад билан яна кўтарди?

Ўз ташвишларини унутиб қўйиб, дунё ташвишлари тўғрисида фикр юритаётган бу ажойиб одамдан Дантес кўзини узмасди.

– Худди Англиядагидек бўпти, – деди сўзини давом эттириб аббат.

– Карл I дан кейин – Кромвель; Кромвелдан кейин Карл II, эҳтимол Яков II дан сўнг яна биронта уруғ-аймоғи, қандайдир шаҳзода Оранскийми, собиқ штатгальтерми қирол бўлиб қолар, шундан кейин яна халққа имтиёзлар, конституция, озодлик ваъда қилинар! Сиз буларни ўз кўзингиз билан кўрасиз ҳали, йигитча, ҳа, кўрасиз, – деди аббат Дантесга авлиёларча тикилиб. – Сиз ёшсиз ҳали, ҳаммасини кўрасиз!

– Агар бу зиндондан қутулиб чиқа олсам.

– Дарвоқе, – деди аббат Фериа. – Биз қамоқдамиз-а. Шундай дақиқалар бўладики, мен буни унутиб, ўзимни озодликда деб ҳис этаман. Чунки кўзларим турма деворларини ёриб, нариги ёқда бўлаётган воқеаларга тикилади.

– Сизни нима учун қамадилар?

– Меними? Шунинг учунки, Наполеон бир минг саккиз юз ўн биринчи йилда амалга оширмақчи бўлган режасини мен бир минг саккиз юз еттинчи йилда орзу қилган эдим;

шунинг учунки, Италияда ин қуриб олган ва латашанг, заиф жоҳиллар идора қилаётган майда-чуйда князликлар ўрнига мен, Макиавелли каби, ягона бир бутун ва қудратли улғу давлат бўлишини истаган эдим; қарангки мен тож кийган нодон қиёфасида ўз Цезарь Борджиами топдим деб ўйласам, у мени осонгина сотиш учун ёлғондан фикримга қўшилган экан. Бу Александр VI ва Климент VII нинг режаси эди; бу режа барбод бўлди, уларнинг уринишлари беҳуда кетди; ҳатто Наполеон ҳам буни тугал бажаролмади. Чиндан ҳам Италия қарғишга учраган экан!

Чол бошини эгиб, жимиб қолди.

Киши шундай маслак йўлида ўзини қурбон қилиши мумкин эканлигига Дантес тушунолмасди. Тўғри, у Наполеонни биларди, уни кўрганди ва гаплашганди ҳам; бироқ Климент VII ва Александр VI тўғрисида ҳеч қандай тасаввурга эга эмас эди.

Иф қалъасида кўпчиликнинг фикрига қўшила бошлаган Дантес сўради:

– Касал деб айтишган диндор сизми?

– Жинни деб айтган демоқчисиз-а?

– Мен бундай дейишга журъат этолмадим, – деди Дантес илжайиб.

– Тўғри, – деди аста Фариа заҳарханда қилиб, – тўғри, мени ақлдан озган – жиннига чиқариб қўйишган. Мен бу қалъадагиларга аллақачондан буён кулги-мазах бўлиб қолганман; агар бу ғамхонада гўдаклар бўлганда, уларга эрмак бўлардим.

Дантес қимир этмай жим турарди.

– Демак, энди сиз қочишдан воз кечасизми? – сўради у.

– Қочишнинг имкони йўқлигига имоним комил бўлди; имкони йўқ нарсага уриниш – Худога қарши бош кўтариш демақдир.

– Умидсизликка берилишдан на фойда? Иш дарров унади деб ўйлашнинг ўзи ҳам Парвардигордан керагидан ортиғини тилаш, демақдир. Бошқа томондан кавлашнинг иложи йўқмикин?

– Ахир, биласизми, буни қазишга қанча меҳнатим кетди менинг? Асбоб-ускуналарни яшашнинг ўзига тўрт йиллик умрим кетди, тушундингизми? Биласизми, мен тинмай икки

йил метиндай ерни қазиб чиқдим. Илгариги вақтларда ҳатто ўрнидан қўзғатолмайдиган тошларни кўчириб олдим: бутун-бутун кунларимни ва тунларимни мана шу оғир ва машаққатли меҳнат билан ўтказдим. Баъзан кечга бориб тошдай қотиб қолган мана шу оҳақдан зўрға ёнғоқдай бир парчасини кўчириб олардим холос, шунга ўзимда йўқ хурсанд бўлардим. Биласизми, кавлаб олган тупроқ ва тошларни яшириш учун деворни тешиб, уларни зинапоя остига ташлашга мажбур бўлдим, энди эса у ер тепача бўлиб ётибди; бинобарин эндиликда мен бир сиқим тупроқ қўядиган жой тополмайман. Мен қилган шунча меҳнатим бекорга кетмади, ниятимга эришдим, ишнинг қолганини тугатишга кучқувватим етади энди, деб ўйлаган эдим, бироқ тўсатдан Худо орзумнинг ушалишини кейинга сурибгина қолмай, уни чиппакка чиқарди. Йўқ, етар шуниси ҳам. Мен сизга айтдим, яна қайтариб айтаманки, бу ишга энди жинжалогимни ҳам теккизмайман, чунки озодликдан абадий маҳрумликни Тангрининг ўзи пешонамга ёзиб қўйган экан.

Эдмон, қочишнинг уддасидан чиқолмаган бундай одам билан ўртоқ тутинганидан қувониб кетгани унга ҳамдард бўлишга халақит бераётганини чолга билдирмаслик учун бошини қуйи солди.

Аббат Фариа тўшакка чўкди.

Эдмон қочишни хаёлига ҳам келтирмаган эди. Бу борадаги баъзи тadbирлар амалга ҳеч ошадиганга ўхшамас, шу сабабли уларга қўл уришни хаёлига ҳам келтирмасди. Қандайдир туйғу улардан воз кечишга мажбур этарди. Уч йил куну тун машаққатли меҳнат қилиб ер тагини ўйиб, денгиз устидаги жар ёқасига борилса, элик, олтимиш, эҳтимол юз фут баландликдан сакраб каллани (агар шу вақтгача соқчининг ўқи кунини калта қилиб қўймаган бўлса) мажақласа, ёки бу хавф-хатарлардан қутулиб, бир миль масофани сузиб ўтилса – унда нима бўлади? Мана шунинг ўзи тақдирга тан бериш учун Дантесга етиб ортарди; биз юқорида тақдирга тан бериш: «Пешонамга ёзилгани шу экан-да», деб ўтириш Дантесни ўлим жари ёқасига олиб бориб қўйганини кўрган эдик.

Бутун куч-қудрати билан яшаш учун курашаётган ва бу борада тиришқоқлик, жонбозлик намунасини намойиш

қилаётган чолни кўргач, ўйга тушиб қолди ва ўз куч-қувватини, сабот-матонатини ўлчовга солиб кўра бошлади. Анави чол у хаёлига келтирмаган ишларни қилишга уринибди: ундан қари, ундан кучсиз, элчилликда ҳам унинг олдига тушолмайдиган бу киши сабр-тоқат, машаққатли меҳнат қилиб, ҳисобда адашганидан амалга ошмай қолган бу улкан ишга зарур асбоб-ускуналарни ўзи ясаб олибди. Аббат шу ишларнинг ҳаммасини қилган экан, бинобарин, унинг учун ҳам иложсиз ҳеч нима йўқ, бажариб бўлмайдиган нарса йўқ. Фариа эллик фут масофани кавлаган экан, у юз футни кавлайди; эллик ёшли Фариа уч йил меҳнат қилган бўлса, ундан икки марта ёш Дантес олти йил ишлайди; аббат, олим, диндор Фариа Иф қалъасидан Дом, Ротано ёки Лемер ороллариғача сузиб боришга қарор қилган экан, денгизчи, ботир ғаввос, коралл хивчинлари олиб чиқиш учун тез-тез сув тагига шўнғиб юрган Дантес наҳотки бир милли масофани сузиб ўтолмаса? Бу масофани сузиб ўтиш учун қанча вақт керак бўлади? Бир соатми? Ахир унинг соатлаб қирғоққа чиқмай, тўлқинлар устида чайқалиб юрган пайтлари кам бўлганми?! Йўқ, йўқ! Унга далда берадиган намуна керак эди, ҳа, ана шундай намуна керак эди! Аббат қилган ёки қила оладиган ишларнинг ҳаммасини Дантес ҳам қила олади.

У ўйланиб турди-да, деди:

– Сиз ахтарган нарсани мен топдим.

Фариа сесканиб кетди.

– Сиз? – сўради аббат бошини кўтариб; агар Дантеснинг гапи рост бўлса, ҳамроҳи ҳам тез кунда умидсизликдан қутулиши мумкинлигини ўйлаб: – Хўш, нимани топдингиз?

– Сиз кесиб ўтган даҳлиз ташқи хиёбон томонга чўзилиб борса керак, чамамда.

– Худди шундай.

– Буларнинг ораси ўн беш қадам бўлса керак.

– Бундан кўп эмас.

– Бинобарин, даҳлизнинг ўртасидан тўғри бурчак йўл кавлаймиз. Бу гал аниқроқ ҳисоблаб чиқасиз. Шунда ташқи хиёбонга чиқамиз-да, соқчини ўлдириб қочамиз. Бунинг учун шижоат керак, сизда куч ҳам, шижоат ҳам бор, менда эса куч-ғайрат етарли. Сабр-тоқат, сабот-матонат тўғриси-

да гап бўлиши мумкин эмас, бунини сиз амалда кўрсатдингиз, мен ҳам кўрсатишга ҳаракат қиламан.

– Сабр қилинг, – деди аббат, – менинг куч-ғайратим қанчалигини ва бу кучимни нимага ишлатмоқчи эканлигини сиз ҳали билмайсиз-ку. Сабр-тоқатим етарлидир эҳтимол; чунки ҳар кун эрталаб – тунги ишимни, тунда – кундузги ишимни давом эттириб келдим. Ўша вақтларда мен... йигит, гапимга диққат билан қулоқ солинг, ўша вақтларда мен Худо йўлида у яратган бегуноҳ жазога мустаҳиқ этилган зотни ҳалос этиш учун жонимни жабборга бериб ишляпман, деб ўйлаган эдим.

– Энди-чи? Ҳозир ҳам шундай эмасми? – сўради Дантес. – Ёки иккимиз учрашганимиздан кейин ўзингизни айбдор деб билдингизми?

– Йўқ, аммо айбдор бўлмоқчиман энди. Ҳозиргача мен буюмларни тешиб, синдириб келган эдим. Энди сиз мени одам билан тўқнаштирмоқчисиз. Деворни тешиб ташлашим ва зинапояни синдиришим мумкин, бироқ кўкракни тешиб, кимнингдир ҳаётини поймол қилиш қўлимдан келмайди.

Дантес таажжубланиб тикилиб қолди аббатга.

– Нечун? – деди у. – Қочиб қутулиб кетишимиз мумкин бўлган бир ҳолда шу мулоҳазалар сизни йўлдан қайтардими?

– Гап бунда эмас! – деди Фариа, – нега ўзингиз стол оёғи билан назоратчини ўлдириб, унинг кийимларини кийиб қочмадингиз?

– Шунинг учунки, бундай фикр хаёлимга келгани йўқ, – жавоб берди Дантес.

– Бунинг боиси шуки, табиат сизга одам ўлдиришдек қабих ишдан жирканиш хислатини ато этган. Бунини хаёлингизга ҳам келтирмаганингизнинг важи шунда, – деди сўзини давом эттириб чол, – оддий ва йўл қўйилган ишларда табиий туйғуларимиз бизни тўғри йўлдан бошлаб бораверади. Қон тўкиш учун яратилган шер учун ўлдириш касб, бурч, у ўлжа яқинлигини ҳис этса бўлди – унга шуниси етарли. Шу заҳоти отилиб боради-да, қўлига тушган жониворни бурдалаб ташлайди. Унинг одати шу, шунга бўйсунушга мажбур. Инсон эса қондан ҳазар қилади. Жамият қонунла-



ри эмас, табиат қонунлари бизга қон тўкишни, одам ўлдиришни тақиқлаб қўйган.

Дантес ўнғайсиз ҳолга тушиб қолди. Аббатнинг бу сўзлари унинг миясида, тўғриси юрагида (чунки баъзи фикрлар кишининг миясида, баъзилари юрагида пайдо бўлади) онгсиз равишда пайдо бўлган фикрларнинг маъносини англашиб берган эди.

– Бундан ташқари, – давом этди Фариа, – турмада ўн икки йил ўтириб оламга машҳур турмадан қочишларнинг ҳаммасини бирма-бир кўз олдидан ўтказиб чиқдим. Улардан жуда камдан-ками муваффақиятли чиққан экан. Фақат узоқ ўйлаб, аста-секин тайёргарлик кўриб қочган кишилар мақсадига эришган экан. Ана шундай тарзда Венсен қальасидан герцог Бофор, Фол-Левекдан аббат Дюбюкуа, Бастилиядан Латюд қочиб чиққан экан. Яна бир нечта одам фавқулодда шароит туғилиб қолганда қочиб чиқишган турмадан. Мана шу кейингиси энг қулайи, яхшиси ана шундай қулай пайтни кутайлик, тўғри келганда ундан фойдаланиб, осонгина қочамиз-кетамиз.

– Сиз, – деди аббатнинг сўзини бўлиб Дантес, – узоқ вақт тинимсиз меҳнат билан банд бўлиб қутгансиз, меҳнат билан банд бўлмаган вақтда орзу-умид билан юпаниб келгансиз.

– Мен шу билан шуғулланибгина қолганим йўқ, – деди аббат.

– Тагин нима билан шуғулландингиз?

– Ёздим, машғуллот билан банд бўлдим.

– Демак, сизга қоғоз, қалам, сиёҳ берарканлар-да?

– Йўқ, беришмайди, – деди аббат, – ўзим ясаб оламан уларни.

– Қоғоз, қалам ва сиёҳни ҳам ўзингиз ясайсизми? – деди ҳайрон бўлиб Дантес.

– Ҳа, ўзим ясайман.

Дантес кекса аббатга завқ, ҳавас билан кўз тикарди-ю, ҳамон унинг сўзларига унчалик ишонмасди. Фариа унинг шубҳаланаётганини сизди.

– Меникига чиққанингизда, – деди аббат, – Римдаги Колизей соябони остида, Венециядаги муқаддас Мариа колониялари тагида, Флоренциядаги Арио дарёси қирғоқлари-

да умр бўйи ўйларим, мулоҳазаларим, фикрларим маҳсули сифатида ёзган асарларимни кўрсатаман. Менинг турма назоратчиларим буни Иф қалъасининг деворларига ёзишимга монелик қилмасалар керак, деб ишонгандим. Бу «Бутун Италияда якка-ягона монархия барпо этиш мумкинлиги тўғрисида трактат» деган катта асар.

– Бу асарни ёзиб тугатдингизми?

– Икки кўйлакка ёзиб бўлдим. Мен бўз матони силлиқ қилиб қўядиган бир дори ўйлаб топдим; бўз худди қалин қоғозга ўхшаб қолади.

– Ҳали сиз химик экансиз-да?

– Қисман. Мен Лавуазье билан бир оз таниш ва Кабанис билан дўст эдим.

– Бироқ бундай асар ёзиш учун сизга тарихий материаллар керак бўлгандир. Китобларингиз бормиди?

– Римда беш минг китоблик кутубхонам бор эди. Уларни қайта-қайта ўқиб шундай қарорга келдимки, яхшилаб танлаб олинган бир юз эллик асар бутун инсоният яратган билимларнинг ҳаммаси бўлмаса-да, ҳар ҳолда киши учун фойдали бўлган ҳамма илмларни бера оларкан. Ҳаётимнинг уч йилини ана шу бир юз эллик томни ўрганишга бағишладим, мени қамоққа олганларида ўша томларни деярли ёддан билардим. Бурмада зеҳнимга бир оз зўр бериб, уларнинг ҳаммасини яна эсига солиб олдим. Сизга Фукидиднинг, Ксенофонтнинг, Плутархнинг, Титнинг, Ливийнинг, Тацитнинг, Страдуниги, Иорнаиднинг, Дантениги, Монтеннинг, Шекспирнинг, Спинозаниги, Макиавеллининг, Боссюэнинг асарларини ёддан ўқиб беришим мумкин. Мен сизга фақат биринчи даражадагиларининг номларини айтдим.

– Сиз бир нечта тилни биласизми?

– Мен бешта жонли тилда гапира оламан: немисча, французча, итальянча, инглизча, испанча, қадимий грекча ёрдамида ҳозирги грек тилини ҳам тушунаман, тўғри, ҳозирча бу тилда равон гапира олмайман, аммо ўрганияпман уни.

– Грек тилини ўрганияпсизми? – сўради Дантес.

– Ўрганияпман, ўзим билган сўзларнинг луғатини тузиб чиқдим; фикрларимни грекча бемалол ифода қила оламан. Мингга яқин сўз биламан; менга шуниси ҳам кифоя қилади. Луғатларда эса юз мингга яқин грек сўзи бор.

Эдмоннинг завқи тобора ошиб борарди; бу ажойиб одамда қандайдир ғайри табиий хислат бордек туюларди унга. Дантес чолнинг сирини билиб олиш ниятида саволларини давом эттирди.

– Сизга қалам бермаган эканлар, шундай катта асарни нима билан ёзиб чиқдингиз?

– Мен ёвфон овқат вақтида бериладиган балиқнинг кемирчагидан жуда соз қаламлар ясаб олдим ўзимга, бу бошқа қаламлардан яхшироқ бўлиб чиқди. Мен сешанба, жума ва шанба кунларни жуда яхши кўраман, шунинг учунки, шу кунлари захира қаламларим кўпайиб кетади, очигини айтсам, тарих борасидаги ишларим энг севимли машғулот мен учун. Ўтмиш тўғрисида ўй-хаёлларга шўнғиб кетганда ҳозирги замонни ёдимдан чиқариб ташлайман; тарих бўйлаб эркин ва мустақил сайр қилиб юрганда, турмадалигимни ҳам сезмай қоламан.

– Сиёҳ-чи? – сўради Дантес, – сиёҳни нимадан ясадингиз?

– Менинг хонамда илгари вақтларда печка бўлган экан, – жавоб қилди Фариа. – Мен келмасдан сал олдин унга труба қўйган бўлсалар керак, бироқ унгача узоқ йиллар печкани шундай ёқаверганлар, натижада унинг деворларини қурум босиб кетган экан. Ана шу қурумларни якшанба кuni бериладиган мусалласга аралаштиравердим, натижада бундан ажойиб сиёҳ пайдо бўлди. Кўзга ташланиб туриши керак бўлган айрим сўзларни бармоғимни тешиб қон билан ёздим.

– Буларнинг ҳаммасини мен қачон кўрсам бўлади? – сўради Дантес.

– Хоҳлаган вақтингизда, – жавоб қилди Фариа.

– Ҳозироқ!

– Бўлмаса, юринг менинг кетимдан, – деди аббат.

У туйнукка кирди-да, ғойиб бўлди. Дантес ҳам унга эргашди.

## **XVII. АББАТНИНГ ХОНАСИ**

Дантес, эгилиб-букилиб бўлса-да, аббат кавлаб келган лаҳминг охирига етиб олди. Шу ерга келиб лаҳм торайиб кетган, ундан фақат эмаклаб ўтиш мумкин эди. Аббат хо-

насининг таги плитадан ишланган экан. Мана шу плиталардан бирини аббат кўчириб олиб кавлай бошлаган экан. Иш нима билан тугагани Дантесга маълум эди.

Эдмон аббатнинг хонасига кирди-да, қаддини ростлаб, атрофга назар ташлаб чиқди. Биринчи қарашда бу зиндонда кишини ажаблантирадиган ҳеч нарса кўзга ташланмасди.

– Хўш, – деди аббат, – эндигина соат ўн иккидан ўн беш дақиқа ўтибди. Яна бир неча соат вақтимиз бор.

Аббат қайси соатга қараб вақтни бунчалик аниқ белгилапти экан, деб Дантес хонанинг ҳамма ёғини қараб чиқди.

– Деразамдан кирган қуёш нурига, – деди аббат, – деворга чизиб қўйган чизигимга қаранг. Мана шу чизикларга қараб мен вақтни соатдагидан тўғрироқ аниқлайман, чунки соат бузилиб қолиши мумкин, қуёш ва ер ҳамма вақт тўғри ишлайди.

Дантес бу изоҳдан ҳеч нарса тушунмади. Қуёшнинг тоғлар орасидан кўтарилиб чиқишини ва Ўрта ер денгизига тушиб кетишини кўриб у ер эмас, қуёш айланиб юради деб ўйларди. Ўзи яшаб турган ер куррасининг унга сездирмай икки турда айланиши тўғрисидаги гапларга у ишонмасди, ҳамсуҳбатининг ҳар бир сўзида у фаннинг сирлари бор деб биларди, булар ёшлик чоғида Гузерат ва Голкондга саёҳат вақтида кўрган мўъжизадор олтин ва олмос ўқ ёйларга ўхшарди.

– Мен, – деди у аббатга, – бойликларингизни қачон кўрарканман, деб тоқатим тоқ бўляпти.

Аббат ўчоқ олдида борди-да, қўлидан ташламай юрган парма билан тошни суғуриб олди. Бу тошни қопқоқ ўрнида ишлатиб каттагина чуқурни бекитиб келган эди, аббатнинг Дантесга айтган буюмлари ана шу чуқурда сақланарди.

– Дастлаб нимани кўрсатай сизга? – сўради у.

– Италияда монархия тўғрисидаги асарингизни кўрсатинг.

Фариа чуқурдан қоғоз варақларига ўхшатиб ўралган тўртта юмалоқ нарсани олди. Бу ўрамлар кенглиги тўрт дюйм ва узунлиги ўн саккиз дюйм бўздан иборат бўлиб, ҳаммасига рақам қўйилганди. Дантес бир қанча сатрни ҳеч қийналмай ўқиди. Асар аббатнинг ўз она тилида, яъни италья-

ян тилида ёзилган эди. Дантес Провансда туғилган бўлиб, бу тилни жуда яхши биларди.

– Мана, кўрдингизми, бутун асар мана шу ерда, бир ҳафта бурун олтмиш саккизинчи саҳифага асарнинг охирини ёзган эдим. Икки кўйлагим ва барча дастрўмолларимни ишлатдим бунга. Қачон бўлмасин озодликка чиқиб қолгудек бўлсам ва Италияда шу китобни босиб чиқаришга журъат қиладиган бирор босмаҳона топилиб қолса, шуҳрат қозонишим турган гап.

– Тўғри, – деди Дантес, – кўриб турибман. Энди буларни ёзган қаламни кўрсатишингизни илтимос қиламан.

– Мана у қалам, – деди Фариа ва узунлиги олти дюйм, қалинлиги ярим дюйм чўпни кўрсатди. Унга балиқ чандири ип билан боғланган, учи сиёҳга бўялган оддий перога ўхшатиб ўткир қилиб тарашланган эди.

Дантес перони синчиклаб кўздан кечирди-да, унинг учини ўткирлашда ишлатилган асбобни ахтариб, атрофга аланглади.

– Сиз қаламтарошни ахтаряпсизми? – деди Фариа, – у менинг фаҳрим. Мен уни ҳам ўз кўлим билан ясадим. Мана бу катта пичоқ эски темир шамдондан ясалди.

Қаламтарош худди устарадек кесарди, пичоқ эса ҳам пичоқ, ҳам ханжар ролени ўйнарди.

Дантес илгарилари Марселдаги нодир буюмлар магазинларида ёввойи одамлар ясаган ва узоқ денгиз сафари капитанлари жанубий ороллардан келтирадиган яроғ-аслаҳаларни қандай завқ билан томоша қилган бўлса, аббатнинг бу буюмларини ҳам худди шундай зўр қизиқиш билан кўздан кечирарди.

– Сиёҳни, – деди Фариа, – қандай қилиб тайёрлаганимни сиз биласиз. Мен уни эҳтиёжга қараб, кунлигини кунда тайёрлайман.

– Энди мени фақат бир нарса ҳайратда қолдиряпти: бу ишларга қандай қилиб вақт топдингиз?

– Мен тунлари ҳам ишлаб чиқдим, – деди Фариа.

– Тунлари? Ахир сиз мушук эмассиз-ку кечаси қоронғида ҳам кўзингиз кўрса?

– Тўғри, кўзим мушукникига ўхшаб зимистонда кўрмайди, лекин Худо инсонга ҳиссиёт камчилигини

тўлдира оладиган ақл ато этган. Чирогимни ҳам ўзим ишлаб ясадим.

– Қандай қилиб?

– Менга бериладиган мол гўшtidан ёғини кесиб олиб эритиб оламан. Мана менинг чирогим.

Аббат Дантесга идишни кўрсатди. У тантанали кунларда кўчаларда ёқиладиган жинчироққа ўхшарди.

– Нима билан ёқилади?

– Мана иккита чақмоқ тош ва кўйлакнинг қийқимидан ишланган пилик.

– Гугурт-чи?

– Тери касалим бор, деб баҳона қилдим-да, олтингугурт сўрадим, олиб келиб беришди.

Дантес барча буюмларни стол устига териб қўйди-да, бу зотнинг кучи ва сабот-матонатидан ҳайратга тушиб бошини қўйи солди.

– Булар ҳали ҳаммаси эмас, – деди Фариа. – Ҳамма нарсани бир жойга яшириш ярамайди. Бу ерни бекитайлик олдин.

Икковлашиб тошни жойига суриб қўйишди, аббат у жойни тупроқ сепиб яширди ва тош ўрнидан қўзғатилгани билинмасин, деб оёғи билан текислаб қўйди. Сўнг каравот олдига бориб, уни нари суриб қўйди.

Каравотнинг бош томонида тош билан маҳкам бекитилган тешик бўлиб, унда арқондан ясалган ўттиз метр чамали нарвон яширилган эди. Дантес уни синаб кўрди, у ҳар қандай оғирликни ҳам кўтара оладиган даражада маҳкам эди.

– Бундай ажойиб зинапоя учун арқонни қаердан топдингиз? – сўради Дантес.

– Аввало кўйлакларимдан, сўнг Фенестрелида уч йил қамоқда ётган вақтимда чойшаблардан суғуриб олган иплардан. Мени бу ёққа кўчирганларида бу материалларни яшириб олиб келдим, бу ерга келгач, ишни давом эттирдим.

– Чойшабларингиз йиртиғидан ҳеч ким сезиб қолмади-ми бу ишни?

– Мен тикиб қўярдим уларни.

– Нима билан?

– Мана бу игна билан.

Аббат кўйлаги увадалари ичидан узун ва ўткир балиқ суягини олиб кўрсатди. Суякдаги тешиқдан ип ўтказиб кўйилган эди.

– Гап шундаки, – давом эттирди сўзини Фариа, – авваллари темир панжарани кесиб, деразадан қочмоқчи эдим. Ўзингиз кўриб турибсизки, бу дераза сизникидан сал кенг, қочиш олдида мен уни яна кенгайтирардим, бироқ у ички ҳовлига қараган экан, бинобарин, бу ниятимдан қайтдим. Шунга қарамай нарвонни бирор қочиш имкони туғилиб қолса, керак бўлур, деб сақлаб қўйдим.

Нарвонга қараб турган Дантеснинг хаёли тамоман бошқа ёқда эди. Унда янги бир фикр пайдо бўлди. Эҳтимол бу оқил, уддабурон олим бу зот унинг ўзи учун қоронғи бўлган бахтсизлигининг сабабини айтиб бериши мумкин.

– Нимани ўйлаб қолдингиз? – сўради кулиб аббат, Дантеснинг хаёлга берилиб кетганини кучли даражада завқланиш оқибати деб фаҳмлаб.

– Биринчидан, мақсадга эришиш йўлида сизнинг нақадар кўп куч сарф қилганингиз ҳақида ўйлаяпман. Эркинликда қандай ажойиб, улуғ ишлар қилишингиз мумкин эди!

– Ҳеч нима қилмаган бўлишим ҳам мумкин эди. Мен ақлидрокиمني майда-чуйда нарсаларга сарф қилиб қўйган бўлур эдим. Фақат бахтсизлик киши ақлининг яшириниб ётган бойликларини очиб ташлайди, ҳаракатга солиб юборади. Порохни портлатиш учун сиқиш керак. Турма ҳар томонга йўналган тафакқуримни мужассамлаштирди, улар тор маконда тўқнашди, сиз биласизки, булутлар тўқнашса электр ҳосил бўлади, электрдан чақмоқ ҳосил бўлади, чақмоқдан эса ёруғлик ҳосил бўлади.

– Йўқ, мен ҳеч нима билмайман, – деди Дантес бу нарсалардан хабарсиз эканидан хўрсиниб. – Баъзи сўзларингизнинг маъносига мутлақо тушунмайман. Сиздек олим бўлишдан ҳам бахтли нарса борми дунёда?!

Аббат кулиб қўйди.

– Сиз яна алланима тўғрисида ўйлаётган эдингиз, шеклли?

– Шундай.

– Бирини айтдингиз, иккинчиси нима эди?

– Иккинчиси шуки, сиз ўз ҳаётингизни менга айтиб бердингизу, бироқ меникини билиб олмадингиз.

– Сиз шу қадар оз яшагансизки дунёда, унда муҳим воқеаларнинг бўлиши мумкин эмас.

– Ахир ҳаётимда улкан бахтсизлик юз берди, – деди Дантес, – таажжублисиз шундаки, мен шундай бахтсизликка дучор этадиган гуноҳ иш қилганим йўқ. Эндиликда мен Худодан нолишни қўйиб, мени бахти қаро қилган одамлар эканига ишонч ҳосил қилмоқчиман.

– Бинобарин, сиз гарданингизга юкланган айбни ноҳақ деб, ўзингизни беғуноҳ ҳисоблайсизми?

– Мен учун дунёда энг азиз кишилар – отам ва Мерседес ҳақи, қасамёд қиламанки, мутлақо беғуноҳман.

– Ундай бўлса, – деди аббат тешиқни бекитиб, каравотини жойига сура туриб. – Қани, тарихингизни ҳикоя қилиб беринг менга.

Дантес, аббат тарих деб атаган саргузаштини ҳикоя қилиб берди. У қисқа қилиб, Ҳиндистонга қилган саёҳатини, икки-уч марта Шарққа борганини, сўнгги сафарини, капитан Леклернинг ўлимини, маршалга хат берганини, маршал билан учрашганини, ундан жаноб Нуартъега хат олиб келганини айтиб берди. Марселга қайтиб отаси ҳузурда бўлганини, Мерседесга муҳаббатини, никоҳ тўйи, қамалиши, сўроқ қилиниши, вақтинча суд биносига қамоққа бўлганини, охирига келиб Иф қалъасига тушганини сўзлади.

Аббат унинг ҳикоясини тинглаб бўлгач, чуқур уйга чўмди.

– Ҳуқуқ фанида, – деди у сукутга ботиб, – оқилона бир аксиома бор, буни сизга айтиб берган эдим. Мудҳиш ниятлар бузуқ хулқдан келиб чиқади, бошқа вақтларда инсон жиноятдан ўзини четга тортади. Бироқ цивилизация инсонда яхшилик туйғуларини бўғиб ёмонликка олиб борадиган сунъий талаб, иллат ва истак борлигини ошкора этиб ташлади. Бундан шундай қоида келиб чиқади: жиноятчинини топмоқчи бўлсанг қилинадиган жиноятдан наф кўрадиган кишини ахтар, сизнинг гумдон бўлиб кетишингиздан манфаатдор бирор киши борми?

– Йўқ, унақа манфаатдор киши йўқ. Мендай бир оддий кишининг йўқолиб кетишидан ким ҳам манфаат кўриши мумкин.



– Уйламай жавоб берманг, жавобингизда на мантиқ, на фалсафа бор. Азиз дўстим, шуни билиб қўйингки, дунёда ҳамма нарса, ўз меросхўри – ўринбосарига йўл бермайдиган қиролдан тортиб, то штатдан ташқари мирзага йўл бермайдиган идора хизматчисигача – ҳаммаси нисбий. Қирол дунёдан ўтса, унинг наслдоши тахтни эгаллайди, идора хизматчиси дунёдан ўтса, ўрнини мирза эгаллайди-ю, минг икки юз ливр маошини санаб олаверади. Қиролга йигирма миллион керак бўлганидек, у ана шу минг икки юзга муҳтож. Ҳар бир киши ижтимоий ҳаёт зинапоясининг бошидан тагигача ўз шахсий манфаатлари доирасида яшайди. Унинг Декарт оламидаги сингари бўронлари ва атомлари бўлади. Юқори поғонага яқинлашган сари бу доира кенгайиб бораверади. Келинг, сизнинг ҳаёт оламингиз ҳақида гаплашайлик. Сизни «Фараон»нинг капитани қилиб тайинламоқчимидилар?

– Шундай.

– Сиз гузал қизга уйланмоқчимингиз?

– Шундай.

– Сизнинг капитанликка тайинланмаслигингиздан манфаатдор бирон киши бормиди? Мерседесга уйланмаслигингиздан манфаатдор киши бормиди? Аввал биринчи саволга жавоб беринг, чунки тартибот – барча жумбоқларнинг калити. «Фараон»га капитан бўлишингизни истамаган киши бормиди?

– Бундай киши йўқ эди, кемада мени жуда севиб, ҳурмат қилишарди. Матросларга бошлиқни сайлаб қўйишга рухсат этгудек бўлсалар, улар, шубҳасиз, мени сайлардилар. Фақат бир киши менга ғайирлик қилиши мумкин: мен у билан «сан-манга» боргандим.

– Хўш, хўш! Унинг номи?

– Данглар.

– Кемада ким бўлиб ишларди у?

– Бухгалтер бўлиб.

– Капитан лавозимини эгаллагач, сиз уни ўз ўрнида қолдирармингиз?

– Агар бу менинг измимда бўлса, қолдирмасдим, унинг ҳисоб-китобларида қандайдир чатоқликлар борлигини сезган эдим.

– Жойида. Капитан Леклер билан охириги марта суҳбат қилганингизда бирор ким бормиди?

- Йўқ, фақат иккимиз эдик.
- Суҳбатингизни бирор киши эшитмаганмикин?
- Эшитган бўлиши мумкин, чунки эшик очиқ эди... Ҳа, айтганча, капитан Леклер маршалга ёзган хатини бераётганда Данглар ўтиб кетаётган эди.
- Жуда соз, мана калаванинг учини топдик. Эльба оролига тушганингизда бирор кишини ўзингиз билан бирга олиб борганмидингиз?
- Ҳеч кимни олиб борганим йўқ.
- У ерда сизга хат беришдимиз?
- Ҳа, хатни маршал берди.
- Нима қилдингиз хатни?
- Катмонимга солиб қўйдим.
- Катмонни ёнингизда олиб юрдингизми доим? Расмий хат солинган катмон денгизчининг чўнтагига қандай қилиб сиғар экан?
- Гапингиз тўғри, катмон ётоғимда қолган эди.
- Демак, хатни фақат ётоғингизга келгач, катмонга солганмидингиз?
- Шундай.
- Порто-Феррайодан кемага келгунча хат қаерда эди?
- Менинг қўлимда.
- «Фараон»га чиқаётганингизда қўлингиздаги хатни ҳар бир одам кўриши мумкин эдимиз?
- Кўриши мумкин эди.
- Данглар ҳам кўриши мумкинмиди?
- Ҳа. Данглар ҳам кўриши мумкин эди.
- Энди диққат қилиб қулоқ солинг ва зўр бериб эсга олинг: сизнинг ҳақингиздаги махфий маълумот қандай ёзилгани эсингиздами?
- Албатта, эсимда, мен уни уч марта ўқиб чиққан эдим, ундаги ҳар бир сўз миямга қаттиқ ўрнашиб қолган.
- Уни менга қайтариб ўқиб беринг-чи.
- Дантес ўйлаб қолди.
- Мана, эшитинг: «Жаноб қироллик прокурори, тахт ва дин мухлиси сизга шуни маълум қиладики, «Фараон» кема-си капитанининг ёрдамчиси Эдмон Дантес Смирнадан келаётиб Неаполь ва Порто-Феррайога кириб ўтди, Мюратдан узурпаторга ва узурпатордан бонапартчиларнинг Па-

риждаги комитетига хат олиб келди. Агар уни ҳибсга олишса, хатни унинг чўнтагидан ёки отасиникидан, ё бўлмаса, «Фараон» кемасининг каютасидан топиш мумкин».

Аббат елкасини қисиб қўйди.

– Мана энди ҳаммаси аён бўлди, – деди у, – жуда кўнглилчанлик қилибсиз-да, йигит, ўша заҳотиёқ бу сирнинг тагига етиб олишингиз мумкин эди.

– Сиз шундай деб ўйлайсизми? – деди қичқириб Дантес.  
– Қандай разолат бу!

– Дангларнинг хати қанақа эди?

– Жуда равшан ва гўзал, сал ўнг томонга қийшайтириб ёзарди.

– Маълумот қанақа ёзилганди?

– Чап томонга қийшайтириб.

Аббат илжайиб қўйди:

– Бошқача қилиб ёзибди-да!

– Унинг қўли жуда ҳам ўрганиб қолган, бошқача ёзолмаган бўлса керак.

– Тўхтанг, – деди аббат.

Сунг у қаламни, тўғриси қаламнамо чўпни олди-да, сиёҳга ботириб олиб, ҳалиги махфий маълумотнинг биринчи сатрини қоғоз ўрнига ишлаётган бўзга ёзди.

Дантес сесканиб тушди-да, кўзларини ваҳима босиб аббатга қаради.

– Ё, тавба! – қичқирди у, – бу хатингиз ўша хатнинг худди ўзи-я!

– У махфий маълумот чап қўли билан ёзилган. Мен қизиқ нарсани аниқладим, – деди давом этиб аббат.

– Нимани?

– Ўнг қўл билан ёзилган хатларнинг ҳаммаси турли бўлади, чап қўл билан ёзилган хатлар эса ҳаммаси бир хил шаклда бўлади.

– Ҳамма нарсани ўргангансиз-а, ҳаммасини биласиз!

– Суҳбатни давом эттирамиз.

– Ҳа, давом эттирамиз.

– Иккинчи саволга ўтайлик.

– Қулоғим сизда.

– Мерседесга уйланмаслигингиздан манфаатдор бирор киши бормиди?

– Бор эди, қизнинг бир хуштори – ёш йигит рақиб эди менга.

– Унинг номи?

– Фернан.

– Исми испанча экан.

– У каталанилик.

– Сизнингча, махфий маълумотни ўша ёзмаганмикин?

– Менимча, у ёзмаган бўлиши керак. У газабланса, менга шартта пичоқ урарди-қўярди.

– Тўғри айтасиз, испанларнинг одати шу: ғаламислик эмас, ўлдириш.

– Бунинг устига у маълумотда ёзилган тафсилотлардан мутлақо беҳабар.

– Сиз бунга ҳеч кимга айтганингиз йўқми?

– Ҳеч кимга айтганим йўқ.

– Қаллифингизга-чи?

– Қаллиғимгаям.

– Демак, уни Данглар ёзган.

– Энди бунга менинг имоним комил.

– Сабр қилинг... Фернанни Данглар танирмиди?

– Йўқ. Ҳа, эсимга тушди!

– Нима?

– Менинг туйимдан бир кун олдин иккиси чол Памфилнинг қовоқхонасида утирган эди. Данглар жуда меҳрибон ва хурсанд, Фернан эса бўзарган ва хижолатда эди.

– Улар фақат иккиси ўтириб эдимиз?

– Йўқ, улар ёнида яна бир киши, менинг яхши бир танишим ҳам бор эди: машиначи Кадрусс. Уларни менга ўша таништирган эди. Бироқ маст эди... Тўхтанг... Тўхтанг... Энди эсимга тушди-я! Улар ичиб ўтирган стол устида сиёҳдон, қоғоз, қалам турувди. (Дантес пешанасига урди.) Оббо, аблаҳлар-а! Аблаҳлар!

– Яна бир нарса билишни истайсизми? – сўради кулиб аббат.

– Албатта, албатта, сиз ҳамма гапларни жуда синчиклаб, аниқдаяпсиз. Мени фақат бир мартагина сўроқ қилганларининг, бўйнимга судсиз айб қўйганларининг сабаби нима экан? Шуни билмоқчиман.

– Бу жуда мураккаб иш, – деди аббат. – Адлия ишлари шу қадар туманли ва чигалки, унда бирор нарсани аниқлаб олиш ўлимдан қийин баъзан. Иккала душманингизнинг қилмиш-қидирмишларини бошдан-оёқ назардан ўтказиб чиқиш ўйинчоқдай гап эди. Эндиги масалада эса сиз менинг сўроқларимга жуда аниқ жавоб беришингиз шарт.

– Марҳамат, сўрайверинг. Тарихимни сиз чиндан ҳам менинг ўзимдан яхшироқ биларкансиз.

– Сизни ким сўроқ қилди? Қироллик прокурорими ёки унинг ёрдамчисими? Ё бўлмаса терговчими?

– Ёрдамчиси.

– Ёшми, қарими?

– Ёш, йигирма еттиларда бўлса керак.

– Хўш, ҳали бузилмаган, аммо шуҳратпараст, – деди аббат. – У сиз билан қандай муомалада бўлди?

– Анча дуруст, ҳар ҳолда дағаллик қилгани йўқ.

– Унга сиз ҳамма нарсани оқизмай-томизмай айтиб бердингизми?

– Ҳаммасини.

– Сўроқ вақтида унинг муомаласи ўзгардимми?

– Бир зум, мени айблашга дастак бўлган хатни ўқиганда менинг бахтсизликка дучор бўлганимдан шекилли, титраб кетди.

– Сизнинг бахтсизликка учрашингиздан?

– Шундай.

– Менга раҳми келиб қайғурди у, деб ростдан ишондингизми?

– Ҳар қалай у менга ҳамдард бўлганини тасдиқлади.

– Қандай қилиб?

– У ҳалиги мени айблашга дастак бўлган хатни куйдириб ташлади.

– Қайси хатни? Махфий маълумотними?

– Йўқ, мен олиб келган хатни?

– Бунга имонингиз комилми?

– У хатни менинг кўз олдимда куйдирди.

– Бу ерда бир гап бор. Менимча, ўша прокурор ёрдамчиси сиз ўйлаган одам эмас, аксинча, аблаҳ, ифлос бир махлуқ бўлса керак.

– Худо ҳақи, титроқ босяпти мени, – деди Дантес, – нахотки жаҳонни инсон эмас, фақат шер ва тимсоҳ каби ваҳший ҳайвонлар босиб кетган бўлса?!

– Худди шундай, аммо икки оёқли шер ва тимсоҳлар ҳамма ҳайвонлардан ҳам хавфли бўлади.

– Марҳамат қилинг, давом эттирайлик суҳбатни.

– Хўп бўлади. Хатни куйдирди дедингиз-а?

– Ҳа, куйдирди ва: «Кўрдингизми, сизни айблашнинг ягона далили мана шу хат эди, мен уни куйдириб ташладим», – деди.

– Бу жуда ортиқча мурувват, шунинг учун ғайри табиий.

– Сиз шундай деб ўйлайсизми?

– Бунга менинг имоним комил. Хат кимга ёзилган эди?

– Парижда, Кок-Эрон кўчасидаги ўн учинчи уйда яшовчи Нуартъе жанобларига.

– Бу хатнинг йўқотилишидан прокурор ёрдамчисининг ўзи манфаатдор эмасмикин?

– Эҳтимол, бу хат тўғрисида ҳеч кимга ҳеч нима демаслик керак, деб мени бир неча марта ваъда беришга мажбур этди, конверт устига ёзилган исмни ҳеч қачон, ҳеч ерда оғизга олмайсиз, деб қасам ичирди ва бу ўзингизга наф келтиради, деди.

– Нуартъе! – деди аббат. – Нуартъе! Собиқ қиролича Этуриянинг саройида Нуартъе деган одам бўлганидан хабарим бор. Уша Нуартъе революция вақтида жирондист эди. Прокурор ёрдамчисининг номи нима?

– Де Вильфор.

Аббат қаҳ-қаҳ уриб кулди.

Дантес ҳайрон бўлиб тикилиб қолди унга.

– Нима бўлди сизга? – деди у.

– Мана бу қуёш нурини кўриб турибсизми?

– Кўриб турибман.

– Мана эндиликда сизнинг ишингиз менга ана шу нурдан ҳам равшан. Э-э, бола бечора! У мен билан жуда хушмуомалада бўлди денг?

– Ҳа, жуда меҳрибонлик кўрсатди.

– Хатни йўқ қилиб ташлаган ҳам ана шу меҳрибон денг?

– Ҳа, уша.

– Нуартъе номини ҳеч қачон, ҳеч қаерда оғизга олмай-сиз деб сизни қасам ичирган ҳам ўша жалподга қурбон ет-казиб берувчи муртадми?

– Ҳа.

– Э-э-э, ғофил банда, биласизми, Нуартъе деб аталган мах-луқ ким ўзи? Ахир Нуартъе ўша прокурор ёрдамчисининг отаси-ку!

Аббатнинг бу сўзлари Дантесни шу қадар эсанкиратиб қўйдики, агар шу пайт унинг оёғи остида чақмоқ урилиб ер ёрилса-ю, тагида дўзах кўринса у бунчалик ҳаяжонга туш-маган бўлур эди... Дантес ўрнидан сапчиб турди-да, икки қўли билан бошини чангаллаб олди.

– Унинг отасими? Отаси денг! – қичқириб юборди Дан-тес.

– Ҳа, худди шундай, унинг отаси, номи Нуартъе де Виль-фор, – деди аббат.

Шу пайт Дантеснинг фикри бирдан равшанлашиб, ҳозир-гача унга қоронғи бўлиб келган нарсаларнинг ҳаммаси тўсат-дан ялт этиб ёришиб кетди. Вильфорнинг сўроқ вақтида иккиланиб, саросимага тушиб қолгани, хатнинг куйдири-лиши, онт ичишни талаб қилиши, судьянинг хушмуомала-да бўлиши – дағаллик қилмай, ҳатто илтимосомуз гапири-ши – ҳаммаси бирин-кетин унинг кўз олдидан ўтди. У қич-қириб маст-аластдай гандираклаб кетди. Сўнг аббат каме-расидан ўзиникига борадиган тешик томон отилди.

– Мен ўзим якка бўлишим керак ҳозир! – деди хитоб қилиб. – Буларнинг ҳаммасини ўйлаб ўйимга етишим керак.

У камерасига чиқиб ўзини каравотга отди. Кечқурун тур-ма назоратчиси келганда Дантес авзойи бузилиб бир нуқ-тага тикилганча чурқ этмай каравотда ўтирган эди.

Вир дақиқадек ўтиб кетган узоқ вақт ичида фикр-хаёл-га чўмиб кетган Дантес даҳшатли қарор қабул қилди ва буни амалга ошириш учун қатъиян онт ичди.

Турма назоратчиси келиб кетгач, аббат Фариа кечки ов-қатга чақиргани келиб Дантеснинг хаёлини қочириб юбор-ди. Жинни деган (бунинг устига жинниларнинг қизиғи де-ган) унвон кекса маҳбусга баъзи имтиёзлар берилишига сабаб бўлган эди, унга ноннинг оқроғини беришарди ва якшанба кунлари бир графин вино келтириб қўйишарди.

Шу кун якшанба эди, аббат ёш дўстини яна шу нон ва ви-  
нони бирга баҳам кўришга чақиргани келди.

Дантес чолнинг кетидан чиқди. Унинг чеҳраси очилиб,  
илгариги тусга кирган эди, бироқ кўзлари ҳамон қатъият  
ва ғазаб билан ёниб турарди. Бу йигитнинг нимагадир аҳд  
этганидан далолат бериб турарди. Аббат унга диққат би-  
лан тикилди.

– Мен ҳақиқатни билишда сизга ёрдам берганимдан аф-  
сусланяпман энди.

– Нечун? – сўради Дантес.

– Шунинг учунки, дилингизда йўқ бир туйғуни, яъни қасос  
олиш туйғусини пайдо қилиб қўйдим.

Дантес илжайди.

– Келинг, бошқа нарсалар тўғрисида гаплашайлик, –  
деди у.

Аббат унга бир назар ташлади-да, кўнгли ғаш бўлиб бо-  
шини чайқади. Бироқ Дантеснинг илтимосини ерда қол-  
дирмаслик учун бошқа нарса тўғрисида гап бошлади. Бо-  
шидан кўп азоб-уқубатларни кечирган, кўпни кўрган киши-  
лар билан сўзлашиш жозибали ва ибратли бўлганидек, аб-  
бат билан суҳбат ҳам жуда қизиқарли ва ибратли эди, бироқ  
бу шўрлик чолнинг сўзларида худбинликдан асар ҳам йўқ  
эди, у ўз дард-аламидан ҳеч сўз очмасди.

Дантес унинг ҳар бир сўзини завқ билан илиб олар, аб-  
бат баъзан унга аллақачон маълум фикрлар ва денгизчига  
маълум билимлар тўғрисида гапирар, баъзан унга номаъ-  
лум нарсаларни баён этиб, ярим кеча денгизчининг йўли-  
ни ёритадиган шимол ёғдуси каби унинг ҳаёт йўлига нур  
бағишларди. Дантес ахлоқ, фалсафа ва ижтимоий гоёлар  
чўққисиди бу зотга ҳамроҳ бўлиш билимдон киши учун кат-  
та бахт эканини англади.

– Ўзингиз билган нарсалардан бирортасини менга ҳам  
ўргатинг, – деди Дантес, – йўқса зерикиб қоласиз. Мендек  
саводсиз, арзимаган одам билан машмашалашиб ўтирган-  
дан кўра, ёлғиз бўлганим яхши эди, деб ўзингизни олиб  
қочасиз. Мени ана шу ваҳимага соляпти. Агар менинг шу  
илтимосимни бажаришга розилик билдирсангиз, қочиш  
тўғрисида энди мутлақо гапирмасликка ваъда бераман.

Аббат жилмайиб қўйди.



– Аммо шуни яхши билиб қўйингки, азизим, – деди Фариа, – инсоннинг билими ниҳоятда чегараланган, мен сизга математика, физика, тарихни ва ўзим гапирадиган уч-тўрт тилни ўргатганим билан, барибир мен билгандан ортиқ илм ололмайсиз, мен ўз билганларимни сизга узоғи билан икки йил ичидаёқ ўргатиб қўяман.

– Икки йил ичида! Шунча фанни икки йилда ўрганиб олишимга ишонасизми?

– Жуда чуқур бўлмаса-да, асосан ўрганиб оласиз. Ўрганиш – билиб олиш, деган гап эмас, албатта. Биладиганлар бор, олимлар ор, биринчилари – ёд олувчилар, иккинчилари – файласуфлар.

– Фалсафани ўрганиш мумкин эмасми?

– Фалсафани ўрганмайдилар, фалсафа – орттирган билимлар билан юксак ақлнинг мажмуаси, фалсафа – Исо пайгамбар осмонга кўтарилиб оёқ босган ёрқин булут.

– Мен илмга шу қадар чанқоқманки, сабр-тоқатим тугаб боряпти, эртaroқ бошлашингизни илтимос қиламан. Сиз дастлаб менга нимани ўргатасиз? – деб сўради Дантес.

– Ҳаммасини! – деди аббат.

Маҳбуслар шу куниёқ ўқиш режасини тузиб чиқишди ва эртаси куни уни амалга ошира бошлашди. Дантеснинг хотираси ниҳоятда ўткир ва зеҳни баланд эди. Бу хислат математикада жуда керакли бўлиб, ҳамма дарсларни яхши ўзлаштириб оларди, денгизчининг романтикаси жонсиз-қуруқ рақамлар ва тўғри чизиқлардан иборат зерикарли яқунлар, далилларга анча жон киритиб юборарди. Бунинг устига у италян тилини биларди. Шарққа қилган сафарларида янги грек тилини ҳам анча ўрганиб олганди, мана шу икки тилнинг ёрдами билан бошқа тилларнинг тузилишини ҳам тезда англаб олди ва ярим йил ўтар-ўтмас испан, инглиз ва немис тилларида гаплаша бошлади.

Фанга жуда берилиб кетганиданми ёки ўз ваъдасининг устидан чиқадиган тантилигиданми ҳар нечук, Дантес аббатга берган ваъдасига вафо қилиб қочиш тўғрисида фикр этмай қўйди, шу зайлда унинг кунлари тез ва мазмунли ўтаверди. Бир йил ўтгач, у тамоман бошқача одам бўлиб қолди.

Аббат Фариага келганда шуни айтиш керакки, Дантес билан анча овуниб қолган бўлса-да, кундан-кунга чол-

нинг руҳи тушиб бораверди. Унинг ўй-хаёлини қандайдир фикр маҳкам чулғаб олгандек кўринарди. У гоҳ чуқур хаёлга чўмиб, уҳ тортиб қўяр, гоҳ ирғиб ўрнидан турарди-да, икки қўлини кўксига босиб, соатлаб хонада юриб чиқарди.

Кунлардан бир куни у тўсатдан турган жойида тик туриб қолди-да, хитоб қилди:

– Қани энди, соқчи бўлмаса эди!

– Соқчининг бўлиш-бўлмаслиги ўзингизга боғлиқ, – деди Дантес аббатнинг фикрини фаҳмлаб.

– Мен сизга ҳали айтдим-ку, одам ўлдиришдан жиркана-ман, деб.

– Аммо биз ўзимизни муҳофаза қилиш учун, ўзимизни сақлаб қолиш учун ўлдирамиз-ку.

– Бари бир, мен буни қилолмайман.

– Бироқ доим шу ҳақда ўйласангиз керак?

– Тинмай ўйлайман, – деди аста аббат.

– Бунинг йўлини топдингизми? – сўради қизиқиб Дантес.

– Топдим, агар хиёбонга кўр, кар соқчини қўйганлари-да эди.

– У ҳам кўр, ҳам кар бўлади, – деди қатъий қилиб Дантес, аббат чўчиб кетди.

– Йўқ, йўқ, – қичқирди у, – бундай қилиш ярамайди!

Дантес гапини давом эттирмакчи эди, лекин аббат бошини чайқади-да, жавоб қайтармай қўйди.

Уч ой ўтди.

– Бақувватмисиз? – сўради аббат бир куни Дантесдан. Дантес жавоб бериш ўрнига исканани олди-да, қайирди, сўнг яна тўғрилаб қўйди.

– Соқчини бошқа илож қолмаган тақдирдагина ўлдираман, деб сўз берасизми?

– Чин юракдан сўз бераман.

– Истагингизни ана шу шарт билан амалга оширамиз, – деди аббат.

– Бунга қанча вақт керак бўлади?

– Камида бир йил.

– Ишга киришавериш мумкинми?

– Ҳозирданоқ бошлаш мумкин.

– Ахийри келиб шундай бўларкану, бир йил вақтимиз беҳуда кетди-я! – деди қичқариб Дантес.

– Сизнингча, беҳуда кетдимми?

– Худо ҳақи, кечиринг мени! – хитоб қилди Дантес қизариб.

– Бўлди! – деди аббат. – Инсон ҳамиша фақат инсон, сиз эса мен билган яхши инсонларнинг бирисиз. Энди қулоқ солинг, мана менинг режам.

Аббат ўзи ишлаган чизмани кўрсатди. Бу ўзи билан Дантеснинг камераси бўлиб, икки камера ўртасидаги йўлканинг пойиҳаси эди. Ана шу йўлканинг ўртасидан ёнбошга қараб худди конлардагига ўхшатилиб йўл ўтказилган, унинг охири соқчи турган хиёбон тагида тугарди. Ана шу ерга етиб бориб кенг чуқур кавлаб, ташқаридан хиёбонга ётқизилган плитанинг тагини бўшатиб омонат қилиб қўйиш режалаштирилган эди: зарур пайтда ҳалиги плита солдатни кўтаролмай чўкади-да, у чуқурга йиқилиб тушади, солдат ўзини йўқотиб қўйиб қаршилик кўрсатолмайди, шу дақиқада Дантес уни босиб, оёқ-қўлини боғлайди, оғзига латта тикади, сўнг икки маҳбус хиёбон деразасидан чиқади-да, арқондан ясалган нарвондан пастга тушиб қочади.

Дантес чапак чалиб юборди, қувончдан кўзлари ёнди, режа жуда жўн бўлиб, унинг бажарилиши ҳеч гап эмасдай туюлди унга.

Ер қазувчиларимиз ўша кунданоқ иш бошлашди, анча вақт ҳордиқ чиқаришгани ва ҳозирги тадбир иккисининг ҳам эзгу орзуларига мос келгани сабабли бўлса керак, жонжаҳдлари билан ишлашарди.

Улар ҳормай-толмай тинимсиз ишлашди, фақат иккиси камерасига чиқиб турма назоратчисининг келишини кутишга мажбур бўлган вақтдагина ишни тўхтатишарди. Назоратчининг қадамини анча узоқдан билиб оладиган бўлиб қолишганидан уларнинг ҳеч бирини қўлга тушира олишмади. Янгидан қазиб олинган тупроқ илгариги тешикни бекитиб қўймасин учун уни оз-оздан ва ниҳоятда эҳтиётлик билан Дантеснинг ёки Фарианинг деразасидан ташқарига отиб юборишарди. Аввал кукун қилиб майдалардилар-да, сўнг отиб юборардилар, тунги шамол уни учириб кетарди.

Искана, пичоқ ва ричаг билан қилинган бу иш бир йилдан кўпроқ давом этди, шу давр ичида аббат Дантесни ўқитишни ҳам давом эттирди, у билан ҳар хил тилларда гаплашди, халқлар тарихини, шон-шараф қозониб тарихда из қолдирган улуғ инсонлар тарихини ҳикоя қилиб берди. Шу билан бирга олий табақага мансуб оқсуяклардан бўлгани туфайли аббат ўзини қандайдир улуғвор тутарди ҳам, Дантес эса ҳозирча ўз хулқ-атворида бўлмаган гўзал назокат, хушмуомалалик, юқори табақа синфга мансуб зотлар ёки билимдон кишилар гурунгидагина орттириладиган аристократик қилиқларни ўзига хос ўткир туғма зеҳн билан эгаллаб оларди.

Роса ўн беш ой деганда, йўлкани кавлаб битиришди. Хиёбон тагидаги ўрани ҳам тугатишди. Энди соқчининг у ёқдан-бу ёққа гурс-гурс қадам ташлаб юргани бемалол эшитилиб турарди. Осонлик билан қочиш учун қоронғи тушишини кутишга мажбур маҳбуслар бир нарсадан хавфсирашарди: ер бўшлиқ қилиб, солдатни кўтаролмай, вақтидан илгари ўпирилиб тушиши мумкин, унда иш хароб бўлади. Ана шу хавфнинг олдини олиш учун маҳбуслар тиргак қўйишди, буни фундаментдан топиб олгандилар.

Дантес ана шу иш билан банд эди, ўз хонасида арқон нарвонни қоқиш учун миҳни қайириб турганда, аббат Фаринанинг ваҳимали овози эшитилди, у ўтакаси ёрилгудек бўлиб Дантесни чақирар эди. Дантес югуриб борди, аббат хонанинг ўртасида ранги ўчиб тер босиб, қалтираб турарди.

– Э-э, Парвардигор! – деди Дантес. – Нима гап? Сизга нима бўлди?

– Тез келинг! Тез! – деди аббат. – Қулоқ солинг!

Дантес аббатнинг бўзариб кетган юзи, чақчайиб кетган кўзлари, қонсиз лаблари, тўзиган сочларини кўриб кайфи учиб қўлидан исканани тушириб юборди.

– Нима бўлди? – хитоб қилди у.

– Мен ҳалок бўлдим, ҳалок! – деди аббат. – Мана, қулоқ солинг! Мени даҳшатли бир касал чулғаб оляпти, бу касал ўлимга дучор қилиши мумкин, ана тутқанок бошланяпти, сезиб турибман. Қамоқдан бир йил олдин бу касални бошимдан кечирган эдим. Бунинг фақат биргина давоси бор,

ҳозир айтаман сизга, югуриб менинг хонамга боринг, каравотнинг оёғини кўтаринг. Унинг ичи ҳавол, ковакда суюқ қизил дори солинган шишача бор, ўша шишачани олиб келинг... ёки... йўқ, йўқ, тўхтанг! Бу ерда мени кўриб қолишлари мумкин. Мени қувватим борида суяб ўз хонамга олиб боринг, ким билсин, бирор кори ҳол юз бериши ҳам мумкин, тутқаноқнинг қанча давом этиши номаълум.

Дантес даҳшатли бахтсизлик юз бераётганига қарамай, саросимага тушмади, у шўрлик аббатни судраб ғорга тушди, уни зўр-базўр ўз хонасига олиб бориб тўшакка ётқизди.

– Раҳмат, миннатдорман, – деди аббат худди ҳозиргина муздек сувдан чиққан кишига ўхшаб дир-дир титраркан. – Тутқаноқ эҳтимол ҳозир бошланар, мен қотиб қоларман. Эҳтимол, унсиз, қимир этмай ётарман, эҳтимол, оғзимда кўпик пайдо бўлар, ағанаб қичқирарман ҳам. Шундай қилингики, менинг қичқирганимни ҳеч ким эшитмасин. Бу жуда муҳим. Агар шундай қилмасангиз, мени бошқа хонага кўчириб қўйишлари мумкин, унда иккимизни бир-биримиздан батамом ажратиб қўйишади. Мен худди мурда сингари қотиб, совиб қолганимдан сўнг – ана ўшанда, фақат ўшанда эшитдингизми, пичоқ билан тишларимни йиринг-да, ҳалиги суюқ доридан ўн томчи томизинг, шундан сўнг эҳтимол ҳушимга келарман.

– Бу даргумонми ҳали? – деди қайғуриб Дантес.

– Ёрдам беринг! Ёрдам беринг! – қичқирди аббат. – Мен... мен... ўл...

Тутқаноқ тўсатдан, шу қадар тез бошландики, бечора маҳбус бошлаган икки оғиз сўзини ҳам тамомлай олмади, пешанасини қора тер босди, кўзлари олайиб, хира тортиди, оғзи қийшайиб, юзлари қизариб кетди, у ўзини ҳар томонга уриб, бақира бошлади, оғзида кўпик пайдо бўлди. Дантес унинг буйруғини бажо келтириб, кўрпа билан оғзини бекитди. Тутқаноқ икки соат давом этди. Ахири тошдек ҳиссиз, мармардек совуқ ва оппоқ тортиб, эзиб ташланган хас-чўпдек ҳолсиз аббат сўнгги марта талвасаланди-да, оёқларини шартта узатиб чўзилганча, қимир этмай қолди.

Эдмон мана шу хаёлий, сохта ажал чолнинг аъзойи баданини бўғиб олгунча, уни музга айлантиргунча кутиб тур-

ди, шундан сўнг пичоқ олиб, аббатнинг тишлари орасига суқди-да, зўр бериб унинг жағларини айирди ва қизил до-ридан бирин-кетин ўн томчи қуйди, сўнг кутиб турди.

Бир соат ўтди, чол қимир этмади. Дантес шунча кутсам ҳам ҳушига келмади, деб қўрқиб кетди, икки қўли билан бошини чангаллаганича ваҳима босган кўзларини чолдан узмасди. Бора-бора чолнинг юзига сал қон югурди, бақрай-ган кўзларида жон асари кўринди, оғзидан енгил нафас ниқди. Чол қимирлади.

– Қутулди! Қутулди ажалдан! – қичқириб юборди Дан-тес.

Бемор ҳали гапиришга мадого йўқ эди, шунга қарамай, уташвишга тушиб тўлғанди-да, қўлини эшик томонга узат-ди. Дантес қулоғини динг қилиб турма назоратчисининг оёқ товушларини эшитди. Соат аллақачон еттига бориб қолган. Дантес эса вақтга қараб туришни буткул унутиб қўйган эди.

Эдмон югуриб бориб ўрага кирди-да, тошни жойига ўрна-тиб, ўз камерасига ўтди.

Бир неча дақиқадан сўнг назоратчи эшикни очиб ичка-ри кирди, маҳбус ҳар галгидек тўшагида ўтирган эди.

Назоратчи чиқиб кетиши билан, унинг қадам товушла-ри йўқолиши ҳаманоқ тоқати тоқ бўлган Дантес, овқатла-нишни ҳам унутиб шошиб орқага югурди, тошни олиб қўйиб, аббат камерасига кириб борди.

Аббат ҳушига келиб қолган бўлса-да, ҳали чўзилганича қимир этмай ётган эди.

– Мен энди сиздан жудо бўлдим, деб ўйлаган эдим, – деди чол Эдмонга.

– Нечун? – сўради Дантес, – наҳотки ўлиб қоламан деб қўрққан бўлсангиз?

– Йўқ, ундай эмас. Ҳамма нарса тайёр, бир ўзингиз қочиб кетиб қоласизми деган хаёлга бордим.

Дантес кўнгли оғриниб, қизариб кетди.

– Сизни қолдириб-а? – қичқирди у. – Наҳотки, сиз мени шундай бевафо одам деб ўйлайсиз?

– Янглишганимни ўзим ҳам билдим энди, – деди бемор. – Менинг, афсуски, ҳеч ҳол-жоним йўқ. Бу касал батамом эзиб ташлади.

– Кўнгилни туқ тутинг, сабр қилинг, бардам бўлинг, Худо хоҳласа, куч ҳам кириб қолади қайтадан, – деди Дантес аббат тўшаги ёнига ўтириб. У чолнинг қўлини ушлади.

Аббат бошини чайқади.

– Илгариги сафар, – деди у, – тутқаноқ ярим соат давом этган эди, тамом бўлгач, овқат егим келиб, ўзим ўрнимдан тургандим, бугун эса, на ўнг оёғимни қимирлата оламан, на ўнг қўлимни, бошим ниҳоят оғирлашиб қолди, демак, миямга қон қуйилган бўлса керак. Учинчи тутқаноқ мени фалажга мубтало қилади ёки кунимни калта қилади-қўяди.

– Йўқ, йўқ, тинчланинг, хотиржам бўлинг, сиз ўлмайсиз, учинчи тутқаноқ мабодо юз бергудек бўлса, сизнинг эркин юрган пайтингизда бўлади, у вақтда биз сизни бугунгидек, ҳатто бундан ҳам яхшироқ тузатиб, соғайтириб оламиз. Ахир у вақтда ҳамма зарур нарсалар муҳайё бўлади-ку!

– Азизим, – деди жавобан чол, – ўзингизни ўзингиз беҳуда алдаманг, бугунги тутқаноқ мени тўшакка абадий миҳлаб қўйди: қочиш учун юра билмоқ керак.

– Нима бўпти? Бир ҳафта кутамиз, бир ой, керак бўлса, икки ой сабр қиламиз, бу вақт ичида қайта кучга кирасиз. Қочишимиз учун ҳамма нарса тайёр, қочишнинг кuni, соатини ўзимиз белгилаб олишимиз мумкин, сиз, сузишга кучим етади энди, десангиз бас, ўша заҳоти қочамиз.

– Мен энди ҳеч суза олмайман, – деди Фариа, – мана, қўлим шол бўлди, бир кунга эмас, абадийликка. Кўтариб кўрсангиз биласиз.

Дантес беморнинг қўлини кўтарди, қўйиб юборган эди, қўл қуруқ таёқдай шилқ этиб тушди. У ўксиниб, оғир нафас олди.

– Энди ишондингизми, Эдмон? – деди Фариа. – Ишонинг менга, мен билиб гапиряпман. Бу касалим биринчи тутгандан буён шу ҳақда ўйлайман, кутаман, чунки бу менга ота мерос, отам учинчи тутқаноққа дунёдан ўтган, бувам ҳам. Менга ҳалиги дорини берган доктор машҳур Кабанис бўлиб, у менга ҳам тутқаноғингиз учинчи тутишда тамом бўласиз, деган эди.

– Доктор хато қилади, – деди хитоб билан Дантес, – касалингиз халақит бермайди бизга: мен сизни опичиб олиб, сузиб кетавераман.

– Болам, – деди аббат, – сиз денгизчи, тажрибали сузувчисиз, биласизки, бундай юк билан узоққа боролмайсиз денгизда. Қўйинг, қўйнингизни пуч ёнғоққа тўлдириб ўтирманг, бу гапларингизга мурувватли ўз юрагингиз ҳам ишонмайди. Мен охирги дамгача, умримнинг сўнги дақиқасигача шу ерда қоламан. Сиз қочинг, қутулинг бу азоблардан! Ёш, эпчил ва бақувватсиз. Мени деб қариб ўтирманг.

– Бўпти, – деди Дантес, – ундай бўлса мен ҳам қоламан. – У ўрнидан турди-да, қўлларини чол устида чўзиб деди: – Парвардигор олдида қасамёд қиламанки, охирги дақиқангизгача сиз билан бирга бўламан.

Фариа олижаноб, олийҳиммат, самимий йигитчага қаради-да, унинг чехрасида садоқат, чин меҳр-муҳаббат ва вафодорлик аломатлари барқ уриб турганини кўрди.

– Майли, – деди бемор, – мен фидокорлигингизни қабул қиламан. Раҳмат.

Шундай деб чол қўлини Эдмонга чўзди.

– Сизнинг бу самимий садоқатингиз эҳтимол яхши тўхталар ато этар сизга, – деди чол, – бироқ бу ердан энди мен кетолмас эканман, сиз эса кетишни истамас экансиз, ундай бўлса, келинг, йўлак тагидан йўл очайлик. Соқчи гувиллаётган жойга эътибор бериб назоратчини чақириб қолиши мумкин, унда сиримиз очилиб, бизни бир-биримиздан жудо қилишлари турган гап. Боринг, бу иш билан шуғулланинг, афсуски, мен сизга энди ёрдам беролмайман. Бутун тун бўйи шу иш билан банд бўлинг, эртага эрталаб текшириш тугагандан сўнг қайтиб келинг. Сизга айтадиган жуда муҳим гапим бор.

Дантес қулиб, уни хотиржам этган аббатнинг қўлини қисди-да, чол буйруғига итоат қилиб, иззат билан кекса дўсти олдидан чиқиб кетди.

## **XVIII. АББАТ ФАРИАНИНГ ХАЗИНАСИ**

Дантес эрталаб дўстининг хонасига кирганда аббат тўшақда ўтирган эди. Унинг чехраси хотиржам, чап қўлидаги бир парча қоғоз устига деразадан қуёш нури тушиб турарди. Беморнинг ўнг қўли ишламай қолгани ўқувчига



маълум, бу қоғоз кўпдан бери най сингари ўралиб ётган бўлса керак, уни ёзиши анча қийин бўлди.

Аббат ун чиқармай Дантесга қоғозни кўрсатди.

– Нима бу? – сўради Дантес.

– Яхшироқ қаранг, – жавоб берди аббат илжайиб.

– Яхши қараяпман, – деди Дантес, – бу ғалати сиёҳ билан ёзилган готик ҳарфлар ва ярми куйган бир парча қоғоздан бошқа ҳеч нарса эмас-ку.

– Дўстим, бу қоғоз, – деди Фариа, – мен синаб кўрдим сизни, энди сирни айтишим мумкин, бу қоғоз – менинг олтин хазинам, шу ондан бошлаб бунинг ярми сизники.

Дантеснинг пешанасидан совуқ тер чиқиб кетди. Бахти қаро чолнинг жинни деб ном олишига сабаб бўлган бу хазина тўғрисида Эдмон шу кунгача оғиз очмай келган эди. Ёшлигидан одоб қоидаларига одатланиб келган Эдмон аббат ҳаётидаги бу ярага туз сепишни истамасди, Фариянинг ўзи эса бу ҳақда ҳеч нима демай келганидан чолнинг эсхуши жойига тушганидан нишона, деб ўйлаб қувонган эди. Мана энди оғир тутқаноқдан сўнг чолнинг оғзидан чиқиб кетган бу сўзлар, аббатнинг яна ақлдан озаётганидан дарак бераётгандек туюлди унга.

– Сизнинг хазинангизми бу? – деди зўрға овоз чиқариб Дантес.

– Ҳа, менинг хазинам, – жавоб қилди аббат, – сиз жуда олижаноб йигит экансиз. Эдмон, рангингиз ўчиб кетганидан ва овозингизнинг қалтирашидан қандай ҳолга тушганингизни фаҳмлаб турибман. Тинчланинг, мен жинни эмасман. Бу хазина чиндан ҳам бор, эндиликда мен у хазинага эга бўлолмаган эканман, сиз эга бўласиз унга. Ҳамма мени жинни деб гапимга ишонмади, аммо сиз ақлхушим жойида эканини биласиз, менинг гапларимни яхшилаб тингланг, сўнг ишонасизми-йўқми сизнинг ишингиз.

«Ё тавба! – ўйлади Дантес. – У яна ақлдан озди, энди шуниси етмаганмиди мен бахтсизга!»

Сўнг аббатга қараб деди:

– Дўстим, тутқаноқ жуда тинкангизни қуритиб қўйди. Дам олсангиз яхши бўларди. Истасангиз, эртага ҳикоя қилиб берарсиз, бугун эса мен фақат сизга ёрдам берсам

дейман. Бунинг устига, – қўшиб қўйди у қулиб, – бу хазина масаласи ҳозир жуда қистов эмас-ку!

– Ниҳоятда қистов иш бу! – жавоб қилди чол. – Ким билсин, эртага ёки индинга учинчи тутқанок тутиб қолиши мумкин. Унда тамом-вассалом! Баъзан мен бу хазина ўнлаб оилага бахт-саодат келтиради деб ўйлаб, ичдан куйнардим. Мени таъқиб қилиб юрганлар энди бу бойликлардан маҳрум бўлди. Мен улардан шу билан қасос олдим деб, зимистон зиндонда ўзимга далда бериб келдим. Мана эндиликда сизга меҳр-муҳаббатим ҳақи, тақдирга тан бериб, йигитлик чоғингизни ва келажагингизни кўриб ва менинг хазинам сизни қандай бахтиёр этишини кўз олдимга келтириб турган бир пайтда кечикиб, улгурмай қоламан деб, сиздек муносиб кишини бу бойликдан маҳрум қилиб қўяман, деб қўрқаяпман.

Эдмон хўрсиниб орқасини ўгирди.

– Сиз ҳамон ишонмаяпсизми менга, Эдмон? – давом эттирди сўзини Фариа, – менинг сўзларим сизни ишонтиролмади, шекилли. Сизга далил кераклигини сезиб турибман. Мана далил, марҳамат қилиб, ўқиб чиқинг бу сатрларни. Мен буни шу вақтгача ҳеч кимга кўрсатмаган эдим.

– Эртага дўстим, эртага, – жавоб берди Эдмон чолнинг ақлдан озаётганини инкор этишга ожизлик қилиб. – Эртага бу ҳақда гаплашамиз деб аҳд қилган эдик-ку.

– Майли, эртага гаплашамиз, бироқ хатни бугун ўқинг.

«Чолни хафа қилмаслик керак» деб ўйлади Дантес.

У ярми куйган қоғозни олди-да, ўқиди:

*Мана шу ғорларда, хазина энг тўрдаги бу хазинани унга васият қилиб ягона меросхўримга бераман.*

*25 апрель 149. Чез.*

– Хўш, энди нима дейсиз? – сўради Фариа, Дантес хатни ўқиб тамомлагач...

– Бу ерда фақат жумлаларнинг боши, – жавоб қилди Дантес, – сўзлар бир-бирига қовушмайди: ярми куйиб кетибди, маънисига тушуниб бўлмайди.

– Сиз тушунмаяпсиз фақат, биринчи марта ўқияпсиз-да, менга эса ҳамма сўзлари аён, чунки бунинг ҳар бир жумла-

сини, ҳар бир фикрини қайта тиклагунча шу бир парча қоғоз устида қанчадан-қанча тунларни бедор ўтказдим.

– Куйган жойдаги маънони ҳам тикладим деб ўйлайсизми?

– Менинг бунга имоним комил, ўзингиз фараз қилиб кўринг, дастлаб бу ҳужжатнинг тарихини эшитинг.

– Жим! – деди Дантес. – Оёқ товуши! Мен кетдим!.. Хайр! Дўстининг ақлдан озганини тасдиқлаётган бу ҳикоядан қутулиш имконияти туғилганидан шодланиб, лаҳмдан илондек ўрмалаб кетди. Фариа эса охирги кучини тўплаб оёғи билан тош тахтани итариб жойига сурди-да, тупроқ сепишга улгуролмай, ёриқлари кўринмасин деб чипта ёпиб қўйди.

Комендант кирди, у соқчидан аббатнинг касал бўлиб қолганини эшитиб, ўзи кўриб чиқмоқчи бўлиб келган эди.

Фариа гавдасининг ўнг томони фалаж бўлиб қолганини комендантдан яшириш учун уни ҳар қандай шубҳали ҳаракатдан ўзини тийиб ўтирган ҳолда кутиб олди. Аббат, комендант менга раҳм қилиб бошқа хонага кўчириб, мени ёш дўстимдан ажратиб қўймасин, деган ваҳимага тушган эди. Яхшиямки, бундай бўлмади. Комендант юраги ачишиб, шўрлик жинни бир оз бетоб бўп қопти, деган фикрга келиб, чиқиб кетди.

Айни вақтда Дантес каравотда бошини қуйи солиб ўтириб ўйга тушиб кетган эди. Аббат билан танишганидан буён унинг ақли расолигини, равшанлигини, мулоҳазалари чуқур ва мантиқли эканини тасдиқлайдиган жуда кўп далилларнинг гувоҳи бўлди, аммо ана шундай доно, юксак ақл эгасининг биргина масалада ақлини йўқотиб ўтирганига ҳеч тушунолмасди Дантес. Ким янглишяпти: ҳадеб олтин хазинаси тўғрисида гапирётган Фариами ёки Фариани жиннига чиқариб қўйганларми?

Дантес дўстининг ёнига чиқишга юраги дов бермай, қуни билан ўз хонасида ўтирди. У Фарианинг чиндан ҳам жиннилигига имони комил бўладиган дамларни орқага сурешга уринарди.

Кечқурун одатдаги текширишдан кейин Эдмонни кутакута тоқати тоқ бўлган Фариа ўртадаги масофани ўзи босиб ўтишга уриниб кўрди. Эдмон шитир-шитир товуш эшитиб фалаж мажақлаб ташлаган чолнинг зўр машаққатлар

билан эмаклаб келаётганини кўз олдига келтирди-да, сесканиб кетди. У аббатни хонасига тортиб чиқаришга мажбур бўлди, чунки Дантес хонасига тор тешиқдан Фариянинг ўтиши қийин эди.

– Мана, кўрдингизми, мен сизни жон-жаҳдим билан таъқиб қиляпман, – деди Фария меҳрибон табассум билан, – сиз менинг хотамтойлигимни рад этмоқчи бўласиз, бироқ буни уддалай олмайсиз. Қани, қулоқ солинг.

Эдмон ноилож чолни каравотига ўтқазди-да, ўзи унинг ёнидаги стулга чўкди.

– Сизга маълумки, – деди аббат, – мен қадимий уруғнинг охирги вакили кардинал Спаданинг котиби, ишончли дўсти эдим. Ҳаётимда қандай бахтиёр дамлар ўтган бўлса, ҳаммаси унинг шарофати билан бўлган, ундан миннатдорман. Унинг уруғ-аймоғининг мол-дунёси тўғрисида ҳамма жойда дув-дув гап тарқалган эди, ҳатто кўп вақт «Спададек бой» деган ибораларни ўз қулоғим билан эшитар эдим, шунга қарамай, бу кардинал бой эмасди. Фақат ана шу мишмишларга маҳлиё бўлиб юрарди. Унинг саройи мен учун жаннат эди. Мен унинг жиянларини ўқитардим (сўнг улар ўлиб кетди), у дунёда ёлғиз ўзи қолганда, ўн йиллик давр ичида қилган ҳамма яхшиликлари учун мен унга чексиз садоқат билан хизмат қилдим.

Кардинал оиласида ҳеч нарса мендан сир сақланмасди, у бир неча марта қадимий китобларни зўр диққат-эътибор билан варақлаб ва мерос қолган ёзувларни титиб ўтирганини кўрганман. Бир гап у ҳолдан тойиб, ҳафсаласи пир бўлиб ўтирганида, мен унга, кечалари кўз юммай, бу қоғозларни титиб ўтиришдан на фойда, деб таъна қилган эдим, кардинал менга заҳарханда назар ташлади-да, олдимга Рим тарихи китобини қўйди. Ана шу китобнинг папа Александр Vнинг туриш-турмушлари тасвир этилган йигирманчи бобида абадий эсимда қолган қуйидаги сатрларни ўқидим.

Романъега юришлар тугади. Цезарь Борджиа босқинчиликни охирига етказа бориб, Италияни буткул сотиб олиш учун пулга муҳтож бўлиб қолди. Папага ҳам мағлубиятга учраса-да «эгардан тушмаётган» француз қироли Людовик XIIга барҳам бериш учун пул керак эди. Вайрон этилган Италияда бирор қулай иш ўйлаб топиш керак эди.

Ҳазратларининг калласига бир фикр келди. У иккита янги кардинал тайинлашга қарор қилди.

Албатта, бой икки рим мансабдорини тайинлашда муқаддас авлиёга икки томонлама фойда келарди: биринчидан, у бўлғуси икки кардинал эгаллайдиган юксак мансабни ва даромадли ўринни сота оларди, иккинчидан, у икки кардинал шапкаси учун анча мукофот ҳам олиши мумкин эди.

Бу ишнинг яна учинчи томони ҳам борки, биз унинг тафсилотини тезда билиб оламиз.

Папа ва Цезарь Борджиа кардиналликка икки кишини, муқаддас саройда тўртта муҳим лавозимни эгаллаб келган Жованни Роспильози билан Римнинг энг олий ҳимматли ва энг бойларидан бири Чезари Спадани белгилашди. Иккаласи ҳам папанинг бу ҳимматига катта ҳақ тўлашди. Иккиси ҳам мансабпараст эди. Сўнг Цезарь Борджиа уларнинг ўринларига харидор топди.

Шундай қилиб, Роспильози билан Спада кардиналликка ҳақ тўлаган бўлса, бу икки янги кардиналнинг илгариги ўрни учун яна саккиз киши ҳақ тўлади. Бу олғир корчалоннинг сандиғига саккиз минг скудо нақдгина тушди.

Ишнинг учинчи томонига ўтайлик. Папа билан Цезарь Борджиа гапни бир жойга қўйиб Роспильози билан Спадани эъозлаб, уларга кардиналлик лавозимини бериб, улкан қарзни тўлаш ва Римга кўчиб келиш учун иккиси бор дунёсини пулга айлантиришга мажбур бўлажагини фаҳмлаб, иккала кардинални меҳмонга чақиришди.

Шу масалада папа билан Борджиа ўртасида келишмовчилик юз берди. Цезарь маккор эди, назаридан қолган кишиларни макр-ҳийла билан ўлдириб юборарди. Расво бир калитни берарди-да, шу калит билан аллақандай бир шкафни очишни биронтасидан илтимос қиларди. Чилангарнинг «хатоси» билан калитда тирноқдай игна бор эди. Кимки ана шу калит билан қулфни очаман деб уринса, ҳалиги игна қўлига санчиларди ва эртасига у жойи растонига жўнарди. Яна шер калласига ўхшаш кўзли бир узук бўлиб, уни Цезарь бирор зотнинг қўлини қисиб сўрашмоқчи бўлганида тақиб оларди. Ҳалиги шер калласи ўша зодагоннинг қўлига ботиб кетарди ва бир кун ўтгач, у ўларди.

Шунинг учун Цезарь папага иккала кардинални шкафни очишга мажбур этишни ёки қўлларини дўстона қаттиқ сиқишни таклиф этди. Аммо Александр VI унга бундай деб жавоб қилди: «Муносабатлардан ҳам муносиб кардиналлар – Спада ва Роспильозини сийлашда хасисликка йўл қўймайлик. Чамамда, бунга кетадиган харажатни қайтариб олармиз. Бунинг устига Цезарь, сен шуни унутмагинки, ошқозоннинг бузилиши дарҳол таъсир этади, санчиш ва чақиш бир-икки кун ўтгач таъсир этади».

Цезарь бу фикрга қўшилди. Икки кардинални меҳмонга чақиришнинг боиси ҳам ана шунда эди.

Сан-Пьетро-ин-Винколи яқинидаги папанинг узумзорида дастурхон безашди. Бу гўзал жой эканини кардиналлар орқаваротдан эшитиб юришарди.

Роспильози янги унвондан ва зиёфатнинг жуда зўр бўлишидан ўзида йўқ шод бўлиб келди. Ниҳоятда эҳтиёткор ва келажаги умидли ёш офицер жиянига муҳаббати чексиз Спада эса бир парча қоғоз ва қалам олди-да, ўз васиятно-масини ёзди. Сўнг жиянига одам юбориб узумзорда кутишини сўради. Аммо чопар борганда жияни уйида йўқ экан.

Спада меҳмонга чақиришларининг боиси нима эканини биларди. Тараққиёт куч-қудрати ҳисобланган христиан дини Римда тантана қилганидан буён зolim номидан центурия<sup>13</sup> бошлиғи келиб «Цезарь сенинг ўлишингни истайди» деб эълон қилмай қўйган эди, эндиликда саройнинг марҳаматли арбоби келиб табассум-ла: «Ҳазратлари сиз билан овқатни баҳам кўришни орзу қиладилар», дейдиган бўлиб қолди.

Спада кундуз нақ соат икки деганда, Сан-Пьетро-ин-Винколидаги узумзорга йўл олди. Папа аллақачон уни кутиб турган эди. Спаданинг дастлаб кўзи жуда ясаниб, шод-хуррам ўтирган жиянига тушди. Цезарь Борджиа уни жуда сийлаб-суйиб ўтирарди. Спада бўзариб кетди. Цезарь унга масхараомуз назар ташлади-да, ҳаммасини илгаридан билиб, қўлга тушириш чораларини кўриб қўйганини англатди.

---

<sup>13</sup> Центурия – қадимга Рим қўшинида юз аскардан иборат бўлган отряд. (Тарж.)

Овқатга ўтиришди, Спада жиянидан фақат «Менинг чопаримни кўрдингизми?» деб сўрашга улгурди, холос. Бу саволнинг маъносини жуда яхши англаган жияни «Йўқ», деб жавоб берди. Энди вақт ўтган эди: у аллақачон папанинг хизматкори қўйган ажойиб винони ичиб қўйган эди. Шу он яна бир шиша вино келтиришди-да, Спадага боплаб ичиришди. Бир соатдан сўнг доктор иккисининг заҳарланганини хабар қилди. Спада узумзордан чиқаверишда дунёдан ўтди, жияни эса, ўз уйи дарвозаси остонасида хотинига ниманидир айтаман, деб уриниб, бироқ аниқ айтолмай, тил тортмай ўлди, хотини унинг сўзларига тушунмади.

Цезарь ва папа шу соатдаёқ, марҳумларнинг ёзувларини кўриб чиқишни баҳона қилиб, уларнинг мол-мулкани эгаллаб олишди. Бироқ бу мерос фақат бир парча қоғоздангина иборат бўлиб, унда қуйидагилар ёзилган эди: «Мен ардоқли жиянимга сандиқларимни ва китобларимни васият қилиб қолдираман, улар орасида менинг дуолар тўпламим ҳам бор. Бу китобни у севимли тоғамдан ёдгорлик деб сақлаб қўйсин».

Меросхўрлар ҳамма ёқни тинтишди; китобни варақлаб кўришди, уй жиҳозларини кўздан кечиришди, бой деб донг чиқарган Спада энг камбағал тоғалардан эканини кўриб ғоят таажжубланишди. Кутубхонадаги билим бойлигини айтмаганда, бу ерда ҳеч қандай бойликдан асар йўқ эди.

Бошқа ҳеч нарса топилмади. Цезарь ва унинг отаси роса ахтариб тинтиб, суриштириб кўришди, бироқ минг скудага ҳам зўрға етадиган олтин ва кумуш буюмлар ҳамда шунга яқин нақд пул топишди, холос, бироқ жияни эшигига қайтганида хотинига қуйидаги сўзларни айтишга улгурган эди: «Тоғамнинг қоғозларини тинтиб кўринг, ҳақиқий васиятнома ўша ерда бўлиши керак».

Ҳукумат тепасидаги меросхўрларга нисбатан қавм-қариндошлар ҳовлиқмай, аста-секин синчиклаб текшира бошлашди. Бироқ булар ҳам ҳеч нима топишолмади; улар икки ҳовлию ва Палатин орқасидаги узумзорларга эга бўлишди. Ўша вақтларда уй-жой, ҳовли жуда арзон эди. Иккала ҳовли ва узумзорлар ҳеч нарсага арзимайдиган мулк бўлгани сабабли очкўз папа ва унинг шериги буларни марҳумнинг оиласига қолдиришди.

Ойлар, йиллар ўтди, Александр VI адашиб заҳар ичиб ўлиб кетди, унинг билан бирга заҳарланган Цезарь эса ҳийлаю найранг билан илон каби пўстини ташлаб, бошқа қиёфага кириб қолди. Пировардида Римдан чиқиб кетишга мажбур бўлди, қандайдир тунги тўқнашувда ўлиб кетди, тарихда номи ҳам қолмади.

Папанинг ўлимидан, унинг шериги ҳайдалганидан кейин ҳамма Спадалар оиласи яна илгаридек бек-хонларча яшаб кетса керак, деб ўйлаган эди. Асло шундай бўлмади. Спада оиласи шубҳали ҳаёт кечирарди, абадий сир бу шубҳали ишга ҳаммани тортарди. Пападан қувроқ Цезарь иккала кардиналнинг мол-мулкани ўғирлаб кетди, деган мишмишлар тарқалди. Иккала кардиналнинг деяётганимнинг сабаби шуки, кардинал Роспильози, ҳеч қандай эҳтиёт чораси кўрмай, шипшидам қилинган эди.

– Ҳозиргача, – деди Фариа жилмайиб, – сиз менинг сўзларимдан бирорта чалғиш сезмадингиз шекилли, тўғрими?

– Аксинча, – деди Дантес, – мен худди ажойиб солнома ўқиётганга ўхшайман. Илтимос қиламан, давом этинг.

– Хўп, давом этаман.

Спадалар оиласи бу жумбоққа кўникиб, аҳамият бермай қўйишди. Йиллар ўтди. Бу оила авлодида ҳарбийлар, дипломатлар бор эди, айримлари диний мансаб қабул қилди, баъзилари банкка хўжайин бўлиб қолди, бири бойиб кетиб, иккинчиси тамоман хонавайрон бўлди. Энди бу уруфнинг энг охирги аъзоси – мен котиб бўлиб ишлаган граф Спадага ўтаман.

У кўпинча унинг бойлиги мавқеига мос келмаётганидан нолирди, мен унга қолган ҳамма мулкани доимий рентага айлантиришни маслаҳат бердим. Спада маслаҳатимга амал қилиб, даромадини икки баробар кўпайтириб олди.

Машҳур дуолар китоби оилада граф Спаданики бўлиб қолди, бу китоб отадан ўғилга ўтиб, бояги васият туфайли қандайдир муқаддас буюм сифатида сақланиб келинди. Китоб готик услубдаги нафис суратлар, заррин безаклар билан безалган бўлиб, тантанали кунларда хизматкор кардинал олдида уни кўтариб борарди.



Захар ичиб ўлган кардиналдан сўнг қолган ва оилавий архивда сақланиб ётган турли ҳужжатларни, шартнома-битимларни, чарм хатларни кўриб, мен ҳам мендан олдин йигирмага хизматкор тинтиган бу улкан қоғоз тўпламини тинтиб-текшира бошладим. Сабр-тоқат қилиб роса титкилашимга қарамай, ҳеч нима топмадим. Шу давр ичида Борджиалар оиласининг тарихига доир ёзувларни синчиклаб роса ўқидим, ҳатто деярли кунма-кун муфассал ёзиб чиқдим, бундан мақсадим менинг Чезаре Спадам ўлганидан сўнг уларнинг бойлиги ошган ёки ошмаганини билиш эди. Билдимки, Борджиалар оиласининг бойлиги фақат бахти қаро Спаданинг жабрдийда дўсти кардинал Роспильозининг мулки ҳисобигагина кўпайган, холос.

Спаданинг меросини ҳеч ким эгаллаб олмаганига – оиласи ҳам, Борджиа ҳам тополмаганига ишониб, бу дунё худди араб эртақларидаги каби эгасиз, руҳлар муҳофазасида ер остида кўмилиб ётган бўлса керак, деб ўйлардим. Уч юз йил мобайнида Спадалар оиласининг даромад ва харажатларини минг-минг марта ўрганиб, ҳисоб-китобдан ўтказиб чиқдим, аммо шунчалик меҳнатим беҳуда кетди, ҳеч нарса тополмадим. Граф Спада эса қашшоқликка юз тутди.

Менинг ҳимоячим вафот этди. У мол-мулкни доимий рентага айлантириб, ўзига фақат оилавий архивни, беш минг томлик кутубхонани ва машҳур дуолар китобини қолдирган эди. Шуларнинг ҳаммасини, яна бир минг рим скудосини менга васият қилиб қолдирди-да, ҳар йили унга худойи ўтказишимни ва авлодининг тарихини тузишимни шарт қилиб қўйди. Мен буни айтганидек қилиб бажо келтирдим...

– Сабр қилинг, азизим Эдмон, охирига яқинлашяпмиз.

Минг саккиз юз еттинчи йили, мени қамашларидан бир ой олдин ва графнинг вафотидан икки ҳафта ўтгач, йигирма бешинчи декабрда (бу сананинг нечун эсимда қолганининг сабабини ҳозир биласиз) мен мингинчи марта қоғозларни ўқиб, тартибга солаётган эдим. Сарой сотиб юборилган эди, мен ҳамма буюмларимни (буларнинг баҳоси ўн икки минг ливр эди), кутубхонадаги китобларни ва машҳур дуолар китобини олиб Римдан Флоренцияга кўчмоқчи бўлиб юрган эдим. Кўп чарчаб, тўйиб овқат еб бўшашган

ҳолда бошимни қўлларимга қўйиб ухлаб қолибман. Кундуз соат учлар эди.

Уйғонганимда соат олтига борган экан.

Бошимни кўтардим, атрофга қоронғилик чўкканди. Чироқ сўраш ниятида қўнғироқ чалдим. Ҳеч ким келмади. Шундан сўнг чироқни ўзим ёқишга қарор қилдим. Бунинг устига мен фалсафачиларга хос яшашга одатланмоғим зарур эди. Бир қўлимга шам олдим-да, гугурт йўқлигидан, печдан ёндириб олиш учун бирор парча қоғоз ахтардим. Кераксиз қоғоз ўрнига бирорта қимматли ҳужжатни ёндириб қўймайин тағин деб қўрқдим, шу пайт шу ерда, стол устида ётган бояги дуолар китоби ичига хатчўп ўрнида сарғайиб кетган бир парча қоғоз ётгани эсимга тушиб қолди. Бу қоғозни меросхўрлар жуда авайлаб сақлаб келардилар. Мен ана шу кераксиз қоғозни топиб олдим-да, буклаб-буклаб, ўт олдига олиб бордим.

Тўсатдан, худди сеҳргарнинг амри вожиб бўлаётгандай, ҳалиги қоғоз ёнган сари, унинг оппоқ бетидан сап-сарик ҳарфлар пайдо бўла бошлади, мени ваҳима босди, қоғозни дарҳол кафтимга босиб, ўтни ўчирдим, нақ печь олдида шам ёқдим, қандайдир кучли ҳаяжон билан мижиғланган қоғозни текисладим, сўнг англадимки, бу ҳарфлар фақат қизитилганда рангсиз сиёҳ билан ёзилган экан. Хатнинг тўртдан уч қисми ёниб кул бўлган эди. Бугун эрталаб сиз ўқиган хат худди ана шу хат эди. Дантес, хатни яна бир ўқиб чиқинг, ўқиб бўлганингиздан кейин мен ўша қуйиб йўқ бўлиб кетган жойларини тўлдириб айтиб бераман.

Фариа шундай деди-да, ғурур-ла қоғозни Дантесга узатди, Дантес эса бу гал зўр ҳаяжон билан сарик сиёҳ билан ёзилган қуйидаги сўзларни ўқиди:

*«1498 йил 25 апрелда ҳаз  
чақирилганимда, у кардинал  
ланиб қолмай, меросимга эга  
Капрар ва Бентиволью  
ягона меросхўрим Гвидо  
бориб кўрган Монте-Кристо  
ни, тангаларимни, қимматбаҳо асл  
қўйганман, фақат менга маълум икки миллион*

бойликни жияним шарқ томондаги кичик  
қоя тагидан толиб олади. Мана шу ғорда  
тўрдаги иккинчи ўрага қўмилган, бу хаз  
га васият қилиб қолдираман ва унга шах

149... 25 апрель Чез...

– Мана энди буни ўқинг, – деди аббат ва Дантесга яна  
бир хатни узатди. Дантес хатни олди-да, ўқиди.

рат Александр VI томонидан меҳмонга  
шапкаси учун оладиган ҳақ билан кифоя-  
чиқиш ниятида мени ҳам кардинал  
заҳарлаб ўлдирса керак деб хавотирланиб  
Спадага маълум қиламанки, унинг ўзи бирга  
оролидаги ғорга ҳамма олтин, ёмбиларим-  
тошларимни, олмосларимни кўмиб  
рим скудосига баробар бу  
кўрфаздан борганда йигирманчи  
икки ўра бор, олтинлар энг  
инани ягона меросхўр жияним-  
сий мулки қилиб, ато этаман.

8 йил аре Спада».

Фариа кўзлари ёниб унга тикилиб турди.

– Энди, – деди у Дантеснинг охирги сатрга етганини  
кўриб, – икки бўлакни улаб кўринг-чи.

Дантес аббатнинг айтганини қилди, натижада икки  
бўлак қоғоз улангач, қуйидаги сўзлар ҳосил бўлди: «1498  
йил 25 апрелда, хазрат Александр VI томонидан меҳмонга  
чақирилганимда, у кардинал шапкаси учун оладиган ҳақ  
билан кифояланиб қолмай, меросимга эга чиқиш ниятида  
мени ҳам кардинал Капрар ва Бентиволью каби заҳарлаб  
ўлдирса керак деб хавотирланиб, ягона меросхўрим Гвидо  
Спадага маълум қиламанки, унинг ўзи бирга бориб кўрган  
Монте-Кристо оролидаги ғорга ҳамма олтин, ёмбиларим-  
ни, тангаларимни, қимматбаҳо асл тошларимни, олмосла-  
римни кўмиб қўйганман, фақат менга маълум бу икки мил-

лион рим скудосига баробар бу бойликни жияним шарқ томондаги кичик кўрфаздан борганда йигирманчи қоя тагидан топиб олади. Мана шу ғорларда икки ўра бор, олтинлар энг тўрдаги иккинчи ўрага кўмилган, бу хазинани ягона меросхўр жиянимга васият қилиб қолдираман ва унга шахсий мулки қилиб ато этаман.

149... 8 йил, 25 апрель

Чез... аре Спада».

– Тушундингизми энди? – сўради Фариа.

– Кардинал Спаданинг аризаси ва ҳамма ахтарган васиятнома шуми? – деди Эдмон ҳамон ишонмай.

– Ҳа, худди ўзи!

– Ким тиклади буни?

– Мен. Сақланиб қолган қоғознинг энига қараб сатрларни ўлчаб, ғорда йўл топгандек бор сўзлардан маъно ясаб уни тикладим.

– Батамом шак-шубҳангиз қолмагандан кейин нима қилдингиз?

– Мен ягона итальян қироллиги тузиш тўғрисида бошланган асаримни олдим-да, дарҳол йўлга чиқдим. Аммо император полицияси аллақачон мени пойлаб юрган экан. У вақтда Наполеон вилоятни бўлак-бўлак қилиб ташлашга уринаётган эди (ўғил кўргандан сўнг бу фикридан қайтди). Ҳеч кимга билдирмай шошилиб йўлга чиққанимдан шубҳаланганлар. Пьомбинода кемага тушаётганимда қамоққа олишди.

– Эндиликда, – давом этди сўзида Фариа Дантесга оталарча меҳр билан тикилиб, – эндиликда, азизим, мен билганини сиз ҳам биласиз. Мабодо иккимиз қачон бўлмасин бу ердан қочиб қутулгудек бўлсак, ана шу хазинанинг тенг ярми сизники бўлади. Мабодо мен шу ерда дунёдан ўтсаму бир ўзингиз қутулиб чиқсангиз хазина бутунлайин сизга қолади.

– Аммо, – деди Дантес дудмол оҳангда, – бу хазинанинг биздан бошқа ҳақиқий эгаси йўқмикин?

– Йўқ, хотиржам бўлинг, йўқ, у оиланинг ҳаммаси қирилиб кетган. Бунинг устига сўнгги граф Спада мени ўзининг меросхўри қилиб тайинлаган. У ана шу машхур дуолар ки-

тобини васият қилиб қолдириш билан бирга, ундаги нарсаларнинг ҳаммасини васият қилиб қолдирди. Агарда бу бой хазинани қўлга киритолсак, ундан бамайлихотир фойдаланаверамиз.

– Сиз бу хазинанинг қиммати...

– Икки миллион Рим скудосига барабар, бизнинг пулимизда ўн уч миллионга яқин.

– Наҳотки шундай бўлса? – қичқириб юборди бу улкан рақамни эшитиб қўрқиб кетган Дантес.

– Ҳа, худди шундай, – деди чол. – Спадалар уруғи жуда қадимги бўлиб, ўн бешинчи асрнинг энг бақувват, бадавлат уруғи эди. Шу билан бирга, у вақтларда йирик пул муомаласи, йирик саноат йўқ эди, олтин ва бошқа қимматбаҳо тошларни тўплайдиганлар кўп бўларди. Римда ҳали ҳозиргача мерос қолган бир неча миллион сўмлик олмос ва бошқа қимматбаҳо тошларга эга бўлиб олган, бироқ унга қўл теккизиш ҳуқуқидан маҳрум бўлгани важдан муҳтожликда яшаётган оилалар бор.

Эдмонга буларнинг ҳаммаси тушдек туюларди, у бунга дам ишонмай шубҳаланар, дам ишониб қувонар эди.

– Мен бу сирни анчагача сиздан яшириб келдим, – деб давом этди Фариа, – шунинг учунки, биринчидан, синаб кўрмоқчи бўлдим, иккинчидан, сизни ҳайратда қолдирмоқчи эдим. Агар биз тутқаноғимдан олдин қочганимизда сизни ўша Монте-Кристога олиб борган бўлур эдим. Энди, – деди қўшимча қилиб чол, – сиз мени олиб борасиз. Хўш, Дантес, нега менга миннатдорчилик билдирмаяпсиз?

– У хазина сизники, азизим, – деди Дантес, – фақат бир ўзингиз эгасиз унга, менинг унда ҳеч қанча ҳаққим йўқ. Менинг сизга ҳеч қанақа қариндошчилигим йўқ.

– Сиз, Дантес, менинг ўғлимсиз! – хитоб қилди чол. – Менинг қўлликдаги фарзандимсиз! Менинг унвоним никоҳсиз умр ўтказишга мажбур этди. Ота бўлолмай қолган ва озодликка эришолмаган кишини юпатиш учун менга сизни Худонинг ўзи юборди.

Фариа шундай деди-ю, Дантесга соғлом қўлини узатди, Дантес эса кўзлари жикқа ёшга тўлиб чолни қучоқлади.

Аббат Фаринанинг фикр-хаёлини кўп вақтдан буён банд этиб келган, эндиликда ўз ўғли сингари севиб қолган Эдмонни бахтиёр эта оладиган бу хазина, чолга ўз жонидан ҳам азиз бўлиб қолди. Санаб саноғига етиб бўлмайдиган бу бойлик тўғрисида у ҳар куни тинмай гапирар, Дантес мана шу ўн уч-ўн тўрт миллион бойликни эгаллаб олгач, ҳозирги замонда ёр-дўстларига қанчадан-қанча яхшиликлар қилиши мумкинлигини тасвирлаб берарди. Шунда Дантеснинг кўнгли ғаш бўлди, у даҳшатли қасамини эслади, ўн уч ёки ўн тўрт миллион скудога эга бўлиб олиб, душманларини беҳисоб азоб-уқубатларга дучор қилиши мумкин эканини хаёлидан ўтказди.

Монте-Кристо оролини аббат билмасди, аммо Дантес биларди. Корсика билан Эльба ўртасида. Пианозадан йигирма беш миль наридаги бу орол ёнидан кўп марта ўтган, ҳатто кунларнинг бирида у ерда тўхтаган ҳам эди. Монте-Кристо ороли шу пайтга қадар ва ҳозир ҳам инсон қадами тегмаган, хилват жой. Бу орол вулқон отилиши натижасида денгиз тагидан кўтарилиб қолган. Дантес аббатга оролнинг лойиҳасини чизиб берди, Фариа эса хазинани қандай қилиб топиб олиш йўлини кўрсатди.

Бироқ Дантес ҳалиям бунга аббат каби жуда маҳлиё бўлиб ва энг муҳими, унга ўхшаб ишониб кетмади. Энди у аббатнинг жинни эмаслигини билган ва аббатнинг жинни деб ном чиқаришига сабаб бўлган кашфиёти йўлидаги ақлзаковатига жуда қойил қолган эди. Лекин шу билан бир вақтда бу хазина бир вақтлар яшириб қўйилгани билан ҳозир борми-йўқми, маълум эмас, деб ўйларди Дантес, хазинанинг кўмилганини ҳақиқат деб ўйласа-да, ҳар ҳолда йўқолиб кетган бўлиши ҳам мумкин, деб ўйларди у.

Шу орада, тақдир гуё бу икки маҳбусни охирги орзу-умидлардан ҳам маҳрум этишга аҳд қилгандек ва улар бир умрга турмада қолажакларини англашиб қўяётгандек, уларнинг бошига яна бир бахтсизлик келтирди: кўпдан буён қулай деб турган ташқи йўлкани қайтадан ишлаб чиқдилар: пойдеворни таъмир қилишди, ярмини – Дантес бекитиб қўйган тешикни – харсанг тошлар билан тўсиб қўйишди. Яхшиям-

ки, аббатнинг насиҳати билан Дантес тешикнинг ярмини бекитиб қўйган экан, бўлмаса улар бундан ҳам баттарроқ фалокатга учраган бўлишарди, яъни қочишга тайёрланаётганлари ошкора бўлиб қолиб, иккисини бир-биридан ажратиб қўйишарди. Шундай қилиб, уларни илгаригисидан маҳкамроқ ва мутлақо очиб бўлмайдиган янги эшик тўсиб қўйди.

– Мана, кўрдингизми, – деди Дантес, ғамгин оҳангда аббатга, – менинг сизга чексиз садоқатим Парвардигорга ҳам хуш келди. Мен сиз билан абадий бирга бўлишни ваъда қилган эдим, мана энди шу ваъдамни ноилож бажаришга мажбурман. Хазина менга ҳам, сизга ҳам насиб бўлмади, бу ердан энди мутлақо чиқолмайдиган бўлдик. Аслини олганда, азизим, ҳақиқий бойлик Монте-Кристо қоялари тагида кўмилиб ётган бойлик эмас, ҳақиқий бойлик – сизнинг меникида ҳозир бўлишингиз, сиз билан менинг ҳар кун назоратчидан кўрқмай беш-олти соат суҳбат қурганимиз, ҳақиқий бойлик – сизнинг менга бағишлаган билим чароғлари, эсимга сиз солган чет шевалар, улар филологик шохчаларини тобора ёзиб ўсиб боряпти. Ҳақиқий бойлик бу – сизнинг чуқур билимингиз ва ёрқин фикрларингиз туфайли менга аён бўлган илмлар. Менинг бойлигим мана шулар, азизим, мана шулар натижасида сиз менга ҳам бойлик, ҳам бахт ато этдингиз. Ишонинг ва хотиржам бўлинг: мен учун бу бойлик ўша олтин тўла хумлардан ва олмос лиммо-лим сандиқлардан азиз ва қимматдир. У хумлар ва сандиқлар саҳар мардонда денгиз устида қаттиқ тупроққа ўхшаб қалқиб юрадиган ва лекин денгизга яқинлашган сари буғга айланиб йўқолиб кетадиган булутларга ўхшайди. Назаримда иложи борица кўпроқ сизнинг ёнингизда бўлиш, сизнинг ёқимли ва жозибали овозингизни эшитиб ўтириш, ақлимни бойитиш, юрагимни чиниқтириб ва (мабодо қачон бўлмасин озодликка чиқиш, мени сиз билан танишишдан илғари қамраб олган умидсизликдан қутулиш насиб этгудек бўлса) келажакда қиладиган улғу ва даҳшатли ишларга ўзни тайёрлаш – мана шулар менинг ҳақиқий бойлигим, азизим, бу бойлик ялтираб турадиган бойлик эмас, аммо чиндан ҳам ҳақиқий бойлик! Мана шу ҳақиқий бойлик учун мен сиздан минг карра миннатдорман, бу бойлигимни дунё

хокимларидан ҳеч қайсиси, шу жумладан, Цезарь Борджиа ҳам мендан тортиб ололмайди, ҳа, асло тортиб ололмайди.

Хуллас, вақт икки бахти қаро маҳбус учун қувончсиз ва жуда тез ўта бошлади. Шунча йиллардан буён хазинаси тўғрисида оғиз очмай келган Фариа эндиликда бу ҳақда тинмай гапирарди. Ўзи каромат қилганидек, унинг ўнг қўли ва ўнг оёғи фалаж бўлиб қолди ва хазинадан баҳраманд бўлиш умидидан деярли воз кечди, аммо у ҳамон ёш дўстим турмадан озод этилади ёки қочиб кетади, деб умид қилиб қувонарди. Хат йўқолиб қолмасин тагин деб хавотирланиб Дантесни уни яхшилаб ёдлаб олишга мажбур этди. Дантес ҳам хатнинг бирор сўзини қолдирмай ёдлаб олди. Шундан сўнг, у хатнинг иккинчи ярмини йўқ қилиб ташлади, биринчи ярмини олганларида ҳам унинг мазмунини англаб олишолмайди, деб ўйларди чол. Баъзида Фариа соатлаб Дантесга у озодликка чиққудек бўлса, зарур бўладиган кўп маслаҳатлар берарди. Унинг маслаҳатига кўра, Дантес озодликка чиққани замон қандай бўлмасин, ҳеч кимни шубҳага солмай Монте-Кристога етиб олишнинг, бирор баҳона топиб у ерда ёлғиз қолишнинг, афсонавий ғорни топишнинг ва айтилган жойни кавлашнинг пайига тушмоғи керак. Хазина, бизга маълум бўлишича, иккинчи ғорнинг энг чекка бурчагида.

Шундан сўнг вақт ҳар қалай чидаса бўладиган даражада ўта борди. Ҳали айтганимиздек, Фарияни фалаж ишдан чиқариб қўйган бўлса-да, бироқ унинг ақли яна илгаригидек равшанлашди, у ўз дўстига умумий билимлардан ташқари маҳбуснинг сабр-матонати ва юксак санъатини ҳам ўргатди. Шундагина у йўқни бор қилиши мумкин. Иккиси ҳамма вақт бирор иш билан банд бўлишарди, бунинг сабаби – Фарияни қарилик ваҳимага соларди, Дантес эса тим қоронғи ўтмишини эсига келтирмаслик учун тинмай тўғри келган нарса билан шуғулланарди. Икки бахти қаронинг ҳаёти кўпдан-кўп бахтсизликларга бардош бериб келаётган кишиларнинг ҳаётига ўхшарди.

Бу хотиржамлик фақат юзаки эди, йигитнинг юрагида эса (эҳтимол, чолнинг юрагида ҳам) зўр-базўр босилиб турган жўшқинлик, ғайрат-шижоат яшириниб ётарди. Бўғилиб ётган нола-фигон эҳтимол Фариа якка қолганда ва Эд-



мон ўз хонасига қайтганда иккисининг ҳам кўксидан отилиб чиққандир.

Кунлардан бир кун Эдмон тўсатдан чўчиб уйғониб кетди, назарида уни биров чақираётгандек бўлди. У кўзларини зимистонга ўқдай тикиб қаради.

Эдмон кимдир чақираётганини, тўғрироғи, унинг номи-ни тилга оламан деб кучаниб инграётганини эшитди.

У каравотдан бошини кўтариб, титраб қулоқ солди. Овоз шубҳасиз аббатнинг камерасидан келаётган эди.

– Э Парвардигор! – деди зўрға товуш чиқариб Дантес. – Наҳотки?

Эдмон каравотни сурди-да, тошни олиб ташлади, ғорга отилиб, эмаклаб охиригача борди. Аббат камерасидаги тоштахта олиб қўйилган эди.

Аббат жинчироқнинг ғира-шира ёғдусида каравотга зўрға суяниб турарди. У мурдага ўхшаб қолган эди, чолнинг башараси ўтган сафардагидек тамоман ўзгариб, хунуклашиб кетган эди. Уни биринчи марта шу аҳволга кўрганида Эдмон кўрқиб кетган эди.

– Биласизми, азизим, – деди зўрға товуш чиқариб Фариа. – Мен сизга ҳамма гапни айтиб ўтирмайман.

Эдмон инграб юборди ва фалокатдан эс-ҳушини йўқотиб эшик томон югурди-да, қичқира бошлади:

– Ёрдам беринг! Ёрдам беринг!

Фариа бутун кучини сарфлаб Эдмонни қўлидан ушлаб тўхтатди.

– Овозингизни ўчиринг! – деди у, – акс ҳолда ҳалок бўласиз. Энди, азизим, фақат сизни ўйлашимиз, қамоқдаги ҳаётингиз чидаса бўладиган ҳолда ўтиши йўлларини ёки қочиб қутулиб кетишингиз чораларини излашимиз керак. Мабодо турма ходимлари иккимизнинг алоқада эканимизни билиб қолишса, унда бутун меҳнатим самарасини бир зумдаёқ чиппакка чиқариб ташлашади ва бу ишларни қайта тиклаш учун сиз яна бир неча йиллар заҳмат чекишга мажбур бўласиз. Яна шуни ҳам унутмангки, азизим, мен гумдон бўлиб, ташлаб кетадиган бу хона узоқ бўш турмайди, яна бир бахтсиз маҳбус эгаллайди менинг ўрнимни. Ана ўша янги маҳбус ҳузурига сиз халоскор фаришта бўлиб ташриф буюрасиз. Эҳтимол, у ҳам сиз каби ёш, бақувват, сабр-

тоқатли бўлур, қочишингизда ёрдам қилур, мен эса фақат халақит бериб келдим. У вақтда ҳамма ҳаракатларингизга ғов бўлаётган ярим мурдадан қутуласиз. Худонинг ўзи қўлади сизни, у сизга илтифот кўрсатди, мен эса аллақачон бу дунёдан кўз юммоғим керак эди.

Бунга жавобан Дантес қўлларини кўксига босди-да, хитоб қилди:

– Азиз дўстим, бас қилинг, ўтиниб сўрайман, бас қилинг бу гапларни!

Сўнг кутилмаган зарбадан йўқотиб қўйган эс-хушини йиғиб, дадилланиб олди-да, деди:

– Мен сизни бир марта қутқариб олган эдим, бу гал ҳам қутқараман!

У каравотнинг оёғини кўтарди-да, тагидан ҳамон қизил суюқ дори бор шишани олди.

– Мана шифобахш дори, – деди у, – мана, кўрдингизми! Қани, тез айтинг, нима қилай? Йўлини кўрсатинг! Гапиринг, азизим, қўлоғим сизда, гапиринг!

– Фойдаси йўқ, – деди Фариа бош чайқаб, – бироқ майли, қабул қилай бу шифобахш дорини, Худойим ўзи яратган инсонга ҳаёт ва яшашга чексиз муҳаббатни ҳам ато этган экан, инсон ана шу азиз ҳаётни сақлаш учун қўлидан келган ҳамма чораларини кўрмоғи керак, бу Худонинг амри.

– Тўғри, тўғри, – хитоб қилди Дантес, – мен сизни қутқараман, албатта, қутқараман!

– Бўпти! Бироқ аъзойи баданим муз бўлиб боряпти, миямга қон қуйиляпти, тишларимни такиллатаётган титроқ бутун вужудимга тарқаб боряпти, демак беш дақиқадан сўнг тутқаноқ бошланади, ярим соат ўтгач, мурдага айланаман.

– Ё Тангрим! – қичқирди Дантес изтироб чекиб.

– Аввалги сафар қандай қилган бўлсангиз, худди шундай қилинг, зинҳор узоқ кутиб турманг. Бутун куч-қувватим адоий тамом бўлган аллақачон, – деди у шол бўлиб қолган қўли ва оёғига ишора қилиб. – Ажал мени энди осонгина олади, қўяди. Мана бу суюқ дорини бу гал ўн марта эмас, ўн икки марта томизинг, мабодо ҳушимга келмагудек бўлсам, қолган ҳамма дорини қуйинг. Энди ёрдам беринг, мен ётай, тик туришга ҳолим йўқ.

Эдмон чолни даст кўтариб каравотига ётқизди.

– Азизим, – деди Фариа, – мен хароб этилган ҳаётимда биргина қувонч кўрдим, у ҳам бўлса сиз, сизни менга Тангримнинг ўзи юборди, кечикиб бўлса-да, юборди, бу бебаҳо тухфа учун ундан миннатдорман. Сиз билан абадий видолашарканман, сизга, сиз олижаноб зотга – ўз фазилатларингизга муносиб бахт ва тан-сиҳатлик, хотиржамлик тилайман. Ўғлим, сизга оқ фотиҳа бердим: илоҳим умрингиз узоқ, бахтингиз ёр бўлсин!

Дантес тиз чўкиб бошини чолнинг тўшагига қўйди.

– Сабр қилинг, азизим, охири дақиқалардаги сўзларимни яхшилаб уқиб олинг: кардинал Спаданинг хазинаси чиндан ҳам бор. Тангрим марҳамат қилиб узоқни яқинлаштирди менга, олтинларни мен шу ерданоқ кўриб турибман: иккинчи ғор тагида ётибди. Борди-ю қочиб қутулгудек бўлсангиз, шуни унутмангки, ҳамма жиннига чиқариб қўйган шўрлик аббат соппа-соғ одам эди. Қутулганингиз ҳамона Монте-Кристога йўл олинг, бойлигимизнинг эгаси бўлинг, кўп азият чекдингиз, энди давр-даврон суриб, роҳатда яшанг.

Чолнинг томирлари тортишиб, тилдан қолди, Дантес бошини кўтариб аббатга қаради. Аббатнинг кўзларига қон қуйилаётган эди. Гўё юрагидаги қон бошига отилиб чиқаётгандек эди.

– Алвидо, азизим! Алвидо! – деди бўғиқ овоз билан чол Эдмоннинг қўлидан тутиб. – Алвидо!

– Йўқ! Йўқ! – деб хитоб қилди Дантес. – Э, Парвардигорим, бизни бир-биримиздан жудо этма, қутқар буни ўлимдан, қутқар!.. Ёрдам беринг! Ёрдам!

– Секин, дўстим! Секин! – шивирлади жон бераётган чол. – Жим бўлинг, акс ҳолда, мени қутқариб қолгудек бўлсангиз, иккимизни бир-биримиздан ажратиб қўйишади!..

– Ҳақ гапни айтдингиз. Хотиржам бўлинг, азизим, мен сизни қутқараман, албатта! Бу гал касал оғриғи ўтган сфардагидан озроқ бўляпти, чамамда.

– Ундай эмас, дўстим, бунинг сабаби ҳолдан тойиб, инграшга ҳам мадорим йўқ. Сизнинг ёшингизда одам ишонч билан яшайди, ишонч ва умидворлик – ёшлик тимсоли. Кексаликда эса кишининг кўзига кўпроқ ўлим

кўринади. Мана ўлим! Келяпти!.. Тугадим!.. Кўзларимни қоронғилик босяпти... Эс-ҳушим ҳам хиралашяпти! Дантес, узатинг менга қўлингизни! Узатинг менга, узатинг! Алвидо!.. Алвидо!..

Чол сўнгги кучларини тўплаб охирги марта қаддини кутарди.

– Монте-Кристо! – деди у, – эсингиздами, Монте-Кристо!

Шундай деди-ю, охирги марта оғир нафас олиб каравотга шилқ этиб тушди.

Тутқаноқ ниҳоятда оғир бўлди бу гап. Фариа чангак бўлиб, аъзойи бадани тошдек қотиб қолди, қовоқлари шишиб, қаварди, оғзидан қон аралаш кўпик чиқди, бутун вужуди шоп бўлиб қолди. Бундан бир дақиқа бурун ақли расо бир зот энди ўлим тўшагида ана шундай ҳолда ётар эди.

Дантес қора чироқни тўшакнинг бош томонида девордан чиқиб турган тош устига олиб қўйди; пирпираб турган шуъла чолнинг буришиб-тиришиб кетган юзига ва жонсиз қотиб қолган танасига ажойиб яллиғ ташлаб турарди.

Дантес бемордан кўзини узмай, нафасини ичига ютиб, шифобахш дорини томизиш онларини кутарди.

Ниҳоят у пичоқни олди-да, беморнинг тишларини йирди (бу гап тишлар илгаридан осонроқ йирияди), доридан ўн икки томчи томизди, чолнинг ҳушига келишини кутди. Шишада томизганидан икки баравар кўп дори қолганди.

Дантес ўн дақиқа кутди, чорак соат кутди, ярим соат кутди, аммо Фариа қимир этмади. Бутун вужуди титраб, сочлари тик бўлиб, пешанасидан дув тер чиқиб кетган Дантес юраги дукиллаб сонияларни санаб чиқди. Нажот бўлмади.

Сўнг у охирги воситани ишлатишга қарор қилди, аббатнинг кўкариб кетган лабларига шиша идишни олиб борди-да, қолдиқ дорининг барисини оғзига қуйиб юборди.

Дорининг кучи электр қувватидай таъсир қилди; чолнинг бутун гавдасини даҳшатли қалтироқ босди, кўзлари олайиб кетди, нидога ўхшаш оҳ тортди, сўнг титроқ секин-аста пасайди-ю, яна қимир этмай қолди.

Фақат кўзлари очилганича тураверди.

Ярим соат ўтди, бир ярим соат ўтди. Шу вақт ичида дўсти устида энкайиб қўлини унинг юрагига босиб турган Дантес

аббатнинг тани совиб, юраги тобора уришдан тўхтаб бо-  
раётганини сезиб турди.

Ахири чолнинг юраги охирги марта бир сапчиб тушди-  
да, тинди, юзлари кўкарди, кўзлари очиқ ҳолида нурдан  
қолди.

Соат эрталаб олти, тонг ёришиб келяпти, ертўлага туш-  
ган қуёшнинг хира нурлари қора чироқнинг кучсиз шуъла-  
си билан кураш тушаётгандек туюларди. Қуёш нури мурда  
юзидан пирпираб турар ва у баъзан худди тирикка ўхшаб  
кўринарди. Нур билан зулмат кураши давом этаркан, Дан-  
тес ҳамон ишонмай турди, бироқ нур ғолиб чиққандан сўнг,  
олдида мурда ётганига имони комил бўлди.

Ана шундан сўнг уни беомон ваҳима босди, энди у тўшак-  
дан пастга осилиб ётган бу қўлни сиқолмас, унинг уриниб  
бекитолмаётган бу нурсиз кўзларига тикилолмасди. У қора  
чироқни ўчириб маҳкам қилиб яшириб қўйди-да, тош тах-  
тани боши билан суриб, тешикни бекитди ва ўз хонасига  
кетди.

Бунинг устига вақтни ўтказиш ярамасди: турма назорат-  
чиси келадиган вақт яқинлашиб қолган эди.

Бу гал у текширишни Дантесдан бошлади. Ундан ўтиб  
аббатникига овқат ва ички кийим олиб кирмоқчи бўлди.

Юз берган воқеадан у ҳали беҳабар экани важоҳатидан  
кўриниб турарди. У Дантеснинг камерасидан чиқиб кетди.

Шу пайт Дантес дўсти камерасида нима бўлишини би-  
лиш иштиёқида эди. У яна ер ости йўлкасига тушиб, аб-  
батнинг камерасига яқин борди. Бирдан турма назоратчи-  
сининг қичқириб ёрдамга чақираётгани қулоғига урилди.  
Сал ўтмай бошқа назоратчилар келишди. Сўнг солдатлар-  
нинг вазмин ва бир текис қадамлари эшитилди. Улар кети-  
дан комендант кирди.

Эдмон жасадни ағдарганларини, каравотнинг ғижирла-  
ганини, комендантнинг: «Мурда юзига сув пурканг» дегани-  
ни ва маҳбус ҳушига келмагач, доктор чақиринг, деб бу-  
юрганини эшитди.

Комендант чиқиб кетди, Эдмоннинг қулоғига афсус, ма-  
зах, кулги чалинди.

– Мана, – деди кимдир, – жинни ўз хазинаси томонга  
жуфтакни урибди, оқ йўл!

– Миллион-миллион пул эгаси бўла туриб, энди кафанга-до кетадиган бўлди шу шўрлик, – деди иккинчиси.

– Иф қалъасида кафан жуда арзон-ку, – деди эътироз билдириб учинчиси.

– Эҳтимол унга раҳм қилиб, бир оз сарф-харажатга йўл қўйишар, ҳар ҳолда бу уламолардан-ку.

– Ундай бўлса бунга битта қоп ҳадя қилишлари турган гап.

Эдмон бирор сўзни ўтказмай қулоқ солди, бироқ уларнинг кўпига тушунолмади. Кўп ўтмай товушлар тинди, у, ҳамма чолнинг камерасидан чиқиб кетди, шекилли, деб ўйлади.

Шундай бўлса-да, у аббатнинг камерасига киришга журъат этолмади, эҳтимол, мурда тепасида қоровул қолдириб кетишгандир.

Шунинг учун у жойидан қўзғалмади, нафасини ичига ютиб қулоқ солиб тураверди.

Бир соатдан сўнг яна шов-шув бошланди. Чолнинг камерасига комендант қайтиб келди, унинг ёнида доктор ва бир неча офицер бор эди.

Ҳамма бир дақиқа жим турди. Афтидан, доктор тўшак ёнига бориб мурдани текшираётган бўлса керак.

Сўнг сўраб-суриштириш бошланди.

Врач маҳбусни синчиклаб текшириб бўлгач, ўлганлигини тасдиқлади.

Савол-жавобларда тошбағирлик, бепарволик сезилиб турарди. Бу Дантесни ғазаблантирди. Ҳамма шўрлик аббатга озгина бўлса-да ачиниши керак, деб ўйларди Дантес.

– Мен жуда хафа бўлдим, – деди комендант докторнинг чол жон берибди деганига жавобан, – бу ювош ва беозор махлуқ эди, тентак қилиқлари билан ҳаммани кулдириб турарди, бироқ энг муҳими – бу маҳбусни кузатиш осон эди.

– Уни кузатиб ўтиришга ҳожат ҳам йўқ эди, – гап қотди турма назоратчиси. – Бу бечора турмада эллик йил ётса-да, қочишни асло хаёлига келтирмаган бўлур эди. Мен бунга кафилман.

– Аммо, – деди комендант, – сиз кафиллик берсангизда, (бундан, менга ишонмаяпти деб ўйламанг тағин) жавоб-

гар бўлиб қолмаслик учун маҳбуснинг чиндан вафот этганини яхшилаб текшириб аниқлашимиз зарур.

Орага чуқур сукунат чўкди, қулоқ солиб турган Дантес, доктор мурдани яна текшириб кўряпти, деб фараз қилди.

– Хотиржам бўлавERING, – деди доктор, – чол ўлган, менинг бунга имоним комил.

– Аммо сиз биласизки, – эътироз билдирди комендант, – бундай ҳолларда биз шунчаки юзаки текшириш билан кифояланолмаймиз, шунинг учун юзаки белгилардан қатъи назар, қонун талабига мувофиқ расмий тартиботларни ҳам бажармоғингиз шарт.

– Майли, бўлмаса темирни қиздиринг, – деди доктор, – лекин менимча, сиз ортиқча эҳтиёткорлик кўрсатяпсиз.

Темирни қиздириш тўғрисидаги гапларни эшитган Дантес сесканиб кетди.

Шошилинич қадамлар овози эшитилди, эшик ғичирлади, яна оёқ товуши келди. Бир неча дақиқадан сўнг назоратчининг овози эшитилди:

– Мана манқал ва темир.

Яна сукунат чўкди, сўнг куйдирилган баданнинг жизиллагани эшитилди, қўланса ҳид девор ёриғидан ҳам ўтиб, Дантес димоғига урилди. Одам гўштининг ҳиди димоғига урганда Дантесни қора тер босди, у ҳушидан кетишига сал қолди.

– Мана, кўрдингизми энди, – деди доктор, – бу аллақачон дунёдан ўтган. Ўликни аниқлаш учун товонни куйдириш кифоя. Энг зўр далил шу. Шўрлик чол жинниликдан ҳам, зиндондан ҳам қутулибди энди.

– Номи Фариамиди? – сўради комендантни кузатиб кирган офицерлардан бири.

– Ҳа, Фариа, чолнинг ўзи, бу қадимий авлод деб уқтирарди бизга. Бу чол хазинаси ҳақида гапирганда жуда оқил ва бамаъни одамга ўхшаб қолар ва айтган гапида туриб олиб, қайсарлик қилаверарди.

– Бу шундай бир касалки, унинг номи бизда мономания дейилади, – сўз қотди доктор.

– Сиз бунинг устидан ҳеч шикоят қилганингиз йўқмиди, – сўради комендант аббатга овқат ташийдиган назоратчидан.

– Йўқ, бирор марта ҳам шикоят қилганим йўқ. – Жавоб берди назоратчи, – аксинча, у дастлабки вақтларда жуда ажойиб тарихий воқеаларни ҳикоя қилиб, мени завқлантирарди, хотиним касал бўлганда, бир дори ёзиб бериб, соғайтириб юборган.

– Шундайми ҳали! – деди доктор. – Мен бу зот ҳамкасб эканини билмаган эканман-да. Умид қиламанки, жаноб комендант, – қўшимча қилди у кулиб, – бунга энди раҳм-шафқат қиларсиз.

– Худди шундай қиламиз, хотиржам бўлинг бу зот янги бир қопга солинади-да, оғзи маҳкам тикилиб қўйилади. Шунга розимисиз?

– Ҳозир, сизнинг ҳузурингизда бажо келтирайликми бу ишни, жаноб комендант? – сўради назоратчи.

– Албатта, фақат тез бўлинг, кун бўйи бу зиндонда маҳтал бўлиб ўтиришга тоқатим йўқ.

Яна у ёқ-бу ёққа юришди, кўп ўтмай чиптанинг шитирлагани, каравотнинг ғижирлагани, оғир нарса кўтарган кишининг вазмин қадами эшитилди Дантесга. Сўнг каравот яна ғижирлади.

– Кечгача шундай тураверсин, – деди комендант.

– Жаноза ўқиладимми? – сўради офицерлардан бири.

– Бунинг иложи йўқ, – жавоб қилди комендант. – Турмадаги поп бир ҳафтага жавоб олиб, кеча Гьерга жўнаб кетди. Мен, келганингизга қадар маҳбусларимиз соғ-саломат туради, деб уни ишонтиргандим. Бечора аббат бир неча кун сабр қилганида унга жуда яхшилаб жаноза ўқишарди.

– Ҳечқиси йўқ, – деди врач бу касб эгаларига хос шиддат билан, – бу художўйларнинг бошқача хили. Парвардигор унинг диний мансабини ҳисобга олиб, дўзахга поп қилиб сайламас.

Бу разил ҳазилдан ҳамма қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди.

Айни бир вақтда мурдани қопга солиб қўйишган эди.

– Кечқурун кўришгунча, – деди комендант.

– Соат нечада? – сўради назоратчи.

– Соат ўн, ўн бирларда.

– Мурда олдида соқчи қолдирайликми?

– Нега? Уни худди тирик маҳбусдек устидан қулфлаб қўяверинг.



Сўнг оёқ товушлари узоқлашди, овозлар тина бошлади, ёпилаётган эшик ва лўкидонларнинг шақир-шуқури эшитилди. Ҳамма ёқни, ҳатто Эдмоннинг музга айланган юрагини ҳам ёлғизлик сукунати эмас, ўлим сукунати қоплади.

Ана шундан сўнг Дантес боши билан тош тахтани аста-секин кўтарди-да, аббатнинг камерасига синовчан назар ташлади.

Камера бўм-бўш, ҳеч ким йўқ эди. Дантес ер ости йўлкадан аббатнинг ёнига чиқди.

## XX. ИФ ҚАЛЪАСИНИНГ ГҮРИСТОНИ

Деразадан туманли тонгнинг хира ёғдуси тушиб турган каравот устида букланиб ётган чипта қопда узун гавда қимир этмай ётибди. Бу аббатнинг, турма назоратчиси айтганидек, арзонга тушган кафани эди.

Хуллас, ҳаммаси тамоматига етди, Дантес ўз дўстидан жудо бўлди. Энди у азиз биродарининг гўё у дунёга назар ташламоқчи бўлаётгандек очилиб қолган кўзларини кўролмайди, дунёнинг ажойиб тилсимотлари пардасини унга очиб берган толмас қўлларини сиқолмайди. Қадрдон дўсти, раҳмдил, тажрибали Фариа энди унинг хотирасида яшайди. Эдмон каравотнинг бош томонига чўқди-да, дард-алам гирдобига фарқ бўлди.

Ёлғизман! Яна ёлғиз қолдим! Яна даҳшатли сукунат, тутқунлик!

Яна якка ўзим қолдим! Унинг юрагида ҳаётга муҳаббат уйғотган ягона кишини энди кўришдан, сўзларини эшитишдан абадий маҳрум бўлди. Бундай жудоликдан кўра Фариага тақлид қилиб, Худодан ажал сўраган яхши эмасми?

Дўсти рад этган, ўз-ўзини ўлдириш фикри Фариа жасади олдида яна Датеснинг миясига урди.

– Мен ҳам ўлишнинг иложини қилолсам, албатта унинг кетидан борган, унга яна ҳамроҳ бўлиб олган бўлур эдим. Бироқ бу ерда қандай қилиб ўлиш мумкин?.. Топдим, бунинг йўли жуда осон, – деди у кулимсираб. – Мана шу ерда қоламан, биринчи бўлиб ким кирса ёпишиб, томоғидан хип-

па бўғаман-да, кунини калта қиламан, ана шунда мени осиб ўлдиришади.

Аммо кучли бўронлар оралиғида бўлганидек, кучли дард-аламлар ўртасида ҳам нажот йўли бўлади. Дантес шарманда бўлиб, гуноҳга ботиб ўлишдан қўрқиб воз кечди бу ҳаёлдан ва бирдан ҳур яшаш иштиёқи унинг бутун вужудини забт этиб олди.

– Улиш? Йўқ! Асло йўқ! – хитоб қилди у. – Шунча йил яшаб, қанчадан-қанча азоб чекиб, эндиликда жимгина ўлиб кетишдан на фойда! Улиш? Ахир, бундан бир неча йил илгари ўз жонимга қасд қиламан деб аҳд қилганимда ўлиб кетаверишим мумкин эди-ку! Етар! Энди бераҳм тақдир қўлида кўфирчоқ бўлишни истамайман! Асло! Яшашни, охиригача курашишни истайман, менинг бахтимни тортиб олишди, энди мен ана шу бахтимни қайтариб олиш учун курашмоғим керак, ҳа, курашмоғим керак!

Ўлишдан олдин, жаллодларимни жазолашим ва иложи бўлса, озгина дўстларимни рағбатлантиришим керак. Бироқ мени бу турмада унутиб юборишди, демак, бу ердан менинг ҳам худди Фариага ўхшаб ўлигим чиқади, холос.

Дантес шундай деди-ю, калласига тўсатдан даҳшатли, аллақандай фикр келган кишидек тўғрисига кўз тикканча қотиб қолди. У ирғиб турди-да, боши айланган кишига ўхшаб қўли билан пешанасини қисди, хонани гир айланиб чиқиб, яна каравот олдида тўхтади.

– Бу фикрни ким уқтирди менга? – шивирлади у. – Ўзингми, Тангрим? Бу ердан фақат ўликлар чиқиши вожиб бўлса, биз ҳам ана шу мурда ўрнини эгаллаб ола қоламиз.

Дантес шундай деди-да, хаёлига бошқа ҳеч нарсани келтирмасликка уриниб эгилди, аббат ясаган пичоқ билан кўрқинчли қопнинг ипларини кесди, мурдани чиқариб ўз хонасига олиб борди ва ўз каравотига ётқизиб, ўзи ўраниб ётадиган латта билан унинг калласини ўради, кўрпасини Фариа устига ёпди, муздек юзидан охириги марта ўпди, бақрайиб олайиб ётган кўзларини ёпай деб яна бир марта уриниб кўрди, назоратчи кирганида маҳбус ухлаб ётибди, деб ўйласин учун мурданинг юзини девор томонга ўгириб қўйди, сўнг ер ости йўлкага тушиб, каравотни деворга тортиб қўйди, аббат камерасига қайтиб келгач, яшириб қўйил-

ган игна билан ипни олди, қоп ичида яланғоч жасад ётган-дек бўлсин деб кўйлагини ечиб ташлади, қопга кириб худди аввалги мурдадек ўрнашди-да, ичидан тикиб олди.

Шу пайтда фалокат юз бериб, бирор киши кириб қолса борми, Дантеснинг юраги гупиллашини эшитиб, сирини фош қилиши ҳеч гап эмасди.

У сабр қилиши ва бу ишларни кечки текшириш ўтгандан сўнг бажо келтириши мумкин эди. Аммо у, комендант фикридан айниб мурдани айтган муддатидан олдин чиқариб ташлатмасин, деб кўрқди. Унда Эдмоннинг охирги умиди ҳам пучга чиққан бўлур эди.

Қандай бўлмасин, хуллас, у шунга аҳд қилди.

Дантеснинг режаси шундай эди:

Гўристонга бораётганда гўрковлар қопда тирик одам борлигини пайқаб қолишса, Дантес, ҳаш-паш дегунча қопни пичоқ билан шартта ёриб ташлайди-да, одамлар саросимага тушиб қолганидан фойдаланиб қочади. Мабодо улар уни тутмоқчи бўлишса, пичоқни ишга солади.

Агар улар Дантесни гўристонга олиб бориб, гўрга ташласалар, кўмгунларича индамай туради, бу иш тунда бажарилади, шу сабабли гўрковлар кетиши билан у устидаги юмшоқ тупроқни кавлаб қочади. Тупроқ унчалик оғир бўлмас, деб умид қилди. Борди-ю тупроқ оғирлик қилиб, кавлаб чиқишга кучи етмаса, нафаси бўғилиб ўлади-да, бу азоблардан қутулиб қўя қолади.

Дантес кечадан буён туз татигани йўқ, бироқ очлик, ташналик сезмади, энди эса овқат эсига ҳам келмасди. У ҳозир ниҳоятда хавфли ҳолатга тушиб қолиб, ҳеч нима кўнглига сиғмас, ҳеч нарсани хаёлига келтирмасди.

Уни хавфга солаётган нарса шу эдики, назоратчи кечқурун соат еттида кечки овқат келтирганда маҳбус алмаштирилганини билиб қолиши мумкин эди. Аммо Дантес кўпинча зерикканидан ёки чарчаганидан кечки овқат келтирилганда деворга қараб ётар, назоратчи эса одатдагидек овқатни ва нонни стол устига қўйиб, чурқ этмай чиқиб кетарди.

Лекин бу гап назоратчи одатини тарк этиб, Дантесга гап қотиши, у жавоб бермагач, каравот ёнига бориб сирни фош қилиши мумкин.

Соат еттига яқинлашган сари Дантеснинг ваҳимаси кучая борди. Қинидан чиқиб кетаётган юрагини тинчителиш учун қўлини кўксига босар, иккинчи қўли билан бетигаги мунчоқ-мунчоқ оқаётган терни артарди. Баъзан унинг бутун вужудини титроқ босиб, юраги тўхтаб қолаётгандек туюларди. Аммо вақт ўтса-да, турмада жимжитлик ҳукм сурди, демак, биринчи хавф-хатар ўтиб кетди. Бу яхшилик аломати эди. Пировардида комендант белгилаган соатда оёқ товушлари эшитилди. Эдмон узоқ кутган дақиқа келганини англади, у бутун куч-иродасини тўплаб, нафас чиқармай ётди, юрагининг уришини тўхтатолмаганидан қаттиқ койиди ичида.

Қадамлар эшик олдида тўхтади. Дантес икки жуфт оёқ товуши эшитилаётганини англади: демак, уни олиб кетиш учун икки гўрков келаётган бўлса керак. Ҳа, худди шундай, ана иккиси ерга дукиллантиб замбил қўйишди.

Эшик очилди. Дантес каравот ёнига икки одам сояси келганини кўрди. Учинчиси эшик олдида фонус тутиб қолди. Гўрковлар қопнинг икки томонидан ушлаб кўтариб кўришди.

– Қоқ суяк чол эди-ю, оғирлигини қара-я, – деди гўрковлардан бири Дантесни бош томонидан кўтараётиб.

– Айтишларига қараганда, ҳар йил киши суяклари ярим қадоқдан оғирлашиб борармиш, – деди иккинчиси Дантесни оёғи томонидан кўтараётиб.

– Тугунни тайёрлаб қўйдингми? – сўради биринчиси.

– Ортиқча юкнинг нима кераги бор, – жавоб қилди иккинчиси, – ўша ерда тайёрлайман.

– Бу гапинг тўғри, қани, кетдик.

«Тугунни нимаси экан тагин?» ўйлади Дантес. Сохта ўликни каравотдан замбил томонга олиб боришди. Эдмон қотиб қолган гавдага ўхшаш учун томирларини таранг қилиб бораверди. Уни замбилга солиб соқчи тутиб турган фонус ёғдусида зинапоядан кўтариб чиқа бошлашди.

Бирдан димоғига туннинг тоза ҳавоси урганганини ҳис этди Дантес. Йиллаб сассиқ ҳавода азият чеккан танига бу тоза ҳаво ором бағишлади.

Гўрковлар йигирма қадамча юриб тўхташди-да, замбилни ерга қўйишди. Бири нарироққа борди ва Дантес унинг

тош тахталар устида қадам ташлаётганини эшитди. «Қаерга олиб келишди мени?» ўйлади Эдмон.

– Жуда оғир-а, сезяпсанми? – деди Дантеснинг олдида қолган гўрков замбилнинг четига ўтириб.

Шу он Дантес шартта қопни ёриб чиқмоқчи бўлди, бироқ шаштидан қайтди.

– Ҳой, бетамиз, чироқ тутсанг-чи ахир, бу зимистонда ҳеч нима тополмаяпман, – деди нари кетган гўрков.

Фонус кўтарган киши буйруқ жуда кўполлик билан айтилган бўлса-да, узр сўраб чироқ тутди.

«У нимани ахтаряпти? – ўйлади Дантес. – Белкурак бўлса керак».

Гўрковнинг қувончли овозидан ахтарганини топгани маълум бўлиб турарди.

– Хайрият, топди, – деди иккинчиси.

– Бу энди қаёққаям шошиларди? – деди биринчиси.

Шундай деди-да, Эдмон олдига қандайдир оғир бир нарсани тақ этказиб ташлади. Шу заҳоти унинг оёқларини қаттиқ оғритиб чандиб боғлашди.

– Боғлаб бўлдингми? – сўради иккинчи гўрков.

– Жуда боғлаб боғладим! – жавоб қилди бошқаси.

– Қани, кетдик!

Замбилни кўтариб жунашди.

Эллик қадамча йўл босишди, сўнг тўхтаб қандайдир дарвозани очишди-да, яна юриб кетишди. Дантес қалъа тагида қоя қирғоқларига урилаётган тўлқинлар шов-шувини эшитди.

– Осмоннинг қовоғини солиб олганини қара-я! – деди гўрковлардан бири, – бундай зимистон тунда денгизда юриш жонга жабр!

– Тўғри гапинг! Бу шўрлик аббат ивиб қолмаса, дейман, – деди наригиси.

Иккиси қаҳ-қаҳ уриб кулди.

Дантес ҳазил гапларга тушунмай, сочлари тик бўлиб кетди.

– Мана, етиб келдик, – деди биринчи гўрков.

– Сал нарироқда, сал нарида, – деди эътироз билдириб иккинчиси, – ўтган сафар ирғитганимизда жойига бориб тушмай, тошга тегиб абжағи чиққанини унутиб қўйдинг-

ми. Комендант эртаниси бизни дангасалар, деб суккан эди ушанда.

Улар яна беш-олти қадам босиб, юқори кутарилишди. Сўнг Дантес уни боши ва оёғидан ушлаб силкитаётганларини сезди.

– Бир! – деди гўрков.

– Икки!

– Уч!

Шу дақиқа Дантес уни бепоён бўшлиққа отиб юборганларини, у худди ярадор куш каби ҳавони кесиб тушаётганини сезди-да, бутун вужуди музлаб кетди. Аллақандай оғир нарса уни пастга тортиб бораётган бўлса-да, бу учишнинг охири йўқдек сезиларди унга. Эҳири, у «шалоп» этиб муздек сувга тушди. Эдмон қичқириб юбормоқчи бўлган эди, бироқ оғзига сув тиқилиб дами чиқмай қолди.

Дантесни олиб келиб денгизга ташлашди, унинг оёғига боғлаб қўйилган ўттиз олти қадоқли ядро маҳбусни денгиз тагига торта кетди.

Денгиз – Иф қалъасининг гўристонни эди...

## XXI. ТИБУЛЕН ОРОЛИ

Дантес, қулоқлари битиб, нафаси бўғилиб кетган бўлса-да, даммини ичида сақлаб турди, ўнг қўлида тахт қилиб турган пичоқ билан бир зумда қопни ёриб, аввал қўлини, сўнг бошини чиқарди. У зўр бериб ядрони кутармоқчи бўлди, аммо кучи етмади, ядро пастга тортиб кетаверди. Сўнг оёғига боғлаб қўйилган арқонни топиб, кесиб ташлади-да, депсиниб сув юзига чиқиб олди, ядро эса нақ бўлмаса унинг кафанига айланиб қолган бўш қопни денгиз тагига тортиб кетди.

Дантес бир мартагина нафасини ростлаб олди-да, мени кўриб қолмасинлар тагин, деб яна сув тагига шўнғиди.

Отиб юборилган ердан эллик қадам нарига бориб яна сув юзига чиқди-да, осмонга қаради. Тепада момақалди-роқ жарчиси – ўркач-ўркач булутлар сайр этиб юрар, улар орасида чароғон юлдузлар пирпираб кўринар, пастда эса зимистон ва тўфонли бўшлиқ ястаниб ётар, орқада денгиздан ҳам, осмондан ҳам қора қалъа тош деворлари дев

каби қад кўтариб турарди, унинг тепасидаги икки найза худди қочиб кетаётган маҳбусни тутиб олиш учун узатилаётган қўлга ўхшарди. Энг баланд қоя устида – фонус ёғдусида икки одамнинг қораси кўриниб турарди.

Дантес назарида икки одам хавотир олгандек ҳадеб денгизга эгилиб қараётгандек туюларди. Бу ғалати гўрковлар унинг қичқирганини эшитиб қараётгандек туюларди. Шу сабабдан Эдмон яна шўнғиб сув тагида суза кетди. Сузишнинг бу усулини жуда яхши эгаллаб олган эди, шундай қилиб сузган пайтларида Фаро кўрфазига кўпдан-кўп мухлислари тупланиб, қойил қолишар ва уни Марселнинг энг ўткир сузувчиси, дейишарди.

У иккинчи марта сув юзига қалқиб чиққанида фонус ғойиб бўлган эди. У атрофига назар ташлай бошлади. Иф қалъасига энг яқин орол Ратонно ва Помег. Аммо бу икки оролда аҳоли яшайди, улар яқинидаги Дом ҳам шундай ороллардан. Демак, энг хавфсизи Тибулен ва Лемер ороллари, иккиси Иф қалъасидан бир миль нарида.

Дантес ана шу ороллардан бирига сузиб боришга қарор қилди. Бироқ бу зимистон тунда уни қандай топиб боради?

Шу пайт юлдуз каби милтиллаб турган Планье маягига Дантеснинг кўзи тушди-ю, ўша томонга тикка суза борди. Шунда Тибулен ороли чап томонда қолган бўлиши керак. Демак, сал чапга бурилса, у ана шу оролга рўбарў бўлади.

Лекин ҳали айтганимиздек, Иф қалъаси билан бу орол ўртасидаги масофа тўла бир миль.

Турмада Фариа Эдмонга қуйидаги насиҳатини бир неча марта такрорлаган эди: «Энг хавфли нарса ҳаракатсизлик, ҳафсаласизлик. Тинмай машқ қилиб кучингизга куч қўшиб, ўзингизни ўзингиз чиниқтирмасангиз, қочаётганда ҳалок бўлишингиз ҳеч гап эмас».

Мана ҳозир денгизнинг даҳшатли кучоғида Дантес чолнинг ана шу насиҳатини эслади. У дарҳол сувнинг юзига отилиб чиқди-да, кучини синаб кўриш учун қулоч ёзиб суза бошлади. Мажбурий ҳаракатсизлик унинг чидами ва маҳоратига ҳечам зарар етказмаганига ишонч ҳосил қилиб қувонди, ёшлигидан ўрганган сузишда ҳамон моҳир эканини ҳис этди.

Бунинг устига кўрқув, ваҳима ҳам унинг кучига куч қўшди. Дантес тўлқинларни ёриб бораётиб, бировлар қувиб келмаётганмикин, деб ҳар бир шубҳали шов-шувга қулоқ соларди, ҳар гал тўлқин елкасига кўтариб чиққанда у зимистонда бирор нарсани кўришга уриниб, атрофга назар ташлаб чиқарди. Бошқаларидан баландроқ кўтарилган тўлқин унинг кўзига қувиб келаётган қайиқ бўлиб кўринар, шунда у янада тез сузар, бу эса манзилни яқинлаштирар, шу билан бирга дармонини ҳам қуритарди.

У тинмай сузар, даҳшатли қалъа эса тобора зимистонга чўмиб, кўздан йўқола борарди. Қалъа энди унинг кўзидан ғойиб бўлган, аммо ҳиссиётида ҳамон сақланиб турарди.

Шу тарзда бир соат вақт ўтди, Дантес кўзлаган манзили томон сузишда давом этди. «Суза бошлаганимга бир соат бўлди, – деди у ўз-ўзига, – шамол рўбарўдан уриб, сузиш суръатини анча пасайтириб қўйди. Лекин адашмаган бўлсам Тибулен ороли яқинига келиб қолгандирман. Аммо йўлдан адашган бўлсам-чи? Унда нима бўлади?»

Дантеснинг бадани жимирлаб кетди. У бир оз ҳордиқ чиқариш учун сув бетиде чалқанча тушиб ётди, бироқ денгиз борган сари тўлқинлана берди, демак, дам олишнинг иложи йўқ.

– Нима бўпти? – деди у, – кучим борича, то томирларим тортишиб қимир этолмай қолгунимча сузавераман, шунда ҳам манзилимга етолмасам, иложим қанча! Денгиз ютади-ю, гумдон қилади-кетади-да!

У бутун жон-жаҳди билан сузишда давом этди.

Шу пайт унинг кўзига осмон бирдан яна қоронғилашиб бораётгандай, қуюқ қоп-қора булут устига босиб келаётгандек бўлиб кўринди. Унинг тиззалари зирқираб оғриб кетди. У менга ўқ тегди, ҳозир яна ўқ отилади, деб ўйлади. Аммо ўқ товуши эшитилмади. Дантес кўлини узатиб, қаттиқ бир нарсани ушлади. Оёғини буккан эди, ерга тегди. Ҳали булут деб фараз қилгани тепалик эканини фаҳмлади.

Йигирма қадам нарида повиллаб ёниб турган пайтда бирдан тошга айланиб қолган гулханга ўхшаш ажойиб қатор қоялар қад кўтариб турарди. Бу Тибулен ороли эди. Дантес бир неча қадам юрди-да, Худога минг-минг шукр қилиб, метин қояга узала тушиб ётиб олди. Шу пайт тош унинг наза-



рида энг юмшоқ, ҳатто кўрпадан ҳам юмшоқ туюлди.

Сўнг шамолни, бўронни, ёмғирни писанд қилмай, бахтиёр киши сингари қотиб ухлади.

Бир соат ўтгач, кучли момақалдироқ Эдмонни уйғотиб юборди. Бўрон кучайиб қанотлари билан осмонни ҳам, денгизни ҳам роса шартиллатиб савалай берди. Чақмоқ чўғилон каби ёниб, тўлқинларни ва бир-бирини қувиб бораётган булутларни ярқиратиб юборди.

Таҷрибали денгизчининг кўзлари янглишмаган эди. Дантес ўзи мўлжаллаган ороллардан бирига – Тибулен оролига чиқиб олди. Бу ҳечам яширинадиган жойи йўқ, тўрт томони очиқ орол эканини Дантес биларди. Аммо у бўрон тўхташи биланоқ яна денгизда сузиб Тибуленга ўхшаса-да, лекин анча кенг ва «меҳмондўст» Лемер оролига бориб олмақчи эди.

Қад кўтариб турган қоя Дантесга вақтли бошпана бўлиб қолди. Эдмон унинг тагига кириб бекиниб олди. Сап вақт ўтмай тўфон кўтарилиб ҳамма ёқни алғов-далғов қилиб парзага келтира бошлади.

Тагида Дантес ётган қоя тебраниб-титрар, бу улкан тепа тагига урилаётган тўлқинлардан отилиб чиқаётган томчилар Эдмоннинг юзига сачрарди. У хавфсиз пана ерга жойлашиб олган бўлса-да, даҳшатли гулдурослар, кўзни қамаштирадиган чақмоқларда боши айланиб, қулоқлари битди, унинг назарида оёғи остидаги бутун бир орол титраётгандек ва худди кема каби пангардан узилиб чиқиб уни баҳайбат сув гирдобига олиб кетаётгандек бўларди.

Шу вақт бир кечаю кундуз ҳеч нарса татимагани эсига тушди. Очлик ва ташналик азоб бера бошлади. Дантес эгилди-да, ҳовучлаб ёмғир сувидан ичди.

Дантес бошини кўтарганда, етти қават осмонни ағдартўнтар қилиб ташлаган чақмоқ атрофни сутдек ёритиб юборди. Ана шу нур ичида Лемер ороли билан Круавиль буруни ўртасида балиқ овловчиларнинг кичкина кемасининг шарпаси кўринди, уни шамол ва тўлқинлар қаёққадир олиб кетаётган эди. Бир лаҳза ўтар-ўтмай шарпа жуда тез яқинлашиб кела бошлади. Дантес қичқирмоқчи, бирор парча латта топса, сигнал бериб, ҳалокат қаршисига кетишаётганини хабар қилмоқчи бўлди, бироқ кемадагилар бун-

дан ўзлари хабардор эди. Яна чақмоқ чаққанда Дантес кемада матчани ва штагаларни маҳкам ушлаб турган тўрт кишининг қорасини кўрди, бешинчиси синиб кетган руль олдида турарди. Улар ҳам чамаси Эдмонни кўришди, чунки кемадагиларнинг зўр бериб қичқиришлари шамол шовқини аралаш эшитилиб турарди Эдмонга. Дабдаласи чиқиб кетган елкан матчта тагида осилиб ётибди, тўсатдан кемани ушлаб турган арқонлар узилди-ю, шамол кемани илиб, зимистон ичига тортиб кетди.

Шу заҳотиёқ қарс-қурс этган овозлар, унинг кетидан чўкиб бораётган одамларнинг дод-фарёди эшитилди. Дантес қояга сиқилиб олиб денгиз қаърига тикилиб қолди, яна момақалди роқ гулдураб, чақмоқ оламни ёритиб юборди, мажақланган кема, талвасага тушган чехралар, осмонга кўтарилган кўллар кўринди.

Сўнгра чақмоқ ўчиши биланоқ буларнинг ҳаммаси тун зимистони ичида йўқ бўлиб кетди.

Дантес хавф-хатарга қарамай туртиниб-сирганиб пастга югурди, у атрофга қаради, қулоқ солди, бироқ ҳеч қандай овоз эшитилмади, ҳеч ким кўринмади. Фақат бўрон ҳамма ёқни алғов-далғов қилиб, тўлқинларни кўпиртирарди.

Аста-секин бўрон тинчиб, шамол тўхтади, момақалди роқда ранги ўчиб кетган кулранг булутлар карвони фарбга йўл олди, осмон яна пожувард тус олиб, юлдузлар чарақлаб кетди. Кўп ўтмай шарқдан уфққа кенг шафақ кўтарилди, ялт этиб отилган нур ичига ботиб, олтин тусига кирди.

Тонг ота бошлади.

Дантес бу ажойиб дабдабали манзарага, гўё биринчи марта кўргандек, тикилди-ю, маҳлиё бўлиб қотиб қолди. Чиндан ҳам Иф қалъасида ётганида қандай тонг отиши, куёшнинг денгиз тагидан кўтарилиб чиқиши нақадар улуғвор, гўзал бўлиши Дантеснинг ёдидан кўтарилиб кетган эди. У қалъа томонга ўтирилди-да, ерга ва денгизга узоқ тикилди.

Бу посбон ва ҳоким мудҳиш бино денгиз тўлқинлари орақасида қад кўтариб, даҳшат солиб турарди.

Эрталабки соат бешлар эди, денгиз аста-секин тинчланяпти.

«Икки-уч соатдан сўнг турма соқчилари менинг камерамга киришади, – деди ўз-ўзига Эдмон, – шўрлик дўстимнинг

жасадини кўриб, мени ахтаришади, тополмай бонг уришади, ер остидаги йўлкани топиб олишади, мени денгизга улоқтирган ва эҳтимол менинг қичқиригимни эшитган кишилардан сўраб-суриштиришади. Қочоқ узоққа кетолмаган бўлса керак деб, шу заҳоти қуролланган солдатларни қайиқларга ўтқазиб жўнатишади. Замбараклардан ўқ отишиб, оч-яланғоч дарбадарни қаерда учратилса тутиб олинсин деб буйруқ беришади. Марсель полицияси ҳам хабардор қилинади, у ҳамма қирғоқларни ўраб олади, Иф қалъасининг комендантси эса денгизни титиб-тинтувга солади. Унда нима бўлади? Атрофини сув ўраб олган, оролда эса таъқиб остида қолган бечора ўзини қаёққа уради? Қорним оч, совуқ қотиб қалтираб кетяпман, сузишга халақит беради деб пичоқни ҳам ташлаб юбордим, биринчи бўлиб учраган киши мени тутиб бериб, йигирма франк ишлаб олиши ҳеч гап эмас. Менда кучдан ҳам, ақлдан ҳам, жасоратдан ҳам асар қолгани йўқ! Э, Парвардигор! Фақат сенга аён менинг дарду аламларим! Мадад бер менга! Ночорман! Мадад бер!»

Мадори қуриб, ақлдан озаётган Эдмон Иф қалъасига хавф-хатар-ла кўз тикиб шу алангали сўзлар билан Худодан мадад тилаб турган бир пайтда Помег ороли яқинида сувнинг нақ устида учиб юрган балиқчи қуш каби кичкина кема кўринди. Ҳамон ним қоронғи денгизда юрган бу кема Генуя тартанаси эканини тажрибали Эдмоннинг кўзларигина илғаб олиши мумкин эди. Кема Марсель портидан очиқ денгизга чиқиб, тумшуғи билан сувни ёриб келяпти.

– Сўраб-суриштириб кимлигимни билиб олишади-да, Марселга олиб бориб яна полицияга топширишади, деб кўрқиб турибман! – деди ўксиниб Эдмон, – бўлмаса ярим соатда бу кемага етиб, тушиб олардим. Нима қилсам экан? Мабодо боргудек бўлсам, нима дейман? Уларни алдаш учун қанақа баҳона топсам экан? Бу одамлар чегарадан ўғринча мол ўтказиб сотувчи контрабандист ёки қароқчилардир, савдогар ниқобида босқинчилик билан шуғулланишади муттаҳамлар, яхшилик кутиб бўлмайди улардан, мени дарҳол тутиб пул ишлаш пайида бўлишади.

Яхшиси, сабр қилайин...

Аммо сабр қилиш мумкин эмас, очдан ўлиб бораётибман, бир неча соат ўтгач, бутунлай ҳолдан тойиб адоий-

тамом бўлман, бунинг устига турмада камераларни текшириш соати ҳам яқинлашиб келяпти, ҳали бонг урганларича йўқ, эҳтимол кемадагилар мендан шубҳаланмаслар, тунда ҳалок бўлган кеманинг матросиман дейишим мумкин, бунга ишонадилар, гапим ёлғонлигини очиб берадиган ҳеч кимса йўқ, ҳалок бўлган кеманинг барча матрослари чўкиб кетди. Қани, бос олға, Эдмон!..

Дантес кичкина кема ҳалок бўлган жойга қаради-да, сесканиб кетди. Қоя устидаги дўнгда чўкиб кетган матрослардан бирининг қалпоғи осилиб турибди, унинг ёнида кема синиқлари, йўғон-йўғон ходалар орол четига урилиб, сув тўлқинлари устида қалқиб юрибди.

Дантес охирги шубҳани ҳам улоқтириб ташлади-да, ҳалиги қалпоқ ёнига сузиб борди, уни бошига кийиб олиб, ходалардан бирини тутди ва кема томон йўл олди.

– Энди қутулдим, – шивирлади у.

Бу ишонч унга куч-қувват ато этди. Сал вақт ўтмай у Иф қалъаси билан Кланье минораси ўртасида гоҳ у ёқ, гоҳ бу ёққа бурилиб шамол қаршисига сузиб бораётган кемани кўрди. Дастлаб Дантес кема қирғоққа яқинлашиб сузмай, денгизнинг ўртасига чиқиб, Корсика ва Сардиния томон жўнаб қоладими ҳали деб қўрққан эди. Бироқ кеманинг юришидан, у Италияга берадиган кемалар каби, Жарос ва Каласарень ороллари оралиғидан ўтиб кетишга тайёрланаётганини фаҳмлаб олди.

Шу орада кема билан Дантес тобора бир-бирига яқинлашиб келаверди. Кема шамолга қараб бир ҳаракат қилган эди, Дантесдан чорак миль яқинга келиб қолди. Эдмон бошини кўтариб, қалпоғи билан сигнал бера бошлади, аммо уни кемадагилардан ҳеч ким кўрмади. Кема йўлини ўзгартириб тикка суза кетди. Дантес қичқирмоқчи бўлди-ю, бироқ кўзи билан масофани ўлчаб, товуши етиб бормаслигини, шамол ва тўлқинлар шовқинга ғарқ бўлиб кетишини фаҳмлади.

Шу пайт ходани ушлаб олганига минг марта шукр қилди. У шунчалик ҳолдан тойган эдики, агар ана шу хода бўлмаса кемага етиб олиши ёки кема кўрмай ўтиб кетгундек бўлса, қирғоққа қайтиб кела олиши амри маҳол эди.

Кеманинг қайси томонга сузаётганини яхши билиб олган бўлса-да, Дантес ташвишланиб ундан кўзини узмас, у яна Эдмон томонга бурилганидан сўнггина кўнгли тинчиди.

Дантес кеманинг йўлига чиқди, аммо яқинлашганда кема яна бошқа ёққа бурилди.

Дантес бор кучини йиғиб сув устига кўтарилди-да, шапкасини кўтариб, худди чўкаётган одамдек дод-вой солиб қичқирди. Бу гал уни кўриб, овозини эшитишди. Кема йўлини ўзгартиб Эдмон томонга бурилди. Айни вақтда, кемадагилар сувга қайиқ туширишга тайёрлана бошладилар. Бир дақиқа ўтар-ўтмас икки эшкакчи тушган қайиқ Дантес томон сузди. Шундан кейин Эдмон энди кераги йўқ деб ходани кўйиб юборди-да, қайиқ томон тез сузиб кетди. Аммо у ҳолдан тойганини унутиб кўйган эди, ходани кўйиб юборганига минг пушаймон еди, кўллари увишиб, оёқлари ҳаракатдан қола бошлади, нафаси томоғига тикилди.

У яна қичқирди, эшкакчилар ҳаракатни кучайтиришди, улардан бири итальян тилида Дантесга қараб қичқирди:

– Бўшашма!

Бемажол Дантес бу овозни тўлқин гирдобига олиб, кўпиги билан кўмиб ташлаган пайтда эшитди. У сувда шалоплаб, юзага отилиб чиқди-да, худди оёғидан ҳамон ядро тортиб кетаётгандай яна учинчи марта қичқирди.

Денгиз уни тортиб, кўмиб кетди, сув тагидан осмон қопқора доғлар ичида бўзариб кўринди унинг кўзига.

У яна ҳаддан ташқари зўр бериб сув юзига қалқиб чиқди, сочидан биров тортаётгандай туюлди, шундан кейин ҳеч нимани кўрмади, ҳеч нарсани эшитмади. У ҳушидан кетиб қолган эди.

Дантес ҳушига келиб, кўзини очганда сузиб бораётган кема саҳнида узала тушиб ётган эди. У дарҳол бошини кўтариб, кеманинг қайси томонга кетаётганини билиб олмоқчи бўлди, кема Иф қалъасидан йироқлашиб бормоқда эди.

Дантес ниҳоятда ҳолдан тойган, мадорсиз эди, шунинг учун ҳам унинг шодиёна овози беморнинг инграшига ўхшаб чиқди.

Шундай қилиб, Дантес кемада ётибди. Матрослардан бири уни жун кўрпа билан ишқалар, иккинчиси (бояги «бўшашма!» дегани) оғзига сувдонни суқар, кеманинг ҳам

хўжайини, ҳам командири кекса денгизчи эса худбинларча ачиниб тикилиб турарди. Бахтсизлик кечагина четлаб ўтиб кетган бўлса-да, бироқ эртага лоп этиб рўбарўсидан чиқиши мумкин бўлган кишилар бахтсизликка учраганларга ана шундай назар ташлайдилар.

Сувдондан бир неча бор томизилган ром Дантесга анча қувват берди. Олдида тиз чўкиб олган матроснинг ишқалашлари эса Эдмоннинг увушиб, қотиб қолган танасига жон киритди.

– Кимсиз? – сўради кема хўжайини француз тилини бузиб гапириб.

– Мальта матросиман, – деди Дантес итальян тилини бузиб гапириб. – Сиракуздан вино ва мато юклаб келаётган эдик. Кеча Моржион бурунига яқинлашганимизда тўфон кўтарилиб, кемамизни ҳув анави қояга олиб бориб уриб, мажақлаб ташлади.

– Сиз қаердан сузиб келдингиз?

– Мен қояга маҳкам ёпишиб олдим, бечора капитанимиз калласи билан урилиб ҳалок бўлди. Қолган уч киши чўкиб кетди. Фақат бир ўзим тирик қолган бўлсам керак, сизнинг кемангизни кўрдиму, бу инсон яшамайдиган оролда узоқ қолиб кетишдан кўрқиб, кемамиздан қолган ходада сиз томонга сузиб келдим. Сиздан ниҳоятда миннатдорман, – сўзини давом эттирди Дантес, – сиз мени ўлимдан қутқариб қолдингиз. Матросларингиздан бири сочимдан ушлаб тортмаганда, мен чўкиб, ҳалок бўлар эдим.

– Сочингиздан тортган мен эдим, – деди очик чехрали, юлдузи иссиқ бир матрос, – сиз чўкиб кетаётган эдингиз, ўша дақиқада мен бошқа илож тополмадим.

– Тўғри, – деди Дантес унга қўлини узатиб, – жуда тўғри, миннатдорман сиздан, дўстим.

– Ростини айтсам, – деди матрос, – сочларингиз алвастиникига ўхшаб ўсиб кетганини кўриб қароқчи деб ўйлادим сизни.

Дантес Иф қалъасида қамоққа олинганидан бошлаб ҳозиргача бирор марта сочини, соқол-мўйловини олдирмаган эди.

– Тўғри, – деди у, – хавфли дақиқада соч-соқолимни ўн йил қирдирмайман деб момо Пье де ла Гроттага ваъда бер-

ган эдим. Бугун ўша ваъдамнинг муддати тугади, мен нақ бўлмаса шу тантанали кунда чўкиб кетаёздим.

– Хўш, энди сизни нима қилайлик? – сўради хўжайин.

– Истаганингизни қилаверинг, – деди Дантес, – мен хизмат қилиб юрган кема ҳалок бўлди, капитаним чўкиб кетди, мен эса мана, қутулиб қип-яланғоч қолдим. Бахтимга анча дуруст матросман, биринчи тўхтаган портга мени тушириб юборинг, ҳар қандай савдо кемасидан иш топиб оламан.

– Ўрта ер денгизини яхши биласизми?

– Бу ерда болалигимдан буён сузаман.

– Кемаларнинг тўхташи учун қулай жойларни биласизми?

– Мен кириб-чиқмаган порт бу денгиз қирғоқларида қолмаган бўлса керак. Ҳаммасига кўзимни боғлаб ҳам кириб чиқавераман.

– Хўжайин, – деди боя «Бўшашма!» деган матрос гап қотиб, – бу ўртоқ рост гапираётган бўлса, ўзимизда қолаверса бўлмайдимиз?

– Агар рост гапираётган бўлса, – жавоб қилди хўжайин гумонсираб, – ҳар ким ҳам бу шўрликнинг қунига тушса қоп-қоп ваъда бераверади, аммо ишга келганда билганини қилади.

– Мен ваъдамдагидан кўпроқ ишлаб бераман, – деди Дантес.

– Оббо! – деди хўжайин қулиб. – Қани, кўрамиз.

– Марҳамат қилиб кўраверинг, – деди Дантес ўрнидан тураётиб, – қаёққа бораётган эдингиз?

– Ливорнога.

– Шундай экан, у ёққа-бу ёққа бурилиб, вақтни беҳуда ўтказгандан кўра, шамол юрган томонга сузиб борсангиз қулай эмасми?

– Унда биз Рионга тўқнаш келиб қоламиз.

– Ундай эмас, Рион қирқ метр нарида қолади.

– Шундай экан, рулга ўзингиз ўта қолинг, – деди хўжайин, – кўрамиз, удалай олишингизни.

Эдмон румпель олдига ўтириб, кема рулга яхши итоат қилиш ёки қилмаслигини билиш учун уни сал босиб синаб кўрди, сўнг кема ҳар қалай итоат қилаётганини кўриб, буйруқ берди:

– Ҳамма ўз жойида турсин!

Экипаждаги тўрт матрос тўрт томонга югуриб кетди. Хўжайини эса ҳаммани кўздан кечириб турарди.

– Браслар маҳкам ўралсин! Булинялар тутилсин! – давом этди Дантес.

Матрослар буйруқни ниҳоятда эпчиллик билан бажо келтиришди.

– Энди, буралсин!

Бу буйруқ ҳам илгаригисидек чаққон бажарилди. Сўнг кема тўппа-тўғри Рион ороли томон йўл олди-да, Дантес олдиндан айтганидек, уни ўнг томонда қирқ метрча нарида қолдириб ўтиб кетди.

– Офарин! – деди хўжайин.

– Офарин! – такрорлади матрослар.

Кемадагилар қарашларида ақл, танида куч ҳосил бўлган Дантесга таажжубланиб тикилган эди.

– Мана, кўрдингизми, – деди Дантес рўлни қолдириб, – мен сизга ҳар қалай мана шу сафарингиз вақтида ёрдам беришим мумкин. Агар Ливорнада керагим бўлмай қолса, у ерда қолдириб кетаверинг, берган овқатингиз ва кийимингизнинг ҳақини биринчи ойлигимданоқ тўлайман.

– Бўпти, – деди хўжайин. – Бунисини бир гап қилармиз, мабодо сиз ортиқча талаб қилмасангиз.

– Ҳамма матросларнинг ҳақи баб-баравар бўлади, – деди Дантес. – Ўртоқларга қанча тўлаётган бўлсангиз, менга ҳам шунча тўлай беринг.

– Бу адолатсизлик бўлади, – деди Эдмонни сувдан олиб чиққан матрос, – сиз биздан кўпроқ биласиз-ку.

– Джакопо, сенинг бунга нима даҳлинг бор? – деди хўжайин. – Ҳар ким ўзи истаганча ҳақ олиб ишлаши мумкин.

– Бу ҳам тўғри, – деди Джакопо, – мен шунчаки айтдим-қўйдим-да.

– Яхшиси, ортиқча камзулинг ва иштонинг бўлса қарзга бер бунга.

– Ортиқча камзулим йўқ, – деди жавобан Джакопо, – қўйлак-иштон бор.

– Менга кераги ҳам ана шу қўйлак билан иштон, – деди Дантес. – Раҳмат, дўстим.



Джакопо ётоғига тушиб бир зум ўтмай кийим олиб чиқди. Дантес бениҳоя хурсанд бўлиб кийиб олди.

– Яна нима керак сизга? – сўради хўжайин.

– Бир бурда нон, мен ҳали татиб кўрган ажойиб ромингиздан яна бир қултум бўлса бас, мен кўпдан буён ҳеч нима еганим йўқ.

Чиндан ҳам Эдмон икки кеча-кундуз мобайнида туз татигани йўқ эди.

Дантесга бир бурда нон келтириб беришди. Джакопо эса сувдонни тутди.

– Рул чапга бурилсин! – деб қичқирди капитан рулдаги матросга.

Дантес сувдонни лабларига энди олиб бораётганда, бирдан тошдек қотиб қолди.

– Уни қаранг, – деди хўжайин, – Иф қалъасида бирор ҳодиса юз берганмикин?

Иф қалъасининг жанубий истехкоми устида оқ тутун кўтарилди.

Лаҳза ўтмай замбарак овози эшитилди.

Матрослар бошини кўтариб бир-бирига қарашди.

– Бу нимаси? – сўради хўжайин.

– Эҳтимол бу кеча бирорта маҳбус қочгандир, – деди Дантес, – шунга бонг уриб ғавғо кўтаришяпти.

Кема хўжайини сувдонни лабларига олиб бораётган ёт йигитга тикилиб қараб қўйди. Аммо Дантес ромни шундай хотиржам ичдики, кема хўжайинида пайдо бўлган жиндак шубҳа бир зумда изсиз йўқ бўлди кетди.

– Зап ўткир ром эканми! – деди Дантес пешана терини енги билан артиб.

– Мабодо қочган маҳбус шу бўлса, – деди тўнғиллаб Дантесга тикилиб турган хўжайин, – жуда соз: у моҳир, эпчил йигит ўлжа бўлди менга.

Дантес рулни олишга рухсат сўради, сменадаш шод бўлган рулдаги матрос хўжайинига қаради, хўжайин эса унга имо қилиб, бер, деди.

Дантес рулда Марсель томонга қараб ўтирса, ҳеч кимда шубҳа туғилмасди.

Иф қалъаси кўздан ғойиб бўлгач, Дантес олдига келган Джакоподан сўради:

– Бугун ойнинг нечанчи куни?

– Йигирма саккизинчи февраль, – жавоб берди матрос.

– Қайси йилнинг февралаи? – сўради Дантес.

– Қайси йилнинг бўларди. Сиз қайси йилнинг февралаи деб сўраяпсизми?

– Ҳа, – деди Дантес, – мен қайси йил деб сўраяпман.

– Қайси йилда яшаётганимизни унутиб қўйдингизми?

– Шундай! – деди Дантес кулиб. – Шу кечаси жуда қаттиқ кўрқиб, ақлдан озаёздим, эсимни тамоман йўқотиб қўйдим. Шунинг учун қайси йилнинг йигирма саккизинчи февралаи деб сўраяпман.

– Бир минг саккиз юз йигирма тўққизинчи йилнинг, – деди Джакопо.

Дантеснинг қамоққа тушганига роса ўн тўрт йил бўпти. У Иф қалъасининг остонасига ўн тўққиз ёшида қадам қўйган эди, ундан ўттиз уч ёшида чиқди.

У ғамгин илжайиб қўйди. Эдмон Мерседеснинг ҳоли нечук экан, деб ўзига савол берди шу он. Мерседес уни ўлган, деб ўйлагандир.

Сўнг кўзларида нафрат, ғазаб ўтлари ёнди. Эдмон уни узоқ зиндон азобига дучор қилган уч аблаҳни эсга олди.

Бир гал турмада қасам ичганидек Дантес яна Данглардан, Фернандан ва Вильфордан шафқатсиз ўч олишга онт ичди.

Ҳозирги қасам қуруқ лўписа эмасди, чунки ҳамма елканларини кенг ёзиб Ливорнога учиб бораётган кичкина кемачани энди Ўрта ер денгизининг энг тезюрар елканли кемаси ҳам қувиб етолмасди.



Шкинчи  
Қисм



## 1. КОНТРАБАНДИСТЛАР

Дантес бир кун ўтмай кемадагилар қандай одамлар эканини билиб олганди. «Ёш Амелия» (Генуэз кемачасининг номи)нинг муносиб хўжайини аббат Фариадан сабоқ олмаган бўлса-да, Ўрта ер денгизи деб аталадиган поёни йўқ кўл қирғоқларида яшовчи ҳамма халқлар тилида – арабчадан тортиб то провансаль тилигача гаплаша олар эди. Бу уни диққинафас, ҳавоси баланд таржимонлардан қутқарган, сафарда учрайдиган кемалар ва майда қирғоқ кемачалари билан алоқасини осонлаштирган, денгиз портларида бекасб, бемакон, бепул, аммо сирли сармоя ҳисобига кун кечириб юрадиган дайдилар билан тил топишини қулайлаштирган эди. Хуллас, Дантес контрабандистлар қўлига тушиб қолганини ўқувчи фаҳмлаб олган бўлса керак.

Хўжайин бошда Дантесдан хавфсирарган эди. Бу контрабандист қирғоқлардаги бож соқчиларига отнинг қашқасидек таниқли эди, соқчилар ва кема хўжайини бир-бирини алдаш учун минг турли ҳийла-найранглар ишлатиб келишди. Шу сабабли бошда хўжайин Дантесни шу йўл билан менинг сирларимни билиб олмоқчи бўлган бож идорасининг ходими деб ўйлаган эди. Бироқ Дантес рулни қаттиқ шамол томонга буриб, синовдан ўтгач, хўжайин хотиржам бўлди. Сўнгра у Иф қальаси истехкоми устида тутун кўтарилганини кўргач ва тўп овозини эшитгач, унинг миясида қочган маҳбуслардан бири эмасмикин бу, деган фикр туғилди. Тўғриси, бу бож ходимидан хавфсизроқ эди контрабандист учун. Лекин бу иккинчи гумон ҳам Дантеснинг ҳеч писанд қилмай ишлаётганини кўргач, пучга чиқди.

Хуллас, Эдмон янги хўжайини қандай эканини билиб олган эди, аммо хўжайини эса янги матроси кимлигини билмасди. Дантес мана шу жиҳатдан хўжайинидан устун эди. Кекса денгизчи ва ўртоқлари қанчалик сўраб-суриштиришмасин, Дантес ҳеч сир бермай, нуқул Неаполь ва Маль-

та тўғрисида узундан-узоқ гап сотар, ҳамма кўрган-билганларини бирма-бир айтиб берарди. Шундай қилиб, шумқув генуялик денгизчи ювош, тажрибали денгизчи ва айниқса сир бой бермайдиган Эдмон олдида ип эшолмай қолди.

Бунинг устига генуялик зот аҳтимол донолик қилиб, ўзи билиши керагини билишни ва ўзи учун манфаатли нарсага ишонишни афзал кўрган бўлса керак.

Ливорнога етиб келишганда, аҳвол ана шундай эди.

Бу ерда Эдмон яна бир синовдан ўтиши керак эди, янги ўн тўрт йиллик қамоқдан сўнг у ўзини таний оладими ё йўқми – шуни текшириб олиши керак, у ёшлигида қандай эканини жуда яхши эслайди, энди эса ёши ўтиб қолганида қанақа бўлиб қолганини ўзи кўриб билиши лозим. У ўртоқлари олдида берган ваъдасининг устидан чиқди. Ливорнода кўп марта бўлган эди ва Сан-Фернандо кўчасида бир сартарошни танирди. Дантес ўша сартарошнинг уйига бориб, сочини ва соқолини қириб ташлашни сўради.

Сартарош узун соч, пахмоқ қора соқолли кишига таажжубланиб тикилиб қолди. У замонларда узун соч ва узун соқол расм эмасди. Ҳозир эса табиат ато этган бу безакдан воз кечаётган кишини кўрса сартарошлар ҳайратда қолган бўлур эдилар.

Сартарош ортиқча гап сотиб ўтирмай ишга киришди.

У ишни тугатгач, Эдмон соқоллари силлиқ қилиб қирилганини ва сочи бир меъёрга келтирилганини сизди-да, ойна сўради.

Боя айтганимиздек, Дантес ўттиз уч ёшга кирган, ўн тўрт йиллик зиндон азоби унинг афт-ангорини ўзгартириб юборган эди.

Иф қалъаси остонасига биринчи қадамини ташлаганда, Дантес юзи нақш олмадек қизил, хушчақчақ, навқирон, бахтиёр ўсмир йигитча бўлиб, ҳаёт йўлидаги биринчи қадамларни осонгина ташлаган ва келажакдан умидвор эди. Эндилликда улардан асар ҳам қолмади.

Юзи анча чўзилиб кетибди, ҳамиша жилмайиб турадиган оғзи жиддийлашиб қолибди, қошлари қайрилибди, манглайида ажинлар тизилибди, чуқур ғусса яширинган кўзлари баъзан нафрат ўти билан ёниб туради, узоқ йиллар

ёруғлик ва қуёш нуридан баҳра ололмай келган юзларида жилодан из ҳам қолмагани, буларнинг устига орттирган билими чехрасига донолик, оқиллик ва дадиллик белгилари ато этибди. Табиат аслида уни бўйдан камситмаган бўлса-да, қомати аста-секин кучга тўлиб бориб, чайир бўлиб қолибди.

Бежирим, чаққон жусса ўрнида юмалоқ мускуллари бўлиқ қомат пайдо бўлибди. Нолалар, йиғилар, лаънат ўқиб фиғон уришлар овозини ҳам мутлақо ўзгартириб юборибди, энди у гоҳ нозик, гоҳ қўпол, гоҳ бўғиқ овоз чиқариб гапирарди.

Ҳамиша ним қоронғи ёки зимистонга тикилиб келган кўзлари эндиликда, сиртлон ёки бўри кўзи каби тунда ҳам кўриш, таниш қобилиятига эга бўлибди.

Эдмон ойнада ўзини кўриб, кулди, энг яқин дўсти ҳам (мабодо дўстларидан бирортаси тирик қолган бўлса) ҳозир уни танимасди, ўзи ҳам ўзини танимади.

«Ёш Амелия»нинг хўжайини Эдмондай матросни ўз кemasида олиб қолишни жуда истарди, шунинг учун у келажакдаги фойдадан, тегадиган улуши устидан бир оз берай, деди. Эдмон рози бўлди. Эдмон уни тамом бошқа тусга киритиб қўйган сартарош олдидан чиқди-да, даставвал магазинга кириб, тўла матрос кийимини сотиб олди. Бу костюм жуда оддий бўлиб, оқ чолвор, ола-була иссиқ кўйлак ва қалпоқдан иборат эди.

Эдмон кемачага келди-да, Джакопога кўйлак-иштонни қайтариб берди ва «Ёш Амелия» капитани ҳузурига кириб, яна тарихини ҳикоя қилиб беришга мажбур бўлди. Капитан пахмоқ соқол, алвасти соч, ивиб тартанага қип-яланғоч чиққан чалажон кишининг гўзал матрос бўлиб кетганини кўриб, кўзига ишонмай ҳайрон бўлди.

Келишган қадди-қоматига мафтун бўлди-да, Дантесни хизмат қилишга таклиф этди. Аммо бошқа режалар чизиб қўйган Дантес, «Ёш Амелия»да фақат уч ой хизмат қилишга розилик берди.

«Ёш Амелия»нинг экипажидаги одамлар ҳаракатчан, унинг капитани вақтни беҳуда ўтказмайдиган командир эди. Бир ҳафта ўтар-ўтмай кеманинг тағхоналари доклар, юпқа газлама, хорижга чиқариш тақиқланган читлар, инг-

лиз ўқ-дориси ва бошқа рухсатсиз моллар билан тўлди. Буларнинг ҳаммасини Ливорнодан Корсика қирғоқларига олиб бориб тушириш керак, у ерда қандайдир корчалонлар бу юкларни Францияга етказиб беришни гарданига олган.

Шу зайлда тартана йўлга чиқди. Эдмон яна бешиги бўлиб аллалаган ва қамоқда тез-тез тушига кирган денгиз қирғоғига отилди. У Горгонани ўнгда, Пианозани чапда қолдириб, Паоли ва Наполеон ватанига қараб юрди.

Эртаниси капитан одати бўйича эрталаб кема саҳнига чиққанда Дантес бортга тирсагини тираганча қоя тошлар тизмасига қаттиқ кўз тутган эди. Унинг қарашлари жуда ғалати эди; у нимага бунчалик кўз тикияпти экан, деб ўйлади капитан. Эдмон суқланиб тикилаётган қирғоқ Монте-Кристо ороли эди.

«Ёш Амелия» оролни чорак кам бир миль нарида – ўнг томонда қолдириб ўтиб кетди ва Корсикага сафарини давом эттирди.

Номи унинг учун азиз орол ёнидан ўтаётганда Дантес, денгизга ирғиб тушсам бас, ярим соат ўтар-ўтмай ўша ваъда қилинган ерда бўлардим, деб ўйлади. Аммо хазинани кавлаб олиш учун бирор асбоби, ўзини ҳимоя қилиш учун биронта қуроли бўлмай туриб, у нима ҳам қила оларди? Матрослар нима дейди? Капитан нима деб ўйлаши мумкин? Сабр қилишдан бошқа чора йўқ.

Бахтига Дантес сабр-тоқатли йигит. У ўн тўрт йил озодликни кутиб сабр қилди. Мана энди озодликка чиққанда хазина ярим йил ёки бир йил кутса ҳеч нима бўлмас.

Бироқ бу хазина, бу бойлик бўлмаса ҳам озод қилсалар жон демасмиди?

Олтин хазина тўғрисидаги гаплар хом хаёл бўлмасин танин? Шўрлик аббат Фарининг айниган калласида пайдо бўлган бу хаёл унинг руҳи билан бирга учиб кетмадимикин?

Аммо кардинал Спанданинг хати жуда аниқ эди. Дантес ҳар бир сўзини эсида сақлаб қолган бу хатни фикран такрорларди.

Кеч кирди. Эдмон оролни аста-секин тун чодирини ўраб олаётганини кўриб турди, кўп ўтмай орол кўздан ғойиб бўлди. Турма хонасида кўзи қоронғига ўрганиб қолган Эд-



мон, афтидан оролни ҳамон кўриб турарди, кема саҳнида ҳаммадан кейин туриб қолганининг боиси ҳам шу эди.

Эрталаб улар Алерияга рўбарў келишди. Бутун кун бўйи шу атрофда айланиб юришди. Кечқурун қирғоқ чироқлари ярқираб ёнди, чироқларнинг ўрнаштирилиши, чамаси юкларни тушириш мумкин, деб кўрсатма берди, чунки гафелда байроқ ўрнига чироқ кўтариб сигнал беришди-ю, улар қирғоққа яқин келишди.

Дантес бу тантанали вазият туфайли капитан «Ёш Амелия» саҳнига иккита қуроқ қўйдирганини кўрди. Бу қуроқлар тўрт қадоқли ўқларни унчалик овоз чиқармай бемалол минг қадам жойга ота оларди.

Аммо бу гал эҳтиёткорликка зарурат йўқ экани аниқланди. Ҳамма иш тинч ва осойишталик билан бажо этилди: тўрт эшкакли қайиқ оҳистагина «Амелия» ёнига келди, тартана ҳам, одоб юзасидан шекилли, ўзининг қайиқларини ҳам пастга туширди. Бу беш қайиқдагилар эпчиллик билан ишлаб, кечаси соат иккигача «Ёш Амелия»даги юкнинг ҳаммасини қирғоққа тушириб олишди.

«Ёш Амелия» капитани тартиб-қоидага муккасидан тушган одам, шу сабабли фойдани шу кечанинг ўзидаёқ экипаж ўртасида тақсимлаб берди. Ҳар бир матросга бир юз тоскан ливридан тегди, бу қарийб саксон франкка тенг эди.

Эспедиция бу билан тамом бўлгани йўқ: улар Сардиния томон йўл олишди. Бўш кемага яна юк ортиш зарур эди.

Бу иккинчи иш ҳам биринчисидек силлиқ битди, афтидан, «Ёш Амелия»нинг ишлари ўнгидан келди, шекилли.

Аксари Гавана сигаралари, херес ва малага виноларидан иборат бу янги юклар Лукка герцоглигига аталган эди.

Бу ерда «Ёш Амелия» капитанининг доимий душмани божхона билан тўқнашув юз берди. Бир соқчи асфаласофилинга кетди, икки матрос ярадор бўлди, булардан бири Дантес эди, ўқ Эдмоннинг чап елкасига тегди, аммо суякка зарар еткизмади.

Дантесни бу тўқнашув мамнун этди ва ўқ текканига хурсанд бўлди, бу аччиқ сабоқдан Эдмон ҳар қандай хавфхатардан қўрқмаслик ва ҳар қандай азоб-уқубатларга бардош бериш қобилиятига эга эканини билиб олди. Хавфни

у жилмайиб кутиб олди, ярадор бўлганида грек файласуфи сингари «Оғриқ, сен ёвузлик эмассан» деди.

Бунинг устига у қаттиқ ярадор бўлган соқчининг ўлим талвасасида ётганини кўрди, тўқнашиш вақтида қизишиб кетганиданми ёки ҳиссиётлари ўтмаслашиб қолганиданми, ишқилиб, бу манзарани кўриб кўнгли бузилмади. Дантес ўзи белгилаб олган йўлига аллақачон тушиб олган ва мақсадига етиш учун тик қадам ташлаб бораётган эди. Энди унинг бағри тошга айланган эди.

Дантеснинг ўқ еб йиқилганини кўрган Джакопо югуриб келиб, уни кўтариб олди, кейинчалик уни парвариш қилиб, олдидан жилмади.

Борди-ю, Джакопо Дантес ўлса фойдадан олган улуши менга қолади деб тама қилмай, Эдмон ўлиб қолди деб шу қадар қайғурган экан, демак, дунё доктор Панглосес ўйлаганидек, шафқатли бўлмаса-да, Дантес ўйлаганидек, бевафо, бемеҳр эмас экан.

Бахтимизга Эдмон фақат енгил ярадор бўлган эди. Сардиния кампирлари фақат ўзларига аён сирли кунлар ва соатларда топиб келадиган шифобахш гиёҳлар ёрдамида яра тез битиб кетди. Шундан кейин Дантес ўртоғи Джакопони синаб кўрмоқчи бўлди. У қилган ғамхўрлиги учун унга фойдадан теккан ўз улушини берди, аммо Джакопо жуда хафа бўлди ва пулни олмади.

Джакопо биринчи соатларданок Эдмонни ҳурмат қилиб, унга содиқ дўст бўлиб қолди, бу ўз навбатида Эдмонда ҳам Джакопога нисбатан дўстлик туйғуларини уйғотди. Джакопога эса бундан бошқа ҳеч нарсанинг кераги йўқ эди. Эдмон бошқалардан устун эканини ҳеч ерда, ҳеч қачон сездирмасликка уринса-да, Джакопо Эдмон ҳозирги тутган ўрнидан юксакроқ ўринда бўлиши, юқорироқ мавқени эгаллаши кераклигини беихтиёр ҳис этарди. Соддадил йигит Дантес у билан ўз тенгидек муомала қилганидан хурсанд эди.

«Ёш Амелия» мовий денгиз бетиде узоқ вақт тинч сузаётган ва йўлдош шамол елканларни шиширгани туфайли рулчидан бошқа ҳеч кимнинг иши бўлмай қолган пайтларда Эдмон, ўз муаллими аббат Фариага ўхшаб, қўлига денгиз картаси тутиб, Джакопога дарс бера бошларди. Унга қир-

фоқларнинг ҳолатини кўрсатиб тушунтирар, компасни ишлатишни, юлдузлар тузилишини ўргатар эди.

Джакопо бир куни ундан:

– Шўрлик матросга буларни ўргатишдан на фойда? – деб сўраган эди. Эдмон жавоб қилди:

– Ким билсин? Эҳтимол, сен бир кун эмас, бир кун кема капитани бўлиб қоларсан. Ахир ҳамшаҳаринг Бонапарт император бўлди-ку!

Айтмоқчи, Джакопо корсикалик эканини айтишни унутган эканмиз. «Ёш Амелия» бетўхтов икки ярим ой сузди. Илгариги моҳир, ботир денгизчи Эдмон, эндиликда эпчил қирғоқ саноатчиси ҳам бўлиб қолди. Дантес қирғоқдаги ҳамма контрабандистлар билан алоқани мустаҳкамлади, барча масон белгиларини ўрганиб олди, бу қароқчилар бири-бирини мана шу белгилар воситаси билан қаерда бўлмасин, таниб олади.

Дантес ўз ороли Монте-Кристо ёнидан йигирма марта ўтиб кетди, лекин бирор марта унга тушиш имконига эга бўлолмади.

Шу сабабли у қуйидаги тадбирни кўрмоқчи бўлди:

«Ёш Амелия»да хизмат муддати тугагач, ўз ҳисобига кичкина қайиқни ижарага олади-да (унинг бунга қурби етади, чунки хизмат вақтида бир юз пиастр пул жамғарди), бирор баҳона топиб Монте-Кристо оролига боради.

У ерда эркин ҳолда хазинани ахтаради.

Албатта у тўла эркин бўлолмайди, чунки у ерга олиб бориб ташлаганлар кўз ташлаб юришлари турган гап. Аммо ҳаётда баъзан киши таваккал қилишга мажбур бўлади.

Турма Эдмонни эҳтиёткорликка ўргатди, шунинг учун бу ишни хавф-хатарсиз бажариш йўлини ахтарди, бироқ бўлмади.

Дантес иккиланиб юрган кунлардан бирида, унга жуда ишониб қолган ва ўз кемасида қолдиришни истаган капитан келиб қўлтиғидан олди-да, уни одатда ливорнонинг машҳур контрабандистлари тўпланадиган Ольо майхонасига олиб борди. Савдо битимлари ҳам ана шу ерда тузиларди. Дантес бу денгиз биржасида икки-уч марта бўлган эди. Икки минг лье узунликдаги қирғоқда тўпланган бу довюраларни кўриб, агар инсон мана шу бирлашган ёки тарқоқ куч-

ларни ўзига итоат эттиролса, нақадар зўр қудратга эга бўлур эди, деб ўйлади.

Бу гал гал йиллик иш устида бораётган эди, кемадаги турк гиламларини, шарқ газмоллари ва жун матоларини хавфсиз жойга тушириш, сўнг француз бозорига ўтказиш керак эди.

Мабодо бу иш муваффақиятли чиқса, катта мукофот – ҳар бир кишига эллик пиастрдан бериларди.

«Ёш Амелия» хўжайини юкни Монте-Кристо оролига туширишни таклиф этди. Бу орол мажозий маънода айтганда, одам оёғи етмаган, солдат ва бож ходимларидан халос, хилват жой бўлиб, уни савдогарлар ва қароқчиларнинг худоси Меркурий маъжусийлар Олимпи даврида гўё атайин денгиз ўртасига ўрнатиб қўйгандек эди.

«Монте-Кристо» сўзини эшитганда Дантес қувонганидан сапчиб тушди, ҳаяжонга тушганини сездирмаслик учун у ўрнидан турди-да, тутун босиб кетган ва дунёдаги барча тиллар франк тилига қориштириб юборилаётган қовоқхонани айланиб чиқди.

У ҳамсуҳбатлари ёнига қайтиб келганда, юкни Монте-Кристо оролига туширишга қарор қилинган эди. Йўлга эртага кечаси чиқадиган бўлишди.

Бу ҳақда Эдмоннинг фикрини сўраганларида у орол ниҳоятда хавфсиз жой эканини ва бу фойдали ишни асло кейинга сурмай амалга ошириш зарурлигини айтди.

Шундай қилиб, режа ўзгармади. Эртаси куни кечқурун йўлга чиқиб, қулай об-ҳаво ва йўлдош шамолдан фойдаланиб, бир кеча-кундузда оролга етиб олишга аҳд қилишди.

## **II. МОНТЕ-КРИСТО ОРОЛИ**

Ниҳоят, Дантеснинг иши ўнгидан келди (баъзида тақдир узоқ вақт жабрлаб келган кишиларнинг омади келиб қолади), энди у осонгина, ҳеч кимни шубҳага солмай ниятига етиши мумкин.

Бир кечадан сўнг Дантес узоқ вақт орзу қилиб келган сафарга отланди, бир кечадан сўнг!

Бу кеча Дантес ўтказган беором кечалардан бири бўлди. Бутун тун бўйи ҳаётидаги барча омади келган ва келмаган

дамлари бирин-кетин кўз олдидан ўтди, кўзини юмган эди, қаршисида кардинал Спаданинг деворига зар билан ёзган хатлари пайдо бўлди, жиндек мизғиши билан атрофида турли хил ажина-арвоҳлар гирдикапалак бўлишарди, у гўё ери зумрад, деворлари ёқут ва олмосдан ясалган ғорга кириб бораётгандек, марварид доналари ер ости сувидек тинимсиз томчилаб тушаётгандек бўларди...

...Қувониб мафтун бўлган Эдмон чўнтагини қимматбаҳо тошлар билан тўлдириб олди, у ташқарига чиққанда ҳалиги қимматбаҳо тошлар оддий қайроққа айланиб қолди. Шундан сўнг ҳали кўз олдидан милт этиб ўтиб кетган мўъжизадор ғорга яна қайтиб кирмоқчи бўлди, аммо йўл қийшайиб-буралиб кетаверди-да, Дантес эшикни тополмай қолди. Араб балиқчиси Али Бобо ғорнинг эшигини очиш олдидан айтган ривоятларини эсга оламан деб роса уринса-да, иш чиқмади. Дантес эндигина ўғирлаб оламан деб турган хазина кўздан ғойиб бўлди.

Ёриша бошлаётган тонг пайтида ҳам Дантес тундаги каби тўлғаниб ётган эди. Ниҳоят мантиқ устунлик қилиб, миясидаги ғира-шира режалар ойдинлашди.

Кеч кирди, йўлга чиқиш пайти ҳам келди. Дантес ҳаяжонда эканини сездирмаслик имкониятига эга бўлди. У аста-секин ўртоқларини ўз амри-итоатига бўйсундириб, уларга худди капитандек буйруқ бера бошлади. Унинг буйруқлари ҳамиша аниқ, равшан, осонлик билан бажариладиган буйруқлар бўлиб, ўртоқлари уларни тезлик билангина эмас, жон-дил билан бажо келтиришарди.

Кекса денгизчи Эдмонга халақит бермади, зеро, Дантеснинг бошқа матрослардан ва ҳатто ўзидан ҳам устунлигини эътироф этарди. У бу ёш матрос сўзсиз менинг вори-сим, издошим деб ҳисоблар ва қизим бўлганда Эдмонга бериб, уни ўзимга қуёв қилиб олардим, деб ўйларди.

Кечқурун соат еттида ҳамма нарса тахт этилди. Еттидан ўн дақиқа ўтганда, кема чироғи поп этиб ёнган маяк олдидан бурилаётган эди.

Денгиз сокин, шарқи-жануб томондан майин шамол эсяпти. Кема Худо ҳам ўз маякларини ёқиб қўйган само гумбази остида сузиб боряпти. Худонинг ҳар бир маяги ҳам ўзига хос бир дунё!

Дантес, ҳамма ухлай берсин, рулда ўзим бўламан, деди. Мальталиқнинг (Дантесга шундай ном берган эдилар) бу сўзларига ҳеч ким эътироз билдирмади ва ҳамма хотиржам бўлиб, ётоққа кириб кетди.

Кўпинча шундай бўларди. Ёлғизликдан тўсатдан жамият ичига қайтиб келган Дантес, баъзан ёлғизликни жуда кўмсаб қоларди. Тим қоронғи тун чодирини остида бепоён денгиз бўйлаб югуриб бораётган ва фақат Тангрининг назари тушиб турган кемадаги ёлғизликдан ҳам бениҳоя гўзал, сирли ёлғизлик бўлармикин?

Аммо ўша кечасидаги ёлғизлик дақиқаларини Дантес ўй-хаёл ва ёрқин орзу-умидлар билан ўтказди.

Капитан уйғонганида «Амелия» барча елканларини шамолда ҳилпиратиб учиб бораётган эди. Кема соатига икки ярим миль йўл босяпти.

Уфқда Монте-Кристо ороли кўринди.

Эдмон вахтани капитанга топширди-да, ўз навбатида бориб каравотга отилди. Туни билан мижджа қоқмаганига қарамай, бир дақиқа ҳам кўз юммади.

Икки соат ўтказиб, у яна кема саҳнига чиқди. «Ёш Амелия» Эльба оролини айланиб ўтиб, Меречана рўпарасида, кўм-кўк Пианоза ороли олдида бораётган эди. Монте-Кристо оролининг ялтироқ чўққиси мовий осмонга кўтарилиб турибди.

Дантес рулдаги матросга Пианоза оролини ўнг томонда қолдириб кетиш учун рулни чапга буришни таклиф этди. У шундай қилинса, йўл икки-уч узелга қисқарар деб ҳисоблаган эди.

Кеч соат бешларда бутун орол кафтдагидек яққол кўришиб турарди. Ботиб бораётган қуёшнинг нури ёритиб турган оқшом ҳавосида атрофдаги ҳамма нарсаларни ипидан-игнасигача кўриб таниб олиш мумкин эди.

Эдмон ранго-ранг товланиб турган улкан қояга тикилиб қолди. Унинг юзларига қон югуриб, лаблари қизариб, кўзлари қамашиб кетди.

Ўзининг бутун бор-йўғини таваккал деб қиморга тиккан қартабоз ҳам шу пайтда Дантесдек ҳаяжонга тушмасди.

Тун қора чодирини ёйди. Соат ўнда қирғоққа тақалишди. «Ёш Амелия» белгиланган жойга биринчи бўлиб келди.

Дантес ўзини тута билишга одатланиб қолганига қарамай, сабр қилолмади ва қирғоққа ҳаммадан олдин ирғиб тушди. Агар иложи бўлса, Брут сингари, таппа ташлаб ерни ўпиб оларди.

Зимистон тун. Бироқ соат ўн бир деганда тепада ой пайдо бўлди-да, титраб турган денгиз юзини кумушдек ялтиратиб юборди. Ой кўтарилиб, борган сари унинг кумуш нурлари бу иккинчи Пелион қояларини сутдек ёритаверди.

Монте-Кристо «Ёш Амелия» экипажига таниш орол эди, бу ерда у кўп тўхтарди. Дантес эса шарққа сафар қилганда, бу оролни узоқдан кўрарди, аммо бирор марта унга тушмаган эди.

У Джакоподан сўради:

– Тунни қаерда ўтказамиз?

– Тартанада-да, – жавоб қилди матрос.

– Ғорларда ўтказсак дуруст бўлмасмикин?

– Қанақанги ғорларда?

– Оролдаги ғорларда-да.

– У ердаги ғорларни мен кўрмаганман, – деди Джакопо.

Дантеснинг аъзойи баданидан қора тер чиқиб кетди.

– Ҳали Монте-Кристода ғор йўқми? – сўради у.

– Йўқ.

Джакопонинг жавоби Дантеснинг бошига тўқмоқ ургандек бўлди; сўнг у, эҳтимол, ғорларни қоялардан ўпирилиб тушган тупроқлар кўмиб қўйгандир, ёки Спаданинг ўзи эҳтиёт қилиб жўрттага ёпдириб қўйгандир, деб ўйлади.

Агар шундай бўлса бекилиб кетган тешикни излаб топмоқ керак. Уни тунда излаб топиб бўлмайди. Шу сабабдан Дантес бу ишни эртага қолдирди. Бунинг устига қирғоқдан ярим миль нарида денгиздан иш бошлансин деб сигнал беришди.

Кечиккан кема, йўл очиқ деб берилган сигналдан сўнг хотиржам бўлиб, ун чиқармай оппоқ кафанга ўралган арвоҳ каби қирғоқ ёнида пайдо бўлди-да, лангар ташлади.

Шу заҳоти юкни тушира бошлашди.

Дантес ҳам ишга тушди, бироқ унинг хаёли бутунлай бошқа фикр билан банд эди: у қувончли дамларни ўйлар ва бу ҳақда ўртоқларига ҳеч нарса демасди, у сир бой бер-

маган бўлса-да, бироқ жуда ортиқча гап сотиб қўйди ва энди, ўз хатти-ҳаракатим, суроқларим, суқланиб тикилишларим, ташвишларим билан кишиларни шубҳага солиб қўйишим мумкин, деб хавотирлана бошлади. Хайриятки, ўтмишдаги оғир машаққатли дамлар унинг чеҳрасига ғам-алам доғларини сепиб ташлаган эди, аҳён-аҳёндаги қувонч момақалдироқ вақтидаги қора булутлар устида ярақлаб отиладиган яшинга ўхшарди.

Хуллас, ҳеч ким Дантеснинг важоҳатида ўзгариш сезмади, эрталаб у тикка-тикка тоғларда сакраб юрган эчкиларни овлайман деб милтиқ, ўқ-дори олиб йўлга чиққанда, якка овга ўч экан бу йигит, деб қўя қолишди. Фақат Джакопо бирга боришга истак билдирди. Дантес бу тагин гумонсирамасин, деб қаршилиқ кўрсатмади. Аммо улар бир неча қадам ташлашга улгурмаган ҳам эди, Дантес битта эчки отиб йиқитди-да, Джакоподан буни дарҳол ўртоқлар олди-га олиб бориб, қовуришни ва овқат тайёр бўлганда, ўқ узиб, сигнал беришни илтимос қилди. Мева қоқилари ва мотепульчан винолари зиёфатга шўхлик, қувонч бағишлар, деди.

Дантес гоҳ-гоҳ орқасига қараб, йўлида давом этди. Қоя устига чиқиб минг фут нарида дўстларини кўрди. Джакопо аллақачон етиб бориб овқат тайёрлаётган эди.

– Икки соатдан сўнг, – деди ўз-ўзича Эдмон, – чўнтагига эллик пиастрдан солиб олган бу баднафс зотлар яна эллик пиастрни қўлга киритиш учун хатарли йўлга тушадилар, сўнгра олти юз ливрдан йиғадилар-да, бирор шаҳарда бепарволик ва ғурур билан совурадилар. Мен эса ҳозир эзгу ниятлар билан яшаб, уларнинг бойлигини арзимас бир нарса, қашшоқлик деб менсимай, жирканяпман. Бироқ эртага ҳамма орзу-умидларим пучга чиққудек бўлса, бу зотларнинг қашшоқлигини буюк бахт деб ҳисоблашим ҳам мумкин. Йўқ, – деди хитоб қилиб Эдмон, – бундай бўлмайди, доно, беайб Фариа хато қилиши мумкин эмас! Асло! Бу махлуқлар каби ғариб, жаҳолатда ҳаёт кечиргандан кўра, бу дунё билан хайрлашган минг карра яхши!

Хуллас, бундан уч ой муқаддам фақат озодликка чиқишни орзу қилган Дантес, энди бу билан қаноатланмай бойликни қўмсаб қолди. Дантес асло одам оёғи тегмаган жар,



ўрлар бўйлаб бориб, тасаввуридаги ғорлар бўлган жойга яқинлашди. У қирғоқ бўйлаб қадам ташлар экан, ҳамма майда-чуйда нарсаларни назардан қочирмасди. Шу он баъзи тепаликларда одам қўли билан қилинган кертик белгиларга кўзи тушди.

Ботинан ва зоҳиран барча нарсаларни унутиб, йўқ қилиб юборадиган вақт, қаёққадир йўл кўрсатиб турган бу белгиларга раҳм қилибди. Баъзида бу белгилар чангалзорлар, турли гиёҳлар орасида йўқ бўлиб кетган эди. Дантес новдалар ва гиёҳларни кўтариб унинг умидларига қанот бағишлаётган белгиларни топиб оларди. Ким билсин, эҳтимол оиласининг бундай бахтсизлик гирдобига дучор бўлишини кутмаган кардинал Спаданинг ўзи, жиянига йўл кўрсатиш учун чизиб кетгандир бу белгиларни? Одамлардан йироқ бу пастқам жой бойликни яшириш учун жуда боп эди. Бироқ бу белгиларга бегоналарнинг кўзи тушмаганмикин? Мудҳиш мўъжизаларга тўла бу орол ўзининг ажойиб сирини муқаддас сақлай олдимикин?

Ўртоқлари кўзидан анча йироқда, қоялар орқасида юрган Дантес кертик белгилар охирига етганини билди, бироқ ғордан ҳамон дарак йўқ эди. У йирик, юмалоқ қояга дуч келди. У ҳалиги йўлчи белгиларнинг охирига эмас, бошига келиб қолдим, шекилли, деб келган йўлдан орқасига қайтди.

Айни вақтда, унинг дўстлари овқат пишириш билан овора эди: булоқдан сув келтиришди, нон ва меваларни қирғоққа олиб чиқишди ва эчки гўштини қовура бошлашди. Ўртоқлари ўзлари ясаган сихдан гўштлирни олаётганда, қоядан-қояга эпчиллик билан ирғиб юрган Эдмонни кўриб қолишди, ўқ узиб сигнал беришди. У дарҳол орқага бурилиб дўстлари ёнига югурди. Матрослар дадил сакраётган Дантесдан кўз узмай, эҳтиётсизлик қиляпти, деб койинишди, шу пайт Дантес қоя чўққисида қоқилиб, гандиракладиди, қичқириб кўздан ғойиб бўлди.

Ҳамма бирдан ирғиб турди, чунки ўзларидан устунлигига қарамай, Эдмонни ҳамма яхши кўрарди. Унинг олдига биринчи бўлиб Джакопо югуриб келди.

Эдмон ҳушсиз, қонга беланиб ётарди. Афтидан, у ўн икки, ўн беш фут баландликдан йиқилган бўлса керак. Оғ-

зига ром томизишди, ўтган сафар ҳам ёрдам берган бу шифобахш дори бу гал ҳам яхши таъсир этди.

Эдмон кўзини очди, тиззам, белим қаттиқ оғрияпти, бошим айланяпти, деди. Уни қирғоққа олиб бормоқчи бўлишди. Джакопо буйруғи билан уни кўтара бошлаган эдилар, Дантес инграб, қичқириб юборди ва кўтарсангиз оғриққа чидолмайман, деди.

Равшанки, эчки гўштини баҳам кўришга Дантеснинг ҳоли йўқ эди, аммо бошқалардан қирғоққа қайтишни талаб этди. «Мен дам олишим керак, сизлар қайтгунча анча ўзимга келиб қоламан», деб ишонтирди.

Матрослар узоқ ялинтириб ўтиришмади, чунки ҳамма оч эди, ўтда пишаётган гўштнинг ҳиди димоққа уриб турарди, одатда булар каби денгиз қашқирлари ўзаро «ол-ол» деб ўтирадиганлар хилидан эмас.

Улар бир соатдан сўнг қайтиб келишди. Шу орада Дантес бир неча қадам эмаклаб бориб, ўт босиб кетган қояга суяниб олди.

Оғриқ пасаймади, аксинча кучайди. Пьемонт билан Франция чегарасида, Ницца билан Фрежюс ўртасида юкларни тушириши шарт бўлган кекса капитан шу кун эрта-лаб жўнаб кетиши керак эди. Шунинг учун у Дантесдан оёққа туриб олишни талаб этди. Дантес, ниҳоятда оғир бўлса-да, капитаннинг талабини бажо келтириб, бир неча бор ўрнидан туришга уриниб кўрди, бироқ ҳар гал рангидан қони қочиб йиқилиб тушаверди.

– Қовурғаси синган, – деди оҳиста капитан, – шундай бўлса-да, бу азамат йигитни ташлаб кетиб бўлмайди. Уни тартанага олиб боришга уриниб кўрамиз. Аммо Дантес, салгина қимирласам аъзойи баданим қақшаб, шундай азоб беряптики, асло чидаб бўлмайди бу оғриққа, бундан кўра, шу ерда қимирламай ўлганим яхши, деди.

– Бўпти, – деди капитан, – бошга тушганни кўз кўради. Сиздек азамат йигитга ёрдам бермай ташлаб кетишибди, деб маломат қилмасалар бас. Кечқурунгача жўнамай турамиз.

Бу таклиф матросларни жуда таажжубга солган бўлса-да, бирортаси қарши сўз айтмади. Капитан қаттиққўл, чўрткесар одам, унинг бу феълени ҳамма биларди, у бирор

марта ҳам айтганидан қайтмаган ва уни бажаришни кейинга сурмаган. Шунинг учун Дантес кемада йиллаб бажо этиб келинаётган тартиб-қондани бузишга йўл қўймасликни капитандан ўзи илтимос қилди.

– Йўқ, – деди у капитанга, – бундай ҳолга тушишимга айбдор ўзим, азобини ҳам ўзим тортишим керак: менга бир оз қотган нон бериб, милтиқ, ўқ-дори ташлаб кетсангиз бас, эчки отиб тирикчилик қиламан, мабодо сиз кечикиб қолгудек бўлсангиз, ўзимга жўнгина кулба қуриб олишим керак, бунинг учун чўкич ташлаб кетсангиз бўлди.

– Ахир, очдан ўласан-ку, бу ҳолда, – деди капитан.

– Чидаб бўлмайдиган оғриқ азобини чеккандан кўра, – деди Эдмон, – ўлиб қутулганим яхши.

Капитан денгизга чиқишга тахт бўлиб, сув тўлқинлари устида чайқалиб турган «Ёш Амелия»га қараб қўйди-да, деди:

– Эҳ, азамат, сени нима қилсак экан-а? Бир томондан сени ташлаб кетолмаймиз, иккинчи томондан бу ерда тўхтаб туравериш ҳам мумкин эмас бизга.

– Жўнаб кетаверинг! – деди Дантес.

– Биз камида бир ҳафта ғойиб бўлиб кетамиз, – деди капитан, – бунинг устига сени олиб кетиш учун тўғри йўлдан бурилиб бу гаванга киришга мажбур бўламиз.

– Бўлмаса бундай қила қолинг, – деди, Дантес, – мабодо шу икки-уч кун ичида шу томонга келаётган балиқчиларнинг ёки бошқа бирон бир қайиқни учратгудек бўлсангиз, айтинг, мени олиб кетишсин. Ливорнога олиб бориб қўйишса, йигирма беш пиастр тўлайман. Агар ҳеч кимни учратмасангиз, ўзингиз қайтиб келарсиз.

Капитан бош чайқади.

– Капитан Бальди, менга қаранг, – деди Джакопо, – бунинг битта йўли бор: сиз кетаверинг, хаста ёнида мен қоламан, вассалом.

– Мени деб тақсимотдан тегадиган улушингдан ҳам кечасанми? – сўради Эдмон.

– Ҳа, кечаман, – жавоб қилди Джакопо, – ҳечам ачинмай, аттанг демай кечаман.

– Олижаноб йигит экансан, Джакопо, – деди Дантес, – Худонинг ўзи ёрлақасин сени бу мурувватинг учун, минг раҳмат сенга, аммо мен ҳеч кимнинг ёрдамига муҳтож эмас-

ман. Бир-икки кун дам олсам, соғайиб ўзимга келаман, ахир мана шу қоялар орасида ярага малҳам бўладиган бирорта гиёҳ топилиб қолар.

Дантеснинг лабларида сирли жилмайиш пайдо бўлди. У Джакопонинг кўлини маҳкам сиқиб хайрлашди. Эдмон оролда фақат якка ўзи қолишга қатъий қарор қилган эди.

Контрабандистлар Эдмон сўраган нарсаларнинг ҳаммасини қолдириб, орқага қайтишди, улар йўл-йўлакай оролга қараб у билан дўстона хайрлашишар, Эдмон эса қимирлашга мадори йўқдек, фақат бир кўлини кўтариб жавоб қиларди.

Улар кўздан ғойиб бўлгач, Дантес кулиб юборди.

– Тавба, – деди шивирлаб у, – шунақанги кишилар ўртасидан содиқ дўст топади киши кўпинча!..

Сўнгра у денгизни тўсиб турган қояга эмаклаб чиқди, тепадан тартананинг сафар тайёрлигини тугатиб лангарни кўтаргани ва балиқчи қуш каби енгил чайқалиб ўрнидан кўзғалганини кўрди.

Бир соат ўтгач, кема кўздан ғойиб бўлди, ҳар қалай ярадор ётган ердан у кўринмасди.

Шундан сўнг Дантес бу бўм-бўш қоялар устида доимо ям-яшил ўсимликлар, дарахтлар орасида сакраб юрадиган тоғ эчкисидан эпчилроқ дик этиб турди-да, бир кўлига милтиқни, иккинчи кўлига чўкични олиб ҳали белгилар тугаган тепа томон югурди.

– Қани, – деди қичқириб Дантес, Фариа айтиб берган араб эртагини эсга олиб, – қани, Сезам, очил!

### **III. СЕҲРЛИ ЖИЛВА**

Кун оғди, май ойи қуёшнинг ҳаётбахш нурлари қоялар устида ярқираб, уларга ҳарорат бағишляпти, арча гуллар тагида яшириниб ётган минглаб чигирткалар тинмай чирллаб, осмонни бошига кўтаряпти. Дарахтларнинг япроқлари титраб шитирляпти. Эдмон босган ҳар қадамида зумрад каби ям-яшил калтакесакларнинг ўтакасини ёряпти. Узоқ тоғлар чўққиларида овчиларни мафтун этадиган шўх ўйноқи эчкилар қулоқларини дингиллатиб сакраб юрибди,

хуллас, орол одам яшайдиган ерга ўхшарди, бироқ шунга қарамай Эдмон ўзини бу ерда якка-ю ягона деб ҳис этарди.

Уни ваҳимага ўхшаш қандайдир бир ҳис-туйғу забт этиб олди, шу пайтда бунга сабаб, куннинг ниҳоятда ёрқинлиги эди. Бундай ҳолларда чўлда кимдир таъқиб қилаётгандек туюлади кишига.

Бу туйғу шу қадар кучли эдики, Эдмон ишни тўхтатишга мажбур бўлди-да, чўкични қўйиб, милтиқни қўлига олди ва яна энг баланд довонга тармашиб чиқиб, атрофни диққат билан кўздан кечирди.

Аммо шуни эътироф этиш керакки, бу қарашда уни гўзал Корсика ҳам, нотаниш Сардиния ҳам, улғу воқеаларни эслатувчи Эльба ҳам, ажойиб Генуя ҳам, савдо макони Ливорно ҳам қизиқтирмасди, унинг жавдираган кўзлари саҳармардонда йўлга чиққан биргантина (кичкина елканли кема) ва ҳозиргина жойидан қўзғалган тартанани ахтарди.

Улардан биринчиси Бонифац бўғозига кириб гумдон бўлган эди, иккинчиси эса орқа томонга бурилиб, Корсика оролини айланиб ўтиб кетиш учун, унинг қирғоқлари ёнидан сузиб борарди.

Эдмон буни кўриб кўнгли тинчиди.

Кейин у яқиндаги нарсаларга кўз ташлади, чўққили оролни энг баланд нуқтасига чиқиб, улкан шоҳсупага ўрнатилган нозик ҳайкал сингари тик туриб олган эди. Пастда ҳеч ким кўринмас, атрофда бирорта қайиқ сояси ҳам йўқ. Қоялар пойига гумбурлаб урилиб, кумуш каби кўпикларини қирғоқдаги харсанг тошларга уриб кетаётган шиша ранг бепоён денгиздан бошқа ҳеч нима кўринмасди.

Шундан сўнг у шошилиб, аммо эҳтиёт билан пастга туша бошлади, эрталаб Дантес оролда қолишга баҳона топиш учун жўрттага йиқилиб ўзини-ўзи ярадор этган эди, ҳозир эса чинакамига йиқилиб хароб бўлмаин тагин деб хавфсизарди.

Ҳали айтганимиздек, Дантес кертик белгилар изидан орқасига қайтди. Белгилар қадимий сув парилари чўмиладиган ҳовузча сингари пастқам бир кўрфазга олиб бораётганини кўрди. Кўрфазга кирадиган жой жуда кенг ва чуқур бўлиб, кемалар бемалол кириб, бекиниб олса бўларди. Де-

мак, аббат Фарининг доно сўзларини давом эттирганда шу келиб чиқадикки, кардинал Спада ёт кўзлардан четда бўлиши учун мана шу кўрфазга кириб, кичкина кемасини яширгану, белгилар кўрсатиб турган йўлдан бориб, энг охирига хазинасини кўмиб кетган, деган фикрга келди Дантес. Мана шу тахмин билан Эдмон яна юмалок тош олдига келди.

Фақат бир мулоҳаза уни ташвишга солар ва динамика ҳақидаги тасаввурларини чиппакка чиқариб юборарди: ахир беш ёки олти минг фут оғирликдаги бу харсанг тошни қандай қилиб ўрнатган эканлар бу ерга?

Тўсатдан унда бошқа фикр тўпалди.

– Эҳтимол, бу тошни кўтариб келмагандирлар, – деди Дантес ўзига-ўзи, – юқоридан пастга юмалатиб олиб келишгандир.

Шундай деди-ю, ирғиб тошдан юқорироқ кўтарилиб, тошнинг дастлабки жойини ахтарди. Чиндан ҳам, тоғдан пастга чўзилиб кетган қияликни кўрди, тошни ўша ердан думалатиб юборишган. Қоя бўлақларидан бири эса унинг йўлини тўсган, атрофда майда тошлар сочилиб ётар, унинг устига тупроқ сепилган бўлиб, бутун майдон кўкаламзорга айланиб кетган эди. Кўм-кўк ўтлар, чангаллар билан қопланган харсанг тошни қоялардан ажратиш бўлмасди.

Дантес ерни аста кавлади-да, Спада ғоятда усталик билан яширган, йилдан-йилга маҳкамланиб келган ўрта деворни чўкич билан бузишга киришди.

Ўн дақиқа ўтмас, девор ёрилиб, унда қўл сиғадиган тешик пайдо бўлди.

Дантес қўлига илинган зайтун дарахтини йиқитиб, битта шохини кесди-да, уни тешикка суқди, сўнг шуни ричаг сифатида ишлатиб ҳаракат қилаверди.

Аммо харсанг тош ниҳоятда оғир ва тагидаги тошларга жуда маҳам ёпишиб кетган эди, уни афсонавий кучга эга баҳодир ҳам ўрнидан кўзгата олмасди.

Дантес ўйлаб-ўйлаб шундай фикрга келди: даставвал қоя тошини олиб ташлаш керак. Бироқ қандай қилиб? Эдмон саросимага тушиб, атрофга аланглади ва ўқдори тўла кўчқор шохини кўриб қолди. Уни Джакопо қолдириб кетган эди.

Дантеснинг чехраси очилиб кетди: Худонинг ўзи яратиб қўйган бу шох унинг мушкулини осон этади.

Дантес чўкични олди-да, узоқ ва оғир меҳнатдан қочиш йўлини ахтарган ер қазувчилар сингари устки тош билан пастки тош ўртасида мина қўядиган тешик қазиди ва уни ўқ-дорига тўлғазди, рўмолчасини йиртиб, селитра ёрдамида ундан пилик ясади.

Сўнг пиликни ёндирди-да, ўзини четга олди.

Кўп ўтмай дори портлади, унинг беқиёс кучи билан устки тош бир дамда кўтарилди, пасткиси майда-майда бўлиб турт томонга сочилиб кетди. Дантес очган кичкина тешикдан гув этиб турли қурт-қумурсқалар чиқиб тум-тарақай қочди, кулча бўлиб ётган бу сирли йўлканинг соқчиси – катта илон чўзилди-да, гумдон бўлди.

Дантес яқинлашиб келди, тиргаксиз қолган устки тош жар тепасида осилиб қолган эди. Қўрқмас қидирувчи тошнинг атрофини айланиб чиқди, энг омонат жойини танлаб жон-жаҳди билан ричагни босди.

Портлаш натижасида анча лиқиллаб қолган тош тебранди. Дантес яна зўр бериб босди, у тоғни талқон қиладиган паҳлавонга ўхшарди шу пайтда, охири тош ўрнидан қўзғалиб пастга юмалаб кетди ва денгиз тагига тушиб, кўздан йўқолди.

Тошнинг таги юмалоқ майдонча бўлиб, унинг ўртасида чор қирра тош плитага темир ҳалқа ўрнатиб қўйилган экан.

Дантес дастлабки ҳаракати муваффақиятли чиққанидан ҳам қувониб, ҳам таажжубланиб қичқириб юборди.

У ахтаришни давом эттирмоқчи бўлди-ю, бироқ ҳолдан тойиб, оёқлари титраб, юраги қаттиқ уриб, кўзлари тина бошлади. У ишни тўхтатишга мажбур бўлди.

Аммо дам олиш узоққа чўзилмади. Эдмон ричагни ҳалқадан ўтказди-да, зўр бериб кўтарди, тош тахта кўтарилди. Унинг тагида тим қоронғи ғорга олиб тушадиган зина нуха йўл бор эди.

Эдмоннинг ўрнида бошқа биров бўлганда, шу заҳоти қувончидан қичқириб ғорга ўзини отарди. Дантес бўзариб кетди ва тўхтаб, ўйлаб қолди. Сўнг ўзига-ўзи деди:

– Тўхта! Мард бўлиш керак, мард! Мен бошимдан не-не бахтсизликларни кечириб келдим, ҳаммасига чидадим, энди

ҳеч қандай умидсизлик мени буколмайди, ҳа, буколмайди, асло! Қанчадан-қанча азоб-уқубатлар наҳотки менга сабоқ бўлмаса? Юрак шундай бир нарсаки, у орзу-умидларнинг илк шабадаси эсиши билан дарҳол ортиқ шишиб, кенгайиб кетади, воқеликнинг совуқ шамоли эсгудек бўлса, бирдан сиқилиб кичрайиб қолади. Фариа уйдирма тўқигандир балки: кардинал Спада, ғорга ҳеч нарса кўмган эмасдир, ҳатто қадам ҳам босмаган бўлиши мумкин, бу ерга мабодо келган бўлса, ҳеч балодан қўрқмайдиган авантюрист, абжир ва қўрқинчли қароқчи Цезарь Борджиа ундан кейин келиб, унинг изини топгандир, мен қўрган белгиларга қараб ғорга киргандир, шу тошни кўтариб мендан олдин пастга тушгандир ва менга ҳеч нарса қолдирмай хазинани шипшийда қилиб кетгандир, деб ўйлади.

Дантес чуқур, зимистон тешикка тикилганича бир неча дақиқа тик туриб қолди.

– Дарвоқе, қароқчилар шоҳи Борджианинг қабиҳ қилмишларга тўла ола-чипор ҳаётида бу каби саргузаштларнинг бўлиши ҳеч гап эмас. Бу ажойиб саргузашт унинг жасоратли хатти-ҳаракатларининг зарур бир қисми эди. Чиндан ҳам Борджиа қачондир, бир қўлида машъала бир қўлида шамшир тутиб бу ерга келгандир, бундан йигирма қадам нарида, эҳтимол, худди мана шу қоя олдида икки бадбуруш, даҳшатли соқчи шоён диққат билан ерни ҳам, осмонни ҳам, денгизни ҳам назорат остига олиб тургандир, уларнинг хўжайини эса, худди менга ўхшаб, ғорга киргандир.

«Хўш, унинг сиридан хабардор соқчиларни нима қилди экан Борджиа?» – сўради ўзидан Дантес.

«Аларих гўрковларини қандай қилиб мурда билан бирга дафн этган бўлсалар, Борджиа ҳам соқчиларни шундай қилгандир», – жавоб қилди ўзига-ўзи Дантес кулиб.

«Бироқ Борджиа бу ерга келган бўлса, – давом этди Дантес, – хазинани топиб олиб кетган бўлур эди. Лекин Италияни артишокка ўхшатиб, баргларини битта-битталаб юлиб, яланғочлаб келган Борджиа вақтнинг қадр-қимматини биладиган бир зот бўлиб, бу тошни яна қайта ўрнига қўйиш учун беҳуда овора бўлиб ўтирмасди.

Бас, етар, энди ғорга тушайлик».



Дантес инсон заковатининг сўнги сўзи «яна ким билсин»ни оҳистагина тилга олиб зинага қадам қўйди.

Дантес ғор қоп-қоронғи зимистон, ҳавоси бузуқ бўлса керак, деб ўйлаган эди даставвал, бироқ ҳозир тушганда ғор ғира-шира ёруғ эди. Ғорга ҳаво ва ёруғ тешиқдангина эмас, қояларнинг кўзга кўринмас тирқишларидан кирарди, ҳатто тешиқ ва тирқишларидан кўм-кўк осмон, қайин дарахтларининг зангори япроқлари, тоғолчанинг тиканли шохлари кўриниб турарди.

Ҳавоси нам ва қўланса эмас, аксинча, ташқаридагидек майин эди. Ғира-шира ёруғ ғорда қоронғида кўришга ўрганган Дантес бирпасда ғорнинг ҳамма бурчакларини кўздан кечириб чиқди. Ғорнинг деворлари харсанг тошлардан ясалган бўлиб, уларнинг майда-чуйда безаклари олмос сингари ялтираб турарди. «— Ҳайҳот! — деди Дантес илжайиб. — Кардинал қолдирган хазина шу экан-да, олижаноб аббат эса ялтироқ деворларни тушида кўриб, улкан орзу-умидларга тўлиб юрган экан-да». Аммо Дантес васиятноманинг ёдида қолган қуйидаги сўзларини эслади: «Иккинчи тешиқнинг энг тўридаги бурчакда...»

Дантес эса ҳозир фақат биринчи ғорга кирди, иккинчисига кирадиган йўлни топиш керак.

У атрофга қаради. Иккинчи ғор фақат оролнинг тўрида бўлиши керак. Эдмон тош тахталарни кўздан кечириб чиқди ва ғорнинг тешиги шу ерда бўлса керак, деб ўйлаган деворини тақиллата бошлади. Бу тешиқни жуда эҳтиёткорлик билан бекитган бўлсалар керак.

Эдмон бир неча дақиқа тош деворни чўкич билан урди, тош девор ниҳоятда қаттиқ эди, Дантесни тер босди. Ахир бориб тош деворнинг бир жойидан бўғиқ паст овоз чиқди. У кўзларини жавдиратиб деворга тикилди ва маҳбусликда чархланган зеҳни билан тешиқ мана шу ерда эканини англади.

Бироқ вақтни қадрлашда Цезарь Борджиадан бир энлик ҳам қолишмайдиган Дантес ғорнинг бошқа деворларини ҳам чўкич, ерни милтиқ қўндоғи билан уриб синаб кўрди, шубҳали жойларнинг қумини ағдарди, ҳеч нима топилмагач, ҳалиги девор ёнига қайтди.

У яна қаттиқроқ урди.

Шу пайт чўкич зарбидан девордан бўлак-бўлак шувоқлар ажралиб туша бошлади ва оддий қурилишда ишлатиладиган оппоқ тош кўринди, қоядаги ҳалиги тешик мана шу тошлар билан бекилган бўлиб, устидан шуваб ташланган эди.

Сўнг Дантес чўкичнинг ингичка ўткир учи билан урган эди, у деворга бир дюйм кириб кетди. Излашни шу ердан бошлаш керак экан аслида.

Фарианинг ҳақ эканига қанча кўп далил топган сари Дантесни шубҳа қийноққа солар, умидсизлик туйғуси оша борарди. Бу инсон табиатининг таажжубланарли хусусияти. Ҳозирги кашфиёти унга далда бериб, жасорат бағишлаши керак эди, бироқ аксинча, тинкасини қуритди. Чўкич деворга суркалиб, кўлидан тушиб кетган эди, Эдмон чўкични ерга қўйиб, пешанасини артди-да, ўз-ўзига, бирор бегона киши пойлаб турмаяптимики, қарай-чи, деб ғордан ташқари чиқди, аслида мақсади тоза ҳаводан нафас олиш эди. У ҳушидан кетишига сал қолган эди.

Оролда одам боласидан асар йўқ эди, қуёш осмони-фалақдан ўзининг жазирама нурларини тўкяпти. Узоқда кўм-кўк денгиз устида балиқчиларнинг қайиқлари қанот ёзяпти.

Эрталабдан буён Дантес ҳеч нима егани йўқ, чунки овқатланишга вақти бўлмади, у бир қултум ром ичди-да, қайтиб ғорга тушди.

Сал илгари зилдек кўринган чўкич энди яна енгил туюлди. Дантес уни даст кўтариб ғайрат билан ишга киришиб кетди.

Чўкични бир неча бор урганидан кейин маълум бўлдики, тошлар бир-бирига ҳеч нарса билан ёпиштирилмаган экан, шунчаки уст-устига териб, шуваб қўйилган экан. Эдмон каваклардан бирига чўкичнинг учини тикди-да, дастасини гавдаси билан босди, тош оёғи остига кўчиб тушди.

Ана шундан сўнг Дантеснинг иши осонлашди. У чўкичнинг учи билан тошларни ағдариб ташлай берди.

Дантес ўзи ўйган тешикка аллақачон кирса бўларди, бироқ у ишончи ва орзу-умидларининг тўсатдан пучга чиқиб қолишидан қўрқиб, бу ишни кейинга суриб келаётган эди.

Ахири бориб, Дантес беқарорликни, шубҳани улоқтириб ташлади-да, биринчи ғордан иккинчисига қадам қўйди. Иккинчи ғор биринчисидан паст, қоронғи ва мудҳиш эди. Ҳозиргина ўйилган тешиқдан кирган ҳаво қўланса ва рутубатли эди, биринчисида бундай эмас эди-ку, деб таажжубланди Дантес. Эдмон ташқаридан ҳаво кириб, ғорни бир оз шамоллатгунча тўхтаб турди-да, сўнг ичкари кирди. Кираверишдан ўнг томонда узоққа чўзилган қоп-қоронғи бурчак бор эди. Бироқ биз Дантес қоронғига кўникиб қолганини айтган эдик.

У ғорни кўздан кечириб чиқди. Буниси ҳам биринчиси сингари бўм-бўш эди.

Хазина, у ҳақиқатан бор бўлса, мана шу бурчакка кўмилган бўлиши керак.

Мана, уқубатли дақиқалар келди энди. Икки фут ер қазиб олинса бас – Дантес ё мисли йўқ бахтга эга бўлади ёки умидлари пучга чиқиб, бутунлайин бахти қароликка дучор этилади.

У бурчакка борди-да, бирдан ғайратга миниб ерни кавлай бошлади. Бешинчи ёки олтинчи марта урилганда чўкич қандайдир темирга тегди.

Дафн қўнғироқларининг овози ҳам, ташвишли бонглар ҳам ҳеч вақт Дантесга ҳозирги темир товушидек кучли таъсир этмаган эди.

Дантес, мабодо ҳеч нарса топмаганида ҳам бунчалик ваҳимага тушиб, ранги ўчиб кетмаган бўлур эди.

У чўкични яна бошқа ерга уриб кўрди, у ердан ҳам темир овози эшитилди, аммо бу галги овоз бошқача эди.

– Бу темир қопланган ёғоч сандиқнинг овози, – деди ўз ўзига у.

Шу пайт тешиқдан кимнингдир сояси кўринди.

Дантес дарҳол чўкични қўйиб, милтиқни қўлига олди-да, югуриб ғордан ташқарига чиқди.

Ғор ёнидан бир ёввойи эчки югуриб ўтди-да, бир неча қадам нарида тўхтаб, ўт чимдий бошлади.

Тушки овқат ҳам таъмин бўлди, деб ўйлади шу он Дантес, бироқ милтиқ овозини биров эшитиб қолади, деб кўрқди.

У бир оз ўйлаб турди-да, бир дарахтни кесиб олиб, контрабандистлардан қолган чўғда ёндириб олиб, ғорга қайтди.

Эдмон кўздан кечириши керак бўлган майда-чуйда нарсаларнинг биронтасини ҳам қўймай қараб чиқмоқчи бўлди. Ўзи кавлаган чуқурга машъалани тутиб қаради, ўйлагани тўғри чиқди: чўкич ростданам гоҳ темирга, гоҳ ёғочга тегаётган экан.

Дантес машъалани ерга суқиб қўйди-да, яна ишга киришиб кетди.

Бир неча дақиқа ичида ерни узунасига уч фут ва энига икки фут қазиб очди, унинг кўз олдида қайиндан ясалган ва зарбли тунука қопланган сандиқ пайдо бўлди. Сандиқнинг қопқоғи устида Спадапар қавмининг қумушдан ясалган тамғаси – итальянча қалқон устида тикка қўйилган қиличнинг сурати ўймакорнинг моҳир қўллари билан ясаб қўйилган эди.

Дантес бу тамғани дарров таниди, чунки аббат Фариа бир неча марта бу тамғанинг суратини чизиб берган эди.

Энди ҳеч қандай шубҳага ўрин қолмади. Хазина мана шу сандиқда, бўлмаса бўш сандиқни ким ҳам бунчалик маҳкам яширарди.

Дантес бир зумда сандиқнинг атрофини тупроқдан тозалади. Дастлаб юқори ҳалқа, кейин икки осма қулф, сўнгра иккала ёнидаги дасталари кўринди. Металлни гулга айлантириб юбориш санъати авж олган даврнинг ажойиб ҳунармандлари буларнинг ҳаммасини зўр моҳирлик билан йўниб ясашган эди.

Дантес сандиқни дасталаридан ушлаб сал кўтармоқчи бўлди, бироқ жойидан кўзғатолмади. Сўнг у сандиқни очман деб уриниб кўрди, аммо у жуда маҳкам қулфлаб қўйилган эди, бу содиқ соқчилар ўзларига топшириб қўйилган бойликни гўё ҳеч кимга беришни истамасдилар.

Дантес чўкичнинг ўткир учини сандиқнинг қопқоғи тагига суқди-да, дастасини кўкси билан босди, қопқоқ ғийқиллаб ёрилди, темир тасмалар бўшашиб ажралиб кетди, шуңдан сўнг сандиқ очилди.

Дантеснинг аъзойи бадани титраб кетди. У милтиқни олиб, тепкисини кўтарди-да, ёнига қўйди. Дастлаб у осмонда кўпроқ юлдуз кўриш ниятида кўзларини юмадиган болага ўхшаб, кўзини юмди, сўнг очди ва кўзлари қамашиб нафаси ичига тушиб кетди.

Сандиқнинг ичи уч бўлакка бўлинган эди.

Биринчи бўлимда қизғиш олтин червонлар ялтираб турибди.

Иккинчисида ҳали ишланмаган, бироқ қиймати олтинга тенг ёмбилар қатор териб қўйилган.

Учинчиси эса олмослар, марваридлар, ёқутларга лиқ тўла эди. Эдмон ҳовучини тўлдириб-тўлдириб совура бошлади, қимматбаҳо тошлар бир-бирининг устига шаршара каби ялтираб тўкилар, ойнага урилган дўл каби тиқирлаб овоз чиқарарди.

Бу ажойиб манзарага кўзи тўйган ва титроқ босган қўллари олтин ва дур-гавҳарларга суқа-суқа кўнгли тўқ бўлган Эдмон ўрнидан ирғиб турди-да, ақлдан озаётган кишига ўхшаб, ғордан ташқарига отилди. Денгиз кафтдай кўриниб турадиган қоя чўққисига чопқиллаб чиқди. Атрофда бирор инсон қораси кўринмасди. Бу беҳисоб беқиёс бойлик ёнида унинг бир ўзи эди. Бу бойлик уники бўлиб қолди энди. Бироқ, бу тушими ёки ўнгими? Тушига кирдимикин ёки ҳақиқатан мавжудмикин бу хазина?

Дантес олтинларни яна кўргиси келар, бироқ ўша манзарага бардош бериб қараб тура олармикинман деб кўрқарди. У эс-ҳушини йиғишга уринаётгандек, икки қўли билан бошини маҳкам ушлаб олди-да, боши оққан томонга югурди. Сўнг гир айланиб, орқасига қайтди. Ҳамон ишончи комил бўлмай биринчи ғорга отилиб кирди, ундан иккинчисига ўтди, кўз олдида яна ўша олтин ва олмос кони пайдо бўлди.

Бу гал у тиз чўкиб қалтироқ қўллари титраб турган юрагига босди-да, фақат Худога аён дуолар ўқиб ибодат қилди.

Бир оз вақт ўтгач, Эдмон ўзини анча босиб олди ва елкасига бахт қуши чиндан ҳам кўнганига ишониб, боши кўкка етди. Шундан сўнг бойлигини ҳисоблай бошлади. Сандиқда ҳар бири икки фунт ва уч фунтдан мингта олтин ёмби, йигирма беш минг олтин червон (буларнинг ҳар бири саксон франкка тенг эди) бор экан. Бу олтин пулларга папа Александр VI ва ундан олдинги папаларнинг суратлари солинган эди, Дантес олтин пулларнинг фақат ярмини санаб чиқди. Пировардида икки қўли билан олмос, марварид ва

бошқа қимматбаҳо тошларни ўлчаб чиқди, бу тошларни замонасининг энг моҳир ҳунармандлари ажойиб жимжимадор нақшлар билан безашган ва эндиликда булар бадиий жиҳатдан бебаҳо буюмга айланиб қолган эди.

Қош қорайиб бормоқда. Дантес қоронғилик босаётганини англади. Тунда ғорда қолиб кетмайин тағин, деди-да, милтиғини олиб ташқарига чиқди. Бир неча қотган нон ва уч-тўрт қултум вино билан кечки овқатни тановвул қилиб олди. Сўнг у тош тахтани эски ўрнига қўйди-да, унинг устига чўзилди ва гавдаси билан ғорнинг оғзини яшириб бир неча соат ухлаб олди.

Бутун вужудини завқ-ҳавас қамраб олган бу йигит учун бу кеча ҳам нашъали, ҳам даҳшатли бўлиб ўтди.

#### IV. НОТАНИШ ОДАМ

Тонг отди. Дантес анчадан буён кўз юмай ётган эди. Қуёш кўтарилиши билан ўридан турди-да, кечагидек атрофини кўздан кечириш учун оролнинг энг баланд чўққисига чиқди. Ҳеч кимнинг қораси кўринмасди. Эдмон пастга – ғор олдига борди, тош тахтани четга суриб қўйиб, ичкари кирди, чўнтақларини қимматбаҳо тошларга тўлдирди, сандиқнинг эшигини маҳкам бекитди, ерни текислаб, кавлангани билинмасин, деб қум сепди, ғор оғзини тош тахта билан бекитиб, устига тошларни уйиб қўйди-да уларнинг орасига тупроқ сепди, кўм-кўк дарахтлар ўтқазиб, улар кўкариб кўпдан бери ўсиб ётган дарахтга ўхшасин, деб сув ҳам сепиб қўйди: оёғи изларини текислаб ташлади. Сўнг ўртоқларининг келишини тоқатсизланиб кутди.

Эндиликда олтин ва олмосларга тикилиб ўтиришга мутлақо ҳожат қолмади. Энди ҳаётга, одамлар орасига қайтиб бориб, мавқе, обрў ва ҳукмронликни эгаллаши керак, ҳа, эгаллаб олиши даркор! Маълумки, буларни ҳозирги замонда, инсон қўлида энг зўр, энг улуғ куч ҳисобланган бойлик билан, олтин билангина қўлга киритиш мумкин.

Контрабандистлар олти кундан кейин қайтишди. Дантес узоқда кўринган «Ёш Амелия»ни юриши ва кўринишидан таниб олди. У ярадор Филоктет сингари, кема тўхта-

ган ерга оқсоқланиб борди. Уртоқлари қирғоққа тушганда, ҳали ҳам оғриқ борлигидан зорланиб, ҳар ҳолда илгаридан ҳоли дуруст эканини айтди. Сўнг уларнинг ҳикояларини тинглади. Экипажнинг иши бошда ўнгидан келибди. Бироқ улар юкларни эндигина тушириб бўлганда, соқчилар кемаси Тулондан чиқиб, улар томонга йўл олганини билиб қолибди. Шундан кейин улар шошилиб йўлга чиқишибди. Матрослар, аттанг, қани ҳозир кемани жуда моҳирлик билан тез юргизадиган Дантес бўлса эди, деб уни эсга олиб, кўп афсусланибдилар. Кўп ўтмай уларни қувиб келадиган соқчи кемани кўриб қолишибди. Бироқ «Ёш Амелия» экипажи қоронғидан фойдаланиб, Корс бурунини айланиб ўтиб, соқчилар кўзидан ғойиб бўлибди.

Умуман олганда, сафар муваффақиятли ўтибди. Ҳамма, айниқса, Джакопо Дантеснинг бу галги сафарда бўлмаганига ва фойдадан ўз улуши – эллик пиастрни ололмаганига ачинди.

Эдмон ўзини вазмин тутди, оролни ташлаб кетганда олиши мумкин бўлган ақчани айтганларида, у ҳатто тишининг оқини ҳам кўрсатмади. «Ёш Амелия» фақат уни олиб кетиш учун Монте-Кристо оролига келган эди, шу сабабдан ўша кеч Дантес буюмларини йиғиштириб кемага чиқиб олди ва капитан билан Ливорнога жўнади.

Ливорнога келгач, у сарроф яҳудийникига бориб, энг майда тошларидан бештасининг ҳар бирини беш минг франкдан сотди, яҳудий матросдан бу қимматбаҳо тошларни қаердан олдинг, деб сўраши мумкин эди, бироқ ҳар бир тошдан минг франкдан фойда кўришини билиб, ғиқ этмай қўя қолди.

Эртаниси Дантес янги балиқчилар қайиғи сотиб олиб, Джакопога ҳадя қилди, бунинг устига, матрос ёлпаш учун деб юз пиастр ақча ҳам берди, буларнинг эвазига Джакоподан Марселга бориб Мельян хиёбонида яшовчи Луи Дантес деган чолдан ва Каталани қишлоғида турувчи Мерседес деган қиздан хабар олиб келишини сўради.

Бу гал Джакопо туш кўряпман, шекилли, деб ўйлади. Аммо Эдмон матросликка ота-онаси пул бермаганига аччиқ қилиб кирганини, Ливорнога келиб тоғасининг васият қилиб қолдирган меросига эга бўлиб қолганини айтди. Дан-

тес оқ-қорани таниган одам, бундайлар ёлғон гапирмайди, бунга Джакопо заррача шубҳа қилмас эди.

Дантеснинг «Ёш Амелия»да хизмат муддати тугади, у капитан билан хайрлашди, капитан унга жавоб бермоқчи эмасди, бироқ мерос олганини эшитиб, шаштидан қайтди.

Эртаси куни Джакопо Марселга жўнади. Дантес билан Монте-Кристо оролида учрашадиган бўлишди.

Шу куни Дантес ҳам «Ёш Амелия» экипажига катта-катта мукофот бериб, ҳеч кимга қаёққа кетаётганини айтмай, бирор кун келиб, сизни хабардор қиларман, деб капитанга ваъда бериб жўнаб кетди. У Генуяга йўл олди.

Шу вақт Генуя гаванида кичкина кемани синовдан ўтказишаётган эди. Уни бир инглиз генуяликларни Ўрта ер денгизида кемасозликда «устаси фаранг» деб эшитиб, буюртма берган эди. Инглиз кемага қирқ минг франк тўлашга шартлашган эди. Дантес эса олтмиш минг бераман, аммо кема шу бугуноқ менга топширилиши шарт, деди. Кемаси битгунча инглиз Швейцария бўйлаб сайр қилиб кетди. У бир ойдан бериде етиб келмасди. Кемасоз у келгунча яна бирини ясаб қўярман деб, Дантеснинг шартига кўнди. Эдмон кемасозни яҳудийнинг дўконига олиб бориб орқа хонага ўтди ва яҳудий шу заҳоти кемасозга олтмиш минг франк санаб берди.

Кемасоз Дантесга экипаж аъзоларини ёллаб бермоқчи бўлган эди, Дантес, бир ўзим юришга одатланиб қолганман, деди-да, каютасидаги каравотининг бош томонига ичи учга бўлинган ва ҳар бир бўлимга алоҳида калит тушадиган махфий қулфли сандиқ ясаб беришни илтимос қилди. У сандиқ ичидаги бўлинмаларнинг ҳажмини ўлчаб берди, бу илтимос эртаси куниёқ бажо келтирилди.

Икки соатдан сўнг Дантес Генуя портидан йўлга чиқди. Якка ўзи сузишга одатланган испаниялик тўрани қизиқиб кузатганлар кўп эди портда.

Дантес кемани зўр маҳорат билан ҳайдаб кетди. Биргина руль воситаси билан кемани у истаган томонига буриб борарди, кема ниҳоятда итоаткор чиқиб қолди, Дантес ҳам, генуя кемасозларининг чиндан ҳам ажойиб усталар эканига ишонди.



Одамлар кема кўздан ғойиб бўлгунча кузатиб туришди, сўнг унинг қаёққа кетаётгани тўғрисида жумбоқлар айта бошлашди: бири Корсикага кетди деса, иккинчиси Эльбага йўл олди, дерди. Баъзилар у Испанияга кетди деб ўзининг гапини маъқул қиларди. Яна бири, Африкага кетди бу, деб гап маъқулламақчи бўларди. Лекин бирор киши Монте-Кристо оролини тилга олмади.

Дантес эса худди ўша оролга йўл олганди.

У иккинчи куннинг охирида оролга етиб келди. Кема жуда енгил, тез юрар қилиб ишланган экан, оролгача бўлган масофани ўттиз беш соатда босиб ўтди. Дантес оролнинг қирғоқларини жуда пухта ўрганиб олди, шунинг учун ҳам гаванга кирмай, кичкина бир кўрфазга кириб тўхтади.

Орол бўм-бўш, Дантес кетгандан буён оролга ҳеч ким келмаган бўлса керак. У ғорга кирди, сандиқ Дантес қандай қилиб қўйиб кетган бўлса шундайлигича турган эди.

Шу куннинг эртаси Дантес беҳисоб бойлигини қайиққа олиб чиқди-да, яширин сандиқнинг учала бўлимига солиб қулфлаб қўйди.

Дантес яна бир ҳафта сабр қилди. Шу етти кун мобайнида у, отини совитиб юрган чавандоз сингари, қайиғи билан орол атрофини бир неча бор айланиб чиқди, кемасининг яхши ва ёмон томонларини, камчиликларини билиб олди, яхшисини такомиллаштириб, камчиликларини тузатишга қарор қилди.

Саккизинчи кун барча елканларини ёйиб келаётган қайиқни кўрди, бу Джакопо эди. У сигнал берди, Джакопо жавоб қайтарди, икки соат деганда қайиқ кўрфазга кирди.

Эдмон иккала саволга ҳам ноҳуш хабар олди.

Кекса Дантес дунёдан ўтган, Мерседес ғойиб бўлган эди.

Эдмон бу хабарни вазминлик билан тинглади, бироқ шу заҳоти қирғоққа чиқиб кетди, Джакопога тушишни ман этди.

Икки соатдан сўнг у қайтиб келди, Джакопонинг қайиғидаги икки матрос Дантеснинг кемасига ўтиб, елканларни ишга солди. У, Марсель томонга юрилсин, деб буйруқ берди. Отасининг вафотини у олдиндан биларди, аммо Мерседесга нима бўлди экан?

Эдмон ўз сирини ошкор этмай, бирор агентга топшириқ беролмасди, бунинг устига яна бир қанча маълумотлар олмоғи керак, буни фақат ўзи бажо келтириши мумкин. Ливорнодаги сартарошнинг ойнасига қараб ўтирганда, жуда ўзгариб кетганини кўрган эди, демак, таниб қолишади, деб хавотирланишга асос йўқ. Яна ўз афт-ангорини ўзгартириб юборадиган воситаларнинг ҳаммаси ўз қўлида. Хуллас, кунлардан бир кун эрталаб Дантеснинг елканли кемаси балиқчилар қайиғи кузатувида Марсель портига кирди-да, машъум оқшомлардан бирида Эдмонни қайиққа солиб, Иф қалъасига олиб кетган жойга келиб тўхтади.

Дантес жандармларнинг эшкакли карантин қайиғи яқинлашиб келаётганини кўриб, юраги шиф этиб кетди. Аммо у ўзини босиб олди-да, ҳеч хавотир олмай Ливорнода сотиб олган инглиз паспортини кўрсатди ва Францияда маҳаллий француз паспортдан обрўлироқ ҳисобланган ана шу паспорти билан қирғоққа тушиб кетаверди.

Каннебьер кўчасида учратган биринчи таниши «Фарон» кемасининг матроси бўлди. Бу одам бир вақтлар Дантеснинг қўлида хизмат қилганди, Дантес бу қулай пайтдан фойдаланиб, ўз важоҳати чиндан ҳам ўзгарганми, йўқми эканини синаб олмоқчи бўлди. Эдмон матрос олдига тўғри борди-да, унга бир неча савол берди, матрос ҳам биринчи марта кўрган киши билан қандай гаплашилса, худди шу тарзда жавоб берди.

Дантес керакли маълумотлар бергани учун матросга танга узатди: бир дақиқа ўтар-ўтмай ҳалиги азамат матрос югуриб қайтиб келди.

Дантес уни табассам-ла, кутиб олди.

– Жаноб, кечиринг мени, – деди матрос, – сиз менга икки франкли танга бермоқчи бўлиб адашиб, икки ҳисса ортиқ Наполеондор бериб юборибсиз.

– Азизим, ҳақ гапни айтдинг, мен адашибман, – деди Дантес, – бироқ сенинг бу софдиллигинг мукофотга сазовордир, шунинг учун мана бу иккинчисини ҳам олгин-да менинг соғлиғим учун ўртоқларинг билан ичгин.

Матрос ҳанг-манг бўлиб, Эдмонга раҳмат айтишни ҳам нутиб қўйди. У Дантеснинг орқасидан қараб туриб:

– Ҳиндистондан келган набоблардан бўлса керак, – деб қўйди.

Дантес йўлида давом этди. Ҳар қадамда юрак тепиши кучайиб борарди унинг. Фикр-хаёлимиздан ҳеч қачон аримайдиган ёшлик даври ҳар бир муюлишда, ҳар бир бурилишда Дантес кўз олдида гавдаланиб турарди. Ноайль кўчаси охирига бориб Мельян кўчасини кўрди-ю, оёқлари титраб, гандираклаб кетди ва нақ бўлмаса, ўтиб бораётган извош тагида қолаёзди. Бир вақтлар отаси истиқомат қилган уйга яқинлашди. Чол меҳр қўйиб ўстириб келган деразадаги гуллардан асар ҳам қолмабди.

Дантес дарахтга суянди-да, эски уйнинг юқори қаватларига тикилиб уйга ботди. Сўнг эшик олдида келди, ичкарига кириб, бўш хонадон борми, деб сўради. Бешинчи қаватдаги уйлар банд дейилса-да, у ўша қаватни кўришга ниҳоятда иштиёқи зўр эканини изҳор этгач, қоровул юқорига чиқиб, турганлардан хорижий меҳмонга уйларини кўришга рухсат этишларини илтимос қилди. Икки хонадан иборат бу хонадонда ёш келин-куёв истиқомат қиларди. Буларнинг тўйи ҳам яқингинада, икки ҳафта бурун ўтган эди. Бахтиёр ёшларни кўриб Дантес ўксиниб қўйди.

Дантеснинг отаси турган хонадонда ундан ҳеч қандай из қолмаган эди. Деворга бошқа гулқоғоз ёпиштирилган, ёшлигини эслатадиган ҳамма эски буюмлардан биронтаси йўқ. Фақат деворлар илгаригича турибди.

Дантес каравотга кўз ташлади: каравот отаси ётган жойда эди.

Эдмоннинг кўзлари беихтиёр жиққа ёшга тўлди: ахир унинг бечора ғариб отаси мана шу ерда охириги марта ўғлини тилга олиб дунёдан ўтган эди-да.

Ёш келин-куёв бу жиддий кишининг юзларидан мунчоқ-мунчоқ ёш оқаётганини кўриб ҳайрон бўлиб қолишди. Аммо қайғу-алам олдида ҳамма пол қолади, шунинг\*учун нотаниш кимсани саволга тутмадилар. Эдмонга халақит бермайлик, деб ўзларини четга олдилар, фақат у хайрлаша бошлагач, ёнига келиб, истаган вақтида келиши мумкинлигини ва уйнинг эшиги унинг учун ҳамиша очиқ эканини изҳор этиб, кузатиб қўйдилар.

Бир қават пастга тушгач, Эдмон яна бир эшик олдида тўхтади-да, машиначи Кадрусс ҳалиям шу ерда турадимми, деб сўради. Қоровул, сиз сўраган одамнинг ишлари касодга учраб хонавайрон бўлди, ҳозир у Бельграддан Бокэрга борадиган йўл устида қовоқхона очиб тирикчилик қилиб юрибди, деди.

Дантес ташқарига чиқиб, уй хўжайинининг манзилени сўраб олиб, ўша томонга йўл олди. Ўзини лорд Уилмор деб таништирди (сотиб олган инглиз паспортида шундай ёзилганди). Отаси яшаган ҳалиги уйни йигирма беш минг франкка сотиб олди. Бу – уйнинг ҳақиқий нархидан ўн минг франк ошиқ эди. Лекин хўжайин ярим миллион талаб қилганда ҳам Дантес чурқ этмай санаб берарди.

Нотариус уй сотилганини бешинчи қаватдаги ҳалиги ёш оилага хабар қилди ва янги хўжайин агар ёшлар ҳозир турган икки хонани унга бўшатиб беришса истаган бошқа хонадонни олишлари мумкин, деганини етказди.

Бу қутилмаган воқеа Мельян аҳолиси ўртасида турли мишмишларга сабаб бўлди.

Аммо бугун Мельян хиёбонидаги уйга келган ажнабийни кечқурун Каталани қишлоғида сайр қилиб юриб, камбағал балиқчининг уйида роса бир соат бўлиб ўн беш йил бундан муқаддам вафот этган одамларни сўраб-суриштириб юргани ҳаммани ҳайратга солиб қўйди.

Эртаси куни балиқчилар уйларига қадам ранжида қилган кишидан тўрлар билан бирга каталан қайиғини тухфа сифатида олдилар.

Балиқчилар ҳимматли жанобга миннатдорчилик билдирмоқ учун борганларида, у аллақандай матрослар билан гаплашиб, отга миниб Марселнинг Экс дарвозасидан чиқиб кетган эди.

## **V. «ГАР КЎПРИГИ» ҚОВОҚХОНАСИ**

Кимки мен сингари жанубий Франция бўйлаб саёҳат қилган бўлса, Бельгард билан Бокэр ўртасида, қишлоқдан шаҳарга борадиган йўлнинг тахминан ярмида, лекин ҳар ҳолда Бельгардга қараганда, Бокэрга яқинроқ жойдаги кичкина қовоқхонани кўрган бўлса керак. Қовоқхонанинг

сал шамол турса тебраниб ғийқиллаб турадиган тунука лавҳасида Гар кўпригининг ғалати сурати солиб қўйилган. Рона дарёсининг оқимиға қараб борилса, қовоқхона катта йўлнинг чап томонида дарёға орқасини ўгириб қад кўтариб турибди. Орқа ҳовлисида пастқам ҳовлиси бор, унда бир неча атиргул ва яна бошқа мева дарахтлари сўлиб, чанг босиб ётибди, дарахтлар оралиғида сабзавот, аксари, саримсоқпиёз, гармдори ва пиёз экилади. Бурчақда италян қарағайи гумбазнусах баланд шохларини жазирама офтобга тутиб, унутилган соқчи сингари серрайиб турибди.

Бу дарахтларнинг ҳаммасини каттасидан тортиб кичигача табиатнинг ўзи эгри-бугри қилиб яратган ва Провансдаги уч офатнинг бири ҳисобланган мистраль (Франциянинг ана шу районларида бўладиган совуқ ва қуруқ шамол) эсан томон эгилиб туради. Қолган икки офат Дюранс<sup>14</sup> ва парламент<sup>15</sup> ҳисобланади.

Атрофда, чанг босиб ётган кенг майдонда, онда-сонда буғдой бошоқлари сўлиб салом бериб турибди, афтидан, маҳаллий боғбонлар буғдойни ҳавасга ўстиришган бўлиб, бу овлоқ ерга келиб қолган саёҳатчиларнинг қулоқ-миясини қоқиб қўлиға берадиган чирилдоқ чигирткаларға кўноқ бўлиб хизмат қилар эди.

Бу қовоқхона эр-хотиннинг қўлиға ўтганиға роса етти йил бўлди. Уларнинг фақат иккитагина хизматчиси – Тринетта номли аёл ва Пако номли отбоқари бор эди, аслида икки хизматчи кифоя эди қовоқхонаға, чунки Бокэр билан Эг-Морт ўртасида канал казилгач, почтани отларда эмас, юк кемасида, йўловчиларни извошда эмас, кемада ташийдиган бўлиб қолди.

Бу канал, шўрлик қовоқхона хўжайинининг ярасиға туз сепиб, у сув ичидаги Рона дарёси билан йўл ўртасида, қовоқхонадан атиги юз қадамча наридан ўтарди. \*

Бу фақирона қовоқхонаниннг хўжайини қотма, новча, қинғир бурун, тишлари оппоқ, ҳақиқий жануб кишиси эди.

---

<sup>14</sup> Рона дарёсининг тез-тез тошиб турадиган ирмоғи.

<sup>15</sup> Революциядан бурунги Франция суди.

Ич-ичига тушиб кетган кўзлари ҳамиша чақнаб турарди. Қарилик эшигини қоқиб келаётганига қарамай, сочлари қалин, бароқ соқоли қора, онда-сонда оқ туша бошлаган. Азалдан сариқ мағиз юзлари эртадан кечгача эшик олдида ҳўранда кутиб, тамом қорайиб кетган эди, бу кутишлар кўпинча беҳудага чиқарди. Бу бизнинг эски танишимиз Гаспар Кадрусс эди. Унинг қиз чоғида Мадлен Радель деб аталган хотини рангпар, озғин, дардчил аёл эди. У Арль яқинида туғилган бўлиб, ўша ўлканинг аёллари каби сулув эди, бироқ Эг-Март кўллари, Камарг балчиқзорлари яқинида яшовчилар ўртасида тарқалган ич безгаги касали туфайли унинг юзлари сўлиб қолган эди. Мана шу сабабли у иккинчи қаватдаги хонасидан ташқарига камдан-кам чиқар, кун бўйи безгаги хуруж қилиб, каравотидан ёки юмшоқ курсидан турмасди, ташқари эшик остонасида уззукун саргайиб ўтириб, кечқурун қайтганида, тақдирдан нолийвериб эрининг жонига тегиб, безор қиларди. Эри эса унга фалсафий жавоб қиларди:

– Бас қил, Карконта! Худойимнинг ёзгани шу.

Хотинига «Карконта» деган лақаб қўйишининг сабаби шуки, Мадлена Радель Салон билан Ламбекс ўртасидаги Карконта қишлоғида туғилган. Уша районларда одамларнинг лақабини айтиб чақириш одат бўлиб қолганидан хотинини Мадлена деб эмас, ўз қўпол овозига жозиба бериш учун бўлса керак, уни Карконта деб чақирадиган бўлиб қолганди Кадрусс.

Қовоқхоначи тил учида илоҳий тақдирга тан берди-ю, аммо ўзи ҳам каналнинг касофати билан ишлари юришмай, мушкул ҳолга тушиб қолганидан ичида ҳўп нолир, куйиб жизғанак бўлиб юрарди... Шунинг учун хотинини бу борада койиши шунчаки юзаки гап эди. Барча жануб кишиларидек, у ҳам нафсини тия оладиган, инжиқлик, тантиқликни билмайдиган зот бўлиб, ҳамма ерда кекқайиб, ҳеч кимдан кейинда қолгиси келмасди. Фароғатда яшаган кунларида биронта сайр-томоша, ўйин-кулгидан қолмас, Карконтасини қўлтиқлаб, ҳозир бўлар эди. Иккисининг кийими башанг бўлур эди. Кадрусснинг устида бичими ҳам каталанча, ҳам андалузча гўзал костюм, хотинининг устида арлезин хонимларининг греклар ва арабларникига

ўхшаш гўзал либос бўларди. Лекин бора-бора соатларнинг олтин занжирлари, марварид-маржонлар, ранго-ранг камарлар, бахмал камзуллар, шойи пайпоқлар, кумуш тўқали кавушлар бирин-кетин қўлдан кетаверди. Гаспар Кадрусс эса одамлар олдига илгаригидек башанг кийиниб чиқиш имкониятидан маҳрум бўлиб, қовоқхона атрофида бўлаётган ва шўх, шовқин-суронлари билан юракларни пора-пора қилаётган байрамларга ўзи ҳам, хотини ҳам мутлақо қатнашмай қўйди. Қовоқхонани эса фақат фойда кетидан югуриб эмас, бирор бошпанага эга бўлиш учун ҳам сақлаб турарди.

Кадрусс одатдагича тонг отиши билан қовоқхона эшиги остонасига чиқиб олиб, гоҳ товуқлар изғиб юрган кўлобга, гоҳ икки томонга – жанубга ва шимолга чўзилиб кетадиган бўм-бўш йўлнинг тўрига қайғули кўзларини тикиб ўтирарди. Шу пайт дабдурустдан хотинининг чинқирган овози эшитилди, у дарҳол постини ташлади-да, вайсаб-вайсаб иккинчи қаватга кўтарилди. Биров келиб қолса, марҳамат қилиб кираверсин, дегандек эшикни ланг очиқ қолдириб кетди.

Кадрусс ичкарига кирган пайтда, ҳали биз тасвир этган ва боя қовоқхона хўжайинининг кўзлари нигорон бўлган катта йўлда ҳамон инсон зотининг қораси ҳам кўринмасди. Йўл икки томонда қаторлашиб сўппайиб турган дарахтлар ўртасида охири йўқ оппоқ тасма каби чўзилиб ётарди. Бу саҳрода шу пайт ўз ихтиёри билан кимнинг юргиси келарди, дейсиз.

Аммо шунга қарамай, ҳар эҳтимолга қарши агар Кадрусс ўрнидан кўзгалмай турганда, Бельгард томонидан отига озор бермай аста йўрттириб келаётган киши қовоқхонага яқинлашиб келаётганини кўриб ўзида йўқ қувонган бўлур эди. Отлиқ, жазирама офтобга қарамай, устига узун қора сутана, бошига уч бурчакли қалпоқ кийиб олган кашиш эди. Йўрға аста елиб-югуриб келарди.

Кашиш қовоқхона эшиги олдига тўхтади, от хўжайинини тўхтатдими ёки хўжайин отними – билиб бўлмасди. Бундан қатъи назар кашиш отдан тушди-да, жиловини омонат дераза эшиги ҳалқасига боғлаб қўйди, эшик олдига келди ва қизил чит рўмолчаси билан юзидан маржон бўлиб

оқаётган терни артди, сўнг қўлидаги ҳассасининг темир дастаси билан эшикни уч марта қоқди.

Бузоқдек қора кўппак ирғиб туриб, бир неча қадам югуриб товушининг борича вовиллади. Бу ҳам қовоқхонага одам жуда камдан-кам келаётганининг далили эди. Деворга ёпиштириб ясалган тахта зина шу заҳоти бу фақир кулба эгасининг қадамлари остида қисирлай бошлади, у эгилиб-букилиб, орқаси билан эшик олдида турган кашиш олдига тушиб келди.

– Тушяпман, ҳозир, – дерди ҳайратда қолган Кадрусс. – Ўчир овозингни, Марго! Жаноб, қўрқманг, вовиллайди-ю, қопмайди. Вино ичишни истаб қолган бўлсалар керак, шундайми? Офтоб роса жазилплатяпти-да... Ах, кечиринг мени, – давом этди Кадрусс йўловчининг қай тоифа одамлардан эканини фаҳмлаб қолиб. – Афв этинг, меҳмоним кимлигини билмай қолибман. Марҳамат қилиб айтинг, нима билан меҳмон қилай, истаганингизни айтинг, жаноб аббат?

Аббат бир неча дақиқа Кадруссга диққат билан тикилиб турди, у ҳатто ўзига унинг эътиборини жалб қилмоққа уринаётгандек бўларди. Қовоқхоначи кашиш саволига жавоб бермаётганидан таажубланиб ҳанг-манг бўлиб қолганини кўрган аббат бу ҳолатга барҳам беришга қарор қилди-да, итальян талаффузида деди:

– Сиз жаноб Кадрусс эмасмисиз?

– Ҳа, мен, – деди хўжайин яна таажжубланиб, – мен каминангиз Гаспар Кадрусснинг худди ўзиман.

– Гаспар Кадрусс? Ҳа, демак, худди ўшанинг ўзи. Бир вақтлари Мельян хиёбонида тўртинчи қаватда истиқомат қилардилар, шекилли?

– Худди шундай.

– Машиначилик ҳунари билан шуғулланармидилар ўшанда?

– Шундай, бироқ ишим юришмади. Бу лаънати Марселда ҳаво шу қадар исиб кетдики, кўп ўтмай ҳамма қип-яланғоч бўлиб олса керак. Сиз ҳам иссиқда анча димиққандирсиз, бир оз чанқоқни бостириб оларсиз?

– Тўғри. Энг яхши винонгиздан бир шиша келтиринг, сўнг суҳбатни давом эттирамин.

– Хўп бўлади, жаноб аббат, – деди Кадрусс.



Сўнг Кадрусс охирги кагор виносидан бир шишасини пуллаб олиш учун уй тахта поли остидаги ертўланинг эшигини очди-да, пастга тушиб кетди.

Беш дақиқадан сўнг, у қайтганида, аббат студда столга тираниб ўтирганди. Шу вақт жазаваси босилган Марго меҳмон вино сўраганини эшитиб унинг тиззасига ингичка бўйнини қўйди-да, кўзларини мўлтиллаб тикилганча қолди.

– Бу ерда якка ўзингиз турасизми? – сўради аббат хўжайиндан винони столга қўяётганда.

– Ҳа, якка ўзим, жаноб аббат, якка ўзим десам бўлади, чунки хотиним, шўрлик Карконтаннинг ёрдами тегмайди.

– Уйланганман денг! – деди ҳамдардлик оҳангида аббат, сўнг бечора оиланинг рўзгорини баҳолаб кўраётгандек атрофга назар ташлаб чиқди.

– Мени жуда камбағал одам экан деб ўйлаётган бўлсангиз керак, жаноб аббат? – деди Кадрусс хўрсиниб, – нима қила олардим, иложим қанча? Бу дунёда фароғатда яшаш учун ҳалол бўлишгина камлик қилади, шекилли.

Аббат унга синовчан назар ташлади.

– Ҳа, худди шундай, ҳалоллик билан кун кечиряпман деб мақтансам бўлади, жаноб аббат, – деди аббатнинг кўзларига тик қараб ва қўлларини кўксига босиб хўжайин, – бизнинг ҳозирги замонда бундай дейишга ҳамма ҳам журъат қилолмайди.

– Гапларингиз ҳақ бўлса, бу жуда ажойиб фазилат, – деди аббат, бир кун бориб ҳалол, виждони пок кишилар, сўзсиз муродига етади, ёвуз, виждонсизлар жазоланади, менинг бунга имоним комил.

– Касб-корингиз шундай дейишни тақозо қилади сизга, жаноб аббат, – деди эътироз билдириб Кадрусс, – лекин сўзингизга ишониш-ишонмаслик ҳар кимнинг ўз иши.

– Шундай деб чакки ўйлайсиз, жаноб, – деди аббат, – сўзларим ҳақ эканини эҳтимол ҳали ўзим ҳам далиллаб берурман.

– Қандай қилиб? – сўради ажабланиб Кадрусс.

– Мана бундай қилиб: аввало менга керак киши чиндан ҳам сиз эканингизга ишончим бўлмоғи керак.

– Сизга қандай далиллар керак?

– Бир минг саккиз юз ўн тўртинчи йили ёки бир минг саккиз юз ўн бешинчи йили Дантес деган денгизчини танирмидингиз?

– Дантес! Шўрлик Эдмонни жуда яхши танирдим! Нега энди уни танимас эканман! У менинг энг яқин дўстим эди! – хитоб қилди Кадрусс рангига қон югуриб. Аббатнинг ча-роғон ва осойишта кўзлари олайиб ҳамсухбатига тикилган эди шу пайт.

– Тўғри, унинг номи Эдмон эди, шекилли.

– Ҳа, унинг номи Эдмон эди! Бунда ҳеч шубҳа бўлиши мумкин эмас! Менинг исми-шарифим Гаспар Кадрусс экани қанчалик ҳақ бўлса, унинг номи Эдмон экани ҳам шунчалик ҳақ! Жаноб аббат, бечора Эдмоннинг тақдиридан хабарингиз борми? – давом эттирди сўзини қовоқхоначи, – Сиз уни танирмидингиз? Ҳаётмикин? Озодмикин? Бахтиёрмикин?

– У Тулон сургунларида умри ядро судраб ўтаётган маҳбуслардан баттарроқ азоб чекиб турмада ўлиб кетди. Кадрусснинг қип-қизил юзлари бир зумда мурда каби оқариб кетди, у орқага ўгирилди-да, бошидаги алвон рўмолчасининг учи билан кўз ёшларини артди.

– Шўрлик, Эдмон! – деди Кадрусс. – Мана сизга жаноб аббат, бояги менинг сўзларимга яна бир далил. Тангрим, фақат ярамас одамларга меҳр-шафқат кўрсатади. – Мана шундай, – давом этди Кадрусс, – бу дунёда ёвузлик кундан-кунга кучайиб боряпти, қани энди осмондан аввал олтин-гургурт, унинг кетидан олов ёғса-да, қиёмат қойим бўла қолса! Бу азоб-уқубатлардан бира тўла қутулиб қўя қолардик.

– Чамаси, сиз у йигитни астойдил яхши кўраркансиз-да, – деди аббат.

– Ҳақ гап, мен уни жуда яхши кўрардим, – деди Кадрусс, – аммо бир сафар мен унинг бахтиёр бўлганини кўриб ҳасадим келган эди. Ўша қилмишимдан ҳалиям пушаймонман, сўнг унинг бахтсизликка дучор бўлганини эшитиб қаттиқ ачиндим, қайғурдим.

Бир дақиқа сукунат чўмди, аббат синовчан кўзларини қовоқхоначининг маънодор чехрасига тикканча жим бўлиб қолди.

– Сиз ҳам у шўрликни танирмидингиз? – сўради Кадрусс.  
– У ўлим тўшагида жон бераётганида мени жаноза ўқиш учун чақиртирган эди, – деди аббат.

– Қандай касалга чалинибди? – сўради бўғиқ овозда Кадрусс.

– Киши ўттиз ёшга кирганда турмада шу турманинг бе-ниҳоя азоб-уқубатидан бўлак нимадан ўлиши мумкин?

Кадрусс юзидан шариллаб оқаётган терни артди.

– Бир нарса мени ҳайратда қолдирди, – давом этди аббат, – Дантес дунёдан кўз юмаётиб, ҳали-ҳозиргача нима учун қамоққа олинганимни, Худо ҳақ, билмайман, деб менинг олдимда онт ичди.

– Тўғри, жуда тўғри, – деди оҳиста овоз чиқариб Кадрусс, – у билолмасди ҳам. Ҳа, жаноб аббат, шўрлик йигит тўғри айтибди.

– Шунинг учун у бахтсизликка дучор бўлишининг сабабини аниқлашни, мабодо унинг шаънига ноҳақ қора доғ туширилган бўлса, у доғни ювиб ташлаб, номини қайта оқлашни топширди менга.

Аббат шу пайт кўзларини Кадрусснинг ғам-аламга тўла юзига янада қаттиқроқ тикди.

– Бир бой инглиз, – давом эттирди сўзини аббат, – у билан турмада бирга бўлиб, бирга кулфат чекиб, иноқлашиб қолган экан. Инглиз реставрация даврида турмадан озод бўлиб чиқибди. Унинг жуда қимматбаҳо олмоси бор экан. Турмадан бўшаётиб у олмосни касал ётганида худди жигаридек парвариш қилгани учун Дантесга туҳфа қилибди. Дантес эса турма соқчиларига буни порага беришдан наф бўлмаслигини билиб (чунки, улар пора берди, деб уни тутиб беришарди) озод бўлсам асқатади, деб эҳтиёт қилиб сақлаб келган экан. Агар у турмадан қутулиб чиққанда эди, ўша олмосни сотиб дарров бойиб қоларди.

– Олмос? – сўради кўзлари ёниб Кадрусс, – жуда қиммат турарди денг?

– Дунёда ҳамма нарса нисбатли, – деди аббат. – Эдмон учун олмос катта бойлик эди, уни эллик минг франк туради дейишади.

– Эллик минг франк! – қичқириб юборди Кадрусс. – Демак, ёнғоқдай экан-да?

– Сал кичикроқ, – деди аббат, – ўз кўзингиз билан кўриб аниқлашингиз мумкин, чунки олмос менда.

Кадрусснинг кўзлари аланг-жалаңг қилиб олмосни ахтарётгандек, аббатнинг қўйин чўнтагига тикила бошлади.

Аббат майин чарм қопланган қутичани чўнтагидан чиқариб очди-да, узукка ўрнатилган ажойиб олмосни анқайиб қолган Кадруссга кўрсатди.

– Шу эллик минг франк турадими?

– Узукдан ташқари, узукнинг ўзи ҳам жуда қиммат, – жавоб қилди аббат.

У қутичани бекитиб, чўнтагига солди. Кадрусснинг кўз олдига олмос ҳамон ярқираб турарди.

– Бу олмос қандай қилиб сизнинг қўлингизга тушиб қолди? – сўради Кадрусс. – Наҳотки, Эдмон сизни ўзининг меросхўри этиб эълон қилган бўлса?

– Меросхўри эмас, руҳининг ҳокими қилиб тайинлади. У менга шундай деди: «Менинг учта меҳрибон дўстим ва қайлиғим бор эди, аминманки, тўрттови ҳам менга ичидан ачингандир. Улардан бири Кадрусс эди. – Кадрусс сесканиб кетди. Аббат Кадрусснинг бу ҳолатини кўрмаганга солиб, давом этди. – Иккинчисининг номи Данглар, учинчиси менинг рақибим эди, аммо у ҳам мени севарди».

Кадрусснинг лаблари титраб, кўзларида ғазаб алангаси ёнди, у аббатнинг сўзини кесмоқчи бўлди.

– Тўхтаңг, сабр қилиңг, – деди аббат, – мен сўзимни тугатай, бирор нима демоқчи бўлсангиз, сўңг айтарсиз. «Учинчиси менинг рақибим эди, аммо у ҳам мени севарди, унинг номи Фернан, қайлиғимнинг, қайлиғимнинг номи... номи...» қайлиғининг номини унутибман.

– Мерседес, – деди Кадрусс.

– Ҳа, худди шундай, – деди хўрсиниб аббат, – Мерседес.

– Хўш, сўңг нима бўлди? – сўради Кадрусс.

– Менга бир графин сув келтириңг, – деди аббат. Кадрусс югуриб бориб сув келтирди.

Аббат сувни стаканга қўйди-да, бир неча қултум ютди.

– Нимада тўхтаган эдик? – сўради у стаканни столга қўйиб.

– Қайлиғининг номи Мерседес эди.

– Ҳа. «Сиз Марселга борасиз...» Бу сўзларни Дантеснинг ўзи айтди, тушуняпсизми?

– Тушуниб турибман.

– «Мана шу олмосни сотиб, севимли беш дўстимга тақсимлаб берасиз».

– Нега бешта бўлиб қолди? – деди Кадрусс. – Сиз менга фақат тўрттасини айтган эдингиз-ку.

– Чунки, бешинчиси дунёдан ўтди, дейишди менга... Бешинчиси Дантеснинг отаси эди.

– Ҳайҳот, тўғри гап, – деди қарама-қарши ҳиссиётлар дилини чилпарчин қилаётган Кадрусс, – шўрлик чол вафот этди.

– Мен буни Марселда эшитдим, – деди аббат, ўзини бепарво тутишга уриниб, – унинг вафот этганига кўп вақт бўпти, шу сабабли мен тафсилотини билолмадим... Эҳтимол чолнинг ўлими тафсилоти тўғрисида сиз бирор нарса биларсиз?

– Мен билмай ким биларди?... – деди Кадрусс. – Мен унга қўшни эдим... Э, Парвардигор! Ўзингга аёнки, чол ўғли ғойиб бўлгандан бир йил ўтар-ўтмас қазо қилди!

– Қанақа касалдан ўлди у?

– Докторлар, янглишмасам, ошқозон яллиғланган, дейишди... Таниш-билишлари эса уни қайғу-алам адойи тамом этди, дейишди... Аммо унинг қандай қилиб ўлганини ўз кўзим билан кўриб турганман... у...

Кадрусснинг тили калимага келмай қолди.

– Нимадан? – сўради ташвишга тушиб аббат.

– Очликдан ўлди!

– Очликдан? – қичқириб юборди аббат ўрнидан ирғиб туриб. – Очликдан? Энг пасткаш махлуқ ҳам очдан ўлмайди. Кўчама-кўча дайдиб юрадиган итга ҳам бир бурда нон ташлайдиган раҳмдиллар топилади, аммо Худонинг бир мўмин бандаси, христиан динининг қули ўзларини христиан деб атовчи кишилар орасида очликдан ўлиб кетибди-а! Бунга чидаб бўладими? А, қандай қилиб чидаб бўлади!

– Мен сизга бўлган гапни айтяпман, – деди Кадрусс.

– Бекор айтибсан, – деган товуш эшитилди зинадан, – нима қиласан бировнинг ишига аралашиб?..

Суҳбатчилар орқага ўгирилиб, зинада Карконтанинг заъфарон юзини кўрдилар, у кулбасидан судралиб чиқиб аббат билан эрининг сўзларига қулоқ солиб ўтирган эди.

– Сен ўзинг нечук суқуляпсан бировнинг ишига, а, хотин? – деди Кадрусс. – Жаноб аббат мендан билган нарсаларимни айтиб беришни сўраяпти, одоб юзасидан мен унга сўраганларини айтиб беряпман.

– Ақл-идрокли киши индамай ўтираверади. Ахир, тентак, сендан нима ниятда сўраётганларини билмайсан-ку!

– Энг яхши ният билан сўраяпман, бекам, – деди аббат, – ишонтириб айтаманки, энг яхши ниятлар билан. Эрингиз асло хавотир олмасин, фақат ҳақиқатни айтиб берса бас, менга.

– Бунақаларнинг кўпини кўрганмиз... Дастлаб қоп-қоп ваъда беришади-да, ваъдаларининг устидан чиқмай «хавотирланманг» деб жўнаб қолишади, сўнг кунлардан бир кун балойи азим қаёқдан келиб гирибонингдан тутганини билмай қоласан.

– Хотиржам бўлинг, – деди аббат, – менинг сизга заррача зарарим тегмайди.

Карконта тагин алланималарни валдираб бошини қўлларига қўйиб ёнбошлади ва гапни эрига қўйиб берди, ўзи яна диққат билан тинглай бошлади.

Шу орада аббат бир оз сув ичиб, ўзини босиб олди.

– Ростдан ҳам, – деди яна сўз бошлаб аббат, – у бечора чол кимсасиз қолиб, очдан ўлдими?...

– Йўқ, йўқ! – жавоб берди Кадрусс, – каталанилик Мерседес ва жаноб Моррель уни ташлаб қўймадилар, тез-тез келиб турдилар, бироқ чол Фернанни жуда ёмон кўриб қолди, ўша Дантес менинг дўстим деган Фернанни.

– Ахир у Дантеснинг дўсти эмас эканми? – сўради аббат.

– Гаспар! Гаспар! – қичқирди зинапояда ёнбошлаб ётган бемор Карконта. – Ўйламай гапирган оғримай ўлар, деган мақолни унутма!

Кадрусс, вағиллайверма, дегандек қўлини силтаб қўя қолди.

– Севган қайлиғингни тортиб олган киши дўст булармиди! – деди у аббатга. – Дантес соддадиллик билан уларнинг ҳаммасини дўстим деб айтгандир... Шўрлик Эдмон! У бу

воқеаларни билмагани яхши бўпти, ўлим тўшагида буларнинг гуноҳидан ўтолмай қийналарди бечора... бошқалар нима деса деяверсин, аммо мен тирикларнинг нафратидан кўра ўликларнинг қарғишидан кўпроқ кўрқаман.

– Аҳмоқ! – деди Карконта.

– Ҳалиги Фернан нима қилганини сиз биласизми? – деди аббат.

– Биласизми эмиш! Албатта биламан!

– Айтинг бўлмаса.

– Ихтиёр ўзингда, Гаспар, – деди хотини, – билганингни қил, бироқ «туя кўрдингми, йўқ, бия кўрдингми йўқ» деб жим ўтирганинг яхши эди-да.

– Бу гап сен ҳақсан, – деди Кадрусс.

– Демак, сиз айтиб бермайсизми? – давом этди аббат.

– Бунинг нима кераги бор энди? – жавоб қилди Кадрусс.

– Эдмон тирик бўлса-ю, ёнимга келиб мендан дўсти ким, душмани ким эканини сўраса майли эди, ҳамма гапни тўкиб солардим, бироқ сиз уни гўрда ётибди дедингиз, энди у нафратлана олмайди, қасос ҳам ололмайди, шундай экан, келинг, бас қилайлик бу гапларни.

– Демак, – деди аббат, – ўзингиз хоин ва сохта дўстлар деб атаган кишилар бояги туҳфаларни олаверсин демоқчимисиз?

– Ҳақ гапни айтдингиз! – деди Кадрусс. – Бироқ Дантеснинг туҳфаси нима бўларди, уларга? Денгиздан бир томчи!

– Бунинг устига у зотлар кичкина жинжилоқчаси билан сени ер билан яксон қилиб қўя қолиши мумкин, – деди хотини.

– Шундайми ҳали! У одамлар шунақа кучли ва бадавлатми?

– Наҳотки, сиз улар тўғрисида ҳеч нима билмасангиз?

– Билмайман. Айтиб беринг менга.

Кадрусс ўйланиб қолди.

– Йўқ, бўлмайди, бу жуда узоққа чўзиладиган гап.

– Майли, айтасизми-йўқми – ўзингиз биласиз, – деди аббат ўзини бепарво кўрсатиб. – Иккиланишга ҳақлисиз. Бўлди, энди бу ҳақдаги гапларни йиғиштирдик. Менга нима топшириқ берган эди? Раҳматлининг охирги орзусини бажаришим керак энди. Бўпти, бу олмосни сотаман.

Аббат шундай деди-да, чўнтагидан яна қутичани олиб очди, қимматбаҳо тош Кадрусснинг завққа тўла кўзлари олдида жилваланиб ёнди.

– Эй, хотин бу ёққа кел, бунга қара, – деди у бўғиқ овозда.

– Олмос дедингми? – сўради Карконта ўрнидан тураётиб. Зинадан соғ кишига ўхшаб тушиб келди. – Бу қанақа олмос экан ўзи?

– Ҳали эшитмовдингми? – деди Кадрусс, – бу олмосни Эдмон бизга васият қилиб қолдирибди: аввало отасига, сўнг учала дўсти – Фернанга, Дангпарга ва менга ҳамда қаллиғи Мерседесга. Олмос эллик минг франк туради.

– Оҳ, қандай ажойиб олмос экан бу! – деди хотини.

– Демак, бу пулнинг бешдан бир қисми бизга тегади-да, шундайми, жаноб аббат? – сўради Кадрусс.

– Ҳа, сизга тегади, – жавоб қилди аббат. – Дантеснинг отасига тегиши керак бўлган улушни ҳам қўшиб оласиз. Бунга тўрттовларингга бўлиб бераман.

– Нега энди тўрт кишига бўласиз? – сўради Карконта.

– Чунки Эдмоннинг дўстлари тўртта-да.

– Дўст эмас, хоин улар! – деди гўнғиллаб Карконта.

– Мен ҳам худди шундай деган эдим, – гапга қўшилди Кадрусс. – Хоинни, тўғрироғи, жиноятчини мукофотлаш – бу оғир гуноҳ, ҳатто пасткашлик.

– Ўзингиз шунга хоҳиш билдирияпсиз-ку, – деди осойишталик билан аббат олмосни чўнтагига солиб. – Қани менга Эдмон дўстларининг манзиллини беринг, марҳумнинг сўнгги илтимосини бажо келтирай.

Кадруссдан қора тер чиқиб кетди. Аббат ўрнидан турди-да, эшик олдида бориб отга қараб қўйди, сўнг яна жойига қайтди. Кадрусс билан хотини бир-бирига аланглаб ҳангманг бўлиб қолган эди.

– Олмос бутунлай бизга тегиши мумкин эди, – деди Кадрусс.

– Ростданми? – деди хотини.

– Дин соҳиби алдамайди кишини.

– Ундай бўлса, – деди Карконта, – билганингни қил. Мен аралашмайман.



Карконта яна зина томонга жўнади. Жазирама офтобга қарамай безгак титратиб тишларини шақиллатарди бечора аёлнинг.

Карконта охирги зинапояда тўхтаб деди:

– Гаспар, ўзинг яна яхшилаб ўйлаб кўр.

– Бўлди, қарор қилдим, – деди Кадрусс.

Карконта оғир нафас олди-да, кулбасига кириб кетди, унинг оёғи остида тахта пол ғийқиллагани ва сўнг гавдаси тушган курсининг ғижирлагани эшитилиб турарди.

– Нимага қарор қилдингиз? – сўради аббат.

– Ҳаммасини сизга айтиб беришга қарор қилдим, – деди Кадрусс.

– Очиғини айтганда, яхшиси шундай қилганингиз маъқул, – деди аббат. – Бу сир сақламоқчи бўлган нарсаларимни билиб олиш учун шундай деяпти деб ўйламанг, фақат марҳумнинг хоҳиши асосида меросни тақсимлашга ёрдам берасиз, деб шундай деяпман.

– Мен сизга ишонаман, – деди Кадрусс. Унинг юзлари умид ва тамагирлик-ла ёниб турарди.

– Қулоғим сизда, – деди аббат.

– Бир зум сабр қилинг, – деди Кадрусс, – одамнинг ғаши келтириб суҳбатимизни қизиган жойда бўлиб қўйишлари мумкин. Яна сизнинг бу ерга ташриф буюрганингизни бошқалар билмагани маъқул.

У бориб эшикни қулфлади ва хавф-хатардан батамом соқит бўлиб олиш учун тунги лўкидонни ҳам солиб қўйди. Шу орада аббат ҳам ўзига қулай ўрин топиб олди, ўзини қоронғига олиб, бурчакка ўтирди, ёруғ фақат ҳамсуҳбатининг юзига тушиб турарди. Аббат бошини қуйи солиб, қўлларини қовуштирди-да, бутун вужуди билан ҳикояни тинглашга тахт бўлиб турди.

Кадрусс стулни яқинроқ тортиб аббатнинг рўбарўсига ўтирди.

– Шуни унутмагинки, сени мен мажбур қилганим йўқ! – Карконтанинг титроқ овози эди бу. Аёл пастда нима бўлаётганини гўё девор орқасидан кўриб тургандек эди.

– Ҳа, бўлди, бўлди, – деди Кадрусс, – бас қил, ҳаммасини ўз гарданимга оламан, ҳаммасини!

Сўнг ҳикояни бошлади.

## VI. КАДРУССНИНГ ҲИКОЯСИ

– Дастлаб, – деди Кадрусс, – сен сиздан бир нарсада ваъда беришингизни илтимос қиламан.

– Қанақа ваъда? – сўради аббат.

– Мен айтиб берган маълумотлардан қачон бўлмасин фойдалансангиз, буларни мендан эшитганингизни ҳеч ким билмаслиги керак, мен тилга оладиган одамлар жуда катта кучга ва бойликка эга бўлиб, мени бир чертишда чилпарчин қилиб юборишлари ҳеч гап эмас.

– Азизим, хотиржам бўлинг, – деди аббат, – мен руҳоний, дин мансабдориман, бу сир гўрга киргунимча ичимда сақланади. Шунинг эсида тутингки, сиз билан менинг ягона мақсадимиз – марҳумнинг сўнги дақиқадаги истагини бажо келтиришдир. Ҳеч кимни раъй-андиша қилмай, аммо ўзингизни босиб олиб гапираверинг. Ростини, фақат рост гапни айтинг... Сиз ҳозир тилга оладиган кишиларни мен танимайман ва эҳтимол бундан сўнг ҳам ҳеч вақт танимай ўтарман. Бунинг устига мен француз эмас, итальянман, Худонинг бир қулман. Марҳумнинг охириги истагини бажо келтириш мақсадида – фақат шу мақсадда монастирдан чиқиб бу ёққа келдим, бурчимни адо этгач, яна монастирга қайтаман.

Бу ишончли далиллар, афтидан, Кадрусснинг ишончини комил этди, шекилли, у чеҳраси очилиб деди:

– Ундай бўлса, сизга шўрлик Эдмон ўйлаган дўстлари ҳақиқий дўст эмас, тилёғмачилар эканини айтиб беришим керак.

– Ҳикояни отасидан бошлашингизни илтимос қиламан, – деди аббат. – Эдмон отаси тўғрисида жуда кўп гапирган эди, отасига меҳр-муҳаббати бениҳоя эди унинг.

– Отасининг тарихи жуда қайғули, – деди Кадрусс бошини чайқаб, – бу тарихнинг боши сизга аён бўлса керак.

– Ҳа, аён, – жавоб қилди аббат. – Эдмон Марсель ёнидаги кичик бир ресторанда уни қамоққа олганларига қадар бўлган гапларнинг ҳаммасини менга ҳикоя қилиб берган эди.

– «Резерв» номли ресторанда! Ўша пайтда юз берган воқеа ҳали-ҳозиргача кўз олдимда гавдаланиб турибди.

– Ўша куни уларнинг никоҳ тўйи бўлган, шекилли?

– Тўй шарафига берилган зиёфат жуда зўр хурсандчилик билан бошланган эди, аммо ғам-ғусса билан тугади: ресторанга полиция комиссари тўрт солдат билан кириб келди-да, Дантесни қамоққа олиб кетди.

– Мен воқеани фақат ана шу еригача биламан, – деди аббат. – Дантес фақат шахсан ўзига тааллуқли бўлган нарсани биларди, чунки у ўша дақиқадан сўнг мен сизга номларини айтган кишиларнинг биронтасини кўрмаган ва улар ҳақида ҳеч нима эшитмаган.

– Ана ўшандан кейин, яъни Дантес қамоққа олингач, жаноб Моррель нима гаплигини билиш учун Марселга борди ва жуда қайғули хабар келтирди. Дантеснинг отаси уйига якка қайтиб келди-да, зор йиғлаб тўйда кийган кийимларини ечиб ташлаб, кун бўйи хонасида юриб чиқди ва тунни мижжа қоқмай ўтказди. Мен у вақтда чолнинг хонаси тагидаги уйда турардим, тун бўйи ер тепиб чиққанини ўз қулоғим билан эшитганман, ўшанда ўзим ҳам бир зум кўз юммай тонг оттирганман: чолнинг бошига тушган оғир кулфатдан мен ҳам қайғурдим, азият чекдим, унинг ҳар бир қадам товуши юрагимга ханжар бўлиб санчиларди.

Эртаси куни Мерседес келиб Вильфор жанобларидан раҳм-шафқат қилишни, ҳомий бўлишни илтимос қилган, аммо ҳеч нима қилолмай қайтиб чолнинг ҳузурига кирди, ғамгин ва ноумид шўрликнинг тун бўйи мижжа қоқмаганини ва кечадан буён туз тотмаганини билиб, чолни уйига олиб кетмоқчи бўлди, лекин чол бормайман деб, оёғини тираб туриб олди.

«Йўқ, – деди чол, – қулбамни ташлаб кетмайман. Бечора ўғлим мени ўз жонидан ҳам яхши кўради, мабодо уни турмадан озод қилгудек бўлсалар, у тўппа-тўғри югуриб уйга келади. Келса-ю, бу ердан мени тополмаса нима бўлади? Турли ўй-хаёлларга тушиши мумкин-ку?» Мен зинапоя саҳнида бу гапларнинг ҳаммасини эшитиб турган эдим, мен ҳам, Мерседес ҳам чолни кўндириб олиб кетишини истардим. Тепамда дўп-дўп этиб юрган ташвишли қадамлари менга ором бермасди.

– Наҳотки чолга таскин бериш учун унинг олдига кирмаган бўлсангиз?

– Оҳ, жаноб аббат? – жавоб берди Кадрусс. – Таскинга муҳтожлик изҳор этган кишига таскин бермоқ жоиздир. Чол буни истамади, яна нечундир, у мени кўришни хоҳламагандай сезиларди. Кунларнинг бирида унинг йиғлаб, инграганини эшитиб чиқиб бордим, бироқ эшикка яқин келганимда, йиғини қўйиб дуо ўқиётган экан. У шундай ўткир, гўзал сўзлар билан ибодат қилдики, сизга айтиб бера олмайман, жаноб аббат, унинг сўзлари, Тангридан қилган илтижо-илтимослари ҳар қандай дуо-ибодатдан ҳам кучли эди. Ахир мен художўй эмасман, мунофиқ католикларни жиним сўймайди, шунинг учун ўшанда ўз-ўзимга дедим: «Хайриятки, яккаман, Тангрим менга фарзанд ато этмаган, мабодо фарзандим бўлиб, сўнг шу бахти қаро чол каби дард-алам ўтида ёнсам, Тангрига илтижо қилиш учун бунчалик сўзлар тополмаган ва бу азоб-уқубатларга бардош беролмасдимда, шартта бориб ўзимни денгизга улоқтирардим қўярдим».

– Шўрлик, ота! – деди салгина овоз чиқариб аббат.

– Кундан-кунга одамови бўлаверди чол, уни жаноб Моррель ва Мерседес тез-тез кўргани келишар, бироқ эшик қулф бўларди. Улар тақиллатса ҳам очмасди. Бир сафар у одатини бузиб, Мерседесни қабул қилди. Ўзи ғам-ғусса билан юраги қонга тўлиб юрган бечора қиз унга далда бермоқчи бўлганида, чол бунга жавобан шундай деди: «Қизим, сенга ростини айтяпман, Эдмон дунёдан ўтди, энди биз уни эмас, у бизни кутяпти. Бу мен учун яхши, чунки мен ёшимни яшаб бўлганман, у билан охиратда биринчи бўлиб мен учрашаман».

Киши нақадар меҳр-шафқатли бўлмасин, ҳар кўрганда дилини пора қилиб ташлайдиган одамникига боришдан юраги безиллаб қолади. Пировард натижада кекса Дантес бутунлай ёлғизликка маҳкум бўлди. Шундан кейин унинг хонасига бирон кишининг кирганини кўрганим йўқ. Аҳён-аҳён қандайдир нотаниш кишилар кириб, қўлида тугун кўтариб аста чиқиб кетиб юришди. Кўп ўтмай бу тугунларда нималар борлигини фаҳмлаб олдим: у бисотидаги бор нарсаларини оз-оздан нонга алмаштирган экан. Охирида қолган майда-чуйда ашқол-дашқолларини уй ҳақиғага тўлади.

Ўшандан кейин мен яна уч кун уйни гир айланиб юрганини эшитдим, бироқ тўртинчи куни чолнинг хонасидан

ҳеч қандай товуш чиқмади. Хабар олмоқчи бўлиб борган эдим, эшик қулф экан. Қулф тирқишидан қараб унинг рангида қон йўқ беҳол ётганини кўрдим, тоби қочибди, деб ўйлаб жаноб Моррелга ва Мерседесга хабар қилдим. Улар дарҳол етиб келишди. Жаноб Моррель доктор олиб келди. Доктор ошқозони, ичаги яллиғланибди, деб парҳез овқатлар буюрди. Ўша пайтда мен унинг ёнида эдим, докторнинг гапини эшитиб, чолнинг илжайиб қўйгани ҳали-ҳали эсимда. Шундан кейин у эшикни қулфламай қўйди: энди унинг овқат емасликка ҳақи бор эди, чунки доктор парҳез буюрди-да!

Аббат оҳ тортиб юборди бехосдан.

– Менинг ҳикоям сизга ёқмаяптими, жаноб аббат? – сўради Кадрусс.

– Ҳа, – деди аббат, – жуда таъсирли ҳикоянгиз.

– Мерседес яна иккинчи марта келди, унинг ҳоли жуда оғирлашганини кўриб, уйига олиб кетмоқчи бўлди. Жаноб Моррель ҳам бу фикрга қўшилиб, уни ҳатто зўрлаб олиб кетмоқчи бўлишди. Аммо чол даҳшат солиб қичқириб юборди, улар қўрқиб кетишди. Мерседес чолнинг ёнида қолди. Моррель жаноблари, пул печь устидаги катмонда, деб имо қилиб чиқиб кетди. Лекин чол докторнинг буйруғини пеш қилиб, ҳеч нима емасди. Чол тўққиз кун туз татимай ётиб, уни бахти қаро этганларга минг-минг лаънатлар ўқиб дунёдан ўтди. У Мерседесга: «Мабодо қачон бўлмасин Эдмонни учратиб қолсангиз, даданг сендан рози бўлиб ўлди, денг», – деб тайинлаганди.

Аббат ўрнидан турди-да, қалтираб турган қўлини қақраб бораётган томоғига босиб, хонани икки бор айланиб чиқди.

– Сиз уни очликдан ўлди, деб ўйлайсизми?

– Очликдан, жаноб аббат, очликдан! – деди жавобан Кадрусс. – Менинг бунга имоним комил, ҳа, комил!

Аббат ярим стакан сувни қалтироқ қўллари билан олди-да, даст кўтариб ичиб юборди ва жойига ўтирди. Унинг кўзлари қизариб, ранги ўчиб кетган эди.

– Бу ниҳоятда оғир бахтсизлик, тушундингизми, катта бахтсизлик, – деди у бўғиқ овозда.

– Бу Тангрининг қаҳр-ғазабдан эмас, нопок, ифлос, виждонсиз кишиларнинг қилмишидан, шуниси кишини ғазаблантиради.

– Қани, энди ўша кишилар масаласига ўтайлик, – деди аббат. – Ҳаммасини оқизмай-томизмай тўкиб соламан, деб ваъда берганингизни унутманг, – деди у пўписаомуз. – Ўғлини дилхасталик, отасини эса очлик билан гўрга тикқан бу зотлар ким ўзи?

– Иккитаси унга ҳасади келиб, ичқоралик қилиб юрарди: бири ишқ-муҳаббат йўлида, иккинчиси шуҳратпарастлик қилиб. Бунинг биринчиси Фернан, иккинчиси Данглар.

– Ҳасад уларни қандай ёмон ўулларга судради? Қани, айтинг!

– Улар, бу бонапартчилар агенти, деб Эдмон устидан маълумот ёзишди.

– Маълумотни қайсиниси берган эди? Ҳақиқий айбдор ким?

– Иккови, жаноб аббат, иккови, бири маълумотни берди, иккинчиси олиб бориб почтага ташлади.

– Бу хат қаерда ёзилган эди?

– Худди «Резерв»нинг ўзида, тўйдан бир кун олдин.

– Худди айтганидек бўлиб чиқди-а, – деди шивирлаб аббат. – Оҳ, азизим Фариа, Фариа! Одамлар ва уларнинг кирдикорларини сендан ҳам яхши биладиган инсон бўлмаса керак бу дунёда!

– Нималар деяпсиз? – сўради Кадрусс.

– Ҳеч нима, – жавоб қилди аббат, – давом этаверинг ҳикоянгизни.

– Данглар, хатимни таниб қолмасинлар, деб маълумотни чап қўли билан ёзди, Фернан олиб бориб почтага ташлади.

– Сиз ҳам уларнинг олдида эдингиз-да ўша вақтда! – хитоб қилди дабдурустан аббат.

– Мен? – деди таажжубланиб Кадрусс. – Биров сизга мени ўша ерда эди, деб айтдимми?

Аббат ҳаддан ошиб кетганини сезиб қолди.

– Ҳеч ким айтгани йўқ, – деди у, – бироқ бу каби тафсилотларни билган киши воқеанинг тепасида бўлиши керак-да.

– Ҳақ гапни айтдингиз, – деди босиқ овоз билан Кадрусс, – мен тепасида эдим.

– Шундай экан, сиз нега уларнинг бу разил ишига қаршилиқ кўрсатмадингиз? – деди аббат. – Демак, сиз шерик экансиз-да, улар билан.

– Жаноб аббат, – жавоб қилди Кадрусс, – улар мени обдан ичириб маст қилиб қўйишди, ақлимни йўқотиб қўйиб, кўзим хира тортиб уларни зўрға кўрадиган бўлиб қолдим. Шундай аҳволда бўлсам ҳам мен уларни йўлдан қайтаришга ҳаракат қилиб кўрдим, бироқ улар ҳазиллашяпмиз, бунинг ҳеч қандай оқибати бўлмайди, деб мени ишонтиришди.

– Эртасига-чи? Уша куннинг эртаси куни уларнинг бу разил қилмиши ёмон оқибатга олиб борганини кўрганингиздан кейин-чи? Дантесни қамоққа олганларида ҳам ўша ерда бўла туриб фикр этмай тураверибсиз-да?

– Тўғри, қамоққа олаётганларида бор эдим, гапирмоқчи бўлдим, ҳаммасини айтиб бермоқчи эдим, аммо Данглар шаштимни қайтариб қўйди.

«У чиндан ҳам айбдор бўлса-чи, – деди менга, – чиндан ҳам Эльба оролига борган бўлса, унга Париждаги бонапартчилар уюшмасига хат бериб юборишган бўлса, мабодо шу хатни унинг чўнтагидан топиб олишса, у вақтда уни ҳимоя қилувчиларни шериги деб айблашлари турган гап».

– Мен оғир замонда сиёсат ишларига аралашиб қолмайин, деб кўрқдим-да, жим бўлиб қолдим. Бу ерда мен кўрқоқлик, номардлик қилдим, бунга иқрор бўламан ўзим, бироқ кўрқоқлик – жиноят эмас.

– Тушуниб турибман, сиз қўлингизни ювиб қўлтиғингизга уриб қўя қолгансиз.

– Тўғри, жаноб аббат, – жавоб қилди Кадрусс, – ўшандан буён виждон азобида кечаю кундуз изтироб чекиб келяпман. Сизга онт ичиб айтаманки, бу гуноҳимни кечиришини сўраб Парвардигорга жуда кўп марта ялиниб-ёлвордим. Ахир ҳаётимда йўл қўйган ана шу биттаю битта гуноҳ бошимга тушган ҳамма кулфатларнинг сабабчиси-ку! Гуноҳимни ювишга ҳаминша ҳаракат қиламан... Шунинг учун ҳам, Карконта тақдирдан нолиб валдираганида: «Овозингни ўчир, Худойимнинг ўзи пешанамизга ёзгани шу», дейман ҳар гап.

Кадрусс чиндан ҳам тавба-тазарру қилиб бош эгди.

– Бу самимийлигингиз мақтовга сазовордир, – деди аббат, – айбини бўйнига олиб, афсусланган кишининг гуноҳини кечирмоқ керак, албатта.

– Бахтга қарши, – деди Кадрусс, – Эдмон менинг гуноҳимни кечиришга улгурмай дунёдан ўтди.

– Бу гапларни у билмасди... – деди аббат.

– Эҳтимол, энди билиб олгандир, – деди эътироз билдириб Кадрусс, – ўликлар ҳамма нарсадан хабардор, дейишди.

Ўртага сукунат чўкди. Аббат ўрнидан турди-да, хаёл сурган ҳолда хонада бир оз юрди, сўнг яна қайтиб келиб жойига ўтирди.

– Сиз бир неча марта Моррель деган кишининг номини тилга олдингиз, – деди аббат. – Ким у?

– «Фараон» кемасининг эгаси, Дантеснинг хўжайиғи.

– Бу қайғули ишларда у одамнинг иштироки қанақа? – сўради аббат.

– У виждони пок, дадил ва меҳрибон одам эканлигини кўрсатди бу ишда. Йигирма марта Дантесни озод қилишларини илтимос қилиб борди қироллик прокуратурасига. Император тахтга қайтганда хат ёзиб илтимослар қилди, пуписи ҳам қилиб кўрди, сўнг иккинчи реставрация даврида унинг ўзини, бонапартчи деб роса таъқиб остига олишди. У ўн марта Дантеснинг отаси ҳузурига келиб, уйига олиб кетмоқчи бўлди, у чол вафот этишидан бир кун ёки икки кун олдин печка устига пул қўйиб кетганини ҳали айтгандим сизга, чолнинг қарзларини ана шу пулдан тўлашди, кўмиш харажатларига сарф қилишди, натижада чол ҳеч кимга оғирлиги тушмай, ҳамма қарзларидан халос бўлиб дунёдан ўтди. Моррель пул солиб ташлаб кетган ўша катмон менда; қўлда тўқилган бежирим қизил катмон.

– Ўша жаноб Моррель ҳаётми ҳозирам? – сўради аббат.

– Ҳаёт, – деди Кадрусс.

– Худонинг ўзи ёрлақабди-да уни. Бой, ўзига тўқ, бахтиёрми у одам?

Кадрусс заҳарханда қилди:

– Бахтиёр бўлганда ҳам менга ўхшаш бахтиёр, – деди у.

– Жаноб Моррель бахтсизми ҳали? – хитоб қилди аббат.



– У ҳозир қашшоқлик жари ёқасида турибди, жаноб аббат, бунинг устига у бегуноҳни айблаб, шарманда қилмоқчилар.

– Нечун?

– Шунинг учунки, йигирма беш йил меҳнат эвазига Марсель савдогарлари ўртасида эндигина фахрли ўринни эгаллаган жаноб Моррелнинг ишлари касодга учраб, шипшийдам бўлди. Икки ой мобайнида бешта кемадан ажралди, уч марта касофатга учраб, моллари ўтмай қолди, энди унинг бутун умиди бир вақтлар шўрлик Дантес қўмондонлик қилган «Фараон»дан. Яқинда у Ҳиндистондан юк олиб қайтади. Агар бу кема ҳам илгаригиларидек чўкиб кетса, жаноб Моррель батамом ҳалок бўлади.

– У шўрликнинг хотини, болалари борми?

– Ҳамма нарсага чидаш берадиган хотини бор, қизи эрга тегмоқчи эди, бироқ йигитнинг ота-онаси камбағалнинг қизига уйланишга йўл бермади ўғлига. Яна бир офицер ўғли бор, бироқ буларнинг ҳаммаси бечора Моррелнинг кўнглига тасалли беролмайди, аксинча, қайғусига қайғу қўшади. Якка ўзи бўлганда аллақачон ўзини чаккасидан отиб ёруғ дунё билан хайрлашарди.

– Даҳшат! Даҳшат! – деди шивирлаб аббат.

– Мана, кўрдингизми жаноб аббат, – деди Кадрусс, – Тангри ўктам, дилкаш кишиларни ана шундай аҳволга солиб қўяди. Мана, мени мисолга олишингиз мумкин, умримда инсон боласига ёмонлик қилганим йўқ, шунга қарамай, қашшоқликка маҳкум бўлиб ўтирибман. Хотиним бечорани безгак қийноққа солгани солган, мен унга ҳеч қандай ёрдам беролмайман, ёрдам беришга қодир эмасман, ўзим ҳам Дантеснинг отаси каби очдан ўламан. Фернан ва Данглар эса олтинга ботиб ётибди.

– Қандай қилиб?

– Уларнинг ошиғи олчи ҳозир, виждони пок кишилар эса иши ўнгидан келмай хароб бўляпти.

– Дангларнинг аҳволи қалай? Ахир, асосий айбдор, биринчи бўлиб фитнани бошлаган ўша Данглар-ку, тўғрими?

– У Марселдан кўчиб кетди, унинг жиноятларидан беҳабар Моррель жанобларининг тавсияси билан бир испан банкига ишга жойлашиб олди. Испан уруши вақтида Франция

армиясига қурол-аслаҳа етиштириб бериш иши билан шуғулланиб, бойиб кетди. Сўнг биржада найранг ишлатиб бойлигини уч баравар ошириб олди, ўз банкирининг қизи бўлган хотини билан ажралиб, ҳозирги қирол камергери жаноб де Сервьёнинг қизи бева Наргони хонимга уйланди. Бу камергер ҳозир қиролнинг энг севимли сарой ходимларидан ҳисобланади. У миллионлаб бойликка эга бўлиб олди, барон унвонига сазовор, энди уни барон Данглар, деб улуғлашади. Унинг Монблан кўчасида ажойиб саройи, ўнта дулдул оти бор, биргина ташқари ҳовлисида олти хизматкор ишлайди. Сандиғида неча миллиони бор экан, Худо билади.

– Уҳ-ҳў, шундай денг ҳали, – деди аббат ғалати оҳангда.  
– Демак, жуда бахтиёр экан-да жаноб Данглар?

– Бахтли дейсизми? Ким билсин? Бахтлими, бахтсизми буни ўша кошонанинг тўрт девори ичидагилар билади, деворлар билади, деворларнинг фақат қулоғи бору, тили йўқда. Эндигисини айтганда мабодо бойлик бахтиёрлик бўлса, унда Дангларнинг бахтиёр эканига шубҳа йўқ.

– Фернан-чи! У қалай?

– Фернаннинг иши яна зўр, жуда омади келган.

– Саводсиз, ақчасиз камбағал каталан балиқчиси қанақа қилиб бойиб кетди экан? Очиғи, мен бунга тушунолмамай ҳайрон бўляпман.

– Бунга ҳамма ҳайрон, афтидан унинг қилмиш-қидирмишларида ҳеч ким билмайдиган бир сир бўлса керак.

– У қандай йўл билан катта бойликка ва юксак мансабга эга бўлиб олди экан?

– У бунинг иккисига: бойликка ҳам, юксак мансабга ҳам эга.

– Фақат чўпчакларда бўлади бунақаси!

– Тўғри, бу чиндан ҳам чўпчакка ўхшайди, лекин қулоқ солинг, сўнг ҳаммаси аён бўлади сизга.

Император келишидан бир неча кун олдин Фернан солдатликка чақирилганлар рўйхатига тушиб қолди. Бурбонлар унга тегмадилар. Бироқ Наполеон қайтиши билан армияга фавқулодда чақириш тўғрисида буйруқ чиқиб, Фернан армияга боришга мажбур бўлди. Мен ҳам бордим, бироқ Фернандан ёшим катталиғи ва яқиндагина бахти қаро хо-

тинимга уйланганим сабабли мени қирғоқ соқчиси қилиб тайинлашди. Фернан эса ҳаракатдаги армия сафига тушиб, полк билан чегарага жўнади ва у ерда Линьядаги жангларда қатнашди.

Жангдан кейинги тунда у душман билан алоқада бўлган бир генералда ординарец бўлиб турган, худди шу кечаси ҳалиги генерал инглизлар томонига қочиб ўтмоқчи экан, у Фернанга кузатиб боришни таклиф этган. Фернан бунга рози бўлиб, постини ташлаган-да, генерал кетидан жўнаган.

Наполеон тахтда қолганида Фернан бу қилмиши учун ҳарбий судга бериларди, бироқ Бурбонлар буни унинг катта хизмати, деб билишди. У Францияга подпоручик унвони билан қайтди, бояги генерал қиролнинг марҳаматига сазовор зот бўлиб, Фернанни ўз қаноти остига олди, бир минг саккиз юз йигирма учинчи йили, испан уруши вақтида, яъни Данглар эндигина савдо-сотик ишлари билан шуғуллана бошлаган пайтларда унга капитан унвонини беришди. Фернан аслида испан қабиласидан, шунинг учун уни кайфиятни билиб келиш учун Мадридга юборишди. Мадридда у Данглар билан учрашиб тил бириктирган, ўз генералига пойтахтда, чет вилоятларда роялистларнинг ёрдамини уюштиришга ваъдалар бериб, ундан ҳам ваъдалар олиб полкини фақат ўзига маълум ва роялистлар сақлаб турган дарадан олиб ўтган, хуллас, ўша қисқа муддатли ҳарбий жангда дурустгина хизмат кўрсатиб, Трокадеро ишғол қилингандан сўнг унга полковник унвонини беришди. Фахрий легион крести ва граф деган унвон билан мукофотлашди.

– Ё алҳазар! Ё алҳазар! – деди оҳиста аббат.

– Сабр қилинг, ҳали давоми бор. Испан уруши тугади. Европада узоқ тинчлик бўлиши кутилаётган эди, бу эса Фернаннинг мансаб-мартабасига путур етказиши мумкин эди. Аммо шу пайт Греция Туркияга қарши кўзғолон кўтарди, мустақиллик учун уруш бошланди. Умумнинг диққат-этибори Афинага қаратилди. У вақтлари грекларга раҳм қилиш ва уларни қўллаб-қўлтиқлаш расм бўлиб қолган эди. Франция ҳукумати грекларга очик кўмаклашмаса-да, уларга ёрдам беришга рухсат этган эди. Фернан армия сафида туриб Грецияга боришга рухсат олди.

Бир оз вақт ўтгач маълум бўлдики, граф де Морсер (у ўзига шундай ном қўйиб олганди) генерал-инструктор ун-вонида Али пошшога хизматга ўтди. Сизга ҳам маълум бўлса керак, Али пошшони ўлдирдилар, ўлим тушагида у Фернанга жуда катта туҳфа берибди. Францияга қайтгач, Фернанга генерал-лейтенант унвонини беришди.

– Ҳозир-чи? Ҳозир қалай?.. – сўради аббат.

– Ҳозир ҳам, – деди Кадрусс. – Парижда, Эльдер кўчаси-даги йигирма еттинчи рақамли ажойиб кошонада роҳат-фароғатда яшаяпти.

Аббат бир нарса демоқчи бўлди, журъат этолмади, шеклли, жим бўлиб ўйлаб қолди. Ахири ўзига далда берди-да, сўради:

– Мерседес-чи? Айтишларига қараганда, у яшириниб олганмишми?

– Яшириниб бўпти! – деди Кадрусс. – Ҳар куни эрталаб яна-да кучлироқ нурланиб чиқадиган қуёш қандай яширинса у ҳам шундай яширинади-да.

– Унинг бошига ҳам бахт қуши қўнмаганмикин? – сўради аббат кинояли илжайиб.

– Париж оқсуяклари гуруҳидаги машҳур хонимлардан бири ҳозир Мерседес, – деди Кадрусс.

– Давом эттиринг ҳикоянгизни, – деди аббат, – мен бир ажойиб эртақ эшитаётгандек бўляпман. Бироқ бунақанги фавқуллодда воқеаларни ўзим ҳам учратганман, шу сабабли ҳикоянгиз унча таажжубга солаётгани йўқ мени.

– Мерседес дастлабки чоғларда Эдмондан ажралиб ҳижрон ўтида куйиб ёнди. У жаноб Вильфорга ялиниб-ёлворганини ва Дантеснинг отасига садоқат билан ғамхўрлик қилганини бошда айтгандим сизга. Фернан полкка кетгандан сўнг Мерседеснинг дард-алами яна ошди, бечора қиз унинг жиноятларидан беҳабар эди ва уни акаси сифатида ҳурмат қиларди...

Фернан кетиб, Мерседес ёлғиз қолди.

Уч ой қон йиғлади. На Эдмондан, на Фернандан дарак бор, қайғу-аламда куйиб тамом бўлаётган чолдан бошқа ҳеч ким қолмади.

Кунлардан бир кун Мерседес Марселдан Каталанига борадиган икки йўл оралиғида ҳар галгидек кун бўйи инти-

зор бўлиб ўтира-ўтира ғам-ғуссага тўлиб қайтди. Бу йўлларнинг бирортасидан севгилиси ҳам, дўсти ҳам қайтиб келмади, улар тўғрисида жиндек хабар ҳам ололмади.

Шу пайт тўсатдан таниш қадам товуши эшитилди. Мерседес ҳаяжонланиб орқасига ўгирилди, эшик очилди-да, рўбарўда подпоручик либосида Фернан пайдо бўлди.

Мерседес уни соғиниб қон йиғламаган бўлса-да, бироқ ўтмиш тотли дамларининг ҳеч деганда ярми қайтиб келгандек туюлди. Мерседес қувончга тўлиб Фернаннинг қўлидан тутди, подпоручик эса буни ишқ-муҳаббат рамзи деб тушунди. Аммо аслида бу ёлғизлик азобида тоқати тоқ бўлган қизнинг, энди ёлғиз эмасман, ҳамдард дўстим ёним-да, деб шодланиши эди, холос, шуни ҳам эътироф этиш керакки, Фернан Мерседесни нафратлантирадиган, жиркантирадиган бирор қилиқ кўрсатгани йўқ, аммо қизнинг муҳаббатига сазовор бўлолмади ҳам. Мерседеснинг юрагидан маҳкам жой олган бошқа одам эди, бу одам эса узоқда, жуда узоқда... гумдон бўлиб кетди... Эҳтимол дунёдан ўтгандир. Хаёлидан шу фикр ўтганда Мерседес фиғон чекиб йиғлар эди. Аммо илгарилари бировлар шундай деганда рад этиб юрган Мерседеснинг ўзи энди беихтиёр, шунга ишона бошлади. Кекса Дантес унга тинмай: «Эдмонимиз ўлган, тирик бўлса аллақачон қайтиб келарди», дерди.

Чолнинг вафот этганини юқорида айтган эдим сизга. У ўлмаганда, эҳтимол Мерседес бошқа ҳеч кимга эрга чиқмаган бўлур эди. Чол унга, бевафолик қилдинг, деб таъна қилган бўлур эди. Фернан буни тушунарди. У чол вафот этганини эшитиб, қайтиб келди. Бу гап у поручик бўлиб келди. Биринчи сафар келганида у Мерседесга муҳаббат тўғрисида ҳеч нима демаган эди. Иккинчи гап келганида, муҳаббатини изҳор этди. Мерседес яна ярим йил Эдмонни зор йиглаб кутмоқчи эканини айтди.

– Ростанам, – деди аббат заҳарханда қилиб, – ахир бир ярим йил чидаш ҳазилакам гап эмас! Ўлгудек яхши кўрадиган ошиқ ҳам бундан ортиқ нимани талаб қилиши мумкин? – сўнг у инглиз шоирининг қуйидаги сўзларини аста қўшиб қўйди: «Сенинг номинг, э хотин, беқарорлик!»

– Ярим йил ўтгач, – давом эттирди ҳикоясини Кадрусс. – Аккуль черковида никоҳлари бўлди.

– Мерседес Эдмон билан ҳам ана шу черковда никоҳ қилмоқчи эди, – деди шивирлаб аббат, – қайлиқни ўзгартирибди, холос.

– Шундай қилиб, Мерседес эрга чиқди, – деди Кадрусс ҳикоясини давом эттириб, – у сиртдан осойишта кўринсада, ишқ ўти юрагининг энг тўрида ҳамон ёниб турган киши билан бундан бир ярим йил муқаддам унаштириш маросими ўтган «Резерв» ёнига келганда, Мерседес ҳушидан кетиб қолди.

Фернан бахтга муяссар бўлди-ю, аммо кўнгли ором топмади. Ўша вақтлари уни кўриб турардим. Эдмон келиб қолади, деб ҳамиша ваҳимага тушиб юрарди. Шунинг учун Фернан хотинини олиб узоқроқ жойга кўчиб кетишга ҳаракат қилди. Каталани хавф-хатарли ва кўп воқеаларни эсга солиб турадиган жой эди.

Тўйдан икки ҳафта ўтгач, улар жўнаб кетишди.

– Шундан кейин сиз Мерседесни бирор марта учратдингизми? – сўради аббат.

– Учратдим, испан уруши вақтида Перпиньянда, Фернан уни шу шаҳарга қўйиб кетган эди, Мерседес ўғлини тарбиялаш билан банд экан.

Аббат титраб кетди.

– Ўғлини дедингизми?

– Ҳа, – жавоб қилди Кадрусс, – кичкина Альберни.

– Ўғлини ўқитаётган бўлса, – деди аббат, – демак, ўзи ўқиб маълумотли бўлиб олган экан-да? Эдмон менга, Мерседес оддий балиқчининг қизи, гўзал, аммо саводсиз, деган эди, адашмасам.

– Демак, Эдмон ўз қаллиғини яхши билмас экан-да? – деди Кадрусс, – жаноб аббат, агарда тахтга ҳамиша фақат энг гўзал ва оқилларни ўтқозишганда Мерседес, шубҳасиз, қиролча бўларди. Тақдир тақозоси билан у юқори поғонага кўтарилди, унинг ўзи ҳам ҳар жиҳатдан тобора қаддини ростлаб, нуфуз қозона берди. Рассомликка ўқиди, кўп нарсани ўрганди. Гап орамизда қолсин: чамамда у фикри хаёлини қочириш, овуниш ниятида шуғулланиб юрди бу ишлар билан. Эндиликда буларнинг ҳаммаси барҳам еди, бойлик ва иззат-ҳурматлар билан овуниб қолган Мерседес тақдирига тан бериб қўя қолди. У бой, асилзода, аммо шунга қарамай...

Кадрусс тўхтаб қолди.

– Хўш? – сўради аббат.

– Шунга қарамай Мерседес бахтли эмас, бунга имоним комил.

– Нимага асосланиб шундай деяпсиз?

– Шунга асосланибки, мен қашшоқлашиб оғир аҳволга тушиб қолганимда илгариги дўстларим ёрдам қилмасмикин, деган умидда Дангларнинг олдига бордим, бироқ у мени ҳатто қабул қилмади. Сўнгра Фернан ҳузурига бордим, у малайидан менга юз франк бериб юборди.

– Демак, икковиниям кўролмабсиз-да?

– Кўролмадим, бироқ графиня де Морсер мени кўрди.

– Қандай қилиб?

– Қайтиб чиқаётганимда оёғим остига «шалп» этиб бир кармон келиб тушди, унда йигирма беш луидор бор экан. Дарҳол бошимни кўтарсам рўпарамда Мерседес турарди. У деразани бекитиб олди.

– Жаноб де Вильфор-чи? – сўради аббат.

– У билан ҳеч маҳал дўстона муносабатда бўлган эмасман, уни танимасдим ҳам, шунинг учун ундан ёрдам сўраб боришим мумкин эмасди.

– Унинг аҳволи қалай экан ҳозир? Эдмонни кулфатга солган ишга у қандай қилиб қатнашган экан? Бундан хабарингиз борми?

– Хабарим йўқ, Эдмон қамоққа олинганидан сўнг бир оз вақт ўтгач, у мадемуазель де Сен-Меранга уйланди-да, Марселдан кўчиб кетди. У ҳам бошқалар сингари бахтиёр бўлса керак, Данглар каби бой, Фернан каби мартабаси улўғ бўлса керак. Фақат менгина қашшоқликка маҳкум бўлиб, Худонинг марҳаматидан маҳрум, ночор ҳолга тушиб қолдим, мана буни ўзингиз кўриб турибсиз.

– Бу гапингиз тўғри эмас, азизим, – деди аббат. – Худонинг олий, одил суди кечикяпти бир оз, шунинг учун унинг марҳаматидан четда қолаётгандек сезамиз ўзимизни. Бироқ вақт-соати келиб Тангрим бизни ҳам ёрлақайди, мана унинг далили.

Аббат шундай деди-да, чўнтагидан олмосни олиб Кадрусга узатди.

– Азизим, мана, – деди у, – олинг буни, бу олмос сизники бўлди.

– Менгами? Бир ўзимгами? – қичқириб юборди Кадрусс.  
– Қўйинг-э, жаноб аббат! Мазах қиялпсизми мени!

– Бу олмосни Эдмоннинг дўстлари ўртасида тақсимлаб бериш керак эди. Маълум бўлдики, Эдмоннинг биттагина дўсти бор экан. Демак, тақсимлашга ҳожат қолмади. Бу олмосни сотинг. Илгари сизга айтганимдек, бу эллик минг франк туради, бу пул сизни қашшоқликдан қутқарса керак, мен бунга аминман.

– Жаноб аббат, – Кадрусс бир қўлини аста олмосга уза-тиб, иккинчи қўли юзидан шариллаб оқиб турган терни ар-тиб. – Жаноб аббат, қўйинг бу ҳазилингизни, илтимос қила-ман, нима қиласиз мен бахти қаронинг ярасига туз сепиб.

– Менга бахтиёрлик шавқи-завқи ҳам, бахти қаролик мусибатлари ҳам жуда таниш, ҳаёт эканман, ҳеч вақт, ҳеч қаерда бундай туйғуларни ҳазилга йўймайман. Олинг ахир буни... Фақат бунинг эвазига...

Кадрусс олмосга тегиб турган қўлини бирдан тортиб олди.

Аббат кулиб деди:

– Эвазига жаноб Моррель кекса Дантес печининг усти-да қолдириб кетган катмонни беринг, у менда турибди, де-ган эдингиз.

Кадрусс таажжуб-ла ўрнидан турди ва эман дарахтидан ясалган шкаф ёнига бориб, очди-да, қизил қалин шойи кат-монни олиб аббатга узатди.

Аббат катмонни олиб, олмосни Кадруссга берди.

– Сиз ҳақиқатан авлиё экансиз, жаноб аббат, – деди Кад-русс. – Эдмон бу олмосни сизга берганини ҳеч ким кўрга-ниям, билганиям йўқ, буни ўзингиз олиб қолсангиз ҳеч ким билмасди.

«Ҳа-ҳа, – деди ичида аббат, – бу гапингдан, мен сизнинг ўрнингизда бўлсам шундай қилардим, демоқчи бўлаётган-нинг сезилиб турибди».

Аббат ўрнидан туриб қалпоғини ва қўлқопини олди.

– Менга қаранг! – деди у. – Мен айтганларингизнинг ҳам-маси ҳақиқат деб ишонсам бўладими?

– Жаноб аббат? – деди Кадрусс. – Мен Худо олдида, авлиё-анбиёлар олдида тиз чўкиб қасамёд қиламанки, айт-ган сўзларимдан бирортаси ёлғон эмас.



– Жуда соз, ундай бўлса, – деди аббат Кадрусснинг юракдан айтган сўзларига ишониб, – жуда соз. Бу ақча сизнинг мушкулингизни осон қилсин! Хайр. Мен қилмиши бир-бирига гўр қазишдангина иборат кишилардан ўзимни узоққа олиб кетдим яна.

Аббат қовоқхоначи Кадрусснинг тўлиб-тошиб айтаётган гапларини беоқибат қолдириб, эшик томон зўрға юриб борди ва эшикни ўзи очиб, ташқарига чиқди, кейин отига минди-да, ҳамду сано ўқиётган қовоқхоначи билан яна энгашиб хайрлашди ва келган томонига отини йўрттириб кетди.

Кадрусс орқасига ўгирилганда кетидан Карконта титраб турарди, аёл илгаригидан баттарроқ бўзариб кетган эди.

– Ўз қулоғимга ўзим ишонмаяпман, Кадрусс! Ростданми? – деди у.

– Нима ростданми? Олмос бутунлайин бизга қолгани ростданми деяпсанми? – деди Кадрусс терисига сифмай шодланиб.

– Ҳа.

– Ростдан! Мана олмос менда.

Хотини бир тикилиб қаради-да, нафаси бўғилиб, деди:

– Бу олмос қалбаки эмасмикан?

Кадрусс бўзариб, гандираклаб кетди.

– Қалбаки! – деди у овозини зўрға чиқариб. – Қалбаки. Ахир у, қалбаки олмос бериб бирор наф кўрармиди?

– Сирларни текинга билиб олиш учун-да, эй каллаварам, шунгайм тушунмайсанми?!

Бу гапдан Кадрусс турган жойида тошдек қотиб қолди. Бир дам фик этмай турди-да, сўнг қалпоғини олди ва бошига ўроғлиқ қизил рўмоли устидан кийиб, эшик томонга югурди.

– Биз буни ҳозир аниқлаб оламиз, – деди у.

– Қандай қилиб?

– Бокэрда ярмарка бор, у ерга Париждан заргарлар келиб туради. Бориб олмосни уларга кўрсатаман. Сен уйга қараб тур, икки соатда қайтиб келаман.

Кадрусс шундай деди-да, йўлга чиқиб номаълум аббат кетган томонга эмас, унга қарши томонга жўнади.

– Эллик минг франк! – деди мингиплаб якка қолган Кар-  
конта. – Бу пул... аммо бойлик эмас.

## VII. ТУРМА РҲҲАТИ

Бельгард билан Бокэр ўртасидаги йўл устида биз тасвир этган суҳбатдан бир кун ўтгач, тўқ зангори фрак, малла ранг шим ва оқ нимча кийган, юриш-туриши талаффузидан инглизни эслатувчи ўттиз ёшга борган бир киши Марсель шаҳри ҳокимининг ҳузурига келди.

– Муҳтарам жаноб, – деди у, – мен Римдаги Томсон ва Френч банкирлар хонадонининг бош агентиман. Роса ўн йилдирки, биз Марселдаги «Моррель ва ўғли» савдо хонадони билан алоқадамиз, бу фирма билан сармоямиз юз минг франкка боради, яқинда ана шу фирма синиб, таназзулга юз тутяпти, деган хабарни эшитиб, ташвишга тушиб қолдик... Римдан шахсан келишимнинг боиси ҳам шу, ўша савдо хонадони тўғрисида маълумот олишдир.

– Муҳтарам жаноб, – деди шаҳар ҳокими, – менга маълум бўлишича, чиндан ҳам сўнгги йилларда жаноб Моррелнинг ишлари чаппа кетиб, кўп бахтсизликларга учраяпти, у бирин-кетин тўрт-беш кемасидан ажралди ва бир неча бор савдо-сотик ишида синиб, зарар кўрди. Аммо у менинг ўзимдан ҳам ўн минг франк қарз бўлса-да, унинг молиявий аҳволи тўғрисида сизга бирор маълумот беришни эп кўрмайман ўзимга. Мабодо сиз мендан, шаҳар ҳокими сифатида жаноб Моррель қандай одам ўзи, деб сўрасангиз, жавоб беришим мумкин: у виждони пок, жуда ҳалол, ўз гарданидаги бурчларини ҳозиргача сидқидилдан бажариб келаётган зотлардан бири. Мана, унинг тўғрисида сизга менинг айтадиган сўзим шу. Агар бу сизга камлик қилса, турмалар инспектори жаноб де Вовилга мурожаат қилинг, у Ноайль кўчасидаги ўн бешинчи уйда туради. Жаноб де Бовиль, янглишмасам, бу фирмага икки юз минг франк қўйган, бу меникидан йигирма баробар ортиқ, фирмадан хавфланишга бирор асос бўлса, ўша одам сизга батафсил маълумот бериши мумкин.

Инглиз, шаҳар ҳокимининг назокатли сўзларидан мамнун бўлди шекилли, таъзим қилиб хайрлашди-да, кўчага чи-

қиб, ростдан ҳам банк даъвогари сингари гердайиб турма-лар инспекторининг уйи томон йўл олди.

Жаноб де Бовиль хонасида ўтирган эди. Инглиз уни кўрди-да, гўё таниш одамани учратгандек ажабланиб, турган жойида тақа-тақ тўхтаб қолди. Бироқ жаноб де Бовил-нинг бутун фикр-хаёли ягона бир нарса билан банд бўлиб, шу қадар дилхаста эдики, ўтмишни эсга оладиган ҳоли йўқ эди унинг. Инглиз, ўз миллатига хос одат билан пинагини бузмай, турмалар инспекторига ҳам шаҳар ҳоқимига бер-ган саволларини берди.

– Оҳ, жаноб! – деди хитоб қилиб жаноб де Бовиль, – бахтга қарши хавфланишингизга тўла асос бор, мана кўриб турибсиз менинг ҳам умидларимни пучга чиқариб, бошим-ни қотириб қўйган ўша фирма. Жаноб Моррель менинг ҳам икки юз минг франк дастмоемни ишлатиб туриб эди. Бу икки юз мингни қизимнинг тўйига атаб қўйган эдим, тўйга икки ҳафта қолди. Жаноб Моррель менинг ўша пулимни иккига бўлиб тўлаши керак эди, шу ойнанинг ўн бешида юз мингини, келаси ойнанинг ўн бешида қолган юз мингини. Жаноб Моррелга пулни албатта белгиланган муддатда оли-шим шарт, деб хабар қилдим, ярим соат олдин у келиб, агар кемам «Фараон» ўн бешинчи санада етиб келмаса пу-лингизни тўлай олмайман, деб кетди.

– Бу унинг, тўлаш муддатини кейинга суриш керак, дегани бўлса керак, – сўз қотди инглиз.

– Йўқ, очиги мен таназулга юз тутдим, дегани унинг! – қичқирди жаноб де Бовиль икки кўли билан бошини чан-галлаб.

Инглиз бир оз ўйлаб турди-да, деди:

– Бу қарз мажбурияти сизни хавфга солаяпти, шекилли, шундайми?

– Мен ундан умидимни ўзиб қўя қолдим энди.

– Мен сотиб оламан уни.

– Сиз-а?

– Ҳа, мен.

– Албатта катта чегирма билан оларсиз-да?

– Йўқ, икки юз минг франкка, бизнинг савдо хонадони-миз бунақа олди-сотди билан шуғулланмайди.

– Сиз менга қай хилда тўлайсиз уни?

– Нақд пул билан.

Инглиз чўнтагидан бир даста пул чиқарди, бу жаноб де Бовиль маҳрум бўлиб қолишдан қўрққан суммадан икки баробар кўп эди, чамаси.

Жаноб де Бовиль қувониб кетди, бироқ у ўзини босиб, деди:

– Муҳтарам жаноб, мен сизни огоҳлантириб қўяйки, бу сумманинг олти фоизини ҳам қайтариб ололмайсиз сўнг.

– Менинг бу билан ишим йўқ, – жавоб қилди инглиз, – бу банкир Томсон ва Френч хонадонининг иши. Мен уларнинг вакили сифатида иш олиб боряпман. Эҳтимол, банк хўжайини рақиб фирманинг синиб, ҳалок бўлишидан манфаатдордир. Қандай бўлмасин, мен ўша пулни ҳозир сиздан олдиберди ҳақидаги актни олиб нақд санаб беришга тайёрман. Фақат менга ширинкома берсангиз бўлгани.

– Албатта, албатта! Бунга сиз ҳақлисиз! – деди жаноб де Бовиль. – Одатда ширинкома бир ярим фоиз бўлади. Аммо ундан кўпроқ беришга тайёрман. Қанча бўлган: икки фоизми, уч ёки бешми? Ёки бундан ҳам кўпми? Айтинг!

– Муҳтарам жаноб! – деди эътироз билдириб инглиз, – мен, фирмамиз сингари бунақанги ишлар билан шуғулланмайман, мен бошқача ширинкома олишни истардим.

– Хўш, қанақа экан у, айтинг, қулоғим сизда.

– Сиз турма инспектори бўлиб ишлайсизми?

– Ўн беш йилдан буён.

– Сизда турма рўйхатлари бўлса керак?

– Албатта.

– У рўйхатларда маҳбуслар ҳақида маълумотлар бўлар?

– Ҳар бир маҳбуснинг иш жилди бор.

– Муҳтарам жаноб, менинг Римда бир аббат мураббийим бор эди, у тўсатдан ғойиб бўлди кетди. Кейинроқ у Иф қалъасида қамоқда деб эшитдим. Ана шу аббатнинг ўлими тўғрисида баъзи маълумотлар керак эди менга.

– Оти нима эди?

– Аббат Фариа.

– Э-э, мен уни жуда яхши танийман, – деди жаноб де Бовиль, – у жинни эди.

– Ҳа, мен ҳам шундай деб эшитган эдим.

– У ростдан ҳам жинни эди.

– Эҳтимол, бироқ нимаси учун уни жиннига чиқариб қўйишган эди?

– У тинмай, аллақандай хазина тўғрисида, беҳисоб бойлик тўғрисида вайсар ва озод этишса ҳукуматга жуда кўп маблағ бераман, деб жаврарди.

– Оббо, шўрлик-э! У вафот этдими?

– Ҳа, ўлди, бундан ярим йил илгари, февралда.

– Зеҳнингиз жуда ўткир экан.

– Менинг эсимда қолганининг боиси шуки, аббат вафоти вақтида ғалати воқеалар юз берди.

– Қанақа воқеалар экан у? Мен ҳам билсам бўладими? – суради инглиз қизиқиб, синчков киши шу пайт унинг безрайиб турган юзида бирдан қизиқувчанлик белгилари пайдо бўлганини сезиб оларди.

– Айтиб беришим мумкин, аббат хонаси собиқ бонапартчилар агенти қамалган хонадан эллик фут нарида эди, бу агент узурпаторнинг бир минг саккиз юз ўн бешинчи йилда тахтга қайтиб келишига кўмаклашганлардан бири эди, у жуда чўрткесар ва ниҳоятда хавфли шахс эди.

– Ростданми? – деди инглиз.

– Ростдан, – жавоб қилди жаноб де Бовиль, – бир минг саккиз юз ўн олтинчи ёки бир минг саккиз юз ўн еттинчи йили уни шахсан кўрганман, унинг хонасига бир взвод солдат билан кириларди. У одам менда жуда катта таъсир қолдирди. Мен унинг юзини ҳеч унутмайман.

Инглиз мийиғида кулди.

– Демак, – деди у, – сизнингча бу икки хона...

– ...Бир-биридан эллик фут узоқда эди. Бироқ, афтидан, ҳалиги Эдмон Дантес...

– Ўша кўрқинчли одамнинг номи...

– Эдмон Дантес эди. Ҳа, жаноб, афтидан ўша Эдмон Дантес қаердандир асбоб-ускуналар топган ёки ўзи ясаб олган, улар воситаси билан аббат томонга ер остидан йўл қазиб келган экан, улар шу йўл орқали алоқа боғлашар экан.

– Бу йўлни улар қочиб кетиш учун қазишгандир-да?

– Шундай. Бироқ уларнинг бахтига аббат Фарианинг тутқаноғи тутиб вафот этди.

– Тушунарли, шунинг учун улар қочолмаган.

– Фақат мурда қочолмай қолди, – деди жаноб де Бовиль.  
– Дантес эса аббатнинг ўлими менинг қочишимни тезлатади деб билган. Афтидан у Иф қалъасида ўлганларни оддий қабристонга қўмсалар керак деб ўйлаб, мурдани ўз хонасига олиб бориб ташлаган-да, ўлик солинган қолга ўзи тушиб олган ва қабристонга олиб боришларини кутиб ётган...

– Қўрқмасдан дадил ҳаракат қилишибди-да, азаматлар, – деди инглиз.

– Ҳа, боя сизга айтган эдим-ку, жуда хавфли одам эди деб, хайриятки, унинг ўзи ҳукуматни ташвишлардан халос этиб қўя қолди.

– Қандай қилиб?

– Наҳотки фаҳлмамаган бўлсангиз?

– Йўқ.

– Иф қалъасида қабристон йўқ, ўлганларни тўғри олиб чиқиб оёқларига ўттиз олти қадоқлик тош боғлайдилар-да, денгизга улоқтирадилар.

– Хўш, сўнг! – деди ўзини гўлликка солиб инглиз.

– Унинг ҳам оёғига ўттиз олти қадоқли тош боғлаб денгизга ташлаб юборишди.

– Шундай денг! – хитоб қилди инглиз.

– Шундай, жаноб, – давом этди инспектор. – Уни тепадан денгизга улоқтираётганларида қочоқнинг қанчалик ҳайратда қолганини кўз олдингизга келтириб кўринг, қани энди ўша пайтда унинг афти-башарасини кўриб тура олсайдим.

– Бу маҳол эди.

– Барибир, – деди, икки юз минг франк ақчасини қайтариб олишга ишончи комил бўлиб, жуда талтайиб, жағи очилиб кетган жаноб де Бовиль, – барибир унинг ўшанда ҳоли нима кечганини аниқ тасаввур қиламан мен.

У қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди.

– Мен ҳам шундай тасаввур этиб турибман, унинг важоҳатини, – деди инглиз.

У ҳам инглизларга ўхшаб лабининг бир бурчагини буриб кула бошлади.

– Шундай қилиб, – деди инглиз ўзини кулгидан босиб, – шундай қилиб қочоқ денгиз тагига чўкиб кетди денг.

– Ҳа, тошдек чўкди-кетди.

– Иф комендантти бир йўла жиннидан ҳам, қутургандан ҳам қутулиб қўя қолибди-да?

Худди шундай.

– Бу воқеа тўғрисида акт ёзилган бўлса керак, албатта?  
– сўради инглиз.

– Албатта, албатта, ўлгани тўғрисида гувоҳлик берадиган ҳужжат ёзилган. Ахир Дантеснинг ота-онаси, қариндошлари унинг тирикми, ўликми эканини билмоқчи бўлиб суриштириб қолишлари мумкин-да.

– Мабодо унинг меросини эгаллаш ниятида бўлсалар, энди хотиржам бўлишлари мумкин. У буткул хароб бўлди денг?

– Шубҳасиз. Қариндошлари истаган вақтда ҳалиги ҳужжатни олишлари мумкин.

– Худо раҳмат қилсин уни, – деди инглиз, – келинг, рўйхатга ўтайлик.

– Ҳақ гап айтдингиз. Менинг ҳикоям фикрингизни четга буриб юборди, бунинг учун кечиринг мени.

– Нечун? Ҳикоя учунми? Уни мен жуда қизиқиб тингладим.

– Чиндан ҳам жуда қизиқарли ҳикоя бу. Хуллас, шўрлик аббатингиз ҳақида муфассал маълумот олмоқчи бўлсангиз керак-да.

– Катта марҳамат қилган бўласиз менга.

– Юринг, идорамга ўтайлик, у ерда сизга ҳаммасини кўрсатаман.

Жаноб де Бовиль иккови хонага йўл олишди. Инспектор ҳақ гапни айтган эди: ҳамма нарса батартиб эди, ҳар бир рўйхатга махсус қўйилган, ҳар бир иш ўз жойида турибди. Инспектор инглизни ўзининг юмшоқ курсисига ўтқазди-да, Иф қалъасига тааллуқли жилдни олдига қўйди ва хоҳлаганингизча титиб кўраверинг, дегандек, ўзи бурчакдаги стулга ўтириб газеталарни ўқий бошлади.

Инглиз аббат Фариага тааллуқли қоғозларни осонгина топиб олди, де Бовиль айтиб берган ҳодиса ҳақиқатан уни жуда қизиқтирди, шекилли, у қоғозларни кўздан кечирди-да, ишни яна варақлай берди. Ахийри Эдмон Дантес тўғрисидаги ҳужжатни топди. Бу ерда ҳамма нарса – махфий маълумот, тергов протоколи, Моррелнинг прокурор ёрдамчи-

сига ёзган илтимосномаси муҳайё эди. Илтимосноманинг айрим жойларини Вильфор чизиб қўйган эди. У махфий маълумотни ўраб чўнтагига яшириб қўйди, терговдаги сўроқ протоколени ўқиб чиқди, унда Нуартъенинг номи тилга олинмаган эди, 1815 йил 10 апрелда ёзилган илтимосномага ҳам кўз югуртиб чиқди. Унда Моррель қироллик прокурори ёрдамчисининг маслаҳатига биноан, Дантеснинг Империяга хизматини жуда бўрттириб кўрсатган эди. Бу эзгу ниятлар билан шундай қилинган эди, чунки у пайтда Наполеон тахтга қайтган эди. Шундан кейин инглиз гап нимада эканини англади. Наполеон вақтидаги бу илтимоснома иккинчи реставрация даврида қироллик прокурори қўлида даҳшатли дастак бўлиб қолди. Шу сабабли маълумотда қуйидаги изоҳни ўқиганда у таажжубланмади:

*Эдмон Дантес. Учига чиққан бонапартчи. Эльба оролидан узурпаторнинг қайтиб келишида фаол қатнашган.*

*Бунинг иши қаттиқ сир сақлансин, тинмай назорат остига олинсин.*

Бу сатрлар остида яна бошқача ёзув бор эди:

*«Ҳеч нима қилиб бўлмайди».*

Инглиз бу ёзув билан Моррелнинг афвномасига ёзилган изоҳни солиштириб кўриб, бу иккаласини бир киши, яъни Вильфорнинг ўзи ёзганини англади.

Изоҳга ёзилган қўшимча сўзларини эса Дантеснинг тақдирини ҳал этишда сал-пал қатнашган ва юқоридаги изоҳларни кўриб ёрдам беришга илож тополмаган турма инспектори ёзганини фаҳмлади.

Жаноб де Бовиль одоб-назокат қондаларига амал қилиб ва аббат Фарианинг шогирдига халақит бермаслик учун бурчақда ўтириб «Оқ байроқ» газетасини ўқирди.

Шунинг учун ҳам Данглар томонидан «Резерв» ресторанида ёзилган ва почтанинг 27 февраль соат олтида яшиқдан олинганлиги ҳақида штамп босилган махфий маълумотини инглиз яшириб чўнтагига солиб олганини де Бовиль кўргани йўқ.



Мабодо кўрганда ҳам ўзини кўрмаганга солиб тураверарди, чунки бу қоғозга у унчалик аҳамият бермасди, унинг бутун хаёли икки юз минг франкда эди, қондани бузаётган инглизга ҳечам халақит бергиси келмасди.

– Раҳмат, сизга, – деди инглиз жилдни қарсиллатиб ёпиб. – Менга керак нарсаларнинг ҳаммасини топдим. Энди мен ҳам ваъдамни бажо келтиришим керак. Менга битта тилхат ёзиб берсангиз бўлди, унда пулнинг ҳаммасини олдим, деб ёзинг, мен ҳозирнинг ўзидаёқ ҳаммасини нақд санаб бераман.

Сўнг у ўрнидан туриб, жойни де Бовилга бўшатиб берди. Де Бовиль, дарҳол ўтириб олиб, тилхат ёза бошлади. Шу орада инглиз столнинг иккинчи четида пулни санаб турарди.

## VIII. МОРРЕЛЬ САВДО ХОНАДОНИ

Борди-ю, Моррель савдо хонадони билан таниш кишилардан биронтаси Марселдан кетиб, бир неча йилдан сўнг биз тасвир этаётган вақтда қайтиб келса, бу ерда катта ўзгаришлар юз берганини кўрарди.

Илгариги вақтларда бу уйга файз киритиб турадиган гавжумлик, фаровонлик, дарпардалар орқасидан шод кулиб турадиган чехралар ўрнида, йўлак-дахлизларда қаламларини қулоғига қистириб югуриб юрадиган серташвиш идора ходимлари ўрнида, турли-туман юкларга тўла ҳовлида юкчиларнинг шов-шувларию, қийқириқлари ўрнида кимсасиз ҳувиллаб ётган вайронани кўрган бўларди энди у. Бу идорани тўлдириб юрган кўпдан-кўп ходимлардан эндиликда фақат иккитаси – йигирма уч баҳорни кўрган. Моррелнинг қизига шайдо бўлиб, фирмадан кетолмай юрган Эмманюель Эрбо билан бир кўзи сўқирлиги туфайли Коклес<sup>16</sup> деб лақаб олган ғазначи ёрдамчиси қолган эди, холос. Унга бу лақабни бир вақтлар бу улкан, гавжум, сершовқин ҳовлини бошларига кўтарадиган ёшлар берган эдилар. Бу лақаб

---

<sup>16</sup> Cocles (лот.) – Бир кўзли, қадимги рим баҳодири Гораций Коклеснинг лақаби.

унинг суюк-суюгига сингиб кетганидан бўлса керак, уни ўз номи билан чақирришса, ўгирилиб боқмасди ҳам.

Коклес жаноб Моррель идорасида қолди, бу ҳалол кимсанинг ҳаётида ўзига хос ўзгариш юз берди: мансабда бир поғона кўтарилиб, ғазначи бўлиб олди.

Аммо шундай бўлса-да, у ҳеч ўзгармай, ўша илгариги хушфезъл, меҳрибон, ишчан, садоқатли Коклеслигича қолди, фақат ҳисоб-китобда ҳеч кимга ён бермас, ҳеч кимни, ҳатто жаноб Моррелни ҳам аямасди, ёддан биладиган кўпайтириш жадвалига ншонарли, жадвални минг томонга буриб, уни чалғитишга уринишдан фойда чиқмасди.

Моррелнинг дард-аламга тўла хонадониди фақат биргина Коклес вазмин, совуққон эди. Бироқ бу унинг шу хонадонга кўнгил қўйганлигидан эмас, аксинча, унга, унинг келажигига ишончи ниҳоятда комил эканидан эди. Ҳалокатга юз тутган кемадан каламушлар ҳар томонга тарвақайлаб қочганидек, тақдири арматор фирмасининг кўлида бўлган хизматчиларнинг ҳаммаси аста-секин идорани ва омборларни ташлаб жуфтакни уришди. Буни кўрган Коклес эса, булар нега қочяпти, деб ўйламади ҳам. У, ҳамма гап рақамларда, дерди. Моррель савдо хонадониди йигирма йилдан буён ишлаб, тўловлар ўз муддатида бажо келтирилаётганини кўриб, ўрганиб қолганидан эндиликда буларнинг кўни битяпти ва бу тўловлар тақа-тақ тўхтайдди, деган гапларга ишонмасди. Чиндан ҳали-ҳозиргача ҳеч нарса унинг ишончига раҳна солгани йўқ. Охирги сафарги ойлик тўловлар нақ вақтида бажарилди. Жаноб Моррель ўз зарарига етмиш сантим хато қилганини Коклес топиб, шу куннинг ўзидаёқ тузатди ва ўн тўрт сўм ақчани қайтариб берди. Жаноб Моррель ғамгин жилмайди-да, пулни олиб, бўш кассага солиб қўйди.

– Жуда соз, Коклес, дунёда агар битта ҳалол ғазначи бўлса, ўша сизсиз, – деди.

Коклес ўзида йўқ хурсанд бўлиб, чиқиб кетди, чунки Марселда энг виждонли, пок одам жаноб Моррелнинг бир оғиз яхши сўзи – мақтови унинг учун эллик экю мукофотдан ҳам азиз эди.

Бежанжал ўтган ана шу сўнгги тўловдан сўнг жаноб Моррель учун оғир кунлар бошланди, у қарзларидан қуту-

либ олиш учун бор-будини йиғиштириб, сотишга қарор қилди, бундай иложсиз ҳолга тушганимни кўриб одамлар Марселда «бу фирма хонавайрон бўпти» деган гап тарқатиб юборишмасин тағин деб, Боқар ярмаркасига ўзи бориб хотини билан қизининг баъзи қимматбаҳо буюмларини ва кумушларини пуллади-да, ишини бир оз ўнглаб олди, бироқ Моррель савдо хонадонининг кассаси бўм-бўш бўлиб қолди. Энди жаноб де Бовилга шу ойнинг ўн бешинчи қуни юз минг франк, келаси ойнинг ўн бешинчисида қолган юз минг франк қарзини тўлаши керак, буни у фақат «Фараон» қайтиб келсагина тўлаши мумкин, чунки бутун умиди шу кемада эди. «Фараон» билан бирга бўлган ва Марсель портига омон-эсон қайтиб келган кема Моррель кемасининг ҳам йўлга чиққанидан дарак берган эди.

Бироқ шуниси таажжублики, Калькуттадан «Фараон» билан бир вақтда йўлга чиққан ҳалиги кеманинг келганига икки ҳафта бўлса-да, «Фараон»дан дом-дарак йўқ эди.

Римлик Томсон ва Френч хонадонининг вакили жаноб де Бовиль ҳузуридан чиқиб эртаниси жаноб Моррель ҳузурига ташриф буюрганда аҳвол ана шундай эди.

Уни Эмманюель кутиб олди. Ким эшик қоқиб келса, яна қарздор келди шекилли, деб ўтакаси ёриладиган бу йигит хўжайинини нохуш суҳбатдан халос этиш ниятида меҳмонни сўраб-суриштира бошлади, бироқ меҳмон жаноб Эмманюелга ҳеч нарса айтмаслигини, шахсан жаноб Моррель билан гаплашмоқчи эканини изҳор этди.

Эмманюель нафаси ичига тушиб, Коклесни чақирди, Коклес келди, йигит нотаниш кишини жаноб Моррелнинг ҳузурига олиб боришни буюрди.

Коклес олдинда, нотаниш унинг кетидан жўнашди.

Зинада улар ўн олти-ўн етти ёшга кирган гўзал қизга дуч келишди, қиз нотаниш меҳмонга ташвишларга тўла назар ташлаб қўйди.

Коклес қизнинг чехрасидаги ғамгин ҳолатни кўрмади, аммо бу нотаниш кишининг назар-эътиборидан четда қолмаган эди.

– Мадемуазель Жюли, жаноб Моррель ўз хонасидами? – сўради ғазначи.

– Хонасида бўлса керак, – жавоб қилди қиз, – қараб боқинг-чи, агар отам у ерда бўлсалар, меҳмон келганини хабар қилинг.

– Менинг келганимни хабар қилиш фойдасиз бўлур, – деди инглиз. – Жаноб Моррель менинг исми шарифимни билмайди. Мен Томсон ва Френч фирмасининг бош агентиман, отангизнинг савдо хонадони у билан алоқада. Шунини у кишига хабар қилсангиз кифоя.

Ёш қиз ранги ўчди-ю, зинадан югуриб тушиб кетди, Коклес билан нотаниш киши эса юқори кўтарилди.

Жюли идорага – Эмманюель хонасига кирди, Коклес учинчи қаватнинг бурчагидаги эшикка калит солиб очди, нотаниш кишини қабулхонага киритиб, ичкариги хонанинг эшигини очди. Томсон ва Френч фирмасининг вакилини қолдириб, ўзи ичкарига кириб кетди. Кўп ўтмай қайтиб чиқиб, кираверинг, деб имо қилди меҳмонга.

Инглиз кирди, жаноб Моррель ёзув столи орқасида ранги заъфарон бўлиб ҳисоб-китоб дафтарига тикилиб ўтирган эди.

Нотаниш кишини кўрган заҳоти жаноб Моррель дафтари бекитди, ўрнидан туриб, меҳмонга стул қўйди, нотаниш киши ўтиргач, курсига чўкди.

Ўтган ўн тўрт йил мобайнида катта бу савдогар жуда ўзгариб кетган эди. Асримизнинг бошида у эндигина ўттиз олти баҳорни ўтказган навқирон йигит эди, эндиликда элликка яқинлашиб қолган, сочлари оқариб, ташвишлар пешанасини тириштириб қўйган эди. Қарашларида илгариги қатъият ва дадиллик йўқ, юрак олдириб қўйган кишидек ҳадиксираб қадам ташларди.

Инглиз унга қараб ҳам таажжубланар, ҳам раҳми келарди.

– Муҳтарам жаноб, – деди жаноб Моррель меҳмоннинг диққат қилиб тикилишидан ўнғайсизланиб, – менда бирор гапингиз бўлса керак?

– Шундай, жаноб. Кимдан вакил бўлиб келганимни сизга айтгандирлар.

– Банкир Томсон ва Френч фирмасидан, ғазначим шундай деди менга.

– Худди шундай. Томсон ва Френч фирмаси шу яқин икки ой ичида Францияда уч юздан тўрт юз минг франкка

ча тўлов операцияси ўтказиши керак. Сизнинг қарзларни жуда вақтида тўлаб юрганингизни ҳисобга олиб, сиз қўйган барча мажбуриятларни йиғиб, менга уларни муддатига қараб, сиздан ундиришни топширди.

Моррель хўрсиниб нафас олди, қўллари билан пешана терини артди.

– Демак, – деди Моррель, – мен қўл қўйган векселлар қўлингизда бўлса керак?

– Шундай, бунинг устига векселларга катта-катта суммалар ёзилган.

– Қанчага? – сўради Моррель хотиржам гапиришга уриниб.

– Биринчидан, – деди инглиз чўнтагидан бир боғлам қоғоз чиқариб, – мана икки юз минг франкка ўтказма хат, сизнинг фирмангиз устидан турмалар инспектори жаноб де Бовиль ёзиб берди. Бу қарзингизни тан оласизми?

– Тан оламан, бу суммани у беш йил муқаддам тўрт ярим фоиз фойдасига ўтказган эди.

– Сиз буни қайтариб беришингиз керак эди...

– Ярмини шу ойнинг ўн бешинчисида, қолган ярмини келаси ойнинг ўн бешинчисида.

– Худди шундай. Мана тагин ўттиз икки минг франкли векселлар, буларнинг муддати ҳам шу ойнинг охирида тугайди. Буларда ҳам сизнинг имзоингиз бор, буларни қарздорлар берди бизга.

– Тан оламан, – деди Моррель, бироқ биринчи марта бу қарзларини тўлашга қодир эмаслигини англаб қизариб кетди. – Шуми ҳаммаси?

– Йўқ, жаноб, бу ҳали ҳаммаси эмас. Менда Паскаль, Уайлд ҳамда Тэрнер савдо хонадонлари берган векселлар бор, булар эллик беш минг франкка боради, буларнинг муддати келаси ойнинг охирида тугайди. Ҳаммаси икки юз саксон етти минг беш юз франк.

Буларни эшитиб шўрлик Моррель дўзах азобига мубтало бўлгандек сезарди узини.

– Икки юз саксон етти минг беш юз франк, – такрорлади у беихтиёр.

– Ҳа, жаноб, – деди инглиз ва бир оз сукунатдан сўнг сўзини давом эттирди. – Бироқ, жаноб Моррель, сизни виж-

дони пок инсон сифатида ҳурмат қилсам-да, шуни очик айтишим керак: Марселда, бу фирма яқинда қарзларини ҳам тўлолмайдиган ҳолга тушиб қолади, деган миш-мишлар юрибди.

Қўполлик билан айтилган бу сўзларни эшитиб Моррель мурдадек оқариб кетди.

– Муҳтарам жаноб, – деди у, – фирмамизни отам менга топширганигаям йигирма тўрт йилдан кўпроқ вақт ўтди, отамнинг ўзи фирмага ўттиз беш йил бошчилик қилиб келди. Мана шунча йил мобайнида Моррель ва ўғли қўйган бирорта қарз мажбурияти бажарилмай қолгани йўқ.

– Тўғри, мен биламан, – жавоб қилди инглиз, – соф кишиларга хос равишда очикчасига гаплашайлик, қани айтинг-чи, мана шу қарзларингизни ўз вақтида тўлай оласизми?

Моррель бир сесканиб тушди-ю, сўнг ўнгланиб олиб суҳбатдошига дадил назар ташлади.

– Бундай дангал саволга дангал жавоб бермоқ керак, – деди у. – Ҳа, жаноб, кемам омон-эсон қайтиб келса бас, ҳаммасини тўлайман. Чунки у келиши билан ишимга путур етиб, ажраб қолган маблағ яна қайтиб киради қўлимга. Лекин «Фараон» ҳалокатга учраса, у вақтда энг сўнгги умидларим пучга чиқиши мумкин.

Бахтсизлик арматорнинг қўзларини жиққа ёшга тўлдирди.

– Демак, – деди инглиз, – охирги умидингиз чиппакка чиқса, унда нима бўлади?

– Унда, – давом этди Моррель – ... айтишга оғир... Лекин бахтсизликка маҳкум бўлгач, уятни ҳам йиғиштириб қўйиш керак... Унда, мен тўловларни тўхтатиб қўйишга мажбур бўламан.

– Ёрдам бера оладиган бирорта ёри биродарларингиз йўқми?

Моррель ғамгин ҳолатда илжайиб қўйди.

– Жаноб, сиз биласизки, бундай ишларда кишининг дўсти бўлмайди, фақат гумашталар бор, холос.

– Бу ҳақ гап, – деди инглиз. – Хуллас, бутун умидингиз фақат ўша «Фараон»да экан-да?

– Фақат ўшанда.

– Энг охиргисими?

– Охиргиси.

– Бу умидга етолмасангиз-чи?

– Унда мен батамом хароб бўламан.

– Мен сизникига келаётганимда портга қандайдир кема кириб келаётган эди.

– Хабарим бор бундан, бошимга кулфат тушганда ҳам менга елкадош бўлиб қолган содиқ хизматчим менга ҳаммадан олдин хушxabар келтирайин, деб кун бўйи умрини портда, томлар устида ўтказяпти. У ҳалиги кеманинг келганини менга хабар қилган эди.

– У сизнинг кемангиз эмасми?

– Йўқ, у Бордодан келган «Жиронда» кемаси. У ҳам Ҳиндистондан келди, лекин меники эмас.

– У, эҳтимол, «Фараон» қаердалигини билар, сизга бирор хабар келтиргандир?

– Очигини айтайми сизга? Кеманинг бедараклиги мени қанчалик ваҳимага солаётган бўлса, унинг тўғрисида келадиган хабар ҳам мени шунчалик ваҳимага солаётир. Беда-раклик – ҳар қалай умид-ку.

Жаноб Моррель бир оз ўйга чўмиб, сўнг бўғиқ товушда деди:

– Билмадим, бунчалик кечикмасди «Фараон», у Калькут-тадан бешинчи февралда чиққан экан. Бу ерга бир ой ил-гари етиб келиши керак эди.

– Нима гап ўзи? – деди тўсатдан инглиз қулоғини динг қилиб, нега шовқин кўтаришяпти?

– Ё Парвардигор! Ё Парвардигор! – деди мурда каби бўза-риб кетган Моррель. – Нима бўлди?

Чиндан зинада шов-шув кўтарилиб, одамлар у ёқдан-бу ёққа югуришарди, кимдир ҳатто фиғон чекди.

Моррель эшикни очиш учун ўрнидан турмоқчи бўлди-ю, бироқ оёқлари қалтираб, яна курсига ўтириб олди.

Иккиси бир-бирига тикилганча ўтириб қолди. Моррел-нинг бутун вужудини титроқ босган эди, нотаниш меҳмон эса унга раҳми келиб ачинарди. Шовқин тўхтади, лекин Моррель ниманидир кутарди: чунки бу шовқинда бир сир бор, ана шу сир ошкора бўлиши керак.

Нотаниш қулоқ солди: кимдир зинадан аста чиқиб кела-ётганга ва майдонда бир неча киши тўпланганга ўхшади.

Сўнг у биринчи эшик калит солиниб очилганини эшитди.

– Бу эшикнинг калити икки кишида бор: биттаси Коклесда, иккинчиси Жюлида, – деб шивирлади Моррель.

Шу дақиқанинг ўзида иккинчи эшик ҳам очилиб остонада Жюли пайдо бўлди. Унинг ранги ўчган, кўзлари жикқа ёш.

Моррель қалтираб ўрнидан турди ва гандираклаб курсининг дастасига суюниб қолди. У гапирмоқчи бўлди, бироқ тили айланмай қолди.

– Дада, – деди қиз ялингансимон қўлини кўксига қўйиб, – сизга хунук хабар келтирганим учун кечиринг мени!

Моррелнинг кўзлари олайиб, ниҳоятда бўзариб кетди, Жюли ўзини унинг қучоғига отди.

– Дада, дадажон! – деди қиз. – Ўзингизни қўлга олинг!

– «Фараон» ҳалокатга учрабдими? – сўради Моррель бўғиқ овозда.

Жюли ҳеч нима демади, фақат боши билан ишора қилиб «ҳа» деди.

– Экипаж-чи? – сўради Моррель.

– Қутқариб қолишибди, – деди Жюли, – Бордо кемаси кутқариб олибди, бу кема ҳозиргина портга кириб келган.

Моррель шу пайт Худонинг энг содиқ мўмин бандаси бўлди-ю, қўлларини кўтариб нола қилди:

– Минг карра шукр ўзингга, Тангрим, минг карра! – деди у. – Шукрки, фақат менинг бир ўзимни қаҳрингга олибсан!

Инглиз ўзини вазмин, совуққон тутишга қанча уринсада, бўлмади, унинг ҳам кўзлари жикқа ёшга тўлди...

– Кириглар, ичкарига, – деди Моррель, – кираверинглар ҳаммаларинг, эшик орқасида турганингизни сезиб турибман.

Шу сўзлар унинг оғзидан чиқиши билан хотини йиғлаб кирди, унинг кетидан Эмманюель пайдо бўлди. Даҳлизда жигар-бағри қон, ярим яланғоч етти-саккиз матрос турарди. Инглиз уларни кўриб сесканиб кетди, сўнг ёнларига бормоқчи бўлди-ю, лекин шаштидан қайтиб, аксинча, ўзини хонанинг энг тўридаги қоронғи бурчакка олди.

Моррель хоним курсига чўкди-да, эрининг қўлини тутди. Жюли эса боягидек бошини дадасининг кўксига қўйганча қимир этмай турарди. Эмманюель хонанинг ўртасида



Моррель оиласи билан эшик олдида тўпланиб турган матрослар орасида қаққайиб қолди.

– «Фараон»га нима бўлди ўзи? – сўради Моррель.

– Яқинроқ келинг, Пенелон, – деди Эмманюель, – бўлган воқеани ҳикоя қилиб беринг.

Сахро офтобида куйиб, қорайиб кетган кекса матрос шляпасидан қолган лахтакни кўлида ўйнатиб келди.

– Салом, жаноб Моррель, – деди гўё кечагина Морселдан чиқиб кетиб Экс ёки Тулон сафаридан бутун қайтгандек.

– Салом, дўстим, – деди кўзи ёшга тўлган хўжайин беихтиёр илжайиб, – капитан қаерда?

– Жаноб Моррель, капитан тоби қочиб Пальмада қолди, Худо пошшо, у тез соғайиб сиз билан мен сингари отдай бўлиб кетади.

– Яхши... Қани, Пенелон, ҳикоя қилиб беринг, нима бўлди, – деди жаноб Моррель.

Пенелон оғзидаги сақични лунжининг ўнг томонига олиб, кўли билан оғзини ёпди-да, орқасига ўгирилиб даҳлизга тупурди, сўнг чайқалиб сўз бошлади:

– Гап бундай, жаноб Моррель, биз шундай Бланко буруни билан Боядор буруни ўртасида жануби-ғарб томондан эсаётган шамол бўйлаб келаётган эдик, шу пайт капитан Гомар олдимга келиб (шунисини ҳам айтиб қўяйки, мен бу вақт рупда эдим) деди:

«Пенелон амаки, хув анави уфқдан кўтарилиб келаётган булутларни кўрдингизми? Бу тўғрида фикрингиз қалай?»

Ўзимнинг ҳам икки кўзим ўша булутларда эди.

«Менинг фикримми, капитан? Фикрим шуки, бу булутлар одатдагидан сап тезроқ кўтариляпти ва бошқаларига қараганда, жудаям қора-я, ишқилиб, охири бахайр бўлсин».

«Менинг ҳам фикрим худди шунақа, – деди капитан. – Ҳар эҳтимолга қарши чора-тадбирлар кўраман. Елканларни жуда кўпайтириб юборибмиз, ҳозир эсадиган шамолда бундай қилиш ярамайди. Ҳой, йигитлар! Бом-брамсел ва бом-кливер олиб ташлансин!»

Буйруқни бажо келтиришга улгурмай қолдик: бирдан даҳшатли шамол кўтарилди, кема чайқалиб қийшай бошлади.

«Ҳалиям елкан кўп, – деди капитан. – Грот ҳам олинсин!»

Беш дақиқада бу буйруқ ҳам бажо этилди, биз қолган елканларда йўл босавердик.

«Хўш, Пенелон амаки, – деди менга капитан, – нечун бошингизни чайқаяпсиз?»

«Шунинг учунки, агар мен сизнинг ўрнингизда бўлсам елканлардан яна олиб ташлатардим».

«Чол, ҳақ гапни айтаяпсан, – деди у, – салқинроқ шамол эсадиганга ўхшайди».

«Шамол эмас, капитан, довул кўтариладиганга ўхшайди, жуда кучли пўртана».

Шунисини ҳам сизга айтиб қўяйки, шамол худди катта йўлдаги чанг-тўзон каби биз томонга бостириб келаверади. Хайриятки, капитанимиз ишбиллағон.

«Икки риф ва марселлар олинсин! – қичқирди капитан. – Булия бўшатилин, брасопит шамолга тўғрилансин! Марселлар олиб ташлансин, талилар реяларга кўтарилин!»

– Уша кенгликларда бу ҳам кам, – деди тўсатдан инглиз. – Мен тўрт рифни олиб, фокни чиқариб ташлардим капитаннинг ўрнида бўлсам.

Бу қатъий ва жарангдор овозни эшитиб ҳамма чўчиб тушди. Пенелон қўли билан кўзини тўсди-да, капитаннинг фармойишини дадил туриб танқид қилган ким экан, деб бурчакка қаради.

– Биз, жаноб, бундан ҳам кўпроқ иш қилдик, – деди кекса денгизчи бир оз ҳурмат билан, – биз довул билан бирга бориш учун контрбизанни арқонга ўраб фордевинддан ўтказиб бураб қўйдик. Ўн дақиқадан кейин марселни ҳам арқонга ўраб олдик.

– Эски кемада бундай қилиш хавфли-ку, – деди инглиз.

– Ҳа, балли, топдингиз! Бизни ана шу ҳалок этди. Ўн икки соат давом этган ағдар-тўнтардан сўнг (бунга иблиснинг ўзи ҳам чидолмасди!) кема тешилди.

«Пенелон, – деди капитан, – чамамда, бизлар чўкиб кетяпмиз, қани рулни менга бер, ўзинг трюмга туш».

Мен унга рулни топшириб пастга тушдим. У ерга отилиб кираётган сув уч футга бориб қолган эди. Мен юқорига чиқиб: «Тортиб чиқариб ташланглар сувни!» деб қичқирдим. Лекин қаёқда, фурсат ўтган эди. Роса ҳаракат қил-

дик, бироқ сувни қанча чиқариб ташласак, шунча кўтарилаверди.

«Эй, йигитлар, – дедим тўрт соат жонимни жабборга бериб ишлагач, – фойда йўқ бу уринишдан: чўксак чўка қолайлик, ажалимиз етган экан».

«Ҳой, Пенелон амаки, сен бошқаларга шунақа намуна кўрсатмоқчимисан? – деди капитан, – тўхтаб тур ҳали, сени адабингни бериб қўяй!»

Капитан шундай деди-ю, ўз каютасига тушиб иккита тўппонча олиб чиқди.

«Кимки насосни ташласа, – деди у, – миясининг қатиғини чиқариб ташлайман!»

– Жуда тўғри, – деди инглиз.

– Бамаъни гапдек кишини ғайратга киритадиган нарса бўлмаса керак дунёда, – давом этди сўзини денгизчи, – бунинг устига ҳаво очила бошлади ва шамоп тўхтади, бироқ тешиқдан ҳамон сув кириб турарди, соатига икки дюйм жуда камга ўхшайди-ю, аммо ўн икки соатда кам деганда йигирма тўрт дюймни ташкил қилади, бу икки фут демакдир. Икки футга илгариги уч футни қўшсангиз беш фут бўлади. Қорнига беш фут сув киргач, кема бўкиб қолди деяверинг.

«Энди, – деди капитан, – бас қилинг, шуниси ҳам етар, жаноб Моррелнинг биздан койинадиган жойи қолгани йўқ: кемани сақлаб қолиш учун кўлимиздан келган ҳамма чораларни кўрдик, эндиликда одамларни ҳалокатдан қутқариб қолиш керак. Йигитлар, қайиқларни туширинглар, қани чаққон-чаққон ҳаракат қилинглари!»

– Менга қаранг, жаноб Моррель – давом этди Пенелон, – биз «Фараон»ни жуда севиб қолган эдик, аммо денгизчига биринчи галда жон керак, шунинг учун ҳам ўз жонимизга ўзимиз жабр қилишни истамадик. Бунинг устига кема ҳам «Туёфингни шиқиллатиб қол тезроқ!» дегандек «ғийқ-ғийқ, қарс-курс» этарди тинмай. Шўрлик «Фараон» ҳақ гапни айттарди. Оёғимиз остида чўкиб бораётганини сезиб турардик. Хуллас, ҳаш-паш дегунча кемадаги қайиқ туширилди-ю, ҳаммамиз унга ўтириб олдик.

Капитан ҳаммадан кейин тушди, тўғриси, у тушмади, чунки кемани ташлаб кетишни истамади, мен уни қучоқлаб

даст кўтариб қайиқдагиларга узатдим, сўнг ўзим тушдим. Жуда вақтида тушган эканман, зум ўтмай кема худди замбарак ўқи отилгандек қарсиллаб синиб кетди.

Ўн дақиқа ўтмай кема аввал тумшуғи, сўнг қуйруғи билан сувга шўнғиди, кейин бир оз лопиллаб турди-да, хайрмаъзурни насия қилиб гумдон бўлди, шўрлик «Фараон!»

Энди биздан сўрасангиз, уч кечаю уч кундуз ҳеч нима татимай оч бўрига айланиб, қани қайсимишни жизза қиламиз деб турган эдик, «Жиронда» кемасини кўриб қолдик, унга сигнал бердик, бизни кўриб бурилди, қайиқлар юбориб ҳаммамизни йиғиб олди. Жаноб Моррель, гапнинг пўсткалласи шу. Денгизчининг гапига ишонаверинг! Шундайми ўртоқлар?

Бошқа матрослар «Тўғри!», «Тўғри!» деб кекса денгизчининг гапларини тасдиқлади.

– Азиз, дўстларим, – деди жаноб Моррель, – яхши қилибсиз, азамат йигитларнинг иши бу, бахтсизликни тақдир пешанамга ёзиб қўйганини аллақачон билган эдим. Бу Худонинг амри, кишиларда гуноҳ йўқ асло. Биз бандаларга Худонинг амри вожиб. Энди бу ёғини айтинг: сизга қанча маош тўлашим керак?

– Бу гапни қўйинг, жаноб Моррель, маош тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас, ҳозир.

– Йўқ, азизлар, гап бўлиши керак, – деди арматор ғамгин илжайиб.

– Ундай бўлса айтиб қўя қолайлик: уч ойлик ҳақ тўлашингиз керак... – деди Пенелон.

– Коклес, буларнинг ҳар қайсисига икки юз франкдан тўланг. Бошқа вақтда, – давом этди жаноб Моррель, – ҳар қайсисига икки юз франкдан мукофот беринг дердим, бироқ ҳозир аҳвол чатоқ, дўстларим, қолган озгина ақчамга ҳам ўзим хўжайин эмасман. Шунинг учун мендан хафа бўлманг, узр.

Пенелон ачинган бўлиб юзини буриштирди, ўртоқларига ўгирилиб нима тўғрисидадир маслаҳатлашди-да, яна хўжайинига қаради.

– Демак, жаноб Моррель, – деди у сақичини у лунжидан бу лунжигга олиб, – ҳалиги... ҳалиги...

– Нима ҳалиги?

– Пулни...

– Хўш, нима?

– Жаноб Моррель, ўртоқларим, бизга ҳозирча эллик франкдан етади, қолганини кейин берсалар ҳам бўлади, дейишяпти.

– Раҳмат, дўстларим, раҳмат! – деди чин юракдан миннатдор бўлиб, жаноб Моррель. – Ҳаммангиз ҳам ўктам танги кишилар экансиз. Бунинг учун сиздан миннатдорман, бироқ пулингизни олинг. Мабодо бирор иш топилиб қолгудек бўлса, ёлланиб ишлайверинг, озодсиз.

Арматорнинг сўнгги сўзлари денгизчиларга жуда қаттиқ таъсир этди. Улар ваҳимага тушиб бир-бирларига қарадилар. Пенелоннинг нафаси бўғилди, у нақ бўлмаса сақичини ютиб юборай деди, хайриятки, вақтида томоғини ушлаб қолди.

– Жаноб Моррель, нима дедингиз? – деди у бўғиқ овозда.

– Сиз бизни ишдан бўшатыапсизми? Ёқмай қолдикми сизга?

– Йўқ, асло ундай эмас, – жавоб қилди арматор, – аксинча, мен сизлардан жуда розиман. Ишдан бўшатаётганим йўқ. Аммо иложим қанча? Эндиликда бирорта кемам йўқ, ҳаммасидан ажралдим, шунинг учун матросларга муҳтожлигим йўқ.

– Нега кемангиз йўқ экан? – деди Пенелон. – Буюринг, янчисини ясаб беришсин, биз у битгунча сабр қилиб турамиз, сабр-тоқатни ҳам бизга денгиз ўргатиб қўйди.

– Пенелон, кема қуришга энди пулим йўқ, – деди арматор қайғули илжайиб, – таклифингиз менга манзур, бироқ уни қабул қилолмайман, сабабини айтдим.

– Пулингиз йўқ экан, бизга ҳам тўламай қўя қолинг. «Фараон» кемамиз сингари биргина асбоб-ускуналаримиз билан кетаверамиз, вассалом!

– Бас қилинг, дўстларим, бас! – деди ҳаяжон-ла нафаси бўғилиб Моррель. – Боринг, илтимос қиламан, боринг. Яхши кунларда дийдор кўришайлик, илоҳим. Эмманюель, – деди кўшимча қилиб Моррель, – Боринг улар билан бирга, менинг фармоним тўла бажо келтирилиши устидан назорат қилиб туринг.

– Жаноб Моррель, биз батамом хайрлашмаймиз, фақат «кўришгунча хайр» деймиз, хўпми? – деди Пенелон.

– Тўғри, дўстларим, тўғри, шундай бўлур, деб умид қилман. Боринглар.

Моррель Коклесга имо қилди. Коклес олдинга тушиб жўнади, унинг кетидан денгизчилар қадам ташлашди, Эманюель ҳаммадан кейин чиқди.

– Энди, – деди арматор хотини ва қизига, – сизлар ҳам боринглар, мен мана бу жаноб билан холи гаплашмоқчиман.

У шундай деб Томсон ва Френч фирмасининг ишончли вакилига кўз ташлаб кўйди. Инглиз эса матрослар билан бўлган суҳбат вақтида бурчақда қимир этмай турган эди. Иккала аёл тамом унутиб қўйилган нотанишга ялт этиб қарашди-да, чиқиб кетишди. Бироқ Жюли эшик олдида орқага ўтирилиб унга илтижо билан назар ташлади, нотаниш эса бунга жавобан илжайиб кўйди. Хонада икки эркак қолди.

– Мана, – деди Моррель курсига чўкиб, – ҳаммасини ўз кўзингиз билан кўриб, ўз қулоғингиз билан эшитдингиз, меннинг бунга қўшадиган бошқа гапим йўқ.

– Тўғри, – деди инглиз. – Ҳақиқатан ҳам сиз жуда оғир мусибатга учрабсиз, илгаригисидек ноҳақ мусибат тушибди бошингизга, энди мен сизга албатта ёрдам қилишим зарурлигига асло шубҳа бўлиши мумкин эмас.

– Оҳ, муҳтарам жаноб! – деди Моррель.

– Менга қаранг, – давом этди нотаниш. – Ахир мен сизга асосий қарз берувчилардан бириман-ку, тўғримми?

– Ҳар ҳолда муддати ҳаммадан олдин тугайдиган мажбуриятлар сизнинг қўлингизда.

– Муддатини чўзишни истайсизми бу тўловларнинг?

– Қани энди иложи бўлса, унда мен шаъни-шавкатимни, демак, ҳаётимни муҳофаза қилиб қолган бўлур эдим.

– Қанча вақт керак сизга?

Моррель ўйланиб қолди.

– Икки ой, – деди у.

– Бўпти, – деди нотаниш, – уч ой муддат бераман сизга.

– Бунга Томсон ва Френч фирмаси кўнармикин...

– Хотиржам бўлинг, бу ёғини мен ўз зиммамга оламан.

Бугун бешинчи июнми?

– Ҳа, бешинчи июнь.

– Ундай бўлса мана бу векселларнинг муддатини бешинчи сентябрга деб қайтадан ёзиб беринг, мен бешинчи сентябрь эрталаб соат ўн бирда (шу пайт соат нақ ўн бир эди) ҳузурингизда ҳозир бўламан.

– Мен сизни кутаман, – деди Моррель, – ё сиз пулингизни нақд опасиз... ёки... мен гурда бўламан.

Моррель сўнги сўзларини жуда аста айтди, нотаниш уни эшитмади.

Векселлар қайтадан ёзилди, эскилари йиртиб ташланди, шўрлик арматор сўнги маблағларини йиғиш учун уч ой муддат олди.

Инглиз унинг миннатдорлигидан мамнун бўлди-да, ўз миллатига хос лоқайдлик билан хайрлашиб жўнади. Моррель нотаниш ҳақиқа минг дуо-фотиҳа ўқиб, уни эшиккача кузатиб қўйди.

Зинада нотаниш Жюлига дуч келди.

Қиз ўзини шунчаки зинадан тушиб бораётганга солди, у аспида меҳмоннинг чиқишини кутиб турган эди.

– Оҳ, муҳтарам жаноб, – деди у ялингансимон қўлларини қовуштириб.

– Мадемуазель, – деди нотаниш, – кунлардан бир кун Синдбод-Денгиз сайёҳи... имзоси билан хат опасиз. Хатда нима дейилган бўлса, ғалати туюлишига қарамай ҳаммасини айнан бажарасиз.

– Хўп бўлади, – жавоб қилди Жюли.

– Айтганингизни бажо келтираман албатта, деб ваъда берасизми?

– Онт ичаман!

– Жуда соз. Хайр, мадемуазель. Ҳамиша мана шундай отага меҳрли, мурувватли қиз бўлинг! Ана шунда Тангрим сизга Эмманюель каби ажойиб эр ато этгай.

Жюли аста ингради, юзлари қизариб кетди, панжарага суяниб қолди. Нотаниш қўлларини кўтариб хайрлашди-да, йўлида давом этди...

Ҳовлида у икки қўлида юз франкдан ақча тутган ҳолда, олиб кетсаммикин ёки йўқми деб иккиланиб турган Пенелонни учратди.

– Дўстим, бу ёққа юринг, – деди унга инглиз, – сиз билан гаплашиб олишим керак.

## IX. БЕШИНЧИ СЕНТЯБРЬ

Моррель шу дақиқада банкир Томсон ва Френч фирмасынинг ишончли вакили тўлов муддатини кечиктиради, деб асло ўйламаган эди. Бечора арматорга бахт куши яна қайтиб келиб, елкасига қўнгандек бўлди. Уша кунгек у бўлган ҳамма гапни оқизмай-томизмай қизига, хотинига ва Эмманюельга айтиб берди. Шундан кейин оиланинг руҳи бир оз кўтарилди, умидсизлик ўрнини умидворлик олди. Лекин минг афсуски, Моррель фақат олижаноблик кўрсатган Томсон ва Френч фирмасы билангина эмас, бошқалар билан ҳам алоқа боғлаган эди. Унинг ўзи айтганидек, савдо-сотиқ ишларида дўст бўлмайди, фақат гумашталар бўлади. Томсон ва Френч фирмасы олийҳиммат чиқиб қолди, бироқ бу жуда ўйлаб худбинларча қилинган иш, фақат, деб ўйларди у. Фирманинг мақсади аниқ: Морреллнинг хонавайрон бўлишини тезлатиб олти ва саккиз фоиз олгандан кўра, уч ойдан сўнг ўша уч юз минг франкка яқин қарзни ундириб олмоқ учун уни қўллаб-қўлтиқлагани яхши-ку.

Моррелга қарз берган бошқа фирмаларнинг фикри эса бахтга қарши, бундай эмасди, улар арматордан ҳамма қарзларини муддатида ундириб олиш керак, унинг хонавайрон бўлиши ва бўлмаслиги билан бизнинг нима ишимиз бор, деган фикрда эди. Шунинг учун Моррель қўл қўйган векселлар белгиланган муддатнинг нақ ўзида кассага тутқазилди, хайриятки, инглиз муддатни кечиктирган экан, ана шу туфайлигина бу векселлардаги қарзларни Коклес дарҳол тўлаб қўя қолди. Шу билан Коклес ғалвалардан қутулиб, яна хотиржам бўлиб олди. Фақат жаноб Моррель ҳамон «Агар ўн бешинчида де Бовилга юз минг франк, ўттизинчида муддати чўзилган яна бошқа векселлар бўйича ўттиз икки минг беш юз франк тўлашга мажбур этганларида шу ойнанинг ўзидаёқ хонавайрон бўлардим», деб ваҳимага тушиб юрарди.

Бугун июль ойи зарур суммани тўлаш учун Моррель жонининг борича ҳаракат қилди. Унинг мажбуриятлари қандай муддатга бўлмасин, зўр ишонч билан қабул қилинар ва умуман бунда унинг бозори чаққон эди. Моррель уч ойлик векселлар беришга ҳам уриниб кўрди, бироқ бирорта банк



уни қабул этмади. Хайриятки, Моррель, умид қилган крим-лар кассасига тушди, шундай қилиб ойнинг охирида Моррель қарз берганларнинг талабини яна қондирди.

Томсон ва Френч фирмасининг ишончли вакилини ушандан буён Марселда учратишмади. Моррель жаноблари ҳузурида бўлган кунининг эртасигами ёки индинигами, у гумдон бўлди. Марселда у шаҳар ҳокими билан турмалар инспектори ва арматор билангина учрашиб ишини битириб тез кетди. Шу сабабли бу учала зотдан бошқа ҳеч ким уни кўргани йўқ. «Фараон» кемасининг матросларига келганда, улар ҳам ғойиб бўлишди, афтидан бошқа ишга жойлашиб олишди.

Беморлиги туфайли Пальмада анча вақт ушланиб қолган капитан Гомар Марселга қайтиб келди. У жаноб Моррель ҳузурига боришга журъат этолмай юрди. Моррелнинг ўзи унинг келганини эшитиб капитанникига жўнади. Виждони пок арматор кемаси ҳалокатга учраган вақтда капитаннинг жасорат кўрсатганини Пенелоннинг ҳикоясидан билиб олганди, шу важдан ўзи бориб, унинг кўнглига таскин беришга қарор қилди. Капитан маошини олишга ҳам ийманиб юрганди, арматорнинг ўзи унинг ойлигини келтириб берди.

Жаноб Моррель капитанникидан чиқаётиб, зинада Пенелонга дуч келди. Пенелон олган пулларини эплаб сарфлаган чоғи, жуда башанг кийиниб олган эди. Соддадил матрос арматорни кўриб саросимага тушиб қолди. У бурчакка сиқилиб, сақичини аввал чап лунжига, сўнг ўнг лунжига олди, кўзларининг пахтасини чиқариб жаноб Моррелга аста қўл узатди. Жаноб Моррель башанг кийинганидан уялиб шундай қилаяпти, деб ўйлади, афтидан, кекса матрос фақат ўз пулига бунчалик ортиқча ясанмаган бўлса керак, у бошқа кемага ишга кириб олган бўлса керак, «Фараон» ни жуда тез унутиб қўйгандан хижолат тортаётган бўлса керак. Эҳтимол, у капитан Гомарга иши ўнгидан келганини, янги хўжайинни уни ҳам ишга таклиф этаётгани хабар қилгани келгандир.

– Сизлардек ёқимтой одам йўқ бу дунёда! – деди арматор кетаётиб. – Илоҳим янги хўжайинингиз сизга мен сингари меҳрибон бўлсин.

Моррель август ойи ичида эски қарзларини яна тиклашга ёки янги қарзлар олишга роса уринди. Йигирманчи августда Марсель Моррель почта извоши буюртма қилибди деган гап тарқалди, ҳамма бундан, демак Моррель ойнанинг охирига бориб, қарзларини тўлашга қодир эмаслигига кўзи етиб шарманда бўлмаслик учун жўрттага жунаб кетяпти, бу ишни саркори Эмманюель ва ғазначиси Коклес зиммасига юклаган бўлса керак, деб ўйлади. Аммо бу гап-сўзларнинг ҳаммаси пучга чиқиб, август ойнанинг нақ ўттиз бирида касса ланг очилди. Коклес эса «тақводор» Гораций каби гердаиб, узатилган векселларни диққат билан кўздан кечириб чиқди-да, одатдагидек ҳаммасини тўлади... Ҳатто иккита бегона векселни ҳам қабул қилиб, худди арматорнинг векселларини тўлагандек, нақд тўлаб қўйди. Ҳамма бунга тушунолмаган гаранг эди: кўплар фолбинларга ўхшаб, у синганини бўйнига олганини сентябрнинг охирида эълон этади, деб каромат қилди.

Моррель биринчи сентябрда қайтиб келди. Бутун оила уни ваҳимага тушиб кутарди, шармандагарчиликдан қутулишда энг сўнгги нажотни улар Моррелнинг Париж сафаридан кутаётган эди. Кунларнинг бирида Моррель бир вақтлар кўп яхшилик қилган кишиси Дангларнинг ҳозир жуда бойиб, миллионер бўлиб кетганини эсга олиб қолди. Ахир Моррелнинг тавсияси билан Данглар испан банкига ишга кирди ва у ерда тез бойлик орттира бошлади-да. Айтишларига қараганда, Дангларнинг олти ёки саккиз миллион франк сармояси ва беҳисоб векселлари бор экан. Данглар чўнтагидан бир червон чиқармасданам Моррелни фалокатдан қутқариб олиши ҳеч гап эмас эди. У арматорни кафилликка олса бас, Моррель қутулиб қоларди. Данглар тўғрисида Моррель анчадан буён ўйлаб юрарди, аммо ўзига ҳам номаълум жирканиш ва нафрат ҳисси унинг шаштини охириги дақиқагача қайтариб турарди. Мана энди у ҳақ экани тасдиқланди. Моррель умидлари пучга чиқиб, дилхаста бўлиб қайтди. Данглар худбинлик қилиб, арматорнинг илтимосини рад этибди.

Моррель эшиқдан чурқ этмай кирди-да, Данглардан заррача арз-дод қилмади, ўпкаланмади ҳам, кўзлари жиққа ёшга тўлиб, хотини ва қизини қучоқлади, Эмманюельга кўп

бериб, дўстона сўрашди, сўнг учинчи қаватга – хонасига кириб кетди. Сал ўтмай Коклесни чақиртирди.

– Бу гап, – дейишди иккала аёл Эмманюельга, – хонавайрон бўлишимиз муқаррар.

Бир оз кенгашиб олгач, улар Жюлининг Ним шаҳридаги полкда хизмат қилаётган акаси Максимилианни чақирришга қарор қилишди. Жюли унга тез келишини илтимос қилиб хат ёзадиган бўлди.

Шўрлик аёллар хавф солиб келаётган зарбага бардош бериш учун бор кучларининг ҳаммасини тўплаш зарурлигини ҳис этишарди.

Бунинг устига эндигина йигирма икки ёшга кирганига қарамай, Максимилиан Моррелнинг отасига таъсири кучли эди.

У ростгўй ва чўрткесар одам. У касб-кор танлаётганида отаси уни бирор соҳага ўтишга мажбур этмади, ўз майлига қўйиб берди. Ушанда Максимилиан ҳарбий хизматга кирмоқчи эканини айтди. Шу қарорда тўхтаб, у қунт қилиб ўқиди. Политехника мактабига кириш танловидан ўтди ва 53-полкка подпоручик қилиб тайинланди. Бир йилдан буён ана шу унвонда хизмат қилар ва поручик унвони олиш ниятида эди. Полкда Максимилиан Моррель солдатлик бурчинигина эмас, шу билан бирга инсоний бурчини ҳам аниқ бажо келтирар ва шунинг учун унга «мустақил» деб лақаб қўйишган эди. Албатта, кўплар бу сўзнинг тагида қандай маъно ётганини билмасда, бошқалар оғзидан илиб олиб гап маъқуллашарди.

Ёш офицерни шу қора кунларда елкадош бўлиш учун онаси ва синглиси ёрдамга чақираётган эдилар.

Аёлларнинг ҳадиксираши тўғри бўлиб чиқди; чунки бир неча дақиқадан сўнг Жюли отасининг хонасидан Коклес бўзариб, гандираклаб чиққанини кўрди. Қиз Коклес ёнидан ўтиб кетаётганда уни тўхтатмоқчи ва нима гаплигини сўраб-суриштирмоқчи бўлди, аммо шўрлик газначи ўз ода-тига хилоф равишда зинадан шошиб тушаётиб, қўлларини осмонга кўтарди-да, хитоб қилди:

– Оҳ, мадемуазель Жюли! Не кулфатлар тушди бошимизга! Ким шундай бўлади деб ўйлаган эди!

Хийла вақтдан кейин у ҳисоб-китоб дафтарлари, пул солинган ҳамён ва қопча кўтариб келди.

Моррель ҳисоб-китоб дафтарини варақлаб-варақлаб кўрди, ҳамённи ва қолчани очиб, пулларини санаб чиқди.

Қолган ҳамма сармоёси саккиз минг франкдан ошмасди.

Бешинчи сентябргача тўрт-беш минг франк тушиши мумкин, демак, ун тўрт минг франкка яқин боради ҳамма пули, ҳолбуки, у шартномалардаги мажбурияти бўйича икки юз саксон етти минг беш юз франк тўлаши керак. Бундай суммани тўлашга мутлақо кодир эмасди Моррель.

Шунга қарамай, тушки овқатга чиққанида Моррель осойишта, хотиржам эди. Икки аёл бу хотиржамликни кўриб янада баттароқ ваҳимага тушди.

Овқатдан кейин Моррель одатда уйдан чиқиб «Фокейцлар клуби»га борар ва «Семафор»ни ўқиб, қаҳва ичиб ўтирарди, бу гал ташқарига чиқмай, қайтиб хонасига кириб кетди.

Коклес жуда саросимага тушиб, гангиб қолган эди. У деярли кун бўйи ҳовлида, тош устида ҳарорат ўттиз даражага кўтарилганига қарамай, бош яланг ғиқ этмай ўтирди.

Эмманюель бека Моррелга ва Жюлига далда беришга уринарди, бироқ у ҳам илгариги сўзамолликдан маҳрум бўлиб қолганди. Эмманюель фирма ишларидан жуда яхши хабардор бўлиб, Моррель оиласи даҳшатли ҳалокатга маҳкум эканини олдиндан кўриб турарди.

Тун чодирини ёзди, онаси билан Жюли ҳозир Моррель хонасидан чиқиб бизнинг хонамизга киради, деб мижджа қоқмай ўтиришди. Бироқ Моррель уларнинг эшиги ёнидан аста-секин қадам ташлаб ўтиб кетди-да, ётоғига кириб, эшигини ичидан қулфлаб олди.

Она қизини ўз ётоғига жўнатди-да, кавушини ечиб қўйиб сарпойчан даҳлизга чиқди ва эрим нима қиляпти экан, деб қулф тешигидан мўралаб қарамоқчи бўлди. Даҳлизда кимнингдир сояси кўринди. Бу Жюли эди, у ҳам онасидан илгариеқ отасидан хабар олгани чиққан эди.

Қизи онаси ёнига келиб:

– Хат ёзаяпти, – деди.

Она-бола сўзсиз бир-бирининг фикрини англаб олишди.

Моррель хоним қулф тешигидан мўралади. Моррель хат битаяпти. Аммо она қизи кўрмаган бир нарсани кўриб қолди: эри хатни гербли қоғозга ёзаётган эди.

Демак, жаноб Моррель васиятнома ёзяпти. Бекани без-  
гак титроғи босди, бироқ ўзини тутиб олиб, қизига ҳеч нима  
демади.

Эртаси куни жаноб Моррель буткул хотиржам кўринди.  
Одатдагидек идорада ўз ишлари билан машғул бўлди, ҳар  
вақтдагидек нонуштага чиқди. Фақат овқатдан сўнг Мор-  
рель қизини ёнига ўтқазиб унинг бошини тутиб, бағрига  
босди.

Кечқурун Жюли онасига, отам хотиржам кўринса-да,  
юраги жуда қаттиқ уриб турган эди, деди.

Яна икки кун ваҳима билан ўтди. Тўртинчи сентябрь куни  
кечқурун Моррель қизидан иш хонасининг калитини топ-  
ширишни талаб этди.

Жюли бу сўзни эшитиб сесканиб кетди. Нечун? Шу вақт-  
гача унинг қўлида бўлиб келган, фақат боपालиғида шўхлик  
қилса жазо тарзида олиб қўйишадиган бу калитни нечун  
олиб қўйяпти отаси?

Жюли илтижо билан тикилди отасига.

– Қандай айбим учун, – деди у, – мендан калитни олиб  
қўйяпсиз?

– Қизгинам, сенга ҳеч қандай айб қўяётганим йўқ, –  
жавоб қилди Моррель қизининг бу соддадил саволидан  
кўнгли бузилиб, – калит менга керак бўлиб қолди.

– Калитни хонамда қолдирган бўлсам керак, – деди қиз  
ўрнидан туриб ва даҳлизга чиқди-да, ўз хонасига эмас, мас-  
лаҳатлашиб олиш учун Эмманюель ёнига югурди.

– Калитни берманг зинҳор, – деди йигит, – отангизни  
эрталаб ҳам ёлғиз қолдирманг.

Қиз Эмманюелдан нима гаплигини сўраб-суриштирмоқ-  
чи бўлди, аммо йигитнинг ҳеч нимадан хабари йўқ эди ва  
бу ҳақда бирор нарса дейишни истамасди.

Моррель бека тўртинчидан бешинчига ўтар кечаси кўз  
юммай деворга суяниб эрининг хонасига қулоқ солиб чиқ-  
ди. Эрталаб соат учгача эрининг ётоқда оғир нафас олиб  
юриб чиққанини эшитиб турди.

Соат учдагина Моррель ўзини каравотга ташлади.

Она ва қиз тунни бирга ўтказишди. Улар кеча кечқурун-  
дан буён Максимилианнинг келишини кутишарди.

Эрталаб соат саккизда аёллар хонасига жаноб Моррель кириб келди. У хотиржам кўринарди, бироқ ранги-рўйдан тунни мижжа қоқмай ўтказгани билиниб турарди.

Аёллар журъат қилиб, уйқунгиз оромли бўлдими, деб сўрашди.

Моррель хотини ва қизига шу пайт ҳар қачонгидан ҳам дилкаш, меҳрибон эди. У Жюлидан кўзларини узоқмай, узоқ бағрига босиб ўпди.

Қизи Эмманюелнинг маслаҳатини эсига олди-да, отасини кузатиб қўймоқчи бўлди, бироқ арматор қизини тўхта-тиб:

– Онангнинг ёнида бўлгин, – деди.

Жюли, йўқ, кузатиб қўяман сизни, деб туриб олди.

– Мен талаб қиламан қолишингни! – деди Моррель.

Моррель умрида биринчи марта қизига «Талаб қиламан!» деган сўзни айтиши, аммо у буни оталик меҳри билан айтди, шу сабабли Жюли ўрнидан қимирлай олмади.

Жюли чурқ этмай турган жойида қолди. Кўп ўтмай эшик яна очилди, кимдир уни қучиб ўпди.

Жюли бошини кўтарди-ю, шодланиб қичқариб юборди:

– Максимилиан! Акажон!

Буни эшитган Моррель хоним учиб келиб, ўзини ўгли қучоғига отди.

– Онажон! – деди Максимилиан гоҳ онасига, гоҳ сингисига қараб. – Нима гап ўзи? Мактубингиз мени жуда ваҳимага солиб юборди, шу сабабли шошилиб йўлга чиқдим.

– Жюли, – деди онаси, – бор, Максимилиан келди деб отангга айт. Жюли югуриб ташқари чиқди ва биринчи зинапояда қўлида хат ушлаб келаётган кишига дуч келди.

– Мадемуазель Жюли Моррель сиз бўласизми? – сўради ҳалиги киши итальян талаффузида.

– Ҳа, жаноб, мен, – деди дудуқланиб Жюли, – менда бирор ишингиз борми? Мен сизни танимаяпман.

– Мана бу хатни ўқинг, – деди итальян хатни узатиб.

Жюли иккиланиб қолди.

– Бу ерда гап отангизни ҳалокатдан сақлаб қолиш устида боради, – деди нотаниш киши. Буни эшитиб Жюли унинг қўлидаги хатни шартта тортиб олди-да, дарҳол очиб ўқиди. Хатда қуйидагилар ёзилганди:

*«Тездан Мельян хиёбонига боринг-да, 15-рақамли уйга киринг ва қоровулдан калитни олиб бешинчи қаватдаги хонага чиқинг, тош печка устидаги қизил шойи ҳамённи олингу отангизга келтириб беринг.*

*У бу катмонни албатта эрталаб соат ўн биргача олиши шарт.*

*Сиз менинг буйруқларимни ҳеч сўзсиз бажаришга ваъда берган эдингиз. Ана шу ваъдангизни хотирингизга солиб қўйяпман.*

*Синдбод-Денгиз сайёҳи».*

*Қиз қувончдан қичқириб юборди, сўраб-суриштирмақчи бўлиб хат келтирган кишини ахтарди, бироқ у алпақачон кўздан ғойиб бўлганди.*

*Жюли хатни яна қайтадан ўқиди ва қўйидаги иловасига кўзи тушди:*

*«Бу топшириқни шахсан ва якка ўзингиз бажармоғингиз зарур, мабодо бирор кишини эргаштириб келсангиз ёки ўрнинизга бошқа биров келса, қоровул «ўзи нима гап, тушунмаяпман» деб жавоб беради».*

*Хатдаги бу илова сўзлар дарров қизнинг кўнглини совутиб ваҳимага солди. Бу хат бир фалокат келтирмасин тагин! Алдаб тузоққа туширмасмикин? Соддадил Жюли бундай ёш чоғида иффатли қиз қандай хавфга учраши мумкинлигини билмасди ҳам. Киши дучор бўладиган хавфни билганда эмас, аксинча билмаганда кўпроқ ваҳимага тушади.*

*Жюли тараддудланиб қолди. У кимдандир маслаҳат сўрамоқчи бўлди. У қандайдир номаълум мақсадда онасидан эмас, акасидан эмас, Эмманюелдан ёрдам сўрашга қарор қилди-да, пастга тушиб, отаси қошига Томсон ва Френч банки вакили келган кун юз берган воқеаларни ва зинада учрашганида бўлган гапларни айтиб берди. Сўнг хатни кўрсатди.*

*– Албатта боришингиз керак, – деди Эмманюель.*

*– Ўша уйга-я?*

– Ҳа, мен сизни кузатиб бораман.

– Ахир бу ерда якка ўзингиз боришингиз керак, деб ёзилган-ку!

– Ҳалиям бир ўзингиз борасиз, – жавоб қилди Эмманюель, – мен сизни Музей кўчасидаги муюлишда кутиб тураман. Мабодо узоқ ушланиб қолгудек бўлсангиз, дарров етиб бораман, бирор киши сизни хафа қилган бўлса, роса адабини бериб қўяман!

– Шундай қилиб, Эмманюель, – деди қиз иккиланиб, – таклиф этилган жойга бораверайми?

– Бораверинг. Ахир ўша вакил, гап отангизни муҳофаза қилиб қолиш устида боради, дебди-ку.

– Нимадан уни муҳофаза қилиш керак, Эмманюель? Қандай хавфдан? – сўради Жюли.

Эмманюель иккиланиб қолди, бироқ Жюлининг кўнглида жасорат уйғотиш учун қандай хавф эканини айтиб беришга қарор қилди.

– Бугун бешинчи сентябр-а, – деди Эмманюель.

– Ҳа, бешинчи сентябрь.

– Отангиз худди шу бугун соат ўн бирда уч юз минг франк қарзини тўлаши керак.

– Тўғри, буни биламиз.

– Унинг кассасидаги пул ўн беш минг франкка ҳам етмайди, – деди Эмманюель.

– Ҳўш, нима бўлиши мумкин?

– Агар отангиз бугун соат ўн бирда мадад берадиган бирор зотни тополмаса, у қоқ тушда ўзини синиб хонавайрон бўлган қарздорман, деб эълон қилмоғи шарт.

– Юринг, борайлик! Тез борайлик! – деди Жюли Эмманюелни қўлидан тортиб.

Айни вақтда, Моррель хоним ҳамма гапни оқизмай-томизмай ўғлига айтиб берди.

Максимилиан, кетма-кет бахтсизликка учраш оқибатида оиласи ҳаётида анча ўзгариш юз берганини билса-да, аммо аҳволнинг бундай оғирлашиб қолганидан беҳабар эди.

Кутилмаган зарба унинг ҳам кўнглини вайрон этди.

Сўнг у хонадан отилиб чиқди-да, зинадан чопқиллаб чиқиб отасини учратиш ниятида эшикни тақиллатди.



Шу пайт пастдаги эшик очилди, Максимилиан ўгирилиб отасини кўрди. Жаноб Моррель аёллар хонасидан чиқиб тўғри хонасига бормай ётоқхонасига тушган ва эндигина юқорига кўтарилаётган эди.

Жаноб Моррель ўғлини кўриб таажжубдан қичқариб юборди, ўғлининг келганини ҳали у эшитмаганди. У қўйнига яшириб олган бир нарсани қўлтиғига маҳкам қисганча турган жойида қотиб қолди.

Максимилиан зинадан югуриб тушди-да, отасининг бўйнига осилди, аммо ўнг қўли отасининг кўксига теккач, ўзини орқага ташлади.

– Ота! – деди у ранги ўчиб, – нега қўйнингизда тўппонча олиб юрибсиз?

– Мен фақат шундан кўрққандим... – деди шивирлаб Моррель.

– Отажон! Худо ҳақи, айтинг! – деди хитоб билан Максимилиан, – бу қурол нечун?

– Максимилиан, – деди отаси, ўғлига диққат билан тикилиб, – сен номусли йигитсан, юр, хонага кирайлик, ўша ерда сенга ҳамма гапни айтиб бераман.

Моррель шундай деди-да, шаҳдам қадам ташлаб, хонаси томон юрди. Максимилиан гандираклаб унга эргашди.

Моррель калит солиб эшикни очди-да, олдин ўғлини киритиб юбориб, орқасидан ўзи кирди ва эшикни ичидан қулфлаб олди. Сўнг ёзув столи ёнига бориб, тўппончани стол четига қўйди-да, ўғлига очиқ турган рўйхатни кўрсатди.

Рўйхатда ишлар қандай аҳволда экани жуда равшан қилиб ёзилган эди.

Ярим соатдан сўнг Моррель икки юз саксон етти минг беш юз франк тўлаши керак. Кассасида эса бор-йўғи ўн беш минг икки юз етти франк бор, холос.

– Ўқи бунини! – деди Моррель.

Максимилиан ўқиб чиқди. У худди яшин урганга ўхшаб, қотиб қолганди.

Отаси ҳеч нима демади: рақамлар ҳукми олдида нима дея оларди у?

– Ота, ҳалокатнинг олдини олиш учун ҳамма чора-тадбирларни кўрдингизми? – сўради Максимилиан.

- Кўрмаган чорам қолмади, – деди отаси.
- Қассага энди ҳеч қаердан пул тушмайдими?
- Йўқ.
- Сармоянинг ҳаммаси тугаб тамом бўлди?
- Ҳаммаси тугади.
- Демак, ярим соатдан сўнг, – деди пичирлаб дилгир ҳолда Максимилиан, – шармандаю шармисор бўламизми? Бадном бўламизми?
- Иложимиз битта: бадномликни қон билан ювмоқ керак, – деди Моррель.
- Ҳақ гапни айтяпсиз, ота, мен буни тушуниб турибман. У тўппончага қўл узатди.
- Биттаси сизга, биттаси менга, – деди у. – Раҳмат. Моррель ўғлининг қўлидан тутди.
- Онанг нима бўлади? Синглининг ҳоли нима кечади? Уларни ким боқади?
- Максимилиан сесканиб кетди.
- Отажон? – деди у. – Наҳотки, сиз менинг яшашимни истасангиз!
- Ҳа, истайман, – жавоб қилди Моррель, – чунки бу сенинг бурчинг. Максимилиан, сен иродали йигитсан. Эсҳушинг ҳам жойида. Мен сени зўрлаётганим йўқ, фақат «Ўзингни бегона киши ўрнига қўйгин-да, четдан туриб юз берган аҳволни ўйлаб, мулоҳаза қилиб, ўзинг бир қарорга кел», деяпман.
- Максимилиан ўйлаб қолди, кўзида мардонавор аҳд аломатлари пайдо бўлди, маъюс ҳолда эполетларини ечиб ташлади.
- Майли, – деди у отасига қўлини узатиб, – сизга Худо ёр бўлсин. Мен яшайман.
- Моррель ўғлининг оёғи остига ўзини ташламоқчи бўлди, аммо Максимилиан бунга йўл қўймай, уни қучоқлаб олди. Ўктам, олижаноб ҳамдard иккала юрак бир-бирига жўр бўлиб кетди шу пайт.
- Бу каби мушкул ҳолга тушиб қолишимизда менинг беғуноҳ эканимни сен яхши биларсан, ўғлим? – деди Моррель. Максимилиан илжайиб қўйди.
- Биладан, ота, сиз ҳалол, виждони пок одамсиз.
- Жуда соз, ҳамма гапни гаплашиб олдик, энди онанг билан синглининг қошига бор.

– Ота, – деди тиз чўкиб йигит, – менга оқ фотиҳа беринг.

Моррель икки қўли билан ўғлининг бошини ушлаб пешонасидан ўпди-да, фотиҳа берди:

– Ўз номимдан ва уч авлоднинг инсоф-диёнатли зотлари номидан оқ фотиҳа бераман сенга – умринг узоқ, қўлинг баланд, мартабанг улуғ бўлсин, болам, ана шу уч авлоднинг менинг тилимдан айтадиган сўзларига қулоқ ос: тақдир бахтсизлик оқибатида вайрон бўлган бинони яна тиклаб қўйиши мумкин. Менинг виждон азобида ҳалок бўлганимни кўрган ҳар қандай бағритош ҳам сенга ачинар, эҳтимол, сенга муддатни чўзиб беришар, ана шунда сен бизнинг шаънимизга иснод келтирадиган бирор сўз айтилишига йўл қўймаслик учун ҳамма чораларни кўр. Ишни қўлингга ол, кучинг борича ишла, ғайрат билан ўтдай ёниб кураш, тийиб-тежаб яшанглар, токи мен қарздор бўлган кишиларнинг мулки сенинг қўлингга ўтсин, кўпайсин. Шуни асло унутмагинки, менинг шаъни-шуҳратим тикланган кун, худди мана шу идорада сен даядил туриб: «Бугун мен адо этаётган ишларни отам уддалай олмагани учун жонидан кечган эди, аммо у ишларни мен мана шундай маромига етказиб қўйишимни билганим сабабли хотиржам дунёдан ўтди» дейдиган кун энг гўзал, энг улуғ кун бўлади биз учун.

– Эҳ, отажон! – хитоб қилди Максимилиан, – қани энди сиз ҳам биз билан бирга қола олсангиз эди!

– Мабодо мен қолгудек бўлсам, ҳамма иш чаппасига кетади, одамлардаги бизга бўлган ҳамдардлик, раҳмдиллик – шубҳага, ишонмасликка айланади, ачиниш, меҳр-шафқат – таъқибга айланади, мен ўз мажбуриятларини бажармаган субутсиз, бебурд киши, қисқаси, қарзларини тўлашга ожиз бир махлуқ бўлиб қоламан. Максимилиан, шуни уқиб олгинки, мен ўлганда ҳам бир бахтсиз, лекин ҳалол, виждони пок инсон сифатида ўламан. Тирик бўлсам, энг яқин дўстларим ҳам биздан ўзини четга тортишади, остонамизга қадам босмай қўйишади, ўлсам-чи, бутун Марсель кўз ёши тўкиб гўримга кузатиб қўяди, мен тирик қолсам сенга ҳам иснодим тегади, сени ҳам уятга қўяман, ўлсам сен ҳам кўкрагингни баланд кўтариб: «Ҳаётида биринчи марта сўзининг

устидан чиқолмай, ваъдасини бузгани учун ўз жонига қасд қилган зотнинг ўғлиман», – дея оласан.

Максимилиан қайғули оҳ тортди, аммо афтидан, тақдирга тан берди, шекилли, дилида бўлмаса-да, фикран отасининг далилларига қўшилди.

– Энди ўғлим, – деди Моррель, – мени якка қолдир, онанг ва синглингни узоқроққа олиб кетишга ҳаракат қил.

– Жюлини яна бир марта кўришни истамайсизми? – сўради Максимилиан.

Максимилианнинг сўнгги умиди ана шу учрашувда эди, аммо Моррель бош чайқаб, йўқ, деди.

– Мен уни эрталаб кўрдим, – деди у, – хайрлашдим.

– Ота, яна бошқа топширигингиз йўқми менга? – сўради Максимилиан бўғиқ овозда.

– Бор, ўғлим, яна бир муқаддас топшириқ бор.

– Қулоғим сизда, ота.

Фақат Банкир Томсон ва Френч фирмаси, шуҳратпарастликданми ёки худбинликданми, ҳар ҳолда раҳм-шафқат қилиб мени кўллади. У фирма вакилининг ўзи мен сўрамасданок қарз муддатини уч ойга узайтириб берди. Ўн дақиқадан сўнг у вексел бўйича икки юз саксон етти минг беш юз франк олиш учун келади. Шундай қилгинки, ўғлим, у ҳақини биринчи бўлиб олсин ва сен учун энг азиз, энг олижаноб одам бўлиб қолсин.

– Хўп бўлади ота, – деди Максимилиан.

– Ўғлим, кечир отангни, – деди Моррель, – бор энди, бор ўғлим, мен ёлғиз бўлмоғим керак, васиятномамни ётоғимдаги стол тортмасидан топасан.

Максимилиан турган жойида қотиб қолди, чиқиб кетмоқчи булар, аммо оёқларини ўрнидан қимирлатолмасди.

– Бор, Максимилиан, бор, – деди отаси, – мени ҳам ўзинг сингари солдат деб фараз қил, душман истеҳкомини ишғол этиш ҳақида буйруқ олди-ю, жангда душман ўқидан ҳалок бўлди, деб фараз қил. Ростдан ҳам мен солдат бўлиб ана шундай буйруқ олсаму иккиланиб турсам, наҳотки сен: «Ота, боринг, акс ҳолда бадном бўласиз, шарманда-ю шармисор бўлгандан кўра, дунёдан кўз юмган яхши!» демасдинг?

– Тўғри, ота, – деди Максимилиан, – тўғри.

У титраб чолни қучоғига олди.

– Боринг, ота, – деди Максимилиан чолни қучоғидан бўшатиб, сўнг хонадан югуриб чиқиб кетди.

Моррель якка ўзи қолиб, анча вақтгача ўғли чиқиб кетган эшиқдан кўзини узолмай турди, сўнг кўлини узатиб кўнғироқ ипини толиб, тортди.

Коклес кирди. Кейинги уч кун ичида у жуда ўзгариб кетган эди. Моррель фирмаси бутунлай хароб бўлиб, синиб, қарзларини тўлай олмай қолармиш, деган фикр уни ваҳимага солиб йигирма ёш қаритиб юборганди.

– Азизим, Коклес, – деди Моррель, – сен қабулхонада тур, ўша ўзинг билган жаноб – Томсон ва Френч фирмасининг вакили келганда, менга ўзинг хабар қиласан.

Коклес ун чиқармай «хўп» дегандек бошини қимирлатди-да, қабулхонага чиқиб стулга ўтириб олди.

Моррель юмшоқ курсига шилқ этиб чўкди. У девордаги соатга қаради: етти дақиқа қолганди. Соат мили ниҳоятда тез югураётгандек туюлди шу пайт.

Эҳтимол, нотўғри бўлса-да, ўзича ҳақ кўринаётган аҳдига амал қилиб, айна қирчиллама пайтида ҳамма шодликлару оилавий ҳаётига бахт-саодат бахш этган ҳаёт билан абадий видолашаётган бу зотнинг дилидан шу сўнгги дақиқаларда нималар ўтаётганини тасвирлаб беришга ҳар қандай сўз ҳам ожиздир. Шу пайтда бу одамнинг ички кечинмаларини англаш учун унинг мунчоқ-мунчоқ тер босган ва лекин тақдир олдида тиз чўкканини асло сездирмаётган манглайига, жиққа ёшга тўлган ва лекин пастга эмас, юқорига тик қараб турган кўзларига бир назар ташланса, кифоя.

Бақт ҳамон югурияпти, тўппончалар ўқланиб тахт этиб қўйилган, у кўлини узатиб битта тўппончани тутди-да, қизининг номини тилга олиб пичирлади.

Сўнг у ўлим қуролини қайтариб жойига қўйди, кўлига қалам олиб бир неча сўз ёзди. У севимли қизим билан қониқиб хайрлашолмадим, деб сезарди ўзини.

У яна соатга қаради, энди дақиқаларни эмас, сонияларни санашга ўтди.

Моррель кўлига яна тўппончани олди-да, оғзини очиб соат милига бақрайиб қаради, тўппонча тепкисини кўтар-

ди-ю, шиқ этган овоздан беихтиёр сесканиб кетди. Шу дақиқада унинг юзидан шариллаб тер оқар, ўлим ваҳимаси юрагини эзарди; шу чоқ зина остидаги эшик ғий-қиллади.

Сўнг хонанинг эшиги очилди.

Соат мили ўн бирга яқинлашиб боряпти.

Моррель орқасига ўгирилиб қарамади ҳам, у Коклес келган бўлса ҳозир: «Томсон ва Френч фирмасининг вакили келди» деб айтади, деб ўйлади-да, тўппончани чаккасига олиб борди...

Орқадан қўнғироқдек овоз эшитилди: бу қизининг овози эди. У орқасига ўгирилди. Эшик олдида Жюли турарди. Моррелнинг қўлидан тўппонча тушиб кетди.

– Отажон! – деди қизи ҳаяжондан энтикиб, – сиз халос бўлдингиз! Халос!

Жюли қўлида қизил шойи ҳамённи ушлаганича отасининг кучоғига отилди.

– Халос бўлдингиз дедингми, қизим? – деди Моррель. – Ким ва нима мени халос этди?

– Ҳа, халос бўлдингиз! Мана, қаранг, мана! – қичқирди Жюли.

Моррель ҳамённи олиб, юраги «шиғ» этиб кетди: бир вақтлар бу ҳамён ўзиники эканини эслади.

Ҳамённинг бир томонига икки юз саксон етти минг беш юз франкли вексел солинганди.

Векселдаги қарз батамом тўлаб қўйилганди.

Яна бир томонида ёнғоқдай олмос солинган бўлиб, бир парча пергаментга: «*Жюлининг сепи*» деб ёзиб қўйилган эди.

Моррель пешанасини ушлади, бу хаёлми, чинми деб ўйлади у.

Соат ўн бирни санай бошлади. Унинг ҳар бир зарби Моррелнинг юрагига тўқмоқ ургандек туюларди.

– Тўхта, қизим, – деди у, – нима гап ўзи, тушунтир менга. Бу ҳамённи қаердан топдинг?

– Мельян кўчасидаги ўн бешинчи рақамли бир кулбадаги тош печ устидан олдим.

– Бу ҳамён сеники эмас-ку, ахир! – деди хитоб қилиб Моррель.

Жюли эрталаб олган хатини отасига узатди.

– Сен у ерга якка ўзинг бордингми? – сўради Моррель хатни ўқиб.

– Менга Эмманюель ҳамроҳ бўлиб борди. Музей кўчаси муюлишида кутиб тураман, деб ваъда қилган эди, бироқ чиқсам жойида йўқ экан, ҳайрон бўлиб келавердим.

– Жаноб Моррель! – кимдир қичқирди зинада, – жаноб Моррель!

– Ана ўзи келяпти! – деди Жюли.

Шу заҳоти ўзида йўқ қувончга тўлиб Эмманюель кирди.

– «Фараон!» – қичқирди у, – «Фараон!»

– Қанақа «Фараон»? Эсингиз жойидами, Эмманюель? У кема фарқ бўлиб кетганини била туриб, нима деяпсиз ўзи!

– «Фараон» жаноб Моррель! «Фараон» портга киряпти деб сигнал беришди.

Моррель юмшоқ курсига йиқилиб тушди, ҳолдан тойиб, бўшашиб кетди. Бу гапларга унинг ақли бовар этмай қолди.

Шу пайт эшик очилиб Максимилиан кириб келди.

– Ота! – деди у, – сиз «Фараон» ҳалок бўлди деган эдингиз, ҳолбуки қоровул турадиган минорадан «Фараон» портга киряпти, деб эълон қилишди ҳозир.

– Дўстларим, – деди Моррель, – ҳақиқатан ҳам у келаётган бўлса, бу ақлга сизга сизга мўъжиза, Худонинг каромати! Бироқ бундай бўлиши мумкин эмас, асло мумкин эмас!

Бироқ кўлидаги тўланиб қўйилган вексел ва ялтираб турган олмос солинган ҳамённинг пайдо бўлиши ҳам ақл бовар этмайдиган мўъжиза эди.

– Жаноб Моррель, – деди хонага кирган Коклес, – нима гап ўзи? «Фараон» пайдо бўлиб қолди!..

– Дўстларим, қани юринг, – деди Моррель ўрнидан кўзғалиб, – юринг, кўрайлик-чи, бу ёлғон гап бўлса, Худодан кўрдик.

Улар зинада Моррель хонимни учратишди. Шўрлик аёл юқорига чиқишга журъат этолмай турган эди.

Бир неча дақиқада улар Каннебьер кўчасига етиб боришди.

Пристанда тумонат одам.

Одамлар Моррелга йўл берди.

– Ҳамма «Фараон!» «Фараон!» – деб қичқирарди.

Чиндан ҳам сон-саноқсиз одамларнинг кўз олдида кўз кўриб қулоқ эшитмаган мўъжиза содир бўлмоқда эди. Муқаддас Ионн минораси рўпарасида илгариги «Фараон»нинг худди ўзига ўхшаган, қуйруқ томонига оппоқ ҳарфлар билан «Фараон» (Моррель ва ўғли) деган сўзлар ёзилган, аввалгидек нил бўёғи ва қизил бўёқ ортилган кема тўхтаб, елканларини туширмоқда. Кемада капитан Гомер фармоиш бериб турибди, Пенелон эса Моррель жанобларига қараб нималар тўғрисидадир имо-ишора қиларди. Энди ҳеч қандай шубҳага ўрин қолгани йўқ эди: Моррель, унинг оиласи, хизматчилари ва ўн минглаб кишилар буни ўз кўзи билан аниқ кўриб турарди.

Моррель билан ўғли бутун шаҳар аҳолисининг қувончли олқишлари остида қучоқлашиб турганда қоровул будкаси мазкур мўъжизанинг сабабчиси қора соқолли зот аста пичирлаб деди:

– Э, олижаноб инсон, илоҳим бахт қуши ҳамиша ёр бўлсин сенга! Қилган ва қиладиган ҳамма яхшиликларнинг учун минг карра раҳмат сенга. Сен кўрсатган мурувват, хайри-саховат, олижаноблик қанчалик сир сақланган бўлса, менинг миннатдорлигим ҳам шунчалик сир бўлиб қолсин.

У қувончга тўлиб жилмайиб қўйди, сўнг пастқам жойни ташлаб, бу куннинг ажойиботларига мафтун бўлиб қолган кишиларга сездирмай, кемалар олдидаги бир зинадан тушди-да, уч марта:

– Джакопо! – деб чақирди.

Бир зумда эшкакли қайиқча келиб уни олди-да, ниҳоятда шинам кемача ёнига келтирди, у денгизчига хос чаққонлик, эпчиллик билан ирғиб кемага тушиб олди. У шу ердан туриб, Моррелга яна бир қараб олди. Арматор қувончи ичига сиғмай, ҳар томондан узатилган қўлларни дўстона қисиб бошини қимирлатар ва дилида бунчалик меҳр-мурувват кўрсатган номаълум зотга минг-минг раҳматлар айтарди.

– Мана энди, – деди нотаниш ўз-ўзига, – алвидо, одам-парварлик, мурувват, ўктамлик, алвидо, энди сизга, э, хаста юракларга тасалли берувчи ҳис-туйғулар, алвидо!.. Мен ҳазрати Хизр бўлиб олдим, ўктам, олижаноб инсонларга мурувват қилдим, қўллаб-қувватладим... Эндиликда эса, қасос



худоси ўз мартабасини менга бўшатиб берсин, энди золим-ларнинг жазосини берай!

У шу сўзларни айтди-да, ишора қилди, шу заҳоти унинг буйруғини кутиб турган кемача йўлга чиқди.

## **Х. ИТАЛИЯ. СИНДБОД-ДЕНГИЗ САЙЁҲИ**

1838 йилнинг бошида Флоренцияда Париж оқсуяклари жамиятига мансуб икки ёш йигит: виконт Альбер де Морсер ва барон Франц д'Эпине яшарди. Улар Римда карнавал ўтказишга аҳд қилишди. Қарийб тўрт йилдан буён Италияда истиқомат қилиб келаётган Франц карнавалда Альбернинг маслаҳатгўйи бўлиб хизмат қилмоғи керак эди.

Римда карнавал ўтказиш осон эмас, чунки карнавал ўтказаман деб ётишга жой тополмай Пьяцца-дель-Пополо ёки Кампо Ваччино кўчаларида қолиб кетиш ҳеч гап эмас. Шу сабабдан йигитлар Пьяцца ди Спаньядаги «Лондон» меҳмонхонасининг хўжайини маэстро Пастринига яхши рақам олиб кўйишини сўраб хат ёзиб юборишди.

Маэстро Пастрини фақат иккинчи қаватдан икки ётоқхона ва қабулхона бера олиши мумкинлигини ва бунинг учун улар кунига бир луидордан тўлашлари лозимлигини билдирди. Йигитлар бўлаверади бизга, деб жавоб қайтаришди. Альбер карнавалгача қолган вақт беҳуда ўтмасин деб, Неаполга жўнади, Франц эса Флоренцияда қолди.

Франц дунёга донғи кетган машҳур банкир Медичилар шаҳрини роҳат-ла томоша қилиб, Кашини деб аталмиш жаннатдек жойда айшу ишратини суриб, Флоренциянинг қудратли ҳукмдорларининг ажойиб мезбон эканларини билиб олди. Бонапартнинг киндик қони тўкилган жой Корсикага борди, сўнг Наполеоннинг қувғинда юрган ери – Эльба оролини кўришга аҳд қилди.

Шундай қилиб, кунлардан бир кун у елканли қайиқни Ливорно пристанига боғлаб кўйган темир ҳалқадан бўшати-тирди-да, плашига ўраниб ёнбошлади ва матросларга фақат уч сўз айтди: «Эльба оролига жўнадик». Қайиқ инидан учиб чиққан денгиз қуши сингари жойидан денгиз сатҳига отилиб чиқди-да, елдек учиб кетди. Эртаси кун Франц Порто-Феррайо қирғоғига тушди.

Франц император оролини кесиб ўтиб, Марчанада яна денгизга тушди.

Икки соатдан сўнг, у Пианоза оролига бориб қирғоққа чиқди, бу ер какликнинг кони дейишган эди. Ови юрмади, Франц зўрға уч-тўртта ориқ каклик отиб олди, холос, ови ўнгидан келмаганидан хафаланиб қайиққа тушиб қайтди.

– Агар жаноб чиндан ов иштиёқида бўлсалар, – деди қайиқ эгаси, – боплаб ов қилса бўладиган жой бор.

– Қаёнда у жой?

Қайиқ эгаси жануб томонда кўм-кўк денгиз орқасида юксалиб турган тепани кўрсатди:

– Хув анави чўққини кўрдингизми?

– Қандай орол у? – сўради Франц.

– Монте-Кристо ороли, – деди қайиқ эгаси.

– Бироқ у оролда ов қилишга рухсат олганим йўқ.

– Рухсатнинг кераги йўқ. У ерда одам яшамайди.

– Э, ҳали шундай денг! – деди Франц. – Ўрта ер денгизидо ҳам одам яшамайдиган орол бор экан-да, ажабо!

– Бунда ажабланадиган ҳеч нарса йўқ, жаноб. Бутун орол бошидан охиригача тошдан иборат, бир парча ҳам унум берадиган ер йўқ унда...

– У кимга қарашли?

– Тосканга.

– У ерда ёввойи паррандалардан қанақаси бор?

– Ёввойи эчкининг сон-санови йўқ.

– Улар тошни кавшаб юришаркан-да, – деди Франц ҳамроҳининг сўзига ишонмагандай кулиб.

– Ундай эмас, жаноб, эчкилар арчагул, мирта ва хушбўй смолали дарахтларни кемириб озиқланишади.

– Мен у оролда қандай қилиб тунайман?

– Оролдаги ғорларда, ёки қайиқнинг ўзида плашга ўралиб ётаверасиз. Истасангиз ов тугаши биланоқ қайтиб кетаверамиз, ихтиёр сизда, бизга барибир: кечасиям, кундузиям елканлар остида юриб ўрганиб қолганмиз, мабодо бирор зарурат туғилгудек бўлса, эшкакларни ишга солиб сузаверамиз.

Жўраси билан учрашув муддатигача ҳали анча вақт борлиги ва Римда турадиган жой банд қилиб қўйилгани сабаб-

ли Франц бу таклифни қабул қилди ва яна бошқатдан ов қилишга аҳд этди.

У розилик билдирганда, матрослар нималар тўғрисидадир шивирлаша бошлашди.

– Нима тўғрисида гапиришяпсиз? – сўради у. – Ёки бирор монелик борми?

– Ҳеч қандай монелик йўқ, – деди қайиқ эгаси. – Фақат биз орол назорат остида эканидан сизни огоҳлантириб қўйишимиз лозим.

– Бу нимаси энди?

– Бу шундайки, Монте-Кристо оролида одам боласи яшмайди, бироқ унда Корсика Сардиниядан ва Африкадан келган контрабандистлар ва денгиз қароқчилари яширишиб юришади, борди-ю, бизнинг бу оролда бўлганимизни билиб қолишса, тутиб олишади-да, Ливорнода олти кун карантинда сақлашади.

– Оббо! Буниси чатоқ-ку. Олти кун-а! Худди мана шу олти кун муддат ичида Худо оламини яратган-а! Бу ортиқча, дўстларим.

– Жаноб, Монте-Кристо оролида бўлганингизни бировга ким ҳам айтарди?

– Ҳар ҳолда мен айтмайман, – деди Франц.

– Биз ҳам, – дейишди матрослар.

– Шундай экан, қани, кетдик Монте-Кристога!

Қайиқ эгаси буйруқ берди. Қайиқ Монте-Кристо ороли томон йўлга тушди.

Франц қайиқ бурилиб, елканларини шамолга тутгунча ва тўрт матрос жой-жойига туриб олгунча сабр қилиб турди, сўнг суҳбатни давом эттирди.

– Муҳтарам Гаэтано, – деди у қайиқ эгасига мурожаат қилиб, – ҳали сиз менга Монте-Кристо оролида денгиз қароқчилари яшириниб ётишади, деган эдингиз-а, ахир қароқчилар ёввойи эчкиларга сира ўхшамайдиган хилидан-ку.

– Тўғри айтасиз, жаноб, улар бошқача нусхалардан.

– Мен контрабандист деган махлуқлар бўлганини эшитганман, аммо Жазоир эгаллангандан сўнг ва Бербери регентлиги афдариб ташланганидан сўнг, денгиз қароқчилари гумдон бўлган ва энди улар фақат Купер ва капитан Мариэтанинг романларидагина бўлади, деб уйлаб юрардим.

– Жаноб, янглишяпсиз, денгиз қароқчилари худди йўлтўсарларга ўхшаш махлуқлар, папа Лев XII йўлтўсарларни қириб ташладим, деб чучварани хом санаб юрганди, йўлтўсар ўғрилар ҳар куни шундайгина Римнинг дарвозаси олдида босиб талаб кетишяпти. Ахир бундан ярим йил муқаддам Франциянинг муқаддас тахт қошидаги ишончли вакилини Беллетридан атиги беш юз қадам нарида тутиб, шилиб олганларини эшитмаганмидингиз?

– Эшитганман.

– Жаноблари, биз сингари Ливорнода истиқомат қилган бўлсалар эди, юк ортилган бирор кема ёки Бастилияда кутишаётган ҳашаматли инглиз яхтаси Порто-Ферраёда ёки Чивита-Веккида дараксиз йўқолгани ва қояга урилиб чилпарчин бўлгани ҳақидаги гапларни эшитиб турардилар. Қоя дегани эса аслида қароқчиларнинг пастак узун юк кемасидир, унда олти ёки саккиз одам бўлади. Ана шулар ҳалиги «қояга урилибди» дейишган кемани нотинч кечалардан бирида ҳувиллаб ётган ороллардан бири олдида қароқчилар почта аравасини ўрмон ёқасида талаганлари каби таққа тўхтатишади-да, талон-торож қилишади.

– Лекин, – деди Франц плашига ўрала туриб, – нега ўша талон-торож этилганлар арз-дод қилишмайди? Нечун улар Франция ёки Сардиния ҳукуматидан, ё бўлмаса Тоскан ҳукуматидан бу қароқчиларнинг адабини бериб қўйишни талаб қилишмайди? Нечун?

– Нечун дедингизми? – сўради кулиб Гаэтано.

– Ҳа, нечун?

– Шунинг учунки, даставвал тутиб олинган кемадаги ҳамма юкларни ўзларининг кемасига ташиб ўтказишади, сўнг экипаж аъзоларининг қўл-оёқларини боғлашади, ҳар қайсисининг бўйнига ўн тўрт қадокли ядрони осишади, кемани тагидан тешишади, сўнг ҳамма эшик-дарчаларни маҳкам бекитиб, ўз кемаларига қайтишади. Ўн дақиқа ўтар ўтмай ҳалиги кема аста чўка бошлайди, дод-фарёд кўтарилади, тўсатдан гумбурлаган овоз эшитилади – яъни кема саҳни қамалган ҳаво зарбидан ёрилиб кетади. Худди чўкиб бораётган кишига ўхшаб кема типирчилаб-типирчилаб ҳолдан тояди. Кўп ўтмай, кема ичидаги сув чиқишга йўл то-

полмай тирқишлардан фонтан бўлиб отила бошлайди. Пировардида, кема ўлим талвасасида хириллаб яна бир карра тўнтарилади-да, сувга батамом чўкиб, катта из қолдиради, сўнгра сув юзида пайдо бўлган из ҳам текисланади-да, ҳаммаси гумдон бўлади. Беш дақиқа ўтгач, ғойиб бўлган кемани фақат Худонинг ўзи кўради, холос.

– Мана энди, – қўшимча қилди қайиқ эгаси, – кема нега портга қайтиб келмагани ва экипажи арз-дод қилмаслигини тушунган бўлсангиз керак.

Агар Гаэтано бу гапларни Монте-Кристода ов қилиш тўғрисидаги таклифидан олдин айтганда, Франц у оролга ўйлаб борарди. Бироқ энди улар йўлга чиққан, қайтиш қўрқоқлик бўлади, деган мулоҳазага борди Франц. У ўзи хавфнинг кетидан кувадиган одамлардан бўлмаса-да, мабодо хавф-хатар дуч келиб қолгудек бўлса, саросимага тушмай тик бориб ёқа тутишадиган бу каби одам хавфни дуэлдаги душман деб ҳисоблайди ва душманнинг хатти-ҳаракатини-ю кучини чамалаб кўради, шошилмай аста ҳаракат қилиб, нафасини ростлаб олади-да, бир зарба билан рақибини ер тишлатади.

– Мен бутун Сицилияни ва Калабрияни, – деди у, – кезиб чиқдим, архипелаг бўйлаб икки марта суздим, лекин бирорта йўл тўсувчи ёки денгиз қароқчисининг соясини ҳам учратмадим.

– Марҳаматли жаноб, мен бу гапларни Монте-Кристога боришдан сизни қайтариш учун айтганим йўқ, асло ундай эмас, фақат сўраганингиз учун айтиб бердим.

– Тўғри, азизим Гаэтано, сизнинг суҳбатингиз мени жуда қизиқтиряпти, ҳикояни давом эттиринг, яна тинглайин, сўнг Монте-Кристога кетаверамиз.

Бу орада улар манзилга тез яқинлашиб кела бошлашди, совуқ шамол эсяпти, қайиқ соатига олти ва етти миль тезликда сузаяпти. Улар яқинлашган сари Монте-Кристо ороли худди денгиз тагидан кўтарилиб чиқаётгандек туюларди кишига, шафақ ёғдусида тошлар тизмаси аслаҳахонадаги ядролар сингари қалашиб кўзга ташланади. Қоялар ўрталиғида арча гуллар қизариб, дарахтлар кўкариб ётибди. Матрослар хавотирланаётган бўлсалар-да, чурқ этмай ойнадек ялтираб турган сокин денгиздан кўз узмай, майда-

чуйда балиқчи қайиқлар милтиллаб кўринаётган уфққа диққат билан тикилишади.

Күёш Корсика орқасига ботаётганда, ўнг томондаги тоғларнинг чўққилари осмонга бўй чўзганда, Монте-Кристога ўн беш милга яқин масофа қолганда, ҳайбатли бу тоғ аста-секин қуёшни тўсиб, қайиқ қаршисида гигант Адамастро каби қад кўтариб, кишиларни ваҳимага соляпти. Оқшом сўниб бораётган куннинг шаффоф ёғдусини қувиб денгиз устига қора чодирини ёпяпти. Күёшнинг сўнгги қизғиш нурлари чўққилар бошида бир зум тўхтаб, вулқон тепасидан учиб чиқадиган аланга сингари лов этди-да, ўчди. Зим-зиё тун чодирини аста кўтарилиб борди-да, чўққиларни ҳам қоплаб олди, орол кулранг тусга кирди. Ярим соат ўтар-ўтмас ҳамма ёқни зим-зиё қоронғилик босди.

Хайриятки, бу йўл эшкакчиларга таниш эди, улар Тоскан архипелагининг ҳамма бурчакларини кезиб чиқишганди, шундай бўлмаганда, Франц қайиқни ўраб олган зулмат олдида ваҳимага тушиб қолган бўларди. Корсика кўздан ғойиб бўлди. Монте-Кристо ороли ҳам кўринмай қолди, бироқ матрослар қоронғида мушукдек яхши кўришар, дарга эса қайиқни дадил ҳайдаб борар эди.

Кун ботганига бир соат бўлди. Шу пайт Франц чорак миль нарида аллақандай қоп-қора уюмга кўзи тушди. Бунинг шакли ноаниқ эди, шу сабабли уни булутга ўхшатиб матрослар олдида кулгига қолишдан қўрқиб, Франц индамади. Қирғоқда тўсатдан ёрқин аланга кўринди, бояги уюм ер бўлиб, булутга ўхшаб кўриниши ҳам мумкин, аммо аланга метеор бўлиши маҳол.

– Ҳув анави аланга нима экан-а? – сўради Франц.

– Жим! – деди қайиқ эгаси шивирлаб, – гулхан.

– Сиз, бу оролда одам яшамайди, деган эдингиз-ку!

– Мен унда доим яшайдиганлар йўқ деган эдим, аммо бу орол контрабандистлар яшириниб ётадиган жой деб айтган эдим.

– Денгиз қароқчилари ҳам-а!

– Тўғри, қароқчилар ҳам яшириниб ётишади, – деди Гаэтано, – ёнлаб ўтиб кетилсин деб буйруқ берганимнинг боиси ҳам шунда эди-да. Ана кўрдингиз, гулхан орқамизда қолиб кетди.

– Менимча, – деди Франц, – гулхандан биз хавотир олмаи, аксинча, хотиржам бўлишимиз керак, чунки у ердаги одамлар, биров кўриб қолмасин, деб яшириниб юрган бўлса, гулхан ёқишмасди.

– Бунинг ҳеч аҳамияти йўқ, – деди Гаэтано, – қоронғида оролни аниқ кўра олмайсиз, агар аниқ кўра олганингизда гулханни қирғоқдан ҳам Пианозадан кўриб бўлмаслигини, уни фақат очиқ денгиздан кўриш мумкинлигини фаҳмлаб олардингиз.

– Демак, сизнингча, бу гулхан атрофида ёмон одамлар ҳам бўлиши мумкинми?

– Ҳозир билиб оламиз, – деди Гаэтано гулхандан кўзини узмай.

– Қандай қилиб билиб оласиз?

– Ҳозир кўрасиз.

Гаэтано ўртоқлари билан шивирлаша бошлади ва беш дақиқали кенгашдан сўнг қайиқ аста бурилди-да, орқага юрди, бир неча сония ўтгач, ҳалиги гулхан аллақандай тепалик орқасида кўринмай қолди.

Шундан кейин дарға рупни бурди, қайиқ сездирмай аста-секин оролга яқинлашди, сал вақт ўтгач, эллик қадам қолди оролга.

Гаэтано елканларни туширди, қайиқ тўхтади.

Бу ишларнинг ҳаммаси чуқур сукунат остида бажо этилди. Ўша қайиқ бурилган дақиқадан бошлаб, ҳамма жим бўлиб қолган эди.

Бу сайрнинг ташаббускори Гаэтано бутун масъулиятни ўз гарданига олди. Тўрт матрос хўжайиндан бир зум ҳам кўзини узмасди. Улар бирор воқеа юз бергудек бўлса, шартта ёпишиб қоронғида кўздан ғойиб бўламиз, деб эшакларни тахт қилиб туришди.

Франц бизга аён совуққонлик билан қуроолларини кўздан кечирарди, унинг иккита қўшоғиз ов милтиғи ва битта калта бешотари бор эди. У қуроолларини ўқлади, тепкисини текширди-да, кутиб тураверди.

Шу орада Гаэтано камзулини ва кўйлагини ечди, чолварини маҳкам боғлади. У яланг оёқ эди. Шундай ҳолда у бармоғини лаблари устига қўйди-да, ирғиб сувга тушди, товуш чиқармай қирғоққа қараб сузиб кетди. Унинг кетида қола-

ётган оқ изга қараб уни кузатиш мумкин эди. Бир оздан сўнг бу из ҳам кўринмай қолди. Афтидан Гаэтано қирғоққа етди.

Роса ярим соат қайиқда ҳамма қимир этмай турди, сўнгра қирғоқдан ҳалиги сув юзидаги из кўрина бошлади ва яқинлашиб келаверди. Бир дақиқа ўтгач, Гаэтано қайиқ олдида ҳозир бўлди.

– Хўш, нима гап? – сўрашди бир оғиздан Франц ва матрослар.

– Испан контрабандистлари экан, улар ёнида фақат иккита корсикалик қароқчи бор.

– Корсикалик қароқчилар нима қилиб юрибди экан испан контрабандистлари орасида?

– Эҳ, ҳурматли жаноб, – деди Гаэтано ўта художўй христианга ўхшаб, – ахир улар бир-бирларига ёрдам беришмаса, ишлари битармиди? Баъзан қирғоқда қароқчилар полиция ва карабинерлар таъқибига тушиб қолишади. Улардан қочиб қирғоққа келишади, бизга ўхшаган раҳмдилларни топиб сузувчи кулбага бекитишни сўраб ёлворишади. Қувғинда қолган шўрликнинг илтимосини рад қилиб бўлармиди? Биз уларни ҳали сузувчи кулба деб аталган қайиққа оламиз-да, гўё сафарга чиққан бўлиб денгиз томон йўл ола-миз. Бунинг биз учун ҳеч қандай оғирлиги йўқ, лекин яқин кишимизни ўлимдан халос этамиз ёки кам деганда, ҳур яша-шини таъминлаймиз. Бирор кун келиб у ҳам яхшиликни қай-таради ва юкларни хавф-хатарсиз туширадиган пастқам жой кўрсатиб беради.

– Шундай денг, дўстим Гаэтано! – деди Франц. – Демак, сиз ҳам контрабанда билан шуғулланар экансиз-да?

– Иложим қанча? – деди Гаэтано сирли бир табассум-ла. – Бу қурғур ҳунарларнинг ҳаммаси билан пича-пичадан шуғулланмаса, кун кечириб бўладими?

– Ундай бўлса, бу Монте-Кристодаги одамлар сизга та-ниш экан-да.

– Тўғриси айтсам, таниш, биз денгизчилар масонлар сингари, бир-биримизни ўзимизга маълум белгилар билан таниб ола-миз.

– Демак, биз ҳеч хавотир олмай қирғоққа тушавериши-миз мумкин экан-да!



– Бунга имоним комил, контрабандистлар ўғри эмас.

– Корсика қароқчилари-чи? – сўради Франц учраши мумкин ҳамма хавф-хатарларни олдиндан кўриб.

– Улар ўз айби билан қароқчи бўлиб қолгани йўқ-ку, – деди Гаэтано, – бунга ҳукумат идоралари мажбур этди уларни.

– Нечун?

– Бўлмасам-чи? Бўлмағур майда-чуйда ишларга уларни тутиб жазолашади, корсикаликларни қасос ололмайдиган мўмин бандалар деб ўйлашса керак-да, чамамда.

– Майда-чуйда деганингиз нимаси? Одам ўлдиришми? – сўради Франц.

– Душманни қатл этиш, – деди қайиқ эгаси, – бу тамом бошқа гап.

– Ундай бўлса, юринг, кетдик, – деди Франц. – Юринглар, контрабандистлар ва қароқчиларга меҳмон бўлайлик. Айтганча, улар бизни қабул қилишармикин?

– Шубҳасиз.

– Улар нечта?

– Тўрт контрабандист ва икки қароқчи, жами олтита.

– Биз ҳам олти кишимиз. Мабодо у жанобларнинг феъли бузуқ бўлса, адабини бериб қўйишга кучимиз етади. Демак, масала ҳал, Монте-Кристога борамиз.

– Хўп бўлади жаноб, лекин бир оз сабр қилиб, бизга ҳам эҳтиётдан бир оз тайёрланиб олишга рухсат этинг.

– Албатта, азизим, албатта! Нестор каби оқил ва Улисс каби қув бўлинг. Рухсат этибгина қолмай, илтимос қиламан.

– Жуда соз. Ҳамма жим бўлсин! – деди Гаэтано.

Сукунат чўкди.

Ҳамма нарсага оқилона, сергаклик билан қарайдиган Франц каби кишилар ҳозирги ҳолни хавфли демасалар-да, ҳар ҳолда анча қалтис деб ўйлашади. Франц зўмистон тун пайтида, очиқ денгизда нотаниш денгизчилар орасида юрибди, буларни Францга содиқ деб фараз қилишга ҳеч қандай сабаб йўқ, бунинг устига денгизчилар Францнинг кармонида бир неча минг франк борлигини билишади, бир неча марта, ҳасад билан бўлмаганда ҳам, қизиқсиниб унинг қурол-аслаҳаларини олиб кўздан кечиришди. Бунинг усти-

га у мана шу нотаниш одамлар билан сирли оролга келяпти. Бунга қўшимча ўлароқ, чўктириб юборилган кемалар тўғрисидаги ҳикояни Франц кундузи ҳақиқатдан узоқ деб ўйлаган бўлса, энди зим-зиё тун қўйнида ҳақиқатга яқин эканда, деган фикрга келди. Шундай қилиб Франц ўзини икки томонлама хавфда қолган киши деб ўйлаб, матрослардан бир зум кўз узмас, милтиғини қўлидан ташламасди.

Матрослар эса елканларни кўтариб яна йўлга тушишди. Қоронғиликка анча кўникиб қолган Франц қайиқ ёнбоши томонда қад кўтариб турган улкан тошларни аниқ кўриб турарди. Қайиқ бир қояни айланиб ўтгач, у яна илгаригидан ёрқинроқ аланга олган гулханни кўрди. Гулхан атрофида бир неча киши давра қуриб ўтирар эди.

Аланга шуъласи денгиз сатҳида юз қадамча жойни ёритиб турибди. Гаэтано қайиқни бегона назардан пана қилиб ана шу ёруғ жойга чап бериб ўтди, сўнг гулханга рўбарў келганда рўлни гулханга тўғрилаб бурди-да, ҳалиги ёруғ чизиққа дадил кириб олди ва балиқчилар қўшиғини жанглатиб тикка бораверди. Матрослар қўшиққа жўр бўлишди.

Қўшиқ эшитганлари ҳамано гулхан атрофида ўтирганлар ўринларидан туриб, денгиз лабига келишди ва қайиқни кўздан кечира бошлашди, афтидан, улар қайиқнинг ҳажмини ва нима мақсадда келганини билиб олмоқчи бўлишди. Кўп ўтмай улар кўнгли тинчиб, бутун бир эчки чўғда кабоб бўлаётган гулхан ёнига қайтишди, қирғоқда биттаси қолди.

Қайиқ қирғоққа йигирма қадам яқинга келганда, қирғоқда қолган одам худди патрулни кутаётган соқчи каби милтиғини тўғрилаб сардиния талаффузида қичқирди:

– Келаётган ким?

Франц бамайлихотир қўштиғни отишга тайёрлаб қўйди.

Гаэтано қирғоқдаги киши билан бир неча оғиз гаплашди. Франц, сўз унинг тўғрисида кетаётган бўлса-да, ҳеч нарса тушунмади.

– Жаноблари ўз номларини айтаверадиларми ёки сир сақламоқчиларми? – сўради Гаэтано.

– Менинг исмимдан ҳеч ким ҳеч нима англаб ололмайди, – жавоб қилди Франц, – уларга мен француз эканимни

ва шунчаки кўнгилхушлик учун саёҳат қилиб юрганимни айтиб қўя қолайин.

Гаэтано Францнинг сўзларини таржима қилиб бергандан сўнг соқчи гулхан олдидагилардан бирига қандайдир буйруқ берди, у эса ирғиб ўрнидан турди-да, қоялар орқасига ўтиб ғойиб бўлди.

Ҳамма жим турди. Кўринишдан ҳар ким ўз иши билан банд эди: Франц оролга тушяпти, матрослар елканларни туширишяпти, контрабандистлар эчкини кабоб қилишяпти. Бироқ ташқаридан бепарво кўринган матрослар ҳам, саёҳатчи француз ҳам бир-бирига ер остидан ҳадеб кўз тикишарди.

Ғойиб бўлган одам иккинчи томондан чиқиб келди, у соқчига имо қилди, соқчи эса қайиқ томонга ўгирилди-да, қуйидаги бир сўзни айтди:

– S'accomadi.

Бу сўз итальянча бўлиб, таржима қилинмайди. У бир йўла бир неча маънони тушунтиради: «Марҳамат, марҳамат, кириш, қадамларига ҳасанот, ўз уйингиздек бемалол ўтириш». Бу Мольернинг туркча жумласига ўхшайди, ўша жумла ҳам кўп маънони англатиб, дворян оқсуякларини ҳайратга соларди.

Матрослар иккинчи марта чақирини кутиб ўтиришмади, эшакларни тўрт марта эшдилар-да, қайиқни қирғоққа тақаб қўйдилар. Гаэтано ирғиб ерга тушди, оҳиста овозда соқчи билан яна нималарнидир гаплашди, бирин-кетин матрослар ҳам тушди, навбат Францга келди.

У битта милтиғини елкасига осиб олди, иккинчиси Гаэтано қўлида эди. Матрослардан бири бешотарни ушлаб олганди. Франц олифта рассомга ўхшаб кийинган эди. Буни кўрган хўжайинлар ҳадиксирамай қўйишди.

Қайиқни қирғоққа боғлашди-да, қулай қўноқ жой ахтариб кетишди. Улар танлаган томон контрабандистга ёқмади, шекилли, Гаэтанога қараб қичқирди:

– У ёққа борманг!

Гаэтано сан-манга бориб ўтирмай узр сўради-да, орқа томонга юрди. Айни вақтда икки матрос гулхандан машғал ёқиб олишди.

Тахминан ўттиз қадамча юриб майдончада тўхташди, унинг атрофидаги қояни кесиб ўтиргичлар ясаб қўйилган-

ди, бу ерда ўтириб қоровуллик қилса бўларди. Атрофда пастак эманлар ва қалин кўм-кўк ўтлар ўсиб ётибди. Франц машъалини пастга тутиб қулла уюмини кўрди-да, бу қулай жойда илгари ҳам Монте-Кристо оролини сайр этган одамлар бўлганини фаҳмлади.

Франц қирғоққа тушиб, хўжайинларининг дўст бўлма-са-да, ҳар ҳолда хайрихоҳ кайфиятдалигига ишончи комил бўлгач, ташвиш, хавф-хатардан халос бўлди. Энди ҳеч қандай фавқулодда ҳодиса юз бермас, деган фикрга келди. Гулханда пишаётган эчки гўштининг ҳиди димоғига ургач, қорни очганини сезди.

Бу ҳақда Гаэтанога оғиз очган эди, қайиқ эгаси кечки овқатни тахт қилиш ҳеч гап эмас, қайиқда нон, вино, ол-тита каклик бор, бир лаҳзада ўт ёқиб юборамиз, деди.

– Мабодо, – қўшиб қўйди у, – жанобларига эчки гўштининг ҳиди ёқиб қолган бўлса, айтсинлар, мен қўшнимизга бир жуфт каклик олиб бориб, эчки гўштига алмаштириб келаман.

– Жуда соз бўлади-да, Гаэтано, – деди Франц. – Сизда музокара юргизишга туғма истеъдод бор экан ростданам.

Шу орада матрослар қуруқ шохларни синдириб келиб гулхан ёқиб юборишган эди.

Франц эчки гўштининг ҳидини ҳидлаб, Гаэтанога сабр-сизлик билан кутарди. Гаэтано эса нохуш бўлиб қайтди.

– Хўш, нима дейишди? – сўради Франц. – Рози бўлишма-дими?

– Аксинча, – жавоб қилди Гаэтано. – Атаман француз эканингизни эшитиб, сизни бирга овқатланишга чақирди.

– Жуда илтифотли одам экан-да, – деди Франц. – Рад этиб бўладими бундай таклифни, ўзим ҳам овқатга улушим-ни кўшяпман-ку.

– Гап улушда эмас, унда овқат керагидан ортиқча, бироқ у сизни ғалати бир шарт билангина қабул қилмоқчи ўзиникида.

– Ўзиникида қабул қилмоқчи? – сўради йигит. – Ўзига уй ҳам қуриб олганми?

– Йўқ, ундай эмас, фақат жуда қулай жойи бор, дейишади.

– Сиз атаманни танир экансиз-да?

– Овозасини эшитганман.

– Яхши томонданми ёки ёмон томонданми?

– Яхшиям, ёмонам.

– Тавба! Хўш, шарти қанақа экан?

– Кўзингизни боғлаб қўйишга ижозат бераркансиз, сўнг фақат ўзи айтганда ечаркансиз.

Бу таклифдан мақсад нималигини билиб олиш учун Франц Гаэтанонинг кўзларига разм солди.

Гаэтано эса французнинг фикрини фаҳмлаб, деди:

– Ҳа, худди шундай, буни уйлаб кўриш зарурлигини ўзим ҳам тушуниб турибман.

– Менинг ўрнимда ўзингиз бўлганингизда нима қилардингиз?

– Менинг қўрқадиган жойим йўқ, бораверардим.

– Таклифни қабул қилармидингиз?

– Ҳа, қизиққанимданам қабул қилардим.

– Унинг қизиқадиган бирор нарсаси бормикин?

– Айтишларига қараганда... – деди Гаэтано овозини пасайтириб... у биров кулоқ солмаяптими деб атрофга аланглаб қўйди.

– Нима дейишяпти?

– Айтишларига қараганда, шундай ертўлада яшармиш-ки, Питти саройи унинг олдида ип эшолмасмиш.

– Бу хом хаёл-ку? – деди Франц ўтираётиб.

– Йўқ, хом хаёл эмас, – деди ўзиникини маъқуллаб Гаэтано, – ростдан ҳам шундай. «Муқаддас Фердинанд» кемасининг дарғаси Кама бир гал у ерда бўлиб, ханг-манг бўлиб чиққан экан. У ердаги қимматбаҳо нарсалар фақат эртақларда бўлади, дейди.

– Шундай денг! Бу сўзлар билан мени Али Бобо ғорига тушишга мажбур этиб қўясиз-ку?

– Мен, жанобларига, эшитганларимни айтиб беряпман, холос.

– Мен бундай деётганим йўқ. Ихтиёр ўзингизда. Бундай ҳолларда маслаҳат беришга журъат этолмайман.

Франц бир оз уйлади-да, шундай бой одам менинг бир неча минг франкимга кўз олайтирармиди, деган фикрни дилидан ўтказди ва мазали овқатдан воз кечмасликка қарор қилди. Гаэтано унинг жавобини етказиш учун контрабандистлар олдига жўнади.

Францининг эҳтиёткор, тадбиркор одамлигини биз бошда баён этган эдик, мана ҳозир ҳам у ажиб ва сирли хўжайиннинг саргузаштларини муфассалроқ билиб олишга ҳаракат қиларди.

Гаэтано билан гаплашиб турганида ўз ишидан мамнун кишидай гердайиб каклик патини юлиб турган матросдан, бу одамлар оролга қандай қилиб келишди экан, бу ерда бирорта қайиқ йўқ-ку, деб сўради.

– Мен учун бунда ажабланадиган ҳеч нарса йўқ, – жавоб қилди матрос, – уларнинг кемасини кўрганман.

– Кемаси зўрми?

– Қани энди сизга ҳам Тангрим шундай кемани ато этса, бутун дунёни кезиб чиқардингиз.

– У жуда каттами?

– Юз тонна келар. Бироқ у кема ҳаваскорга ясалган, дейишади, аммо шу қадар бақувватки, ҳар қандай бўронга, тўфонга чидаш бера олади.

– Уни қаерда қурган эканлар?

– Билмадим, Генуяда қурган бўлсалар керак.

– Контрабандистларнинг бошлиғи Генуя портида ўзига кема буюришдан наҳотки қўрқмаган бўлса?

– У кеманинг хўжайини контрабандист деётганим йўқ, – жавоб қилди матрос.

– Гаэтано шундай деди-ку.

– Гаэтано экипажни узоқдан кўрди, аммо уларнинг бирортаси билан гаплашгани йўқ.

– Бу одам контрабандистларнинг атамани бўлмаса ким ўзи?

– У бой тўралардан, кўнгилхушлик учун саёҳат қилиб юрибди-да.

«Унинг ҳақида ҳар ким ҳар хил гап гапиряпти; демак, жуда сирли зот бўлса керак», деган фикрни кўнгилдан ўтказди Франц.

– Унинг оти нима?

– Сўраганларга, отим Синдбод-Денгиз сайёҳи деб жавоб беради. Бироқ унинг асли номи бошқа бўлса керак.

– Синдбод-Денгиз сайёҳи?

– Ҳа.

– Бу тўра қаерда яшайди?

– Денгизда.  
– Қаерлик экан?  
– Билмадим.  
– Уни кўрганмисиз?  
– Кўрганман.  
– Кўриниши қанақа?  
– Жанобларининг ўзлари кўрадилар-ку энди.  
– Мени қаерда қабул қиларкин?  
– Ҳали Газтано айтган ер ости саройида қабул қилса керак-да.

– Сиз ўша сеҳрли қалъага киришга ҳеч уриниб кўрмаб-мидингиз?

– Э, жаноб, кўп уриниб кўрдик, – деди матрос, – бир неча марта ҳаракат қилдик, бироқ ҳаммаси беҳуда бўлди, ҳамма форларни тинтиб чиқдик, бироқ ҳеч ерда қалъага кирадиган йўлни тополмадик. Бунинг устига унинг эшиги калит билан эмас, балки аллақандай сеҳрли сўз билан очилар эмиш.

– Бу «Минг бир кеча» эртақларининг худди ўзгинаси, – деди пичирлаб Франц.

– У жаноблари сизга кўз тикиб ўтирибди, – деди орқадан бир овоз. Бу ҳалиги соқчи эди.

Францни яхтанинг икки матроси кузатиб борди.

Франц индамай чўнтагидан даструмолини олди-да, соқчига узатди.

Бизга фириб бермасин бу зот деб унинг кўзини жуда яхшилаб боғлашди. Шундан сўнг уни рўмолчани ечишни хаёлимга келтирмайман, деб қасам ичишга мажбур этишди.

Франц қасам ичди.

Фақат шундан сўнг матрослар уни икки қўлтиғидан ушлаб олиб кетишди, соқчи олдинда борди.

Ўттиз қадамча юргач, эчки гўшти кабобининг иштаҳани кўзғовчи ҳиди анқиди. Франц гулхан ёнидан олиб ўтганларини фаҳмлади, сўнг яна эллик қадамча юриб, боля Газтанога тақиқ этган томонга олиб кетишди, нима учун бу ёққа юриш тақиқлангани энди маълум бўлди. Бир оздан кейин Франц ҳавонинг ўзгариб кетганидан уни ертўлага олиб киришганини англади. Бир неча вақтдан сўнг тарс этган овоз эшитилди, илиқ хушбўй ҳаво эсди, пироварди-

да оёқлари қалин юшоқ гиламга текканини сезди Франц. Кузатувчилар унинг қўлларини қўйиб юборишди. Сукунат чўкди, кимдир соф француз тилида деди:

– Марҳамат қилинг, энди рўмолчани ечиб ташлашингиз мумкин.

Франц бу таклифнинг яна қайтарилишини кутиб ўтирмай, рўмолчани ечиб ташлади, унинг рўпарасида тунисча кўк шойи попукли қизил қалпоқча, қора зарбоф мовут камзул, тўқ қизил чолвор, худди шундай рангда зар билан тикилган гетр ва сариқ туфли кийган, қирқ ёшларга бориб қолган киши ўтирарди, у белидаги қимматбаҳо шол белбоққа ханжар осиб олган эди.

Мурда каби рангпар бўлса-да, юзи ниҳоятда чиройли, ўткир кўзлари ёниб турибди, бежирим бурни тоза қонли грек наслидан эканидан далолат берарди, қоп-қора мўйлови тагидаги садафдек тишлари ярқираб турибди.

Юзидаги рангпарликни табиат ато этмаганди бу зотга, у умрининг кўп йилларини гўрда ўтказганга ўхшарди, қизиллик энди унинг юзига асло қайтмасди.

У унча новча бўлмаса-да, қадди-қомати барно ва барча жанубийлар каби қўллари, оёқлари жажжи эди.

Франци ҳаммадан ҳам дабдабали зеб-зийнатлар ҳайратда қолдирди.

Хонанинг тўрт деворига зарҳал гуллар солинган қип-қизил турк шойиси тугилган. Тўрдаги кенг диван устида гулдор филофли милтиқлар осибди, уларнинг қўндоқларида турли қимматбаҳо тошлар ёниб турибди. Шифтда Венеция шишасидан ясалган гўзал лампа чироқ. Франц кирган эшикка ҳам, ёнбошдаги хонага кирадиган эшикка ҳам кимхоб дарпарда осилган.

Мезбон, майли, роса кўриб олсин деб Францга халақит бермади ва ундан кўзини узмади. Ахири деди:

– Муҳтарам жаноб, эҳтиёткорлик қилиб кўзингизни боғлатганим учун узр сўрайман. Аммо ахборотингиз учун айтиб қўяйки, бу оролда инсон зоти яшамайди, агарда бирор зот мени бу маконининг сирларини билиб олгудек бўлса, қайтганда маконининг ҳолига маймунлар йиғлаган бўлиб, кўп нарсаларимдан ажралиб, ҳасрат-надоматда қолган ва баъзида ёлғиз бўлиш ҳаловатидан маҳрум этилган



бўлур эдим. Мана энди дилингизда пайдо бўлган ҳалиги нохушлиқдан сизни ҳалос этишга уринаман ва бу ерда топилмайдиган таомлар билан меҳмон қиламан, ҳузур этиб ҳордиқ чиқаришингиз учун ихтиёрингизга кўрпа-тўшаклар бераман.

– Кечирасиз, – деди Франц, – узр сўрашга на ҳожат? Сеҳрли қалъаларга кирганда кўзни боғлаб қўядилар, бу ҳаммага маълум тартиб. «Гугенотилар»даги Раулни эсга олинг, менинг асло нолишим мумкин эмас, чунки менга кўрсатаётган нарсаларингиз чиндан ҳам «Минг бир кеча»даги мўъжизаларнинг худди ўзи.

– Минг афсус! Мен бунга жавобан сизга Лукуллнинг қуйидаги сўзларини такрорлашим мумкин: сизнинг меникига ташриф буюришингизни илгаритдан билсайдим, тайёргарлик кўриб қўйган бўлур эдим. Шундай бўлса-да оддий кулбам сизнинг ихтиёрингизда. Жиндек овқат ҳозирланган, баҳам кўришларига муштоқман. Али, овқат сузилдими?

Шу заҳоти эшик пардаси икки томонга тортилиб, олпоқ яктак кийган қоп-қора ҳабаш пайдо бўлди-да, хўжайинни емакхонага таклиф этди.

– Билмадим, сиз қандай қарайсиз бу гапга, аммо мен рўпарамда ўтирган зоти-шариф билан соатлаб ҳамсуҳбат бўлсаму аммо номи нишонларини билмасам, жуда хуноб бўлиб кетаман. Амин бўлингки, меҳмон ҳурмати, мен сизнинг исмингизни ҳам, унвонингизни ҳам сўраб-суриштиришга журъат этолмайман, фақат сизни ким деб аташ сизга қулай ва маъқул, шуни айтсангиз бас. Мендан хижолат тортмаслигингиз учун ўз номимни айтайин: мени Синдбод-Денгиз сайёҳи деб аташади.

– Аловиддин нуфузида бўлиш учун, – деди Франц, – фақат унинг машҳур лампаси етишмайди, холос менга, шунинг учун бугун Аловиддин деб ном олишимга ҳеч қандай монелик бўлмаса керак. Хуллас, бу Шарқнинг шоҳонасида қоладиган бўлдик, минг-минг шукрки, мени бу ерга қандайдир олижаноб сеҳрли паризодлар келтирди.

– Муҳтарам Аловиддин, – деди сеҳргар мезбон, – овқат сузилганини эшитган эдилар, қани емакхонага марҳамат қилсинлар. Камина қупингиз, сизга йўлчи бўлиб, олдинда боришга мажбур.

Синдбод шундай деди-да, меҳмоннинг олдига тушиб йўл бошлади.

Францининг шавқ-завқи яна ошди. Дастурхон жуда боппаб ясатилган, овқатлар «жаннати». Бунга қойил қолган Франц атрофга аланглади. Емакхона ҳам безакда ҳозиргина ташлаб чиқишган меҳмонхонадан қолишмасди. У буткул мраммардан ишланган, қадимий услубда нақшланган чўзиқроқ залнинг икки томонига бошига сават қўйган иккита гўзал ҳайкал ўрнатилган, саватларга ширин-шарбат мевалар: сицилия ананаслари, малага анорлари, балеар апельсинлари, француз шафтолилари ва тунис хурмолари солинган эди.

Оқшомги бу овқат – тустовуқ ва бошқа парранда гўштларидан қовурдоқ, яхна тўнғиз гўшти, қайлали эчки кабоби ва бошқа ноёб мазали таомлардан иборат эди. Кумуш лаганлар, япон чиннилари ярқираб турарди.

Франц тушимми бу, ўнгимми, деб қўзларини ишқалаб-ишқалаб олди.

Али якка ўзи хизмат қилар, вазифасини қойил этиб бажо келтирар эди. Меҳмон уни мақтади.

– Тўғри, айтасиз, – деди мезбон Францни лаззатли овқатларга ундаб, – бечора менга ниҳоятда содиқ ва берилиб хизмат қилади. Мен уни ўлимдан қутқариб қолганимни ҳеч унутмайди, бунинг учун мендан жуда миннатдор.

Али хўжайини олдига келди-да, қўлидан ўпди.

– Ноқулай бўлса-да, бир саволим бор, – деди Франц унга, – сиз қачон ва қандай вазиятда олижаноблик кўрсатган эдингиз?

– Бу шундай бўлган эди, – жавоб қилди мезбон. – Бу саёқ қора танлилар юриши тақиқланган жойда, яъни Тунис бегининг ҳарамхонаси ёнида санғиб юрган экан, шу сабабли уни бек тутиб олиб, тилини, қўлини ва калласини кесиб ташлашни буюрган: биринчи куни тилини, иккинчи куни қўлини, учинчи куни бошини. Мен ҳамиша гунг хизматчи олишни орзу қилиб юрдим. Унинг тилини кесгунга қадар сабр қилиб турдим, сўнг ҳабашни қўшоғиз милтиққа алмаштиришни илтимос қилдим. Бир кун илгари шу милтиқ бекка ёқиб қолган эди. У бек бир оз иккиланиб турди: зеро, бу шўрликни у ўлдириб юборишга жуда иштиёқманд экан.

Сўнг мен яна инглизларнинг ов пичоғини ҳам кўшдим. Шундан кейин бек ҳабашнинг кўлини ва калласини ўрнида қолдирди, бироқ у Тунисга бундан кейин ҳеч қадам босмасин, деган шарт қўйди. Аммо бу талабга ҳожат қолмади. Бу бечоранинг кўзига Африка қирғоғи кўриндими, бас, кайфи учади-ю, кеманинг тағхонасига тушиб, пусиб олади. То ўша қирғоқ кўздан ғойиб бўлмагунча, уни уриб ҳам юқорига чиқара олмайсан.

Франц мезбон бу воқеани нечун бу қадар бераҳмлик, бепарволик билан ҳикоя қилиб берганини тушунолмай халга чўмди.

– Демак, исми жисмига мос қабалида, сиз денгизда саёҳатда ҳаёт кечирришни аҳд қилибсиз-да... – деди у сўзни бошқа ёққа буриш учун.

– Шундай. Мен шунга аҳд қилган эдим бир вақтлар. Ўшанда буни бажариш имкониятига эга бўларман деб ҳеч ўйламаган эдим, – деди илжайиб мезбон. – Мен яна бир қанча ишлар қиламан деб аҳд этганман. Уларни ҳам ўз вақтида бажо келтиришимга имоним комил.

Синдбод бу сўзларни ўта совуққонлик билан айтган бўлса-да, унинг кўзларида нафрат учқунлари ялт этиб ёниб ўтди.

– Чамамда сиз кўп азият чеккан бўлсангиз керак? – сўради Франц.

Синдбод бир сесканиб тушди-ю, Францга қаттиқ тикилди.

– Нечун шундай деяпсиз? – сўради у.

– Овозингиз, қарашларингиз, заъфарон юзингиз ва туриш-турмушингиз шундан далолат бериб турибди.

– Мени-я? Дунёда ҳеч ким мендай бахтиёр ҳаёт кечирмаётган бўлса керак. Мен дунё ҳокимиман, қаер менга ёқса ўша ерда қолавераман, зериксам кетавераман. Мен қуш каби эркинман, қанотим бор. Измимдаги, атроф-теваракдаги одамлар менга содиқ, ҳар гапимга қулоқ қоқмай итоат қилишади. Баъзан одил суднинг масхарасини чиқариб, у ахтариб юрган қароқчини ёки таъқибга олган жиноятчини ўғирлайман. Менинг ўз одил судим бор, у муддат ҳам бермай, шикоятга йўл қўймай, жазога тортади ёки оқлаб юборади, бунга ҳеч ким аралашмайди. Агар сиз менинг

ҳаётимнинг лаззатини бир марта бўлса ҳам татиб кўргудек бўлсангиз, бошқача яшашни асло истамаган, жамият орасига қайтмаган бўлур эдингиз, қайтганда ҳам бирор муқаддас маслак йўлидан қайтган бўлур эдингиз.

– Масалан, қасос олмоқ учун, шундайми?! – деди Франц.

Мезбон Францга фикрининг ва юрагининг энг тўрига кириб борадиган қилиб тикилди.

– Нечун айнан қасос олиш учун? – сўради у.

– Шунинг учунки, – эътироз билдирди Франц, – сиз менинг назаримда жамиятнинг қувғинига учраётган ва ундан қаидайдир даҳшатли қасос олишга тайёрланаётган одамга ўхшайсиз.

– Янглишяпсиз, – деди Синдбод ўзига хос ғалати кулги билан, тишларининг оқини кўрсатиб, – мен ўз йўлида бир саховатпешадирман, балки, бирор вақт келиб, Парижга йўл оларман ва жаноб Аппер ҳамда кўк плашли Одам<sup>17</sup> билан рақобат қиларман.

– Бу сизнинг Парижга биринчи сафарингиз бўладими?

– Афсуски, шундай! Мен ҳар нарсага ортиқча қизиқаверадиғанлардан эмасман, тўғрими? Бироқ ишонингки, бунда мен айбдор эмасман. Бунинг ҳам вақт-соати келиб қолади:

– Қачон борасиз Парижга?

– Қачон боришимни айтолмайман. Бу шароитга боғлиқ.

– Сиз борганда мен ҳам Парижда бўлсам дейман, Монте-Кристода менга қилган бу иззат-ҳурматингизни қайтарсам дейман.

– Мен сизнинг таклифингизни бажону дил қабул қилардим, бироқ, – деди мезбон, – мен Парижга борганда ҳам яширин ном билан бораман.

Овқатланиш давом этди, у фақат Франц учун тайёрлангандек кўринар, чунки мезбоннинг ўзи таомларга деярли қўл тегизмас, нуқул меҳмонни «олинг», «олинг» деб қистарди.

Али овқат кетидан ширинлик келтирди, тўғриси, ҳайкалдаги саватларни олиб столга қўйди. Саватлар ўртасига

---

<sup>17</sup> Машҳур олийҳиммат Эдма Шампльоннинг лақаби (1764 – 1852).

қопқоқлик зарҳал идиш кўйди. Франц қизиқсиниб қопқоқни очди, идишда шарбатга ўхшайдиган кўкимтир суюқлик бор эди. Бунақасини Франц ҳозиргача кўрмаган эди. У ҳайрон бўлиб қопқоқни бекитиб кўйди-да, мезбонга қаради. Мезбон илжайиб турган эди.

– Бу идишдаги нарса нималигини билолмай ҳайратда қолдингиз, шекилли?

– Худди шундай.

– Бу зангори шарбат, Тобанинг Юпитер дастурхонига қўйган амврозиясининг<sup>18</sup> худди ўзи.

– Бироқ бу амврозия, – деди Франц, – инсон кўлига тушиб қолгач, ўзининг ҳавойи номини тарк этиб, ерда бошқа ном олган бўлса керак? Менга унча ёқинқирамаётган анави таомнинг номи одам тилида нима деб айтилади?

– Мана бу материализмимизнинг асло инкор қилиб бўлмайдиган далолати! – хитоб қилди Синдбод. – Биз кўпинча, бахтимиз қуши ёнидан уни кўрмай, унга назар ташламай ўтиб кетаверамиз, назар ташласак-да танимай ўтамиз. Агар сиз оқил одам бўлиб, тилагингиз олтин бўлса бу шарбатни ичинг, дарҳол кўз олдингизда Перу, Гузерата ва Гоконда олтин сочлилари ялт этиб жамол кўрсатади-қўяди, агар сиз хаёлпараст, шоир бўлсангиз, бу шарбатни ичишингиз ҳамоно имконият чегаралари гумдон бўлади-да, кўз олдингизда бепоён бўшлиқлар пайдо бўлади, унда сизнинг юрагингиз эркин қуш каби қанотларини кенг ёйиб ширин ўй-хаёлларнинг чексиз саҳроларига учади-кетади. Мабодо сиз шухратпарастликка берилиб, ер юзида ҳоким бўлиш кетидан қувиб юрган бўлсангиз, у вақтда бу шарбатни ичгач, бир соат ўтар-ўтмай Европанинг бир чеккасидаги Англия, Франция ёки Испания каби кичкинагина мамлакатнинг эмас, бутун ер юзининг, бутун дунёнинг, бутун коинотнинг ҳукмрони бўлиб қоласиз. Тахтингиз арши аълода бўлади ва сиз ер юзидаги барча шаҳаншоҳларнинг энг олий ҳокими бўлиб оласиз. Бу жуда жозибадор нарса, бунинг учун унга фақат бир назар ташлаб қўйсангиз бас. Мана, қаранг.

---

<sup>18</sup> Амврозия – қадим юнон афсоналарида худоларга абадий ёшлик бағишлаган ичимлик. (Тарж.)

Шундай деди-да, мезбон заррин идишнинг қопқоғини очди, кичик қаҳва қошиғи билан шарбатдан олиб оғзига солди ва кўзларини қисиб, бошини орқасига ташлаб аста юта бошлади.

Франц мазза қилаётган мезбонга халақит бермади, сал ўзига келгандан сўнггина сўради:

– Бу қанақа сеҳрли таом?

– Кекса Тоғликни<sup>19</sup> эшитганмисиз? – сўради мезбон – анавини-да, Филипп Августнинг жонига қасд қилган Кекса Тоғликни?

– Эшитганман, албатта.

– У тоғлар этагидаги гўзал водийни эгаллаб олган, унинг лақаби ҳам ана шундан келиб чиққан. Уша водийдаги боғроғларни Ҳасан ибн Сабо яратган, боғларнинг чекка-чеккаларида холи шийпончалар қурилган эди. У ана шу шийпончаларга мумтоз зотларни таклиф этиб, уларни, Марко Полонинг сўзига қараганда, аллақандай гиёҳ билан сийларкан, бу гиёҳ уларни шу заҳоти абадий гуллаб ётадиган, мевалар ҳамиша пишиб турадиган, ёш қизлар сайр этиб юрадиган жаннатга олиб бораркан. Бу бахтиёр ёшлар воқелик деб фараз қилган нарсалар, аслида хаёл эди, аммо оддий хаёл эмас, ўта ширин хаёл, ниҳоятда завқ-шавқли, лаззатли хаёл бўлиб, улар шундай роҳатижон гулистонни барпо этганларга худди Худога сажда қилгандек, уларга бўйсуниб, тани-жонларини берарканлар, уларнинг амри вожиб деб дунёнинг у бурчига бориб бўлса ҳам айтган кишиларининг бошини танидан жудо қилиб келарканлар, ана шу гиёҳ ваъда этган кайфи-сафоларга тўла ҳаётга ўтиш ниятида минг-минг азоб-уқубатларга бардош бериб дунёдан ўтарканлар.

– Ие, бу тарёк-ку! – деди хитоб қилиб Франц, – унинг номини эшитгандим, лекин ўзини кўрмагандим.

– Худди айтганингизнинг ўзи, муҳтарам Аловиддин, бу тарёкнинг энг асили, Александр тарёки, хотирасига сарой қуриб, деворига: «Бахт мутасаддисига миннатдор халқдан»

---

<sup>19</sup> Кекса Тоғлик – Ҳасан ибн Сабо – ўз «фидойи»ларини жангга жўнатганда, наша чектириб, маст қилиб юборарди.

деб ёзиб қўйса арзийдиган тенги йўқ омилкор уста Абдулфорнинг тарёги.

– Биласизми, – деди Франц, – ўзим синаб кўрсаму мақтовларингизга ишончим комил бўлса дейман.

– Марҳамат қилинг, азиз меҳмон, марҳамат қилиб ўзингиз синаб кўринг, аммо бир мартагина синаш билан кифояланмаслик керак. Ҳиссиётни киши янги-янги турли таассуротга, нозик ёки кучли таассуротларга, қайғули ёки қувончли таассуротларга ўргатиши лозим. Тиббиёт бу илоҳий гиёҳга қарши курашади, чунки бу нарса қувонч учун яратилган эмас, у жабр-жафо учун яратилган. Бу курашда тиббиёт енгилиб, йиқилмоғи керак, воқелик хаёлга эргашиши керак, ана шунда хаёл устун бўлиб чиқади, хаёлнинг ўзи ҳаётга айланади, ҳаёт эса – хаёлдан иборат бўлиб қолади. Аммо бу айланиш, ўзгаришларнинг хили беҳисоб! Ҳақиқий ҳаёт дарди-аламларини хаёлий ҳаёт лаззатлари билан солиштириб кўргач, сиз ҳақиқий ҳаётдан юз ўгирасиз-да, хаёлнинг абадий қули бўлиб қоласиз. Бошқаларни деб ўз шахсий дунёингиздан воз кечганда, Неаполь баҳорини Лапланд қишига алмаштирдим, деб сезасиз ўзингизни, гўё жаннатдан ерга, осмондан дўзахга ўзингизни ирғитгандай ҳис қиласиз. Татиб кўринг бу тарёкни, азиз меҳмон, татиб кўринг.

Франц индамай қошиқ солиб, шарбатдан мезбон олгунча олди-да, оғзига ташлади.

– Оббо савил-э! – деди у ажойиб доридан ютиб, – бу кейин қандай лаззат беришини билмайману аммо ҳозир сиз айтганчалик ширин эмас-ку.

– Чунки оғзингиз ҳали бу ажойиб мўъжизадор дорининг мазасига кўникиб олгани йўқ. Қани айтинг-чи, устрица, чой, пиво, кўзиқоринни биринчи гап оғзингизга солганингизда ўрганиб қолмаганмисиз? Тустовуқларнинг гўштини ассафетидага кўшиб ейдиган римликларни ёки қалдирғочларнинг уясини ейдиган хитойларнинг қандай лаззатланишларини биласизми? Шубҳасиз, билмайсиз. Бу тарёк ҳам худди шундай. Бирор ҳафта сабр қилинг, ҳозир ширасиз туюлаётган бу нарсанинг дунёда ҳеч тенги йўқ эканини фаҳмлаб olasиз. Қани, бошқа хонага, сизга аталган хонага ўтайлик. Али трубка ва қаҳва келтиради.

Улар ўринларидан туришди, ўзини Синдбод деб атаган ва биз ҳам вақти-вақти билан унга шундай ном бериб келаётган зот хизматкорига топшириқлар бериш билан банд бўлиб турганда, Франц кўшни хонага кирди.

Бу хона оддийгина, лекин бой жиҳозланганди. У юмалоқ бўлиб, ҳамма томонига гир айлантириб катта диван ўрнатилганди. Диван, деворлар, шифт ва поли майин юмшоқ гилам сингари қимматбаҳо мўйна билан қопланган эди, бу – ажойиб ёлли Африка арслонлари, олачипор Бенгал шерпария, қоплонларнинг, Сибирь айиқларию, Норвегия тулкиларининг териси эди. Улар жуда кўп, бир-бири устига қалаб ташланган, худди қалин майса устидан юриб бораётгандек ёки момиқ тўшақда ҳузур қилаётгандек сазарди киши ўзини.

Меҳмон ҳам, мезбон ҳам диванга ёнбошлашди. Ёнгиналаридаги ясминдан ясаган қаҳрабо чилимга тамаки тикиб қўйилган эди. Улар биттадан чилимни олишлари билан Али ўт тутди-да, қаҳва келтиргани чиқиб кетди.

Сукунат чўкди, Синдбод суҳбат вақтидагидек яна ўйга чўмди, Франци эса яхши тамаки ширин орзу-умидлар оғушига олиб кетди.

Али қаҳва келтирди.

– Ўзлари қайсисини хоҳлайдилар, – деб сўради мезбон, – французларникиними ёки туркларникиними, куюғиними ёки суюғиними, қандлисиними ёки қандсизиними, совуғиними ёки иссиғиними? Ҳамма хилдан бор. Истаганингизни танлаб олинг, марҳамат.

– Мен туркларникидан ичаман, – деди Франц.

– Жуда тўғри қиласиз, – деди мезбон, – бу сизда шарқча яшашга мойиллик борлигидан далолат беради. Менга келсак, – деди у ғалати бир табассум билан, – Париждаги ишларимни тугатгач, қолган умримни шарқда ўтказишга аҳд қилдим. Жаноблари, мабодо мени кўришни истаб қолсалар Қоҳирадан, Бағдоддан ёки Исфаҳондан топадилар.

– Бу жуда осон бўлади менга, – деди Франц, – чунки, чамамда, ҳозир менда бургут қаноти пайдо бўляпти-ю, гўё бир кеча-кундузда бутун коинотни кезиб чиқадигандек ҳис этялман ўзимни.



– Ана! Бу тарёкнинг таъсири! Шундай экан, қани, қанотингизни ёзинг-да осмонга учинг! Хавотир олманг, сизни қўриқловчилар бор, қанотларингиз мабодо Икар қаноти сингари офтоб жазирамасида эриб кетгудек бўлса, биз сизни ўз кучоғимизга оламиз.

У Алига арабча бир неча сўз айтди, Али таъзим қилиб чиқиб кетди.

Франц ўзида ажиб бир ўзгариш юз бераётганини сезиб турарди. Бутун кун бўйи тўпланган ҳамма ҳорғинлик, кечки воқеаларнинг ҳамма ташвишлари тарқалиб йўқола бошлади, унинг бутун вужуди енгил тортди, ақли жуда равшанлашиб кетди, ҳиссиётлари икки баробар ўткирлашди. Унинг уфқ доираси тобора кенгайиб борарди, бироқ бу ўнгидаги аллақандай хавф-хатарли уфқ эмас, аксинча кўм-кўк, ёрқин, бепоён уфқ, ложувард денгиз, заррин қуёш, хушбўй шабада қўйнидаги уфқ эди... Сўнг ўз матросларининг қўшиғи оҳангида, агар ёзиб олиш имконияти бўлганда илоҳий бир куй бўладиган ана шу оҳанг остида кўз олдида Монте-Кристо ороли қад кўтараётганини – тўлқинлар елкасида даҳшатли қоя бўлиб эмас, чўл-биебонда гўзал водий бўлиб кўтарилаётганини кўриб турарди. Қайиқ яқинлашган сари қўшиқ кучаяр, узоқ-узоқларга учарди, чунки сеҳрли куй қандайдир Порелея балиқчини мафтун этмоқчи бўлаётгандек, оролдан жаранглаб чиқиб осмони-фалакка кўтарилиб кетяпти.

Мана қайиқ ҳам туртинмай-силкинмай, худди икки ташна лаб бир-бирига аста ёпишгандай, оҳистагина қирғоққа тегди, Франц ғорга кирди, жозибадор мусиқа эса ҳамон жарангларди. У назарида гўё зинадан тушиб бораётир. Цирцея ғорлари атрофида эсадиган шаббода каби тоза ҳавода, киши қалбини гўзал хаёлларга кўмиб юборадиган, туйғуларни алангалантирадиган хушбўй ҳавода роҳатланиб нафас олаётир. Мана ўнгида нима кўрган бўлса, ҳаммаси афсонавий мезбон Синдбоддан тортиб, гунг малай Алигача ҳаммаси яна унинг кўз олдидан ўтяпти. Сўнг ҳаммаси араллашиб кетди ва сеҳрли фонуснинг сўнгги нури каби аста-секин кўздан ғойиб бўлди. Франц ўзини ҳайкаллар қад кўтариб турган, ғира-шира шамчироқ ёритиб турган залда кўрди.

Бу ўша нақшдор, гузал, хумор кўз ҳайкаллар бўлиб, жингалак сочларини кўз-кўз қилиб, сеҳрли табассум-ла, кишини мафтун этмоқда эди. Машҳур уч ишратпараст ойимчалар – Фрина, Клеопатра, Мессалина эди. Мана шу беҳаё, уятсиз арвоҳлар ўртасида ёрқин нур каби, маъжусийлар Олимпининг фариштаси каби ифбатли, маъсум жонон пайдо бўлиб, мармар фоҳишалардан ўзининг пок танини яшириб турарди.

Шу аснода ҳалиги уч ҳайкал биргалашиб биттаю битта ошиққа зўр ҳирс, эҳтирос-ла кўз қадашди. Бу ошиқ Франц эди. Ҳайкаллар оппоқ узун ич кўйлақларда, кўкракларини очиб, сумбул сочларини тўзғитиб ошиқнинг тўшагига яқин келишди. Улар Франц қаршисида ўзларига зеб бериб, чунон ноз-карашма қилардиларки, бунга авлиёлар ҳам чидолмай васвасага тушиб қолишлари ҳеч гап эмасди. Бу ойимчалар, худди илон чуғурчиқни авраётгандек, Францга кўзларини жавдиратиб, ўйнатиб ишва қилардилар. Юмшоқ қучоқ ва тотли бўса ваъда қилаётгандек тикилаётган бу қарашларга бардош бера олармиди бечора Франц. У кўзларини бекитди, сўнг охири марта атрофга назар ташлади-да, яна уялиб чойшабига ўралиб олган ҳайкални кўрди, шу он у ифбатдан кўз юмди-да, ҳирс-лаззат туйғулари қучоғига ўзини отди.

Ана шунда чексиз айш-ишрат, пайғамбарнинг ўзи танлаган зотларга ваъда этган бетўхтов ҳирс-шавқ бошланиб кетди. Мармар лабларга жон кирди, ич кўйлақлар ҳарорат кашф этди, шундан кейин биринчи марта таряк домига илинган Франц учун ҳирс-шавқ қийноққа, айш-ишрат азобга айланди. У титраб турган лабларига муздек мармар лаблар ёпишаётганини ҳис этиб турарди, унинг қўллари бу даҳшатли ҳирсни улоқтириб ташлашга уринса-да, ҳиссиётлари сирли тушнинг жозибали айш-ишратларига тамоман берилган эди. Охири курашдан – жони фидо этса арзийдиган курашдан кейин у мармар маъшуқаларнинг бўсаларига ва афсунгар тушнинг лаззатларига роса қониқди-да, ҳолдан тойиб энтикканча муккаси билан йиқилди.

## XI. УЙҒОНИШ

Франц уйғониб кўзларини очганда, атрофдаги буюмлар тушнинг давомидек туюлди. Шу пайт у қабрда ётган хаёл қилди ўзини, қуёшнинг хира нури тушиб турарди. Кўлини узатди-да, пайпаслаб яп-яланғоч тошни топди, ўрнидан кўтарилиб қараса плашига ўралиб юмшоқ ва хушбўй қуруқ арчагуллар устида ётибди.

Шарпалар гумдон бўлган, тушида бамисоли гўрдан чиқиб келган арвоҳларга ўхшаб турган ҳайкаллар Франц уйғониши билан кўздан йўқолиб кетган эди.

Франц қуёш нури томон бир неча қадам ташлади. Даҳшатли, жўшқин туш ўрнини тинч, сокин борлиқ олди. У ёрда эканини англади, ярим доира тешик олдига бориб ташқарига қаради, кўз олдида пожувард осмон кўм-кўк денгиз кучоқ ёзиб турарди. Тонг қуёши ҳавога ҳарорат, тўлқинларга заррин нур сочаётир, қирғоқда матрослар давра қуриб, хушчақчақ суҳбатлашиб ўтиришибди. Ўн қадам наридаги қайиқ аста-аста қалқиб турибди.

У пешонасини сийпалаб салқин ҳавода бир лаҳза ҳузур қилиб турди, қирғоққа урилиб жимжима кўпиклар қолдираётган тўлқинларнинг оҳиста шовиллашига қулоқ солди, афсонавий тушдан сўнг, хусусан, кишини маҳлиё этадиган тонг палласининг шоҳона манзарасига бутунлайин мафтун бўлиб қолди. Франц сокин, покиза улуғвор табиий ҳаётга тикилиб турди-да, тушида кўрганлари ҳақиқатдан узоқ эканини ҳис этди.

У оролга қандай келганини, контрабандистлар атаманикига ташриф буюрганини, бой ва шинам безакли ер ости саройини, ажойиб овқатларни ва бир қошиқ тарёкни эслади.

Бироқ туш Францнинг эс-ҳушини шу қадар қаттиқ, чуқур қамраб олган эдики, ҳозирча, ёрқин кун ёғдусида бу ҳодисаларнинг бўлиб ўтганига камида бир йил ўтиб кетгандек туюларди унга. Ўтган тунларда уни эркалатиб, кўнглини хуш этган шарпалар баъзан гоҳ матрослар ўртасида, гоҳ қоялар тепасида, гоҳо қайиқда сайр этиб юргандек бўларди унинг назарида. Лекин Франц жуда яхши дам олиб, қушдек енгил тортиб чиқди. Ўзида ҳеч қандай оғир-

лик сезмас, кайфи чоғ эди, тоза ҳавода қувонч-ла тўйиб-тўйиб нафас олар, қуёшнинг илиқ нурига юзларини тутиб ҳузур қиларди. У дадил қадам ташлаб матрослар томон юрди.

Уни кўриб матрослар ўринларидан туришди, қайиқ эгаси унинг истиқболига пешвоз чиқди.

– Муҳтарам Синдбод-Денгиз сайёҳи, – деди у Францга, – сиз жанобга таъзим этишни ва хайрлашолмаганидан жуда афсусланганини айтишни менга топшириб кетди. Муҳим ва шошилинич бир юмуш билан Малагага жўнашга мажбур бўлганимни эшитгач, мени кечирурлар, деб ишонаман, деди.

– Наҳотки шуларнинг ҳаммаси бор нарса бўлса, дўстим Гаэтано? – деди Франц. – Мени шу оролда шоҳона қабул қилган ва ухлаб ётганимда жўнаб кетган зот чиндан ҳам борми ўзи?

– Бор жаноб, бор, ҳув анави ҳамма елканларини ёйиб кетаётган кема ўша зотники, сиз бир дурбинингизга қаранг, шубҳасиз, мезбонингиз экипаж орасида юрганини кўрасиз.

Гаэтано Корсиканинг жанубий томонига сузиб бораётган кемани кўрсатди.

Франц дурбинини тўғрилаб кўзига тутди-да, Гаэтано айтган томонга қаради.

Гаэтано ҳақ эди. Мезбон кема саҳнида юзини оролга ўгириб, Франц сингари қўлида дурбин ушлаб турарди, у кеча қандай кийимда бўлса ҳозир ҳам ўша кийимда эди, рўмолчасини ҳилпиратиб хайрлашарди.

Франц ҳам рўмолчасини олиб ҳилпиратди. Шундан сўнг кемадан юпқа тутун чиқди-да, буралиб осмонга кўтарилди. Франц паст ўқ овозини эшитди.

– Эшитдингизми? – сўради Гаэтано. – Сиз билан хайрлаш-япти.

Франц ҳам ўқ овози мезбон кемасига бориб етишига кўзи етмаса-да, милтиғидан ўқ узди.

– Энди, жаноб, нима қилайлик? – сўради Гаэтано.

– Аввало машъални ёқингиз.

– Ҳа, тушундим, – деди кема эгаси, – сеҳрли саройга кирадиган тешикни ахтармоқчисиз чамамда. Жуда қизиқиб қолганга ўхшайсиз жаноб, муродингизга етинг, ҳозир машъал топамиз. Мен ҳам кўпдан ўйлаб юраман буни, ҳатто икки-

уч марта ахтардим ҳам, бўлмади, ҳафсалам пир бўлди. Жованни, – деди қўшимча қилиб Гаэтано, – жанобга машъал ёқиб бер.

Жованни буйруқни дарҳол бажарди, Франц машъални олиб ғорга кирди. Гаэтано унинг кетидан борди.

Уйқудан турган жойини топди, ғорнинг деворларини жуда диққат билан текшириб чиқди. Пайдар-пай излардан бу ерда олдин ҳам кўп кишилар ғорга кирадиган жойни ахтарганларини билди.

Шунга қарамай Франц тош деворларнинг бир қаричини ҳам қўймай текшириб чиқди. Жиндак тешик кўрса ов пичоғини тикди, дўнгроқ жой учраса босиб кўрди, бироқ бу уринишларидан ҳеч фойда чиқмади, икки соат вақти беҳуда ўтди.

Ахири у умидини узди, Гаэтано шодланди.

Франц қирғоққа қайтиб келганда, нотаниш мезбоннинг кемаси уфқда оппоқ нуқтага ўхшаб кўринарди. У дурбиндан қаради, аммо бирор нарсани аниқ кўриб бўлмади.

Гаэтано оролга ов қилгани келганини Францнинг эсига солди. Франц буни тамом унутиб юборган эди. Милтиғини олиб оролни кезди. У кўринишидан ов билан завқланаётган кишига эмас, аксинча, қандайдир вазифа бажараётган кишига ўхшарди. Чорак соатда битта эчки ва иккита улоқ отди. Бу ёввойи ва чаққон эчкилар хонаки эчкиларга жуда ўхшаб кетарди, шунинг учун Франц уларни ёввойи ҳисобламади.

Бунинг устига унинг хаёли тамом бошқа нарсада эди. Кечадан бошлаб у «Минг бир кеча» эртагидаги қаҳрамон деб ҳис этарди ўзини ва унинг мияси ҳамон ўша ғор билан банд эди.

Бояги ахтаришдан натижа чиқмаганига қарамай, у Гаэтанога эчкини қовуришни буюриб, яна ғорни тинта бошлади. Иккинчи қидириш жуда чўзилиб кетди, шунчалик чўзилдики, то Франц қайтиб келгунча, эчки қовурилиб нонушта тахт қилиб қўйилган эди.

Франц кеча меҳмонга чақириб кетишган жойга ўтирди ва Корсика томонга сузиб бораётган кемани кўрди, кема ҳамон тўлқинлар устида чайқалиб ўтирган балиқчи қуш сингари сузиб борарди.

– Бу қанақаси? – деди у Гаэтанога қараб. – Сиз менга, жаноб Синдбод Малагага кетди, деган эдингиз, ҳозир у, менимча, тўғри Порто-Виккиога кетяпти-ку.

– Ахир унинг экипажи орасида, – деди эътироз билдириб қайиқ эгаси, – иккита корсикалик қароқчи борлигини унутиб қўйдингизми?

– Ҳа, тўғри! Уларни олиб бориб қўймоқчидир-да? – деди Франц.

– Худди шундай. Айтишларига қараганда, бу одам ҳеч кимдан ва ҳеч нарсадан қўрқмас экан, бирор бахтсиз кишининг мушқулини осон қилиш учун ҳар қанча йўл босишга ҳам тайёр у!

– Бироқ бу билан давлат арбобларининг ғашини келтириши мумкин-ку? – деди Франц.

– Нима бўпти! – деди кулиб Гаэтано, – давлат арбоблари билан нима иши бор унинг? Уларни бир чақага олмайди Синдбод! Барибир унинг кетидан қувиб етишолмайди! Биринчидан, унинг кемаси шунқор, тезликда ҳеч қандай кема белашолмайди у билан. Иккинчидан, истаган қирғоққа тушса, дўст-ёронлари ўраб олишади уни.

Шулардан маълумки, Францнинг хушчақчақ мезбони Синдбод Ўрта ер денгизининг ҳамма қирғоқларидаги контрабандистлар ва қароқчилар билан алоқадор экан. Бу кишини таажжубга соларди.

Энди Францнинг Монте-Кристода ҳеч қандай иши қолгани йўқ. Форнинг сирини очиш тўғрисидаги умидлари пучга чиқди, шу сабабли матросларга қайиқни сафарга тайёрлашни буюриб, ўзи нонуштага ўтирди.

Ярим соатдан сўнг у қайиққа тушди.

Франц охириги марта Синдбод кемасига қаради. Кема Порто-Виккио кўрфазида кўздан ғойиб бўлиб кетаётган эди.

Франц йўлга тушилсин деб имо қилди.

Қайиқ йўлга чиққан дақиқада, кема кўринмай қолган эди.

Кема билан бирга тунги мўъжизадан заррача асар қолмади: ноз-неъматларга тўла дастурхон ҳам, Синдбод ҳам, тарёк ва ҳайкаллар ҳам – ҳаммаси худди туш каби йўқ бўлиб кетди.

Қайиқ кун бўйи, тун бўйи сузди, эртаниси тонгда, қуёш кўтарилганда, Монте-Кристо ороли ҳам кўздан ғойиб бўлди.

Франц қирғоққа чиққани ҳамоно вақтинча бўлса-да, сўнгги пайтлардаги саргузаштларини ёдидан кўтариб ташлади-ю, Флоренциядаги юмушларини тезроқ охирига етказиб, Римга жўнаш тараддудига тушди. Уни у ерда Альбер де Морсер кутарди.

Шундан сўнг у йўлга чиқди ва шанба куни кечқурун почта извошида чегара майдонига кириб келди.

Бошда айтганимиздек, иккиси учун ётоқхона тайёр этиб қўйилган эди, фақат маэстро Пастрини меҳмонхонасига етиб олишса бас, бироқ бу осон эмасди, чунки кўчалар тўла одам, Римни оғир ва даҳшатли тўлқинлар аллақачон қамраб олган, бу тўлқинлар улуғ воқеалар жарчиси эди. Римда эса ҳар йили тўрт хил улуғ воқеа бўлади – карнавал, пасхадан бир ҳафта олдин бўладиган байрам, вожибан вужуд ва муқаддас Пётр байрамлари.

Йилнинг бошқа вақтларида шаҳар ҳаёт билан ўлим ўртасидаги ҳолатга кириб мудраб ётади, ана шунда худди бу дунё билан у дунё ўртасидаги бир мазгилга ўхшаб қолади, бу шундай гўзал, нафосатга тўла, сержило мазгилки, кишини тамомила мафтун этиб олади, Франц ҳам шу мазгилда олти марта бўлиб, жуда кўп сеҳрли ва жозибали нарсаларнинг гувоҳи бўлди.

У уриниб-суриниб, оломон ўртасини ёриб меҳмонхонага етиб олди. Унинг биринчи саволига бозори чаққон извошчи ва меҳмонхонаси одамга тўла хўжайинга хос кўполлик билан сиз учун «Лондон» меҳмонхонасида ўрин йўқ деб жавоб беришди. Франц маэстро Пастринига ташриф қоғозини йўллашга мажбур бўлди ва Альбер де Морсерни пеш қилди. Бу таъсир этди. Маэстро Пастрини ўзи югуриб келиб куттириб қўйгани учун узр сўради, хизматчиларини койиди-да, йўл кўрсатувчининг қўлидан шамдонни олиб меҳмонни Альбер хонасига кузатиб қўймоқчи бўлиб турган пайт Альбернинг ўзи чиқиб қолди.

Буюрилган хона иккита ётоқхона ва қабулхонадан иборат эди. Ётоқхонанинг деразалари кўчага қараган, буни маэстро Пастрини хоналарнинг жуда бебаҳо афзаллиги деб таърифлади. Шу қаватдаги бошқа ҳамма хоналарни Сицилиядан ёки Мальтадан келган бир бой банд этганди.

- Буларнинг ҳаммаси жуда соз, маэстро Пастрини, – деди Франц, – бироқ биз учун ҳозир энг зарури кечки овқат, эрта ва ундан кейинги кунлар учун извош.
- Овқатни-ку, ҳозироқ келтиришади, – деди жавоб қилиб хўжайин, – бироқ извош масаласи...
- Бироқ деганингиз нимаси? – хитоб қилади Альбер, – тўхтанг, тўхтанг, маэстро Пастрини, бу ҳазилингизни қўйинг! Бизга извош керак, извош!
- Муҳтарам жаноб, – деди меҳмонхона хўжайини, – сизга извош топиш учун бутун чора-тадбирларни кўрамиз. Ҳозирча бундан ортиқ ваъда беролмайман.
- Жавобни қачон оламиз? – сўради Франц.
- Эртага эрталаб, – жавоб қилди хўжайин.
- Шунгаям ғамнок бўлиб ўтирамизми?! – деди Альбер, – чораси пул-да, кира ҳақини кўпроқ тўлаймиз, вассалом. Маълумки, Дрэка ва Аронда оддий кунларда йигирма беш франк, якшанба ва байрам кунлари ўттиз ёки ўттиз беш франк олишади, ёнига яна беш франк қўшсангиз бўлди, ҳамма иш жойида бўлади.
- Жаноблари икки баробар ошиқ ҳақ тўлаб ҳам бирор фойтон топишингиз амри маҳол.
- Ундай бўлса, отларни яхшиси менинг фойтонимга қўша қолишсин. Рост, фойтон йўлда бир оз шикастланган, лекин бунинг зарари йўқ.
- От йўқ-да.
- Альбер хўжайиннинг гапига тушунолмай, Францга қаради.
- Бунисига нима дейсиз, Франц? От ҳам йўқ эмиш, – деди у, – почта отларидан ҳам топиб бўлмайдимми?
- Почтанинг отлари ҳам икки ҳафта олдин банд қилиб қўйилган; фақат почтанинг ўзи учун зарурлари қолган, холос.
- Буниси яна ошиб тушди-ку, Альбер! – деди Франц.
- Бирор нарсага ақлим бовар қилмай қолса, у ҳақда гапни бас қилиб, бошқасига ўтиб кетаман, одатим шунақа. Маэстро Пастрини, кечки овқат тайёрми?
- Тайёр.
- Келинг, аввал овқатни уриб олайлик.
- Извош ва отлар-чи? – сўради Франц.



– Азизим, ташвишланманг. Топилади. Фақат хасислик қилмасак бўлгани.

Чўнтакда пул бўлса, ҳаммаси топилади, деган фалсафага амал қилувчи Морсер овқатни паққос туширди-да, ўзини тўшакка ташлаб, роса уйқуни урди, тушида олти отлик файтонга тушиб сайр қилди.

## ХИ. РИМ ҚАРОҚЧИЛАРИ

Эртаниси Франц биринчи бўлиб уйғонди ва дарҳол кўнғироқни чалди. Кўнғироқнинг овози тинмасданоқ маэстро Пастринининг ўзи кириб келди.

– Мана, кўрдингизми, – деди тантанали оҳангда хўжайин, Францнинг саволини ҳам кутиб ўтирмай, – кеча сизга ваъда бермай тўғри қилган эканман, сиз жуда кечикиб сўрадингиз-да, бутун Римда, сўнгги уч кун ичида бирорта файтон топилмай қолди.

– Ҳа, албатта! – жавоб қилди Франц, – керак кунлари топилмай қолади-да, ўзи.

– Нима гап? – сўради Альбер кириб. – Извош йўқми?

– Топдингиз, азизим, йўқ экан, – деди Франц.

– Довруқ таратган шаҳрингизнинг ҳоли шуми ҳали, дунё тургунча яшнаб туради дейишади тагин бу шаҳарни.

– Жанобларига маълум қилияпманки, – деди маэстро Пастрини дунё христианлари пойтахтининг шаъни-шуҳратини келгиндилар олдида ҳимоя қилиш мақсадида, – якшанба куни эрталабдан сешанба куни кечқурунгача извош бўлмайди. Якшанбагача истасангиз юзта ҳам топилади.

– Буниси яна яхши! – деди Альбер. – Бугун пайшанба, якшанбагача Худо пошшо, унгача нима бўлишини ким билсин?

– Якшанбагача яна ўн-ўн икки минг киши келади-да, иш яна мушкуллашади, – деди Франц.

– Азиз дўстим, – деди Морсер, – келинг, ҳозирнинг ҳузурини кўраверайлик-чи, у ёғи бир гап бўлар.

– Ҳеч бўлмаса деразамиз бўлар дейман? – сўради Франц.

– Дераза? Қанақа дераза?

– Корсо майдонига қараган дераза-да!

– Ҳазиллашаяпсизми?! – хитоб қилди маэстро Пастрини. – Мумкин эмас! Сира иложи йўқ! Дариа саройида олтинчи қаватда битта бўши қолган эди, уни ҳам кунига йигирма цехин тўлаш шарти билан рус князига беришди.

Йигитлар ҳанг-манг бўлиб бир-бирларига қарашди.

– Азизим, – деди Франц Альберга, – иложимиз қанча? Карнавални Венецияда ўтказамиз, қўямиз-да. У ерда извош топилмаса гондолалар бўлади.

– Венецияни хаёлингизга ҳам келтирманг!? – деди хитоб қилиб Альбер. – Мен Рим карнавалини кўришга аҳд қилганман, ёғоч оёқда юриб бўлса-да, кўраман уни.

– Бу жуда ажойиб фикр! – деди унинг сўзини илиб олиб Франц, – ёғоч оёққа миниб олсак шамчироқларни бошлаб ўчираверамиз, масхарабознинг, гўрдан чиққан қонхўр мурдаларнинг ёки Ланди даштларининг аҳолиси кийимларини кийиб оламиз-да, ҳаммани қойил қиламиз.

– Ҳар ҳолда, жаноблари, ҳеч бўлмаганда, якшанбагача файтон олишни истасалар керак?

– Албатта, албатта! – деди Альбер. – Наҳотки биз аллақандай мирзоларга ўхшаб Рим кўчаларида яёв юрсак?

– Жанобларининг буйруқлари бажо этилади албатта, – деди маэстро Пастрини. – Бироқ огоҳлантириб қўяй: файтонга ҳар кун олти пиастрдан тўлайсиз.

– Мен, жаноб Пастрини, – деди унинг сўзини илиб олиб Франц, – қўшнимиз сингари миллионер бўлмасам-да, сизни огоҳлантириб қўяйинки, Римга шу билан тўртинчи марта келишим, файтонларнинг оддий кунларда, байрамларда ва якшанба кунларидаги нархини яхши биламан, сизга уч кунга: бугун, эрта ва индинга ўн икки пиастрдан берамиз, шунда ҳам анча фойда кўрасиз.

– Кечирасиз, жаноб! – деди Пастрини эътироз билдирмоқчи бўлиб.

– Хоҳласангиз шу, қадрли хўжайин, – деди Франц, – йўқ десангиз извошни берадиган ижарачи билан ўзим гаплашиб қўя қоламан, уни мен яхши танийман, у мендан жуда кўп фойда кўрган, яна фойда кўриш ниятида мен сизга таклиф қилаётган пулдан камига ҳам рози бўлади. Қайсарлик қилиб фойдадан ажралиб қоласиз.

– Жаноб, ўзингизни ташвишга солмай қўя қолинг, – деди маэстро Пастрини енгилган италян юлғичи сингари илжайиб, – кўнглингиздагидек хизмат қилишга уринаман, сиз албатта мамнун бўласиз.

– Мана бу ўғил боланинг гапи. Аллақачон шундай қилиш керак эди.

– Файтон қачон келсин?

– Бир соатдан сўнг.

– Бир соатда дарвоза олдида бўлади.

Чиндан ҳам извош бир соат ўтар-ўтмас эшик олдида йигитларни кутиб турган эди, бу байрам муносабати билан извош ҳолига келтириб ясатилган аравача эди, шунга қарамай, йигитлар карнавалнинг сўнгги уч кунда шу аравачада юришга ҳам рози эдилар.

– Муҳтарам жаноб! – деди йўл кўрсатувчи деразадан мўра-лаб. – Извошни саройга киритайликми?

Франц италянча мулозаматга ўрганиб қолган бўлса-да, атрофга бир аланглаб қўйди. Бироқ йўлчи ундан сўраётган эди.

Муҳтарам жаноб унинг ўзи, извош дегани эса ҳалиги аравача, сарой дегани «Лондон» меҳмонхонаси эди.

Италянлар ҳар нарсани бўрттириб кўрсатишга мойил экани яна шу иборадан кўриниб турарди.

Франц ва Альбер пастга тушишди. Извош сарой остонасига келди. Муҳтарам жаноблар керилиб ўтириб олишди, йўл кўрсатувчи тик туриб олди.

– Муҳтарам жаноблар, қай томонга юришни буюрадилар?

– Аввал муқаддас Пётр черковига, сўнгра Колизейга, – деди Альбер ҳақиқий паришлик сингари.

Бироқ муқаддас Пётрнинг бир ўзини кўриб чиқиш учун бир кун кетишини ва уни ўрганиш учун бир ой вақт кераклигини Альбер билмасди. Чиндан ҳам кун бўйи муқаддас Пётр ибодатхонасини кўриб чиқишга банд бўлишди.

Дўстлар кун қайтиб, кеч кираётганини сезмай қолган эдилар.

Франц соатига қаради: тўрт яримга бориб қолган эди вақт.

Меҳмонхонага қайтишга мажбур бўлишди. Извошдан тушаётиб Франц извошчига соат саккизда эшик олдида бўли-

шини буюрди. У Альберга муқаддас Пётр ибодатхонасини қуёш нурида товланиб турган пайтда кўрсатгани каби, Колизейни ойдинда кўрсатмоқчи бўлди. Узинг илгари кўрган шаҳарни жўрангга кўрсатаётганда, худди бир вақтлардаги хуштор аёлинг билан уни таништираётгандек сатанглик, нозу қарашмаларни кўпам жойига келтирасан киши.

Извошчига маршрутни Францнинг ўзи кўрсатаётганининг боиси ҳам шунда эди. Бу маршрут бўйича улар дель-Пополо дарвозасидан ўтиб, ташқи девор ёнидан бориб Сан-Жованни дарвозасига киришлари лозим эди. Ана шунда Колизей лоп этиб улар қаршисида гавдаланар, йўлдаги Капитолий ҳам, Форум ҳам, Шимол Септимия аркаси ҳам, виа-Сакрадаги Антонин ва Фаустина черковлари ҳам Колизейнинг улугворлигини заррача камситолмасдилар.

Дастурхонга ўтиришди. Маэстро Пастрини жуда мазали овқат тайёрланади деб ваъда қилган эди. Ростдан ҳам овқат дуруст бўлди, эътирозга жой қолгани йўқ.

Овқат охирида хўжайин кирди. Франц хўжайин овқат учун мақтовларни эшитгани келди, шекилли, деб ўйлаб, мақташга шайланган эди, аммо Пастрини дарҳол унинг сўзини кесиб, деди:

– Муҳтарам жаноб, мақтовингиздан мамнунман, бироқ мен бошқа масалада келдим.

– Эҳтимол бизга файтон топгансизу шуни хабар қилгани келгандирсиз? – сўради Альбер папиросини тортиб.

– Ундан баттарроғини, жанобларига мен бу ҳақдаги халъларини қаллаларидан чиқариб ташлашларини ва борига шукр қилишларини маслаҳат берардим. Римда нарсаларнинг иложи бориям бўлади, иложи йўғиям. Сизга иложи йўқ дедиларми, бас, демак, гап тамом – вассалом.

– Парижда қулайроқ, сизга иложи йўқ, деганларида икки баравар тўлайсиз ва шу заҳоти керакли нарса муҳайё бўлади.

– Ҳамма французлар шундай дейишади, – жавоб қилди гижинига теккан Пастрини, – шундай экан, нега улар саёҳатга чиқиб ўзларини қийноққа солиб юришади.

– Шунинг учун, – деди юмшоқ курсида чайқалиб ўтирган Альбер папирос тутунини шифтга пуфлаб, – шунинг учун бизга ўхшаган тентаклар ва аҳмоқларгина саёҳат қилиб юришади. Ақлли одамлар Эльдер кўчасидаги, Ганте буль-

варидаги ва Кафе-де-Паридаги ҳовли-жойларида ҳузур қилиб ётишади.

Альбернинг номи тилга олинган кўчада яшаганини, чиройли бульварда ҳар куни сайр этганини ва официант билан яхши муомалада бўлган кишигагина овқат берилмаган ягона кафедра овқатланиб юрганини бу ерда айтиб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак.

Маэстро Пастрини ҳеч нима демади, Альбернинг жавоби унга тушунарли бўлмади, шекилли, ўйланиб қолди.

– Аммо, – деди Франц хўжайиннинг хаёлини бўлиб, – сиз бизнинг ҳузуримизга бирор мақсадда келгандирсиз. Хўш, қанақа мақсад экан у?

– Жуда ҳақ гапни айтдингиз, гап бундай: сиз извош соат саккизда келсин деган эдингизми?

– Ҳа, шундай деган эдим.

– Колоссеони кўрмоқчимисиз?

– Колизейни демоқчимисиз?

– Иккови бир нарса.

– Ҳа.

– Извошчига дель-Пополо дарвозасидан кириб, ташқи девор ёнидан бориб, Сан-Жованни дарвозаси орқали қайтасан, деганмидингиз?

– Худди шундай.

– Бу маршрутдан юришнинг иложи йўқ.

– Нега?

– Жуда хатарли бу йўл.

– Хатарли? Нечук?

– Луиджи Вампа туфайли.

– Кечирасиз, муҳтарам хўжайин, – деди Альбер. – Аввало бизга тушунтиринг: Луиджи Вампа деганингиз ким ўзи? Эҳтимол, у Римда жуда машҳурдир, бироқ ишонингки, у одамни Парижда билмайдилар.

– Нега билмас эканлар! Сиз ҳам уни танимайсизми?

– Танимайман.

– Унинг номини ҳечам эшитмаганмисиз?

– Ҳеч эшитганим йўқ.

– Ундай бўлса билиб қўйинг: Луиджи Вампа машҳур қароқчи, Дечезарис ва Гаспароне кабилар унинг олдида ип эшолмайди.

– Диққат, Альбер! – хитоб қилди Франц. – Пировард натижада мана энди қароқчи ҳам чиқиб қолди.

– Муҳтарам хўжайин, бирорта сўзингизга ҳам ишонмайман. Шунинг учун истаганингизча гапираверинг, қулоғим сизда, қани, «Бор экану, йўқ экан...» Қани, бошланг!

Маэстро Пастрини жўралар ичида фаҳм-фаросатли деб Францга мурожаат қилди. Қойил қолиш керак бу одамга. Унинг ҳаётида бу меҳмонхонасида истиқомат қилган французларнинг сон-саногии йўқ, бироқ уларнинг ақлига доир баъзи хусусиятлар ҳамон Пастрини учун жумбоқ бўлиб кел-япти.

– Муҳтарам жаноб, – деди у Францга, – агар сиз мени ёлғончига чиқариб қўйган бўлсангиз, айтмоқчи бўлган гапимни айтмай қўя қолганим маъқул. Мен фақат сизнинг нафингизни кўзда тутгандим.

– Азиз синьор Пастрини, Альбер сизни ёлғончи дегани йўқ, – деди Франц унинг сўзини бўлиб, – у сизга ишонмайман, деди холос. Мен эса сизга ишонаман, хотиржам бўлиб, гапингизни давом эттираверинг.

– Бироқ жаноблари тушунадиларки, менинг ростгўйлигим шубҳа остига олинаркан...

– Азизим, – сўзини кесди Франц, – сиз Касандридан ҳам серзарда экансиз-у. Ахир у аёл фолбин эди, унинг сўзларига ҳеч ким қулоқ осмасди, сизга эса бу ердагиларнинг ярми диққат бериб, қулоқ солиб ўтирибди. Қани ўтиринг, ўша жаноб Вампа ким ўзи, айтиб беринг.

– Мен ҳали айтганимдек, у бир баттол қароқчи, бундай баттарин қароқчини машҳур Мастрилья замонидан буён кўрганимиз йўқ.

– Ахир, извошчига дель-Пополо дарвозасидан кириб Сан-Жованни дарвозаси орқали қайтиш тўғрисида мен берган буйруқнинг бу қароқчига нима алоқаси бор?

– Алоқаси шундаки, – жавоб қилди маэстро Пастрини, – сиз бир дарвозага тинчгина кирасизу, бироқ иккинчисидан қайтиб чиқа оласизмикин, деган шубҳадаман.

– Нима учун?... – сўради Франц.

– Қоронғи тушиши билан ҳатто дарвозадан эллик қадам нарида бўлиш ҳам хавфли.

– Йўғ-э? – деди Альбер.

– Жаноб виконт, – деди жавобан маэстро Пастрини Альбернинг ишончсизлик билдирганидан ҳамон дарғазаб бўлиб, – буни мен сизга эмас, йўлдошингизга айтяпман: у Римда бир неча марта бўлган экан, бунақа масалалар билан ҳазиллашиб бўлмаслигини у яхши билади.

– Азизим, – деди Альбер Францга, – ажойиб ҳодисалар ўз-ўзидан йўлимизда пайдо бўларкан, бу жуда соз. Извошимизни тўппончалар, мушкет ва икки оғизли милтиқларга тўлдириб оламиз. Луиджи Вампа рўбарў келгудек бўлса, у бизни эмас, биз унинг йўлини тўсамиз, машҳур қароқчини тутиб олиб бориб, азиз-авлиё папага топширамиз, у биздан бу хизматингиз учун тиланг тилагингизни, деб сўрайди, биз ўйлаб-нетиб ўтирмай битта файтон ва папа отхонасидан иккита от сўраймиз, шундай қилиб, карнавални файтонда томоша қиламиз, ҳимматли Рим аҳолиси, шубҳасиз, Капитолийда бизни гултожларга кўмиб юбориб, Курций ва Гораций Коклес каби ватан ҳомийлари деб бизларни бошларига кўтаришлари турган гап.

Альбернинг бу баландпарвоз гапларини эшитиб турган маэстро Пастринининг вазоҳати ўзгариб кетди.

– Аввало, – деди эътироз билдириб Франц, – тўппонча, мушкет ва қўшоғиз милтиқларни қаердан оласиз?

– Меним арсеналимдан эмас, албатта, чунки Террачинедаги охирги ханжаримни ҳам тортиб олишди, хўш, сизданчи?

– Мендан ҳам Аква-Пендентда яроғ-аслаҳаларимни шилиб олишди.

– Биласизми, марҳаматли хўжайин, – деди Альбер иккинчи сигарани биринчисининг чўғида тутатаётиб, – демак, бу чора-тадбирлар талончилар учун жуда қулай бўпти, чамамда бу иш қароқчиларнинг ўзи билан тил бириктириб қилинган.

Афтидан ҳазил хўжайинга хатарли туюлди, шекилли, у Францга мурожаат қилди:

– Жаноб, маълумки, кишига қароқчилар ҳужум қилганда, у ўз-ўзини ҳимоя қилиши одат эмас-да.

– Нега энди! – хитоб қилди Альбер. – Талаётганда чурқ этмай туравер деган фикр бу мард йигитнинг жазавасини кўзғатиб юборган эди. – Нега одат бўлмас экан?.. Нега?

– Чунки қаршилик кўрсатишнинг фойдаси йўқ. Ариқ-зовурлардан, кўримсиз кулбалар ёки қувур-тарновлардан гув этиб чиқиб, балодайин ёпишадиган қароқчиларга қарши нима қила олардингиз?

– Астағфирулло! «Ғиқ» этмай тургандан кўра ўлганим яхши! – деди Альбер.

Маэстро Пастрини Францга қаради, унинг кўзлари: «Жаноб, ростдан ҳам жўрангизнинг ақли жойида эмас», деб турарди.

– Азизим Альбер, – эътироз билдирди Франц, – жуда соз жавоб қилдингиз, буни Корнелнинг «*gu'il mougut*»<sup>20</sup> га денг деса бўлади, бироқ у ерда сўз Римни ҳимоя қилиш устида боради, Рим эса ҳимоя қилса арзийдиган шаҳар. Энди бизга келганда, сўз фақат бемаъни бир ҳавасни қондириш устида боряпти, шу инжиқ ҳавасни деб азиз жондан кечиш кулгили бўлур эди.

– *Per Vassol*<sup>21</sup> – хитоб қилди Пастрини. – Мана гап бундай бўпти!

Альбер стаканига лакрима-кристи қуйди-да, ҳўплаб ича бошлади ва нималар ҳақидадир минғирлади.

– Хўш, маэстро Пастрини, – деди Франц, – мана оғайним ҳовуридан тушди, менинг тинчликка мойил эканимга ишончингиз комил бўлди ҳам, энди ҳалиги синьор Луиджи Вампа ким ўзи, айтиб беринг. У подачими ёки мансабдорларданми? Ёшми ёки қарими? Паканами ёки новчами? Уни бизга тўла тасвирлаб беринг, оломон ўртасида беҳосдан учратиб қолсак таниб олайлик.

– Мендан бўлак уни ҳеч ким сизга тўла тасвир этиб беролмайди, чунки мен Луиджи Вампани болалик чоғидан билман. Кунлардан бир куни Ферентинодан Алатрига кетаётиб унинг қўлига тушиб қолганимда, хайриятки, мени таниб қолди-ю, бўшатиб юборди, мен учун тўлов олиш у ёқда турсин, аксинча, чиройли соат тақдим этди ва ўз тарихини ҳикоя қилиб берди.

– Қани, ўша соатни кўрсатинг, – деди Альбер.

---

<sup>20</sup> «Ўлганим яхши!» (Корель, Гораций).

<sup>21</sup> «Бахус ҳақи, қасамёд қиламан!» (Итадь).



Пастрини камзули чўнтагидан мастернинг номи ва граф тожи сурати чизилган ҳашамли гўзал соатни олиб кўрсатди.

– Мана у.

– Уҳ-ҳў, жуда ажойиб-ку! – деди Альбер. – Табриклайман сизни! Табриклайман. Меники ҳам худди шунақа, – у ҳам камзули чўнтагидан соатини олиб кўрсатди, – уч минг франк тўлаб олганман.

– Энди унинг тарихини ҳикоя қилиб беринг, – деди Франц курсини суриб, маэстро Пастринини ўтиришга таклиф этиб.

– Сиз рухсат этасизми? – сўради хўжайин.

– Марҳамат қилинг, азизим, марҳамат қилинг, – жавоб қилди Альбер, – ўтиринг, ахир сиз тикка туриб ваъзхонлик қиладиганлардан эмассиз-ку!

Хўжайин жўраларга бир-бир таъзим қилди-да, ўтирди. Бу билан у Луиджи Вампа ҳақидаги ҳамма маълумотларни айтиб беришга тайёр эканини тасдиқлаган эди.

– Тўхтанг, – деди Франц эндигина гап бошламоқчи бўлиб турган маэстро Пастринини тўхтатиб. – Сиз Вампани болалигидан танийман дедингиз, демак у ҳали жуда ёш экан-да.

– У ёш бўлса керак деяпсизми? Ёш бўлганда қандоқ. Бор-йўғи йигирма икки ёшда, холос. Аммо у истиқболли йигит, ҳа, хотиржам бўлинг, келажакда кўп ишлар қилади.

– Бунисига нима дейсиз, Альбер? Йигирма икки ёшда шуҳрат қозониш осон эмас-да! – деди Франц.

– Дунёда машҳур Александр, Цезарь ва Наполеон бу ёшда бунчалик муваффақият қозонмаган эди.

– Демак, – давом эттирди сўзини Франц хўжайинга му-рожаат қилиб, – ҳикоянгиз қаҳрамони эндигина йигирма икки баҳорни кўрган навқирон йигит экан-да.

– Ҳа, худди шундай, ҳали айтдим-ку.

– У новчами ёки паканами?

– Тахминан жанобларидек, ўрта бўйли, – деди хўжайин Альберни кўрсатиб.

– Раҳмат, ўхшатганингиз учун, – деди таъзим қилиб Альбер.

– Ҳикояни бошланг, маэстро Пастрини, – деди Франц жўрасининг тегма нозиклигидан кулиб. – Жамиятнинг қайси синфига мансуб у зот?

– Палестрина билан Габри кўли ўртасида, граф Сан-Феличенинг ерларида оддий чўпон эди. Пампинарда туғилиб, беш ёшидан графникида хизмат қилди. Чўпон отасининг Ананияда озгина моли бўлган ва Римда қўй жуни, пишлоқ сотиб тирикчилик қилиб келган.

Вампанинг болалик чоғидаёқ феъл-атвори жуда ғалати эди. Кунларнинг бирида етти ёшли Вампа Палестрин кашиши ёнига келиб ўқишга ўргатишни сўраган. Бу ниҳоятда қийин эди, чунки чўпон бола молларни ташлаб кетолмасди, шунга қарамай раҳмдил кашиш камбағалларнинг «Борго» деган қишлоғига бориб қорилик қиларди. У Луиджига мени йўлда кутиб турасан, шу йўл чеккасида ўтириб дарс оласан, дарс жуда қисқа бўлади, ўзинг кўпроқ ҳаракат қилишингга тўғри келади, деб тайинлайди.

Бола шодланиб рози бўлади.

Луиджи ҳар куни подасини Палестринадан Боргога борадиган йўлга ҳайдаб боради. Ҳар куни эрталаб соат тўққизда кашиш ҳам шу ерга келади. Иккиси зовур лабида ўтириб машқ қилишарди, ана шу йўсинда ёш чўпон савод ўрганарди.

Уч ойда у ўқишни ўрганиб олди.

Бироқ бу билан қаноатланмади, у ёзишни ҳам ўрганишга аҳд қилди.

Кашиш Римдаги ҳуснихат ўқитувчисига уч хил машқ хат буюрди: бирини йирик ҳарфларда, иккинчисини ўртача ва учинчисини майда ҳарфларда. Болага бу хатларни тоштахтага ўткир темир билан қандай қилиб кўчириш кераклигини кўрсатиб берди.

Шу куни кечқурун Вампа молларни қайтариб келибоқ, Палестринадаги чилангар олдига борди, катта миҳни олиб қиздириб тоблади ва қадимий стилосга ўхшаган асбоб ясаб олди.

Иккинчи куни у тоштахталар йиғиб, ишга тушди.

Уч ой деганда у ёзишни ҳам ўрганиб олди.

Боланинг зеҳнига қойил қолган ва жонининг борича ҳаракат қилаётганидан хурсанд бўлган кашиш унга бир неча дафтар, бир нечта қалам ва қаламтарош тақдим этди.

Бола янги фанни, аммо олдингисидан енгилроқ фанни эгаллаши зарур эди. Бир ҳафта ичида қаламда ёзишни ҳам жуда яхши ўрганиб олди.

Кашиш боланинг бу истеъдодини граф Сан-Феличега айтиб берди, граф ёш подачини хузурига чақириб ўқиттириб ва ёздириб кўрди, идора бошлиғини чақириб, бола хизматчилар билан бирга овқатлантирилсин ва ойига икки пиастр маош тайинлансин, деб буйруқ берди.

Ойликдан тушган пулга Луиджи дафтар ва қалам сотиб оларди.

Тақлид қилиш қобилияти Луиджида ниҳоятда кучли эди, у Жотто сингари тоштахталарга қўйларнинг расмини, уйлар ва дарахтларнинг суратини соларди.

Қаламтарош билан дарахтларни йўниб, улардан турли нарсалар ясай бошлади. Машҳур ҳайкалтарош Пинели ҳам ишни шундай бошлаган эди.

Луиджидан кичикроқ, эндигина олти баҳорни ўтказган бир қизалоқ ҳам Палестрина яқинида мол қўриқлаб юрарди. Бу Вальмонтонда туғилган Тереза номли етим қиз эди.

Кичкинтойлар учрашиб туришар, ёнма-ён ўтириб олиб, гап сотишар эди, моллари эса аралашиб кетиб ўтларди. Кечқурун улар граф Сан-Феличе подасини барон Черверти подасидан ажратиб олиб, эртага кўришгунча хайрлашар эдилар. Бу қондани улар ҳеч қачон бузмадилар, хуллас, бирга ўсдилар.

Луиджи ўн икки ёшга, Тереза ўн бир ёшга кирди. Шу билан бирга уларнинг табиий майллари ҳам ривожлана борди.

Яккаликда Луиджи имкони борича санъат билан шуғулланди, унинг феъли нотайин эди: у гоҳ сабабсиз, ғамгин, гоҳ шиддат-ғайратли, гоҳо фиғони чиқиб кетар, қайсар, баъзан ҳазилкаш-масхарабоз бўлиб қоларди. Пампинарада, Палестринада ва Вальмонтонда бирор бола унга таъсирини ўтказолмас, ҳатто у билан ўртоқлашолмасди. У ўзбошимча, талабчан, ҳеч кимга сўз бермасди, шу сабабли болалар у билан дўстона муносабатда бўлолмасдилар. Биргина Тереза бир боқиш, бир сўз, биргина имо билан уни ҳовуридан тушириб қўя оларди. У аёл қўли ишорасига ғиқ этмай итоат қиларди, эркак қўли эса кимнинг қўли бўлишидан қатъи назар, уни синдирса синдирарди-ю, аммо букопмасди.

Тереза, аксинча шўх, чаққон, хушчақчақ, бироқ ниҳоятда тантиқ қиз эди. Рис қўғирчоқфурушларидан майда-

чуйда безаклар сотиб олишга граф Сан-Феличенинг иш бошқарувчиси берадиган икки пиастрни Луиджи ясама марвариддан қилинган исирғалар, шиша маржонлар ва олтин тўғнағичларга сарф қиларди. Ёш дўстининг хотамтойлиги туфайли Тереза Рис атрофида энг гўзал ва башанг деҳқон қизи бўлиб танилди.

Болалар куни бўйи бирга ширин ўй-хаёлларга чўмиб ўсиб, улгайиб бораверишди. Узаро суҳбат вақтида, тилак-орзулар ва ширин хаёлларда Вампа ҳамиша ўзини худди кема капитани деб, қўшинлар саркардаси ёки бирорта вилоятнинг губернатори деб фараз қилар, Терезани эса канизаклар қуршовидаги башанг бойвучча деб ҳис этарди. Улар бутун кунни бўлғуси ширин ҳаётнинг лаззатлари тўғрисидаги хом хаёллар билан ўтказиб, кечқурун қайғули ва ҳазин борлиққа кириб келардилар.

Кунлардан бир куни чўпон бола граф иш бошқарувчисига Сабин тоғларидан бир бўри тушиб, пода атрофида изғиб юрганини айтди. Иш бошқарувчи унга малтиқ берди. Вампанинг нияти қурол олиш эди.

Бу Брешияда жуда моҳир уста томонидан ясалган инглиз карабинидан ҳечам қолишмайдиган милтиқ эди. Бироқ бир гал граф ўқ еган тулкининг ажалини осон қиламан деб, милтиқнинг қўндоғини синдириб қўйган эди, шу сабабли уни ташлаб қўйишган эди.

Вампа каби моҳир ўймакор учун бу милтиқни тузатиш ҳеч гап эмасди. У милтиқнинг эски қўндоғини ўлчаб чиқди, қаерини ўзгартирса бўйига мос келишини ҳисоблаб олди, сўнг ўймакор янги қўндоқ ясаб, роса беади, мабодо сотмоқчи бўлганда шаҳарда фақат гулдор ёғочнинг ўзига ўн беш-йигирма пиастр тўлашлари турган гап эди.

Аммо у сотишни хаёлига келтирмасди, милтиқли бўлишни кўпдан буён орзу қилиб юрарди. Мустақиллик эркинликнинг ўрнини босаётган мамлакатларнинг ҳаммасида ҳар қандай жасур кишининг ҳар қандай қудратли ҳамжиҳатликнинг биринчи талаби қуролга эга бўлишдир, бу қурол ҳужумда ҳам, мудофаада ҳам хизмат қилади, эгасига битмас-туганмас куч бағишлаб, бошқаларни у билан ҳисоблашишга мажбур этади.

Шу дақиқадан бошлаб Вампа бўш вақтларида отишни машқ қилди, ўқ-дори олди, кўринган ҳамма нарса – Сабин тоғлари ёнбағрида ўсадиган зайтун дарахтининг кулранг тани, оқшом пайтларида ўлжа қидириб инидан чиқадиган тулки, осмонда парвоз этиб юрган бургут – ҳаммаси Вампа учун нишонга айланди. Кўп ўтмай у жуда ўткир мерган бўлиб қолди, олдинлари ҳар бир ўқ овозига чўчиб юрган Тереза ҳам эндиликда ёш дўстининг мўлжалга аниқ ураётганини кўриб завқланадиган бўлиб қолди.

Бир куни чиндан ҳам улар ўтирадиган жойга яқин чакалақдан бўри югуриб чиқиб қолди. Бўри беш қадам босмай тип этиб ағдарилди-да, жон берди.

Вампа ови юришганидан хурсанд бўлиб, бўрини елкасига ташлаб қишлоққа келтирди.

Мана шу воқеа сабаб Вампа маълум даражада донг чиқарди. Бошқалардан мавқеи баланд киши қаерда бўлмасин, дарҳол мухлислар орттиради. Бутун округда Вампани энг эпчил, энг кучли ва кўрқмас йигит деб атайдиган бўлиб қолишди. Тереза Сабин қизларидан энг гўзали бўлса-да, ҳеч ким унга муҳаббат изҳор этишга журъат этолмасди, чунки ҳамма бу жононни Вампа яхши кўришини биларди.

Лекин Луиджи билан Тереза муҳаббат тўғрисида бирор марта сўз очишгани йўқ эди ҳали. Улар ер остида томирлари, ер устида шохлари чирмашиб кетган икки дарахт каби ёнма-ён униб-ўсишди, уларнинг битта-ю битта тилаги бор эди, у ҳам бўлса ҳамиша бирга бўлиш, бу тилак бора-бора талабга айланиб кетди ва эндиликда бу икки ёш учун бир-бирини бир кун кўрмай қолиш ўлимдан ҳам оғир эди.

Тереза ўн олтига кирди, Луиджи эса ўн еттига.

Шу вақтларда Лепин тоғларида тўпланган қароқчилар тўғрисида дув-дув гап тарқалди. Рим атрофидаги қароқчиларни ҳеч тугатиб бўлмади. Баъзан атаман етишмай қоларди, бироқ у пайдо бўлиши билан унинг атрофида дарров шайка йиғиларди.

Абруцц тоғларида изига тушилган ва тўс-тўполонини чиқариб юрган Неполитаниядан қувилган машҳур Кукуметто, Манфред каби Гарильянодан ошиб ўтиб Амазено қирғоғида, Соннино ва Пиперно ўртасида макон топган эди.

У шайка тўплаб олиб, Дечезарис ва Гаспорони изидан бориб улардан ўтиб кетишга ҳаракат қилди. Палестрина, Фраскати ва Пампинарада бир нечта ўсмирлар гумдон бўлди. Дастлаб уларни роса ахтаришди, сўнг Кукуметто галасига қўшилиб кетганини билиб, хотиржам бўлишди.

Бир оз вақт ўтгач, Кукуметто ҳамманинг оғзида дoston бўлиб қолди. Унинг беқийёс жасорати ва тошюраклигини ҳикоя қила бошлашди.

Бир гал у фрозинонлик танобчининг қизини ўғирлаб кетди. Қароқчиликнинг бузиб бўлмайдиган қонуни бор: қиз дастлаб ўғирлаганники бўлади, сўнг қолганлар ўртага чек ташлашади, шундан сўнг шўрлик қиз то меъдага теккунча ёки ажали етгунча бутун шайка қўлида эрмак бўлиб қолади.

Мабодо ота-онаси бой бўлса пул тўлаб қизини ажратиб олиш учун чопар юборади. Асира чопарнинг хавф-хатарсиз бўлиши учун боши билан жавоб беради. Агар пул тўлашмаса, қизнинг тақдири ҳал бўлади.

Кукуметто галасида ўғирланган қизнинг маъшуқи бор экан, унинг номи Карлини экан.

Қиз уни кўриб, нажот тилабди ва ўзини қутқарилган деб билибди, бироқ қизни таниган шўрлик Карлинининг юраги орқасига тортиб кетибди; қизнинг ҳоли нима кечишини у биларкан.

Карлини Кукуметтонинг севимли йигити эди, уч йил барча хавф-хатарларни бирга кечиришди, ҳатто бир гал унинг бошига қиличини кўтариб турган карабинерни отиб ташлаб, Кукуметтони ўлимдан қутқариб қолган эди, шунинг учун Карлини, атаман бизга раҳм-шафқат этар деб умид қилди.

Қиз ўрмон яланглигидаги узун қарағай тагида Рим дехқон аёллариники каби рангдор дурраси билан юзини қароқчиларнинг шаҳватпараст кўзларидан бекитиб ўтирган бир пайтда Карлини атаманни четга чақириб олди.

Карлини ҳамма гапни – қизга муҳаббатини, вафодор бўлиш ҳақида онг ичганларини, шайка бу жойларга келган кундан буён вайроналар орасида дийдор кўришиб юрганларини айтди.

Бироқ шу оқшом Карлинини қўшни қишлоққа юборишди ва шу сабабдан у қиз билан учрашувга боролмади, бироқ

Кукуметто тасодифан у ерга бориб қолиб, қизни ўғирлаб келди.

Карлини атамандан унинг учун истисно қилиб Ритага шафқат қилишни ўтиниб сўради ва унинг отаси бой, қизини ажратиб олиш учун катта ҳақ тўлайди, деди.

Кукуметто дўстининг илтимосини бажаришга гўё тай-ёрман дегандек бўлди-да, Карлинига Фрозинонга, Ританинг отаси олдига юборса бўладиган бир подачи топишни топширди.

Карлини қувониб қизнинг олдига югуриб борди-да, сен халос бўлдинг, деди ва ундан отасига хат ёзиб, бўлган воқеани айтишни, бўшатиб юбориш учун уч юз пиастр пул талаб қилаётганларини хабар этишни сўради.

Отасига иккинчи кун эрталаб соат тўққизгача – ўн икки соат муддат беришди.

Карлини хатни олиб чопар қидириб водийга югурди.

Ҳовлига подасини ҳайдаб кираётган ёш подачини топди. Шаҳар билан тоғлар ўртасида ваҳший ҳаёт билан маданий ҳаёт ўртасидаги чегарада яшовчи подачи одатда қароқчиларнинг чопари ролини ўйнади.

Подачи бола бир соатдаёқ Фрозинонга етиб боришга ваъда бериб жўнади.

Карлини бу қувончли хабарни севгилисига етказиш учун қиз қошига югурди.

Шайка майдонда овқат устида қаҳ-қаҳлашиб ўтирган эди. Улар ўлпон тариқасида қишлоқилардан йиғиб олинadиган емакликларни роса «чангини чиқариб» ураётган эди. Аммо улар орасида Кукуметто билан Рита кўринмасди.

Карлини, улар қаерда, деб сўради. Бандитлар бунга жавобан қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборишди. Карлинини қора тер босди, сочлари тик бўлди.

У саволини такрорлади. Ўтирганлардан бири стаканга тўлдириб вино қуйди-да, унга узатди.

«Жасур Кукуметто ва гўзал Ританинг соғлиги учун!»

Шу он Карлини аёлнинг фиғонли овозини эшитди, ҳамма гапни фаҳмлади. Стаканни олиб, узатганининг юзига ирғитди-да, овоз чиққан томонга отилди.

Юз қадамча югуриб бориб, бута тагида беҳуш Ритани қучоқлаб ётган Кукуметтони кўрди.

Кукуметто Карлинини кўриб ўрнидан турди-да, икки тўппончани ўқталди.

Қароқчилар бир-бирига қараб олишди: бирининг қарашада шаҳвоний суқ, иккинчисиникида ваҳима мавж уриб турарди.

Бу одамлар ўртасида ҳозир қирғин бўлади деб ўйлаш мумкин эди. Аммо Карлини аста-секин жаҳлидан тушди-ю, тўппонча ушлаган қўли осилиб тушди.

Рита иккисининг ўртасида ерда беҳуш ётарди.

Шу манзарага ой нури тушди.

«Хўш, нима бўлди? – деди Кукуметто, – топшириғимни бажардингми?»

«Бажардим, атаман, – жавоб қилди Карлини, – эрталаб соат тўққизда Ританинг отаси пулни шу ерга олиб келади».

«Жуда соз. Унгача биз, тунни айш-ишратда ўтказамиз. Бу жуда жонон қиз, сенинг дидинг дуруст экан, Карлини. Биласанки, мен худбинлардан эмасман, ҳозир ўртоқларимиз қошига борамиз-да, чек ташлаймиз, чек кимга чиқса, қиз ўшаники бўлади».

«Демак, бунга ҳам одатдаги тартиб-қоидани ишлатмоқчи бўлибсиз-да?» сўради Карлини.

«Нега энди бу қоидадан мустасно бўлиши керак?»

«Менинг илтимосимни ҳисобга олурсиз деб ўйлагандим...»

«Нима, сенинг шохинг борми?»

«Сиз ҳақлисиз».

«Лекин хотиржам бўл, – деди кулиб Кукуметто, – сенга ҳам навбат келиб қолади».

Карлини тишини-тишига шундай қаттиқ босдики, қарсиллаб кетди.

«Хўш, кетдикми?» деди Кукуметто ўртоқлари томон қадам ташлаётиб.

«Кетингиздан бораман».

Кукуметто жўнади, аммо орқамдан ҳамла қилмасин тагин, деб орқасига қаради. Бироқ ёш қароқчининг важоҳатида душманликдан заррача белги сезилмасди. У ҳамон беҳуш ётган Рита тепасида қўлларини қовуштириб турарди.

Карлини қизни олиб қочармикин-а, деган фикр Кукуметтонинг хаёлидан ўтди. Аммо бундан энди у ташвишланмас



ди, чунки Ритадан керагини олиб бўлган эди. Уч юз пиастр масаласига келганда, бутун шайкага тақсим этилса, арзи-маган пул тегишини билиб, эътибор ҳам бермади.

Кукуметто жўралар томон бораверди. Карлини у билан деярли бир вақтда етиб келганини кўриб атаман таажжубланди.

«Чек! Чек!» қичқиришди қароқчилар атаманни кўриб.

Ҳаммасининг кўзи ҳирс билан ёниб турарди, гулханнинг қизғиш шуъласидан иблисга ўхшаб кетарди бу махлуқлар.

Уларнинг талаби ҳақли эди, шунинг учун атаман розилик билдириб, боши билан имо қилди. Кишиларнинг, шу жумладан, Карлинининг ҳам номи ёзилган хатларни шляпага солишди, ҳамма шляпадан хат олди.

Бу хатда Дьяволаччонинг номи ёзилган эди.

Бу боя Карлинига атаманнинг соғлиги учун қадаҳ кўтаришни таклиф қилган ва унинг башарасига Карлини стакан билан урган қароқчи эди. Чаккасидан иягига чўзилган ярадан ҳамон қон оқиб турарди.

Номини ўқиганларида Дьяволаччо қаттиқ кулиб юборди.

«Атаман, – деди у, – Карлини ҳам сизнинг соғлигингиз учун ичсин энди, илтимос қилинг унга, эҳтимол, у сизнинг илтимосингизни илтифот қилиб бажо келтирар».

Ҳамма Карлинининг жазаваси кўзиб кетади деб кутган эди. Бироқ аксинча, бир кўлига стакан, иккинчи кўлига флягани олиб вино қуйди, ҳамма ҳайрон эди.

«Сенинг соғлигинг учун, Дьяволаччо», – деди у хотиржам.

У кўли сираям қалтирамай, стаканни кўтарди-да, винони ичиб юборди. Сўнг гулхан олдига чўкиб, деди: «Менинг овқатимни беринг! Югуриб-елиб, оч қолдим».

«Яшасин Карлини!» қичқириб юборишди қароқчилар.

«Мана, ўртоқчилик деган бунақа бўпти!»

Сўнг ҳамма гулхан атрофига чўқди. Дьяволаччо кетди.

Карлини ҳеч нарса бўлмагандек, бемалол овқатни еб, ичиб ўтираверди.

Қароқчилар унинг бунчалик бепарволигига тушунолмай ҳайрон ўтирган эдилар, бирдан оғир-оғир қадам товушлари эшитилди орқадан...

Ҳамма ялт этиб орқага қаради: Дьяволаччо икки қўлида асирани кўтариб келаётган эди. Заифанинг боши шилқ этиб тушган, сочлари ерга тегай-тегай деб келяпти.

У гулханга яқинлашган сари қизнинг мурда каби чехраси ва қароқчининг бўзарган юзи тобора равшанроқ кўринаверди.

Бехосдан юз берган даҳшатли ва дабдабали бу воқеа шайкани ҳаяжонга солди, ҳамма ўрнидан туриб кетди, фақат Карлини ҳеч нимадан беҳабардек, бамайлихотир ичиб, овқатини ея берди.

Дьяволаччо оғир сукунат остида яқинлашиб келаверди, ахири Ритани атаманнинг оёғига қўйди.

Шундагина ҳамма Карлинининг ранги докадек оқариб кетганининг боиси нимада эканини билди: қизнинг чап кўкси остидан пичоқ сопи кўриниб турарди.

Ҳамма бирдан Карлинига қаради: унинг камаридаги пичоқ қини бўш эди.

«Э-э, – деди атаман, – Карлини шунинг учун у ерда қолган экан-да».

Ваҳший табиатли кишилар жасорат билан қилинган ишга баҳо беришга танти бўлади. Қароқчилардан биронтаси эҳтимол Карлини қилган ишни қилмаган бўлур эди, шундай бўлса-да, улар ўртоғининг қилмишини қораламади.

Карлини ўрнидан туриб, мурда олдига борди-да, тўппончасининг дастасини тутиб деди: «Қани, энди бу аёлга менадан бошқа эга бўламан деган зот борми?»

«Йўқ, – деди атаман, – у энди ўзингга буюрсин!»

Карлини қизнинг жасадини даст кўтариб олди-да, гулхан ёритиб турган даврадан чиқиб кетди.

Кукуметто одатдагидек атрофга соқчилар қўйди, қароқчилар эса плашларига ўралиб гулхан ёнида ётишди.

Ярим кечада соқчилар бонг уришди, атаман ҳам, қароқчилар ҳам дарҳол ўринларидан туришди.

Ҳаммани гулғулага солган Ританинг отаси экан. У қизини ажратиб олиш учун пул келтирибди.

«Мана ол, – деди у атаманга, бир қопчада кумуш узатиб. – Уч юз пиастр. Қизимни бер».

Атаман пулни олмади, бу ёққа юр орқамдан, деб имо қилди. Чол итоат этди. Улар япроқлари орасидан ой мўра-

лаб турган дарахтзор орқасига ўтишди. Кукуметто тўхтаб, чолга икки гавдани кўрсатди.

«Ана, қизингни Карлинидан талаб қил, ҳаммасига шу жавоб беради».

Шундай деди-да, ўртоқлари қошига қайтди.

Чол бошига ниҳоятда оғир кулфат тушганини сезиб, турган жойида қотиб қолди. Ниҳоят ўрнидан кўзғалиб дарахт тагида нима юз бераётганини билмоқ учун олға бир неча қадам ташлади.

Карлини оёқ товушини эшитиб бошини кўтарди, икки кишининг гавдаси чолнинг кўзларига яққолроқ кўрина бошлади.

Ерда аёл ётибди, боши унинг устига эгилиб ўтирган эркакнинг тиззасида эди, эркак бошини кўтаргач, аёлнинг калпаси кўринди. Эркак уни кўксига босиб олган эди.

Чол қизини, Карлини эса чолни таниди.

«Мен сени кутиб ўтиргандим», деди қароқчи Ританинг отасига.

«Аблаҳ! – хитоб қилди чол. – Бу нима қилганинг?»

Кўкрагига пичоқ санчилган, қонга бўялиб қимир этмай ётган қизини кўриб кайфи учиб кетди чолнинг. Ой нури унинг гавдасига ғира-шира ёғду ташлаб турарди.

«Кукуметто қизингнинг номусини барбод этди, – деди Карлини, – мен уни севардим ва шунинг учун ўлдириб қўя қолдим. Шундай қилмасам Кукуметтодан кейин маҳбубам бутун шайканинг қўлида эрмак бўлиб қоларди».

Чол ун чиқармади, бироқ арвоҳга ўхшаб оқариб кетди.

«Мен айбдор бўлсам, – деди Карлини, – қизинг учун қасд ол мендан».

У қизчанинг кўкрагидан пичоқни суғуриб олди-да, чолга узатди, иккинчи қўли билан кўкрагини очди.

«Яхши қилибсан, – деди чол бўғиқ овозда, – мени қуч, ўғлим!»

Карлини хўнграб йиғлаганча севгилисининг отаси қучоғига ўзини отди. Бу қўли одам қонига бўялган кишининг ҳаётида биринчи йиғлаши эди.

«Кел энди, – деди чол, – қизимни дафн этишга ёрдам қил».

Карлини иккита белкурак келтирди, чол қизининг маҳбуби билан бирга эман дарахти тагидан қабр қазий бошлади.

Қабр қазилиб битди, дастлаб ота, ундан сўнг маҳбуб қатл этилган марҳумани ўпди, кейин бириси оёғидан, иккинчиси елкасидан кўтариб, қабрга аста туширишди.

Кейин иккови қабр четига чўкка тушиб, мархума ҳақиға дуо ўқишди ва қабрни кўмишди.

Чол Карлинига қўлини чўзди.

«Сендан кўп миннатдорман, ўғлим, – деди у, – энди бор, мени ўз ҳолимга қўй, ёлғиз қолдир».

«Нега энди...» – деди Карлини.

«Кетавер мени қолдириб, ҳа, ёлғиз ўтирмоқчиман қизим қабрида».

Карлини хўп, деб ўртоқлари қошига келди-да, плашига ўралиб ётди, сап ўтмай жўралари каби қаттиқ уйқуга кетди.

Кечаёқ қароргоҳни ўзгартиришга қарор қилишган эди.

Тонг ёришувига бир соат қолганда Кукуметто шайкасини уйғотди ва йўлга чиқилсин деб буйруқ берди.

Аммо Карлини Ританинг отасининг ҳолидан хабар олмай, ўрмондан кетишни истамади.

У кеча хайрлашган жойга борди.

Чол қизи қабрига соя ташлаган эман шохига ўзини осиб қўйган эди.

Отасининг жасади ва қизининг қабри олдида Карлини тиз чўкиб, икковингиз учун қасос оламан, деб онт ичди.

Аммо у онтини бажаришга улгуролмади, икки кун ўтгач, Рим карабинерлари билан бўлган тўқнашувда ҳалок бўлди. У душман билан бетма-бет турган бўлса-да, нечундир елкасидан ўқ еб ер тишлаганига ҳамма таажубланиб қолди.

Лекин қароқчилардан бири Карлини йиқилган пайтда Кукуметто унинг орқасида ўн қадамча жойда турганини айтганда, бу воқеадан ҳеч ким шубҳаланмай қўя қолди.

Қароқчилар галаси Фрозинон ўрмонини ташлаб чиққан ўша тонг пайтида Кукуметто қоронғилиқдан фойдаланиб Карлини кетидан пойлаб келган ва унинг онтини эшитган эди, бу эҳтиёткор атаман чаққонлик қилиб, Карлинининг кунини калта қилиб қўя қолди.

Бу баттол атаманинг бундан бошқа ҳам танг қоладиган қилмишларини ҳамма ерда ҳикоя қилишарди.

Шу сабабли ҳамма Фондидан то Перужига боргунча Кукуметтодан қўрқиб, жонини ҳовучлаб юрди.

Шу ҳикояларни Луиджи билан Тереза ҳам эслашарди.

Терезани ваҳима босиб титрар, Вампа эса мўлжалга аниқ урадиган милтиғини силаб, қизни тинчлантирарди, шунда ҳам юпанмаса, қизга юз қадамча наридаги қуруқ шоҳда кўниб турган қузғунни кўрсатиб, мўлжалга олар ва тепкини босарди, қуш тап этиб йиқилиб тил тортмай ўларди.

Вақт эса жуда тезлик билан ўтиб борарди, Луиджининг ёши йигирмага, Тереза эса ўн тўққизга кирганда оила қуришга қарор қилишди.

Иккиси ҳам етим эди, шунинг учун никоҳга фақат хўжайиндан рухсат олишлари лозим эди, унга мурожаат қилиб рухсат олишди.

Кунларнинг бирида икки ёш истиқбол ҳақида ширин хаёлларга чўмиб ўтирган пайт, тўсатдан ўқлар овози эшитилади, сўнг ён-атрофдаги дарахтзордан бир одам чиқиб, улар томонга югурди ва яқинроқ келиб, қичқирди: «Мени қувиб келишяпти! Яширинг мени!»

Ёшлар бу қароқчи эканини дарҳол фаҳмлаб олишди, бироқ Рим деҳқони билан Рим қароқчиси ўртасида азалдан қолиб келаётган қонда бор: биринчиси албатта иккинчисига ҳамиша ёрдам беришга тайёр туради.

Вампа чурқ этмай югуриб бориб, ғор оғзини бекитадиган тошни ағдариб ташлади-да, қочоқни ичкарига – ҳеч ким билмайдиган пастқам жойга киритиб бекитди ва яна қайтиб келиб Тереза ёнига ўтирди.

Шу заҳотиёқ тўрт отлиқ карабинер дарахтзор олдидаги майдонда пайдо бўлишди. Учтаси қочоқни ахтарар, тўртинчиси эса қўлга тушган қароқчини судраб келарди.

Карабинерлар тезда атрофга назар ташлаб, ёшларни кўриб қолишди ва отларини йўрттириб олишди-да, сўраб-суриштира бошлашди.

Улар ҳеч кимни кўрганимиз йўқ дейишди.

«Аттанг, – деди патруль бошлиғи, – биз қидираётган одам – атаман эди».

«Кукуметтоми?» – беихтиёр қичқириб юборди Луиджи билан Тереза.

«Ҳа, худди ўша, – жавоб қилди бошлиқ, – унинг калласига бир минг рим скудоси мукофот берилади, агар сиз уни тутишда бизга кўмаклашсангиз, беш юзини оласиз».

Ёшлар бир-бирларига қараб олишди. Карабинер, булар бирор нарса билса керак деган фикрни кўнглидан ўтказди. Беш юз рим скудоси уч минг франкка тенг, уч минг франк эса уйланмоқчи бўлаётган иккала етим учун жуда катта давлат.

«Аттанг, – жавоб қилди Вампа, – афсуски, биз уни кўрганмиз йўқ».

Карабинерлар турли томонга от чоптиришди, лекин уни топишолмади.

Сўнгра бирин-кетин кўздан ғойиб бўлишди.

Шундан кейин Вампа тошни ағдариб ғорни очди, унинг ичидан Кукуметто чиқди.

Кукуметто харсанг тош тирқишидан мўралаб, карабинерлар билан ёшлар қандай тарзда гаплашганларини, уларнинг вазоҳатидан уни тутиб бермасликка қатъий қарор қилишганини фаҳмлаб олганди. У чўнтагидан олтин тўла ҳамёнини чиқариб ёшларга узатди.

Вампа гердаиб олтиндан бош тортди, бироқ Тереза бу олтинга қанчадан-қанча қимматбаҳо буюмлар ва кийим-кечаклар олса бўлади-я, деб ўйлаб, кўзлари чақнади.

Кукуметто иблиснинг худди ўзи, қароқчи қиёфасидаги илон эди. У Терезанинг нигоҳини кўриб қолди, унинг ҳақиқий паризод эканини англади ва халоскорлари билан хайрлашаётган бўлиб, орқасига ўгирила-ўгирила дарахтзорда ғойиб бўлди.

Орадан бир неча кун ўтди. Шу вақт ичида Кукуметто кўришиш бермади ва ундан ҳеч қандай дарак ҳам бўлмади.

Карнавал вақти яқинлашмоқда эди. Граф Сан-Феличе катта дабдабали костюмли бал-базм ташкил этишга қарор қилди. Балга Римнинг энг шукуҳли, энг соз жамоаси таклиф этилди.

Тереза бу бални томоша қилиш иштиёқи билан ёнарди. Луиджи иш бошқарувчидан бални Тереза билан бирга хизматчилар орасида ўралашиб юриб бўлса-да, кўришга рухсат сўради.

Граф эса бу базми жамшидни севимли қизи Кармелани хурсанд қилиш учун ўтказаётган эди.

Кармела Тереза билан тенгдош, буй-басти ҳам барабар эди. Тереза ҳусну латофатда граф қизидан асло қолишмасди.

Базму жамшидга Тереза энг хушбичим, гўзал кийимларини кийиб, энг қимматбаҳо тўғнағичларини қадаб, бўйнига чўғдай ёниб турадиган маржонларини тақиб келди. У Фраската деҳқон аёлларининг кийимида эди.

Луиджи эса Тоскан қишлоқларидаги кишилар сайилларда киядиган ранго-ранг кийим-бошда келди.

Иккаласи, бояги шартга мувофиқ хизматкорлар ва деҳқонлар орасига шўнғиб кетишди.

Бал-базм жуда дабдабали бўлди. Фақат графнинг уйигина эмас, ҳатто боғдаги ҳамма дарахтларда юзлаб чироқлар ёниб турарди. Шунинг учун ҳам сон-саноксиз меҳмонлар бой жиҳозли хоналардан айвонларга, айвонлардан боғ хиёбонларига ўзини урарди.

Барча муюлишларда мусиқа янграр, ҳамма ерда ширинликлар ва виноларга тўла столлар қўйилган эди. Сайрчилар истаган жойда жуфт-жуфт бўлишиб рақсга тушар, кўнгили очишарди.

Кармела эса Сонино қишлоғи деҳқонлари кийимини кийиб чиққан эди. Қалпоқчасига марварид доналаридан гул тикилган, олтин тўғнағичларида олмослар ёниб турар, йирик-йирик гулдор турк шойи белбоғи хипча белини сиқиб турарди, кўйлаги ва юбкаси кашмирдан, фартуги ҳинд муслинидан тикилган, тугма ўрнига қимматбаҳо тошлар қадалган эди.

Унинг икки дугонаси – бири Неттуно қишлоғи, иккинчиси Риччия қишлоғи аҳолисининг кийимини кийиб келганди.

Римнинг энг бадавлат ва донгдор оиласидан тўрт йигит ҳеч тенги йўқ италянча эркинлик билан қизларга ҳамроҳ бўлиб кузатиб юришарди. Бу йигитлар Аъбано, Валлетри, Чивита-Кастеллана ва Сора ҳам қишлоқчасига кийиниб олишган эди.

Эркакларнинг кийимларида ҳам олтин ва қимматбаҳо тошлар ярқираб ёниб турарди.

Кармела бир хил кийим кийганлар жуфт-жуфт бўлиб рақсга тушишсин деб истак билдирди, бироқ тўртинчи аёл камлик қилаётган эди.

Кармела атрофда тўпланиб турганларни синчиклаб кўздан кечириб чиқди, меҳмонлардан биронтаси уларни кийимига мос келадиган кийим кийиб келмаган эди.

Граф Сан-Фелича қизига деҳқонлар ўртасида Луиджининг қўлига суяниб турган Терезани кўрсатди.

«Рухсат қиласизми, дада?» – сўради Кармела.

«Албатта, – жавоб қилди граф, – ахир карнавал-ку!»

Кармела ёнидаги йигитига энгашиб аста бир неча сўз айтди-да, ёш қизни кўрсатди. Йигит нозик қўллар узатилган томонга қараб турди-да, итоаткорона таъзим этиб, граф қизи истагини бажо келтириш учун Тереза томонга жўнади.

Таклифни эшитиб Тереза қизариб кетди. У Луиджига қаради: рад этишнинг иложи йўқ эди. Луиджи жононининг қўлини аста бўшатди. Тереза эса бутун вужудини титроқ босиб олифта йигит билан бирга борди-да, казо-казолар қаторидан жой олди.

Рассомга Терезанинг бичими қоматига ўтирган оддий кийими Кармела ва унинг дугоналариникидан кўпроқ ёққан бўлур эди, бироқ Тереза енгилтак ва тантиқ қиз эди. Бойвучча қизлардаги гулдор ҳарир ҳинд докаси, туркча гулдор камар, дабдабали кашмир кўйлаги ва юбкаси унинг кўзларини ўйнатиб юборди, қимматбаҳо тошларни кўриб эс-хушини йўқотиб қўйди.

Луиджида ҳам янги, фавқулодда бир туйғу пайдо бўлди-да, дилига озор бериб, қон томирларидан ўтиб бориб, бутун вужудини қоплади. У Тереза билан йигитнинг ҳар бир ҳаракатини кўз остига олиб турди, улар қўл ушлашганда Луиджининг боши айланиб, қони қайнаб кетди, қулоқлари остида бутхонанинг қўнғироғи чалингандек бўлди. Улар гаплашаётганда ва Тереза йигитнинг сўзларини бошини қуйи солиб тинглаётганда, Луиджи йигит юзидан Терезани роса мақтаётганини сезиб турди. Ана шунда Луиджига оёғи остидаги ер ўпирилиб кетаётгандек, инс-жинслар ўлим ва ўлдириш тўғрисида қулоғига шивирлаётгандек туюлди. Шайтонга ҳай бериш учун у бир қўли билан деворни маҳкам тутиб, иккинчи қўли билан камарига суқиб қўйган ханжарининг сопини сиқиб олди.

Луиджининг вужуди рашк ўтида ёнарди! У тантиқ ва иззат-нафс қули Терезадан ажралиб қолмайин тағин деб, ваҳимага тушган эди.



Бошда ийманиб, ҳайиқиб турган Тереза эндиликда тезда ўзини ўнглаб олди. У ниҳоятда гўзал қизлигини юқорида айтган эдик. Терезанинг тавсифига бу камлик қиларди. Унинг табиий беқиёс назокати оқсуяк ойимчаларимизнинг ясама ноз-карашмали жилваларидан минг карра жозибадор эди.

Тереза рақснинг маликаси бўлиб қолди, агарда у граф Сан-Феличе қизига ҳасад қилаётган бўлса, Кармела ҳам унга рашк қилмаяпти деб айтолмаймиз.

Ўйин тугагач, мақтов сўзларини тўқиб сочаётган олиф-та йигит Терезани Луиджи кутиб турган жойгача кузатиб қўйди.

Тереза ўйин вақтида бир неча марта Луиджига қараган ва унинг бўзарган ғамгин юзларини кўрган эди. Бир гал даҳшатли ханжарнинг тиғи ҳам қизнинг кўз ўнгидан ялт этиб ўтган эди.

Тереза титраб турган қўли билан маҳбубини қўлтиқлаб олди.

Ўйин жуда муваффақиятли бўлди, ҳамма меҳмонлар уни яна қайтаришни илтимос қилишди. Фақат Кармела йўқ деб туриб олди, аммо граф Сан-Феличе жуда ўтиниб сўрагач, қизи хўп дейишга мажбур бўлди.

Йигитлардан бири дарҳол Терезани таклиф қилиш учун югурди, чунки усиз ўйин қизимасди, аммо Тереза ғойиб бўлганди.

Луиджи иккинчи сафар чидаб туролмаслигини сезиб, Терезани боғнинг бошқа бир чеккасига кетишга зўр-базўр кўндирган эди. Тереза хоҳишсиз хўп деди. У Луиджининг вазоҳати ўзгарганидан, даммини чиқармай турганидан ва қўллари қалтираб кетаётганидан кайфи бузуқлигини фаҳмлаган эди. Терезанинг ўзи ҳам ҳаяжонда эди, гарчи у бирор хунук иш қилмаган бўлса-да, Луиджининг ўпкалашга ҳақи бор деб ҳисобларди, нима учунлигини билмаса ҳамки, шундай таънага лойиқман, деб ўйларди.

Аммо Луиджи Терезани ҳайратга солиб кечанинг охиригача негадир индамади, бирорта ҳам сўз айтмади. Меҳмонлар кечки совуқдан қочиб ичкари хоналарга киргандагина Луиджи Терезани уйига кузатиб қўйиб, қуйидаги сўзларни айтди:

«Тереза, граф қизи қаршисида ўйинга тушаётганинда нималарни ўйлаган эдинг?»

«Мен, – деди ростини айтиб қиз, – унинг сарпоси учун жонимни берардим, деб ўйладим».

«Анови йигит нималар деди сенга?»

«Бундай сарпога эга бўлиш ўзингизга боғлиқ, бунинг учун биргина сўз айтсангиз кифоя, – деди».

«У жуда ҳақ гапни айтибди, – деди Луиджи. – Демак, сен шундай сарполи бўлишни орзу қиласанми?»

«Ҳа».

«Бу орзунг ушалади, албатта!»

Тереза таажжубланиб бошини кўтарди ва савол бермоқчи бўлди, бироқ йигитнинг авзойи бузуқлигини кўриб индамай қўя қолди.

Шундан сўнг Луиджи дарров кетди. Тереза унинг кетидан қараб қолди. У қоронғида кўздан ғойиб бўлгач, Тереза хўрсинди-да, уйига кириб кетди.

Шу кеча фалокат юз берди: хизматкорлар эҳтиётсизлик қилиб чироқларни ўчирмаган эканлар, шекилли, Сан-Феличе уйида гўзал Кармела хонаси жойлашган бинога ўт тушди. Ярим кечада уйғониб кетган қиз аланга кўтарилаётганини кўриб ирғиб тўшақдан турди-да, халатини елкасига ташлаб, эшикка югурди. Аммо у чиқадиган даҳлизни ўт олган эди. Кармела хонасига қайтиб келди-да, «Кўтқаринг», деб овозининг борича қичқирди. Шу пайт ердан йигирма фут баландликдаги дераза бирдан ланг очилиб кетди, хонага бир деҳқон йигит ирғиб тушди ва Кармелани даст кўтариб, беқиёс куч ва эпчиллик билан ҳовлига олиб чиқди. Кармела ҳушидан кетган эди. У ҳушига келганда тепасида отаси ўтирганди. Атрофда хизматкорлар югуриб, унга ёрдам бермоқчи бўларди. Бино батамом куйиб қул бўлган, бироқ ҳеч ким буни ўйламас, ҳамма Кармела тирик ва соғ бўлса бас, дерди.

Унинг халоскорини роса ахтаришди, бироқ у кўриниш бермади. Сўраб-суриштиришмаган одам қолмади, аммо ҳеч ким кўрдим демади. Ўша пайтда қаттиқ ҳаяжонга тушган Кармела ҳам уни таниб олмаган эди.

Граф ниҳоятда бадавлат одам эди, Кармеланинг хавфга тушганини ҳисобга олмаганда, ёнғиндан келган зарар

унинг хўжалигига жиндек ҳам путур етказолмасди, қизимнинг саломат қолиши Худонинг яна бир марҳамати бўлди деб қувонарди граф.

Эртаси куни Тереза билан Луиджи одатдагидек ўрмондаги майдончада учрашишди. Луиджи олдинроқ келиб, Терезани қувонч билан кутиб олди. У кечаги гапларни батамом унутиб юборганга ўхшаб кўринарди. Тереза ўйчан эди, лекин Луиджини шод ва беғам кўриб, қиз ҳам шодланиб кетди, аслида бу қиз, бирор орзу-тилак шайдоси, бўлмаса, ҳамиша шўх, шод бўлиб юраверарди.

Луиджи уни қўлтиқлаб олди ва ғор олдига бориб, тўхтади. Қиз фавқулодда бир ҳол юз бераётганини фаҳмлаб йигитга кўзларини тикди.

«Тереза, – деди Луиджи, – кеча сен, граф қизининг сарпоси менда бўлса, дунёдаги ҳамма нарсадан воз кечардим, деган эдингми?»

«Ҳа, – деди ажабланиб Тереза, – аммо бу истак енгилтақликдан эди».

«Мен эса сенга, шундай сарпога эга бўласан, деган эдим».

«Тўғри-ю, – деди эътироз билдириб Тереза, тобора таажжубланиб, – сен шунчаки менинг иззат-нафсимни қондириш учун шундай деб қўя қолган эдинг-да».

«Тереза, мен сенга беҳудага ваъда берганим йўқ, – деди гердаиб Луиджи. – Ғорга кириб кийиниб ол».

Шундай деди-ю, тошни нари суриб қўйди ва ажойиб тошойнанинг икки четига ёқиб қўйилган шам ёритиб турган ғорни кўрсатди. Луиджининг ўзи ясаган бесўнақай столда марварид-маржонлар ва бриллиант тўғнағичлар турарди. Стул устида бошқа ҳамма сарполар муҳайё эди.

Тереза қувончдан қичқириб юборди, сарпо қаердан келганини суриштирмай ва Луиджига раҳмат айтишни ҳам унутиб ғорга отилди.

Луиджи ғор оғзини дарров бояги тош билан бекитди, чунки Палестрина томонни тўсиб турган баланд тепанинг қоқ устида бир отлик кўринган ва у тўхтаб йўл ахтараётгандек бўларди. Отлик кўм-кўк осмон фонида кўзга жуда яққол ташланиб турарди.

Отлик Луиджини кўриб отини йўрттирди-да, унинг олдига келди.

Чиндан ҳам отлиқ Палестринадан Тиволига бораётиб, йўлдан адашган экан.

Луиджи унга йўл кўрсатди, бироқ нарироқда йўл яна ҳар томонга бурилиб кетгани сабабли, отлиқ тағин адашиб юрмайин деб, Луиджидан ўша чорсигача кузатиб қўйишни илтимос қилди.

Луиджи плашини ечиб қўйди, милтиғини елкасига осди ва тез юришда отдан қолишмайдиган тоғликлар каби отлиқ ёнида чопқиллаб кетди.

Ўн дақиқа деганда Луиджи ва отлиқ чорсига келишди. Луиджи виқор билан қўлини узатиб уч томонга кетган йўлдан қайсинисига юриш кераклигини отлиққа кўрсатди:

«Сиз борадиган йўл мана бу, – деди у. – Жаноблари энди адашмай бораверадилар».

«Мана бу сенга хизмат ҳақинг», деди отлиқ ёш чўпонга бир неча майда чақа узатиб.

«Раҳмат, – деди Луиджи қўлини тортиб, – мен хизмат қилишга қиламану бироқ уни сотмайман».

Қишлоқ аҳолисининг ғурури шаҳар фуқаросининг хушомадгўйлигидан қанчалик фарқ қилишини яхши тушунадиган отлиқ:

«Ҳақ олмас экансан, эҳтимол, ҳадя қилсам оларсан?» – деди.

«Бу бошқа гап!»

«Мана, бу иккита венеция олтин тангасини олгин-да, қайлиғингга исирға ясатиб бер».

«Сиз мана бу ханжарни олинг, – деди ёш чўпон, – Альбанодан то Чивита-Кастелланагача ахтарганда ҳам бунақа гўзал сопли ханжарни тополмайсиз».

«Ҳадянгни қабул қиламан, – деди отлиқ, – бироқ энди мен сендан қарздор бўлиб қолдим, ахир бу ханжар иккала тангадан қиммат туради-ку».

«Тўғри, уни сотиб олсангиз жуда қимматга оласиз, бироқ буни мен ўзим ясаб олдим, у ўзимга бир пиастрга тушди».

«Отинг нима?» – сўради отлиқ.

«Луиджи Вампа, – жавоб қилди чўпон, гўё мен Александр Македонский дегандек гердайиб. – Сизнинг исмингиз-чи?»

«Менинг отим Синдбод-Денгиз сайёҳи», жавоб қилди отлиқ.

Хикоя шу ерга келганда Франц д'Эпине ҳайрон бўлиб қичқириб юборди:

– Синдбод-Денгиз сайёҳи дедингизми?

– Ҳа, – деди ҳикоячи, – шундай деб атади ўзини отлиқ.

– Ҳўш, нима бўлди? Бу ном нега сизга ёқмай қолди? – сўз қотди Альбер. – Жуда ажойиб, гўзал ном. Очиғини айтсам, бир вақтлар ҳақиқий Синдбоднинг саргузаштлари мени жуда мафтун этган эди.

Франц бошқа ун чиқармади. Маълум сабабларга биноан Синдбод-Денгиз сайёҳининг исми кўп воқеаларни хотирага келтирди.

– Ҳикоянгизни давом эттираверинг, – деди у меҳмонхона хўжайинига.

– Вампа икки тангани менсимай чўнтагига солди-да, орқасига қайтди. Форга уч юз қадам қолганда у кимнингдир қичқириғини эшитди.

У қулоғини динг қилиб, турган жойида қотиб қолди.

Бир дақиқадан сўнг унинг номини айтиб қичқираётганларини эшитди. Бу товуш фор томондан келаётган эди.

У тоғ эчкисидек учиб икки сакрашда тепалик устига етди. Товуш бу ердан аниқроқ эшитилди.

У пастга қаради, қандайдир эркак, худди кентавр Деянирани олиб қочгандай, Терезани ўғирлаб қочаётган эди.

Ўғри ўрмонга чошиб бориб қолган эди.

Вампа орадаги масофани кўзи билан ўлчади: у билан ўғри ўртаси кам деганда икки юз қадам келарди. Вампа қувиб етгунча ўғри Тереза билан ўрмонга кириб ғойиб бўлиши турган гап, шунинг учун Вампа тақ тўхтади-да, милтиғини олиб тўғрилади ва тепкини босди.

Ўғри бирдан тўхтади, тиззаси букилди, сўнг Терезани ҳам тортиб йиқитди.

Аммо Тереза дарҳол ирғиб ўрнидан турди, ўғри йиқилган жойида қимирламай қолди. У ўлим талвасасида типирчилаб ётарди.

Вампа жонининг борича отилиб Терезанинг истиқболига югурди. Қиз жон бераётган ўғридан ўн қадамча узоқлашди-да, чўкка тушиб қолди. Луиджининг кайфи учди: душманини ўлимга маҳкум этган ўқ қайлиғимга ҳам текканмикин, деб ўйлади у.

Хайрият, ундай бўлмаган эди, бошидан кечирган даҳшатли ҳол қизни ҳолдан тойдириб қўйган эди, Терезага зарар етмаганига ишонч ҳосил этгач, Вампа ўқ еган ўғри олдига борди.

У аллақачон дунёдан кўз юмган эди, муштлири сиқилган, оғзи қийшайиб кетган, ўлим талвасасида сочлари тўзиб, тердан ҳўл бўлган эди.

Кўзлари ҳамон очиқ ва даҳшатли эди.

Вампа тикилиб қолди: ер тишлаб ётган Кукуметто эди.

Ёш йигит ва қиз бу қароқчини ўша қутқариб қолишган кундан бошлаб у Терезани яхши кўриб қолган ва бу қиз албатта меники бўлади, деб юрган эди. У тинмай Терезани пойлаб юрарди. Луиджи, отликқа йўл кўрсатаман, деб Терезани ёлғиз ташлаб кетганини кўриб, қизни ўғирлаган ва энди бу жонон ўзимники деб ўйлаб кетаётганда, Вампа отган ўқ Кукуметтонинг бағрини тешиб ўтган эди.

Вампа мурдага заррача ҳам ташвишланмай тикилди, аммо Тереза яқинлашди-да, севгилисининг елкаси оша қараб титраб кетди.

Вампа қизга ўгирилиб: «Сен аллақачон ясаниб олибсанда, – деди. – Энди мен ҳам кийиниб олай».

Чиндан ҳам Тереза бошдан-оёқ граф Сан-Феличе қизининг сарполарини кийиб ясаниб олганди.

Вампа Кукуметтонинг жасадини кўтариб борди-да, ғорга олиб кирди. Тереза бу ғал ғорга кирмади.

Шу дақиқада ҳалиги отлик яна ўтганда, ғалати бир манзара устидан чиқарди: ажойиб либосда, зеб-зийнатга бой, бриллиант исирға, ёкут тугмалар, марварид-маржонлар таққан қизнинг пода боқиб юрганини кўриб ҳайратда қоларди.

У сўзсиз ўзини Флориан замонасига келиб қолдим деб ҳис этар ва Парижга қайтганда, Сабин тоғлари ёнбағрида машҳур Альп Чўпон қизини кўрдим, деб ҳаммани инонтиришга уринган бўлур эди.

Чорак соат ўтгач Вампа ғордан чиқди. У ҳам башанг кийиниб олган эди. Устида тугмалари олтин тўқ қизил камзул, ипақдан тўқилган нимча, бўйнида Рим рўмоли, белида зарҳал зангори ипақ камар, тиззагача тушадиган кимхоб иштонига бриллиант мунчоқлар қадалган, оёғида рангоранг гулли гетра, бошида турли рангда тасмалар тақилган

шляпа. Камарида иккита соат осифлиқ, ёнбошида ажойиб ханжар.

Тереза қувончдан қичқириб юборди. Кукуметто костюмида Вампа худди Леопольд Робер ёки Шнецнинг машхур суратларини эслатарди.

Либоси қайлиғига жуда ёққанини кўриб Вампа ғурур-ла қулиб қўйди.

«Менинг тақдиримга, келажагимга, у қандай бўлишидан қатъи назар, шерик бўлишга тайёрмисан?» сўради у қиздан.

«Тайёрман!» – деди хитоб қилиб Тереза.

«Мен қаёққа борсам, борасанми?»

«Дунёнинг нариги бурчагига бўлса ҳам боравераман сен билан!»

«Ундай бўлса, бер кўлингни, кетдик, вақт ўтмасин».

Қиз маҳбубига қўлини берди, у қаёққа борамиз, деб сўрамади ҳам. Шу пайт йигит жуда гўзал, мағрур ва илоҳий кучга эга баҳодир бўлиб кўринди унга.

Улар ўрмонга йўл олишди ва бир неча сониядан сўнг дарахтлар орасида ғойиб бўлишди.

Вампа бу тоғлардаги сўқмоқ йўлларнинг ҳаммасини биларди, у из солинган бирорта йўл бўлмаса-да, ҳеч иккиланмай ўрмоннинг ичкарасига кириб бораверди, у дарахтлар ва буталарга қараб йўл топарди, шу тариқа улар бир ярим соатча йўл юришди. Пировардида улар ўрмоннинг энг қалин жойига, чангалзорга етиб боришди. Қуриб қолган ариқ қоронғи ғорга олиб борарди. Вампа ана шу одам оёғи тегмаган, икки томонини қалин дарахтлар ўраб олган йўлдан бораверди. Қияни мустасно қилганда бу йўлни Вергилий айтган Аверн сўқмоғи деса бўларди.

Бу ёввойи ўрмонда яна ваҳимага тушиб қолган Тереза йўлдоши пинжига кириб олган эди, бироқ йигит дадил қадам ташлаб бораётганини ва хотиржамлигини кўриб, ваҳимасини ичига ютиб келарди.

Тўсатдан ўн қадам наридаги дарахт орқасидан бир одам чиқиб Луиджига милтиқ ўқталди.

«Қўй ҳазилингни!» – деди Вампа менсимагансимон қўл силтаб, Тереза эса кайфи учиб қалтираб турарди. – «Наҳотки қашқирлар бир-бирининг гўштини еса?»

«Кимсан ўзинг?» – сўради соқчи.

«Луиджи Вампаман, Сан-Феличенинг чўпони».

«Нима керак сенга?»

«Рокка-Бианка» майдонида ўртоқларинг билан гаплашиб олмоғим керак».

«Ундай бўлса, юр кетимдан, – деди соқчи, – яхшиси, йўлни биларкансан, олдинда бора қол».

Вампа нафратомуз илжайди-да, Тереза билан олдинга ўтди ва илгаригидек дадил ва вазмин қадам ташлаб бора-верди.

Беш дақиқадан сўнг қароқчи уларни тўхтатди. Улар итоат этиб, қимир этмай туриб қолишди.

Қароқчи уч марта қарғага ўхшаб қағиллади.

Унга жавобан қағиллаган овоз келди.

«Мана энди, – деди қароқчи, – бораверишинг мумкин».

Луиджи ва Тереза йўлида давом этишди.

Олға борган сари Тереза маҳбубининг пинжига маҳкам-роқ қапишиб олаверди: чунки дарахтлар орасида милтиқларнинг стволлари кўзга ташланарди.

Рокка-Бианка кичик бир тепалик устидаги яланглик эди, афтидан бу Ромул ва Рем Альбани ташлаб Римни барпо қилганларидан илгари сўниб қолган вулқон бўлса керак.

Тереза билан Луиджи тепаликка чиқишди ва йигирмага яқин қароқчиларга дуч келишди.

«Бу йигит сизни ахтариб келибди, сиз билан гаплашмоқчи экан», – деди соқчи.

«Нима гапи бор экан унинг бизга?» – сўради вақтинча йўқ атамanning ўринбосари бўлган қароқчи.

«Гапим шуки, подачиликдан жуда безор бўлдим», – деди Вампа.

«Тушунарли, – деди атаман ёрдамчиси, – бизга қўшилмоқчимисан?».

«Марҳамат! Марҳамат!» – дейишди Феррузино, Пампинари ва ананьялик қароқчилар Луиджини таниб қолиб.

«Аммо мен фақат оддий ўртоғингиз бўлмоқчи эмасман».

«Унда, ким бўлмоқчисан?» сўрашди таажжубланиб қароқчилар.

«Атаманингиз бўлмоқчиман» – жавоб қилди Луиджи Вампа.



Қароқчилар қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборишди.

«Бундай шуҳратга муносиб бирор иш қилдингми?» сўради атаман ёрдамчиси.

«Мен Кукуметтони ўлдирдим, мана бу устимдаги кийимлар уники, қайлиғимга тўй сарпосини совға қилиш учун Сан-Феличенинг уйига ўт қўйдим».

Бир соатдан кейин Кукуметто ўрнига Луиджи Вампани атаман қилиб тайинлашди.

– ... Азизим Альбер, – деди Франц дўстига, – синьор Луиджи Вампа тўғрисида энди нима дейсиз?

– Менимча бу афсона, чўпчак, – деди Альбер, – бундай одам бўлган эмас.

– Афсона нима? – сўради Пастрини.

– Буни тушунтиришга жуда кўп вақт керак, ҳимматли хўжайин, – деди жавобан Франц. – Демак, синьор Вампа ҳозир Рим атрофида ов қилиб юрибди, денг?

– Ов қилгандаям жуда сурбетлик билан ов қиляпти, шу вақтгача Рим бундай баттол қароқчини тушида ҳам кўрмаган эди.

– Полиция ҳеч тутолмаяптими?

– Тутолмаяпти! Чунки Луиджи Вампа водийдаги чўпонлар билан ҳам, Тибр балиқчилари билан ҳам ва қирғоқ қароқчилари билан ҳам жуда иноқ бўлиб олган. Уни тоғларда ахтаришганда дарёда ялло қилиб юради, дарёда таъқибга олишса, очиқ денгизга чиқиб олади, сўнг Жильо Жаннутри ёки Монте-Кристо оролига қочиб кетди, деб юришса, у Альбанода, Тиволида ёки Риччияда пайдо бўлиб қолади.

– Йўловчилар билан муомаласи қалай?

– Жуда оддий. Шаҳарнинг узоқ-яқинлигига қараб ҳақ тўлашга саккиз ёки ўн икки соат, бўлмаса бир кеча-кундуз муҳлат беради. Бу муҳлат ўтгач, яна бир соат вақт беради. Мана шу соатнинг олтмишинчи дақиқасида пул келтирилмаса, асирни пешанасидан отади ёки кўксига ханжар уради, тамом, вассалом!

– Хўш, Альбер, – деди Франц, – сиз ҳамон сиртқи хиёбон орқали Колизейга бормоқчимисиз?

– Албатта, – деди Альбер, – агар бу йўл гўзал, кўркем бўлса.

Шу вақт соат ўн бўлганди. Эшик очилиб, извошчи кирди.

– Жаноб, извош тайёр, – деди у.

– Қани йўқса, кетдик Колизейга, – деди Франц.

– Жаноб, қай томонга юрайин, дель-Пополо дарвозаси томонданми ёки кўчалар бўйлабми?

– Кўчалар бўйлаб, кўчалар бўйлаб юр! – деди хитоб қилиб Франц.

– Дўстим! – деди Альбер учинчи сигарани тортиб ўридан турар экан. – Очиғини айтсам, сизни мардликда мендан ўзиб кетади деб юрган эдим.

Йигитлар зинадан пастга тушиб, файтонга ўтиришди.

### ХIII. УЧРАШУВ

Франц Альберни Колизейга қадимий ёдгорликларни четлаб ўтмасдан ва Родос оролидаги қадимги греклар қуёш худоси Гелиос (Аполлон)нинг ғоят улкан мис ҳайкалини кўришдан маҳрум этмасдан олиб бориш йўлини топди. Бунинг учун виа-Систиндан бориб, Санта-Мариа – Мажоре олдида тиккасига бурилиб, виа-Урбан ва Сан-Пьетро-ин-Винколидан ўтиб, виа-дель-Колоссога чиқиш керак эди.

Бу йўлнинг яна бир афзал томони бор бўлиб, бунда Францнинг Пастрини тилга олган Монте-Кристо оролидаги мезбон тўғрисидаги ўй-хаёлларига халақит берадиган ҳеч нима йўқ эди. У файтоннинг бурчагига ўтириб олиб хаёлга чўмди, ўзига-ўзи кўпдан-кўп савол бериб, бирортасига қониқарли жавоб тополмади. Пастринининг ҳикоясидаги яна бир нарса қароқчилар билан денгизчилар ўртасидаги мафий алоқа Францга Синдбод-Денгиз сайёҳини эслатарди. Маэстро Пастрини, Вампа балиқчилар қайиғида ҳам, контрабандистларникида ҳам яшириниб юради, деганида Франц Корсика бандитларини қирғоққа тушириш учун тўғри йўлидан бурилиб Порто-Веккиода тўхтаган кемачани ва ана шу бандитлар билан кечки овқатни баҳам кўрган матросларни эслади. Монте-Кристо оролидаги мезбоннинг ўзи айтган ва «Лондон» меҳмонхонасининг эгаси тилга олган номдаги одам Корсика, Тоскания ва Испания қирғоқларида

одамларга қанчалик мурувват кўрсатган бўлса, Пьомбина, Чивита-Веккия, Остия ва Гаэта қирғоқларида ҳам шундай яхшилик қилган эди кишиларга, Францга у Тунис тўғрисида, Палермо тўғрисида ҳам кўп гаплар айтган эди, демак, у кўп нарсаларни билса керак.

Бу фикрлар Франци қанчалик чулғаб олган бўлмасин, Колизейнинг улугвор қадди кўрингани ҳамано, ҳаммаси хаёлидан кўтарилди кетди. Файтон Meta Sudans<sup>22</sup> дан бир неча қадам нарида тўхтади. Извошчи файтон эшикларини очди, йигитлар файтондан тушишди ва худди ер остидан пайдо бўлгандек қаққайиб турган йўл кўрсатувчига рўбарў келишди.

Уларни меҳмонхонадан ҳам бир йўл кўрсатувчи кузатиб келаётган эди, мана энди улар иккита бўлишди.

Умуман олганда, Римда сон-саноксиз йўл кўрсатувчилардан қочиб қутулиб бўлмайди. Меҳмонхона остонасига қадам ташлашингиз билан сизни забт этиб оладиган ва шаҳардан кетганингиздагина кўйиб юборадиган бош йўл кўрсатувчидан бошқа ҳар бир ёдгорлик ёнида, ҳатто ёдгорликнинг ҳар бир қисми ёнида ҳам махсус йўл кўрсатувчи бўлади. Мана шунданоқ Колизейни томоша қилишда йўл кўрсатувчи керагидан ортиқ топилади дейилса муболаға бўлмайди. Ҳамма ёдгорликлар ичида энг машҳури Колизей тўғрисида Марциал шундай деган эди: «Мемфис ваҳшиёна усул билан бунёд этилган муъжизакор пирамидалари билан мақтанмай қўя қолсин, Вавилон ҳам ажойиботларини дoston қилмай қўя қолсин, уларнинг ҳаммаси улугвор Уезарлар амфитеатрига тенг келолмайди, ҳамма мақтов садолари жамулжам бўлиб, мана шу ёдгорлика мадҳия ўқимоғи керак».

Франц билан Альбер Рим йўл кўрсатувчиларидан қочиб қутулишга асло уринмадилар ҳам, чунки Колизейда фақат ана шу йўл кўрсатувчиларгина машъал кўтариб юриш ҳуқуқига эга. Икки жўра ўз ихтиёрини йўл кўрсатувчиларга батамом бериб қўйишининг боиси ҳам шунда эди.

Францга бу жой таниш эди, чунки у бу ерда камида ўн марта бўлганди. Аммо унинг тажрибасиз йўлдоши Флавий

---

<sup>22</sup> Қадимий Рим фавворасининг номи.

Веспасиан курган бу бинога биринчи марта қадам қўйиши эди. Нодон йўл кўрсатувчиларнинг бемаъни сафсаталарига қарамай Альбер Колизейдан ниҳоятда катта таассурот олди. Чиндан ҳам бу манзарани, хусусан, ойнанинг сирли ёғдуси остида янада улканлашиб, дабдабали тусга кирганда, ўз кўзинг билан кўрмай туриб қадимий вайроналарнинг улғворлиги ҳақида бирор тасаввурга эга бўлиш қийин, албатта.

Франц ички пешайвон бўйлаб юз қадамча юриб борди-да, Альберни шерлар турган чуқурни, гладиаторлар маконини ва Цезарлар тож-тахтини ўзимиз кўрсатамиз, деб хиралик қилиб ёпишиб олган йўл кўрсатувчиларга топширди-да, ўзи бир томони қулаб кетган зинадан юқорига кўтарилди, жўраси йўлчилар билан айланиб чиққунча улкан ҳайкал кўриниб турадиган тешик рўпарасидаги устун соясида ўтириб дам олди.

Франц чорак соатча устун соясида Альбер билан машъал кўтариб бораётган йўл кўрсатувчилардан кўз узмай ўтирди. Альбер Колизейнинг нариги четдаги вомиториядан чиқди-да, милтиллаб бораётган машъал кетидан соя каби судралиб, қоҳинлар жойига тушди. Тўсатдан Франц ўзи чиқиб келган зинага ёндош зинадан бир тош ажралиб, Колизей тўрига юмалаб кетганини эшитди. Вақти-вақти билан бундай тошлар кўчиб жарга юмалаб туради бу қадимий кошонада, бироқ бу гал тош худди киши оёғи остидан кўчиб тушгандек туюлди. Францнинг қулоғига ҳатто нотекис қадам товуши ҳам чалингандек бўлди. Афтидан кимдир жуда оҳиста қадам ташлаб зинадан чиқиб келяпти.

Ростдан ҳам бир зум ўтар-ўтмас одам гавдаси кўтарилиб келаверди. Зинанинг юқори пиллапоясини ой сутдек ёритиб турарди, пастки томони қуйи тушган сари қоронғилашиб бораверарди.

Бу одам ҳам Франц сингари йўл кўрсатувчининг сафсатасини эшитиб, миясини ачитиб юргандан кўра, ёлғиз томоша қилишни маъқул топганлардан бўлса керак, шунинг учун унинг пайдо бўлишидан ҳеч таажжубланмаса ҳам бўлади. Бироқ нотаниш кимсанинг сўнги зинага хавотирланиб секин чиққани, қулоғини динг қилиб майдончада тўхтаб

олганидан унинг бу ерга бир мақсад билан келганини ва кимнидир кутиб турганини Франц англади.

Франц беихтиёр устун орқасига яширинди.

Ердан ўн фут баландда юмалоқ тешик бор эди, ундан юлдузли осмон кўриниб турарди.

Асрлардан буён ой нури ёғиб турган ана шу тешик атрофида ўсиб чиққан, майда буталарнинг кўм-кўк майин япроқлари ложувард осмон фонида яққол кўриниб турибди, юқоридан печакгул ва чирмовиқнинг шохлари осилиб ётибди.

Махфий равишда чиқиб келган одам ўзини қоронғига олди, шундай бўлса-да, унинг либоси кўриниб турарди, у кенг қора плашга ўралиб олган эди, плашининг бир этагини елкасидан ошириб юзини кўзигача бекитиб олган, пешанаси ва кўзлари устига кенг шляпасини бостириб кийган. Тешиқдан тушиб турган хира ёғдуда қора шими ва амиркон этиги кўзга аниқ ташланиб турибди.

Бу одам аристократлардан бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда жамиятнинг олий табақасига мансуб зотларидан эканлиги кўриниб турарди.

У яна бир неча дақиқа кутди, анча тоқатсизлана бошлади ҳам, шу пайт тўсатдан тепада аста шов-шув кўтарилди.

Шу он аллақандай кўланка ой нурини тўсди, тешик устида одам гавдаси кўринди, у қоронғиликка синчиклаб қараб чиқди, плаш ёпиниб турган нотаниш кишини кўрди, шекилли, чирмовиққа осилиб пастга тушди. У бутунлай трансверинлик<sup>23</sup> либосини кийиб олган эди.

– Жаноблари, мени кечирсинлар, куттириб қўйдим, – деди у Рим талаффузида, – аммо бир неча дақиқага кечикдим. Ҳозир Сан-Жованни-ин – Патерано минорасидаги соат ўнга занг урди.

– Сиз кечикканингиз йўқ, мен эртароқ келдим, – деди нотаниш киши соф Тоскан шевасида. – Шунинг учун хижолат тортмай қўя қолинг. Кечикканингизда ҳам айб сизда эмаслигини биламан.

---

<sup>23</sup> Тибр дарёси орқасида яшовчи.

– Жаноблари ҳақ гапни айтяптилар, ҳозир тўғри муқаддас Фаришта қалъасидан келяпман. Беппо билан зўрға гаплашдим.

– Белпонгиз ким ўзи?

– Турма назоратчиси, унга бир оз маош тўлайман, бунинг эвазига у қалъада бўлаётган барча воқеалардан мени хабардор қилиб туради.

– Тадбиркор одам экансиз, билдим энди.

– Бошқа илож йўқ, жаноб! Нима бўлишини ким билсин? Бир кун эмас бир кун эҳтимол мени ҳам шўрлик Пеппино сингари тутиб олишар, унда арқонни ғажиб ташлайдиган каламуш керак бўлади менга.

– Қисқаси, нимани билиб келдингиз?

– Улимга ҳукм қилинганлардан иккитаси Римдаги одат бўйича катта байрам олдидан сешанба кун соат иккида қатл этиларкан, бирининг калласини болтанинг муҳраси билан мажақлашади, бу ўзини тарбиялаб ўстирган кашиш-ни ўлдирган нобакор, у заррача эътиборга арзимайди, иккинчисининг боши танидан жудо қилинаркан, мана шуниси бизнинг шўрлик Пеппиномиз.

– Хўш, азизим, нима қилмоқ керак? Сиз фақат папа ҳукуматинигина эмас, ҳатто қўшни ҳукуматларни ҳам ваҳимага солиб қўйдингиз. Шу сабабли ҳукумат бошлиқлари уни албатта намунали қилиб жазоламоқчилар.

– Пеппино менинг шайкамда бўлгани йўқ-ку, у бечора бир чўпон, холос, айби шуки, бизга озик-овқат келтирарди.

– Мана шунинг ўзи билан у сизга шерик бўлиб қолган. Шунга қарамай унга шафқат қилишибди... Бирор кун сизни тутиб олишса борми, каллангизни мажақ-мажақ қилиб ташлашади, уни эса бошини гильотинада кесиб қўя қолишади. Натижада бу жозибадор томоша ранго-ранг тусга кириб, ишқибозларнинг ҳаммасини қаноатлантиради.

– Халойиқ учун мен ҳеч кутилмаган бир томоша тайёрлаяпманки, бу ҳаммасидан завқли, жозибадор бўлади, – деди транстеверинлик.

– Азизим, – деди плаш кийган зот, – кўнглингизга оғир олманг-у, менимча сиз аллақандай бемаъни ишни ўйлаб топганга ўхшайсиз.

– Менга хизмат қилиб келган Пеппинони қутқариш учун ўзимни ўтга ҳам, сувга ҳам уришга тайёрман. Шундай қилмасак номардлик бўлади.

– Хуш, бунинг учун нима қилмоқчисиз?

– Жаллод кундаси атрофига йигирмата одам қўяман, Пеппинони келтирганларида сигнал бераман, соқчиларни ханжар билан ўлдирамиз-да, чўпонни олиб қочамиз.

– Бу жуда хавфли, менинг режам сизникидан яхши.

– Жанобларининг режаси қанақа?

– Бир одамга икки минг пиастр пул бераман. У Пеппинони қатл этиш муддатини бир йил кейинга суради, ана шу бир йил мобайнида бошқа бир одамга яна минг пиастр бераман, у эса Пеппинога турмадан қочишга ёрдам қилади.

– Бу муваффақиятли бўлармикин? Имонингиз комилми?

– *Pardieu*<sup>24</sup>, – деди плаш кийган зот.

– Нима дедингиз? – суради такроран транстеверинлик.

– Деяпманки, азизим, менинг бир ўзим олтинларим кўмагида ханжарлар, тўппончалар, милтиқлар билан қуролланган сиз ва барча жўраларингиздан ҳам кўп иш қиламан. Шунинг учун бу ишни менга қўйиб бераверинг.

– Марҳамат қилинг, мабодо сиз иш чиқаролмай қолсангиз, бу ёқда биз тайёрмиз.

– Хоҳласангиз тайёр бўлиб тураверинг, менинг иш чиқаришимга, уни афв эттириб қутқариб олишимга шубҳа қилмасангиз ҳам бўлади.

– Индинга сешанба-я, унутманг, бир кунгина вақт қолди.

– Нима бўпти? Бир кун йигирма тўрт соатдан, соат олтиш дақиқадан, дақиқа эса олтиш сониядан иборатдир. Саксон олти минг тўрт юз сонияда ичида жуда кўп ишларни бажо келтириш мумкин.

– Ҳаммасини бажо келтирганингизни биз қандай қилиб биламиз?

– Бу жуда осон. Мен Росполи қаҳвахонасининг энг чекка уч деразасини банд қилиб қўйдим. Мен уни афв эттиришга муваффақ бўлсам ёнбошдаги икки деразага сариқ

---

<sup>24</sup> Албатта (франц.)

кимхоб, ўртадагисига эса қизил салбли оқ кимхоб тортиб қўйилган бўлади.

– Жуда соз. Афв тўғрисидаги қоғозни бизга қандай топширасиз?

– Одамларингиздан бирини диндор кийимида менинг олдимга юборинг. Ўша кийими билан жаллод кундаси олдига боради-да, қардошлар бошлиғига фармонни топширади, у эса жаллодга беради. Бундан Пеппинони ҳам хабардор қилиб қўйинг, у тағин ўтакаси ёрилиб ўлиб кетмасин ёки жинни бўлиб қолмасин, акс ҳолда беҳудага пул сарфлаган бўламиз.

– Мен сизга, жаноб, жон-дилим билан содиқ эканимни ўзингиз яхши биласиз.

– Мен бунга ишонаман.

– Мабодо сиз Пеппинони қутқарсангиз, содиққина эмас, батамом измингизда бўламиз.

– Ўйламай гапирма, азизим, эҳтимол бирор пайти келганда сўзларингни эсингга соларман, чунки сен ҳам менга керак бўлиб қолишинг мумкин.

– Бугун сиз келганингиз каби, мен ҳам зарур пайтда ҳузурингизда ҳозир бўламан, жаноблари хотиржам бўлсинлар. Дунёнинг нариги бурчида бўлсангиз ҳам, «Фалон ишни бажо келтир» десангиз бас, мен дарҳол бажо келтираман.

– Жим! – шивирлади плаш кийган зот. – Қадам товуши эшитиляпти...

– Улар саёҳатчилар, қўлларида машъал кўтариб Колизейни томоша қилиб юришибди.

– Улар иккимиз бирга турганимизни кўрмасин. Йўл кўрсатувчиларнинг ҳаммаси айғоқчи, изқувар, бизни таниб қолишлари мумкин. Сиз билан дўст бўлиш мен учун жуда ёқимли, фахрли, аммо иккимизнинг яхши таниш, иноқ эканимизни билиб қолишса, менинг нуфузимга зарар етиши мумкин.

– Шундай қилиб, сиз Пеппинони қатл этилиши муддатини кейинга сура олсангиз...

– Ўртадаги деразага қизил салбли оқ кимхоб тортиб қўйилган бўлади.

– Мабодо кейинга суролмасангиз-чи?

– Учала деразага ҳам сариғи тортилади.



– Унда...

– Унда азиз дўстим, ханжарларингизни ишга соласиз, ҳатто бу манзарани томоша қилиш учун ўзим келаман.

– Хайр, жаноб, мен сиздан умидворман, сиз мендан.

Транстеверинлик шундай деди-да, зинада ғойиб бўлди, плаш кийган киши шляпасини яна пастроқ босди-да, Францдан икки қадам наридан ўтди ва вазмин қадамлар билан пастга тушиб кетди.

Бир лаҳза ўтар-ўтмас қоронғидан бир овоз Францни тилга олди: уни Альбер чақираётганди.

Франц ҳалиги икки суҳбатдошнинг сўзларини эшитиб турганини билдирмаслик учун, улар узоқлашиб кетгунча индамай турди.

Ўн дақиқа ўтгач, Франц меҳмонхонага йўл олган файтонда борар эди. У ҳар қандай одоб-андишани унутиб қўйиб, Альбернинг Плиний билан Калипунийга таяниб ваҳший ҳайвонлар қамалган темир қафас тўғрисидаги сафсаталарига қулоқ солгиси келмасди.

Франц дўстига эътироз билдирмади. Фақат якка ўзи қолиб ҳозиргина қоронғида эшитганлари тўғрисида фикр юргизмоқчи эди.

Ҳалиги иккала одамдан бири унга мутлақо таниш эмасди, иккинчисига келганда гап бошқача эди, гоҳ қоронғида, гоҳо плашга ўралиб турган юзини кўролмаган бўлса-да, овози танишдай туюларди. Бу овоз айниқса кулги оҳангига ўтганда Франц сесканиб кетди ва кўзи олдида Монте-Кристо ғори гавдаланди.

Франц бу одам Синдбод-Денгиз сайёҳи эканига асло шубҳа қилмасди.

Бошқа ҳар қандай шароитда Франц уни жуда қизиқтириб қўйган бу одам олдига тикка борарди, аммо улар нуқул махфий, сирли масалалар устида суҳбатлашди, шу сабабли кўринсам кўнглини нохуш қилиб қўярман деб, қўрқди. Синдбод кўздан узоқлашгунча Франц қимир этмай тураверди. Иккинчи гап учрашсам албатта олдидан тикка чиқаман, деб аҳд қилиб қўйди.

Франц тун буйи фикр-хаёлларга ботиб кўз юмолмади. Ғор хўжайини ва Колизейда кўрган нотаниш кишига доир турли-туман вазиятларнинг ҳаммасини кўз олдидан ўтказ-

ди, кўп уйлади ва ниҳоят Колизейдаги плашли нотаниш ўша ёрдаги зоти-шариф эканига имони комил бўлди.

У тонгга яқин кўз юмди ва кеч уйғонди. Ҳақиқий парижлик Альбер эса бугун кечқурун вақтни хурсандчилик билан ўтказиш чорасини кўриб, Аржентина театрининг ло-жасидан жой олиш учун билетга одам юборди.

Франц Парижга хат ёзиши керак эди, шунинг учун у ҳеч қаёққа бормади, файтонни кун бўйи Альбер миниб юрди.

Кеч соат бешда Альбер қайтиб келди: у тавсия хатларни тарқатиб, ҳамма кечаларга таклифномалар олди ва Римнинг машҳур кўркем жойларини томоша қилди.

Альбер буларнинг ҳаммасини бир кундаёқ бажариб қўя қолди. У ҳатто қандай пьеса қўйилаётгани ва қайси артистлар ўйнашлигини аниқлаб олишга ҳам улгурди.

«Паризина» пьесасини қўярканлар, унда Козелли, Морини ва Шпех хоним ўйнаган.

Йигитларнинг иши ўнгидан келди: улар бугун «Лючия Ламмермурская» муаллифининг энг яхши операларидан бирини Италиянинг донгдор артистлари ижросида томоша қилишади.

Альбернинг Буффада ўзининг махсус курсиси ва операнинг ложасида махсус жойи бор, ҳаммиша борса ўз ўринлари муҳайё бўлади. Бу ерда – Италия театрларида эса балконлар ва очиқ пожалар йўқ, бундан Альбернинг таъби тирриқ бўлди.

Шунга қарамай Альбер ҳар гал Франц билан театрга борганда жуда башанг кийиниб оларди. Аммо бу ясанишлардан ҳеч наф бўлмади. Париж оқсуяк ёшларидан бўлмиш Альбер Италия бўйлаб тўрт ой санғиб ҳеч кимни мафтун этолмади.

Баъзида бу ҳақда сўз очилганда, Альбер гапни ҳазилга йўйиб юборса-да, ичидан куярди. Наҳотки ажойиб навқирон йигитлардан ҳисобланган Альбер де Морсер ҳамон интизорликда сўппайиб юраверса! Ахир у ёқимтой замондошларимизга хос соддадиллик билан Италияда кўпгина соҳиб-жамолларни шайдо қиламан, Парижга қайтгач, ютуқларимни дoston қилиб бутун Гант хиёбонини қойил қолдираман, деб ўйлаган эди-ку! Ови юрмаганига ортиқ даражада жиғибийрон бўлаётганининг боиси ҳам мана шунда.

Минг афсуски, Альбер билмай хафа бўлиб юрибди! Асида Генуэзия, Флоренция ва Римнинг жонон ойимча графинялари эрларига бўлмаса-да, ўйнашларига ўлгудек вафодор эдилар. Альбер итальян хонимлари ўз бевафоликларига содиқ эканига ишонч ҳосил этди, уларнинг француз аёлларидан устунлиги ҳам мана шунда эди.

– Ҳамма ердагидек. Италияда истисно йўқ деб тасдиқлаш қийин, албатта.

Альбер учига чиққан олифтагина эмас, шунингдек, тили ўткир, бурро йигит эди, бунинг устига у виконт, виконт бўлганда ҳам янгидан чиққан виконт эди. Ботирлигини тасдиқлаб ўтиришнинг кераги бўлмай қолган бизнинг давримизда насл-насабинг 1399 йилдан бошланганми ёки 1815 йилданми, бунинг аҳамияти йўқ. Қолаверса, Альбернинг ҳар йили эллик минг ливр кирими бор. Хуллас, Парижнинг манман деган жамоатида эркатой, тантиқ бўлиб юриш учун зарур ҳамма нарса Альберда муҳайё эди. Шу сабабли борган шаҳарларидан бирортасида унга яхши эътироз бермаганларига иқрор бўлишдан бир оз уяларди ҳам.

Шундай бўлса-да, Альбер Римда кўнгили очмоқчи бўлди, чунки мақтовга сазовор бу одатни сақлаб келаётган барча мамлакатларда карнавал ўзини ниҳоятда эркин тутадиган пайт бўлиб, бу вақтда тартиб-қоидаларни жуда қаттиқ тутадиган кишилар ҳам ўйинқароқликка, айш-ишрат, кайфисафога муккасидан кетади. Карнавал эртага бошланажаги сабабли Альбер ўзини шу бугуноқ бозорга солиши шарт. Шу мақсадда у биринчи ярусдаги кўзга яққол ташланадиган ўринлардан бирини банд этди-да, жуда башанг кийиниб борди. Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, биринчи ярус оқсуяклар ўтирадиган жой ҳам ҳисобланарди.

Бемалол ўн икки киши сиғадиган бу ложа Амбигю театридаги тўрт кишилик ложадан арзон тушди икки оғайнига.

Альбер яна бир мақсадни кўзлаганди: агарда Рим нозанинларидан бирини ўзига шайдо қила олса, уни яхши извошга таклиф этишлари мумкин, бу ҳолда карнавални у оқсуяклар экипажида ёки княз балконида томоша қилишга муяссар бўлади.

Мана шу ўй-хаёллар оғушида шу кеча Альбернинг кайфи чоғ эди. У деворга орқасини ўгириб, қаддини белигача

пожадан ошириб катта дурбинда жонон ойимчаларнинг ҳаммасига сўз ташлаб ўтирарди.

Аммо Альбернинг бу уринишларидан иш чиқмади, бирор гўзал унга ҳеч бўлмаганда шунчаки қизиқсиниб ҳам қараб қўймади.

Томошабинларнинг ҳаммаси ўзи билан ўзи овора эди: иш тўғрисида, ошиқ-маъшуқлик йўлидаги саргузаштлари ҳақида, меҳмондорчиликлар, эртанги карнавал ҳақида гап сотишар, ашулачиларга, спектаклга эътибор бермай, фақат жуда ёқимли куйлар пайтида саҳнага бир қиё боқиб қўйишарди.

Биринчи парда охирида ҳамон бўш турган ложа эшиги очилди-да, бир аёл кирди. Франц уни таниди. Уни бу аёл билан Парижда таништирган эдилар, Франц эса бу хоним Францияда деб ўйлаб юрган эди. Альбер жўрасининг бир оз саросимага тушганини сезиб, ундан сўради:

– Бу аёл билан танишмисиз?

– Ҳа, танишман, ёқадими сизга?..

– Азизим, жуда гўзал-ку ойимча, олтин сочларини қаранг-а.

Французми?

– Йўқ, француз эмас, венециялик.

– Оти нима?

– Графиня Г.

– Мен исмини биламан, – деди Альбер, – у гўзалгина эмас, ақлли ҳам дейишади. Мен у билан де Вильфор хонимнинг сўнгги балида танишиб олишим мумкин эди-я! Аҳмоқлик қилиб танишмабман.

– Ўша хатони мен тузатсам, хўп дейсизми? – сўради Франц.

– У билан жуда яхши танишмисиз? Тўғри ложасига мени олиб бораверасизми?

– Мен уч марта унинг суҳбагида бўлганман. Ложага тўғри кириб боришга шунинг ўзи етар.

Шу пайт графиня Франци кўриб, қўлини кўтариб саломлашди. Франц эса таъзим қилди.

– Жонон билан алоқангиз жуда қуюққа ўхшайди, – деди Альбер.

– Йўқ, янглишяпсиз. Французлар чет элларда бўлганда ҳаммани парижликларга ўхшатиб кўп бемаъни ишлар қилиб

қўйишади. Испания ёки хусусан Италияда бўлганингизда кишиларнинг бир-бири билан эркин муомала қилишаётганини кўриб, булар жуда кўнгличан, қаёққа бурсанг ўша ёққа кетаверадиган одамлар экан деб ўйламанг. Биз графиня иккимиз бир-биримизга ёқиб қолганмиз.

– Юракданми? – сўради кулиб Альбер.

– Ақлдан, фақат ақлдан, – деди жиддий тусда Франц.

– Бу қандай юз берди?

– Худди сиз билан бирга бўлгандек, Колизейни сайр қилиб юрганда.

– Ойдинда денг?

– Ҳа.

– Иккалангизми?

– Ҳа, шундай деса ҳам бўлади.

– Суҳбатингиз...

– Ўлганлар ҳақида бўлди...

– Бу жуда қизиқ, албатта, – деди Альбер. – Лекин ана шундай сайр пайтида бу гўзал графиня билан ҳамроҳ бўлиш менга насиб этганда, мен у билан фақат тириклар ҳақида суҳбат қилардим.

– Эҳтимол панд еб қоларсиз.

– Ваъдангизга мувофиқ ҳозир сиз мени у билан таништирадими?

– Парда тушгани ҳамано.

– Лаънати биринчи парда қачон тамом бўларкин?

– Охирини тингланг жуда таъсирли, Козелли шу ерини жуда бошлаб ижро этади.

– Тўғри, бироқ қоматни қаранг, қоматни!

– Шпех юракларни забт этиб олади-да...

– Зонтаг ва Малибранни эшитгандан кейин бошқаси ёқармикин кишига...

– Морианинг гўзал мактабини инобатга олмайсизми?

– Қора сочлар олтин соч бўлиб қуйлаганда менинг гашиш келади, мен буни ёқтирмайман.

– Азизим, – деди Франц графиня ложасидан кўз узмай ўтирган Альбердан юзини ўгириб, – сизнинг кўнглингиз бирор нарсани ёқтириши жуда қийин экан-да!

Ниҳоят, виконт де Морсернинг орзуси ушалиб, парда ёпилди, Альбер сочларини, галстугини ва енглариининг учи-

ни тузатиб, шляпасини олди-да, Францга мен тайёрман, деди.

Францнинг савол назари билан қарашига графиня, сизни кутяпман деб имо қилган эди, шу сабабли у Альбернинг истагини дарҳол бажо келтириб қўя қолди. Франц жўраси билан амфитеатрни айланиб ўтиб, графиня банд қилиб ўтирган тўртинчи ложа эшигини тақиллатди. Эшик очилди.

Графиня ёнида ўтирган ёш йигит дарҳол жойидан турди-да, италянлар одатига риоя қилиб, ўрнини меҳмонга берди, мабодо бошқа бирор киши ташриф буюргудек бўлса, меҳмон ҳам ўрнини бўшатиб бериши шарт эди.

Франц графиняга Альберни жамоатчилик ўртасида яхшигина нуфуз қозонган ва ақли расо йигитлардан деб таништиради. Чиндан ҳам шундай эди: Парижда Альбер ўрапашиб юрадиган жамоа ўртасида энг тўқис, бенуқсон оқсуяк ошиқлардан ҳисобланарди. Франц яна қўшимча қилиб, Альбер сиз билан Парижда танишиб олмаганидан жуда афсусланди ва мендан бу хатони тузатишни ўтиниб сўради, деди. Унинг бу журъати беадабликка йўйилса, графиня кечирсинлар, деб илтимос қилди Альбер, деди Франц.

Бунга жавобан графиня назокатли эгилиб, салом берди ва Франц билан қўл бериб кўришди. Графинянинг таклифи билан Альбер унинг ёнидаги бўш курсига ўтирди. Франц орқадаги иккинчи қаторга жойлашди.

Альбер суҳбат учун жозибали мавзу топди: у Париж тўғрисида, умуман таниш-билишлар тўғрисида гап бошлади. Франц дўсти тўғри йўл топганини фаҳмлаб, унинг қўлидан катта дурбинни олди-да, томоша залини кўздан кечира бошлади.

Биринчи яруснинг биринчи қаторида ниҳоятда гўзал бир аёл ўтирарди, у шарқ костюмида, костюм қадди-қоматига жуда қуйиб қўйгандай.

Унинг кетида ним қоронғида бир одам бор эди, унинг юзини аниқ кўриб бўлмасди.

Франц Альбернинг сўзини бўлди-да, графинядан эркакларнинггина эмас, хотинларнинг ҳам диққат-эътиборини торта оладиган ўша албан аёлини танийсизми, деб сўради.

– Йўқ, танимайман, – деди графиня, – фақат мавсум бошидан Римда юрганини биламан. Театр очилган куни ҳам у

шу ложада ўтирган эди, бутун ой ичида қўйилган ҳамма спектакллардан биттасини ҳам қолдирмай томоша қилиб келяпти. Унга баъзан ёнида ўтирган зот ҳамроҳ бўлиб келади, баъзида хизматчи-ҳабаш кузатади.

– Унинг ҳусни-жамолига қойилмисиз, графиня?

– Қойилман, жуда гўзал аёл. Медора ҳам худди шундай латофатли бўлгандир.

Франц ва графиня бир-бирига жилмайиб қўйишди. Шундан кейин графиня Альбер суҳбатини давом эттирди, Франц эса дурбинни кўзига тутиб, албан аёлининг жамолини томоша қилди.

Балет бошланди, бу ажойиб балетни бутун Италияда шуҳрат қозонган машҳур Анри саҳнага қўйган эди. У кемада (сузувчи театрда) ҳалок бўлган эди, бу балетда ҳамма биринчи раққосдан охириги кичик ролдаги артист ҳам жон-жаҳди билан ўйнайди, ҳаммаси бир хилда имо-ишора қилиб, оёқ ёки қўлини ҳам бирга кўтаришади. Бу балетнинг номи «Полиска».

Францнинг бутун эс-ҳуши ўша нотаниш жононда эди, балет қанчалик жозибадор бўлмасин, унга Франц сира қарамай қўйди. Жонон эса саҳнадан кўз узмай балетни ҳузур этиб томоша қиларди, унинг орқасида ўтирган эркакка келганда, у хореографик санъатнинг саҳнада ўйналаётган мўъжизасининг бошидан охиригача парво қилмай уйқуни урарди.

Ниҳоят балет тугади ва завққа тўлган томошабиннинг гулдурас қарсақлари остида парда ёпилди.

Операга балет чиқишлари киритиш Италияда одат тусига кирган, шу сабабли танаффус жуда қисқа бўлади, шу муддат ичида ашулачилар ҳордиқ чиқариб, кийимини алмаштиради, раққослар эса машқ қилиб олишади.

Иккинчи бўлимнинг кириш мусиқаси бошланди. Оркестрнинг биринчи қўш овози кўтарилиши билан албанканинг мудроқ кавалери аста қаддини ростлаб хонимга яқин сурди. Аёл орқага қараб унга бир неча сўз айтди-да, яна ложа барьерига суюниб олди.

Кавалернинг юзи ҳамон қоронғида кўринмай қолди. Франц уни яхши кўролмади.

Парда кўтарилди. Франц нотаниш оймичадан беихтиёр юз ўгириб, саҳнага, артистларга қаради.

Иккинчи бўлим, дуэт билан бошланди. Паризина тушида Угога ошиқ эканини Аццога айтиб қўяди, алданган эр рашк қилиб жизғанаги чиқади, ниҳоят, хотинининг вафосизлик қилганига амин бўлгач, уни уйғотади-да, қасос олажагини билдиради.

Бу машҳур Доницети қалами билан ёзилган энг таъсирли, энг драматик дуэтлардан бири. Франц буни учинчи марта эшитиши, у унчалик мусиқапараст бўлмаса-да, дуэт қаттиқ таъсир этди. Франц шу сабабли кўпчиликка қўшилиб чапак чалмоқчи бўлганди, бирдан кўтарилган қўллари тепада муаллақ бўлиб қолди ва оғзидан чиқаётган «Офарин!» сўзи ҳам ичига қайтиб кетди.

Бояги нозанин ложасида ўзини орқага, қоронғига олиб ўтирган киши ўрнидан рўйи-рост турган эди, унинг юзи чироқда яққол кўринди, у Монте-Кристо оролида истиқомат қилувчи сирли зот эди. Франц кечагина Колизей вайронасида уни гавдасидан ва овозидан таниб олганди.

Бу ғалати, сирли сайёҳнинг Римда истиқомат қилишига энди ҳеч шубҳа қилиш мумкин эмасди.

Францнинг хижолат тортгани юзидан билиниб қолди, шекилли, графиня унга қараб кулиб юборди ва нима бўлди сизга, деб сўради.

– Графиня, – деди Франц. – Мен сиздан ҳозиргина ал-банкани танийсизми, деб сўраган эдим. Энди яна бир нарсани сўрамоқчиман: унинг эрини танийсизми?

– Хотинини қанчалик танисам, эрини ҳам шунчалик танийман.

– Унга эътибор бердингизми?

– Мана, чиндан ҳам французча савол! Сиз яхши биласизки Италия аёллари фақат севганини инобатга олади.

– Бу ҳақ гап, – деди Франц.

– Ҳар ҳолда, – деди графиня Альбернинг дурбини билан ўша ложага қараб, – афтидан, у яқинда гўрдан чиққанга ўхшайди. Бу одам гўрковнинг ижозати билан тобутдан чиқиб келган мурданинг худди ўзи. Қаранг рангида жичча ҳам қон йўғ-а.

– У ҳамиша шунақа.

– Ие, сиз ҳали уни танийсизми? – деди графиня, – у вақтда унинг кимлигини мен сиздан сўрашим керак экан-да.



– Чамамда, мен уни қаердадир кўрганман.

– Тушунарли, – деди графиня гўзал елкаларини силки-тиб, – уни бир кўрган киши ҳеч унутмаса керак.

Франц сирли нотаниш зот меңдагина эмас, бошқаларда ҳам катта таассурот қолдираётган экан, деб ўйлади.

– Ким деб ўйлайсиз бу зотни? – сўради Франц графиня унга яна дурбинни тўғрилайётганда.

– Бу зот бутун вужуди билан лорд Рутвеннинг худди ўзи.

Байроннинг номи яна тилга олиниси Францни ҳайратда қолдирди, бирор киши гўрдан чиққан қонхўрлар чиндан ҳам борлигига ишонтира олса, Франц ўша қонхўрлардан бири деб мана шу кишини ҳисобларди.

– Мен бу зотнинг кимлигини билишим керак, – деди Франц ўрнидан кўзғалиб.

– Йўқ, йўқ! – деди хитоб қилиб графиня. – Кетманг, мени кузатиб қўясиз, рухсат бермайман сизга.

Франц графинянинг қулоғига шивирлади:

– Сиз ҳали, шунақа кўрқоқмисиз?

– Менга қаранг! – жавоб қилди графиня. – Ахир Байрон менга гўрдан чиққан қонхўрлар борлигига ишонаман деб онт ичган, уларни ўз кўзим билан кўрдим, деб ишонтирган. У менга бу қонхўрларнинг қиёфасини тасвир этиб берганди... Улар худди ана шу зотга ўхшайди, қора соч, кўзлари ҳамиша ёниб туради, мурда каби бўзарган, унинг хотини ҳам бошқаларга ўхшамайди, қаранг... У қандайдир грек аёли, ёки... унинг ўзи каби сеҳргарга ўхшайди... Борманг улар ёнига, илтимос қиламан. Жуда зарурат бўлса эртага ахтариб топарсиз уни, бугун рухсат беролмайман.

Графиня ўрнидан тураётиб, «мен спектаклнинг охиригача туropolмайман, кетишим керак, меҳмон чақирганман, наҳот мени кузатиб қўйишни истамасангиз? Ахир бу одобдан эмас-ку», деди.

Франц итоат этишга мажбур бўлди, шляпасини кийди, пожа эшигини очди-да, графиняни қўлтиқлаб олди.

Чиндан ҳам графиня жуда ваҳимага тушиб қолган эди. Францнинг ўзи ҳам ўтган воқеаларни эслаб беихтиёр сесканиб кетди. Қўлтиғидан тутиб извошга ўтқазганда графиня дир-дир титраётган эди.

Франц графиняни уйигача кузатди, хонимникида ҳеч қандай меҳмон йўқ эди, кутиб турган бирор киши ҳам кўринмади. Франц, мени алдадингиз, деб койинди графинядан.

– Ростдан ҳам тобим қочди, – деди графиня, – ёлғиз бўлишим керак. Уша кишини кўриб, дилим вайрон бўлди.

Франц кулгига олмоқчи бўлди.

– Кулманг, – деди графиня, – сиз куладиган ҳеч нарса йўқ бунда. Ваъда беринг...

– Нимага?

– Аввало менга сиз айтганингизни қиламан, деб сўз беринг.

– Барча истакларингизни бажо келтиришга ваъда берман, бироқ ўша кишининг кимлигини билиш истагидан воз кечолмайман. Мен унинг кимлигини, қаерданлигини ва қаёққа бораётганини билишим шарт. Нима учун албатта билишим кераклигини баъзи сабабларга биноан сизга айтолмайман.

– Унинг қаерданлигини билмайман, аммо қаёққа бораётганини айтишим мумкин: у тўппа-тўғри дўзахга боряпти.

– Қўйинг бу гапни, – деди Франц, – ҳали, мендан нимани талаб қилмоқчи эдингиз, айтинг.

– Ҳа, айтмоқчи, ҳозир тўғри меҳмонхонага боринг, бугун у одам билан учрашаман деб овора бўлманг, хайрлашадиган киши билан учрашадиган киши ўртасида қандайдир боғланиш бўлади. Мен билан ўша киши ўртасида воситачи бўлиб қолманг. Эртага истаганингизча унинг кетидан қувинг, лекин агар мени кўрқиб юраги ёрилмасин десангиз, уни менга зинҳор рўпара қилманг. Энди хайр, яхши ухланг, мен эса мишжа қоқмай чиқсам керак.

Графиня ичкарига кириб кетди. Франц эса бу аёл ҳазиллашдими ёки росткамига кўрқдими, деб тушунолмай қолди.

Франц меҳмонхонага қайтганда Альбер халат, хонакишим кийиб, оғзида папирос, юмшоқ курсида талтайиб ўтирганди.

– Э, ўзларими, – деди Альбер, – мен сизни эрталабгача қайтмаслар, деб уйлагандим.

– Менга қаранг, Альбер, – деди Франц, – мен сизга қувониб шуни айтайинки, сиз Италия аёллари ҳақида мутлақо

нотўғри фикрда экансиз. Менинг фикримча, ошиқ-маъшуқлик борасида ишингиз ўнгидан келмаётгани эс-хушингизни жойига келтириб қўймоғи керак эди.

– Хўш, нима қил дейсиз? Бу хотинларнинг ичидагини ким билиб ўтирибди? Қўлингизни олиб маҳкам сиқишади, шивирлашиб гаплашишади, кузатиб қўйишга сизни мажбур этишади-ю, шундан нарига ўтишмайди. Париж хоними шуларнинг ўндан бирини қилса тамом-вассалом, дарҳол обрўйини бир пул қилади, қўяди!

– Ҳамма гап мана шунда. Уларнинг сир сақлайдиган ҳеч нарсаи йўқ, улар гўзал мамлакатда Данте айтгандек, қуёшнинг ёрқин нуридан ўзларини панага олмай яшайдилар. Шунинг учун ҳам улар на ишвани, на ноз-карашмани биладилар. Бунинг устига графиня жуда қўрқиб кетганини ўзингиз кўрдингиз-ку.

– Кимдан қўрқди, графиня? Рўпарадаги ложада бир нозанин грек аёли билан ўтирган жанобданми?.. Мен ҳам уларнинг кимлигини билиш истагида эдим ва даҳлизда жўрттага тўқнаш келдим. Сизнинг у одам ҳақидаги гапларингиз мени таажжубга солди! У жуда қадди-қомати келишган гўзал киши, кийими башанг, афтидан, кийимларини бизнинг Блен ёки Юмани тикса керак. Тўғри, унинг юзи бир оз бўзарган, аммо биласизки, оқсуяклар рангпар бўлади.

Франц илжайиб қўйди: Альбер юзим оппоқ деб ўйларди.

– Менимча ҳам, – деди Франц, – графиня бўлмағур нарсаларни хаёлига келтириб у кишидан қўрқиб юрибди. У бирор нарса дедими?

– Деди, бироқ янгича грек тилида. Мен буни бузиб айтилган бир нечта грекча сўздан фаҳмлаб олдим. Азизим, шуни билиб қўйингки, мен коллежда ўқиганимда грекчадан ҳаммадан ўзиб юардим.

– У янгича грек тилида гапирдимми?

– Шунга ўхшади.

– Шубҳасиз, – шивирлади Франц, – бу ўша зотнинг ўзи!

– Нима дедингиз?

– Ҳеч нима. Сиз бу ерда нима қилдингиз?

– Сизга ҳадя тайёрладим.

– Қанақа ҳадя!

– Извош топиш қийинлигини ўзингиз биласиз.

– Билганда қандоқ. Киши қўлидан келадиган ҳамма хунарни ишлатиб кўрдик, аммо бирорта нарса тополмадик.

– Менда ажойиб бир фикр туғилди.

Франц Альберга инонмай қараб қўйди.

– Азизим, – деди Альбер, – сиз менга ишонч билан қарадингиз, бунинг боисини билсам бўладими?

– Фикрингиз мабодо айтганингиздек сиз бўлса, айтишим турган гап.

– Қулоқ солинг.

– Икки қулоғим сизда.

– Извош тополмаймизми?

– Тополмаймиз.

– Отлар ҳам топиб бўлмайдими?

– Топиб бўлмайди.

– Тўрт филдиракли аравани-чи?

– Эҳтимол топиб бўлар.

– Иккита хўкизни-чи?

– Эҳтимол.

– Демак, азизим, бизга мана шуниси керак! Мен аравани турли рангларга бўяттираман, ўзимиз Неаполь ўроқчилари кийимини кийиб оламиз-да, худди Леопольд Робернинг машҳур суратининг ўзи бўламиз-қўямиз. Агарда жуда ўхшаб тушиши учун графиня ҳам Поццуолими ёки Сорренто деҳқон аёлининг кийимида чиқишга рози бўлса маскарадимиз яна ҳам сиз бўлади. Графиня ҳусни баркамол аёл, уни албатта «Гўдакли аёл» картинасининг оригинали деб қабул қилишлари турган гап.

– Худо ҳақи, – деди Франц, – бу гап жуда ҳақ гапларни айтяпсиз, чиндан ҳам бу жуда яхши фикр.

– Ватанпарварликни ҳам учига чиқарадиган фикр, бу билан биз дангаса, ишёқмас қиролларимиз даври-давронини бир карра ҳаммининг хотирига солиб ўтамиз! Римлик жаноблар! Сизлар отларимиз, извошларимиз етишмайди, шунинг учун лаццаронлар каби кўчаларимизда яёв санғиб юраверасизлар-да, деб ўйлаган эдингиз, ундай бўлса, ташвишланмай қўя қолинг, биз извошни ўзимиз кашф этамиз.

– Бу доҳиёна кашфиётингизни аллақачон бирор кишига айтдингизми?

– Хўжайинимизга айтдим. Театрдан қайтиб уни бу ерга чақирдим ва унга бу тилагимни изҳор этдим. У, бундан осони йўқ, деди. Хўкизларнинг шохларига зарҳал суртиш керак дедим, у бунга уч кун вақт керак, деди, бундан воз кечишга тўғри келади.

– Қаерда у?

– Ким?

– Хўжайин.

– Аравага кетди. Бунга эртага қолдириб бўлмайди.

– Бугуноқ бизга жавобини айтадимми?

– Мен уни кутиб ўтирибман.

Шу пайт эшик қия очилиб, маэстро Пастринининг калласи кўринди.

– Permesso?<sup>25</sup> – сўради у.

– Албатта мумкин! – деб хитоб қилди Франц.

– Хўш нима бўлди? – сўради Альбер. – Бизга арава ва хўкизлар топиб келдингизми?

– Ундан яхшироғини топиб келдим, – деди хўжайин ўзидан жуда мамнун ҳолда.

– Қадрли хўжайин, эҳтиёт бўлинг, – деди Альбер, – яхшилиқдан яхшилиқ ахтармайдилар.

– Зоти шарифлари мендан умидвор бўлаверсинлар, – деди гердайсмон маэстро Пастрини.

– Хўш, нима гап ўзи? – сўради Франц.

– Сиз билан бир қаватда граф Монте-Кристо истиқомат қилаётганидан хабарингиз борми?

– Нега хабаримиз бўлмас экан, – деди Альбер, – у зоти шарифларининг марҳамати билан иккимиз худди лотин маҳалласининг талабасига ўхшаб бу ерда тиқилишиб ётибмиз-ку.

– У ишларинг ўнгидан келмаганини эшитиб, ўз извошидан икки ўрин ва Росполи саройида банд этган деразаларидан икки жой таклиф қиляпти.

Альбер билан Франц бир-бири билан кўз уриштириб олди.

– Ҳеч танимаган кишининг таклифини қабул қилсак жоиз бўлармикин? – деди Альбер.

---

<sup>25</sup> Мумкинми? (италь.)

– Граф Монте-Кристо деганингиз ким ўзи? – сўради Франц.

– Аниқ билмайман, аммо сицилиялик ёки мальталик донгдор ва бадавлат тўралардан бўлса керак.

– Менимча, – деди Франц Альберга, – маэстро Пастринининг гапни рост бўлса, бу граф сингарилар бизни бошқача таклиф этган бўларди.

Шу он эшик тақиллади.

– Киринг, – деди Франц.

Олифта кийинган қарол кириб остона олдида тўхтади.

– Граф Монте-Кристо мени барон Франц д’Эппине ва виконт Альбер де Морсер ҳузурига йўлладилар, – деди қарол.

Сўнг у хўжайинга иккита ташриф қоғози узатди, хўжайин эса йигитларга берди.

– Граф Монте-Кристо, – деди қарол, – кўшни сифатида эртага эрталаб сизнинг ҳузурингизга ташриф буюрмоқчилар, рухсат қилишингиз ва ўзингизга бир вақтни белгилашингизни илтимос қилиптилар.

– Ҳеч қандай эътирозга ўрин қолмади, – деди Альбер оҳиста Францга, – ҳаммаси жойида бўлаяпти.

– Графга айтинг, – жавоб қилди Франц, – биринчи бўлиб биз ташриф этайлик жанобларининг ҳузурига.

Қарол чиқиб кетди.

– Назокат борасида басма-басга ўтдик энди, – деди Альбер, – маэстро Пастрини, ҳақ гапни айтган экансиз, граф Монте-Кристо жуда раъй-андишали зот экан.

– Демак, сиз унинг таклифини қабул қилдингизми? – сўради Пастрини.

– Албатта, – жавоб берди Альбер, – бироқ очиғини айтсам, аравамизга ачиняпман. Агар ўша Росполи саройининг деразасидаги жой бўлмаганда, мен сўзсиз, илгариги фикримда турган бўлардим. Сиз нима дейсиз бунга Франц?

– Мени ҳам фақат ўша сарой деразаси тортяпти-да, – жавоб қилди Франц.

Росподи саройидан икки жойнинг таклиф этилиши Францга Колизейда нотаниш зот билан транстеверинлик ўртасидаги суҳбатни эслатди. Франц ўйлаганидек, плаш кийган одам Аржентина театрида уни қизиқтириб қўйган одамнинг ўзи бўлса, уни кўради ва сўзсиз ҳамма сирларни билиб олади.

Франц кўп вақтгача ухлай олмади, нотаниш одам ва эрталабки учрашиш тўғрисида фикрлари чувалашиб ҳаяжонга солаверди уни. Ҳақиқатан ҳам эрталаб ҳамма нарса аён бўлиши керак, бу гал Монте-Кристо оролининг сирли хўжайини, агар унда Гигеснинг сеҳрли узуги бўлмаса, Францдан қочиб қутулолмайди.

Франц уйғонганида ҳали соат саккиз ҳам бўлгани йўқ эди.

Эрталаб туришга одатланмаган Альбер эса қаттиқ уйқуда эди.

Франц хўжайинни чақиртирди. У келиб одатдагича таъзим билан саломлашди.

– Маэстро Пастрини, – деди Франц, – янглишмасам, бугун кимдир қатл этилса керак?..

– Ҳа, шундай, жаноблари тўғри айтдилар. Бу қатлни кўрадиган деразани топгин дерсиз, бироқ энди топиш қийин, кечикдик.

– Мен ундай деётганим йўқ, – деди Франц. – Мабодо бу манзарани кўрмоқчи бўлганимда Монте-Пинчодан жой топардим.

– Йўғ-э, нима қиласиз у ерни тўлдириб ўтирадиган яланг оёқларга қўшилиб.

– Жуда тўғри айтасиз, мен бормайман. У ерга бормаслигим керак, – деди Франц, – лекин баъзи маълумотларни олишим керак-да.

– Қанақа маълумот?

– Жазога ҳукм қилинганлар сони, уларнинг исми ва қай усулда қатл этилаётгани тўғрисидаги маълумотларни-да.

– Бундан осони йўқ, жаноблари хотиржам бўлсинлар. Менга ҳозир *tavolette* ни келтиришди.

– *Tavolette* нима ўзи?

– Бу тахталар, уларни қатдан бир кун олдин кўчаларнинг бурчакларига осиб қўйишади, уларда жиноятчиларнинг исми, жинояти ва қатл этиш усули ёзиб қўйилади, токи диндорлар Худодан уларнинг гуноҳини кечиршини сўраб дуо ўқисинлар.

– Сизга ҳам диндорларга қўшилиб дуо ўқисин деб олиб келадиларми *tavolettени*? – сўради Франц унга ишонмай.

– Йўқ, жаноб, ундай эмас. Мен афишаларни ёпиштириб юрадиган киши билан келишиб олганман, у театр афишалари билан бирга ўша эълонни ҳам келтиради, меҳмонларим орасида қатлини кўришга қизиқадиганлар чиқиб қолса, бу эълонни кўриб маълумот олади, қўяди.

– Сиз мулозаматни жудаям жойига қўяркансиз-да! – деди Франц.

– Мен, – деди илжайиб маэстро Пастрини, – лутф айлаб меҳмонхонага ташриф буюрган олижаноб хорижийларга ўнғайлик туғдириш учун кўлимдан келганча ҳамма нарсани тахт қилиб қўяман.

– Ўз кўзим билан кўриб турибман буларни, қадрли хўжайин, амин бўлинг, мен буни ҳаммага айтаман, албатта. Энди ўша *tavolette*дан биттасини олиб келинг, ўқиб чиқайин.

– Ҳозир, – деди хўжайин эшигини очиб, – биттаси зина олдидаги майдончага осилсин, деган эдим.

У хонадан чиқди-да, миҳга илиб қўйилган «таволетте»ни олиб келиб Францга берди.

Мана у афишанинг айнан таржимаси:

*«Ҳаммага маълум бўлсинки, 22 февраль, сешанба, карнавалнинг биринчи кунинда олий трибуналнинг ҳукмига мувофиқ Пьяцца-дель-Пополода қуйидаги жиноятчилар қатл қилинади: Андреа Рондоло, у муқаддас Иоан патеранский черковининг кашиши. ҳурмат-эйтиборли Чезаре Торлинини ўлдирганликда айбланади, Рокка Приори деб лақаб берилган Пеппино: бу манфур қароқчи Луиджи Вампа ва унинг шайқаси билан шерикликда айбланади.*

*Биринчиси mazzolato қилинади.*

*Иккинчиси decapitato қилинади.*

*Тақводор зотлар Худодан бу икки қабиҳ жиноятчига чин кўнгилдан тавба-тазарру қилишларини тилаб дуо қилишга даъват этилади».*

Бу икки кун олдин Франц Колизей вайронасида эшитган гапларнинг худди ўзи эди. Программада ҳеч қанақа ўзгариш бўлмабди: жазога тортилганларнинг номи, уларнинг жинояти, қатл этиш усули ўша ерда айтилгандек.

Хуллас, транстеверинлик Луиджи Вампа, плаш кийган одам эса Порте-Веккио ва Тунисдагидек Римда ҳам хайри-



эхсон улашишни давом эттириб юрган Синдбод-Денгиз сай-  
ёҳининг ўзи бўлса керак.

Соат ҳам тўққиз бўлди, Франц дўстини уйғотмоқчи бўлиб турган эди, Альбернинг ўзи ётоқхонадан батамом кийиниб чиқди. Афтидан, карнавал ҳақидаги ўй-хаёллар уни тинч қўймаган, шекилли, Франц ўйлаганидан анча олдин туриб шайланиб олган.

– Синьор Пастрини, – деди Франц хўжайинга мурожаат қилиб. – Мана иккимиз тайёр бўлиб олдик, энди граф Монте-Кристо ҳузурига ташриф буюраверсак бўлармикин?

– Албатта, – деди хўжайин, – граф Монте-Кристо саҳармардонда ўрнидан туришга одатланган, уйқудан турганига икки соатча бўлгандир, менимча.

– Демак, сизнингча, борсак безовта қилиб қўймаймизми у жанобларни?

– Асло.

– Ундай бўлса, қани Альбер, тайёرمىсиз?

– Тап-тайёрман, – деди Альбер.

– Қани, борайлик, – қўшнимиз бизга иззат-ҳурмат кўрсатгани учун миннатдорчилик билдирайлик.

– Кетдик!

Франц билан Альбер айвончадан бир қадам ташласа, бас, граф остонасида бўлишади. Бироқ хўжайин улардан олдин бориб қўнғироқ тугмачасини босди, қарол эшикни очди.

– *I signori francesi*<sup>26</sup>, – деди Пастрини.

Қарол таъзим қилди-да, ичкарига таклиф этди.

Улар ҳашамдор икки хонадан ўтиб (маэстро Пастрини меҳмонхонасида бунчалик бой жиҳозланган хона бўлишини икки оғайни ҳеч қутмаган эди), жуда соз жиҳозланган меҳмон кутадиган хонага киришди. Ерга турк гилами тўшалган, юмшоқ, қулай курсилар меҳмонларни ҳордиқ чиқаришга таклиф этиб, кўксини очиб тургандай. Деворларда машҳур рассомларнинг суратлари ва безакли милтиқлар, эшикларда эса ранго-ранг пардалар.

– Муҳтарам меҳмонларга малол келмаса, ўтириб ҳордиқ чиқарсалар, мен бориб графга хабар қилайин.

---

<sup>26</sup> Жаноб французлар (италь.).

У иккинчи эшикка кириб кетди.

Эшик очилиши билан ичкаридан уднинг овози эшитилди, бироқ шу он жимиб қолди. Меҳмонхонада кутиб ўтирган йигитлар мусиқанинг фақат бир пардасини эшитишди.

Франц ва Альбер кўз уриштириб олишди-да, яна хонадаги жиҳозларни, суратларни ва яроғ-аслаҳаларни кўздан кечиришда давом этишди. Улар қараган сари буюмлар гўзал, кўркам кўринарди.

– Хўш, – мурожаат қилди жўрасига Франц, – хўш, буни сига нима дейсиз?

– Менинг ўйлашимча, бу кўшнимиз испан фонди касод бўлганда найранг ишлатиб ютиб чиққан биржа даллоли ё бўлмаса махфий равишда саёҳат қилиб юрган князь бўлса керак.

– Жим! – деди Франц. – Биз буни ҳозир билиб оламиз, ана ўзи ҳам келяпти.

Эшик ғийқиллаб очилди, пардалари икки томонга йиғилди, остонада мана шу бойликлар эгаси пайдо бўлди. Альбер унинг истиқболига чиқди, Франц турган жойида қотиб қолди.

Кириб келган киши ўша плашли, ложадаги нотаниш, Монте-Кристо оролидаги сирли мезбоннинг худди ўзи эди.

#### **XIV. MAZZOLATA**

– Муҳтарам жаноблар, – деди граф Монте-Кристо, – илгарироқ бориб сизни таклиф қилолмадим, узр сўрайман, аммо жуда эрта борсам ташвишга солиб қўяманми, деб кўрқдим. Бунинг устига, жаноблар, ўзимиз ташриф буюрамиз, деганлари сабабли истаклари бажо келтирилсин, деб қўя қолдим.

– Биз сиздан минг-минг карра миннатдормиз, граф, – деди Альбер, – сиз чиндан ҳам мушкулумизни осон қилдингиз. Биз энди катта арава кашф этаётганимизда сиз, мурувватли жанобларининг таклифини олдик.

– Ҳамма айб мана бу бефаросат Пастринида, – деди граф йигитларни диванга таклиф қилиб. – Сизнинг шунча азият

чекканингизни менга айтмабди. Мен эса ёлғиз зерикиб, қўшниларим билан қандай қилиб танишиб олсам экан, деб хит бўлиб юрган эдим. Бирор ёрдам қилишим мумкинлигини билгач, дарҳол танишиб олишга ҳаракат қилдим.

Графнинг бу илтифотли сўзларига, йигитлар таъзим-ла ташақкур изҳор этишди. Франц саросимага тушиб ғиқ этмай турарди: афтидан, граф таниш эканини билдиришни истамади, буни кўрган Франц биринчи учрашувни эсига солайми ёки янги далилларни кутиб сабр қилайми, деб иккиланиб қолди. Бунинг устига агар кеча ложада кўрган одам шу эканига имони комил бўлса-да, бироқ ундан бир кун илгари Колизейдаги одам ҳам шу эканини тасдиқлай олиши қийин эди, шу сабабли у сабр этишга ва графга ҳеч нима демай ўзини билмасликка олишга қарор қилди. Яна Франц Монте-Кристонинг сирини билгани учун ўзини устун деб билар, граф эса яширадиган ҳеч нимаси йўқ Францни тазйиқ остига ололмасди.

Ҳар қалай Франц ўзига шубҳали туюлган баъзи нарсаларни аниқлаб олишда ёрдам бериши мумкин бўлган масалада сўз очишга аҳд қилди.

– Сиз бизга извош ва Росполи саройи деразаларидан жой бериб, ҳиммат қилдингиз, – деди у, – энди Пьяцца-дель-Пополодан ҳам, итальянлар таъбири билан айтганда, бирор «пост», яъни кузатиш жойи олиш йўлини ўргатиб қўёлмайсизми?

– Э, ҳа, – деди бепарво оҳангда граф Мёрсерга қаттиқ тикилиб, – айтганча, бугун Пьяцца-дель-Пополода қандайдир қатл бўлади, шекилли.

– Худди шундай, – деди Франц графнинг ўзи у истаган мавзуда сўз бошлаётганидан қувониб.

– Тўхтанг, мен кеча бошқарувчимга бу иш билан шуғулланишни топширувдим, шекилли. Эҳтимол, бу масалада ҳам сизга ёрдам бериш қўлимдан келиб қолар.

У каноппи тортиб уч марта қўнғироқ чалди.

– Сиз бирор марта ўз вақтингизни тўғри тақсим этиш ва хизматчиларнинг у ёқ-бу ёққа югуришларини камайтириш йўллари тўғрисида ўйлаб кўрганмисиз? – деди у Францга. – Мен бу масалани ўрганиб чиқдим: камердинерга бир марта, эшик оғасига икки марта, иш бошқарувчига уч марта

қўнғироқ чаламан. Шу йўсинда бир зум ҳам ортиқча вақт сарф этмайман, битта сўзни ҳам бекорга айтмайман. Мана бошқарувчим келди.

Хонага Синдбод ғорига Францни олиб кирган контрабандистнинг худди ўзига ўхшаган, қирқ беш ёшларга бориб қолган киши кирди-да, ўзини танимасликка олиб тураверди. Франц графнинг амри шундай бўлса керак, деб тushнди.

– Жаноб Бертуччо, – деди граф, – кеча Пьяцца-дель-Полога қараган дераза топинг деганим эсингиздами?

– Ҳа, эсимда, жаноби олийлари, – деди бошқарувчи, – бироқ жуда кечикиб қолган эканмиз...

– Йўғ-э! – деди граф хитоб-ла ковоғини солиб. – Мен сизга албатта дераза керак менга деган эдим-ку!

– Жаноби олийлари, деразани оласиз албатта, бироқ уни князь Лобаньевга бериб қўйишган экан, шунинг учун юзни тўлашга мажбур бўлдим...

– Майли, майли, жаноб Бертуччо, меҳмонларимни майда гаплар билан бошини қотирманг. Деразани топибсиз, бўпти, демак иш – жойида. Деразанинг манзилени извошчига айтиб, зинада кутинг, бизни кузатиб қўясиз. Сизга рухсат.

Бошқарувчи таъзим қилди-да, эшик томонга бурилди.

– Яна бир илтимос, – деди граф, – марҳамат қилиб Пастринидан сўранг – «таволетта» олганмикан, агар мумкин бўлса қатл дастурини бериб юборсин менга.

– Ташвишга ҳожат йўқ, – деди Франц чўнтагидан ёзув дафтарчасини олиб, – уни мен кўриб ёзиб олган эдим, мана.

– Жуда соз. Ундай бўлса, жаноб Бертуччо, сиз кетаверинг, бошқа гапим йўқ сизга. Тайинланг, нонуштани қачон келтиришларини бизга хабар қилишсин. Мен билан нонушта қиларсиз деган умиддаман, тўғрими? – деди у меҳмонларга муружаат қилиб.

– Ахир граф, – деди Альбер, – сизни ташвишга солиб қўямиз-ку.

– Ҳечқиси йўқ, аксинча, мени хурсанд қиласиз. Ахир вақтсоати келиб Парижда мени, биронтангиз ёки икковингиз меҳмон қиларсиз. Жаноб Бертуччо, айтинг, уч кишига овқат келтиришсин.

У Францнинг қўлидан дафтарчани олди.

– Аҳа, аҳа, – деди граф бепарво оҳангда гўё театр афишасини ўқиётгандек, – «...22 февралда... қатл қилинади: Андреа Рондоло, у муқаддас Иоанн Латеранский черковининг кашиши ҳурмат-эътиборли дон Чезаре Торлинини ўлдирганликда айбланади. Рокка Приори деб лақаб берилган Пеппино: бу манфур қароқчи Луиджи Вампа ва унинг шайкаси билан шерикликда айбланади...» Оҳо!.. «Биринчиси mazzolata қилинади. Иккинчиси decapitato қилинади». Ҳа, – деди граф, – чамамда, ҳаммаси худди шундай содир бўлиши керак эди, бироқ кеча бу маросимнинг тартиби ўзгарган бўлса керак.

– Шундайми ҳали? – деди Франц.

– Ҳа, мен буни кеча кардинал Роспильозидан эшитгандим, жиноятчилардан бирининг қатл муддати кейинга сурилибди.

– Қайсисиники? Андреа Рондолоникими? – сўради Франц.

– Йўқ, – деди граф, – иккинчисиники (у гўё исмини эслаёлмаётгандек дафтарчага қаради)... Рокка Приори лақабидаги Пеппиноники. Жиноятчининг калласини кесадиган машинани кўришдан маҳрум бўлдингиз, mazzolatани кўрасиз, биринчи гал кўргандагина эмас, ҳатто иккинчи марта кўрганда ҳам бу жуда завқли манзара. Машинада каллани шартта кесиб ташлаш (балки буни сиз кўргандирсиз) жуда оддий, зерикарли манзара, унда қўққисдан, кутилмаган ҳолда юз берадиган ҳеч нарса йўқ, қатлнинг бу хилида жаллод кўлида пичоқ титрамайди, тегмасдан ўтиб кетмайди, граф де Шале калласини олиш тўғрисида Ришельедан алоҳида фармон олган солдатга ўхшаб жаллод пичоғини айбдорнинг бўйнига ўттиз марта теккизиб қайтиб олмайди. Қўйинг, – деди граф жирканиб, – айбдорга азоб бериш масаласига келганда европаликларингизни менга деш қилманг, улар бу борада жуда гўл, қаҳр-ғазаб нималигини билмайдиган гўдак.

– Граф, – деди Франц, – ер куррасининг турли халқларида қатл этиш усулларини бир-бирига солиштириб ўрганиб чиққансиз, шекилли.

– Мен кўрмаган усул кам бўлса керак ҳар ҳолда, – деди совуққонлик билан граф.

– Наҳотки сиз шундай разил, даҳшатли манзаралардан завқлансангиз?

– Биринчи марта жиркандим, иккинчи гал парвойи фалак ўтирдим, ахири бориб қизиқадиган бўлиб қолдим.

– Қизиқадиган? Бу даҳшат-ку!

– Нега энди? Турмушда энг муҳим нарса – ўлим. Шундай экан, жоннинг танни қандай тарк этишини ва кишилар ўз хулқи-атвори, мижози, ҳатто туб жойининг урф-одатига мувофиқ борлиқдан йўқликка ана шу охирги қадамни қандай ташлашини кўриш завқли, қизиқарли эмасми? Амин бўлингки, ўлаётганларни қанча кўп кўрсангиз, ўлиш шунча енгил бўлади, шу сабабли ўлим гуноҳни ювиш эмас, қатлдир.

– Сўзларингизга унчалик ақлим бовар қилмаяпти, – деди жавобан Франц, – фикрингизни аниқроқ қилиб тушунтириб беринг, мен жудаям қизиқиб қолдим.

Граф бошқа одамларга ўхшаб бўриқиб кетмади, аксинча юзидан заҳар томиб:

– Менга қаранг, – деди. – Борди-ю, бирон киши отангизни, онангизни ёки маҳбубангизни, хуллас бирон-бир яқин кишингизни иссиқ бағрингиздан юлиб олиб, кўз кўриб қулоқ эшитмаган қийноқда, беадад азоб-уқубатда ўлишга мажбур қилса, қалбингиз мангуга бўш бўлиб қолади, юрак жароҳатидан умрбод қон томчилаб туради. Наҳотки сиз қотилнинг калласини гильотин пичоғи сапчадек узгани билан жамият менинг иззат-нафсимни қондирди, деб ҳисобласангиз? Ахир сиз ўша қотилнинг касру касофатига узоқ йиллар давомида руҳий изтироб чеккансиз, у бўлса бир зумгина жисмоний азоб чекди, холос.

– Биламан, – деди Франц, – инсоний одил суд кишига тасалли беролмайди. У фақат қонга қон, жонга жон олиши мумкин, унинг қўлидан келадигани шу, унга бундан ортиқча талаб қўйиб бўлмайди.

– Мен бу ерда, – деб давом этди граф, – ўз аъзоларидан бирининг ўлдирилишидан ўта ғазабга минган жамият қасосини, яъни жонга жон олишни тақдирлашини кўрсатадиган бир воқеа ҳақида гапиряпман. Аслини олганда, бизда киши бағрини минг пора қилаётган азоб-уқубатларнинг сон-саноғи йўқ, аммо жамият буларни эътиборга олмайди

ва улар учун ҳатто ҳозир биз тилга олган осонгина усулда қасос олишни хаёлига ҳам келтирмайди. Ахир бизда турклар қозиққа ўтказганидан, прокезлар томирларни ўйиб олгандагидан баттарроқ, даҳшатлироқ қийноққа дучор этилиши ҳам қарз, ҳам фарз бўлган жиноятлар йўқми? Бор, бироқ парвойи-фалак жамиятимиз бу жиноятларни жазога тортмай келади... Қани, айтинг-чи, бундай жиноятлар йўқми?

– Бор, – деди хитоб қилиб Франц. – Дуэлни шунга чиқариб қўйишган-да.

– Дуэль! – хитоб қилди граф. – Мақсад фақат мўлжал бўлиб қолгану, шу мақсадга эришиш учун топган воситаларини қаранг-а! Бир кимса маҳбубангиздан сизни жудо этса, хотинингизни йўлдан урса, қизингизнинг номусини барбод этса, ҳамма қаторида Худодан бахт-саодат ато этилишини кутишга ҳақли ҳаётингизни ана шу одам бутунлай қайғуалам, азоб-уқубат гирдобига улоқтириб, абгор қилса-ю, сиз унинг кўксига бир қилич санчиш билангина ёки пешонасига битта ўқ отиш билангина наҳотки қасосимни олдим деб қаноат ҳосил қилсангиз? Асло! Бунинг устига, у кимса кўпинча ғолиб чиқиб, одамлар кўз олдида ўзимни оқладим ва Худонинг мурувватига сазовор бўлдим, деб гердайиб юради. Йўқ, йўқ, – сўзини давом этди граф, – мабодо менда ҳам қасос олиш зарурияти туғилиб қолгудек бўлса, асло бундай қилиб қасос олмайман.

– Демак, сиз дуэлни инкор этаркансиз-да? Яккама-якка жанг қилишдан воз кечаркансиз-да? – сўради графнинг ғалати назариясидан таажжубланган Альбер.

– Йўқ, нега инкор қиларканман? – эътироз билдирди граф. – Менинг сўзларимга тўғри тушунинг: масхара қилса, иззат-нафсимга тегиб нуфузимга путур еткизса, ёлғончига чиқаришга уринса, шаппати урса, албатта, дуэлга чақириб яккама-якка жанг қиламан, чунки жисмоний томондан чиниқиб, жуда кўп ҳунар орттирдим, кўп йиллардан буён хавф-хатарларга тик қарашга одатланиб келдим, шу сабабли душманимни ер тишлатишим муқаррар эканига асло шубҳа қилмай жанг қиламан. Аммо узоқ вақт беҳад оғир азоб-уқубатларга солиб келган кишидан мен ҳам уни худди шундай узоқ, чексиз қийноқларга дучор этиб қасос олган

бўлардим – ҳаётни тушга, ўнгни жаннатга айлантира олган қадимий устозларимиз Шарқ кишилари айтганларидек, қонга қон, жонга жон олган бўлур эдим.

– Менимча, – деди эътироз билдириб Франц, – модомики, сиз ўз хатти-ҳаракатингиз билан бир йўла ҳам суд, ҳам жалпод ролини ўйнамоқчи экансиз, у ҳолда қонун чегарасидан чиқиб кетиб, ана шу қонун исканжасига ўзингиз тушиб қолишингиз ҳеч гап эмас. Нафратнинг кўзи кўр бўлади, ғазабга минган пайт киши эс-ҳушини йўқотиб қўяди, қасос кайфига маҳлиё бўлган кишининг ўзи ҳам қон ютиб қақшаб қолиши эҳтимолдан холи эмас.

– Тўғри, агар у қашшоқ ва аҳмоқ бўлса шундай бўлади, лекин миллион-миллион бойликнинг эгаси ва ақли расо киши ҳеч вақт бундай ҳолга тушмайди. Жуда борса, у ҳозир биз тилга олган осонгина қатлга дучор бўлади, холос. Эсингизда бўлса керак, инсонпарвар француз революцияси илгариги тўрт нимта қилиш ва чархпалакка тортиш жазолари ўрнига мана шу жазони жорий этган эди. Қасос олингач, қатлнинг нима аҳамияти қолди унга? Афтидан, бечора Пеппинони «decapitato» усули билан қатл этмасалар керак, мен бундан бир оз афсусланяпман, чунки сиз бу усул қанча вақт олишини гапиришга арзийдиган нарсами-йўқми эканлигини ўз кўзингиз билан кўрган бўлур эдингиз. Жаноблар, карнавалнинг биринчи кунда бунақа гаплар билан бошимизни котириб ўтирганимизни қаранг-а! Нимадан бошланиб кетди бу суҳбат? Ҳа, эсимга тушди! Сиз деразадан жой олишга истак билдирдингиз, бажонидил жойни муҳайё қиламиз, қани, аввало дастурхонга ўтирайлик, овқатни келтирдилар, шекилли.

Чиндан ҳам меҳмонхонанинг тўрт эшигидан бири очилди-да, қарол кириб:

– Овқат тайёр, – деди.

Йигитлар ўринларидан туриб емакхонага ўтишди.

Ажойиб идишларга солинган мазали овқатларни баҳам кўраётганда, Франц жўраси Альбердан кўзини узмасдан ва мезбоннинг гаплари унга қандай таъсир қилганини билишга уринарди. Аммо Альбер ўзига хос бепарволиги туфайли мезбоннинг бояги сўзларига унча эътибор бермаганиданми ёки дуэль масаласида граф Монте-Кристога ён бериб



кўнгли тинчиганданми, ё бўлмаса Колизейдаги гап-сўзлар фақат Францга маълум бўлиб, бу гаплар ёлғиз ана шу Францнинг ўзи учун чуқур аҳамият касб этганиданми – ҳар ҳолда Альбернинг кўзларида ҳеч қандай ташвиш аломатлари сезилмасди. Деярли беш ойдан буён дунёда энг бемаза ҳисобланган Италия таомларидан безор бўлган Альбер зўр иштаҳа билан овқатни туширмоқда эди. Граф эса овқатларга унчалик қарамас, меҳмонларга иззат-ҳурмат юзасидан аҳён-аҳёнда бир чимдим олиб қўяр, йигитлар кетгач, ўзига аллақандай ғалати ёки махсус овқат келтирилишини кутаётгани сезилиб турарди.

Шу пайт Франц графиня Г.нинг театрда рўпарадаги ложада ўтирган кишини кўриб ўтакаси ёрилганини ва бу одам қонхўр мурда деганини хотирга келтирди.

Нонуштадан сўнг Франц соатга қараб қўйди.

– Ҳа, нима бўлди? – сўради граф.

– Узр, граф, – деди Франц, – бизнинг ҳали битмаган ишимиз кўп.

– Қанақа иш?

– Бизнинг ҳали карнавалда киядиган кийимимиз йўқ, бугун бусиз кўчада юриб бўлмайди.

– Хотиржам бўлинг. Пьяцца-дель-Пополода, чамамда, бизга алоҳида хона ажратилган, хоҳлаган кийим-бошни ўша ерга олдириб келаман, ўша хонадаёқ кийимимизни алмаштириб оламиз.

– Қатл тамом бўлгандан кейинми? – сўради Франц.

– Сиз қай вақтда десангиз, ўша вақтда: кейин десангиз кейин, олдин десангиз олдин ёки қатл вақтида десангиз – ўша вақтда.

– Жаллод кундаси рўпарасидами?

– Жаллод кундасини томоша қилиш ҳам байрам дастурига кирган.

– Менга қаранг, граф, мен Пьяцца-дель-Пополога боришдан воз кечдим, мурувватингиз учун катта раҳмат, менга извошингиздаги ўрин ва Росполи саройининг деразаси кифоя. Пьяцца-дель-Пополодаги жойни хоҳлаган кишига бера қолинг.

– Аммо огоҳ бўлингки, сиз жуда ажойиб-ғаройиб манзарадан ўзингизни ўзингиз маҳрум этиб қўйяпсиз, – деди граф.

– Сунг менга ҳикоя қилиб берарсиз, – деди эътироз билдириб Франц – сизнинг ҳикоянгиз ўша манзарани ўз кўзим билан кўргандагидан кам таъсир этмас. Мен умуман, бу қатлни бир неча марта кўрмоқчи бўлиб ҳаракат қилдим, аммо Журъат этолмадим. Альбер, сиз-чи?

– Мен Кастенни қатл этганларини кўрган эдим, – жавоб қилди виконт, – аммо анча кайфим бор эди, шекилли, ўша куни коллежни тугатган эдик ва бутун тунни қандайдир қовоқхонада ўтказган эдик.

– Мабодо сиз бирор ишни Парижда қилмаган бўлсангиз, бундан ана шу нарсани албатта ёт ўлкаларда бажо келтирмаслик керак деган хулоса чиқмайди-ку, – деди граф, – билмайман орттириш учун саёҳат қилади киши, янги жойни кўрмоқ учун ўрнидан кўзғалади киши. «Римда қатл қанақа бўларкан?» деб сўраганларида жавоб беришни ҳам ўйлаш керак. «Билмайман» десангиз уят бўлади. Яна шуниси ҳам борки, ўғли қаторида тарбия қилиб, вояга етказган ҳурматли кашини тош тўқмоқ билан уриб ўлдирган жиноятчи жуда учига чиққан разил, аблаҳ экан. Ахир, эви биланда! Дин мансабдорини, айниқса у отанг қатори зот бўлса, тош тўқмоқдан бошқа дурустроқ қуроқ ишлатиш зарур. Борди-ю, Испанияга йўлингиз тушиб қолса, албатта буқалар жангини томоша қилардингиз-да, шундайми? Ҳозир ҳам худди ўша буқалар жангини томоша қилгани боряпсиз, деб фараз қилаверинг. Қадимий римликларнинг циркени, уч юз арслон ва юзлаб одамларни ўлдирган овларни хотирингизга келтиринг, қарсак чалиб ўтирган саксон минг томошабинни, келинчак-қизларини бошлаб келган ҳурматли матроналарни, «ҳой, ялқовлик қилмай анави махлуқнинг кунини калта қилиб қўя қолсангиз-чи, ўзиям чапа ўлик бўлиб қопти-ку, ахир!» – деб нозик бармоқчалари билан имо қилдиган оқбилак ойимчаларни эсланг.

– Альбер, сиз борасизми? – сўради Франц.

– Мен сиз сингари иккиланиб турган эдим, аммо графнинг сўзлари мени мафтун этди, энди албатта бораман.

– Агар сиз борар экансиз, мен ҳам бораман, – деди Франц, – фақат Пьяцца-дель-Пополога бораётиб, Корсога кириб ўтсак бўлармикин?

– Пиёда борсак бўлади, извош бормайди у ёққа.

– Мен пиёда ҳам боравераман.

– Сиз албатта Корсода бўлишингиз шартми?

– Шарт, мен у ерда баъзи нарсаларни кўришим керак.

– Майли, Корсога пиёда борамиз, извош виа-дель-Бабуино томондан бориб бизни Пьяцца-дель-Пополода кутиб туради, мен ҳам Корсога боришга қарши эмасман, бир йўла баъзи топшириқларим бажарилганми, йўқми, билиб олам.

– Жаноби олийлари, – деди эшикни очиб қарол, – ҳожи либосидаги бир одам сиз билан гаплашмоқчи, илтифотингизга мунтазир бўлиб турибди.

– Ҳа, биламан уни, – деди граф. – Жаноблар, меҳмонхонага кирасизларми? У ердаги столда аъло сифатли гаван сигарети бор... Бир зум ўтар-ўтмай қайтаман.

Йигитлар ўринларидан туриб эшиклардан биридан чиқиб кетишди, граф ҳам яна бир карра узр сўраб, иккинчи эшикдан чиқди. Ўткир сигаралар мухлиси Альбер стол ёнига борди-да, ростакам «пурос»ни кўриб, қувонганидан қичқириб юборди.

– Ҳўш, Альбер, – сўради Франц, – граф Монте-Кристо тўғрисида фикрингиз қанақа?

– Менинг фикримми? – деди жавобан Альбер жўрасининг бу саволидан таажжубланиб. – Меним фикримча граф меҳмондўст мезбон, жуда ёқимтой, дилкаш одам, кўпни кўрган, кўпни билган, кўп мулоҳазали, Брут сингари иродали, мард кишилар тоифасидан, боз устига, – деди у сигарадан шифт томонга ҳалқа-ҳалқа тутун чиқариб, – сигаралари ҳам жуда соз.

Граф тўғрисида Альбер ана шундай фикрда эди. У, мен бирор кишига ёки бирор нарсага яхшилаб ўйлаб, мулоҳаза қилгач баҳо бераман, деб ҳамиша мақтаниб юрарди, шунинг учун Франц унинг гапларига эътироз биддирмай қўя қолди.

– Бироқ сиз ғалати, ажиб бир вазиятга эътибор бердингизми? – сўради Франц.

– Қанақа вазиятга?

– У сизга тикилиб ўтирганини сездингизми?

– Менга-я?

– Ҳа, сизга.

Альбер уйлаб қолди.

– Э, бунда, – деди у хўрсиниб, – таажжубланадиган ҳеч нима йўқ. Париждан чиққанимга роса бир йил тўлди, кийимларим эскириб кетгандир, граф мени қишлоқилардан деб уйлаган бўлса керак, хонасига келганда ундай эмас, деб нотўғри фикридан қайтариб қўя қоласиз-да.

Франц жилмайиб кўйди. Бир зумдан сўнг граф қайтиб келди.

– Мана, жаноблар, энди мен бутунлайин сизнинг ихтиёрингиздаман, – деди у, – фармон берилди, извош ўз йўли билан тўғри Пьяцца-дель-Пополога бораверади, сиз билан биз ҳам сизга қулай экан, Корсо томондан борамиз. Жаноб де Морсер, сигарадан бир оз олинг.

– Раҳмат, граф, бажонидил, – деди Альбер. – Италиян сигаралари французларникидан паст бўлади, Парижга ўзлари ташриф буюрсалар, мен ҳам сизга бизнинг сигараларни олдингизга қўяман.

– Розиман, бирор кун Парижда бўлиш ниятим бор, рухсат этсалар, ҳузурингизда бўламан. Қани, жаноблар, турдик, вақт ўтиб боряпти, соат ўн икки яримга яқинлашиб қолди. Кетдик!

Учовлон пастга тушишди. Извошчи хўжайинидан охирги фармойишларни олди-да, виа-дель-Бабуино бўйлаб йўл олди, граф билан йигитлар эса виа-Фраттина бўйлаб Пьяцца-ди-Спанья томонга жўнашди. Бу кўча Фиано саройи билан Росполи саройи оралиғидан Корсога олиб чиқди.

Францнинг икки кўзи бу саройнинг деразаларида эди, Колизейда махфий равишда транстеверинлик билан плаш кийган киши шартлашган сигнални Франц унутмаган эди.

Франц ҳаяжонга тушаётганини сездирмасликка уриниб, графдан сўради:

– Деразалардан қайсиниси сизники?

– Охирги учтаси, – деди граф бепарволик билан. У саволнинг туб маъносини англамаган эди.

Франц деразаларни тез кўздан ўтказди. Бурчак томондагиларига сариқ кимхоб, ўртадагиларига қизил салб сура ти солинган оқ кимхоб тортилган эди.

Демак, плаш кийган зот сўзининг устидан чиқибди, ўша плаш кийган одам мана шу граф Монте-Кристонинг ўзи, бунда энди ҳеч қандай шубҳа бўлиши мумкин эмас.

Учала дераза ҳали бўш эди...

Ҳамма жойда карнавалга тайёргарлик қизиган, стуллар қўйишяпти, сахналар қуришяпти, деразаларни тайёрлашяпти. То қўнғироқ урилмагунча ниқоблар кўзга кўринмаслиги, извошлар қимир этмай туриши шарт, бироқ ниқоблар деразалар орқасида, извошлар эса дарвозалар ортида шайланиб турганини ҳамма биларди.

Франц, Альбер ва граф Корсо бўйлаб боришяпти. Улар Пьяцца-дель-Пополога яқинлашган сари оломон ғуж бўлаверди. Майдоннинг ўртасида оломон боши устида салб тутган ҳайкал, Бабунно, Корсо ва Ринетта кўчалари чорсисида иккита қатл устуни қад кўтарган. Улар ўртасида камон нусха гильотин пичоғи ялтираб турибди.

Муюлишда графнинг иш бошқарувчиси хўжайинини кутиб турарди.

Жуда қимматга тушган (граф буни меҳмонлардан сир тутишга қарор қилган эди) дераза улкан саройнинг учинчи қаватида, виа-дель-Бабуино билан Монте Пинчо ўртасида эди. Хона эса ётоққа туташ бўлиб, унинг ичига кириб олган киши ўзини гўё ўз уйида деб ҳис этарди. Стулларда масхарабознинг кўк ва оқ атласлардан тикилган кўркам кийим-бошлари осибди.

– Сиз кийимларни танлашни менга ҳавола қилган эдингиз, – деди граф иккала дўстига, – мана олдириб келдик. Аввало бу йил жуда расм бўлиб қолган кийимлар мана шулар, қолаверса, маскарад учун булар қулай.

Франц графнинг сўзларига унчалик қулоқ осмаган ва унинг илтифотига эҳтимол яхши эътибор қилмаган эди, унинг бутун диққат-эътибори Пьяцца-дель-Пополода бўладиган воқеага ва яна даҳшатли қурол гильотин пичоғида эди.

Бу разил қуролни Франц биринчи марта кўриши, буни биз гильотина деяпмиз, шунинг учунки, римнинг *mandaiasi* француз ажал қуролига жуда ўхшайди. Бу ўшанақа ярим ой нусха бўлиб, унча баландликдан тушмайди.

Айбдорни ўтқазадиган тахта устида қатлни кутиб ўтирган икки киши колбаса билан нон еб ўтирибди. Улардан

Бири тахтани кўтариб унинг тагидан вино тўла флягани  
олди-да, бир симириб ўртоғига узатди. Булар жаллоднинг  
қардамчилари эди.

Буларни кўриб, Францни қора тер босди.

Улимга ҳукм қилинганлар кеча Янги турмадан Санта-Ма-  
рия-дель-Пополо деган кичкина черковга келтирилган эди,  
тўни билан уларни кашишлар ўлимга тайёрлашди.

Черков эшиги билан жаллод кундаси ораллиғини, май-  
дон атрофини икки қатор карабинерлар, ўртада юз қадам-  
ча бўшлиқ қолдириб ўраб олишди. Майдоннинг қолган қис-  
мини оломон банд этди. Кўп хотинлар болаларини елкаси-  
га кўтариб олганди, улар оналарининг елкасидан жаллод  
кундасини бемалол кўришлари мумкин.

Монте Пинчо кенг амфитеатрга ўхшарди. Унинг ҳамма  
пиллапоялари лик тўла одам, виа-дель-Бабуино ва виа-ди  
Рипетта бурчакларидаги черковларнинг айвонлари юқори  
табақа аҳолиси билан банд, деворнинг ҳар бир дўнг жойи  
одам жойлашса бўладиган даражада кенг ва жонли ҳай-  
каллар учун супача ролини ўйнаши мумкин.

Графнинг сўзлари ҳақ бўлиб чиқяпти: ҳақиқатан қатл-  
дан ҳам завқли томоша бўлмаса керак.

Маросим тантанаси олдидан одоб сақлаб тинч туриш  
ўрнига оломон орасида шов-шув, кулги, қувонч сўзлари жа-  
рангларди. Афтидан бунда ҳам граф ҳақ бўлиб чиқди, оло-  
мон қатлни карнавалнинг бошланиши деб биларди.

Тўсатдан, гўё сеҳрли таёқ билан ишора қилгандек ҳамма  
жим бўлди, черков эшиклари очилди. Биринчи бўлиб кўз  
олди тешилган кўк қоп кийган зиёратчилар қўлларига шам-  
чироқ ушлаб чиқишди. Энг олдинда уларнинг бошлиғи. Зиё-  
ратчилар кетидан девдай эркак келяпти. Калта бўз ишто-  
нини ҳисобга олмаганда, у яланғоч эди. Чап биқинида қини-  
га солиғлиқ катта пичоқ, ўнг елкасида гурзи. Бу жаллод эди.  
Оёғида тўпиғига каноп билан боғлаб қўйилган шиппак.

Жаллод кетидан қатл қилиш навбатига қараб Пеппино  
билан Андреа келяпти.

Ҳар бирини икки кашиш кузатиб келмоқда.

Иккисининг кўзини боғлашмаган.

Пеппино дадил қадам ташларди, афтидан бўладиган во-  
қеадан уни хабардор этган эдилар.

Андреани эса кашишлар кўлтиқлаб келишяпти.

Ўлимга ҳукм этилганлар бод-бод лабларига тутилаётган бутларни ўпиб қўйишарди.

Уларни биринчи кўришдаёқ Францнинг кайфи учиб кетди, у Альберга қаради. Унинг рангида қони қолмаганди. Ярмини чекиб тугатмаган бўлса-да, у беихтиёр сигарасини улоқтирди.

Фақат граф пинагини бузмай ўтирарди. Унинг девор каби юзига ҳатто бир оз қон ҳам югурган.

Монте-Кристонинг бурун парраклари худди қон ҳиди сезаётган йиртқич ҳайвонники сингари керилди, қашқирники каби оппоқ ўткир тишлари иржайди.

Шуларга қарамай, чехрасида меҳр аломатлари кўриниб турарди, бундай ҳолни Франц илгари унда ҳеч сезмаганлиги боис кўзлари қувониб туриши Францни айниқса тааж-жубга солди.

Ўлимга ҳукм қилинганлар ажал кундасига тобора яқинлашиб боришяпти, энди уларнинг чехрасини баралла кўрса бўлади. Пеппино эндигина йигирма беш баҳорни кўрган, қорачадан келган гўзал йигит эди, унинг қарашлари беҳаё, дағал, бошини баланд кўтариб, гўё халоскорлар қай томондан келаркан, дегандек атрофга алангларди.

Андреа эса семиз, пакана, ғамгин чехрасидан ёшини аниқлаш қийин, ўттиз ёш берса бўлади. Турмада соқол қўйган эди. Бўйни эгилиб, елкаси ичига кириб кетган, оёқлари букилиб-букилиб боряпти, бутун вужуди ўз-ўзидан, беихтиёр ҳаракат қилаётгандай туюларди.

– Сиз, булардан фақат биттасининг калласини танидан жудо қилишади деган эдингиз, шекилли? – деди Франц графга.

– Мен ёлғон гапни айтганим йўқ сизга, -- деди совуқ оҳанида граф.

-- Бироқ икки айбдорни келтиряптилар-ку.

– Тўғри, аммо бирисининг ажали яқин, иккинчиси эса ҳали узоқ умр кўради.

– Агар иккинчиси афв қилинадиган бўлса, мана ҳозир эълон қилишлари керак.

– Худди айтганингиз келди, ана, қаранг, – деди граф.

Ростданам, Пеппино кунда тагига энди борган эди, бояги зиёратчи ҳеч тўхтамай, солдатлар тизими орасидан ўтиб уюшма бошлиғи олдига борди-да, тўрт букланган қоғоз узатди.

Пеппинонинг ёниб турган ўткир кўзлари бу манзарани майда-чуйдасигача кўриб турарди. Уюшма бошлиғи хатни очиб ўқиди ва кўлини кўтарди.

– Худо пошшо, унинг азиз папасига шон-шарафлар! – деди у баланд овоз билан дона-дона қилиб, – айбдорлардан бири афв этилди.

– Афв этилди! – хитоб қилди оломон бир овоздан. – Бири афв этилибди!

Андреа «афв этилибди» деган сўздан сесканиб кетди ва бошини кўтарди.

– Кимни афв этишибди? – қичқирди у.

Пеппино ҳарсиллаб турган жойида қотиб қолди.

– Рокка Приори лақабли Пеппинони афв этишди, – деди бошлиқ ва хатни карабинерлар бошлиғига тутқазди, у хатни ўқиб қайтариб берди.

– Пеппино афв этилибди! – қичқириб юборди Андреа ўзини босиб олиб. – Нега мени эмас, уни афв қилишади? Иккинчи қатл қилинишимиз керак эди; менга у сендан олдин ўлади деб ваъда беришган эди-ку. Бир ўзимни ўлдиришга ҳақимиз йўқ, бир ўзим ўлишни истамайман, истамайман!

У кавишлар кўлидан чиқиб кетаман деб ўзини ҳар томонга уриб дод-фарёд солди, ваҳимага тушиб бақирди, қўллари боғланган арқонни узаман, деб уринди.

Жаллод ёрдамчиларига имо қилди, ёрдамчилар кундан ирғиб туриб Андреани маҳкам тутиб олишди.

– Нима бўляпти у ерда? – сўради Франц графга мурожаат қилиб.

Ҳамма рим шевасида гапирганидан Франц нима бўлаётганини фаҳмлай олмаётган эди.

– Нима бўляпти у ерда дедингизми? – қайтарди саволни граф. – Фаҳмингиз етмаяптими нима бўлаётганига? Ҳозир ажал сиртмоғига тушадиган анави махлуқ иккинчи одам у билан бирга ўлдирилмагани учун галва кўтаряпти. Агар унга қўйиб беришса Пеппинони тирик қолдирмаслик учун тир-



ноқлари ва тишлари билан тилка-пора қилиб ташларди. Эҳ, бу одамлар, Карл Моор айтганидек, тимсоҳдан тарқалган одамлар! – хитоб қилди граф муштларини тўлаб. – Мен сизларни таниб турибман, ҳамма вақт ўзингизга ўзингиз содиқсиз, ҳа, ҳамма вақт содиқсиз!

Андреа ва жаллод ёрдамчилари чанг ерда уймаланишяпти. Андреа ҳамон «у ҳам ўлмоғи керак. Мен унинг ўлишини истайман! Якка ўзимни ўлдиришга ҳақингиз йўқ!» деб бақирарди.

– Унга қаранг, – деди граф йигитларни кўлларида тутиб. – Ростдан ҳам кўз узмай қарашга арзийдиган воқеа бўляпти. Ҳозиргина тақдирга тан бериб, қаршилиқ қилмай, арз-дод этмай кўрқоқларча ажал кундасига бош эгиб келаётган эди у. Шу дақиқагача қандай куч билан ўзини босиб келган эди у, биласизми? Нима тасалли бераётган эди унга? Биласизми, нега у ажал кундасига итоаткорона бўйин эгиб келаётган эди? Чунки иккинчи бир киши ҳам унга ўхшаб азоб чекаётган эди; чунки ана шу иккинчи киши ҳам ўлиши керак эди, ўлганда ҳам ундан олдин ўлиши керак эди! Икки кўйни бўғизлашга, ёки икки буқани сўйишга олиб боринг-да, бирига шериги тирик қолишини англашиб кўринг, кўй қувониб маърайди, буқа суюниб бўкиради. Одам-чи? Худонинг ўзи яратиб кўйган одам, яқинларига меҳрибон бўлиш сен учун энг биринчи, ягона олий қонун деб Тангрининг ўзи буюриб кўйган одам, ўз фикрини изҳор этиш учун тил ато этилган ана шу одам ўртоғи қутқарилажagini эшитиб қолса бақириб айтадиган биринчи сўзлари нима бўлади? Қарғиш, лаънат. Қойил! Табиат тожи, жониворлар шоҳи – одамга офарин-а!

Граф шундай деди-ю, даҳшатли қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди. Фақат беҳад дард-алам чеккан инсонгина шундай кулгига қодир бўлса керак.

Бу орада гильотина ёнида тўс-тўполон давом этаётган эди, бу манзарага тоқат қилиб қараб туриш асло мумкин эмас. Жаллоднинг ёрдамчилари Андреани кунда ёнига судраб боришяпти. Ҳамма уни балодай ёмон кўриб қолган эди. Шу сабабли йигирма минг овоз бирданига «Қатл этилсин, қатл этилсин у!» деб қичқирарди.

Франц ўзини шартта четга олган эди, бироқ граф уни яна қўлидан ушлаб дераза олдида тутиб турди.

– Нима бўлди сизга? – сўради у Францдан. – Унга ачин-  
япсизми? Раҳмингиз келяптими? Шундай одамга ҳам ачи-  
надими киши! Сиз мабодо деразангиз тагида қутурган ит  
югуриб юрганини билиб қолсангиз, дарҳол милтиқни олиб  
кўчага отилиб чиқардингиз-да, ҳеч ачиниб ўтирмай уни пе-  
шанасидан отиб ташлардингиз. У бечора эса бошқа ит тиш-  
лагани учун қутурган эди. Айби шу эди, холос, бу ерда сиз  
ҳеч кимдан озор чекмаган ҳолда ўз раҳнамосини беваж  
ўлдирган махлуққа ачиниб, раҳмингиз келяпти. Мана ҳозир  
унинг қўллари боғлиқ, ҳеч кимни ўлдиролмайди, лекин  
қамоқда бирга бўлган, бирга бахтсизликка учраган ўртоғи-  
нинг ҳам ўлдирилишини фарёд уриб талаб қиляпти! Ана,  
унга қаранг! Қаранг!

Графнинг бу талабига ҳожат қолмаган эди: Франц даҳ-  
шатли манзарадан кўзини узолмай қолганди. Жаллоднинг  
ёрдамчилари айбдорни кундага судраб чиқаришди, дод-  
фарёдига, тишлашларига қарамай тиз чўктиришди. Жал-  
лод чўқморни тахт тутиб ён томонига ўтди, имо қилиб  
ёрдамчиларини нари жўнатди. Айбдор қаддини кўтармоқ-  
чи бўлган эди, улгуролмади. Жаллод чўқмор билан чап чак-  
касига тарсиллатиб солди. Андреа худди буқа каби мукка-  
сидан йиқилди, сўнг чалқанча тушиб олди. Шундан сўнг  
жаллод чўқморни ташлади ва пичоқни олиб кекирдагини  
шарт кесиб ташлади-да, қорнига чиқиб олиб, оёқлари би-  
лан боса бошлади. Ҳар босганида айбдорнинг бўйнидан  
қон отилиб чиқарди.

Франц тоқат қилолмади, югуриб уйнинг тўрига ўтди-ю,  
хушидан кетиб, курсига гуп этиб йиқилди.

Альбер эса кўзларини қисиб дарпардага ёпишиб олди.

Граф тантана қилаётган ёвузлик генийси сингари бо-  
шини баланд кўтариб гердайиб турарди.

## **XV. РИМДА КАРНАВАЛ**

Франц хушига келганда, ранги девордек оқариб кетган  
Альбер сув ичаётган эди, граф эса масхарабоз либосини  
кияётган эди. Франц беихтиёр майдонга қаради: каллани  
танадан жудо этадиган машина ҳам, жаллод ҳам, қатл этил-  
ган шахс ҳам – ҳаммаси гумдон бўлганди. Фақат ҳаяжонга

тўлган оломонгина ҳамон шов-шув солиб турарди. Папанинг ўлимини-ю, карнавал очилганини эълон қилиш учунгина чалинадиган Монте Читорио қўнғироғи ҳамма ёқни бошига кўтариб жаранглапти.

– Нима бўляпти? – сўради Франц графдан.

– Ҳеч нарса бўлаётгани йўқ, кўриб турибсиз-ку ўзингиз, ҳеч гап йўқ, – деди граф. – Карнавал, холос. Тезроқ кийининг.

– Тавба, – деди Франц, – фожиа худди туш каби ўтдикетди.

– Кўз олдингиздан ўтган даҳшатли воқеалар чиндан ҳам фақат туш эди.

– Мен учун туш эди, бу тўғри, аммо қатл қилинган киши учун-чи?

– Унинг учун ҳам туш, фарқи шуки, у абадий уйқуга кўз юмди, сиз эса уйғондингиз, иккингиздан қайсингиз бахтли эканингизни ким билсин?

– Пеппино қани? – сўради Франц, – унга нима бўлди?

– Пеппино одобли, мулоҳазали, камтарин йигит, уни унутиб қўйганларидан ўпкалаб ўтириш у ёқда турсин, бундан фойдаланди-да, оломон ичига шўнғиди, кетди, уни жаллод кундасига кузатиб келган муҳтарам зиёратчиларга миннатдорчилик билдиришни ҳам унутиб қўйиб, ғойиб бўлди. Одам ҳақиқатан ҳам ҳайвонга ўхшаш ношукр ва худбин бўлади-да... Қани, кийининг тез, жўрангиз аллақачон кийиниб олди.

Ростдан ҳам Альбер қора чолвори устидан атлас чалвор ва амиркон кавуш кийиб олганди.

– Хўш, Альбер, – деди Франц, – фақат тўғриси айтинг, масхарабозлик қилишни истайсизми, йўқми?

– Йўқ, истамаймиз, – деди Альбер, – бироқ бу манзарани кўришга муяссар бўлганимдан мамнунман. Мен графнинг фикрига қўшиламан: бир гал бундай даҳшатли манзарага чидаб қараб туришга куч етган экан, демак, унинг таъсир кучи ягона ва беқиёс экан-да.

– Бунинг устига одамлар ҳам мана шундай пайтларда синалади, – деди граф. – Ажал кундасининг биринчи зинапоясида ўлим киши юзини умрбод тўсиб келган ниқобни йиртиб ташлайди, ана шунда унинг ҳақиқий башараси кўринади. Иқрор бўлмоқ керакки, Андреанинг башарасида жози-

бадор ҳеч нарса йўқ эди... Қандай аблаҳ экан у махлуқ!..  
Қани, жаноблар, кийининг!

Франц ялинтириб ўтирмай, ҳамроҳлари кетидан кийинди ва ниқоб тақди.

Сўнг пастга тушишди. Эшик олдида ранго-ранг қоғоз пистонлар ва гулдасталарга тўла извош кутиб турарди.

Улар извошлар қаторидан ўз ўрнини эгаллаб олишди.

Ҳамма нарса бирдан ўзгариб кетди. Пьяцца-дель-Пополодаги мудҳиш қатл манзараси бир зумда ғойиб бўлди-ю, унинг ўрнига ҳамма ёқни шодиёна кулги, қийқириқлар қоплаб олди. Эшиклар ва деразалардан турли хил ниқоб кийган карнавалчилар ёпирила бошлади, ҳамма кўчалардан масхарабозлар, рўдаполар, нозанин ойимчалар, рицарлар ва қишлоқча кийинганларга лик тўла извошлар гуриллаб чиқа бошлади, ҳамма қичқириб ер-кўкни ларзага солар, минглаб қўллар осмонга кўтарилиб силкинар, бир-бирига тухум, ранго-ранг қоғоз парчалари ирғитишар, танишминотанишми, қариндошми-ётми фарқ қилмай бир-бирига пахтавон ўқ отишар ва ҳазил-мазах гап ташлаб кулишарди. Ҳеч ким буни жичча ҳам кўнглига олмас, аксинча, завқ билан кулиб, шод бўларди.

Франц билан Альбер худди кўнгилни очиш учун қаҳвахонага келтирилган ва кайфи ошган сари кўзига ўтмиш қопқора булутлар ичига кириб кетаётгандек сезилаётган кишиларга ўхшарди. Ҳозиргина юз берган мудҳиш воқеа ҳали уларнинг кўз ўнгидан нари кетганича йўқ, аммо шодиёна уларни ҳам аста-секин ўз гирдобига тортарди, боши айланиб, кўзи тинар, қийқириб ҳамма ёқни бошига кўтараётган оломон денгизга шўнғиб кетгиси келарди иккисининг. Қўшни извошдан Марселга отилган бир сиқим қоғоз тангачалар Альбер ва йўлдошлари устига сочилиб тушди. Альбернинг бўйнига, юзининг ниқоб бекитмаган жойига худди игналар санчилгандек бўлди, бу уни умумий «ур-ур»га қатнашишга мажбур этди, ҳамма сингари у ҳам извошда тик туриб олди-да, бор кучи ва ҳунарини ишлатиб қўшинлар устига тухум ва майда конфетлар ёғдира бошлади.

Кескин жанг бошланди. Ярим соат илгариги мудҳиш манзара икки дўстнинг хотиридан батамом кўтарилди. Улар кўз олдидаги ранго-ранг манзара иккисини буткул мафтун

этиб олди. Граф Монте-Кристога келганда, ҳали айтганимиздек, қатнининг бошидан охиригача пинагини бузмай ўтирди.

Ҳамма қаватлардаги айвонларга гиламлар осилган. Барча деразаларига қимматбаҳо парда тутилган дабдабали саройлар бошидан охиригача ўраб олган гўзал Корсо кўчасини кўз олдингизга келтиринг. Айвонлар ва деразаларда уч юз минг томошабин: римликлар, италянлар, оқсуякларнинг барча хилларидан топилади бу ерда, жозибадор томошага мафтун бўлган нозанин хотинлар қаватлардаги айвонлардан энгашиб, деразалардан бошини чиқариб, ўтиб бораётганлар устига конфетлар ёғдиришса, пастдагилар уларга гулдасталар отишади. Ҳавони юқоридан тушаётган майда-майда ялтироқ конфетлар, пастдан отилаётган гуллар қоплаб олган, йўлкаларда турли хил бачкана кийинган тумонат одам: бириси улкан карамга ўхшайди, иккинчиси ҳўкиз калласини кийиб бўкириб юрибди, бири ит бўлиб орқадаги икки оёқда ирғиб, шу тўс-тўполон ичида гўзал паризоднинг ўн тўрт кунлик ойдек жамоли ялт этиб кўринади-ю, унга қараб жонингнинг борича отиласан, бироқ аллақандай шайтонлар лапанглаб келиб йўлингни шартта тўсиб қўяди-да, таъбингни хира қилади. Мана шуларнинг ҳаммасини бир зум кўз олдингизга келтирсангиз, Рим карнавали ҳақида бир оз тасаввур олган бўласиз.

Улар Корсо кўчасини бошдан-оёқ икки марта сайр этиб чиққач, граф извошларининг тўхтаб қолганидан фойдаланиб, йўлдошларига менга рухсат беринглар, извошни сизларнинг ихтиёрингизга қолдираман, деди. Франц бошини кўтариб қаради, рўпарада Росполи саройи қад кўтариб турарди. Ўртадаги қизил салб сурати солинган оқ пардали деразадан кўм-кўк ниқоб кийган одам кўринди. Франц бу ниқоб ичида ўша Аржентина театрида кўрган нотаниш жоннон ноз-карашма қилиб турганини фаҳмлади.

– Жаноблар, – деди граф извошдан чиқаётиб, – аргентиналик жонингизга тегиб, томошабин бўлишни истаб қолганингизда деразам олдида икки жой сизга мунтазир бўлиб турганини унутманг, унгача менинг извошчим, извошим ва хизматкорларим сизнинг измингизда бўлишади.

Извошчи нақ «Айиқ ва Маша»даги Одри сингари қора айиқ бўлиб олганини, извошнинг орқасидаги тахтага чиқиб олган қоралар эса зангори маймун тусига кириб олганини айтиб қўйиш ёдимиздан кўтарилган экан. Уларнинг ниқоби ўзгарувчан бўлиб, дуч келганларга найранг кўрсатишарди.

Франц муруввати учун графга миннатдорчилик билдирди. Альбер эса қўшни фэйтонда ноз карашма қилиб ўтирган қишлоқ ойимчаларига гул отиш билан банд эди.

Бахтга қарши извошлар карвони яна жойидан қўзғалиб, Пьяцца-дель-Пополо томонга йўл олди. Альберни мафтун этган фэйтон эса Венеция саройи томон жўнади.

– Сиз кўрдингизми? – сўради Альбер Францдан.

– Нимани? – сўради Франц.

– Ҳу анави қишлоқи қизлар ўтирган фэйтонни?

– Йўқ.

– Аттанг! Аминманки, улар жуда нозанин ойимчалар.

– Бахтга қарши ниқобдасиз-да, – деди Франц, – бўлма-са, шунча вақт ишқ бобида чикка бўлиб келган ошиғингиз олчи бўладиган пайт келган экан-а!

– Карнавал албатта менга бирор нарса туҳфа қилар, деган умидданман, – деди Альбер ярим ҳазил, ярим чин қилиб.

Альбернинг орзуси ушалмади, кун бирор ҳодисасиз ўтиб кетди, ҳалиги фэйтон бир неча бор дуч келганини айтмаса, айтарли ҳеч гап бўлмади. Учрашувлардан бирида, ўз-ўзиданми ёки жўрттагами, Альбернинг ниқоби ечи-либ тушди.

Шунда Альбер қолган ҳамма гулларни тутамлаб олди-да, фэйтонга улоқтирди.

Афтидан Альбернинг қарашлари башанг кийинган қишлоқ аёлларидан бирининг жигаридан урган эди. Фэйтон йигитлар извошига яна ёнма-ён келганда ўша аёл жўраларга бир даста бинафша ирғитди. Бу гул ўзига эмаслигини билган Франц уни Альбер олишига асло қаршилиқ кўрсатмади. Альбер эса бинафшани кўксига тақиб олди-да, ҳаммага кўз-кўз қилиб жўнади.

– Мана, ошиқ-маъшуқлик саргузашти ҳам бошланди! – деди Франц.

– Мазах қилиб кулаверинг, – деб жавоб қилди Альбер, – бироқ бу ошиқлик рост, бу гулдастани асло ташламай тақиб юравераман.

– Албатта! – давом этди кулгисини тўхтатмай Франц. – Бусиз бир-бирингизни таний олармидингиз? Ростдан ҳам ҳазил чинга айланаётганга ўхшаб қолди. Франц билан Альбер ўша файтонга яна дуч келишганда, гулдастани йигитнинг кўксига кўрган аёл қарсак чалиб юборди.

– Офарин, офарин! – деди Франц, – ҳамма иш ўнғидан келяпти! Эҳтимол, сиз якка ўзингиз қолишни истарсиз!

– Йўқ, йўқ, шошилмайлик! У мени «гаҳ» деса қўлга қўнадиган экан, деб ўйламасин. Бу қишлоқи жонон ўйинни давом эттириш ниятида бўлса, биз уни, тўғрироғи, у бизни эртага топиб олади, ўзини ошкора этади, ана ўшанда ўзим биламан нима қилишни.

– Қойил, Альбер, қойил! Нестордек оқил ва Улиссдек идроклисиз. Мабодо Цирцеянгиз сеҳр ишлатиб сизни бирор ҳайвонга айлантириб қўйса, уни жуда моҳир сеҳргар ёки куч-қувватда тенги йўқ деб билиш керак.

Альбер ҳақ бўлиб чиқди: афтидан қишлоқ маликаси бугунги ўйинни бас этишга қарор қилди. Йигитлар яна бир неча бор айланишди, аммо қишлоқи аёллар файтони учрамади, у ёнбошдаги кўчалардан бирига бурилиб жўнаган бўлса керак.

Улар Росполи саройига қайтганда, у ерда граф ҳам, зангори кийимдаги одам ҳам гумдон бўлган эди: сариқ кимхоб дарпардали дераза олдида граф таклиф этган томошабинлар турарди, холос.

Шу пайт карнавалнинг бошланишида чалинган кўнғироқ яна жаранглаб карнавалнинг тугаганини хабар қилди. Корсодаги извошлар дарҳол тарқалиб, тўрт томондаги кўчаларда ғойиб бўлди.

Франц билан Альбер виаделле-Мараттенинг нақ рўпарасида туришган эди.

Извошчи чурқ этмай муюлишга бурилиб Поли саройи олдидан ўтди-да, Пьяцца-ди-Спанья кўчаси бўйлаб тўғри меҳмонхонага йўл олди.

Маэстро Пастрини меҳмонларни остонага чиқиб кутиб олди.

Франц даставвал вақтида етиб келолмагани учун уз сўрамоқчи бўлиб графни ахтарди. Бироқ Пастрини, граф Монте-Кристо ўзига бошқа извош буюртириб келтирганини айтиб, «Жаноблари ташвишланмасинлар, – деди. – Бунинг устига граф Аржентина театридаги ложасининг калитини ҳам сизларга қолдириб кетди».

Франц, кечқурунги режаларингиз қанақа деб сўради жўрасидан. Альбернинг хаёли тамом бошқа ёқда эди, шунинг учун Францга жавоб қилиш ўрнига маэстро Пастринидан, тикувчи чақириб беришни илтимос қилди.

– Тикувчи? – сўради хўжайин. – Нечун?

– Эртагача бизга қишлоқча кийимлар тикиб берса, – деди Альбер.

Маэстро Пастрини бош чайқади-да:

– Эртагача икки костюм тикиб бўлармишми? – деб хитоб қилди. – Қўнглингизга олманг, очиқ айтишим керак: бу чиндан ҳам французча истак. Икки костюм-а! Ҳар биттасига бир скудодан тўлаганда ҳам олтита тугма қадаб бериш учун карнавал кунлари бир ҳафта ахтариб бирорта тикувчи топа олармикинсиз?

– Демак, бунақа костюмларни топиш амри маҳол денг?

– Нега топилмасин? Тайёрини топса бўлади. Буни менга ҳавола қилинг, эртага саҳармардонда бир эмас, бир нечта шляпа, камзул ва чалвор тахт бўлиб туради. Ташвишланманг, жуда бопларини келтирамиз.

– Дўстим, – деди Франц Альберга – Хўжайинга топширамиз бу ишни, топағон эканини бир карра у бизга кўрсатган эди. Ҳозир овқат қилиб олайлик, сўнг театрга бориб «Италиялик қиз Жазоирда» операсини томоша қиламиз.

– Бўпти, театрга борганимиз бўлсин, – деди Альбер. – Бироқ, маэстро Пастрини, унутмангки, биз учун энг муҳими, эртага ўша костюмларнинг муҳайё бўлиши.

Хўжайин яна тақрорлаб, ташвишланмасинлар, истакларингиз бажо этилади, деди, шундан сўнггина Франц билан Альбер устаридаги масхарабозлар кийимини ечиб ташлаш учун ўз хоналарига кириб кетишди.

Альбер бояги гулдастани эҳтнёт қилиб яшириб қўйди, мана шу гул орқалигина қишлоқ нозанини уни таниб олиши мумкин эди.



Дўстлар дастурхонга ўтиришди. Альбер Маэстро Пастрини ошхонасининг овқати билан граф Монте-Кристо дастурхонидаги овқатларни таққослаб кўрди, графни унчалик хуш кўрмаётган Франц ҳам меҳмонхона хўжайинининг овқатлари графникидан анча паст эканини инкор қилолмасди.

Ичимлик келтирган қарол, извош қачон келсин, деб суради. Альбер ва Франц иккиланиб бир-бирига қараб олди. Қарол улар нимани ўйлаётганини англаб деди:

– Жаноби олийлари, граф Монте-Кристо, извошни куни бўйи сизнинг ихтиёрингизга берилишини буюрдилар. Зоти шарифлари ҳеч тортинмай извошга хўжайинлик қилишлари мумкин.

Йигитлар кийиниб театрга боришди-да, граф ложасини эгаллаб олишди.

Биринчи парда бошлангач, ўз ложасига графиня Г. кириб келди-да, дарров кеча граф ўтирган ложага қаради. Унда Франц билан Альбер ўтирибди, графиня Г. кеча Францга роса даҳшатли гаплар билан таърифлаган кишининг ложасида икки жўранинг ўтирганини кўриб ҳайратда қолди.

Графинянинг дурбини Францга тўғриланганини кўриб, йигитлар ойимчанинг кўнглини тинчйтишга аҳд қилишди, шу сабабли томошабинларга зални ўз уйидек қилиб олишга ҳуқуқ бериб қўйган Италия театрларининг имтиёзларидан фойдаланиб, иккала оғайни ложадан чиқиб графиня Г. ложасига йўл олишди.

Улар ложага кириши билан графиня энг фахрли жойга Францни ўтказди.

Альбер орқадаги стулга ўтирди.

– Демак, – деди графиня Францга у ўтириб улгурмай, – вақтни ўтказмай дарров янгидан пайдо бўлиб қолган Лорд Рутвен билан танишибгина эмас, ҳатто яқин оғайни бўлиб олибсиз-да?

– Унчалик яқин бўлмаса-да, ҳар ҳолда танишиб олдик, графиня, – жавоб қилди Франц, – аммо ростини айтсам, куни бўйи унинг меҳр-илтифотидан фойдаланиб, кўп маза қилдик.

– Кун бўйи дедингизми?

- Ҳа, бутун кун бўйи, эрталаб нонуштани уникида қилдик, кундузи унинг извошида Корсо бўйлаб роса сайр этдик, мана энди, кечқурун унинг ложасида ўтирибмиз.
- Сиз уни танийсизми?
- Ҳа десам ҳам бўлади, йўқ десам ҳам.
- Қандай қилиб?
- Бунинг тарихи жуда узун.
- Менга айтиб берасизми уни?
- Ваҳимага солиб қўяди-да, сизни.
- Майли, яхши бўлади.
- Жумбоқ ечилгунча сабр қилинг.
- Бўпти, ўзим ҳам ниҳоясига етган ҳикояни ёқтираман. Бироқ сиз бошдан-оёқ ҳаммасини, қандай, қаерда учрашганингизни, сизга уни ким таништирганини айтиб берасиз-да?
- Ҳеч ким таништиргани йўқ, Ўзи биз билан танишди.
- Қачон?
- Кеча кечқурун сиз билан хайрлашганимиздан кейин.
- Қандай қилиб?
- Биз турган меҳмонхона хўжайини орқали.
- Уям «Лондон» меҳмонхонасида тураркан-да?
- Ҳа, ўша меҳмонхонада, ҳатто биз билан бир майдончада.
- Номи нима экан? Сиз билсангиз керак унинг номини?
- Албатта биламиз. Граф Монте-Кристо.
- Бу қанақаси? Бу уруғдошлар исми эмас.
- Тўғри, уруғдошлар номи эмас, ўзи сотиб олган оролинг номи.
- У графми?
- Тоскан графи.
- Бўпти, бунисини ҳам кўрармиз, – деди қадимий венеция авлодларидан бирига мансуб графиня. – Қанақа одам ўзи?
- Буни виконт де Морсердан сўрайсиз.
- Эшитдингизми, виконт, – деди графиня, – менинг саволимга сиз жавоб бераркансиз.
- Унинг жуда ажойиб, дилбар одам эканини тан олишимиз керак, акс ҳолда бизни ўта инжиқлар, айбситувчилар қаторига қўшиб қўйишлари мумкин. Ўн йиллар мобайнида

қил ўтмайдиган даражада дўст бўлиб келган киши ҳам бизга граф қилган марҳамат-иззати, ҳимматининг ўндан бирини қилмасди! Бу ишларни у қанчалик меҳрибонлик, назокат, диққат-эътибор билан қилганидан бу одамнинг чиндан ҳам оқсуяклар зотидан эканига ҳеч шубҳа қилмаса бўлади.

– Мени айтди дейсиз, менинг бу қонхўрим, – деди графиня кулиб, – миллионларим мени бадном қилмаса бўлди деб юрган бир лўттибоз бўлса керак. Шу сабабли адашиб Ротшильд деб юрмасинлар мени деб Ларага ўхшашга уриниб юрибди. Сиз ойимчасини кўрдингизми?

– Қанақа ойимчасини? – сўради Франц жилмайиб.

– Кечаги гўзал грек аёлини?

– Йўқ. Биз овозини сал-пал эшитгандек бўлдигу, аммо жамолини кўролмадик.

– Азизим Франц, – деди Альбер, – кўйинг, гапни сир-синоатга айланторманг. Оқ дарпардали дераза олдида ўтирган кўк либосли рўдапо ким эди сизнинг-ча?

– Бу дераза қаерда эди? – сўради графиня.

– Росполи саройида.

– Росполи саройида графнинг деразаси бормиди ҳали?

– Ҳа. Сиз ҳам Корсога борганмидингиз?

– Албатта, борган эдим.

– Демак, иккитасига сариқ дарпарда, учинчисига қизил салб суратли оқ кимхоб дарпарда тортилган деразаларга, эҳтимол, кўзингиз тушгандир? Ана шу учала дераза графники.

– Ундай бўлса, у ҳақиқий бадавлат одам экан-да! Корсонинг энг қулай, гўзал ерига жойлашган Росополи саройининг уч деразаси карнавал вақтида неча пул туришини биласизми?

– Икки ёки уч юз рим скудоси.

– Йўқ, икки ё уч минг скудо деяверинг.

– Оббо, шунақами!

– Унинг бу ороли шунчалик катта даромад келтираркан-да?

– Унинг ороли? Бир чақа ҳам фойда келтирмайди.

– Бўлмаса, нега сотиб олибди?

– Олифта, тантиқ одам-да, ҳаммага «кўз-кўз» қилиш учун бўлса керак.

– Демак, у ўзига хос, бошқача нусха экан-да?

– Очигини айтсам, – деди Альбер, – унинг хатти-ҳаракатлари, қилиқлари менга жуда ғалати кўринди. Агарда у Парижда бўлиб, аристократлар орасида кўриниб қолгудек бўлса, мен уни ё комедия ўйнаётган масхарабоз ёки адабиёт чалғитган фирибгар, дердим. У бугун Дидье ёки Антони<sup>27</sup> дан қолишмайдиган монолог айтди.

Ложага янги меҳмон кирди. Франц одоб қоидаларига риоя қилиб, ўрнини янги меҳмонга бўшатиб берди. Суҳбат, табиий равишда, бошқа томонга бурилиб кетди.

Бир соатдан сўнг дўстлар меҳмонхонага қайтишди. Маэстро Пастрини костюм буюрганини айтди ва ҳеч шубҳасиз кўнглингиздагидек костюм келтиришади, деб инонтирди.

Ростдан ҳам эртаси куни соат роппа-роса ўнда у Франц хонасига Рим қишлоқларининг кийимларини кўтарган тикувчи билан кириб келди. Жўралар қадди-қоматига анча боп бир хилда кийим-бош танлаб олишди ва ҳар бир шляпага йигирма метрдан тасма тикиб қўйишни ва иккита олачипор шарф топишни буюришди. Бундай шарфларни байрам кунлари деҳқонлар белларига боғлаб олишади.

Альбер янги либос ўтиришдими ёки йўқми, тезроқ билишга интилди. Карнавал либоси кўк духоба камзулча ва чалвордан, гулдор пайпоқ, попукли ковуш ва шойи нимчадан иборат эди. Бу ранго-ранг либосда Альбернинг ташқи қиёфаси жудаям жозибадор бўлиб кетиши турган гап эди, у белбоғини маҳкамроқ тортиб, тасмалари осиглиқ шляпасини чаккасига қўйганда Франц, айрим халқларгагина мансуб деб юрганимиз қомати расолик аксари вақт кийимга ҳам боғлиқ экан, деган фикрни дилидан ўтказиб қўйди. Масалан, турклар бир вақтлар ярқироқ рангдор узун чопонларида жуда гўзал, башанг кўринардилар, эндиликда бўйиндан то этаккача тугмалаб кийиладиган узун, тор кўк камзул ва грек фескасини кийиб қизил сўрғичли вино шишасига ўхшаб юришибди.

---

<sup>27</sup> Дидье – В.Гюгонинг «Мария де Лорм» драмасидаги қаҳрамон (1931), Антони – А.Дюманинг шу номдаги драмаси қаҳрамони (1931).

Ўзини тош ойнага солиб маҳлиё бўлиб турган Альберга Франц бир нечта мақтов сўзлари айтди.

Граф Монте-Кристо кириб келганда, жўралар кийим танлаш билан банд эди.

– Жаноблар, – деди граф, – вақтичоғ дамларни дўстлар билан бирга ўтказиш ёқимли, албатта, аммо якка ўзинг бўлсанг, тағин яхши, шу важдан мен сизга бир нарсани айтиб қўяй деб келдим: бугун ҳам ва бундан кейинги кунларда ҳам извошни буткул сизнинг ихтиёрингизга топширдим. Хўжайинимиз уч ёки тўрт извошни банд қилиб қўйганимни айтгандир сизга, демак менга жичча ҳам халақит бермайсиз, извошдан кўнгил очишда ҳам, ишда ҳам хоҳлаганча фойдаланаверинг, мабодо мени кўриш эҳтиёжи туғилиб қолса, Росполи саройидан топасиз.

Йигитлар дастлаб «Йўғ-э, қандай бўларкин» деб туришдию, бироқ рад этишга ҳеч важ тополмай, қаймоқдай ёқиб турган таклифни қабул қилиб қўя қолишди.

Граф Монте-Кристо йигитлар билан чорак соатча у ёқбу ёқдан гаплашиб ўтирди. Бу зот ҳамма халқлар адабиёти билан таниш эканини айтган эдик. Унинг меҳмонхонаси деворларига бир қарагандаёқ Альбер билан Франц графнинг расмларга ишқибоз эканини билган эдилар. Фавқулодда ҳолларда айтилган бир неча сўзлари графнинг фан оламидан ҳам четда эмаслигини тасдиқлаб берган эди. Афтидан, у кимёга кўпроқ қизиқарди.

Йигитлар графнинг илтифотларига жавобан илтифот кўрсатайлик деб унча уринмадилар, чунки Монте-Кристининг дабдабали лазиз таомлари олдида маэстро Пастринининг бемаза овқатлари кўнгилни хуш қилолмас, иштаҳани бўғишдан бошқага ярамасди, шунинг учун графга бу овқатни таклиф этиш ножўя бўлур эди. Улар буни графнинг ўзига очик айтишди, граф буни маъқул кўрди.

Графнинг одатларидан, хатти-ҳаракатларидан Альбер завқланарди, бунчалик билимдон бўлмаганида, ҳақиқий жентельменлар қаторига қўшиб қўйган бўларди уни Альбер. Альбер кўпроқ извош ихтиёрига ўтганидан шод эди. Бу нозанин қишлоқилари олдида кўз-кўз қиладиган извошлардан, кеча улар юрган ҳашаматли фойтондан ҳеч қолишмаслиги керак бу извош.

Соат бир яримда йигитлар ташқи зинапояга чиқишди. Извошчи ва қарол илгариги ҳайвон териси устига малайлар либосини кийиб олишган эди. Натижада кечагидан баттарроқ масхарабоз бўлиб олиб, Альбер билан Францнинг мақтовига сазовор бўлишди.

Альбернинг кўксидаги бинафша сўлиб қолган эди.

Биринчи қўнғироқ овози эшитилиши билан йигитлар виа-Виттори кўчасидан Корсога жўнашди.

Иккинчи айланишда уларнинг извошига ҳозиргина узилган бир даста бинафша келиб тушди. Гулдастани қўшни извошда масхарабозлар кийимини кийиб олган аёллар ирғитган эди. Альбер кечаги қишлоқилар ҳам кийимларини алмаштириб, уларга ўхшаб масхарабоз бўлиб олганини кўриб таажжубланди.

У эски бинафшани ташлади-да, янгисини қўлида тутиб турди ва ҳалиги файтон ёндош келганда лабларига теккизиб қўйди. Бу, афтидан, гул ташлаган аёлгагина эмас, шўх соҳибжамол дугоналарининг ҳаммасига жуда ёқиб тушди.

Корсо кўчасида шавқ-завқ, қийқириқ, шовқин-сурон кечагидан кам эмасди. Синчков, зеҳнли киши бугун кўча кечагидан кучлироқ жонланиб кетганини сезиб оларди. Граф ўз деразасидан бир зум кўринди, аммо извош иккинчи гал ўтганда, кўздан ғойиб бўлди.

Альбер билан бинафша отган ойимча ўртасидаги ҳазил-мазах кун бўйи давом этди.

Кечқурун қайтиб келгач, Франц ваколатхонадан хат олди. Унда ҳазрат эртага уни ўз ҳузурида бўлишга мушарраф этганини айтишган эди. У Римда бўлганда ҳар гал олий ҳазрат қабул қилишини сўрарди, ҳар сафаргидек бу гал ҳам одоб ва миннатдорчилик юзасидан христианлар оламининг пойтахтини азиз даргоҳ остонасини тавоф қилмай кетишни истамади Франц.

Шу сабабли эртанги карнавалда Францнинг қатнашуви тўғрисида гап бўлиши ҳам мумкин эмас. Чунки ҳазрат қанчалик олийҳиммат, раҳм-шафқатли, хушфеъл бўлмасин, у зоти шарифнинг ҳузурида бўладиган ҳар қандай киши Григорий XVI номли олижаноб оёғи остида икки букилиб таъзим этишга титроқ босмай тайёрланмайди.

Ватикандан чиқиб Франц Корсони четлаб ўтди-да, тўғри меҳмонхонага келди. У илоҳий фикр-зикрлар билан бутунлай банд бўлиб, карнавалда буларни булғаб қўймайин тағин, деб кўрқарди.

Соат бешдан ўн дақиқа ўтганда Альбер қайтди. У ўзида йўқ шод эди. Унинг бояги ойимчаси яна қишлоқи аёл либосида келиб, юзидаги ниқобини очиб, хусни-жамолини намоён қилибди.

У ниҳоятда соҳибжамол экан.

Франц Альберни самимий табриклади, Альбер эса дўстига раҳмат айтди. Альбер, баъзи қилиқларидан у оқсуяклар табақасига мансуб жононга ўхшайди, деб хулоса чиқарди.

Альбер эртага унга албатта хат ёзишга аҳд қилди.

Дўстининг бу сўзларини эшитиб турган Франц ҳамроҳи ундан бирор нарса тўғрисида илтимос қилмоқчи-ю, бироқ ийманиб турганини сизди, сўраб-суриштира бошлади, унинг бахти йўлида ўтга ҳам, сувга ҳам ўзини ташлашга тайёр эканини айтди. Альбер одоб юзасидан бирпас индамай турди-да, сўнг эртага извошни якка ўзимга берсангиз, шунда жуда катта ёрдам қилган бўлардингиз, деди.

Альбер, мен якка ўзим бўлганим учун қишлоқи жонон ниқобини кўтариб, жамолини кўрсатди, деб ўйлади. Франц Альбернинг иши ўнгидан келиб турган бир пайтда унга халақит берадиган худбин нусхалардан эмас эди. У енгилтак дўстининг ҳаёсиз эзмалигини жуда яхши билар ва ойимча билан бўладиган ошиқ-маъшуқлик ҳангомаларини оқизмай-томизмай айтиб беражасига асло шубҳаланмасди. Францнинг ўзи эса уч йил Италияни бошидан-оёқ санғиб чиқиб, бирорта ойимча билан ишқий алоқа боғлашга муяссар бўлмади, шу сабабли бу алоқалар қандай бўлишини билишга қизиқарди.

У Альберга, менга карнавални Росполи деразасида ўтириб томоша қилишнинг ўзи етади, деди.

Франц сўзининг устидан чиқди ва эртаси куни дераздан Альбернинг Корсо кўчасида извошни физиллатганча у ёқдан-бу ёққа юрганини томоша қилиб ўтирди. Унинг кўлида катта гулдаста, ичида ошиқлик хати бўлса керак, деб ўйлади Франц. Сўнграқ гулдастани соҳибжамол ойимчанинг кўлида кўриб, бояги тахмини тўғри чиққанига иқроор бўлди.

Альбер меҳмонхонага ўзида йўқ шод қайтди. Жонон худди шундай қилиб жавоб қайтаражагига унинг имони комил эди. Франц дўстининг истакларини бажо келтириб, тўстўполонлардан жуда чарчаганини, эртаси куни ўз альбоми ва ёзув-чизувлари билан шуғулланмоқчи эканини айтди.

Альбернинг ўйлаганлари тўғри бўлиб чиқди: эртаси кечқурун Францнинг хонасига отилиб кириб хатни кўрсатди.

– Мана кўрдингизми! – деди у хитоб қилиб. – Айтганим тўғри эканига инондингизми энди?

– Ойимча жавоб қайтарибди-да, – деди Франц.

– Мана, ўқинг.

Бу сўзнинг қандай дабдабали айтилганини тасвир этишга қалам ожиз. Франц хатни олиб ўқиди:

*«Сешанба куни, кечқурун соат еттида виа-деи-Понтетте-фичи қаршисида извошдан тушинг ва қишлоқи аёл орқасидан бораверинг. У қўлингиздан шамни тортиб олади. Сан-Жакомо черкови зинасининг биринчи поясига қадам бошишингиз ҳамоно масхарабоз либосингиз енгига қизил тасма боғлаб олишни унутманг.*

*Сешанбагача мени кўрмайсиз.*

*Садоқат ва сир».*

– Хўш, азизим, – деди Альбер хатни Франц ўқиб тамом қилгач, – бунисига нима дейсиз энди?

– Иш жуда кўнгилли тусга кириб боряпти, дейман-да, дўстим, – деди Франц.

– Меним фикрим ҳам худди шундай, – деди Альбер, – герцог Браччано балига якка ўзингиз боришга тўғри келадимикин, деб ташвишга тушиб қолдим.

Франц билан Альбер эрталаб машҳур Рим банкириникида бўладиган балга таклифнома олишган эди.

– Эҳтиёт бўлинг, азизим Альбер, – деди Франц, – шаҳарнинг барча оқсуяклари герцогникида бўлади, соҳибжамолингиз чиндан аристократлардан бўлса, албатта у ерга боради.

– У ерга борса-бормаса, менга барибир, унинг ҳақидаги фикримдан қайтмайман, – деди Альбер. – Хатни ўқидингиз-а?

– Ўқидим.



– Италияда *mezzo cito*<sup>28</sup> аёллар қандай маълумот олиш-лигини биласизми?

– Биламан, – деди Франц.

– Ундай бўлса хатни яна ўқиб ёзувига эътибор қилинг ва бирорта имло ва жумла хатосини топиб беринг.

Ҳақиқатан ҳам хат жуда чиройли ёзилган, бирорта имло хатоси йўқ эди.

– Омад келди сизга, омад! – деди Франц хатни Альберга қайтариб.

– Майли, қулгига олсангиз олаверинг, ҳазилга йўйсангиз йўяверинг, – деди Альбер эътироз билдириб, – мен ошиқу беқарорман.

– Ё тавба! Сиз мени ваҳимага солиб қўйяпсиз-ку, – деди Франц. – мен фақат герцог Браччано балигагина эмас, ҳатто Флоренцияга ҳам ёлғиз қайтадиганга ўхшаб қолдим.

– Ҳар қалай, у нотаниш жонон гўзаллиги устига яна назокатли чиқиб қолгудек бўлса, мен Римда кам деганда олти ҳафта қолишим турган гап, бу менинг қатъий аҳдим. Мен Римга мафтунман ва бунинг устига археологияга ишқим баланд.

– Шунақанги ишқий саргузаштлардан яна икки-учтаси бўлиб қолса, мен сизни қадимги ёзувлар ва нодир ижодлар Академиясининг аъзолари сафида кўраман, деб умид қила бошлайман.

Шу пайт хизматкор кириб, овқат тайёр, демаганда Альбер академик столини эгаллаш ҳуқуқи масаласида жиддий мунозара юритган бўларди. Альбер шайдо бўлиб юрган вақтларида ҳам иштаҳасини йўқотмасди, шу сабабли у жўраси билан дарров дастурхонга ўтирди ва академия ҳақидаги гапларни кейинга қолдириб, овқатнинг «чангини чиқара» бошлади.

Аммо овқатдан сўнг граф Монте-Кристо келганини хабар қилишди. Йигитлар уни икки кундан бери кўрмаган эдилар. Маэстро Пастрини, граф ўз ишлари билан Чивита-Веккияга кетганини хабар қилган эди. У кеча кечқурун кетиб бундан бир соат олдин қайтиб келди.

---

<sup>28</sup> Урта табақа.

Граф бу гал жуда ёқимтой эди. У ё ўзини тутиб олган ёки заҳарханда гапларга бирор важ йўқ эди. Бу кеча у бошқаларга ўхшаб ўтирди. Франц учун бу зот ҳеч ечиб бўлмайдиган жумбоқ эди. Граф эса Монте-Кристо оролидаги меҳмоннинг таниганини яхши биларди, бироқ улар иккинчи учрашган кундан то ҳозирги кунгача уни илгари ҳам кўрганни ҳақида бир оғиз сўз очмади. Франц эса илгари учрашганимиздан сўз очсам бизга шунча мурувват кўрсатаётган одамни ранжитиб қўяман, деб индамасди. Шундай қилиб, иккаласи ҳам бу нарсани сир сақлади.

Франц билан Альбер Аржентина театри ложасидан билет ололмаганини эшитиб Монте-Кристо ўз ложасининг калитини олиб келганини айтди.

Франц ва Альбер сизни томошадан маҳрум қилиш инсофдан бўлмас, деб калитни олишмади, бироқ граф кўнмай, ўзи Палли театрига бораётганини ва Аржентина театридаги ложасини улар банд этмаса, бўш қолажagini айтди.

Шундай сўнггина йигитлар калитни олишди.

Биринчи учрашганда графнинг рангпар юзи Францни таажжубга солганди, сўнг бора-бора у бунга кўникиб, эътибор бермай қўйди. Аммо граф юзининг тузилиши – бичими жуда келишган, Франц бунга қойил қоларди. Граф ҳақиқатан ҳам Байроннинг қаҳрамонларига ўхшарди, Франц уни кўриш у ёқда турсин, хаёлига келтириши биланоқ, қаршисида Манфред ёки Лара гавдаланарди. Графнинг пешонасини ажинлар буриштириб юборган, бу дард-аламли ўй-хаёллар далилидир. Чақнаб турадиган ўткир кўзлари юракка ўқдай санчилади, истехзоли ва ғурурли лаблари унинг ҳамма гапларига бошқача оҳанг бериб юборади, натижада ҳар бир сўзи тингловчининг ёдидан чуқур жой олади.

Графнинг ёши қирқларга бориб қолган бўлса керак, аммо у ўзидан ёш ҳар қандай йигитдан устун чиқадиган зот. Инглиз шоири Байроннинг афсонавий қаҳрамонларига ўхшаши устига, граф учраган кишини ўзига мафтун қилиб оладиган зўр жозоба кучига эга ҳам эди.

Альбер бахти келиб бу бебаҳо киши билан танишиб қолганини тинмай гапирарди. Франц бу масалада ўзини вазмин тутар, лекин у ҳам атрофдагилар сингари бу тенги йўқ кишининг таъсирига тушиб қоларди.

Графнинг бир неча бор, Парижга ташриф буюриш ниятидаман, деганини Франц эсга олди ва ажойиб феъл-атворли Монте-Кристо у ерда ҳам шуҳрат қозонажигига ҳеч шубҳа қилмади.

Аммо у Парижда граф билан бир вақтда бўлишни истамасди.

Кеча одатда Италия театрларида қандай ўтса шундай ўтди: томошабинлар қўшиқларни тинглаш ўрнига бир-бирининг олдига ўтиб гап сотиш билан овора бўлишди. Графиня Г. граф тўғрисида сўз очмоқчи эди, Франц бундан қизиқроқ янгилик борлигини айтди ва Альбернинг ясама эътирозига қарамай, улуғ бир воқеа юз берганини ва уч кундан бери иккисининг бутун ўй-хаёли мана шу воқеа билан банд эканини хабар қилди.

Сайёҳларнинг гапи рост бўлса, бунда таажжубланидиган ҳеч нарса йўқ, чунки бундай воқеалар Италияда тез-тез учраб туради, шу важдан графиня, бунга ишонаман, деди ва Альберни натижаси кўнгилхушликка олиб бориши кўришиб турган бу ишқий саргузаштнинг муқаддимаси билан табриклади.

Йигитлар бутун Рим таклиф этилган герцог Браччано балида кўришишга ваъдалашиб жўнашди. Бинафша гулли ойимча сўзининг устидан чиқди: эртасига ҳам, индинига ҳам у Альберга кўринмади.

Ахийри шанба куни ҳам келди – бу карнавалнинг охириги, энг қизғин шовқин-суронли куни эди. Шу куни театрлар эрталаб соат ўндан очилади, чунки кечқурун соат саккиздан рўза бошланади. Кимки пули, вақти етмай, ёки истаги бўлмай байрамга қатнашолмаган бўлса, шу куни тўс-тўполонга қўшилиб, умумий шодиёнага ўз ҳиссасини албатта қўшади.

Франц билан Альбер соат иккидан бешгача извошлар тизмасида кўча-майдонларни роса айланишди, дуч келган фойтонларга, отлар оёғи ва извошлар ғилдираклари орасида эпчиллик билан югуриб юрган пиёдалар устига қоғоз гуллар ёғдиришди, пиёдалар хавф-хатарни ҳечам назар-писанд қилмай, от-аравалар тагида чиндан ҳам шундай ҳаракат қилардиларки, шунга қарамай бундай катта тантананда бирорта бахтсиз ҳодиса юз бермасди. Италиянлар бу жи-

хатдан жуда ажойиб халқ. Улар учун байрам ҳақиқатан байрам бўлади. Бу қиссанинг муаллифи Италияда олти йил туриб, бу каби тантаналарга доғ соладиган бирорта воқеа юз берганини кўргани йўқ, бизнинг байрамларимизда эса кўнгилсиз ҳоллар юз бериб туради.

Альбер масхарабоз кийимида барно йигит бўлиб олган, қизил бант елкасидан то тиззасигача осилган, чалкашлик юз бермасин деб Франц қишлоқи либосини кийиб олганди.

Кун оға бошлаган сари шовқин-сурон янада баланд кўтарилди, кўчада, извошларда, деразаларда қичқирмаган одам, ҳаракатсиз турган қўл йўқ. Бу чиндан ҳам қийқириқлар, гул тангачалар ва тухумлар, апельсин ва гулларни қорёмғирдек отаётган минг-минглаб одамлар тўдаси эди.

Соат учда бу шовқин-суронни зўр-базўр босиб Пьяцца-дель-Попол ва Венеция саройидан қасира-қусур ўқ овози янграб пойга бошланганидан дарак берди.

Пойга ҳам шам сотиш каби карнавалнинг охирги кунига даги дастурга киради. Ўқлар овози эшитилиши билан ҳамма извошлар қаторидан чиқиб яқиндаги ёнбош кўчаларга тарқалиб кетди.

Мана шу маневрлар полиция йўл кўрсатиб турмаса-да, жуда эпчиллик ва тезлик билан бажо келтирилади.

Пиёдалар саройларга яқин келиб олишди, от туёғи ва қиличларнинг жаранги эшитилди.

Карабинерлар сафи ўн бештадан бўлиб, бутун кўчани қоплашди-да, от йўрттириб, Корсонни пойгага бўшатишди. Саф Венеция саройига етганда яна ўқ отилиб кўча бўшлигини хабар қилди.

Шу дақиқада уч юз минг томошабиннинг қийқириқлари остида саккизта отлиқ яшиндек учиб ўтиб кетишди. Бир оздан сўнг муқаддас Ангел қалъасидан уч бор тўпдан ўқ узилди. Демак, учинчи рақамли чавандоз ғолиб чиқибди.

Шу заҳоти, бошқа ҳеч қандай сигнални кутиб ўтирмай, атрофдаги кўчалардан извошлар, худди бир зум тўсиб турилган жилғалардан отилиб чиққан тошқин сувдек ғув этиб чиқди-да, мрамар қирғоқли катта дарё бўйлаб физиллаганча кетди.

Мана энди даҳшатли шовқин-сурон тўфонига яна битта янгиси қўшилди: шам сотувчилар саҳнага чиқди.

Улар турли хил катта-кичик шамларни кўз-кўз қила бошлашди, булар ичида пасхадаги ишлатиладиган энг йўғон шамдан тортиб, то энг ингичкасигача бор. Рим карнавалининг охирги пардасида қатнашувчиларга бу шамлар икки нарса учун керак: ўз шамини ўчиришга йўл қўймаслик ва бошқаларнинг шамини ўчириш.

Бу жиҳатдан шам инсон ҳаётига ўхшаб кетади: инсон ҳаёт бағишлашнинг фақат биттагина йўлини топган, уни ҳам Худодан олган.

Аmmo ана шу инсон ҳаётни барбод этишнинг минг-минг усулларини ўйлаб чиқарган, тўғри, бунда унга иблис анча кўмаклашди.

Шамни ёндирмоқ учун уни ўтга тутиш кифоя.

Аmmo ана шу шамни ўчириш учун ўйлаб топилган минг-минглаб усулларни ҳам топишган.

Мокко шамларини талашиб-тортишиб сотиб олишди. Франц билан Альбер ҳам бошқалардан қолишмади.

Тез қоронғи тушди. Минглаб шамфурушларнинг «шамга кеп қолинг» деган қичқириклари остида ўралашиб юрган оломон устидаги осмон ҳам шамчироқларини ёқди. Бу сигнал ролини ўйнади. Ун дақиқа ўтар-ўтмас Венеция саройидан то Пьяцца-дель-Попологача эллик минг чироқ шамапоқдек ёниб кетди.

Бу худди чироқлар ўйинига ўхшарди.

Бу киши тасавури доирасига сиғмайдиган манзара эди.

Гўё осмондаги ҳамма юлдузлар ерга қўнгану шўх ўйинга тушиб кетган. Ер-кўкни бошига кўтараётган бу каби қийқириклар, шовқин-суронларни инсон ер куррасининг ҳеч ерида ҳеч қачон кўрмагандир.

Бундай вақтларда кишилар орасидаги ҳамма фарқлар бекор этилади. Факкино князни, князь транстеверенликни, транстеверинлик савдогарни таъқиб этади, ҳаммаси пуфлаб шамни ўчириш пайида бўлади, бири ўчиради, бошқаси ёндиради. Шу пайт қадимги Эол пайдо бўлиб қолса борми, шам қироли деб, Аквилон эса меросхўр шахзода деб эълон этиларди.

Бу оловлар жанги икки соатча давом этди. Корсо куча-  
си кундузгидек чароғон эди. Тўртинчи ва бешинчи қават-  
ларда дераза ёнида ўтириб кўчадан одамларни юз-кўзидан  
таниб олса бўларди.

Альбер ҳар беш дақиқада соатига қараб қўярди. Мана  
соат етти ҳам бўлди.

Бу пайтда иккала жўра виа-дель-Понтефичи ёнидан ўтиб  
бораётган эдилар. Альбер қўлида шам тутган ҳолда извош-  
дан ирғиб тушди.

Уни бир неча ниқобли киши ўраб олиб, шамини пуфлай  
бошлади, аммо эпчил боксчи Альбер одамларни ўзидан ўн  
метрча нарига итариб ташлади-да, Сан-Жакомо черкови  
томонга югурди.

Черков олдидаги майдон томошабинлар ва бир-бири-  
нинг шамини ўчириш ёки тортиб олишга зўр бериб ури-  
ниб юрган ниқоблар билан тўлиб-тошган эди. Франц Аль-  
бердан кўзини узмас ва жўрасининг зинапояга қадам қўйга-  
нини кўриб турарди. Шу заҳотиёқ таниш қишлоқи либоси-  
даги ойимча қўлини узатди, бу гал Альбер ҳеч қаршилиқ  
кўрсатмай шамни берди.

Франц анча узоқда бўлиб, уларнинг бир-бирига нима де-  
ганини эшитолмади, аммо афтидан Альбер билан ойимча  
бир-бирини жуда ёқимли, ширин сўзлар билан қарши олди,  
бу иккисининг қўл ушлашиб жўнашидан кўриниб турарди.  
Франц яна бир дақиқа улар кетидан қараб турди, аммо кўп  
ўтмай ошиқлар кўздан ғойиб бўлишди.

Тўсатдан қўнғироқлар чалиниб карнавал тугаганидан да-  
рак берди, шу он гўё сеҳргар амри билан қудратли шамол  
эсди-ю, барча шамларни бирдан ўчириб қўйди.

Франц зимистон ичида қолди.

Чироқлар ўчиши билан ҳалиги шамол шов-шувларни ўчи-  
риб кетгандай бўлди-ю, ҳамма ёққа чуқур сукунат чўкди,  
фақат ниқоблиларни уй-уйига олиб кетаётган извошлар-  
нинг тақир-туқири эшитиларди. Онда-сонда деразалардан  
милт-милт этиб ёнаётган чироқнинг ёруғи кўринарди.

Карнавал тугади.

## XVI. САН-СЕБАСТИАНО ГОРЛАРИ

Эҳтимол, Франц ҳаёти давомида ҳеч маҳал хурсандчиликдан бу каби тез хафачилик гирдобига тушиб қолмаган бўлса керак. Қандайдир сеҳргар бир ишора билан бутун Римни улкан зимистон гўрга айлантириб юборгандек бўлди. Ой ҳам жамолини яшириб, зимистонликка зимистонлик қўшаётган эди. Франц кўчаларда бир қадам нарида ҳеч нимани кўролмаётганининг боиси ҳам шунда. Бироқ йўл узоқ эмасди. Ун дақиқа ўтар-ўтмай унинг, тўғрироғи, графнинг извоши меҳмонхона эшиги олдига келиб тўхтади.

Овқат тайёр эди. Альбер кечроқ бораман, деб огоҳлантиргани учун Франц уни кутиб ўтирмай овқатланди.

Иккаласини ҳаминша бирга кўриб юрган маэстро Пастрини Альберни сўради. Франц Альбер меҳмонга кетди, деди. Бирданига чироқлар ўчиб, ёруғлик ўрнига зимистон, шовқин ўрнига сукунат чўккани Францнинг кўнглини ғаш қилиб, ваҳимага солди. Хўжайин бир неча бор кириб, овқатлар жаноб меҳмонга ёқяптими-йўқми, деб сўраб-суриштирган бўлса-да, Франц чурқ этмади. Франц Альберни кутишга қарор қилди. Шу сабабли у извошни соат ўн бирга чақришни ва борди-ю, Альбер меҳмонхонага келгудек бўлса, дарҳол унга хабар беришни илтимос қилди. Соат ўн бирда ҳам Альбер келмади. Франц хўжайинга тунни герцог Браччано балида ўтказишини айтиб, жўнади.

Герцог Браччанонинг уйи Римда кўнгилларни чоғ қиладиган биринчи уйлардан ҳисобланади. Унинг рафиқаси қадимги Колона уруғидан, ажойиб бека бўлиб, улар меҳмон кутишда бутун Европага доврўқ тарқатишган эди. Франц билан Альбер Римга ана шу герцог номига ёзилган тавсия хати билан келган эдилар, шу сабабли Франц кириши билан унинг йўлдошини сўрашди. Франц жўраси билан шамлар ўчган дамдаёқ ажралишиб кетганини ва Альбер виа-Мачелло яқинида кўздан ғойиб бўлганини айтди.

– Демак, у ҳам ҳозиргача меҳмонхонага қайтмабди-да? – сўради герцог.

– Мен соат ўн биргача уни кутдим, – жавоб берди Франц.

– Қаерга кетганини биласизми?

– Аниқ билмайман, чамамда учрашувга кетган бўлса керак.

– Ё тавба! – деди герцог, – бугунги кун, тўғрироғи, тун узоқ сайр учун хосиятсиздир, шундайми графиня?

Герцогнинг сўнги сўзлари ҳозиргина герцогнинг укаси жаноб Торлониа билан қўлтиқлашиб кирган графиня Г.га айтилган эди.

– Менимча, ундай эмас, аксинча, бу жуда ажойиб тун, – деди графиня, – бу ерда тўпланганлар кечанинг жуда тез ўтиб кетганидан афсусланадилар ҳали.

– Мен бу ердагилар ҳақида гапираётганим йўқ, – эътироз билдирди герцог илжайиб, – бу ерда эркак киши учун бирдан-бир хавф сизнинг ҳусн-жамолингизга мафтун бўлиб қолиш, аёл киши учун эса латофатингизга ҳасад қилиш дардига мубтало бўлишдир, мен ҳозир Рим кўчаларида санғиб юрганлар ҳақида гапиряпман.

– Балга таклиф этилганлардан ким шу пайтда кўчаларда санғиб юрибди экан? – сўради графиня.

– Дўстимиз Альбер де Морсер, – деди Франц. – Мен у билан соат еттида ажралган эдим. У ўзининг ҳалиги нотаниш жонони кетидан кетган эди, ўшандан бери кўрганим йўқ.

– Ия, сиз ҳали унинг қаердалигини билмайсизми?

– Мутлақо.

– Ёнида қуроли борми?

– У масхарабоз либосида эди.

– Уни якка юбормаслик керак эди, – деди герцог. – Римни сиз ундан яхшироқ билардингиз.

– Уни юбормай бўлармиди?! Бугунги пойгада ғолиб чиққан учинчи рақамли чавандозни тўхтатиш Альберни тўхтатишдан юз карра осон бўлур эди менга, – деди Франц. – Хўш, у бирор кўнгилсиз ҳолга учраши мумкинми?

– Ким билсин? Қоп-қоронғи тун, виа-Мачелло билан Тибр ораси беш қадам.

Герцог ва графиня ҳам хавфланаётганини кўрган Францнинг аъзойи баданига муз югурди.

– Меҳмонхонада сизникига боражагимни айтдим, – деди Франц, – у келиши ҳамоно менга хабар беришади.

– Ана, – деди герцог, – менинг қаролим сизни ахтариб юрибди, шекилли.



Герцог янглишмаганди. Қарол Францни кўриб, югуриб келди.

– Жаноб, – деди у, – «Лондон» меҳмонхонасининг хўжайини кимдир сизга виконт Морсердан хат келтириб кутиб турганини айтиб юборибди.

– Виконтдан хат келтирибди?! – қичқириб юборди Франц.

– Худди шундай.

– Қанақа одам экан у?

– Билмадим.

– Хатни ўзи нега бу ёққа олиб келмади?

– Чопар менга бу ҳақда ҳеч нима демади.

– Сизга хабар қилиш учун залга кираётганимни кўргач у кетиб қолди.

– Э, Парвардигори олам! – деди графиня Францга қараб. – Боринг тезроқ. Оббо шўрлик! У бирор фалокатга учраган бўлса-я.

– Тезроқ борай, – деди Франц.

– Сиз бу ёққа қайтиб, бўлган воқеани айтиб берасизми? – сўради графиня.

– Агар бирор кор-ҳол юз бермаган бўлса, йўқса ҳолим нима кечишини ким билиб ўтирибди, дейсиз.

– Ҳар ҳолда эҳтиёт бўлинг, – деди графиня.

Франц шляпасини олди-да, шошиб ташқарига чиқди. Балга келгани замон у извошга жавоб бериб, кечаси соат иккида келишни тайинлаган эди. Яхшиямки, герцогнинг бир томонда Корсога, иккинчи томондан Муқаддас апостоллар майдонига туташ саройи билан «Лондон» меҳмонхонасининг оралиғи кўпи билан ўн дақиқалик йўл эди. Франц меҳмонхона эшиги олдига келганда, кўчанинг ўртасида турган одамга кўзи тушди. Бу шубҳасиз Альбер юборган киши эди. У кенг плашга ўралиб олган. Франц у томонга қадам ташлади, бироқ плашдаги киши биринчи бўлиб сўз бошлади, бу Францни таажжубга солди.

– Жаноб, менда бирор гаплари борми? – деди у бир қадам орқага тисарилиб.

– Виконт де Морсердан менга хат келтирган сизми? – сўради Франц.

– Жаноб Пастрини меҳмонхонасида истиқомат қиляптиларми?

– Шундай.

– Виконт билан бирга саёҳат қилиб юрган жаноб ўзларими?

– Шундай.

– Жанобларининг исми шарифлари?

– Барон Франц д'Эпине.

– Демак, хат жанобларига ёзилган.

Франц хатни чопарнинг қўлидан олиб:

– Жавоб ёзиш керакми? – деб сўради.

– Дўстингиз жавоб хатингизга муштоқ.

– Ундай бўлса менинг хонамга чиқайлик.

– Йўқ, яхшиси, мен шу ерда кутиб тураман, – деди кулимсираб чопар.

– Нега?

– Буни хатни ўқиганда фаҳмлаб оласиз.

– Сизни шу ердан топаманми?

– Албатта.

Франц меҳмонхонага кирди, зинада маэстро Пастринига дуч келди.

– Хўш, нима гап? – сўради Пастрини.

– Нимани сўраяпсиз? – деди Франц.

– Жўрангизнинг топшириғи билан келган кишини кўрдингизми? – сўради хўжайин.

– Кўрдим, – жавоб қилди Франц, – у хат келтириб берди. Марҳамат қилиб чироқ келтиришни буюрсинлар.

Хўжайин хизматкорга шам келтиришни буюрди. Францга меҳмонхона хўжайини жуда ташвишли кўринди, бу ҳол хатни тезроқ ўқишга бўлган истагини янада оширди. Хизматчи шамни ёқиши билан Франц хатни очди. Хатни Альбернинг ўзи ёзиб, тагига имзо чеккан эди. Франц хатни икки марта ўқиб чиқди, унда ҳеч қутилмаган сўзлар ёзилганди.

Мана ўша хатнинг сўзма-сўз баёни:

*«Қадрли дўстим, хатни олган заҳотингиз ёзув столидан менинг ҳамёнимдаги аккредитивларни олинг, мабодо меники етинқирамаса, ўзингизникини ҳам қўшинг. Зудлик би-*

лан Торлониадан ҳам тўрт минг пиастр олинг. Ҳаммасини қўшиб хатни олиб борган кишига беринг. Бу маблағ дарҳол менга етказилиши шарт.

Шу билан гапни бас қилдим, чунки сиз менга қанчалик ишонсангиз, мен ҳам сизга шунчалик ишонаман.

P. S. I. believe now in italian banditte.<sup>29</sup>

Дўстингиз Альбер де Морсер».

Бу сатрлар остига бошқа бир кишининг қўли билан қуйидагилар ёзилган эди:

«Se alle sei della mattina le quattro mila piastre non sono nelle mie mani, alle sette il sonte Alberto avra cessato di vivere.

Luigi Vampa».<sup>30</sup>

Иккинчи имзо ҳамма нарсани англатиб қўя қолди Францга, чопарнинг хонасига чиқмаганининг боиси ҳам шунда эди: кўчада турсам хавф-хатар камроқ бўлади, деб ўйлаганди у. Альбер, бунақаси бўлиши мумкин эмас, деб юрган ўша машҳур қароқчининг қўлига тушган эди.

Бир зум ҳам вақтни ўтказиш мумкин эмас. Франц юғриб бориб ёзув столининг тортмасидан ҳамённи олиб очди, унда олти минг пиастрга аккредитив бор эди, уч мингини Альбер харажат қилиб қўйган экан. Францнинг ўзига келганда, унда умуман аккредитив йўқ эди, чунки у Флоренцияда яшарди ва Римга фақат бир ҳафтага келганди, шу сабабли бир юз луидордан ошиқ пул олмаган эди, бу юзнинг ҳам ярмини сарфлаб қўйганди. Шундай қилиб, Альбер сўраган суммага яна етти ёки саккиз юз пиастр етмасди. Тўғри, бундай фавқулодда ҳолларда Франц жаноб Торлонианинг ёрдамига умид боғлаши мумкин эди.

Франц вақтни ўтказмай Браччано саройига қайтмоқчи бўлиб турган эди, аммо тўсатдан унда ажойиб фикр туғил-

---

<sup>29</sup> Энди итальян бандитлари ким эканини билдим (Ингл.).

<sup>30</sup> «Эрталаб соат олтида тўрт минг пиастр менга келтириб берилмаса, соат еттида граф Альбер тирик қолмайди. Луиджи Вампа».

ди. Францнинг эсига граф Монте-Кристо тушиб қолди. У маэстро Пастринини чақириб учун қўнғироқ ипига энди қўл чўзган эди, шу пайт хўжайиннинг ўзи кириб келди.

– Синьор Пастрини, – шошиб сўради у, – сизнингча граф хонасидамикин?

– Ҳа, жаноб, у ҳозиргина келди.

– Ҳали ётишга улгурмаган бўлса керак?

– Йўқ, албатта.

– Марҳамат қилиб, унга мен ҳузурига кирмоқчи эканлигимни айтинг.

Пастрини топшириқни дарҳол бажаришга киришди, беш дақиқадан сўнг қайтиб келди.

– Граф жанобларини кутиб турибди, – деди у.

Франц майдончадан ўтиши билан қарол уни граф хонасига бошлади. Граф ҳалигача Франц кўрмаган кичик хонада ўтирган эди. Хонанинг тўрт томонига диванлар қўйилган. Францни граф ўрnidан туриб кутиб олди.

– Қандай шамол учириб келди меникига жанобларини? – деди у. – Кечки овқатни бирга баҳам кўрармиз, рози бўлсалар?! Бу билан мени жуда хурсанд қилган бўлур эдингиз.

– Раҳмат, бироқ мен муҳим бир иш билан келдим ҳузурингизга.

– Иш билан? – деди граф синовчан назар ташлаб Францга. – Қанақа иш билан?

– Бу ерда иккимиздан бошқа ҳеч ким йўқми?

Граф эшик олдида бориб қайтди-да:

– Иккимиздан бошқа ҳеч ким йўқ, – деди.

– Ўқинг, – деди у.

Граф хатни ўқиди.

– Эҳ-э! – деди у.

– Иловасини ҳам ўқидингизми?

– Ҳа, – деди граф, – кўриб турибман:

*«Se alle sei della mattina le quattro mila piastre non sono nelle mie mani, alle sette il sante Alberto avra cessato di vivere.*

*Luigi Vampa».*

– Бунисига нима дейсиз? – сўради Франц.

– Бу ерда кўрсатилган пул борми сизда?

– Бор, фақат саккиз юз пиастр етмайди.

Граф шкаф-стол олдига бориб тортмага калит солиб, олтинга лик тўла яшиқни очди.

– Бошқа кишига бу ҳақда мурожаат этмайсиз деб умид қилсам бўладими? – деди у Францга.

– Мана, ўзингиз кўриб турибсиз-ку, мен тўғри жанобларига мурожаат қилиб келдим, – деди Франц.

– Бунинг учун сиздан миннатдорман. Мана керагича олинг, – деди-да, граф Францга яшиқни кўрсатди.

– Наҳотки Луиджи Вампага шунча пулни юбориш шарт бўлса? – деди Франц ўз навбатида графга тикилиб.

– Албатта! Кўшимча хатда аниқ ёзиб қўйилибди-ку.

– Чамамда, агар истасангиз бундан жўнроқ йўл топиб, Альберни қутқарардингиз, – деди Франц.

– Масалан, қандай йўл? – сўради таажжуб билан граф.

– Агар икковимиз Луиджи Вампанинг олдига борсак, у сизнинг илтимосингизни рад этмай Альберни сўзсиз қўйиб юборарди. Мен бунга аминман.

– Йўғ-э! У қароқчига менинг қандай таъсириб бўлиши мумкин?

– Ахир сиз унга бир гал ҳеч унутиб бўлмайдиган ёрдам кўрсатган эдингиз-ку?

– Қанақа ёрдам?

– Пеппинони ўлимдан қутқариб қолган сиз эмасми, ахир?

– Ҳа-а! – деди граф. – Ким айтди сизга буни?

– Барибир эмасми? Мен буни биламан.

Граф қошини чимириб анчагача ғиқ этмай турди.

– Мабодо мен Луиджи олдига боргудек бўлсам, сиз ҳам мен билан борасизми?

– Агар халақит бермасам, борардим.

– Бўпти, бирга борсак борайлик, ҳаво очик, бундай пайтларда Рим атрофида жуда роҳатланиб сайр қилиш мумкин.

– Қурол оласизми?

– Нима кераги бор?

– Пул-чи?

– Кераги йўқ. Хат келтирган одам қаерда?

– Кўчада.

– Жавоб кутиб турибдими?

– Ҳа.

– Ҳар қалай, борадиган жойимизни билиб олишимиз керак, мен уни чақирай.

– Фойдасиз, у киришни истамади.

– Сизникига кирмаслиги мумкин, аммо меникига кирди.

Граф хонанинг кўча томондаги деразаси олдида борди-да, махсус оҳангда ғалати ҳуштак чалди. Плашга бурканган одам девор тагидан кўчанинг ўртасига чиқди.

– Salite!<sup>31</sup> – деди граф худди ўз қаролига буйруқ қилаётгандай.

Чопар сира иккиланмай эшик томонга югурди ва меҳмонхонага кирди. Бир лаҳза ўтар-ўтмай у хона остонасида пайдо бўлди.

– Э-э, сенмидинг, Пеппино? – деди граф.

Жавоб ўрнига Пеппино тиз чўкиб, графнинг кўлини ушлади-да, қайта-қайта ўпди.

– Эҳ-э! – деди граф, – сени ўлимдан қутқариб қолганимни ҳалиям унутганинг йўқми? Ажабо, унга бир ҳафта бўлди-ку!

– Йўқ, муҳтарам жаноб, унутганим йўқ ва умр бўйи ҳеч қачон унутмайман бу олижаноблигингизни, – деди Пеппино чуқур миннатдорчилик оҳангида.

– Умр бўйи, ҳеч қачон? Йўғ-э, бу жуда узоқ-ку! Аммо шундай деб ўйлаганинг учун ҳам раҳмат. Тур ўрнингдан, жавоб бер.

Пеппино Францга ташвишомуз қараб қўйди.

– Бу жаноб олдида хавотир олмай гапиравер, у менинг дўстим, – деди граф. – Шундай деб аташга розимилар жаноблари? – кўшимча қилди француз тилида граф Францга мурожаат қилиб. – Чопарда ишонч ҳосил қилиш учун шундай қилмасак бўлмайди.

– Менинг олдимда гапираверинг, – деди Франц, – мен графнинг дўстиман.

– Яхши, – жавоб қилди Пеппино графга қараб, – муҳтарам жаноблари савол берсинлар, мен жавоб бераман.

---

<sup>31</sup> Бу ёққа чиқинг! (Итал.)

– Виконт Альбер қандай қилиб Луиджининг қўлига тушиб қолди?

– Муҳтарам жаноб, французнинг извоши бир неча марта Тереза ўтирган извош билан учрашди.

– Атаманнынг маҳбубасими у?

– Шундай. Француз гап ота бошлади, Тереза ҳазиломуз жилвалар қилди, француз унга гулдасталар отди, Тереза ҳам гул ирғитаверди, албатта буни Тереза ўша аравада ўтирган атаманнынг рухсати билан қилди.

– Нима, нима? – деди хитоб қилиб Франц. – Луиджи Вампа ҳам ўша қишлоқи ойимларнинг фойтониди ўтирганмиди?

– У извошчи кийимида, отларнинг жиповини ушлаб олганди, – деди Пеппино.

– Хўш, сўнг нима бўлди? – деди граф.

– Сўнг француз ниқобини олди, Тереза ҳам атаманнынг рухсати билан юзини очди, француз якка учрашишни илтимос қилди. Тереза учрашиш вақти ва жойини айтди. Фақат Сан-Жакомо черкови олдида французни Тереза эмас, Беппо кутиб олди.

– Нима? – деди яна Пеппинонинг сўзини бўлиб Франц. – Альбернинг қўлидан шамни тортиб олган қишлоқи ойимча эмасмиди?..

– Тортиб олган ўн беш ёшли бола эди, – деди Пеппино. – Дўстингиз бундан уялмай қўя қолсин. Беппонинг қўлига илгари ҳам тушганлар кўп.

– Альберни шаҳардан олиб чиқиб кетган ҳам Беппо эдими? – сўради граф.

– Ҳа, Беппо эди. Виа-Мачеллонинг охирида фойтон кутиб турган эди, Беппо ирғиб фойтонга чиқди-да, французни ҳам таклиф этди. У ортиқча таранг қилиб ўтирмай фойтонга минди-да, Беппога ўнг томонни бўшатиб, ёнига ўтирди. Шунда Беппо, Римдан бир миль наридаги виллага олиб боражагини айтди. Француз дунёнинг нариги бурчагига олиб борсангиз ҳам боравераман деди. Извошчи виа-ди-Репеттага йўл олди, муқаддас Павел роботидан ўтди, бироқ далага чиққанларида француз қўлига ортиқча эрк бериб, ёпиша бошлади, шундан кейин Беппо унинг кўксига иккита тўппонча тақади. Извошчи ҳам отларни тўхтатди-да, ўги-

рилиб түппончасини ўқталиб олди. Шу пайт Альмо қирғоғида пусиб ётган түрт йигитимиз файтон олдига югуриб келди. Француз ўзини муҳофаза қилишга уринди, ҳатто, Бепони бир оз бўғибди ҳам. Лекин бешта қуролланган кишига қайдан кучи етсин? Таслим бўлишдан бошқа иложи қолмади. Уни файтондан чиқариб, ариқ бўйига, сўнг Сан-Себастиано ғорида кутиб ўтирган Тереза билан Луиджи хузурига олиб боришди.

– Ҳечқиси йўқ, бунақа воқеалар бўлиб туради, – деди граф Францга, – бироқ менимча буниси илгаригиларидан зўрроқ бўпти. – Ҳўш, сиз нима дейсиз? Бунақанги воқеаларни жуда кўп кўрган бўлсалар керак?

– Фикрим шуки, – деди Франц, – агар бу ҳолга шўрлик Альбер эмас, бошқа биров тушганда, роса қотиб-қотиб кулган бўлардим.

– Агар шу пайт мени тополмаганингизда, бу ишқий саргузашт дўстингизга жуда қимматга тушган бўлур эди. Энди хотиржам бўлинг. У бир оз ваҳима билан халос бўлади.

– Бориб уни олиб келамизми? – сўради Франц.

– Албатта! Яна шуниси ҳам борки, у турган жой жуда хушманзара жой. Сан-Себастианодаги ер ости ғорларини биласизми?

– Йўқ, мен у ерга ҳеч тушганим йўқ, бироқ кўпдан буён тушмоқчи бўлиб юрувдим.

– Мана бу тилакни бажо келтиришга важ тайёр. Извошингиз шу ердами?

– Йўқ.

– Майли, ҳечқиси йўқ. Менинг извошим кундузи ҳам, кечаси ҳам тахт бўлиб туради.

– Отлар қўшиқлик турадимми?

– Албатта.

– Шуни айтиб қўяйки, мен бир ерда узоқ ўтиролмаман. Баъзида ўтирган жойимдан ёки ярим кечаси тўшақдан ирғиб туриб, қаёққа бўлмасин бошимни олиб кетишга қарор қиламан-да, жўнаб қоламан.

Граф бир марта кўнғироқ қилди, хонага камердинер кирди.

– Айтинг, извошни саройдан олиб чиқсинлар, – деди граф, – у ердаги түппончаларни олиб қўйинг, извошчини уйғотманг, бизни Али олиб боради.



Бир дақиқа ўтар-ўтмас эшик олдида извошнинг тарақлагани эшитилди. Граф соатга қаради.

– Бир ярим, – деди у. – Эрталаб соат бешда жўнасақ ҳам бўларди, вақтида етиб борардик, аммо кечроқ борсақ дўстимиз бутун тунни ташвишда қийналиб ўтказиши мумкин, шунинг учун тезроқ бориб уни бетавфиқлар қўлидан қутқариб олайлик. Сиз ҳалиям мен билан бориш иштиёқидамисиз?

– Боришга иштиёқим ҳар қачонгидан зўр энди.

– Ундай бўлса кетдик.

Франц билан граф хонадан чиқишди, Пеппино уларга эргашди.

Эшик олдида извош турарди. Извошчи ўрнида Али ўтирибди. Франц Монте-Кристо ғорида кўрган соқов қулни таниди.

Извош икки ўринли эди. Франц билан граф извошга чиқди. Пеппино Алининг ёнига жойлашиб олди. Отлар йўртиб кетди.

Қайси томонга юриш тўғрисида илгариёқ фармойиш олган Али Корсо кўчасига йўл олди, Кампо Ваччинодан ўтиб Страда Сан-Григориога чиқди-да, Сан-Себастиано дарвозаси олдида тўхтади. Қоровул бошда киритмади, бироқ граф Рим губернаторининг кечаю кундуз ҳеч монесиз кириш ва чиқиш учун берган рухсатномасини кўрсатгач, темир панжаралар дарҳол кўтарилди, қоровул меҳнати ҳақига бир тилла олди, шундан сўнг извош ичкари кириб кетди.

Улар икки томони қабристон бўлган қадимий Алпий йўлидан борардилар. Францга баъзан ойнинг ғира-шира нурида харобаларда соқчиларнинг қораси кўринар ва улар Пеппинонинг имоси билан қоронғиликка шўнғиб кетгандек туюларди.

Извош Каракалла цирки яқинида тўхтади.<sup>4</sup> Пеппино извош эшигини очди, граф ва Франц тушди.

– Ун дақиқада етамиз Вампа ҳузурига, – деди граф Францга.

Сўнг у Пеппинони четга чақириб олди-да, шивирлаб, қандайдир топшириқлар берди. Пеппино эса извош яшигидан машғални олди-да, ғойиб бўлди.

Яна беш дақиқа ўтди, Пеппино баланд-паст тепаликдаги илон изи ёлғизоёқ йўлдан илдам борди. Франц унинг кетидан қараб турди. Бир оз ўтгач, Пеппино қизғиш ўсиқ ўтзорга кириб кетди.

– Биз ҳам унинг кетидан бораверамиз, – деди граф.

Граф билан Франц ўша тор сўқмоқдан тепалик ёнбағри бўйлаб юз қадамча юргач, кичкина водийга чиқишди. Салдан кейин қоронғида бир-бирига гап сотиб турган икки киши кўринди.

– Бораверамизми ёки кутганимиз маъқулми? – сўради Франц.

– Юринг, бораверамиз, Пеппино соқчиларни огоҳлантириб қўйган бўлса керак.

Ростдан ҳам гаплашиб турганларнинг бири Пеппино, иккинчиси соқчилик қилиб турган қароқчи экан.

Граф билан Франц уларнинг олдига борди, қароқчи эгилиб салом берди.

– Муҳтарам жаноб, – деди Пеппино, – меним кетимдан бораверасизми? Икки қадам нарида ғорнинг оғзи.

– Яхши, йўл бошла, – деди граф.

Кўп ўтмай бутазор орқасидаги тошлар орасида бир одам зўрға сиғадиган тешик кўринди.

Тешикка биринчи бўлиб Пеппино кириб кетди, бир неча қадамдан сўнг ғор йўли кенгая бошлади. Шунда Пеппино машъални ёқди-да, орқага ўтирилди.

Тешикка аввал граф, унинг кетидан Франц кирди.

Йўл тоғ тагига пастлаб, кенгайиб борарди, шунга қарамай Франц билан граф ҳамон энгашиб, олдинма-кетин қадам ташлашга мажбур эди. Шу зайлда улар яна юз эллик қадам юришди, сўнг «Ким у?» деган овоздан тўхташди.

Қоронғида милтиқ қувури машъал ёғдусида ялтираб кўринди.

– Дўст, – жавоб қилди Пеппино.

Сўнг у илгарилаб борди-да, соқчига бир неча сўз айтди, бу соқчи ҳам, биринчиси каби салом берди, ўтиб бораверишларинг мумкин, деди имо билан.

Соқчи йигирма зинапоянинг тахминан йигирманчи пиллапоясида турарди, Франц ва граф зинадан пастга тушиб бориб, сағанага ўхшаган жойга дуч келишди. Шу ерда беш

томонга ёритилган гор йўллари чўзилиб кетган эди. Тош деворларга тобут шаклида токчалар ўйиб қўйилган. Франц ва граф ер остидаги форга кирганларини англашди.

Узунлигини аниқлаб бўлмайдиган ана шу гор йўлларидан бирига кундузи жиндек-жиндек ёруғлик тушиб турарди.

Граф қўлини Францнинг елкасига қўйиб сўради:

– Қароқчилар қандай қилиб дам олишини кўришни истайсизми?

– Истаганда қандоқ! – деди Франц.

– Ундай бўлса, қани, юринг кетимдан... Пеппино, машъални ўчир.

Пеппино буйруқни бажо келтирди, Франц билан граф зимистон ичида қолишди. Фақат эллик қадам нарида деворларда қизғиш ёғду нур парчалари милтиллаб турарди. Пеппино машъални ўчиргач, нур парчалари янада ёрқинроқ кўринди.

Улар товуш чиқармай олға юришди, граф гўё қоронғида ҳам кўриш қобилиятига эга бўлгандан дадил қадам ташларди. Франц ҳам милтиллаб турган нурларга яқинлашган сари йўлни аниқроқ кўра бошлади.

Улар қаршисида уч пештоқ пайдо бўлди, ўртасидаги эшик вазифасини бажарарди. Бу пештоқлар граф билан Франц турган даҳлизни тўрт бурчакли катта хонадан ажратиб турарди. Бу хонанинг тўрт томонига ҳам боя айтганимиз сингари тахмон-токчалар ясалган. Хонанинг ўртасига тўрт харсанг тош қўйилган, бу тошлар бир вақтлар меҳроб ролини ўйнаган бўлса керак, улар устидаги салб ҳам шундан далолат бериб турарди.

Бир киши пештоқларга орқасини ўгириб, устун тагида китоб ўқиб ўтирибди.

Бу тўда атамани Луиджи Вампа эди.

Унинг атрофида тош ўриндиқларда плашга ўралиб йигирмага яқин қароқчи ўтирибди. Ҳаммасининг ёнида бешотар милтиқ. Хонанинг тўрида девордаги аллақандай туйнук олдида худди кўланкага ўхшаган соқчи нафасини чиқармай у ёқдан-бу ёққа бориб-келиб турибди. Туйнук зўрға кўринарди.

Граф Францга бу ажойиб манзарани роса тўйиб томоша қилгунча қўйиб берди. Сўнг бармоғини лабига қўйди-да, уч

зинапояни босиб, ўртадаги пештоқдан ичкари кириб Луиджигга яқинлашди. Уқишга жуда берилиб кетган Луиджи графнинг қадам товушини эшитмади ҳам.

– Келаётган ким? – қичқирди соқчи атаман орқасида қад кўтараётган кўланкани кўриб.

Бу товушни эшитган Вампа ирғиб ўрнидан турди-да, камаридаги тўппончасига ёпишди. Шу заҳоти ҳамма қароқчи ирғиб ўрнидан турди. Йигирмата бешотар графни мўлжалга олди.

Граф пинагини бузмай, хотиржам оҳангда:

– Азизим Вампа, киши дўстини ҳам шунақа кутиб олади-ми? – деди.

– Тушир қуролларингни! – деб буйруқ берди атаман бир кўлини кўтариб, иккинчи кўли билан таъзим қилиб шляпасини олар экан.

Сўнгра у ҳокими мутлаққа ўхшаб гердаииб турган графга мурожаат қилди.

– Кечиринг, граф, сиз менинг кулбамга қадам ранжида қиласиз, деб ҳеч ўйламаган эдим, шунинг учун танимай қолдим.

– Афтидан, сиз – Вампа кўп нарсани эсдан чиқариб қўяр экансиз, одамларни таниш у ёқда турсин, ҳатто улар билан тузилган шартномани тезда ёдингиздан кўтариб юборгансиз.

– Қанақа шартнома ёдимдан кўтарилибди менинг, жаноб граф? – сўради қароқчи ўз хатосини дарҳол тузатишга тайёр эканини англатадиган оҳангда.

Бунга жавобан граф:

– Ахир, менгина эмас, менинг барча дўстларим сиз учун даҳлсиз бўлади деб келишган эмасмидик? – дедик.

– Мен бу шартни нима қилиб бузибман?

– Бугун сиз виконт Альбер де Морсерни ўғирлаб бу ерга келтирибсиз, бу киши эса... – деди сўзини давом эттириб граф ғалати оҳангда. Бундан Франц бехосдан сесканиб кетди. – Менинг дўстларимдан бири бўлади, у мен кўрган бир меҳмонхонада истиқомат қилади, бутун ҳафта – менинг извошимда Корсони сайр этди, шунга қарамай сиз уни ўғирлаб бу ерга келтирибсиз ва яна... – деди граф чўнтагидан хатни олиб, – худди у оддий кишидек унинг учун тўлов пули талаб қилибсиз!

– Нега буни менга айтмадинглар? – деди атаман унинг нигоҳига тоб беролмай орқасига тисланган йигитларига, – нега графдек азиз, муҳтарам жанобга берган сўзимни бузишга мени мажбур этдингиз? Нега? Ахир, ҳар биримизнинг ҳаётимиз, тақдиримиз шу графнинг қўлида эканини билмайсизми? Худо ҳақи, орангизда бирор киши бу йигитнинг муҳтарам графнинг дўсти эканини билади деган фикр ҳаёлимга келганида уни ўз қўлим билан отиб ташлаган бўлардим!

Граф Франц турган қоронғи томонга ўгирилиб деди:

– Мана, айтмадимми бу англашилмовчилик деб.

– Шеригингиз ҳам борми? – сўради хавотирланиб Вампа.

– Сиз хат йўллаган киши ҳам мен билан бирга келди. Мен унга Луиджи Вампа аҳдидан қайтмайдиган йигит эканини исботлаб бермоқчи бўлдим. Бери келинг, барон, – деди у Францга қараб. – Ўз хатосидан ўзи жуда пушаймон бўлаётганини Луиджининг ўзиям айтиб беради.

Франц яқин келди, атаман ҳам бир неча қадам ташлаб унга яқин борди.

– Муҳтарам жаноб, меҳмоним бўлишингизни илтимос қиламан, – деди у. – Графнинг гапларини ва менинг жавобларимни эшитгандирсиз. Мен яна шуни қўшишим мумкинки, бундай англашилмовчилик юз бермаслиги учун ўзим жон деб тўрт минг пиастр тўлов пули берган бўлур эдим.

– Бироқ асирингиз қаерда? – сўради Франц хавотирланиб атрофга аланглаб. – У бу ерда кўринмайди-ку.

– Унга бирор шикаст етказилмаган деб ишонсам бўладими? – сўради граф қошларини чимириб.

Бунга жавобан Вампа соқчи юриб турган туйнук томонга қараб:

– Асир анови ерда, ўзим бориб озод қиламан уни, – деди.

Атаман Альбер ўтирган форга юрди. Франц билан граф унинг кетидан борди.

– Нима қиляпти асир? – сўради Вампа соқчидан.

– Тўғриси айтсам, асирнинг нима қилиб ўтирганидан беҳабарман, – жавоб берди соқчи, – бир соатдан кўпроқ вақт ўтди, ҳеч овози чиқмайди.

– Марҳамат, жаноблар, – деди Вампа.

Франц билан граф атаман кетидан зина буйлаб юқори кўтарилишди. Вампа лўкидонни олиб эшикни очди.

Бояги сағанани ёритиб турган чироққа ўхшаган лампа ёғдусида Альбер кўринди. У қароқчилардан бири берган плашга ўралиб донг қотиб уйқуни уриб ётган эди.

– Бироқ, – деди граф фақат ўзига хос табассум-ла, – эрталаб соат еттида отиб ташланадиган киши учун ҳам бу ер жуда ҳузур қиладиган жой экан-ку!

Вампа мириқиб ухлаб ётган Альберга завқланиб тикилиб қолди. Улимни ҳам писанд қилмай ётган бу йигитнинг жасорати, афтидан, унга қаттиқ таъсир этган эди.

– Граф, сиз ҳақ гапни айтган экансиз, бу киши, ҳеч шубҳасиз, дўстингиз экан, – деди Вампа. Сўнгра Альбер олдига бориб, елкасидан туртди:

– Муҳтарам жаноб! – деди у. – Уйғонсалар озор чекмасмикинлар?

Альбер бир керишиб олди, кўзларини ишқалаб, очди.

– Эҳ, сизмидингиз, атаман? – деди у. – Тавба, нега мени уйғотдингиз, ниҳоятда ажойиб туш кўраётган эдим. Тушимда мен Торлонганикида графиня Г. билан маза қилиб рақсга тушаётган эдим.

Чўнтагида вақтни кузатиб туриш учун сақлаб қолган соатини олиб унга қаради.

– Соат энди бир ярим бўпти, – деди у. – Нима сабаб бўлди-ю, сиз мени ярим кечада уйғотдингиз?

– Сабаби шуки, сиз озод бўлдингиз, шуни айтишим керак эди сизга.

– Азизим, – деди Альбер ниҳоятда совуққонлик билан, – келажакда улуғ Наполеоннинг қуйидаги сўзларини эсда тутинг: «Шум хабар келгандагина мени уйғотинг». Мени ҳозир уйғотмаганингизда соҳибжамол билан охиригача рақсга тушган ва сўнг сиздан умрбод миннатдор бўлиб қолардим... Ҳўш, менга тўлов пулини келтириб беришибди-да?

– Йўқ, муҳтарам жаноб.

– Ундай бўлса, нега озод этилдим?

– Мен ҳеч бир илтимосини рад қила олмайдиган киши сизни олиб кетгани келди.

– Бу ерга-я?

– Ҳа, шу ерга.

– Худо ҳақи, жуда мурувватли зот экан-да, у.

Альбер атрофга қаради ва Францга кўзи тушди.

– Ё тавба! – деди у. – Ҳали садоқат кўрсатган сизмидингиз, Франц?

– Йўқ, мен эмас, кўшнимиз граф Монте-Кристо, – жавоб қилди Франц.

– Аҳ-ҳа, граф денг, – деди Альбер галстугини ва енгини тўғрилаб, – чиндан ҳам бебаҳо одам экансиз, граф, мен аввало извошингиз учун, ундан кейин – озод этганингиз учун бутун умр сиздан қарздорман! – шундай деб у графга кўл узатди.

Граф сесканиб кетди, лекин шунга қарамай кўл берди.

Ҳозирги манзара Луиджи Вампани ҳайратда қолдирди, аксари тутқунлар ҳамиша унинг олдида дағ-дағ титраб, шафқат тилаб турарди, Луиджи шунга ўрганиб қолган эди. Мана ҳозир ҳеч пинагини бузмай ҳазил-мазах қилишини қўймайдигани ҳам чиқиб қолди. Франц дўсти Альбер ўз миллати шон-шўхратига иснод келтирмай мағрур турганидан ниҳоятда хурсанд эди. У дўстига мурожаат қилди:

– Азизим Альбер, агар сал тез ҳаракат қилсангиз, биз Торлонианикидаги базми жамшиднинг пировардига етиб борамиз, ана унда синьор Луиджини афв этиб, тушдаги рақсни ўнгингизда давом эттираверасиз. Тўғрисини айтганда, синьор Луиджи бу ишларнинг ҳаммасида ҳотамтойлик кўрсатди.

– Ҳақ гапни айтдингиз, – деди Альбер, – соат иккигача Торлонианикига етиб борамиз. Синьор Луиджи, – деди у сўзини давом эттириб, – сиз жаноб билан хайрлашиш олдидан яна расмониятга доир қандай мажбуриятларни адо этишим керак?

– Ҳеч қанақа, – деди қароқчи, – тўрт томонингиз қибла, хоҳлаган томонга қанот қоқиб кетаверишингиз мумкин.

– Ундай бўлса хайр, сизга бахтли ва шод-хуррамликка тўла ҳаёт тилайман, қани жаноблар, кетдик!

Альбер шундай деди-да, Франц ва граф билан бирга катта хонадан ўтди. Барча қароқчилар бош яланг қузатиб туришарди.

– Пеппино! – деди атаман, – машъални бер менга.

– Нима қилмоқчисиз? – сўради граф.

– Сизларни кузатиб қўймоқчиман, – деди атаман, – муҳтарам жанобга менинг бу арзимас бир хизматим бўлсин.

Луиджи ёниб турган машъални Пеппинонинг қўлидан олди-да, меҳмонлар олдига тушиб, бурчини адо этаётган қаролга ўхшаб эмас, орқасидан элчилар келаётган қаролга ўхшаб гердаиб олға юрди.

Ташқи эшик олдига бориб таъзим қилиб хайрлашди ва деди:

– Граф, мен яна бир марта узр сўрайман юз берган хато учун, бундан кейин мендан нолимайсиз, деб ишонаман.

– Нолийдиган ҳеч нарса қолмади, азизим Вампа, – деди граф, – сиз хатойингизни жуда қойил қилиб тузатар экансиз, бунинг учун сиздан миннатдор бўлмоғим керак.

– Жаноблар, – деди қароқчи йигитларга мурожаат қилиб, – менинг таклифим унчалик ёқмаса-да, бирор вақт меникига ташриф буюришга аҳд қилсангиз, қаерда бўлмайин, жон-дилим билан кутиб олишга тайёрман.

Франц ва Альбер таъзим қилишди. Биринчи бўлиб граф чиқди. Унинг кетидан Альбер эргашди, Франц тўхтаб қолди.

– Бирор нарса сўрамоқчимидилар мендан, жаноблари, – деди илжайиб Вампа.

– Ҳа, иқрор бўлайинки, сўрамоқчи эдим, – деди Франц. – Биз кирган вақтда қанақа китобни ўқиб ўтириб эдингиз?

– «Цезарнинг хатлари»ни, – деди қароқчи. – Бу менинг севган китобим.

– Франц, юрмайсизми? – деди ташқаридан Альбер.

– Ҳозир, ҳозир, – деди Франц.

Франц ҳам ташқари чиқди.

Улар бир неча қадам босишди.

Альбер қайтиб борди-да:

– Рухсат қилинг, – деди Луиджига ва сигарасини қароқчи машъалига тутиб ёндириб олди.

– Энди, граф, вақтни ўтказмайлик, – деди у. – Мен туннинг қолганини герцог Браччаноникида ўтказишни жуда истардим. Извош уларни кутиб турганди. Граф араб тилида Алига нимадир деди, отлар чопа кетди.

Соат нақ икки деганда, дўстлар рақс залига кириб боришди.



Уларнинг залда пайдо бўлиши ҳаммани ҳайратда қолдирди, аммо бирга келишлари Альбердан хавотирланиб турганларнинг кўнглини тинчитди.

– Графиня, – деди виконт де Морсер графиня Г. олдига бориб, – кеча сиз хотамтойлик кўрсатиб, мен билан рақс тушишга ваъда берган эдингиз, бу ваъдангизни сал кечикиб эслатяпман, аммо бунда мен асло гуноҳкор эмасман, ростгўйлиги сизга аён менинг дўстим буни тасдиқлаб бериши мумкин.

Шу пайт мусиқа чалинди, Альбер пайтдан фойдаланиб, графинянинг белидан ўнг қўли билан қучди-да, жуфт-жуфт бўлиб ўйнаётганлар орасида гир айлана кетди.

Шу вақт, Франц уни таажжубга солган бир нарса тўғрисида, яъни Альберга истар-истамас қўл узатишга мажбур бўлганда граф бирдан сесканиб кетгани тўғрисида ўйга чўмган эди.

## ХVII. ПИСАНДА

Эртаниси Альбер ўрнидан туриб, Францга ҳаммадан олдин графниқига ташриф буюришни таклиф этди. Кечаёқ унга миннатдорчилик билдирган эди, аммо граф унга бир эмас, бир неча марта раҳмат айтишга арзийдиган даражада ёрдам қилганини Альбер тушунарди.

Графга жуда қизиқиб қолган, лекин ҳайиқиб юрган Франц таклифни қабул қилди. Иккиси графнинг меҳмонхонасига кириб борди, беш дақиқа ўтиб, граф чиқди.

– Муҳтарам жаноб, – деди Альбер графга яқинроқ бориб, – кеча унчалик ўхшатиб айтолмаган сўзларимни бугун такрорлашга рухсат этинг. Қандай шароитда менинг қошимга келиб, ёрдам қўлини узатганингизни ва ҳалокат жари ёқасидан тортиб олганингизни умрбод унутмайман.

– Қадрли қўшним, – жавоб қилди граф кулиб, – ёрдамимнинг баҳосини жуда ошириб юбордингиз. Мен фақат йигирма минг франк ақчангизни чўнтагингизда қолдирдим холос. Кўриб турибсизки, бу гапириб ўтиришга арзийдиган нарса эмас. Лекин ўзингизни у ерда шу қадар тетик, мардона тутдингизки, мен бунга жуда қойил қолдим.

– Ўша пайтда, шундан бошқа нима ҳам қила олардим, граф, – деди Альбер. – Мен ким биландир талашиб-тортишиб қолдим, шекилли, дуэлга тушсак керак, деб ўйлагандим. Ҳамма мамлакатларда дуэлга тушишади, лекин ҳеч ерда французларга ўхшаб кулиб туриб дуэлга тушишмайди. Буни ўша қароқчиларга кўрсатиб қўймоқчи эдим. Бироқ, менинг бу гапларим сизнинг менга қилган ёрдамингизни заррача ҳам камситмайди, шунинг учун ҳузурингизга ўзимми ёки дўстларим орқалими бир масалада сизга фойдам тегадиган иш қила олармикинман, деб сўрагани келдим. Отам граф де Морсер испанлар уруғидан, Францияда ҳам, Испанияда ҳам нуфузи жуда баланд, мен ва мени севадиганларнинг ҳаммаси сизга буткул берилганлигига имонингиз комил бўлсин.

– Жаноб де Морсер, сизга очиғини айтсам, – деди граф, – шундай таклифни мен сиздан кутган эдим, мен буни жондипим билан қабул қиламан. Ўзим ҳам бир катта илтимос билан сизга мурожаат қилмоқчиман.

– Қанақа илтимос экан у?

– Мен шу вақтгача Парижда бўлганим йўқ. Уни мутлақо билмайман...

– Ростданми? – хитоб қилди Альбер, – Парижни кўрмай туриб қандай яшаб келдингиз ҳозиргача? Бу ақл бовар қилмайдиган нарса-ку!

– Афсуски, шундай, мен ҳам сизнинг фикрингизга қўшилиб, жаҳон маданиятининг марказини кўриш вақти келди, деб ўйлайман. Бунга шуни ҳам қўшиб қўяйинки, Париж жамоатчилигига олиб кирадиган бирор танишим бўлганда аллақачон борган бўлардим.

– Сиздек зоти-шариф ҳозиргача Парижни кўрмаган бўлсая! – хитоб қилди Альбер.

– Илтифотингиз учун раҳмат. Мен миллионлар борасида жаноб Агуадо билан ёки жаноб Ротшильд билан баҳслаша олишга қурбим етажagini билганим ва Париж биржасида найранг кўрсатишга сираям эҳтиёжим йўқлиги сабабли у ерга боришдан тортиниб турган эдим. Сизнинг таклифингиз энди бу фикримни ўзгартириб юборди. Қадрли жаноб де Морсер, мабодо мен Францияга боргудек бўлсам, у ерда мен учун мутлақо ёт жамоатчиликнинг эшикларини очиб

бера оласизми? (Шу сўзларни айтганда графнинг лабларида ғалати бир табассум пайдо бўлди.)

– Албатта, мен буни, граф, ҳеч шак-шубҳасиз, зўр қувонч билан, жон-дилим билан бажо келтираман! – жавоб берди Альбер. – Бунинг устига худди шу бугун эрталаб Париждан хат олдим, азизим Франц, менинг бу сўзларимни кулгига йўйманг, унда Париж жамоатчилигига яқин бир оиланинг ажойиб қизи билан бир ёстиққа бош қўяжасизми маълум қилишди. Шунга чақиришибди.

– Демак, уйланаркансиз-да? – сўради илжайиб Франц.

– Ёзишларига қараганда шундай бўлса керак. Хуллас, сиз Парижга қайтганингизда мен уйланган, эҳтимол, фарзанднинг отаси бўлиб қоларман. Менинг туғма савлат-салобатимга бу жуда мос бўлиб тушади. Ҳар ҳолда, граф яна қайтариб айтаман, мен ва менинг барча қавму қариндошларим сизнинг ташрифингизга муштоқ ва бутун жони-дили билан хизматингизга тайёр.

– Бўпти, таклифингизни қабул қиламан, – деди граф, – сизга ишонтириб яна шуни айтиб қўяйки, кўпдан буён уйлаб юрган баъзи режаларимни амалга ошириш ниятида Парижга бориш учун бирор сабаб тополмай турган эдим. Мана сабаб топилди.

Бу Монте-Кристо ғорида граф ишора қилган режа эканига Франц заррача шубҳа қилмасди, шунинг учун ҳам у графни Парижга боришга даъват этаётган ўша режаларга оид бирор белги пайдо бўлармикин деб унинг юзига синовчан назар ташлаб қўйди. Бироқ унинг кўнглида нима борлигини билиш (айниқса, у ўз ўй-хаёлларини сирли табассум-ла яшириб турган пайтларда) ниҳоятда қийин эди.

Бу ажойиб зотни Париж жамоатчилигига таништириш зиммасига тушганидан беҳад хурсанд бўлган Альбер графга мурожаат қилди:

– Муҳтарам граф, сизнинг бу ниятингиз саёҳат вақтида хаёлга зумда келиб, зумда кетадиган юзаки ният бўлмасин тагин?

– Йўқ, менга ишонинг, ундай эмас, – деди граф. – Мен ростдан ҳам Парижга бормоқчиман, ҳатто у ерга боришим шарт.

– Қачон?

– Узингиз қачон у ерда бўласиз?

– Менми? – деди Альбер, – икки ҳафта, жуда узоғи билан уч ҳафта ичида. Йўлга қанча вақт кетишига қараб.

– Ундай бўлса, – деди граф, – сизга уч ой муддат берман. Кўриб турибсизки, мен хасислик қилаётганим йўқ вақт масаласида.

– Демак, уч ойдан сўнг меникига ташриф буюрасизми? – деди қувониб Альбер.

– Хоҳласангиз кунини ва соатини ҳам аниқ айтишим мумкин? – деди граф. – Огоҳлантириб қўяй: мен белгиланган вақтдан бир дақиқа ҳам кечикмайдиганларданман.

– Кунини ва соатини аниқ айтсангиз жуда соз бўлади! – деди Альбер.

– Ҳозир кўрамиз.

Граф ойна олдидаги календарга қўл узатди.

– Бугун йигирма биринчи февраль, – деди у ва соатига қаради, – соат ўн ярим бўпти. Йигирма биринчи майда соат ўн яримда мени кутиб олишга розимисиз?

– Жуда соз! – хитоб қилди Альбер. – Нонушта сизга мунтазир туради.

– Қаерда турасиз?

– Эльдер кўчаси, йигирма еттинчи уй.

– У уйда бир ўзингиз бўйдоқчасига яшайсизми?.. Мен сизга халақит бермайманми?

– Мен отамнинг уида тураман, бироқ ҳовлида алоҳида уйим бор.

– Яхши.

Граф эсдалик дафтарини олди-да, ёзиб қўйди: «Эльдер кўчаси, 27, май ойининг 21-кунисида, соат ўн яримда». Кейин дафтарини чўнтагига солди-да деди:

– Энди хотиржам бўлаверинг, мен соатингиз милидек аниқ бўлишга ҳаракат қиламан.

– Кетгунча сизни кўра оламанми? – сўради Альбер.

– Бу сизнинг қачон кетишингизга боғлиқ.

– Эртага кечқурун соат бешда.

– Ундай бўлса мен сиз билан ҳозир хайрлашаман. Неаполга боришим керак. Шанба кунини кечқурун ёки якшанба кунини эрталаб қайтаман. – Сўнг у Францга мурожаат қилди, – сиз-чи, сиз ҳам кетасизми, барон?

- Ҳа.
- Франциягами?
- Йўқ, Венецияга. Мен Италияда яна бир-икки йил бўлман.
- Ундай бўлса, Парижда кўришмас эканмиз-да?
- Бунга муяссар бўлолмасам керак, деб хавотирланяпман.
- У ҳолда, жаноблар, сизга оқ йўл тилайман, – деди граф иккала қўлини Францга ва Альберга узатиб.
- Франц бу зотнинг қўлини биринчи марта қисиши эди, у беихтиёр сесканиб кетди, чунки графнинг қўли мурданикидек муздек эди.
- Демак, гап битта, – деди Альбер, – сиз сўз бердингиз, бўлди. Эльдер кўчаси, йигирма еттинчи уй, йигирма биринчи май, эрталаб соат ўн ярим.
- Йигирма биринчи май эрталаб соат ўн яримда, Эльдер кўчаси, йигирма етти, – такрорлади граф.
- Шундан кейин йигитлар хайрлашиб ташқарига чиқишди.
- Сизга нима бўлди? – сўради Францдан Альбер ўз хонасига қайтиб. – Жуда ташвишли кўринасиз?
- Ҳа, – деди Франц, – шуни айтиб қўйишим керакки, граф ниҳоятда ғалати, ажиб одам. Париждаги учрашувингиздан мен жуда хавотир оляпман.
- Нега хавотир оляпсиз?.. Ўша учрашувдан-а?.. Эсингиз жойидами ўзи! – хитоб қилди Альбер.
- Иложим қанча! Эҳтимол эсим жойидамасдир, бироқ бу гапим ҳақ.
- Менга қаранг, – деди Альбер, – мана энди ўз фикримни айтишга имконият туғилганидан хурсандман, мен кўпдан графни нечундир хуш кўрмаётганингизни сезиб юргандим, у эса аксинча, бизга жуда меҳрибонлик кўрсатиб келяпти. Унга қарши бирор далилингиз борми?
- Ким билади?
- У билан сиз илгари ҳам учрашганмидингиз?
- Ҳа.
- Қаерда?
- Менинг гапимни ҳеч кимга айтмасликка ваъда бера-сизми?

– Ваъда бераман.

– Чинданми?

– Ундай бўлса, айтиб берай, қулоқ солинг.

Сўнг Франц Альберга Монте-Кристо оролига борганини ва у ерда бир тўда контрабандистларни учратганини, улар орасида иккита корсикалик қароқчи ҳам бўлганини айтди. Граф ўша оролдаги ғорда уни «Минг бир кеча» афсоналаридагидан ўтказиб меҳмон қилганини, кечки мазали таомлар, тарёк, ҳайкалларни, туши ва ўнгида нималар кўрганини, эрталаб уйғонганида уларнинг ҳаммаси гумдон бўлиб, уфқда фақат Порто-Веккиога бораётган биргина кемача қолганини батафсил ҳикоя қилиб берди. Кейин Колизейда граф билан Луиджи ўртасида бўлган гапларни эшитганини, шунда граф Пеппинони қутқариб беришга ваъда қилганини, сўнг граф бу ваъдасини бажарганини айтди.

Охирида Франц ўтган кеча юз берган воқеани – тўлов ҳақиға етти юз пиастр етмай, жуда оғир аҳволга тушиб қолганини, шу пайт унда графга мурожаат қилиш фикри туғилганини, натижада мушқули осон бўлиб, ишлар жойида бўлиб кетганини сўзлади. Альбер дўстининг сўзларини қулоқларини динг қилиб эшитди.

– Хўш, нима бўпти? – деди Альбер дўсти ҳикоясини тугатгач. – Хўш, сиз булардан бирор қийиқлик топдингизми? Граф саёҳат мафтуни, у бадавлат, шахсий кемага эга бўлишни истайди. Портсмут ёки Саутгемптонга борсангиз гавань бой инглизларнинг ажойиб, шинам кемалари билан лиқ тулиб ётганини кўрасиз. Граф ҳамшиша, ҳамма ерда бирор-та бошпанага эга бўлмоқ учун, мен тўрт ой, сиз тўрт йилдан буён ўлганимизни кунидан тановул қилиб юрган бемаза овқатларни емаслик учун, жоннинг азоби ифлос тўшакларда ётмаслик учун Монте-Кристо оролида ҳам ҳашаматли уй ясаб олган. Сўнг Тоскания ҳукумати уйни тортиб олиб, қимматбаҳо жиҳозлардан маҳрум этиб қўйишидан кўрқиб, оролни сотиб олган ва унинг номини ўзига ном қилиб олган. Азизим, ўзингиз яна бир ўйлаб кўринг, ўзи ҳеч вақт эга бўлмаган жойларнинг номини қўйиб олган таниш-билишларингиз озми, айтинг-чи?!

– Унинг гуруҳидаги корсикалик қароқчилар-чи? Бунга нима дейсиз? – деди Франц.

– Бунда таажжубланадиган нима бор? Корсика қароқчилари талончилик билан шуғулланмаслигини жуда яхши биласиз. Улар уруғчилик интиқоми туфайли туғилган шаҳри ёки қишлоғидан бадарға қилинган қочоқлар, холос. Улар гурунгида ўз ор-номусига путур етказмай бемалол юравериш мумкин. Менга келганда, шуни айтишим керакки, қачондир Корсикага бориб қолгудек бўлсам, губернаторга ва профектга боришдан олдин, мени Коломба қароқчилари билан (агар уларни ахтариб топишнинг иложи бўлса) таништиришни илтимос қиламан. Мен уларни ажойиб одамлар деб биламан.

– Вампа ва унинг тўдаси-чи? – деди эътироз билдириб Франц. – Ахир улар талончи, ҳақиқий қароқчилар-ку, бунга сиз эътироз билдирмасангиз керак. Бунақа махлуқларга графнинг таъсири қандай деб ўйлайсиз?

– Азизим, мен ана шу таъсир туфайли бир ўлимдан қолдим, шу сабабли бу ҳақда бирор ёмон фикр айтишга қандай қилиб журъат эта оламан? Мен ҳам сизга ўхшаб, бунда графнинг бўйнига айб қўя олмайман, лекин мени ҳаётимни сақлаб қолмаган бўлса-да, ҳар ҳолда тўрт минг пиастр ақчамни чўнтагимда қолдирган қўшнимизнинг гуноҳларини кечирдим. Бу бизнинг пулимизда роппа-роса йигирма тўрт минг франк бўлади. Францияда менинг баҳомни ҳечам бунчага чиқармасдилар. Бу деган гап – менинг ватанимда пайғамбар йўқлигидан далолат беради, – деди Альбер кулиб.

– Ватан деганингизда эсга келди: графнинг ватани қаерда экан? Она тили қанақа экан? Қанақа сармоя эвазига яшаркин у? Бу беҳисоб бойликни у қаердан олдийкин? Сирли ҳаётининг биринчи ярми қандай саргузаштлар билан ўтдийкин, уни қандай сабаблар ҳозирги нурсиз ҳаёт гирдобига улоқтириб ташладийкин? Мен сизнинг ўрнингизда бўлсам мана шуларни аниқлаб олишга уринган бўлардим.

– Азизим Франц, – жавоб берди Альбер, – мендан хат олганингизда ва графнинг ёрдами керак бўлиб қолганда сиз бориб унга: «Менинг дўстим Альбер де Морсернинг ҳаёти таҳлика остида, уни қутқариб олишга ёрдам беринг», дедингиз, тўғрими?

– Тўғри.

– Ушанда у сиздан, Альбер де Морсер ўзи қандай одам, деб сўрадимиз? Номини қаердан олди? Бойликни қаердан топди? Ватани қаерда? Қаерда туғилган, деб сизга савол бердимиз?

– Рост, сўрагани йўқ.

– У ўрнидан тургану, сиз билан кетаверган. Мени у Луиджининг чангалидан қутқариб олди. Сиз, менга «Ўзингизни жуда дадил, эркин тутдингиз» дедингиз, аммо тўғриси айтсам, у ерда ўзимни жуда ёмон ҳис этиб ётган эдим. У мендан арзимаган бир нарсани, яъни Париж жамоатчилиги билан таништириб қўйишимни илтимос қилган экан, сиз бу ўтинчини рад этишимни истайсизми? Ахир биз Парижга ҳар куни ташриф буюрадиган рус ёки итальян князига ҳам ёрдам берамиз-ку. Қўйинг-э, Франц, эсингизни еб қўйибсиз!

Иқрор бўлиш керакки, бу гап Альбернинг сўзларида жон бор эди.

– Хуллас, қадрли виконт, ихтиёрингиз ўзингизда, билганингизни қилаверинг, – деди хўрсиниб Франц. – Айтган гапларингизнинг ҳаммаси асосли, ишонарли. Лекин шунга қарамай, граф Монте-Кристо ғалати одам.

– Граф Монте-Кристо анойи эмас. У Парижга нима учун бораётганини сизга айтмади, билиб қўйинг, Монтион мукофотини олгани кетяпти. Агарда бу мукофотни олиши учун унга менинг овозим ва мукофот берувчи бирор тавъянинг ёрдами керак бўлиб қолгудек бўлса, биринчи бўлиб ўзим унга овоз бераман, иккинчисини эса кўндираман. Дўстим, шу билан гап тамом. Овқат қилайлик, сўнгра охириги марта муқаддас Пётр жомесини бориб зиёрат қилиб келайлик.

Эндиликда Альбернинг айтгани бажарилди, эртаси куни соат бешда дўстлар хайрлашишди. Альбер де Морсер Парижга қайтди, Франц д'Эпине икки ҳафтага Венецияга жўнади.


Аммо Альбер меҳмоним белгиланган учрашувни унутиб қўймасин тагин, деб хавотир олди ва шу сабабли извошга ўтираётиб, граф Монте-Кристога бериб қўйиш учун унинг хизматкорига ташриф қоғозини берди. Ундаги «Виконт Альбер де Морсер» деб ёзилган сўзлар тагига қалам билан шу сўзларни ёзиб қўйди:

*«21 май, эрталаб соат ўн ярим, Эльдер кўчаси, 27».*





Ушинги  
Қисм



## I. АЛЬБЕРНИНГ МЕҲМОНЛАРИ

Эльдер кўчасидаги уйда 21 май эрталабдан меҳмонларни яхшилаб кутиб олиш учун тайёргарлик кўришяпти. Маълумки, виконт де Морсер граф Монте-Кристо билан мана шу ерда учрашишини Римдаёқ келишиб олган эди.

Альбер катта ҳовлининг бурчагидаги хизматкорлар жойлашган уйнинг рўпарасидаги бинода истиқомат қиларди. Бинонинг икки деразаси кўчага, учтаси ҳовлига, қолган иккитаси боққа қараган эди.

Ҳовли билан боғ ўртасига граф ва графиня де Морсернинг кенг-мўл шинам бошпанаси жойлашган. Бу бино Наполеон даврининг кўримсиз, бесўнақай услубида қурилган. Ҳовли кўча томондан ҳашаматли панжара билан ўраб олинган, ҳар бир устун тепасига гул солинган гулдонлар қўйилган, панжара ўртасида тантанали ташрифлар учун темирлари найзанусха махсус зарнақш дарвоза, дарвозабон хонаси ёнида хизматчилар учун алоҳида кичкина кўча эшиги. Уй эгаларига ҳам махсус эшик очилган, пиёда юрганларида шу эшикдан кириб-чиқишади.

Альбернинг уйини қуришда ўғлидан ажралиб туришни истамайдиган онанинг меҳрибонлиги сезилиб турарди. Ана шу она уйни қурдирганда ўғли ёшидаги йигит тўла эркинликка муҳтожлигини ҳам ҳисобга олган. Иккинчи томондан олганда, эркин ҳолда ўйин-кулги билан ҳаёт кечиришни яхши кўрадиган виконтнинг худбинлиги ҳам бинони тиклашда анча роль ўйнаган бўлса керак. Аслида ҳамма бадавлат зотларнинг болалари ана шундай эркин ҳаёт кечиришади.

Деразадан Альбер кўчада бўлаётган воқеаларни кўриб ўтириши мумкин, ахир ёшларнинг кўз олдида ҳаммиша жонон ойимчалар жилва қилмоғи шарт-да! Мабодо у бирор нарсани синчиклаб кўздан кечириши керак бўлиб қолса, махсус эшикдан чиқиши мумкин. Бу эшик бояги дарвозабон хонаси ёнбошидагига ўхшаган бўлиб, бу ҳақда алоҳида гапириб бериш керак бўлади.

Уй қуриб битказилган кундан бошлаб бу эшикни унутиб ташлаб қўйишди, деса бўлади, чунки уни чанг босиб кетган эди. Бироқ қулф ва ҳалқасининг яхшилаб мойлаб қўйилгани бу эшикдан яширин равишда тез-тез фойдаланиб тураётганларидан далолат берарди. Бу эшик бошқа икки эшик билан рақобат қилиб, қоровулнинг ўткир нигоҳидан четда, махфий равишда очилиб-ёпилар, худди афсонавий тилсимотларнинг эшигига ўхшарди.

Эшикдан кираверишдаги даҳлиз тўрида ўнг томонда деразалари ҳовлига қараган овқатхона, чап томонда деразалар боққа қараган меҳмонхона. Деразалар олдидаги буталар ва бўй бериб, чирмашиб кетган ўсимликлар биринчи қаватдаги бу иккала хонани ёт кўзлардан бекитиб қўйган.

Иккинчи қаватда худди шундай икки хона ва даҳлиз устида яна учинчи хона. Бу ерда меҳмонхона, ётоқхона ва хотинлар хонаси жойлашган.

Пастки қаватдаги меҳмонхона Жазоир саломхонасига ўхшатиб, чекувчилар учун қурилган.

Иккинчи қаватдаги хотинлар хонаси билан ётоқхона ўртасига эшик ўрнатилган, у ердан тўғри зинага чиқадиган эшик бор. Хуллас, ҳамма ёқда эҳтиёт чоралари кўриб қўйилган эди.

Учинчи қават рассомга ёки бирорта олифта оқсуякка тааллуқли турли-туман буюмларга лиқ тўпа эди. Унда бурғулар, контрабаслар, флейталар, бутун бошли бир оркестрнинг мусиқа асбоблари уюлиб ётарди. Альбер бир вақтлар мусиқага хавас қўйганди, лекин кўп ўтмай, рассомликка ишқибоз бўлиб, мольберт унинг хонасидан жой олди, охири булардан воз кечиб рапира, боксчиларнинг қўлқоплари, қиличлар, гурзилар унинг эрмаги бўлиб қолди, чунки Альбер ҳам ўша давр оқсуяк ёшлари анъанасига амал қилиб, мусиқа ва тасвирий санъатдан кўра кўпроқ бокс, қиличбозлик ва гурзи ишлатиш билан шуғулланар ва навбатма-навбат Гризье, Кукс ва Шарл Лебуше билан куч синашарди.

Хонанинг қолган жойларига Франциск I даврининг жавонлари қўйилган бўлиб, бу жавонларга хитой чиннилари, япон вазалари, Лукка делла Роббианинг гулдор идишлари, Бернар де Палиссини ликопчалари тўлдириб ташланган эди.

Хонада чиройли юмшоқ курсилар ҳам бор. Курсилардан иккитасига ўймакор устанинг маҳорати билан ясалган гербда учта француз нилуфари ва қирол тожи ялтираб турибди. Шунинг учун ҳам бу курсиларда Генрих IV ё Сюлли, Людовик XIII ёки Ришелье савлат тўкиб ўтирган бўлса керак, деб ўйлайди киши. Бу ерга уларнинг Лувр оմборидан ёки бошқа бирор қирол саройидан келтирилгани шубҳасиз. Ана шу ҳашаматли курсилар устида Эрон қуёшининг нурини эмган ёки Калькутта ё Чандернагор аёлларининг моҳир қўллари билан нақшланган қимматбаҳо ранго-ранг газламалар ёйиб ташланган. Бу газламалар нима учун бу ерга ташлаб қўйилганини ҳеч ким билмасди, бунинг сабаби ҳатто эгасининг ўзига ҳам аён эмасди, фақат товланиб турган зарҳал шоҳилар жилваси хонага нур сочиб, кўзларни қамаштириб турарди.

Кўзга яққол ташланадиган жойда Роллер ва Бланшенинг рангдор рояли турибди, ҳажми бизнинг ҳозирги мўъжаз меҳмонхоналаримизга тўғри келадиган бу рояль ичига бутун бир оркестрни жойлаштириб олиб, Бетховен, Вебер, Моцарт, Гайдн, Гретри ва Порпорларнинг<sup>32</sup> ноёб куйлари остида нола қиларди.

Деворларда, эшиклар тепасида, шифтда шамширлар, ханжарлар, пичоқлар, гурзилар, болталар, гулдор заррин яроғ-аслаҳалар осифлиқ. Булардан ташқари сон-саноксиз гербарийлар, маъдан бўлаклари, ялтироқ қанотларини ёзиб, оғизларини мангуга очганча қимир этмай турган қушлар тулумлари...

Альбернинг энг севимли хонаси шу.

Шундай бўлса-да, учрашув куни Альбер тонгги либосда пастки қаватнинг кичкина меҳмонхонасида ўтирарди. Юмшоқ диван олдидаги столчада аъло нав тамакилар – Петербургнинг сарғиш тамакисидан тортиб то Сингаининг кора тамакисигача – ҳамма тамакилар солинган голланд чинни кўзалари, улар ёнида хушбўй қутичаларга қадр-қимматига яраша пурослар, регалиялар, гаваналар ва маниллар солинган. Очиқ жавонда турли хил немис трубкалари ва кумуш, ёқут, садафлар билан безалган гўзал чилимлар

---

<sup>32</sup> Композиторлар

шинаванда кашандаларни кутиб маҳтал бўлиб турибди. Буларни Альбернинг ўзи бош бўлиб ташкил этди. Замонавий меҳмонлар мазали нонуштадан ва бир пиёла қаҳвадан сўнг ана шундай жойда талтайиб олиб, буралиб-буралиб шифтга кўтарилаётган тутунга тикилиб хаёл суришни яхши кўришади.

Чорак кам ўнда маҳрам кирди. Фақат инглиз тилида гапирадиган ўн беш ёшли жиповдор Жоннини ҳисобга олмаганда, бу Морсернинг яккаю ягона хизматчиси эди. Ўз-ўзидан маълумки, оддий кунлари ота-онасининг ошпази, тантанали кунларда эса отасининг қароли ҳам Альбернинг итоатида бўларди.

Маҳрамнинг номи Жермен. У ёш хўжайиннинг тўла ишончини қозонган. У столга бир даста газета қўйди, Альберга бир даста хат узатди.

Альбер хатларга паришон ҳолда назар ташлади-да, ҳусни-хат билан ёзилган, атир ҳиди анқиб турган икки конвертни очди, шоён диққат билан ўқиди.

– Бу хатлар қандай қилиб олинди? – сўради у.

– Биттаси почтадан келди, иккинчисини эса Данглар хонимнинг хизматчиси келтирди.

– Данглар хонимга хабар қилинг, мен ҳурматли бегойимнинг ложасида бўлиш ҳақидаги таклифни қабул қиламан... Тўхтанг... Сўнг Розанинг ҳузурига бориб айтинг, мен операдан сўнг уникига бораман, сиз Розаникига олти шиша энг соз кипо виносидан, бир бочкачада устрица олиб бориб қўясиз... Устрицани мен учун деб Борелдан олинг.

– Нонуштани қай вақтга тайёр қилайлик?

– Ҳозир соат неча?

– Чоракам ўн.

– Ўн яримда келтиринг. Эҳтимол, Дебрэ министрлигига шошаётгандир... Бундан ташқари (Альбер ён дафтарини олиб қаради) мен графга ҳам худди шу вақтни – йигирма биринчи май соат ўн яримда келасиз, деб айтгандим, унинг ваъдасига унчалик ишонқирамай турсам-да, ўзим аниқ шу вақтда тайёр бўлиб турмоғим шарт. Айтмоқчи, графиня ўринларидан турганмикинлар, хабарингиз борми?

– Жаноб виконт шуни истар эканлар, бориб билиб келишим мумкин.

– Яхши... Ликёрларидан ҳам берсин, айтинг, менда камроқ экан, яна айтиб қўйинг, мен соат учда ҳузурларида бўлиб, бир жаноб билан таништираман.

Маҳрам чиқиб кетиши билан Альбер ўзини диванга ташлади, газета очиб, театрларнинг репертуарларини кўздан кечирди, балет ўрнига опера қўяётганларини кўриб ижирғанди, кимдир тавсия этган тиш дориси тўғрисидаги эълонни ахтариб тополмагач, энсаси қотиб машҳур учта Париж газетасини улоқтириб ташлади-да, чўзиб эснади ва:

– Газеталар ростданам борган сайин одамни зериктирадиган бўлиб кетяпти-да, – деб минғирлаб қўйди.

Шу пайт дарвоза олдига енгил извош келиб тўхтади, бир зум ўтар-ўтмай маҳрам Люсьен Дебрэ келганини айтди. Хонага новча, сарғиш соч, рангпар, кўк кўз, юпқа лаблари такаббуруна бурилган бир киши қовоғидан қор ёғиб кеккайиб кириб келди. У заррин тугмали фрак кийиб, оқ галстук таққан, ингичка ипак ипли бир кўзли кўзойнаги фрагининг соат чўнтагидан осилиб турибди.

– Салом, Люсьен! – деди Альбер. – Сиз вақтдан олдин келиб одамни хижолат қилиб қўясиз-да! Мен сизни ҳаммадан кейин келади деб ўтиргандим, сиз эса беш дақиқа кам ўнда кириб келдингиз. Нонушта ўн яримга тайин этилган эди-ку, ахир. Ажабо! Хона ағдарилмадимикин, тағин?

– Йўқ, азизим, – деди жавобан йигит диванга чўкаётиб, – биз доим лиқиллаб тебраниб турамизу, аммо ҳеч вақт ағдарилиб тушмаймиз, хотиржам бўл. Биз ҳечам ўзгармайдиган бўлиб боряпмиз, деган фикрга кела бошладим мен, ярим оролдаги ишлар бизнинг мавқеимизни батамом мустаҳкамлаши турган гап.

– Э, эсим қурсин, ахир сизлар дон Карлосни Испаниядан ҳайдаяпсизлар-ку.

– Асло ундай эмас, адашманг. Биз уни чегаранинг бу томонига жўнатяпмиз ва Буржда шоҳона жой таклиф этаётирмиз.

– Буржда?

– Ҳа, Буржда. У ҳеч нимадан нолимаса ҳам бўлади, иши беш! Бурж – Карл VII нинг пойтахти. Сиз ҳали бундан беҳабармисиз? Кечаёқ бу гап бутун Парижга маълум бўлди, уч кун илгари эса бу хабар биржага етган экан. Данглар гаров

уйнаб бир миллион ютиб олди (Бу одам ҳамма янгиликларни қандай қилиб биз билан бир вақтда билиб оларкин, ҳеч ақлим бовар қилмайди).

– Сиз янги тасма тақиб олдингиз, шекилли? Камарингиз тўқасида янги чизиқ пайдо бўлиб қолибди, илгари йўқ эди-ку?

– Шундай. Менга Карл III юлдузини юборишибди, – деди назарига илмагандек Дебрэ.

– Узингизни бепарволикка солманг, бу мукофотни олиб қувонгансиз, албатта.

– Тўғриси, қувондим. Бу юлдуз фракка тақилганда жуда очиб юборади одамни.

– Яъни Уэльс шаҳзодасига ёки Рейхштад герцогига ўхшаб кетади одам, – деди кулиб Морсер.

– Азизим, эрта келганимнинг боиси ана шунда.

– Яъни Карл III юлдузини олганингиз тўғрисидаги қувончли хабарни менга билдириш учун барвақт келдингиз, шундайми?

– Йўқ, бунинг учун эмас. Йигирма бешта дипломатия хатини жўнатиш учун тун бўйи ишладим. Уйга тонг отганда қайтдим, ухламоқчи бўлиб уриндим, бўлмади, бошим ёмон оғриди, сўнг ўрнимдан турдим-да, отга миниб сайр этдим. Булон ўрмонига борганда зерикдим, қорним очиб қолди. Бир-бирига душман бу икки ҳиссиёт камдан-кам бирга пайдо бўлади кишида, бироқ бу гал иккиси менга қарши бирлашиб, карлист республикачилар союзига ўхшаш уюшма туздилар. Ана шунда бугун сизникида зиёфатда бўлажакимиз эсимга келиб қолди, мана камина ҳузурингизда ҳозир бўлиб турибди. Қорним оч, овқат беринг, зерикиб, сиқилиб кетдим, кўнглимни чоғ этинг.

– Бу мезбон сифатида менинг бурчим, қадрдон дўстим, – деди Альбер, сўнг қўнғироқ қоқиб маҳрамни чақирди. Бу пайт Люсьен фируза кўзли, олтин тутқали таёқчаси билан ёйилиб ётган газеталарни ирғитиб-ирғитиб ташлай бошлади. – Жермен, бир рюмка херес виноси ва бисквитлар келтиринг. Ҳозирча, қадрдон Люсьен, мана бу сигаралардан тортиб туринг, булар контрабанда йўли билан келтирилган, албатта. Бир чекиб кўринг-да, министрнингизга бизга мана шунақаларини сотишни таклиф этинг.



Ҳозир бизда у жанобнинг муруввати билан аксари шаҳар фуқароси чекаётган қўланса тамаки ҳамманинг меъдасига тегди.

– Бўлмаган гап! Бу сигараларингиз очиқ келадиган бўлса, дарров улардан воз кечасиз ва уларни бир кўришдаёқ кўнглингиз айнийдиган бўлиб қолади. Бироқ бу ички ишлар министрлигига эмас, молия министрлигига тааллуқли гап. Солиқлар департаментида жаноб Юманга мурожаат қилинг. Жанобнинг манзили ўша департамент идорасининг А даҳлизигаги йигирма олтинчи хона.

– Сиз ҳамма нарсалардан хабардорсиз-а, қойил! Қойил!  
– деди Альбер. – Қани, сигарадан олинг энди!

Люсьен манила сигарасидан бирини олиб заррин шамдондаги қизғиш шам ўтига ёндириб олди-да, ўзини диванга ташлади.

– Сиз жуда бахтли зотсиз-да ҳеч нима билан ишингиз йўқ, ялло қилиб юрасиз, – деди Люсьен, – тўғри, бунга ўзингиз иқрор бўлишни истамайсиз.

– Қироллик тинчлигини сақловчи қадрли дўстим, хўш, бекор бўлсангиз ўзингиз нима қилардингиз? – деди бир оз киноя билан эътироз билдириб Морсер. – Сиз министрнинг шахсий котибисиз, айти вақтда улкан Европа сиёсати борасидаги ҳамма ҳийла-найрангларнинг ҳамда Париждаги майда-чуйда фитна-иғволарнинг иштирокчисисиз. Қиролларни ҳимоя қиласиз, партия тузасиз, сайловга раҳбарлик ҳам сизнинг қўлингизда, хонангизда ўтириб олиб, қалам ва телеграф ёрдамида жанг майдонида қилич билан Наполеон эришадиган ғалабадан кўпроқ ғалабага эришасиз. Сиз йилига йигирма беш минг ливр даромад оласиз (бунга маош кирмайди), яна ажойиб аргумофингиз ҳам бор, Шато-Рено уни тўрт юз ливдорга сотиб олмоқчи бўлганда сиз кўнмадингиз. Кийимингизни жуда қойилмақом қилиб тикиб берадиган махсус тикувчи ҳам ҳаммиша хизматингизга тайёр. Опера, Жокейклуб ва Варьете театрининг шоҳона пожалари ихтиёрингизда, шундай бўла туриб, кўнгилад очадиган жойим йўқ, деб қолдингиз, азизим? Мана мен бугун сизнинг кўнглингизни хуш қиламан.

– Нима билан?

– Янги танишлар билан.

- Эркак биланми ёки аёл биланми?
- Эркак билан.
- Шундоғам эркак танишларим кўп.
- Аммо бунақасини ҳали кўргангиниз йўқ.
- У қаёқдан келган? Дунёнинг нариги бурчагиданми?
- Эҳтимол ундан ҳам наридандир.
- Оббо! Ҳар ҳолда нонуштани ўша зот келтирмаса керак?
- Асло, хотиржам бўлинг, нонуштани шу ерда тайёрлашяпти, уйда. Ҳа, жуда очга ўхшайсиз?
- Уят бўлса-да, айтишга мажбурман: қорним жуда оч. Кеча тушликни жаноб де Вильфорникида қилган эдим, сиз ҳам сезгандирсиз, бу суд ходимлариникида овқат жуда кам, бемаза бўлади. Уларни виждон азоби қийноққа солса керак, деган фикр туғилиши мумкин кишида.
- Бошқаларнинг овқатини ерга урасиз, лекин министрларингизникида овқат қанақалигини биласизми?
- Биламан, аммо биз овқатга бамаъни одамларни таклиф қилмаймиз, агар биз эзгу нияти холис кишиларни ва бизга овоз берадиган камбағалларни меҳмон қилишга мажбур бўлмасак эди, уйда хавф-хатарсиз овқатлана олмасдик.
- Ундай бўлса, яна бир рюмка херес ичиб, бисквитдан енг.
- Жоним билан, бу испан виноси ниҳоятда соз экан, мана, кўриб турибсизки, бу мамлакатда биз тартиб ўрнатиб, жуда олижаноб, ҳаққоний иш қилган эканмиз.
- Тўғри, бироқ дон Карлоснинг ҳоли нима кечади?
- Нима кечарди! Дон Карлос қизил виноларни ичиб маза қилиб юради, ўн йилдан сўнг унинг ўғлини кичик қироличага уйлантириб қўямиз.
- Бунинг учун сиз, мабодо ўша вақтгача шу хизматда бўлсангиз, албатта Олтин Барра оласиз.
- Чамамда, Альбер, бугун сиз мени беҳуда гаплар билан қорнимни тўйғизмоқчисиз, шекилли.
- Шундай бўлса нима бўпти, нафсни алдашнинг энг яхши йўли шу-да. Ташқаридан Бошаннинг овози келяпти, у билан бир баҳслашинг, анча овунасиз.
- Нима ҳақда баҳслашаман у билан?
- Газеталарда нималарни ёзишаётганлари тўғрисида.

– Ахир мен газетани қўлимга ҳам олмайман-ку? – деди жирканган оҳангда Люсьен.

– Ана шунда баҳслашишга асос кўпроқ бўлади-да.

– Жаноб Бошан! – деди маҳрам.

– Қани, марҳамат, кирсинлар, эй зўр адиб, кирсинлар! – деди Альбер янги меҳмоннинг истиқболига чиқиб. – Мана Дебрэ, ўзининг айтишига қараганда, мақолаларингизни ўқимаса-да, бу газетани кўргани кўзим йўқ, дейди.

– Жуда ҳақ гап айтибди-да у, – жавоб қилди Бошан, – мен ҳам унинг нима қилаётганини билмайману, аммо сўкканим сўккан. Салом, командор.

– Уҳ-ҳў, ҳали бунисидан ҳам хабардорман денг? – деди министрнинг шахсий котиби табассум-ла журналистнинг қўлини сиқиб.

– Бўлмасам-чи?

– Жамиятда бу ҳақда нима гаплар?

– Қайси жамиятда? Милодий йил билан ҳисоблаганда, минг саккиз юз ўттиз саккизинчи йилга келиб, жамиятларнинг уруғи жуда кўпайиб кетган. Қайсинисини айтяпсиз?

– Сиз ҳам раҳнамо бўлган сиёсий-танқидий жамиятни.

– Бу жуда муносиб иш, дейишяпти ва сизни, бу одам тилида инқилоб тарафдори бўлсаям, дилида барибир қиролни ёқлайди, дейишяпти.

– Жуда оқилона гап, – деди Люсьен. – Сиз нега бизнинг тарафимизда эмассиз, қадрли Бошан? Бу ақл-заковатингиз билан бир-икки йилда амалдор бўлиб кетардингиз-да.

– Энди қилмаганим сизнинг гапингизга кириб, ярим йилгина ағдарилмай бардош бериб тура оладиган министрликда ишлаш қолди. Энди сизга битта сўзим бор, Альбер, шўрлик Люсьен дамани олсин. Нонушта қиламизми ёки тушликми? Ахир мен тезроқ Палатага боришим керак-ку. Мана кўриб турибсизки, бизнинг ишимиз нуқул ҳузур-ҳаловатдан иборат эмас.

– Фақат нонушта, яна икки кишини кутиб турибмиз, улар келиши биланоқ дастурхонга ўтирамиз.

– Кимни кутяпмиз? – сўради Бошан.

– Бир аристократни ва бир дипломатни, – деди Альбер.

– Э-э, демак, аристократни икки соат, дипломатни эса ундан ҳам кўпроқ кутарканмиз-да. Мен десертга етиб ке-

ламан. Менга қулупнай, қаҳва ва сигарадан олиб қўйсангиз бас. Овқатни Палатада еб оларман.

– Қўйинг бу гапингизни, Бошан, аристократ Монморанс, дипломат Меттерних бўлганда ҳам бизга барибир, нақ соат ўн яримда нонуштани бошлаймиз, ҳозирча Дебрэдан ўрнак олинг-да, вино ичиб, бисквит еб ўтиринг.

– Бўпти, қолганим бўлсин. Мен бугун албатта кайф-сафо қилишим шарт эди.

– Мана сиз ҳам худди Дебрэнинг ўзи бўлдингиз! Министрликнинг кўнгли хира бўлиб қолганда, оппозициянинг вақти чоғ бўлмоғи керак.

– Тўғри, бироқ бошимда қандай ташвиш борлигини сиз билмайсиз ҳали! Бугун кундузи депутатлар палатасида Дангларнинг нутқини, кечқурун унинг хотининикида Франция пэрининг фожиасини тинглашим керак. Шайтон олсин бу конституцион тузумни! Бизни, сайлаш ҳуқуқига эга одамлар, дейишади. Хўш, биз қандай қилиб Дангларни сайладик?

– Тушуниб турибман: сиз жуда хушчақчақ бўлиб олишингиз керак.

– Дангларнинг нутқини масхара қилманг, – деди Дебрэ. – Ахир у сизга овоз беради-ку, у ҳам оппозицияда.

– Ана, бутун бало шунда-да! Сизлар уни қачон Люксембург саройига обориб қўяркансизлар, деб кутавериш тоқатим тоқ бўлди. У ўша саройда гумдон бўлса яйраб кулиб юрган бўлардим.

– Испанияда ишлар жойидага ўхшайди-ку, – деди Альбер Бошанга. – Бугун тилингиздан заҳар томиб турибди. Аммо Париж жамоатчилигида мадемуазель Эжени Данглар билан менинг тўйим ҳақида гап тарқалиб кетганини унутманг. Ахир кунларнинг бирида менга: «Виконт, қизим учун икки миллион бераётганимдан хабардормисиз?», дейдиган кишини масхара қилишим одобдан бўлмайди-ку.

– Бу тўй бўлмайди, – деди унинг сўзини бўлиб Бошан. – Қирол уни барон қилиб кўтариши, пэр унвони бериши ҳам мумкин, бироқ уни аристократ қилолмайди. Граф де Морсер эса ўтакетган аристократлардан, шунинг учун у арзимас икки миллион эвазига паст табақа кишиси билан қуда бўлишга асло рози бўлмайди. Виконт де Морсер фақат маркизага уйланиши мумкин.

– Икки миллион! Бу ҳар қалай, чакана пул эмас, – деди эътироз билдириб Морсер.

– Бу Бульварлардаги биронта театрнинг ёки Ботаника боғи билан Рапэ оралиғидаги темир йўл шохобчасининг капитали.

– Қулоқ берманг унинг гапларига, Морсер, – деди эснаб Дэбрэ, – уйланаверинг. Ахир сиз бир қоп пулни олиб никоҳ қиласиз-ку, барибир эмасми сизга! Келинг, бир герб ва бир ноль кўп бўлса бўпти-да, сизнинг гербингизда еттита мерлетка бор, учтасини хотинингизга берасиз, ўзингизда яна тўрттаси қолади. Бу ҳар ҳолда герцог Гизникидан битта ортиқ. Гиз эса Франция қироли бўлишига сал қолди, унинг амакиваччаси Германия императори бўлган.

– Гапингиз тўғри чоғи, – деди паришон ҳолда Альбер.

– Бўлмасам-чи? Бунинг устига бу қурғур миллионерларнинг ҳаммаси худди ҳаромзодалар сингари асилзода бўлади.

– Жим! Овозингизни ўчиринг, Дебрэ, – деди кулиб Бошан, – Шато-Рено келяпти, у сизни сафсатабозлик балосидан халос этиш учун бобоси Рено де Монтобандан қолган найза билан кунингизни калта қилади-қўяди.

– У шундай қилса, ўз нуфузига путур етказган бўлади, – деди жавобан Люсьен, – чунки мен жуда паст табақаларга мансуб одамман.

– Ана холос! – хитоб қилди Бошан. – Министрлик Беранже мақомига кифт қоқа бошлади-ку, жаноблар, мана кўрдингизми қаёққа йўл оляпмиз!

– Жаноб де Шато-Рено! Жаноб Максимилиан Моррель, – деди кириб маҳрам.

– Энди ҳамма келди! – деди Бошан. – Демак нонуштага ўтирамиз, сиз, Альбер, фақат икки кишини кутаётган эдингиз, тўғрими?

– Моррель! – деди шивирлаб таажжубга тушиб қолган Альбер. – Моррели ким экан?

У сўзини тамом этиб улгурмасдан жаноб де Шато-Рено кириб келди. Жаноб Шато-Рено ўттизларга кирган хушсурат йигит бўлиб, учига чиққан аристократ, яъни сиртдан кўринишда Гиша ва ақл борасида Мортемарнинг ўзи эди. У Альберни кўлтиғидан олди-да, деди:

– Альбер, рухсат этинг, таништирай: бу киши капитан Максимилиан Моррель, менинг дўстим ва халоскорим. Бу кишини тавсия этиб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Виконт, қаҳрамонимни қутланг.

Шато-Рено орқага тисарилиб ўрнини новча ва салобатли, манглайи кенг, ўткир кўз ва қора мўйлов йигитга берди. Уқувчиларимиз бу йигитни Марселда маълум драматик ҳолатда кўрган эдилар. Ҳойнаҳой унутмаган бўлишса керак. Ярим французча, ярим шарқча гулдор камзули Фахрий Легион белгиси безаб турган кенг кўксига ва хипча белига ёпишган, жуссасига ҳусн бағишлаган эди. Ёш офицер, жуда мақомини келтириб саломлашди. Унинг барча ҳаракатлари латофатли эди, чунки у бақувват эди. Альбер қувониб кетиб гап қотди:

– Жаноб Моррель, сиз билан танишиш менга катта қувонч бағишляягагини барон Шато-Рено илгаридан биларди. Сиз унинг дўсти экансиз, аминман, бизнинг ҳам дўстимиз бўлиб қоласиз.

– Жуда соз, – деди Шато-Рено, – қадрдоним виконт, бу зот сизга қилган яхшилигини менга ҳам қилсин, деб умидвор бўлаверинг.

– Қандай яхшилиқ қилди у сизга? – сўради Альбер.

– Барон жуда ошириб юборди, – деди Моррель, – гапиришга арзийдиган нарса эмас!

– Нега арзимас экан? – хитоб қилди Шато-Рено. – Наҳотки ҳаёт гапиришга арзимаيدиган нарса бўлса?.. Ростданам сиз, қадрдон Моррель, улкан файласуфсиз... Сиз шундай дея опасиз, жонингизни ҳар кун таҳликага солиб юрасиз, аммо фавқулодда шундай ҳолга тушиб мен учун...

– Барон, ҳамма гапдан мен шуни тушундимки, капитан Моррель сизни ўлимдан қутқариб қолибди.

– Бўлган ҳамма гап шундан иборат! – деди Шато-Рено.

– Нима бўлди ўзи? – сўради Бошан.

– Бошан, азизим, ахир инсоф қилинг, қорним очиб, ичагим узилай деяпти! – деди Дебрэ. – Қўйинг, ўша узундан-узоқ ҳикояларингизни.

– Ия, ахир мен дастурхонга ўтиришга халақит бераётганим йўқ-ку? – деди Бошан. – Шато-Рено ҳамма гапни овқат устида ҳам гапириб бераверади.

Морсер гап кўшди:

– Жаноблар, ҳозир ўндан фақат чорак ўтди, биз охириги меҳмонни кутиб турибмиз.

– Ҳа, айтгандай, дипломатни-я, – деди Дебрэ.

– Дипломатми, бошқа бировми, менга аён эмас. Мен унга бир топшириқ берган эдим, буни у шундай қойил қилиб бажардики, агар қирол бўлганимда барча орденларимни кўкрагига тақиб кўярдим.

– Ундай бўлса, дастурхонга ҳали-вери ўтирмас эканмиз, барон, қани, бизга ўхшаб сиз ҳам ўзингизга бир рюмка хересдан қуйинг-да, қиссани бошланг.

– Яқинда, ўзингизга маълумки, Африкага боргим келиб қолди.

– Бу йўлни, қадрли Шато-Рено, сизга ота-боболарингиз кўрсатиб кетган, – деди хушмуомалалик билан Морсер.

– Тўғри, бироқ сиз ҳам уларга ўхшаб Алайҳиссаломнинг мақбарасини халос қилиш учун уринмасангиз керак.

– Ҳақ гапни айтдингиз, Бошан, – деди ёш аристократ, – мен шунчаки эрмак учун тўппонча отмоқчи бўлган эдим. Ушанда икки секундантим энг яқин дўстларимдан бири – шўрлик Франц д'Эпиненинг қўлини мажақлаб қўйишга мени мажбур этганидан буён дуэлни жуда ёмон кўриб қолдим. Францни ҳаммангиз танийсиз.

– Тўғри, сиз у билан қачондир дуэлга чиққан эдингиз... Сабаби нима эди? – деди Дебрэ.

– Улай агар, эсимда йўқ, – жавоб қилди Шато-Рено. – Лекин шуниси эсимдаки, бу борадаги истеъдодимни намойиш қилмоқ учун туҳфа қилишган тўппончани арабларга отиб синаб кўрмоқчи бўлдим. Шу мақсадда Оранга йўл олдим, Орандан ўтиб Константинага бордим, мен борганда энди шаҳар қамалдан халос этилаётган экан. Мен ҳам бошқалар билан чекиनावердим. Кундузги ёмғир ва тунги қорга икки сутка чидаш бердим, бироқ учинчи куни отим совуқда қотиб ҳаром ўлди. Шўрлик от иссиқ офилхонага ўрганиб қолган араб оти эди, лекин шу Арабистонда тўсатдан ўн даража совуққа дуч келиб, ўз ватанини танимай қолди.

– Эҳ-э, менинг инглиз тулпоримни сотиб оламан деб юрганингизнинг боиси шу экан-да, – деди Дебрэ, – бу араб

отиға қараганда, совуққа чидамлироқ бұлса керек, деб умид қиляпсиз, шекилли.

– Асло ундай эмас, мен энди бундан кейин Африкаға ҳеч қачон бормайман, деб онт ичдим.

– Демак, кўрқоқлик қипсиз-да? – деди Бошан.

– Тўғри, кўрқиб қолдим, – деди Шато-Рено. – Иложим қанча! Ҳа, қиссани давом эттирайин. Шундай қилиб, отим тарашадек қотиб қолди, пиёда кетаётсам олти араб калламни танамдан жудо қилиш ниятида устимга от қўйиб келаверди, иккисини милтиғим билан отиб ташладим, иккисини тўппончадан ўқ ўзиб ер тишлатдим, бироқ яна иккитаси келиб, мени қуролсизлантирди, биттаси сочимдан маҳкам тутиб олди (энди сочимни жуда калта қилиб қирқтириб юрганимнинг боиси ҳам шунда, яна шундай ҳолга учрамайман деб бўладими), иккинчиси эгри қиличини кекирдагимга тақади, муздек пўлат аъзойи баданимни қақшатаётганини сезиб турган эди, бирдан мана бу жаноб юғриб келиб арабларга ҳамла қилди, сочимдан тутиб турганини битта ўқ билан юмалатди, қиличи билан мени сўйиб ташламоқчи бўлиб турганининг калласини сапчадек узиб ташлади. У шу куни кимнидир ўлимдан сақлаб қолишдек бурчини бажо этишни ният қилиб юрган экан, тақдир тақозоси билан бунга фавқулодда равишда мен тўғри келиб қолдим. Бойиб кетганимда Калагманга ёки Марокеттига тасодиф номли ҳайкал буюртираман.

– Бу воқеа бешинчи сентябрда, – деди илжайиб Моррель, – отам бир мўъжиза билан ўлимдан қутулиб қолганига роса бир йил тўлган кунда юз берди. Ҳар йили шу кунни иложи борича бирор иш билан нишонлашга ҳаракат қиламан...

– Албатта бирорта қаҳрамонона иш билан, тўғримми? – деди унинг сўзини кесиб Шато-Рено. – Қисқаси, ишим ўнгидан келди, бироқ бу ёғини эшитинг. У мени пичоқдангина эмас, совуқдан ҳам қутқариб қолди: у менга муқаддас Мартин сингари плашининг ярмини эмас, бус-бутун берди, сўнг оч қолишдан ҳам сақлади, нима билан деб ўйлайсиз?

– Феликснинг қийма гўшти биланми? – сўради Бошан.

– Йўқ. Ўз отининг гўшти билан. Ҳаммамиз ҳузур қилиб бир парчадан едик, бу осон эмасди, албатта!



– Отнинг бир парчасини ейишми? – сўради кулиб Морсер.

– Йўқ, ўз отини қурбон қилиш, – жавоб қилди Шато-Рено.  
– Ана, Дебрэдан сўраб кўринг, нотаниш бир зот учун ўз инглиз тулпорини қурбон қилармикин?

– Нотанишга қурбон қилмайман, дўстим учун ҳеч аямай қурбон қилишга тайёрман, – деди Дебрэ.

– Сиз, менинг дўстим бўлурсиз, деб илгаридан ўйлаб юрган эдим, барон, – деди Моррель. – Менинг ўша ердаги ёрдамимни қаҳрамонлик дейсизми ёки қурбон қилиш дейсизми, майли, лекин ҳалигиларга қўшимча қилай: ўша кун мен бир вақтлар фавқулодда бошимизга бахт қуши кўндирган бир яхшиликка яхшилик билан жавоб қайтармоқчи бўлган эдим.

– Моррель ажойиб бир воқеага ишора қиляпти, – деди сўзини давом эттириб Шато-Рено, – сиз у билан жуда иноқ бўлиб олганингизда ҳикоя қилиб берар, албатта. Бугун эса эсдаликларни йиғиштириб қўяйлик-да, қорин масаласини ҳал этайлик. Соат нечада нонуштага ўтирасиз, Альбер?

– Ўн яримда.

– Аниқми? – сўради Дебрэ соатини чиқараётиб.

– Яна беш дақиқа сабр этишингизни илтимос қиламан, – деди Морсер, – мен ҳам халоскоримни кутиб турибман.

– Кимнинг халоскори?

– Шахсан менинг халоскорим, – жавоб қилди Морсер. – Эҳтимол сиз, уни нимадан халос қилиш мумкин, ахир бу ерларда каллани шартта кесадиған араблар йўқ-ку деб ўйлаётгандирсиз? Бугунги нонуштамиз дўстона нонушта, биз билан бир эмас иккита валинеъмат нонушта қилади, мен бунга аминман.

– Энди нима бўлади? – деди Дебрэ. – Ахир бизда Монтион мукофоти фақат битта-ку?

– Нима қипти, уни шу мукофотга лойиқ бирор иш қилмаган кишига беришади-да, – деди Бошан. – Одатда Академия қийноқдан ана шу йўл билан қутулиб олади.

– Халоскорингиз қаердан келяпти? – сўради Дебрэ, – жуда хиралик қилаётганим учун узр, эсимда, менга бу воқеанинг бир оз учини чиқарган эдингиз, лекин жуда пардали қилиб айтганингиз учун яна қайта сўрашга журъат этипман.

– Тўғриси яна айтсам, ўзим ҳам билмайман, – жавоб қилди Альбер, – бундан уч ой муқаддам, мен меҳмонга таклиф қилганимда Римда эди. Бироқ ўшандан буён қаерларда сайр қилиб улгурганини ким билиб ўтирибди, дейсиз.

– У белгиланган вақтдан заррача кечикмай ҳозир бўлишга қобилмикин? Сиз шунга ишонасизми? – сўради Дебрэ.

– У ҳамма нарсага қобил одам.

– Беш дақиқалик имтиёздан сўнг яна фақат ўн дақиқа кутиш мумкин эканини ҳисобга олиб қўйинг.

– Мана шундан фойдаланиб, келаётган меҳмоним тўғрисида ҳикоя қилиб берай.

– Узр, – деди Бошан, – ҳикоянгиздан фелъетон ёзсам бўладими?

– Жуда бўлади-да, – деди Морсер, – жуда қизиқарли бўлади.

– Қани, бошланг ҳикоянгизни. Палатада бўлолмас эканман, ҳеч бўлмаса шу ишни бажо келтириб қўяй.

– Мен Римда кейинги карнавал вақтида бўлган эдим.

– Биз бундан хабардормиз, – деди Бошан.

– Аммо мени қароқчилар ўғирлаб кетганидан хабарингиз бўлмаса керак.

– Қароқчилар йўқ, – эътироз билдирди Дебрэ.

– Ундай деманг, қароқчилар бор, бўлганда ҳам жуда даҳшатли, ажиблари бор экан, мен сизга айтсам, ажойиблари. Улар менинг назаримда ниҳоятда гўзал одамларга ўхшарди.

– Менга қаранг, қадрдон Альбер, – деди Дебрэ, – афтидан Марень ёки Остендедан устрицани ҳали келтирганлари йўқ, шу сабабли ошпазингиз кечикиб қолган, шекилли, сиз эса де Ментенон хонимдан ўрناق олиб овқат ўрнига бизни чўпчак билан тўйдирмоқчисиз, шундайми? Иқрор бўлаверинг, биз афв этамиз ва ҳикоянгизни, у қанчалик афсонавий бўлмасин, қунт қилиб тинглаймиз.

– Лекин афсонавий бўлиб туюлса-да, бошдан-оёқ ҳақиқий воқеа. Давом этай, қароқчилар мени асир қилиб олишди-да, кўримсиз, ноқулай бир жойга Сан-Себастиано ғорларига олиб бориб қўйишди.

– Мен у ерда бўлганман, – деди Шато-Рено сўз қотиб, – ўшанда нақ бўлмаса безгакка дучор бўлаёзган эдим.

– Мен чиндан ҳам дучор бўлдим, – давом этди Альбер. – Менга, асир тушдингиз, тўловсиз қутулолмайсиз, дейишди. Тўлов ҳақи арзимайдиган тўрт минг рим пиастри, йигирма олти минг тур ливри, холос. Бахтга қарши ўшанда ёнимда бир ярим минггина ақчам қолган эди, чунки саёҳатим якунига етиб қолган эди-да. Мен Францга хат ёздим... Ҳа, айтмоқчи, бу воқеа тепасида Франц ҳам бор эди. Ҳикоямда бирорта ёлғон сўз йўқлигини ундан сўраб олишингиз мумкин. Мен Францга, агар эрталаб соат олтигача тўрт минг пиастр келтирмасанг, олтидан ўн дақиқа ўтганда мени нариги дунёга жўнатадилар, деб ёздим. Амин бўлингки, қароқчиларнинг атамани Луиджи Вампа албатта сўзининг устидан чиқарди.

– Ҳўш, Франц тўрт минг пиастрни олиб бордимиз? – деди Шато-Рено. – Албатта олиб боради-да! Франц д'Эпине ёки Альбер де Морсер учун бу ҳеч гап эмас.

– Йўқ, Франц пул келтирмади, фақат ҳали сизга айтган ва ҳозир таништирмоқчи бўлаётган одам билан бирга келди.

– Демак, у жаноб Какни ўлдираётган Геркулес ёки Андromедни халос этаётган Перест экан-да?..

– Ундай эмас, бўйи мен билан тенг, оддийгина одам.

– Тиш-тирноғигача қуроллангандир-да?

– Ҳатто қаламтароши ҳам йўқ эди.

– Ахир тўлов пулини бергандир-да?

– Атамanning қулоғига икки оғиз сўз айтди, холос, шу билан мени бўшатиб юборишди.

– Сени тутиб қолгани учун узр ҳам сўраган бўлса керак, – деди қўшимча қилиб Бошан.

– Худди шундай.

– Тағин Ариосто бўлмасин у?

– Йўқ, шунчаки граф Монте-Кристо.

– Бунақа ном йўқ бизда, – деди Дебрэ.

– Менимча ҳам йўқ бунақа ном, – қўшимча қилди Европадаги ҳамма уруғлар китобини биладиган кишидек Шато-Рено, – қачондир Монте-Кристо графларини эшитган бормикин?

– Эҳтимол, у муқаддас ердандир, – деди Бошан, – отабоболаридан бирортаси Мортемар Ўлик денгизни эгаллаб олгани сингари Голгофанинг эгаси бўлгандир.

– Жаноблар, узр, – деди Максимилиан, – чамамда, сизнинг жумбофингизни мен ечиб берсам керак. Монте-Кристо бир кичкина орол, отамда хизмат қилган денгизчилар буни кўп тилга олишарди. Урта ер денгизида бир қумлоқ жой бор, унда атом сероб.

– Ҳақ гапни айтдингиз, – деди Альбер, – сизга айтаётганим у жаноб ўша оролнинг, ўша атомнинг хўжайини. Афтидан у граф унвонини Тоскананинг қаеридандир сотиб олган бўлса керак.

– Графингиз бойми?

– Менимча, бой бўлса керак.

– Бойлиги кўринишидан билиниб турса керак?

– Хато қиялпсиз, Дебрэ.

– Гапингизга тушунмадим.

– «Минг бир кечани» ўқиганмисиз?

– Бу ҳақда сўз бўлиши мумкин эмас!

– Ахир ўша эртақлардаги кишиларнинг қайсиниси бой, қайсиниси камбағаллигини билиб бўладими? Улар назарингизда бечора балиқчи, аммо сизни тўсатдан бир ғорга олиб киради, шундай кўз олдингизда бутун Ҳиндистонни сотиб олишга етадиган хазина пайдо бўлади.

– Хўш, шундай бўлса нима бўпти?..

– Граф Монте-Кристо ўша балиқчилардан бири, ҳатто унинг номи Синдбод-Денгиз сайёҳи, олтинга лиқ тўла ғори бор.

– Ғорни ўз кўзингиз билан кўрдингизми, Морсер? – суради Бошан.

– Мен кўрганим йўқ, Франц кўрган. Бироқ унинг олдида бу ҳақда фикр этмайсиз! Францни ғорга кўзини боғлаб олиб кирганлар, гунглар ва ҳуснда Клеопатра ҳам олдига тушолмайдиган жононлар Францнинг хизматида бўлган. Хотинлар масаласига келганда у ишонмаяпти, чунки улар тарёкни уриб олгандан сўнг пайдо бўлган, эҳтимол ҳайкалларни кўриб хотинлар деб хаёл қилгандир.

Йигитлар «ақлдан оздимиз бу, ёки бизни мазах қиялптими?» дегандек Морсерга анграйиб қараб қолишди.

– Ростданам, – деди ўйчан ҳолда Моррель, – мен ҳам Пенелон деган бир кекса денгизчидан жаноб Морсер айтганга ўхшаб кетадиган ҳикоя эшитгандим.

– Жаноб Моррель менинг гапларимни қувватлаётганидан хурсандман, – деди Альбер. – Бироқ бу сизларга ёқмади чоғи?

– Қадрли дўстим, кечиринг мени, – деди Дебрэ, – ахир сиз ақлга сиғмайдиган воқеаларни ҳикоя қиляпсиз-да, бизнинг унчалик ишонавермаётганимизнинг боиси ҳам шунда...

– Сизнинг ақлингизга сиғмаслиги турган гап, чунки элчиларингиз ва консулларингиз бунақа воқеаларни сизга ёзиб юборишмайди, бунга уларнинг вақти йўқ, улар фақат ўз ватанидан борган саёҳатчиларга азоб беришдан бошқани билишмайди.

– Ана холос, дарров жаҳлингиз чиқади-да, бизнинг шўрлик вакилларимизга ҳужум қиласиз. Ахир улар қандай қилиб сизнинг манфаатларингизни ҳимоя қилсин? Палата нуқул уларнинг ойликларини қисқартиргани қисқартирган. Пировардида аҳвол шу қадар оғирлашдики, бу лавозимларни истайдиганлар топилмай қолди.

– Альбер, элчи бўлишни истайсизми? Мен сизга Константинополь элчиси лавозимини олиб бераман.

– Фақат шу кам эди ўзи! Салгина Муҳаммад Алига ён бошим билан султон томоғимдан хиппа бўғиб нариги дунёга жўнатиб қўя қолсин, демоқчимисиз?

– Ана, шундай дейсиз-да, – минғирлади Дебрэ.

– Аммо буларнинг ҳаммасидан қатъи назар, менинг граф Монте-Кристом ҳақиқатан ҳам бор, яшайди...

– Дунёда ҳамма нарса бор, яшайди! Топган ажойиботини қаранг-а!

– Албатта ҳамма яшайди, бироқ қора бадан қуллар, князча суратлар галереяси, музейбоп қурул, олти минг франк турадиган отлар, грек жононлари ҳаммада бўлавермайди.

– Грек жононини кўрдингизми?

– Ўз кўзим билан кўрдим, гапларини қулоғим билан эшитдим, Валле театрида кўрдим, бир гал графникида нонушта қилганда эшитдим.

– Ҳали у ажойиб зот овқат ҳам ейдими?

– Очиғини айтганда, у жуда кам овқат ейди, гапиришга арзимаydi.

– Мана, кўрасиз ҳали, у гўрдан чиққан қон сўрувчининг худди ўзи бўлиб чиқади.

– Кулгига йўйсангиз, йўяверинг, лорд Рутвеннинг таниши графиня Г. ҳам шундай деган эди.

– Табриклайман, Альбер, бу журналистика билан шуғулланмайдиган киши учун жуда соз, – хитоб қилди Бошан. – «Конституционалист»даги денгиз илонидан асло қолишмайди. Қон сўрувчи мурда – жуда соз!

– Қорачиқлари истаган чоқда кенгаядиган ёки тораядиган қизғиш кўзли, – деди Дебрэ, – қирғий бурун, пешанаси кенг, юзида заррача қони йўқ, қоп-қора соқолли, ўткир тишлари ялтираб туради, қилиқлари ҳам шунга ўхшаш.

– Худди шундай, Люсьен, – деди Морсер, – ҳамма белгилари жуда ўхшайди. Ҳаракатлари кескин. У билан бирга бўлганимда устимдан муздек сув қуйиб юборгандек сезаман ўзимни. Бир гал, қатлни томоша қилиб ўтирганимизда, жаллоднинг иши ва жазоланаётганларнинг дод-фарёдидан эмас, кўпроқ графнинг важоҳати ва қатлнинг турли хиллари тўғрисида бепарво ҳикоя қилишидан ҳушимдан кетиб қоламан, шекилли, деб қўрқиб кетдим.

– Морсер, қонингизни сўриш учун Колизей вайронасига олиб бормадими сизни? – сўради Бошан.

– Сизни бўшатганда аллақандай олов ранг пергаментга, жонимни сизга ҳадя қилдим, деб ёздириб қўл қўйдириб олмадими? – деб кулди Дебрэ.

– Кулаверинг, хоҳлаганингизча кулинг, – деди Морсер бир оз нолиб. – Гант бульвари ва Булон ўрмонларида доимо сайр этиб юрувчи сиз ажойиб парижликларга қараб туриб ўша одамни эсга оламан-да, турли нусха одамлар эканмиз-да, деган хаёлга бораман.

– Мен бундан фахрланаман! – деди Бошан.

– Ҳар қалай, – қўшимча қилди Шато-Рено, – граф Монте-Кристонгиз Италия қароқчилари билан алоқасини ҳисобга олмаганда, ишдан бўш вақтларида жуда ажойиб зот бўлса керак.

– Ҳеч қанақа италия қароқчилари йўқ! – деди Дебрэ.

– Гўрдан чиқиб қон сўрайдиган мурдалар ҳам йўқ! – деди Бошан.

– Граф Монте-Кристонинг ўзи ҳам йўқ, – давом эттирди сўзини Дебрэ. – Альбер, соат ўн яримга бонг чаляпти.

– Даҳшатли туш кўрган эдим, деб қўя қолинг, яхшиси, юринг, нонушта қилайлик.

Бироқ девор соатининг жаранглаши тугамасданоқ эшик очилиб, Жермен пайдо бўлди.

– Жаноби олийлари, граф Монте-Кристо!

Ҳозир бўлганларнинг ҳаммаси беихтиёр сесканиб тушди ва шу билан Морсернинг ҳикояси юракларига нақадар чуқур кириб борганини кўрсатиб қўйишди. Альбернинг ўзи тўсатдан юз берган ҳаяжонини босолмай анқайиб қолди.

Извош товушини, даҳлизда қадам овозини ҳеч ким эшитмаган эди, ҳатто эшик ҳам сездирилмай очилганди.

Остонада граф пайдо бўлди, у жуда оддий кийимда, аммо оқсуякларнинг олифтаси ҳам унинг костюмидан камчилик тополмасди, ҳаммаси энг нозик дидга мос, костюми ҳам, кўйлаги ҳам, шляпаси ҳам энг моҳир усталар қўлидан чиққан эди.

У кўринишидан ўттиз беш ёшларга бориб қолган эди, Дебрэ хаёлида чизган суратга жуда ўхшаб кетгани айниқса ҳаммани қойил қилди.

Граф илжайиб унинг истиқболига бораётган Альбернинг олдига келди-да, қўлини маҳкам сиқиб саломлашди.

– Аниқлик қироллар назокати, адашмасам монархларингиздан бири шундай деган бўлса керак, – деди Граф Монте-Кристо, – аммо саёҳатчилар қанчалик уринмасин, бунга ҳамиша амал қилишга муяссар бўлмайдилар, қадрли ви-конт, аниқ бўлишни чин юракдан истаганимни ҳисобга олиб, икки-уч сония кечикканим учун кечирингизни илтимос қиламан. Беш юз лье масофани айниқса извошчиларни калтаклаш тақиқланган Францияда ғов-тўсиқларсиз босиб келиш кишига ҳамма вақт ҳам насиб қилавермас экан.

– Граф, – жавоб қилди Альбер, – сизнинг меникига ташриф буюришингизни дўстларимга хабар қилиб, уларни тақлиф қилгандим. Рухсат этинг, мен сизга уларни таништирай: граф Шато-Рено – олий табақа дворянлардан, ота-болари юмалоқ столда ўтирганлардан, жаноб Люсьен Дебрэ – бу киши Ички Ишлар министрининг шахсий котиби, жаноб Бошан – француз ҳукуматида даҳшат солиб турган хавфли журналист, у ўз ватанида донгдор, бироқ сиз Ита-

лия ҳақда ҳеч нима эшитмагандирсиз, чунки у ерда бунинг газетасини тақиқлаб қўйишган, бу эса жаноб Максимилиан Моррель – кавалерия капитани.

Ҳамма билан қуюқ, лекин инглизча бепарво, бешавқ саломлашиб турган граф сўнгги номни эшитиб беихтиёр олдинга бир қадам ташлади, сўнг рангпар юзига жиндак қон югурди ва шу заҳоти йўқ бўлиб кетди.

– Сиз ғолиб французларнинг кийимини кийиб олибсиз, – деди у Моррелга. – Бу жуда гўзал кийим.

Қандай ҳис-туйғу графнинг овозига бу каби чуқур оҳанг бағишлаганини ва чиройли кўзларини чақнатиб юборганини билиш қийин эди.

– Сиз бизнинг африкаликларимизни ҳеч кўрмаганмидингиз? – сўради Альбер.

– Ҳеч, – деди жавобан граф яна ўзини бутунлай тутиб олиб.

– Мана шу кийим тагида армиямизнинг энг олижаноб ва энг ботир юракларидан бири уриб турибди.

– Оббо, жуда ошириб юбордингиз, виконт! – деди Моррель Альбернинг сўзини кесиб.

– Капитан, ижозат этинг, мен сўзимни охирига етказай... – деди Альбер. – Биз ҳозиргина унинг ажойиб қаҳрамонлик кўрсатганини эшитиб, тасанно айтиб турган эдик. Шунинг учун бугун уни биринчи марта кўриб турган бўлсам-да, сизга дўстим сифатида таништиришга рухсат этинг, граф.

Бу сўзлар вақтида графнинг кўзлари Моррелга тикилганича қотиб қолди, юзларига яна қизиллик югурди, қовоқлари пирпираб учди. Монте-Кристонинг ҳаяжонга тушгани шулардан сезилиб қолди.

– Шундай денг! – сўз қотди граф. – Демак, капитан олижаноб одам экан. Буниси яна соз!

Альбернинг сўзларига эмас, кўпроқ графнинг ўз фикр-хаёлига жавоб бераётган бу хитоб ҳаммага, айниқса, Монте-Кристога ажабланиб тикилиб қолган Моррелга ғалати туюлди. Аммо граф бу сўзларни шу қадар юмшоқ оҳангда ва назокатли изҳор этдики, хафа бўлиш учун асос қолмади.

– Бундан шубҳаланишга унда қандай асос бўлиши мумкин? – сўради Шато-Рендан Бошан.



– Ростданам, қандай асос бўлиши мумкин, – деди Шато-Рено ўзининг аристократларга хос синовчан кўзларини графга тикиб, – Альбер бизга тўғри айтган экан, бу граф жуда ажиб зот. Сиз қандай фикрдасиз, Моррель?

– Меним фикрим шуки, граф чехраси очик, овози ёқимли одам, шу сабабли, менинг ҳақимда ғалати гаплар айтаётган бўлса-да, мен уни ёқтириб қолдим.

– Жаноблар, – деди Альбер, – Жермен нонушта тайёр деяпти, қадрли граф, рухсат этинг, ўзим сизга йўлдош бўлайин.

Ҳамма сукут сақлаб емакхонага ўтди ва жой-жойига утирди.

Граф ўтираётди:

– Жаноблар, – деди, – бир нуқсонимни эътироф этишга рухсат беринг. Мен бу ерда бегона бир одамман, бу ҳам оз: Парижга биринчи марта келишим. Шу сабабли французлар ҳаёти билан мутлақо таниш эмасман, ҳозиргача француз урф-одатларига тескари бўлган шарқча яшаб келдим. Мабодо сўзларимда, хатти-ҳаракатимда туркча, неополитанча ёки арабча одатлар кўпроқ кўринса, кечиринг мени. Энди нонуштани бошлайлик.

– Гапга уста экан, – шивирлади Бошан. – Бу, ҳеч шубҳасиз, тўралардан!

– Чет элдан келган тўра, – қўшимча қилди Дебрэ.

– Жаҳондаги ҳамма мамлакатларнинг тўраси, жаноб Дебрэ, – деди якун ясаб Шато-Рено.

## II. НОНУШТА

Графнинг кам, лекин танлаб овқат ейишини китобхон унутмаган бўлса керак. Альбер шунинг учун ҳам бошданоқ Париж ҳаёти ишқилиб графга ёқмай қолмасин-да, деб ташвишлана бошлади.

– Қадрли граф, – деди у, – Эльдер кўчасининг овқатлари Пьяцца-Спаньядаги овқатларчалик ёқмай қоладими сизга деб хавотирга тушиб қолдим. Илгарироқ дилингизга ёқадиган овқатларни билиб олиб буюрсам бўларкан.

– Сиз мени яхшироқ билганингизда бу каби арзимас нарсалардан ташвишга тушиб юрмас эдингиз, – деди илжайиб

граф. – Саёҳат вақтида Неаполда макарон, Миланда полента, Валенсияда олпаподрида, Константинополда палов, Хиндистонда каррик, Хитойда қалдирғоч ини еб қорин тўйғазардим. Мен каби жаҳонгашталар овқат танлаш имкониятидан маҳрум. Қаерда бўлмайин, тўғри келган овқатни еб кетавераман, тўғри, оз-оздан овқатпанаман. Бугун эса иштаҳам карнай, чунки кеча эрталабдан бери туз татиганим йўқ.

– Кеча эрталабдан бери-я? Нега энди? – сўради меҳмонлар таажжубланиб. – Наҳотки кун бўйи ҳеч нима емаган бўлсангиз?

– Худди шундай, – жавоб қилди Монте-Кристо. – Ним атрофидан баъзи маълумотлар йиғиб олиш ниятида ўша томонга бир ўтиб келишга тўғри келди, шунинг учун бир оз кечикиб қолиб, ҳеч ерда тўхтамай келдим.

– Демак, извошда овқатланибсиз-да? – сўради Морсер.

– Йўқ, мен ухладим, жуда зерикиб қолсам, ўйин-қулгига ҳафсалам бўлмаса ёки қорним оч бўлса-ю, овқат егим келмаса, уйқу босади мени.

– Шундай пайтларда ўзингизни ухлашга мажбур этаркансиз-да? – деди Моррель.

– Шундай деса ҳам бўлади.

– Бунга бирор дори-дармонингиз бўлса керак-да?

– Жуда яхшиси бор.

– Биз африкаликларга шундай дори жуда асқотарди, – деди Моррель. – Бизда ҳамма вақт бўлавермайди, ичимлик эса камдан-кам топилади.

– Бунга шубҳа йўқ, – деди Монте-Кристо, – лекин мендек яшовчи кишига жуда яхши таъсир қиладиган бу дори-дармонни армияда қўллаш хавфли, аскарлар зарур дақиқаларда ўрнидан туролмай қоладилар.

– Қанақа дори ўзи, билсак бўладими? – сўради Дебрэ.

– Билишингиз мумкин, албатта, – деди Монте-Кристо, – мени уни сир сақламоқчи эмасман: ўзим Кантондан танлаб олиб келган асил афюн ва Тигр билан Евфрот ўрталигидан йиғиб олинадиган аъло сифатли нашанинг қоришмаси. Уларни тенг баравар қилиб қўшишади, кейин дори тайёрлашади, керак вақтда ютилади. Ўн дақиқадан сўнг таъсир эта бошлайди. Барон франц д'Эпинедан сўрасангиз ҳам бўлади, у бир марта буни синаб кўрган эди, шекилли.

– Тўғри, – деди Альбер, – менга айтган эди, бу дори унда жуда яхши таассурот қолдирган экан.

Бошан, журналистларга хос синчковлик билан, ишон-қирамай сўради:

– Бу гапингиздан шуни тушундимки, дори ҳамиша ёнин-гизда бўлади, шундайми?

– Ҳамиша, – деди Монте-Кристо.

Меҳмонни қўлга тушираман, деб Бошан яна сўз қотди:

– Ўша дорини бизга кўрсатинг, десам айбга буюрмассиз.

– Марҳамат.

Граф шундай деди-да, чўнтагидан буралиб очиладиган олтин қопқоқли зумрад қутича олди. Қопқоғи буралганда қутича ичидан мошдай-мошдай юмалоқ, ўткир бўйли соқ-қачалар чиқарди. Зумрад қутичада тўрт-беш соққа бор экан, бироқ унга ўндан ортиғи бемалол жойлашади.

Қутичани ўтирганларнинг ҳаммаси бир-бир қўлига олиб кўрди. Меҳмонларни доридан кўра ажойиб гўзал қутича қизиқтириб қолган эди.

– Буни ошпазингизнинг ўзи тайёрлайдими? – сўради Бошан.

– Йўқ, – деди Монте-Кристо, – ишончсиз кишиларга энг лаззатли нарсаларни тайёрлашни топширмайман. Ўзим дурустгина кимёгарман, бу дорини ўзим тайёрлайман.

– Бебаҳо зумрад! – деди Шато-Рено, – бундай йирик зумрадни мен биринчи кўришим, менинг онамда ҳам мерос қолган ажойиб қимматбаҳо буюмлар бор, лекин бунақаси йўқ.

– Бундан менда учтаси бор, – деди изоҳ бериб Монте-Кристо, – биттасини подшога ҳадя қилдим, подшо у билан шамширини безатди, иккинчисини динимиз чароғбони папага туҳфа қилдим. У киши мен берган зумрадни қалпоғига ўздан илгариги Пий VII га император Наполеон тақдим этган, унча гўзал бўлмаса-да, баҳоси тенг зумрад ёнига ўрнатиб қўйишни буюрдилар, учинчисини ўзимда қолдириб, ўйдирдим. Шундан сўнг унинг қиммати тенг баробар камайиб кетди, бироқ бир буюм сифатида фойдаланишга қулай бўлиб қолди.

Ҳамма ҳайрон бўлиб Монте-Кристога тикилиб қолди. Унинг ниҳоятда табиий оҳангдаги бу сўзларидан киши бу

зот ё чин ҳақиқатни айтяпти, ёки тентак кишининг сафсатасини сотяпти, деган хулосага келарди. Аммо Монте-Кристо қўлида тутиб турган нодир зумрад қутича биринчи фикрда қолишга мажбур этарди.

– Икки олийҳиммат ҳоким сизнинг ажойиб туҳфангиз эвазига нима берди? – сўради Дебрэ.

Граф жавоб қилди:

– Подшо аёлга озодлик, папа эса эркакка ҳаёт ҳады этди. Шундай қилиб, ҳаётимда ўзимни бир марта ҳокими қолиб деб ҳис этдим.

– Халос этган кишингиз Пеппино-да, тўғрими? – деди хитоб қилиб Морсер. – Афв этиш ҳуқуқингизни ўшанга бағишладингиз-да.

– Эҳтимол, шундай бўлгандир, – деди кулиб Монте-Кристо.

– Граф, сўзларингизни нақадар завқ-шавқ билан тинглаб турганимни қани энди тасаввур қила олсангиз! – деди Альбер. – Мен сизни дўстларимга олдинданок ҳеч ўхшаши йўқ, «Минг бир кеча»нинг сеҳргари, ўрта аср жодугари, деб тавсиф этган эдим. Бироқ париждликлар фавқулодда воқеаларга жуда ўч, шу сабабли улар шубҳасиз, табиий нарсаларни хаёлга йўйиб қўйишаверади. Масалан, Бошан ҳар куни «Бульварда Жокей-клубнинг кеч қолган бир аъзосини тўхтатиб тунашибди. Сен-День кўчасида ёки шаҳар четигаги Сен-Жерменда тўрт кишини ўлдириб кетишибди, Темпель ёки Термах Юлиан Бульваригаги қаҳвахонада ўн, ўн беш-ийгирмата ўғрини тутиб олишибди», деб ёзади, Дебрэ эса бу хабарларни мириқиб ўқийди. Бироқ улар Мареммида, Рим Кампаньесига ё бўлмаса Понтий ботқоқларида қароқчилар бор экан, десалар ишонмайди. Граф, илтимос, мени қароқчилар асир қилиб олганини ва сиз олижаноблик кўрсатиб ёрдам бермаганингизда мен ҳозир бу ерда буларни зиёфат қилмай, Сан-Себастиано ғорларида мурдалар даврасида бўлишим муқаррар эканини буларга сўзлаб беринг...

– Қўйинг, Альбер, – деди Монте-Кристо, – бу арзимайдиган воқеани ҳеч эсга олмайман, деб ваъда берган эдингиз менга.

– Ваъда берганим йўқ, – хитоб қилди Морсер. – Адашяпсиз, мен сингари халос этганларингиздан бири шундай ваъ-

да берган бўлса керак. Мен аксинча, бу ҳақда суҳбат юри-тишингизни илтимос қиламан. Эҳтимол, сиз мен билган-ларнигина эмас, ҳатто менга номаълум бўлган воқеаларни ҳам айтиб берарсиз.

– Менимча, – деди илжайиб граф, – бу воқеада сиз жуда муҳим роль ўйнадингиз, демак, мендан кўра кўпроқ биласиз нималар юз берганини.

– Мабодо мен билганларимнинг ҳаммасини айтиб берсам, менга аён бўлмаганларини сиз ҳикоя қилиб берасизми? – сўради Морсер.

– Мана бу адолатли иш бўлади, – жавоб қилди Монте-Кристо.

– Бўпти, – давом этди Морсер, – бу менинг иззат-нафсимга тегадиган воқеа бўлса-да, ҳикоя қилиб бераман. Уч кун сурункасига бир ниқобли ойимча менга имо-ишора қилиб, гул отди, уни мен оқсуяклардан деб хаёл қилиб, роса орқасидан қувиб юрган эдим, аслида эса у оддий бир деҳқон аёли, тўғрироғи, ўн беш ёшли бир бандит бола мени майна қилиб юрган экан. Журъат қилиб, унинг оқ елкасидан ўпмоқчи бўлганимда у тўппончасини кўксимга тақаб олди ва етти-саккизта ўртоқлари кўмагида Сан-Себастьяно ғорларига судраб борди. У ерда қароқчиларнинг атаманига рўбарў қилишди. Атаман жуда билимли бўлиб, у «Цезарь хатлари»ни ўқиш билан банд экан. Марҳамат қилиб ўқишни тўхтатди-да, менга эртага эрталаб соат олтига тўрт минг пиастр тўламасангиз, олтидан чорак ўтганда калпангиз танангиздан жудо бўлади, деди. Францга бу ҳақда хат ёздим, хатда маэстро Луиджи Вампанинг изоҳи ҳам бор, хат Францда, ишонмасангиз Францдан тасдиқлатиб оламан. Менинг билганларим шу. Бироқ, граф, сиз қандай қилиб Рим қароқчиларининг бу қадар чуқур иззат-ҳурматини қозониб олганингизни билмайман, ахир қароқчилар кишига ҳурмат нималигини билмайдиган нусхалардан-ку! Очиғини айтсам, Франц иккимиз жуда қойил қолган эдик.

– Бунинг ҳеч ажабланадиган жойи йўқ. Мен ўша машҳур Луиджи Вампани ўн йилдан кўпроқ танийман. У чўпон бола вақтида менга йўл кўрсатган эди, ўшанда мен унга битта олтин танга берган эдим, у қарздор бўлиб қолмайин сиздан деб, ўзи ясаган гулдор ханжарини берган эди. Менинг

яроғ-аслаҳалар коллекциямда ўша ханжарни кўргандирсиз. Сўнгроқ у дўстлик рамзи – ана шу нарсаларни алмашиш воқеасини унутиб қўйганиданми ёки танимай қолганиданми мени асир қилиб тутиб оламан, деб ҳаракат қилиб қолди. Лекин бу аксинча бўлиб чиқди, уни ва унта қароқчини мен тутиб асир қилиб олдим. Уларни Рим одил судьясига топширишим мумкин эди (Рим судьяси биласизки, бунақаларни жуда бошлаб жазога тортади), лекин мен бундай қилмадим, ҳаммасини қўйиб юбордим.

– Бундан кейин бунақанги айб иш қилмаслик шарти билан албатта, – деди кулиб журналист. – Мен ҳам уларнинг ўз сўзлари устидан чиққанига жуда қойил қолдим.

– Йўқ, ундай эмас, – эътироз билдирди Монте-Кристо, – менга ҳам, менинг дўстларимга ҳам тегмаслик шарти билан. Сиз социалист, прогрессист ва гуманист жанобларга менинг сўзларим ғалати туюлар, аммо шуни айтиб қўяйки, мен жонимга ора кирмаётган хеш-ақраболарга ёрдам қилмайман, айниқса мени ҳимоя қилмайдиган, панд берадиган вақтдагина мени эсга оладиган жамиятга ҳеч қачон жон куйдирмайман. Жамиятни ҳам, яқин кишиларимни ҳам иззат-ҳурмат қилишдан воз кечиб, уларга нисбатан фақат бетарафлик позициясида турарканман, улар шунисига ҳам шукр деб, миннатдор бўлиб ўтираверсинлар.

– Худога шукр! – хитоб қилди Шато-Рено. – Худбинликни чин кўнгилдан очикдан-очик тарғиб қилаётган ботир зотни мана энди кўришга муяссар бўлдим. Офарин граф, офарин!

– Ҳар ҳолда очикдан-очик айтганига қойилмиз, – деди Моррель, – граф ҳозиргина ўзи жуда қатъият билан изҳор этиб турган ўз принципларига бир гал хилоф иш қилиб қўйган эди, лекин ишонаманки, ундан ҳеч афсусланмади ўзи.

– Қанақа хилоф иш қилибман? – сўради Монте-Кристо. У аҳён-аҳёнда Моррелга диққат билан қараб қўярди, кўрқмас ёш жангчи эса графнинг ўтқир, тиниқ назаридан кўзларини бир неча марта четга олди.

– Менимча, сиз мутлақо нотаниш жаноб де Морсерни халос этиб, яқинларингизга ва жамиятга ёрдам бердингиз, – деди Моррель.

– Жаноб де Морсер эса ана шу жамиятни гуллатиб юрганлардан, – деди кеккайиб Бошан ва қадаҳдаги шампан виносини бир кўтариб ичиб юборди.

– Граф, сиз ўз сўзингизга ўзингиз қарши бўлиб чиқяпсиз, – деди Альбер, – сизни мен мантиқда тенги йўқ деб биламан, сиз худбинликдан узоқ, аксинча, ҳимматли кишисиз, мен буни тасдиқлаб бераман сизга ҳозир. Сиз, мен шарқ ўғлониман, ливантинлик, малаялик, ҳинд, хитойман, ваҳшийман, дейсиз. Номингиз – Синдбод-Денгиз сайёҳи, граф Монте-Кристо, мана энди Парижга келишингиз биланоқ биз ғалати парижликларнинг асосий фазилатлари ёки асосий иллатлари сизга таъсир этяпти. Сизга ҳеч хос бўлмаган, асло ёпишмайдиган нуқсонларни ўзингизга ёпиштиряпсиз ва шу билан ўз фазилатларингизни хаспўшлаб кетяпсиз.

– Азиз виконт, – эътироз билдирди Монте-Кристо, – сўзларимда ва хатти-ҳаракатларимда бунчалик мақтовга арзийдиган ҳеч нарса йўқ. Сиз мен учун бегона одам эмасдингиз: таниш эдик, иккита хонамни бўшатиб бердим ўшанда, эрталаб нонушта вақтида меҳмон қилдим сизни, извошларимдан бирини ихтиёрингизга бериб қўйдим, Корсодаги ниқобларни бирга томоша қилдик, Пьяцца-дель-Пополода қатлини деразадан биргалашиб кўрдик, бу қатл сизга ниҳоятда қаттиқ таъсир этиб, нақ бўлмаса, ҳушингиздан кетиб қолай дедингиз. Мана шундай меҳмонимни, сиз айтгандек, ўша қабиҳ қароқчилар қўлида қолдира олармидим мен, қани айтинг-чи? Бунинг устига ўзингизга маълум, сизни қутқарганда яна бир мақсадни кўзда тутган эдим: Францияга борганимда сиз ҳам менга ёрдам қилиб, Париж жамоатчилиги билан таништирасиз, деб ўйлагандим. Олдин, бу бир гап-да, деб хаёл қилиб юрган бўлишингиз мумкин, аммо энди кўриб турибсизки, бу ҳақиқатнинг ўзгинаси, демак, бу ҳақиқатга бўйсуниб, сўзингизнинг устидан чиқишга мажбурсиз.

– Албатта сўзимнинг устидан чиқаман, – деди Морсер, – бироқ, азизим граф, жуда афсусланиб қолармикинсиз, деб кўрқиб турибман, ахир, сиз гўзал манзарали жойларга, фавқулодда воқеаларга, афсонавий доираларга одатланиб қолгансиз. Визда эса сиз ҳодисаларга бой ҳаётингизда учрат-

ган ғаройиб нарсалар йўқ. Монмартр – бизнинг Чимборазомиз, Монвалериен – бизнинг Ҳимолайимиз, Гренель текислиги – бизнинг Саҳройи Кабиримиз, карвонлар учун бу ерда артезиан қудуғи ҳам қазишяпти. Бизда ҳам ўғрилар бор, кам дейишади, лекин кўп, аммо бу ўғрилар энг донгдор мансабдордан кўра, энг майда айғоқчи-изқувардан ўлгудек қўрқишади. Хуллас, Франция шу қадар оддий, Париж эса шу қадар маданийлашиб кетганки, бизнинг саксон беш департаментимизнинг (мен бу ерда Корсикани Франция чекка ўлкалари қаторига қўшмайман) ҳаммасида телеграф бор, барча катта-кичик қоронғи ғорларга полиция комиссари газ ўтказиб қўйган. Хулласи калом, азиз граф, мен сизга фақат бир нарсада (бу масалада бутунлайин ихтиёрингиздаман), яъни шахсан ўзим ёки дўстларим орқали сизни ҳамма ерга олиб бориб таништиришда ёрдам беришим мумкин. Аммо бу борада сиз ҳеч кимнинг ёрдамига муҳтож эмассиз: сиздек номи машҳур, бадавлат, оқил (шу пайт Монте-Кристо кинояомуз илжайиб қўйди) киши юқори табақа жамоатчилиги билан танишиб олишда бировнинг кўмагига муҳтож эмас ва ҳамма ерда уни қучоқ очиб кутиб олишади. Аслини олганда, мен фақат бир нарсада – Париж ҳаёти билан танишишда, роҳат қиладиган жойлар масаласида, магазинларни билиб олишда ёрдам кўрсатишим мумкин, бунда мени бутунлайин ихтиёрингизда, деб билгайсиз. Сиз Римда, марҳамат қилиб бизга икки хонангизни ажратиб берган эдингиз, бироқ мен (худбинликни тарғиб этмасам-да, ўлгудек худбинман) мана ҳозир биз ўтирган уйимдан сизга жой ажратиб беришга журъат этолмайман, зеро, бу ерга мендан бошқа фақат хотин кишининг кўланкасигина сиғиши мумкин.

– Бу гапингиздан бошингизни иккита қиладиганга ўхшайсиз, – деди граф. – Чиндан ҳам, Римда сиз менга уйланиш тўғрисида қандайдир бир режангиз борлигини ишора қилган эдингиз, бўлажак бахтли тўйингиз билан табрикласам бўладими?

– Бу ҳали фақат режа, холос.

– Ҳали жуда ноаниқ режа бу, – сўз қотди Дебрэ.

– Асло ундай эмас, – деди Морсер, – отам уйлантиришни жуда истаб қолган, мен ҳозирча хотиним бўлмаса-да, қай-



лиғим мадемуазель Эжени Данглар билан сизни таништи-  
рарман, деган умиддаман.

– Эжени Данглар, – деди Морсернинг сўзини такрорлаб  
Монте-Кристо, – тўхтанг, унинг отаси барон Дангларми?

– Ҳа, – деди Морсер, – бироқ барон бўлганда ҳам янги  
тоифадаги баронлардан.

– Давлатга шу унвонга муносиб хизмат қилган экан, ба-  
рибир-да.

– Жуда катта хизмат кўрсатди давлатга у, – деди Бошан,  
– дилида либерал бўлса-да, минг саккиз юз йигирма тўққи-  
зинчи йили Карл X учун олти миллион заём ўтказиб берди,  
шу хизмати учун қирол унга барон унвонини берди ва Фах-  
рий легион кавалери қилиб қўйди, мана эндиликда бу му-  
кофотни камзулининг чўнтагида олиб юрмай, кўкраги ус-  
тида тақиб гердаиб юрибди.

– Эҳ, Бошан, Бошан, – деди кулиб Морсер, – бу ибора-  
ларни «Корсар» ва «Шариварь» учун сақлаб қўй оғайни, ҳозир  
менинг олдимда бўлажак қайнатамга тил теккизма.

Сўнг у Монте-Кристога мурожаат қилди:

– Сиз ҳозир бароннинг номини худди у билан яқин та-  
нишдек тилга олдингиз.

– Мен уни танимайман, – деди Монте-Кристо бепарво-  
лик билан, – лекин яқинда танишиб олсам керак, чунки  
унинг банкида Лондондаги Ричард ва Блаунт банкирлар  
оиласи томонидан Венадаги Арштейн ва Эскелес, Римдаги  
Томсон ҳамда Френч банкирлар оиласи томонидан кредит  
очилган.

Граф сўнгги икки номни тилга олганда Моррелга кўз  
қирини ташлаб қўйди. Бу билан у Максимилиан Моррелни  
ҳаяжонга соламан деб ўйлаган бўлса, адашмади. Максими-  
лиан гўё электр токи ургандек сесканиб кетди.

– Томсон ва Френч? – деди у. – Граф сиз ўша банкирлар  
оиласини танийсизми?

– Христиан оламининг пойтахтидаги бу кимсалар ме-  
нинг банкирларим, – деди граф хотиржамлик билан. –  
Уларга бирор ишингиз тушган бўлса, ёрдам беришим мум-  
кин?

– Эҳтимол, сиз бизга ҳеч натижа бермаётган қидирувла-  
римизда ёрдам берурсиз. Ўша банкирлар оиласи бир вақт-

лар бизнинг фирмамизга жуда катта ёрдам берган эди, бироқ нечундир ҳамиша буни инкор этиб келди.

– Мен хизматингизга тайёрман, – деди эгилиб Монте-Кристо.

– Суҳбатни Данглар жаноблари томонга буриб, мавзудан жуда четга чиқиб кетдик, – деди Морсер, – гап граф Монте-Кристога дурустроқ жой топиб бериш устида бораётган эди. Хўш, азим шаҳар Парижнинг янги меҳмонини қаерга жойлаштирсак экан?

– Сен-Жерменда графга боғлиқ алоҳида уй топиш мумкин, – деди Шато-Рено.

– Сиз ўша бефайз Сен-Жерменингизни бозорга солганингиз солган, – деди Дебрэ. – Унинг гапига қулоқ солманг граф, яхшиси, Шоссе д’Антендан жой олинг. Ҳақиқий Париж шу.

– Опера Бульвари, иккинчи қават, айвонли уй, – деди Бошан. – Ана ўша ерда граф кумуш ранг кимхоб ёстиқларга ёнбошлаб, чилим чекиб ёки дорисини лик-лик ютиб, рўбарўсида жилваланиб ётган пойтахтни томоша қилиб ётади-да.

– Меррель, сиз ҳеч нарса таклиф этмаяпсиз-ку? Ёки дурустроқ жойни эслаёлмаяпсизми? – сўради Шато-Рено.

– Йўқ, аксинча, менда ҳам бир фикр бор, – деди жилмайиб йигит, – фақат, графга сизнинг таклифларингиздан бирортаси ёқиб қолар деб тургандим. Ундай бўлмади, шекилли, эндиликда мен журъат этиб, пампадурларнинг<sup>33</sup> дан-ғиллама уйидан бир кичикроқ уй таклиф қиламан. Мана роса бир йилдан буён Мели кўчасидаги ўша уйда синглим туради.

– Синглингиз борми? – сўради граф.

– Ҳа, граф, гўзал синглим бор.

– Турмушга чиққанми?

– Тўққиз йил бўлди.

– Бахтиёрми ишқилиб? – яна сўради граф.

– Бахтиёр бўлганда қандоқ! – жавоб қилди Максимилиан, – синглим севган йигитига – бошимизга кулфат тушганда ҳам биздан юз ўгирмаган – Эмманюель Эрбога тегди.

---

<sup>33</sup> Калтабин маъмур

Монте-Кристо мийиғида кулиб қўйди.

– Таътилга келганимда ана шу синглимникида тураман, – давом этди Максимилиан, – сизга бирор нарса керак бўлиб қолса, куёв иккимиз ёрдам беришга тайёрмиз.

– Бир дақиқа сабр қилинг! – деди Альбер Монте-Кристо ни жавоб беришга қўймай, – нима деётганингизни бир ўйлаб кўринг, Моррель. Саёҳатчи Синдбод-Денгиз сайёҳи ни оилавий муҳитда кишанлаб қўймоқчисиз-ку! Парижни сайр этмоқ учун келган одамни авлиёга айлантириб қўймоқчисиз-ку!

– Мутлақо ундай эмас, – деди илжайиб Моррель, – синглим йигирма беш ёшда, куёвим эса ўттиз ёшда, улар ёш, шўх, бахтиёр. Бунинг устига граф алоҳида хонада туради ва улар билан истаган вақтдагина учрашиб туриши мумкин.

– Раҳмат сизга, раҳмат, – деди Монте-Кристо, – сиз лозим топсангиз синглингиз ва куёвингиз билан танишиб олишга тайёрман, аммо ҳеч қайсингизнинг таклифингизни қабул қила олмайман, чунки менга жой аллақачон тайёр қилиб қўйилган.

– Қандай қилиб! – хитоб қилди Морсер. – Наҳотки сиз меҳмонхонада турсангиз? У ерда роҳат қилолмайсиз!

– Римдаги жойим ёмонмиди? – сўради Монте-Кристо.

– Қанақа қилиб ёмон бўлсин. Хоналарингизни безаш учун эллик минг пиастр харажат қиласизу, тағин ёмон бўлсинми? Бироқ ҳар гал бунчалик харажатга йўл қўявер-массиз?

– Мени бу чўчитгани йўқ, – жавоб қилди Монте-Кристо, – лекин Парижда ўзимга хусусий уй сотиб олмоқчиман. Олдинроқ камердинеримни юборган эдим, у аллақачон уй сотиб олиб жиҳозлатиб қўйган бўлса керак.

– Парижни биладиган камердинерингиз ҳам борми ҳали? – сўради Бошан.

– Унинг ҳам менга ўхшаб Парижга биринчи келиши, у ҳабашлардан, гунг, – жавоб қилди Монте-Кристо.

– Алими? – деди хитоб қилиб Альбер ҳаммани таажжубга солиб.

– Худди ўша Алининг ўзи, менинг нубиялик соқовим, сиз уни Римда кўрган эдингиз, шекилли.

– Тўғри, кўрган эдим, – деди Морсер, – ҳамон эсимда у. Бироқ Парижда уй сотиб олишни нубияликка қандай қилиб топширдингиз? Соқовга уйни жиҳозлашни топшириб бўладими? Шўрлик ҳамма ишни чатоқлаштириб юборган бўлса керак.

– Бу гапингиз беҳуда, у аксинча, ҳамма ишни менинг дидимдагидек қилиб бажо келтирган бўлиши керак, биласизки, менинг кўнглимдагидек қилиш осон эмас. Унинг бу ерга келганига роса бир ҳафта бўлди, шу вақт ичида у бутун шаҳарни айланиб, овчи ит сингари ҳамма ёқни ҳидлаб чиққандир, балки. Менинг инжиқ одатларимни, дидимни, таъбимга нима ёқишини, истак-эҳтиёжларимни жуда яхши билади. У керак нарсаларнинг барчасини аллақачон тахт қилиб қўйган. Бугун эрталаб соат ўнда келишимни билганидан соат тўққиздан Фонтенебло заставасида мени кутиб турган экан. Келишим билан мана бу қоғозни қўлимга тутқазди, бу менинг янги манзилим, мана ўқинг. – Монте-Кристо шундай деб бир парча қоғозни Альберга узатди.

Альбер ўқиди:

– «Елисей Майдони, ўттизинчи рақам».

– Мана буниси ажойиб! – деди тўсатдан Бошан.

– Ҳақиқатан ҳам князчасига бўпти бу иш! – сўз қотди Шато-Рено.

– Ия, сиз ҳали уйингиз қанақалигини билмайсизми? – сўради Дебрэ.

– Билмайман, – жавоб қилди Монте-Кристо. – Мен ҳали белгиланган вақтдан кечикмасликка ҳаракат қилганимни айтгандим. Кийимимни извошда кийиб, виконт остонасида тушдим.

Йигитлар бир-бирига қараб олишди: улар, Монте-Кристо ҳазиллашаяптими, деб ҳайратда қолган эдилар, бироқ бу зотнинг ғалати туюлаётган гаплари шу қадар оддий, табиий эдики, улардан бирортасини ёлғон дейишга кишининг тили бормасди, тўғриси айтганда, у нега ёлғон гапирсин энди?

– Хуллас, – деди Бошан, – энди биз графга майда-чуйда ишлардагина ёрдам кўрсатиш билан қаноатланарканмизда. Мен, бир журналист сифатида графга барча Париж театрларининг эшикларини ланг очиб қўяман.

– Раҳмат, – деди илжайиб Монте-Кристо, – мен иш бошқарувчимга ҳар бир театрдан биттадан ложани банд қилгин, деб буюриб қўйган эдим.

– Иш бошқарувчингиз ҳам нубиялик гунгми? – сўради Дебрэ.

– Йўқ, у сизга ватандош (мабодо корсикаликни кимнингдир ватандоши дейиш жоиз бўлса), жаноб де Морсер, сиз уни танийсиз.

– Э-э, деразаларни жуда моҳирлик билан ижарага оладиган синьор Бертуҷходир-да?

– Худди ўша, меникида нонушта қилганингизда кўрган эдингиз уни. Жуда азамат йигит, солдат бўлиб ҳам хизмат қилган, контрабандист ҳам бўлган, умуман ҳамма ишларга бошини суқиб чиққан. Мен ҳатто бировга пичоқ ургани важдан полиция билан нари-бери бўлмаган деб ҳам айтолмайман.

– Жаҳонда ягона ўша ҳалол кимсани, сиз граф, ўзингизга иш бошқарувчи қилиб олдингизми? – сўради Дебрэ. – Йилига қанча ақчангизни киссасига уради у?

– Менимча, бошқалардан кўп урмас, бироқ у жуда мен-боп, йўқни йўндирадиган одам. «Иложи йўқ» деган гапни билмайди, шунинг учун ҳам уни сақлаб турибман.

– Демак, – деди Шато-Рено, – ҳамма ишларингиз жойида: Елисей майдонида уйингиз бор, хизматкорингиз, иш бошқарувчингиз – ҳаммаси муҳайё, фақат маъшуқа йўқ.

Альбер кулиб қўйди: у Валле театрида ва Аржентина театридаги граф ложасида кўрган жононни эслади, у ё албан ёки грек аёли эди.

– Менда ажойиб жонон асира бор, – деди Монте-Кристо. – Сиз маъшуқаларингизни Операдан, Водевилдан, Варьетедан топасиз, мен эса ўзимникини Константинополдан сотиб олдим, бу менга қимматга тушди, лекин шўниси яхшики, эндиликда бу борада ташвишим йўқ.

– Бироқ, сиз бир нарсани унутяпсиз, – сўз қотди Дебрэ. – Биз эркин французлармиз, демак, асирангиз Франция тупроғига қадам қўйиши биланоқ эркинликка чиқади, биласизми?

– Ким унга бунни айтади? – сўради Монте-Кристо.

– Ҳар бир киши.

– Асира фақат янгича грек тилида гапира олади.

– Унда бошқа гап!

– Бироқ биз уни кўрамиз, деб ишонсак бўладими? – деди Бошан. – Ёки соқовдан бошқа яна бичилган маҳрамларингиз ҳам борми?

– Йўқ, – деди Монте-Кристо, – мен шарқ маданиятини ўрганиш борасида ҳали бунгача етиб борганим йўқ: атрофимдагиларнинг ҳаммаси истаган дақиқада ўзини озод ҳисоблаб, «тўрт томоним қибла» деб кетавериши мумкин, шундай қилганда улар на менинг, на бошқа бировнинг ёрдамига муҳтож бўлмайди, мени ташлаб кетмаётганларининг боиси ҳам шундадир.

Сўхбатдошлар овқатни тугатиб аллақачон ширинликларни баҳам кўришга ва сигаралар чекишга ўтишган эди.

– Азизим, – деди ўрнидан тураётиб Дебрэ, – соат икки ярим бўпти, меҳмонингиз ниҳоятда гўзал, жозибали экан, аммо ҳар қандай ажойиб, ёқимли жўралар гурунги билан ҳам хайрлашмасликка илож йўқ, баъзида эса шундай ёқимли гурунгдан ёқимсизига боришга тўғри келади, мен министрликка боришим керак ва у ерда министр билан граф тўғрисида гаплашиб оламан, ахир биз унинг кимлигини билиб олишимиз керак-ку.

– Эҳтиёт бўлинг, – деди Морсер, – жуда зийрак, зехнли одамлар ҳам бу жумбоқни ечишнинг уддасидан чиқолмаган.

– Полиция учун бизга уч миллион ажратишган, тўғри, бу сармоя ҳамиша илгариданоқ сарфланган бўлади, аммо бу иш учун эллик минг франк топилиб қолар ҳар ҳолда.

– Унинг кимлигини аниқлаганингизда, менга айтасизми?

– Албатта. Хайр, Альбер, жаноблар, менга рухсат, хайр. Дебрэ даҳлизга чиқди-да, баланд овоз билан:

– Извошни чақиринг! – деди.

– Афтидан, – деди Бошан Альберга. Палатага боролмайдиган бўлдим энди, аммо ўқувчиларимни жаноб Дангларнинг нутқидан кўра дурустроқ нарсадан хабардор қиламан.

– Худо ҳаққи, Бошан, бу ҳақда бир оғиз ҳам гап очманг, илтимос қиламан, – деди жавобан Морсер, – уни жамоатчиликка таништириш имтиёзидан мени маҳрум этманг. Ростданам жуда қизиқ, ғалати одам, тўғрими?

– Ниҳоят ажиб зот, – деди сўз қотиб Шато-Рено. – Бундай ўхшаши йўқ одамни шу вақтгача кўрганим йўқ эди. Сиз ҳам кетасизми, Моррель?

– Ҳозир, графга ташриф қоғозимни берай, граф илтифот айлаб, бизникига, Меле кўчасидаги ўн тўртинчи уйимизга ташриф буюришга ваъда қилди.

– Имонингиз комил бўлсин, албатта бораман, – деди таъзим этиб граф.

Максимилиан Моррель ва Шато-Рено чиқиб кетишди, меҳмонхонада Монте-Кристо билан Морсер қолди.

### III. БИРИНЧИ УЧРАШУВ

Монте-Кристо билан якка қолишганда Альбер унга бундай деди:

– Граф, ижозат этсангиз, йўл кўрсатувчилик вазифамга киришсам-да, бўйдоқнинг намунали кулбасини кўрсатиб чиқсам. Италия саройларида юриб, у ерлардаги қулайликлар, ҳашамларга ўрганиб қолган сиз учун, бу ердагиларнинг фикрича, дуруст ҳаёт кечираётган ёш Париж йигити неча квадрат фут майдонда истиқомат қила олиши мумкинлигини билиш қизиқарли албатта. Нафасингиз бўғилиб қолмасин деб, хонадан хонага ўтганда деразаларни очиб юборамиз.

Монте-Кристо емакхонани ва пастдаги меҳмонхонани кўрган эди. Альбер уни дастлаб студиясига олиб кирди. Бу унинг энг севимли хонаси эканини ўқувчи билади.

Монте-Кристо студияда Альбер йиққан нарсаларга баҳо беришга қобилиятли зот: қадимий хамбалар, япон чиннилари, шарқ газламалари, венеция шишалари, барча мамлакатларнинг милтиқлари... Графга буларнинг ҳаммаси таниш, шу сабабли биринчи қарашдаёқ у буюмлар қайси аср, қайси мамлакат маҳсули эканини дарҳол аниқлади, Морсер буюмларга шарҳ беришим керак бўлур деб ўйлаган эди, амалда бунинг тескараси бўлди. Альбер графнинг раҳбарлиги остида археология-минералогия ва табиат тарихидан дарс олди. Улар иккинчи қаватга тушишди. Альбер меҳмонни меҳмонхонага бошлаб кирди. Бу хонанинг ҳамма деворларига замондош рассомларнинг суратлари осилган

эди. Дюпренинг пейзажлари, узун-узун қамишзорлар, қома-ти тик дарахтлар, маъраётган сигирлар, ажойиб само... Де-лакруанинг узун бурнус кийган, зарҳал камар боғлаган қора милтиқли араб суворийларининг расмлари... Отлар қутуриб бир-бирини ғажияпти, одамлар эса гурзи тутиб, жанг қилиш-япти. Буланженинг ниҳоятда зўр маҳорат билан ишлаган «Париж Момо ҳавосининг жомеси» деб номланган акваре-ли ҳам осиб қўйилган. Диаснинг гуллари янги очилган гул-лардан гўзал, қуёши самодаги ҳақиқий қуёшдан ҳам кучли нур сочиб тургандек кўринадиган суратлари, Деканнинг Сальватор Розаникидек ярқироқ, аммо самовийроқ сурат-лари ҳам осифлиқ, Жиро ва Мюллернинг мўйқалами билан вужудга келган полотнолар фаришта гўдакларнинг ва па-ризодларнинг гўзал чеҳраларини тасвир этиб турибди. До-занинг шарқ альбомидан йиртиб олинган варақлар ҳам бор. Умуман, замон санъатида ўтган асрларнинг йўқ бўлиб кет-ган санъати ўрнига нимани бера олган бўлса ҳаммаси мав-жуд эди.

Альбер энди бу ажиб хорижийни ҳайратда қолдирдим, деб умид қилган эди, аммо граф Альберни ҳайратда қолди-риб, имзоларга (баъзан фақат исми ва отасининг исмининг бош ҳарфларигина ёзилган) қарамасданоқ ҳар бир сурат-нинг муаллифини шартта-шартта айтиб бераверди, у рас-сомларнинг фамилиясини билибгина қолмай, ҳатто, ҳар бир мўйқалам устасининг истеъдодини ўрганиб, баҳо бе-ришга улгурган эди.

Меҳмонхонадан ётоқхонага ўтишди, бу хона юқори да-ражада намунали, кўркам, шу билан бирга, жиддий дид-фаросат билан жиҳозланган эди: бу ерга фақат зарҳал ромда битта сурат осифлиқ, лекин унга Леопольд Робер имзо чек-кан.

Сурат дарров граф Монте-Кристонинг диққатини жалб қилиб олди, у шошиб борди-да, унинг рўбарўсида тўхтади.

Бу йигирма беш ёшларга бориб қолган, қорачадан кел-ган, чақноқ кўз, кўзлари сузук аёлнинг сурати эди, устида каталанилик балиқчи қизининг рангдор кийими, белида қизил-қора белбоғ, сочларида олтин тўғнағичлар, хотин ден-гизга тикилган, хушбичим қадди-қомати осмон ва денгиз тўлқинлари фонидида кўзга яққол ташланиб турарди.



Хона қоронғи бўлмаганда, Альбер меҳмонининг юзлари бирдан оқариб, елкаси, кўкраги титраб кетганини кўрган бўларди.

Бир зум сукунат чўкди. Монте-Кристо суратдан кўзини узмай қотиб турарди. Сўнг жуда хотиржам оҳангда:

– Виконт, қайлиғингиз жуда гўзал экан, – деди, – маскарад кийими ниҳоятда ярашибди.

– Ёнида қандайдир яна бир сурат турганида, мен бу хатонгизни кечирмас эдим. Сиз, граф, менинг онамни танимайсиз, бу унинг сурати, бундан олти ёки саккиз йил муқаддам унинг ўз истаги билан чизилган эди, кийим ўзиники эмас, афтидан, ясама бўлса керак, аммо сурат онамнинг худди ўзи, бунга қарасам онам минг саккиз юз ўттизинчи йилда қандай бўлса, худди шундай гавдаланади кўз олдимда. Графиня бу суратни отам йўқлигида уни хурсанд қилмоқчи бўлган, бироқ сурат отамга нечукдир ёқмади, рассомнинг маҳорати ҳам уни мафтун этолмади, ахир бу Леопольд Робернинг энг яхши асарларидан бири эканини ўзингиз кўриб турибсиз. Тўғриси айтганда (бу гап иккимизнинг орамизда қолсин), отам жаноб де Морсер Люксембург саройидаги кенгашларнинг доимий қатнашчиси, олий мансаб эгаси, ҳарбий ишларда билагон, аммо санъат борасида нуноқ эди. Онам эса мўйқалам санъатини яхши билади, ўзи ҳам моҳир рассом, мана шу ижод маҳсулига мафтун, аммо у отамнинг кўзидан узоқда бўлиши учун уни менга ҳадя қилди. Гро ишлаган отамнинг сурати бор: уни ҳам кўрсатаман сизга. Оилавий икир-чикирлар билан тинкангизни қуритиб қўйяпман, кечиринг мени, бироқ мен сизни графга таништиришим керак, ана ўшанда тагин онамнинг суратини мақтаб қўйманг деб, бу гапларни сизга айтяпман. Бу онамга ҳам жуда ёмон таъсир этади, бечора волидам, хонамга кирганда кўз ёшисиз қаролмайди бу суратга. Граф билан графиня ўртасига фақат шу сурат туфайлигина совуқлик тушди. Уйланганларига йигирма йилдан кўпроқ бўлса-да, бир-бирига жуда суяниб қолишган, бир-бирини турмуш қурган кундагидек яхши кўришади.

Монте-Кристо бу сузида бир сир бормикин дегандек, Альберга ялт этиб қаради, аммо йигитча бу сўзларни юракдан, жиддий равишда айтаётгани кўриниб турарди.

– Граф, менинг ҳамма бойлигимни кўрдингиз, – деди Альбер, – энди арзирлик бўлмаса-да, буларнинг ҳаммасини сизнинг ихтиёрингизга ҳавола қилишга рухсат этинг. Сиз бу ерга янада яхшироқ кўниқиб олмоғингиз учун, жаноб де Морсер ҳузурига олиб кирай. Менга қилган яхшилиқларингиз тўғрисида Римданоқ ёзиб юборган эдим ва меникига ташриф буюрмоққа ваъда қилганингизни ҳам айтгандим. Ота-онам сизга миннатдорлик билдириш онларини сабр-сизлик билан кутиб туришибди. Граф, мен сизнинг оқ-қорани таниган одам эканингизни биламан. Синдбод-Денгиз сайёҳи оилавий кўринишларга унчалик қизиқадиганлардан эмас, бироқ илтимос қиламан, менинг таклифимни қабул этинг ва уни Париж ҳаётига кириш деб ҳисоблайверинг, Париж ҳаёти эса фақат илтифотлар, ташрифлар ва таништиришлардан иборат.

Монте-Кристо индамай таъзим қилди, кўринишдан у бу таклифни қувонч-ла, юракдан эмас, одоб юзасидан қабул қилди. Альбер камердинерини чақириб граф ва графиня де Морсерга бориб граф Монте-Кристо ташриф буюрмоқчи эканини айтишни буюрди.

Альбер билан граф унинг кетидан жўнашди.

Графнинг даҳлизига киришингиз билан меҳмонхона эшиги тепасндаги герб қалқонига кўзингиз тушади, чамбараги жуда қимматбаҳо бу герб хонанинг ҳамма безакларига мос қилиб ишланган, уй эгаси бу гербга катта аҳамият билан қараяжаги ана шундан кўриниб турибди.

Монте-Кристо қалқон олдида тўхтаб уни шоён диққат билан кўздан кечирди.

– Қалқоннинг зангори тусдаги ўртасида еттита олтин мерлетка бир-бирига боғлаб жойлаштирилган. Бу, виконт, оилавий герб бўлса керак, шундайми? – сўради у, – Геральдик формулалар билан таниш бўлганим учун гербларни унчамунча тушунишимни ҳисобга олмаганда, геральдикани яхши билмайман, граф деган унвонни муқаддас Стефан командорлигини тузганим учун Тосканда беришган, агар ўшанда, саёҳатда кўп бўлган киши учун бу жуда асқотади, дейишмаганда мен бу унвонни қабул қилмасдим. Ҳеч бўлмаганда, божхона чиновникларининг титиб-тинтишидан қутулиш учун ҳам извош эшикчаларнда бирор белги бўлмоғи

керак-ку ахир. Мен сизга юқоридаги саволни беришимнинг боиси ҳам шунда, узр сўрайман.

– Бу оддий бир герб, – жавоб қилди ишонч билан Морсер. – Тўғри айтдингиз, бу бизнинг, яъни отамнинг оилавий герби, бироқ у бошқа бир герб билан қўшиб қўйилган, у онамнинг оилавий герби. Она томондан мен испанман, аммо ота томондан французман, эшитишимга қараганда, жанубий Франциянинг энг қадимги қавмларидан экан у.

– Тўғри, – деди Монте-Кристо, – мерлеткалар ҳам шундан далолат бериб турибди. Муқаддас ерга отланган зиёратчиларнинг деярли ҳаммаси ўз миссияларининг белгиси сифатида герб ўрнида салбни ёки имон қанотида узок сафар қилишларининг белгиси сифатида қушларни танлашарди. Отангиз томондаги боболарингиздан бириси, чамамда, ана шу салб юришларидан бирида қатнашган. Бу муқаддас Людовикнинг юриши бўлиб чиққан тақдирда ҳам кўз олдимизда ўн учинчи аср намоён бўладики, буниси ҳам ёмон эмас.

– Эҳтимол, эҳтимол, – деди Морсер, – отамнинг хонасида қавмимиз шажараси бор. Ундан ҳамма нарсани билиб олиш мумкин. Бир вақтлар мен бунга ҳатто д'Озье ва Жокур учун ҳам сабоқ бўладиган изоҳлар тузган эдим. Ҳозир қизиқмай қўйдим, бироқ йўл кўрсатувчи сифатида сизга шуни айтмоғим керакки, бизда, ҳозирги демократик ҳукуматимиз замонида бу нарсалар билан ниҳоятда қизиқа бошладди.

– Ундай бўлса ҳукуматингиз ўз ўтмишидан мен кўрган ёдгорликлар устига ёзиб қўйилган ва ҳеч қандай гералдик маъно бермайдиган икки лавҳадан кўра дурустроқ нарсани танлаб олмоғи лозим эди. Сизга келганда, виконт, сиз бу масалада ҳукуматингиздан устунроқ турасиз, чунки сизнинг гербингиз ниҳоятда гўзал ва киши тасафвурини жўшқинлатиб юборади. Сиз провансал (жанубий франциялик), ҳа, испан миллатига мансуб экансиз. Ҳали менга кўрсатган сурат ростдан ҳам жуда ўхшаса, онангизнинг қорачадан келган гўзал юзи ўктам каталанкага ўхшашининг боиси ҳам шунда.

Графнинг ниҳоятда одоб билан айтилган бу сўзларидаги кинояни фаҳмлаб олиш учун ё Эдип ёки энг ўткир сеҳргар

бўлмоқ керак эди. Бунга ақли бовар этмаган Морсер илжа-йиб ташаккур изҳор этди, сўнг графга йўл кўрсатиш учун олдинга ўтди-да, герб остидаги меҳмонхона эшигини очди.

Меҳмонхонанинг энг кўзга кўринадиган жойида ёши ўттиз беш-ўттиз саккизларга бориб қолган, генерал формасига олий унвон погонларини ҳамда Фахрий легион орденини тақиб олган кишининг сурати осилган. Кўкрагида ўнг томонда Халоскор, чап томонда Карл III ордени, бу суратдаги зотнинг Грецияда ва Испанияда жанг қилганидан ёки шу мамлакатларда алпақандай дипломатик хизматда бўлганидан дарак бериб турарди.

Монте-Кристо бояги биринчи суратни қанчалик синчиклаб кўздан кечирган бўлса, бунисини ҳам шунчалик чуқур назардан ўтказаетган бир пайтда, тўсатдан ёнбошдаги эшик очилди-да граф де Морсернинг ўзи чиқиб келди.

Қирқ беш ёшлардаги бу зотни кўринишдан кам деганда элликка бориб қолган деса бўлади, сочлари оппоқ, мўйлови ва қошлари эса нечундир қоп-қора, у оддий фуқаро кийимида, кўксидаги ранго-ранг тасма жуда хилма-хил орденлар билан мукофотланганидан далолат бериб турарди. Қадди-қомати анча келишган, чеҳраси очиқ эди. Монте-Кристо унинг истиқболи сари бир қадам ҳам ташламай, ўрнида тек тураверди, унинг оёқлари гўё полга қоқиб қўйилгандек, граф де Морсернинг чеҳрасига тикилганча қолди!

– Ота, – деди Альбер, – бошимга оғир мусибат тушганда бахтим чошиб учрашиб қолган олийҳиммат дўстим граф Монте-Кристо билан сизни таништиришга рухсат этинг.

Граф де Морсер қуюқ табассум-ла Монте-Кристо билан саломлашди.

– Граф биз учун жуда азиз меҳмон, у оиламизнинг ягона меросхўрини ўлимдан сақлаб қолди, биз ундан абадий миннатдормиз.

Граф де Морсер шундай деди-да, Монте-Кристонини юмшоқ курсига ўтказди ва ўзи дераза рўпарасига ўтирди.

Монте-Кристо таклиф этилган курсига ўтирди-да, кенг духоба парда соясида ўтириб графнинг ҳориган ва ташвишларга тўла чеҳрасига тикилиб, бевақт пайдо бўлган ажинларида из қолдирган сирли мусибатлари қиссасини ўқишга аҳд қилди.

– Виконт сизнинг ташриф буюрганнингизни хабар қилганда графиня кийинаётган эди, – деди Морсер, – у ўн дақиқадан сўнг келади.

– Парижга келишимнинг биринчи кунидек хизматлари шон-шавкати, доврўғига тенг, тақдир адолатига мурассар бўлган зот билан учрашганим учун ўзимни бахтиёр деб биламан, – деди Монте-Кристо. – Бу адолатли тақдир, эҳтимол, Митижи саҳроларида ёки Атлас тоғларида сизга яна қўшимча маршаллик унвонини тайёрлаётгандир.

– Ҳечам, – эътироз билдирди қизариб Морсер, – мен ҳарбий хизматдан воз кечганман, граф. Қайта тиклаш даврида олий дворян унвони олиб, биринчи юришларда қатнашдим ва маршал де Бурмон бошчилигида хизмат қилдим, юқори қўмондонлик лавозимини талаб қилишим мумкин эди, мабодо юқори зинада қолганимда нималар юз беришини ким билади, дейсиз. Ахир Июль революцияси шу қадар зўр бўлдики, император даврига мансуб бўлмаган ҳамма хизматларни инобатга олмади. Шу сабабли мен ҳарбий хизматдан воз кечишга мажбур бўлдим. Погонларни жанг майдонида жонбозлик кўрсатиб олган мен каби кишилар меҳмонхоналарнинг тийғончиқ паркетларида найранг ишлатолмайди. Ҳарбий хизматни ташлаб сиёсат билан, саноат билан шуғулландим, амалий санъатни ўргандим. Мен ҳаммаша бу нарсаларга жуда қизиқиб келганман, бироқ йигирма йиллик ҳарбий хизмат даврида бу иш билан шуғулланишга вақт тополмадим.

– Халқингизнинг бошқа халқлардан афзаллиги ҳам мана шунда, – деди Монте-Кристо. – Сиз донгдор қавмнинг авлодсиз, катта бойлик эгасиз, лекин шунга қарамай, биринчи унвон учун оддий солдат бўлиб хизмат қилдингиз, бундайлар кам бўлади. Генерал, Франциянинг пэри, Фахрий легион командори сиздек одам мукофот учун эмас, яқинларингиз манфаати учунгина бирор янги нарса ўрганишга ҳаракат қила бошлайсиз... Бу жуда гўзал иш, ҳатто одамни ҳайратда қолдирадиган иш.

Альбер бу сўзларни донг қотиб тинглаб ўтирарди: у Монте-Кристонинг бу каби шавқ-завқ билан суҳбатлашганини ҳеч кўрмаган эди.

– Афсуски, биз Италияда бундай фазилатга эга эмасмиз, – давом этди чет эллик Морсер юзида пайдо бўлган ўнғайсизлик белгиларини ювиб ташлаш ниятида, – биз ўз наслимизга хос равишда ўсяпмиз, умр бўйи ўша одатни, ўша қиёфани ва кўпинча ўша лоқайдликни сақлаб келяпмиз.

– Бироқ сиз каби зотларга Италия муносиб ватан эмас, – деди эътироз билдириб граф де Морсер. – Франция сизга кучоғини очиб турибди, унинг чақириғига жавоб қилинг. У ҳамиша бешафқат бўлавермайди, у ўз фарзандларига бе-раҳм, аммо чет элликларни қувонч-ла кутиб олади.

– Ота, граф Монте-Кристони яхши билолмаётганингиз сезилиб турибди, – деди унинг сўзини бўлиб Альбер, – уни қаноатлантирадиган нарсалар бизнинг дунёмиздан мутлақо ташқарида, у обрў, иззат-ҳурмат орқасидан қувадиган одамлардан эмас, улардан фақат паспортига сиғадиганини олади, холос.

– Мен ўзим тўғримда бундай тўғри баҳони мана энди биринчи марта эшитяпман, – деди Монте-Кристо.

– Граф ўзи истаган тарзда ҳаёт кечириш учун ҳамма имкониятларга эга эди, – деди граф де Морсер хўрсиниб, – аммо у гулларга тўла ҳаёт йўлини танлаб олди.

– Худди шундай, – деди жавобан Монте-Кристо ҳеч бир рассом тасвир эта олмайдиган ва ҳеч бир физиономист баён қилиб беролмайдиган ажойиб табассум билан.

– Сизни толиқтириб қўярмиканман деб ҳайиқиб турибман, – деди генерал меҳмоннинг муомалаларига мафтун бўлиб, – бўлмаса сизни Палатага олиб борардим, бугунги мажлис бизнинг ҳозирги замон сенаторларимиз билан таниш бўлмаган киши учун жуда қизиқарли.

– Агар, бу таклифингизни кейинги сафарга қолдирсангиз бениҳоя миннатдор бўлур эдим, бугун эса графиня билан танишмоқ ниятимга етарман деган умиддаман, кутаман.

– Ана, онажонимиз чиқдилар! – деди хитоб қилиб ви-конт.

Монте-Кристо дарҳол ўгирилди-да, меҳмонхона остонасида рангпар де Морсер хонимни кўрди, у эри чиққан эшикка қарама-қарши эшик олдида нечундир олтин суви юри-тилган часпакка қўли билан суяниб турарди. Монте-Крис-

то ўгирилиб қараганда, у қўлини бўшатиб олди. У остонада бир лаҳза тўхтаб, меҳмоннинг охирги сўзларини эшитиб олган эди.

Меҳмон ўрнидан турди-да, графиняга эгилиб таъзим қилди, графиня ҳам такаллуф билан салом берди.

– Сизга нима бўлди, графиня, – сўради граф де Морсер.  
– Тобингиз қочдимми? Ёки бу ер жуда иссиқдир?

– Онажон, мазангиз йўқми? – деди виконт Мерседес иқболига ташланиб.

Бека уларга табассум-ла миинатдорлик изҳор этди.

– Йўқ, – деди у, – графни кўриб юрагим ўйнаб кетди, нега десангиз, ахир бу зоти шариф ёрдам қилмаганда биз ҳозир қайғу-аламда ёниб, мотам қилиб ўтирардик-да Граф, – деди у виқор билан Монте-Кристога яқин келиб, – ўғлимни ўлимдан сақлаб қолганингиз учун мен сиздан минг қарра миннатдорман, ташаккуримни билдиришга муяссар бўлганим учун бахтиёрман.

Граф илгаригидан янада пастроқ эгилиб таъзим қилди, унинг ранги Мерседесникидан ҳам баттарроқ бўзариб кетган эди.

– Сиз менга ортиқ даражада мурувват изҳор этияпсиз, графиня, – деди ўта мулойимлик ва эҳтиром билан Монте-Кристо. – Мен ҳайратга соладиган иш қилганим йўқ. Инсон боласини фалокатдан халос этиш, отани дард-аламидан, онани қон-қора қақшашдан қутқариш олижаноблик эмас, бу инсоннинг бурчи.

– Сиз каби дўст орттириб, ўғлим ниҳоят катта бахтга эга бўлибди, – деди бека де Морсер чуқур меҳр туйғулари билан. – Бу ҳиммати учун Худога минг қатла шукр.

Мерседес шундай деди-ю, ташаккурга тўла гўзал кўзлари билан осмонга тикилди, ҳатто беканинг кўзларида ёш пайдо бўлгандек туюлди графга.

Жаноб де Морсер графиня олдига бориб:

– Мен, – деди, – графни қолдириб кетишга мажбур эканимни айтиб, узр сўрадим. Сиз ҳам мен учун ундан узр сўрайсиз деб умид қиламан. Палата мажлиси соат иккида очилиши керак эди, соат уч бўлди, мен сўзга чиқишим зарур.

– Бораверинг, мен меҳмонни зериктириб қўймасликка ҳаракат қиламан, – деди графиня яна Монте-Кристога му-

рожаат қилиб, – шу бугун бутунлайин биз билан бирга бўлсангиз бошимиз осмонга етган бўлур эди.

– Графиня, ишонинг менга, сиздан жуда миннатдорман. Бироқ йўлдан тўғри келиб остонангизда извошдан тушдим. Ҳали Парижда мени қаерга жойлаштирганларидан беҳабарман, бу қийин иш бўлмаса-да, бир оз ташвишланиб турибман.

– Бошқа бир куни меҳмонимиз бўлишга ваъда берасизми? – сўради графиня.

Монте-Кристо ун чиқармай таъзим этди, бу розилик бергани эди.

– Шундай экан, мен сизни маҳтал қилмайман, – деди графиня, – миннатдорлигимни одобсизликка ва инжиқликка йўйишларини истамайман.

– Азиз граф, – деди Альбер, – агар рухсат этсангиз, мен Римдаги ҳимматингизни Парижда қайтарайин-да, извошимни, то бу ердан извош топгунингизча, ихтиёрингизга бериб қўяй.

– Ташаккуримни қабул қилинг, виконт, – деди Монте-Кристо, – аммо аминманки, Бертуччо ўтган тўрт ярим соат вақтини беҳуда ўтказмаган бўлса керак, ўйлайманки, остонангизда мени қандайдир извош кутиб тургандир.

Альбер графнинг қилиқларига кўникиб қолган, у худди Нерон сингари иложи йўқ нарсаларни бор қилишга ўч эканини яхши билади, шунинг учун ҳеч нарсага таажжубланмади, фақат графнинг буйруқлари қандай бажарилганини шахсан билиб олмоқчи эди. Альбер графни эшиккача кузатиб қўйди.

Монте-Кристонинг гапи тўғри чиқди: у граф де Морсернинг даҳлизида кўриниш бериши биланоқ, қарол – Римда Альбер билан Францга ташриф карточка олиб кирган ўша қарол отилиб чиқиб кетди. Машҳур саёҳатчи остонага чиққанда ростданам уни извош кутиб турган эди. Бу Келлер ясаган икки ўринли қўш отли извош эди. Бу отлар Парижнинг ҳамма манман деган зотларига аён – кеча Дрэй ўн саккиз минг франкка сотмаган отлар эди.

Граф Альберга мурожаат қилиб:

– Виконт, – деди, – сизни мен ҳозир ўзимникига таклиф қилолмайман, чунки ҳали у ерда шошилиб ҳамма зарур нар-



саларни тахт қилганларича йўқ: сиз вақтинча турадиган жойимни ҳам жуда қулай қилиб олишга мойил одам эканимни биласиз. Бир кун муддат беринг, шундан сўнг сизни таклиф этишга рухсатингизни сўрайман. Ана ўшанда меҳмондўстлик қонунларига хилоф иш қилмаган бўламан.

– Граф, бир кун муддат сўраяпсиз, аминманки, шу бир кун ичида менга уй эмас, бутун бир сарой кўрсата олишингизга имоним комил. Қандайдир олийҳиммат авлиё сизга мадад бериб турса керак-да.

– Майли, шундай деб фараз қилаверсинлар, – жавоб қилди Монте-Кристо ажойиб извошининг бахмал ёзилган зинасига қадам қўйиб, – бу жононлар олдида менинг баҳомни яна ошириб юборади.

Граф извошга ўтирди, эшикчалар ёпилди, отлар югуриб кетди, бироқ шунда ҳам граф бека Морсер якка қолган меҳмонхона деразасининг пардаси салгина титраб кетганини кўриб қолди.

Альбер қайтганда онаси ўз хонасида чуқур бахмал курсида ўтирганди, хона ним қоронғи, фақат онда-сонда вазалар ва бурчакларда зарҳал ромлар йилтиллаб турарди.

Альбер графинянинг ҳарир рўмол тўсиб турган юзини кўролмади, бироқ унга онасининг овози титраётгандек туюлди. Атиргуллар ва бинафшагуллар ҳидига ҳидлайдиган туз дорининг ҳиди аралашиб кетган эди, чиндан ҳам графинянинг флакони шагрен филофдан олиниб, печь устидаги вазалардан бирига қўйилган эди.

– Тобингиз қочдимми? – деди у онаси ёнига бориб. – Мен келгунча беҳуд бўлибсиз-да?

– Асло ундай эмас, Альбер, кунлар исиб кетиши билан мана бу гулларнинг ҳиди кучайиб, ҳавони оғирлаштиради...

– Ундай бўлса бу гулларни чиқариб ташлаш керак, – деди Альбер қўнғироқ ипини тортиб. – Чиндан ҳам тобингиз қочибди, меҳмонхонага киргандаёқ рангингизда қон қолмаган, оппоқ эди.

– Жудаям-а.

– Сизга бу ярашади, бироқ отам билан иккимиз қўрқиб кетдик сизни кўриб.

– Отанг сенга шундай дедими? – шошилиб сўради Мерседес.

– Менга эмас, ўзингизга айтган эди, эсингиздами?

– Эсимда йўқ, – деди графиня.

Қарол кирди.

– Гулларни даҳлизга олиб чиқиб қўйинг, улар графинянинг кўнглини беҳузур қиляпти.

Қарол гулларни олиб чиқиб кетгунча сукунат давом этди.

– Монте-Кристо дегани қанақа ном ўзи, жойнинг номи, ё унвонми?

– Менимча, унвон бўлса керак. Граф Тоскан тизма оролларидан бир оролни сотиб олибди, эрталабки сўзларига қараганда, командорлик таъсис этибди. Бу Флоренциядаги муқаддас Стефан, Пармдаги муқаддас Георгий, ҳатто Мальтадаги крест орденлари ўрнида жорий қилинган. У дворянлиги билан мақтанмайди, ўзини тасодифий граф деб атайди, бироқ бу зот жуда машҳур тўралардан эканини бутун Рим эътироф этади.

– Унинг қилиқлари жуда ажиб экан, – деди графиня, – у киши билан бирга ўтказган ўша бир неча дақиқа негадир шундай кўринди менга.

– О, унинг хулқ-атворида жиндек ҳам нуқсон тополмай-сиз, Европада учта энг ғурурли дворянлик – инглиз, испан ва немис дворянларининг юқори табақа зодагонлари орасида мен кўрган олижаноб зотларнинг ҳаммасидан ҳам ўтиб кетади бу кишининг гўзал одатлари.

Графиня ўйга ботди, сўнг бир оз иккиланиб, сўзини давом эттирди:

– Қадрдоним, мен сендан... онанг сифатида бир нарсани сўрамоқчиман... сен граф Монте-Кристонинг уйида кўргансан, зехнинг ўткир, одамлар гурунглирида кўп бўласан, ёшлигингга қарамай муомалада одобли, назокатлисан, хўш айтчи, бу граф ҳақиқатан ҳам биз фараз қилган одаммикин?

– Биз ким деб фараз қилдик уни?

– Донгдор, машҳур тўралардан, деб ўзинг айтдинг-ку.

– Ҳамма шундай дейди уни.

– Ўзинг-чи? Ўзинг қандай фикрдасан?

– Очигини айтсам, ҳали унинг ҳақида бирор муқаррар фикрга келганим йўқ, менимча, у мальталиқ бўлса керак.

– Мен унинг қаерда туғилганини эмас, ўзи қандай одам эканини сўраяпман.

– Бу бошқа гап, мен унинг жуда кўп ғалати, фавкулподда ишларини кўрдим, уни Байрон асарларидаги бахтсизлик ҳаётида чуқур из қолдирган қаҳрамонларга – аллақандай Манфредга, ёки Ларага, ё Вернерга ўхшатаман, отасидан қолган бой меросдан маҳрум этилган бирор қадимий авлоднинг сўнги қолдиқ вакили, аммо сўнгра тадбиркорликда оқиллик қилиб яна бойлик орттирган ва бу бойлик уни жамият қонунларидан юқорига кўтариб қўйган зот бўлса керак, деб ўйлайман.

– Сен демоқчисанки...

– Мен демоқчиманки, Монте-Кристо Ўрта денгизда инсон зоти истиқомат қилмайдиган, гарнизонсиз бир орол, бу орол барча миллатлардан чиққан контрабандистларнинг ва бугун жаҳондан келадиган денгиз қароқчиларининг қочиб яшириниб юрадиган жойи. Ким билсин, бу олғир корчалонлар хўжайинларининг меҳмондўстлигига ҳақ тўларлар.

– Эҳтимол шундайдир, – деди графиня хаёлчан.

– Граф контрабандистми ёки йўқми, билмадим, – давом этди Альбер, – аммо у жуда ажойиб зот. Аминманки, сиз ҳам менинг бу фикримга қўшиласиз, чунки ўзингиз ҳам кўрдингиз уни. Париж меҳмонхоналарида у зўр нуфуз қозонишига асло шубҳам йўқ. Шу бугун эрталабоқ меникига тўпланганларнинг ҳаммасини, ҳатто Шато-Ренони ҳам ҳайратда қолдирди.

– Ёши нечага борган экан унинг? – сўради Мерседес бу саволга зўр эътибор бераётгандай бўлиб.

– Ўттиз беш-ўттиз олти ёшда бўлса керак.

– Жуда ёш экан-да! Бундай эмасдир! – деди Мерседес бир йўла Альбернинг сўзига ҳам, ўзининг фикрига ҳам жавоб бериб.

– Ҳақиқатан ёши шундан ошган эмас. У бир неча марта менга атайин шундай деди: «У вақтда беш ёшда эдим, унда ўнга боргандим, ўшанда ўн иккига киргандим». Мен қизиқсиниб саналарни таққослаб кўрдим, ҳар гал рақамлар бири-бирига тўғри чиқди. Ёшини белгилаш қийин, бу ажиб зот ростдан ҳам ўттиз беш ёшга кирган бўлса керак. Бунинг устига унинг ёниб турган кўзларини ва қоп-қора сочларини ўзингиз ҳам кўрдингиз. У рангпар, бироқ пешанасида битта ҳам ажин йўқ, у бақувват бўлибгина қолмай, ёш ҳам.

Графиня гүё қайғу-қасратга тўла ўйлар оғирлик қилган-дек, бошини қуйи солди.

– Бу одам сенга ҳам жуда дўстона муносабатда бўляпти-ми, Альбер, – сўради ҳаяжонланиб Мерседес.

– Менимча, шундай.

– Сен-чи... Сен ҳам унга меҳр қўйдингми?

– Уни Франц д'Эпине, нариги дунёдан келиб чиққан иблис, деб роса ишонтирмоқчи бўлса-да, граф менга жуда ёқиб қолди.

Шу пайт графиня сесканиб кетди.

– Альбер, – деди графиня ўзгариб кетган овози билан, – мен ҳамини сенга янги танишлар орттиришда эҳтиёт бўлгин деб маслаҳат берардим. Энди катта бўлиб қолдинг, менга маслаҳат беришинг мумкин, бироқ такрор айтаман: эҳтиёт бўл.

– Онажон, маслаҳатингиз фойдали бўлиши учун, ҳар ҳолда, мен нимадан эҳтиёт бўлишим кераклигини билсам яхши бўлур эди. Граф қарга ўйнамайди, фақат испан виноси томизилган сув ичади, кўриниб турибдики, жуда бой одам, борди-ю у меңдан қарз сўрагудек бўлса, башарасига қараб қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборардим. Хўш, нимасидан кўрқишим керак мен унинг?

– Гапинг тўғри, – жавоб қилди графиня, – мен беҳудага ваҳима қиляпман, ахир у сени ўлимдан қутқариб қолди-ку. Айтмоқчи, Альбер, отанг уни яхшилаб кутиб олдимми? Биз графга жуда зўр иззат-хурмат билан қарашимиз лозим. Отанг кўпинча банд бўлади, бутун фикр-хаёли ишда, шу сабабдан у беихтиёр қўполлик қилиб қўйиши мумкин...

– У ниҳоятда зўр хурмат кўрсатди графга, графнинг унга нисбатан айтган мақтовлари жуда ёқиб кетди, – деди Альбер, – оқибат-натижада иккаласи жуда иноқ бўлиб дўст бўлиб хайрлашди. Отам ҳатто менинг нутқимни эшитсин, деб графни Палата мажлисига олиб бормоқчи бўлди.

Ўғлининг бу гапларига графиня ҳеч нима демади, у жуда чуқур ўйга ботиб кўзларини юмиб олган эди. Альбер ёш ва гўзал онасига ўғиллик меҳрига тўла кўзларини тикиб олган эди, онасининг кўзларини юмиб, текис нафас олаётганини кўриб, ухлаб қолди, шекилли деб ўйлади-да, оёқ учида юриб чиқиб кетди.

– У одам эмас, – шивирлади Альбер бошини чайқаб, – Римдаёқ бу зот жамиятда ҳаммани ҳаяжонга солади, деб ўйлагандим. Мана энди бехато термометр унинг таъсир даражаси қанчалигини кўрсатаётир. Онам унга шунчалик эътибор бердим, демак, у шубҳасиз ажойиб зот.

Альбер отхонасига йўл олди, граф жимжилоғини ҳам қимирлатмай шундай извошга эга бўлиб олдики, бу соҳанинг билафонларининг кўзи олдида Альбернинг жийронлари иккинчи ўринга сурилиб қолди.

– Рост, одамлар орасида тенглик йўқ, – деди у, – бу фикрни олий Палатада ривожлантиришни отамдан илтимос қилмоғим керак.

#### IV. ЖАНОБ БЕРТУЧЧО

Бу орада граф уйга етиб келди, фақат олти дақиқа йўл юришди. Шу олти қисқа вақт бу извошни сотиб олишга қурби етмаган йигитлардан йигирмага яқинининг кўзини ўйнатишга кифоя қилди. Йигитлар ҳар отга шартта ўн минг франкдан нақд тўлаган бу ажойиб тўранинг дийдорига бир кўз қирини ташлаш ниятида отларини чоптирдилар.

Монте-Кристонинг шаҳарда туриши учун Али танлаб топган уй тепа томондан борганда Елисей майдонининг ўнг томонида, ҳовли билан боғ ўртасига жойлашган эди. Ҳовлининг ўртасида кўкка бўй чўзган бир тўп дарахт пештоқни тўсиб қўйган. Ана шу дарахтларнинг ўнг ва сўл томонида икки хиёбон узаниб ётибди, извошлар дарвозага кириб ана шу икки хиёбон орқали тўғри қўш зинага келиб тўхтарди. Иккала зинанинг бурчакларида гулларга лиқ тўла чинни вазалар ўрнатилган. Уй кенг майдон ўртасида қад кўтарган. Ундан Понтье кўчасига чиқадиган эшик ҳам бор.

Извошчи дарвозабонни чақириб улгурмасданоқ оғир эшиклар қанот ёзиб очилиб кетди. Графни узоқдан кўриб туришган эди. Парижда ҳам Римдаги каби (умуман ҳамма ерда ҳам) графга ниҳоятда зўр чаққонлик билан хизмат қилишарди, хуллас, извошчи отларнинг жловини тортмай ҳовлига кириб извошни зинага тақаб борди-да, шартта буриб тўхтатди, дарвоза алпақачон бекилган эди. Извош зи-

нанинг чап томонида тўхтаган эди, унинг эшиклари олдида икки одам пайдо бўлди: булардан бири Али эди, у хўжайинини чин юракдан қувониб қарши олди, Монте-Кристо эса унга кўз қирини ташлаб қўя қолди. Иккинчиси ҳурмат билан таъзим қилди-да, гўё извошдан тушишга ёрдам қилмоқчи бўлиб, қўлини узатди.

– Раҳмат, сизга Бертуччо, – деди граф зинадан ирғиб тушиб. – Нотариус қани?

– Кичик меҳмонхонада кутиб турибди, жаноби олийлари, – жавоб қилди Бертуччо.

– Ташриф қоғозлар-чи? Уй рақамини билибоқ буюртиришингиз керак эди-ку?

– Жаноби олийлари, ташриф қоғозлар тайёр, мен Палероялдаги энг моҳир наққошникига бордим, у ташриф қоғозларни менинг олдимда ясаб берди, биринчи ташриф қоғозни буйруғингизга биноан, дарҳол Шоссе д’Антен кўчасидаги еттинчи рақамли уйда яшовчи депутат, барон Данглар жанобларига етказиб берилди. Қолганлари жаноби олийларининг ётоқхонасидаги печь устида турибди.

– Яхши. Соат неча?

– Тўрт.

Монте-Кристо қўлқопини, шляпасини ва ҳассасини боя граф де Морсернинг даҳлизидан извошни чақириш учун отилиб чиқиб кетган қаролга узатди-да, Бертуччо кетидан кичик меҳмонхонага йўл олди.

– Бу даҳлиздаги ҳайкаллар жудаям расво экан-да, – деди Монте-Кристо. – Буларни гумдон этишсин бу ердан.

Бертуччо ун чиқармай таъзим қилди.

Иш бошқарувчи айтганидек, нотариус кичик меҳмонхонада кутиб ўтирганди.

Уст боши башанг бу киши шаҳарлик идора хизматчисига ўхшар, шаҳар чеккасида нотариус лавозимидек соз ўринга кўтарилиб олган эди.

– Шаҳар ташқарисидан мен сотиб олмоқчи бўлган уй тўғрисида музокара юритиш сизга топширилганми?

– Шундай, жаноб граф, – жавоб берди нотариус.

– Сотиш ҳужжати тайёрми?

– Тайёр, жаноб граф.

– Сиздами?

– Мана.

– Жуда соз. Мен сотиб оладиган уй қаерда? – сўради бепарволик билан Монте-Кристо. У бу сўзни Бертуччога айтди, нотариусгами – билиб бўлмади.

Иш бошқарувчи имо билан, билмайман, деди. Нотариус эса ҳанг-манг бўлиб Монте-Кристога қаради.

– Ия, қандай бўлди? – деди у, – сотиб олаётган уй қаердалигини жаноб графнинг ўзлари билмайдиларми?

– Тўғриси айтсам, билмайман, – жавоб берди граф.

– Граф уни кўргани йўқми?

– Қандай қилиб кўришим мумкин? Кадиксдан шу бугун эрталаб келдим, Парижда илгари ҳеч бўлмаганман, умуман Францияга биринчи келишим.

– Шундай денг, – деди нотариус. – Граф сотиб олмоқчи бўлган уй Отейлда.

Бу сўзни эшитиб Бертуччонинг ранги ўчиб кетди.

– Отейль деганингиз қаерда ўзи? – сўради граф.

– Бу ердан сал нарида, граф, – жавоб қилди нотариус. – Пассининг шундайгина орқасида. Булон ўрмонининг ўртасида, жуда гўзал жой.

– Жуда яқин экан-да? – деди Монте-Кристо. – Буни шаҳардан ташқаридаги уй деб бўладими? Бертуччо, сиз нега менга заставанинг ёнгинасидан уй танладингиз?

– Мен? – деди Бертуччо хитоб-ла шошилиб. – Кечирсинлар мени! Жаноби олийлари, шаҳар ташқарисидан уй топишни менга топширганлари йўқ, жаноби олийлари кимга топширганларини эсга олсалар яхши бўлур эди.

– Ҳа, тўғри, энди эсимга тушди, – деди Монте-Кристо, – газетада эълон ўқигандим, «Шаҳар ташқарисидаги уй» деган ёлғон сўзга учибман-да.

– Ҳали вақт бор, – деди сўзни илиб олиб Бертуччо, – жаноби олийлари истак билдирсалар менга топширсинлар, мен бошқа ердан Ангенданми, Фонтенэ-Роздами ёки Бельвюданми, соз уй топаман.

– Бўлганча бўлди, ҳечқиси йўқ, – деди эътироз билдириб Монте-Кристо, – шу уй танланган экан, бўпти, олаверамиз.

– Жаноби олийлари жуда ҳақ гапни айтдилар, – деди сўз қотиб хизмат ҳақидан қуруқ қолишидан кўрқиб турган но-

тариус, – бу жуда ажойиб ҳовли, ичидан ўтадиган ариқдан ҳамиша сув оқиб туради, қалин ўрмон ичида, кўпдан ташландиқ бўлиб ётган бўлса-да, жуда қулай – шинам хоналар, эски бўлсаям қимматбаҳо мулк, эски буюмлар урфга айланиб, тансиқ бўлиб қолган бизнинг замонамизда бунақа уйларнинг нарх-навоси жуда ошиб кетди. Кечиринг мени, чамамда жаноби олийлари ҳам замонамиз дидига мойил бўлсалар керак.

– Тортинмай гапираверинг, – деди Монте-Кристо, – демак, сизнингча, бу дуруст уйми?

– Граф, дурустгина эмас, жуда соз, шинам уй.

– Ундай бўлса, уни қўлдан чиқармаслик керак, – деди Монте-Кристо, – жаноб нотариус, қани васиқани бу ёққа келтиринг.

Граф шундай деди-да, дарров қоғозга қўл қўйди, уй турган жойнинг номи ва уй эгасининг фамилияларига бир назар ташлаб қўйди.

– Бертуччо, – деди у, – жаноб нотариусга эллик беш минг франк келтириб беринг.

Иш бошқарувчи аста қадам ташлаб чиқди-да, бир боғлам қоғоз пул олиб кирди, ўзининг гонорари ҳам шу суммага қўшилганини билган нотариус пулларни битта-битталаб санаб чиқди.

– Энди ҳамма расмий ишларимиз тугадими? – сўради граф.

– Ҳаммасини тугатдик, жаноб граф.

– Калитлар сиздами?

– Калитлар уйни қўриқлаб турган дарвозабонда, мана бу буйруққа биноан у сизни уйингизга олиб киради.

– Жуда соз.

Сўнг Монте-Кристо нотариусга: «Менинг сизда бошқа ишим йўқ, кетаверишингиз мумкин», дегандек боши билан имо қилди.

– Аммо, менимча, – деди журъат этиб виждонли нотариус, – жаноб граф адашдилар, менга, ҳамма харажатларни қўшганда эллик минг берсангиз кифоя.

– Хизмат ҳақингиз-чи?

– Мана шу суммага киради, жаноб граф.

– Сиз бу ерга Отейлдан келдингизми?



– Худди шундай.

– Кўп ташвиш чекдингиз, унинг ҳақини ҳам тўлаш керак-да, – деди граф.

Шундай деди-да, қўли билан имо қилиб, нотариусга жавоб берди.

Нотариус эса икки букилиб орқаси билан чиқиб кетди. Нотариуслар рўйхатига тиркалганидан бери у биринчи марта бундай зотни кўриши эди.

– Жаноб нотариусни кузатиб қўйинг, – деди граф иш бошқарувчига.

Бертуччо ташқарига чиқди.

Бир ўзи қолган граф чўнтагидан қулфланадиган кармонини олиб, калит билан очди (бу калитни у ҳеч ташламай бўйнига осиб юарди).

Кармонни титкилаб, аллақандай хатлар ёзилган ва-рақни олиб, стол устидаги уй ҳужжатиغا солиштириб кўрди.

– Отейль, Фонтен кўчаси, йигирма саккизинчи рақам, худди ўзи, – деди у. – Энди бир савол туғилди: дин таъсири остида Худодан ёки ўлимдан кўрқиб айтилган сўзларга қанчалик ишонса бўларкан? Ҳа, сабр қилайлик, бир соат ўтар-ўтмай ҳаммасини билиб оламан.

– Бертуччо! – кичқирди у қўнғироқни кичкина тўқмоқча билан уриб. – Бертуччо!

Остонада Бертуччо пайдо бўлди.

– Жаноб Бертуччо, – деди граф, – сиз менга бир вақтлар Францияда бўлганман, деган эдингизми?

– Тўғри, жаноби олийлари, баъзи жойларда бўлганман.

– Парижнинг атроф жойларини ҳам билсангиз керак?

– Йўқ, билмайман, жаноби олийлари, билмайман, – жавоб қилди иш бошқарувчи асабийлашиб. Бундай нарсаларга жуда зийрак Монте-Кристо бу – ички ҳаяжоннинг белгиси эканини сизди.

– Афсуски, Парижнинг атроф жойларини кўрмаган экансиз, – деди граф, – мен шу бугун кечқуруноқ янги уйимни кўриб чиқмоқчиман, сиз кузатиб бориб менга кўп нарсаларни кўрсатиб берардингиз.

– Отейлга! – деди Бертуччо, унинг қорачадан келган юзи бўзариб кетган эди. – Мен Отейлга бораманми?!

– Отейлга борсангиз борибсиз-да, унда ажабланадиган бирор нарса борми ўзи, айтинг-чи? Мен Отейлда яшар эканман, сиз ҳам бориб туришингиз керак-ку ахир!

Монте-Кристо унга кўзларини ўқдай тикиб олди, Бертуччо эса фикр эмай турарди.

– Бу нимаси? Бир гап бўлдимиз сизга? Икки марта кўнғироқ чалиб, менга извош чақиришларини буюрарсиз? – деди Монте-Кристо Людовик XIV машхур «Нақ бўлмаса кутиб қолардим» иборасини изҳор этган оҳангда.

Бертуччо меҳмонхонадан отилиб даҳлизга чиқди-да:

– Жаноби олийларига извош келтирилсин! – деди.

Монте-Кристо бир неча хат ёзди, охирги хатни конвертга солиб ёпиштираётганда эшик олдида иш бошқарувчи пайдо бўлди.

– Жаноби олийларининг извоши зина олдида кутиб турибди, – деди у.

– Яхши! Шляпа ва кўлқопни олинг, – деди Монте-Кристо.

– Жаноби олий, мен ҳам сиз билан бораманми? – деди Бертуччо хитоб қилиб.

– Албатта, ўша ерда мен турадиган бўлсам, сиз баъзи бир фармойишларни беришингиз керак-да.

Шу пайтгача графнинг сўзини ҳеч ким қайтармаган, шу сабабли иш бошқарувчи итоат этиб унинг изидан борди. Граф извошга ўтирди-да, имо билан Бертуччони ўтиришга таклиф қилди.

Иш бошқарувчи одоб билан олдинги ўриндиққа чўқди.

## V. ОТЕЙЛДАГИ УЙ

Бертуччо зинадан тушаётиб бошмалдоғини баланд кўтариб корсикачасига чўқинди, извошга ўтираётганида шивирлаб қисқа дуо ҳам ўқиб олди. Буни Монте-Кристо кўриб турган эди. Ҳурматли иш бошқарувчи графнинг шаҳар ташқарисига қилаётган бу саёҳатидан нечундир ижирғанаётганини, ваҳимага тушаётганини, синчков бўлмаган бошқа бир одам кўрса раҳми келиб уни қолдирарди. Аммо Монте-Кристо жуда қизиқувчан одам, шунинг учун Бертуччони бу саёҳатдан озод этмади.

Йигирма дақиқа ичида Отейлга етиб боришди. Иш бошқарувчининг ваҳимаси тобора зўрайиб бораверди. Қишлоққа кирганда Бертуччо извошнинг бурчагига суқилиб олди ва титроқ босиб уйлардан кўзини узмади.

– Фонтен кўчасидаги йигирма саккизинчи рақамли уй олдида тўхтасин, айтинг, – буйруқ берди граф иш бошқарувчидан кўзини узмай.

Бертуччодан қора тер чиқиб кетди, бироқ у итоат этиб извошдан бошини чиқарди-да, извошчига қичқирди.

– Фонтен кўчаси, йигирма саккизинчи рақам.

Бу уй қишлоқнинг энг чеккасида эди. Улар етиб боргунча қоронғи тушиб, осмонни қоп-қора булут қоплаб олган эди.

Извош тўхтади, қарол ирғиб тушиб извош эшигини очди.

– Хўш, Бертуччо, нега тушмаяпсиз? Ёки извошда қолмоқчимисиз? Сизга бугун бир гап бўлдимми?

Бертуччо извошдан тушди-да, графга елкасини тутди, граф унинг елкасига суяниб аста-секин пастга тушди.

– Тақиллатинг эшикни, – деди граф, – менинг келганимни айтинг.

Бертуччо тақиллатди, эшик очилди ва дарвозабон чиқди.

– Нима керак? – сўради у.

– Янги хўжайинингиз келди, – деди қарол.

Шундай деди-ю, дарвозабонга нотариус берган гувоҳномани кўрсатди.

– Уй сотилдимми? – сўради у. – Бу жаноб шу уйда яшайдими?

– Худди шундай, дўстим, – жавоб қилди граф, – мен илгариги хўжайинингизга ачинмаслигингиз учун ҳаракат қилман.

– Жанобларига очиғини айтсам, унга ачинишга асосим йўқ, – чунки биз уни ҳеч кўрмадик десак ҳам бўлади. Беш йилдирки, у бу ерга қадам босгани йўқ, сотиб жуда тўғри қилибди, чунки бу уй унга бир тийин ҳам фойда келтирмасди.

– Хўжайинингизни номлари нима эди? – сўради Монте-Кристо.

– Маркиз де Сен-Меран. Аминманки, уйни у ўзи олган нархга сотмагандир.

– Маркиз де Сен-Меран, – такрорлади Монте-Кристо. – Бу ном танишга ўхшайди. Маркиз де Сен-Меран...

Граф гўё эсга олаётгандек ўйга ботди.

– Эски дворян, – давом этди дарвозабон, – Бурбонларнинг содиқ хизматкори. Унинг битта-ю битта қизи бор эди, уни жаноб Вильфорга берди. Бу киши дастлаб Нимда, сўнг Версалда қироллик прокурори бўлиб ишлади.

Монте-Кристо Бертуччога қаради: иш бошқарувчининг ранги қув учган, зўрға деворга суяниб турарди.

– Қизи вафот этди, шекилли? – деди Монте-Кристо. – Мен шундай деб эшитгандим.

– Шундай, жаноб, бунга йигирма бир йил бўлди, лекин шу вақт ичида шўрлик маркизни ақалли уч марта ҳам кўрганмиз йўқ.

– Раҳмат сизга, – деди Монте-Кристо, у мадори қуриб бораётган Бертуччони кўриб: «Гапни чўзсам фалокат юз бериши мумкин», деб суҳбатни бас қилди. – Раҳмат сизга. Энди чироқ беринг бизга.

– Кузатиб боришни буюрарсиз?

– Йўқ, зарурати йўқ. Бертуччо чироқни тутиб боради.

Монте-Кристо шундай деди-да, икки тилла чиқариб унга узатди, дарвозабон граф ҳақиға дуо ўқиб, минг-минг раҳматлар айтди.

– Жаноб, – деди ҳамма ёқни титиб-тинтиб дарвозабон, – бирортаям шам тополмаяпман.

– Бертуччо, извошдан фонусни олиб келинг, хоналарни кўриб чиқайлик, – деди граф.

Иш бошқарувчи ғиқ этмай чиқиб фонус келтирди, бироқ фонуснинг титраб туришидан бу вазифани адо этиш унинг учун нақадар машаққатли бўлганини сезиш мумкин эди.

Улар кенг пастки қаватни айланиб чиқишди, сўнг иккинчи қаватга кўтарилишди. Иккинчи қават меҳмонхона, ванна ва икки ётоқхонадан иборат эди. Бу хоналардан бирига боққа олиб чиқадиган бурама зина қурилган эди.

– Қаранг, бу ерда ташқарига чиқадиган алоҳида йўл бор экан, – деди граф, – бу жуда қулай. Бертуччо, чироқни бу

ёққа тутинг. Олдинга ўтинг, бу зина қаёққа олиб бораркин, кўрайлик-чи.

– Боққа олиб чиқади, жаноби олийлари, – деди Бертуччо.

– Сиз қаёқдан биласиз буни?

– Боққа олиб чиқса керак, демоқчи эдим.

– Қани, текшириб кўрайлик-чи.

Бертуччо оғир нафас олди-да, олға юрди. Зина Бертуччо айтганидек тўғри боққа олиб чиқарди.

Иш бошқарувчи ташқари эшик олдида тўхтади.

– Хўш, нега тўхтадингиз? – деди граф.

Довдираб, қути ўчиб кетган Бертуччо турган жойида донг қотиб қолган эди. У кўзларининг пахтасини чиқариб даҳшатли воқеаларнинг изларини ахтарар, титроқ босган қўллари эса аллақандай ваҳимали хотираларни гўё улоқтириб ташларди.

– Хўш? – такрорлади граф.

– Йўқ, йўқ, – хитоб қилди Бертуччо ва фонусли кўпини осилтириб деворга суянди, – йўқ, жаноби олийлари, мен бундан нарига ўтмайман! Ўтмайман! Бунинг иложи йўқ!

– Ўзи нима гап? – деди қатъий оҳангда Монте-Кристо.

– Жаноби олийлари, бу ерда қандайдир балойи азим борлигини ўзингиз фаҳмлаб турибсиз-ку, ахир! Парижда жой олишга қарор қилиб, уни Отейлдан топдингиз, Отейлдан Фонтен кўчасидаги йигирма саккизинчи рақамли уйни сотиб олдингиз. Эҳ, бу гапларни уйдаёқ айтиб кўя қолсам бўлмасмиди сизга! Унда сиз мени бу ерга олиб келмасдингиз. Аммо сиз сотиб олган уй бу бўлмаса керак деб ўйлаган эдим. Отейлда бу уйдан бўлак – одам ўлдирилган мана шу хосиятсиз жойдан бўлак уй қуриб қолганмиди?

– Бу бемаъни гапларни қаёқдан ўйлаб топдингиз? – деди Монте-Кристо бирдан тўхтаб. – Ғалати одам экан-ку бу! Ҳақиқий корсикаликмиш тағин! Ҳамиша аллақандай сир ва бидъатларни топиб юради! Қани, фонусни олинг, боғни кўриб чиқамиз. Мен бор, ҳеч нарсадан кўрқмасангиз ҳам бўлади.

Бертуччо фонусни олди-да, олға қадам ташлади. Эшик очилди, қоронғи осмонда, ой булутлар денгизи исканжасидан қутулиш учун зўр бериб курашмоқда.

Иш бошқарувчи чапга бурилмоқчи бўлди.

– Йўқ, йўқ, – деди Монте-Кристо, – хиёбонда юриб нима қиламиз? Мана ажойиб майсазор бор экан, тўғри шундан бораверайлик.

Бертуччо юзидан мунчоқ-мунчоқ бўлиб оқаётган терни артиб олди, сўнг графнинг буйруғига итоат этди, шундай бўлса-да, чап томондан борди.

Монте-Кристо, аксинча, ўнг томондан борди-да, бир тўда дарахтлар олдида тўхтади.

Иш бошқарувчи ортиқ ўзини тутолмади.

– Жаноби олийлари, қочинг бу ердан! Қочинг! – хитоб қилди у, – қочинг, илтимос қиламан, ўша машъум жойнинг худди ўзида турибсиз.

– Қанақа машъум жой?

– У ағдарилиб тушган жой.

– Азизим Бертуччо, – деди граф кулиб, – эс-хушингизни йиғиб олинг, ахир бу жой Сартен ёки Корт эмас-ку. Бу ер чакалакзор эмас, инглизлар боғи, жуда хароб бўлиб қолган бўлса-да, ҳар ҳолда боғ. Шунинг учун буни жуда ёмонлашга асос йўқ.

– У ерда турманг, жаноб, илтимос қиламан, қочинг у ердан!

– Ақлдан озганга ўхшайсиз, чамамда, маэстро Бертуччо, – деди совуқ оҳангда граф. – Шундай бўлса, айтинг, касалхонага жўнатай сизни, тағин бирор бахтсизлик юз бермасин.

– Эҳ, жаноби олийлари, – деди Бертуччо бошини силкитиб. У ўзини тамоман йўқотиб, қўлларини силтарди, граф бошқа муҳим ўй билан банд бўлмаганида, Бертуччонинг ҳолига роса кулган бўлар эди, – бахтсизлик юз бериб бўлди...

– Бертуччо, – деди граф, – сизни огоҳлантириб қўйишни бурчим деб ҳисоблаб, айтаманки, қўлларингизни силтабгина қолмай, уларни худди жин жойлашиб олган сирли нарсадек жони-жаҳдингиз билан бураяпсиз ва қайирыпсиз, жинларнинг энг қайсари – сир эканини аллақачон билиб олганман. Сизнинг корсикалик эканингизни ҳам, ҳаминиша ғамгин ва қандайдир хун қасоси ҳақида ўйга ботиб юргангизни ҳам билардим, Италияда мен бунга эътибор бермадим, чунки бу одат бўлиб қолган, Францияда эса одам

ўлдиришни жуда хунук иш ҳисоблашади, бу ерда бундай қабих ишлар билан қизиқадиган жандарм бор, суд қиладиган судьялар бор, қасос оладиган жаллод кундаси бор.

Бертуччо қўлларини қовуштириб, илтижо қилди, қўлида ҳамон ушлаб турган фонус ёғдусида унинг ваҳимадан буришиб, ўзгариб кетган юзлари баралла кўриниб турарди.

Монте-Кристо Римда Андреанинг қатлини қандай ҳислар билан кузатган бўлса, ҳозир Бертуччони ҳам худди шундай кузатиб турарди. Сўнг у шивирлаб қуйидаги сўзларни айтганда, шўрлик иш бошқарувчини яна титроқ босди.

– Демак, аббат Бузони минг саккиз юз йигирма тўққизинчи йили Франция бўйлаб саёҳатидан сўнг роса мақтаб ёзилган тавсия билан сизни ҳузуримга юборганда мени алдаган экан-да? Шундай экан, аббатга хат ёзиб юбораман, у ўз тавсияномаси учун жавоб бермоғи керак, ўшанда у бу ерда ким ва қандай қилиб ўлдирилганини билиб олурман. Аммо, Бертуччо, шуни билиб қўйингки, мен бирор мамлакатга бориб яшаганда унинг қонун-қоидаларига итоат қилишга одатланганман, шу сабабдан сизнинг касрингизга Франция одил суди билан жанжаллашиб ўтиришни истамайман.

– Жаноби олийлари, бундай қилманг, – деди кайфи учиб Бертуччо. – Ахир сизга сидқидилдан хизмат қиляпман-ку! Мен умр бўйи виждон билан, ҳалол яшаб келдим, одамларга қўлимдан келгунча яхшилик қилдим.

– Бунга эътирозим йўқ менинг, – жавоб қилди граф, – шундай экан, ахир сиз неча бунчалик ҳаяжонга тушяпсиз? Бу яхшилик эмас, ёмонлик белгиси, виждони пок одамнинг ранги бунақа бўзариб кетмайди ва қўллари бундай титрамайди...

– Жаноби олийлари, – деди хавотир-ла, эътироз билдириб Бертуччо, – ахир сиз менга аббат Бузони, Бертуччо оғир гуноҳ қилган одам, деб айтди деган эдингиз-ку! Ним турмасида унга мен тавба-тазарру қилган эдим.

– Ҳа, тўғри, шундай деган эди, аммо у сизни жуда ажойиб, моҳир иш бошқарувчи, деб тавсия этган эди, шунинг учун мен, гуноҳингиз тунги бир ўғрилиқдан иборат бўлса керак, деб ўйлагандим.

– Қўйинг-э, жаноби олийлари! – хитоб қилди Бертуччо нафрат билан.

– Ёки корсикаликларнинг одатини қилиб, ўзингизни тутолмай, жойи растонига жўнатдингизми?

– Худди шундай, жаноби олийлари, шундай бўлган эди!  
– қичқириб юборди Бертуччо граф оёғи остига ўзини ташлаб, – бу ўч эди, онт ичаманки, шунчаки ўч олиш эди.

– Мен буни тушуниб турибман, лекин нега мана шу уй сизни бундай аҳволга солаётганини тушунмаяпман.

– Бу табиий бир ҳол, жаноби олийлари, – жавоб қилди Бертуччо, – чунки ҳамма воқеа мана шу уйда юз берган.

– Нима? Менинг уйимда-я?

– У вақтда бу уй сизники эмасди, – деди эътироз билдириб Бертуччо.

– Кимники эди? Қоровул бу уй маркиз де Сен-Меранники, деганди шекилли, шундайми? Ахир сиз маркиз де Сен-Мерандан қандай гуноҳи учун ўч олдингиз?

– Жаноби олийлари, мен қасдимни ундан олганим йўқ, бошқа кишидан олдим.

– Ажабо, тўғри келганини қаранг-а, – деди Монте-Кристо, афтидан мулоҳазага бориб, – тавба, сизни уқубатли тавба-тазарруга соладиган воқеалар юз берган уйга тасодифан келиб қолганингизни қаранг-а!

– Жаноби олийлари, – деди иш бошқарувчи, – биламан, бу тақдир тақозоси. Гап шундаки, Отейлдан сиз сотиб олган уй тасодифан мен одам ўлдирган уй бўлиб чиқди, сиз ўша зот қадам босган зинадан юриб боққа чиқдингиз, мен унга пичоқ урган жойнинг худди ўзида тўхтадингиз, бу ердан икки қадам нарида чинор тагидаги ўрага у чақалоқни кўмган эди. Йўқ, буларни фавқулодда ҳол деб бўлмайди, атайин қилинган иш бу.

– Яхши, корсикалик жаноб, буни атайин қилинган иш деб фараз қилайлик, мен нимаики қулай келса уни табиий ҳол дейишга розиман, ахир ақли ожизларга ён бериш керак-ку! Энди эс-ҳушингизни йиғиб олиб, ҳамма воқеани айтиб беринг.

– Мен буни ҳаётимда фақат бир марта аббат Бузонига айтиб бергандим. Бундай воқеаларни фақат тавба-тазарру қилган киши айтиб бериши мумкин.



– Ундай бўлса, азизим, – деди граф, – мен сизни ўзингизнинг ўша авлиё домлангизга юбораман, сиз унга ўхшаб қартезиан ёки бернадер бўлиб оласиз ва улар билан яширин ишлар ҳақида суҳбат қиласиз. Менга келганда, мен уй бошқарувчидан хавотирланяпман, кечқурунлари боғда юришдан кўрқадиган хизматчи менга ёқмайди. Бунинг устига, уйимга полициянинг ташриф буюришини истамайман. Жаноб Бертуччо, шуни унутмангки, Италияда судьялар бекор, пашша кўриб ўтиргани учун ҳам пул олишаверади, Францияда бунинг акси: фақат ишласа ҳақ олади. Мен сизни қисман корсикалик, қисман контрабандист, аммо жуда моҳир иш бошқарувчи деб ҳисоблардим, ҳозир кўриб турибманки, жаноб Бертуччо, сиз кўп нарсаларга қобилиятли киши экансиз. Энди менга керагингиз йўқ.

– Жаноби олийлари, жаноби олийлари! – қичқариб юборди иш бошқарувчи бу пўписадан кайфи учиб. – Сиз мени фақат шунинг учун ишдан бўшатмоқчи бўлсангиз, мен ҳаммасини айтиб бераман, ҳаммасига иқрор бўламан. Сиздан ажралгандан кўра калламни жаллод кундасига қўйганим яхши.

– Мана бу азаматнинг гапи, – деди Монте-Кристо, – бироқ огоҳ бўлинг, ёлғон тўқийдиган бўлсангиз, яхшиси, гапирмай кўя қолинг.

– Қасамёд қиламан, бўлган воқеларнинг ҳаммасини оқизмай-томизмай айтиб бераман. Аббат Бузони ҳам сирларининг фақат бир қисмини биларди. Бироқ, аввал, чинордан нари туринг, илтимос қиламан. Ана ой булутларни ёриб чиқди, сиз эса плашга ўралиб шу ерда турибсиз, жуссангизни ўраб турган ана шу плаш жаноб де Вильфорнинг плашига ўхшайди...

– Ия, – деди хитоб қилиб Монте-Кристо, – у Вильформиди...

– Жаноби олийлари уни танийдиларми?

– У Нимда қироллик прокурори эдимми?

– Шундай.

– Маркиз де Сен-Мераннинг қизига уйланганмиди?

– Шундай.

– Энг одил, энг қаттиққўл, ҳеч кимни юзхотир қилмайдиган судья деб ҳисобланармиди?

– Жаноби олийлари, – деди Бертуччо, – бенуқсон ҳисобланиб келган ана шу зот... аблаҳ эди.

– Ростдан-а? Бунга ишониб бўлмайди.

– Бироқ бу ҳақиқат.

– Наҳотки? – деди граф, – Бертуччо, қани ҳикоя қилиб беринг бунга менга, чиндан ҳам жуда ажойиб воқеа экан.

Граф шундай деди-да, «Лючия»дан бир куйни минғирлаб бориб ўриндиққа ўтирди, Бертуччо унинг кетидан борар экан, воқеани тўла эсига келтиришга уринди.

У граф қаршисида тик турарди.

## VI. ҚАСОС

– Қани, айтинг жаноби олийлари, ҳикояни нимадан бошлайин? – сўради Бертуччо.

– Истаган нарсангиздан, – деди Монте-Кристо. – Мен бу воқеадан мутлақо хабарсизман-ку.

– Аббат Бузони сизга айтиб берган бўлса керак, деб ўйлаб юргандим...

– Тўғри, баъзи тафсилотларни айтган, бироқ ўшандан буён етти ёки саккиз йил ўтиб кетди, ҳаммасини унутиб юбордим.

– Демак, сизни зериктириб қўймасам бўлгани жаноби олийлари...

– Ҳикоя қилаверинг, Бертуччо, ҳикоя қилаверинг, кечки газета ўрнини босар ҳикоянгиз.

– Воқеа минг саккиз юз ўн бешинчи йилда бошланган эди.

– Ўҳ-ҳў! – деди Монте-Кристо, – демак, жуда эски гап экан-да.

– Шундай, жаноби олийлари, лекин воқеанинг ҳамма тафсилотлари худди кечагина юз бергандай кўз олдимда турибди. Акам бор эди, у император армиясида хизмат қиларди, шу армиядаги полкда у поручик унвонига кўтарилди, полковник бутун таркиби корсикаликлардан иборат эди. Ана шу акам менинг ягона меҳрибоним эди, у ўн саккизга, мен бешга кирганда етим қолдик. Акам мени бошимни силаб тарбиялади. Минг саккиз юз ўн тўртинчи йили, Бурбонлар даврида у уйланди. Эльба оролидан император қай-

тиши билан акам яна армияга кетди, Ватерлоода енгил ярадор бўлиб, армия билан бирга Лаурага чекинди.

– Сиз жуда узоқдан келяпсиз-ку, Бертуччо, сўзини бўлди граф, – бу воқеалар аллақачон ҳаммага маълум.

– Кечиринг, жаноби олийлари, тафсилотлар ҳикоянинг кириш қисми учун албатта зарур, сиз сабр-тоқат билан қулоқ солишга ваъда берган эдингиз-ку, ахир.

– Бўпти-бўпти, гапираверинг, ваъдамнинг устидан чиқаман, қулоғим сизда.

– Кунлардан бир кун биз бир хат олдик (биз Корс бўғозининг охиридаги кичкина Рольяно қишлоғида яшардик). Хат акамдан экан. У хатида армиянинг тарқатиб юборилганини, ўзи эса Шатора, Клермон-Ферран, Пюх ва Ним орқали қайтиб келаётганини ёзган эди, мендан, иложи бўлса Нимдаги таниш қовоқхоначига бир оз пул юборишни сўраган эди, қовоқхоначи билан алоқам бор эди.

– Контрабанда бўйичадир-да, – сўз қотди Монте-Кристо.

– Жаноби олийлари, тирикчилик-да.

– Албатта, қани, давом этинг.

– Акамни жонимдан яхши кўришимни айтгандим. Мен унга пулни юбормай ўзим олиб бориб беришга аҳд қилдим. Бир минг франкка яқин ақчам бор эди, ундан беш юзини қаллиғим Ассунтега қолдирдим-да, қолган пулни олиб Нимга йўл олдим. Бу қийин эмасди менга: қайиғим бор эди, денгизда юк ортиб боришим зарур эди, ҳамма ишларим ўнгидан келаверди. Аммо юкни қабул қилиб олганимда шамол ўзгариб, тўрт кун Ронага чиқолмай ўтирдик, охири Ронага чиқишга муваффақ бўлдик-да, ундан Арлга бордик. Қайиғимни Бельгард билан Бокэр ўртасида қолдириб, ўзим Нимга жўнадим.

– Асосий воқеага яқинлашдик шекилли, тўғрими?

– Тўғри, жаноби олийлари, кечиринг мени, мен энг зарур жойларини айтиб беряпман, буни ўзингиз ҳам фаҳмлаб турибсиз-ку, ўша вақт Франциянинг жанубида қирғин бўлаётган эди. У томонда учта қароқчи бор эди, уларнинг номлари: Трестальон, Трюфеми ва Граффан бўлиб, улар кимни бонапартизм тарафдори деб шубҳаланса ўшани кўчада чавақлаб кетишаварди. Жаноби олийлари буни эшитган бўлсалар керак?

– Унча-мунча эшитган эдим, у вақтда мен Франциядан анча йироқда эдим.

– Нимда қон кечиб юришга тўғри келди. Ҳар қадамда мурда, қотиллар тўда-тўда бўлиб санғиб юришарди, одамларни чавақлаб, талаб, уйларига ўт кўйишарди. Бу қирғинни кўриб мени титроқ босди, ўзимдан кўрқиб эмас, акамдан кўрқиб, корсикалик балиқчи – мен учун бу қирғиннинг ҳеч кўрқадиган жойи йўқ эди, аксинча биз контрабандистлар учун бу олтин давр эди. Акамдан хавотир олганимнинг сабаби шуки, у император солдати эди, Луар армиясидан ҳарбий кийимда ва эполетларда қайтаётган эди, хуллас, катта хавф остида қолганди.

Мен таниш қовоқхоначиникига югурдим. Уйлаганим тўғри чиқди. Акам бир кун олдин Нимга келиб, қўнмоқчи бўлган уйнинг бўсағасида ўлдирилган экан.

Мен ҳамма воситаларни ишга солиб акамни ўлдирганларни билишга ҳаракат қилдим, бироқ ҳеч ким кўрққанидан уларнинг номини тилга олмади. Ушанда ҳеч нарсадан кўрқмайдиган, доврўғи кетган қироллик прокурори эсимга тушиб қолди-да, унинг ҳузурига йўл олдим.

– Қироллик прокурорининг номи Вильфор эдими? – сўради менсимагансимон Монте-Кристо.

– Шундай, жаноби олийлари, у Марселдан келган эди, у ерда қироллик прокурорининг ёрдамчиси бўлиб ишлар экан. Ўзини хизматда кўрсатиб, юқори кўтарилди. Наполеоннинг қирғоққа тушганини биринчи бўлиб Бурбонларга хабар этганлардан бири экан.

– Ҳўш, сиз олдига бордингиз, – Бертуччонинг сўзини кесиб Монте-Кристо.

«Жаноб прокурор, – дедим мен унга, – кеча акамни Ним кўчасида ўлдиришибди, қотил ким экан, билмайман, бироқ қотилни топиш сизнинг бурчингиз. Бу ерда сиз адолат суди тепасида турибсиз. Бу суд кимни ҳимоя қилолмаган бўлса унинг учун қасос олмоғи зарур»

«Акангиз ким эди?» – сўради қироллик прокурори.

«Корсика батальонининг поручиги».

«Демак, узурпаторнинг солдати экан-да?»

«Франция армиясининг солдати».

«Хўш нима бўпти? – эътироз билдирди у. – Бировга қилич кўтариб қиличдан ҳалок бўпти».

«Жаноб, адашдингиз, у ханжардан ҳалок бўлди».

«Меида нима талабингиз бор?» – сўради прокурор.

«Талабимни айтдим-ку: унинг учун сиз қасос олишингиз керак, деб».

«Кимдан?»

«Қотиллардан».

«Мен уларни қаердан билай?»

«Буйруқ беринг, ахтариб топсинлар».

«Нима учун? Акангиз эҳтимол бирор киши билан «санманга» бориб дуэлда олишгандир. Бу уришқоқ кекса солдатлар тўполончи бўлади. Император даврида уларнинг бу қилиқларига унча эътибор беришмасди, эндиликда бунга бошқача қаралади, чунки бизнинг жанубликлар уришқоқларни ҳам, жанжалчиларни ҳам ёқтирмайдилар».

«Жаноб прокурор, – дедим, – мен ўзим ҳақимда гапирётганим йўқ. Мен қайғу-аламда куйиб юрарман ёки қасос оларман. Мабодо мен ҳам ана шундай мусибатга учрагудек бўлсам, шўрлик аёлим очдан ўлади, чунки у фақат эрининг топганига яшайди. Унга озгина бўлса-да, нафақа белгилаб беринг».

«Ҳеч бир инқилоб қурбонсиз бўлмайди, – жавоб қилди Вильфор. – Акангиз кейинги тўнтаришнинг қурбони бўпти, албатта бу оила учун оғир мусибат, аммо бунинг учун ҳукумат оилангизга нафақа тўлаш мажбуриятини гарданига ололмайди. Агар биз узурпаторга тарафдор бўлган ва роялистлардан қасос олганларнинг ҳаммасини суд жазосига тортганимизда, эҳтимол сизнинг акангиз ҳам ўлим жазосига ҳукм қилинган бўлур эди. Акангизнинг ўлдирилиши таажжубланадиган воқеа эмас, бу табиий бир ҳол, қасос қонуни шундай».

«Бу нима деганингиз? – хитоб қилдим мен, →сиз одил суд вакили бўла туриб, шундай десангиз, энди додимизни кимга айтамыз?..»

«Ажабо, бу корсикаликларнинг ҳаммаси тентак бўлади шекилли, улар ҳануз императорни ватандошимиз деб хаёл қилишади, – деди Вильфор. – Азизим, у вақтлар ўтиб кетди. Сиз мен билан бундан икки ой олдин бу тариқада гап-

лашсангиз жоиз бўлур эди. Энди жуда кечикиб қолдингиз. Қани туёғингизни шиқиллатинг бу ердан, акс ҳолда, айтаман, олиб чиқиб ташлайдилар».

Мен унга тикилиб турдим-да, умидимни узмай яна илтимос қилдим.

Аммо у бағритош эди. Яқинроқ бориб:

«Майли, – дедим секин, – сиз корсикаликларни яхши биларкансиз, демак, улар ўз сўздан қайтмайдиган одамлар эканини ҳам билиб қўйишингиз керак. Сизнингча, сиз роялист бўлганингиз, акам бонапартчи бўлгани учун уни ўлдирган қотиллар ҳақ экан-да. Жуда соз-ку! Мен ҳам бонапартчман, огоҳ бўлинг, мен ҳам сизни ўлдираман, шу дамдан бошлаб мен, сизда қасдим бор деб эълон қиламан, шунинг учун эҳтиёт бўлинг, буидан кейин биринчи учрашувдаёқ дунёдан ўтдим деяверинг».

У эс-хушини йиғиб олишга улгурмай мен эшикни шартта очиб, чиқиб кетдим.

– Шундай денг, Бертуччо, – деди Монте-Кристо. – Шундай виждони пок одам бўла туриб қироллик прокурорига шунақа гапларни айтишингиз яхши эмас, албатта! У қасос олиш нималигини фаҳмлармикин?

– Жуда яхши фаҳмларкан, чунки шу кундан бошлаб, эшигини ичидан қулфлаб олиб, ташқарига мутлақо чиқмай қўйди. Мени ахтариб топилсин, деб буйруқ берди. Хайриятки, мен жуда ишончли жойга яшириниб олгандим, тополмади. Шундан сўнг уни ваҳима босди. Нимда қолишдан қўрқди, бошқа жойга кўчиришларини илтимос қилди, нуфузли одам бўлгани сабабли Версалга кўчиришди. Бироқ сиз яхши биласизки, душмандан қасос олишга онт ичган корсикаликка масофа ҳеч гап эмас. У қанча шошилмасин узоққа кетолмади. Мен гарчанд пиёда бўлсам-да, унинг извоши мендан ярим кунлик йўлдан нари кетолмади.

Уни шунчаки ўлдирмай (буни бажо этиш учун менда жуда кўп имкониятлар бўлган эди) шундай ўлдириш керак эдики, токи мени кўролмай қолсинлар ва тутолмасинлар, ахир мен энди ўзим ҳақимда эмас, қаллиғим ҳақида, уни боқиш ҳақида ўйлашим керак эди. Уч ой Вильфорни пойлаб юрдим. Шу уч ой мобайнида у бир зум ҳам менинг назаримдан четда бўлмади. Ахири унинг яширин равишда Отейлга ке-

либ туришини эшитдим. Бир гал кузатиб бориб мана шу иккимиз турган уйга келганини кўрдим. Фақат у ҳамма сингари катта дарвозадан кирмас экан. Отда ё извошда келиб, отини ёки извошини меҳмонхонада қолдираркан-да, ҳув анави эшиқдан кираркан. Кўрдингизми?

Монте-Кристо, эшикни кўриб турибман, деб бошини қимирлатиб қўйди.

– Версалда ҳеч қанақа ишим қолмагач, Отейлга кўчиб ўтдим-да, маълумотлар тўплай бошладим. Уни тузоққа илинтириш учун шу ер қулай деб қарор қилдим.

Бу ўзингизга маълум, Вильфор қайнатаси Маркиз де Сен-Мераннинг уйи эди. Маркиз Марселда яшарди, бу уй унга керак эмасди. Миш-мишларга қараганда, маркиз уйни ёш бева баронессага берган экан.

Бир куни оқшом пайти тўсиқ ортидан аёл кишининг якка ўзи сайр қилиб юрганини ва тез-тез ҳалиги махфий эшикка қараб кўяётганини кўриб қолдим. Шу кеча у Вильфорни кутаётганини фаҳмладим. У жуда яқинлашиб келганда юзини аниқ кўриб олдим, у ўн саккизга борган, қомати расо, ёш ва гўзал нозанин экан. У оддий этик, кенг қўйлак кийиб олган, ой-куни яқинлашиб қолган ҳомиладор экани сезилиб турарди.

Ҳийла вақтдан сўнг эшик очилиб, бир эркак кириб келди, улар қучоқлашиб ўпишишди-да, уйга кириб кетишди.

Эркак Вильфор эди. Мен, у қайтаётиб албатта боғдан ўтади, деб ўйладим.

– Сиз сўнг аёлнининг номини билиб олдингизми? – сўради граф.

– Йўқ, билолмадим, жаноби олийлари, – жавоб қилди Бертуччо, – унга вақтим бўлмаганини ҳозир фаҳмлаб оласиз.

– Давом этинг.

– Шу оқшом қироллик прокурорини ўлдиришим мумкин эди, аммо боғни муфассал ўрганиб чиқмаган эдим. Бир уришда тил торттирмай қўя олмасам унинг қичқирганини эшитиб биров келиб қолса қочиб кетолмай қоламан, деб кўрқдим. Шунинг учун бу ишни иккинчи учрашувга қолдирдим. Ҳамма нарсаларни яхши кузатиб бориш учун деразаси шу боғ томондаги кўчага қараган бир хонани ижарага олдим.

Уч кундан сўнг, кечкурун соат еттиларда уйдан хизматчи чиқди-да, Севр йўли томон от чоптириб кетди. У Версалга кетаётган бўлса керак, деб ўйладим, ўйлаганим тўғри чиқди. Уч соатдан сўнг у топшириқни бажариб, чангга ботиб қайтди. Яна ўн дақиқа ўтгач, плашга ўралиб олган бу одам пиёда боққа кирди-да, эшикни ичидан қулфлаб олди.

Мен уйимдан югуриб чиқдим. Вильфорнинг юзини кўрмадим, аммо плашга ўралиб кирган одам ўша эканини юрагим сезиб турарди. Кўчадан ўтиб боғ девори бурчагидаги устун олдига бордим, дастлаб боғни мана шу устунга чиқиб кўздан кечиргандим.

Бу гал кўздан кечириш билан кифояланиб қолмай, пичоғимни чўнтагимдан олдим-да, ўткирмикан деб тиғини текшириб кўрдим, сўнг девордан ошиб тушдим.

Дастлаб яширин эшик олдига югуриб бордим, у калитни қулфда қолдирган экан, фақат эҳтиёт қилиб, калитни икки марта бураб қўйибди.

Шундай қилиб, ишимни битириб шу йўлқадан қочиб кетсам, ҳеч ким халақит бермайди. Атрофга назар ташлаб чиқдим. Боғнинг ўртасида кичкина майсазор, унинг тўрт бурчачида сербарг дарахтлар қад кўтарган, гуллар ўтқазилган. Уйдан эшикка ёки эшикдан уйга Вильфор ана шу дарахтлар олдидан ўтиб бормоғи керак эди.

Сентябрнинг сўнги кунлари, қаттиқ шамол уриб турибди. Осмонда сузиб юрган қоп-қора булутлар ҳадеб хира ойнинг юзини тўсарди. Ой фақат уйга борадиган йўлқадаги қумни ёритарди, дарахтлар ости зимистон, яшириниб олган кишини ҳар қандай ўткир кўз ҳам кўролмасди.

Мен Вильфор жуда яқинлашиб ўтадиган жойга бекиниб олдим. Яшириниб улгурмаган ҳам эдим, дарахтларни эгиб-букаётган шамол ғувурида қулоғимга кимнингдир инграган товуши чалинди. Лекин жаноби олийлари, сиз биласизки (яхшиси, сиз билмайсиз деганим ўринли бўлар) одам ўлдиришга тайёр бўлиб турган кишининг қулоғига ҳар хил бўғиқ овозлар эшитилаётгандек туюлаверади. Икки соат ўтди. Шу орада бир неча марта инграш чалинди қулоғимга, вақт ярим кечага бориб қолди.



Ғамгин овознинг акс-садоси ҳали ўчиб битмаган эди, бирдан ҳозир иккимиз тушиб келган яширин зина деразасида ғира-шира ёғду пайдо бўлди.

Эшик очилди-да, бояги плашга ўралган шахс чиқди.

Даҳшатли дақиқа келди, аммо кўпдан тайёрланиб юрганмидан бўлса керак, заррача ҳам сесканмай пичоқни олдим-да, шайланиб туравердим...

Плашга ўралган одам тўғри менга қараб келаверди, очиқ майдондан ўтаётганда унинг ўнг қўлида қандайдир қурол борга ўхшаб кўринди. Мен жангдан эмас, ишим чаппа кетишидан кўрқдим, бироқ у яқинроқ келганда кўрдим: қўлидаги қурол эмас, белкурак экан.

Мен, нега бу одам белкурак олиб юрибди экан, деб ўйлаб ўйимга етолмасимдан, Вильфор четга ўтиб, атрофга аланглаб олди-да, чуқур қазишга киришди. Ана шунда, халақит бермасин деб майсазорга қўйган плаши остида ниманидир яшириб қўйганини кўриб қолдим.

Тўғрисини айтсам, унга бўлган нафратимга шу пайт қизиқувчанлик ҳисси қўшилиб кетди, нима қилмоқчи эканини билмоқчи бўлдим, мен нафасимни ичимга ютиб қимир этмай кутиб туравердим.

Сўнг хаёлимга бир фикр келди, қироллик прокурори плаши остидан узунлиги икки фут ва кенглиги етти дюм кичкина яшиқни олганида ҳалиги фикрим тўғрилигига ишончим комил бўлди.

У яшиқни чуқурга ташлаб, устига тупроқ тортди, сўнг изни хас-пўслаш учун нам тупроқни депсиниб текислай бошлади. Ана шу пайт отилиб бориб кўкрагига пичоқ урдим ва: «Мен Жованни Бертуҷчоман! Акам учун сендан қасос олдим, сен яширган олтинлар унинг бевасиники бўлади энди. Мана кўрдингми, менинг қасосим ўйлаганимдан ҳам соз бўлди», – дедим.

Билмадим, менинг сўзларимни эшитолдимикин у, эшита олмаган бўлса керак. У фикр этмай йиқилди. Иссиқ қони қўлларимга ва юзимга сачраганини сездим, бироқ кўзимга қон тўлган, ақлдан озган эдим, бу қон танимни куйдирмади, аксинча худди муздек сув сепилгандек хушёр этди, белкурақни олдим-да, кўз очиб юмгунча тупроқни очиб яшиқни олдим. Сўнгра қазиб олганимни билиб қолмасинлар та-

ғин, деб чуқурни қайта кўмдим, белкуракни деворнинг нар-  
ёғига улоқтириб юбордим, ташқари чиқиб эшикни қулф-  
ладим-да, калитни олиб кетдим.

– Эҳ-ҳе, иш бундай экан-ку, – деди Монте-Кристо, – бу шунчаки ўғирликка боғлиқ ўлдириш экан-да.

– Йўқ, жаноби олийлари, ундай эмас, – эътироз билдир-  
ди Бертуччо, – бу бурчни адо этиш, яъни ўч олиш эди.

– Ҳар ҳолда яшиқдаги пул беҳисоб бўлгандир.

– У пул эмас экан.

– Э-э, ҳа, – деди Монте-Кристо, – сиз чақалоқ тўғрисида гапирган эдингиз.

– Худди шундай, жаноби олийлари. Мен дарё томонга югурдим, қирғоқда ўтириб олиб, яшикни шошилиб пичо-  
ғим билан очдим.

Яшиқда юпқа батисга ўралган, ҳозиргина дунёга келган чақалоқ ётарди, юзлари сарғайиб, қўллари кўкариб кет-  
ган, киндиги бўйнига ўралиб қолиб бўғиб қўйган бўлса ке-  
рак. Бироқ танаси ҳали илиқ эди, шу сабабли уни шундай-  
гина оёғим остида оқиб турган дарёга ташлаб юборишга кўнглим бўлмади. Бир дақиқа ўтар-ўтмай юраги аста ураёт-  
гандай туюлди менга, бўйинини ўраб олган киндигидан бўшат-  
дим, бир вақтлар Бастилиядаги ҳарбийлар касалхонасида санитар бўлиб ишлаб хийла тажриба орттирган эдим, бун-  
дай ҳолларда врач қиладиган ишни қилдим: ўпкасига пуф-  
лаб ҳаво киргиздим, чорак соатдан сўнг бола нафас ола бошлади ва қичқирди. Мен ҳам қувониб қичқириб юбор-  
дим. «Худо бирининг жонини олиб, иккинчисига жон ки-  
ритишимга йўл қўйиб берди, демак, мендан ғазабланмаган экан», дедим ўз-ўзимга.

– Болани нима қилдингиз? – сўради Монте-Кристо, – тез қочиши зарур кишига бу юк ноқулай-ку.

– Шунинг учун ҳам мен уни уйда бир зум ҳам қолдирмас-  
ликка қарор қилдим. Парижда шунақа бахтсиз болаларни қабул қилиб оладиган Тарбия уйи борлигини эшитган эдим. Заставада, йўлдан гўдак топиб олдим, деб эълон қилдим ва Тарбия уйи қаердалигини сўраб олдим. Яшиқ сўзларим-  
нинг далили эди, батисдан ясалган йўргак боланинг бой оиладан эканини кўрсатиб турарди. Менга сачраган қонни боланинг қони деб фараз қилишлари турган гап эди. Гап-

ларимга ҳеч ким эътироз билдирмади. Анфер кўчасининг охирида жойлашган Тарбия уйини кўрсатиб беришди. Йўргакни кесиб иккига бўлдим, шундай қилиб бўлдимки, белгидаги икки ҳарфдан бириси боланинг устида, иккинчиси менда қолди, сўнг уни остонага қўйдим-да, қўнғироқни босиб, қочдим. Икки ҳафтадан сўнг мен Рольянога етиб бориб Ассунтага:

«Хафа бўлма, Израэле ҳалок бўлди, аммо мен унинг учун қасос олдим», – дедим.

У, бу нима деганингиз, деб сўради, сўнг ҳамма воқеани унга айтиб бердим.

– Жованини, – деди Ассунта, – болани бу ёққа келтириш керак эди, у ота-онадан маҳрум этилган экан, биз улар ўрнига ота-она бўлиб, бағримизга босардик, унга Бенедетто деб ном берган бўлардик, бунинг учун Тангримнинг меҳр-шафқатига сазовор бўлардик».

Жавоб ўрнига бояги йўргакнинг ярмини узатдим, бойиб олгач, истаган вақтда буни кўрсатиб, болани қайтариб олиш мумкин эди.

– Йўргакка қанақа ҳарфлардан белги қўйилган эди, – сўради Монте-Кристо.

– Барон тожи остига Н ва П ҳарфлари ёзилган эди.

– Бергуччо, сиз геральдикадан ҳам хабардормисиз? Гербунослиқдан қаерда таълим олгансиз?

– Сизда хизмат қилаётганимда, жаноби олийлари, сизнинг даргоҳингизда ҳамма нарсани ўрганиш мумкин.

– Ҳикоянгизни давом эттиринг, мен икки нарсани билмоқчиман.

– Нималарни, жаноби олийлари?

– Бола нима бўлди? Ҳали ўғил бола девдингиз, шекилли, уни.

– Жаноби олийлари, бундай деганим йўқ, агар ёдимдан кўтарилмаган бўлса.

– Эҳтимол, менга шундай эшитилгандир. Адашибман-да.

– Адашганингиз йўқ, ҳақиқатан ҳам у ўғил бола эди. Бироқ жаноби олийлари икки нарсани билмоқчи эдилар. Хўш, иккинчиси нима эди?

– Мен яна сиз кашиб чақиришни сўраганингизда ва Ним турмасида ҳузурингизга аббат Бузони келганда нимада айбдор этганларини билмоқчи эдим.

– Бунинг ҳикояси жуда узундан-узоқ, жаноби олийлари.  
– Нима бўпти? Соат энди тўққизга бонг урди. Жуда кам ухлашимни ўзингиз биласиз-ку. Менимча, сизга ҳам ҳозир уйқунинг унчалик зарурати бўлмаса керак.

Бертуччо таъзим қилди-да, ҳикоясини давом эттирди.

– Бу даҳшатли қилмишларимни ёдимдан кўтариш ва шўрлик беванинг тириклиги учун пул ишлаш ниятида мен яна контрабанда билан шуғулландим. Ҳар революциядан кейин қонунлар юмшагани сабабли контрабанда ҳам енгиллашди. Гоҳ Авиньонда, гоҳ Нимда, гоҳ Юзесда ғалаён кўтарилиб тургани туфайли жанубий қирғоқлар яхши муҳофаза қилинмасди. Ҳукумат берган бу тинчликдан фойдаланиб бутун қирғоқ аҳолиси билан алоқа боғладик. Акамни ўлдирганларидан кейин мен Ним шаҳрига мутлақо қадам босмай қўйдим. Шу важдан биз билан иш олиб борган қовоқхоначи алоқа қилмай қўйганимизни сезиб ўзи бизникига келди-да, қовоқхонасининг бўлимини очди (Бельгарддан Бокэрга борадиган йўл устида «Гар кўприги» деган лавҳа билан). Эг Морт Мартиг ва Бук йўлларида ўнлаб омборларимиз бор эди, молларни ўша омборларга яшириб қўярдик, зарур бўлиб қолган тақдирда божхона назоратчилари ва жандармлардан бекинадиган жойларни ҳам топардик. Ақл юритиб, ғайрат билан иш олиб борсанг контрабандистлик жуда фойдали ҳунар. Мен тоғларда яшардим, чунки эндиликда жандармлар ва божхона назоратчиларидан илгаригига қараганда яна ҳам пухтароқ бекиниб юришим керак эди, зеро мени тутиб олишса бахтсизлик юз берган бўларди, ҳар қандай терговда ўтмишингни албатта сўраб-суриштиришади. Менинг ўтмишимни тинтиб қолишса четдан божсиз келтирилган сигаралардан ёки контрабанда йўли билан олиб келинган бочка-бочка спиртлардан муҳимроқ нарсалар топиб олишлари мумкин. Шу важдан қамоқдан кўра ўлим минг карра афзал, деб дадил ҳаракат қилардим, ахир ўйчи ўйлагунча таваккалчи ишини битказди, деганлар-ку. Дарҳақиқат, жонингни аямай ҳаракат қилишга аҳд қилсанг, бошқаларга ўхшамай қоласан ёки бошқача қилиб айтганда, бошқалар сенга ўхшамай қолади, кимки шунга аҳд қилса, у кучига куч қўшилаётганини ва уфқ доираси кенгайиб бораётганини шу заҳотиёқ сезади.

– Жуда фалсафага ўтиб кетдингиз-ку, Бертуччо! – деди унинг сўзини бўлиб граф. – Ҳаётингизда ҳамма соҳалар билан оз-моздан шуғуллангансиз, шекилли.

– Кечиринг мени, жаноби олийлари.

– Марҳамат, марҳамат, бироқ тунги ўн яримда фалсафа-бозлик вақти эмас, менинг бундан бўлак эътирозим йўқ, чунки фалсафангиз жуда ҳаққоний фалсафа, бошқа фалсафий системалар ҳақида бундай дейиш жоиз эмас.

– Мен жуда узоқ сафарларга бориб, кўп фойда орттира бошладим. Ассунта моҳир бека эди, шу йўсинда мол-мулкимиз кўпаяверди. Бир гал сафарга отланаётганимда у менга: «Оқ йўл, мен қайтишингга ажойиб совға тайёрлаб кўяман», – деди.

Ялиниб-ёлвордим, нималигини айтмади, мен жўнаб кетдим.

Бир ярим ойдан зиёдроқ сафарда бўлдим. Луккадан мой, Ливорнодан инглиз чит газмоли олдик. Юкларни жуда ўнғайлик билан туширдик, катта фойдага сотдик ва хушнуд бўлиб уйимизга қайтдик.

Уйга киришим билан Ассунтанинг хонасидаги гўдакка кўзим тушди. Бола чамамда саккиз ойлик бўлиб, жуда ҳашаматли беланчақда ётганди. Қувонганимдан қичқириб юбордим. Қироллик прокурорини ўлдирганимдан буён ташлаб келган болани ўйлаб виждон азобига тушиб юрардим. Шуни ҳам айтишим керакки, прокурорни ўлдирганимдан асло аф-сусланмадим.

Шўрлик Ассунта ҳаммасига фаҳми етибди, менинг йўқлигимдан фойдаланиб, ярим йўргакни олибди-да, Тарбия уйи остонасида бола қолдирилган кун ва соатни аниқ ёзиб олиб Парижга борибди. Ҳеч қаршилиқ кўрсатмай болани олиб чиқиб беришибди.

Жаноби олийлари, очигини айтсам, беланчақда ётган шўрпешона гўдакни кўриб кўзимдан ёш чиқиб кетди.

«Ассунта, – дедим, – сен ажойиб аёл экансан, Тангрим тилагингга етказди сени».

– Мана бунингиз фалсафангиздагидек ҳаққоний эмас, – деди Монте-Кристо. – Тўғри, бу эътиқодга боғлиқ.

– Ҳақ гапни айтдингиз жаноби олийлари, – деди оғир тин олиб Бертуччо. – Тангрим ана шу гўдакни менга қасос

олиш қуроли қилиб берди, уни яхши тарбияладик, Ассунта меҳр билан ардоқлади, ғамхўрлик қилди. Бола кўк кўз, оқ бадан, барно эди, фақат олтин ранг ялтироқ сочи юзига монанд эмасдай туюларди, бу у кулганда айниқса яққол сезиларди. Малла соч одамлар ё жуда яхши ёки тентак бўлади, деган мақол бор. Бахтга қарши бу мақол Бенедетто тимсолида тўғри бўлиб чиқди, у болалик чоғидан бошлабоқ фақат тентакликка мойил бўлиб ўсди, тутинган онанинг ювошлиги, мулойимлиги ҳам унинг характериға таъсир этди. Ассунта болани жуда эрка қилиб ўстирди, бозорларға қатнаб янги чиққан сархил мевалар билан боқди.

Бенедеттонинг ёши эндигина олтиға етган кунларнинг бирида қўшнимиз Василио ҳамёнимдан битта олтин тангамни йўқотдим, деб шикоят қилди. Бизнинг корсикаликлар ҳамённи ҳам, қимматбаҳо буюмларини ҳам яшириб қўйишмайди, бу одат бўлиб қолган, жаноби олийлари, ўзингизға маълумки, Корсикада ўғри йўқ. Биз, яхши санаб чиқмагандирсиз, дедик, бироқ у ҳеч адашмай санаб чиқдим, деди. Уша кунни Бенедетто эрталаб уйдан чиқиб кетганича дараксиз кетди, биз хавотирланиб ўтирган эдик, кечқурун бир маймунни етаклаб кириб келди, маймун дарахтға боғлаб қўйилган экан, ечиб олиб келавердим, деди. Бу ғалати қилиқлар чиқараётган тантиқ бола бир ойдан буён маймун олиб бер, деб хархаша қиларди. Рольяноға бир нечта маймунлар етаклаб келган найрангбозни кўриб қизиқиб қолган бўлса керак бола бечора. Найрангбознинг маймунлари жуда ажойиб чиқишлар кўрсатган эди. Бенедетто улардан ўзида йўқ хушнуд бўлиб, завқланиб қайтган эди.

«Бизнинг ўрмонларимизда маймунлар йўқ, – дедим унга мен, – айниқса, бунақалари сираям бўлган эмас. Айт тўғрисини, буни қаердан олиб келдинг?»

Бенедетто бояғи гапни қайтариб, шу гапда туриб олди ва ҳақиқатдан кўра уйдирмаси кўп бир талай тафсилотларни ҳикоя қилиб берди, жаҳлим чиқди, у эса қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди, мен таъзирини берай деб дўқ урсам, тисланди.

«Мени уришға ҳаққинг йўқ, – деди у, – ҳаққинг йўқ; сен менинг отам эмассан».

Биз бу сирни жуда яширин сақлар эдик, унга ким ошко-  
ра қилганини ҳали-ҳали билолмай гарангмиз. Нима бўлиши-  
дан қатъи назар боланинг характерини бутунлай очиб бер-  
ган бу сўзлардан қўрқиб кетдим. Уришга кўтарган қўлим  
беихтиёр шалвираб осилиб тушди. У эса ғолибона герда-  
йиб турарди, бу ғалаба унга далда берди, дадиллик бағиш-  
лади. Шу ондан бошлаб унга ортиқ даражада меҳр қўйган  
Ассунтанинг ҳамма пуллари боланинг бемаъни орзу-тилак-  
лари, талабларини бажаришга сарфланадиган бўлиб қолди.  
Ассунта унинг сўзларини рад этолмасди. Мен Рольянода  
яшаётган чоғларда уни анча босиб турардим, аммо у ер-  
дан кетишим билан Бенедетто дарҳол уйнинг хўжайини  
бўлиб олибди, ҳамма нарса расво бўлибди. У ўн икки ёшга  
кирганда ўн саккиз ёшлик йигитлар орасидан Бастья ва  
Кортанинг учига чиққан саёқлари билан иноқ бўлиб олди.  
Унинг бир неча хунук кирдикорлари учун ҳукумат идорала-  
ридан гап эшитдик.

Мен ваҳимага тушиб қолдим, чунки ҳар қандай тергов мени  
ҳалокатга олиб бориши ҳеч гап эмас эди. Мухим бир сафарга  
чиқадиган бўлиб тургандим, узоқ ўйлаб, Бенедеттони ҳам бир-  
га олиб кетсам катта фалокатдан қутуларман, деган қарорга  
келдим. Контрабандистларнинг оғир ва ҳамиша иш билан  
банд ҳаёти, кемадаги қаттиқ интизом боланинг хулқ-атвори-  
га ижобий таъсир кўрсатар, деб умид қилдим.

Мен Бенедеттони чақириб, бирга боришни таклиф эт-  
дим ва ўн икки ёшлик болани қизиқтира оладиган турли  
нарсалар ваъда қилдим.

У менинг сўзларимни кунт билан тинглаб турди-да, сўзим  
тугаши билан хахолаб кулиб юборди ва: «Ақлдан озибсиз,  
амаки, – деди. Кайфи чоғлигида у мени шундай деб атар-  
ди. – Мен ҳозирги ҳаётимдан – ажойиб, бемеҳнат, таралла-  
бедод ҳаётимдан воз кечиб, сизнинг ўша қабиҳ ишингизга  
бориб жинни бўпманми? Арзимайдиган пул ишлайман деб  
кечаси совуқда қотиб, кундузи офтобда жизза бўлиб, ҳамма  
вақт писиб юришга тоқатим борми? Қолаверса, битта ўқ  
билан ер тишлатишлариям мумкин! Пулим етиб ортади,  
Ассунта сўраганимни бериб турибди. Мана ўзингиз кўриб  
турибсизки, сиз билан бирга борсам аҳмоқона иш қилган  
бўламан».

Унинг бу қадар сурбетлигини кўриб ҳайратда қолдим. Бенедетто қайтиб ўртоқлари ёнига борди-да, уларга мени кўрсатиб масхара қилди.

– Жуда ажойиб бола экан-да, – шивирлади Монте-Кристо.

– Оҳ, қани энди у менинг ўз болам ёки ақалли туғишган жияним бўлса, – деди сўзини давом эттириб Бертуччо, – ҳуқуқимдан фойдаланиб уни тўғри йўлга солиб олган бўлур эдим. Аммо ўз қўлим билан ўлдирган кишининг боласини калтаклайманми, деган фикр кўнглимдан ўтди-ю, уни тарбиялашдан воз кечишга мажбур бўлдим. Бола тўғрисида баҳслашганда ҳамиша унинг тарафини олиб келаётган хотинимга яхши маслаҳатлар бердим, сўнг у бир неча бор менга, анча-мунча пуллари йўқолиб қолаётганини айтганди, пулларимизни яширадиган жойни кўрсатиб бердим. Бенедетто яхши ўқирди, ёзарди, ҳисобларди, агарда ҳафсаласи келиб қолгудек бўлса, бошқалар бир ҳафтада ўрганидиган нарсани бир кунда ўрганиб оларди. Шунинг учун уни узоқ сафарларда юрадиган бирор кемага котиблик вазифасига жойлаштириб қўйишга аҳд қилдим. Буни унга билдирмай саҳармардонда шартга тутаману, кемалардан бирига олиб бориб капитанга топшираман, деб ўйлагандим. Ана шунда унинг истиқболи бутунлайин ўзига боғлиқ бўлиб қолади.

Шу қарорга келдим-да, Францияга йўл олдим.

Бу гал барча операцияларимиз Лион кўрфазида бажарилиши керак эди. Бу операциялар ниҳоятда оғирлашди, чунки минг саккиз юз йигирма тўққизинчи йил бошланиб қолган эди. Ҳамма жойда тинчлик, осойишталик тикланган, қирғоқларда илгариги вақтларга қараганда назорат жуда қаттиқ қилиб қўйилган эди. Бокэрд ярмакка очилиши муносабати билан бу назорат янада кучайтирилди.

Бошда ҳамма ишларимиз яхши борди. Таги икки қаватли (бу молларни яшириб қўядиган жой) қайиғимизни Бокэр билан Арль ўртасида Рона дарёсининг икки қирғоғида тўхтаган бошқа кўп қайиқлар орасига қўйдик. Кечалари контрабанда молларини тушириб, уларни алоқадор кишилардан ёки қовоқхоначилардан шаҳарга оморларимизга жўнатавердик. Галабага маҳлиё бўлиб эҳтиёткорликни уну-



тиб қўйганимизданми ёки бирор киши сотқинлик қилди-ми, кечқурун соат бешларда эндигина кечки овқатга ўтирмоқчи бўлаётган эдик, кичкина матросимиз – шогирд бола ваҳимадан қути ўчиб югуриб келиб, бир тўда божхона назоратчилари биз томонга келаётганини айтди. Биз назоратчилар тўдасидан қўрқмадик, чунки айниқса, ўша кунлари тўда-тўда назоратчилар Рона қирғоқларида санғиб юришарди. Боланинг гапига қараганда ҳалиги назоратчилар тўдаси ҳеч кимга сездирмасликка уриниб, эҳтиёткорлик билан келаётган эди. Мана шундан ваҳимага тушдик. Биз дарҳол оёққа турдик, бироқ вақт ўтган эди. Тинтувга кўзланган бизнинг қайиғимиз аллақачон тўрт томондан ўраб олинган эди. Божхона назоратчилари орасида жан-дармларни кўриб қолдим. Уларни кўрганда мен танг аҳволда қолардим, қўшинларни кўрганда бунчалик кўрқиб қапалагим учмасди, шунинг учун бир зумда кема тағхонасига тушдим-да, юк соладиган тешиқдан ирғиб дарёга тушдим. Фақат сув тагида сузиб борар ва аҳён-аҳёнда ҳаво олиш учун оғзимни сув бетига чиқариб олардим, шу аснода Ронани канал билан боғлаш учун қазилган зовурга етиб олдим, бу канал Бокэрдан Эг-Мортгача чўзилганди. Шу ерга етганда, энди қутулдим деб кўнглим тинчиди, чунки энди кўзга кўринмайдиган жойдан зовур бўйлаб сузиб кетаверишим мумкин эди, шу йўсинда ҳеч хавф-хатарсиз каналга етиб олдим. Бу йўлдан юришга қарор қилишимнинг сабаби бор эди. Мен жаноби олийларига ҳали Бельгарддан Бокэрга борадиган йўл устида меҳмонхона очган нимлик қовоқхоначи танишим борлигини айтгандим.

– Ҳа, ҳа, эсимда, – деди Монте-Кристо. – Бу ҳурматли зот, адашмасам сизни шеригингиз ҳам бўлган эди, шекилли.

– Ҳа, худди ўзи! Бундан етти йил илгари у ўзининг меҳмонхонасини ишлари юришмай, касод бўлган марселлик бир машиначига ўтказиб кетди. Албатта илгариги хўжайин билан бўлган алоқани янгиси билан ҳам давом эттиравердим. Ана шу одамникида бошпана топмоқчи бўлдим.

– Унинг номи нима эди? – сўради Бертуччонинг ҳикоясининг шу жойига жуда қизиқсинган граф.

– Гаспар Кадрусс, у Карконта қишлоғидан уйланган, ҳаммамиз хотинига шу қишлоқнинг номини қўйиб олгандик,

шўрлик хотин безгак касалига мубтало бўлиб, мадори қуриб аста-секин адои тамом бўлаётган эди. Кадрусснинг ўзи эса бақувват, энди қирқ бешга кирганди. Бир неча марта оғир аҳволга тушиб қолган дамларимизда у жуда топафонлик билан жасорат кўрсатиб ёрдам қилган эди.

– Қачон юз берган эди бу воқеа? – сўради Монте-Кристо.

– Жаноби олийлари, бу воқеа минг саккиз юз йигирма тўққизинчи йили.

– Қайси ойда?

– Июнда.

– Ойнинг бошидами, охиридами?

– Учинчи июнь куни кечқурун.

– Шундай денг! – деди Монте-Кристо, – минг саккиз юз йигирма тўққизинчи йил учинчи июнь... Давом эттиринг ҳикоянгизни.

– Шундай қилиб, ана шу Кадруссдан бошпана сўрамоқчи бўлдим. Одатда тинч шароитда ҳам биз уникига йўл томондаги эшиқдан кирмасдик, мен бу гап ҳам ўша қоида-мизни бузмадим, боғ деворидан ошиб тушдим-да, бирор йўловчи бўлиши мумкин деган хаёлдан пастак дарахтлар тагидан ўрмалаб бориб ёндош хонага етиб олдим, бу хонада бир неча марта маза қилиб тунагандим.

Бу хона билан пастки қаватдаги хона ўртасида тахта девор бўлиб, унда келганимизни билдириш учун тирқишлар ясаб қўйилганди. Агар Кадруссникида ҳеч ким бўлмаса, келганимни ана шу тирқишдан хабар қилиб, божхона назоратчилари келиб қолгач, тўхтатилган кечки овқатни уникида тугалламоқчи ва яқинлашиб келаётган момақалди-роқдан фойдаланиб Ронага қайтиб бориб қайиқ ва ундагиларнинг ҳолидан хабар олмоқчи эдим. Шу хаёл билан аста ёндош хонага бордим, бу жуда жойида бўлди, чунки худди шу дақиқада Кадрусс уйга бир нотаниш кишини бошлаб қайтди.

Мен қовоқхоначининг сирли сўзларини эшитиш учун эмас, ноиложликдан ун чиқармай кутиб туравердим. Бу ўзи одат бўлиб қолган ҳам эди.

Кадруссникига келган киши шубҳасиз жанубий франциялик эмас эди, у қимматбаҳо буюмлар сотиш учун Бокэр

ярмаркасига келиб турадиган негоциантлардан эди. Бундай кишилар бир ойлик ярмарка вақтида (ярмаркага Европанинг ҳамма шаҳар, районларидан савдогарлар ва харидорлар келар эди) баъзан юз ва ҳатто минг франкка битим тузишарди.

Биринчи бўлиб жадал қадамлар билан Кадрусс кирди. Сўнг пастки хона бўш эканини ва одатдагидек уни кучук кўриқлаб ётганини кўриб, хотинини чақирди.

«Ҳой, Карконта, кашиш бизни алдамаган экан, бу ҳақиқий олмос экан».

Қувончли овоз эшитилди ва зинапоялар мадорсиз қадамлар остида аста ғирчиллади.

«Нима дединг?» – сўради Карконта.

«Олмос ҳақиқий олмос экан деяпман, мана бу жаноб Парижнинг энг моҳир заргарларидан, эллик минг франкка олмоқчи. Аммо у бу олмос чиндан ҳам ўзимизники эканига қатъий ишонч ҳосил қилишим керак дейди. Кел, сен ҳам мен сингари бу олмос бизнинг кўлимизга қандай қилиб тушганини айтиб бер. Жаноб, сиз марҳамат қилиб ўтириб туринг. Ҳаво иссиқ, дим бўлиб кетди, мен сизга бирор муздек ичимлик келтирай».

Заргар қовоқхонани синчковлик билан кўздан кечириб чиқди. Бек-хонлар сандиқчасига муносиб олмосни сотиб олишни таклиф этаётган кишининг камбағаллиги бу ердаги асбоб-анжомлардан ҳам кўриниб турарди.

Заргар, Кадрусс хотинига таъсир этиши мумкин, шунинг учун у йўқлигида хотинининг ҳикоясини эшитиб олиб, уники билан таққослаб кўраман деган ниятда: «Қани, бека, бошланг ҳикоянгизни», деди.

«Биз бунақа нарсани ҳеч кутмаган эдик. Худойимнинг ўзи етказди. Эрим минг саккиз юз ўн тўртинчи йилдами ёки минг саккиз юз ўн бешинчи йилдами, Эдмон Дантес деган денгизчи билан оғайни бўлган экан, эримнинг эсидан чиқиб кетган ўша шўрпешона йигит буни унутмаган экан ва ўлаётиб, ўзингиз кўрган олмосни қолдириб кетибди».

«Бу олмос унинг кўлига қандай қилиб тушиб қолибди? – сўради заргар. – Ёки Дантес турмага тушгунига қадар ҳам бу олмос унда бўлганмикин?»

«Йўқ, жаноб, ундай эмас, – деди аёл, – турмада у бир бой инглиз билан танишибди, инглиз хасталанибди. Дантес унинг атрофида худди ўз акасидек гирдикапалак бўлибди, шунинг эвазига инглиз озодликка чиқаётганда мана шу олмосни ҳадя қилибди. Бечора Дантес бахтига эришолмай турмада қазо қилибди, олмосни эса жон бераётганда бизга мерос қолдириб, ҳурматли аббатдан бериб юборибди, у бугун эрталаб келтириб берди».

«Кардусс ҳам худди шундай деган эди, – шивирлади заргар. – Дастлаб қулоққа ёлғон гапдай эшитилса-да, лекин ким билади, эҳтимол тўғридир бу ҳангома, – сўнг у товушини чиқариб: – ундай бўлса, энди нархига келайлик, бу масалада ҳам келишиб олганимиз йўқ» – деди.

«Ия, нега энди келишиб олганимиз йўқ деяпсиз? – хитоб қилди кириб келган Кадрусс. – Мен айтган нархга рози бўлдингиз деб ишонгандим».

«Мен сизга қирқ минг франк бераман дедим», – деди эътироз билдириб заргар.

«Қирқ минг! – деди жаҳлга миниб Кадрусс. – Бу баҳога сираям сотмаймиз. Аббат, гардишидан ташқари, эллик минг франк туради, деган эди».

«Аббатнинг номи нима эди?»

«Аббат Бузони».

«У чет элликми?»

«У итальян, Мантуянинг атрофидан бўлса керак».

«Олмосни кўрсатинг, – деди заргар. – Мен уни яна бир марта кўрмоқчиман, баъзан қимматбаҳо тошларни бир кўришда яхши билиб ололмай хато ҳам қилиб қўяди киши».

Кадрусс чўнтагидан шагрен терисидан ясалган қоп-қора қутичани олиб очди-да, заргарга узатди. Катталиги ёнғоқдай олмосни (у ҳали-ҳали кўз олдимда товланиб туради) кўриб, Карконтанинг оч кўзлари олайиб кетди.

– Ҳўш, жаноблари, бу гапларни эшитиб, нима фикрга келдилар ўзлари? – сўради Монте-Кристо. – Ўша чўпчакка ишондингизми?

– Ҳа, жаноби олийлари, ишондим. Мен Кадруссни дуруст одам деб билардим, шу сабабдан жиноят қилмайди ёки бировнинг игнасини ҳам ўғирламайди, деб ўйлардим.

– Жаноб Бертуччо, тирикчилик борасидаги тажрибакорликка қараганда мана бу ишингиз шаънингизга монанд. Ўша ерда тилга олинган Эдмон Дантеснинг кимлигини билиб олдингизми?

– Йўқ, жаноби олийлари, билиб олганим йўқ, илгарилари ҳам, сўнгги вақтларда ҳам мен унинг ҳақида ҳеч нарса эшитганим йўқ, фақат бир марта турмада Бузонидан эшитдим.

– Яхши, давом этинг.

– Заргар олмосни олди-да, чўнтагидан кичкина пўлат, мўйчинак ва жиндак мис тарози чиқарди, сўнг олмосни нигинхонадан олиб секин тарозига қўйди.

«Қирқ беш минг франк бераман, – деди у. – Бир чақа ошиғига олмайман. Бунинг устига бу олмоснинг юқори баҳоси бўлганидан ортиқ пул ҳам келтирганим йўқ».

«Ҳечқиси йўқ, – деди Кадрусс, – сиз билан бирга Бокэрга ўзим бораман, қолган беш минг франкни ўша ерда бера қоласиз».

Заргар узук билан олмосни Кадруссга узатиб:

«Йўқ, – деди, – энг баланд нарх шу. Мен шунга баҳо қўйганимга ҳам пушаймон еб ўтирибман, олмоснинг кемтик жойи бор экан, мен илгари буни кўрмаган эканман. Энди иложим йўқ, сўзимдан қайтмайман. Қирқ беш минг франк бераман дедим – бераман».

«Ҳеч бўлмаса олмосни жойига ўрнатиб қўйинг», – деди жаҳл билан Карконта.

«Гапингиз ҳақ», – деди заргар ва олмосни жойига ўрнатиб қўйди.

«Майли, олмасангиз олманг, – деди Кадрусс қутичани чўнтагига солаётиб, – бошқа оладиган топармиз».

«Топасиз, албатта, – жавоб қилди заргар, – аммо бошқа харидор менчалик сахийлик қилмайди ва менга берган маълумотлардан қаноат ҳосил қилмайди. Сиз каби паст мартабадаги киши эллик минг франк турадиган узукнинг ҳақиқий эгаси эканига ишонмайди ҳам, у ҳукумат идораларига хабар қилади, аббат Бузонини ахтариб топиш керак бўлади, икки минг луидор турадиган олмосларни тарқатиб юрадиган аббатларни ахтариб топиш жуда мушкул иш. Одил суд дастлаб уни қўлга тушириб, сизларни қамоққа

олади, борди-ю, бегуноҳ эканлигингиз аниқланса, уч ёки тўрт ойдан сўнг сизни озод қилиб юборишганда ҳам бу узук биронта кишида қолиб кетиши ёки ўрнига бир чақага ҳам арзимайдиган сохта тошни сизга тутқизишлари ҳеч гап эмас. Яна шуни ҳам айтиб қўяйки, эллик минг, борингки, эллик беш минг турадиган олмосни сотиб олиш ҳам хавфли.

Кадрусс ва хотини бир-бирига қараб олишди.

«Ахир биз, – деди Кадрусс, – беш минг франкни назар-писанд қилмайдиган бойлардан эмасмиз-да».

«Азизим, ихтиёрингиз, – деди заргар, – мен нақд пул олиб келган эдим».

Заргар чўнтагидан бир ҳовуч олтин танга ва иккинчи чўнтагидан бир даста қоғоз пул чиқарди, қовоқхоначининг кўзлари олайиб кетди.

Кадрусс иккиланиб қолди: қўлида ўйнатиб турган шагрэн тери қутига жойлашган тош унинг кўзи олдида турган катта пулга арзимайдиган бир нарсага ўхшаб кўринди.

У хотинига қаради.

«Хўш, сен нима дейсан?» – сўради секин.

«Бер, бера қол, – деди аёл, – агар биз унга сотмасак Бо-кэрга бориб устимиздан маълумот беради бу одам, у ҳақ гапни айтяпти: аббат Бузонини қачон, қаердан топардик».

«Келинг, айтганингиз бўла қолсин, – деди Кадрусс. – Олинг қирқ беш минг франкка, аммо хотиним олтин занжир тақмоқчи, менга эса бир жуфт тўқа керак».

Заргар чўнтагидан узун япалоқ қутича олди, унинг ичида Кадрусс айтган нарсаларнинг бир неча хиллари бор эди.

«Мана, олинг, – деди у, – иш битиришда мен бунақа майда-чуйда нарсаларга эътибор бериб ўтирмайман».

Хотини беш луидор турадиган занжир, эри эса ўн беш франк турадиган бир жуфт тўқа олди.

«Энди мамнун бўлгандирсиз?» деди заргар.

«Аббат олмоснинг баҳоси эллик минг франк деган эди-да», – минғирлади Кадрусс.

«Э-э, ношукр банда экан-ку, бу, – деди заргар унинг қўлидан узукни олаётиб, – қирқ беш минг франк, яъни икки ярим минг пивр йиллик даромадни беряпману, шунга ҳам рози эмас-а!»

«Қани қирқ беш минг франк?» – сұради Кадрусс бұғиқ овозда, – қани у пулингиз?»

«Мана, марҳамат қилиб олинг», – деди заргар ва ўн беш минг франк олтин пулни ва ўттиз минг қоғоз пулни санаб стол устига қўйди.

«Тўхтанг, чироқни ёқайин, – деди Кадрусс, – қоронғи тушиб қолди, адашиб кетмайлик тағин».

Чиндан ҳам улар талашиб-тортишиб, вақтни ўтказиб юбо-ришган эди. Қоронғи тушиши билан ҳаво айниб момақал-дироқ бошланди. Узоқда момақалдироқ гумбурлади, аммо мол-дунё орттиришга муккасидан кетган заргарнинг ҳам, Кадрусснинг ҳам қулоғи қар эди шу пайт.

Менинг ўзим ҳам бу олтинларни ва қоғоз пулларни кўриб мафтун бўлиб қолганимни сезмабман. Буларни тушим деб фараз қилиб турган жойимда ҳанг-манг бўлиб қотиб қол-гандим.

Кадрусс пулларни қайта-қайта санаб чиқди, сўнг уларни хотинига узатди, хотини ҳам икки-уч марта санади.

Шу орада заргар олмосни чироққа тутиб айлантларар, ол-мос минг хил товланиб, атрофга найза-найза нур отарди, у дераза орқасида момақалдироқдан дарак бериб, повиллаб ялт-юлт этаётган чақмоқдан беҳабар эди.

«Хўш, тўғри санабманми?» – сўради заргар.

«Тўғри, – деди Кадрусс, – Карконта, ҳамённи келтир, би-рорта халтача ҳам топ».

Карконта шкафдан эски чарм ҳамённи олиб келди, ун-дан бир нечта эски сарғайиб кетган хатларни олиб, ўрнига қоғоз пулларни солишди. Карконта халтача ҳам келтирди, унда олти ливрлик бир неча танга бор экан, афтидан, эр-хотиннинг бутун дунёси шу бўлса керак.

«Мана иш битди, – деди Кадрусс, – биздан ўн минг франк уриб қолган бўлсангиз ҳам бирга овқатланайлик. Чин кўнгилдан таклиф қиляпман».

«Раҳмат, – деди заргар, – кеч бўлиб қолди, Бокэрга тез-роқ жўнайин, хотиним хавотир олади. – У соатига қаради. – Ўҳ-хў, соат тўққиз бўлай деб қолибди-ку, уйга энди ярим кечада кириб борарканман-да. Хайр, дўстларим, аббат Бу-зонига ўхшаганлардан яна санғиб келиб қолгудек бўлса, мени эсланг».

«Сиз бир ҳафтадан кейин Бокэрдан жўнаб кетсангиз керак, – деди Кадрусс, – келаси ҳафта ярмарка бекилади-ку».

«Тўғри, бекилади, аммо бунинг аҳамияти йўқ, хатни Парижга қуйидаги манзилга ёзаверинг: жаноб Жоаннесга, Пале-Рояль, галерея Пьер, қирқ бешинчи рақам; зарурат туғилса атайлаб келаман».

Момақалди роқ гумбурлаб, яшин жуда зўр куч билан ярқираб, ҳатто чироқ ёғдусини қоронғилатиб юборди.

«Уҳ-хў, – деди Кадрусс, – шундай даҳшатли тунги ҳавода қандай қилиб борасиз?»

«Мен момақалди роқдан кўрқмайман», – деди заргар.

«Босқинчилардан-чи? Улардан ҳам кўрқмайсизми? – сўради Карконта. – Улар ярмарка кунларида йўлларда дайдиб юришади».

«Босқинчиларга келсак, – деди Жоаннес, – уларнинг адабини бериб қўймоқ учун мен баъзи керакли нарсаларни тахт қилиб қўйганман».

Заргар шундай деди-да, чўнтагидан бир жуфт тўла ўқланган иккита кичкина тўппончасини чиқарди.

«Мана, – деди у, – бу «кучукчалар» ҳам вовиллайди, ҳам тишлайди; бу олмосингизга кўз олайтирган дастлабки иккиси учун, Кадрусс амаки».

Кадрусс билан хотини маъюс ҳолда бир-бирига қараб олишди. Иккисининг дилидан бир йўла қандайдир мудҳиш бир фикр ўтгандай бўлди.

«Ундай бўлса, оқ йўл сизга!» – деди Кадрусс.

«Ташаккур!» – жавоб қилди заргар ва катта қутига суяб қўйган қўл таёғини олди-да, эшик томонга юрди. У эшикни очиши билан уйга шамол кириб, сал бўлмаса чироқни ўчириб қўяёзди.

«Ҳаво жуда айниб кетибди-да, – деди у, – мен икки лъе пиёда юришим керак!»

«Қола қолинг бизникида, – деди Кадрусс, – тунаб, эртага жўнайсиз».

«Қолаверинг, – деди қалтироқ овоз билан Карконта. – Қўлай шароит туғдириб берамиз, тинч тунаб, эртага йўлга чиқарсиз».

«Асло иложим йўқ. Тунда Бокэрда бўлишим керак. Хайр!» Кадрусс аста остонага яқинлашди.



«Ҳеч нимани кўриб бўлмайди, – деди заргар эшик ташқарисида. – Қайси томонга бурилади, ўнггами ё чапгами?»

«Унгга, – деди Кадрусс, – адашмайсиз, йўлнинг икки томонига дарахтлар ўтқазилган».

«Кўриб турибман», – деган овоз келди узоқдан.

«Бекит эшикни! – деди Карконта. – Момақалди роқ гумбурлаб турганида эшик очиқ турса мени ваҳима босади».

«Айниқса уйда пул бўлганда, тўғрими?» – деди Кадрусс калитни икки марта бураб.

У шкаф олдига келиб, халтачани ва ҳамённи олди, иккиси яна олтинни ва қоғоз пулларини санай бошлашди.

Хира ёниб турган лампа чироқ ёғдусида иккаласининг юзидан ўлгудек хасис махлуқлар экани кўриниб турарди. Мен умримда бунақа очкўзларни кўрмаган эдим. Айниқса, хотиннинг важоҳати жирканчли бўлиб кетган эди: шу он уни ҳамиша исканжага олиб юрган безгак титроғи авжга миңди. Унинг ҳамиша қонсиз юзи мурданинг юзига айланди, ич-ичига кириб кетган кўзлари ёнди.

«Нима мақсадда сен унга ётиб қолишни таклиф этдинг?» – сўради хотин бўғиқ овозда.

«Ҳа... уни Бокэрга борадиган оғир йўл азобидан қутқариш учун», – деди сесканиб Кадрусс.

«Э-э, шундай дегин, – деди хотин англаб бўлмайдиган оҳангда, – мен эса бошқа мақсадда деб ўйлабман».

«Эҳ, хотин, хотин! – Хитоб қилди Кадрусс. – Бунақа фикрлар қаердан келди каллангга?»

«Нима десанг деявер, – тўнғиллади Карконта, – аммо ҳақиқий эркак киши эмассан-да».

«Хўш, нима учун эркак киши бўлмай қолдим?» – сўради Кадрусс.

«Агар ҳақиқий эркак бўлсайдинг, у бу ердан кетмасди».

«Хотин!»

«Ёки Бокэрга етиб боролмасди».

«Хотин!»

– Йўл бурилиб кетади, у бошқа йўлни кўрган эмас, канал бўйлаб сўқмоқ бор, бу ёлғизоёқ йўл катта йўлни кесиб ўтади».

«Хотин, Худонинг ғазабини келтиряпсан! Ана, эшитяпсанми?»

Шу он яшин бутун хонани сутдай ёритиб юборди, мома-қалдиروق оламга даҳшат солди. Сўнг гумбурлаган овозлар бу балого дучор этадиган лаънати уйдан беҳоҳиш аста-секин узоқлашиб кетди.

«Э Худойим!» – деди чўқиниб Карконта.

Ҳамма ёқни қўрқинчли офир сукунат босган бир вақтда эшик тақиллади.

Кадрусс билан Карконта чўчиб тушди-ю, капалаги учиб бир-бирига қаради.

«Ким?» – қичқирди ўрнидан тураётиб Кадрусс ва стол устида сочилиб ётган олтинлар ва қоғоз пулларни шошиб йиғди-да, иккала қўли билан ёпди.

«Мен!» – деди кимдир.

«Кимсиз?»

«Мен-мен! Заргар Жоаннесман!»

«Мана кўрдингми! Яна мени Худо ғазабга оляпти дейсан!.. – деди Карконта разилона илжайиб. – Худонинг ўзи уни бизга қайтариб юборди».

Ранги девор бўлиб қолган Кадрусс стулга йиқилди.

Карконта эса, аксинча, дадил қадам ташлаб бориб эшикни очди.

«Марҳамат, қадрли жаноб Жоаннес», – деди у.

«Дарҳақиқат, – деди ёмғирда ҳамма уст-боши ивиб кетган заргар. – Худди иблиснинг ўзи менинг Бокэрга боришимга халақит бераётир деб ўйлаш мумкин. Икки офатдан бирини танлаб олмоқ керак, жаноб Кадрусс, сиз меҳмон бўлишни таклиф этган эдингиз, мен уни қабул қилиб, сизникида тунаш учун қайтиб келдим».

Кадрусс пешана терини артиб алланарса деб минғирлади.

Карконта заргарни киритиб, калитни икки марта буради.

## VII. ҚОНЛИ ЁМҒИР

Заргар кирди-да, хонага синовчан назар ташлаб чиқди, аммо уни шубҳага соладиган ёки илгари шубҳаланган бўлса, ўша шубҳани тасдиқлайдиган ҳеч нарса кўрмади.

Кадрусс ҳамон олтин ва қоғоз пулларни иккала қўли билан бекитганича қотиб турарди. Карконта эса меҳмонни мумкин қадар хушнуд кутиб олишга уринарди.

«Эҳ-э, – деди заргар, – мен кетгач пулни яна санашга тушибсиз-да, демак, ишончингиз комил бўлмаган экан-да?»

«Йўғ-э, – деди Кадрусс, – бу пул худди осмондан тушгандай бўлди бизга, шу сабабли тушимизми ёки ўнгимизми, деб ишонмай турибмиз ҳалиям, пулнинг ўзи дадил бўлиб кўзимиз олдида турмаса, туш экан деб қўя қолардик-да».

Заргар илжайиб қўйди.

«Уйингизда тунайдиганлар бўладими?» – сўради у.

«Йўқ, – жавоб берди Кадрусс, – бизда бундай одат йўқ, шаҳар яқин, ҳеч ким тунамайди».

«Демак, мен сизга ўнғайсизлик туғдирарканман-да?»

«Йўқ, жаноб, бемалол, – деди илтифот билан Карконта. – Заррача ўнғайсизлик бўлмайди, амин бўлинг».

«Мени қаерга ётқизасиз?»

«Юқоридаги хонага».

«У сизнинг хонангиз-ку?»

«Аҳамияти йўқ, ёндош хонада яна бир каравотимиз бор».

Кадрусс ажабланиб хотинига қаради.

Заргар печкага қўлини тутиб аллақандай куйда қўшиқ айта бошлади. Карконта, меҳмон кийимларини қуритиб олсин, деб печка бир тутам шох ташлади.

Шу орада Карконта столнинг бир четига сочиқ ёзди-да, сарқит овқат ва тухум қуймоқ келтириб қўйди.

Кадрусс яна қоғоз пулларни ҳамёнга, олтинни халтачага солди-да, шкафга қулфлаб қўйди. У ғамгин ҳолда уйнинг у бошидан-бу бошига бориб келар, дам-бадам заргарга қараб кўярди. Заргар эса кийимларидан кўтарилаётган буғ орасида печка гоҳ чап биқинини, гоҳ ўнг биқинини тутиб турарди.

«Мана, тайёр! – деди Карконта столга бир шиша вино қўйиб. – Хоҳишлари бўлса, кечки овқатга ўтиришлари мумкин».

«Сизлар-чи?» – сўради Жоаннес.

«Мен кечки овқатни емайман», – деди Кадрусс.

«Биз тушликни жуда кеч еган эдик», – шошиб сўз қотди Карконта.

«Кечки овқатни бир ўзим ейманми?» – сўради заргар.

«Биз хизматингизда бўламиз», – деди Карконта. У ҳақ тўлайдиган кишиларга ҳам бундай хушмуомалада бўлмасди.

Кадрусс хотинига тез-тез хўмрайиб қараб қўярди.

Момақалди роқ ҳануз давом этарди.

«Эшитяпсизми гумбурлаётганини? – деди Карконта. – Қайтиб, жуда яхши қилдингиз-да».

«Овқатни еб бўлганимча бўрон тўхтаса, нима бўлсаям, кетаман», – деди заргар.

«Бу Рона водийсининг изғирин шамоли, эрталабгача давом этади», – деди бошини чайқаб Кадрусс ва хўрсиниб қўйди.

Заргар столга ўтирди-да: «Иложим қанча, – деди, – бироқ йўлдагиларга қийин-да».

«Ҳақ гапни айтяпсиз, – деди Карконта, – йўлдагилар тунни азоб билан ўтказишади».

Заргар овқатни ея бошлади. Карконта эса мезбондан шундай пайтларда нимаики талаб қилинса, ҳаммасини бажо келтирарди. Ҳамиша миждов ва ўжар бу хотин ҳозир ниҳоятда назокатли ва сертакаллуф бўлиб қолди. Заргар Карконта билан илгаридан таниш бўлганда эди, унинг айна вақтда бу қадар ўзгариб қолганини кўриб таажжубланган бўлар эди. Кадруссга келсак, у ҳануз фикр этмас, меҳмонга қарашга ботинолмай, хонани гир айланиб юарди.

Меҳмон овқатланиб бўлгач, Кадрусс бориб эшикни очди ва:

«Момақалди роқ ниҳоясига етди, шекилли», – деди.

Бироқ у сўзини тугатиши билан, гўё сен ёлғонни айтяпсан дегандай, момақалди роқ чунон гумбурладики, ҳамма ёқларга келиб, бутун уй титраб кетди, эшиқдан ичкарига ғувиллаб ёмғир аралаш шамол уриб кирди-да, чироқни ўчирди. Кадрусс эшикни яна қулфлаб қўйди, хотини печдан ўт олиб шамни ёқди ва заргарга:

«Жуда чарчадингиз, шекилли, – деди, – тоза тўшак солиб қўйдим, юқорига чиқиб баҳузур ухланг».

Жоаннес бўрон тўхтамасмикин, деб яна бир оз ўтирди, сўнг момақалди роқ ва ёмғир тобора кучайиб бораётганини кўриб, ўрнидан турди-да, хўжайинларга хайрли кеч тилаб, юқориги қаватга йўл олди.

У менинг устимдаги зинадан чиқиб борарди, унинг оёқлари остида зинапоялар ғижирлаганини мен баралла эшитдим.

Карконта заргар кетидан харис кўзларини тикиб турарди, Кадрусс эса, аксинча, орқасини ўгириб олиб, унга қарамади ҳам.

Сўнг эсга олган бу тафсилотларнинг барчаси кўз олдимда юз бериб турар ва мени жиндек бўлса-да, ажаблантирмасди, умуман бўлаётган ишлар табиий ҳол бўлиб, бир-бирига боғлиқ эди (Фақат олмос воқеаси мени шубҳага соларди).

Мен ниҳоятда чарчадим, мадорим қуриди, ёмғир ва бурон тўхташи билан ётиб, бир неча соат ухлаб олиб, тундаёқ бу ердан жуфтакни ростламоқчи бўлдим.

Юқорида заргар бошлаб уйқуни уриш ниятида тўшакка яхшилаб ўринлашиб олаётганини, сўнгра каравотнинг ғижирлаганини эшитдим.

Кўзларим юмилиб борарди, ҳеч нарсадан ҳеч қандай шубҳам йўқлиги, хавотирланишга ҳеч қандай сабаб бўлмагани учун ухлашга қарор қилдим-да, қўшни хонага охирги марта назар ташладим. Кадрусс стол ёнидаги ўриндиқда (қишлоқ жойлардаги қовоқхонага стул ўрнига ўриндиқлар қўйиларди) менга орқасини ўгириб ўтирарди, шунинг учун унинг юзини кўролмадим, бари бир, менга қараб ўтирганда ҳам кўролмадим юзини, чунки бошини қуйи солиб ўтирарди.

Карконта бир оз вақт унга тикилиб турди, сўнг елкасини қисди-да, рўпарасига ўтириб олди.

Шу пайт ўчиб бораётган аланга қуруқ шохни ёндириб юборди, ним қоронғи уй бир оз ёришди. Карконта эридан кўзини узмай тикилиб турарди, эри боягидек қимир этмай ўтирганидан энсаси қотган Карконта бармоқлари билан унинг пешанасидан оҳиста туртди.

Кадрусс чўчиб кетди. Лаблари қимирлаётгандай туюлди менга, у жуда секин гапирдимми ёки уйқу босиб карахт бўлиб қолдимми, ҳар ҳолда унинг овозини эшитолмадим. Кўзларим ҳам хиралашди, бу нарсалар тушимдами ёки ўнгимда содир бўлаётганининг фарқига бормай қола бошладим. Пировардида киприкларим жипслашди-да, уйқуга кетдим.

Мен қаттиқ уйқуда эдим, тўсатдан отилган ўқ ва унинг кетидан қичқириқ уйғотиб юборди мени. Тепамда аста-аста

юраётган кишининг қадами эшитилди, нақ бошим устидаги зинага нимадир гурсиллаб тушди.

Ҳануз ўзимга келолганим йўқ. Фигонли овоз эшитилди, сўнг қаердадир мушшлашаётгандек, қичқириқлар қулоғимга чалинди.

Илгаригиларидан чўзиқроқ сўнгги қичқириқ нола-фигонга айланди, шундан кейин ҳушимга келдим-да, тирсагимга тиралиб, кўзимни очдим, бироқ ҳеч нарсани аниқ кўролмадим, пешонамга илиқ ёмғир томчилари томаётгандай туюлди, қўлимни теккизиб кўрдим.

Мени уйқудан маҳрум этган ғала-ғовурдан сўнг бутун уйга оғир сукунат чўкди. Тепамда эркак кишининг қадами эшитилди, зина гижирлади. Эркак пастки хонага тушди-да, печь олдига бориб шамни ёқди.

Бу Кадрусс эди, унинг юзи оппоқ деворга айланган, кўйлаклари қип-қизил қонга бўялган эди.

У шамни ёндириб қўйди-да, зинадан югуриб чиқди, мен унинг шошилинич қадамларини эшитдим яна.

Бир зум ўтар-ўтмас у яна пастга тушди, қўлида бояги қутича, олмос қути ичида эканига имони комил бўлгач ҳовлиқиб қутичани дам бир чўнтагига, дам бошқа чўнтагига сола бошлади. Сўнг, афтидан, чўнтак унга ишонадиган жой эмаслигига имони комил бўлди, шекилли, қизил рўмолчасига ўраб бўйнига боғлаб олди.

Сўнг югуриб бориб шкафдан олтинни ва қоғоз пулларни олди-да, бўлиб-бўлиб шимининг чўнтақларига, камзулининг киссаларига солди, икки-учта кўйлак олиб, эшиқдан отилиб чиқиб кетди. Ана шундан сўнг менга ҳамма сир аён бўлди, гўё юз берган воқеаларга айбдордек ўзимни койий бошладим. Инграган товуш эшитилгандай бўлди. Шўрлик заргар тирикмикан ҳали, деб ўйладим. Эҳтимол унга кўмак берсам, ўзим қилмаган ва лекин бошқаларнинг қилишига йўл қўйиб берган жиноятни анча енгиллаштирган бўларман, дедим ўз-ўзимга. Пастки хона билан мен ётган хона ўртасига омонатгина ўрнатиб, бириктириб қўйилган тахталарни елкам билан итардим, тахталар икки томонга айрилди, ичкари кирдим.

Дарров шамни олдим-да, зинадан югурдим, зинапояда кимнингдир тани кўндаланг тушиб ётарди. Бу Карконтанинг жасади эди.

Мен эшитган ўқ шунга отилган экан. Ўқ Карконтанинг бўйнидан тешиб ўтибди, икки томондаги ярадан қон оқяпти, оғзидан ҳам қон келяпти.

Хотин дунёдан ўтган эди.

Ўлик устидан ирғиб ўтиб, юқорига чиқдим. Ётоқхона тўс-тўполон бўлиб ётибди. Баъзи мебеллар ағдар-тўнтар қилиб ташланган. Шўрпешана заргар жон талвасасида маҳкам чангаллаган чойшаблар уйнинг ҳар томонига улоқтириб ташланган, заргар бошини деворга тираганча, кўкрагидаги уч ярадан оқаётган қонга бўялиб ётарди. Тўртинчи ярага ошпичоқ суқилганича осилиб турибди, унинг фақат сопи кўринарди.

Оёғим остида, дориси намланиб қолганидан бўлса керак, отилмаган тўппонча ётар эди.

Заргар олдига бордим, ҳали унинг жони бор эди, қадамимдан, айниқса, полнинг силкинишидан у хиралашиб қолган кўзларини очди-да, менга тикилди, лабларини қимирлатиб бирор нарса демоқчи бўлди, сўнг жон берди.

Бу даҳшатли манзарадан нақ ақлдан озай дедим, ҳеч кимга ёрдам беролмадимми, демак, тезроқ бу ердан қочиб гумдон бўлиш керак, дедим ўзимга-ўзим.

Калламни иккала қўлим билан маҳкам сиқдим, қичқириб зинага отдим ўзимни.

Пастки хонада божхонанинг олтига назоратчиси ва икки-учта жандарм турган экан.

Мени тутиб олишди, мен жиндак ҳам қаршилиқ кўрсатмадим, эс-ҳушимни йўқотиб қўйган эдим. Гапирмоқчи бўлдим, бироқ ғўлдираган овоз чиқди томоғимдан.

Божхона назоратчилари ва жандармлар бармоқлари билан мени кўрсатишаётганини кўрдим. Ўзимга қарадим, кийимларим қип-қизил қонга бўялган эди. Зинадан ўстимга томган илиқ ёмғир Карконтанинг қони экан.

Бармоқларим билан яшириниб ётган жойни кўрсатдим.

«Нима демоқчи у?» – сўради жандармлардан бири.

Божхона ходимларидан бири мен кўрсатган томонга борди.

«Ўша ердан кириб келдим демоқчи», – деди у ва мен кирган тешикни кўрсатди.

Шунда мен, улар мени қотил деб ўйлашаётганини тушундим. Шу пайт тилим калимага келиб, куч пайдо бўлди менда, мени тутиб турган кишилар қўлидан юлқиниб чиқиб олдим-да, қичқирдим:

«Мен эмас! Йўқ, йўқ! Мен эмас!»

Жандармлардан иккиси милтиғини ўқталди.

«Қимир этсанг, – асфаласофилинга кетасан».

«Ахир сизга тўғриси айтяпман-ку, – дедим чинқириб, – мен эмас!»

«Бу гапларингнинг ҳаммасини Нимда судьяга айтасан, – жавоб қилишди улар. – Ҳозир кетимиздан юр, насиҳатимизга қулоқ солгин-да, ҳеч қаршилиқ қилмай юравер».

Мен қаршилиқ кўрсатишни хаёлимга ҳам келтирмаган эдим, ваҳима ва ҳаяжон остида руҳим тушиб, эзилиб кетган эдим. Қўлимга кишан солишди, от думига боғлашди-да, Нимга олиб кетишди.

Маълум бўлишича, божхона назоратчиларидан бири мени таъқиб қилиб келган экан, ковоқхона олдида кўздан қочириб қўйиб шу ерда тунайди бу, деб ўртоқларига хабар бергани кетган ва ўқ отилган вақтда етиб келишган экан. Мени шу пайтда тутиб олишдики, энди ўзимнинг беғуноҳлигимни исботлашим мушкул, деб ўйладим.

Мен бутун ақл-идрокимни бир нарсага қаратдим: дастлаб терговчидан худди шу куни «Гар кўприги» қовоқхонасига келиб кетган аббат Бузонини ахтариб топтиришни илтимос қилдим. Мабодо Кадруссининг айтганлари уйдирма гаплардан иборат бўлса, мабодо бунақанги аббатнинг ўзи йўқ бўлса, мен ҳалок бўламан. Кадруссни топишса-ю, у ўз қилмишларига иқрор бўлса, унда бошқа гап.

Икки ой ўтди, терговчим аббатни топиб келиш учун қўлидан келган ҳамма чораларни кўрди, аммо натижа чиқмади. Мен умидимни батамом узиб қўя қолдим. Мени яқинда бўладиган сессиялардан бирида суд қилишлари керак эди. Бироқ тўсатдан саккизинчи сентябрда (қотиллик юз берганидан роса уч ойу беш кун ўтганида) турмага келмайди, деб умидимни узиб қўйган аббат Бузони килиб келди ва маҳбуслардан бири мен билан гаплашмоқчи экан, деди. Сўзига қараганда, у буни Марселда эшитиб келибди.



Мен унинг келишидан ўзимда йўқ хурсанд эдим. Кўрган, эшитган, билганларимнинг ҳаммасини оқизмай-томизмай унга айтиб бердим, сўнг ҳаяжонга тушиб, олмос воқеасини ҳикоя қила бошладим. Кадрусснинг ҳикояси ҳақиқат экан, аббат ҳам менинг гапларимга тамоман ишонди, мен ишонмас, деб ўйлагандим.

Мен унинг меҳр-шафқатига мафтун бўлиб қолдим, ватанимнинг урф-одатлари билан унинг жуда яхши таниш эканини кўриб турардим, шу сабабли бу меҳрибон зот гуноҳимни кечар, деб Отейлда юз берган воқеани ҳам бутун тафсилоти билан айтиб бердим. Очиқ айтганим яхши бўлди. У гапларимга ишонди, иккинчи ўлдиришда қатнашмаганимга ишончи комил бўлди, шунинг учун ҳам у, сизнинг айбингиз йўқлигига судьяни инонтириш учун қўлимдан келган ҳамма чораларни кўраман, деб умидвор қилиб кетди.

Турма тартиблари менга нисбатан тобора енгиллаштирилаётганини кўриб, аббат менинг ишим билан шуғулланаётганини фаҳмладим, ишим келаси сессияга қолдирилганини эшитдим.

Шу орада тақдир тақозоси билан чет элда Кадруссни тутиб олишиб, Францияга келтиришибди. У ҳамма қилмишларини бўйнига олди, айбни хотинига ағдарди. Кадруссни умрбод қамоққа ҳукм қилишди, мени эса озод этишди.

– Сиз шундан кейин аббат Бузонининг тавсия хати билан менинг ҳузуримга келдингиз.

– Шундай, жаноби олийлари, у менга ёрдам қилди.

– Контрабандистлик касб-корингиз сизни ҳалокатга дучор этади, – деди у. – Бу ердан чиққач ташланг бу ишингизни.

– Аммо, отахоним, – дедим мен, – мен тирикчиликни қандай ўтказаман. Шўрлик қаллиғимни қандай боқаман?

«Менинг муридларимдан бири мени ўз отасидек ҳурмат қилади. У мендан ишончли одам топиб беришни илтимос қилган эди. Агар ўшанинг хизматида бўлишни истасангиз, тавсия хати ёзиб бераман».

«Отахоним! – хитоб қилдим мен. – Сиздай меҳр-шафқатли зоти-шарифга жонни фидо қилсам ҳам камлик қилади!»

«Аммо, мени уялтириб, афсуслантириб қўймасликка ваъда берасизми?»

Қасамёд қилиш учун қўлларимни баланд кўтардим.

«Бунинг кераги йўқ, – деди у, – мен корсикаликларни биламан ва яхши кўраман, мана сизга тавсия хати».

У бир парча қоғозга хат ёзиб берди, хатни мен сизга келтириб бердим, шу асосда жаноби олийлари мени хизматга олдилар. Энди мен журъат этиб, бирор ишимдан норози бўлганмисиз, деб сўрасам бўлур.

– Йўқ, – жавоб қилди граф, – сиз менга унча ишонмасангиз-да, мен сиздан жуда хурсандман, Бертуччо, хизматингиздан мамнунман.

– Мен-а? Мен сизга – жаноби олийларига ишонмас эканманми?

– Ҳа, сиз. Ахир қаллиғингиз ва асранди ўғлингиз бор экану, шу вақтгача менга айтмай келдингиз.

– Э-э, жаноби олий, мен ҳали ҳаётимнинг энг қайғули жойини сизга айтганим йўқ. Мана эшитинг: ўшандан кейин Корсикага жўнадим, тезроқ келинни кўриб, тасалли бермоқчи бўлдим, аммо Рольянода бахтсизликка дуч келдим, менинг уйимда шундай даҳшатли воқеа юз берганки, кўшнимларим ҳали-ҳали эсга олганда сесканиб кетишади. Шўрлик келин менинг маслаҳатларимга амал қилиб, Бенедеттога пул бермай қўйган экан! Бир кун эрталаб у дўқ уриб, кун бўйи йўқ бўлиб кетибди. У нобакорни ўз ўғлидай севиб қолган шўрлик Ассунта қон қақшаб йиғлабди. Кеч кирибди. У мижжа қоқмай болани кутибди. Соат ўн бирда у икки ҳамтовоқ жўрасини эргаштириб келибди. Ассунта ўғлини бағрига босмоқчи бўлибди, аммо улар аёлни кўлидан маҳкам тутиб олибди, сўнг бириси: «Қани, келинг, бир қийноққа солиш ўйини қилайлик, ана шунда пулларини қаёққа қўйганини айтиб беради», – дебди. Буни ҳойнаҳой ўша нонкўр, ярамас бола айтган.

Кўшнимиз Василио ҳам шу куни йўқ экан – Бастияга кетган экан, уйда фақат хотини қолган экан. Келиннинг уйда бўлган воқеани ундан бўлак ҳеч ким кўрмабди ва эшитмабди. Иккиси Ассунтани маҳкам тутиб турибди. Бечора аёл бу болалардан бирор жиноий иш чиқиши мумкинлигини тасаввур қилолмай, меҳрибон кўзларини мўлтиратиб, бўлғуси қотилларига тикилиб кулиб тураверибди. Болалардан учинчиси эшик ва деразани маҳкам бекитибди-да, қай-

тиб ҳалиги иккисининг олдига келибди. Бу қабиҳ тайёр-гарликни кўрган Ассунта қичқириб юборибди, оёғидан суд-раб, ёниб турган ўчоққа олиб боришибди. Улар, энди пул қаерга яширилганини айтиб беради, деб ўйлашган бўлса керак, бироқ Ассунта уларнинг қўлидан қутулишга ҳаракат қилаётганида кўйлаги повиллаб ёниб кетибди, улар ўзлари ҳам ёниб кетишидан кўрқиб, бахтсиз келинни ўз ҳолига ташлаб қочишибди. Уст-боши ёниб бораётган Ассунта ташқарига чиқишга ҳаракат қилибди, бироқ эшик қулфланган, дераза қоқиб ташланган экан.

Кўшни аёл дод-фарёд овозини эшитибди. Бу Ассунта бўлиб, ёрдамга чақираётган экан. Унинг овози борган сари бўғилиб, пасайиб инграшга айланибди. Ваҳимали ҳодисалар билан ўтган шу кечадан сўнг, эртаси Василионинг хотини уйдан чиқиб, ҳукумат органларига маълум қилган, суд органларининг ходимлари келиб, эшикни синдириб очганларида Ассунта куйиб, жизгинак бўлиб ётган экан, аммо ҳали тирик экан, болалар шкафларни бузиб, пулларни олиб кетишибди. Бенедетто Рольянодан гумдон бўлиб кетди, ўшандан буён мен уни кўрганим, унинг тўғрисида бирор хабар эшитганим йўқ.

Бертуччо сўзини давом эттириб деди:

– Бу қайғули воқеани эшитиб, мен сиз – жаноби олийлари ҳузурига йўл олдим. Сизга дом-дараксиз кетган Бенедетто билан ўлган қаллиғим тўғрисида гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ, деб ҳисобладим.

– Бу воқеа тўғрисида ўзингиз қандай фикрдасиз? – сўради Монте-Кристо.

– Ўз жиноятим учун Худонинг ғазабига учрадим, – деди Бертуччо. – Оҳ, бу лаънати Вильфорлар авлоди!

– Мен ҳам шундай деб ўйлайман, – деди ғамгин оҳангда граф.

– Мана энди, – давом этди Бертуччо, – ўшандан бери қадам босмаганим бу уй, ўшанда фавқулодда кириб қолганим бу боғ, мен ўлдирган бу жой мени ҳаяжонга солиб, руҳий азоб бераётганининг сабаблари сизга маълум бўлган бўлса керак. Очиғини айтсам, мана шу ерда оёғим остида, ўз фарзанди учун қазилган қабрда жаноб де Вильфорнинг ётганига ишонмайман.

– Шундай бўлиши ҳам мумкин, – деди ўрнидан тураётиб Монте-Кристо, – қирол прокурори тирикдир балки. Аббат Бузони сизни менга юбориб жуда яхши қилган экан. Сиз менга ҳамма воқеаларни муфассал айтиб бериб яхши қилдингиз, энди сизнинг ҳақингизда мен ёмон фикр айтолмайман. Беўхшов ном берилган Бенедетто нима бўлди? Сиз унинг изига тушмадингизми? Унинг тақдири билан қизиқмадингизми?

– Ҳеч қизиқмадим. Унинг қаердалигини билган тақдирда ҳам, уни кўришга интилмасдим... Ундан худди вабодан қочгандек қочардим. Худога шукрки, ҳеч қачон, ҳеч кимдан унинг дарагини эшитмадим, аминман, у дунёдан ўтган.

– Амин бўлманг, Бертуччо, – деди граф, – ёвуз махлуқлар осонлик билан жон бермайди. Худонинг ўзи ҳам ўзининг қасос қуроли қилиб олиш учун уларни ўз паноҳида асрайди.

– Асраса асрайверсин, – деди Бертуччо, – мен энди унинг башарасини асло кўрмайин, Тангримдан тилагим шу. Мана эндиликда, – деди иш бошқарувчи бошини қуйи солиб, – жаноби олийлари ҳаммасидан хабардор бўлдилар. Осмонда Эгамнинг ўзи-ю, ерда сиз, менинг пуштипаноҳимсиз, мен шўрликка тасалли берадиган, юпатадиган бирор гап айтмасмикинлар?

– Бу гапингиз тўғри, мен фақат аббат Бузони айтган гапларини такрорлашим мумкин. Вильфор сизга ва яна бошқа бировларга қилган ёмонлиги учун қасос жазосига мубтало бўлиши керак, албатта. Бенедеттога келсак, у тирик бўлса, ҳали айтганимдек, Тангри қаҳрининг қуроли бўлиб хизмат қилади-да, сўнгра ўзи ҳам жазога маҳкум этилади. Сиз фақат бир нарсада, яъни гўдакни ўлимдан қутқариб қолдиму, лекин уни онасига олиб бориб бермадим, деб ўзингизга таъна қилишингиз мумкин. Сиз, Бертуччо, мана шу борада гуноҳкорсиз.

– Ҳақ гапни айтдингиз, жаноби олийлари, мен бунда айбдорман, кўрқоқлик қилдим. Болани ўлимдан қутқарган заҳотим, сиз айтгандек, уни онасига бермоғим керак эди. Аммо бунинг учун баъзи маълумотларни тўплашим, бошқаларнинг эътиборини ўзимга жалб қилишим, эҳтимол сирларимни очиб беришим керак эди. Мен эса ўлишни иста-

мадим, қаллиғим ҳам мени яшашга мажбур этарди, бунинг устига корсикаликларнинг қонига сингиб кетган одат ғолибона, охиригача қасос олиш одати ҳам бу ерда ўз таъсирини ўтказди, қолаверса, мен яшашни, ҳаётни севаман. Ахир, мен акамчалик довюрак эмасман-да.

Бертуччо қўллари билан юзини яширди, Монте-Кристо эса унга узоқ, ўйчан кўз тикиб қолди.

Бир сониялик сукунатдан сўнг граф ўз одатига мос бўлмаган ғамгин оҳангда деди:

– Суҳбатимизни маромига етказиш учун, Бертуччо, аббат Бузонидан бир неча бор эшитган қуйидаги сўзларимни эсга олинг: «Ҳар қандай балодан қутулиш учун иккита дори бор – вақту сукут». Эиди боғни айланиб чиқмоқчиман. Даҳшатли воқеаларда қатнашган, сиз учун бу ерда оғир туюлаётган нарсаларнинг ҳаммаси менда ёқимли, хушнуд туйғу уйғотади ва бу жойнинг қадр-қимматини икки карра ошириб юборади. Бертуччо, шуни англаб олингки, дарахтлар соя бергани учун азиз, соянинг ўзи эса ширин хаёллар, умидорзулар уйғотгани учунгина азиздир. Мана мен шу боққа эга бўлиб олдим, мен буни фақат атрофи ўраб олинган бир қароргоҳ, деб ўйлагандим, аммо бу қароргоҳ шартномада кўрсатилмаган, арвоҳлар дайдиб юрадиган боғ бўлиб чиқди. Мен арвоҳларга жуда ҳирс қўйганман, тириклар бир кунда қиладиган ёвузликларни ўликлар олти минг йилда ҳам қилолмайдилар: ҳар қалай бу тўғрида ҳеч қачон ҳеч нарса эшитганим йўқ. Бертуччо, энди сиз уйга қайтинг, тунлари хотиржам ухланг. Мабодо сўнгги соатларда руҳий йўлдошингиз аббат Бузонидек мурувват қилмай қўйса, мени чақиринг, тирик бўлсам бақолик деб аталадиган оғир йўлга чиқиш олдидан жонингиз ором оладиган, тасалли берадиган сўзлар топиб айтаман.

Бертуччо иззат-икром билан графга таъзим қилди-да, бир уҳ тортиб чиқиб кетди.

Монте-Кристо якка ўзи қолди, бир неча қадам ташлади.

– Мана шу ерда, чинор тагида гўр бўлиб, унга боланинг тани қўйилган, – деди шивирлаб у, – ана у ерда махфий эшик, боққа шу эшиқдан киришган, ана бурчақда ётоқхонага чиқадиган хуфия зина. Буларни қўйин дафтаримга ёзиб ўтиришга ҳожат йўқ, чунки ҳаммаси кўз олдимда.

Граф шундай деди-да, боғни яна бир айланиб чиқиб извош томонга юрди. Бертуччо графни ўйчан ҳолда кўриб, сукут сақлаб, извошчи ёнига ўтирди.

Извош Париж томонга физиллаганча кетди.

Шу куниёқ граф Монте-Кристо Елисей майдонидаги қароргоҳига қайтди-да, бутун бинони худди кўп йиллардан бери билган кишидек, айланиб, кўздан кечириб чиқди. У, ҳаммадан олдинда бориб, эшикларни ҳеч адашмай очар, қайси зина қаерга олиб боришини билиб қадам ташларди. Али ҳам у билан бирга эди, Граф хоналарни безаш ёки тақсимлаш тўғрисида бир неча фармойиш берди-да, соатига қараб, қулоғини динг қилиб турган нубияликка:

– Соат ўн бир ярим бўлиб қолибди, – деди, – ҳали замон Гайде келиши керак. Француз оқсочлари огоҳлантирилганми?

Али албан жононига ажратиб қўйилган жойни кўрсатди, бу хуфия жой бўлиб, мабодо эшиги устига гилам осиб қўйилса, бутун бинони айланиб чиққан киши, унинг орқасида яна бир меҳмонхона ва иккита хона борлигини пайқаб ололмасди. Али қўли билан ўша эшикни кўрсатди-да, чап қўлининг уч бармоғини кўтарди ва бошини шу қўлига қўйиб, кўзини юмди-да, ўзини ухлаганга солди.

– Тушундим, – деди шу усулда гаплашишга одатланиб қолган Монте-Кристо, – жононни учаласи ётоқхонада кутиб турибди демоқчисиз, шундайми?

– Ҳа, шундай, – боши билан имо қилди Али.

– Бека бугун жуда ҳориб келади, – деди давом этиб Монте-Кристо, – дарров ётишни истар, уни ҳеч гапга солмаслик керак, оқсоч-французлар янги бекасини қарши олиб таъзим этишсин-да, дарҳол чиқиб кетишсин, каниз-грек, француз аёллар билан алоқада бўлмасин, қараб тур.

Али таъзим қилди.

Кўп ўтмай, кимдир дарвозабонни чақирди, дарвоза очилди, бир извош хиёбондан юриб келиб остонада тўхтади.

Граф пастга тушди, извошнинг эшикчалари дарров очилди. У бошидан оёғигача зарҳал либосга ўралиб олган ёш қизга қўлини узатди.

Қиз унинг қўлини олиб меҳр билан ўпди-да, бир неча ёқимли сўзлар айтди, граф жиддий табассум билан жавоб

қайтарди, шу пайт унинг сўзлари кекса Гомер асарларидаги худолар образлариники каби оҳангдор эди.

Сўнг қиз қўлида қизил шам кўтариб кетаётган Али кетидан ўз ётоқхонасига кириб кетди. Бу қиз Италияда Монте-Кристога ҳамроҳ бўлиб юрган ўша гўзал албан қиз эди. Граф ҳам ўз хонасига кириб кетди.

Тунги соат ўн икки яримда уйнинг барча хоналарида чироқ ўчирилди, энди ҳамма уйқуга кетди, деб фараз қилса бўлар эди.

## VIII. ЧЕКСИЗ ҚАРЗ

Эртаси кундузи соат иккига яқин иккита инглиз дулдудли қўшилган извош келиб Монте-Кристо дарвозаси олдида тўхтади. Кўк ипак тугмали кўк камзул, зарҳал жиякли оқ нимча, зангори чолвор кийган, эллик бешни уриб қўйган бўлса-да, ўзини қирқ ёшдаги қирчиллама йигит қилиб кўрсатишга уриниб юрган эркак киши извош дарчасидан бошини чиқариб қаради. Унинг пешанасини батамом қоплаб, кўзларигача осилиб тушган тўсдек қора сочларини кўрган киши бу сочлар ўзиники эканлигига шубҳаланмаслиги мумкин эмасди. Извош эшикларига барон тожининг сурати солинганди. У жиловбардор болага қоровулдан граф Монте-Кристо уйдалигини сўраб келишни буюрди.

Бола қайтгунча уйнинг ташқи кўринишини, боғнинг кўз илғайдиган ерини ва девор орқасида ивирсиб юрган хизматкорларнинг кийимларини диққат билан кўздан кечириб чиқди. Унинг кўзлари кўпроқ ақлдан эмас, қувлиқдан дарак бериб, жовдираб турарди. Ниҳоятда юпқа лаблари ташқарига эмас, ичкарига қайрилиб кетганди, кенг ва бўртиқ ёноқ суяклари маккорлигидан дарак берар, тор пешанаси, шишиб чиққан бесунақай гардани, оқсуякларникига ўхшамаган чўзиқ қулоқлари ҳар қандай физикномистни, бу зотнинг хулқ-атвори жирканчли бўлса керак, деб ўйлашга мажбур этарди. Аммо унинг ҳашаматли извоши, кўкрагидаги йирик бриллиант орденларнинг узун қизил тасмаси содда одамларни ҳайратга соларди.

Жиловбардор бола қоровулнинг эшигини тақиллатиб сўради:

- Граф Монте-Кристо шу ерда турадимиз?
- Ҳа, жаноби олийлари шу ерда яшайдилар, – деди қоровул, – бироқ...
- У Алига, нима дейин, деб имо қилди.
- Али йўқ деб юбор дегандек имо қилди.
- Хўш?.. – сўради бола.
- Бироқ жаноби олийлари қабул қилмайдилар, – деди қоровул.
- Ундай бўлса, мана хўжайиним барон Дангларнинг ташриф қоғози. Буни граф Монте-Кристога беринг. Менинг хўжайиним Палатага бораётиб графни кўриб ўтай, деб келган эдилар, шундай деб айтинг унга.
- Мен жаноби олийлари билан гаплашиш ҳуқуқидан маҳрумман, – деди қоровул, – топшириғингизни камердинер бажо келтиради.
- Жиловбардор бола извош ёнига қайтди.
- Хўш, бор эканми? – сўради Данглар.
- Таъна-таъзир еб келган бола хўжайинига қоровулнинг жавобини етказди.
- Ўҳ-хў, – деди барон, – уни жаноби олийлари деб атасалар ва у билан фақат камердинер гаплашиш ҳуқуқига эга бўлса, у жуда баобрў зотга ўхшайди, лекин менинг банким билан алоқа боғлаб, пул қўйган экан, унга пул керак бўлиб қолганда албатта учрашмоғим керак.
- Данглар шундай деди-да, ҳаммага эшиттириб, извошчига:
- Депутатлар Палатасига! – деб қичқирди.
- Вақтида огоҳлантириб қўйилган Монте-Кристо дераза чий пардаси тирқишларидан қараб баронни кўрди ва ажойиб дурбин билан баронга синчиклаб назар ташлаб чиқди.
- Бир қарашдаёқ бу зот, – деди у жирканч оҳангда дурбинини филофига солиб, – мурдор бир махлуқ. Япалоқ пешанасидан илоннинг, дўмбоқ калласи-ю, қийғир бурнидан калхатнинг ўзи!
- Али! – қичқирди граф, сўнг мис қўнғироқни бир урди. Али кирди. – Бертуччони чақир.
- Шу заҳоти Бертуччо кирди.
- Жаноби олийлари, мени чақиртирдингизми? – деди у.
- Ҳа, – деди граф, – дарвозам олдида ҳозир келиб кетган отларни кўрдингизми?



– Кўрдим, жаноби олийлари, жуда ажойиб отлар экан.

– Сиздан менга Парижнинг энг яхши отларини сотиб олинг деб талаб қилган эдим-ку, – деди Монте-Кристо, – қандай қилиб яна иккита яхши дулдул пайдо бўлиб қолди шаҳарда? Нега бу отлар менинг отхонамда эмас?

Графнинг чимирилган қошларини кўриб ва зардали овозини эшитган Али бошини қуйи солди.

– Азизим Али, бу ишда сен асло гуноҳкор эмассан, – деди меҳрибонлик билан араб тилида граф кутилмаганда, – сен инглиз отларини билмайсан-ку.

Алининг чеҳраси яна очилиб кетди.

– Жаноби олийлари, – деди Бертуччо, – сиз кўрган бу дулдуллар сотилмайди.

Монте-Кристо елкасини қисди.

– Биласизми, жаноб иш бошқарувчи, агар яхши баҳо қўйилса, сотилмайдиган нарса йўқ.

– Жаноби олийлари, у отларни жаноб Данглар ўн олти минг франк тўлаб олди.

– Ундай бўлса, сиз ўттиз икки минг бераман денг, у банк хўжайини, бундай кишилар ўз капиталини икки баравар оширадиган савдодан асло қайтмайди.

– Ҳазиллашаётганингиз йўқми, жаноби олийлари? – сўради Бертуччо.

Монте-Кристо, бу одам менга бундай савол беришга қандай журъат этди дегандек, ажабланиб қараб қўйди.

– Мен бугун кечқурун, – деди у, – мукаллимман, ҳалиги отлар менинг извошимга қўшиб қўйилишини истайман.

Бертуччо таъзим қилди-да, орқасига тисарилди, эшик олдида тўхтаб:

– Жаноби олийлари, соат нечада жўнайдилар, – деди.

– Соат бешда, – жавоб қилди Монте-Кристо.

– Кечиринг мени, жаноби олийлари, ҳозир соат икки бўлиб қолди-ку, – деди мужмал қилиб иш бошқарувчи.

– Биламан соат иккилигини, – деди Монте-Кристо гапни қисқа қилиб.

Сўнг Али томонга ўгирилди:

– Ҳамма отларни хонимга рўпара қилинг, ёққанини қўшдирсин ўз извошига, сўрагин-чи, мен билан бирга ов-

қатланишни истармикин, хўп деса, овқатни унинг хонаси-га олиб боришсин. Бор, камердинерни чақир...

Али кетишидан бир зум ўтмай камердинер кирди.

– Батистен, – деди граф, – менда хизмат қилаётганингизга бир йил бўп қолди, мен хизматкорларимни синамоқ учун бир йил муддат қўяман. Сиз синовдан ўтдингиз, менда хизмат қилишга лойиқсиз.

Батистен таъзим қилди.

– Энди фақат бир нарсани билишим керак: мен сизга лойиқманми?

– О, жаноби олийлари, бўлмаса-чи!

– Гапимга охиригача қулоқ солинг, – давом этди граф. – Сиз йилига бир ярим минг франк оласиз, бу ҳар куни ҳаёти-ни таҳлика остига қўядиган жасур офицернинг маоши, ҳамма ҳавас қиладиган овқат билан таъмин этилгансиз. Сиз хизматкор бўлсангиз-да, ихтиёрингизда усти бошингизни тайёрлаб турадиган хизматкорингиз бор. Бир ярим минг франк маошдан ташқари, менга кийим-бош олганингизда йилига тахминан бир ярим мингни ўмарасиз.

– Асло, жаноби олийлари, асло қилмайман бундай ишни!

– Мен койинаётганим йўқ, Батистен. Бу унча кўп эмас, бироқ бу суммадан ошириб юборманг, мен фақат шуни истайман. Кўриб турибсизки, ҳеч ердан бундақа жойни тополмайсиз. Мен хизматчиларимни калтакламайман, ҳақорат қилмайман, улардан ғазабланмайман, ҳамма вақт хатоларини кечираман, аммо бепарволик ёки паришонлик қилса, кечирмайман. Менинг фармойишларим аниқ ва қисқа. Фармойишларимни тушунмаётганларини кўргандан кўра, уларни икки ва ҳатто уч карра такрорлаш яхши менга. Истаган нарсамни билиб олишга қурбим етадиган даражада бойман, огоҳ бўлингки, жуда қизиқувчанман. Шу важдан, меним ҳақимда, яхшилабми, ёмонлабми гапирганингизни, хатти-ҳаракатимни муҳокама қилганингизни, юриш-туришимга назар ташлаб, пойлаб юрганингизни сезиб қолсам, ўша заҳоти ишдан бўшатиласиз. Мен хизматчиларимни фақат бир марта огоҳлантираман. Сиз огоҳлантирилдингиз, бўлди, боринг!

Батистен таъзим қилди-да, эшик томонга бир неча қадам ташлади.

– Дарвоқе, – деди граф, – бир нарсани унутибман. Ҳар йили хизматчиларим номига банкга маълум маблағ қўяман. Кимники бўшатиб юборсам, бу пулдан маҳрум бўлади, унинг пулини мен ўлгач, бошқа хизматчилар олади. Менга бир йилдан буён хизмат қиляпсиз, демак, сизга сармоя қўйила бошлади. Уни кўпайтириш ўзингизга боғлиқ.

Бу сўзлар француз тилидан беҳабар Алига ҳеч таъсир қилмаган бўлса-да, Батистенга жуда ёқиб тушди. Француз хизматкорларининг психологиясини билган кишига бу таажжубланадиган ҳол эмас.

– Мен ҳамма ишни сиз истагандек қилиб бажо келтиришга ҳаракат қиламан, – деди Батистен, – боз устига ишни ўринлатишда жаноб Алидан ибрат оламан.

– Асло ундай қилманг, – деди совуқ овоз билан граф. – Яхши фазилатлари билан бирга, унинг кўп камчиликлари ҳам бор: ундан намуна олманг, чунки Али – ўзига хос одам. У маош олмайди, бу хизматкор эмас, менинг қулим, кучугим, агар у ўз бурчини адо этмаса, мен уни ҳайдамайман, ўлдираман.

Батистеннинг кўзлари олайиб кетди.

– Сиз, афтидан, ишонмаяпсиз, шекилли? – сўради Монте-Кристо.

Сўнг ҳозиргина француз тилида Батистенга айтган гапларини Алига арабча такрорлади.

Али унинг гапини эшитиб, илжайди, сўнг хўжасининг олдига бориб, бир тиззаси билан чўқди-да, иззат-ҳурмат билан кўлини ўпди.

Буни кўрган Батистен ҳанг-манг бўлиб қолди. Граф, имо билан боравер энди, деди унга. Али хўжаси изидан борди. Улар хонага кириб узоқ суҳбат қилишди.

Соат бешда граф уч марта кўнғироқ урди. Биринчиси Алига, иккинчиси Батистенга, учинчиси Бертуччога эди.

Иш бошқарувчи кирди.

– Отларни тайёр қилинг! – деди Монте-Кристо.

– Отлар қўшилган, жаноби олийларига маҳтал! – деди Бертуччо. – Жаноби олийлари билан мен ҳам бораманми?

– Йўқ, фақат извошчи, Батистен ва Али боради.

Граф зинага чиқди, Данглар келган извошдаги отлар унинг извошига қўшиғлик турган эди.

Граф отлар ёнидан ўтаётиб, уларга разм солди.

– Чиндан ҳам ажойиб отлар экан, – деди у, – бир оз кечикиб бўлса-да, сотиб олиб яхши қилдингиз.

– Жаноби олийлари – деди Бертуччо, – менга буларни олиш жуда қийин бўлди. Ниҳоятда қимматга тушди бу отлар.

Граф елкасини қисди.

– Ахир, бундан отларнинг фазилати камайиб қолгани йўқу.

– Жаноби олийлари мамнун экан, – деди Бертуччо, – демак, ҳамма ишни дундирибмиз-да. Қаёққа буюрадилар?

– Шоссе д'Антен кўчасига, барон Дангларникига. Ҳа, айтмоқчи Бертуччо, – деб илова қилди граф, – менга денгиз бўйидан, масалан, Нормандиядан, Гавр билан Булонь ўртасидан бир ҳудуд керак. Мен, биласизки, танлашда сизнинг шаштингизни ҳеч қайтараётганим йўқ. Сиз оладиган ҳудудда менинг кемам турадиган кичкина гавань, кўрфаз ёки қўлтиқ бўлсин. У кун ва туннинг истаган вақтида кема дарҳол сузиб чиқадиган бўлмоғи керак. Мана шу шартларга жавоб бера оладиган ҳудуд тўғрисида ҳамма нотариуслардан маълумотлар олинг. Маълумотларни тўплаб олганингиздан кейин, бориб кўрасиз, мабодо бирорта ҳудуд ёқса ўз номингизга сотиб оласиз. Кема Фекан йўлида бўлса керак, шундайми?

– Биз Марселдан жўнаган кун кечқурун мен унинг денгизга чиққанини кўргандим.

– Яхта-чи?

– Яхта Мартигда турсин, деб фармон берганмиз.

– Жуда соз! Сиз аҳён-аҳёнда иккала капитан билан учрашиб турасиз, тагин ухлаб қолмасин улар зарур вақтда.

– Пароходни нима қилайлик?

– Шалонда турганиними?

– Ҳа.

– Уларга ҳам иккала елканли кемага берилган фармоишни беринг!

– Ҳўп бўлади.

– Ҳудудни сотиб олиш биланоқ шимол ва жануб томондаги йўлларда ҳар ўн льеда отлар тайёр қилиб қўйилишини таъмин этинг.

– Ҳаммасини бажо келтираман жаноби олийлари, хотир-  
жам бўлинг.

Граф мамнун бўлганини билдириб бошини қимирлатди,  
ирғиб извошга минди, дулдуллар шамолдек елиб, банкир  
уйи олдида тўхтади.

Дангларга граф Монте-Кристо ташриф буюрганини айт-  
ганларида у темир йўл комиссиясининг мажлисида раис-  
лик қилаётган эди. Мажлис охирлай деб қолган эди.

Графнинг номини эшитиб, Данглар ўрнидан турди-да,  
ҳамкасбларига мурожаат қилди (баъзилари юқори ёки қуйи  
Палатанинг фахрий аъзолари эди):

– Жаноблар, кечиринг мени, мажлисни ташлаб кетиш-  
га мажбурман. Римдаги Томсон ва Френч фирмалари граф  
Монте-Кристо деган бир шахсга чексиз қарз очибди. Уша  
фирма уни менга юборибди, ҳозир ана шу номаълум граф  
ташриф буюрибди ҳузуримга. Мен билан муомалада бўлган-  
лар орасида бунақанги бемаънигарчиликка йўл қўйганла-  
рини ҳали-ҳанузгача учратганим йўқ эди. Мен бунга қизи-  
қиб қолдим-да, бугун эрталаб ана шу сохта графни кўриб  
ўтай деб бордим. Сизга аёнки, мабодо у ҳақиқий граф бўлса  
бунчалик бой бўлмасди. У жаноблари мени қабул қилмади-  
лар. Бу қилиғи янаям ортиб тушди! Қаранг-а! Жуда олий  
мансабдор ёки нозанин бундай муомала қилса ўринли бўлар-  
ди. Елисей майдонидаги қароргоҳи чиндан унинг ўзиники  
экан, дурустгина уй. Аммо жаноб Монте-Кристо шуни би-  
либ қўйсинки, чексиз қарз, – давом этди Данглар разилона  
илжайиб, – шу қарз очилган банк хўжайинининг талабчан-  
лигини жуда ошириб юборади. Уни кўришга шошилаётган-  
нимнинг боиси ҳам мана шунда, жаноблар. Чамамда менга  
фириб бериб, доводиратишяпти чоғи. Бироқ улар кимга иш-  
лари тушганини билмай, чучварани хом санаб юришибди.  
Қани, кўрайлик-чи ким кимни боппаркан!

Жаноб барон бу сўзларни зўр кибр-ҳаво билан изҳор  
этди-да, меҳмонларини қолдириб, зар бўёқли оқ меҳмон-  
хонага ўтди. Бу меҳмонхона Шоссе д'Антенда машҳур эди.  
Данглар графни биринчи дақиқалардаёқ ҳайратда қолди-  
риш ниятида шу хонага олиб киришни буюрди.

Граф кирди-да, банкиргга асл нусха деб сотилган Альба-  
ни ва Фатори суратларининг нусхаларини кўздан кечириб

чиқди. Бу кўчирма нусхалар шифтдаги беўхшов, жимжи-ма, заррин нақшларга асло мос келмасди.

Дангларнинг қадамини эшитиб, граф орқасига ўтирилди.

Данглар бошини билинар-билинемас қимирлатди-да, имо билан графни олтин суви юритилган, заргул оқ атлас қопланган курсига ўтиришни таклиф этди. Граф ўтирди.

– Адашмасам, исм-шарифлари жаноб де Монте-Кристо бўлса керак?

– Мен ҳам, янглишмасам, – деди жавобан граф, – ўзлари Фахрий легион кавалери депутатлар Палатасининг аъзоси жаноб барон Данглар бўлсалар керак?

Монте-Кристо бароннинг ташриф қоғозидаги ҳамма унвонларни тилга олди.

Данглар масхара қилинаётганини фаҳмлаб лабини тишпади.

– Узр, узр, – деди у, – исм-шарифларини тилга олганда ҳамма унвонларингизни санаб чиқолмаган бўлсам, буни маъзур тутсинлар, бироқ ўзларига маълумки, биз ҳозир демократик ҳукумат даврида яшаб турибмиз, мен эса халқ манфаатларини ҳимоя қилувчи вакилларданман.

– Демак, ўзингизни барон деб аташ одатини сақлаб қолибсизу, бошқаларни граф деб аташни унутиб қўйибсиз-да, – жавоб қилди Монте-Кристо.

– Бироқ бунга ўзимнинг ҳам унчалик ҳушим йўқ, – деди илтифотсизлик билан Данглар, – баъзи хизматларимни эътиборга олиб барон унвони беришди ва Фахрий легион кавалери қилишди, бироқ...

– Бироқ сиз бир вақтлар Монморансе ва Лафайет воз кечгани сингари, бу унвонлардан воз кечдингизми? Бу жуда ибратли иш.

– Бутунлайин воз кечганим йўқ, албатта, – эътироз билдирди ўнғайсизланиб Данглар, – биласизми бу хизматкорларим учун...

– Тўғри, хизматкорларингиз сизни «жаноби олий» деб аташади. Журналистлар учун «муҳтарам жаноб» сиз, сайловчиларингиз учун эса фуқаро. Конституцион тузумда унвонлардаги бу жузъий фарқларнинг бозори жуда чаққон бўлади. Мен сизни жуда яхши тушуниб турибман.

Данглар тилини тишлаб қолди, бу борада Монте-Кристога бас келолмаслигини англади-да, суҳбатни ўзига яқин, оддий масалаларга буришга аҳд қилди.

– Граф, – деди у бош эгиб, – мен банкчи Томсон ва Френч хонадонидан хат олдим.

– Жуда соз, барон, рухсат этинг, хизматкорларингиз сизни қандай унвон билан атаб мурожаат қилса, мен ҳам ўша унвон билан атай. Бу янгисини тополмагани учун ҳалиям барон унвонини сақлаб келаётган мамлакатларнинг бемаъни одати. Яна такрор айтаманки, мен учун бу жуда қулай, ўзим ҳам бировга ўзимни таништирганда унвонларни айтиб ўнғайсизланиб юрардим, энди бундан қутуламан. Шундай қилиб, сиз хат олдингизми?

– Ҳа, – деди Данглар, – очигини айтсам, унинг мазмунига ақлим бовар этмаяпти.

– Ҳали шундай денг?

– Шу сабабли сиздан баъзи жойларини аниқлаб олай, деб уйларига борган эдим.

– Марҳамат, сўранг, қулоғим сизда.

– Билдириш хати ёнимда бўлса керак, ҳозир, – деди Данглар чўнтагини тинтиб. – Мана бу ҳужжатда граф Монте-Кристога менинг банкимда чексиз қарз очилади, деб ёзилган.

– Ҳўш, барон, шундай ёзилган бўлса, нима бўпти? Бунинг нимаси тушунарли эмас, сизга?

– Ҳаммаси тушунарли, фақат манови «чексиз» сўзи бир оз...

– Нима, бу сўзда бирор ноаниқлик борми? Буни инглизлар ёзганини биласиз-ку ўзингиз...

– Гап ундамас, импосида хато йўқ, аммо бухгалтерия масаласига келганда, бу осон эмас.

– Ҳали, Томсон ва Френч банкчи хонадонлари, сизнинг фикрингизча, унча ишончли банклардан эмасми? – сўради Монте-Кристо. – Оббо, ундай бўлса жуда хижолатга қоламиз-ку, ахир уларнинг банкида бир оз пулим ҳам бор.

– Йўқ, ундай эмас, у хонадонларнинг ишончли эканига шубҳам йўқ, – жавоб қилди бир оз кулгига олиб Данглар, – бироқ «чексиз» сўзи молиявий тилда жуда дудмал ибора...

– Яъни охири йўқ, шунинг учун тушунарли эмасми? – деди Монте-Кристо.

– Ҳа, балли, шуниси бир оз ўйлантириб қўйяпти мени. Ноаниқлик шубҳа туғдиради, сабр қил деган экан бир до-нишманд.

– Бундан шу келиб чиқадики, – деди давом этиб Монте-Кристо. – Томсон ва Френч банкирлар хонадони енгилтак-лик қиляпган бўлса, Данглар фирмаси унга тақлид қилиш-ни истамайди.

– Яъни?

– Яъни жаноб Томсон ва жаноб Френч учун сумманинг ҳажми миқдори аҳамиятга эга эмас. Данглар жаноблари учун эса сумманинг миқдори чегараланиб қўйилган. Ўзи ҳозиргина айтгани каби у ақли расо зот.

– Жаноб граф, – деди гердаиб банкир, – ҳали ҳозирга-ча ҳеч ким менинг кассамдаги пулларимни санаб чиққан эмас.

– Ундай бўлса, – деди совуқ оҳангда Монте-Кристо, – афтидан, биринчи бўлиб мен санаб чиқарканман-да.

– Нечун шундай деб ўйлайсиз?

– Шунинг учунки, аниқлаб беришни талаб қилиш – ик-киланишнинг бир тури.

Данглар қовоғини солди, бу граф иккинчи марта уни мот қиляпти, тағин ўзи биладиган соҳада-я. У улуғ банкирни ма-зах қиляпти, беадаблик кўрсатяпти. Монте-Кристо беадаб-лик эмас, сиртдан жилмайиб, гўё зўр илтифот изҳор қилаёт-гандай бўлиб, ўзини соддадил қилиб кўрсатишга уринарди.

– Қисқаси, жаноб, – деди Данглар, – менинг гапим шуки, мендан олмоқчи бўлган суммани айтинг, илтимос қиламан.

Бу баҳсда жиндек ҳам бўш келмасликка қарор қилган Монте-Кристо:

– Жаноб, – деди, – ахир менга қанча пул керак бўлиши-ни билмаганим учун ҳам чексиз қарз сўраганман.

Банкир, бопплайдиган пайт келди, деб ўйлади-да, такаб-буруна ҳолатда курсига талтайиб ўтириб олди.

– Дадил айтаверинг керагини, – деди у, – Данглар фир-маси нақд сармояси чекланган бўлса-да, энг катта сўров-ларни, ҳатто миллион бўлса-да... қондиришга қодир, бунга имонингиз комил бўлсин.

– Кечирадилар, қанча дедилар, янглиш эшитмадимми-кин? – деди Монте-Кристо.



– Миллион бўлсаям, дедим, – такрорлади Данглар аҳмоқона кеккайиб.

– Нима бўларди миллионингиз менга? – деди граф. – Таваба! Менга бир миллионгина етарли бўлганда, шу арзимайдиган пул учун қарз сўраб юрармидим? Миллион эмиш! Бунақа миллионни мен ҳамиша ҳамёнимда ёки сафар қутичамда олиб юраман.

Монте-Кристо шундай деди-да, ташриф қоғози турадиган кичкина дафтарчасидан ҳар қайсиниси беш юз минг франкли иккита олтин заём олиб кўрсатди.

Данглар сингари шахсларнинг жиғига тегиш камлик қипади, бундайларни шундай бошлаш керакки, худди бошига гурзи урилгандай бўлсин. Монте-Кристо худди шундай қилди, гурзи дарров таъсир этди: банкир гандираклаб қолди, боши айланди, у кўзларининг пахтаси чиқиб Монте-Кристога тикилди.

– Менга қаранг, – деди Монте-Кристо, – чамамда сиз Томсон ва Френч банкирлар хонадонига ишонмаяпсиз, иқроор бўла қолинг, ишонмаяпсиз. Мен буни илгариеқ фахмлаган эдим ва бу борадаги ишлар билан унча таниш бўлмасам-да, баъзи эҳтиёт чораларини кўриб қўйган эдим. Мана, менда сизнинг манзилингизга юборилган билдириш хатига ўхшаган яна иккита хат бор, биттаси венгер Арштейн ва Эсколес банкирлар хонадонидан барон Ротшильдга, биттаси Лондондаги Беринг банкир хонадонидан жаноб Лаффитга. Бир оғиз сўзингиз билан сизни ташвишлардан халос этишим ва мана шу банклардан бирига мурожаат қилишим мумкин.

Масала шу билан ҳал бўлди-қўйди: Данглар мағлубиятга учради. У сезилар-сезилмас ваҳимада граф жирканиб узатган Лондон билдириш хатларини очди, имзоларнинг ҳақиқийлигини диққат билан текшириб чиқди. Монте-Кристо банкирнинг ўзини йўқотиб қўйганини кўриб турмаганда, бу текширишни ўзи учун ҳақорат деб ҳисоблаган бўлур эди.

Данглар рўпарасида ўтирган кишида ўз инъикосини топган олтиннинг қудрати олдида таъзим қилмоқчи бўлгандек ўрнидан турди-да:

– Қойил, – деди, – бу учала имзонинг қиммати кўпданкўп миллионга тенг учта чегарасиз қарзга ҳужжат. Кечи-

ринг мени, граф, шубхам қолмади энди, аммо ҳамон ҳайратда қоляпман.

– Асло, – деди граф мумкин қадар илтифотли оҳангда, – сиздек банк хўжайинини бунақа суммалар билан ҳайратда қолдириб бўлармиди? Демак, ишимиз маромига етди, сиз менга бир оз пул юбора оласизми?

– Бажону дил, граф, қанча юборай?

– Энди, битимга келган эканмиз, – деди Монте-Кристо, – шундайми барон, келишдикми энди?

Данглар «ҳа» дегандек бошини қимирлатди.

– Энди шубҳаланмай қўйдингизми? – яна сўради Монте-Кристо.

– Асло, граф, асло! – хитоб қилди банкир, – мен ҳеч вақт шубҳа қилганим йўқ.

– Ҳа, сиз фақат далиллар олмоқчи бўлдингиз, тўғри. Хуллас, – такрорлади граф, – бир битимга келган эканмиз, эндиликда ҳеч қандай шубҳа қолмаган экан, келинг, биринчи йил учун умумий суммани белгилаб қўяйлик, яъни олти миллион.

– Олти миллион? Жуда соз! – деди оғир нафас олиб Данглар.

– Мабодо менга бундан кўпроқ пул керак бўлиб қолса, – деди менсимай Монте-Кристо, – кўпроқ белгилармиз, бироқ Францияда бир йилдан ортиқ турмоқчи эмасман, шу бир йил мобайнида бу рақамдан кўп пул олмасман... кейин кўрармиз бу ёғини... Биринчи марта, эртага менга беш юз минг франк юборишингизни илтимос қиламан, туш пайтигача уйда бўламан. Мабодо ўзим бўлмасам, тилхатни иш бошқарувчимга қолдириб кетаман.

– Пулни эрталаб соат ўнда олиб бориб беришади сизга, граф, – жавоб қилди Данглар. – Пулнинг қанақасини истайсиз, олтинми, қоғоз пулни ёки кумушми?

– Ярми олтин, ярми қоғоз пул бўлсин.

Шундай деди-да граф ўрнидан турди.

– Очиғини айтсам, граф, – деди Данглар, – мен ўзимни Европадаги ҳамма бойликлардан хабардор, билагон деб юрардим, бироқ сизнинг улкан бойлигингиздан мутлақо бе-хабар эканман, бу бойликни яқинда орттирган бўлсалар керак?

– Ундай эмас, жаноб, – эътироз билдирди Монте-Кристо, – эскидан қолган бойлик, бу оилавий жамғарма бўлиб, тегиш тақиқланиб қўйилган, бора-бора миқдори кўпайиб, капитал уч баробар ошиб кетган, васиятчи белгилаган муддат бундан атиги бир неча йил илгари тугади, мен бундан яқиндагина фойдалана бошладим. Васиятчини сиз билмаслигингиз табиий бир ҳол, айтмоқчи, сиз у билан яқин орада танишиб оласиз. Шу пайт граф бир вақтлар Франц д’Эпиненинг кайфини учириб юборган хилда илжайиб қўйди.

– Бу дидингиз ва ниятларингиз билан, – деди Данглар, – пойтахтимиз беқиёс зеби зиёнатларга эга бўлиб олиб, биз бояқиш миллионерларни соянгизда қолдириб кетасиз. Бироқ сиз, чамамда, санъат мухлиси бўлсангиз керак (буни меникига қадам ранжида қилганларида, уйимдаги суратларни диққат билан кўздан кечирганингизда фаҳмлаган эдим), рухсат этинг, галереямни кўрсатай жанобларига, ҳаммаси машҳур рассомларнинг қадимий асл нусхалари, янгиларини хуш кўрмайман.

– Жуда ҳақ гапни айтяпсиз, уларнинг ҳаммасида битта катта камчилик бор: улар ҳали эскиришга улгургани йўқ.

– Мен сизга Торвальдсеннинг, Бартолонни ва Канованинг бир неча ҳайкалларини кўрсатаман, ҳаммаси чет эл ҳайкалтарошлари. Мен Француз усталарининг мухлиси эмаслигимни шуларданоқ билиб тургандирсиз.

– Сиз француз усталарига адолатсизлик қилибсиз-да, ахир улар ватандош-ку сизга.

– Яқинроқ таниш бўлиб олгач, бу гапларга ўтамиз, бугун мен сизни, агар рухсат этсалар, фақат баронесса Данглар билан таништираман, шошилаётганим учун узр сўрайман, аммо сиз каби мижоз оила аъзосидай бўлиб қолади бизда.

Монте-Кристо банкирнинг хушомадомуз таклифини қабул қилганини билдириб, таъзим этди.

Данглар қўнғироқ чалди, башанг кийинган қарол кирди.

– Баронесса ўз хонасидами? – сўради Данглар.

– Ҳа, жаноб барон.

– Якка ўзимми?

– Йўқ, меҳмонлар бор.

– Граф, меҳмонлар ҳузурида таништирсам айбга буюрмаслар? Исм-шарифингизни махфий тутмоқчи эмасмисиз?

– Йўқ, барон, – деди илжайиб Монте-Кристо, – бундай қилишга ҳаққим йўқ.

– Баронесса олдидаги меҳмон ким ўзи? Жаноб Дебрэми? – сўради соддадиллик билан Данглар. Барон оиласи ҳаётидаги сирлардан хабардор Монте-Кристо ичидан қулиб қўйди.

– Шундай, жаноб барон.

Данглар бошини қимирлатиб қўйди. Сўнг Монте-Кристога мурожаат қилди:

– Жаноб Люсьен Дебрэ, – деди у, – бизнинг кўпдан буён қадрдон дўстимиз, ички ишлар министрининг шахсий котиби, хотиним масаласига келсак, нотенг никоҳга рози бўлиб менга эрга чиқди, чунки у жуда қадимги қавмлардан, қизликдаги фамилияси де Сервьер, биринчи никоҳи бўйича маркиза де Наргон.

– Мен баронесса Данглар билан ҳали танишишга муяссар бўлганимча йўқ, аммо жаноб Люсьен Дебрэни учратган эдим.

– Шундайми? – деди Данглар, – қаерда?

– Жаноб де Морсерникада.

– Сиз виконт билан танишмисиз?

– У киши билан Римда, карнавал вақтида кўришган эдик.

– Э, ҳа, – деди Данглар, – қандайдир қароқчилар ва босқинчилар билан аллақандай ғорда бўлган фавқулудда ҳодисалар тўғрисида баъзи гапларни эшитган эдим. Жаноб де Морсер фавқулудда бир ҳолда қутулиб чиққан экан. У Италиядан қайтганда хотиним ва қизимга бу воқеани ҳикоя қилиб берган.

– Баронесса марҳамат қилишларини сўраяпти, – деди қарол.

– Мен олдинда йўл кўрсатиб борай, – деди таъзим қилиб Данглар.

– Мен кетингиздан боравераман, – жавоб қилди Монте-Кристо.

## IX. БИР ЖУФТ АРҒУМОҚ

Барон графни эргаштириб хунук, дағал усулда, дидсизлик билан нақшланган узун даҳлиздан ўтди-да, Данглар хонимнинг меҳмонхонасига келди, саккиз бурчакли бу кичкина хонанинг деворлари пушти ранг атлас билан қопланган ва деразаларига ҳинд докасидан ясалган пардалар осилган, қадимги замоннинг кимхоб жилдли зархал курсилари қўйилган. Эшик тепасига Буше услубидаги чўпонлар сура-ти солинган, медальон шаклидаги икки гўзал пастель бошқа жиҳозларга жуда мос тушган ва бутун хонада ягона ҳисобланган бу хонага кўрк бағишлаган, хайриятки, бу хона Данглар ва унинг Империяда машҳур архитектори тузиб чиққан умумий режа кирмай қолган, бу хонанинг зеб-зийнати, ҳашами билан баронесса билан Люсьен Дебрэ шуғулланарди. Эскилик мухлиси (уни Директория вақтида шундай деб аташган) Дангларнинг бу олифта хонага ҳуши йўқлигининг боиси ҳам шунда эди. Очиғи, Дангларни фақат бирор сабаб бўлса, яъни у битта-яримтани олиб келсагина, бу хонада қабул қилишарди. У олиб келган меҳмоннинг ташқи кўриниши баронессага ёқиш-ёқмаслигига қараб, уни ё илтифот билан, ёхуд илтифотсиз қабул қилишарди.

Ёши ўттиз олтига бориб қолса-да, ҳалиям гўзалликда оғизларда дoston бўла оладиган Данглар хоним санъатнинг кичкина мўъжизаси маркетри рояли олдида, Дюсьен Дебрэ эса иш столи олдида альбом варақлаб ўтирарди.

Граф келмасиданоқ Люсьен уни баронессага муфассал таърифлаб берган эди. Альберникидаги нонушта вақтида Монте-Кристо меҳмонлар орасида катта таассурот қолдиргани китобхонга маълум. Умуман Дебрэни бирор нарсада ҳайратда қолдириш жуда қийин, бироқ шунга қарамай, ўшандаги таассурот ҳануз унинг ёдидан кўтарилгани йўқ эди, бу баронессага қилган таъриф-тавсифида сезилиб турарди. Морсернинг илгариги ҳикояси ва Люсьендан эшитган сўнги тафсилоти Данглар хонимнинг бу меҳмонга бўлган қизиқишини жуда ошириб юборган эди. Рояль ҳам, альбом ҳам иккисига юрагидаги ҳаяжонни сездирмасликка хизмат қилиши керак эди. Шу маҳалгача бирор марта Дангларни хушнуд кутиб олмаган баронесса бу

гал уни табассум билан қарши олди. Графнинг саломига эса тантанавор равишда таннозлик билан таъзим бажо этди баронесса.

Люсьен эса граф билан яқинда танишган киши сифатида салом-алик қилди, Данглар билан эса дўстона сўрашди.

– Баронесса, – деди Данглар, – Римдаги мухбирларим зўр бериб тавсия этган граф Монте-Кристони таништиришга рухсат этинг. Мен шахсан фақат бир нарсани илова қилишим мумкин, лекин бу бир зумда гўзал ойимчаларимизни мафтун этиб қўйиши мумкин. Граф Парижга бир йил ўйнаб-кулгани, шу давр ичида олти миллионни сарф этгани келибди. Бу бир неча баллар деган гап, тушки ва кечки зиёфатларда роса хузур қиламиз, граф бу борада бизни унутиб қўймас, деб умид қиламан, бизнинг уйимизда бирор кичик тантана қилингудек бўлса, биз ҳам графни албатта таклиф этамиз.

Бу гаплардан сохта хушомадгўйликнинг ҳиди келиб турарди, аммо Парижда бир йил туриб, бутун бир князь мулкини сарф қилмоқчи бўлган зотлар жуда камдан-кам учрайди, шу сабабдан Данглар хоним графга анча қизиқиб, суқланиб тикилди ва сўз қотди:

– Граф, бу ерга сиз...

– Кеча эрталаб келдим, баронесса.

– Одатингизга кўра олис бир ўлкадан келгандирсиз, тўғрими, буни эшитгандим.

– Бу гап фақат Кадиксдан.

– Йилнинг энг ёмон вақтида ташриф буюрибсиз. Ёзда Париж жуда зерикарли бўлиб кетади: на бал, на кўнгил очиш кечалари, на байрам бўлади. Италия операси Лондонга кетди, француз операси ҳар ёқларда дайдиб юрибди, француз театри эса, ўзингизга маълум, йўқ бўлиб кетди. Хурсандчилик учун бизда фақат бир нарса: Сарс Майдони билан Саторида бўладиган пойга қолди, холос. Граф, сизнинг отларингиз пойгада қатнашадими?

– Француз урф-одатларидан менга зарур сабоқлар берадиган бирорта зотни учратишга муяссар бўлсам, – деди Монте-Кристо. – Парижда нима қабул этилган бўлса, ҳам-масини бажо келтираман.

– Сиз отларга жуда ишқибозсиз, шекилли?

– Умримнинг ярмини шарқда ўтказдим, баронесса, шарқ халқлари эса дунёда фақат икки нарсани қадрлашади: отларнинг садоқатини-ю, хотинларнинг гўзаллигини.

– Илтифот юзасидан, хотинларни олдин айтишингиз лозим.

– Мана кўрдингизми, баронесса, француз одатларини ўргатиб қўядиган бирорта мураббий керак менга деганим ҳақ бўлиб чиқди.

Шу пайт баронесса Дангларнинг канизи кирди-да, бекаси ёнига келиб, қулоғига нималарнидир шиварлади.

Данглар беканинг қути ўчди.

– Йўғ-э!

– Бу, бекам, ҳақиқатнинг худди ўзи, – эътироз билдирди каниз.

Данглар хоним эрига қаради.

– Наҳотки бу тўғри бўлса?

– Нима гап ўзи? – сўради афтидан ташвишга тушган Данглар.

– Каниз айтган гап...

– У нима деди сизга?

– Извошчим отларни извошга қўшиш учун отхонага борса, у ерда отлардан нишон ҳам йўқ эмиш. Нима гап ўзи, айтинг-чи?

– Бекам, – деди Данглар, – қулоқ солинг менга.

– Қулоғим сизда, жаноб, қани, нима дер экансиз? Бу мени жуда қизиқтиради, мен эса ҳамма гапни бир чеккадан айтиб берай, хулосасини мана шу ерда ўтирган жанобларга ҳавола қиламиз. Жаноблар, – давом этди баронесса, – барон Дангларнинг оғилхонада ўнта оти бор, булардан иккита дулдули меники, бу иккаласидан зўр от Парижда топилмайди. Сиз, Дебрэ, менинг тўриқларимни яхши биласиз. Ана ўша икки дулдулимни Вильфор хоним эртага Булон ўрмонида сайр қилиш учун сўраган эди ва мен унга ҳўп деб ваъда берган эдим, шундай нозик пайтда отлар гумдон бўпти! Жаноб Данглар, афтидан, бир неча минг франк бойлик орттириб олиш учун отларимни сотиб юборган кўринадди. Э, Парвардигор, бунча жирканч бўлади-а, бу савдогарлар.

– Бекам, – жавоб қилди Данглар, – отларингиз жуда ўйноқи, ўта чопқир, эндигина тўрт ёшга кирган отлар эди, мен ҳамма вақт сиздан хавотирланиб юрардим.

– Ахир, – деди баронесса, – бир ойдан буён Парижнинг энг моҳир извошчиси менга хизмат қилаётганидан хабардорсиз-ку, ёки униям отларга қўшиб сотиб юбордингизми?

– Азизим, мен иложи борича, булардан яхши от берман сизга, бироқ улар мени хавотирга солмайдиган ювош отлар бўлади.

Баронесса нафрат билан елкасини қисди.

Данглар, хотинининг ғазаб тўла ишорасини гўё сезмагандек, Монте-Кристога юзланди.

– Граф, сиз билан илгарироқ танишиб олмаганимдан афсусланяпман, – деди у, – сиз ҳозир жойлашиб олиш билан бандсиз, шундайми?

– Шундай, – деди граф.

– Бурунроқ танишганимда сизга сотардим. Буни қаранга, мен уларни жуда арзон сотдим. Аммо шундай бўлса-да, улардан қутулганимга минг бор шукр қилдим. Бундай отларни фақат ёшларга чиқарган, улар қўрқмайди бунақасидан.

– Мен сиздан жуда миннатдорман, – деди эътироз билдириб граф, – мен бугун бир жуфт дурустгина от сотиб олдим. Унча қиммат эмас. Жаноб Дебрэ, сиз ҳам ишқибозлардан бўлсангиз керак. Мана, отлар шу ерда, бир қаранг-чи.

Дебрэ дераза томонга юрганда Данглар хотинининг олдига борди-да, шивирлади:

– Биласизми, бу қўш отга ҳеч ақлга сифмайдиган пул тўлашди. Пулни бу каби осмонга совурадиган ким экан, билмадим, у бугун иш боқарувчисини юборган эди, мен ўн олти минг франк фойда қилдим, ғазабланманг, сизга тўрт мингини, Женига икки мингини ҳадя қиламан.

Данглар хоним эрига дарғазаб кўз ташлади.

– Ё тавба! – хитоб қилди Дебрэ.

– Нима гап? – сўради баронесса.

– Йўқ, йўқ адашмайман, мана сизнинг отларингиз, улар графнинг извошига қўшиб қўйилибди.

– Менинг тулпорларим-а! – хитоб қилди Данглар хоним ва дераза томон югурди.



– Ростданам менинг тулпорларим, – деди у.

Данглар ҳанг-манг бўлиб қолди.

– Наҳотки! – деди ясама таажжуб билан Монте-Кристо.

– Ё тавба! Бу қандай гап! – минғирлади банкир.

Баронесса шивирлаб Дебрэга икки оғиз сўз айтган эди, у Монте-Кристо олдига келди.

– Баронесса бу отларни эри қанчага сотганини сўраяпти.

– Очигини айтсам, билмайман, – деди граф, – буларни иш бошқарувчим топиб келди... адашмасам, ўттиз минг франкка тушди, шекилли.

Дебрэ графнинг жавобини бориб баронессага секин айтди.

Дангларнинг рангида қон қолмаган эди, граф ачингандай бўлди унга.

– Мана кўрдингизми, – деди граф унга, – хотин зоти мана шунақа ношукр бўлади. Сиз шунча жонкуярлик қиляпсиз-у, у пинагини бузмайди. Буни ношукрлик дейиш кам, бу тентаклик. Иложимиз қанча? Ҳамма хавфли нарсалар жозибали бўлади. Муҳтарам барон, яхшиси, уларни ўз ихтиёрига қўйиб бериш керак, истаганини қилсин, мабодо калпаси деворга тақ этиб урилса ўзидан кўрсин.

Данглар ҳеч нима демади, у ҳадемай балога қолишини фаҳмлаган эди, баронессанинг қошлари чимирилиб, ғазаб ўтида ёниб боряпти. Ғалва яқинлашаётганини сезган Дебрэ ишини баҳона қилиб, жуфтакни уриб қолди. Монте-Кристо мавқеига путур етказмаслик учун Данглар хонимга таъзим қилди-да, баронни хотинининг ғазабига дуч қилиб, жўнаб қолди.

– «Жуда соз бўлди! – деб ўйлади кетаётиб Монте-Кристо. – Мен нимани истаган бўлсам, ҳаммаси рўёбга чиқди, энди оилада тотувликни тиклаш ва бир йўла эрининг ҳам, хотинининг ҳам дилини забт этиш менинг ихтиёримда. Ишим жуда ўнгидан келди! Бироқ мени мадемуазель Жени Данглар билан таништирмадилар, мен у жононнинг жамолига муштоқ эдим. Ҳечқиси йўқ, – давом этди граф ўзига хос тусда илжайиб, – Париждамиз-ку, ҳали вақт бор... У биздан қочиб қаёққа борарди!..».

Граф шу фикрларни дилидан ўтказди-да, извошга ўтириб уйига жўнади.

Икки соатдан сўнг Данглар хоним граф Монте-Кристодан ажойиб бир хат олди. У хатида, Париждаги ҳаётининг биринчи кунда гўзал хонимни хафа қилишни асло истамаганини айтган ва баронессадан отларни қайтиб олишни илтимос қилган эди.

Отлар кундузи қандай бўлса, худди шундай ясатилган эди, фақат қулоқларидаги безакларига биттадан олмос тақиб қўйилганди.

Данглар ҳам хат олди. Граф ундан баронессага миллионернинг илтимосини қондиришга рухсат этишни ва унинг шарқ одатига амал қилиб, отларни қайтариб юборгани учун афв этишни илтимос қилган эди.

Кечқурун граф Алини эргаштириб Отейлга кетди.

Эртаси, кундуз соат учларда граф Алини хонасига чақирди.

– Али, – деди граф, – сен менга бир неча бор лассо ирғитишга жуда моҳирман деб мақтанган эдинг.

Али бошини ирғитиб, гердаийб қўйди.

– Жуда соз!.. Демак, лассо билан буқани тутиб олиш қўлингдан келади, тўғрими?

Али яна бошини ирғитди.

– Йўлбарсни-чи?

Али бошини қимирлатди.

– Арслонниям-а?

Али лассо ирғитган кишини ва сиртмоққа тушиб бўкираётган ҳайвоннинг ҳаракатларини қилиб кўрсатди.

– Тушундим, – деди Монте-Кристо, – арслон овлаган экансан.

Али гердаийб бош ирғатди.

– Асов отларни тўхтата оласанми?

Али жилмайиб қўйди.

– Ундай бўлса қулоқ сол, – деди Монте-Кристо, – бир оздан сўнг кеча мен миниб юрган учқур отлар қўшиғлик извош бизнинг ёнимиздан ўқдай учиб ўтади. Сен янчиб ташлашига ҳам қарамай ўша извошни дарвозам олдида тўхта-тасан.

Али кўчага чиқди-да, дарвоза олдидан кўчанинг нариги томонига тикка чизиқ тортди, сўнг қайтиб уйга кирди ва уни кузатиб турган графга чизиқни кўрсатди.

Граф Алининг елкасига аста қоқиб қўйди. У Алидан миннатдор бўлганида шундай қиларди. Шундан сўнг Али яна ташқарига чиқди-да, бурчакдаги тумбага ўтириб, тамаки трубкасини торта бошлади, Монте-Кристо хотиржам бўлиб ўз хонасига кириб кетди.

Аммо соат бешга яқин, извош келишини кутаётган пайтда графнинг хатти-ҳаракатида сабрсизлик, бетоқатлик аломатлари кўрина бошлади. У деразаси кўчага қараган унинг у бошидан-бу бошига юрар, гоҳ-гоҳ қупоқларини динг қилиб, кўчага кўз тикар, Али эса кўчада трубкасидан тутун бурқиратиб ўтирарди, унинг бутун ўй-хаёли фақат шу тамаки тортишга қаратилгандек туюларди.

Тўсатдан филдиракларнинг тарақлаши эшитилди, у яшиндай яқинлашиб, зум ўтмай извош кўринди, извошчи гижинглаб келаётган учқур отларни зўр бериб тўхтатишга ҳаракат қиларди.

Извошда ёш жувон билан етти ёшларга бориб қолган бола ўтирарди. Иккиси бир-бирининг пинжига кириб кетган, ваҳимага тушиб, қичқириш у ёқда турсин, тили калимага ҳам келмай қолган эди. Извош гумбурлаб келяпти, агар фалокат босиб, филдирак тошга тегиб кетса ёки дарахтга урилса борми, извош чилпарчин бўлиб кетиши ҳеч гап эмас. У тош йўлнинг ўртасидан борар, ҳар томондан ваҳимага тушганларнинг қичқириқлари эшитиларди.

Али трубкасини бир чеккага қўйди-да, чўнтагидан ласони олиб улоқтирди ва чап томондаги отнинг олдинги оёқларига уч сиртмоқ солиб тортди, от уни бир неча қадам судраб борди, сўнг гурс этиб йиқилди-ю, извошнинг шотисини синдириб юборди, тик турган от эса юролмай тўхтаб қолди. Извошчи бундан фойдаланиб, ўзини ерга отди, Али эса отнинг бурни паррақларини темирдай бармоқлари билан қаттиқ сиқди, от оғриққа чидамай кишнаб шериги ёнига гурсиллаб йиқилди.

Буларнинг ҳаммаси кўз очиб юмгунча содир бўлди

Аммо шу озгина вақт ичида бу воқеаларни кузатиб турган киши бир неча хизматчилари билан югуриб чиққан эди. Извошчи файтоннинг эшигини очиши ҳамано у бир қўли билан ёстиқни маҳкам тутиб турган, иккинчи қўли билан ҳушидан кетиб қолган ўғлини бағрига босиб олган хотин-

ни кўтариб меҳмонхонасига олиб кирди-да, диванга ётқи-  
зиб қўйди.

– Энди кўрқмасангиз ҳам бўлади, бекам, – деди Монте-Кристо, – қутқарилдингиз.

Аёл ўзига келиб, жавоб ўрнига кўзи билан ўғлини кўрсатди. Бола ҳамон беҳуш эди.

– Бекам, билиб турибман, – деди граф болани кўздан кечириб, – бироқ хотиржам бўлинг, болага ҳеч гап бўлгани йўқ, кўрқибди холос.

– Худо ҳаққи, – деди она, – ростми ёки мени юпатиш учун шундай деяпсизми? Уни қаранг, рангида қон қолмабди-ку! Қўзичоғим! Эдуар! Кўзингни оч, дўмбоғим! Дарҳол доктор чақиринг, ўфилчамни қутқариб қолса бас, ҳеч нарсамни аямайман.

Монте-Кристо хонимни тинчиттишга уриниб қўли билан имо қилди, сўнг бир қўтини очди-да, аъло нав биллур идишдаги қип-қизил суюқликдан боланинг лабига томизди.

Ранги девор бўлиб ётган бола дарров кўзини очди.

Буни кўрган она ўзида йўқ қувониб кетди.

– Бу қаер ўзи, ахир айтинг? – хитоб қилди у, – Бу фалокатдан мени қутқазган ва бахтиёр этган ким? Мени миннатдор қилган ким?

– Сизни фалокатдан халос эта олгани учун ўзини бахтиёр ҳисоблаган кишининг уйидасиз, бекам, – жавоб қилди Монте-Кристо.

– Ҳавас қилмай ўлай мен! – деди аёл. – Бутун Париж Данглар хонимнинг ажойиб тулпорларини мақтагани мақтаган, мен ҳам эсимни еб, бир сайр қилай деб чиқувдим.

– Ия? – деди хитоб билан граф гўё таажжублангандай. – Ҳали булар баронессанинг отларими?

– Ҳа, баронессанинг отлари, сиз уни танийсизми?

– Данглар хонимними?.. Ҳа, танийман у кишини, энди яна беҳад хурсандман, сизни бу фалокатдан қутқарганимдан, чунки бахтсизлик юз берганда сиз айбни менинг бўйнимга қўяр эдингиз, бу отларни кеча мен барондан сотиб олган эдим, бироқ баронесса жуда қаттиқ хафа бўлди, шундан кейин кечанинг ўзидаёқ мендан қабул қилишларини илтимос қилиб қайтариб юборгандим.

– Эрмина роса мақтаган граф Монте-Кристо сизми ҳали?

– Мен, бека, – деди граф.

– Мен Элоиза де Вильформан.

Граф гўё тамом нотаниш кишининг номини эшитаёт-гандек таъзим қилди.

– Жаноб де Вильфор сизга беҳад миннатдорчилик билдиради буни эшитиб! – деди Элоиза. – Ахир сиз иккимизни ҳам бир ўлимдан халос этдингиз, сиз унинг ҳам хотинини, ҳам ўғлини қутқариб қолдингиз. Агар жасур қаролингиз бўлмаганда иккимиз ҳалок бўлардик.

– Бекам сиз йўлиққан бу даҳшатли хавф мени ҳам анча ваҳимага солди.

– Уша фидокор кишини мукофотлашга рухсат берарсиз?

– Ундай қилманг, – жавоб қилди Монте-Кристо, – мақтаб, мукофот бериб, менинг Алимни йўлдан оздириб қўйманг, ўтинаман. Уни бунақа нарсаларга ўргатишни ис-тамайман, Али менинг қулим, у сизни қутқариб менга хиз-мат қилди, менга хизмат қилиш эса унинг бурчи.

– Ахир у ўз ҳаётини хавфга солди-ку, – деди эътироз билдириб Вильфор хоним.

– Унинг ҳаётини мен сақлаб қолганман, – жавоб қилди Монте-Кристо, – демак, ҳаётига мен хўжайинман.

Вильфор бека жим бўлиб қолди, эҳтимол, у нега бу одам биринчи қарашдаёқ кишиларда жуда кучли таассурот қолдираркан, деб ўйлаётгандир.

Ана шу қисқа сукунат пайтида граф онаси тинмай чўлпиллатиб ўпаётган болани кўздан кечириб чиқди. Бола кичкина, нозик, бадани малла соч болаларники сингари оппоқ, сочи, аксинча қалин сочи қоп-қора бўлиб, дўнг пешанасини қоплаб, юзи ва елкасига осилиб тушган эди, кўзларида айёрлик ва ғазаб аломатлари кўриниб турарди, оғзи катта, юпқа лаблари сал қизарган. Бу саккиз ёшли боланинг чеҳрасига разм солган киши ўн икки ёш бериши мумкин. Бола хушига келибоқ онасининг қучоғидан бир силтаниб чиқди-да, ҳали граф дори олган қути олдига югуриб борди, сўнг ҳеч кимдан сўрамай шишаларни оча бошлади.

– Тегма унга, азизим, – деди шошиб граф, – бу суюқ до-риларнинг айримларини ичиш у ёқда турсин, ҳидлаш ҳам жуда хавфли.

Вильфор хоним кўрқиб кетди ва ўғлини қўлидан тортиб бағрига олди, сўнг кўнгли тинчигач, қутича ялт этиб қаради, граф буни кўриб қолди.

Шу пайт Али кирди.

Де Вильфор хоним меҳрибонлик, миннатдорлик билан Алига қаради ва боласини янада қаттиқроқ бағрига босди.

– Эдуар, – деди хоним, – мана бу ҳурматга сазовор хизматчини кўриб қўй, ўғлим, бу жуда жасоратли одам экан, ўз жонидан кечиб қутурган отларимизга ўзини ташлаб, уларни тўхтатди, бизни ҳалокатдан қутқариб қолди. Раҳмат айт унга. Агар у бўлмаганда, эҳтимол, тирик қолмасдик.

Бола лабини чўччайтириб тумшайди-да, жирканиб орқасини ўгирди.

– Жудаям бадбуруш экан! – деди у.

Граф, бола худди унинг ўйлаганини қилгандек, илжайиб қўйди. Де Вильфор хоним эса ўғлини бир оз койиб қўйди.

– Кўрдингми, – деди граф Алига араб тилида, – хоним боласидан иккисини ўлимдан халос этганинг учун сенга раҳмат айтишни сўраяпти. Бола эса сени жуда бадбуруш экан деяпти.

Али оқил чехрасини ўгириб болага тикилди. Аммо арабнинг кўнгли сиёҳ бўлганини Монте-Кристо фаҳмлаб турган эди.

– Граф, – деди де Вильфор хоним ўрnidан тураётиб, – сиз бу уйда кўпдан бери турасизми?

– Йўқ, бека, – деди граф, – бу ерга аҳён-аҳёнда келиб тураман. Елисей майдонида, ўттизинчи уйда тураман. Чамамда, сиз энди ўзингизга келдингиз, кетмоқчи бўлиб турибсиз, шекилли. Ўша отлар менинг извошимга қўшилсин, деб фармойиш бердим, Али – мана шу бадбуруш, – деди болага қараб илжайиб граф, – сизларни олиб бориб қўяди, сизнинг извошчингиз эса фйтонни таъмирига қараб туради. Таъмир тугаган замон менинг отларимдан бир жуфтини қўшиб, Данглар хонимга олиб бориб беришади.

– Мен бу отларда кетишга энди кўнглим чопмаяпти, – деди де Вильфор хоним.

– Алининг қўлида бу отлар қўйдаи ювош бўлиб қолади, асло хавотир олманг, – жавоб қилди Монте-Кристо.

Шу орада Али зўр-базўр оёққа турғизилган ҳалиги отлар олдига борди. Қўлида хушбўй сиркага ботириб олинган губка билан отларнинг бурун тешикларини ва тер босган чаккаларини артди, отлар шу он пишқири бошлади, асло хавотир олманг, – жавоб қилди Монте-Кристо ва ўрнидан турди.

Сўнгра Али извош ва отлар воқеасини эшитиб, тўпланган одамларнинг кўз олдида отларни графнинг извошига қўштирди, тизгинни қўлига олди ва ирғиб извошчининг жойига ўтириб олди. Ҳали тўфондек ҳайқириб учиб келган отларни Али энди қамчилаб-қамчилаб зўрға юргизди, буни кўрган халойиқ ҳанг-манг бўлиб қолди. Бўшашиб, ҳолдан тойган отлар туёқларини зўрға кўтариб босарди. Де Вильфор хоним Сент-Оноредаги уйига икки соатда етиб борди.

Уйига кириб, оиланинг ҳаяжони босилиши билан Элоиза Данглар бекага қуйидаги хатни ёзиб жўнатди:

*«Азизим Эрмина!*

*Мени ва ўғлимни кеча кечқурун иккимиз роса «иғво» қилган граф Монте-Кристо мўъжизакорлик билан ўлимдан қутқарди (Мен уни бугун учратишни хаёлимга ҳам келтирмаган эдим). Сиз кеча уни жуда мақтаб гапирганингизда, мен масхара қилиб қулган эдим, бироқ бугун сизнинг ўша мақтовларингиз бу зотнинг фазилатларини тавсиф этишга ожиз, жуда кам дейишга мажбурман. Ранелагда отлар жипов бермай олиб қочди бизни, шубҳасиз йўлда дуч келган биринчи дарахтга ёки қишлоқдаги биринчи устунга урилиб мажақ-мажақ бўлиб кетардик. Бироқ шу пайт нубиялик бир ҳабаш, хуллас, қандайдир қора бадан, яъни графнинг хизматчиси, унинг буйруғи билан ўз ҳаётини таҳликага қўйиб, учиб бораётган отларни тўхтатди, ўзи ҳам қандайдир бир мўъжиза билан тирик қолди, шу заҳоти граф етиб келди-да, бизни уйига олиб кирди ва мурда бўлиб қолган ўғлимни тирилтирди. Бизни графнинг извошида келтириб қўйишди, сизнинг извошингизни эртага келтириб беришади. Шу бахтсиз ҳодисадан сўнг отларингиз ҳолдан тойиб, эс-ҳушини йўқотиб қўйди. Гуё отлар одамга бўй бергани учун ўкингандек эди. Граф, отлар оғилхонада икки кун фақат арпа бериб боқилса, яна сағриси ялтираб, кечаги ҳолига келади, деди.*

Хайр! Сайр учун раҳмат, отларингизнинг асовлиги учун сиздан хафа бўлиш мен томонимдан ношукрлик бўлур эди, чунки отларнинг бу қилмиши натижасида мен граф Монте-Кристо билан танишиб олдим. Чамамда, бу чет эллик зот, миллионлаб бойликка эга бўлибгина қолмай, жуда ажойиб, сирли хислатларга эгаки, мен унинг бу сирларини, қандай бўлмасин, билиб олишга ҳаракат қиламан.

Эдуар бу ҳодиса пайтида ҳайратда қолдирадиган даражада матонат кўрсатди. Пировардида у ҳушидан кетиб қолса-да, бироқ охирги дақиқагача бирор марта қичқирмади, бир қатра ҳам кўз ёши тўкмади. Сиз яна оналик меҳри кўзингизни мой бостириб қўйгандир, дейишингиз мумкин, бироқ бу нозик, заиф танда темир ирода мавжуд.

Валентина патофатли Эженига самимий салом йўллайди, мен эса сизни бутун қалбим билан қучоққа олиб ўпаман.

*Элоиза де Вильфор.*

Р. С. Ўша граф Монте-Кристо билан сизникида учрашишга менга имкон туғдириб беринг, мен уни яна кўриш иштиёқи билан ёнмоқдаман. Айтганча, жаноб де Вильфорни ҳам ташриф буюришга кўндириб қўйдим. У бу илтимосимни бажо келтиришига имоним комил».

Кечқурун Отейлда юз берган воқеа ҳамманинг оғзида эди: буни Альбер ўз онасига, Шато-Рено Жокей-клубдагиларга, Дебрэ министр хонасидагиларга ҳикоя қиларди. Ҳатто Бошан ҳам графга ўз газетасининг ҳодисалар бўлимидан ўрин бериб, бу воқеага бир неча сатр бағишлаган эди, бу олий табақа хотинлари орасида Монте-Кристонинг нуфузини жуда кўтариб юборди. Кўп одамлар бу фавқулудда воқеа тўғрисидаги ҳикояни яна бир карра эшитиш учун ташриф қоғозини де Вильфор хонимникига қолдириб кетди.

Жаноб де Вильфорга келсак, Элоизанинг ёзишича, қора камзул, оқ кўлқопини кийиб, қаролларини ҳам ясантириб, тантанали байрам кунлари қўшиладиган извошига миниб, шу оқшомоқ Елисей Майдонидаги ўттизинчи уйга равона бўлибди.



## Х. ФАЛСАФА

Граф Монте-Кристо Париж жамоатчилигига кўпроқ ара-лашиб юрганда жаноб де Вильфорнинг хатти-ҳаракатига муносиб баҳо берган бўлар эди... Саройда жаноб де Вильфорни – қирол қайси хеш-ақраболардан бўлмасин, биринчи министр қайси партиядан бўлмасин, барибир, қучоқ очиб қабул қилишарди, уни жуда уста-уддабурон, деб би-лишарди, чунки у одатда сиёсатда сира муваффақиятсиз-ликка учрамайдиган, кўплар ёмон кўрса-да, баъзи зотлар паноҳида гердайиб ўз ишларини битириб юрадиган киши-лардан эди. Вильфор адлия бобида юқори мансабга ми-ниб олган ва шу олий мансабнинг жilовини XVII аср Па-риж парламентининг раислари Арлэ ёки Моле каби маҳ-кам ушлаб турар эди. Унинг меҳмонхонасида тўпланди-ган зотлар давраси гарчи ёш рафиқаси ва биринчи хоти-нидан бўлган ўн саккиз ёшлик қизининг иштироки туфай-ли завқ-шавқли тус олиб турса-да, Парижнинг энг жиддий анъаналар ва диний одоб тартиб-қоидалари ҳукмрон дав-ра ҳисобланарди. Совуқ мулозаматлар, ҳукумат принцип-ларига тўла содиқлик, ҳамма назариялар ва назариётчи-ларга, ҳар қандай фалсафачиларга нафрат – жаноб де Виль-фор шахсий ва ижтимоий ҳаётининг мазмуни шулардан иборат эди. Вильфор адлия арбоби бўлибгина қолмай, ҳатто деярли дипломат ҳам эди. Илгариги сарой аъёнларини у ҳамиша ҳурмат билан тилга олар, шу сабабли ҳозирги аъён-лар ҳам уни ҳурмат қилишарди. У жуда кўп нарсани би-ларди, шунинг учун унинг билан ҳисоблашибгина қолмай, ундан баъзида маслаҳат олишарди. Вильфордан қутулиш-нинг иложи топилса, эҳтимол аҳвол тамом ўзгариб бошқа-ча бўлиб кетармиди, бироқ у образли қилиб айтганда, вас-саллар бошлиғига бўйсунмайдиган феодал ҳокимлари син-гари, забт этиб бўлмайдиган қалъа ичига яшириниб ол-ган эди. У эгаллаб олган қироллик прокурори лавозими ана шу қалъа бўлиб, унинг имтиёзлари, устунликларидан Вильфор жуда моҳирлик билан фойдаланарди. Бу лаво-зимни у фақат депутат курсисига алмаштириши мумкин, у вақтда бетарафликдан оппозицияга ўтиш имконияти ту-ғилади.

Одатда Вильфор борди-келдиларга жуда кам қатнашарди. Бу вазифани у хотинининг зиммасига юклаб қўйган эди. Жамоатчилик бунга кўникиб қолган ва буни муҳим суд ишлари билан бандликка йўяр эди. Аслида Вильфор кибр-ҳаво билан атайлаб: «Ўз қадрингни ўзинг билишингни кўрсатга олсанг, ўзгалар ҳам сени қадрлайди», деган гапга амал қилар, бу билан ўзини юқори даражада аристократ қилиб кўрсатмоқчи бўлар эди. Бизнинг замонда бу гап грекларнинг «Ўз қадрингга ўзинг ет» деган ҳикматига қараганда кўпроқ фойда келтиради. Вильфор ўз дўст-ёронларининг қудратли ҳомийси, ғанимларининг махфий ва раҳм-шафқатсиз душмани эди, бетараф бефарқлар учун жонли киши эмас, шунчаки қонунни тасвир этадиган ҳайкалнинг ўзи эди. Такаббур, башараси тунд, қарашлари мўлтони, лекин маккор – мана шунақа нусхалардан эди Вильфор. Бири устига бири босиб келган тўрт революция бу нусхага аввал баланд мартаба курсисини тайёрлаб берди, сўнг маҳкам ўтказиб қўйди.

Вильфорни Францияда ҳар нарсага қизиқавермайдиган камсухан зотлардан деб билишарди. У ҳар йили уйда катта зиёфат, бал берар, лекин ўзи чорак соатча кўриниш берарди-ю, ғойиб бўларди, сарой балларида қирол бундан қирқ беш дақиқа кўпроқ бўларди. У театрларда, концертларда, умуман жамоат тўпланадиган жойларда кўринмасди. Онда-сонда карта ўйнар ва шунда ҳам муносиб кишини – бирор элчини, архиепископни, князни, президент ёки бева герцогиняни танлаб ўйнарди.

Граф Монте-Кристонинг эшиги олдида извоши тўхтаган зот ана шунақа нусха эди.

Камердинер жаноб де Вильфор ташриф буюрганини кириб айтганда, граф Санкт-Петербургда Хитойга борадиган йўлни харитадан ўрганиб ўтирган эди.

Қирол прокурори суд залига қираётгандек вазмин, салмоқли қадам ташлаб кирди. Бу одам бир вақтлар биз Марселда учратган прокурор ёрдамчисининг худди ўзи. Ҳамиша изчил табиат бу зотга нисбатан ҳам ўз ҳукмини ўтказган эди. Унинг ингичка қомати қоқ суякка айланган, қонсиз оппоқ ранги сарғайиб, заҳил бўлиб кетган, чуқур кўзлари ич-ичига кириб, олтин гардишли кўзойнаги кўзларининг

косасига тушиб, гўё юзининг бир бўлагига ўхшаб қолган-ди, оқ галстугидан бошқа бутун кийими қол-қора, бу мотам либосига петлицасидаги кўза зўрға ташланадиган қизил тасмагина халақит бериб турарди.

Монте-Кристо ўзини тутишга қанчалик уринмасин, бўлмади. У саломлашаётиб прокурорга очикдан-очик таажжуб билан қизиқсиниб қараб қолди. Вильфор эса одамларга ишонмайдиган, ҳаётда юз берадиган мўъжизалардан завқланмайдиган одам, шу сабабдан у кишилар олижаноб деб атаган бу хорижий зотга папа тож-тахтининг князи, ёки «Минг бир кеча»даги султон эмас, балки касбини ўзгартиб, ниқобланиб олган авантюрист, фирибгар ёки қочоқ жиноятчи деб қарашга мойил эди. Прокурор одатда судларда нутқ сўзлаганда ишлатадиган ва оддий суҳбатларда ҳам қўймайдиган чийилдоқ овози билан:

– Муҳтарам жаноб, – деди, – кеча хотиним ва ўғлимга берган беқиёс ёрдамнингиз учун миннатдорчилик билдириш менинг бурчим. Мен ана шу бурчимни адо этиш ва сизга миннатдорчилик изҳор этиш учун ҳузурингизга келдим.

Шу сўзларни айтаётганда ҳам Вильфор ўз одатича хўмрайиб, гердайиб туришини, ҳайкалга ўхшаб ғўддайишини, бош прокурорга хос талаффуз оҳангини қўймади.

– Муҳтарам жаноб, – деди граф ҳам ўшандек совуқ оҳангда, – она учун боласининг ҳаётини сақлаб қолганимдан ғоятда бахтиёрман. Чунки оналик меҳри энг муқаддас туйғу ҳисобланади. Менга шундай бахт насиб қилдики, сизни атайин келиб, ҳали ўзингиз бурч деб атаган нарсани бажо этиш заруратидан халос қилди, айни чоқда сиз учун фақат бурч саналган виждон амри, номус ишидир, шу боис уни беҳад қадрлайман, боз устига яна шундан ҳам хабарим борки, жаноб де Вильфор бурчини ўташ учун ҳамманикига ҳам қадам ранжида қилавермайди, шундай бўлса-да, мен бу илтифотни қанча юқори қўймай, барибир у менинг назаримда қаноат ҳиссидан паст туради.

Ўзи учун кутилмаган бу ҳамладан де Вильфор ҳайрон бўлиб, совутига тўқмоқ теккан жангчидек сесканиб тушди, унинг лаблари четида нафрат ажинлари пайдо бўлди, бу билан мен сизни граф Монте-Кристо, одоб, назокат қоидаларига риоя қиладиганлар қаторига ҳеч маҳал кўшган

эмасман, демоқчи эди. Вильфор суҳбатни давом эттириш ниятида гапни бошқа ёққа буриш учун атрофга аланглади. Унинг кўзи, хонага кирганида Монте-Кристо ўрганиб ўтирган харитага тушди-да, беихтиёр сўз қотди:

– География билан шуғулланасизми? Бу, айниқса, сиз учун жуда кенг соҳа, айтишларига қараганда сиз бормаган мамлакат қолмаган бўлса керак?

– Ҳа, – жавоб қилди граф, – сиз ҳар куни айрим кишилар устида олиб борадиган тадқиқотни мен бутун инсониятга татбиқ қилмоқни, яъни физиологик тадқиқот ўтказмоқни ўз олдимга мақсад қилиб қўйганман. Алгебра аксиомаси маълумдан номаълумни, сўнг номаълумдан маълумни топиб олишни талаб қилади... Қани, марҳамат қилиб, ўтирсинлар.

Монте-Кристо қироллик прокурорига юмшоқ курси кўрсатди. Вильфор курсини ўз қўли билан стол ёнига суриб ўтиришга мажбур бўлди. Монте-Кристо эса Вильфор кирганда тиззасини тираб турган курсига чўкди, хуллас, граф меҳмониغا ярим бурилган ҳолда, деразага орқасини қилиб, ҳозиргина тилга олинган географик харитага тирсакларини тираганча ўтирарди. Суҳбат Морсер ва Дангларникидаги каби муҳитга қараб эмас, қатнашчиларнинг нуфузига мос характерда борди.

– Сиз фалсафа тўқишга уста экансиз, – деди Вильфор бир оз сукунатдан сўнг сўз бошлаб. Шу пайт у хавфли душманга дуч келиб қолган ва бутун кучини тўплаётган полвонга ўхшарди. – Тўғриси айтсам, мен ҳам сиз каби қиладиган ишим бўлмаганида эди, зерикарлироқ ҳунар билан шуғулланган бўлур эдим.

– Ҳақ гапни айтяпсиз, – жавоб қилди Монте-Кристо, – киши табиатини қуёш нурига солиб текширсанг у жуда қабих, разил кўринади. Аммо сиз мени қиладиган иши йўқ одамга чиқариб қўйдингиз, шекилли? Қани, айтинг-чи, ўзингиз бирор иш қиляпман деб ўйлайсизми? Соддароқ тилда айтганда, сиз қилаётган юмушни иш деса бўладими ўзи?

Бу ғалати душманнинг дағаллик билан қилган янги ҳамласи Вильфорни донг қотириб қўйди. Прокурор кўпдан бери бунақа дадил даккини эшитмаган эди, тўғриси, биринчи эшитиши эди.

Қирол прокурори жавоб беришга қарор қилди.

– Сиз чет элликсиз, – деди у, – сўнг, адашмасам, ҳаётимнинг бир қисми Шарқда ўтди, деган экансиз, демак, ўша ваҳшийлар мамлакатларида шиддат билан ҳаракат қиладиган инсоний одил суд бизда қанчалик эҳтиёткорлик билан тартиб жорий қилаётганини билмайсиз, билишингиз мумкин ҳам эмас.

– Нега энди билмас эканман, бу *pede claudo*<sup>34</sup> қадимий халқлар қонуни. Буларнинг ҳаммасини биламан, чунки ҳар бир мамлакатга борганда кўпроқ ана шу одил суд қандай жорий қилинганини ўргандим ва ҳар бир миллатнинг жиноят суд ишларини табиий одил суд билан солиштириб кўрдим. Шунга айтишим керакки, ибтидоий халқларнинг қасос олиши, жазолаш қонуни Тангрининг хоҳиши, унинг амр-фармонида жуда мувофиқ.

– Агар шу қонун жорий этилса, – деди қироллик прокурори, – жазо беришда бизнинг аҳволимизни жуда содда-лаштириб, ишларимизни осонлаштириб юборган бўлур эди, бундай шароитда сиз айтганингиздек, бизнинг судьяларимизнинг қиладиган иши қолмасди.

– Эҳтимол, шундай шароит туғилар бора-бора, – деди Монте-Кристо, – кишилар мураккаб ихтиродан оддий ихтирога ўтажагини сиз яхши биласиз, оддийлик ҳаммаша мукамаллик демақдир, буни сиз яхши биласиз.

– Ҳозирча, – деди прокурор, – бир-бирига қарама-қарши боблар билан тўла қонунлар амалда, бу бобда галль одатларидан, Рим ҳуқуқ-қонунларидан, франк анъаналаридан тегиб олинган. Сиз эътироф этмоғингиз керакки, ана шу қонунларнинг ҳаммасини билиш осон эмас, бунинг учун жуда зўр заковат керак.

– Мен ҳам худди шундай фикрданаман, аммо сиз француз қонунлари борасида қанчалик билимга эга бўлсангиз, мен ҳам инглиз, турк, япон, ҳинд қонунлари борасида – барча миллатлар қонунлари борасида шунчалик билимга эгаман. Шу важдан, сиз менинг қилганимга нисбатан (дунёда ҳамма

---

<sup>34</sup> *Pede Poena claudo* – нўноқ (яъни аста-аста) жазо бериш қонуни.

нарса нисбатли эканини яхши биласиз) жуда кам иш қилгансиз, менинг ўрганиб чиққанамга нисбатан сиз ҳам жуда кўп нарса ўрганиб чиқишингиз зарур.

– Ахир, сиз буларнинг ҳаммасини қандай мақсадни кўзлаб ўрганиб чиқдингиз? – сўради Вильфор.

Монте-Кристо илжайиб қўйди.

– Биласизми, – деди у, – маълум бўлиб турибдики, сиз тенги йўқ одам деб ном чиқарганингизга қарамай, воқеаларга инсон билан бошланиб, инсон билан тугалланадиган ижтимоий нуқтаи назар билан, яъни жуда тор ва ниҳоятда чегараланган нуқтаи назар билан қарар экансиз.

– Бу билан нима демоқчисиз? – эътироз билдирди Вильфор янада таажжубланиб. – Мен сизга... тушунолмаймаман.

– Мен шуни демоқчиманки, халқларнинг ижтимоий ташкилотига назар ташлаганда, сиз машина механизмини ҳаракатга келтирадиган устани кўрмайсиз, фақат машинанинг ўзини кўрасиз, сиз фақат министр ёки қирол томонидан мансабга қўнқайтириб қўйилган ва атрофингизда ўралашиб юрадиган мансабдор тўраларнигина кўрасиз, аммо Худонинг ўзи ўша тўралар, министрлар ва қироллардан юксакка қўйиб мансабни эмас, муқаддас бурчни адо этиш вазифасини топшириб қўйган ҳақиқий инсонларни кўрмайсиз, уларни назар-писанд қилмайсиз. Бу заиф кишининг хислати. Товий кўр кўзини очиш учун келган фариштани оддий ўсмир деб қабул қилган экан. Халқ, ҳаммани йўқ қилиш учун келган Атиллани ҳам, бошқа истилочилар каби, босқинчи деб билган экан. Ана шу иккиси бизни халойиқ таниб олсин деб, Худонинг вакили эканини очиқ айтиб беришга, яъни бири-си: «Мен Худонинг тўқмоғи» дейишга, иккинчиси эса: «мен Худонинг фариштаси» дейишга мажбур бўлган экан. Шундай қилиб илоҳийлик сирини очиб ташланган.

Вильфор, бу ё мутаассиб ё телба бўлса керак, деб ўйлаб, таажжубланган ҳолда гап қотди:

– Сиз ҳам ўзингизни ана шу ўзингиз тилга олган фавқулодда одамлар зотидан ҳисоблайсизми?

– Ҳа, нима бўпти шундай деб ҳисобласам? – сўради совуқ оҳангда Монте-Кристо.

– Кечиринг мени, – деди эътироз билдириб калаванинг учини йўқотиб қўйган Вильфор, – мен сизникига ташриф

буюрганда, ақли, заковати, билими оддий инсоннинг билими ва ақлидан ниҳоятда баланд киши билан танишаман, деб ўйламаган эдим асло. Цивилизация бузиб қўйган биз бахти қаролар орасида сизга ўхшаган машҳур давлатманд зотлар (шундай деб мени ишонтирмоқдалар: мана, кўриб турибсизки, мен ҳеч нарса тўғрисида савол бермаяпман, фақат айтганларини такрорлаяпман) қимматли вақтларини ижтимоий масалаларга, бу дунёнинг ҳузур-ҳаловатларидан маҳрум этилганлар учун яратилган фалсафий ақидаларга сарфлаши расм эмас.

– Айтинг-чи, – деди граф, наҳотки сиз истисно бўлиши мумкинлиги ҳақида ҳеч ўйламай ва истиснога учрамай ҳозирги мансабга миниб олган бўлсангиз, наҳотки ўткир, бир қарашда кишининг дилидагини билиб олиши керак бўлган шу кўзларингиз инсоннинг моҳиятини билиб ололмаган бўлса? Ахир судья фақат қонунни жуда боплаб ижро қилибгина қолмай, қонун бобларини уddaбуронлик билан изоҳлабгина қолмай, киши юрагини, дилини текширадиган моҳир психолог бўлиши керак эмасми?

– Очиғи, сиз мени жуда гангитиб, боши берк кўчага киритиб қўйдингиз, – деди Вильфор, – мен шу вақтгача ҳеч кимдан бунақанги гапларни эшитмаган эдим.

– Бу шунинг учунки, сиз оддий турмуш шароитлари доирасидан ҳеч маҳал четга чиқмагансиз ва Тангрим кўзга кўринмайдиган одамларни ва фавқулодда махлуқларни чиқариб қўйган юқори муҳитга парвоз қилмоққа журъат этмагансиз.

– Сиз шундай муҳит борлигига ва бизни фавқулодда кўринмас махлуқлар ўраб олганига ишонасизми?

– Нега ишонмаслигим керак экан? Ахир ўзингиз нафас олаётган ва шунисиз яшай олмайдиган ҳавони кўра оласизми?

– Демак, сиз айтган махлуқларни биз кўрмас эканмиз-да?

– Йўқ, Худо хоҳиш билдириб, улар муайян шаклга кирганда сиз уларни кўрасиз, сиз уларга тегасиз, улар билан тўқнашасиз, гаплашасиз, улар ҳам сизга гап қотади.

– Очиғини айтсам, – деди илжайиб Вильфор, – ўша махлуқлардан бири менга тўқнаш келганда мени огоҳлантириб қўйишларини жуда истардим.

– Истагингиз бажо келтирилган: сизни аллақачон огоҳлантириб қўйишган, мен сизни такроран огоҳлантираман.

– Демак, ўзингиз...

– Ҳа, ўша фавқулодда зотлардан бири ўзим, шу вақтга-ча дунёда ҳеч ким ҳозир мен эришган чўққига чиқолмаган бўлса керак. Шоҳлар ҳокимияти ё тоғлар, ёки дарёлар билан, ё бўлмаса урф-одатлар, ёки чет тиллар билан чегараланган. Менинг ҳокимиятим эса жаҳон каби бепоён, чунки итальян ҳам эмасман, француз ҳам эмасман, ҳинд ҳам, америкалик ҳам эмасман, испан ҳам эмасман, мен космополитман – яъни беватанман. Ҳеч бир мамлакат мени фарзандим, дея олмайди, қайси мамлакатда дунёдан ўтишимни фақат Олло-таолонинг ўзи билади. Мен барча урф-одатларни қабул қилавераман, ҳамма тилларда гаплашавераман. Сиз мени француз деб фараз қиласиз, чунки мен француз тилида сиз каби эркин ва равон гапираётирман, тўғрими? Али эса мени араб, иш бошқарувчим – Бертуччо эса римлик деб билади. Тутқуним Гайда мени грек дейди. Аслида мен бу мамлакатларнинг ҳеч қайсинисига мансуб эмасман, ҳукуматларнинг бирортасидан мадад сўрамайман, ҳеч кимни акам-укам деб ҳисобламайман. Шунинг учун ҳам кучлиларни қийноққа соладиган шак-шубҳалардан ва ҳадик-гумонлардан биронтаси, ожизларнинг йўлини тўсадиган ғовлардан ҳеч қайсиси мени тўхтатолмайди, қийноққа сополмайди. Менинг фақат иккита душманим (мен уларни ғолиблар деёлмайман, чунки сабот-матонат туфайли улар устидан ҳам ғолиб чиқаман) бор, бу – вақт ва масофа. Учинчи ва энг даҳшатли душманим – ўлим, ўлимга маҳкумлигим. Мени мақсадимга эришиш йўлида фақат ўлим тўхтата олади, ана шу ўлимгина мақсадимга етмасдан илгарироқ олиб кета олади, бошқа ишларимнинг ҳаммаси бошлаб режалаб қўйилган. Одамлар тақдир тақозоси деб атайдиган нарсаларнинг ҳаммасини – хонавайронлик, ўзгаришлар, тасодифларни мен олдиндан кўриб, мўлжаллаб қўйганман, булардан баъзилари мени туртиб ўтиши мумкин, бироқ ҳеч бири ағдариб ташлай олмайди. То ажалим етгунча ҳозиргидек яшайвераман, сизга қиролдан ҳам эшитмаган гапларни айтаётганимнинг боиси ҳам шунда, чунки қироллар сиздек зотларга муҳтож, бошқалар эса сиздан ҳайиқади. Ахир кул-



гили суратда тузилган бизнинг бу жамиятимизда ўз-ўзига: «Эҳтимол бу қироллик прокурорига менинг ҳам ишим тушиб қолар!» демайдиган мард бормикин?!

– Ҳўш, бу сизнинг ўзингизга ҳам тааллуқли эмасми? Сиз Францияда яшаётган экансиз, Франция қонунларига бўйсунингиз табиий-ку!

– Бу менга аён, – жавоб қилди Монте-Кристо, – лекин шуни айтиб қўяйки, мен бирор мамлакатга боришга отлангудек бўлсам, ўзимгагина маълум йўллар билан бирор нарсада менга ёрдами тегадиган ёки хавф солиши мумкин бўлган одамларни ўргана бошлайман, пировард-натижада мен уларни ўзларидан ҳам яхшироқ билиб оламан. Бу шунга олиб келадикки, менинг ишим тушадиган қироллик прокурори, у қандай зот бўлмасин, менга қараганда қийинроқ аҳволга тушиб қолади.

– Бу билан сиз, инсон табиатан заиф, шу сабабли ҳаётида... хато қилмаган киши йўқ демоқчисизми? – эътироз билдирди Вильфор бир оз иккиланиб.

– Хато... ёки жиноят қилмаган киши йўқ, – жавоб қилди бепарво Монте-Кристо.

– Демак, сиз, бирортасини ҳам укам-акам демайдиган ҳамма кишилардан ўзингизни тўқис деб биларкансиз-да?

– Тўқис эмас, – жавоб қилди граф, – фақат сир-асрорли кишиман, холос. Бу гаплар сизга хуш келмаяпти, шекилли, келинг, тугатайлик. Сизнинг одил судингиз мени унчалик хавф остига сололмайди, аммо менинг зийраклигим сизни анча гангитиб қўйиши мумкин.

– Йўқ, йўқ, – деди шошиб Вильфор, граф бу мавзудан мени қочяпти деб ўйламасин деб хавфсираб, – нега? Нега энди? Ажойиб ва илҳомбахш суҳбатингиз менга кўтаринки руҳ бағишлади, савиямни оширди, биз энди сўзлашаётганимиз йўқ, фикр юритяпмиз. Ақоидчилар сорбон кафедрасида ёки файласуфлар мунозараларида бир-бирларига аччиқ ҳақиқатларни айтишади, биз ҳам ижтимоий ақоидлар ёки ақоид фалсафаси билан шуғулланяпмиз, деб фарз қилайлик. Мен сизга қуйидаги ҳақиқатни, у қанчалик аччиқ бўлмасин, айтиб берайин: «Биродарим, сизни гуруркибр асир этибди, сиз бошқалардан юқоридасиз, аммо тепангизда Худо бор».

– Ҳаммадан юқорида, – деди Монте-Кристо, у бу сўзни шундай таъсирли қилиб айтдики, Вильфор беихтиёр сесканиб кетди, – мен ўзидан юқорида турганларни ва бошқаларни оёқ ости қилмайдиган кишиларга қарши ҳамла қилишга ҳамиша тайёр одамлар олдида – ана шу разил махлуқлар олдида ғурурланиб, кибрга миниб оламан. Аммо мени ночорликдан ҳозирги мавқега кўтарган Худо олдида ғуруримни улоқтириб ташлаб сажда қиламан.

– Ундай бўлса, граф, мен қойилман сизга, – деди Вильфор бутун суҳбат давомида биринчи марта Монте-Кристининг унвонини тилга олиб, – ростдан ҳам сиз шундай кучга эга бўлсангиз, ростдан ҳам ҳаммадан юқорида турган зот бўлсангиз, чиндан ҳам вали ёки сеҳрли зот бўлсангиз, ғурурланишга, кибрга миниб олишга ҳақлисиз, бу тушунарли ҳол, чунки ҳукмронлик шунга асосланади, ана шунга суянади. Сизнинг булардан бошқа яна етишолмай юрган бирорта орзуингиз борми?

– Бор эди.

– Қандай орзу эди у?

– Ҳамманинг ҳаётида бир марта бўладиганидек, менинг ҳаётимда ҳам шундай ҳодиса юз берди, иблис жаҳоннинг энг баланд тоғига олиб чиқди-да, ўша ердан дунёни кўрсатди ва бир гал Христосга айтганидек, қуйидагиларни айтди: «Қани инсон боласи, айт-чи, менга сажда қилмоқ учун нимани тилайсан мендан?» Шунда мен узоқ хаёлга ботдим, чунки даҳшатли бир орзу кўпдан буён юрагимни ўртаб юрарди. Охири унга шундай деб жавоб бердим: «Менга қара, ҳамма вақт, бутун дунёнинг жиловини тутиб турадиган қандайдир илоҳий куч борлигини айтишади, бироқ мен уни ва унга ўхшаш бирор нарсани кўрганим йўқ, шу важдан бу йўқ нарса, деб ўйлай бошладим, мен ўшанақа илоҳий куч бўлишини истайман, чунки дунёда кишиларни мукофотлаш жазолашдан ҳам юксак, гўзал ва мукамал нарса борлигини билмайман». Аммо иблис бошини қуйи солди-да, уҳ тортиди. «Хато гапни айтяпсан, – деди у, – илоҳий куч бор, фақат сен уни кўрмайсан, чунки у Худонинг кашфиёти бўлгани учун ўзи кўзга кўринмайди. Сен унга ўхшаш бирор нарсани кўрмаганингни боиси шуки, у сирли ҳаракат қилади. Менинг қўлимдан фақат бир нарса, яъни сени ана шу

илоҳий кучнинг қуролларидан бирига айлантириб қўйишигина келади». Битим туздик, эҳтимол, жонимга жабр қилгандирман. Аммо барибир, – давом этди Монте-Кристо, – агар яна битим тузишга тўғри келса, яна тузардим.

Вильфор Монте-Кристога анқайиб қараб қолди.

– Граф, ота-онангиз борми? – сўради у.

– Йўқ, дунёда якка-ю яғонаман.

– Буниси яна ёмон!

– Нега? – сўради Монте-Кристо.

– Чунки, эҳтимол попугингизни пасайтириб, гарданингизни эгиб қўядиган ҳодисанинг гувоҳи бўлармидингиз? Сиз, фақат ўлимдан қўрқаман, дедингизми?

– Мен ўлимдан қўрқаман деётганим йўқ, фақат ўлим ҳақиқат беради менга, деяпман.

– Қарилик-чи?

– Қарилик етиб келгунча бурчимни адо этиб бўламан.

– Ақлдан озиш-чи?

– Мен бир карра ақлдан озаёзган эдим, сиз non bis in idem<sup>35</sup> деган қонидани биласиз, бу жинойят қонуни қонидаси, демак, сизнинг ишингизга тааллуқли қонда.

– Фақат ўлимгина, қарилик ёки ақлдан озишгина даҳшатли эмас, – деди Вильфор, – даҳшатли нарсалардан яна апоплексия, бу момақалдироқ каби зарба бериб сизни йўқ этмайди, аммо ишдан чиқариб, фалаж қилиб ташлайди, ундан кейин тамом-вассалом! Сиз ўзлигингизча қолдингиз-у, лекин айни чоғда ўзингиз эмассиз. Сиз деярли Ариелдек фаришта эдингиз, бу зарбадан сўнг эса Калибандек ҳайвонга ўхшаб қоласиз, одам тили билан айтганда, буни шунчаки апоплексия дейишади. Граф, мабодо сизни англайдиган ва сизни рад этиш қобилиятига эга душман билан учрашишни истагудек бўлсангиз, бизникига келинг, у ерда бу суҳбатни давом эттирамиз, мен сизга отамни – жаноб Нуартье де Вильфорни кўрсатаман, у биринчи революция давридаги ашаддий яacobинчилардан, ботир ва забардаст одам. У сизга ўхшаб дунёдаги барча мамлакатларни кўрмаган бўлса-да, бироқ ана шу мамлакатлардан биридаги, энг

---

<sup>35</sup> Бир гуноҳ учун икки марта жавоб бермайдилар.

қудратли давлатлардан бирини ағдариб ташлашда қатнашган. У сиз сингари, ўзини Худонинг элчиси деб билмаса-да, олий мавжудотнинг вакили, тақдирнинг қули деб биларди. Эндиликда қарабсизки, миясига қон қуйилди-ю, бир зумдаёқ уларнинг ҳаммасини барбод этди-қўйди. Кечаги яқобинчи, собиқ сенатор, гильотина пичоғини ҳам, замбаракни ҳам, ханжарни ҳам назар-писанд қилмайдиган собиқ карбонарий Нуартъе, революцияларни эрмак қилиб юрган Нуартъе, Францияни фақат бир улкан шахмат тахтаси-ю, ундаги пиёдаларни ҳам, руҳларни ҳам, отларни ҳам, фарзинни ҳам йўқ этиб, шоҳни мот қилиш керак деб юрган ана шу даҳшатли Нуартъе иккинчи куни «Бахти қаро Нуартъе»га, оиланинг энг заиф аъзоси – ўз невараси Валентинанинг измига тушиб қолган тилсиз, мажолсиз жасадга – модданинг аста-секин чириб тугагини кутаётган муздек жасадга айланиб қолди.

– Афсуски, – деди Монте-Кристо, – бу манзарада кўзимга ҳам, ақлимга ҳам ҳеч қандай янгилик йўқ. Менинг врачликдан жиндек хабарим бор, бинобарин, мен ва менинг ҳамкорларим тирик моддадан ёки ўлик моддадан бир неча марта жон ахтардик, бироқ, у арвоҳ каби менга кўриниш бермади. Суқротдан, Сенекадан сўнг, авлиё Августин ёки Галлендан кейин юзлаб муаллифлар шеърларида ва қиссаларида сиз айтган муқоясаларни тилга олганлар. Аммо, мен ота азоби ўғилнинг фикрлаш усулини кучли даражада ўзгартиб юбориши мумкинлигини тушунаман. Модомики, сиз мени ҳурмат қилиб таклиф этаркансиз, мен бораман, оилангизни оғир қайғуга солиб қўйган ўша хунук манзарадан ибрат олиб итоатгўйликни ўрганиш учун бораман.

– Тангрим менга олийҳимматлик билан мадад бериб, ота ўрнини босадиган икки фарзанд ҳадя этди. Бир оёғи гўрда турган ана шу чол ёнида эндигина ҳаётга қадам қўяётган икки болам – биринчи хотиним мадемуазель Рене де Сен-Мерандан бўлган қизим Валентина ва сиз ўлимдан қутқариб қолган ўғлим Эдуар югуриб юрибди.

– Худонинг бу ҳадясидан сиз қандай хулосага келяпсиз? – сўради Монте-Кристо.

– Хулоса шуки, – жавоб қилди Вильфор, – отам ҳирс йўлида изтироб чекиб шундай бир хатога йўл қўйдик, бун-

дай хатолар инсоний одил суддан қочиб қутилса-да, илоҳий суддан қочиб қутулолмайди!.. Худо биргина кишига жазо беришни истаб, фақат унинг бир ўзини қаҳрига дучор этди.

Ҳамон илжайиб турган Монте-Кристо ичида юрагининг энг тўридан чунонам ҳайқирдики, буни мабодо Вильфор эшитиб қолгудек бўлса, орқасига қарамай қочарди.

– Хайр энди, жаноб, – давом этди қирол прокурори, у аллақачон ўрнидан туриб олган эди, – сизга жуда ҳурматим ошган ҳолда чиқиб кетяпман, мен билан янада яқинроқ танишгач, сийқа сурбет одам эмаслигимни яхши билиб оласиз. Жаноб де Вильфор билан ажралмас дўст бўлиб қолдингиз энди.

Граф таъзим қилди ва Вильфорни фақат хона эшигигача кузатиб қўйди. Қирол прокурори извоши олдида борди-да, икки қаролга имо қилди, улар шошилиб извош эшигини очишди.

Қирол прокурори кўздан ғойиб бўлгач, Монте-Кристо зўрға нафасини ростлаб олди-да, илжайди.

– Бас, – деди у, – етар шунча заҳар-заққум, юрагим қонга тўлди бу лаънати заҳардан, энди бунга қарши малҳам топиш зарур.

У кўнғироқни чалди.

– Мен малика ҳузурда бўламан, – деди у кириб келган Алига, – ярим соатдан сўнг извошни тахт қилишсин.

## XI. ГАЙДЕ

Китобхон граф Монте-Кристонинг Меле кўчасида яшаган янги, тўғрироғи, эски танишлари – Максимилиан, Жюли ва Эмманюелни эсидан чиқармагандир, албатта.

Ана шу кўнғилли учрашув иштиёқида ёнаётган Монте-Кристонинг, Вильфор даф бўлгач, чиройи очилиб кетган эди. Кўнғироқни эшитиб югуриб келган Али беқиёс қувончла ёниб турган чехрани кўрди-да, худди завқли фикрларни қочириб юборишдан кўрққандек оёқ учида аста юриб чиқиб кетди.

Туш пайти эди, граф Гайде билан бирга бўлиш учун бир соат вақт ажратган эди, ҳар қандай дил кучли туйғулар,

ҳиссиётларга тайёрланмоғи зарур бўлгани каби, азият чекиб қон ютган дил ҳам ширин, лаззатли ҳиссиётларга ҳозирланмоғи керак эди, аммо бундай дилни қувонч дарҳол қамраб ололмади.

Ёш грек қизи, боя айтганимиздек, граф хоналаридан тамом ажралиб турадиган хоналарда яшарди. Бу хоналарнинг ҳаммаси шарқча жиҳозланди: паркетга қалин турк гилами тўшалди, деворларга кимхоблар осилди, ҳамма хоналарнинг деворлари остига диванлар ўрнатилди, улар устига болишлар бетартиб ташлаб қўйилди.

Гайденинг учта француз ва битта грек канизи бор эди. Учала француз аёли биринчи хонада олтин қўнғироқчанинг овозини кутиб ўтирар ва француз тилини жуда яхши эгаллаб олган канизак-грек хонимнинг буйруғини бажо келтириш учун тахт бўлиб турарди. Граф хизматкор аёлларга Гайдени худди қиролича каби ҳурмат қилишни буюрганди.

Ёш грек қизи энг тўрдаги хонасида эди, бу хонага кундузи фақат юқоридаги рангдор ойнадан ёруғ тушарди. У диванга суянганча ерга солинган зарҳал каштали кўк атлас болишлар устида ёнбошлаб ётарди. Унг қўлини бошига қўйган, чап қўли билан чилимнинг узун трубкасига ўрнатилган муштукни оғзига олиб келмоқда.

Унинг сахт-сумбати шу пайт шундай эдики, агар унинг ўрнида француз аёли бўлганида шарқ аёллари учун табиий бу ҳолатни ноз-карашмага йўйишлари мумкин эди.

Устида грек тоғлик аёлларининг оддий энгил-боши, қизил каштали оқ атлас лозими болаларники сингари нозик оёқларининг тўпиғига тушиб турибди, оёғида зар ва марварид гуллар тикилган шиппак, оқ ва ҳаво ранг йўл-йўл кўйлагининг енглари кенг, тугмалари кумуш ва марварид эди, кўйлаги устидан учта бриллиант тугмаси солиқлик нимча. Нимчанинг уч бурчакли ўмизидан бўйни ва кўкси кўриниб турарди. Хипча белида узун шойи шокилали гулдор камар. Париж урфпарастлари бунақа камар деса жонини беришга тайёр.

Гайде гавҳарлар билан безанган заррин қалпоқчасини чеккасига босиқроқ кийиб, қоп-қора сочига қирмизи атиргул тақиб олган.

Юзи грек аёлларига хос зеболикнинг энг мукамал намунаси эди: хумор қора кўз, тик бурун, қип-қизил лаблар, садафдай тишлар. Мана бу беқиёс гўзалликни ёшлик баҳори ўзининг бутун латофати билан порлатиб турарди: Гайде эндигина ўн тўққиз ёки йигирма баҳорни кўрган эди.

Монте-Кристо оқсоч грек аёлини чақириб Гайдедан ҳузурига кириш учун рухсат сўрашни буюрди.

Гайде жавоб ўрнига имо билан оқсочга эшик пардасини кўтаришни буюрди, шу он ажойиб сурат каби, ёнбошлаб ётган ёш қиз пайдо бўлди.

Монте-Кристо хонага кирди.

Гайде чилим трубкасини тутган ҳолда қаддини бир оз кўтарди-да жилмайиб, графга бўш кўлини узатди.

– Нечун, – деди у Спарта ва Афина аёлларига хос қўнғироқ овозда, – нега мендан киришга рухсат сўрайсиз? Нима бўлди? Энди сиз менинг хўжайиним эмассизу мен сизнинг асирангиз – қулингиз эмасманми?

– Гайде, – деб гап бошлади граф, – биласизми...

– Нега мени «сенлаб» гапирмаяпсиз? – деди ёш хоним графнинг сўзини кесиб. – Ёки мен бирор айб қилиб қўйдимми? Агар шундай бўлса мени «сиз»лаб ўтирмай, дарҳол жазолаш керак.

– Гайде, – давом этди граф, – биласанки, биз ҳозир Франциядамыз, шундай бўлгач, сен озодсан.

– Нимадан озодман? – сўради қиз.

– Мени ташлаб кетаверишинг мумкин, демак, мендан озодсан.

– Сизни ташлаб-а?.. Нега энди сизни ташлаб кетишим керак?..

– Билмадим? Биз одамлар ўртасида бўлишимиз керак.

– Мен ҳеч кимни кўришни истамайман.

– Агар сен учрашувинг лозим бўлган ёш, чиройли йигитлардан бирортаси сенга ёқиб қолса мен унчалик ғазабланмайман.

– Мен сиздан чиройли кишини кўрганим йўқ, дунёга келиб, отаму сизни севдим.

– Э, кўзичоғим, – деди Монте-Кристо, – ахир шу маҳалгача мени ва отангни мустасно қилганда ҳеч ким билан, ҳеч қаерда гаплашганинг йўқ-ку.

– Хўш, нима бўпти! Мен сизлардан бўлак ҳеч ким билан гаплашишни истамайман. Отам мени «қувончим» дерди, сиз «севгилим» дейсиз, иккалангиз мени яна «қўзичоғим» деб атайсизлар.

– Отанг ҳамон ёдингдами, Гайде?

Ёш қиз жилмайди.

– У мана бу ерда, мана бу ерда, – деди у қўлини кўзига ва кўксига қўйиб.

– Мен қаердаман? – сўради илжайиб Монте-Кристо.

– Сиз, – деди қиз, – бутун вужудимдасиз.

Монте-Кристо Гайденинг қўлини олиб ўпмоқчи бўлди, аммо соддадил қиз қўлини силтаб тортиб олди-да, пешанасини тутди.

– Биласанми, Гайде, – деди Монте-Кристо, – энди сен озодсан, энди сен бекасан, маликасан, энди илгаригидек ўз кийимларингни кийиб юраверишинг ёки ташлаб қўйишинг мумкин, бу ўз ихтиёрингда, истасанг уйда қол, кетгинг келса кетавер, сенинг учун ҳамиша извош тайёр, Али ва Мирто ҳамма ерда сенга ҳамроҳ бўлади ва фармонларингни бажаради, менинг сендан фақат биргина илтимосим бор...

– Қулоғим сизда.

– Қаерда туғилганингни сир тут, ўтмишнинг тўғрисида ҳеч кимга ҳеч нима дема, машҳур отангни ва бахти қаро онангнинг номини асло тилга олма.

– Ахир сизга, ҳеч ким билан учрашувни истамайман, дедим-ку.

– Гайде, менга қара, шарққа хос зоҳидлик, яъни жамиятдан ажралиб яшашга эҳтимол Парижда имкон бўлмас; Римда, Флоренцияда, Миланда ва Мадридда қилганингдек, шимолий мамлакатларнинг урф-одатларини ўрган, бунинг ҳамма ерда, Шарққа қайтганингда ҳам сенга нафи тегади.

Ёш қиз катта-катта кўзларини графга тикиб турди-да, жавоб берди.

– Ёки шарққа қайтамиз, демоқчимисиз, бегим?

– Ҳа, қўзичоғим, – деди Монте-Кристо, – биласанки, мен сендан асло ажралолмайман. Аслида, дарахт гулдан эмас, гул дарахтдан ажралади.



– Мен сизни ҳечам ташлаб кетмайман, бегим, – деди Гайде, – биламанки, сизсиз яшай олмайман.

– Қўзичоғим! Ўн йилдан сўнг мен қариб қоламан, сен эса ўн йилдан сўнг ҳам яшариб, гулдек очилиб тураверасан.

– Отамнинг узун, оппоқ соқоли бор эди. Шундай бўлсада, мен уни севардим, отам олтишга кирган эди, лекин барибир, у мен учратган ҳамма ёшлардан гўзал кўринарди.

– Бироқ, айт-чи, бу мамлакатга кўникиб кета оласанми?

– Мен сизни кўриб тураманми?

– Ҳар қуни.

– Унда, тағин нега мендан буни сўраяпсиз?

– Зерикиб қоласанми, деб қўрқяпман.

– Йўқ, зерикмайман, чунки эрталаб сизнинг келишингизни ўйлаб ўтираман, кечқурунлари эса келиб кетганингизни эслаб, овунаман. Сўнг якка ўзим қолганимда кўз олдимда улкан манзаралар ва уфқлар гавдаланади, уларни эсга оламан, юрагимдан уч туйғу ҳеч аримайди. Бу ғам-андух, муҳаббат ва миннатдорлик туйғулари.

– Гайде, сен Эпир ўлкасининг гўзал, назокатли муносиб қизисан, афтидан сен она еринг яратган фаришталардан бири бўлсанг керак, хотиржам бўл, қўзичоғим, гулдек ёшлигинг беҳуда ўтмаслиги учун нима керак бўлса ҳаммасини бажо келтираман, сен мени отанг каби севар экансан, мен сени ўз фарзандимдек севаман.

– Бегим, янглишяпсиз, отамга бўлган муҳаббатим сизга бўлган муҳаббатимга асло ўхшамайди. Менинг сизга қўйган муҳаббатим ўзгача. Отам ўлди, мен тирик қолдим, аммо сиз ўлсангиз, мен ҳам ўламан.

Граф меҳр тўла табассум-ла қизга қўлини узатди, қиз, одатдагидек, графнинг қўлига лабини теккизди.

Граф шу йўсинда Моррель оиласи билан учрашувга тайёрланиб, Пиндарнинг қуйидаги шеърини шивирлаб ўқиб чиқиб кетди:

– «Ёшлик – гул, муҳаббат эса унинг маҳсули... Узуми етилиб пишган боғбон – бахтиёр!»

Извош унинг фармониға мувофиқ кутиб турган эди. У чиқиб ўтириши билан отлар елдек учиб кетди.

## ХИ. МОРРЕЛЬ ОИЛАСИ

Бир неча дақиқадан сўнг граф Меле кўчасидаги 7-уйга етиб келди. Бу кўзни қувонтирадиган оқ уй. Уй олдида гулхоналар бор. Дарвозани очган қоровул ўша Коклес эди. Уни граф таниди. Бироқ бир кўзи ғилай, иккинчи соғлом кўзи ҳам ўтган тўққиз йил ичида анча хиралашиб қолган Коклес графни танимади.

Извош дарвоза ёнига келмоқ учун четларига чиғаноқ ва тошлар терилган ҳовуздан отилиб турган кичик фавворани айланиб келиши лозим. Бу фаввора ортиқча дабдаба бўлиб, қўшниларда анча ҳасад туйғулари кўзгатган ва бу уйнинг «Кичкина Версал» деб ном олишига сабаб бўлган эди. Ҳовузда кўллаб қизил ва сариқ балиқчалар сузиб юрарди.

Ошхона ва ертўладан иборат пастки қаватни ҳисобга олганда, уй уч қават эди. Йигитлар бу уйни улкан ишхона ва икки айвонли боғ билан қўшиб олган эдилар. Бинонинг бундай тузилишидан унча-мунча фойда кўриш мумкинлигини Эмманюель дарҳол фаҳмлаб олган эди. У уйни ва боғнинг ярмини девор билан ажратиб олди-да, ишхонани, ҳалиги айвонларни ҳамда боғнинг ярмини ижарага қўйди. Шу зайлда, Сен-Жермен даҳасининг энг инжиқ фуқаросидан сираям қолишмайдиган даражада арзонгина алоҳида уйга жойлашиб олди.

Ошхона бутунлайин эмандан, меҳмонхона қизил қарағайдан ясалган, меҳмонхона деворларига духоба қопланган, ётоқхона эса лимон дарахтидан тикланиб, деворларига зангори мато қоқилган. Булардан бўлак Эмманюель ҳеч қандай иш билан шуғулланмаса-да, ўзига бир хонани иш хонаси қилиб қўйган, яна ҳеч қанақа мусиқа асбобини чалмайдиган Жюлининг мусиқа хонаси ҳам бор.

Учинчи қават бутунлай Максимилианнинг ихтиёрида эди, бу синглисининг хонасига ўхшарди, фақат овқатхона жўралари келиб турадиган бильярдхонага қаратиб қурилган эди. Максимилиан отини шахсан ўзи қашлаб тозаларди, графнинг извоши дарвоза олдида тўхтаганда, боғ эшиги олдида сигарета чекиб турган эди.

Ҳали айтганимиздек, Коклес дарвозани очди, Батистен ирғиб извошдан тушди-да, «Граф Монте-Кристо жаноб Эрбо

билан Эрбо хонимни ва жаноб Максимилиан Моррелни кўргани келди», – деди.

– Граф Монте-Кристо! – деди қичқириб Моррель ва сигаретани улоқтирди-да, меҳмон истиқболига югурди. – Бу зотни кўриш бизга қувонч бағишлайди. Раҳмат граф, мингминг раҳмат, ваъдангизга вафо қилганингиз учун раҳмат.

Ёш офицер графнинг қўлини маҳкам сиқиб сўрашдики, бу меҳмон келишини жуда интизорлик билан кутганларидан ва унинг келишидан ниҳоятда қувонганларидан далолат бериб турарди.

– Юринг, Юринг, – деди Максимилиан, – сизни ўзим таништираман. Сиз каби қадрли меҳмонни хизматкорлар эмас, ўзим таништиришим керак. Синглим боғда гулнинг қариганларини қирқяпти, куёв ундан олти қадам нарида ўзининг «Пресса» ва «Мунозара» номли газеталарини ўқиб ўтирибди. Зеро, Эрбо хоним қаерда бўлмасин, унинг ёнида Эмманюелни учратишингиз табиий.

Оқ кўйлак кийиб, сариқ атир гулларнинг сўлғин барглари қирқиб юрган ёш аёл буларнинг қадамини эшитиб, бошини кўтарди.

Бу бизга таниш кичкина Жюли. Томсон ва Френч фирмасининг вакили унинг ўзига башорат қилиб айтганидек, Жюли эндиликда Эмманюель Эрбо хоним бўлиб қолган. Ёт кишини кўриб, у қичқириб юборди. Максимилиан кулди.

– Кўрқма, синглим, кўрқма, – деди у, – граф Парижга келганига эндигина уч-тўрт кун бўлганига қарамай марэлик судхўр қанақалигини аллақачон билиб олгандир, йўқса сени кўргач билиб олади.

– О-ҳо жаноб, кечиринг мени, – деди Жюли, – шундай аҳволда юрганимда сизни тўғри олиб кирганини қаранг, бу акамда уят йўқ-да. Пенелон!.. Пенелон!..

Бенгал атир гулларининг тагини кавлаб юрган чол белкурагини ерга санчди-да, улар олдига келди, то оғзидаги ёқичини билдирмасликка уриниб, жағининг тўрига суриб олди. Чолнинг сочларига эндигина оқ тушган эди. Сарғиш юзи ва тик қараши экватор офтобида куйиб пишган ва тўфонлардан хабардор денгизчи эканидан дарак бериб турарди.

– Мадемуазель Жюли, мени чақирдингизми?.. – сўради у. – Хизмат?

Пенелон хўжайинининг қизини Эрбо хоним деб аташга тили келмай, ҳамон эскичасига мадемуазель Жюли, деб атарди.

– Пенелон, – деди Жюли, – жаноб Эмманюелга азиз меҳмон келганини хабар қилинг, графни меҳмонхонага Максимилиан бошлаб боради.

Сўнгра у Монте-Кристога:

– Мени кечиринг, – деди, – ҳозир чиқаман.

Шундай деди-да, у гулзорни гир айланиб, ёнбошдаги йўлкадан югуриб уйга кириб кетди.

– Қадрли жаноб Моррель, – деди Монте-Кристо, – оилангизни ташвишга солиб, беҳуда иш қилдим, шекилли.

– Уни қаранг, уни қаранг, – деди Максимилиан кулиб, – эриям ясаниб чиқай деб югуриб кетди! Ахир сизни бу Меле кўчасидагилар билишади, интизорлик билан кутишади-ю, сиз бунақа дейсиз.

– Чамамда, оилангиз бахтиёр, – деди граф худди ўз фикрини тасдиқлаётгандек.

– Шубҳасиз, граф, шубҳасиз. Бахтиёр бўлиш учун нимаики керак бўлса, ҳаммаси буларда муҳайё: улар ёш, қувноқ, бир-бирларини севишади, гарчи катта бойликни кўрган бўлсалар-да, йигирма беш минг франк даромадлари билан ҳам ўзларини Ротшильд каби бой деб ҳисоблашади.

– Тўғриси, йигирма беш минг франк унчалик кўп даромад эмас, – деди Монте-Кристо. У бу сўзларни шундай меҳрибонлик билан айтдики, Максимилиан худди севимли отасининг овозини эшитгандек қувониб кетди, – бироқ бу ёш келин-куёвимиз учун охирги чегара эмас, улар ҳам, шубҳасиз, миллионер бўлиб қолишади. Куёв адвокатми ёки докторми?

– У, граф, йирик савдогар эди, марҳум отамнинг ишини давом эттирди. Жаноб Моррель қазо қилганда ундан эллик минг франк капитал қолган эди, бунинг ярми синглимга, ярми менга тегди, чунки биз иккита меросхўр эдик. Синглимга уйланганда куёвнинг софдиллиги, ақллилиги ва ҳалоллигидан бошқа ҳеч нимаси йўқ эди. Хотини қанча бойликка эга бўлишни хоҳлаган бўлса, у ҳам шунга қаноат қилди. У то икки юз эллик минг франк тўплагунча ишлади, бунга олти йил кетди. Буларнинг хатти-ҳаракатини кўрган одам завқланарди: меҳнатсевар, иноқликда буларга тенг

келадиганлар кам топилади! Ажойиб қобилияти билан бу иккиси анча бойлик орттиришлари мумкин эди, бироқ ота фирмаси ишидаги одатдаги тартибларни ўзгартиришни ис-тамадилар, шунинг учун ҳам ҳозирги замон кишилари икки ёки уч йилда бажарадиган ишга олти йил вақт кетказиш-ди, иккисининг жасорати, фидокорлигини кўрган бутун Мар-сель қойил қоларди. Кунларнинг бирида Эмманюель маж-буриятлар бўйича қарзларни тўлаб тугатаётган хотини ол-дига келиб деди: «Жюли, мана охирги юз франк, буни мен-га Коклес берди, бу иккимиз охирги чегара деб ҳисобла-ган икки юз эллик минг франкка қўшимча. Эндиликда сен шу билан қаноатланасанми ёки йўқми? Фирмамиз йилига бир миллион даромад қилади ва қирқ минг франк фойда бера олади. Агар биз истасак клиентурамизни уч юз минг франкка сотишимиз мумкин: мана жаноб Делоненинг хати, у фирмамизни ана шу суммага сотиб олиб, ўзиникига қўшмоқчи. Ихтиёр сенда, ўзинг ҳал қил бу масалани».

«Азизим, – деди жавобан синглим, – Моррель фирмаси-ни фақат Моррель идора қилиши мумкин. Ахир отамизнинг номини пок сақлаб қолиш учун ана шу уч юз минг франк-дан воз кечганимиз афзал эмасми?»

«Менинг фикрим ҳам худди шундай, – деди Эмманюель, – бироқ сенинг фикрингни ҳам билмоқчи эдим».

«Фикрим шу. Биз ўзимизга тегишлисини тўла олдик, ҳамма қарзларимизни тўладик, эндиликда кассани бекити-шимиз мумкин, кел, яқун ясайлик-да, кассани ёпайлик».

Дарҳол шундай қилишди ҳам. Шунда соат уч эди, учдан чорак ўтганда икки кемани суғурта қилиш учун мижоз ки-риб келди, бу ўн беш минг франк соф фойда эди.

«Марҳамат қилинг, – деди Эмманюель унга, – бу суғурта масаласида бизнинг шеригимиз жаноб Делонега мурожаат қилинг. Бизга келганда, биз ишимизни тугатдик».

«Қачон?» – сўради ажабланган мижоз.

«Бундан чорак соат муқаддам».

– Шу тариқа, – деди Максимилиан илжайиб, сўзини да-вом эттирар экан, – синглим билан куёвимнинг йиллик даромади йигирма беш минг франк бўлиб қолди.

Максимилиан графни тобора қувонтираётган ҳикояси-ни эндигина тамом қилиши билан Эмманюель ясаниб чиқ-

ди. У меҳмонни ҳурмат қиладиган кишилардан эканлигини намоиш қилиб, эгилиб таъзим қилди-да, графни боғидан айлантириб, уйга олиб кирди.

Меҳмонхонада улкан япон вазасидаги гулларнинг ҳиди анқиб турарди. Ясаниб, башанг бўлиб олган Жюли графни эшик олдида кутиб олди. Қафасда қушлар чирилляпти. Акас ва толбутанинг шоҳлари кўк баҳмал пардали деразадан эшилиб турибди, хуллас, бу ажойиб хонадонда қушларнинг хониши-ю, хонадондагиларнинг кулгиси, иноқлик, тотувликдан дарак бериб турарди.

Граф уйга кириши билан бу зотларнинг бахти ўзига ҳам тааллуқли эканини сизди. У ун чиқармас, хаёлга чўмган, биринчи салом-алиқдан сўнг бошланган суҳбатни давом эттиришни ҳам унутиб қўйган эди.

Тўсатдан у юз берган ўнғайсиз вазиятни сезиб қолди-да, зўр-базўр ўй-хаёлларини улоқтириб ташлади.

– Малика, – деди ниҳоят, – ҳаяжонга тушиб қолганим учун сиздан узр сўрайман. Бу сизга ғалати туюлган бўлса керак, чунки сиз бу бахтиёр, осойишта турмушга ўрганиб қолгансиз, аммо мен учун бундай хотиржам, тотувлик, осойишталик шундай бир янгиликки, сиздан ва завжангиздан кўзимни ҳеч узолмаётибман.

– Чиндан ҳам биз жуда бахтлимиз, – деди Жюли, – бироқ биз жуда кўп вақтлар жафо чекиб келдик ва бундай бахтли, қувноқ ҳаётга етиш йўлида кўп қулфатлар чекканмиз.

Графнинг юзида қизиқувчанлик аломатлари пайдо бўлди.

– Бу узундан-узоқ оилавий тарих. Буни Шато-Рено ҳам сизга айтган эди, – деди Максимилиан. – Граф, сиз фалокатларнинг катталарини, бахт-саодатнинг улканларини кўришга одатлангансиз, шу сабабли бу оилавий ташвиш сизни унча қизиқтирмайди. Аммо Жюли ҳақ гапни айтди: тор оилавий доирада бўлса-да, биз кўп мусибатларни кечирдик бошимиздан...

– Худо ҳамишагидек, сизга мадад берган бўлса керак? – сўради Монте-Кристо.

– Ҳа, граф, – жавоб қилди Жюли, – биз бунга иқрор бўлишимиз керак, чунки, у бизга ўзининг азиз бандалари каби раҳм-шафқат қилиб фариштасини йўллади.

Граф қизариб кетди, юраги санчиб кетаётганини билдирмаслик учун йўталди-да, рўмолчасини лабига босди.

– Арзанда, тантиқ кишиларгина турмушнинг лаззатини билмайди, – деди Эмманюель, – унинг қадрига ҳам етолмайди.

Монте-Кристо, овози ҳаяжонини ошқора қилиб қўйишидан қўрқиб ҳеч нима демай ўрнидан турди, меҳмонхонанинг у бошидан бу бошига вазмин қадам ташлай бошлади.

Монте-Кристордан кўзини узмай турган Максимилиан:

– Бизнинг ҳашаматларимиздан кулаётгандирсиз? – деди.

– Йўқ, нега куларканман, – жавоб қилди Монте-Кристо.

Унинг ранги ўчган, бир қўли билан гупиллаб ураётган юрагини маҳкам босиб олган, иккинчи қўли билан эса биллур қалпоқ остида эҳтиёт қилиб қўйилган шойи ҳамённи кўрсатиб турарди. – Мен анови ҳамёнга қизиқиб қолдим: унинг бир томонида қандайдир қоғоз, иккинчи ёғида нодир олмос турибди шекилли.

– Бу ерда, – деди у, – оилавий хазинамизнинг энг қимматбаҳо буюми сақланади.

– Ҳақиқатан ҳам жуда соз олмос экан у, – деди Монте-Кристо.

– Гап олмосда эмас, бу қимматбаҳо тошнинг нархи юз минг франк бўлса-да, Максимилиан бу ҳақда гап юритаётгани йўқ, у ҳамёндаги буюм сизга айтган ўша фариштадан қолган ёдгорлик, демоқчи.

– Сўзингизга тушунмадим, бекам, шундай бўлса-да, тушунтириб беришни сўрашга журъат этолмайман, – деди таъзим қилиб Монте-Кристо. – Кўполлик, беодоблик қилиб қўймайин деган мурожаатга боряпман.

– Беодоблик дедингизми, граф? Йўқ, биз, аксинча, ўзимиз жон деб ҳикоя қилиб берамиз сизга бу олмоснинг воқеасини. Бу ҳамён эслатадиган ўша зотнинг олижаноб муруватини сир сақламоқчи бўлганимизда уни бундайин кўз-кўз қилиб қўймасдик. Аксинча, бу ҳақда бутун дунёга жар солиб, ўша халоскорни ҳамма билсин, деган умиддамиз.

– Ў-ҳў, ҳали шундай денг! – деди Монте-Кристо бўғиқ овозда.

– Граф, – деди Максимилиан ва биллур қопқоқни кўтариб ҳамённи меҳр билан ўпиб қўйди. – Бу мўъжизакор

ҳамённи менинг отамни ҳалокатдан қутқариб қолган, бизни хонавайрон бўлишдан халос этган, Моррельлар номини шарманда-ю шармисорликдан асраган киши ўзининг табаррук қўлларида ушлаган, ўша азиз одамнинг меҳри-муруввати туфайли ғам-аламга, қашшоқликка маҳкум этилган бахти қаро биз болалар бахтиёр бўлдик, бизнинг қувончларга тўла ҳаётимизга эндиликда ҳамманинг ҳаваси келади. Бу хатни, – Максимилиан ҳамёндан хатни олиб графга узатди, – бу хатни у киши менинг отам ўз жонидан кечишга қарор қилган куни ёзган, бу олмосни эса олижаноб нотаниш зот синглимга тўёна қилган.

Монте-Кристо хатни очди-да, зўр қувонч билан ўқиб чиқди, бу Синдбод-Денгиз сайёҳи имзо чеккан ва Жюлига ёзилган, ўқувчиларимизга аён хат эди.

– Нотаниш дедингизми? Демак, сизга шундай мурувват кўрсатган одамни ҳали танисмайсизми?

– Худди шундай, граф, биз зотнинг табаррук қўлларини сиқиш шарафига муяссар бўлолмадик, – жавоб қилди Максимилиан, – биз Худодан минг карра тиласак ҳам бўлмади. Бу воқеада сирли нарсалар шу қадар кўпки, биз ҳали-ҳозиргача тушунолмай гарангиз, аллақандай бир қудратли мўъжизакор қўл бор бу ишларнинг ҳаммасида.

– Аммо мен мана шу ҳамённи ўпаётганим каби у мўътабар қўлни ҳам ўпишга муяссар бўлурман, деган умиддаман, – деди Жюли. – Бундан тўрт йил муқаддам Пенелон Триестда бўлган эди. Граф, сиз қўлида белкурак ушлаб турган ҳолда кўрганингиз кекса денгизчи, боцманлик касбини ташлаб, боғбон бўлиб олган. Триестда Пенелон яхтага тушиб жўнаётган бир инглизни учратибди, уни Пенелон танибди: у бир минг саккиз юз йигирма тўққизинчи йилнинг бешинчи июлида отам ҳузурига келган ва бешинчи сентябрда менга мана шу хатни йўллаган ўша зот экан. Пенелоннинг бу гапи тўғри, нотаниш киши ўша, бироқ Пенелон у билан гаплашишга журъат этолмабди.

– Инглиз! – деди ўйчан Монте-Кристо, Жюлининг қарашлари уни анча ташвишга солаётган эди. – Инглиз деяпсизми?

– Ҳа, – деди Максимилиан, – Томсон ва Френч Рим фирмасининг вакили бўлиб бизникига келган инглиз. Сиз Мор-



серникада Томсон ва Френч менинг банкирларим, деганингизда сесканиб кетганимнинг боиси ҳам шунда. Ҳали айтганимиздек, бу воқеа бир минг саккиз юз йигирма тўққизинчи йилда содир бўлган эди, граф, сиз ўша инглизни танимайсизми?

– Бироқ сиз Томсон ва Френч фирмаси бизга ёрдам қилганини гарданига олмади, дедингиз-ку, тўғрими?

– Тўғри.

– Ундай бўлса, ўша инглиз отангиздан бирон нарсада жуда миннатдор бўлганидан ёрдам қилгандир?

– Бу ерда минг хил мулоҳазаларга бориш мумкин, ҳатто буни муъжиза дейиш ҳам мумкин.

– Унинг оти нима эди? – сўради Монте-Кристо.

– У исми шарифини айтмаган. Синдбод-Денгиз сайёҳи деб хатга имзо чеккан, – деди Жюли диққат билан графга тикилиб.

– Бу исми шарифи эмас, тахаллуси бўлса керак.

Граф унга Жюли қаттиқ тикилиб қолганини ва овозига синчиклаб қулоқ осаётганини сезиб, қўшимча қилди:

– Менга қаранг, унинг бўйи тахминан менинг бўйимдек ёки бир оз баландроқ, қотмароқ эмасмиди? Ёқаси тикка, галстугини қисиб боғлаган, камзулининг ҳамма тугмасини солиб, қўлида ҳамиша қалам ушлаб турадиган зот эмасмиди?

– Демак, сиз уни таниркансиз-да? – деди қувончдан кўзлари чақнаб кетган Жюли.

– Йўқ, – деди Монте-Кристо, – танимайман, фақат шунчаки тахмин қиляпман. Мана шунақа нарсаларда жуда қўли очиқ бир лорд Уилмор деган кишини биламан.

– Ким эди у зот?

– У кишилар томонидан изҳор этиладиган миннатдорчиликка ишонмайдиган ғалати одам эди.

– Э, Тангрим, – хитоб қилди Жюли, – у бечора нимага ишонаркан?

– Ҳар қалай мен билан учрашган вақтида, бунга ишонмасди, – деди Монте-Кристо ўз оғзидан отилиб чиққан бу сўзлардан чексиз ҳаяжонланиб. – Эҳтимол, шунча вақт ўтиб, эндиликда миннатдорчилик бор нарса эканига ишонч ҳосил қилгандир.

– Граф, сиз ўша киши билан танишмисиз? – сўради Эмманюель.

– Мабодо сиз у билан таниш бўлсангиз, – деди Жюли, – уни бизга кўрсата оласизми, қаердалигини айтиб бера оласизми? Максимилиан, Эмманюель менга қаранглар, агар вақт-соати келиб учрашиб қолсак, у юрагимиз хотирасига ишонмаслиги мумкин эмас.

Монте-Кристо кўзларига ёш тўлиб келаётганини сездида, уйни айлана бошлади.

– Граф, Худо ҳақ, – деди Максимилиан, – агар сиз у одам тўғрисида бирор нарса билсангиз, ҳаммасини айтиб беринг бизга!

– Ҳайҳот, – жавоб қилди Монте-Кристо овозидаги ҳаяжонни сездирмасликка уриниб, – сизнинг халоскорингиз чиндан ҳам порд Уилмор бўлса, у билан мутлақо учрашолмасиз, деб кўрқаман. Мен Уилмор билан бундан уч йил муқаддам Палермода хайрлашгандим, у эса жуда ажойиб бир мамлакатга жўнаётган эди, шу сабабли унинг қачондир қайтиб келиши мумкинлигига ишонмайман.

– Сизларнинг бу гапларингиз биз учун жуда оғир, – деди қайғуриб Жюли, унинг кўзлари жиққа ёшга тўлган эди.

– Агар мен ҳозир шу ерда кўриб турганларимни порд Уилмор кўрганда, – деди таъсирли оҳангда Монте-Кристо, – кўзини Жюлининг юзларидан оқиб тушаётган марварид ёшлардан узмай, – ҳаётга яна ошиқ бўлур эди, чунки, сиз тўкаётган бу ёшлар уни инсоният билан муроса қилишга мажбур этган бўлур эди.

У Жюлига қўлини узатди, графнинг қараши ва овозига мафтун бўлиб қолган Жюли унга қўлини берди.

– Ахир, порд Уилморнинг ватани, оиласи, қавм-қариндоши бўлгандир? – деди Жюли ҳамон умидини узмай, – уни таниган одам бордир? Наҳотки биз уни...

– Уни ахтариб овора бўлманг, – деди граф, – менинг оғзимдан чиқиб кетган сўзлардан ширин хаёлга бориб, сизлар умидвор бўлмай қўя қолинг. Сиз ахтариб юрган киши порд Уилмор экани ҳам даргумон. Биз жуда иноқ эдик, мен унинг ҳамма сирларини билардим, у сизга муруват қилган зот бўлганида, менга буни айтиб берган бўлур эди.

– У сизга бу ҳақда ҳеч нима демаганмиди? – сўради Жюли.

– Ҳеч нима.

– Ҳатто бунга ишора қилиб бирор сўз ҳам айтмаганмиди?..

– Ҳеч маҳал.

– Бироқ боя ҳамён тарихи ҳақида гап кетаётганда сиз дарров унинг номини тилга олдингиз-ку.

– Биласизми... баъзан каллага турли фикрлар келади.

– Синглим, – деди Максимилиан графга ёрдам беришни истаб, – меҳмонимиз ҳақ гапни айтяпти. Отамнинг қайта-қайта «бу бахтни бизга келтирган инглиз эмас» деганини эсла.

Монте-Кристо сесканиб кетди.

– Отангиз, жаноб Моррель шундай деганмиди? – деди қизиқсиниб граф.

– Отам бу воқеани бир мўъжиза, каромат дерди. Отам, халоскоримиз гўрдан чиқиб келган фаришта эканига ишонарди. Бу ишонч шу қадар кучли, таъсирли эдики, бунга ишонмасам-да, отамнинг азиз дилига озор беришни асло эп кўрмасдим ўзимга! У кўпинча узоқ ўйга ботиб, ҳалок бўлган дўстини тилга оларди! Ўлими олдидан бу тахмини бутунлайин ишончга айланди, сўнгги дақиқада у қуйидагиларни айтди: «Максимилиан, у Эдмон Дантес эди!»

Графнинг тобора бўзариб бораётган юзи даҳшатли тус олди, юраги қонга тўлди, у чурқ этолмай қолди, гўё вақт эсига тушгандек, соатига қаради-да, шляпасини олиб Эрбо хоним билан тўсатдан ва хижолатомуз хайрлашди-да, Эмманюель ва Максимилианнинг қўлини сиқди.

– Хоним, – деди у, – баъзан ҳузурингизга ташриф этиб туришга рухсат этинг. Сизнинг оилангиз гурунгида бўлиш менга ҳамини қувонч бағишлайди, бу гап мени иззат-икром билан қарши олганингиз учун миннатдорман, сиз билан мароқли суҳбатга берилиб кетиб, вақт ўтиб кетганини сезмай қолибман.

Граф шундай деди-ю, югуриб чиқиб кетди.

– Бу граф Монте-Кристо жуда ғалати, тушуниб бўлмайдиган одам экан-да, – деди Эмманюель.

– Тўғри, – деди Максимилиан, – аммо, менимча, у юраги пок одам, биз ҳам унга ёқиб қолдик, бунга имоним комил.

– Унинг овозлари юрагимни жизиллатди, – деди Жюли, – бу овозни илгари ҳам эшитгандекман.

### ХШ. ПИРАМ ВА ФИСБА

Шаҳар чеккасидаги Сент-Оноре даҳасининг учдан икки қисмини босиб ўтсангиз, данғиллама ажойиб уй орқасида саҳни кенг боққа кўзингиз тушади. Бу боғ шу бой-бойваччалар мавзесидаги дабдабали кошоналар орасида ҳам кўзга яққол ташланиб туради, унинг баланд деворлари узра қад кўтарган қалин каштан дарахтлари ҳар баҳор Людовик XIII замонининг темир панжараси ўрнатилган тўрт қиррали устунлардаги иккита тош гулдонга оқ ва пушти ранг гулларни тўкади.

Гулдонлардаги ажойиб ёронгуллар шабада эсганда қирмизи баргларини ҳилпиллатиб атрофга хушбўй ҳид сочиб турса-да, кошона эгалари ўзларига фақат дарахтлар билан ўралган уйни, даҳага ва атрофига панжара тутилган боққа чиқадиган ҳовлинигина олиб қолишган бурунги вақтдан бери бу дабдабали дарвозадан ҳеч ким кирмасди. Бурунги вақтларда боғ орқасида шу ҳовлига қарашли жуда соз полиз бўларди.

Нима бўлди-ю, бир шайтон чайқовчи пайдо бўлди-да, полиз ёнида Парижнинг Сент-Оноре номли улкан кўчаси билан рақобат қила оладиган кўча очишга аҳд этди. Бу янги кўчанинг икки томонига иморат қурилиши муқаррарлигини сезган хўжайинлар полизни сотиб юборишди.

Бироқ иш чайқовчиликка тақалиб борганда, киши ўйини ўйлагунча, капитал ишини битириб қўя қолади. Эндигина ном берилган кўча «йўргагида» ёқ гўрга кўмилди. Полизни нақд пулга сотиб олган чайқовчи уни мўлжаллаган нархга пуллай олмади, сўнг нархларнинг ошувини хўп кутди, бўлмади, охири ҳовлини полизчиларга йилига беш юз франкка ижарага бериш билан қаноатланди.

Шундай қилиб, у ўз ақчаси эвазига фақат ярим фоиз олади, холос. Кўплар беш фоиз фойдани ҳам жуда кам ҳисоблаётган бу замонда бундай қиймат жуда оз.

Хулласи калом, боғнинг бир вақтлар полизга чиқадиган эшиклари бекилиб, ҳалқалари занглаб кетган. Бу ҳам камлик қилгандек, манфур полизчилар аристократик боққа суқ назарларини ташламасин, деб дарвозаларга узунлиги олти фут тахта қоқиб ташлашган. Тўғри, тахталар сира кўз ташланмайдиган қилиб зич қоқилмаган, аммо бу муҳташам кошона ёт назарлардан кўрқмайди.

Ўша полизда карам, сабзи, редиска нўхат ва қовун ўрнида энди бўйдор беда ўсиб ётибди, бу бўм-бўш майдонни кимдир ҳалиям унутмаганидан далолат бериб турарди. Атрофи девор билан ўраб олинган ана шу ҳовлининг пастак кўча эшиги бор эди. Ҳосил бермагани туфайли яқинда ижарачилар бу жойни ташлаб кетишди. Хуллас, бир ҳафтадан бери ҳовли илгариги ярим фоиз у ёқда турсин, бир тийин ҳам фойда бермай қўйди.

Кошона томондан бояги каштанлар девор устига эгилиб турибди, бундан фойдаланиб серавж бошқа дарахтлар ҳам ҳавога интиляпти. Ғовлаб кетган шохлар орасидан зўрға кўзга чалинаётган бурчакда тош ўриндиқ ва бир нечта боғ курсилари қўйилган, афтидан бу учрашувлар ёки ёт кўзлардан қочиш жойи бўлса керак. Бу жазирама иссиқ тушмайдиган уй ва кўча ташвишлари-ю, шовқин-суронлардан анча йироқ, ҳамиша қушлар сайраб турадиган оромбахш, соя-салқин жой эди.

Баҳорнинг паришликларга тўхфа этган энг иссиқ кунларидан бирининг оқшом пайтида ана шу тош ўриндиқда битта китоб, соябон, иш савати ва ҳали каштаси тугатилмаган батист рўмолча ётарди. Сал нарироқда, тахта қоқиб ташланган дарвоза олдида ёш қиз энкайиб тирқишдан ҳалиги ташландиқ полизга қараяпти.

Худди шу дақиқанинг ўзида полиз эшиги очилди-да, дағал сурпдан тикилган узун духоба шапка кийган новча, забардаст йигит кириб келди. Унинг бу оддий халқ кийими ялтираб турган қоп-қора сочлари, мўйлови ва соқолига мос тушмас эди, у биров кўриб қолмасин тағин, деб атрофга аланглади-да, эшикни беркитди-ю, дарвоза томонга чаққон қадам ташлади.

Кутган кишисини бундай кийимда кўрган қиз кўрқиб ўзини орқага олди.

Бироқ йигит девор тирқишидан оппоқ кўйлак ва узун зангори камарни кўриб қолди, югуриб дарвозага борди-да, тирқишга лабларини кўйиб:

– Кўрқманг, Валентина, мен – деди.

Қиз яқинроқ келди.

– Намунча кечикдингиз бугун? – сўради қиз, – овқат вақти яқинлашиб қолганини биласиз-ку, ахир ҳар бир қадамимни текшириб турадиган ўғай онам, айғоқчи оқсочдан ва безор этадиган укамдан қутулиб, бу ерга иш кўтариб келиш учун минг хил ҳийла ишлатишга мажбур бўламан ҳар гал, ишимни ҳали-вери тугатолмасман деган хавотирдаман. Нега кечикканингизни тушунтирганингизда нега мана бу кийимни кийиб келганингизни ҳам айтиб берасиз, бу либосда сизни бошда танимай қолдим.

– Севимли Валентина, – деди жавоб қилиб йигит, – мендек ошиқу беқарор шайдо учун сиз шундай бир фалак юлдузисизки, бу ҳақда сўз очишга ожизман, лекин сизни кўрганда ўзимни тутолмай, сизга мафтунман дейишга мажбурман. Ана шу сўзларимнинг акс-садоси ҳижрон пайтларида ҳам далда бериб туради менга. Танбеҳингиз учун қуллуқ, бу ёқимли танбеҳ, бу шуни кўрсатадики, сиз мени (кутибсиз дейишга тилим бормайди) эслабсиз. Нечун кечикканимнинг ва нега бунақа либосда келганимнинг сабабини билмоқчисиз, шекилли? Ҳозир айтиб бераман ва мени афв этарсиз деб умид қиламан: мен бир касб танладим ўзимга.

– Касб!.. Бу билан нима демоқчисиз, Максимилиан? Иккимиз учун мўътабар нарсани ҳазил-мутойибага оладиган даражада бахтиёрмизми?

– Худо сақласин, жонимдан ҳам азиз нарса устида ҳазил қилишдан Худо сақласин! – деди йигит, – аммо шуни очиқ айтайки, чалдиворларда чанғийвериб ва деворлардан ошавериб, чарчадим, бунинг устига, отангиз бир эмас бирда мени ўғри деб судга бериб юборади, деб ваҳимага тушиб юраман, борди-ю, шундай бўлса бутун француз армиясининг шармандаси чиққан бўлур эди! Айни бир вақтда қуршовда қолган бирорта кўрғон ва ҳимоя қилиш зарур бирорта қалъа бўлмаган бу жойларда армия капитанининг доим санғиб юрганини кўрганлар шубҳаланиши мумкин.

Ана шу сабабларга биноан мен полизчи бўлиб олиб, шунга муносиб либос кийиб олдим.

– Бу тентаклик-ку!

Аксинча, мен буни ҳаётимда энг оқилона қилиғим, деб ҳисоблайман, чунки бу билан мен ўзимнинг хавфсизлигимни таъминлаб олдим.

– Ўзи нима гап, тушунтириб беринг.

– Марҳамат! Мен бу полиз хўжайинининг ҳузурида бўлдим, илгариги ижарачи билан тузилган шартноманинг муддати тугабди, энди уни мен ижарага олдим. Мана беданинг ҳаммаси эндиликда меники бўлиб қолди, мана шу ўтларнинг ўртасига битта чайла қуриб олиб, сиздан атиги икки-уч қадам берида яшайвераман, ҳеч ким ҳеч нима дея олмайди! Бахтиёрман, бошим осмонда! Ўзингиз бир ўйлаб кўринг, Валентина, буларнинг ҳаммасини пулга сотиб олиш мумкин бўлса-да, кишининг ақли бовар қилмайдиган ҳол-ку, тўғрими! Аслида бу ўн йиллик ҳаётимни ҳадя қилсам ҳам арзийдиган роҳат, бахт, қувонч менга қанчага тушди деб ўйлайсиз-а? Бор-йўғи йилига беш юз франкка, яна ҳаммасини бирдан эмас, учга бўлиб тўлаш шарти билан-а! Мана кўриб турибсизки, энди кўрқадиган жойим қолмади. Мен ўз еримдан, деворга шоти қўйиб олиб боғингизни бемалол томоша қилавераман, ҳеч қанақа ёт назарлардан кўрқмай сизга ишқимни, муҳаббатимни изҳор этавераман, фақат ишчи либосидаги камбағал мардикордан сиз ҳазар қилмасангиз бўлгани.

Қувончдан ҳаяжонга тушган Валентина нозик овозла қичқириб юборди. Сўнг, гўё ҳасадчи қора булут унинг юрагида ёнган қуёш нурини тўсиб қўйгандек бўлди-ю, қиз қайғули оҳангда деди:

– Энди биз, Максимилиан, ортиқ даражада эркин бўлиб оларканмиз-да. Иккимизнинг бахтимиз шунчаки ҳавас йўлидаги васваса эмасмикин деб кўрқаман, мабодо биз хавфсиз эркинликни сунистеъмол қилсак ҳалокатга маҳкум бўлишимиз ҳеч гап эмас.

– Шундай дейишга қандай журъат қилдингиз-а! Сизни таниган кундан буён мен ҳар кунни ўй-хаёлларим ва ҳаётимни сизнинг ҳаётингиз ва ўй-хаёлларингизга тобе эканини исботлаб келяпман. Сизнинг ишончингизга мени

муяссар этган нарса нима ўзи, биласизми? Менинг виждоним. Шундай эмасми? Сиз менга, қандайдир хавф таҳдид солаётганини айтдингиз, мен эса сиздан хизматингизда бўлиш бахтига мушарраф бўлишдан бошқа ҳеч нарса таъма қилмай ёрдам қўлимни чўздим. Ўшандан бери сизга бўлган чексиз садоқатимга шубҳа туғдирадиган бирор сўз, бирор имо-ишора қилдимми? Сиз менга жаноб д'Эпине билан унашиб қўйилганингизни, буни отангиз ҳал этганини, бу никоҳ муқаррарлигини айтдингиз, чунки жаноб де Вильфорнинг қарори қатъий бўлади. Шу зайлда мен чеккада қолдим, бутун орзу-умидимни ўз иродамга эмас, сизнинг иродангизга ҳам эмас, вақтга, тақдирга, Худога ҳавола қилдим... Аммо биламан, Валентина, сиз мени сеvasиз, менга ачинасиз, ўзингиз шундай дегансиз, бу бебаҳо сўзларингиз учун минг-минг раҳмат сизга, фақат бир илтимосим бор: аҳён-аҳёнда бўлса ҳам, шу сўзларни такрорлаб туринг, шуниси етади, дунёнинг бошқа ҳамма ташвишларини хаёлимдан кўтариб ташлаш учун куч бағишлайди бу азиз сўзлар!

– Сизни дадил этиб қўйган ҳам ана шу, Максимилиан, мени бахтиёр этган ҳам шу, бахтсиз этган ҳам ана шу. Мен ўзимга-ўзим тез-тез шундай савол бераман: менга нима яхши – ўгай онамнинг дағаллиги ва ўғлига чексиз муҳаббати туфайли чекаётган ғам-ғуссами ёки сиз билан бирга бўлганда хавф-хатарларга тўла бахтиёрлигимми?

– Хавф-хатар! – деди қичқириб Максимилиан. – Бундай даҳшатли, адолатсиз сўзларни айтишга қандай журъат этдингиз. Наҳотки мен ҳамма итоатгўй қулларнинг энг итоатлиси бўлмасам? Сиз менга, Валентина, баъзида сўзлашишга ижозат бердингиз, аммо учрашишнинг пайига тушишни ман этдингиз, бунгаям итоат қилдим. Мана шу поллизга кириш ва сиз билан дарвоза тирқишидан гаплашиш, хуллас, жамолингизни кўролмай фақат овозингизни эшитиб туриш йўлини топганимдан буён жилла бўлмаганда қўйлагингизнинг этагига қўл теккизишга рухсат сўрадимми? Бирор марта ёш ва кучга тўла йигит учун заррача тўсиқ бўлолмайдиган мана шу девордан ошиб тушишга уриндимми? Бирор марта сизга бераҳм деб таъна қилдимми? Ўз истакларимни изҳор этдимми? Эртақлардаги баҳодирлар сингари



сўзимда қаттиқ турдим. Ҳеч бўлмаса мана шуни эътироф этинг, токи мен сизни адолатсиз деб ўйлайман.

– Бу ҳақ гап, – деди Валентина икки тахта орасидаги тешиқдан бармоқларининг учини чиқариб Максимилианнинг лабларига теккизар экан: – Бу ҳақ гап, сиз чиндан ҳам виждони пок дўстсиз. Бироқ сиз ўз шахсий манфаатингиз учун шундай қилдингиз, Максимилиан, чунки қул ҳаддидан ошган қуни ҳамма нарсадан маҳрум бўлажагини жуда яхши биласиз. Сиз менга – бирорта дўст-ғамхўрига эга бўлмаган, ўз отаси ҳам унутиб қўйган, ўгай онаси эса минг-минг мусибатларга дучор қилаётган мен шўрликка – жигарбанд акаларча дўст-ғамхўр бўлишга ваъда қилган эдингиз. Мен бечоранинг ягона овунчоғим – қимир этмай ётган, тил-забонсиз, муздек қотиб қолган бобомдир. У ҳатто менга қўлини узатишдан ҳам ожиз, фақат кўзлари билангина имо-ишора қилади, демак унинг юрагида оз бўлса-да, менга меҳр-шафқат сақланиб қолган. Иложим қанча, тақдирнинг амри шу экан! Мен шўрликка дўст ва мадаккор қилиб ягона мурдани ҳадя этган ҳам ана шу тақдир! Мен, Максимилиан, ҳақиқатан ҳам бахти қароман, сиз менга муҳаббат бағишлаб, ўзингизни ўйламай, менга ғамхўрлик қиляпсиз, бу жуда соз, азизим, жуда соз.

– Валентина, – деди Максимилиан ҳаяжонга тўлиб, – мен дунёда фақат биргина сизни севаман дея олмайман, чунки синглимни ҳам, куёвимни ҳам севаман, аммо бу уларга бўлган муҳаббатимга сира ўхшамайди. Сизни ўйлаганда қоним кўпириб, бутун вужудим ёниб кетади, юрагим типирчилаб, нафас ололмай қоламан, ана шу куч, ғайрат, ички туғённи, беқиёс қудратнинг ҳаммасини сизга бўлган муҳаббатимга берганман. Қайси кун айтсангиз, ўша қуни ҳаммасини сизга бағишлашга тайёрман. Айтишларига қараганда, Франц яна бир йил бўлмас экан бу ерда, бир йилда қанчадан-қанча қувончли воқеалар, қулай фурсатлар келиши мумкин! Умидвор бўлайлик, яхши ният қилайлик, «яхши ният – ярим давлат» дейдилар! Сиз, Валентина, мени худбинликда айблаб, таъна қиляпсиз, сиз ким эдингиз мен учун, ким? Ифбатли Венеранинг гўзал ва совуқ ҳайкали! Садоқатим, итоатим, сиполигим эвазига менга бирор нарса ваъда қилдингизми? Йўқ. Нима

ҳады қилдингиз менга? Деярли ҳеч нарса. Менга қайли-  
гингиз жаноб д'Эпине ҳақида гапирасиз-да, бир кун эмас,  
бир кун унинг измида бўлиш хаёлингизга келиб, ух тор-  
тасиз. Менга қаранг, Валентина, наҳотки қалбингизда  
шундан бошқа ҳеч нима бўлмаса? Бу қандай ҳол! Мен  
сизга ўз ҳаётимни, жонимни бағишласам, юрагим ҳам  
фақат сизни деб урса, сиздан ажраш менга ўлим деб  
юрсаму сиз пинагингизни бузмайсиз, бошқага тегиш  
тўғрисидаги фикр жиллагина ҳаяжонга солмайди сизни!  
Йўқ, агар мен сизнинг ўрнингизда бўлсайдим, сизни мен  
севганим каби севганларини билсайдим, мана шу тешик-  
лар орқали юз марта шўрлик Максимилианнинг қўлини  
сиқиб: «Мен, Максимилиан, сизникиман, фақат сизники  
бўламан, бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам сизникиман», деб  
такрор-такрор айтган бўлур эдим.

Валентина ҳеч нима демади, бироқ Максимилиан унинг  
хўрсиниб йиғлаётганини эшитиб турарди. У дарҳол эс-хуши-  
ни йиғиб хитоб қилди:

– Валентина, Валентина! Менинг сўзларим сизни ранжит-  
ган бўлса, Худо ҳақи, унутинг уларни, илтимос қиламан, уну-  
тинг?

– Йўқ, – деди қиз, – айтган ҳамма гапларингиз ҳақиқат,  
аммо кўриб турибсизки, кимсасиз бир бахти қаро мушти-  
парман, ёт бир кишининг уйида тураман, чунки отам ҳам  
менга етти ёт кишидек, мана ўн йилдирки ўгай онам ҳар  
кун, ҳар соат, ҳар дақиқа менга ўз ҳукмини ўтказиб, чурқ  
эткизмай эзиб келади, мен чекаётган азоб-уқубатларни ҳеч  
ким билмайди, фақат сизга айтдим уларни. Юзаки қараган-  
да ҳамма менга раҳмдилдек, ҳамма мени севгандек кўрина-  
ди, ҳақиқатда эса ҳаммаси менинг душманим. Одамлар: «Жа-  
ноб де Вильфор қаттиққўл ва жиддий одам, шу сабабли у  
қизини эркалатиб қўймайди, аммо де Вильфор хонимдек  
ўгай она қўлида Валентина бахтиёр бўлса керак» дейиша-  
ди. Лекин одамларнинг бу гаплари нотўғри. Отам менга асло  
эътибор бермайди, ўгай онамнинг эса кўрмоққа кўзи йўқ  
мени, илжайиб турса-да, ич-ичидан нафратланади мендан,  
ёмон кўради мени.

– Сизни-я? Сизни қандай қилиб ёмон кўриш мумкин, Ва-  
лентина?

– Азизим, – деди Валентина, – бу табиий бир ҳол, у ўз ўғлини, укам Эдуарни жонидан ҳам яхши кўради.

– Яхши кўрса нима бўпти?

– Бу масалага пулни аралаштириш ғалати туюлиши мумкин, аммо, ҳар қалай унинг менга нафрати ана шундан келиб чиқади. Унинг ҳеч қанча бойлиги йўқ, мен эса онам қазо этгандан сўнг катта мерос олдим, бунинг устига бир кун бориб жаноб де Сен-Меран ва малика де Сен-Мерандан ҳам бой мерос қолади менга, унда ҳалиги бойлик икки баробар кўпаяди. Менимча, ана шунга онамнинг ҳасади кел-япти. Қани энди ўша бойликнинг ярмини беролсаму отамнинг уйида ўзимни чин туғишган қиз ҳис этсам, минг-минг шукур қилардим Худога!

– Эҳ, менинг шўрлик Валентинам!

– Ҳа, мен ўзимни оёқ-қўлига кишан урилгандек ҳис этаман, аммо шу қадар заиф, шу қадар беҳолманки, кишан мени суяб турибди-ю, уни ташлаб юборсам йиқилиб тушаманмикин деб қўрқаман. Бунинг устига отам гапига қулоқ осмаганларни жазосиз қўядиганлардан эмас. У менга ҳоким, сизни ҳам, ҳатто қиролни ҳам ўз амр-фармони остида тута олади, чунки пок ўтмиши, нуфузи билан беқиёс кучли. Сизга, Максимилиан, онт ичиб айтаманки, ўзим билан сизни ҳалок этиб қўймайин тағин, деб уларга қарши курашмаялман.

– Валентина, ахир, – деди эътироз билдириб Максимилиан, – нега бунчалик умидсизланасиз, нечун истиқболдан умид узасиз?

– Азизим, ўтмишга қараб шундай хулосага келаман.

– Менга қаранг, аристократик нуқтаи назардан жуда боп келмасам-да, ҳар ҳолда кўп жиҳатдан мен ҳам ўша сиз яшаб келаётган жамоатга мансуб кишиларданман. Францияда бир вақтлар икки Франция бўларди: монархия даврининг асилзодалари Францияси ва Империя асилзодаларининг Францияси. У замонлар ўтиб кетди. Монархия асилзодалари империя асилзодаларига тутшиб, бирлашиб кетди, қилин аристократияси замбарак аристократияси билан қавм-қариндош бўлиб қолди... Мен эса сўнггисига мансубман: менинг порлоқ истиқболим армияда, оз бўлса-да, фақат ўзимга тегишли бойлигим – мулким бор, ниҳоят биз-

нинг ўлкамизда отамни ҳурмат билан эсга олишади ва энг олижаноб савдогарлардан деб улуғлашади. «Бизнинг ўлкамизда» деганимнинг боиси шуки, Валентина, сиз ҳам деярли Марселдансиз.

– Меним ҳузуримда, Максимилиан, Марселни асло тилга олманг, бу ном менга онажонимни – ҳамманинг кўз ёшини тўкиб дунёдан ўтган, ерда қизини озгина вақт қўриқлай олган (аминманки, у ҳозир ҳам мени қўриқлаб, ҳимоя қилиб турибди) фариштамни эслатади. Эҳ, Максимилиан, қани энди шўрлик онам тирик бўлсайди, ҳеч нарсадан қўрқмаган, хавотирланмаган бўлур эдим. Мен унга, мана шу йигитни – Максимилианни севаман, деб айтиб қўя қолардим, у бизнинг иккимизни ҳимоя қиларди.

– У тирик бўлганида, – деди эътироз билдириб Максимилиан, – мен сизни билмаган бўлур эдим, ахир ўзингиз, «унда мен бахтиёр бўлур эдим» дедингиз, бахтиёр Валентина эса менга қайрилиб боқмас ҳам эди.

– Азизим, – хитоб қилди Валентина, – мана энди сиз менга адолатсизлик қиляпсиз... бироқ айтинг-чи...

– Хўш, сиз нима дейишимни истайсиз? – сўради Максимилиан қизнинг иккиланиб турганини сезиб.

– Битта саволим бор, шунга жавоб беринг, – деди қиз, – Марселда ўша вақтда сизнинг отангиз билан менинг отам ўртасида бирор кўнгилсиз воқеа ўтганмиди?

– Билмадим, бундан хабарим йўқ, – деди Максимилиан, – фақат шуниси аёнки, сизнинг отангиз кўпроқ Бурбонларга тарафдор эди, менинг отам эса императорга содиқ эди. Менимча, иккиси шу масалада бир-бири билан келиша олмас эди. Сиз нега буни суриштириб қолдингиз?

– Ҳозир тушунтириб бераман, – деди қиз, – сиз ҳаммасини билишингиз керак. Бу сизга Фахрий легион кавалери унвони берилгани газеталарда эълон қилинган куни юз берган эди. Биз ҳаммамиз бувам Нуартъеникида эдик, Данглар ҳам ўша ерда эди. Уни танисангиз керак, ўзи банкир, унинг отлари бундан уч кун олдин ўгай онамни ва укамни нақ бўлмаса ўлдираётган эди. Ушанда мен бувамга газета ўқиб бераётган эдим, бошқалар мадемуазель Дангларнинг никоҳи ҳақида гап сотишаётган эди. Газетанинг сизга тааллуқли ерига келганимда (мен бу ёқимли хабарни бир кун

аввал эрталаб ўзингиздан эшитган эдим) ўзимни ниҳоятда бахтиёр ҳис этдим, чунки сизнинг номингизни тилга олиш мени ҳаяжонга солди, агар турли бемаъни гап қилишларидан қўрқмаганимда номингизни айтмай ўтиб кетардим, лекин бўлмади, иродамга куч бердим-да, ўқиб юбордим.

– Оҳ, азизим Валентина!

– Шундай қилиб, номингизни тилга олишим билан отам ялт этиб менга қаради. Сизнинг номингиз ҳаммага яшин ургандек таъсир этишига имоним комил эди (қаранг, мен қанақа тентакман), отам худди сесканиб кетгандай туюлди, жаноб Дангларнинг вужудида ҳам худди шундай ҳол юз берганини сездим.

«Моррель, – деди отам, – тўхтанг! (У қовоғини солди.) Бу ўша бир минг саккиз юз ўн бешинчи йилда бизни кўп овра қилган Марселдаги ашаддий бонапартчи Морреллардан эмасми?»

«Худди ўшалардан, – жавоб қилди Данглар, – менимча бу ўша арматорнинг ўғли бўлса керак».

– Эҳ-э, шундай денг ҳали! – деди Максимилиан. – Отангиз нима деди ўшанда?

– Шундай даҳшатли сўз айтдики, уни такрорлашга тилим бормаяпти.

– Майли, айтаверинг, – деди илжайиб Максимилиан.

«Уларнинг императори, – деди у қошларини чимириб, – мутаассибларнинг ҳаммасини бошлаб таъзирини берганди. У мухлисларини замбаракка гушт деб ҳақ гапни айтган эди. Янги ҳукумат яна ўша нажотбахш принципни қўллаётганидан жуда шодман. У Жазоирни, бизга қимматга тушаётган бўлса-да, фақат шунинг учун сақлаётган бўлса, мен ҳукуматни олқишлайман».

– Бу чиндан ҳам жуда кўпол сиёсат, – деди Максимилиан. – Қўйинг, жаноб де Вильфорнинг сўзларидан хижолат тортманг, менинг отам бу масалада сизнинг отангиздан ҳеч қолишмасди ва доим: «Ҳеч тушунолмаيمان, нега император судлар ва адвокатлардан бир полк тузиб, ҳар гап жанг майдонининг олдинги позицияларига юбормайди?» деган сўзларни такрорларди. Мана, азизам, кўриб турибсизки, сўзамолликда икки томон ҳам бир-биридан қолишмайди. Қироллик прокурорининг ҳужумига Данглар нима деб жавоб берди?

– У одатдагича ўзига хос заҳарханда қилиб қўя қолди. Бир дақиқа ўтар-ўтмас улар туриб чиқиб кетишди. Фақат шунда мен бувам ниҳоятда ҳаяжонга тушиб қолганини кўрдим. Сизга, Максимилиан, шуни айтишим зарурки, бечора фалажнинг ҳаяжонланиб, оғир қайғуга тушганини биргина мен кўраман. Умуман бу сўзлар унга оғир таъсир этишини дарров англаган эдим. Ахир шўрлик бувамга ҳеч ким эътибор бермай қўйган, унинг императорини айблаб, қоралаб ташладилар, у эса, афтидан императорга жуда содиқ бўлган экан.

– Империя даврида, – деди Максимилиан, – у жуда машхур зотлардан эди, сенатор эди, буни эҳтимол билсангиз керак, Валентина, Реставрация давридаги бонапартчиларнинг ҳамма фитналарида қатнашган эди.

– Тўғри, баъзан шу ҳақда шивирлашиб гапираётганларини эшитиб қоламан, бу менга жуда ғалати туюлади: бувам – бонапартчи, отам – роялист, чиндан ҳам таажжубланадиган ҳол, тўғрими?.. Шундай қилиб, бувам менга ялт этиб қаради-да, газетага имо қилди.

«Бува сизга нима бўлди? – сўрадим мен. – Сиз бундан мамнунмисиз?»

У кўзи билан «ҳа» деб ишора қилди.

«Отамнинг айтганлариданми?» – сўрадим.

Имо билан «йўқ» деди.

«Жаноб Дангларнинг сўзлариданми?»

У яна «йўқ», деб ишора қилди.

«Демак, жаноб Моррель (мен Максимилиан дея олмадим)-нинг Фахрий легион кавалери унвони олганидан хурсанд экансиз-да?»

У «ҳа» деди имо билан.

– Ўзингиз ўйлаб кўринг, Максимилиан, у сизни танимасаям, Фахрий легион кавалери бўлганингиздан мамнун. Эҳтимол, у ақлдан озиб алжигандир, чунки чол инжиқ болага ўхшаб қолади, дейишади, бироқ у ана шу «ҳа» ибораси билан мени бахтиёр этди.

– Қизиқ, – деди ўйга чўмиб Максимилиан, – отангиз мени ўлгудек ёмон кўради, бувангиз эса... Бу сиёсатдаги тарафма-тарафлик жуда ғалати экан-да!

– Жим! – деди ҳаяжонланиб Валентина. – Яширининг, қочинг! Кимдир келяпти бу ёққа!

Максимилиан белкуракни олди-да, зўр бериб бедазорни ўя бошлади.

– Мадемуазель! Мадемуазель! – деб қичқирди аллаким дарахтлар орқасидан, – де Вильфор хоним сизни чақиряптилар, меҳмон кутиб ўтирибди.

– Меҳмон? – деди ташвишга тушган Валентина. – Ким экан у?

– Номдор меҳмон? Граф Монте-Кристо эмиш.

– Ҳозир, ҳозир бораман, – деди овозини баланд кўтариб Валентина.

Дарвозанинг нариги томонидаги зот учун «ҳозир, ҳозир» сўзлари хайр азизим, дегани эди. У буни эшитиб бадани титраб кетди.

«Ана холос! – ўй суриб кетди белкурака суюниб турган Максимилиан, – граф Монте-Кристо Вильфорни қаердан та-ниркин?»

#### **XIV. ТОКСИКОЛОГИЯ<sup>36</sup>**

Бу ростдан ҳам граф Монте-Кристо эди. У Вильфор хоним ҳузурига қироллик прокурориникига ташриф буюриш мақсадида келган эди, табиийки, унинг номини эшитиб уйдагиларнинг барчаси довдираб қолди.

Меҳмон келганини хабар қилганларида де Вильфор хоним меҳмонхонада эди, у дарров, графга яна миннатдорлик билдирсин, деб ўғлини чақиртирди. Утган икки кун мобайнида донгдор киши ҳақида жуда кўп гаплар эшитган Эдуар, она-сининг гапига қулоқ солиш ёки графга миннатдорлик изҳор этиш учун эмас, қизиқсингани учун, бирор сўзни илиб олиб луқма ташлаш ва она бечорани: «Э-эҳ, жуда жонга тегди бу бола! Аммо жуда ақлли-да, уни ғазабга сополмаганимнинг боиси ҳам шу!» деб жавратиш учун шу онда югуриб келди.

Одатдаги салом-алиқдан сўнг граф жаноб де Вильфорни сўради.

– Эрим юстиция министриникида меҳмонда, – деди ёш жувон, – у ҳозиргина кетди, аминманки, сиз билан бу ерда

---

<sup>36</sup> Заҳарлар ҳақидаги илм.

бўлиш шарафига муяссар бўлполмаганидан жуда ачиниб қолади.

Граф кирганда меҳмонхонада икки киши ўтирган эди. Улар бир оз графга тикилиб ўтиришди-да, сўнг чиқиб кетишди.

– Айтганча, опанг Валентина нима қилиб юрибди? – сўради де Вильфор хоним Эдуардан. – Бор, айт, уни чақириб келишсин, графга таништириб қўяй.

– Малика, қизингиз борми? – сўради граф. – У жуда ёш бўлса керак?

– Жаноб де Вильфорнинг биринчи хотинидан, бўйи етиб қолган гўзал қиз.

– Лекин жуда ҳазин, диққинафас, – сўз қотди Эдуар чиройли тўтиқушни чирқиратганча патини юлиб, шляпасига тақиб оларкан.

Вильфор хоним:

– Овозингни ўчир, Эдуар! – деб қўя қолди. Сўнг у қўшимча қилди: – Боланинг гапида жон бор, бу тирмизак, мен кўп маҳал қайғуриб айтган гапларимни қайтарди, мадемуазель де Вильфор жуда одамови, индамас, «ичимдагини топ»лардан. Биз унинг кўнглини очиш учун кўп уриндик, аммо бўлмади. Унинг бу хислати кишини мафтун этадиган ҳуснига доғ бўлиб тушяпти. Нечундир келмаяпти у, Эдуар, нима гап ўзи, бор, билиб кел.

– Уни йўқ жойдан ахтариб юришибди-да.

– Қаердан ахтаришяпти?

– Пуартье буваникидан.

– Сенингча, у ерда йўқми мадемуазель?

– Йўқ, йўқ, йўқ, у ерда йўқ, – деди қироат билан Эдуар.

– Йўқса, қаерда у? Билсанг айт.

– Катта каштанлар олдида, – деди тажанг бола онасининг қичқириғини ҳам назар-писанд қилмай, тўтиқушнинг тумшуғига пашша тутиб.

Вильфор хоним оқсочга Валентинанинг қаердалигини айтмоқчи бўлиб кўнғироққа қўл узатаётганда унинг ўзи хо-нага кириб келди.

Қиз ҳақиқатан ҳам жуда ғамгин эди, диққат билан қараган киши яқиндагина кўз ёши тўкканини фаҳмлаб оларди.



Ҳали биз Валентинанинг ташқи қиёфасини шошиб бир оз тасвирлаб берган эдик китобхонларимизга. Ана шу нозанин қиз сарвиқомат, бўйдор, ўн тўққиз баҳорни эндигина кўрган қиз эди, сочлари қўнғир, кўзлари қуралай, юриши ҳам онасиники каби чиройли, қўллари оппоқ, бўйни марвариддек оқ, юзига озгина қизил югурган, биринчи кўришда ҳамма уни шишадек сувга қараб пардоз қилаётган оққушга ўхшатадиган гўзал англиялик қиз деб ўйлаши мумкин.

Қиз киргач, ўғай онаси ёнида ўтирган хорижий кишига кўзи тушди, кибру ҳаво қилмай, кўзини узмай туриб назокат билан таъзим этди, бундан фойдаланган граф қизни диққат билан кўздан кечириб олди.

Граф ўрнидан турди.

Вильфор хоним дивандаги ёстиққа суяниб.

– Ўғай қизим мадемуазель де Вильфор, – деб қўли билан графга қизни кўрсатди.

– Бу киши эса граф Монте-Кристо, Хитой қироли, Кохинхан императори, – деди бидирлаб ер остидан опасига разм солиб турган жинқарча.

Бу гал ўғлининг беадаблигидан де Вильфор хонимнинг жаҳли чиқиб, бўзариб кетди, бебошни ғазабига олмоқчи ҳам бўлди, бироқ кутилмаган ҳолда граф илжайиб болага меҳр билан қаради, буни кўриб она беҳад шод бўлиб кетди.

– Малика, – деди граф суҳбатни давом эттириб, у гоҳ Вильфор хонимга, гоҳ Валентинага қарарди. – Чамамда, мен сизни ва мадемуазель де Вильфорни қаердадир кўрган-декман? Мен эслаб ўтирган эдим, мадемуазель кириб келгач, бу тахминим равшанлаша бошлади.

– Бундай бўлиши маҳол, мадемуазель де Вильфор кўпчилик гурунгини ёқтирмайди, биз эса сафарларда жуда камдан-кам бўламиз, – деди ёш аёл.

– Мадемуазель де Вильфорни ҳам; сизни ва мана бу ажойиб жинқарчани ҳам кўпчилик гурунгида – жамоат орасида кўрганим йўқ. Бунинг устига Париж жамоатчилиги билан мен мутлақо таниш эмасман, чунки Парижга келганимга беш-олти кун бўлди, холос. Рухсат этсангиз, эсга солай қаерда учрашганимни...

Граф учала бармоғини пешанасига қўйиб ўйлаб қолди.

– Бу очик ҳавода... боғ-роғли жойда... бўлган эди... билмадим... негадир буни ўйласам офтоб ярқираб турган кун, қандайдир диний байрам эсига тушади. Мадемуазель де Вильфорнинг қўлида бир тутам гул бор эди ўшанда, бола эса боғда қип-қизил товусни қувиб юрганди, сиз эса ток таралган шийпонда ўтирган эдингиз... Ёрдам қилсангиз-чи, маликам! Наҳотки, менинг бу гапларим ҳеч нарсани эслатмаса сизга?

– Чиндан эслаёлмаяпман, – жавоб қилди де Вильфор хоним, – агарда мен сизни бирор ерда кўрганимда, сиздек зотнинг қиёфаси асло ёдимдан кўтарилмасди.

– Эҳтимол, граф бизни Италияда учратгандир, – деди аста Валентина.

– Ростдан ҳам Италияда... бўлиши мумкин, – деди Монте-Кристо, – сиз Италияда бўлганмисиз, мадемуазель?

– Бундан икки йил муқаддам биз малика де Вильфор билан у ерда бўлган эдик. Докторлар ўпкамдан хавотирланиб, Неаполда яшашни маслаҳат беришган эди. Йўл-йўлакай Болоньеда, Перуджада ва Римда тўхтаган эдик.

– Энди эсимга тушди! – деди хитоб қилиб Монте-Кристо, бу ишора гўё хотирасини равшанлаштиргандек. Перуджада вожибал вужуд байрами куни Почта меҳмонхонасининг боғида, мен тасодифан сизни, мадемуазель де Вильфорни ва ўғлингизни учратиб қолгандим, ана ўша ерда сизни кўриш шарафига муяссар бўлган эдим.

– Перуджа, Почта меҳмонхонаси, у ерда бўлган байрам – ҳаммаси худди кечагидек эсимда, граф, – деди де Вильфор хоним, – бироқ шунча ўйласам-да сизни кўрганимни ҳеч эслаёлмаяпман.

– Ажабо, мен ҳам шундай, – деди Валентина мафтункор кўзларини Монте-Кристога тикиб.

– Мен жуда яхши эслаб турибман, – деди Эдуар.

– Ҳозир эсингизга соламан, – давом этди граф. – Ўшанда офтоб жазиллатиб турган эди, сиз извош кутаётгандингиз, сайил куни эди, ҳадеганда извош келавермади. Мадемуазель боғнинг тўрига ўтиб кетди, ўғлингиз эса товусни қувиб, кўздан ғойиб бўлди.

– Ойи, эсингиздами, мен ўшанда товусни тутиб, – деди Эдуар, – думидан учта патини юлиб олгандим.

– Сиз, малика, ток таралган шийпончада ўтириб қолдингиз, қизингиз ва ўғлингиз келгунча аллаким билан узоқ суҳбатлашдингиз, эсингиздами?

– Эсимда, тўғри, – деди де Вильфор хоним қизариб, – эсимда, у узун плаш кийган киши эди... чамамда доктор бўлса керак.

– Худди шундай. Уша одам мен эдим, меҳмонхонада икки ҳафтадан буён турардим. Камердинеримни безгақдан даволадим, меҳмонхона хўжайинини сариқ касалидан қутқардим. Мени машҳур докторга чиқариб қўйганларининг боиси ҳам шунда. Иккимиз турли мавзуларда: Перуджино тўғрисида, Рафаэл тўғрисида, урф-одатлар, костюмлар, аква тофан тўғрисида (бунинг сирини биладиганлар Перуджада ҳалиям бор дейишади) узоқ сўзлашдик.

– Тўғри, тўғри, – деди шошиб ва бир оз ташвишланиб Вильфор хоним, – эсимга тушяпти.

– Сизнинг сўзларингизни батафсил эслаёлмаяпман, – давом этди вазмин оҳангда бамайлихотир граф, – бироқ мадемуазель де Вильфорнинг соғлиғи масаласида мендан маслаҳат сўраганингиз ёдимда.

– Сиз бир неча касалларни даволаган бўлсангиз, демак, чиндан ҳам доктор экансиз-да.

– Мольер ва Бомарше бўлганида бу доктор бўлмагани учун шундай бўлди, деб жавоб берарди сизга. Касалларни мен соғайтирганим йўқ, ўзлари тузалиб кетишди. Мен сизга фақат шуни баён этишим мумкинки, кимё ва тиббиёт билан жуда чуқур шуғулланганман, бироқ бир ҳаваскор сифатида, албатта...

Шу пайт соат олтига бонг урди.

– Соат олти бўлибди, – деди афтидан жуда қаттиқ ҳаяжонга тушган де Вильфор хоним, – Валентина, бувангиз овқатланмоқчидир, бориб билинг-чи.

Валентина ўрнидан турди-да, графга таъзим қилиб, индамай чиқиб кетди.

– Тавба, наҳотки, хоним мени деб мадемуазелни чиқариб юборган бўлсангиз? – сўради граф Валентина чиқиб кетгач.

– Асло ундай эмас, граф, – деди шошиб ёш жувон. – Айни шу пайтда жаноб Нуартъени овқатлантирамиз, зиғир-

дак овқат адоийи-тамом бўлиб қолган чолга бир оз мадад бериб туради. Эримнинг отаси қандай ночор аҳволда экани сизга маълумдир?

– Жаноб де Вильфор айтганди, уни фалаж йиқитган шеклли, тўғрими?

– Ҳа, фалаж йиқитди. Шўрлик чол қимир этолмай ётибди. Фақат юраги сўниб бораётган чироқ пилиги каби титраб турибди, холос. Оиламиздаги бахтсизлик тўғрисида эзмалик қилганим учун кечиринг мени, граф. Моҳир кимёгарман деётганингизда сўзингизни бўлиб қўйган эдим.

– Мен бундай деганим йўқ, – деди жавобан жилмайиб граф. – Мен кимёни, кўпроқ шарқда яшамоқчи бўлганим сабабли, шоҳ Митридатдан ўрнак олиш ниятида ўрганган эдим.

– *Mithridates, rex Ponticus*, – деди тирмизак бола рангдор альбомдан суратларни қирқаётиб, – у одам ҳар кун наҳорга бир пиёла захарга қаймоқ қўшиб ичаркан.

– Эдуар, беодоблик қилма! – деди де Вильфор хоним ўғлининг кўлидан дабдаласи чиққан альбомни тортиб олиб, – жуда жонга тегдинг-да. Йўқол бу ердан, опангнинг олди-га – буванг Нуартъенинг хонасига, бор.

– Альбом... – деди Эдуар.

– Нима альбом?

– Альбомни беринг...

– Нега суратларини қирқиб ташладинг?

– Қирққим келди, қирқдим-да, нима бўпти.

– Йўқол кўзимдан, йўқол.

– Альбомни олмагунча кетмайман, – деди бола ва қайсарлиги тутиб, чуқур курсига ўтириб олди.

– Ол альбомни, тинч қуй бизни, – деди де Вильфор хоним ва Эдуарга альбомни узатди-да, болани эшиккача кузатиб қўйди.

Граф де Вильфор хонимдан кўзини сира узмай ўтирарди.

– Қани кўрамиз, хоним ўғлини чиқариб юбориб эшикни бекитиб қўярмикин, – деди минғиллаб граф.

Вильфор хоним ўғли чиқиб кетгач, эшикни маҳкам бекитиб қўйди, граф эса ўзини кўрмаганга солди.

Сўнгра ёш жувон яна атрофни кўздан кечириб чиқди-да, қайтиб ўрнига ўтирди.

– Кечирасиз, аммо айтишга мажбурман: сиз болани жуда қаттиқ ушларкансиз, – деди граф ўзини соддаликка солиб.

– Шундай қилмаса бўлмайди, – эътироз билдирди де Вильфор хоним.

– Эдуар шоҳ Митридат ҳақида гапирганда Корнелий Непотдан далил келтираётганди, – деди граф, – сиз уни энг ўткир жойда сўзини кесиб қўйдингиз, кўриниб турибдики, ўқитувчи вақтни беҳуда ўтказмабди, ўғлингиз ёшига қарамай жуда зеҳли бола.

– Тўғри айтасиз, граф, – жавоб қилди мақтовга маҳлиё бўлган она, – жуда иқтидорли бола, истаган нарсасини эсида жуда маҳкам сақлаб қолади. Унинг фақат битта камчилиги бор: жуда талтайиб кетган... бироқ унинг айтганига қайтайлик: – Граф, сиз Митридат эҳтиёт шарт ҳалигидай чора кўрганига ишонасизми? Чиндан ҳам ўша қаймоққа қўшиб ичилган дори яхши таъсир қиладими?

– Мен бунга батамом ишонаман, чунки бу усулни ўзим ҳам Неаполда, Палермода ва Смирнада қўллаб, шу дорини ичиб уч марта ўлимдан қолдим.

– Ёрдам қилдими?

– Жуда яхши ёрдам берди.

– Тўғри, эсимга тушди; Перуджада ҳам менга шунга яқин бир нарса айтган эдингиз.

– Ростданми? – деди граф ўзини жуда усталлик билан ажабланган кишига ўхшатиб, – нима деганим эсимда йўқ.

– Мен сиздан заҳар шимолликларга ҳам, жануб кишиларига ҳам бир хилда таъсир қиладими, деб сўраган эдим, сиз совуққон шимолликларга заҳар, қизиққон ва серфайрат жанубликларга қараганда камроқ таъсир этади, деб жавоб берган эдингиз.

– Бу гапингиз тўғри, – деди Монте-Кристо, – руслар гиёҳлардан ясалган турли нарсаларни, соғлиққа ҳеч зарар етказмай еб юрганларини кўрган эдим, мабодо ўша нарсаларни неаполитанлик киши ёки араб еса тил тортмай ўлиши ҳеч гап эмас.

– Сиз, бу борада Шарққа қараганда бизда яхши натижаларга эришиш мумкин, туман ва ёмғирлар қуршовида яшовчи кишига, иссиқ ҳавода яшовчига қараганда заҳар ютишни ўрганиш осон, деб ўйлайсизми?

– Шубҳасиз, бироқ шуни унутмаслик керакки, киши ўз танини қандай заҳарга ўргатган бўлса ўша заҳар унга фойда беради, ўлимдан сақлайди.

– Тушунарли, сиз ўзингизни бунга қандай қилиб ўргатган бўлур эдингиз? Тўғриси, қандай қилиб ўргатдингиз?

– Бу жуда осон. Аввал сизга қанақа заҳар бермоқчи эканларини фараз қилинг... сизга масалан, бруцин деган заҳар бермоқчилар, деб чамаланг...

– Бруцинни ясама ангустур қобифидан оладилар, шекилли, – деди де Вильфор хоним.

– Худди шундай, – жавоб қилди Монте-Кристо, – бироқ бу борада сизга менинг ўргатиб ўтиришимнинг ҳеч ҳожати йўқ экан, бу соҳадаги билимингиз билан сизни табриклайман, хоним. Бундай билимга эга кишилар хотинлар орасида камдан-кам топилади.

– Эътироф этишим керакки, – деди де Вильфор хоним, – оккульт фанларни жуда яхши кўраман, бу фанлар, худди поэзия каби фикр-хаёлларни жўшқинлаштириб юборади ва алгебрадаги тенгламалар сингари рақамлар билан ечилади, илтимос қиламан ҳикоянгни давом эттиринг, гапларингизга жуда қизиқиб қолдим.

– Шундай қилиб, – деди сўзини давом эттириб Монте-Кристо, – сизга бериладиган заҳарни бруцин деб фараз қилинг, биринчи кун ундан бир миллиграмм, иккинчи кун икки миллиграмм қабул қилдингиз, шу зайлда ўн кунда бир центиграммга етасиз. Йигирма кундан кейин, кунига яна бир миллиграммдан қўшиб бориб уч центиграммгача қабул қиласиз, яъни ҳеч зарар-заҳматсиз, заҳарни кўпроқ ейдиган бўлиб оласиз. Эҳтиёт чораларини кўрмаган бошқа бирор киши бунчалик ичса ҳаётини таҳликага солиб қўйган бўлади. Охирида бир ойдан кейин бу шунгача бориб етадики, сиз билан бирга графиндан бир стакан сув ичган киши шу заҳоти тил тортмай ўлади, сиз эса фақат сал тобингиз қочганидан сувга заҳар қўшилганини ҳис қиласиз.

– Бунга қарши яна қанақа чора бор, биласизми?

– Йўқ, билмайман.

– Митридат тўғрисидаги ўша ҳикояни мен қайта-қайта ўқиб чиққан эдим, – деди хаёл сўрган ҳолда де Вильфор хоним, – лекин мен уни эртак деб билардим.

– Йўқ, эртақ эмас, тарихчиларнинг одатларига қарши ўлароқ, у ҳикоя чин ҳақиқат. Кўриб турибманки, суҳбатимизнинг мавзуси сиз учун кутилмаган нарса эмас экан. Бундан икки йил муқаддам сиз менга худди ҳозирги каби саволлар бергандингиз, ўзингиз ҳам Митридат ҳақидаги ҳикоя кўпдан буён мени қизиқтириб келади, дедингиз.

– Граф, ҳақиқатан ҳам шундай, ёшлигимда мен кўпроқ ботаника ва минерология билан қизиқардим. Шифобахш гиёҳлардан ясаладиган дорилар билан даволаниш тарихини ўрганишим шарқ халқларининг тарихини, шарқликларнинг турмушини ўрганишнинг калити эканини билгач, Фламель, Фонтана ёки Кабанисга ўхшаган одам бўлиш учун эркак бўлиб туғилмаганимга ачиндим.

– Яна шуниси ҳам борки, малика, – деди Монте-Кристо. – Шарқда кишилар заҳардан ўзларига Митридат сингари қалқонгина эмас, ҳатто ханжар қилиб ҳам фойдаланишади, фан уларнинг кўлида муҳофаза қуроли бўлибгина қолмай, ҳужум қуроли бўлиб қолаётир, биринчиси билан тан азобидан сақланишса, иккинчиси билан ўз душманларига қарши қурашаяптилар. Афюн, белладонна (заҳарли ўсимлик), лжеангустура, тафрон дарахти уларга кўзларини очиб қўймоқчи бўлганларни ухлатишига ёрдам берапти. Бу ерда сиз кўнгли очиқ деб атаганингиз Миср, Турк ёки Грек аёллари орасида кимё соҳасидаги билими билан ҳар қандай врачни ҳайратда қолдирмайдигани йўқ, психология соҳасидаги илми билан ҳар қандай диндорни даҳшатга солади шарқ аёллари.

– Шундайми ҳали! – деди де Вильфор хоним. Шу сўзлар айтилган пайтда унинг кўзлари ғалати чақнаб кетди.

– Шундай, – давом этди Монте-Кристо, – Шарқнинг барча сирли драмалари ишқ-муҳаббат борасида чигаллашадида, ажал гиёҳи ёки шаробда тамоматига етади. Инсон табиатида қанчаки жисмоний ва маънавий қилиқ-одатлар бўлса, бу борада ҳам шунчалик хилма-хилликлар мавжуд. Яна қўшимча қилиб шуни ҳам айтиш керакки, бу моҳир кимёгарлар касал ва унинг дори-дармони масаласини ўзларининг муҳаббат йўлидаги саргузаштларига ва қасос олиш истакларига жуда бошлаб боғлаб юборишади.

– Бироқ, граф, – эътироз билдирди ёш жувон, – сиз ҳаётингизнинг ярмини ўтказган ўша Шарқ жамияти, меним-

ча, у ажойиб мамлакатларнинг эртактаридек, афсонафий жамият бўлса керак, тўғрими? У ерларда одам ўлдиргани жазога тортмасалар керак, шундайми? Демак, Галлан<sup>37</sup> асарида тасвир этган Бағдод ва Бассора ҳақиқатан ҳам бор экан-да? Демак, ўша жамиятни идора қилаётган ва Францияда ҳукумат деб аталадиган юқори маҳкамани бошқарадиган султонлар ва вазирлар чиндан ҳам ўша Хорун-ар-Рашид ва Жаъфарлар экан-да. Улар заҳарловчининг гуноҳини кечиш билан кифояланиб қолмай, жуда қувлик, усталик ва маккорлик билан жиноят қилган бўлса, зериккан вақтларида кўнгил очиш учун уни биринчи министр қилиб қўйишади ва бу жиноятни тарих саҳифасига олтин ҳарфлар билан ёзиб қўйиш ҳақида фармон беришади, тўғрими?

– Йўқ, малика, фавқулодда ҳодисалар замони Шарқда ҳам ўтиб кетди, у ерларда бошқача номда ва бошқача либосда полиция комиссарлари, терговчилар, қироллик прокурорлари ва экспертлар мавжуд, у ерларда ҳам жиноятчини жуда боплаб осадилар, калласини танасидан жудо қиладилар, қозикқа ўтқаздилар, бироқ у ердаги абжир фирибгар жиноятчилар жазодан жуда усталик билан қутулиб олиб ўз режаларининг муваффақият билан амалга ошишини таъминлайдилар. Бизда эса нафрат ва очкўзликка муккасидан кетган тентак душманининг кунини калта қилиш учун ёки кексайиб қолган қариндошини ўлдириш учун фармацевтга мурожаат қилишади (шу вақт у ўзига уйдирма ном қўйиб ҳам олади) ва «каламушлар уйқу бермаяпти» деган баҳона билан беш-олти грамм маргимуш сотиб олади. Борди-ю, у жуда қув бўлса, бирин-кетин бир неча фармацевтнинг олдига боради, бироқ бу билан тентак, тутиб олишларини беш-олти марта енгиллаштириб қўяди. Ясама ном билан борганда ҳам уни тутиб олиш осонлашади. Зарур дори – маргимушни олиб бориб, ҳатто филни жойида қотириб қўядиган миқдорда душманига ёки кекса қариндошига едиради, бечоралар оғриққа чидолмай ер-кўкни бошларига кўтариб дод-фарёд соладилар, бутун маҳалларга келади, шундан кейин полициялар ва жандармлар

---

<sup>37</sup> Антуан Галлан (1646–1715) – француз шарқшуноси, «Минг бир кеча»нинг таржимони.



ёпирилиб келиб, доктор чақришади, у мурдани ёриб, қорнидан ва ичагидан қошиқ-қошиқ маргимуш олишади. Эртасига бу воқеа ҳақида юзта газетада хабар босилади, қурбон бўлганлар ва қотилларнинг номлари санаб чиқилади. Кечқурун битта ёки бир неча фармацевтни келиб «маргимушни у мендан сотиб олган эди» деб хабар беришади. Заҳар сотиб олган тентак жиноятчини тутиб олишади-да, турмага тиқишади, сўроқ қилишади, гувоҳларни чақириб юзма-юз гапиртиришади, гуноҳини бўйнига қўйиб, жазога тортишади ва жаллод кундасига босишади, мабодо у зодагонлар оиласидан бўлса, умрбод қамоққа ҳукм қилишади. Мана, кўрдингизми, сизнинг шимолликларингиз кимёга ана шундай муносабатда бўлишади. Бироқ Дерю<sup>38</sup> анча ақлли бўлган эди.

– Иложи қанча, – деди кулиб де Вильфор хоним, – одамлар кўлидан келганини қилади. Медичи ва Борджиа билган сирларни камдан-кам киши билади.

– Энди, – деди граф елкасини қисиб, – бу бемаъниликлар нимадан келиб чиқишини айтиб берай истасангиз? Шундан келиб чиқадики, сизнинг театрларингиздаги қўйиладиган пьесаларда (мен уларни ўқиб чиқиб, шундай деяпман) кишилар тез-тез шишачаларда дориларни бир хўплаб ичиб юборишади ёки узукка жойлаштирилган заҳарни ютишади-да, тил тортмай қолишади, беш дақиқадан сўнг парда тушади, томошабинлар уй-уйига жўнаб кетади. Қотилликнинг оқибати сир бўлиб қолади: сиз ҳеч вақт полиция комиссарини ҳам, тўрт солдатни етаклаб келган капрални ҳам кўрмайсиз, шу сабабли бефаҳм кишилар ҳаётда шунақа бўларкан-да, деб юраверади. Лекин Франциядан ташқарига чиқсангиз, Ҳалабга, Қоҳирага ёки, ҳеч бўлмаса, Неаполга, ё Римга борсангиз, кўчаларда сайр этиб юрган юзлари қирмиз, қадди расо кишиларни кўрасиз, мабодо беҳосдан тўқнашиб қолсангиз: «Бу жанобнинг заҳарланганига уч ҳафта бўлди, бир ойдан сўнг муздек мурдага айланиб қолади», дейишади.

---

<sup>38</sup> Антуан-Франсуа Дерю – заҳарловчи, 1777 йилда Парижда қатл этилган.

– Хуллас, – деди де Вильфор хоним, – улар машхур аква-тофаннинг сирини топишибди-да? Перуджада буни йўқ бўлиб кетган деган эдилар-ку?

– Дунёда бирор нарса батамом йўқ бўлиб кетармиди, хоним? Санъат бутун жаҳонни кезади, буюмлар бошқа ном касб этиб олади, холос, бунга фақат жоҳил кишиларгина тушунмаслиги мумкин, бироқ оқибат битта: заҳар таннинг аъзоларидан бирини ишдан чиқаради – бир хили ошқозонга, бошқаси мияга, учинчиси ичакка зарар етказади. Заҳар йўталтиради, йўталдан сўнг ўпка жароҳатланади ёки бошқа бир ажал ёқасига олиб борадиган касал пайдо бўлади. Мабодо бу касал беморни гўрга тикқудек кучга эга бўлмаса, кимё билими кўчасининг бир чеккасидан ўтиб кўя қолган нодон докторларимиз берадиган дорилардан бечора бемор ёруғ жаҳон билан хайрлашишга мажбур бўлади. Шундай қилиб, ҳунарни ишга солишади-да, кишини у дунёга жўнатишади. Қонун эса, менинг энг қадрдон дўстларимдан бири – Сицилиянинг моҳир кимёгар таорминалик олий-ҳиммат Адельмонте айтганидек, бу борада заиф.

– Бу ҳам даҳшатли, ҳам қизиқ, – деди графнинг сўзларидан донг қотиб қолган де Вильфор хоним. – Иқрор бўлайинки, мен шу маҳалгача бу можаролар ўрта асрдагиларнинг уйдирмаси, деб юардим.

– Ҳа, шубҳасиз, бироқ бизнинг замонамизда булар яна мураккаблашиб кетди. Вақт оқими, турли хил рағбатлантириш чора-тадбирлари, медаллар, орденлар, Монтионо мукофотлари ҳам фақат жамиятни камолотнинг энг юқори босқичига кўтариш учун хизмат қилади. Инсон, Тангрига таассуб қилиб, истаган нарчасини яратувчи ва барбод қилувчи бўлиб олгандагина камолотга ета олади. Инсон бу вазифадан бирини – яъни барбод этишни ўрганиб олди. Демак, камолот чўққисига етиш йўлининг ярми босиб ўтилди.

– Шундай қилиб, – деди де Вильфор хоним яна ўз ниятига қайтиб, – Борджиа, Медичи, Рене, Руджъери, сўнгроқ барон Тренкнинг ҳозирги замон драмаларида ва романларида ҳаддан ташқари тасвир этилаётган заҳарлари...

– Санъат маҳсули эди, – жавоб қилди граф. – Наҳотки ҳақиқий олим ўзига зарур кишини шунчаки жўнгина тутиб

олади, деб ўйласангиз? Асло ундай қилмайди. Фан оғишларга, ҳийла-найрангга, фантазияларга ўч бўлади. Мана, ҳалиги айтганим – азизимиз аббат Адельмонтени олайлик: у бу борада жуда ажойиб тажрибалар ўтказди.

– Ростдан-а?

– Ростдан, сизга бир мисол келтирай. Унинг гулга, мевага, сабзавотга тўла гўзал боғи бор эди, ана шу сабзавотлар ичидан бир оддийгинасини, айтайлик, битта карамни танларди. Ана шу карамга уч кун суюқ кучала қуярди, учинчи кун карам заҳарланиб, сарғайиб қоларди. Уни энди кесиб олса бўларди, уни кўрганлар пишиб қолибди, деб ўйларди, лекин бу карамнинг заҳарланганини фақат аббат биларди. Шундан сўнг у карамни уйига келтириб қуёнга (аббат Адельмонтенинг уйида қуёнлар, мушуклар, денгиз тўнғизлари кўп эди) егизарди, қуён бирпасда қотиб қоларди. Қайси терговчи бундан бирор жиноятнинг изини топа олади? Айтинг-чи! Қуёнларни, мушукларни ва денгиз тўнғизларини ўлдиргани учун Мажедининг ёки Флуранснинг<sup>39</sup> устидан иш қўзғаш керак деган фикр қайси қироллик прокурорининг хаёлига келиши мумкин? Ҳеч қайсисининг хаёлига келмайди бу фикр. Шу зайлда қуён одил суднинг назар-эътиборидан четда дунёдан ўтиб кетаверади. Сўнг аббат Адельмонте хизматчи аёлига ўлик қуённи сўйиб, ичак-чавоғини ахлатлар уюмига ташлатади. Ахлат уюмини товуқ титкилаб юрган бўлади, у ҳалиги қуён ичак-чавоғини чўқилаб-чўқилаб ейди-да, оғриб қолади ва эртасига тиришиб ўлади. Товуқ ўлим талвасасида типирчилаб ётганда тепадан қирғий учиб ўтиб қолади (аббат Адельмонте ўлкасида қирғийлар кўп), у товукни кўриб отилиб тушиб чангалига олади-да, тепага олиб чиқиб ейди. Шўрлик қирғий уч кеча-уч кундуз хасталаниб, азоб чекади, бирдан боши гир айланиб, булутлар орасидан шалоб этиб боғингиздаги кўлга йиқилади. Маълумки, балиқлар жуда баднафс, улар қирғийга гув этиб ёпишиб, тўрт томонга торта бошлайди. Мана энди фараз қилинг: тўртинчи жонивордан заҳарланган балиқлардан бирини пишириб дастурхонингизга келтириб қўядилар, меҳмонингиз ҳам заҳарланади-да саккиз ёки ўн кун

---

<sup>39</sup> Француз физиологлари.

дан сўнг ич оғриқ, юрак сиқилиш, ошқозон яллиғланиши каби касалликдан ўлади. Мурдани доктор ёриб кўриб «жигари шишиб ёки тиф билан оғриб ўлибди» деб қўя қолади.

– Аммо, – деди де Вильфор хоним, – зарур ўша пайтда қирғий учиб ўтмаса ёки кўлдан юз қадам нарига тушса бу гапларингизнинг ҳаммаси беҳуда васваса бўлиб қолиши ҳеч гап эмас.

– Ҳамма гап шунда-да, ўша кимёгарларнинг санъатида, Шарқда улуғ кимёгар бўлмоқ учун тасодифларни бошқара билмоқ керак, у ерда бунга қобилиятли кишилар оз эмас.

Вильфор хоним графнинг сўзларини хаёл суриб, тингларди.

– Бироқ, – деди у, – кучаланинг изи йўқолмайди. У киши танига қандай йўл билан киритилмасин, уни топиб олишди, бунинг учун у кишини ўлдира оладиган миқдорда едрилиши керак, албатта.

– Худди шундай, – деди Монте-Кристо, – мен ҳам азиз Адельмонтега шундай деган эдим.

У бир оз ўйлаб турди-да, илжайиб сицилияликларнинг қуйидаги мақоли билан жавоб қилди (бу мақол французларда бўлса керак): «Уғлим, дунё бир кунда яратилган эмас, етти кунда яратилган: якшанба кунни келинг».

Якшанба кунни бордим унинг ҳузурига, карамга суюлтирилган кучала ўрнига, намақоб қуяётган экан. Бу гап карам ҳеч касалланганга ўхшамасди, уни еган қуён ҳам соғлом кўринарди, бироқ беш дақиқа ўтмай қуён ўлди, қуённи чуқиган товуқ иккинчи кунни тарашадек қотди. Шунда ўзимиз товуқни олиб бориб, қорнини ёриб ичак-чавоғини ағдардик. Унинг бирор аъзосидан ҳеч қанақа белги тополмадик: асаблар ишдан чиққан ва мияга қон қуйилган, вассалом. Товуқ заҳардан эмас, қон қуйилишидан ўлган экан. Товуқларда бундай ҳоллар жуда камдан-кам учрайди, одамларда эса, бу оддий воқеа бўлиб қолган.

Вильфор хоним тобора ўйга чўмиб борарди.

– Бундай дориларни фақат кимёгарларгина тайёрлай олиши биз учун бир бахт, акс ҳолда кишилиқ жамиятининг ярми иккинчи ярмига заҳар бериб ўлдиради.

– Кимёгарларгина эмас, кимё билан қизиқадиганлар ҳам, – деди кўпол оҳангда Монте-Кристо.

– Бундан ташқари, – деди де Вильфор хоним ўй-хаёлларидан зўрға ажралиб, – жиноят қанча усталлик билан қилинмасин, барибир жиноятлигича қолади ва инсоний одил судга чап бериб қутулгани билан Тангрининг жазосидан қочиб қутулолмайди. Шарқ халқлари бизга ўхшаб ҳиссиётга муккасидан кетадиган халқ эмас, шунинг учун ҳам улар ақллиқ қилиб, дўзахни йўқ этишди, ҳамма гап ана шунда.

– Сизники каби пок дилда бундай шубҳаларнинг пайдо бўлиши табиий, бироқ чуқурроқ ўйласангиз бу шубҳаларингизни ўзингиз улоқтириб ташлайсиз. Киши фикрининг қоронғи томонлари Жан-Жак Руссонинг «Мандаринни беш минг миль узоқдан туриб бир чертишда ўлдирадилар», деган маълум иборасида тўла ифода этилган. Кишининг бутун ҳаёти мана шунақа қилмишларга тўла, унинг ақли ҳам шу борадаги истакларини рўёбга чиқариш билан банд, ўзига яқин кишининг кўксига бамайлихотир пичоқ санчадиган ёки ёруғ дунёдан бадарға қилиш учун ҳали сиз билан иккимиз айтган миқдорда кучала берадиган киши кам. Бу чиндан ғалати ва тентаклик бўлур эди. Ўз яқин кишисига пичоқ уриш ёки заҳар бериш учун кишининг қони қайнаб, юраги ҳаяжон билан уриши ва бутун тан-жони ларзага келиши керак. Бироқ, филологияда қилганлари сингари бу даҳшатли сўзларни юмшоқ синоним билан алмаштирсангиз, оддийгина «йўқотиш» деган ибора яратилади, разилонга ўлдириш ўрнига сизга халақит бераётган шахсни йўлингиздан олиб ташлайсиз ва бу ишни аста-секин, зўрлик ишлатмай, қийноққа солмай, душманингизга одамлар азият чеккан шўрлик деб ачинмайдиган, сизни эса одамлар қонхўр, йиртқич ҳайвон деб ғазабга ололмайдиган қилиб бажо келтирасиз. Қон тўкилмаса, дод-фарёд қилинмаса, жон талвасасига тушилмаса, энг муҳими, охирги даҳшатли дақиқа шубҳа туғдирмаса, унда сиз «Жамоатчилик тинчлигини бузма!» деб хитоб қиладиган инсоний ўч олиш қонунларини четлаб ўтиб кетасиз. Мана, одамлари жиддий, совуққон, гап муҳим воқеа туғрисида бораётганда вақтини аямайдиган Шарқда ана шу йўсинда иш кўришади ва ниятларига етишади.

– Виждон-чи? – суради ҳаяжон-ла де Вильфор хоним энтикиб.

– Ҳа, – деди жавобан Монте-Кристо, – бахтимизга виждон бор, акс ҳолда бизнинг шўримизга шўрва тўкилган бўлур эди. Ғазаб устида қилинган хатти-ҳаракатдан сўнг ҳар гал бизни виждонимиз шайтонга ҳай беришга, минг-минг бор узр сўрашга чақиради. Бунда судья ўзимиз-ку. Бу далиллар тинч уйқумизга қалқон бўлгани билан, жиноят судининг ҳукмидан бизнинг ҳаётимизни муҳофаза қила олмаган бўлур эди. Эдуард IV нинг иккала ўғли ўлдирилгандан кейин виждон Ричард III ни жуда боплаб хотиржам қилиб қўйган бўлса ажаб эмас. Дарҳақиқат, у ўз-ўзига: «Бераҳм, қувғинчи қиролнинг бу фарзандлари отасининг иллатларини мерос қилиб олганлар, улар ёш чоғларида-ноқ жоҳиллик, шафқатсизликка майл қўйганларини мендан бошқа ҳеч ким билмасди, бу болалар менга инглиз халқига хос яхшилик, меҳр-шафқат муҳити ўрнатишга халақит берди, улар бу халқни бахтсизликка олиб бориши турган гап эди». Шекспирнинг нима дейишидан қатъи назар леди Макбет вижонига тасалли бериб, тахтга эрини эмас, ўғлини ўтқазмоқчи бўлганди. Она меҳри шундай улуғ нарсаки, у шундай қудратли ҳаракатлантирувчи кучга эгаки, кўп гуноҳларни кечиб юборади. Леди Макбет виждонсиз бўлганда Дунканнинг ўлиmidан кейин катта бахтсизликка учраган бўлур эди.

Граф киноя остида айтаётган бу даҳшатли хулосаларни де Вильфор хоним чурқ этмай эшитиб ўтирарди.

Бир зумгина давом этган сукунатдан сўнг хоним сўз қотди:

– Биласизми граф, сизнинг далилларингиз жуда ваҳимали, афтидан, бутун дунё кўзингизга зимистон бўлиб кўринаркан! Ёки инсониятга қолба ва реторталар орқали қарангингизданми, кишилик жамияти ҳақида бу қадар ёмон фикрдасиз? Ахир сиз ҳақиқатан ҳам улуғ кимёгарсиз-ку! Сиз берган дори ўғлимни бирпасда тириштириб қўйди...

– У дорига ортиқча ишонаверманг, малика, – деди Монте-Кристо, – ўлиб бораётган болани тирик қолдириш учун бу доридан бир томчиси кифоя, бироқ уч томчиси юракка қон қуйилишини жуда тезлаштириб юбориб, юракка зарар етказиши мумкин, олти томчи унинг нафасини бўғиб, илгаригисидан кучлироқ даражада шайтонлатиб қўяди, ўн

томчиси турган жойида қотириб қўя қолади. Уғлингиз дори солинган шишачага қўл урмоқчи бўлганда мен шошиб уни тортганим эсингиздами?

– У жуда кучли заҳарми?

– Асло ундай эмас! Аввало шуни билиб олингки, заҳарнинг ўзи йўқ нарса: тиббиёт энг кучли заҳарлардан фойдаланади, фақат моҳирлик билан татбиқ қилинса кишини даволайдиган, ўлимдан сақлаб қоладиган дорига айланади.

– Бўлмасам нима эди у?

– У азиз дўстим аббат Адельмонте ихтиро этган дори эди, буни қандай қилишни ҳам менга унинг ўзи ўргатган эди.

– У тутқаноққа қарши жуда ўткир дори бўлса керак-да? – деди де Вильфор хоним.

– Ҳа, жуда ажойиб дори эканини ўз кўзингиз билан кўриб ишондингиз, – жавоб қилди граф, – ўзим ҳам кўпинча шу доридан фойдаланаман, ниҳоятда эҳтиёткорлик билан, албатта, – деди қўшимча қилиб Монте-Кристо.

– Эҳтиёт бўлмай бўладими, – деди де Вильфор хоним. – Менга ўхшаш асабий ва ҳар нарсага ҳушидан кетиб қолаверадиганларга ўша Адельмонте каби доктор жуда асқотарди-да. Эркин нафас олиб юришга имкон берадиган ва нафас бўғилиб, ўлиб қолиш хавфидан халос этадиган бирорта дори ихтиро қилиб берган бўлур эди у. Бироқ бунақа докторни Франциядан топиш амримаҳол, сизнинг аббатингиз эса Парижга саёҳат қилишга унчалик қизиқадиган зотлардан бўлмаса керак, шу сабабдан мен жаноб Планшнинг дорилари билан қаноатланишга мажбурман. Мен одатда эзилган ва гофман дориларини томизиб ичаман. Мана бу ҳапдориларни қаранг, буларни менга махсус тайёрлашади: буларда икки меъёр бор.

Монте-Кристо ёш жувон узатган тошбақа косасидан ясалган қутичани очди ва бунақа дориларни биладиган ҳаваскор сингари ҳидлаб кўрди.

– Булар жуда соз дорилар экан, – деди у, – бироқ буларни ҳар қандай ҳолатда ютиш мумкин, лекин киши ҳушидан кетиб қолганда ютиш қийин бўлади. Мен ўзимнинг дориларимни булардан афзал деб биламан.

– Шубҳасиз, мен ҳам сизникини афзал деб биламан, унинг таъсири қанчалик кучли эканини ўз кўзим билан кўрдим, бироқ сиз уни сир сақлайсиз, шекилли, сўраш ноқулайми, деб ўйлаяпман.

– Мен, марҳамат қилиб сизга айтиб беришим мумкин, – деди Монте-Кристо ўрнидан тураётиб.

– Қани энди, граф, марҳамат қилиб айтиб берсангиз.

– Аммо шуни асло унутмангки, бу оз миқдордагина – дори, кўп миқдорда – заҳар. Бир томчиси ўлимдан қутқаради, буни ўзингиз кўрдингиз, беш ёки олти томчиси ўлдиради, ўлдирганда ҳам бехосдан, бирдан ўлдиради. Бир шиша винога қўшилса, винонинг таъми ҳеч ўзгармайди. Тағин мени маслаҳат беряпти деб ўйламанг, малика, яхшиси индамай қўя қолай.

Соат олтидан ўттиз дақиқа ўтганини билдириб бонг урганда де Вильфор хонимнинг дугонаси келганини айтишди, у бугун Вильфор хонимникида овқатни бирга баҳам кўриши керак эди.

– Агар мен сизни иккинчи марта эмас, учинчи ёки тўртинчи марта кўришга муяссар бўлганимда эди, – деди де Вильфор хоним, – сиздан миннатдор бўлибгина қолмай, дўстингиз ҳам бўлганимда, ўзимни бахтиёр санаб сизни ҳеч қўймай меникида овқатланишга мажбур этган бўлур эдим.

– Жуда миннатдорман, – деди Монте-Кристо, – аммо бир кишига сўз берган эдим, сўзимнинг устидан чиқишим керак. Бир таниш грек бекани театрга кузатиб боришга ваъда берганман, у ҳали ҳозирча операни кўрмаган экан, мен билан бориб кўриш умидида, кутиб ўтирибди.

– Ундай бўлса, хайр граф, менинг доримни унутиб қўйманг, тағин.

– Ҳечам унутмайман, малика, шийпончада сиз билан ўтказган ўша ажойиб роҳатбахш соатларни унутиб бўлмагани каби, буни ҳам унутиб бўлмайди.

Монте-Кристо таъзим қилиб чиқиб кетди.

Де Вильфор хоним ўйга чўмди.

– Бу жуда ғалати одам экан, – деди у ўз-ўзига – менимча Адельмонтенинг ўзи шу бўлса керак.

Монте-Кристога келганда, суҳбатнинг натижаси унинг кутганидан ўтиб кетди. «Лекин, – деди кетаётиб, – ўзимга



боп замин тайёрладим, унга сочилган уруғ зое кетмаслиги-га ишончим комил».

Эртасига у сўзининг устидан чиқиб, ваъда қилган дори-ни юборди.

## ХV. РОБЕРТ – ИБЛИС

Монте-Кристонинг операни баҳона қилиши асосли эди, ҳақиқатан ҳам шу куни кечқурун қироллик Мусиқа академия театрида катта тантана бўладиган эди: кўп вақт касал ётган Левассер илк бор Бертрам ролда чиқади. Довруғи кетган композиторнинг асари Париж жамоатчилигининг энг танланган зотларини жалб этган эди.

Аксари бойваччаларда бўлганидек, Альбернинг оркестр-да махсус жойи бор. Бундан ташқари яқин дўстларининг ўнлаб ложаларида ҳам унга жой ҳамиша тайёр. Зодагон-ларнинг арзандалари ложасидан жой олишга ҳақи бор Альбернинг.

Кўшни ложа Шато-Реноники эди.

Бошан эса, журналист, бутун залда ўзига хон ўзига бек – у истаган жойда ўтира олади.

Шу кеча министр ложасини ихтиёрига олган Люсьен Дебрэ уни граф де Морсерга таклиф қилди, бироқ Мерседес рад қилгач, у ложани Дангларга бериб, агар хонимлар қаршилик кўрсатмаса, кейинроқ келиб баронесса ва қизи билан ҳол-аҳвол сўраб кетажagini айтди, хонимлар қаршилик кўрсатишмади. Ҳеч ким миллионерлардек текин ложага ўч бўлмаса керак.

Дангларга келганда, у: «Менинг сиёсат борасидаги принципларим ва оппозиция депутати павозимим министр ложасида ўтиришимга монелик қилади», деди. Шу сабабли баронесса: «Мени ўзингиз билан бирга олиб кетиңг, операга Эжени билан боролмайман», деб Люсьенга хат ёзиб юборди.

Ҳақиқатан, иккала хоним ложада ўтириб олишса айбс-тишлари мумкин, лекин мадемуазель Данглар театрга она-си ва унинг маҳбуби билан борса, бунга, ҳеч ким монелик кўрсатолмайди. Жамоатчиликнинг урф-одатларига бўйсун-ишга мажбур-да киши.

Парда одатдагидек зал деярли бўш вақтидаёқ кўтарилди. Мана бу ҳам олий табақамиз одатининг оқибати – улар, албатта, томоша бошлангандан сўнг залга кириб келишадди, натижада вақтида етиб келганлар спектаклни бамайлихотир кўролмай, келганларни кўздан кечириш ва эшикларнинг тарақ-туруғини эшитиш билан банд бўладилар.

– Ана холос! – деди Альбер ёнбошдаги пастки пожалардан бирининг эшиги очилаётганини кўриб. – Ана холос! Графиня Г.

– Ким у, графиня Г. деганинг? – сўради Шато-Рено.

– Ия, барон, шуям саволми? Уят-ку, наҳотки графиня Г.ни танимасангиз?

– Ҳа, эсимга тушди, – деди Шато-Рено, – бу ўша венециалик нозанин бўлса керак-да?

– Худди ўшанинг ўзи.

Шу пайт графиня Г. Альберни кўриб қолди ва унинг саломига жилмайиб жавоб берди.

– Уни танийсизми? – сўради Шато-Рено.

– Ҳа, – жавоб берди Альбер, – менга уни Римда Франц таништирган эди...

– Францга ўхшаб мени у билан таништириб кўёлмайсизми?

– Жоним билан.

– Жим! – деди томошабинлар орасидан кимдир.

Йигитлар партерда ўтирганларнинг мусиқани эшитиш тилагида билдирган эътирозини назар-писанд қилмай суҳбатни давом эттираверди.

– Бу жонон Марс майдонида бўлган пойгада қатнашди, – деди Шато-Рено.

– Бугунми?

– Ҳа, шу бугун.

– Айтганча, бугун пойга бўлган эди. Сиз ҳам пул тикдингизми?

– Ҳа, тикдим, атиги эллик луидор.

– Ким ютди?

– «Наутилус». Мен ўшанга тиккандим.

– Ахир, учта пойга бўлиши керак эди-ку?

– Ҳа, учта эди. Жокей-клубнинг мукофоти, олтин кубок бор эди. Ҳатто жуда ғалати бир ҳодиса юз берди.

– Қанақа ҳодиса?

– Ҳой, жим бўлсаларинг-чи? – яна қичқиришди уларга қараб.

– Қанақа ҳодиса? – такрорлади Альбер.

– Бу пойгада тамоман нотаниш чавандоз миниб чиққан номаълум от ютиб чиқди.

– Қандай қилиб?

– Шундай бўлди: рўйхатда номи Вампа деб ёзиб қўйилган отга ва рўйхатда номи Иова деб ёзилган чавандозга ҳеч ким эътибор бермаган эди, бироқ тўсатдан ажойиб дулдулни ва кичкина чавандозни кўриб ҳамма ҳанг-манг бўлиб қолди, унинг чўнтагига йигирма фунтча қўрғошин солиб қўйсалар ҳам бўлмади, у «Ариель» ва «Барбаро»дан анча ўтиб кетди.

– Шундай қилиб у кимнинг оти эканини билишолмади-ми?

– Билишолмади.

– Унинг номи рўйхатда Вампа деб ёзилган дедингизми?

– Ҳа, Вампа.

– Ундай бўлса, – деди Альбер, – мен сизга қараганда, кўпроқ хабардорман бундан, у кимнинг оти эканини билман.

– Овозларингни ўчирсаларинг-чи, ахир! – учинчи карра қичқирди кимдир партердан қаттиқ ғазабланиб. Йигитлар бу сўзлар уларга қаратиб айтилаётганини англаб, шаддодлик қилаётган ким экан ўзи деб залга қайрилишди, бироқ ҳеч ким бояги сўзни такрорламагач, йигитлар сахна томонга ўгирилишди.

Шу пайт министр ложасининг эшиги очилди-да, Данглар хоним, қизи ва Люсьен Дебрэ ўринларига жойлашиб олдилар.

– Ана, виконт, танишларингиз ҳам келишди, – деди Шато-Рено. – Нега ўнг томонга қараб қолдингиз? Сизни қидириш-япти.

Альбер ўгирилиб, баронесса Дангларнинг кўзига кўзи тушди, баронесса елпигични кўтариб саломлашди. Мадемуазель Эженига келганда, хушёқмаслик билан катта-катта қора кўзларини оркестр курсиларига бир қур югуртирди, холос.

– Азизим, тўғриси яна айтганда, – деди Шато-Рено, – мезальянсни<sup>40</sup> истисно қилсак (бундай ҳол сизни асло ташвишга солмас деб ўйлайман) нечун мадемуазель Данглар сизга ёқмай қолди: ахир у жуда гўзал-ку!

– Ҳақ гап, жуда гўзал, – деди Альбер, – мен бундан нозикроқ, мулойимроқ, қисқаси, латофатлироғини гўзал деб ҳисоблардим.

– Ҳозирги замоннинг ёшлари мана шунақа-да, – деди эътироз билдириб Шато-Рено, – уларга бирор нарсани маъқул қилиш жуда қийин. Бундоғ ўйлаб кўрсангиз-чи: ахир овчи Диана шакли-шамойилида яратилган ажойиб гўзал нозанинни кўйнингизга солиб кўймоқчилару сиз яна ноз қила-сиз-а?

– Худди шундай, мен Венера Милосская ёки Капуанская каби гўзални афзал кўраман. Ҳамиша нимфалари қуршовидаги овчи Диана эса мени бир оз ваҳимага солади. Бошимга Актеонанинг кўни келмасин тағин, деб кўрқаман.

Чиндан ҳам бу қизни кўрган киши Альбернинг юрак сўзларига тасанно айтиши шубҳасиз эди. Мадемуазель Данглар соҳибжамол эди, лекин унинг турқи-тароватида Альбер айтгандек дағаллик бор эди, сочлари қоп-қора тўсдек эди. Қўлф уриб турувчи шу сочларнинг жингаласида уларни силамоқчи бўлган қўлга бўй бермаслик нишонлари бордек туюларди: кўзлари ҳам сочларидек тим қора, қошлари қайрилма эди. Лекин шу қошлар баъзан чимирилиб аёлларнинг нигоҳига хос бўлмаган мустаҳкам иродани ифода этарди, бурни ҳайкалтарош қўли билан ясалган Юнонанинг бурнидек бежирим эди; фақат оғзи бир оз катта, тишлари садафдай, қирмизи лаблари рангпар чехрасида яна-да кўзга ташланар, табиат бу жононнинг лаби бурчига хол ўрнатиб қўйган, қизнинг характери қатъий эканини ана шу хол ҳам таъкидлаб турарди, Альберни бир оз чўчитган нарса ҳам ана шу.

Эженининг қомати ҳам унинг биз қўлимиздан келгунча тасвир этган чехрасига мос эди. Шато-Рено айтганидек, унинг қадди-қомати овчи Диананинг сарви қоматини эсла-

---

<sup>40</sup> Буржуа жамиятида пастки табақа оиласидан уйланиш.

тиб турарди, бироқ қизнинг гўзал ҳусн-қоматида қатъийлик ва куч янада кучлироқ акс этиб турарди.

Қиз билимда эркаклардан қолишмасди. Моҳир рассом эди. Бир неча тилларни биларди, шеър ёзиб, куй басталарди. Санъатнинг бу турига у айниқса ҳавас қўйган, уни ажойиб табиий овозга эга бир камбағал мактабдош дугонаси билан ўрганарди. Айтишларига қараганда, қандайдир композитор Эженининг ўша дугонасига мусиқа санъатини оталарча ғамхўрлик билан ўргатар ва бу қизнинг овози қачондир унга бойлик, шон-шуҳрат келтиради деб умид боғлаган эмиш. Луиза д'Армильи (ҳалиги қизнинг номи) бора-бора саҳна артисти бўлиб кетиш эҳтимолидан холи эмас эди, шу сабаб мадемуазель Данглар дугонасини уйда қабул қилса-да у билан жамоатчилик гурунгида бўлишдан ўзини тортарди. Луиза эса дугонасининг хонадонида мустақил мавқедан фойдаланмаса-да, жуда соддадил ўқитувчилардан эмасди.

Данглар хоним ложада пайдо бўлганидан кейин бир неча сония ўтгач, парда ёпилди, ярим соатлик танаффус пайтида даҳлизда сайр этиш ёки ложалардаги таниш-билишлар билан суҳбатлашиб олиш мумкин. Ана шунинг учун ҳам оркестр курсилари деярли бўшаб қолди.

Альбер ва Шато-Рено ҳаммадан олдин ўринларидан туриб кетишди. Данглар хоним бир дақиқа, Альбер мен билан сўрашиб-саломлашиш учун шошилиб келяпти деб ўйлади-да, қизини огоҳлантириш учун унга ўтирилди, бироқ қизи бошини чайқаб, илжайиб қўйди, шу пайт худди Эженининг шубҳасини тасдиқлаётгандай, Альбер биринчи яруснинг ёнбошидаги ложада пайдо бўлди. Бу графиня Г.нинг ложаси эди.

– Ана, ана, ўзлари ҳам келиб қолдилар, жаноб сайёҳ! – деди графиня эски қадрдон дўстлардек Альберга қўлини узатиб. – Узоқдан мени таниб олганингиз ва айниқса, ҳаммадан олдин менинг олдимга келганингиз учун жуда миннатдорман сиздан.

– Графиня шунга имонингиз комил бўлсинки, агар Парижга келганингизни билганимда ва манзилингиз маълум бўлганда, бунчалик узоқ кутиб ўтирмаган бўлур эдим. Дастлаб рухсат этинг, дўстимни таништирай сизга: барон Шато-

Рено, Францияда камдан-кам сақланиб қолган аристократлардан. У ҳозиргина менга сизнинг Марс Майдоида пойгада қатнашганингни айтди.

– Шато-Рено таъзим қилди.

– Сиз ҳам пойгада бормидингиз? – сўради қизиқиб графиня.

– Шундай, хоним.

– Ундай бўлса бир саволимга жавоб бера оласизми: Жокей-клуб мукофотини ютган от кимники?

– Билмайман, – жавоб қилди Шато-Рено, – ўзим ҳам худди шундай саволни ҳозиргина Альберга бергандим.

– Буни билиш жуда зарурми сизга? – сўради Альбер.

– Нимани?

– От эгасининг номини?..

– Албатта. Фараз қилингни... Бироқ сиз уни танирсиз, виконт?

– Графиня, сиз бирор нарсани айтиб бермоқчи эдингиз шекилли. «Фараз қилингни...» деб тўхтаб қолдингиз.

– Ҳа, фараз қилингни, ўша ажойиб дулдул ва барно ёш чавандоз биринчи қарашдаёқ мени мафтун этиб олди, мен унга, худди бойлигимнинг ярмини тиккандек, чин кўнгилдан ютиб чиқишини тиладим, сўнг маррага биринчи бўлиб келганини кўргач, жоним борича чапак чалиб олқишладим. Яна шуниси кишини ҳайратда қолдирадиги, уйга қайтиб келганимда ҳалиги кичкина чавандоз зинада турибди! Мен аввалига ғолиб йигитча ҳам мен билан бирга шу уйда тураркан-да деб ўйладим, бироқ меҳмонхонамга кирсам нотаниш от ва нотаниш чавандоз ютиб олган олтин кубокка: «Графиня Г. га лорд Рутвен» деган хат солиб қўйилган эди.

– Ўшанинг худди ўзи, – деди Альбер.

– Хўш, нима демоқчисиз бу билан?

– Худди ўша лорд Рутвеннинг ўзи демоқчиман.

– Қайси лорд Рутвен?

– Аржентина театрида кўрганимиз Вампир-да.

– Наҳотки ўша бўлса? – деди хитоб қилиб графиня. – У ҳам шу ердами?

– Ҳа, шу ерда.

– Сиз у билан учрашиб турасизми? Сизникида бўладими? Сиз уникига бориб турасизми?

– У менинг яқин дўстим, ҳатто жаноб де Шато-Рено ҳам уни танийди.

– Нега энди совринни олган ўша деб ўйлаяпсиз?

– Чунки унинг оти Вампа номи билан рўйхатга тушган эди.

– Тушган бўлса нима бўпти?

– Ахир мени асир қилиб олган машҳур қароқчининг номи унутиб қўйдингизми, ҳали?

– Ҳа, тўғри.

– Унинг қўлидан мени граф жуда усталик билан қутқариб олган эди-ку, эсингиздами?

– Ҳа, ҳа.

– Унинг номи Вампа эди. Мана энди бу ўша Вампа эканини фаҳмлагандирсиз.

– Бироқ нега у кубокни менга юборади?

– Биринчидан, шунинг учундирки, мен унга сизнинг тўғрингизда, графиня, кўп гапиргандим, иккинчидан, у ватандошини учратганидан ва ватандоши унга жуда қизиқиб қолганидан шундай қилган.

– Аминманки, унинг ҳақида иккимиз вайсаган бемаъни гапларни унга айтиб бермагандирсиз.

– Очиғини айтсам, у гаплар ҳақида бирор нарса дедим-йўқми, эсимда эмас. Аммо бу кубокни у сизга лорд Рутвен номидан тақдим этиши...

– Бу даҳшат! У мени ёмон кўриб қолади-ку!

– Унинг бу иши душманликдан дарак берадими?

– Очиғини айтсам, ундай эмас.

– Мана, кўрдингизми, беҳуда ташвишланиб ўтирибсиз.

– Демак, у Парижда экан-да!

– Ҳа, Парижда.

– У кишиларда қандай таассурот қолдирыпти?

– Унинг таъриф-тавсифи, – деди Альбер, – роса бир ҳафта оғиздан-оғизга ўтиб юрди, сўнг инглиз қироличасини тахтга кўтариш маросими ва мадемуазель Марснинг бриллиантлари ўғирланиши воқеалари ўртага тушиб, ҳамма шу ҳақда гапира бошлади.

– Эҳ, азизим, – деди Шато-Рено, – бунақа муомалангиздан графга дўст эканингиз кўриниб турибди-да. Графиня, ишонманг бунга, Парижда ҳамманинг оғзида фақат граф

Монте-Кристо. У Парижга келган куниёқ ҳаммани ҳайратда қолдирди, ўттиз минг франк турадиган икки отини Данглар хонимга тортиқ қилди, сўнг де Вильфор хонимни ўлимдан сақлаб қолди. Мана энди, чамамда, Жокей-клуб мукофотини ҳам шу олди. Морсер нима деса деяверсин, менимча, ҳозир граф ҳаммани мафтун этиб олди, яна у шунақа ишларни қилаверса ойлаб жамоатчиликнинг оғзидан тушмайди. Бунақанги ишлар, афтидан, унга одат бўлиб қолган, шекилли.

– Эҳтимол, шундайдир, – деди Альбер, – Айтмоқчи, собиқ рус элчисининг ложасини ким банд қилиб олди?

– У қайси ложа эди? – сўради графиня.

– Биринчи ярусда, стунлар ўртасидаги ложа. Уни тамоман янгидан безашди, шекилли.

– Худди шундай, – деди Шато-Рено. – Биринчи бўлим ўйналаётганда ҳеч ким бормиди?

– Қаерда?

– Уша ложада.

– Йўқ эди, – жавоб қилди графиня, – мен ҳеч кимни кўрмадим у ерда, демак, сизнингча, – деди графиня илгариги мавзуга ўтиб, – мукофотни граф Монте-Кристо олдимиди?

– Бунга имоним комил.

– Кубокни менга юборган ҳам ўша, деб ўйлайсизми?

– Шубҳасиз.

– Бироқ мен у билан таниш эмасман-ку, – деди графиня, – кубокни тезроқ қайтариб берсам яхши бўларди.

– Ундай қилманг асло, унда сизга у бутун бир ёқутдан ясалганини юборади. У ҳамиша шундай қилади.

Шу пайт кўнғироқ чалиниб, иккинчи бўлим бошланишидан дарак берди. Альбер ўрнидан турди.

– Мен сизни яна кўра оламанми? – сўради графиня.

– Агар рухсат этсангиз, танаффус вақтида келаман, ўшанда Парижда бирор ёрдам керак бўлса айтасиз.

– Жаноблар, – деди графиня – шанба кунлари кечқурун дўстларни қабул қилишга тайёрман. Риволи кўчаси, йигирма икки. Марҳамат қилинг.

Йигитлар таъзим қилиб, чиқиб кетишди.

Улар партерга кирганда, томошабинларнинг ҳаммаси залнинг бир нуқтасига қараб тик турган эди. Йигитлар ҳам



ўша ёққа қараб, собиқ рус элчисининг ложасига тикилиб қолишди. У ложага ҳозиргина қора либос кийган ўттиз беш-қирқ ёшлардаги жаноб шарқ кийимидаги ёш қиз билан кириб келган эди. Қиз ниҳоятда гўзал, кийимлари шу қадар башанг эдики, бу ҳали айтганимиздек, ҳамманинг диққатини ўзига тортган эди.

– Бу ўша Монте-Кристо, ёнидаги албан нозанини, – деди Альбер.

Ростданам ложага кирган граф билан Гайде эди.

Бир зум ўтар-ўтмас партердагиларгина эмас, бутун залдагилар Гайдедан кўз узолмай қолишди, аёллар ложаларда бошини чиқариб, қўшчиروқлар ёғдусида кўзларни қамаштириб ялтираётган олмосларга тикилишарди.

Иккинчи акт гув-гув овозлар остида ўтди, бу эса оломоннинг ҳаяжонда эканидан далолат бериб турарди. Ҳеч ким тинчликни тиклашни хаёлига ҳам келтирмай қўйди. Гўзал қиз ҳаммани мафтун этиб олганди.

Данглар хоним имо билан иккинчи танаффусда ўз ложа-сида Альберни кўришни истаганини билдирди.

Бундай нарсаларда яхши таълим олган Альбер куттириб ўтирмай, спектаклнинг иккинчи бўлими тугаши биланоқ югуриб литерли ложага чиқди.

Иккала хонимга таъзим қилди-да, Дебрэ билан қўл бериб сўрашди.

Баронесса уни хушрўй жилмайиб кутиб олди, Эжени эса ўз одатича совуққина боқиб қўя қолди.

– Азизим, – деди унга Дебрэ, – мен жуда ташвишга тушиб ўтирибман, ёрдамингизга муҳтожман. Баронесса граф тўғрисидаги саволлари билан мени кўмиб ташлади. Мендан графнинг ким эканини, қаердан келганини ва қаёққа кетаётганини билиб берасиз, деб кекирдагимдан хиппа бўғиб ўтирибди. Очиғи, Калиостро эмасман, лекин бу ташвишдан бир амаллаб қутулиб чиқиш учун: «Морсердан сўраб қўя қолинг, Монте-Кри-стони беш бармоғидай билади» дедим. Сизни шунинг учун чақиришди.

– Бу ақл бовар қилмайдиган ҳол, – деди баронесса, – ярим миллион махфий фонднинг эгаси бўлса-ю, шу каби муҳим ҳодисадан беҳабар қолса!

– Баронесса, амин бўлингки, – жавоб қилди Люсьен, – агар менинг ярим миллионим бўлганда уни граф тўғрисида маълумот тўплашга эмас, бошқа бирор нарсага сарф қилардим. Монте-Кристонинг ҳаммани ҳайратда қолдираётган хусусияти шундаки, у ҳар қандай набобдан ҳам бадавлат. Бу ёғини энди дўстим Морсердан сўрай беринг, у ҳаммасини билади.

– Набоб менга баҳоси ўттиз минг франкли, қулоқларига ҳар бири беш минг франк турадиган тўртта бриллиант тақилган бир жуфт дупдулни ўлса ҳам юбормас эди.

– У бриллиантга жуда ҳирс қўйганга ўхшайди, – деди кулиб Альбер. – Чамамда, Потемкин сингари, унинг чўнтаги ҳамиша бриллиантга тўла, у, худди ёш болалар тош ўйнашганидек, бриллиантларни ҳамма ерда сочиб юради.

– У қаердадир, олмос кони топиб олган, – деди Данглар хоним. – Бароннинг банкида унинг ҳисобсиз пули бор, биласизми шуни?

– Йўқ, билмайман, – жавоб қилди Альбер, – бироқ мен бундан ажабланмайман.

– У жаноб Дангларга, Парижда бир йил туражagini ва олти миллион франк сарфлаяжagini айтибди.

– Бу махфий суратда саёҳат қилиб юрган Эрон шаҳаншоҳи бўлса керак.

– Унинг ёнидаги хотиннинг гўзаллигини айтмайсизми? – деди Эжени. – Сиз уни кўрдингизми?

– Аёллар ўртасида бошқа аёлнинг ҳусн-жамолига тан берадиган фақат сизсиз, қойил!

Люсьен дурбинни кўзига тутди.

– Жуда гўзал жонон, – деди у.

– Бу аёлнинг кимлигини биладиларми, жаноб де Морсер?

– Сирли шахсларни бошқалар қанчалик билсалар, мен ҳам шунчалик биламан, – деди Альбер, – чамамда у албан аёли бўлса керак.

– Бу, сиз айтмасангиз ҳам либосидан маълум бўлиб турибди.

– Бундан менинг ўзим ҳам ачиниб, афсусланиб юрибман, – деди Альбер, – мен бундан ортиқ ҳеч нарса билмайман, деб иқрор бўлишга мажбурман, яна, фақат шуни биламан-

ки, у жонон мусиқачи-созанда, кунларнинг бирида графни-кида нонушта қилиб ўтирганимда уд овозини эшитдим, буни шу қиз чалаётган эди.

– Демак, граф уйда меҳмон қабул қиларкан-да? – сўради Данглар хоним.

– Қабул қилганда ҳам ҳамма нарсани тўкиб қўйиб қабул қилади.

– Дангларни унинг шарафига тушки овқат ёки балл ташкил қилишга мажбур этмоқ керак, сўнг у бизни ўзиникига таклиф қилади.

– Сиз, у таклиф қилса борасизми? – деди кулиб Дебрэ.

– Нега бормас эканман? Эрим билан бирга, албатта!

– Бироқ сирли граф бўйдоқ-ку!

– Бўйдоқ эмаслигини кўриб турибсиз-ку! – деди баронессаям кулиб, гўзал албан қизини кўрсатиб.

– Бу асира қиз, Морсер эсингиздами, сизникида нонушта пайтида ўзи шундай деган эди.

– Азизим Люсьен, эътироф этингки, – деди баронесса, – кўринишда у кўпроқ маликанинг ўзгинаси.

– «Минг бир кеча»даги маликалардан, – сўз қотди Альбер.

– Тўғри, бироқ, азизим, маликаларни нима бор қилади? Бриллиантлар, бу жонон эса ана шу бриллиантларга кўмилиб юради.

– Бриллиантларни жуда ортиқ даражада тақиб олибди, – деди Эжени, – қайтага, уларсиз қиз янада чиройлироқ кўринган бўлур эди, чунки безаклар бўлмаса унинг гўзал бўйни ва қўллари кўриниб турарди.

– Бу рассомларнинг кўзлари жуда ўткир бўлади-да, – деди Данглар хоним, – қаранг, дарров кўзлари порлаб кетди-я бунинг!

– Мен гўзал нарсаларнинг ҳаммасини севаман, – жавоб қилди Эжени.

– Ундай бўлса, граф ҳақида қандай фикрдасиз? Уям анча келишган йигит, менимча.

– Графми? – деди Эжени, худди шу маҳалгача унга назари тушмаган кишидек. – Граф ўта рангпар.

– Ҳа, ҳақиқатан ҳам унинг рангида қон йўқ, бизни қизиқтирган нарса ҳам ана шу. Биласизми, уни графиня Г. қон сўради, қонхўр дейди.

- Графиня Г. қайтиб келибдими? – сўради баронесса.
- Ойи, у ёнбошдаги ложада ўтирибди, – деди Эжени, – рўпарамизда. Хув ана, ажойиб олтин сочли аёл.
- Ҳа, кўрдим, – деди Данглар хоним. – Морсер, биласизми, сиз нима қилишингиз керак?
- Буюринг, баронесса.
- Граф Монте-Кристо ҳузурига ташриф буюриб, сўнг уни бизнинг олдимизга олиб келишингиз керак.
- Нега энди? – сўради Эжени.
- Шунчаки сўзлашиб ўтириш учун, сен уни кўришга қизиқмаяпсанми?
- Ҳечам.
- Ғалати қиз-да бу! – деди минғирлаб баронесса.
- Менимча, ўзи келади, – деди Альбер. – Ана, қаранг баронесса, у сизни кўриб таъзим қиляпти.
- Баронесса ҳам илжайиб жавоб қилди.
- Майли, – деди Альбер, – оғирликни ўз бўйнимга олиб, бораман, иложини топсам гаплашаман.
- Пожасига борасиз-қўясиз-да.
- Бироқ мени таништирганлари йўқ.
- Ким билан?
- Гўзал албан нозанини билан.
- У асира, деб ўзингиз айтдингиз-ку.
- Бироқ сиз уни малика деяпсиз-ку... Келинг, бораверман, мени кўриб ўзи чиқар.
- Шундай бўлиши ҳам мумкин. Бораверинг.
- Кетдим.
- Альбер таъзим қилди-да, чиқди. Чиндан ҳам у граф пожаси ёнидан ўтиб бораётганда эшик очилиб, Монте-Кристо чиқди. У даҳлизда турган Алига бир неча сўз айтди-да, Альбернинг қўлтиғидан олди. Али эшикни бекитиб остона олдида тик туриб қолди. Арабнинг атрофини одамлар ўраб олганди.
- Ҳақиқатан ҳам Парижингиз жуда ғалати шаҳар-да, – деди Монте-Кристо, – ҳамшаҳарларингиз ҳам қизиқ одамлар. Улар ҳабашни гўё биринчи марта кўраётгандек шўрлик Алини ўраб олишди, уни қаранг. Али эса нима гап эканига тушунолмаётган гаранг бўлиб қолди. Сизга шуни айтишим керакки, парижликлардан бирортаси Тунисга, Константино-

полга, Бағдодга ёки Қоҳирага бориб қолгудек бўлса, ҳеч қаерда унинг атрофида оломон тўпланмайди.

– Шунинг учунки, Шарқда кишилар идрокли бўлади ва фақат арзийдиган нарсагагина кўз тикишади, аммо амин бўлингки, Али сизнинг одамингиз бўлгани сабабдангина шунчалик назар-эътиборга сазовор, сиз эса ҳозир Парижда ҳаммани мафтун қилиб олган бир зотсиз.

– Ростданми? Бунга сабаб нима экан?

– Ўзингиз сабаб. Бир қарасалар баҳоси минг луидор икки отлик извошни ҳадя қилиб юборяпсиз, бир қарасалар қироллик прокурорининг хотинини ўлимдан қутқариб қоляпсиз, майор Блэк номи остида дулдулингизни ва жинқарча чавандозингизни пойгага жўнатиб, олтин кубокни ютиб оласиз ва яна бу кубокни нозанин хонимларга юборяпсиз...

– Бу чўпчакларни сизга ким айтди?

– Биринчисини Данглар хоним, у сизни бир кўрсам, деб хув анови пожада интизор бўлиб ўтирибди (кўпроқ у сизни ўз ложасида бўлганингизни ҳамма кўрсин деган ниятда бўлса керак). Иккинчисини Бошан газетасидан билдим, учинчисини эса ўзим фаҳмлаб олдим. Сир сақламоқчи экансиз, нега отингизга Вампа деб ном қўясиз?

– Ҳа, ростданам, – деди граф, – мен эҳтиётсизлик қилдим. Граф де Морсер операда бўлмайдимми? Мен ҳамма ёқни қараб чиқдим, бироқ у кўринмади.

– Бугун бўлади.

– Қаерда?

– Менимча, баронессанинг ложасида.

– Баронессанинг ёнидаги гўзал жонон – қизими?

– Ҳа.

– Сизни табрик этишга рухсат этинг.

Альбер жилмайиб қўйди.

– Бу ҳақда бошқа вақт муфассал гаплашиб оламиз. Қалай, мусиқа ёқдимми сизга?

– Қанақа мусиқа?

– Ҳозир эшитганимиз.

– Марҳум Диоген тили билан айтганда, мусиқани одам ёзган, уни икки оёқли ва қанотсиз қушлар ижро этаётгани эътиборга олинса, жуда ажойиб мусиқа.

– Ү-хў, ҳали шундайми, азиз граф? Етти фаришта хорига кўшиқ айттириб, эшитишга қодирсиз, шекилли?

– Шундай, виконт. Ажойиб мусиқани, яъни инсон бола-си эшитмаган мусиқани тинглаганда, уйқу босади мени.

– Ундай бўлса жуда боп жойни топиб олибсиз, қадрли граф, роҳат қилиб ухлайверинг, опера шунинг учун яратилган-да.

– Йўқ, очигини айтганда, сизнинг оркестрингиз жуда кўп шовқин солади. Сизга айтганимдек, уйқуга кетиш учун менга осойишталик ва тинчлик бўлиши лозим, ундан кейин баъзи тадбир-чораларни ҳам кўриб кўйиш керак...

– Машхур тарёкми?

– Худди шундай. Виконт, мабодо мусиқа тинглашни ис-таб қолсангиз, кечқурун меникига овқатлангани келинг.

– Мен, сизникида нонушта қилганда эшитган эдим.

– Римдами?

– Шундай.

– Ҳа. У куйни Гайде удда чалган эди. Ватанидан қувғин қилинган шўрлик мазлума баъзан менга ўз халқининг кўшиқ-ларини чалиб беради.

Альбер сўраб-сўриштириб ўтирмади, граф ҳам жимиб қолди.

Шу пайт кўнғироқ чалинди.

– Кечиринг, мени, – деди граф ўз ложасига йўл олиб.

– Марҳамат қилинг.

– Илтимос қиламан, графиня Г.га унинг Вамперидан са-лом айтинг.

– Баронессага-чи?

– У кишига айтинг: агар рухсат қилсалар шу оқшом ҳузур-ларида бўлиш шарафига муяссар бўлурман.

Учинчи бўлим бошланди. Графе де Морсер, ваъдасига вафо қилиб, Данглар хоним ложасига кирди.

Граф залдагиларни изтиробга соладиганлардан эмас эди, шу сабабли ложадагилардан бошқа ҳеч ким унинг келгани-ни кўрмади.

Аммо Монте-Кристо уни кўрди ва оҳистагина илжайиб қўйди.

Гайде эса парда очилиши билан атрофдаги ҳеч нарсага қарамай, саҳнага тикилди-қолди.

Учинчи бўлим одатдагича ўтди, раққосалардан Нобле, Жюлиа ва Леру ҳар вақтдагидек оёқларини кўтариб, хўп дикиллашди, Роберт-Марио принц Гренадскийни дуэлга чақирди. Пировардида улуғвор қирол, кимхоб камзулини кўз-кўз қилиш учун қизини етаклаб чиқди, шундан кейин парда тушди-да, томошабинлар тарқалиб кетди.

Граф ўз пожасидан чиқди-да, хийла вақтдан сўнг баронесса Данглар пожасида пайдо бўлди.

Баронесса шодликдан ўзини туюлмайд хитоб қилди:

– Оҳ, граф, сизни кўриб бошим осмонга етди! Сизга йўллаган хатимга кўшимча, тезроқ ўз оғзимдан ҳам миннатдорчилик билдириш истаги билан ёниб юргандим.

– Баронесса, наҳотки ўша арзимас нарсани ҳамон эсингизда сақлаб юрган бўлсангиз? Мен аппақачон унутиб юбордим уни.

– Аммо ўша куннинг эртасига ана шу отлар солган даҳшатли хавфдан менинг қадрдон дугонам де Вильфор хонимни қутқариб қолганингизни унутиб бўладими ахир.

– Бунинг учун ҳам, малика, сизнинг миннатдорчилигингизга сазовор бўлишга менинг ҳақим йўқ, де Вильфор хонимга бундай ёрдамни беришга муяссар бўлган менинг қулим Али эди.

– Рим қароқчиларининг чангалидан ҳам ўғлимни Али қутқариб олганмиди? – сўради граф де Морсер.

– Йўқ, граф, – деди Монте-Кристо генералнинг узатган қўлини қисиб. – Йўқ, бу гал миннатдорчиликни ўзим қабул қиламан, бироқ буни бир марта эшитган эдим, иккинчиси ортиқча, мени ўнғайсиз ҳолга солиб қўйяпти. Баронесса, мени қизингиз билан таништиришингизни илтимос қиламан.

– У сизни билади, номингизни эшитган, чунки бир неча кундирки, исми-шарифлари оғзимиздан тушмайди. Эжени, – давом эттирди сўзини баронесса қизига мурожаат қилиб, – бу киши граф Монте-Кристо!

Граф таъзим қилди, мадемуазель Данглар оҳистагина бошини қимирлатди.

– Граф, ложада сиз билан ажойиб гўзал қиз ўтирибди, – деди у, – қизингиз бўлса керак?

– Йўқ, мадемуазель, қизим эмас, – деди Монте-Кристо манманлик билан берилган саволдан ажабланиб, – у шунчаки шўрлик бир албан қизи. Мен унга фақат васий.

– Унинг оти нима?

– Гайде, – жавоб қилди Монте-Кристо.

– Албан қизи! – деди тўнғиллаб граф де Морсер.

– Шунақа денг, – деди Данглар хоним, – хўш, айтинг-чи, граф, шараф билан хизмат қилганингиз Али-Тебелин саройида сиз қачон бўлмасин, шу Гайде устидаги каби ҳайратга соладиган кийим-бош кўрганмидингиз?

– Граф, сиз Янинда хизмат қилган экансиз-да? – сўради Монте-Кристо.

– Мен шоҳ қўшинларининг генерал-инспектори эдим, – жавоб қилди Морсер, – очигини айтсам, ҳозирги унча кўп бўлмаган бойликка ҳам, ўша машҳур албан ҳокими ёрдамида эга бўлдим.

– Бир қарасангиз-чи у қизга, – деб қистади Данглар хоним.

– Қаерда у? – тўнғиллади Морсер.

– Ана, – деб Монте-Кристо қўлини графнинг елкасига қўйди, сўнг икковлон ложадан пастга қарашди.

Шу он Гайде аланглаб графни ахтариб турган эди, уни Морсерни кучоқлаб турган ҳолда кўрди-ю, кайфи учиб, беҳосдан қичқириб юборди. Буни атрофдагилар ва Али эшитди. Али дарров эшикни очди.

– Унга қаранг, – деди Эжени, – қизчангизга бир гап бўлди шекилли, граф?

– Ҳа, тўғри айтяпсиз, – деди граф ўз ложасига қараб, – бироқ хавотир олманг. Гайде жуда асабийлашиб қолган, ўзига ёқмаган ҳар қандай ҳиддан кўнгли беҳузур бўлаверади, ҳатто ҳушидан ҳам кетиб қолади, бироқ менда, – давом этди граф чўнтагидан шишача чиқариб, – унинг давоси бор, мана.

Шундай деди-да, граф баронесса билан қизига таъзим этди ва Дебрэнинг қўлини қисди-да, Данглар хоним ложасидан чиқиб кетди.

У ўз ложасига қайтганда Гайденинг юзида қондан асар ҳам йўқ эди. У киришга улгурмасданоқ Гайде қўлидан маҳкам тутиб олди.



Ёш қизнинг қўли нам ва муз бўлиб қолганини Монте-Кристо сезди.

– Ким билан гаплашдингиз, жаноб? – сўради Гайде.

– Граф де Морсер билан, – деди жавобан Монте-Кристо, – у сенинг жасур отанг қўлида хизмат қилган экан, бойликни отангнинг қўмаги билан орттирган экан.

– Муттаҳам! – хитоб қилди Гайде. – Отамни туркларга сотган шу аблаҳ-да. У сотқинлик қилиб бойлик орттирган. Наҳотки, бундан хабарингиз бўлмаса, азиз ҳимоячим?

– Мен бу ҳақда Эпирда баъзи гапларни эшитгандек бўлгандим. Бироқ бу воқеанинг ҳамма тафсилотларини билмайман. Юр, қизалоғим, сен менга ҳамма воқеани тўла-тўқис айтиб берасан, бу жуда қизиқ бўлса керак.

– Ҳа, кетдик, бу одамга яқинроқ жойда яна бир оз қолсам юрагим ёрилиб, ўладиганга ўхшайман.

Гайде ўрнидан тез турди-да, марварид шодаси ва маржонлардан гул тикилган оппоқ кашмир либосига ўралиб ложадан чиқди. Шу маҳал парда кўтарилган эди.

– Ановини қаранг, – деди графиня Г. унинг олдига қайтиб келган Альберга, – у одам ҳеч ким қилмаган қилиқлар қилади! «Роберт»нинг учинчи бўлимини ихлос билан томоша қилди-да, нақ тўртинчи бўлим бошланган аснода жўнаб қолди.

## XVI. БИРЖА НАЙРАНГИ

Шу учрашувдан бир неча кун ўтгач, Альбер де Морсер граф Монте-Кристонинг Елисей Майдонидаги уйига ташриф буюрди. Бу данғиллама ҳовли-жойни беҳисоб бойлик эгаси граф шоҳона саройга айлантириб юборган эди. Альбер иккинчи марта Данглар хоним номидан миннатдорчилик ихор этгани келган эди. (Биринчи марта қизликдаги фамилияси Эрмини де Сервьер бўлган баронесса Данглар хатда миннатдорчилик билдирган эди.)

Альбер билан бирга келган Люсьен Дебрэ ҳам дўстига қўшимча қилиб лутфан бир неча сўз айтди: унинг бу сўзлари расмият учун айтилмаган бўлса-да, ўткир зеҳнли граф косанинг тагида ним коса борлигини фаҳмлаган эди. Ҳатто граф Люсьен ўзини қизиқтирган икки нарсани билиб олиш-

га келган ва бунда Шоссе д'Антен кўчасида истиқомат қилувчиларнинг қўли бўлса керак деб ўйлади. Ҳақиқатан ҳам граф, баҳоси ўттиз минг франкли от-извошини текинга ҳадя қилган ва сон-саноксиз бриллиантлар таққан асира билан театрга борган зот қандай яшашини ўз кўзи билан кўриш имкониятидан маҳрум Данглар хоним бу вазифани бошқа ишончли кўзларга топширган бўлса керак, деб тахмин қилса, адашмаган бўлади.

Бироқ граф, Люсьен ана шу мақсадни кўзлаб ташриф буюрганини фаҳмлаганини билдирмади.

– Сиз барон Данглар билан тез-тез учрашиб турасизми? – сўради у Альбердан.

– Албатта, граф, сизга айтган эдим-ку, эсингизда бўлса керак.

– Демак, ҳамма гап ўша сиз айтганча, ҳеч ўзгариш йўқми?

– Илгаригисидан ҳам ошиб кетди, – деди сўз қотиб Люсьен, – бу масала энди ҳал этилган.

Люсьен суҳбатга шунчалик аралашганим етар, деб ўйлади шекилли, моноклини тақди-да, қўл таёғининг олтин сопини тишлаб, хонадаги яроғ-аслаҳалар ва суратларни томоша қила бошлади.

– Бироқ сизнинг сўзингиздан ҳали қатъий қарорга келишга анча вақт бор, шекилли, деб ўйлаб юрган эдим, – деди Монте-Кристо Альберга.

– Иложим қанча? Иш шунчалик тезлашиб кетдики, нима бўлаётганига ақлим бовар қилмаяпти, ўйлашга фурсат бўлмаяпти: сенинг учун ҳам уларнинг ўзлари ўйлашяпти, мундоқ қарасанг, ў-хў, ишни пишириб қўйишибди-ю, деб ҳайратда қоласан. Менинг отам ва жаноб Данглар Испанияда бирга хизмат қилишган, отам қўшинларда, жаноб Данглар эса озиқ-овқат қисмларида. Революция даврида хонавайрон этилган отам ана ўша ерда дурустгина сиёсий ва ҳарбий мансабларга эга бўла бошлади, жиндак ҳам давлатга эга бўлмаган жаноб Данглар эса сиёсат ва молия борасида ҳайратда қоларли даражада тез кўтарила бошлади.

– Дарҳақиқат, – деди Монте-Кристо, – жаноб Данглар ҳузурида бўлганимда, бу ҳақда ҳикоя қилиб берган эди. – Граф альбомни варақлаётган Альберга бир қараб олди-да, қўшимча қилди: – Ҳақиқатан ҳам, мадемуазель Эжени жуда

нозанин қиз! Адашмасам, унинг номи Эжени бўлса керак, тўғрими?

– Жуда яхши қиз ёки жуда гўзал қиз, – деди жавобан Альбер. – Бироқ мен бунақанги гўзалларга ишқибоз эмасман. Бунга лойиқ эмасман!

– Худди Эжени аллақачон сизнинг хотинингиз бўлиб қолгандек гапирасиз-а!

– Оббо, – деди хўрсиниб Альбер ва ўз навбатида Люсьеннинг нима билан шуғулланаётганини назаридан ўтказиб.

– Менимча, – деди Монте-Кристо овозини пасайтириб, – сиз бу никоҳдан унчалик мамнун эмассиз.

– Назаримда, мадемуазель Данглар жуда бой, мени ана шу ваҳимага соляпти.

– Топган баҳонасини қаранг-а! – жавоб қилди Монте-Кристо, – ахир сизнинг ўзингиз ҳам бой эмасмисиз?

– Отамнинг йиллик даромади эллик минг ливрга борса керак: мен уйлансам, у менга ўн ёки ўн икки минг ажратиши мумкин.

– Буни унча кўп деб бўлмайди, албатта, – деди граф, – айниқса Парижда яшаш учун етарли эмас, аммо ҳамма гап пулда эмас. Жамиятда донг, шуҳрат, нуфуз ҳам анча роль ўйнайди. Сизнинг номингиз машҳур, жамиятда ажойиб нуфузга, мансабга ҳам эгасиз, бунинг устига граф де Морсер – солдат, бунда Байярнинг садоқати билан Дюгескленнинг қашшоқлиги мужассам бўлганини кўриб қойил қоласан, киши. Беғаразлик – кескир шамширни ярқиратиб турадиган қуёш нури. Мен, аксинча бу никоҳни жуда ўринли, муносиб деб ҳисоблайман, мадемуазель Данглар сизга бойлик ато этади, сиз эса уни шонли исмига муяссар этасиз!

Альбер хаёл сурган ҳолда бошини чайқаб қўйди.

– Яна бир жиҳати бор бу никоҳнинг, – деди у.

– Очиғини айтсам, – деди граф, – бу бой ва нозанин қиздан нечун жирканаётганингизга ҳеч тушунолмаяпман.

– Биласизми, – деди Морсер, – мабодо буни жирканиш деб аташ жоиз бўлса, жирканаётган биргина мен эмас.

– Яна ким? Ўзингиз, отам бу никоҳга тарафдор, деган эдингиз-ку!

– Онам хоҳламаяпти. У жуда зеҳнли аёл, унга бу никоҳ ёқмаяпти. Унда Данглар оиласига нисбатан қандайдир нотўғри фикр туғилган.

– Ҳа, тушунарли, – деди граф овозини сал чўзиб, – зодагонликка хос урф-одатларни ўзида мужассам этган, назокат ва нозик дид, ўткир зеҳнли графиня де Морсерни плебейнинг паст табақа оғир ва дағал қўли чўчитаётган экан, бу табиий ҳол.

– Билмадим, шундаймикан, – деди жавобан Альбер, – аммо аминманки, бу никоҳ амалга ошса, бахт эмас, бахтсизлик келтиради. Бу масаланинг амалий томонини ҳал этиш учун маслаҳат қилиш тўғрисида бундан бир ой бурун қарор қабул қилинган эди, ўшандан сўнг менда ҳеч чидаб бўлмайдиган мигрен<sup>41</sup> бошланди.

– Ростданам мигренми? – сўради илжайиб граф.

– Ҳақиқий мигрен, бу ваҳимадан бўлса керак... шу туфайли маслаҳат йиғилишини икки ойга кечиктиришди. Биласизми, бунда шошилишга асос ҳам йўқ: мен эндигина йигирма бир ёшга кириб боряпман, Эжени эса ўн етти ёшда, икки ойлик муҳлат ҳам келаси ҳафта тугайди. Тақдирга тан беришга тўғри келади. Бу мени шундай хижолатга соляптики, асти қўяверинг... Мана сиз уйланмай ажаб қилгансиз-да! Сиз озод кишисиз!

– Озод юришга биров халақит беряптими сизга?

– Агар мен мадемуазель Дангларга уйланмасам, отам ҳамма нарсадан умидини ўзиб қўя қолади.

– Э-э, уйланаверинг-да унга, сиздан нима кетди, – деди граф аллақандай маънода кифтини учириб.

– Лекин менинг уйланишим онамни қайғуга кўмиб қўяди, – деди эътироз билдириб Альбер.

– Ундай бўлса, уйланманг, – деди граф.

– Бир уйлаб, уриниб кўраман, сиз ҳам маслаҳат берасиз-да, шундайми? Эҳтимол, қўллаб юборасиз. Онамни қайғуга дучор этмаслик учун отам билан жанжал қўзғайман.

Монте-Кристо орқага ўгирилди, у ҳаяжонга тушгандек кўринарди.

---

<sup>41</sup> Мигрен – қаттиқ бош оғриғи ва кўнгил айнишга олиб борадиган асабий касал.

– Нима қияпсиз? – деди граф Дебрэга мурожаат қилиб. Дебрэ эса меҳмонхонанинг нариги ёғида ўнг қўлида қалам, чап қўлида ён дафтар тутиб ўтирганди. – Пуссен суратидан кўчирма оляпсизми?

– Кўчирма оляпсизми, деяпсизми? Ҳеч-да! Ҳеч-да! – деди хотиржам Дебрэ. – Мен бу тасвирий санъатнинг шайдоси бўла туриб, кўчирмачилик қилармидим?! Йўқ, мен унинг аксини қияпман, яъни ҳисоблаяпман.

– Ҳисоблаяпман?

– Ҳа, ҳисоблаб чиқяпман, бунинг, виконт, сизга ҳам дахли бор. Гаитининг нархи сўнгги марта ошганда Дангларнинг банки қанча фойда олганини ҳисоблаяпман. Акциялар уч кун мобайнида икки юз олтидан тўрт юз тўққизга кўтарилиб кетди, эҳтиёткор банкир акцияларнинг кўпини икки юз олтидан сотиб олган эди. Менинг ҳисобимда у уч юз минг фойда олди.

– Бугина эмас, бундан бошқа у яна испан заёмларида ҳам шу йил бир миллионни ўмарди, – деди Альбер.

– Азизим, менга қаранг, – деди Люсьен, – граф Монте-Кристо итальянлар билан биргалашиб шундай жавоб берган бўлур эди:

*Danaro e santita –  
Mela della meta.*<sup>42</sup>

Бу ҳам жуда кўп, менга шунга ўхшаш воқеани ҳикоя қилганларида елкамни қисиб қўя қоламан.

– Гаити ҳақидаги ҳикояни ўзингиз айтиб бердингиз-ку, – деди Монте-Кристо.

– Гаити бошқа гап; Гаити – бу биржа экартеси. Бульотни севиш мумкин, қарта ўйинига берилиб кетиш мумкин, бостонга маҳлиё бўлиб қолиш мумкину, бироқ бориб-бориб кўнгил булардан совуши мумкин, аммо экарте ўз жозибадорлигини асло йўқотмайди. Демак, шундай қилиб, Данглар кеча тўрт юз олтидан сотиб, уч юз минг франкни ўмарибди-да, агар у бугунгача тўхтаб турганида акциялар яна

---

<sup>42</sup> Пул ва авлиёлик – яримнинг ярми (итал.)

икки юз бешга тушиб қоларди, у ҳолда банкир уч юз минг франк фойда ўрнига йигирма-йигирма беш минг зарар кўрган бўлур эди.

– Нега улар тўрт юз тўққиздан икки юз бешга тушиб кетди экан? – сўради Монте-Кристо, – узр, мен бунақа биржа найранглари борасида ғирт саводсизман.

– Тушиб кетганининг сабаби шуки, ахборот навбатманавбат эълон қилинади ва бир-бирига тўғри келмай қолади, – жавоб қилди Альбер кулиб.

– Оббо! – хитоб қилди граф. – Демак, Данглар жаноблари бир куннинг ўзида уч юз минг франк ютиб чиқиши ҳам ёки ютқизиб қўйиши ҳам мумкин экан-да? Демак, унинг бойлиги сон-саноксиз экан-да?

– Бу ўйинни у эмас, Данглар хоним олиб борадилар, – деди Люсьен, – бу аёлдаги жасорат, дадиллик кишини ҳайратда қолдиради.

– Бироқ сиз, Люсьен, фаросатли, оқил кишисиз, бошманбада туриб, ахборотларнинг қийматини, тўғри-нотўғрилигини биласиз; Данглар хонимнинг ҳовурини босиб туришингиз зарур эди, – эътироз билдирди илжайиб Альбер.

– Эрининг қўлидан келмаган иш менинг қўлимдан келармиди? – деди Люсьен. – Сиз баронессанинг характерини биласиз-ку. Унга ҳеч кимнинг гапи таъсир қилмайди, фақат истаганини қилади.

– Э-э, агар мен сизнинг ўрнингизда бўлсайдим... – деди Альбер.

– Хўш, нима қилардингиз?

– Мен унинг дардига даво топар эдим, бу бўлғуси куёвнинг катта хизмати бўлур эди.

– Қандай қилиб?

– Бу жуда осон. Мен унга сабоқ бериб қўярдим.

– Сабоқ?

– Сиз министрнинг шахсий котиби сифатида ҳар қандай янгиликлар борасида жуда катта обрўга эгасиз: офзингизни очишингиз билан ҳамма сўзларингизни биржачилар дарҳол стенография қилиб ёзиб олишади, бирор марта баронессани юз минг франк ютқазिशга мажбур этинг, у дарров ҳовуридан тушиб, эҳтиёткор бўлиб қолади.

– Мен тушунмадим гапингизга, – деди Люсьен.

– Лекин бу жуда равшан гап, – деди Альбер чин кўнгилдан, – кунларнинг бирида, эрталаб бир дабдабали хабарни – телеграмма келганини айтинг, масалан, Габриэлнинг хузурда Генрих IV ни кўрибдилар, бу биржада акцияларнинг баҳосини кўтаради: баронесса бундан фойдаланишга ҳаракат қилади, бироқ Бошан эртанисига ўз газетасида қуйидаги хабарни босиб чиққач, ютқзади:

«Хабардор кишиларнинг қирол Генрих IV ни ўтган куни Габриэлникида кўрибдилар, деган хабари ҳақиқатга хилофдир. Бундай факт бўлгани йўқ. Қирол Генрих IV янги жойидан ҳеч қаёққа жилгани йўқ».

Люсьен нохуш кулимсираб қўйди. Бу сўзларга ўзини эътибор бермаётганга солиб ўтирган Монте-Кристо ҳамма гапни, бирор сўзни қолдирмай тинглаб ўтирганди, ҳатто шахсий котибнинг сирли суратда ичдан хижолат тортганини ҳам сезиб олган эди.

Альбер сезолмаган бу хижолат натижасида Люсьен тезроқ жўнаб қолишнинг пайига тушиб қолди. У жуда ўнғайсиз ҳолга тушиб қолганди. Граф уни кузата бориб, оҳистагина бир неча сўз айтганди, Люсьен:

– Жоним билан граф, бўпти, – деб жавоб қилди.

Граф ёш Морсер олдига қайтди.

– Жаноб Дебрэ олдида қайнанангиз ҳақида бундай гапларни айтиш жоиз эмаслигига ўзингиз ҳам иқроор бўлсангиз керак, шундайми?

– Граф, илтимос қиламан, – деди Морсер, – қайнана сўзини тилга олишга шошилманг.

– Наҳотки графиня бу никоҳга шунчалик қарши бўлса? Бу муболаға эмасми?

– Унинг қаршилиги чексизлигини шундан ҳам билса бўладики, баронесса бизникига камдан-кам келади, онам эса менимча, ҳаётида Данглар хонимникига бир-икки марта борганми-йўқми, Худо билади.

– Шундай экан, – деди граф, – мен журъат қилиб сиз билан очикчасига гаплашай: жаноб Данглар менинг банкирим, жаноб де Вильфор эса унга кўрсатган ёрдамим эвазига раҳматларга кўмиб юборди мени. Шунинг учун ҳам қатор-қатор меҳмондўстликлар ва тантанали

хурсандчилик кечалари бўлишини кутяпман. Менсима-  
япти, кибрланяпти, демасликлари учун мен Отейлдаги  
ҳовлимга жаноб Дангларни ва Данглар хонимни, жаноб  
де Вильфор билан Вильфор хонимни таклиф қиламан.  
Мабодо ана шу меҳмондорчиликка граф ва малика де  
Морсерлар қаторида сизни ҳам таклиф қилсам, бу тўй  
олдидан бўладиган учрашувлардан бирортасига ўхшаб  
қолмасмикин? Айниқса, барон Данглар, марҳамат  
қилиб, қизини ҳам бирга олиб келса, графиня де Мор-  
сер ҳалигидай фикрга келмасмикин? Унда графиня мени  
жуда ёмон кўриб қолади, мен эса буни асло истамай-  
ман; аксинча, мен сиздан менинг у кишига бўлган ҳур-  
матимни ўрни келганда айтиб қўйишингизни илтимос  
қиламан, у кишининг менинг тўғримдаги яхши фикрла-  
ри мен учун жуда азиздир.

– Граф, ишонинг менга, – жавоб қилди Морсер, – очиқ  
гапирганингиз учун миннатдорман сиздан ва сизнинг меҳ-  
мондорчилигингизда қатнашмасликка розиман. Онангиз-  
нинг фикри мен учун жуда азиз дедингиз, лекин шуни би-  
либ қўйингки, онам сизни жуда ҳурмат қилади.

– Сиз шундай деб ўйлайсизми? – сўради қизиқсиниб  
Монте-Кристо.

– Бунга имоним комил. Сиз бизникида бўлганингиздан  
сўнг биз бир соат сизнинг ҳақингизда суҳбатлашдик. Асо-  
сий гапга қайтайлик. Шундай қилиб, менинг онам, сизнинг  
унга эътибор бераётганингизни билса (мен буни унга етка-  
зишни ўз гарданимга оламан), аминманки у сиздан ниҳоят-  
да миннатдор бўлади. Тўғри, бундан отам ғазабга минади.

Граф кулиб юборди.

– Мана энди, – деди у Альберга, – ҳамма гап сизга  
аён. Шуниси ҳам борки, бундан фақат отангизгина ғазаб-  
ланиб қолмай, жаноб Данглар билан Данглар хоним ҳам  
мени, жуда беҳаё киши экан деб, айбашлари турган  
гап. Улар иккимиз тез-тез учрашиб турганимизни, Па-  
рижда сиз менинг жуда эски танишим эканингизни би-  
ладилар, шундай бўла туриб меникидаги меҳмонлар ичи-  
да сиз бўлмасангиз, жуда ғалати туюлиши мумкин. Улар  
мендан, нега Альберни таклиф қилмадингиз, деб сўрай-  
дилар. Шунда ноқулай аҳволга тушиб қолмаслигим учун



ўзингиз ёрдам беришингиз керак: бошқа бирор ерга таклиф этилганингизни баҳона қилиб ишонарли хат ёзасиз. Биласизки, банкирлар учун фақат ёзма далил аҳамиятга молик.

– Граф, мен бундан ҳам яхшироқ йўл топдим, – деди Альбер. – Онам денгиз ҳавосида ҳордиқ чиқариш учун қаергадир бормоқчи. Сиз меҳмонларни қайси кунга чақирдингиз?

– Шанба кунига...

– Жуда соз. Бугун сешанба. Биз эртага кечқурун кетамиз, индинга Трепорда бўламиз. Биласизми, граф, сиз одамларнинг тортинмай бемалол муомала қилишларига йўл қўйиб берасиз, бу мени ғоят даражада шод этди.

– Сиз мени жуда ортиқча мақтаб юборяпсиз, мен фақат сизнинг вақтингизни чоғ этмоқчиман.

– Таклифномаларингизни қачон юборган эдингиз?

– Шу бугун.

– Жуда соз! Мен ҳозир Дангларнинг олдига бориб, онам билан бирга эртага Париждан жўнаб кетамиз, деб эълон қиламан. Мен сизни кўрганим йўқ, меҳмон чақирганингизни эшитганим ҳам йўқ.

– Эсингизни йиғинг! Сизни ҳозиргина меникида кўрган Дебрэ-чи?

– Ҳа, айтгандай.

– Аксинча, мен сизни кўрдим, мана шу ерда, расмиятни йиғиштириб қўйиб, таклиф этдим, сиз эса чин юракдан ташаккур билдириб, келолмаслигингизни, Трепорга кетажанингизни айтиб, узр сўрадингиз.

– Жуда тўғри, шундай қилишга аҳд этдик. Онам кетгунча уни бир кўриб келарсиз?

– Кетгунларинггача боришим қийин: бунинг устига, борсам кетишга тайёрлик кўришингизга халақит бераман.

– Йўқса, бундан ҳам яхшироқ бир иш қилинғ! Ҳозиргача сиз биз учун фақат ўктам одам эдингиз, энди мафтун этиб ҳам олинг.

– Бундай камолотга етмоқ учун нима қилмоғим зарур?

– Нима қилмоғим керак, дедингизми?

– Ҳа, мен билмоқчиман.

– Сиз бугун эркин қушсиз, тушки овқатни бизникида еймиз. Фақат учаламиз – сиз, онам ва мен бўламан. Сиз графиняни бир марта кўрган эдингиз, холос, энди яқинроқ танишиб оласиз. У жуда ажойиб аёл, мен дунёда ёши йигирмаларда бўлган яна шундай бир аёл йўқлигидан афсусланиб юраман, қасамёд қиламанки, агар шундай жонон учраганда, кўп ўтмай графиня де Морсердан бошқа яна ви-контесса де Морсер майдонга келган бўлур эди. Отамни кўролмайсиз: у бугун комиссия мажлисида, тушликни ҳам ўша ёқда ейди. Юринг, бориб саёҳат ҳақида гаплашамиз. Сиз бутун дунёни кезиб чиққан жаҳонгаштасиз, ўз саргузашталарингизни ҳикоя қилиб берасиз, тенги йўқ гўзал албан қизнинг тарихини, операда сиз билан бирга бўлган ва сиз асирам деб атаб, маликадай муомала қиладиган нозаниннинг ҳаёт дафтарини ўқиб берасиз. Биз итальян тилида, испан тилида гаплашамиз. Хўп, деяверинг! Графиня сиздан миннатдор бўлади.

– Раҳмат, миннатдорман сиздан, – жавоб қилди граф. – Таклифингиз менга жуда ёқиб тушди; шу сабабли қабул этишга иложим йўқлигидан афсусланаман. Сиз мени бўш деб бекор айтдингиз, аксинча, жуда бандман: бугун муҳим учрашувим бор.

– Энди ўзингиз қўлга тушдингиз: ҳозиргина менга нохуш тушлиқдан қандай қилиб қутулиш йўлини ўргатган эдингиз. Менга далил керак. Яхшиямки, мен Дангларга ўхшаб банкир эмасман: аммо огоҳ бўлиб қўйинг, мен унга ўхшаган қуруқ гапга ишонавермайман.

– Ҳа, хўп, далил кўрсатаман, – деди граф ва қўнғироқ чалди.

– Аммо шуни айтиб қўяйки, сиз шу билан иккинчи марта онам ҳузурида тушликни баҳам кўриш тўғрисидаги таклифни рад этяпсиз, – деди Морсер, – Афтидан сиз бормасликка қатъий қарор қилганга ўхшайсиз.

Монте-Кристо сесканиб кетди.

– Аминманки, сиз бундай фикрда эмассиз, – деди граф, – мана менинг далилим келаётир.

Батистен кириб эшик олдида тўхтади.

– Мен сизнинг ташриф буюришингиз ҳақида олдиндан хабардор этилганим йўқ-ку, тўғрими?

– Ким билсин! Сиз шундай ажойиб зотсизки, бунга ка-  
фил бўлишим қийин.

– Ҳар қалай, мени тушликка таклиф этишингизни ол-  
диндан билолмаган эдим.

– Ҳа, бу гапингиз тўғри.

– Жуда соз. Менга қаранг Батистен, бугун эрталаб хо-  
намга чақирганда сизга нима дегандим?

– Жаноби олийларининг ҳузурига соат бешдан кейин ким  
келса ҳам қабул қилинмасин, деган эдингиз.

– Сўнг?

– Э-э, граф... – сўз қотмоқчи бўлди Альбер.

– Йўқ, сабр қилинг, сиз томондан менга тўнқалган ўта  
сирли обрўдан ўзимни соқит этиб олмоқчиман, виконт.  
Ҳамиша Манфреднинг акси бўлиб юриш ниҳоятда оғир,  
кишига малол келади. Мен ҳамманинг назарида, кўз олди-  
да яшашни истайман. Батистен, давом эттиринг: сўнг нима  
дегандим?

– Фақат жаноб майор Бартоломео Кавальканти ўғли би-  
лан қабул қилинсин, дедингиз.

– Ана, эшитдингизми? Италиядаги энг қадимий уруғлар-  
дан қолган наслардан майор Бартоломео Кавальканти, бу  
уруғнинг насабномасини ёзиш вазифасини Дантенинг ўзи  
гарданига олган эди: эсингиздами (эхтимол унутгандирсиз)  
«Дўзах»нинг ўнинчи қўшиғида, унинг виконт, ёши сиз би-  
лан тенг юрадиган ўғли, отасининг унвони билан падари  
бузрукворининг миллионларига таяниб Париж жамоатчи-  
лиги орасига кириб олади. Майор бугун меникига ўғлини  
бирга олиб келади-да, менга топширади. Агар у пойиқ бўлса,  
мен уни кўтараман. Сиз менга кўмаклашасиз, яхшими?

– Албатта! Майор Кавальканти сизнинг эски дўстингиз  
экан-да? – сўради Альбер.

– Йўқ, аммо у жуда ҳурматга сазовор, ниҳоятда хушмуо-  
мала, камтар, одобли одам. Бунақаларнинг Италияда сон-  
саноғи йўқ, булар ном-нишонини йўқолиб бораётган қадимги  
қавмларнинг авлоди. Мен у билан Флоренцияда ва Болонье-  
да, Луккада бир неча марта учрашганман, бу ерга келгани-  
дан мени ўзи хабардор этди. Сафарда танишганлар жуда  
талабчан бўладилар, бир гал тасодифан дўстона муноса-  
батда бўлдингизми, бас, балога қоласиз, у ҳамма жойда сиз-

дан худди шундай иззат-хурмат билан кутиб олишни талаб қилади. Олижаноб Кавальканти Парижни йўл-йўлакай, Империя даврида музлаш учун Москвага ўтиб кетаётганида кўрган экан, мана энди яна ташриф буюряпти. Мен уни ажойиб ноз-неъматлар билан меҳмон қиламан: у ўғлини менга топширади, унга истаганича ўйнаб-кулиб юриш учун имкон туғдириб бераман, шундай қилиб, иккимизнинг ора-миз очиқ бўлади.

– Жуда соз! – деди Альбер. Кўриниб турибдики, сиз тенги йўқ мураббий экансиз. Хайр, йўқса, биз якшанба куни қайтамиз. Айтганча, мен Францдан хат олдим.

– Шундайми? – деди Монте-Кристо. – Унга Италия жуда ёқиб қолди, шекилли?

– Шундайга ўхшайди, бироқ сизнинг йўқлигингизга ачиниб юрибди экан... У сизни Римнинг қуёши эди ва кетиши билан ҳамма ёқ зимистон бўлди-қолди, деб ёзибди. У, Италияда ёмғир қуяётибди дейишдан ҳам тап тортмайдими, деб ўйлаб қолдим.

– Демак, дўстингиз менинг ҳақимдаги илгариги фикрдан қайтибди-да?

– Йўқ, қайтмабди, у сизни ҳалиям ғайри табиий, афсонавий одам дейди, кетиб қолганингизга ачинаётганининг боиси ҳам шунда.

– Жуда ёқимтой одам! – деди Монте-Кристо. – Биринчи учрашувимизда, кечки овқат тараддудида юрганида ва марҳамат қилиб, мен билан овқатланишга розилик билдирганидаёқ менга ёқиб қолганди. Адашмасам, у генерал д'Эпиненинг ўғли бўлса керак, тўғрими?

– Жуда тўғри.

– Бир минг саккиз юз ўн бешинчи йили разилона ўлдирилган генералнинг-а?

– Ҳа, бонапартчилар ўлдирди уни.

– Ҳа, худди ўша. Франц менга жуда ёқиб қолган. Уни ҳам уйлантирмоқчи эмасмикинлар?

– Ҳа, уйлантиришади, мадемуазель де Вильфорга.

– Бу ҳал бўлганми?

– Менинг мадемуазель Дангпарга уйланишим қандай ҳал қилинган бўлса, уники ҳам шундай ҳал қилинган.

– Ҳазил қиляпсизми?

– Ҳа.

– Нечун?

– Шунинг учунки, мадемуазель Данглар билан иккимизнинг ошиқ-маъшуқлигимиз қай даражада бўлса, уларнинг бир-бирига муҳаббати ҳам шу даражада. Бироқ, граф, эркаклар ҳақида хотинлар қандай вайсасалар, иккимиз ҳам хотинлар ҳақида худди шундай вайсаяпмиз. Бу уят!

Альбер ўрнидан турди.

– Кетяпсизми?

– Шунча вақтингизни олдим, етар, ҳимматингизга балли! Яна «кетяпсизми» деб сўраганингизни қаранг-а! Граф, сиз ҳақиқатан ҳам дунёда энг назокатли, хушфёъл одам-сиз! Хизматкорларингиздаги одобни қаранг-а! Айниқса Батистен. Мен ҳеч бунақаларини тополмайман. Менинг хизматкорларим ҳамиша француз театрларидаги малайларга тақлид қилаётганга ўхшаб юришади. Мабодо Батистендан ажралмоқчи бўлиб қолсангиз, менга беринг уни.

– Бу, виконт, ҳал бўлган.

– Тўхтанг, ҳали гапим тамом бўлгани йўқ. Луккадан келадиган камтарин меҳмонингиз синьор Кавальканти деи Кавалькантига мендан салом айтинг, илтимос қиламан, мабодо у ўғлини уйлантиришга аҳд қилгудек бўлса, унга жуда бадавлат бойвучча, ҳеч деганда хотини томондан асилзода, ота томондан баронессани топиб беринг. Мен сизга кўмаклашаман.

– Бироқ, – деди хитоб қилиб Монте-Кристо, – наҳотки иш шундай бўлса?

– Ҳа, шундай.

– Аммо сиз шундай деб сўз бераверманг, нима бўлишини ким билиб ўтирибди ҳали.

– Эҳ, граф, – деди Морсер, – агар шундай қилсангиз менга беҳад ёрдам берган бўлур эдингиз! Сизнинг кўмагингиз билан ҳеч бўлмаса яна ўн йил бўйдоқ бўлиб юрардим, сизни бундан юз карра ортиқроқ севган бўлардим!..

– Эҳтимол, шундай бўлиши ҳам мумкин, – деди Монте-Кристо жиддий оҳангда.

Граф Альбер билан хайрлашди-да, хонасига қайтиб, уч марта кўнғироқ чалди. Бертуччо кирди.

– Бертуччо, – деди граф, унутмангки, шанба кунни мен Отейлдаги ҳовлимда меҳмонлар қабул қиламан.

Бертуччо билинар-билинемас сесканиб тушди.

– Қулоғим сизда, жаноби олийлари, – деди у.

– Ҳамма нарсани бошлаб ташкил қилиш сизнинг гардингизга юкланади, – деди граф. – У жуда гўзал даргоҳ ёки гўзал даргоҳ бўлмоғи зарур.

– Жаноби олийлари, бунинг учун уни тамоман янгиламоқ керак, деворларини янгидан қоплаш зарур.

– Ундай бўлса ҳаммасини бошқатдан ишлатинг, фақат қизил газлама билан қопланган ётоққа тегманг – уни шундайлигича қолдиринг.

Бертуччо таъзим қилди.

– Боғдаям ҳеч нарсага тегманг, ҳовлида истаганингизни қилинг, қани энди ҳовлини таниб бўлмайдиган даражада ўзгартиб юборсангиз, жуда хурсанд қилардингиз мени.

– Ҳаммасини сизнинг кўнглингизга ёқадиган қилиб бажо келтириш учун кўлимдан келган ҳамма ишни қиламан. Бироқ жаноби олийлари, овқат тайёрлаш тўғрисида фармон берсалар, кўнглим тинчирди.

– Азизим Бертуччо, – деди граф, – ҳақиқатан ҳам Парижга келганимиздан буён кайфингиз ноchoғ, қандайдир шубҳаларга чўмиб юрасиз, наҳотки менга тушунолмайд қолган бўлсангиз!

– Жаноби олийлари, кимни меҳмонга чақираётганингизни, эҳтимол айтарсиз менга?

– Ҳали ўзим ҳам билмайман, сизнинг ҳам билишингиз шарт эмас.

Бертуччо таъзим қилиб, чиқиб кетди.

## **ХVII. МАЙОР КАВАЛЬКАНТИ**

Луккалик майорнинг ташрифи тўғрисида графнинг ҳам, Батистеннинг ҳам Альберга айтганлари тўғри эди. Тушликка таклифни Монте-Кристо шунинг учун ҳам рад этди.

Соат еттига бонг урганида ва Бертуччо графнинг фармонини бажармоқ учун Отейлга кетганига икки соат бўлганда дарвоза олдида извош тўхтади ва худди хижолат тортгандек, эллик икки ёшлардаги бир кишини туширди-да,

дарров жұнаб кетди. У Европада абадий урф бұлиб қолган қора боғичли кўк либосга ұралиб олган эди, бундан ташқари кўк мовут чолвор, тагчарми жуда қалин, узун қўнжли этик, замша қўлқоп, жандармникига ўхшаш шляпа кийганди. Бўйнидаги оқ хошияли қора ёқани у ўз ихтиёри билан тақмаганди, уни темир бўйинбоғ деб ўйлаш мумкин эди. Ана шундай ранго-ранг кийимдаги шахс эшик қўнғироғини чалиб, Елисей Майдонидаги зангори рақамли уйда граф Монте-Кристо яшайдими, деб сўради-да, дарвозабоннинг тасдиғидан сўнг ичкарига кирди.

Меҳмоннинг ташқи қиёфаси тўғрисида олдиндан хабардор этиб қўйилган ва уни даҳлизда кутиб турган Батистен уни гувала бошидан, оқ тушган сочидан, оппоқ қалин мўйловидан таниб олди: меҳмон номини чаққон камердинерга айтиб улгурмасданоқ, унинг келганини Монте-Кристога хабар қилган эдилар.

Хорижий зотни энг оддий меҳмонхоналардан бирига олиб киришди. Граф уни ўша хонада кутиб турганди, у илжайиб меҳмоннинг истиқболига чиқди.

– Марҳамат, азизим майор, марҳамат, – деди граф, – сизни кутиб ўтирган эдим.

– Ростданми? – сўради Луккадан келган зот. – Жаноби олийлари мени кутганмидилар?

– Ҳа, сизни бугун соат еттида келади, деб огоҳлантириб қўйган эдилар мени.

– Мени сизникига келади, деб-а?

– Ҳа, шундай деб.

– Жуда соз: очиғини айтганда, бу эҳтиёткорликни унутиб қўймасмикинлар, деб хавотирланган эдим.

– Қанақа эҳтиёткорликни?

– Сизни огоҳлантириб қўйишни.

– Буни унутиб бўладими?

– Адашмаганингизга аминмисиз?

– Аминман.

– Жаноби олийлари, бугун соат еттида чиндан ҳам менинг келишимни кутганмидингиз?

– Ҳа-да. Яна текшириб кўришимиз ҳам мумкин.

– Ростданам мени кутган бўлсангиз, – деди меҳмон, – текширишга ҳожат йўқ.

- Нега энди? – эътироз билдирди Монте-Кристо.  
 Луккалик меҳмоннинг бир оз ташвишлангани сезилди.
- Менга қаранг, – деди Монте-Кристо, – ахир сиз маркиз Бартоломео Кавальканти эмасмисиз?
- Худди ўзи, – деди қувониб Луккадан келган меҳмон, – Бартоломео Кавальканти.
- Австрия армиясининг истеъфога чиққан майори-да?
- Мен майор бўлганмидим? – деди хавотирланиб кекса жангчи.
- Ҳа, сиз майор эдингиз, – деди Монте-Кристо. – Сизнинг Италиядаги унвонингизни Францияда майор деб аташади.
- Дуруст, – жавоб қилди Луккадан келган меҳмон, – биласизми, менинг учун бунинг аҳамияти йўқ.
- Бироқ, сиз бу ерга ўз ихтиёрингиз билан келмаган бўлсангиз керак? – давом этди Монте-Кристо.
- Албатта.
- Меникига юбордиларми сизни?
- Тўғри.
- Олижаноб аббат Бузони...
- Ҳа, ўша киши, – деди қувониб майор.
- Хат олиб келдингизми?
- Мана.
- Ана кўрдингизми! Беринг бу ёққа хатни.
- Монте-Кристо хатни очиб ўқиди. Майор таажжубланиш ҳолда бақрайиб тикилиб турарди, у қизиқсиниб бир хонани кўздан кечирар, бир уйнинг эгасига тикиларди.
- Худди айтганим бўлиб чиқди... аббат ёзибди...
- «Майор Кавальканти Лукканинг атоқли зодағони, Флоренциядаги Кавалькантилар авлодидан, – ўқишни давом эттирди Монте-Кристо, – йилига ярим миллион даромад қилади...» – хат устида кўзларини югуртиб Монте-Кристо бошини кўтарди-да, таъзим қилди.
- Ярим миллион! – деди у. – Қадрли Кавальканти, ярим миллион-а.
- Ростданам ярим миллион деб ёзилганми? – сўради Луккадан келган одам.
- Оқ қоғозга қора сиёҳ билан худди шундай деб боплаб ёзиб қўйибди: бу ҳақиқат, албатта. Европадаги йирик бойликлардан аббат Бузони яхши хабардор.



– Хўп, ярим миллион деган бўлса ярим миллион-да, – деди луккалик, – бироқ тўғриси, мен рақам бунақа катта бўлади деб ўйламаган эдим.

– Чунки, иш бошқарувчиларингиз сизнинг пулларингизни ўғирлашади, начора, қадрли жаноб Кавальканти, бу ҳаммамизнинг бошимизга битган бало!

– Сиз менинг кўзимни очиб қўйдингиз, аблаҳнинг думини тугиш керак, – деди луккалик жиддий оҳангда.

Монте-Кристо давом этди:

– «Бутунлайн бахтиёр бўлиш учун унга бир нарса камлик қиляпти».

– Ё тавба! Фақат биргина нарса-я! – деди хўрсиниб луккалик.

– «Яъни севимли кўзичоғини – ўғлини топиб олиш».

– Севимли кўзичоғини!

– «Олижаноб оиланинг душмани ёки лўлилар ўғлини болалик чоғида ўғирлаб кетган эди».

– Беш ёшлик чоғида! – деди оғир хўрсинган ҳолда осмонга кўз тикиб луккалик.

– Эй, шўрлик ота! – деди Монте-Кристо. Сўнг ўқишни давом эттирди.

– «Сиз ўн беш йилдан буён ахтариб тополмай юрган ўғлингизни топишга граф ёрдам бера олади деб ишонтирдим, ҳаётга қайтардим уни».

Луккалик ташвишли ҳолда Монте-Кристога қаради.

– Бу иш менинг кўлимдан келади, – деди Монте-Кристо. Майор қадини ростлаб олди.

– Ия, – деди у, – хатдаги гаплар рост экан-да?

– Ишонмаяпсизми, қадрли жаноб Бартоломео?

– Йўқ, йўқ, ишондим! Динимиз арбоби аббат Бузонидек зоти-шариф ноҳақ гапни айтармиди, бироқ жаноби олийлари, ҳали хатнинг ҳаммасини ўқиб бўлганлари йўқ.

– Ҳа, – деди Монте-Кристо, – иловаси ҳам бор.

– Ҳа... – такрорлади луккалик, – иловаси бор... \*

– «Майор Кавальканти бир банкдан иккинчи банкка пул ўтказиб қийналиб юрмасин, деб мен унга йўл харажатлари учун икки минг франкка чек юбордим ва яна сиз қарз бўлиб қолган қирқ саккиз минг франкни ҳам унинг номига ўтказдим».

Майор хавотирланиб қараб турарди.

– Хўш, – деди граф.

– У менга, – деди минғирлаб луккалик, – иловани...  
граф...

– Иловани. Хўш? – сўради Монте-Кристо.

– Яъни иловани ҳам, граф жуда яхши қабул қилади, деган эди.

– Тўғри. Аббат билан иккимизнинг ҳисоб-китобимиз бошқача; унга ростданам қирқ саккиз минг ливр қарз эканим ёдимдан кўтарилибди, аммо ортиқча бир неча ассигнация биримиздан-биримизга ўтиб қолиши мумкин, биз бундан асло ташвишланмаймиз. Хатнинг иловасига сиз, қадрли жаноб Кавальканти, катта эътибор берган-мидингиз?

– Сизга очиғини айтсам, – жавоб қилди луккалик, – аббат Бузонининг имзосига ишониб, мен бошқа пул олганим йўқ эди, шунинг учун мен умид қилган ана шу сумма бўлмай қолса, Парижда жуда қийин аҳволга тушиб қолган бўлур эдим.

– Қўйинг, бу гапингизни, сиздек зот бирор жойда қийин аҳволга тушармиди, – деди Монте-Кристо.

– Агар бирор кишини танимасангиз... – деди луккалик.

– Сиз танимайсизу, аммо сизни ҳамма танийди.

– Ҳа, мени танишади... демак...

– Гапираверинг, жаноб Кавальканти.

– Демак, сиз менга ана шу қирқ саккиз минг ливрни бера-верасизми?

– Талаб қилишингиз билан тутқизаман қўлингизга.

Майор ҳанг-манг бўлиб, бақрайганча қолди.

– Келинг, ўтиринг, марҳамат, – деди Монте-Кристо, – менга нима бўлди ўзи... чорак соатдан буён сизни тик турғизиб қўйибман-а.

– Зарари йўқ! – деди-да, меҳмон курсини олдиға тортиб ўтирди.

– Рухсат этинг, бирор нарса келтирай сизга, – деди граф, – хересми, портвейнми, аликантеми?

– Мумкин бўлса, аликанте, мен шу винони ёқтираман.

– Менда бу винонинг жуда зўри топилади, хотиржам бўлинг. Бир бўлак бисквит ҳам келтирай, майлими?

– Ҳа, майли.

Монте-Кристо қўнғироқ чалди. Батистен кирди.

Граф унинг ёнига борди.

– Ҳўш?.. – секин сўради у.

– Ёш йигит шу ерда, – жавоб қилди камердинер, оҳиста.

– Жуда соз, уни қаерга олиб кириб қўйдингиз?

– Фармонингизга мувофиқ кўк меҳмонхонага.

– Жуда боппабсиз. Бир шиша аликанте виноси ва бисквит келтиринг.

Батистен чиқиб кетди.

– Жаноб, – деди луккалик, – сизни жуда ташвишга солиб қўйдим, узр сўрайман.

– Нега энди, ҳеч ундай эмас-да! – деди Монте-Кристо.

Батистен вино, қадаҳлар ва бисквит келтирди.

Граф биринчи қадаҳни тўлдирди, иккинчисига эса кўп йиллик винодан фақат бир неча томчи томизди.

Майор тўла қадаҳни ва бисквитни олди.

Граф Батистенга баркашни меҳмоннинг олдига қўйишни буюрди, меҳмон аввал винони татиб кўрди-да, сўнг маъқул деб қадаҳга аста бисквитни ботириб олди.

– Шундай қилиб жаноблари, – деди Монте-Кристо. – Луккада яшаган бадавлат асилзодалардан эканлар-да, ҳамма-нинг ҳурматига сазовор бўлиб, бахтиёр ҳаёт учун нимаики зарур бўлса – барчаси сизга муҳайё бўлган экан-да, шундайми?

– Ҳаммаси муҳайё эди, – деди майор бисквитни ютиб, – ҳаммаси.

– Мукамал бахтга эришиш учун фақат биргина нарса етишмасди, шундайми?

– Ҳа, фақат биргина нарса.

– У ҳам бўлса ўғилни топиш-да?

– Оҳ, – деди майор иккинчи бисквитни олиб, – энг катта камчилик ана шу эди.

У осмонга қаради-да, зўрма-зўраки хўрсинмоқчи бўлди.

– Энди, азизим Кавальканти, – деди Монте-Кристо, – айтинг-чи, соғиниб қолган ўша ўғлингиз ким эди ўзи? Ахир менга сизни бўйдоқ деган эдилар-ку.

– Ҳамма шундай деб ўйларди, – жавоб қилди майор, – ўзим ҳам...

– Ҳа, ўзингиз ҳам бу миш-мишларни рад этмай юравердингиз, – деди сўзини давом эттириб Монте-Кристо. – Сиз ёшлиқдаги айбни бекитмоқчи бўлдингиз.

Луккалик ўтирган курсисидан қаддини ростлади-да, гердаиб олди: сўнг ўзини дадил тутиш учунми ёки тасаввурини аниқлаш учунми – кўзларини ерга тикди: айна пайтда у зимдан графга қараб қўйди.

– Тўғри, жаноби олийлари, – деди у, – бу хатойимни яширмоқчи эдим.

– Ўзингиз учун эмас, – деди Монте-Кристо, – буни эркаклар учун айб санамайдилар.

– Тўғри, ўзим учун эмас, албатта, – деди майор илжайган ҳолда бошини чайқаб.

– Онаси учун, – деди граф.

– Ҳа, онаси учун! – хитоб қилди луккалик учинчи бисквитни олиб, – унинг бечора онаси учун!

– Қани, марҳамат қилиб ичинг, қадрли жаноб Кавальканти, – деди Монте-Кристо, меҳмоннинг қадаҳини яна тўлдириб, – ҳаяжон нафасингизни бўғяпти.

– Унинг бечора онаси учун! – деди пичирлаб луккалик, кўзидан ёлғондан ёш чиқаришга зўр бериб уринар экан.

– У она адашмасам, Италиядаги бир оқсуяклар оиласидан бўлса керак, шундайми?

– Граф, у Фьезолдаги зодагонлар оиласидан!

– Унинг номи нима эди?

– Номини билмоқчимисиз?

– Тавба, – деди Монте-Кристо, – майли, айтмай қўя қолинг, менга маълум унинг номи.

– Жаноби олийлари ҳамма нарсадан хабардорлар, – деди таъзим қилиб луккалик.

– Олива Корсинари, тўғрими?

– Ҳа, Олива Корсинари!

– Маркизами?

– Ҳа, маркиза.

– Оиладагиларнинг зўр бериб қаршилиқ кўрсатишларига қарамай, сиз унга уйланиб олдингиз.

– Ахийри бориб уйланиб олишга муваффақ бўлдим.

– Сиз зарур ҳужжатларнинг ҳаммасини олиб келдингизми? – давом этди Монте-Кристо.

- Қанақа ҳужжатларни? – сўради луккалик.
- Никоҳ ҳақидаги ҳужжат ва ўғлингизнинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномасини.
- Ўғлимнинг гувоҳномаси?
- Ҳа, ўғлингиз Андреа Кавалькантининг гувоҳномаси, унинг номи Андреа бўлса керак, шундайми?
- Ҳа, шундай бўлса керак, – деди луккалик.
- Нега шундай бўлса керак, деяпсиз?
- Мен буни тасдиқлашга журъат этолмайман, у алпақачонлар йўқ бўлиб кетган.
- Ҳақ гапни айтдингиз, – деди Монте-Кристо. – Бироқ ҳужжатлар ёнингиздами?
- Граф, афсуски, огоҳлантирилмаганим сабабли ўша ҳужжатларни олиб келишни хаёлимга келтирмабман.
- Оббо! Иш чатоқ бўпти-да! – деди Монте-Кристо.
- Улар жуда зарурмиди?
- Жуда зарур-да!
- Луккалик пешанасини қашлаб қолди.
- Ана холос, наҳотки, шунчалик зарур бўлса?!
- Шубҳасиз, ахир бу ерда никоҳингиз ва боланинг туғилиши қонунийми, деган шубҳа туғилиб қолса-чи?
- Тўғри айтасиз, шубҳа туғилиши мумкин.
- Бу ўғлингизни ёмон хижолатга солиб қўяди-я.
- Буни эшитса у ўлимга ҳам рози бўлади-да.
- Ажойиб қайлиқдан ҳам ажралиб қолади.
- Э, аттанг!
- Францияда бу масалага жуда жиддий эътибор беришади, бу ерда Италиядаги каби тўғри домланинг олдига бориб: «Бизга никоҳ ўқиб юборинг», деб бўлмайди, Францияда фуқаро никоҳи жорий этилган, фуқародан никоҳидан ўтиш учун шахснинг кимлигини тасдиқлайдиган ҳужжат керак.
- Оббо, иш расво-ку, менда унақа ҳужжат йўқ.
- Яхшиямки, менда бор, – деди Монте-Кристо.
- Сизда?
- Ҳа, менда.
- Бу ҳужжатлар сизда борми?
- Бор.

Луккалик бу ҳужжатларнинг йўқлиги унинг бу сафардан кутган мақсадларини пучга чиқараётганини ва қирқ сак-

киз минг масаласини ҳам оғирлаштириб қўяжagini сезиб, кўрқиб кетди.

– Мана бу чиндан ҳам, – деди у, – мен учун бахт, ахир мен буни ҳеч эсимга келтирмаган эдим.

– Албатта, сўзингизга ишонаман, ҳақиқатан ҳамма нарсани ўйлаб, улгуриб бўлармиди. Лекин бахтингизга аббат Бузони бунинг ҳам чорасини кўриб қўйган.

– Аббат ниҳоятда олижаноб экан-да!

– Жуда тадбирли одам.

– Олтин одам экан, – деди луккалик, – у сизга ҳужжатларни ҳам жўнатиб юборибдимиз?

– Ҳа, мана.

Луккалик қойил қолиб қўлларини кўксига босди.

– Сиз Олива Корсинари билан Монте-Каттиндаги муқаддас Павел черковида никоҳ қилингансиз, мана кашиш берган шаҳодатнома.

– Қаранг-а, ростданам унинг шаҳодатномаси, – деди майор таажжуб-ла қоғозга қараб.

– Мана бу Андреа Кавалькантининг чўқинтирилгани тўғрисида Саравеццада кашиш берган гувоҳнома.

– Ҳаммаси жойида, – деди майор.

– Шундай экан, манг, олинг бу қоғозларни, улар менга керак эмас, ўғлингизга олиб бориб беринг, унда бўлса йўқолмайди.

– Бўлмасам-чи!.. Агар у ҳужжатларни йўқотиб қўйганда...

– А? Агар у йўқотиб қўйганда? – сўради Монте-Кристо.

– Унда у ёққа хат ёзишга тўғри келарди, – деди луккалик, – янгиларини олиш учун кўп вақт керак бўларди-да.

– Ростданам бу жуда қийин бўларди, – деди Монте-Кристо.

– Олиб бўлмасди ҳам, – деди луккалик.

– Бу ҳужжатларнинг қадрига етолганингиздан бениҳоя мамнунман.

– Мен уларни бебаҳо деб биламан.

– Энди, йигитчанинг онаси масаласига келганда... – деди Монте-Кристо.

– Йигитчанинг онасига келганда... – такрорлади ташвишланган ҳолда майор.

– Маркиза Корсинарига келганда...

– Э, Тангрим! – деди луккалик, ғов устига ғов пайдо бўлаётганини кўриб, – у ҳам керак бўлармикин бизга?

– Йўқ, – деди Монте-Кристо. – Айтганча ахир у...

– Ҳа, ҳа... у...

– Дунёдан ўтган-ку...

– Ҳа, шундай, – деди луккалик.

– Мен унинг бундан ўн йил бурун ўлганини эшитган эдим.

– Мен эса ҳануз аза тутиб, кўз ёши тўкаман, – деди луккалик ва чўнтагидан рангдор рўмолчасини олиб, аввал чап кўзини, сўнг ўнг кўзини артди.

– Иложимиз қанча, – деди Монте-Кристо, – ўлим ҳаммамизнинг бошимизда бор. Ўғлимни ўн беш йилдан буён кўрмадим, деб Францияда нолиб ўтиришингизнинг ҳеч ҳожати йўқ эканини энди тушунган бўлсангиз керак, қадрли жаноб Кавальканти. Болаларни ўғирлаб кетадиган лўлилар ҳақидаги афсоналарга бизда эътибор беришмайди, ўғлингиз провинциядаги коллежда тарбия олган эди, эндиликда сиз унинг Париж жамоаси орасида камолотга етишини истаяпсиз. Хотинингизнинг вафотидан сўнг яшаб турганингиз Виа-Режони ташлаб чиқиб кетишингизнинг боиси ҳам шу. Мана шунинг ўзи етарли.

– Сиз шундай деб ўйлайсизми?

– Албатта.

– Унда ҳамма ишимиз соз бўлти.

– Мабодо бу ҳижрон ҳақида аллақаёқдан миш-миш гаплар тарқалгудек бўлса...

– У вақтда мен нима деб жавоб бераман?

– Унда сиз, оилангизнинг душманларига сотилган мураббий...

– Яъни Корсинариларгами?

– Албатта... насл-насабингизни йўқ қилиб юбориш ниятида болангизни ўғирлаб кетди.

– Жуда тўғри, ахир у якка-ю, ягона ўғил-ку. ★

– Мана биз сиз билан ҳамма масалаларда келишиб, тил бириктириб олдик, ҳаммасини хотирингизга яна бир солиб олдингиз, эндиликда бу гаплар эсингиздан чиқмайди. Энди сизга бир ҳадя тайёрлаб қўйганимни фаҳмлаб турган бўлсангиз керак?

– Қувонтирадиганми? – сўради луккалик.

– Отанинг кўзи ва дилини алдаш мумкин эмаслигини кўриб турибман, – деди Монте-Кристо.

– Ҳм! – деди минғирлаб майор.

– Сизга бирортаси айтиб қўйганмиди ёки ўзингиз унинг шу ердалигини пайқаб қолдингизми?

– Ким шу ерда?

– Ўғлингиз, фарзандингиз Андреа.

– Фаҳмлаган эдим, – деди бепарволик билан луккалик, – у шу ердами?

– Мана шу ернинг ўзида, – деди Монте-Кристо. – Ҳали камердинерим кирганда айтди буни менга.

– Жуда соз! Жуда соз! – деди майор петлицасини тузата туриб.

– Қадрли жаноб Кавальканти, – деди Монте-Кристо, – сиз ҳаяжонга тушаяпсиз, сезиб турибман, ўзингизни босиб олиш учун сизга вақт бериш керак. Бундан ташқари, қувончли учрашувга йигитчани ҳам тайёрламоқчиман, у ҳам буни сабрсизлик билан кутяпти.

– Шубҳасиз, – деди Кавальканти.

– Мана энди, чорак соат ўтар-ўтмас ҳузурингизда ҳозир бўламиз.

– Демак, уни менинг олдимга олиб келасизми? Уни, марҳамат қилиб, ўзини из таништирасизми менга?

– Йўқ, мен ота билан ўғил ўртасида бўлишни истамайман, аммо хотиржам бўлинг, у мана бу эшиқдан кириб келади, адашмай ўғлингизнинг худди ўзини қарши оласиз. У малла ранг, истараси иссиқ, гўзал йигитча, мана, ўзингиз кўриб қойил бўласиз.

– Айтгандек, – деди майор, – биласизми, мен фақат икки минг франк пул билан келгандим (уни ҳам олийҳиммат аббат Бузони орқали олдим), унинг бир қисмини йўлдаёқ сарфладим, эндиликда...

– Яъни, сизга пул керак... бу табиий ҳол, қадрли жаноб Кавальканти. Мана тўппа-тўғри ҳисоб-китоб учун саккиз минг франкли билетлар.

Майорнинг кўзлари чақнаб кетди.

– Менда яна қирқ минг франк қолди, – деди Монте-Кристо.

– Эҳтимол, жаноби олийлари тилхат олишни истарлар? – сўради майор пулни камзулининг ички чўнтагига яшириб.



– Тилхатнинг нима кераги бор? – деди граф.

– Аббат Бузони билан ҳисоб-китоб қилганда керак бўлиб қолар.

– Қолган қирқ минг франкни олганингиздан кейин биратўла тилхат берарсиз. Ҳалол, виждони пок одамлар ўртасида бу каби эҳтиёткорлик ортиқча.

– Ҳа, тўғри, ҳалол кишилар орасида бундай бўлмаслиги лозим, – деди майор.

– Яна бир илтимос бор, маркиз.

– Хизматларига ҳозирман.

– Битта маслаҳат берсам мумкинми?

– Нега мумкин бўлмас экан! Марҳамат қилинг!

– Шу устингиздаги камзул билан хайр-маъзур қилсангиз соз бўларди-да.

– Ростданми? – деди майор ғурур-ла либосини кўздан кечириб.

– Бунақа кийимларни Виа-Режода ҳануз киядилар, аммо Парижда бу аллақачон урфдан чиқиб кетган.

– Аттанг, – деди луккалик.

– Агар бу сизга жуда ёқиб қолган бўлса, қайтганда кийиб кетарсиз.

– Ҳўш, нима кияман?

– Чамадонингизда нима бўлса, ўшани.

– Қанақа чамадоним бор экан мени? Фақат сафар халтаси билан келгандим-ку.

– Тўғри. Ортиқча юк кўтариб юришни ким истарди, бунинг устига тажрибали жангчи, қушдек енгил бўлиб, сафар қилишни яхши кўради.

– Ҳа, ана шундай экан, менда чамадон нима қилади.

– Бироқ эҳтиёткор одамсиз, шунинг учун буюмларингизни илгарироқ жўнатиб юборгансиз. Буюмларингиз кеча Ришелье кўчасидаги шаҳзодалар меҳмонхонасига келиб тушибди.

– Демак, чамадонда экан-да буюмлар?

– Мен камердинерингизга чамадонга зарур нарсаларнинг ҳаммасини: фуқаро оддий кийимларини, мундирларни жойлаштиринглар деб фармойиш бергансиз, деб фараз қилман. Махсус тантанали ҳолларда мундирлар кийими зўр салобат бағишлайди. Орденларни тақиб олишни унутиб

кўйманг тагин. Францияда улардан кулишади, лекин тақиб юришади.

– Жуда соз! Жуда соз! – деди майор борган сари ажабланиб.

– Мана, – деди Монте-Кристо, – юрагингиз чуқур ҳаяжонга бардош берадиган даражада чиниқди, энди, жаноб Кавальканти, ўғлингиз Андреани кўришга тайёр туринг.

Монте-Кристо шундай деди-ю, қойил қолиб турган майорга жозибали жилмайиб чиқиб кетди.

### **XVIII. АНДРЕА КАВАЛЬКАНТИ**

Граф Монте-Кристо ҳали Батистен айтган кўк меҳмонхонага кирди. У ерда башанг кийинган ёш йигит уни кутиб ўтирар, уни ярим соат илгари ёлланган арава келтириб ташлаган эди.

Батистен уни дарров таниб олди. Бу хўжайини Батистенга ташқи қиёфасини тасвирлаб берган ўша новча, малла соч, соқоли сарғиш, қора кўз, оқ бадан ёш йигитча эди. Граф меҳмонхонага кирганда у кенг диванда талтайиб ётиб олиб, ҳассасининг олтин сопи билан кавушини паришонхотир тўқиллатиб ўтирган эди.

Монте-Кристонини кўрди-да, йигит ирғиб турди.

– Граф Монте-Кристомисиз? – сўради у.

– Ҳа, – жавоб қилди граф. – Мен виконт Андреа Кавальканти билан гаплашаётган бўлсам керак?

– Ҳа, виконт Андреа Кавальканти билан, – такрорлади йигитча бир оз эгилиб.

– Сиз менга хат келтирган бўлсангиз керак?

– Мен буни айтмаётганимнинг сабаби шуки, унга жуда ғалати имзо чекилган.

– Синдбод-Денгиз сайёҳи, дебми?

– Худди шундай. Мен «Минг бир кеча»даги Синдбод-Денгиз сайёҳидан бошқа номни эшитмаганман-да...

– Бу ўша «Минг бир кеча»дагининг авлодларидан бири, менинг оғайним жуда бадавлат одам, ўзи инглиз, жуда ғалати, тентак, ҳақиқий номи лорд Уилмор.

– Мана энди менга ҳаммаси равшан бўлди, – деди Андреа. – Демак, ҳаммаси жойида экан. Бу ўша мен... ҳалиги...

ерда танишган... жуда соз... Граф, мана энди хизматингизга тайёрман.

– Мабодо бу гапингиз рост бўлса, – деди граф илжайиб, – энди ўзингиз ва ота-онангиз ҳақида менга баъзи тафсилотларни айтиб беринг.

– Жоним билан, граф, – деди дарҳол ёш йигит. – Мен ўзингиз айтгандек, майор Бартоломео Кавалькантининг ўғли, Флоренциянинг олтин китобига ёзиб қўйилган ўша Кавалькантилар авлоди виконт Андреа Кавалькантиман. Оиламиз ҳануз беҳад бой, чунки отамнинг йиллик даромади ярим миллион, бироқ оиламиз бошига кўп мушкул ишлар тушган, менинг ўзимни беш ёки олти ёшимда сотқин мураббий ўғирлаб кетган, мана ўн беш йилдирки, отамни кўролмайман. Ёшим улғайиб эсимни таниб, эрким ўз қўлимда бўлгандан буён уни ахтараман, лекин натижа чиқмаяпти. Эндиликда дўстингиз Синдбоднинг хатида у Парижда экани билдирилган ва бу масалада сизга мурожаат этиш тавсия қилинган.

– Ҳақиқатан ҳам жуда ажойиб гапларни айтяпсиз, – деди граф сурбет йигитчага тикилиб. – Дўстимнинг маслаҳатига кириб жуда яхши қилибсиз, ростданам отангиз шу ерда, сизни ахтариб юрибди.

Граф меҳмонхонага кирган вақтидан буён йигитчадан кўз узмас эди. У йигитнинг қарашларидаги дадиллик, овозларидаги қатъиятга қойил бўлиб турганди, бироқ йигитча «отангиз шу ерда, сизни ахтариб юрибди» деган оддий сўзларни эшитиши биланоқ у ўрнидан сапчиб турди-да қичқириб юборди:

– Менинг отам! Менинг отам шу ердами?

– Ҳа, шу ерда, – жавоб қилди Монте-Кристо. – Отангиз майор Бартоломео Кавальканти.

Ёш йигитнинг юзидаги ваҳима бир зумда йўқ бўлди.

– Ҳа, тўғри, – деди у, – майор Бартоломео Кавальканти. Демак, гапингизга қараганда, граф, менинг азиз отам шу ерда экан-да.

– Ҳа, шу ерда. Мен ҳозиргина у билан гаплашдим, аллақачонлар йўқотиб қўйган фарзанди тўғрисида унинг ёниб-куйиб айтган гаплари мени беҳад ҳаяжонга солди. Дарҳақиқат, унинг қайғу-аламлари, хавотирлари, умид-орзулари

таъсирли дoston бўла олади. Кунларнинг бирида ўғлини ўғирлаб, катта пул тўласангиз фарзандингизни қайтариб берамиз ёки қаердалигини хабар қиламиз, дебдилар. Меҳрибон ота ҳеч нарсага қарамай ана шу пулни Пьемонт чегарасига юборибди, пул билан бирга Италияга бориш учун паспорт ҳам жўнатибди. Сиз ўша вақтда Франциянинг жанубида эдингиз, шекилли?

– Ҳа, граф, – деди бир оз хижолат тортган Андреа, – тўғри, мен у вақтда Францияда эдим.

– Сизни Ниццада извош кутиб турган-а?

– Жуда тўғри, ўша извош мени Ниццадан Генуяга олиб келди, Генуядан Туринга, Туриндан Шамберига, Шамберидан Пон-де-Бовуазенга, Пон-де-Бовуазендан Парижга келтирди.

– Жуда соз бўпти-да! Отангиз сизни йўлда учратаман, деб кўп умид қилди, чунки у ҳам ўша сиз юрган йўлдан келди, сизга ўша маршрутни танланишининг боиси ҳам шунда эди-да.

– Аммо, – деди Андреа, – қадрдон отам мени йўлда учратганида, барибир таний олмасди, мен бир-биримиздан ажралганимиздан буён анча ўзгариб кетдим.

– Турқ-тароватдаги ўхшашлик-чи! – деди Монте-Кристо.

– Ҳа, айтганча, – деди йигитча, – буни ўйламабман!

– Маркиз Кавалькантини, – деб гапида давом этди Монте-Кристо, – мендан ажратилгач, ўғлим шунча вақт нима билан шуғулланди экан? Уни ўғирлаб кетган зolimлар унга қандай муомала қилди экан? Насл-насабига муносиб муомалада бўлишдимикин? Жисмоний азобдан минг карра оғир руҳий азоб-уқубатлар унинг ажойиб зеҳнига шикаст етказмадимикин? Ҳозир ҳам у ҳақ-ҳуқуқига пойиқ юксак мавқега эгаллай олишга ўзини қодир деб билармикан? – деган ташвишлар безовта қиляпти.

– Аминманки, жаноб, – деди саросимага тушиб қолган йигитча, – ҳар қандай ёлғон-яшиқ маълумотлар...

– Қўйинг, ундай деб ўйламанг! Мен сизнинг ҳақингизда биринчи марта сахий дўстим Уилмордан эшитдим. У менга сизни оғир аҳволга тушиб қолган пайтда учратган экан, аммо қанақа оғир аҳволлигини айтмади, мен ҳам сўраб ўтирмадим, ҳамма нарсага қизиқсинадиган одатим йўқ. У сизга ҳамдард бўлган экан, демак, сиз ҳурматга сазовор киши-

сиз. Уилмор, сизни яна илгариги мавқега қайтараман, отасини топиб бераман, деган эди. У афтидан отангизни ахтариб топибди, чунки отангиз мана шу ерда, ниҳоят кеча у сизнинг келишингизни айтди ва буюмларингиз тўғрисида баъзи бир топшириқлар берди. Мана, ҳамма гап шу. Дўстим Уилмор жуда қизиқ, ғалати одамлиги менга аён. Шу билан бир вақтда у ростгўй, беҳад давлат эгаси бўлгани сабабли, ҳеч нарсадан кўрқмай дадил туриб, одамни ҳайратга соладиган ажиб ишлар қилаверади, унинг фармойишларига амал қилаётганимнинг боиси ҳам шунда. Энди, афандим, мен бир савол бераман, кўнглингизга олманг, мен сизга ҳомийлик қилишим керак экан, олдиндан шуни билиб олишим керак: ўз айбингиз билан эмас, бошқаларнинг хиёнати билан бошингизга тушган бахтсизлик давлатингиз ва насл-насабингизга муносиб жамиятдан сизни йироқлаштириб қўймадимикин?

– Бу масалада, жаноблари, мутлақо хотиржам бўлаверсинлар, – деди йигитча яна кеккайиб, – ўғрилар, афтидан, сўнгроқ бориб мени унга сотиш ниятида эдилар, шундай қилдилар ҳам. Мендан кўпроқ фойда олиш учун нархимни камайтиришга эмас, мумкин қадар оширишга ҳаракат қилишга уриндилар. Шунинг учун мен дурустгина билим олдим, болалар ўғрилари ҳам мен билан худди Кичик Осие қулдорларига ўхшаб муомала қилишди, маълумки, Кичик Осие қулдорлари ўз қулларини қимматроқ сотиш учун уларни ўқитиб тилшунос олимлар, файласуфлар, врачлар қилиб тайёрлашарди.

Монте-Кристо мамнун бўлиб илжайиб қўйди, афтидан у Андреа Кавалькантидан бунчалик оқилона гаплар чиқади деб ўйламаган эди.

– Лекин, – деди Андреа, – менинг тарбиямда, хулқимда бирор нуқсон кўрингудек бўлса, болалик ва ўсмирлик чоғларимда қисматимга тушган бахтсизликни ҳисобга олиб, кечирарлар, дейман.

– Нима ҳам дердим, – деди бепарволик билан Монте-Кристо, – истаганингизни қилинг, бу сизнинг шахсий ишингиз ва фақат ўзингизга тааллуқли. Бироқ мен сизнинг ўрнингизда бўлганимда саргузаштлар ҳақида пом-мим демасдим, чунки сизни ҳаёт йўлингиз романга ўхшайди, сариқ муқовали

романларга мафтун жамият сизга ўхшаган онгли кишилар ҳаётига, гарчи у зарҳал муқовали бўлса-да, шубҳа билан қарайди, инонмайди. Мен сизнинг эътиборингизни мана шу қийин томонга жалб этишга журъат қиляпман, виконт, ҳаётигиздаги бирорта таъсирли воқеани бирор кишига айтиб улгурмасингизданоқ бир зумда Парижга тарқалади-кетди, тарқалгандай астари ағдарилиб бузилиб тарқалади. Сиз Антони қиёфасига кириб олишга мажбур бўласиз, бунақанги Антониларнинг даври аллақачон ўтиб кетган. Эҳтимол, сиз ҳаммани қизиқтириб, мафтун этиб оларсиз, бу сизга айрим ютуқларни қўлга киритишга имкон берар, аммо ғийбат манбаи бўлишга кимнинг тоби бор. Бу сизга тинкани қуритадиган нарсага ўхшаб кўрилиши мумкин.

– Менимча, граф, сиз ҳақ гапни айтяпсиз, – деди Андреа ўқрайиб қараб турган Монте-Кристо олдида ранги ўчиб, – бу ортиқча даҳмаза-ку.

– Аммо, маҳоват қилиш ҳам ярамайди, – деди Монте-Кристо, – хатодан қочаман деб бемаънилик қилиб қўйиш мумкин. Фақат ҳар бир қадамни ўлчаб босиш керак, сиздек оқил киши учун бу ҳеч гап эмас, қайтага бу ўзингизга фойда. Утмишингизда қораланадиган нима бўлса, сиз оқлашга урининг, далиллар билан, содиқ дўстларингиз шохидлигида оқлашга уринаверинг.

Андреа, афтидан, хижолат бўлди.

– Мен сизга кафил бўлишим мумкин эди, – деди сўзини давом эттириб Монте-Кристо, – бироқ мен энг яхши дўстларимдан шубҳаланишга ва бошқаларда ҳам шубҳа туғдиришга одатланганман. Шунинг учун сизга кафил бўлишим қийин, жуда ўнғайсиз ҳолга тушиб, масхара бўламан, холос.

– Бироқ, граф, – деди Андреа эътироз билдиришга журъат этиб, – лорд Уилморнинг ҳурмати учун... ахир мени ўша зот тавсия қилган эди-ку...

– Тўғри, – деди Монте-Кристо, – бироқ лорд Уилмор сиз ёшлиқда анча шўхлик, бебошлик қилганингизни мендан сир сақлагани йўқ. Йўқ, йўқ – деди граф Андреанинг қимирлаётганини кўриб, – мен сиздан тавба қилишни талаб этаётганим йўқ. Айтганча, отангизни Луккадан сиз бу ерда бошқа ҳеч кимга муҳтож бўлиб қолманг, деб чақиртирдик.

Ҳозир уни кўрасиз, у бир оз дағал, гўдайганроқ, аммо бунга парво қилманг, бу унвоннинг таъсири, Австрия армиясида ун саккиз йил хизмат қилганини билгач, унинг бу қилиқларини айбга буюрмайсиз: биз умуман австрияликларга нисбатан талабчан эмасмиз. Амин бўлинг, ҳар ҳолда отангиз одамшаванда, дуруст зотлардан.

– Граф, сиз мени тинчлантиряпсиз, мен у билан ажрашиб кетганимга кўп вақт бўлди, кўрсам танимасман.

– Биласизми, одатда давлатманд кишилар кўп нарсаларга такаббурлик билан қарайди.

– Отам чиндан ҳам бойми?

– У миллионер... йиллик даромади беш юз минг ливр.

– Демак, менинг ишларим жойида бўлар экан-да?

– Жуда жойида бўлади, азизим. Парижда турадиган вақтингизга сиз учун йилига эллик минг ливр ажратиб қўйди.

– Ундай бўлса мен бу ердан ҳеч қаёққа кетмай яшайвераман.

– Ҳм! Азиз виконт, келажақда нима бўлишини ким билиб ўтирибди? Банданинг айтгани эмас, Худонинг айтгани бўлади.

Андреа хўрсиниб қўйди.

– Аммо, ҳар ҳолда, – деди у. – Мен Парижда бўлсам... ва бирор сабаб билан кетишга мажбур бўлмасам сиз айтган ҳалиги пул чўнтагимда бўладими?

– Албатта.

– Отам берадими уни?

– Ҳа, лекин лорд Уилмор кафиллик берса, отангизнинг илтимосига мувофиқ Уилмор Парижнинг энг улкан банкирларидан бири – жаноб Дангларнинг банкидан сизга ойига беш минг франкдан кредит очиб қўйди.

– Отам Парижда кўп турармикин?

– Фақат бир неча кун, – жавоб қилиб Монте-Кристо. – У икки, уч ҳафтадан ошиқ туrolмайди. Хизматга қайтиши керак.

– Оҳ, отажоним! – деди Андреа, отасининг тез қайтишидан шодланиб.

– Шу сабабдан, – деди Монте-Кристо, ўзини бу гапларнинг оҳангига тушунмаганга солиб, – иккингизнинг учрашувингизни бир зум ҳам кечиктиришни истамайман. Хўш,

хурматли жаноб Кавальканти билан кучоқ очиб кўришишга тайёرمىсиз?

– Бунга шубҳа қилмассиз, деган умиддаман.

– Ундай бўлса, қани меҳмонхонага киришг, отангиз уша ерда сизни кутиб турибди.

Андреа графга таъзим қилди-да, меҳмонхонага кетди.

Граф унинг кетидан назар ташлаб турди, у чиқиб кетгач, суратлардан бирига яширинган пружинани босди, сурат ромидан олдинга сурилиб чиқди-да, бир туйнук пайдо бўлди, бу туйнукдан меҳмонхонада нима бўлаётгани баралла кўриниб турарди.

Андреа меҳмонхонага кириб эшикни бекитиб қўйди-да, майор томонга қадам ташлади. Майор эса оёқ товушини эшитиб оқ ўрнидан туган эди.

– Оҳ, отажоним! – деди овозини баланд қилиб Андреа, буни граф ҳам эшик нарёғидаги хонада аниқ эшитиб турди, – наҳотки сиз менинг отам бўлсангиз? Унгимми ёки тўшимми?

– Салом кўзичоғим, салом ўғлим, – деди жиддий оҳангда майор.

– Узоқ йиллар давом этган ҳижрондан сўнг мана бахтимизга яна топишиб олдик, – деди Андреа, эшикка бир қараб қўйиб.

– Ҳақиқатан ҳам жуда узоқ ҳижрон азобини чекдик.

– Қучоқлашиб кўришамизми?

– Ҳа, келинг, ўғлим, қучоқлашайлик.

Сўнг улар, француз театрларидагига ўхшатиб, яъни бетларини бир-бирига қўйиб, ўпишишди.

– Мана энди биз яна топишиб олдик! – деди Андреа.

– Яна биргамиз, – такрорлади майор.

– Энди бундан кейин ҳеч ажрашмаймиз-а, тўғрими?

– Аксинча, қадрдон ўғлим: менимча, Франция энди сизнинг иккинчи ватангиз бўлиб қолди, шундайми?

– Очиқ иқрор бўлайки, – деди ёш йигит, – Париждан кетиш менга ўлимдан ҳам оғир бўлур эди.

– Мен эса Луккадан узоқ яшай олмасам керак, қулай фурсат келиши биланоқ Италияга қайтаман.

– Бироқ, отажон, кетишдан олдин сиз ўғлингиз эқанимни тасдиқлайдиган ҳужжатларни менга берасизда?



– Бу табиий: ахир шу ҳужжатларни сизга бериб қўйиш ниятида мен сизни роса ахтардим, кўп машаққат чекдим, яна қайтадан ахтаришга, ҳаётимнинг охирги кунларини сарф қилишга тоқатим йўқ.

– Ўша ҳужжатлар...

– Мана.

Андреа отасининг никоҳ шаҳодатномасини ва ўзининг гувоҳномасини шартта олди-да, фарзандга хос тоқатсизлик билан очиб, тез кўз югуртириб чиқди.

Ўқиб тугатганда унинг юзлари шодликдан ловиллаб ёниб кетган эди, у ғалати илжайди-да, майорга қаради.

– Ана холос! – деди у ҳақиқий тоскан шевасида. – Жуда қизиқ-ку! Италияда энди каторгага юбориш йўқ қилинганми?

Майор қаддини ростлади.

– Бу нима деганингиз?

– Яъни Италияда мана шунақанги сохта ҳужжатлар ясаб юравериш мумкин бўлиб қолибди-да, демоқчиман. Францияда мана шу каби ёлғондан тўқилган ҳужжатларнинг ярми учун беш йилга Тулонга тоза ҳаво олиш учун жўнатишар эди-да, отажон.

– Нима, нима? – сўради майор гердайиб.

– Қадрли жаноб Кавальканти, – деди Андреа майорни тирсагидан тутиб, – меним отам бўлганингиз учун сизга қанча тўлашяпти?

Майор жавоб бермоқчи бўлди.

– Жим, – деди Андреа овозини пасайтириб, – мен сизга ишониб сирни очиб қўя қолай: ўзимни сизнинг ўғлингиз қилиб кўрсатганим учун менга бир йилга эллик минг франк беряпти, шунинг учун сизни отам эмас, деб инкор этишни асло истамайман.

Майор ташвишланиб атрофга қараб қўйди.

– Хавотирланманг, бу ерда иккимиздан бўлак ҳеч ким йўқ, – деди Андреа, – бунинг устига иккимиз итальянча гаплашяпмиз.

– Менга эса, – деди луккалик, – бир йўла эллик минг франк беришяпти.

– Жаноб Кавальканти, сиз сеҳрли эртақларга ишонасизми? – сўради Андреа.

– Илгари ишонмасдим, энди ишонишга тўғри келади.

– Ия, нима бўлди, уларга ишониш учун бирор далил то-  
поддингизми?

Майор чўнтагидан бир сиқим луидор олди.

– Мана, кўрдингизми буни?

– Демак, сизнингча, мен берилган ваъдага ишонсам бўла-  
верадими?

– Менимча, ишонса бўлади.

– Бу олийҳиммат граф буни бажарармикин?

– Албатта, бажаради, бироқ бунга эришмоқ учун икки-  
миз ролимизни жуда боплаб ўйнашимиз керак.

– Ўйнаганда қандоқ!

– Мен меҳрибон ота ролини...

– Мен эса, одобли ўғил ролини...

– «Улар» ингиз ким?

– Ўша сизга ёзганлар-да: ахир, сиз хат олдингизми?

– Олдим.

– Кимдан?

– Аббат Бузони деган бир кишидан.

– Уни танийсизми?

– Мутлақо кўрган эмасман.

– У хатда нима дейилган эди?

– Сиз мени айтди, демайсизми?

– Бунинг менга нима кераги бор? Иккимизнинг манфаа-  
тимиз бир.

– Ундай бўлса, мана ўқинг, – деди-да, майор йигитчага  
хатни узатди.

Андреа овозини салгина чиқариб ўқиди:

*«Сиз камбағалсиз, бахтсиз қарилikka дучор бўласиз. Бой  
бўлмасангиз ҳам, ҳеч кимга муҳтож бўлмайдиган киши  
бўлишни истайсизми?»*

*Истасангиз дарров Парижга, граф Монте-Кристо ҳузури-  
га боринг, манзили: Елисей Майдони, № 30. Сиз ундан мар-  
киза Корсинаридан туғилган ва беш ёшидан ўғирланган  
ўғлингизни суранг.*

*Ўғилнинг номи Андреа Кавальканти.*

*Хатга имзо чеккан кишидан шубҳаланиб юрманг тагин  
деб қуйидагиларни илова қилдим:*

*1. Флоренциядаги Гоцца шаҳри банкига ёзилган икки  
минг тўрт юз тоскан ливрига чек.*

2. Граф Монте-Кристо номига тавсиянома, у киши менинг кафиллигимда, сизга қирқ саккиз минг франк тўлайди.

Граф ҳузурига 26 май, кеч соат 7 да борасиз.

Аббат Бузони».

– Худди ўзи.

– «Худди ўзи» деганингиз нимаси? Бу билан нима демоқчисиз? – сўради майор.

– Мен ҳам худди шундай хат олдим.

– Сизми?

– Ҳа, мен.

– Аббат Бузониданми?

– Йўқ.

– Булмаса кимдан?

– Лорд Уилмор деган инглиздан, у ўзини Синдбод-Денгиз сайёҳи деб атабди.

– Мен аббат Бузонини танимаганимдек, сиз ҳам уни танимайсиз, шундайми?

– Йўқ, мен сиздан кўпроқ хабардор эканман.

– Сиз уни кўрганмидингиз.

– Бир марта.

– Қаерда?

– Буни сизга айтолмайман, агар айтиб қўйсам, у вақтда мен билганни сиз ҳам билиб olasиз, бу ортиқча бўлади.

– У хатда нима деб ёзилганди?..

– Мана, ўқинг.

«Сиз камбағалсиз, истиқболингиз аянчли. Донгдор номга, озодликка, бойликка эга бўлишни истайсизми?»

– Тавба, – деди Андреа, – шуниям сўраб ўтирибди-я.

«Ниццадан чиқаверишда Генуя дарвозаси олдида сизни кутиб турган извошга тушинг-да, Турин, Шамбери ва Понде-Бовуазен орқали жўнанг. Йигирма олтинчи майда; кечқурун соат еттида Елисей Майдонидаги 30-уйга – граф Монте-Кристо ҳузурига бориб, ундан отангизни сўранг.

Сиз маркиз Бартоломео Кавальканти ва маркиза Олива Корсинарининг ўғлисиз, сизга маркиз берадиган ҳужжатлар буни тасдиқлайди ва шу ном билан Париж оқсуяклари жамиятига бемалол қўшилиб юришингизга имкон беради.

Ҳар йилги эллик минг ливр даромадингиз баланд нуфуз-ингизда суянчиқ бўла олади.

Хатга Ниццадаги Ферреа шаҳри банкига ёзилган беш минг ливрлик чек ва граф Монте-Кристога тавсиянома қўшимча қилинди. Графга сизнинг эҳтиёжларингизни таъминлаб туришни топширдим.

*Синдбод-Денгиз сайёҳи»*

– Жуда соз-ку! – деди майор.

– Ростданам-а?

– Сиз графни кўрдингизми?

– Ҳозир унинг олдидан чиқдим.

– Хатдагиларни у тасдиқладими?

– Ҳаммасини тасдиқлади.

– Сиз бирор нарса тушундингизми бу гаплардан?

– Очиғини айтсам, йўқ.

– Бу ерда кимгадир фириб беришяпти.

– Ҳар ҳолда сиз билан менга бўлмаса керак?

– Йўқ, албатта.

– Ундай бўлса...

– Бизга барибир эмасми, тўғрими?

– Мен ҳам шу фикрдаман: ролимизни охиригача иноқлик билан ўйнай берайлик-чи.

– Бўпти, мен сизга жуда содиқ жўра эканимни амалда кўрасиз.

– Қадрли ота, мен бунга шубҳа қилмайман.

– Қадрдон ўғлим, сиз менга чексиз мурувват изҳор этиясиз, миннатдорман.

Монте-Кристо меҳмонхонага кириш учун пайтни кутиб турган эди. Унинг қадамларини эшитиб ҳамсухбатлар бир-бирини қучоқлай кетишди, граф худди ана шу вазиятда улар олдига кирган эди.

– Хўш, маркиз, қалай? – деди Монте-Кристо, – кўриниб турибдики, ўғлингиздан мамнун бўлибсиз, шундайми?

– Оҳ граф, шодликдан энтикиб кетяпман.

– Сиз-чи йигитча?

– Оҳ, граф, хурсандликдан ўзимни йўқотиб қўйдим, гангиб қолдим.

– Бахтиёр ота! Бахтиёр фарзанд! – деди граф...

– Фақат бир нарса мени қайғуга соляпти, у ҳам бўлса Париждан тез чиқиб кетиш зарурияти.

– Аммо, қадрдон жаноб Кавальканти, – деди Монте-Кристо, – баъзи бир дўстларим билан таништирамагунимча кетмайсиз деб умид қиламан!

– Хизматингизга ҳамиша тайёрман, жаноби олийлари! – жавоб қилди майор.

– Энди, йигитча аҳволингизни очиқ айтиб иқроор бўлинг.

– Кимга?

– Отангизга, чўнтагингиз қандай аҳволда экани ни унга айтинг.

– Оббо, – деди Андреа, – сиз ярамга туз сепаяпсиз-да.

– Эшитдингизми, майор? – деди Монте-Кристо.

– Ҳа, эшитиб турибман.

– Нима деяётганига тушундингизми?

– Жуда яхши тушундим.

– Бу йигитча пулга муҳтожман, деяпти.

– Мен нима қилишим керак?

– Пул беринг.

– Мен-а?

– Ҳа, сиз.

Монте-Кристо иккисининг ўртасида туриб олди.

– Мана олинг, – деди у Андреанинг қўлига бир даста пул бериб.

– Бу нима?

– Отангиздан.

– Отамдан?

– Ҳа. Ахир, унга сиз, менга пул керак, деб ишора қилдингиз-ку, ҳозир.

– Ҳа, ишора қилсам нима бўпти?

– У буни сизга беришни менга топширди.

– Менинг даромадларим ҳисобигами?

– Йўқ, майда-чуйда харажатлар учун.

– Отажоним!

– Секинроқ!.. – деди Монте-Кристо. – Ахир бу пулни у беряпти дейишимни истамаётганини кўриб турибсиз-ку.

– Назокат борасида унга тенг келадиган одам йўқ, – деди Андреа пулни чўнтагига солиб.

– Яхши, – деди граф, – энди рухсат сизларга.

– Сиз жаноби олийлари билан яна қачон учрашамиз? – сўради Кавальканти.

– Ҳа, айтганча, – деди Андреа, – қачон учрашувга мушарраф бўламиз?

– Истасангиз мана шу шанбада... Ҳа, жуда соз, худди шу шанба куни, менинг Отейлда, Фонтен кўчасидаги ҳовлимда. Тушликка меҳмонлар келади, улар орасида сизнинг банкирингиз жаноб Данглар ҳам бўлади. У билан сизни таништириб қўяман: сизга пул берадиган киши иккингишни таниб олиши позим-да.

– Парад либосларида келайликми? – сўради овозини пасайтириб майор.

– Парад либосида: мундир, орденлар, калта шим...

– Мен-чи? – сўради Андреа.

– Сиз оддийгина кийиниб олинг: қора чолвор, амиркон кавуш, оқ нимча, қора ёки кўк фрак, узун галстук, либосни Бленга ёки Вероникка буюртиринг. Уларнинг манзилини билмасангиз Батистен айтиб беради. Сиз давлатингизга қараб қанчаки таманно билан олифта кийинсангиз, шунча яхши бўлади. От сотиб олишда Деведёга мурожаат қилинг, файтонни Батистенга буюртма қилинг.

– Биз соат нечада ҳузурингизга келайлик? – сўради Андреа.

– Соат олти яримларда.

– Бўпти, – деди майор шляпасини ола туриб.

Иккала Кавальканти бош эгиб хайрлашди-да, чиқиб кетди.

Граф дераза олдига борди ва иккисининг қўптиқлашиб ҳовлидан ўтиб бораётганига тикилиб турди.

– Иккиси чиндан ҳам муттаҳам! – деди граф. – Буларнинг ростданам ота ва ўғил бўлмаганига аттанг дейсан киши!

У пича оғир хаёлга чўмиб турди-да:

– Моррелларникига бораман, – деди. – Мени нафратдан кўра жирканиш туйғуси виждон азобига соляпти.

## ХІХ. БЕДАЗОР

Ҳозир биз жаноб де Вильфор ҳовлисига туташ бедазорга бориб, каштан дарахтлари шохларига кўмилиб ётган панжара олдида яна дўстларимиз билан учрашамиз.

Бу гал ҳаммадан олдин Максимилиан келди. У юзларини девор тахталарига қўйиб, боғ тўрида ўша таниш кўланка кўриниб қолмасмикин, хиёбоннинг қумлари атлас кавушлар остида фижирлаб товуш чиқармасмикин, деб интизор турибди. Ахийри оёқ товушлари эшитилди, аммо бир эмас, икки кўланка пайдо бўлди, Данглар хоним ва мадемуазель Эжени келиб қолди, Валентина белгиланган соатда учрашуга келолмай қолган эди. Бунда ўзи айбдор эмаслигини Максимилианга кўрсатиб қўйиш учун Валентина мадемуазель Эжени Дангларга боғда бир оз сайр этишни таклиф қилди.

Моррель ошиқларга хос фаҳм-фаросат билан буни тушунди ва кўнгли тинчиди. Бунинг устига Валентина яқинлашиб келмаса-да, фақат Максимилиан кўриб турадиган жойдан юриб, яқинидан ўтаётганда ер тагидан қараб, «азим, сабр қилинг, мана кўриб турибсиз-ку, айб менда эмас», дегандек бўларди.

Максимилиан ҳам сабр этишга аҳд қилди. У иккала қизнинг бир-бирига сира ўхшамай яратилганига қойил қоларди: бири нозик қомат, хумор кўз, малла соч, иккинчиси сарвиқомат, кўзлари ғурур билан боқади, қорамағиз, қора соч. Албатта, Моррелнинг кўзига Валентинанинг ҳусн-жамоли беқиёс кўринарди.

Қизлар ярим соатча сайр қилиб, узоқлашиб кетишди. Максимилиан Данглар хоним уйига қайтадиган вақт келган бўлса керак, деб тахмин қилди.

Ҳақиқатан ҳам бир зум ўтар-ўтмас Валентина якка ўзи чиқди. У биров кетимдан қараб турмасин тағин, деб секин-аста қадам ташлаб келарди, қиз тўғри дарвоза томонга бормай, ўриндиққа ўтирди-да, теварак-атрофга аста кўз ташлаб чиқди. Ана шу эҳтиёткорликни бажо келтиргачгина, у дарвоза томонга югурди.

– Валентина, – овоз эшитилди девор орқасидан.

– Салом, Максимилиан. Мен сизни анча кутдириб қўйдим, бироқ нега шундай бўлганини ўзингиз кўрдингиз.

– Тўғри, мен мадемуазель Дангларни танидим, сизлар бунчалик дўст эканингизни билмасдим.

– Бизни дўст деб ким айтди?

– Ҳеч ким, фақат ўзим, иккингиш қўлтиқлашиб сайр қилганингизни, мактабдаги дугоналар сингари сирдош суҳбатлашганингизни кўриб шундай деб ўйладим.

– Ҳақиқатан ҳам иккимиз очиқ, сирдошлардек гаплашдик, – деди Валентина, – у жаноб де Морсерга эрга чиқишга хоҳиши йўқлигини менга очиқ айтди, мен эса жаноб д'Эпинегга тегиш бахтимни қаро этади, дедим.

– Оҳ, дилбарим Валентина!

– Сизга иккимизнинг жуда иноқ бўлиб кўринганимизнинг боиси ҳам шунда, – сўзини давом эттирди қиз. – Ахир севмаган киши ҳақида гапираётганимда севган кишим қалбимда эди.

– Валентина, сиз шундай гўзал, оқиласизки, сиздаги ажойиб фазилатлар – латофат, мафтункорлик мадемуазель Дангларда йўқ ва асло бўлмайди ҳам.

– Сиз менга ошиқсиз, шунинг учун шундай гўзал кўринаман кўзингизга.

– Йўқ, Валентина, онт ичиб айтаманки, гўзалликда сизга тенг келадиган қиз йўқ. Ҳозиргина иккингишга разм солиб чиқдим ва онт ичиб айтаманки, мадемуазель Дангларнинг гўзаллигини эътироф қилсам-да, бироқ уни қандай қилиб севиш мумкин, бунга ақлим бовар этмайди.

– Унинг ёнида мен тургандан кейин, албатта, шундай деб ўйлайсиз-да.

– Ундай эмас... бироқ менга шуни айтиб беринг-чи... мен мадемуазель Данглар ҳақидаги фикрим туфайли, шунчаки қизиқиб қолганимдан бу саволни беряпман...

– Гап нима устида боряпти, тушунмадим, аммо мадемуазель Данглар ҳақида фикрингиз нотўғри бўлса керак. Сиз, эркаклар, биз шўрлик хотинлар ҳақида ҳукм чиқарганингизда адолат, раҳм-шафқат кутолмаймиз.

– Иккингиш ўзаро суҳбатлашганингизни кўрган киши, булар бир-бирига жуда холис муносабатда экан, деб ўйлаши мумкин!..

– Чунки, бизнинг суҳбатимиз деярли ҳамма вақт жуда қизғин, шавқли бўлади. Ҳа, айтганча, нима сўрамоқчи эдингиз?



– Мадемуазель Данглар жаноб де Морсерга тегмоқчи эмас экан, бундан чиқди, бирор бошқа кишини севса керак-да?

– Эжени менинг дугонам эмас, дедим-ку ахир сизга.

– Аммо қизлар дугона бўлмаса-да, бир-бирига ўз сирини айтишаверади-ку, – деди Моррел. – Сиз ундан кимни севганини сўраб-суриштирган бўлсангиз керак албатта. Ана, юзингизда пайдо бўлган жилмайиш буни тасдиқлаб турибди!..

– Афтидан бу тахта девор сизга ҳеч халақит бермаяпти, шекилли.

– Хўш, Эжени нима деди сизга?

– Ҳеч кимни севмайман, эрни ўйласам ваҳима босади мени, деди, эркин ва мустақил яшашни истайман, деди. Кошки отам тезроқ хонавайрон бўлса-ю, дугонам Луиза д'Армильи каби артист бўлиб олсам, дейди.

– Ана кўрдингизми!

– Бу нимадан далолат беради? – сўради Валентина.

– Ҳеч нарсадан. – деди илжайиб Максимилиан.

– Бўлмаса нега куляпсиз?

– Ана кўрдингизми, – деди Максимилиан, – сиз ҳам бу ёққа қараяпсиз-ку.

– Нарироқ турай бўлмаса?

– Йўқ, йўқ! Сизнинг ҳақингизда гаплашайлик.

– Тўғри айтдингиз, ўн дақиқача вақтимиз қолди.

– Бу даҳшат! – деди қайғули оҳангда Максимилиан.

– Ҳақ гапни айтдингиз, мендан яхши дўст чиқмайди, – деди Валентина қайғули оҳангда, – мени деб сиз бечора қанчадан-қанча азият чекаяпсиз, ахир сиз бахтиёр ҳаёт учун яратилгансиз-ку! Бунинг учун жуда пушаймонман, билсангиз!

– Валентина, барибир-ку: менинг бахтим ана шунда-ку!

– Сизнинг ёнингизда бир лаҳза турсам, икки оғиз сўзингизни эшитсам, бу интизорлик азоблари бир зумда ёдимдан кўтарилади-кетади! Аминманки, Худойим бир-бирига шу қадар ҳамоҳанг бу икки дилни ҳижрон ўтида ёндириб юбориш учун яратмаган.

– Раҳмат, Максимилиан. Иккимиз учун умидвор бўлаверинг, бу менга озми-кўпми бахт-саодат бағишлайди.

– Уйингизда бирор гап бўлдими Валентина, мунча тез кетаяпсиз?

– Үзимам билмайман, де Вильфор хоним бирров кириб ўтсин, деб илтимос қилибди, у менга ниманидир айтмоқчи экан, бойлигимнинг бир қисми шунга боғлиқ эмиш. Э, Тангрим, ўзинг раҳм қил менга! Бутун бойликдан кечдим, ким олса олаверсин, фақат осойишта турмуш бўлса бас менга! Ахир, сиз мени камбағал бўлсам ҳам севадизку, шундайми, Максимилиан?

– Мен сизни бир умрга севаман! Менга камбағаллик нима-ю, бойлик нима – барибир, Валентина бўлса бас! Аминманки, уни мендан ҳеч ким тортиб ололмайди, ҳеч ким! Бироқ, айтинг-чи, бу хабар сизнинг эрга чиқишингиз ҳақида эмасмикин?

– Бу ҳақда бўлмаса керак.

– Менга қаранг, Валентина, кўрқманг, мен борман, танимда жоним бор экан, мен асло бошқани демайман.

– Бу билан сиз менинг кўнглимга тасалли бердим, деб ўйлаясизми, Максимилиан.

– Кечиринг мени! Рост айтасиз, бу гапим ўринсиз бўлди. Ҳа, айтгандек, яқинда мен Морсерни кўрдим.

– Ростдан-а?

– Франц унинг дўсти эканини биласизми?

– Ҳа, нима бўпти?

– Францдан хат олибди, яқинда қайтиб келар экан у. Валентинанинг ранги ўчди, у дарвозага суяниб қолди.

– Э, Тангрим, – деди у. – Ростданмикин-а? Де Вильфор хоним менга шуни хабар қилармикин? Йўқ, мумкин эмас.

– Нега?..

– Негалигини ўзим ҳам билмайман... Бироқ, де Вильфор хоним бу никоҳга очиқ қаршилик кўрсатмаса-да, дилида унга рози эмас.

– Биласизми, Валентина, де Вильфор хоним мени мафтун эта бошлапти!

– Максимилиан, шошманг, сабр қилинг, – деди Валентина жилмайиб.

– Бу никоҳ унга ёқмаётган экан, бунга йўққа чиқариш учун бошқа бирорга таклифга рози бўлар, у?

– Умидвор бўлмай қўя қолинг, Максимилиан, де Вильфор хоним эрларни эмас, умуман эрга чиқишни рад этяпти.

– Эрга чиқишни? Ундай бўлса нега ўзи эрга чиқди?

– Сиз, Максимилиан, тушунмаяпсиз. Мен бундан бир йил муқаддам монастирга кетаман, деганимда, де Вильфор хоним, расмият юзасидан қаршилик кўрсатиш зарур деб ҳисобласа-да, менинг фикримни қувонч билан қабул қилди, бунга ҳатто отамни ҳам кўндирди, фақат шўрлик бувамни деб, кетмадим. Дунёда мендан бошқа ҳеч кимни севмайдиган бу чолнинг мўлтиллаб туришини кўрган кишининг юраги эзилади, уни ҳам фақат мен яхши кўраман. Менинг монастирга кетишга қарор қилганимни эшитганда у таъна-таъзирга тўла кўзлари билан менга шундай тикилдими, сал бўлмаса ўзимни йўқотиб қўяй дедим, товушсиз, оҳ-воҳсиз фиғон ёшларини кўриб чидолмадим. Ўзимни оёқлари остига ташлаб қичқирдим: «Кечиринг мени! Буважоним, кечиринг! Бошимга осмон қулаб тушса-да, сиздан ажралмайман!» Ана шунда у кўзларини осмонга кўтарди... Максимилиан, эҳтимол, мен беҳад азоб-уқубатларга дучор бўлурман, бироқ ҳамма ғам-ғуссаларим бобомнинг ана шу меҳрга тўла бир қараши билан кўнглимдан кўтарилиб кетади.

– Азизим, Валентина, сиз фариштасиз, ростини айтганда, бадавийларни қирғинга солганимни Худойимнинг ўзи инобатга олганмиди, билмадим, қаёқдандир бошимга бахт қуши кўнди-ю, сизни учратиб қолдим, беҳад бахтиёр бўлдим. Аммо мен бир нарсага тушунолмаяпман: нега энди де Вильфор хоним сизнинг эрга чиқишингизни истамаяпти?

– Эшитмадингизми ахир, ҳозиргина, мен бойман, жуда катта бойликка эгаман, дедим-ку! Онам дунёдан ўтганидан сўнг менга ҳар йили эллик минг ливр даромад мерос бўлиб қолди, бувам ва бувим маркиз де Сен-Меран ва маркиза де Сен-Меран ҳам менга шунча мерос қолдиришади. Жаноб Нуартье ҳам мени ўзининг ягона меросхўри қилиб тайинлади. Демак, иним Эдуар менга қараганда камбағал, де Вильфор хонимдан унга ҳеч нарса тегмайди. Хоним ўғлини жонидан ҳам яхши кўради. Борди-ю, мен монастирга кетгудек бўлсам бутун бойлигим отамга қолади, демак, у маркизнинг, маркизанинг ва менинг меросхўрим бўлиб қолади, сўнг бориб бутун мерос унинг ўғлига ўтади.

– Ажабо, шундай гўзал ёш аёлда тамагирлик қаёқдан пайдо бўлиб қолди экан?

– Лекин билиб қўйингки, у ўзини эмас, ўғлини ўйлайди, ўғлининг ғамини ейди, буни сиз айбга йўйяпсиз, лекин бу оналик меҳридан келиб чиқаётган жонқуярликдир.

– Валентина, менга қаранг, – деди Моррель, – сиз унинг ўғлига мулкингиздан бир қисмини бериб қўя қолсангиз нима бўларкин?

– Ҳамиша ўзини тамагир эмасман деб юрган бу аёлга буни қандай қилиб таклиф этиш мумкин?

– Валентина, менинг муҳаббатим менга бир умр муқаддас бўлиб қолади, мен уни қалбим тўрида сир сақлаб келяпман, дунёда ҳеч ким ҳатто синглим ҳам, бундан беҳабар, ҳеч кимга юрагимни очганим йўқ ҳалигача. Валентина, бундан дўстимни хабардор қилсам майлими? Рухсат этасизми?

Валентина сесканиб кетди.

– Дўстимга? – деди Валентина, – Максимилиан, бу гапни эшитиб, аъзойи баданим титраб кетди. Ким у дўстингиз?

– Валентина, сиз бирор кишини биринчи кўришдаёқ уни қаерда, қачон кўрганингизни эслолмасангиз-да, уни ёқтириб, худди кўп вақтдан буён танишдек яқин тутганмисиз ўзингизга?

– Ҳа.

– Менда ҳам ўша ажойиб одамни кўрганда худди мана шундай ҳиссиёт пайдо бўлди.

– Ажойиб одам дедингизми?

– Ҳа.

– Сиз у билан кўпдан буён танишмисиз?

– Бир ҳафта ёки ўн кундан буён.

– Бир ҳафталик танишни дўстим деяпсизми? Максимилиан, мен сизни «дўст» деган ажойиб сифатни беришда бунчалик сахийлик қилмайдиган киши, деб ўйлагандим.

– Мантиқ юзасидан қараганда, сиз ҳақ гапни айтдингиз, бироқ нима десангиз деяверинг, мен бу ихтиёрсиз ҳиссиётдан воз кечмайман. Бу одам келажакда менинг ҳамма яхши кунларимнинг сабабчиларидан бўлишига аминман, баъзан, бу одам ана шу келажакка теран назар ташлаб ўзининг ҳукмрон қўллари билан уни йўналтираётгандек туюлади менга.

– Демак, у каромат қилувчи «авлиё» экан-да? – сўради илжайиб Валентина.

– Тўғрисини айтганда, – деди Максимилиан, – баъзан бу зот фақат яхшилиқни каромат қилувчи, деб ишонгим келади.

– Мени у билан таништиринг, шунча мусибатлар эвазига мен шўрлик муҳаббатда бахтимни топаманми-йўқми, айтиб берсин!

– Эҳ, соддадил, дўстим! Ахир сиз у кишини танийсиз-ку.

– Мен-а?

– Ҳа, сиз.

– Ўгай онангиз ва унинг ўғлини ўлимдан халос этган киши-да.

– Граф Монте-Кристоми?

– Ҳа, ўша.

– Йўқ, – деди хитоб қилиб Валентина, – у ҳеч маҳал менга дўст бўлолмайди, чунки у ўгай онам билан иноқ.

– Валентина, граф ўгай онам билан иноқ, дедингизми? Йўқ, ундай бўлмаса керак. Сиз адашяпсиз.

– Эҳ, Максимилиан, шундай воқеалар бўляптики, ҳеч қўяверасиз! Энди бизнинг уйимизда Эдуар эмас, граф ҳукмрон. Ўгай онам унга сажда қилади ва уни инсон ақл-идроки, заковатининг чўққиси деб кўкка кўтаряпти. Отам ҳам унга қойил қоляпти, эшитдингизми, ажойиб фикрлар ҳақида бунчалик бурро сўзлаган кишини ҳеч кўрмаганман, дейди. Эдуар унга бутунлайин мафтун ва унинг катта-катта қора кўзларидан кўрқса-да, у пайдо бўлиши билан истиқболига учиб боради ва ҳар сафар унинг қўлидан ҳайратга соладиган қўғирчоқ совға олади. Уйимизда граф Монте-Кристо энди отамнинг ёки де Вильфор хонимнинг меҳмони эмас, мезбон ҳам. У ўзини бизникида худди ўз уйидагидек ҳис қилади.

– Агар ҳаммаси сиз айтгандек бўлса, демак, сиз аллақачон унинг сеҳрли таъсирига берилиб кетган бўлишингиз керак, ёки тезда бериласиз. У Италияда Альбер де Морсер билан танишади ва уни қароқчилар қўлидан қутқариб олади. У Данглар хоним билан танишиб, шоҳона тухфа этади, ўгай онангиз ва укангизни ўлимдан қутқаради. У одам атрофдагиларга таъсир қилиш қобилиятига эга. У кишидаги оддий дид билан улкан зеболикнинг бу қадар ажойиб уйғунлигини ҳеч кимда кўрганим йўқ. У менга қараб жилмай-

ганда юзида назокат барқ уриб турадики, бошқа баъзилар буни заҳархандага йўйишларига асло тушунолмаيمان. Айттинг-чи, Валентина, сизга ҳам у шундай жилмайиб қараганмиди? Агар шундай қилган бўлса, сиз бахтиёр бўласиз.

– Мен! – деди хитоб қилиб қиз, – Максимилиан, менга у қиё ҳам боқмайди, очикроғи, ёнидан ўтиб қолгудек бўлсам тескари қараб олади. Йўқ, у олийҳиммат эмас, унда сиз айтгандек кучли зеҳн, ндрок йўқ ва кишиларнинг дилидагини билиб оладиган қобилиятга эга ҳам эмас. Агар у олийҳиммат бўлганда бу оилада яккаланиб қўйилган мен шўрликни ғамгин ҳолда кўриб, мадад қўлини чўзган ва ўз таъсири, обрўйига таяниб мени ҳимоя қилган, ўз паноҳига олган бўлур эди, у сиз айтгандек чиндан ҳам қуёш ролини ўйнаётган бўлса, нурлари билан қалбимни илитган бўлур эди. Максимилиан, сиз, у мени севади деяпсиз, хўш, буни сиз қаёқдан била қолдингиз? Бўйи беш фут ва олти дюйм келадиган, шоп мўйлов, улкан шамширли офицерга иззат билан илжайиб таъзим қилишадую, қон қақшаб юрган шўрлик қизни, ўйлаб-нетиб ўтирмай, оёқ остига олиб янчиб ташлашади.

– Валентина, онт ичиб айтаманки, янглишяпсиз!

– Ўзингиз ўйлаб кўринг, Максимилиан, агар мен айтгандек бўлмаса, агар у оиламизга кириб олиш учунгина мен билан дипломатик муносабатда бўлаётган бўлса, ўша сиз айтган ажойиб мафтункор жилмайишини менга бир марта ҳам раво кўрмади-ку. У эса менинг бахти қаро шўрлик қиз эканимни кўриб мендан заррача наф ололмаслигини билиб менга эътибор ҳам бермайди, кўриб туриб, ўзини кўрмаганга солади. Ким билади, эҳтимол, отамга ва Вильфор хонимга ёки укамга яхши кўриниш учун у ҳам қўлидан келса мени таъқиб қила бошлар? Келинг, очикчасига гаплашайлик: мен беваж, шундайгина нафрат остига олса бўлаверадиган аёллар тоифасидан эмасман, ўзингиз ҳам шундай деган эдингиз. Кечиринг мени, – деди Валентина сўзлари Максимилианга қандай таъсир этаётганини кўриб, – мен тентак, сизга ўзим ҳам ҳозиргача ўйлаб кўрмаган фикрларни айтиб ўтирибман. У киши, сиз айтгандек кучга эга эканини инкор қилмайман, бу куч ҳатто менга ҳам таъсир этяпти, бироқ ёмон таъсир этаётибди, лекин яхши, олижаноб туйғуларни маҳв этяпти.

– Майли, – деди хўрсиниб Моррел, – бу ҳақда гапирмай-миз. Мен унга бир сўз ҳам айтмайман.

– Мен сизни, азизим, хафа қилиб қўйдим, шекилли, – деди Валентина, – нега энди қўлингизни сиқиб узр сўролмас эканман, нега? Аммо сиз граф Монте-Кристо сизга қандай яхшилик қилганини айтиб берсангиз, эҳтимол мен ҳам хурсанд бўлардим?

– Очигини айтсам, бу саволни бериб мени жуда қийин аҳволга солиб қўйдингиз, граф мен учун маълум бир муруват қилганини ўзим ҳам билмайман. Менинг унга бўлган туйғуларим беихтиёр, уларнинг тагида бирор оқилона асос йўқ. Ахир қуёш менга бирор ёрдам бердими? Йўқ. У менга нур сочади, ана шу нур ёғдусида мен сизни кўриб турибман, мана бўлган-тургани шу. Ёки хушбўй ҳидни олайлик, ундан менга қандай наф бор? Ҳеч қандай. У фақат ёқимли. Мабодо мендан нега бу ҳидни яхши кўрасан, деб сўрасалар, «ёқимли бўлгани учун», дейишдан бўлак сўз айтолмайман. Графга бўлган дўстона туйғуларимда ва унинг менга муносабатларида аллақандай англаб бўлмайдиган сир бор. Дилдан сезиб турибманки, бу кутилмаган иноқликнинг бирор сабаби бўлса керак. Унинг баъзи қилиғи, энг сирли фикрлари билан менинг қилиқларим ва фикрларим ўртасида қандайдир боғланиш борлигини сезиб тураман. Валентина, сиз мени кулгига олишингиз мумкин, аммо у билан танишганимдан буён, менда юз берадиган ҳар бир яхшилик ўша кишидан келяпти, деган бемаъни фикр миямга маҳкам жойлашиб олди. Ахир мен бундай ҳомийликка ҳеч эҳтиёж сезмай ўттиз йил яшадим, бу фоний дунёда тўғрими? Мана сизга бир мисол: у мени шанба куни тушликка таклиф этди, бу бизнинг ўзаро алоқаларимизда табиий бир нарса, тўғрими? Бироқ сўнг нима маълум бўлди денг? Шу тушликка сизнинг отангиз ва ўгай онангиз ҳам таклиф қилинган экан. Демак, мен улар билан учрашаман, албатта, аммо бу учрашув нималарга олиб келишини ким билиб ўтирибди, дейсиз? Бу оддий бир воқеа деб ўйлаш мумкин, бироқ мен бунда ажиб бир нарса борлигини сезиб турибман, бу менга аллақандай умид, ишонч бағишляпти. Мен, ҳамма нарсадан хабардор, ҳамма нарсани биладиган бу ўхшаши йўқ зот жаноб де Вильфор ва Вильфор хонимни

мен билан учраштириш учун шундай қиляпти, дедим ўзимга. Мени кечиринг, Валентина, баъзан ҳатто у менинг муҳаббатимни фаҳмлаб қолмаганмикин, деб кўзларига тикиламан.

– Азизим, – деди Валентина, – агар сиздан фақатгина шундай гапларни эшитганимда, сизни авлиё экан бу одам деб, ваҳимага тушган бўлур эдим. Бу шунчаки тасодифий учрашув эмасмикин? Яхшилаб ўйлаб кўринг яна. Ҳеч қаерга бормайдиган отам ўгай онамни, ўн марта бўлса керак, графникига боришдан воз кечишга ундаб, кўндирилмади, аммо хоним у ажиб набобникига бориш иштиёқи билан ёниб юрибди, охири мақсадига етиб эрини кўндирди. Йўқ, йўқ, Максимилиан, ишонинг менга: бу дунёда менинг сиздан бўлак мададкорим йўқ!

– Чиндан ҳам ҳақсиз, Валентина, гапларингизда мантиқ бор, – деди Максимилиан, – аммо ҳамиша мени ром этадиган нозик овозингиз, баъмани мулоҳазаларингиз бугун мени ишонтира олмаяпти.

– Очиғини айтсам, агар бошқа мисолингиз бўлмаса, сиз ҳам мени ишонтиролмаяпсиз?.. – деди Валентина.

– Менда яна бир мисол бор, – деди Максимилиан журъатсизгина, – лекин буниси биринчисидан бемаънироқ эканини ўзим ҳам сезиб турибман.

– Унда янаям чатоқ, – деди илжайиб Валентина.

– Ҳар қалай, – деди сўзини давом эттириб Моррель, – мен бунисига ишонаман, чунки ҳис-туйғуга берилган кишиман, армияда ўн йиллик хизмат давримда мени қандайдир ички бир туйғу бир неча бор ўлимдан қутқарди; ажал ўқи келаётганидан дарак бериб, ўнгга ёки чапга бурилишга ундаб турди.

– Азизим, Максимилиан, нега сиз, ана шу ўқлар менинг дуо-ибодатларим натижасида мўлжалдан четга бурилиб кетганини тан олмайсиз? Сиз у ёқда бўлган кунларда ўзимни эмас, сизни деб Худога сиғинаман.

– Тўғри, бир-биримизни танигач, шундай қила бошладингиз, – деди кулиб Моррел, – илгари-чи? Мен сизни Валентина, танимаган вақтларда-чи?

– Бўпти, бўпти, сиз бағритошсиз, мабодо менга миннатдорлик билдириш кўнглингизда бўлмаса, гапни чўзмай, ҳалиги таъбирингиз бўйича бемаъни мисолга ўтайлик.



– Ҳа, ўтдик мисолга: тирқишдан ҳув анави ёққа қаранг, дарахт тагидаги отни кўрдингизми? Мен ўша отни миниб келдим.

– Жудаям ажойиб от экан-да! Уни нега бу ёққа олиб келмадингиз?.. Мен у билан гаплашардим.

– Кўриб турибсизки, бу жуда қимматбаҳо от, – деди Максимилиан, – Валентина, сиз менинг пулдор эмаслигимни биласиз; мен тадбиркор одамман. Кунларнинг бирида бу ажойиб Медеани (отга мен шундай ном бердим) бир савдогарда кўриб қолдим. Нарҳини сўрадим. У тўрт ярим минг франк деди. Ўз-ўзидан маълумки, дамим ичимга тушиб кетди-ю, туёғимни шиқиллатиб қолдим, лекин кўнглим чўкди, чунки от мени кўриб эркаланиб суйкалди, минганимда гижинглади... Ўша куни кечқурун жўраларим Шато-Рено, Дебрэ ва бошқалар уйимга келиб қарта ўйнаймиз, дейишди, ютқазадиган бекорчи пули бор бой киши ҳам эмасман, ютиб олишни ният қиладиган камбағал ҳам эмасман, шу сабабли бу ўйинга қизиқмайман. Бироқ ўйин менинг уйимда бўлаётгани сабабли, уни ташкил этишга мажбур бўлдим.

Ўйинни бошлаганимизда граф Монте-Кристо кириб келди. У столга ўтирди-да, ўйнай бошлади, мен беш минг франк ютиб олдим. Меҳмонлар ярим кечада тарқалишди. Мен чидаб туролмай, ҳалиги савдогарникига жўнадим. Ҳаяжонла кўнғироқ ипини тортдим, эшикни очган киши мени жинни, деб ўйлаган бўлса керак, чунки мен учиб отхонага бордим, оғилга қарадим. Қувончимдан теримга сифмадим. Медеа оҳиस्ताгина пичан кавшаб турарди. Эгарни шартта олиб отни ўзим эгарладим, юган урдим. Медеа фик этмай тураверди. Сўнг донг қотиб қолган савдогарнинг қўлига тўрт ярим минг франкни тутқиздим-да, қайтдим, тун бўйи Елисей Майдонининг у бошидан бу бошига от йўрттирдим. Биласизми? Графнинг уйида чироқ ёниб турарди, дарпардада унинг сояси кўрингандек туюлди менга. Демак, англадимки, мен шу отга жуда ишқивоз бўлиб қолганимни граф билиб қолган ва шу отни сотиб олсин, деб менга бояги пулни ёлғондан ютқизган экан.

– Азиз, Максимилиан, – деди Валентина, – сиз жудаям хаёлпараст экансиз... Сизнинг менга бўлган муҳаббатингиз узоққа чўзилмайди, чунки сизга ўхшаган кишилар ширин

хаёлларга чўмиб юрадилар ва иккимизники сингари шавқсиз муҳаббат мушкилотларига узоқ бардош беролмайдилар... Шўрим қуриди, мени чақиринишяпти... ана, эшитяпсизми?

– Валентина, – деди Максимилиан – илтимос, жимжилоғингизни тешиқдан ўтказинг, бир ўпиб олай...

– Максимилиан, ахир бир-биримиз учун фақат икки овоз, икки қўланка бўлиб қоламиз, деб шартлашганмиз-ку!

– Майли, айтганингиз бўлсин, Валентина.

– Истагингизни бажарсам хурсанд бўласизми?

– Бўлмасам-чи!

Валентина ўриндиққа чиқиб олди-да, девор устидан жимжилоғини эмас, бутун қўлини узатди.

Максимилиан оҳ уриб ирғиб ғўлага чиқди-да, севимли қўлни маҳкам ушлаб олиб, унга ёниб турган лабларини босди, бироқ жажжи қўл шу заҳотиёқ унинг қўлидан чиқиб кетди. Моррел илк бор туйган туйғудан қўрқиб, қочиб бо-раётган Валентинанинг оёқ товушларини эшитиб турди, холос.

# МУНДАРИЖА

## БИРИНЧИ ҚИСМ

I. МАРСЕЛЬ. ТАШРИФ .....	4
II. ОТА ВА ЎГИЛ .....	14
III. КАТАЛАНИЛИКЛАР .....	21
IV. ФИТНА .....	33
V. НИКОҲ .....	41
VI. ҚИРОЛЛИК ПРОКУРОРИНИНГ ЁРДАМЧИСИ .....	55
VII. СЎРОҚ .....	67
VIII. ИФ ҚАЛЪАСИ .....	79
IX. НИКОҲ КУНИНИНГ ОҚШОМИ .....	92
X. ТЮИЛЬРИДАГИ МУЪЖАЗ ОРОМГОҲ .....	98
XI. КОРСИКА ОДАМХЎРИ .....	108
XII. ОТА ВА ЎГИЛ .....	117
XIII. ЮЗ КУН .....	125
XIV. ТЕЛБА МАҲБУС БИЛАН ДАРҒАЗАБ МАҲБУС .....	136
XV. 34-РАҚАМ БИЛАН 27-РАҚАМ .....	149
XVI. ИТАЛИЯ ОЛИМИ .....	167
XVII. АББАТНИНГ ХОНАСИ .....	178
XVIII. АББАТ ФАРИАНИНГ ХАЗИНАСИ .....	199
XIX. УЧИНЧИ ТУТҚАНОҚ .....	213
XX. ИФ ҚАЛЪАСИНИНГ ГЎРИСТОНИ .....	224
XXI. ТИВУЛЕН ОРОЛИ .....	229

## ИККИНЧИ ҚИСМ

I. КОНТРАБАНДИСТЛАР .....	244
II. МОНТЕ-КРИСТО ОРОЛИ .....	251
III. СЕҲРЛИ ЖИЛВА .....	259
IV. НОТАНИШ ОДАМ .....	269
V. «ГАР КУПРИГИ» ҚОВОҚХОНАСИ .....	275
VI. КАДРУССНИНГ ҲИКОЯСИ .....	289
VII. ТУРМА РЎЙХАТИ .....	305
VIII. МОРРЕЛЬ САВДО ХОНАДОНИ .....	312
IX. БЕШИНЧИ СЕНТЯБРЬ .....	327
X. ИТАЛИЯ. СИНДБОД-ДЕНГИЗ САЙЁҲИ .....	344
XI. УЙҒОНИШ .....	370

XII. РИМ ҚАРОҚЧИЛАРИ .....	376
XIII. УЧРАШУВ .....	409
XIV. MAZZOLATA .....	433
XV. РИМДА КАРНАВАЛ .....	449
XVI. САН-СЕБАСТИАНО ҒОРЛАРИ.....	470
XVII. ПИСАНДА .....	488

### УЧИНЧИ ҚИСМ

I. АЛЬБЕРНИНГ МЕҲМОНЛАРИ.....	498
II. НОНУШТА .....	520
III. БИРИНЧИ УЧРАШУВ .....	534
IV. ЖАНОБ БЕРТУЧЧО .....	548
V. ОТЕЙЛДАГИ УЙ .....	553
VI. ҚАСОС .....	561
VII. ҚОНЛИ ЁМҒИР .....	585
VIII. ЧЕКСИЗ ҚАРЗ .....	598
IX. БИР ЖУФТ АРҒУМОҚ .....	612
X. ФАЛСАФА .....	624
XI. ГАЙДЕ .....	636
XII. МОРРЕЛЬ ОИЛАСИ .....	641
XIII. ПИРАМ ВА ФИСБА .....	651
XIV. ТОКСИКОЛОГИЯ36 .....	662
XV. РОБЕРТ – ИБЛИС .....	680
XVI. БИРЖА НАЙРАНГИ .....	696
XVII. МАЙОР КАВАЛЬКАНТИ.....	709
XVIII. АНДРЕА КАВАЛЬКАНТИ.....	721
XIX. БЕДАЗОР.....	734

Адабий-бадий нашр

АЛЕКСАНДР ДЮМА

**ГРАФ МОНТЕ-КРИСТО**

(Иккинчи нашр)

Муҳаррирлар  
Феруза ҚУВОНОВА,  
Маъмура ҚУТЛИЕВА

Мусаҳҳих  
Наврўз БЕКМУРОДОВ

Бадий муҳаррир  
Уйғун СОЛИҲОВ

Саҳифаловчи  
Феруза БОТИРОВА

Лицензия рақами: АІ № 252, 2014-йил 2-октабрда берилган.

Босишга 01.07.2015й.да рухсат этилди.

Бичими 84x108 1\32.

Босма тобоғи 23,375. Шартли босма тобоғи 38,03.

Гарнитура «Benguiat Cyr+Uzb». Газета қоғози.

Адади 5000 нусха. Буюртма № 136.

Баҳоси келишилган нарҳда.

«Янги аср авлоди» нашриётида тайёрланди ва чоп этилди.

100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортоп кўчаси, 60.

**Мурожаат учун телефонлар:**

Нашр бўлими – 278-36-89; Маркетинг бўлими – 128-78-43

факс — 273-00-14; e-mail: [yangiasravlodi@mail.ru](mailto:yangiasravlodi@mail.ru)

**«ЯНГИ АСР АВЛОДИ» НММ**  
**2013 ЙИЛДА**  
**ҚУЙИДАГИ КИТОБЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАДИ:**

**Тоҳир Малик**  
**«ШАЙТАНАТНИНГ ЖИН КЎЧАЛАРИ»**  
**Бичими 84X108 1/32, 544 бет.**  
**Қаттиқ муқова.**

Азиз фарзандларимизга «Қозонга яқин юрсанг – қораси юқади, ёмонга яқин юрсанг – ёмонлиги юқади», деб тарбия бериб, уларнинг ёмонлар таъсирига тушиб қолишидан асраймиз. Аммо, афсуски, «Асраган кўзга чўп тушади», деганларидек, айрим оилаларнинг суюкли фарзандлари тўғри йўлдан чекиниб, жиноят оламининг аянчли кўчасига кириб қолади. Биз «қора қозон»га ўхшатаётган жиноят олами ёшлар кўзига жилваланиб кўринади. Ташна одамни саҳро сароби ўзига тортгандек тортаверади. Ёзувчи жиноят оламини «Шайтанат» – шайтонлар етовидаги олам деб атаган. Фарзандларни тўғри тарбия этишда, ўша «қора қозон»дан эҳтиёт қилишда ёрдами тегармикан, деган хайрли ниятда мазкур китоб нашр этилди.

Шунингдек, адибнинг “ҲАЛОВАТ”, “НАФС КИШАНЛАРИ”, “ТОШ ҚАЛЬЛАРГА ЗИНҲОР НАЗАР СОЛИНМАС”, “ВОЙ, ОНАЖОНИМ...”, “АЁВСИЗ ИЛОН” китоблари ҳам азиз китобхонларимизга мунтазир.

**Зулфия Қуролбой қизи**  
**“ЎЛИМ... ҲЕЧ НАРСА ЭМАС”**  
**Бичими 84X108 1/32, 306 бет.**  
**Қаттиқ муқова.**

Асар қаҳрамонлари кўнгилга яқин кишилар. Уларнинг дарди-дунёси, орзу-армонлари бор. Бу одамларнинг кўнгли – дарё. Бироқ кўнгил, кўнгил деб кўнгилнинг айтганини қилавермайди.

Шунингдек, муаллифнинг “АРМОН АСИРАСИ”, “ЁВУЗЛИК ФАРИШТАСИ” китоблари ҳам нашр этилдики, бу асарлар ўқувчини истеъдодли адибага янада таништиради.

**Анвар Намозов**

**“ЖУМБОҚ”**

**Бичими 84x108 1/32, 292 бет.**

**Қаттиқ муқова.**

Одий одамнинг ҳаёти ҳам жумбоққа айланиши мумкин экан. Айнан шу боис у кўпларда қизиқиш, ҳавас ва ҳасад уйғотади. Ахир бу қаҳрамонга омад кулиб боққан эди-да! Муаллиф турфа феъл-атворга эга кишилар ҳаёти орқали жамиятдаги умргузаронлик мезонларига баҳо беради.

Шунингдек, Анвар Намозовнинг “ОНАСИ ЎПМАГАН ЙИГИТ”, “МЕН – КЎРИНМАС ОДАМ” қисса ва ҳикоялар тўплами ўқувчиларга ажойиб тўхфа бўлади.

**Худойберди Тўхтабоев**

**«ҚАСОСКОРНИНГ ОЛТИН БОШИ»**

**Бичими 84x108 1/32, 400 бет.**

**Қаттиқ муқова.**

Чор Россияси ҳукуматини ларзага солган халқимизнинг фидойи фарзанди Намознинг қутилмаган қарорлари, ботирлиги ва душманларига аёвсизлиги, дўстлари учун жонини фидо қилиши маҳоратли адиб томонидан рўйи-рост кўрсатилган.

Мазкур асар билан бир қаторда, Худойберди Тўхтабоевнинг «БЕШ БОЛАЛИ ЙИГИТЧА», «МУНГЛИ КЎЗЛАР», «ҚИЗ ТАЛАШГАН ЎСМИРЛАР» ва бир қатор «Болалар адабиёти» рукнида «САРИҚ ДЕВНИ МИНИБ», «САРИҚ ДЕВНИНГ ЎЛИМИ», «ШИРИН ҚОВУНЛАР МАМЛАКАТИДА ЁХУД СЕҲРГАРЛАР ЖАНГИ», «ПЕШОНАСИГА ТЕЛЕВИЗОР ЁПИШГАН БОЛАНИНГ САРГУЗАШТЛАРИ» каби асарлари нашрдан чиқди.

**Жалололиддин Румий**  
**«ИЧИНДАГИ ИЧИНДАДУР»**  
**Бичими 84x108 1/32, 240 бет.**  
**Юмшоқ муқова.**

“Ичиндаги ичиндадур” Мавлоно Жалололиддин Румийнинг турли мажлисларда билдирган ўтлуғ фикрларидан таркиб топган. Сиз ушбу рисолаани ўқиб, инсон ва олам, онг ва борлиқ, инкор ва исбот, хаёл ва амал сингари фалсафий тушунчаларнинг асл моҳиятини англайсиз. Ва ҳамма нарса Ўзингизда, ҳамма нарса Ўзингиздан эканлигига яна бир бор иймон келтирасиз.

**Иброҳим Ғафуров**  
**«ПРИВАШЛАР МАЖЛИСИ»**  
**Бичими 84x108 1/32, 420 бет.**  
**Қаттиқ муқова.**

Паривашлар – аввало Сўз. Гўзал сўз. Бадиий сўз. Катта ҳарфлар билан ёзиладиган Сўз. Муаллифнинг бу янги китобига кейинги бир неча йилда ёзилган асарлари сайланиб жамланди. Китобдан мансуралар, ҳикоялар, бадиалар (эсселар) ўрин олди.

**Фахриддин Содик**  
**«БИРИНЧИ БАХТ»**  
**Бичими 84x108 1/32, 218 бет.**  
**Юмшоқ муқова.**

“Одамга тўғри йўлдан юрадиган оёқлар эмас, ўнг ва чап оёқлар берилган. Тўғри йўлни танлаб юриш одамнинг ўзига боғлиқ”. Ҳаётимизнинг ҳар бир манзарасида кечаги кун сабоғи, буғуннинг шиддати ва келажакнинг аломати бор. Бу ҳаммамизга маълум. Ҳаётининг манзаранинг мўъжаз тафсилоти – ҳикоя. Ичинингиздаги зиддиятлар билан курашасиз. Ким устун келади – сизми, зиддиятларми? Ҳикоя айнан сизга хос бўлган кечинма ва қадриятингиз, шунингдек, изтироб ва қувончингиз ҳақида. У шуниси билан, ҳаётининг билан қадри. Ҳикоянинг воқеалари кўз ўнгингизда давом этади.



**Ҳусния Пардаева**  
**«ОИЛА БАХТИ»**  
**84x108 1/32, 64 бет.**  
**Юмшоқ муқова.**

2013 йилнинг Юртимизда «Обод турмуш йили» деб эълон қилиниши муносабати билан нашрга тайёрланган мазкур китоб маълум маънода оилаларнинг ободлигига хизмат қилади.

Оила бахти – таърифи чексиз, салмоғи ўлчовсиз тушунча. Ушбу китобда оила ва унинг инсон ҳаётида тутган ўрни ҳақида фикр юритилган. Китобхонларнинг қизиқишларини эътиборга олиб, китоб саҳифаларида мавзуга оид ҳуқуқий қонун меъёрларини беришни лозим топдик.

Шунингдек, ҳар бир мавзу юзасидан саҳифаларда ҳаётий мисолларнинг берилиши унинг таъсир қилиш имкониятини кенгайтиради, деб ўйлаймиз.

Китоб сўнггида берилган ибратли ҳикоятлар сизнинг эътирофингизга сазовор бўлади, деган умиддамиз.

### **«ҒОЛИБЛИК ҚОНУНИ»**

**Нашрга тайёрловчи:**

**Замира Бешимова**

**84x108 1/32, 72 бет.**

**Юмшоқ муқова.**

Ҳар бир инсон ўзида мавжуд қобилият ва сифатлар билан яшашни ўрганиши керак. Асосий диққат бизда бор бўлган ва биз тушунадиган, қила оладиган нарсаларга қаратилиши керак. Афсуски жуда кўпчилик инсонлар ўзида йўқ, тушунмайдиган ва қила олмайдиган нарсаларга диққат-эътиборларини сарфлашади ва эриша олмаган нарсаларидан азият чекишади. Аслида-чи? Тўғри йўл ва у орқали ғолиблик ҳақида айнан ушбу китобдан керакли ва қимматли маълумотлар олишингиз мумкин.



# Александр Дюма (1802 – 1870)

Асл исми Маркиз Александр Дюма Дави де Ла Пайетри.

1802 йил 24 июлда Париждан унча узоқ бўлмаган Вилле-Котре шаҳрида дунёга келган. Болаликдан зукко бўлиб ўсган, кўйлаб мумтоз адабиёт, эсдалиқлар ва хроника жанридаги китоблар мутолаа қилган.

Дюманинг ижодий фаолияти Уйғониш даврига тўғри келган. Бурбонлар монархиясининг ўрнатилиши, 1789 – 1794 йиллардаги ғалаёнлар, Франция Конституциясининг қабул қилиниши ёзувчини бефарқ қолдирмаган.

«Уч мушкетёр» (1844), «20 йилдан сўнг» (1845), «Қиролича Марго» (1846), «де Монсаро хоним» (1846), «Қирқ беш» (1848) каби асарлар Дюманинг ёзувчи сифатидаги юксак маҳоратидан далолат беради.

Унинг «Граф Монте-Кристо» романи эса 1844 – 1845 йилларда ёзилган бўлиб, мазкур асар ижодкорга катта шуҳрат олиб келган. Роман асосида спектакллар намойиш этилган, кинофильмлар суратга олинган.

Александр Дюма 1870 йилда 68 ёшида вафот этган.

Монте-  
Кристо

Граф

*Уф. қалъасининг  
муҳби*

Александр  
Дюма

ISBN 978-9943-27-374-0



9 789943 273740